ЮҚОРИ ТЕЗЛИКДА ТИҒЛИ ИШЛОВ БЕРИШДА СИРТ ҒАДИР-БУДИРЛИКЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдуллаев Баҳодиржон Икромжонович ассистент, Андижон машинасозлик институти

Абдушукурова Сарвиноз Аъзамжон қизи

Собитжонов Содиржон Самаджон ўғли

Қўзибеков Жавоҳир Жаҳонгир ўғли

Андижон машинасозлик институти талабаси

Сирт ғадир-будирлиги – бу сирт рельефини ҳосил қилувчи нисбатан жуда кичик қадамли нотекисликлар йиғиндисидир. Механик ишлов берилганидан сўнг сирт ғадир-будирлиги – бу дастгоҳ-мослама-кесувчи асбоб-детал технологик тизимининг кесиш жараёнида ҳосил бўладиган титрашлари орқали пайдо бўладиган пластик ва эластик деформациялар билан оғиш натижасидаги кесувчи асбобнинг геометрик изидир.

Геометрик нотекисликлар ишлов бериш вақтида металлни физик-механик хоссаларининг пасайиши билан узвий боғланган. Мўрт материалларга ишлов беришда сирт ғадир-будирлиги юлиб олинган донача шаклига мос бўлган учбурчак шаклидаги ўйиқлар шаклида бўлади. Маҳсулотнинг ишлаш шароитидан келиб чиққан ҳолда сиртнинг мақбул ғадир-будирлигини технологик таъминлаш учун сирт ғадир-будирлиги ва технологик омиллар (кесиш услублари ва режимлари, геометрияси ва кесувчи асбоб материалининг ейилиши, совитиш-мойлаш муҳити, СМАД технолгик тизимининг бикрлиги ва титрашга турғунлиги ва бошқ.) критерияси орасидаги ўзаро алоқадорликни билиш муҳимдир. Ғадир-будирликни ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш, юқори тезликда ишлов бериш хусусиятлари асосида мўрт ейилиш механикасини ҳисобга олган ҳолда уни корректировкалаш ушбу тадқиқотнинг вазифаси ҳисобланади. Асосий геометрик профил кўринишиниг ўзгариши ва трансформациясига сабаб кескич ишчи тиғларининг микронотекисликларини нусхалаши ва тишларда ўсимтани пайдо бўлиши, кесувчи асбоб ўтганидан сўнг детал материалининг эластик тикланиши ва механик ишлов бериш шароитини ҳисобга олувчи бошқа технологик омиллардир [1].

Б.Н. Леонов томонидан таклиф этилган 1-формулада ҳисоб учун суришнинг қатьий қиймати олинмай, унинг a_1 функция кўринишидаги қиймати олинади. Кесиш жараёнининг технологик ва геометрик омиллари ҳамда ишлов берилувчи материалнинг физик-механик хоссаларига боғлиқ ҳолда кесиш қалинлиги a_1 ни аниқлаш a_1 га нисбатан кесиш жараёни критериал тенгламаси ва кесиш кучи

тангенциал ташкил этувчиларини аниқлаш тенгламаларини биргаликда ечиш билан аниқланиши мумкин [2].

С.С.Силин йўнишда нотекисликлар баландлигини аниқлаш учун ҳисобий формулани олди. Ушбу формула амалда қўллаш учун мураккаб бўлиб жуда кўп ўзгарувчиларни ўз ичига олган. Шу билан бирга унда кесувчи тиғ радиуси ρ_1 ва кесиш қалинлигини боғлиқлик нисбатини ўз ичига олган коэффициентлар ҳам мавжуд.

В.Ф. Бобров томонидан таклиф этилган ишлов берилган сирт ғадир-будирлигини аниқлаш ҳисобий формуласидан фойдаланамиз [3].

$$R_z = 1000S_z \frac{sin\varphi \cdot sin\varphi_1}{sin\varphi + sin\varphi_1}, \qquad (1)$$

бунда: *Sz* – битта тишга суриш; φ – пландаги бош бурчак; φ_1 – пландаги ёрдамчи бурчак. Ушбу формула кесиш бурчаклари билан бирга кесиш режимларини (суриш) ни ҳам ҳисобга олади.

Хулоса:

Юқори тезликда ишлов бериш хусусиятларини таҳлили асосида ғадир-будирлик, микроқаттиқликларни чуқурлиги ва қийматларини аниқлаш услуби танланди. Сирт қатламининг структура-фазали таркибини аниқлаш учун махсус ва қимматбаҳо приборларни қўлламасдан микрошлифнинг фото расмидан фазаларнинг фоизли улушини аниқлаш имконини берадиган услуб ишлаб чиқилди. Бажарилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

1. Тобланган пўлатларни тадқиқ қилинувчи режимларда юқори тезликда торецли тоза фрезалашда деталнинг сирт қатламида қисувчи қолдиқ кучланишлар ҳосил бўлади.

2. Қолдиқ кучланишларнинг қиймати суриш ва кесиш чуқурлигига тўғри пропорционал, кесиш тезлигига эса тескари пропорционалдир.

3. Микроқаттиқликнинг чуқурлиги ва даражасига кесиш тезлиги ва чуқурлиги энг кўп таъсир кўрсатади. Кесиш тезлигини ошириш билан, суриш ва сиртнинг микроқаттиқлиги камаяди. Кесиш чуқурлигини ошириш билан, суриш ва сиртнинг микроқаттиқлиги ортади.

Юқорида келтирилган тадқиқот натижаларини ҳисобга олган ҳолда, кесиш режимлари детал сирт қатламининг сифатига айтарли таъсир кўрсатади деб хулоса қилиш мумкин. Кесишнинг мақбул режимларини танлаб сирт қатламининг берилган сифати таъминланган детални олиш мумкин.

Адабиётлар

1. Силин С.С. Исследование термомеханических явлений при резании металлов методами теории подобия / С.С. Силин // Автореф. дис. док. М., 1970.

2. Силин С.С. Применение метода подобия для определения обрабатываемости резанием современных материалов / С.С.Силин // Новые методы определения обрабатываемости материалов резанием и шлифованием. Ярославль, 1957. С. 214.

3. Thiele J.D. Effect of Cutting-Edge Geometry and Workpiece Hardness on Surface Residual Stresses in Finish Hard Turning of AISI 52100 Steel / Jeffrey D., Shreyes N. Melkote, Roberta A. Peascoe, Thomas R. Watkins // Jomal of Manufacturing Science and Engineering, 2000, №4. - 642-649.

SANOATDA FOYDALANILADIGAN BUG' GENERATORLARI

Arzikulov Xusnidin Murodjon o'gli

Assistant, Andijon mashinasozlik instituti, Andijon, O'zbekiston

Bugungi kunda sanoat bug' generatorlardan foydalanadigan ishlab chiqarishlar soni talaygina. Ushbu qurilma sanoat ob'ektlarining ishlashini yanada samarali qiladi, chunki ishlab chiqarilgan bug' issiqlik tashuvchisi hisoblanadi, turli xil yoqilg'ilar bug' generatorining energiya manbai hisoblanadi. Bug' generatorlari kimyoviy korxonalarida ma'lum moddalarni isitish, texnologik jarayonni amalga oshirish yoki har qanday qismlarni, narsalarni bug'lashni imkonini beradi. Hozirgi vaqtda bunday bug' generatorlari isitish tizimlari sifatida, xonadagi namlikning ma'lum darajasini ta'minlash, mahsulotlarni sterilizatsiya qilish va qayta ishlash uchun ishlatiladi.

Sanoat bug' generatoridan maqsadli foydalanish.

1. Ayrim moddalarni (sariyog', yoqilg'i moyi, kimyoviy birikmalar) tashishda, ya'ni ularni sovuq mavsumda tashishda, yopiq qozon va quvurlarda kerakli haroratni isitish va saqlash uchun.

2. Havosi quruq bo'lgan turli xonalarda, namlikni oshirish uchun.

3. Oziq-ovqat sanoatida – konservalash jarayonida, bug'lash, pasterizatsiya jarayonlari (masalan, sut mahsulotlari), asbob-uskuna qismlarini va idish yuvish mashinalarida maxsus issiqlik bilan ishlov berish jarayonida.

4. Qishloq xo'jaligida – yem-xashakni bug'lashda va granullangan yemlarni bug'lab ishlab chiqarishda.

5. Qurilish sanoatida – bug' generatori yordamida qurilish materiallari, penoplast (ko'pikli material), asfalt va boshqalar yaratiladi. Bundan tashqari, ushbu qurilma tufayli armatura va qurilish maydonchalari beton bilan to'ldirilganda tezda muzdan tozalash imkonini beradi. Qish mavsumida beton massasini bug' generatori yordamida quritish ancha samaraliroqdir.

6. Yog'och materiallariga ishlov berish sanoatida – bug' generatori yordamida yog'och va yog'ochdan tayyorlangan materiallar quritiladi.

7. Yoqilg'i-moylash materiallari, mazut va boshqalar uchun maxsus bug' generatorlari foydalaniladi.

8. Qog'oz va sellyuloza-qog'oz mahsulotlari ishlab chiqarishda.

9. Tibbiyot va farmatsevtika sanoatida - dezinfektsiyalash vositasi sifatida, shuningdek kiyim va asboblarni sterilizatsiya qilish jarayoni uchun.

10. Kimyo va kosmetika sanoatida - dezinfektsiyalovchi sifatida.

11. Elektr stansiyalarining ishlashi qulaylashtirish uchun.

12. To'qimachilik sanoatida - tikuvchilik tarmoqlarining samarali ishlashi uchun.

13. Kir yuvish va quruq tozalash vositalarining ishi uchun - Ayniqsa, kuchli ifloslangan moddalar bug' bilan tozalanadi, bunday tozalash jarayoni esa material uchun eng xavfsiz bo'lib qoladi.

14. Hammom va saunalarning ishlashi uchun.

15. Quvurlarni isitish qo'llaniladi

Alohida takidlash mumkinki, oziq-ovqat sanoatida bug'generatoriga bo'lgan ehtiyoj bugungi kunda ortib bormoqda. Bug' generatori sut, baliq, go'sht mahsulotlari, sabzavotlarni turli xil issiqlik bilan ishlov berish uchun ishlatiladi. Go'sht ishlab chiqarishda - mahsulotlarni muzdan tushirish va pishirish uchun (sanoat bug' generatori doimiy ravishda saqlanadigan 75-85 ºC oralig'ida ma'lum bir haroratni o'rnatadi).

Bug' generatori pivo va alkogol ishlab chiqarish uchun ularning pechlariga bug' yetkazib berishda ishlatiladi. Shuningdek, idishlarni dezinfektsiyalashda, xom sut mahsulotlarini ishlab chiqarishda ishlatiladi. Bug' generatorlari qandolat sanoatida ham qo'llaniladi (maxsus qaynatiluvchi qozonlar bug' generatori yordamida isitiladi). Non mahsulotlarini ishlab chiqarishda xamirni tayyorlashda bug' generatori tomonidan ishlab chiqarilgan bug' ishlatiladi.



1-rasm. Elektrodli bug' generatorining tuzulishi va tashqi ko'rinishi.

Sanoat bug' generatori tejamkor bo'lib, energiya xarajatlarini sezilarli darajada tejash imkonini beradi va faqat iste'mol vaqtda kerakli miqdorda bug' chiqaradi, shu tufayli bug' generatori boshqa agregatlardan ancha ustundir.

Sanoat generatori qanday ishlaydi? Sanoat bug' generatorining konstruksiyasi bir vaqtning o'zida bir nechta muhim elementlarni o'z ichiga oladi. Zamonaviy bug' generatorlari mobil, kichik o'lchamli, ishlatish uchun qulaydir (qattiq yonilg'i modellari bundan mustasno). Odatda, sanoat bug' generatorlari issiqlik va bug' ishlab

chiqarish uchun oddiy suvdan foydalanadilar, shuning uchun bug‘ ishlab chiqaruvchi qurilmada qo'shimcha suv boki bo‘lishi kerak. Biroq, ba'zi modellarda bug‘ suvdan emas balki, yoqilg‘ining yonishi paytida chiqadigan issiqlikdan olinadi. Har qanday bug‘ generatori, uning turidan qat'iy nazar, karkas ramka, bug' hosil bo'ladigan qozon va elektron boshqaruv blokiga ega bo'ladi. Jihozni suv bilan ta'minlash uchun nasos ham qo'shimcha ravishda o'rnatilishi mumkin.

Bundan tashqari, bug‘ generatori suv, bosim, harorat ko‘rsatkichlari darajasi va ta'minoti monitoringi va qurilmada biron bir nosozlik bo‘lsa, avtomatik o‘chirish funktsiyasi va xavfsiz rejim funksiyasi bilan jihozlanishi mumkin.

Sanoat bug‘ generatori turlarini hisobga olgan holda tanlash bosqichlari.

1. Avvalo, qanday turdagi bug‘ generatori kerakligini aniqlash kerak. Bugungi kunda uskunalar ishlab chiqaruvchilari gaz, elektr (induksion, qarshilik qurilmali, elektrodli), suyuq va qattiq yoqilg‘i modellarini taklif qilishmoqda. Ularning har biri o‘ziga xos xususiyatlarga ega.

Masalan, gaz va elektr (induksion, qarshilik qurilmali, elektrodli) bug‘ generatorlari hozirgi vaqtda eng ommabop hisoblanadi, chunki ular ekologik jihatdan toza, atrof-muhitga va odamlarga zarar yetkazmaydi, zararli chiqindilar chiqarmaydi, ishlashi juda oddiy va tejamkor. Gazli bug‘ generatorlari oziq-ovqat sanoatida (sterilizatsiya, konservalash, zararsizlantirish uchun), sellyuloza va qog‘oz ishlab chiqarishda, temir-beton buyumlar ishlab chiqarishda ham qo‘llanilishi mumkin.

Lekin elektr (induksion, qarshilik qurilmali, elektrodli) modellari universal bo‘lib, nafaqat yuqoridagi ob'ektlarda, balki boshqa ko‘plab narsalarda ham qo‘llanilishi mumkin. Induksion elektr bug‘ generatorlari mijozning ehtiyojlariga qarab turli quvvat va bug‘ chiqishi bilan ishlab chiqariladi. Ko‘pincha ular kolbasa, pishloq, pivo, vinochilik, parrandachilik fermalari, sharbat ishlab chiqarish, yog‘ochni qayta ishlash sanoati, pasterizatsiyalangan sut mahsulotlari ishlab chiqaruvchilari va boshqa sohalarda qo‘llaniladi.

Suyuq yoqilg‘ida (odatda benzin, mazut, dizel yoqilg‘isi) ishlaydigan bug‘ generatorlari ishlab chiqarishda ham yuqori tejamkor, ular ixcham, qulay, lekin elektr (induksion, qarshilik qurilmali, elektrodli) kabi ekologik toza emas. Suyuq yoqilg‘ida ishlaydigan sanoat bug‘ generatorlari atrof-muhitga ko'p miqdorda zararli moddalar chiqaradi, shuning uchun ular maxsus quvurlar va sanoat chiqindilari uchun chiqish joylarini o‘rnatish zarurdir.

Xuddi shu muammo, ya'ni yuqori atrof-muhit ifloslanishi, qattiq yoqilg‘ida - ko‘mir, yog‘ochda ishlaydigan bug‘ generatorda ham mavjud. Bunday bug‘ generatorlarining afzalligi yoqilg‘ining arzonligi, ammo boshqa jihatlari bo‘yicha ular gazli bug‘ generatorlaridan sezilarli darajada pastroqdir, chunki bir qator kamchiliklar (yonish paytida ko'p miqdorda chiqindilar, atrof-muhitga sezilarli zarar va boshqaruvdagi qiyinchiliklar) ta'minlanmaydi.

2. Sanoat bug‘ generatorining funktsional xususiyatlariga e'tibor berish kerak. Ba'zi modellar qurilmadan foydalanishni soddalashtiradigan qo‘shimcha funksiyalar

bilan jihozlangan bo‘lishidi. Bu funksiyalarga quyidagilar kiradi: cho‘kmalar hosil bo‘lganda ogohlantiradigan ya’ni suvni tayyorlash, nasosni “suvsiz” ishlashidan himoya qilish funksiyasi, tizimdagi suv sathini va harorat ko’rsatkichlarini kuzatish funksiyasi, suvni tejash funksiyasi (kondensatsiyalangan bug‘ni qayta ishlatilishi tufayli).

Adabiyotlar

1. Частухина,-К., Тепловой расчет промышленных парогенераторов/Под ред. В. И: Вища школа, 1980.
2. Н.В. Кузнецова, В.В. Митора., Тепловой расчет промышленных парогенераторов (нормативный метод)/ Под ред., М: Энергия, 1973.
3. Роддатис К. Ф., Котельные установки.-М.: Энергия, 1977.
4. https://tdeko.com/poleznoe/oblasti-primeneniya-promyshlennyh-parogeneratorov/ internet manzili.

ASINXRON MOTORNING STATOR TOKI VA QUVVAT KOEFFITSIETINI UCH FAZALI TOK DATCHIGI ASOSIDA ANIQLASH

Karimjonov Dilyorbek Doniyorbek o‘g‘li, tayanch doktorant
Andijon mashinasozlik institut, Andijon, O‘zbekiston

Asinxron motorning stator pazlariga joylangan sezish elementini (o‘lchov chulg‘ami) stator qismidagi asosiy va sochilish magnit oqimlari kesib o‘tishi natijasida chiqishda kuchlanish ko‘rinishidagi signal hosil bo‘ladi. Bu chiqish kuchlanishini qiymati asinxron motorning stator chulg‘ami o‘ramlar soni w_1 , qarshiligi Z_1, manba kuchlanishi U_1, stator chulg‘amidan o‘tuvchi tok kuchi I_1 va sezish elementi o‘ramlari soni w_2 (odatda w_2=1 yoki 2) ga bog‘liq [1]:

$$U_{out.1} = \frac{w_4}{w_1} \cdot (U_1 - Z_1 \cdot I_1);$$
$$U_{out.2} = \frac{w_5}{w_2} \cdot (U_2 - Z_2 \cdot I_2); \qquad (1)$$
$$U_{out.3} = \frac{w_6}{w_3} \cdot (U_3 - Z_3 \cdot I_3).$$

(1) ifoda bo‘yicha uch fazali tok o‘zgartkichining chiqishlaridan qiymati teng va faza jixatdan 120^0 gradusga farq qiluvchi kuchlanishlar olinadi.

Asinxron motor statorining xar bir fazasidagi tokning qiymati 1-formulaga asosan quyidagi formulalar orqali aniqlanadi. Tok kuchining qiymati quyidagi tenglama orqali aniqlanadi (2). Asinxron motor statorining xar bir fazasidagi toklarning aktiv va reaktiv tashkil etuvchi qiymatlari, to‘la qiymatlari (3) aniqlanadi. Asinxron motorning sezgir elementidan chiquvchi kuchlanishning qiymati asosida asinxron motorning kuchlanish va tok orasidagi faza siljish burchagi va quvvat koeffitsienti quyidagicha aniqlanadi (2,3).

Asinxron motorning stator pazlariga joylashtirilgan sezgir elementdan kuchlanish ko‘rinishida chiquvchi signalning qiymati, asinxron motorning statorida hosil bo‘lgan tokning qiymatiga va quvvat koeffitsientga proporsionaldir. Asinxron motor uch fazali

tok o'zgartkich signali orqali asinxron motor stator tokining qiymati va quvvat koeffitsienti yuqoridagi tadqiqotlar orqali aniqlandi. CASSYLAB qurilmasi orqali asinxron motorning sezgir elementidan chiquvchi kuchlanish qiymati va manba kuchlanishi bilan faza siljish burchagi amaliy aniqlandi. Aniqlangan ushbu qiymatlar asosida Proteus va Arduino dasturlari yordamida asinxron motorning stator tok kuchi va quvvat koeffitsientini aniqlash modeli ishlab chiqildi.

$$I_{1.active}=\frac{\frac{U_{0.1}}{\sqrt{2}}\cdot\cos(-90^0)-\frac{w_4}{w_1}\cdot\frac{U_{0.out.1}}{\sqrt{2}}\cdot\cos(\beta_1-90^0)}{R_1+jX_1};\qquad I_{1.reactive}=\frac{j\cdot\left(\frac{U_{0.1}}{\sqrt{2}}\cdot\sin(-90^0)-\frac{w_4}{w_1}\cdot\frac{U_{0.out.1}}{\sqrt{2}}\cdot\sin(\beta_1-90^0)\right)}{R_1+jX_1};$$

$$I_{2.active}=\frac{\frac{U_{0.2}}{\sqrt{2}}\cdot\cos(30^0)-\frac{w_5}{w_2}\cdot\frac{U_{0.out.2}}{\sqrt{2}}\cdot\cos(\beta_2+30^0)}{R_2+jX_2};\qquad I_{2.reactive}=\frac{j\cdot\left(\frac{U_{0.2}}{\sqrt{2}}\cdot\sin(30^0)-\frac{w_5}{w_2}\cdot\frac{U_{0.out.2}}{\sqrt{2}}\cdot\sin(\beta_2+30^0)\right)}{R_2+jX_2};\qquad (2)$$

$$I_{3.active}=\frac{\frac{U_{0.3}}{\sqrt{2}}\cdot\cos(-210^0)-\frac{w_6}{w_3}\cdot\frac{U_{0.out.3}}{\sqrt{2}}\cdot\cos(\beta_3-210^0)}{R_3+jX_3};\qquad I_{3.reactive}=\frac{j\cdot\left(\frac{U_{0.3}}{\sqrt{2}}\cdot\sin(-210^0)-\frac{w_6}{w_3}\cdot\frac{U_{0.out.3}}{\sqrt{2}}\cdot\sin(\beta_3-210^0)\right)}{R_3+jX_3};$$

$$I_1=\sqrt{I_{1.active}^2+I_{1.reactive}^2};\qquad \varphi_1=\left(90^0+arctg\left(\frac{I_{1.reactive}}{I_{1.active}}\right)\right);\qquad Powerfactor_1=\cos\varphi_1;$$

$$I_2=\sqrt{I_{2.active}^2+I_{2.reactive}^2};\qquad \varphi_2=\left(90^0+arctg\left(\frac{I_{2.reactive}}{I_{2.active}}\right)\right);\qquad Powerfactor_2=\cos\varphi_2;\qquad (3)$$

$$I_3=\sqrt{I_{3.active}^2+I_{3.reactive}^2};\qquad \varphi_3=\left(90^0+arctg\left(\frac{I_{3.reactive}}{I_{3.active}}\right)\right);\qquad Powerfactor_3=\cos\varphi_3;$$

Tadqiqotlar 4AA63A4Y3 tipli qisqa tutashgan rotorli asinxron motorda olib borildi. CASSYLAB, Proteus va Arduino programmlaridan olingan natijalar.

Asinxron motor stator tokning qiymatlari:

1. I_1=0.87 A, Katalogdagi qiymat.
2. I_1=0.915 A, CASSYLAB qurilmasi yordamida aniqlangan qiymat.
3. I_1=0.9 A, Proteus dasturida aniqlangan qiymat.

Asinxron motorning quvvat koeffitsientining qiymati:

1. cosφ=0.65, Katalogdagi qiymat.
2. cosφ=0.653, CASSYLAB qurilmasi yordamida aniqlangan qiymat.
3. cosφ=0.65, Proteus dasturida aniqlangan qiymat.

Manba kuchlanishi va chiqish kuchlanishi orasidagi faza siljish burchagi qiymatlari:

1. β_1=-9.95°, CASSYLAB qurilmasi yordamida aniqlangan qiymat.
2. β_1=-9.89°, Proteus dasturida aniqlangan qiymat.

Asinxron motor sezgir elementidan chiquvchi kuchlanishning qiymati:

1. U_{out}=2.38 V, CASSYLAB qurilmasi yordamida aniqlangan qiymat.
2. U_{out}=2.4 V, Proteus dasturida aniqlangan qiymat.



1-rasm. CASSYLAB qurilmasi orqali aniqlangan manba kuchlanishi, chiqish kuchlanishi va ular orasidagi faza siljish burchagi grafiklari.



2-rasm. Proteus dasturi orqali aniqlangan manba kuchlanishi, chiqish kuchlanishi va ular orasidagi faza siljish burchagi grafiklari.



a) b)

3-rasm. Aniqlangan natijalarni solishtirish diagrammalari.

a) aniqlangan tok kuchlari, b) aniqlangan quvvat koeffitsientlari.

Adabiyorlar

1. Siddikov I. Kh., Boikhonov Z. U., Karimjonov D. D. Elements And Devices For Monitoring And Controlof Energy Efficiency. The American Journal of Engineering and Technology. Published: September 29, 2020 Pages: 136-148.

2. М.Т. Махсудов, Д.Д. Каримжонов. «Асинхрон моторларнинг реактив қувватини назорат ва бошқаруви учун ток ўзгарткичларининг динамик тавсифлари тадқиқи» // Энергия ва ресурс тежаш муаммолари. ISSN (online) 2181-1946, №3, 240-248 б, Тошкент 2021 й.

MAMLAKATIMIZDAGI ZARARLI O'SIMLIKLARNI ELEKTROTEXNOLOGIK USUL BILAN YO'Q QILISH.

A.M.Denmuxammadiyev, Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash instituti (Ilmit tatqiqot universitetu)

S.S A'zamov, Andijon mashinasozlik instituti tayanch doktoranti

azamovsaidikrom1992@gmail.com (*998909403133*)

Ma'lumki bugungi kunda dunyoda va mamlakatimizda ma'ishiy chiqindi va zaxarli gazlardan ximoya qilish uchun yashil, makon va yer kurrasini yashil sof, biologik toza qobiq yaratish borasida qator ishlar amalga oshirilmoqda maqolada xozirgi kunda zarpechak (*Cuscuta*) oilasiga mansub begona o'tiga qarshi kurashishda

ham mamlakatimiz va dunyo oilmlari tomonidan bir qator izlanishlar olib borilmoqda, *Cuscuta* turkumi zarpechaklari, chirmovdoshlar *(CuscUlacea)* oilasiga oid zarpechaklar parazit o‘simliklardir.

Bu turkum o‘simlikning dunyoda 270 dan MDH da 36 dan mamlakatimozfa 15 dan ortiq turlari tarqalgan va poliz va ekinzorlarni zararlashda davom etmoqda hosildorkining pasayishiga asosiy zarar yetkazib kelmoqda va yaqin turlari birlashtirib, ulardanyuqorida aytganimizdek 36 turi MDH hududlarida uchraydi. Ularning ildizi va yashil barglari bo‘lmaydi. Zarpechaklar o‘simliklarga yopishib olib, ularning shirasini so‘rib, oziqlanadi. Poya va shoxlari sariq yoki Pushti rangda bo‘lib, kuchli darajada shoxlab ketadi. Urug'idan hamda poya qismlaridan ko‘payadi. Zarpechak madaniy o‘simliklar shirasini so‘rib, qishloq xo‘jaligiga kaua zarar keltiradi. O‘zbekistonda zarpechak bilan ko‘proq kanop. beda va sabzavot-poliz ekinlari zararlanadi. Zarpechakning ba’zi turlari tok va boshqa mevali daraxtlami ham zararlaydi. Tarkibida kuskudin va kustamin alkaloidlari bo‘lgan zarpechak chorva mollari uchun zaharlidir. Ularning barcha turlari ham karantin o‘simliklar hisoblanadi, zarpechak o‘simligiga kimyoviy kurashish nammuhit va osimlikning tanasiga chirmashib o‘sganligi sababli begona o‘tni yoq qilishga berilgan kimyoviy gerbestit natijasida foydali o‘simlikning ham erkin va yaxshi rivojlanishiga o‘z tas’sirini ko‘rsatmasdan qolmaydi.



Sxema 1 o‘simlikga chastota orqali ta’sir etishni ko‘rishimiz mumkin

Elektr impulslarining xususiy ko‘rinishi elektr uchqunlari o‘simlikning biologik obyektlarga halokatli ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Bu tajriba zarali o‘simlikning urug‘lashidan oldin qo‘llash ayni samarasini oshiradi, bunga asosiy sabab albatta zararli chirmovuq urug‘i yana kelasi navbatdagi mavsumdagi o‘simlikga yana zarar yetkazishini ham himoya qilinadi, yana elektr impulsining samarali jihatidan biri, yig‘im-terim oldidan o‘simliklarning yetilishini tezlatish uchun qo‘llash ham ayni samarali usul bo‘lib hizmat qiladi. Yana bu effekt quritishni tezlatishga, begona

o'tlarni batamom yo'qotishga va hokazolarga (masalan, qizil lavlagini yig'ib olish oldidan ishlov berish, o'tlarga quritishdan oldin ishlov berish) lavlagini misolida qaralganda uni yig'ib olish oldidan elektr uchqunli ishlov berilganda razryad toki o'tgan joyda tromb (tiqin) hosil bo'ladi, lavlagi boshlariga ozuqa qisqaradi va donlari bilan birgalikda 10 -15 kun o'tgach ma'lum bo'ladi. Hozirgi vaqtda yana shunisi ham foydaliki uchqunli razryaddan begona o'tlarni yo'qotishda, o'simliklarni yaganalashda, vilt kasalligi bilan kurashda ayni samara beradi. Biz bilamizki o'simliklarni xozirda quritishda asosan kantakt ta'sir etib quritish va texnologik pech orqali quritish mavjud biz o'simlikni faqatgina ayni yashab turgan muhitning o'zida unga chirmashib o'sayotgan o'simlikni yoq qilib foydali o'simliklarimiz umrini uzaytirishdan ilborat bo'ladi, bunda aynat kantakt ta'sir etishimiz va chastotniy ta'sir etishimiz mumkin.



Zarpechak (Cuscuta) oilasiga mansub begona o'tining o'simlik tanasiga yopishib undan ozuqa olishini ko'rishimiz mumkin

Hozirgi kunda aynan zararli o'simliklarni yoq qilishning biologik usulida kantakt va sistemniy ta'sir etadigan gerbotsit orqali ta;sir qilinganda foydali o'simlikni ham umriga zomin bo'lishi yoki rivojlanishini bir xaftadan bir oygacha orqaga surishi va natijada ko'zlangan xosilni ayni muddatda bermasligi 2 marat xosil oladigan yerlarni 1 marta yoki ko'zlangan sentner bermasligiga olib kelmoqda elektrotexnolgik usul bilan yo'q qilish samarali ekenligini bemalol ko'rishimiz mumkin.

Xulosa qilib aytganda zararli o'simliklarga qarshi kurashishning ayni usuli bizning xududimiz uchun samarali hisoblanib bu usul qulay va yuqori samara olish mumkinligini ko'rishimiz mumkin va baoshqa xududlarda xam tajriba o'tkazib xududga mos bo'lgan qurilma yasab foydalanilsa qishloq xo'jaligimiz va yashil

tabiatga qulay va erkin yashashi uchun va yuqori samaradagi hosil olish uchun xizmat qiladi.

Adabiyotlar

[1].Aktam Denmukhammadiyev, Almardon Mustafoqulov, imalokhon Valikhonova, Erkin Sobirov and Temur Raimov // Electricity metering and backup power supply for multi-storey buildings: CONMECHYDRO – 2021, E3S Web of Conferences 264, 05051 (2021)

[2].Denmukhammadiyev AM, Jalilov AU 2018 Journal of Problems of Energy and Resource 3-4 166

[3]. A.M.Denmuxammadiyev, S.S A'zamov Andijon davlat universiteti Andijon mashinasozlik instituti *«Fan,ta'lim va texnikani innavatsiyon rivojlantirish masalalari»*Халқаро илмий-амалий онлайн анжуман "Muqobil energiya manbalarining bugungi kunda qishloq xo'jaligi agrotexnologiyalarida tutgan ahamiyati va afzaligi".113-116.b

ЭЛЕКТР КАБЕЛ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ШКАСТЛАНГАН ЖОЙЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ

Абдухалилов Дилшодбек Корабоевич, ассистент

Андижон машинасозлик институти Андижон, Ўзбекистон

Республикамизда охирги йилларда амалга оширилаётган ислохатлар натижасида, яъни хаёт тарзи ривожланииб бориши, турли иннавацион замонавий технологияларни қўлланилиши натижасида электр энергиясига бўлган талаб янада ориб бормоқда. Замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, саноат, қишлоқ хўжаликлиги ва маиший объектларда ҳозирда кўпроқ кабел тармоқларидан фойдаланилмоқда. Кабеллар икки уч ва ундан ортиқ изоляцияга эга бўлиб, узоқ хизмат қилиши, юқори ишончлилиги ва хавфсизлиги билан ажралиб туради. Кабел тармоқлари 0,4 кВ ли ва 1 кВ дан юқори кучланишда қўлланилиши йўлга қўйилган.

Кабел тармоқларининг ишлатишга мураккаб жихатларидан бири, кабел тармоғида шкастланиш (узилган, қисқа туташув, юклама ва ҳоказо) жойларини тўғри топишдир. Кабел тармоқлари кўпчилик ҳолларда ёпиқ ўрнатилган бўлади.

Кабел тармоқлари ер остида, туннелларда, шахталарда, бино – иншоотларининг конструкциялари орасидан ўтазилганлиги сабабли, шкастланган ёки шкастланиш хавфи бўлган жойларини оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Амалда кабел тармоқларидаги нуқсонлар махсус асбоб - ускуналардан фойдаланиб топилади. Бу усул ҳаво тармоқларига қараганда анча мураккаб ҳисобланади.

Шкастланишларнинг қуйидаги усуллари бўлиши мумкин: бир фазанинг ерга уланиб қолиши; икки ёки уч фазани ерга қисқа туташуви; фазаларнинг ўзаро қисқа туташуви; бир, икки ва уч фаза симларининг узилиши; изоляциянинг ёниб кетиб тешилиши; мураккаб ва бошқа зараланишлардир.

Носозлик аниқланган кабел электр узатиш тармоғи манбадан ажратилади, истеъмолчилар ва уларнинг уланиш симлари ажратилиб, икки томонидан мегаомметр билан изоляция қаршилиги ўлчаб кўрилади. Кабел симларининг ҳар икки томонидан фазалар изоляцияси қаршилиги ўлчаб кўрилади. Ўлчовлар натижасида носозлик фақат кабелдалиги аниқланади ва носозлик жойини топиш услуби танланади. Кейин бевосита трассага чиқиб, аниқ услублар ва асбобларда носозлик жойи топилади.

Импульс услуби: импульс услубида зарарланган тармоқ бўйлаб зондловчи электр импульс юборилади ва импульс юборилган вақт билан у зарарланган жойдан қайтиб келган вақтлар оралиғи қайд қилинади. Агар кабелдаги импульс ҳаракатланиш тезлиги V бўлса ва импульс берилган жойдан зарарланиш жойигача бўлган масофа l_x бўлса импульсни кабелдан ўтиш вақти: $t_x = \frac{l_x}{V}$ бўлади. Куч кабелларидаги электр импульс тезлиги V = 160 м/сек бўлса l_x масофа қуйидагича топилади:

$$l_x = \frac{Vt_x}{2} = 80t_x$$

Бу услубда Р5-1А ва ИКЛ-5 асбобларидан фойдаланилади. Импульс услуби кабел тармоғидаги зарарланиш жойи билан биргаликда зарарланиш характерини ҳам топиш имконини беради. Ўлчовларда тухсон жойлашган масофа 1,5 % дан кўп бўлмаган хатолик билан аниқлаш имконини беради.

Тебранувчи разряд услуби: тебранувчи разряд услуби кабел изоляциясида силжувчи тешилиш бўлганда қўлланилади. Бу холда кабел тармоғига синаш қурилмаси ёрдамида секин аста ортиб борувчи доимий кучланиш берилади. Изоляцияси кучсизлашган жойда етарли кучланиш бўлганда изоляция тешилади. Изоляцияси кетган жойда учқун чиқади, ва бунда кабелда тебраниш характерига эга бўлган разряд бўлади. Бу разряднинг тебраниш даври тебраниш тўлқинининг зарарланиш жойигача бориб қайтиши вақтининг иккиланганига мос келади, яъни:

$$T = \frac{4l_x}{V} \qquad \text{ёки} \qquad l_x = \frac{TV}{4}$$

Бу ерда V – тебраниш тўлқинининг тарқалиш тезлиги.

Тебранувчи разряд давомийлигини бир марта разверткали ОЖО типли осциллограф билан ўлчанади (1-расм). Схемада электрон миллисекундомер (ЭМКС-58М) кучланиш бўлгичи орқали уланади. Ўлчов хатолиги 5% дан кам бўлади.



1-расм. Кабел тармогида шкастланиш жойини тебранучи контур усулида аниқлаш схемаси.

1- юқори кучланиш манбаси, 2- кучланишни ажратгич, 3-тўхтатиш тармоғи, 4-ишга тушириш тармоғи, 5-ўлчов асбоби, 6-зараланиш жойи, 7-металл қобиқ, 8-кабел толалари.

Сиртмоқ услуби: сиртмоқ услуби бирор фазада изоляция кетиб, ерга уланиб қолган, лекин кабел толаси бутун бўлса ва хеч бўлмаса кабелнинг битта толасида изоляция соз бўлганда ишлатилади. Бу услубда кабелнинг зарарланган жойилача бўлган қисмининг оддий ўлчов «мости» билан доимий токдаги қаршилиги ўлчаб кўрилади. Ўлчов мостининг бир томонига кабелнинг охирлари туташтирилган ва зарарланган толалари уланади, иккинчи томонига эса ростланувчи иккита қаршиликлар магазини уланади.



2-расм. Кабел тармоғининг носоз жойини ҳалқа усулида аниқлаш схемаси.

1–кабел толалари, 2–туташтириш тармоғи, R_1 R_2– кўприк схеманинг ростланувчи елкалари.

Уланиш жойлари қаршилигининг ўлчов натижаларига таъсири хатоликларини йўқотиш учун кабель толаларининг ўрни алмаштириб уланади ва синов-ўлчовлар такрорланади.

Сиғим услуби: сиғим услуби кабел тармоғи толаларининг биттаси ёки бир нечтаси узилган ҳолларда самарали бўлади. Бунда олинган натижалар хатолиги минимал бўлиши зарарланган симларда изоляция қаршилиги 5000 Ω дан кам бўлмаслиги зарур.

Кабель тармоқларида носозлик жойларини аниқ топиш учун кўпинча **индукцион усул** ишлатилади. Бунда тезкор гурух кабел трассаси бўйлаб юриб, магнит майдони частотасига қараб зарарланиш характери ва жойи аниқланади. Бунда кабел тармоғи бўлаб юбориладиган магнит майдонининг маълум бир

частатаси товушлари ушланади. Одатда носозлик бўлган кабелдан частотаси 800-2000 Гц бўлган тонал частотали ток ўтказилади.

Кабел тармоқлари зарарланган бўлсада, унинг изоляцияси қаршилиги юқори бўлиб қолади ва носозлик жойини аниқлашда тегишли услубни топиш қийин бўлади. Носозлик жойини аниқлашда кабел изоляцияси куйдирилиб қаршилиги 10-100 Ом гача пасайтирилади. Куйдириш қурилмаларининг фойдали иш коэффициентини ошириш учун унинг қаршилиги зарарланиш жойининг ўтиш қаршилиги атрофида бўлиши керак. Амалда юқори кучланиш билан синов ишларини бажариш қийинроқ ва синов қурилмаларининг ички қаршилиги кам ёки ўзгарувчан эмас. Шунинг учун кабелни куйдиришда юқори кучланиш олиш ва синов қурилмасининг ички қаршилигини етарли даражада катта бўлишини таъминлаш учун комбинацияли услублар қўлланилади.

Кабелни куйдиришнинг бошланғич босқич кучланиши 15 кВ ва ундан кўпроқ ва токи 5 А гача бўлган тўғирлаш қурилмалари ишлатилади. Синовнинг якуний босқичларида махсус трансформаторлар ёрдамида ток миқдорининг етарли миқдорини таъминланади, бу ерда кучланиш миқдори анча пасаяди. Бу усулдан фойдаланилганда яъни кабелларга юқори кучланиш берилганида изолатциялар куйиши, муфталарни емирилиш ва кабел тармоғи юкламага тушиш эхтимоли мавжуд.

Кабел тароқларини ҳаво тармоқларига қараганда, кабелларни ер остига ётқизилганлиги, ташқи таъсирлардан ҳимоя қилинганлиги, ишончли ишлаши ва узоқ вақт хизмат қилиниши қулайлиги борлигидир. Бундан ташқари хавфсизлик тоифалари ва худудларни кўриниш кўрки хисобига одатда шахар худудларида кўпроқ кабел тармоқларидан фойдаланишни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Кабелнинг метал қобиғи шкастланса қуйидаги техник тадбир жараёнлари олиб борилади: шкастланган кабелнинг металл қобиғи икки томонидан кесиб ажратиб олинади; устки иккинчи қатлам лентаси нам бўлмаганлиги текшириб кўрилади; кабел қопламасини четлари очилиб синовга тайёрланади; кабел тармоги синовдан ўтказилиб таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Мақолани мавзусидан келиб чиқиб, ҳозирги даврга келиб, қўрғошин муфталар ўрнига замонавий муфталар кашф қилинган. Мисол учун Германияда ишлаб чиқилган Райхель муфталарини олишимиз мумкин. Бу муфталар таъмир ишларини олиб борилишида қулай ва ишончлилиги билан ажралиб туради.

Кабелли тармоқларини таъмирлашда ва техник хизмат кўрсатишда, электр жихозларини ўрнатиш қоидаларига, шу билан бирга техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилган ҳолда бажарилган бўлиши керак, шундагина у фойдаланишга қабул қилинади. Уларга ишлатишдан олдин албатта паспорт қилинади. Паспортда кабелли электр узатиш тармоқлари ҳақида маълумотлар, уни синов хужжатлари, ишлатиш давридаги кўрилган чора тадбирлар кўрсатилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Hoshimov O.O., Imomnazarov A.T. Ekektromexanik tizimlarda energiya tejamkorlik. 2- nashr. Darslik. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2015
2. Хашимов А.А., Мирисаев А.У., Кан Л.Т. Энергосберегающий асинхронный электропривод. Монография. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2011
3. Хашимов А.А., Абидов К.Г. Энергоэффективные способы самозапуска электроприводов насосных станций. Монография. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2012
4. Частотно-регулируемый асинхронный электропривод. Патент Республики Узбекистан № UZ IAP 05044. 29.05.2015.Бюл., №5. Хашимов А.А., Имамназаров А.Т.
5. A.A.Khashumov, I.K.Pampias. Energsaving Solid State Drives Of Asynchronous Motors For Technological Machines And Installations. ISBN 978-960-93. Athens, 2011.
6. Голигин А.Ф., Ильяшенко Л.А.Саноат корхоналари электр жиҳозларининг тузилиши ва уларга хизмат кўрсатиш.- Т.: Ўқитувчи, 1990
7. Правила устройств электроустановок.- Ташкент ГИ Узгосэнергонадзор, 2007.
8. A.A.Khashimov, I.K.Pampias, Energy saving Solid State Drives. Asynchronous Motors for Technological Machines and Installations; ISBN 978-960-93-3063-3, Athens, 2011
9. Кабел техникаси асослари ўқув қўлланма.-Т.: 2000

QIZDIRISH ELEMENTLARI

Zokirova Irodaxon Zakrullayevna, assistent
Andijon mashinasozlik instituti, Andijon, O'zbekiston

Zamonaviy elektrotexnologik qurilmalarda elektr energiya issiqlik, mexanik va boshqa turdagi energiyaga o'zgartirilib, aniq texnologik vazifalarni bajarishga xizmat qiladi. Elektr yordamida qizdirish jarayonlari metallurgiya, mashinasozlik, kimyo sanoati, qurilish, qishloq xo'jaligi va shuningdek ishlab chiqarishning boshqa sohalarida ham keng qo'llaniladi. Elektrotexnologik qurilmalarga elektr pechlar va qizdiruvchi qurilmalar, elektroliz vannalar, elektr payvandlash qurilmalari; elektr uchqun, elektr impulsi va maydoni ta'sirida detallarga ishlov beruvchi ko'plab turdagi qurilmalar va moslamalar kiradi. Elektr pechlar va qizdirish qurilmalari ham elektr energiyani issiqlik energiyasiga o'zgartirish usulari bo'yicha bir necha turlarga bo'linadi. Ularning bajaradigan vazifalari ham, quvvatlari ham va konstruktiv ijrolari ham xilma – xildir. Elektr pechlari va qizdirish qurilmalarida materiallarni eritish va qizdirish, sifati yuqori bo'lgan materiallarni olish, detal va buyumlarga kimyoviy va issiqlik bilan ishlov berish hamda sirtlarini turli moddalar bilan qoplash, quritish, monokroistallarni o'stirish kabi texnolgik jarayonlar bajariladi.

Elektr payvandlash qurilmalari deyarli barcha ishlab chiqarish sohalarida metall konstruktsiyalarning detallarini o'zaro biriktirishda, quvurlarni quvurlarga ulashda va shunga o'hshash yuzlab amallarni bajarishda juda keng qo'llaniladi. Elektrotexnolgik

qurilmalarning yana bir turi bo‘lgan elektroliz asosida toza metallarni olish va detallarning sirtlarini qoplamalar bilan qoplash qurilmalari bo‘lib, rangli metalurgiyada keng qo‘llaniladi. Bundan tashqari detal yuzalariga ishlov berishda va asbobsozlikda noyob asboblarni yaratishda elektromexanik, elektrokinetik va elektron – ionli elektrotexnologik jarayonlar negizida ishlaydigan qurilmalarning mashinasozlikda qo‘llanilishi va uning keyingi istiqbollari ishlab chiqarishni zamonaviy, fan va texnika yutuqlariga asoslangan texnologiyalardan sanoatda samarali foydalanishga xizmat qilmoqda.

Elektrotexnologik qurilmalarning salmoqli qismini elektr pech va qizdiruvchi qurilmalar tashkil etadi.

Qizdirish elementlari - qarshilik pechlari konstruksiyasining asosiy qismi bo‘lib, pechlar ishlashining ishonchliligi va zarur bo‘lgan texnologik rejimga rioya qilinishi ko‘p jihatdan ularga bog‘liqdir.

Qizitish elementi materialini tanlash pechning ishlash harorati va atmosferasiga bog‘liq bo‘lib, bu elementlarga quyidagi talablar qo‘yiladi :

1) yuqori temperaturalarda oksidlanmaslik xususiyati (issiqbardoshlik),
2) yuqori xaroratlarda mustahkamlikni yo‘qotmaslik xususiyati (issiqbarqarorlik)
3) yuqori darajadagi xaroratlarda ishlov beriluvchanlik, payvandlanish va boshqa xususiyatlarini saqlab qolish.

Bundan tashqari qizitish elementlariga o‘ziga xos spetsifik talablar qo‘yiladi:

1) Yuqori solishtirma elektr qarshiligiga ega bo‘lish. Qarshilik o‘zgarishining kichik temperatura koeffitsiyentiga ega bo‘lish. Bu xolda qizitish elementlarining issiq va sovuq holatlaridagi qarshiliklari bir biridan juda kam farq qiladi.

2) Elektr qarshiligining o‘zgarmasligi. Material qarshiligi vaqt o‘tishi bilan oshmasligi, ya’ni material «eskirmasligi» kerak.

Haroratiga qarab qizdirish elementlari quyidagi turlarga bo‘linadi:

- past xaroratli qizdirish elementlari -500-700 K;
- o‘rta xaroratli qizdiruvchi elementlar – 900-1200 K;
- yuqori xaroratli qizdiruvchi elementlar – 2500 – 3300 K.

Qizdirish elementlari asosan tarkibiga bir nechta metall kirgan qorishmalardan yasaladi. Misol uchun nixrom deb ataluvchi qorishma tarkibiga 75-85 % nikel, 22-27% xrom va boshqa komponentlar kiradi, yoki fexral deb ataluvchi o‘tkazgich tarkibi 13 % gacha xrom, 4% gacha alyuminiy va 83 % gacha temirdan iboratdir. Titan bor va boshqa legirlovchilar qo‘shish orqali qizdiruvchi elementlarning ishchi haroratini ancha ko‘tarish mumkin.

Konstruksiyasiga ko‘ra qizdiruvchi elementlar – **ochiq** konstruksiyali qizdirish elementlari va **yopiq** konstruksiyali qizdirish elementlarga bo‘linadi. O‘z navbatida ochiq konstruksiyali qizdirish elementlar – kesim yuzasi doira shaklidagi spiralsimon va zig-zag ko‘rinishdagi hamda kesim yuzasi to‘g‘ri to‘rtburchak lenta ko‘rinishdagi zig - zagsimon qizdirish elementlarga bo‘linadi.

Yopiq konstruksiyali qizdirish elementlar toifasiga past xaroratlarda ishlovchi trubkasimon qizdirish element (TEN) lar kiradi.

Ishchi harorati 1200^0S gacha bo'lgan qarshilik pechlarida qizitish elementi materiallari sifatida xrom-nikel (nixrom), xrom-alyuminiy va xrom-nikel-alyuminiy (alyuminiyli nixrom) qotishmalari ishlatiladi.

Ishchi harorati 1200^0 - 1250^0 S dan yuqori bo'lgan pechlarda karborundli, disilitsid – molibdenli, grafitli yoki qiyin eriydigan metallar (molibden, tantal, volfram) dan tayyorlangan nometall qizitish elementlari qo'llaniladi. Ishchi harorati 1400^0S dan yuqori bo'lgan pechlar uchun toza, qiyin eriydigan metallardan tayyorlangan qizitish elementlari qo'llaniladi.

Adabiyotlar

1.Elektr texnologik qurilmalari [Matn]: o'quv qo'llanma.Hakimov T.H. va boshqalar.-Toshkent: Spektrum Media Group,2015.-296.

2.Электротехнологические установки: конспект лекций / сост. Г.Н. Ополева - Иркутск: Ир ГУПС, 2010. - 74 s.

3.Jalilov M.X. «Elektrotexnologik qurilmalar», Oliy o'quv yurtlari talabalari uchun o'quv qo'llanma. Toshkent,1993 yil.

4.M.Bobojanov. Korxona texnologik qurilmalari fanidan ma'ruzalar matni. Oliy ta'lim 520200 "Elektr ta'minoti" yonalishi uchun .Toshkent - 2000 y, 140 6.

5.M. Matboboyev Elektrotexnologik qurilmalar. O'quv qo'llanma, Farg'ona, 2000

ДИНАМИЧЕСКИЕ РЕЖИМЫ МИКРОГЭС С АСИНХРОННЫМИ ГЕНЕРАТОРАМИ

Абдуллаев Мухаммадсайфулла, старший преподаватель

Андижанский машиностроительный институт, Андижан, Узбекистан

При объединении нескольких микроГЭС в электрическую сеть возникает проблема равномерной загрузки гидроагрегатов, работающих на общую нагрузку. На крупных электростанциях нагрузку между агрегатами обычно распределяют с помощью регулирования мощности приводных двигателей. В микроГЭС с нерегулируемыми турбинами стабилизировать рабочий режим возможно только со стороны нагрузки. [1]

Автобалластные системы стабилизации автономных микроГЭС дают основание о возможности применения их при построении микроГЭС с асинхронными генераторами. Возможны два основных варианта построения автономных электростанций на основе автобалластных систем стабилизации. Обеспечить устойчивый режим работы микроГЭС с асинхронными генераторами при таком построении достаточно сложно. Отличия мощностей балластных нагрузок, коэффициентов усиления, постоянных времени и других параметров гидроагрегатов и стабилизирующих систем приводят к изменениям суммарной нагрузки микроГЭС в широких пределах. [2]

Применение в микроГЭС асинхронных генераторов с ёмкостным возбуждением ограничивают возможности по регулированию возбуждения. При этом величина напряжения напрямую зависит от диапазона изменения эквивалентной нагрузки станции. Простейшим в конструктивном отношении генератором является самовозбуждающийся асинхронный генератор. Он представляет собой трёхфазную асинхронную машину с короткозамкнутым ротором и подключёнными параллельно к её статорным обмоткам конденсаторов. Особенностью асинхронного генератора является то, что для его работы требуется реактивная мощность, что усложняет и удорожает всю систему. Но асинхронный генератор со статорным самовозбуждением имеет ряд положительных свойств: простотой, дешевизной, надёжностью, бесконтактностью характерных для машин с короткозамкнутым ротором. Возбуждение осуществляется с помощью конденсаторов, подключённых параллельно статорным обмоткам. [3]

Конденсаторы возбуждения у асинхронного генератора выполняют роль фильтров, отсекающих высшие гармоники выходного напряжения, что способствует исчезновению биений напряжений и длительных переходных процессов и позволяет получить идеальное синусоидальное выходное напряжение АГ. Наличие короткозамкнутого ротора у асинхронного генератора положительно сказывается на качестве электроэнергии при несимметричных нагрузках. Асинхронный генератор с короткозамкнутым ротором практически не греется, поэтому его корпус закрыт, что позволяет исключить попадание пыли и влаги. Асинхронные генераторы обладают более высокой надёжностью и простотой конструкции, стоимость асинхронных машин в 1,5 – 2 раза меньше синхронных, вес – в 11,3 – 1,4 раза меньше, что позволяет возможность широкого применения их в микроГЭС.



Рис.1. Электрическая схема микроГЭС:
Г – асинхронный генератор; ГТ – гидротурбина; Н - нагрузка; РБН – регулятор балластой нагрузки; БН – балластная нагрузка.

Исследование различных режимов работы оборудования при различных характеристиках генератора возможно с помощью компьютерной модели

микроГЭС и электрической схемы представленной на рис.1. Компьютерная модель микроГЭС (рис.2) содержит следующие элементы: автобалластную нагрузку (ABN), блок нагрузки и конденсаторов возбуждения (RCN), асинхронный генератор (AG) и гидротурбину (GT).



Рис.2. Компьютерная модель микроГЭС с асинхронным генератором.

Результаты исследования качества электроэнергии показывают, что при автобалластном регулировании нагрузки отклонение напряжения не превышает 4,5%, а частоты 1,8 Гц (рис. 3, рис. 4). При отсутствии нагрузки частота и напряжение равны номинальным значениям.



Рис.3. Отклонение линейного напряжения $U_л$ от номинального в зависимости от мощности нагрузки



Рис.4. Отклонение частоты генератора f от номинального в зависимости от мощности нагрузки

Одним из факторов, оказывающих существенное влияние на отклонение величины и характера эквивалентной нагрузки от номинальных значений напряжения и частоты генерируемой электроэнергии, является величина балластного сопротивления. [4]

Наиболее характерными для оценки качества регулирования параметров микроГЭС является режим холостого хода, когда станция работает только на $R_б$, и режимы близкие к 50% нагрузке. Величина балластного сопротивления выбирается из соображения равенства активной мощности в номинальном режиме и режиме холостого хода. Переменная величина полезной активно-индуктивной нагрузки вызывает изменение коэффициента мощности эквивалентной нагрузки от $\cos \varphi_н = 0{,}8$ до $\cos \varphi_б = 1{,}0$. Так как величина возбуждающих ёмкостей генераторов во всех режимах остаётся неизменной, токи генераторов в режиме холостого хода возрастают более чем на 20% по сравнению с номинальными. Для ограничения токовых перегрузок якорных обмоток генераторов, работающих на активно-индуктивную нагрузку, целесообразно уменьшать загрузку машин в номинальном режиме на 15-20%, тюею величина балластого сопротивления должна выбиратся на 20-25% больше номинального сопротивления полезной нагрузки. [4]

Анализ режимов работы станций с асинхронными генераторами позволяют сделать следующие выводы:

- Распределение нагрузки между генераторами электростаций зависит от значений коэффициентов саморегулирования приводных гидротурбин и диапазона изменения эквивалентной нагрузки станций;
- Погрешность стабилизации напряжения асинхронных генераторов определяется отклонением эквивалентной нагрузки от номинальных значений.

Литература

1.Лукутин Б.В., Обухов С.Г. "Динамика микроГЭС с автобалластной стабилизацией напряжения.
2. Лукутин Б.В., Обухов С.Г. МикроГЭС с автобалластной нагрузкой, регулируемой по частоте выходного напряжения.
3. Лукутин Б.В., Обухов С.Г. Особенности работы микроГЭС на АД.
4. Константинов Г.Г., Майоров Г.С. Разработка и исследование автономного источника электроэнергии на базе микроГЭС и асинхронного генератора с конденсаторным возбуждением.

ELEKTR ENERGIYA OLISHDA ELEKTR MASHINALARNING O‘RNI

Mamadaliyev Maxammadjon Axmadalievich, assistent
Andijon mashinasozlik instituti, Andijon, O‘zbekiston

Tizimda elektr stantsiyalarni uch fazali sinxron generatorlari aktiv va reaktiv quvvat manbai bo‘lib, u birlamchi motorlar – parli, gazli va suv turbinalari, dizel motorlari bilan aylanadi.

Birlamchi motorlar turiga qarab sinxron generatorlar, turbogeneratorlar, suvgeneratorlar va dizel generatorlariga bo‘linadi.

Turbogenerator va uning birlamchi motori – parli yoki gazliturbina – gorizontal ishlangan bo‘lib, bitta asosga (fundamentga) o‘rnatiladi va mufta orqali ulanib turboagregatni tashkil qiladi.

Turbogeneratorlar tez aylanuvchi mashinalarga kiradi, bir juft (par) polyusli aylanish chastotasi 3000 $^{ayl}/_{min}$ (polyusi aniq bo‘lmagan) turbogeneratorlar juda keng tarqalgan. Parni parametrlari nisbatan kichik AESda ancha sekin aylanuvchi turbogenerator, aylanish chastotasi 1500 $^{ayl}/_{min}$ bo‘lgan to‘rt polyusli mashinalarni ishlatish maqsadga muvofiqdir.

Suv generatori, mufta yordamida suv turbinasi bilan ulanib suv agregatini tashkil etadi. Turbogeneratorlardan suv generatorlarni farqi, ko‘p xollarda vertikal valli bo‘lib, ko‘p sonli juft polyusli qilib tayyorlanadi (aniq polyusli mashina) va sekin aylanuvchi hisoblanadi. Ularning aylanish chastotasi 108 dan 910 $^{ayl}/_{min}$ bo‘lib, daryo o‘zanida suvning bosimi va sarfiga bog‘liq.

Maxsus ishlangan kapsulali suv generatori to‘g‘ridan-to‘g‘ri suv oqimiga suv o‘tkazmaydigan kapsula ichida o‘rnatiladi (gorizontal bajarilgan) va bunday hosil qiluvchi suv akkumulyatsiya elektr stantsiyalari generatorlari uchun har xil aylanish chastotasi generator va motor tartibi uchun belgilanadi.

Sinxron generatorlarni qo‘zg‘atish uchun elektr mashinali, yuqori chastotali ionli va tiristorli tizimlar ishlatiladi. Elektr mashinali 160 mVt gacha bo‘lgan generatorlarni qo‘zg‘atish uchun ishlatiladi. 160 mVt va undan yuqori quvvatli generatorlar uchun yuqori quvvatli qo‘zg‘atgichlar talab etiladi, bunday hollarda yuqori chastotali, ionli va tiristori qo‘zg‘atishlar ishlatiladi. Tiristorli qo‘zg‘atgichlar tez xarakatlanuvchi hisoblanadi va turbogeneratorlarda boshqa tartibli qo‘zg‘atgichlarga nisbatan katta

oraliqda statik va dinamik barqarorlikni ta'minlaydi. U 300 mVt va undan yuqori quvvatli turbogeneratorlarda ishlatiladi.

Sinxron generatorlarga sovutish bilvosita ta'sir qilib yoki to'g'ridan-to'g'ri sovutuvchi vositada amalga oshiriladi. Bilvosita ta'sir qilib sovutishda generator chulg'amlari o'tkazgichlaridan chiqayotgan issiqlik tashqi sovutuvchi vositaga yuboriladi. To'g'ridan-to'g'ri sovutishda esa, generator chulg'ami o'tkazgichlaridan ajratilayotgan issiqliq yassi o'tkazgichlarni maxsus ichki kanallaridan yuborilayotgan gaz yoki suyuqlikka o'tkaziladi. Turbogeneratorlarda sovutish vositasi uchun havo, vodorod, suv, yog', geley ishlatiladi. Suv generatorlari uchun – suv. Havo yoki vodorodli sovutish o'rtada oquvchi yoki berk ventilyatsiya qilib bajariladi.

Vodorodli sovutish havoli sovutishga nisbatan samarador bo'lib 30 dan 300 mVt bo'lgan turbogeneratorlarda ishlatiladi. Vodorod zichligini kichikligi ventilyatsiya isrofini 8-10 marta kamaytirib, generator foydali ish koeffitsientini $0,7 \div 1,0$ % ga oshiradi. Vodorodli sovutiluvchi generatorlarni havoli sovutishda ham ishlashi mumkin.

Havoning issiqlik uzatuvidan 40-50 marta katta suyuqlik bilan (suvli va yog'li) sovutish, yanada samarador hisoblanadi. Suvli sovutishda o'tkazgichlar ichida quyqalar ajralishini oldini olish uchun distillangan suv yoki turbina kondensatoridan olingan kondensat ishlatiladi. Suyuqli sovutish suvli generatorlar uchun (suvli) va quvvati 160 dan 1200 mVt gacha turbogeneratorlar uchun (suvli va yog'li) qo'llaniladi. Nominal kuchlanish kV; nominal aktiv quvvat MVt; nominal quvvat koeffitsienti $\cos\varphi_H$; nominal reaktiv quvvat MVAr; foydali ish koeffitsienti (FIK) sinxron generatorlarninig asosiy texnik ma'lumotlari hisoblanadi. Turbogeneratorlar – 6,3; 10,5; 15,75; 18; 20; 24; 36,5 kV kuchlanishga, suv generatorlari – 3,15; 6,3; 10,5; 11; 13,8; 15,75 va 16,5 kV kuchlanishlarga ishlab chiqariladi. Turbogeneratorlarni nominal aktiv quvvati – 2,5; 4; 6; 12; 20; 30; 32; 60; 63; 100; 160; 200; 220; 300; 500; 800; 1000; 1200 MVtga teng. Suv generatorlari 20 dan 640 mVtgacha bo'lgan quvvatlarga ishlab chiqariladi. Generatordan tizimga berilayotgan aktiv quvvatni rostlash – birlamchi motor momentini ya'ni turbinaga yuborilayotgan par yoki suvni o'zgartirib amalga oshiriladi.

Ishlab chiqarilayotgan generatorlarni nominal quvvat koeffitsienti $0,8 \div 0,9$ ga teng. Bilvosita ta'sir qilib sovutishli generatorlarda cos φ ni 1.0 gacha va to'g'ridan – to'g'ri ta'sir qilib sovutiladigan generatorlarda cos φ ni $0.95 \div 0,96$ gacha ko'tarib uzoq ishlatish mumkin.

Generatorlarni nominal reaktiv quvvati uning aktiv nominal quvvati va cos φ ni qiymati bilan bog'langan. Nominal quvvatda va nominal quvvat koeffitsientida generatorning foydali ish koeffitsienti $0,96 \div 0,99$% oraliqda bo'ladi. Yuklama va quvvat koeffitsientini kamayishi bilan generatorni foydali ish koeffitsienti pasayadi.
Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётга катта хисса қўшаётган компаниялардан бири «Узавтосаноат» акциядорлик жамиятининг маълумотига кўра 2019 йилда 271113 дона[2] енгил автомобиллар ишлаб чиқарган. Албатта бу миқдорда енгил автомобил ишлаб чиқаришда «Узавтосаноат» акциядорлик жамиятига бутловчи қисмлар етказиб берувчи корхоналарнинг хам хизмати катта. Булардан бири "GM-Uzbekistan" автомобиллари учун овоз сўндиргичлар, хамда халқ хўжалиги ва қурилиш, шунингдек ностандарт ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Автокомпонент» масъулияти чекланган жамиятидир.

Корхона томонидан асосан прокат махсулотлари ишлаб чиқарилади. Асосий махсулотлардан бири бу пўлат листлардан пайванд чокли қувур (труба) ишлаб чиқаришдир.

«Автокомпонент» масъулияти чекланган жамиятида пайванд чокли қувур (труба) ишлаб чиқаришда асосан қуйидаги прокатлаш дастгоҳлардан фойдаланилади (1-жадвал).

1-жадвал

Модели	Қувур ташқи диаметри ва шакли (мм).		Труба девори қалинлиги (мм).
	Цилиндрик	Квадрат	
DMC-TM21A	25,4-63,5	20x20/50x50	1,4-6,0
DMC-TM22A	25,4-76,3	20x20/60x60	1,0-4,0
DMC-TM22B	31,8-76,3	25x25/60x60	1,4-6,0
DMC-TM22C	38,1-76,3	30x30/60x60	1,4-8,0

[2] https://uzavtosanoat.uz/osnovnye-pokazateli.html

Корхона маълумотига кўра DMC-TM21A дастгохининг асосий ишчи деталларидан бири бўлган прокатлаш валиклари махкамланадиган валлар ейилиш натижасида хар ойда таъмир талаб холатга келади.

Бугунги кунда корхонада таъмирлаш участкаси мавжуд бўлиб, участка ишчилари томонидан ейилган валлар пайвандлаб қайта тикланади. Лекин қайта тикланган валлар ГОСТ талабларига жавоб бермайди.

Носозлик келиб чиқиш сабаблари;

- Подшибник ўрнатиладиган вал бўйинчаларининг тез ейилишидир.
- Қайта тикланган валларни ишчи юзаларига термик тоблаш ишлари амалга оширилмаётганлиги.
- Қайта тикланган валларнинг ишчи юзаси қаттиқлиги подшибник материали қаттиқлигига нисбатан 2 марта юмшоқлиги.
- Қайта тикланган валларни дастгохга махкамлашдаги созлаш ишларини етарли даражада аниқ олиб борилмаётганлиги.

Хулоса ва таклифлар.

Ишлаб чиқаришида қўлланилаётган валсимон деталларни қайта тиклашда қўлланилаётган турли хил электродлар билан электр-ёй ёрдамида пайвандлаб қопланган валларни етарли қаттиқлигини таъмирлаш учун термик ишлов бериш ишларини олиб бориш керак.

Ишлаб чиқаришида қўлланилаётган валсимон деталларни қайта тиклашда қўлланилаётган турли хил электродлар билан бирга таркибида металл кукуни бўлган композицион материални пайвандлаб қоплаш тавсия этилади, натижада пайвандлаб қайта тикланган валларнинг юза қатлами қаттиқлиги 2 ва ундан юқори мартага эришилади.

Адабиётлар

1. Темир рудаси ишлаб чиқарувчи мамлакатларда темир рудаси захиралари ва ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотлар USGS веб-сайтидан олинган. https://pubs.usgs.gov/periodicals/mcs2020/mcs2020-iron-ore.pdf
2. https://uzavtosanoat.uz/osnovnye-pokazateli.html
3. Косимов, К. З., Муйдинов, А. Ш., &Хошимов, Х. Х. (2017). Перспективы восстановления изношенных деталей машин наплавкой композиционных порошковых материалов. Вестник Башкирского государственного аграрного университета, (3), 54-59.
4. Muydinov, A. S., & Abdullayev, S. A. (2021). Calculation Of Resources of Parts of The Type Shaft of Agricultural Equipment. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 3, 62-65.
5. Фархшатов, М. Н., Косимов, К., Муйдинов, А. Ш., & Мадазимов, М. Т. (2019). Результаты исследований физико-механических и эксплуатационных свойств лемехов плугов, используемых в республике узбекистан. in современное состояние, традиции и инновационные технологии в развитии апк (pp. 94-97).

6. Фархшатов, М. Н., & Косимов, К. (2018). Пути повышения ресурса рабочих органов почвообрабатывающих машин на примере республики Узбекистан. In Современное состояние, традиции и инновационные технологии в развитии АПК (pp. 193-196).

7. Хошимов, Х. Х., & Юлдашев, Ш. Х. (2019). Восстановление изношенных колосников при производстве хлопка в хлопчатобумажной промышленности (Doctoraldissertation, Белорусско-Российский университет).

ФИЛЬТРБОП ТЎҚИМАНИ ҒОВАКЛИГИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАШ

докт. Янгибоев Р.М., докт. Узаков У.Т., проф. Баймуратов Б.Х.
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент, Узбекистон

И.В Пискарев [1] фильтрлаш тўқималари учун асосий талаб фильтрлаш тезлиги юқори бўлганда, гидравлик қаршилиги паст ва суюқлик, буғ ёки газ босимининг пасайиши билан нозик тозалашни амалга ошириш қобилияти юқори эканлигини таъкидлайди. Фильтрлаш жараёнлари оптимал ғовакликка эга бўлган тўқималарни талаб қилади ва бу эса ўртача гидравлик қаршилик билан чўкиндига қаттиқ заррачаларнинг юқори экстракциясини таъминлайди.

Фильтрлаш тўқималарига қуйидаги асосий талаблар қўйилиши мумкин:

1. Тўқима суюқлик, ҳаво ва газларни фильтрлаш учун юқори ўтказувчанликни, юқори даражадаги тозалашни ва минимал гидравлик қаршиликни таъминлайдиган тузилишга эга бўлиши керак.
2. Фильтрланган муҳитнинг физик-кимёвий хоссаларига ва фильтрлаш жараёнининг технологик шароитларига қараб, тўқима механик жиҳатдан мустаҳкам, кимёвий, термик, коррозияга қарши ва биологик чидамлиликка эга бўлиши керак.
3. Тўқиманинг юзаси силлиқ бўлиши керак.
4. Тўқима фильтрлаш пайтидаги босимга бардош бериши учун етарлича минимал қалинликка эга бўлиши керак [2-4].

Фильтрлаш тўқималарига, хусусан, кимёвий ва шиша толалардан тайёрланган тўқималарга ғовакларнинг табиати ва жойланишига қараб қуйидагича талаблар қўйилади:

1. Имкон қадар тўқимада кўпроқ ғовакларнинг бўлиши.
2. Тўқимада ғоваклар иложи борича тўғри ва текис бўлиши керак: ҳар бир эгилишда ишқаланишнинг ортиши ҳисобига фильтрланаётган муҳитнинг ўтишига қаршиликни оширади. Аммо, ҳар хил бурилишлар фильтрлаш эффектини яхшилашини ҳам ҳисобга олиш керак.
3. Ғоваклар тўкиманинг бутун узунлиги бўйлаб бир хил бўлиши талаб этилади, чунки тўқималарнинг ўтказувчанлиги энг кичик ғовак кесими билан белгиланади.

4. Тўқимадаги ғоваклар иложи борича бир хил ўлчамда бўлиши керак, шунда тўқима энг кичик зарраларни ҳам аниқ ушлаб қолиши мумкин.
5. Тўқимадаги ғоваклар тўқима юзаси бўйлаб тенг равишда тақсимланиши керак.
6. Тўқимадаги ички ғоваклар фильтрлаш жараёнида иштирок этмайди ва тўқималарнинг мустаҳкамлигини пасайтиради, шунинг уларни бўлмаслигига харакат қилинади.

Тўқимали фильтрлар нафақат фильтрлаш хоссалари, балки эксплуатацион хусусиятлари билан ҳам тўқима тузилишига боғлиқ бўлади. Фильтр тўқималарини тўкима тузилишининг V фазасида ишлаб чиқаришга харакат қилинади ва тўқима тенг зичликка, тенг мустаҳкамликка эга бўлишига харакат қилинади.

Мазкур иш фильтрбоп тўқималарнинг ғоваклиги бўйича лойиҳалашга бағишланган бўлиб, унда ғоваклик ва тўқиманинг тузилиш параметрлари ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, хомашё турига, танда ва арқоқ ипларининг нисбий ҳолати ва ўлчамларига, тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича зичлигига боғлиқлигини аниқлаш келтирилган [5-7].

Маълумки, фильтрбоп техник тўқималарни ҳаво ўтказувчанлиги муҳим ахамият касб этади. Бундай тўқималарни ҳаво ўтказувчанлиги тўқиманинг ғоваклиги ва толавий таркибига боғлиқ бўлади. Янги тўқима мавжуд тўқиманинг ғоваклиги асосида лойиҳаланди.

1. Тўқимани лойиҳалаш учун танда ва арқоқ бўйича чизиқли зичлиги 300 текс бўлган базальт тўқимачилик ипи танлаб олинди.

Рақамли микроскоп ёрдамида базальт ипининг кўндаланг кесим юзасини аниқлани. Базальт ипларининг кўндаланг кесим юзаси эллипс шаклида бўлганлиги учун кўндаланг кесим юзасини қуйидаги формула орқали ҳисобланди: $S = \pi \cdot a \cdot b$

Бу ерда a=0,92 мм, b=0,17 мм

$$S = 0{,}491 \text{ мм}^2$$

Ҳисоблаш учун ип диаметри аниқланиб, тола турига боғлиқ коэффициент "С" топилади. $C = 1{,}1284/\sqrt{\gamma_{ip}}$

Бу ерда γ_{ip} –ипнинг ўртача зичлиги, мг/мм^3.

$$\gamma_{ip} = \frac{m}{V} = \frac{m}{S \cdot L} = \frac{300 \cdot L}{0{,}491 \cdot L} = 0{,}61$$

Бундан $C = \frac{1{,}1284}{\sqrt{0{,}61}} = 0{,}45$

C=0,45 қабул қилиб оламиз.

Танда ва арқоқ ипларининг диаметрлари:

$$d_{tg} = 1{,}84 \text{ мм}; \quad d_{tv} = 0{,}34 \text{ мм}$$

$$d_{ag} = 1{,}82 \text{ мм}; \quad d_{av} = 0{,}3 \text{ мм}$$

$$d_t = d_a = d_{o'rt} = 0{,}0316 \cdot 1{,}45\sqrt{300} = 0{,}79$$

2. Бир ярим қатламли тўқима учун саржа 1/3 ўрилиши қабул қилинди.
3. Техник шартларга кўра лойиҳаланаётган тўқимадаги ғоваклар тўқима бўйламаси бўйича жойлаштириш талаб этилади, шунинг учун тўқиманинг танда бўйича зичлиги юқори бўлади. Тўқимани лойиҳалашда унинг тузилиш фазаси IV фазага яқин бўлиши (Ф=4) ҳисоблаб топилди.
4. Танда ва арқоқ иплари бир хил қалинликда бўлиб, тўқилгунга қадар уларнинг боғланиш коэффициенти K_d =1 тенг бўлади.
5. Тўқиманинг тузилиш фазаси VII бўлиб, танда бўйича тўлдириш коэффициентини нисбатан катта K_{H_t}= 0,18 га тенг деб олинди. Тўқиманинг арқоқ бўйича тўлдириш коэффициентини (танланган намуна асосида) назарий хисоблаб топилди.
6. Базальт комплекс иплари учун тўқимада иплар ўлчамининг ўзгариш коэффициентини қабул қиламиз (горизонтал ва вертикал ўқлар бўйича).

$$\eta_{tg} = \frac{d_{tg}}{d_t} = \frac{1{,}84}{0{,}79} = 2{,}33; \;\; \eta_{ag} = d_{ag}/d_a = \frac{1{,}82}{0{,}79} = 2{,}31;$$

$$\eta_{tv} = \frac{d_{tv}}{d_t} = \frac{0{,}34}{0{,}79} = 0{,}43; \;\; \eta_{av} = \frac{d_{av}}{d_a} = \frac{0{,}17}{0{,}44} = 0{,}38;$$

7. Танланган қийматлар асосида тўқиманинг танда бўйича зичлигини қуйидагича ҳисоблаш мумкин.

$$P_t = \frac{1000(K_d+1)K_{H_t}}{d_{o'rt}(K_d\eta_{tg}+\eta_{av})\sqrt{4-K_{h_t}^2}};$$

$$P_t = \frac{1000(1+1)\cdot 0{,}18}{0{,}79\cdot(2{,}33+0{,}38)\sqrt{4-0{,}75^2}} = 90 \text{ ип/дм}$$

8. Тўқиманинг арқоқ бўйича зичлигини аниқлаш учун, уни аввал арқоқ бўйича кесимини топиш лозим. Арқоқ бўйича зичлиги имкон қадар максимал бўлиб, толавий таркиби бўйича тўлдириш коэффициенти номаълум ва қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$P_a = \frac{1000(K_d+1)K_{H_a}}{d_{o'rt}(K_d\eta_{tv}+\eta_{av})\sqrt{4-K_{h_a}^2}};$$

$$P_a = \frac{1000(1+1)K_{H_a}}{0{,}79(0{,}43+0{,}38)\sqrt{4-1{,}25^2}} = 2001K_{H_a}$$

9. Тўқимани арқоқ бўйича толали материал билан тўлдириш коэффициенти тўқиманинг ғоваклилигига қараб аниқланади.

$$R_s = 100 - d_{tg}P_t - d_{ag}P_a + 0{,}01 d_{tg}d_{ag}P_tP_a,$$

бу ерда $d_{tg} = d_t\eta_{tg}$; $d_{ag} = d_a\eta_{ag}$.

$$R_s = 100 - 4{,}26\cdot 90 - 4{,}17\cdot 18 + 0{,}01\cdot 4{,}26\cdot 4{,}17\cdot 90\cdot 18$$

$$R_s = 23647{,}38K_{H_a} - 283{,}4$$

$K_{H_a} = 0{,}012$ бўлса, R_s=5,1

Олинган коэффициент тўқимада ипларнинг етарлича юқори боғланишини таъминлайди ва нормал диапазонда бўлади.

Тўқиманинг арқоқ бўйича зичлиги

$$P_a = 2001 \cdot K_{H_a} = 2001 \cdot 0{,}012 = 25 \text{ ип/дм.}$$

Тадқиқот натижаларига кўра, фильтрбоп тўқималар тузилишининг асосий параметрлари аниқланди, яъни: хом ашё тури, ғоваклиги, тўқиманинг зичлиги. Лойиҳаланган тўқиманинг ҳисобий ғоваклиги R_s=5,1 % ни ташкил этиши аниқланди. Тўқиманинг танда бўйича тўкима зичлиги P_m=9 ип/см, арқоқ бўйича P_a=25 ип/см билан ишлаб чиқарилади. Лойиҳаланган тўқимадан иссиқликка чидамли фильтрбоп тўкималар сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

Адабиётлар

1. Пискарев И.В. Фильтровальные материалы из стеклянных и химических волокон. - М.: Легкая индустрия, 1965. - 110 с
2. Дамянов Г.Б и др. Строение ткани и современные методы ее проектирования. -М.: Легкая и пищевая промышленность, 1984. -235 с.
3. Мартынова А.А. и др. Строение и проектирование тканей: Учебник для вузов. /А.А. Мартынова, Г.Л. Слостина, Н.А. Власова. - М.: МГТУ им. Косыгина А.Н., 1999.-434 с.
4. Сурнина Н.Ф. Проектирование ткани по заданным параметрам. - М.: Легкая индустрия, 1973.- 142 с.
5. Юхин СС, Мартьшенко С.Е. Автоматизированный метод проектирования тканей по заданной пористости, // Известия вузов. Технология текстильной промышленности, № 4, 2003, - с, 40-43,
6. Ghosh T.K., Batra S.K. and Barker R.L. The bending behaviow of plain woven fabrics. Part 2//JomTial Textile Institute. - 1990, V.81, N 3.- p.262.
7. Skelton S., Schoppee M.M. Geometric freedom in bent yarns and fabrics. //Textile Research Journal- 1976, N 1.- p.44-51.

АВТОМОБИЛСОЗЛИКДА КУЗОВ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ

Мамажонов Абдувохид Абдурахмонович к.ф.н., доцент
Андижон Машинасозлик Институти
(abduvohid.mamajonov@mail.ru)
Абдужабборов Обиджон Орибжон ўғли, асс.
Андижон Машинасозлик Институти
(abdujabborovobidjon@gmail.com)

Сифат ўлчами инсониёт тараққиёти билан боғлиқ ҳолда, яъни ишлаб чиқариш ва ижтимоий жамиятга нисбатан мувофиқ асосида ўзгариб келмоқда. Сифат тушунчаси даражали мураккаблашиб, мужассамланган тавсифни эгаламоқда ва у ҳозирги кунда маҳсулотгагина тегишли бўлмай, балки ишлаб

чиқаришни ташкил этиш, жараёнлар кетма-кетлигини ва бутун жамият хаётни қамраб олмоқда.

Автомобилсозлик саноатида сифат менежменти даражаси қандай талабларга мувофиқ бўлиши IATF 16949 халкаро автомобилсозлик сифат менежменти стандарти ва соҳада қўлланиши лозим бўлган махсус қўлланма (*SPC, MSA,* FMEA, APQP *ва PPAP)* ларда аниқ равшан қўйилган [1]. Енгил автомобил учун кузов асоси элемент ҳисобланади. Уни тайёрлаш қийматни бутун автомобил қийматини 60-70% ни ташкил этади. Кузовни тайёрлаш катта миқдорда қимматбаҳо конструкцияланган материаллар сарф бўлади. Шунингдек кузов мустаҳкам, хавфсиз, экологик, иктисодий ва эргонометрик замон талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Бундай қўйилган талабларга мувофиқ бўлишда хом-ашёларни кириш назоратидан ўтказиш, ишлаб чиқариш технологияси жараёнлари кетма-кетлигида кузов қисмларни штамплаш, пайвандлаш, бўёқлаш ва йиғиш босқичларида аниқ ўлчаш қийматини ёки сифатли/сифатсизликни кўрсатувчи ўлчов (микрометр, штангулцеркуль, 3 координатали ўлчаш машинаси ва бошқа) воситалар, шаблонлар, шунингдек ишончлиги, мустаҳкамлиги, хавфсизлиги, экологик жиҳати ва бошқаларини таъминлаш синов воситалари ва қурилмалари-дан фойдаланилади. Кузовни сифатини таъминлашда фойдаланиладиган хом-ашё, бутловчи қисмлар, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотга қўйилган талаблар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Назорати стандарти				
№	Талаб номи	Талаб тавсифи	Ўлчов воситаси	Текшириш даври
1 Кириш назорати				
1.1	Ташқи кўриниш	Пўлат лист юзаси ва қирралари бир текисда нуқсон (ёрик, оқиш, кемтик, улақ, қиринди, занг) лар бўлмаслиги лозим.	Кўз билан (визуал)	Барча партия
1.2	Лист қалинлиги	t (1,2 ± 0.2) mm	Микрометр (± 0,01.) mm	Партиядан 5 дона
1.3	Материалнинг кимёвий таркиби	Пўлат лист SPHC маркали бўлиши лозим.	Мувофиқлик сертификати	Ҳар бир партия учун
2 Ишлаб чиқариш жараёни назорати				
2.1	Габарит ўлчамлари	Штамп кузов қисмларини ўлчами ва орасидаги	Шаблом, шуп-линейка	Партиядан 5 дона

		масофаси (3,0± 3,0.) mm		
2.2	Тайёр кузов ўлчами	Жуфт нуқталар ўлчамларни (0,2± 0,2.) mm	3 координа-тали ўчлаш машинаси (± 0,001) mm	Партиядан 5 дона
2.3	Қалинлик ўлчами	Кузовни гальваник қоплам қалинлиги (25± 5) µm	Толшинамер (± 0,01.) mm	Партиядан 5 дона
2.4	Бўёқ қалинлиги	Кузовни бўёқ қалинлиги (75± 5) µm	Толшинамер (± 0,01.) mm	Партиядан 5 дона
2.5	Лак қалинлиги	Кузовни лак қалинлиги (15± 5) µm	Толшинамер (± 0,01.) mm	Партиядан 5 дона

-кириш назоратида қабул мезонларини ташкилот қаерда қабул этилса ёки зарур аниқлаши, ҳамда истеъмолчидан маъқулланганлик олиниши (IATF16949:2016, 8.6.6) лозим. Станистик қабул қилишда альтернатив (сифвт аломати) картаси бўйича " 0 " нуқсон қабул қилиш сони бўлиши (IATF 16949:2016, 9.1.1.1) лозим [1];

- ишлаб чиқариш жараёнларини мониторинг ва ўлчашлар IATF 16949:2016, 9.1.1.1 банди талабига мувофиқ: -ўлчаш методлари; -танлаш режаси; -қабул қилиш мезонлари, амалда олинган ўлчаш ва ёки синаш қийматларини ўзгарувчанлик натижаларга ёзувлар ва амалга ошириш режаси ва қабул қилиш мезонлари бажарилмаганликда даражалаш жараённи, қаноатлантирмайдиган тавсифлар учун амалга ошириш режаси ва 100% маҳсулотни текширишни олиши лозим [1].

Кузовни занглаш (корозия) га чидамли қилишда аввало кимёвий ваннада мой, чанг ва бошқалардан тозаланади, сўнг дастлабки қоплама бериш учун махсус электрқоплаш ваннасига туширилади ва қопланган қалинлик даврий равишда толшинамер ўлчаш воситаси ёрдамида 53 тадан ортиқ бўлаган нуқталарда текширилади. Юқоридаги "Назорат станадарти" талабида қўйилган кузовни гальваник қалинлиги назорат қилиш учун SPC қўлланмасида келтирилган "X ва R назорат картаси" дан фойдаланилди [2]. Кузовни дастлабки қоплаш қалинлиги чизма талаби бўйича 25.0 µк, стандарт жоизлик ± 4 µк га тенг бўлиши лозим.

Берилган (X_0=25.0 µк; σ_0=4 µк) асосланиб, SPC қўлланмасидаги 1 ва 2-жадваллардан фойдаланиб, n=5 танланмага A, d_2, D_2 ва D, коэффициент қийматлар асоси назорат (X - R) карталарини юқори ва қуйи чегараларини аниқланди:

X-карта:

Марказий чизиқ X_0=25.0 (CL)

$UCL=X_0 + A_1\ \sigma_0 = 25+(1.342 \times 4)= 25+5.36 \approx 30$

$LCL=X_0-A_1\ \sigma_0=25 - (1.342 \times 4)= 25-5.36 \approx 20$

R-карта:

Марказий чизиқ : $d_2\ \sigma_0 = 2.326 \times 4 = 9.304$

$UCL= D_2\ \sigma_0 = 4{,}918 \times 4 = 19{,}67$

$LCL=D_1\ \sigma_0 = 0 \times 4 = 0$

Танлама 25 та, ҳар бирида 5 та ўлчанган натижаси ўртача қиймати, яъни 25 та автомобил кузовнинг дастлабки қоплаш қалинликлари 5 та асосий нуқталар: олди, орқаси, томи ва ён томонларидан олинган натижаларни ўртачаси. Қийматлар назорат чегараси билан биргаликда 1-расмдаги X ўртача ва R қулоч картасига киритилади.



1-расм. X ўртача ва R қулоч карта

1-расмдан кўриниб турибдики X- карта бўйича нуқталар кескин сакраяпти, R-карта бўйича эса ўртачадан барча нуқталар пастга жойлашган. Хулоса қилиб айтганда натижалар ўз навбатида жараён статистик бошқариш учун изланиш ва туб сабабларни бартараф этиш лозимлигини кўрсатади.

Адабиётлар.

1. IATF 16949:2016 Сифат менежменти тизимлари. Автомобильсозлик саноати ва унга бутловчи қисмлар ташкилотлар учун сифат менежменти тизимлари талаблари. Халқаро автомобильсозлик сифат менежменти стандарти

2. Статистическое управление процессами. SPC. Ссылочное руководство. Перевод с английского второго издания от июля 2005 г. - Н.Новгород: ООО СМЦ "Приоритет", 2007. – 224 с.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ АЙЛАНМА ОМОЧ КОНСТРУКЦИЯСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Андижон машинасозлик институти

Ассистент **Б.Ибрагимджанов,** тел:+998916125070

Ассистент **Н.Бобоев,** тел: +998932424280

baxromibraginjanov@gmail.com

Маълумки, хозирда қишлок хўжалигининг машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш, соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш, хамда агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташки бозорларда рақобатбардош техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган ягона техника сиёсатини амалга ошириш мақсадида Президентимизнинг "Машинасозлик ва ишлаб чиқариш корхоналарини бошқариш уларни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштиришга қаратилган фаол тадбиркорлик ва инновацион ғояларни қўллаб қувватлаш туғрисида"ги давлат дастури жорий этилиши машинасозликнинг кенг тармоқли ривожланиши ва унинг техника ва технологияларини такомиллаштириш учун қулай шарт-шароит яратилишининг асосидир.

Шунингдек, олиб борилган кўп йиллик илмий ва амалий изланишларнинг натижаси қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишга эришишда далаларга асосий ишлов бериш, яъни уларни ҳайдаш, муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Мазкур агротехник тадбир ўз вақтида ва сифатли ўтказилса тупроқда кўплаб нам тўплаш, далаларни бегона ўт босишини камайтириш, қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сифатли экиш, уларни қийғос ундириб олиш ва ниҳолларни яхши ривожланиши учун қулай шароитлар яратилиши мумкин.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган далаларни ҳайдаш учун Т-4А, ДТ-75 каби занжирли тракторлар билан агрегатланадиган икки ярусли ПЯ-3-35, умумий ишларни бажариш учун мўлжалланган ПН-4-35, ПЛН-4-35 ва ПЛН-3-35омочларидан фойдаланилган. Мустақиллик йилларида Республикамизга чет эллардан «Магнум», «Case», МХ-135 каби замонавий ғилдиракли ҳайдов тракторлари ва улар билан ишлатиш учун кўплаб 165, LD-100 ва шу каби қатор айланма омочлар ҳам олиб келинди (1-расм).

Лекин, амалда ўтказилган синовлар бу омочлар ерларни ҳайдаш учун бизда қўйиладиган асосий агротехник талабларга тўлиқ жавоб бермаслигини кўрсатади. Айниқса, айланма омочларнинг айлантирувчи механизмлари жуда мураккаб ва кўп қувват сарф қилинишини кўрсатди.

Айни вақтда қўлланилаётган айланма омочларнинг ишлатиш жараёнида айрим камчиликлар аниқланган, жумладан, айланма омочларнинг айлантирувчи механизми уч ва ундан кўпроқ механизмлардан иборат экан. Бу каби механизмларни ишлатиш жараёнида, таъмирлашда, техник хизмат кўрсатишда турли хил муаммо ва нуқсонлар пайдо бўлмоқда. Мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида биз учта механизмнинг ўрнига битта механизмдан иборат айлантирувчи механизмни янги асосий конструктив кисмининг тажриба нусхаси тайёрланди ва синаб кўрилди ҳамда ижобий натижага эришилганлиги қайд этилди.

1-расм. Айланма омочнинг умумий кўриниши

Биз томондан такомиллаштирилган айлантирувчи механизмнинг таъмирланган деталлари билан янги механизмнинг деталлари умумий конуниятлари бир хил. Шунга кўра, айланма омочлардаги айлантирувчи механизмини такомиллаштиришда бир нечта механизмларнинг ўрнига битта механизм ишлатилиши ресурсни оширувчи содда хамда қулай йўл ҳисобланади. Қайта тиклаш жараёнида ва таъмирлаш жараёнида ҳам механизм деталларининг таъмирланиши содда ва қулай, анчагина иқтисодий самара олиш имкониятига эга.

Айлантирувчи механизмнинг содда ва қулай ишлаши унга бириктирилган айланма омочнинг иш унумини ортирилишига сабаб бўлади. Такомиллашган механизм ва айланма омоч ва унинг айлантирувчи механизминиг чизма кўриниши куйида кўрсатилган (2-расм).



2-расм. Айланма омочнинг такомиллашган механизмнинг умумий ва чизма кўриниши

Умумий хулосалар

Биз томондан олиб борилаётган тадкикотларнинг дастлабки натижаси шуни курстадики, айланма омоч конструкцияси элементларидан айлантирувчи механизми такомиллашади, натижада айланма омочларнинг бу каби механизмига техник хизмат курсатиш анча осонлашади ва уни таъмирлаш ишлари сарф харажатининг камайиши иктисодий самарада ўз аксини топади. Ишлаш шароитига кура хам бундай механизмлардан фойдаланиш анча кулай деб хисоблаймиз. Келгусида механизмнинг конструкциясини тўлик яратиш ва ишлаб чикаришда фойдаланишга тавсия этишни олдимизга максад килиб қўйилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2014 йилда қабул қилган "Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари туғрисида"ги қарори.
2. Шоумарова М.Ш., Абдуллаев Т.А. Қишлоқ хўжалик машиналари. - Тошкент: Ўкитувчи, 2002.
3. Маматов Ф.М. Қишлоқ хўжалик машиналари. - Тошкент: Фан, 2007
4. Тененбаум М.М. Сопротивление абразивному изнашиванию. Москва. Машиностроение. 1976 г.
5. Хамидов. Н. Қишлоқ хўжалик машиналарини лойиҳалаш. Тошкент.«Ўкитувчи», 1991.
6. Поляченко А.В. Современные методы восстановления и повышения долговечности деталей при ремонте. Москва, "Машиностроение", 1985 г.

AVTOMOBIL DETAL VA UZELLARINI LOYIHALASHDA INNOVATSION YONDASHUV ORQALI AMALIY KO'NIKMALARNI TAKOMILLASHTIRISH

Mamasoliyev Bunyodbek Mahamatjon o'g'li
"Yer usti transport tizimlari" kafedrasi assistenti. Andijon Mashinasozlik instituti, Andijon shahri.
Sotvoldiyev Oybek Abdurashid o'g'li
"Yer usti transport tizimlari va ularning ekspluatatsiya" yo'nalishi talabasi. Andijon Mashinasozlik instituti

Zamonaviy avtomobillarning ishchi xarakteristkalariga bo'lgan talab yildan yilga murakkablashib bormoqda, bu esa ularning konstruktiv o'zgarishiga olib keladi. Avtomobilsozlik sohasida sifatli mahsulotlarni ishlab chiqarish zamon talabi va juda katta ahamiyatga ega. Bunga erishish uchun loyihalash jarayonlarini avtomatlashtirish talab etiladi.

Hozirgi vaqtga barcha sohalarda bo‘lgani kabi avtomobilsozlikda ham yuqori texnologiyalar va dasturlardan foydalanish yo‘lga qo‘yilgan. Bunday dasturlar yordamida avtomobillarning detal va uzellari loyihalanadi. Bundan maqsad loyihalanayotgan detal va uzellarni dastur yordamida elektron shaklini yaratish, sinash va muhandislik xulosalarini chiqarish imkoniyati mavjud. Olingan xulosalarga tayanib loyihalanayotgan mahsulotni amalda ishlab chiqarishni yo‘lga qo‘yish, samarali natijalar olish va dasturlar yordamida loyihalash orqali iqtisodiy samaradorlikka erishish.

Loyihalash jarayoni - yangi mahsulot yoki yangi jarayonni tadqiqot etish, hisoblash va konstruktorlash ishlari majmuidir. Avtomatlashtirilgan loyihalashda texnik vazifani amalga oshirish inson hamda Elektron hisoblash mashinalari (EHM) ning o‘zaro aloqasi yordamida bo‘ladi. Avtomatlashtirilgan loyihalash tizimi zamonaviy hisoblash texnikasini kompleks qo‘llashni nazarda tutadi.

Prototiplash - bu avtomobil sanoatida 3D bosib chiqarishning asosiy qo‘llanilishi [1]. Qisqa vaqt ichida strukturani ishlab chiqarishning bir necha bosqichlarini amalga oshirish imkoniyati tufayli 3D bosib chiqarish samarali dizayn vositasidir. Bugungi kunda 3D texnologiyasi ULTEM va PEEK kabi yuqori samarali materiallardan foydalangan holda funktsional prototiplarni yaratish uchun ishlatilishi mumkin. Ushbu texnologiya 3D Gence tomonidan faol qo‘llaniladi.



1- rasm. Polshadagi Opel zavodi.

Avtomobil ishlab chiqaruvchilari uchun texnologiyaning afzalliklari shundaki, u mahsulot dizayni cheklovlarini engib o‘tadi, mahsulotni ishlab chiqish vaqtini qisqartiradi va yangi mahsulotlarning ishonchliligini oshirish uchun sinxron ishlab chiqish bilan tadqiqot xarajatlarini kamaytiradi.

UnionTech 3D printerlari avtomobil sanoatida keng qo‘llaniladi. Ularning yordami bilan siz modelning dizaynini tezda baholashingiz va qismni yig‘ish uchun tekshirishingiz mumkin.

2-rasm. SLA texnologiyasi

Ular ko'plab avtomobil ishlab chiqaruvchilar va etkazib beruvchilar uchun umumiy xarajatlarning muhim qismini tashkil qiladi. An'anaviy ishlab chiqarishda ehtiyot qismlarni ommaviy ishlab chiqarish keng tarqalgan. Biroq, bu ko'pincha uzoq etkazib berish muddati va yuqori ehtiyot qismlar narxiga olib keladi[4].

Qo'shimcha ishlab chiqarish kontseptsiyani o'zgartirmoqda. Ehtiyot qismlar kerakli vaqtda saytda ishlab chiqariladi. Shunday qilib, talab va taklifni muvofiqlashtirish nafaqat inventar xarajatlarini sezilarli darajada kamaytirishi, balki yakuniy iste'molchiga etkazib berish vaqtlarini ham qisqartirishi mumkin.

Germaniyaning Porsche avtomobil ishlab chiqaruvchisi ehtiyot qismlar ishlab chiqarishda qo'shimcha texnologiyalardan foydalanadi. Porsche kollektorlari uchun Klassika yuqori qiymatga ega. Biroq, kerakli qismning yo'qligi sababli, mashina ishlay olmaydi. Ammo bu mashinalarga talab kamligi sababli ular uchun ehtiyot qismlarni ommaviy sotib olish foydasiz. Bu erda 3D bosib chiqarish kiradi.

2018-yil boshida kompaniya nodir va klassik avtomobillar uchun ehtiyot qismlar ishlab chiqarishda 3D-printerdan foydalanishni e'lon qilgan edi. Metall komponentlar uchun selektiv lazerli eritish (SLM) va plastmassalar uchun selektiv lazerli sinterlash ni joriy etish orqali Porsche o'z mijozlariga arzon narxlarda yuqori sifatli noyob qismlarning keng assortimentini namoyish etdi.

Ishlab chiqarishda 3D texnologiyalardan foydalanishning asosiy to'siqlaridan biri odatda avtomobilsozlik sanoati tomonidan talab qilinadigan yuqori hajmlardir (yiliga 100 000 dan ortiq qismlar). Biroq, bugungi kunda sanoat printerlari kattaroq, chop etish tezligi tezroq va bosma ommaviy axborot vositalarining narxi ancha qulay.

Natijada, 3D bosib chiqarish ma'lum ommaviy ishlab chiqarish uchun asosiy usulga aylanmoqda. Biz ishlab chiqarish ko'rsatkichlari o'rtachadan past bo'lgan avtosport va hashamatli avtomobillar kabi sohalar haqida bormoqda.

So'nggi o'n yil ichida 1 milliondan ortiq 3D-bosma qismlarga ega BMW qo'shimchalar ishlab chiqarish sanoatida yaxshi mavqega ega. Kompaniya o'zining i8 Roadster modeli uchun metall moslamalarni ishlab chiqarish uchun 3D bosib chiqarishdan foydalangan. Muhandislar oldingi versiyalarga qaraganda 44% kamroq og'irlikka ega bo'lgan optimallashtirilgan tom kronshteynini (avtomobilning yumshoq ustini yig'ish va ochishga yordam beruvchi qurilma) yaratishdi [2-3].

Bugungi kunda BMW har bir platformada ushbu qismlardan 238 tagacha chop etishi mumkin, bu esa tom yopish moslamasini birinchi ommaviy ishlab chiqarilgan qo'shimchalar yordamida ishlab chiqarilgan avtomobil komponentiga aylantiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

[1]. Hamraqulov O., Magdiev Sh. Avtomobillarning texnik ekspluatatsiyasi. Toshkent, 2005. 223 b

[2]. Avtotransport vositalari servisi. Servis korxonalarini texnologik jihozlash. M.A. Ikromov va boshqalar. TAYI, Toshkent 2014. -160 b.

[3]. Avtomobillar servisi asoslari. O.Hamraqulov, Yo.Nazarqulov, Sh.Magdiev, T.Qodirshaev. Jizzax 2007 yil.

[4]. Mamasoliev B.M., Kosimov M.M., Abdusattarov N.X. Texnologiya proizvodstva stalnыx koles avtomobiley i nedostatki v ix proizvodstve // Universum: texnicheskie nauki: elektron. nauchn. jurn. 2021. 3(84). URL: https://7universum.com/ru/tech/archive/item/11401 (data obraщeniya: 25.03.2021).

MEXATRON MODULLARNING VA ROBOTLARNING YURITMALARI

Xusanov Yunusali Yuldashaliyevich
Farg'ona politexnika instituti
Abdullayev Shuhrat Maxmutjonovich
Farg'ona politexnika instituti doktaranti
Komilov Doniyorbek Ortiqjon o'g'li
Farg'ona politexnika instituti 37-20 M va R gurux talabasi
Sotvoldiyeva Saida Soxibjon qizi
Farg'ona politexnika instituti 37-20 M va R gurux talabasi

Turmush tarzini yaxshilash, yengillashtirish va yanada qulay qilishga intilish insoniyat uchun xos bo'lgan doimiy harakatdir. Barcha ixtiro va innovatsiya negizida bir maqsad – yashashni qulay qilish yotadi. Insonlar maqsadlarini amalga oshirishda yangi mahsulotlar texnologiyasini yaratishda bazaviy fanlarni rivojlantirish bilan cheklanib qolishgan. Buguni kundagi texnologiyaning rivojlanishi hosilasi bo'lgan mahsulot ayrim yoki barcha fanlarni birlashuvi natijasidir.

Mexatronikaning yaralishi nafaqat yangi texnologiyalarga bo'lgan zaruriyatni yuzaga keltiradi, balki texnologik fanlarga bo'lgan qarashlarni tamomila o'zgartiradi, ularni loyihalash, ishlab chiqarish, yig'ish, sozlash, ekspluatatsiya qilish, ta'mirlash va utilizatsiya qilish o'rtasida murakkab o'zaro aloqani hisobga oluvchi tizimli darajaga aylantiradi.

Mexatron modullar va robotlarning yuritmalari fani yo'nalish bo'yicha ihtisoslik fanlar turkumiga kiritilgan. O'quv fanini o'zlashtirish jarayonida amalga oshiriladigan masalalar doirasida bakalavr: Mexatron modullar va robotlarning yuritmalari asosiy funksiyalarini ta'minlovchi ishchi organlarini harakatga keltiruvchi mexanik qurilmalar, turli xildagi yuritmalar bo'yicha ko'nikmalarga ega bo'lishi;

sanoat robotlarining va texnik majmualarning avtomatlashtirilgan elektr yuritmalarini loyihalash, eksplutatsiya etish va sozlash tajribasiga ega bo'lishi kerak. Mexatron modullar va robotlarning yuritmalari fanini o'qitishdan maqsad. Robototexnik qurilmalarning rivojlanish bosqichlari va ularning ishlab chiqarishdagi o'rni to'g'risida ma'lumotlar bilan tanishtirish; robotlarning mexanika qismi to'g'risida ma'lumot berish; robotlarning boshqaruv dasturiy ta'minotidan foydalanishga o'ogatish; robototexnika va texnik majmualarning elektr yuritmalarining turlari va ularga qo'yiladigan asosiy talablarni bilishga o'rgatish; robotexnika va texnik majmualarning kuch sxemalari va ularni boshqaruv tizimlari ishlash rejimlari to'g'risida bilimlarga ega qilish; robototexnika va texnik majmualarning avtomatlashtirilgan elektr yuritmalarini loyihalash, ishlatish va sozlashni o'rgatishdan iborat. Fanning vazifasi talabalarni robototexnik va texnik majmualarning avtomatlashtirilgan elektr yuritmalarini ishlab chiqarishda qo'llashning turli amaliy masalalarni tahlil etishga, mustaqil fikrlashga, qororlar qabul qilishga tayyorlashdan iborat. Bir narsani unutmaslik kerakki, asosiy maqsad texnikani sotib olishda emas, balki uni iqtisodiy rivojlantirishning dastagiga aylantirishdadir. Robotlarni ishlab chiqarishga joriy etishda robo totexnikaga kerak bo'lgan texnologik jarayonlarni bosqichlarga ajratish kerak.

Har qanday mashina mexanik qismidan, yuritma qismidan (asosan, elektromexanik yuritmadan), hamda boshqarish tizimidan iborat. Mexanik qismining asosiy elementlari:

- foydali mexanik ishni bajaruchi ishchi organ (masalan, yukni ko'taruvchi kran lebyodkasi, suyuqlikni haydovchi nasosning ishchi g'altagi, detalga mexanik ishlov beruvchi metall kesish stanogining frezasi va h.k.).
- harakat tezligini yoki xarakterini (masalan, aylanma harakatni ilgarilanma harakatga) o`zgartiruvchi mexanik uzatma.

Mashina yuritma qismining vazifasi elektr energiyasini yoki boshqa energiyani (gidravlik yoki pnevmatik energiyani) mexanik energiyaga aylantirish va mashinaning ishchi organlarini harakatga keltirishdir. Elektrmexanik yuritma elektrodvigateldan va elektr kuchli o`zgartirgichdan iborat. U manbadan (elektr ta`minlash tizimidan) olinadigan elektrenergiyasini dvigatel o'ramasini ta`minlovchi ko'rinishga keltiradi. Ana shu o'zgartirgich dvigatel vali holati, kuchi va tezligini boshqaradi.

Elektr kuchli o'zgartirgichlar bu kuchli tranzistorlar, bipolyar tranzistorlar, teristorlar va intellektual kuchli modullardir.

Kuchli o'zgartirgichlardan harakatni boshqarish tizimida, qurilmalarni himoyalashda, avariyali maromlarda va nosozliklar diagnostikasida foydaniladi. Yangi kuchli o'zgartirgichlar yarim o'tkazgichli asboblar asosida yaratiladi. Bu o'zgartirgichlar ijrochi dvigatellar va boshqaruvchi kompyuterlar orasidagi oraliq zveno bo'lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Xusanov Y.Y. "Mexatronika asoslari" o'quv qo'llanma, Farg'ona-2020
2. Л.В.Перегудов, А.Н. Хошимов, И.К. Шалагуров и др. Автоматлаштирилган ишлаб чиқариш технологик жихозлари. Тошкент: "Ўзбекистон", 2001й.,488 б.
3. Подураев Ю.В. Мехатроника: основы, методы, применение: учеб. Пособие для студетов вузов. – 2-е изд., стер. – М.: Машиностроение, 2007. – 256 с.
4. Подураев Ю.В. Основы мехатроники: Учебное пособие. – М.: МГТУ «СТАНКИН», 2000. – 80 с.
5. Юревич Е.И. Основы мехатроники. СПБ БХВ-Петербург, 2005, 416 с.
6. Егоров О.Д..D., Подураев Ю.В. Конструирования мехатроных модулей М. МГТУ "Станкин", 2004, 306 с.

RESPUBLIKAMIZDA QO'LLANILAYOTGAN EKSKAVATORLARNING CHO`MICH TISHLARINI QAYTA TIKLASH USULLARINI TAKOMILLASHTIRISHNING TAXLILI

Zulfiqorov Dostonbek Rustamjon o'g'li,
1-bosqich magistranti,
Andijon mashinasozlik instituti, Andijon, O`zbekiston.

Jahonda mashinasozlik og`ir sanoatining o`sish sur'ati va sifatini takomillashtirish; mehnat unumdorligi hamda sharoitlarini yaxshilash maqsadida muayyan darajada mexanizatsiya vositalarining texnik darajasini oshirish; og`ir sanoat ishlab chiqarishining raqobatbardosh texnika va texnologiyalarini yaratish; ular ustida chuqur fundamental tadqiqotlar olib borishning ilmiy-amaliy, texnik masalalarni haletish muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shuningdek, qurilish, konchilik va yer ishlarining sifat ko`rsatkichlarini oshirish muhim vazifalardan sanaladi. Bu borada rivojlangan mamlakatlar, jumladan AQSh, Yaponiya, Germaniya, Xitoy, Angliya, Polsha, Rossiya va boshqa mamlakatlarning ilmiy-tadqiqot markazlarida ishlab chiqarishda raqobatbardosh texnika va texnologiyalarni yaratish maqsadi bilan yer va konchilik ishlari hajmi salmog`ining oshib borishini hisobga olib, yer qazish va konchilik texnikasini sifat jihatdan yaxshilash va undan foydalanishning samaradorligini oshirishga alohida e'tibor berilmoqda.

Jahonda yer qazish va kon mashinalaridan foydalanishni takomillashtirish uchun ekskavator kovshining kesuvchi elementlarining detallarini optimal geometrik holatini shakllantirish, gruntga urilish jarayonida kovshga tushadigan deformatsiya bosimini kamaytirish, toshli gruntlarda gorizontal va qiya harakat trayektoriyasini kesuvchi zixshaklini ratsional tanlash orqali bartaraf etilmoqda. Kovsh kesuvchi elementlarining kuchli darajada o`tmaslashuvini, buning natijasida ekskavator ishchi uskunalarining deformatsiyasiga olib kelishini bartaraf etish, kovshning ishchi organlari kesuvchi elementlarining chidamligini oshirish bo`yicha tadqiqot ishlari natijalarining tahlili

tadqiq etiladigan tabiiy-iqlim va grunt sharoitlarining isbotlangan ta'sirini hisobga olish zarurligini ko`rsatadi [1].

2012 yil 1 yanvar holatiga respublika hududining umumiy yer maydoni O'zbekiston 44896,9 ming ga. Barcha erlar davlat mulki hisoblanadi va milliy boylik hisoblanadi. Ratsional va yer fondidan oqilona foydalanish davlat tomonidan muhofaza qilinadi. O`zbekiston Respublikasi yer fondi o`z maqsadi bo`yicha quyidagi asosiy toifalarga bo`linadi: ehtiyojlar uchun mo`ljallangan qishloq xo`jaligi yerlari va qishloq xo`jaligi ishlab chiqarish maqsadlariga mo`ljallangan erlalar.

Respublika yer fondining umumiy maydonidan 2012 yil 1 yanvar holatiga qishloq xo`jaligi erlari 25252,2 ming gektar yoki 56,9% ni tashkil etadi. Ular nafaqat qishloq xo`jaligi mahsulotlarini ta'minlash, balki qishloq xo`jaligi landshafti uchun qulay iqlim yaratishga xizmat qiladi va atrof-muhit sharoitlari ta'minlaydi. Aholi punktlari yerlari, shu jumladan shaharlar egallab turgan yerlar; qishloq aholi punktlari va aholining boshqa yashash joylari, umumiy maydoni 216,3 ming gektar yoki yerning 0,48 foizini tashkil qiladi.

O'rmon fondi yerlari, bu yerlarga o'rmon bilan qoplangan yerlar, shuningdek o`rmonlar bilan qoplanmagan, lekin o`rmon xo`jaligi ehtiyojlari uchun ajratilgan. Asosan ushbu toifadagi yer maydoni 9635,9 ming gektar yoki umumiy yerning 21,69 foizini tashkil etadi. Suv fondi yerlari 830,3 ming ga yoki 1,86% ni tashkil etadi. Ushbu toifaga yerlarga suv havzalari va inshootlari egallab turgan yerlar kiradi; Zaxira yerlari. Ularga foydalanish uchun ajratilmagan yoki ijaraga beriladi va hech qanday yuridik yoki jismoniy shaxsga topshirilmaydi.2012-yil 1-yanvar holatiga ko`ra, bunday yerlarning maydoni 12262,7 ming gektarni tashkil etadi, yoki umumiy yer fondining 27,62% ni tashkil etadi [2].

Respublikaning tekis qismi turli tarkibli tosh-tuproq qotishmalardan tashkil topgan bo`lib ular quyidagi fraktsiyalardan iborat: qumli - 17 ... 25%, loyli - 65 ... 70% va gil - 13 ... 15%. Ularning asosini kremniy tashkil etadi (50% gacha). Yozda yog`ingarchilik miqdori (yiliga 80 ... 100 mm) bo`lganligi sababli, o`rmonlarning namligi 3 ... 5%; bu ularning zichlanishiga olib keladi [3].

2017-2021 yillarda O`zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo`yicha Harakatlar strategiyasida, jumladan «...iqtisodiyotda energiya va resurslar sarfini kamaytirish, ishlab chiqarishga energiya tejaydigan texnologiyalarni keng joriy etish»[3] vazifasi belgilab berilgan. Ushbu vazifalarni amalga oshirish, jumladan qurilish, tosh-tuproq qazish, konchilik ishlarida keng qo`llaniladigan ekskavator cho`mich tishlarini texnologik jihatdan modernizatsiyalash, ish organlarining resursini jahonning ilg`or korxonalari ishlab chiqarayotgan ish organlar resursi darajasiga yetkazish hisobiga foydalanishdagi xarajatlarni kamaytirish va ularning tannarxini pasaytirish muhim masalalardan biri hisoblanadi.

[3] O`zbekiston respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-son "O`zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo`icha Harakatlar strategiyasi to`g`risida"gi Farmoni.

Jahondagi ko`plab olimlar tomonidan mashina va mexanizmlar detallarining, tosh-tuproq qazuvchi mashinalarning kesuvchi elementlarining mustahkamligi, chidamliligi va yeyilish bardoshligini oshirish bo`yicha tadqiqotlar amalga oshirilib, bu yo`nalishda ma'lum natijalarga erishilgan.

Lekin bugungi kunda Respublikamizda tosh-tuproq qazish ishlarida keng qollanilayotgan Gadfild po'latidan tayyorlangan chomich tishlarining resursi xaftasiga 3000-3500 metr kubni tashkil qilmoqda. Bu esa ularning xar oyda almashtirishni talab etmoqda. Eyilish natijasida ta'mir talab xolga kelga ekskavator cho'mich tishlari o'rtacha 5 tishli cho'mich tishi uchun 1 yilda 60 tagacha tish sotib olishni talab etmoqda. Albatta bu bugungi kunda resurs tejamkor texnologiyalarni qo'llashni talab etadi.

Ekskavatorlar ish organlari ichida cho`mich tishlar tosh-tuproqning maksimal yuklanishi ta'sirida bo`ladi, shu sababli tishning tig`i va ishchi yuzasi tez yeyiladi. Tishlar resursini oshirishning materialshunoslik yo`nalishi, ya'ni qattiqligini, yeyilishga chidamliligini oshirish maqbul bo`lib uni qo`llash orqali kutilgan samaradorlikka erishish mumkin. Yumshoq yoki qattiq materiallardan tayyorlangan tishlarni tosh-tuproqning katta bosimi bilan bog`liq ish sharoitida, qattiq materiallarga ishqalanishda abraziv zarralari o`zining o`tkirligini yumshoqroq materialga ishqalanishdagi mikroqirqilishlarga qaraganda tezroq yo`qotishi aniqlandi. Umuman olganda, bosimni ortishi bilan ikkala turdagi materiallarning yeyilishi ham ortib boradi, ammo qattiq materiallarning yeyilish jadalligi yumshoq materialning yeyilish jadalligidan ancha past bo`lishi aniqlangan va shuning uchun ham qattiq materiallarning nisbiy yeyilishga chidamliligi yuqori bo`lishi aniqlandi.

Respublikamizda tosh-tuproq qazish ishlarida keng qollanilayotgan Gadfild po'latidan tayyorlangan chomich tishlarining resursini oshirishda bugungi kunga kukunsimon payvandlash materiallarini qo'llash orqali qoplama qoplash ularning resursini bir necha marta ortishini ta'minlaydi.

Adabiyotlar

1. Ruzibayev A.N. Dissertatsiya avtoreferati «Bir kovshli ekskavatorning ishchi organlari detallarini, kovsh tishlarini yeyilishga bardoshliligini oshirish" Toshkent 2020.
2. Zemelniye resursi i prodovolstvennaya bezopasnost Tsentralnoy Azii i Zakavkazya. Prodovolstvennaya i selskoxozyaystvennaya organizatsiya ob'yedinennix natsiy. Rim, 2016. 79-80 str. https://www.fao.org/3/i5914b/i5914b.pdf .
3. Tojiyev U., Namozov X., Nafetdinov Sh., Umarov K. O`zbekiston tuproqlari. Toshkent. 2004. 126-148 bet.
4. Muydinov, A. S., & Abdullayev, S. A. (2021). Calculation Of Resources of Parts of The Type Shaft of Agricultural Equipment. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 3, 62-65.
5. Farxshatov, M. N., Kosimov, K., Muydinov, A. Sh., & Madazimov, M. T. (2019). Rezultati issledovaniy fiziko-mexanicheskih i ekspluatatsionnix svoystv

lemexov plugov, ispolzuyemix v respublike Uzbekistan. in sovremennoye sostoyaniye, traditsii i innovatsionniye texnologii v razvitii apk (pp. 94-97).

KICHIK QUVVATLI MOBIL MIKROGES QURILMASINI ISHLAB CHIQIH VA U ORQALI KO'CHALAR YORITISH TIZIMINI EKOLOGIK TOZA ELEKTR ENERGIYASI BILAN TA'MINLSH

Rayimdjanov Babur Nemadjanovich,
Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti, "Elektr energiyasi va nasos stansiyalaridan foydalanish kafedrasi assistenti.
Azimov Arabboy Mubtoxiddin o'g'li,
Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti talabasi.
Rustamov Boburjon Baxodirjon o'g'li,
Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti talabasi.

Past bosimli oqava suvlar republikamizda ko'p joylarda mavjud, ayniqsa viloyatimiz Andijonda bunday oqaqvq suvlar dan elektr energiyasini olishimkoniyatlari ko'plab mavjud. Bizning ustozlar bilan o'rgangan tajribbalarimizdan kelib chiqqan holda 0.5 kilovat dan 5-kilovatgacha elektr energiyasini olish imkoniyatlarimiz mavjud.Avvalam bor quvvat olish imkoniyatini o'rganib keyin xisob-kitoblarga ko'ra mikro GES qurilmasini o'rnatib ishga tushirish mumkin.

O'tkazilgan tajribalarimizdan xulosa qilib shunday kichik oqava suvlarda elektr energiyasini olish imkoniyatlarini o'rganib quyidagi natijalar imkoniyati o'rganildi.

0.5 m/sek.-0.03kilovat	2.5 m/sek.-0.86kilovat
0.7 m/sek.-0.07kilovat	3 m/sek.-1.24kilovat
1 m/sek.-0.14kilovat	4m/sek.-2.2kilovat
1.5 m/sek.-0.31kilovat	5 m/sek.-.3.5kilovat
2 m/sek.-0.55kilovat	6m/sek.- 4.2 kilovat

Mahalliy imkoniyatlardan kelib chiqib mikroGES ning generator qismida ayrim o'zgartirishlar amalga oshirildi hamda o'zimizda mavjud bo'lgan chetdan keltirilgandan ko'ra arzonroq va samaradorligi yuqoriroq dvigatellarni qayta moslashtirilgan holatda chulg'amlarini o'rab stator qismini past aylanishga ega bo'lgan energiya beruvchi qurilmani, rotor qismini neodim magnitlar orqali o'zgartirish xisobiga yuqori samarali elektr energiya ishlab chiqaruvchi generator ishlab chiqildi. Xisoblarga ko'ra bizning generatorimiz aynan bir xil quvvatdagi Xitoy generatorlari bilan taqqoslaganda 2,5 barobar arzon tushmoqda. Mahalliy sharoitda dvigatellarni qayta ishlab generator sifatida mikroGES larda qo'llash kata samara bermoqda. Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar institute qoshida tashkil etilgan "Havaskor elektrik va elektronshiklar" guruhida malakali o'qituvchi va ilmiy hodimlar bilan ushbu qurilmani yanada samaradorligini oshirish bo'yicha ishlar davom etmoqda.

Ushbu ishlab chiqilgan qurilma orqali xozirgi kundagi dolzarb muammo bo'lib turgan dunyodagi tabiiy energiya resuslarining tugab borayotganligi hamda ananaviy usulda ishlab chiqarilayotgan elektr eneriya stansiyalarining atrof muhitga ya'ni ekologiyaga salbiy ta'sirini kamaytirish imkoniyatini beradi.Ushbu muammolarni

bartaraf qilishda bizning ishlab chiqgan va amalda sinalgan qurilmamiz ma'lum darajada ijobiy ta'sirini ko'rsatib yil mavsumiga ham bog'liq bo'lmagan holda uzluksiz ishonchli ekologik toza energiya manbasi bilan ta'minlaydi. Andijon sharoitida ayniqsa ushbu qurilma yuqori samara beradi,chunki viloyatimizda bunday qurilmada elektr energiyasini ishlab chiqarish uchun ko'plab past bosimli oqava suvlar mavjud.

Adabiyotlar

1."Qayta tiklanuvchi energiya manbalari" o'quv qo'llanma. .Toshpo'latov, D.B.Qodirov.

2."Alternativniye istochniki energii i energosberejeniya", B.Germanovich

3. Кичик ва микро-ГЭСларни жорий этиш истиқболлари. Наука и инновации в XXI века, конференция 29.07.2021 й.

4. Substantiation of parametrs of hydro turbines of microhydroelectric ststions with an asynchronous generator. IOP Conference Series and nvironmental Science. Scopus 4https://iopscience.iop.org/issue/1755-1315/868/1

ТЕРМИЧЕСКАЯ УСТОЙЧИВОСТЬ МНОГОСЛОЙНОЙ НАНОСТРУКТУРЫ $(Mg/ZrO)_{45}$

В. А. Кириллова[1], А. Н. Смирнов[2], О. В. Стогней[3]

[1]Магистр, va.kirillova@bk.ru

[2]Аспирант, deadpank@mail.ru

[3]Д-р ф.-м. наук, профессор, sto@sci.vrn.ru

ФГБОУ ВО «Воронежский государственный технический университет», Воронеж, Россия

Аннотация. В работе изучено влияние термического отжига, проводимого в вакууме, на многослойную наноструктуру $(Mg/ZrO_2)_{45}$ с различной толщиной металлических слоёв.

Ключевые слова: многослойная наноструктура, термическая устойчивость, общая дифракция, малоугловая рефлектометрия.

Многослойная наноструктура $(Mg/ZrO_2)_{45}$ была получена методом ионно-лучевого распыления металлической (Mg) и оксидной (ZrO) мишеней, с последующим осаждением материала на вращающиеся вокруг мишеней, подложки. Разная толщина образцов была получена за счет градиента толщины металлических слоев, путем осаждения магния через V-образный экран, в то время, как оксид циркония - без экрана.

Температурные зависимости электросопротивления наноструктур Mg/ZrO_2 показывают, что толщина и морфология металлических слоёв (сплошные или дискретные) не изменяют структуру в диапазоне температур 20-200^{0}C (рис. 1) [1].



Рис. 1 – Температурные зависимости сопротивления многослойных структур $(Mg/ZrO_2)_{45}$ с различной толщиной бислоя: 1 – 4,7 нм, 2 – 4,9 нм, 3 – 5,5 нм, 4 – 6,3 нм, 5 – 8,2 нм.

Общая дифракция подтвердила отсутствие структурных изменений. Дифрактограммы образцов, отожженных при 200^0C, идентичны с исходными дифрактограммами тех же образов (рис.2 – 3).

Исследование малоугловых рефлектограмм также показало, что изменений в структуре одинаковых образцов до и после отжига при 200^0C не наблюдается (рис. 4), следовательно, слоистая структура и для дискретных слоев магния, и для сплошных сохраняется.

При более высоких температурах характер изменения фазового состава зависит от количества магния в структуре.



Рис. 2– Общая дифракция от образца толщиной 4,7 нм при разной температуре отжига



Рис. 3 – Общая дифракция от образца толщиной 8,2 нм при разной температуре отжига

В образцах с несплошными магниевыми слоями (толщина 4,7 нм) отжиги при 250 и 300^0C практически не оказывают влияние на фазовый состав и на слоистость структуры. Идентичная картина наблюдается и при исследовании наноструктуры методом малоугловой рентгеновской рефлектометрии (рис. 4). При температуре 300^0C происходит окисление магния в образцах со сплошными слоями. На дифрактограмме образца, отожженного при 300^0C пика, соответствующего магнию, не наблюдается, но появляется пик,

соответствующий оксиду магния (200). Образование оксида магния приводит к разрушению многослойности структуры.



Рис. 4 – Результаты малоугловой рентгеновской рефлектометрии многослойной структуры Mg/ZrO_2 в исходном состоянии и после отжигов: а - толщина бислоя 4,7 нм; б - толщина бислоя 8,2 нм.

Малоугловые рефлектограммы образца со слоями магния толщиной 8,2 нм отожженного при 300 и 400^{0}С отличаются от исходных (рис. 4): характерные для многослойной структуры осцилляции – сглаживаются.

Важно, что в том случае, когда слои магния не являются сплошными, многослойность структуры сохраняется вплоть до температуры 400 ^{0}С [2].

Литература

1. Нелинейные явления в нано- и микрогетерогенных системах \ С.А.Гриднев и др. \\ М.: Бином. – 2012. – 352 с.
2. Кириллова В. А. Электрические свойства многослойной наноструктуры Mg/ZrO. Выпускная квалификационная работа, Воронеж, 2020, 51 с.

СТРУКТУРНЫЕ И МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ПРЕВРАЩЕНИЯ В ПОКРЫТИЯХ ИЗ ГИДРОКСИАПАТИТА В РЕЗУЛЬТАТЕ ТЕРМИЧЕСКОГО ОТЖИГА

Костюченко А.В[1]., Половинкин А.А.[1]

[1]Воронежский государственный технический университет, 394026, Россия, г. Воронеж, Московский проспект, 14

Гидроксиапатит (ГА) является наиболее важным материалом среди минералов группы фосфата кальция (ФК) по причине того, что это основная составляющая минеральной части человеческого скелета. Полезность его имплантации поврежденной ткани человека зависит от ее качества и соответствующих свойств. Синтез керамики на основе порошковых компактов ГА проводят различными методами спекания: традиционная термообработка, микроволновое нагревание и искровое плазменное спекание. Для нанесения материала с целью использования как керамического покрытия имплантов

Hozirgi kundagi eng so'ngi bilim darajasidagi aqlli chorvachilik qanday bo'lishi kerak? Aytaylik fermada 100 bosh jonzot boqilmoqda. Aqlli sistema ularning har birini kunlik nazoratini olib borsin. Ya'ni bir bosh jonzod sutkada qancha vaqt oxurdan ozuqa iste'mol qildi, shu davr mobaynida qancha birlik ozuqadan qancha ist'mol qilishi mumkin, kunlik harakati davomida qancha energiya sarflaydi-yu, qanchasi foydaga(sut, go'sht, tuxum va boshqalarga) aylanadi. Qancha vaqt harakatsiz bo'lsa kasal deb qarash mumkin. O'zini tutushidan, harakatlanishidan va boshqa tashqi belgilaridan qanday kasal bilan kasallanganligini, shu holat yana qancha hayvonlarda sodir bo'layotganligiga qarab, uning ozuqa ratsioniga, iqlim sharoitiga va boshqa ta'shqi omillarga qanday o'zgartirish kerakligi haqida insonga kerakli tahlil va ko'rsatmalarni bera olsa, shu aqlli chorvachilik bo'la oladi. Texnikani o'zi oziqlantirib, o'zi nazorat qilib, shu nazorati davomida qanday natijaga erishganini tahlil qilib, kerakli hulosa va tavsiyalarni insonga bera olishi kerak.

Aqlli meditsina misolida qanday bo'lishi kerak? Misol sifatida shifokor qabuliga kelgan bemorni shu aqqli texnika yordamida skanerlab, uning organizmida bo'layotgan jarayonlar – qon aylanishidan tortib, ovqat hazm qilishigacha, asab tolalaridan tortib kundalik turmush tarzigacha tahlil qilib, shu hayot tarzi bilan yashasa yana qancha muddatda boshqa kasalliklarga chalinishi, yoki qanday qoidalarga rioya qilsa bu kasalliklardan tuzalishi haqidagi tavsiyalarni bera olishi kerak. Buni aqlli meditsina deb nomlasak bo'ladi.

Hozirgi ta'limda ham kitoblarni elektronlashtirib, baholashni kompyuterda test olishga o'tkazib, doska o'rnida proyektor yoki elektron doskalarni qo'yib talimni zamonaviylashtira oldikmi?

Hozirgi kunda urfga aylangan har bir sinf xonasiga kamera qo'yishdan maqsadni o'zgartirishimiz kerak. Qaysi talaba o'qish davomida o'zini qanday tutmoqda, qaysi talaba darslarda faolligi bor, qaysi talaba kam qatnashib, diqqati o'qishdan tashqarida bo'lmoqda. Bu kuzatuvni maxsus dasturlar orqali tahlil qila olishi kerak. Ma'lumotlarni jamlab, qayta ishlab, kerak bo'lsa kerakli mutaxasis – psixolog, shifokorga yo'llanma berishga aqli yetadigan texniologiyalarni yaratishimiz kerak. Kurs yakunidagi imtixon jarayonlarida ham test tizimini takomillshtirishimiz kerak. Bu jarayonni ham haqiqiy ustoz va talaba o'rtasidagi(ta'magirsiz) muloqot jarayoniga yaqinlashtirish kerak, toki talabani bilimini haqiqiy baholay olishi, bilimdagi kamchilik va bo'shliq joylarni ko'rsatib bera olishi va holis baho bera olishi kerak.

Ustozlarni ham nazoratini dars jarayonida(hafta yoki bir oy mobaynida) qancha vaqt bo'lishi, dars davomida talabalarni o'zini tutishi, berayotgan bilimga aks ta'siri,

faolligi, shuningdek boshqa tashqi ta'sirlar hammasi tahlil qilinishi va kerakli aqlli hulosa va tavsiyalarni bera oluvchi aqlli ta'lim texnologiyalarni yaratishimiz kerak.

Ta'limni elektronlastrish deganda ilmiy amaliy ishlarni kompyuter dasturlari orqali bajarish imkoniyatlarini ko'rishimiz kerak. Hayotiy jarayonlarni visual tajribalar orqali tekshirish, o'rganish uchun sharoitlar bo'lishi kerak. Kompyuter dasturlari orqali mashinalar to'qnashganda haydovchiga qanday ta'sir qilishi organganday, tibbiyotda ham qandaydir og'riqlar, salomatligida bo'layotgan muammolarni qanday yechish mumkinligini visual tajriba yordamida o'rganish mumkin bo'lsin. Bemor shikoyatlari va olingan tahlil natijalarini va shiforkor bergan muolajalar(dori darmon va boshqalar) kompyuterga kiritilganda simulatsion dastur inson organizmiga qanday foyda yoki zarar berishni ko'rsatib bersin. Tavsiya etilgan dori qaysi organizmga foyda beradi, qaysi organizmga zarar qilib, yangi kasallik keltirib chiqaradi. Shunday dasturlarni yaratish ta'limni elektronlashtirish deyiladi.

Hozirgi kunda biz zamonaviy texnologiya sifatida foydalanilayotgan axborot texnologiyalar bizga faqat vaqtdan yutushimizga, resurslarni tejashimizga yordam bermoqda holos. Hozirgi kundagi jahondagi zamonaviy texnologiyalar tafakkur qilishga o'tdi, omillarni tahlil qilishga o'tdi. Biz megabaytli axborotlarni jo'natish yoki olishda vaqt kutib o'tirganimizda boshqalar juda katta hajmdagi axborot - terabayt, emas petabayt yoki ekzabaytdagi axborotlarni saqlovchi va tezkorlik bilan tahlil qiluvchi texnologiyalar ustida bosh qotirishmoqda.

Bir kun kelib har bir inson haqidagi ma'lumotlar jamlanib tahlil qilinadi. Ya'ni inson iqtisodiy holati (qancha maosh olishi, ularni qanday ehtiyojlarga sarflash – qanchasi oziq-ovqatga, qanchasi dam olishga, kommunal, transport harajatlari, boshqa harajatlari, oila a'zolarining harajatlari), sog'lig'i, psixologik holati haqidagi ma'lumotlar, turli insonlar bilan muloqoti (kimlar bilan qayerda, qanday muloqot qilishlari) va shu kabi ma'lumotlar asosida har bir insonga real baho berish mumkin bo'ladi. Misol uchun bankdan kredit olishda bu inson uchun qanchalik tejamkorligi, jinoyatga aralashib qolganda qay darajada ishtirok etishi darajasi kabilarda bunday faktorlar muxim hisoblanadi.

Axborot texnologiyalari soxasidagi hozirgi kunda o'ta zamonaviy bo'lgan muammolar sifatida qaysilarni olishimiz mumkin? Hozirgi kundagi dolzarb muammolar qatoriga umumlashtirgan holda quyidagilarni qo'shish mumkin.

1. Katta hajmli ma'lumotlar bilan ishlovchi(tezkor saqlash, qayta ishlash va uzatish) texnologiyalarini yaratish. Katta hajmli ma'umotlarni kichik o'lchamli (nanoqurilmalarda) saqlash, juda qisqa vaqt oralig'ida ularni qayta ishlash va tahlil qilish va uzoq masofalarga yetkazish.

2. Sun'iy ongga ega robotlar, qurilmalar va ularni boshqaruvchi dasturlar yaratish. Shu jumladan qurilma va inson o'rtasida noan'anaviy muloqot muxitini yaratish. Neyron sistemalarni o'rganish.

3. Katta miqiyosda to'rt o'lchamli (3 o'lchamga vaqtni bog'lash) tasvirlar bilan ishlash.

4. Internet orqali bo'ladigan tahdidlar va ulardan himoyalanish – kiber hujum va kiber xavfsizlik.

Qisqasi hozirgi axborot texnologiyasi soxasida tayorlashimiz kerak bo'lgan mutaxasislarimiz hujjatlarni elektron ko'rinishga o'tkazishni yoki 3d modeldagi tasvirlar yaratishni o'rganish emas, yuqoridagi 4ta yo'nalishlar doirasida mutaxasislar tayyorlashni ko'paytirish va tezlashtirish kerak. Hozirgi kundagi shu soxaga ixtisoslashtirilgan oliy ta'limda tafakkur qiladigan sistema(qurilma va ulardagi dastur)lar yaratishga o'qitishimiz kerak.

Zamon bilan, jahon bilan tenglashimiz uchun o'ta zamonaviy bilimlarni o'rganishimiz kerak. Axborot texnologiyalari sohasidagi yetuk kadrlarni tayyorlashda ularga qo'shimcha texnik yo'nalishdagi bilimlarni, meditsinani, psixologiyani, biologiya kimyo fanlarnini mukammal o'rgatishimiz, kamida 3ta jahon tillarida (muloqat qiladigan emas) fikrlay olishi kerak bo'ladi. Shunda biz yetishtirgan aytishniklarimiz zamonaviy aytishnik darajasiga yetishadi. Shularni Al Xorazmiy, Abu Rayhon Beriniy, Abu Ali ibn Sino, al-Fargoniy vorislari deb atashimiz mumkin.

Adabiyotlar.

1. Ta'lim sifatini oshirishda adolatni o'rnatish – sun'iy intelekt texnologiyalaridan foydalanish. Sh. Abdurahimov. Analitical journal of edication and development. 2021y. dekabr.

2. Encyclopedia of Information Science and Technology, Fourth Edition. Information Resources Management Association, USA

KIBERXAVFSIZLIKNING ELEMENTLARI

Abduvaxobova Robiyaxon Abdusamat qizi

Talaba, Andijon mashinasozlik institute, Andijon, O'zbekiston

"Kiberxavfsizlik" atamasi juda ko'p turli narsalarni o'z ichiga oladi. Kiberxavfsizlik xizmatlari texnologiyadan foydalanishning barcha usullari va bir nechta himoya qatlamlarini o'z ichiga oladi.

Nega kiberxavfsizlik har qanday biznes operatsiyalarining muhim qismi hisoblanadi? Chunki faqat bitta kiberhujum qurboni bo'lish biznesni moliyaviy jihatdan vayron qilishi mumkin. Kichik biznesning 60% ga yaqini ma'lumotlar buzilishi yoki zararli dastur infektsiyasiga uchraganidan keyin 6 oy ichida o'z faoliyatini to'xtatadi.

KIBERXAVFSIZLIKNING TURLI ELEMENTLARI:

- Ilova xavfsizligi
- Axborot xavfsizligi
- Tarmoq xavfsizligi
- Foydalanuvchi xavfsizligi
- Operativ xavfsizlik

Yuqoridagi elementlarning har biri infratuzilmangizning turli sohalarini ifodalaydi va har birini turli xil taktikalar bilan himoya qilish muhimdir. Quyida har birini batafsilroq tasvirlab beramiz.

ILOVA XAVFSIZLIGI

Ilovalar xavfsizligi dasturiy ta'minot ilovalarini tahdidlardan himoya qilishdan iborat. Bu o'z ilovalari va bulutli xizmatlarini ishlab chiqadigan va sotadigan kompaniyalarning asosiy yo'nalishi bo'lsa-da, bu biznes uchun ham muhimdir.

Xavfsizlik sozlamalarining noto'g'ri konfiguratsiyasi bulutli hisob ma'lumotlarining buzilishining asosiy sababidir. Kompaniyalar Microsoft 365 kabi yirik bulut xizmatidan foydalanadilar, ammo xavfsizlik sozlamalarini standart sozlamalardan sozlashlari kerakligini tushunmaydilar.

Bulutli ilovaning noto'g'ri konfiguratsiyasining asosiy sabablari:

- Bulutli xavfsizlik siyosati haqida xabardorlikning yo'qligi
- Tegishli nazoratning yo'qligi
- Boshqarish uchun juda ko'p interfeyslardan foydalanish
- Insayderning beparvo xatti-harakati (masalan, foydalanuvchi xatosi)

Ko‘p faktorli va ma’muriy imtiyozlar nazoratini o‘rnatish kabi ishlarni bajarish, kiberxavfsizlik bo‘yicha maslahat xizmatlari ilovalaringiz buzilishining oldini olish uchun ilovalar xavfsizligini kuchaytirishga yordam beradi.

AXBOROT XAVFSIZLIGI

Axborot xavfsizligi kompaniya ma'lumotlarini va mijozlar yoki sotuvchilar to’g’risidagi ma'lumotlarni himoya qilishni o'z ichiga oladi. Ma'lumotlar maxfiyligi va maxfiylik qoidalari axborot xavfsizligi uchun asosiy qoidalarni o'rnatadi.

Aksariyat kompaniyalar bir yoki bir nechta axborot xavfsizligi standartlariga rioya qilishlari kerak. Beparvolik shaxsni identifikatsiyalash mumkin bo'lgan ma'lumotlarning buzilishiga olib keladi.

TARMOQ XAVFSIZLIGI

Tarmoq xavfsizligi jismoniy tarmoq va unga ulangan barcha qurilmalarni himoya qilishni o'z ichiga oladi. Aksariyat kompaniyalar kiruvchi va chiquvchi trafikni tahdidlar uchun nazorat qilish uchun xavfsizlik devorlaridan foydalanadilar. Bu tarmoq xavfsizligining bir shakli.

Tarmoq xavfsizligini qal'aning tashqarisidagi qo'riqchi sifatida tasavvur qilishingiz mumkin. U faqat avtorizatsiya qilingan foydalanuvchilar tarmoqqa kirishini va tarmoq ichida shubhali xatti-harakatlar sodir bo'lmasligini ta'minlash uchun mo'ljallangan.

SO’NGI FOYDALANUVCHI XAVFSIZLIGI

Yakuniy foydalanuvchi xavfsizligi, shuningdek, oxirgi nuqta xavfsizligi sifatida ham tanilgan. Bu foydalanuvchilar bilan ishlaydigan qurilmalarni va foydalanuvchilarning o'zlarini himoya qilish haqida. Yakuniy foydalanuvchi xavfsizligi juda muhim, chunki kiberhujumlarning 91% elektron pochta orqali boshlanadi.

Agar siz so'ngi foydalanuvchi xavfsizligidan foydalanmasangiz, zararli dastur bilan zararlangan himoyalanmagan xodimning qurilmasi orqali osongina kiberhujumdan aziyat chekishingiz mumkin va keyin bu infektsiyani butun kompaniya tarmog'iga tarqalishiga olib kelishi mumkin.

OPERATSION XAVFSIZLIK

Operatsion xavfsizlik butun xavfsizlik strategiyangizni bir butun sifatida ko'rib chiqishni o'z ichiga oladi. Bu sizning operatsiyalaringiz davomida barcha xavfsizlik taktikalarining uyg'un ishlashini va hech biri bir-biriga zid bo'lmasligini ta'minlaydi.

Operatsion xavfsizlik bo'yicha maslahatlar berishda kiberxavfsizlik hizmatlari kiberhujumchi kabi o'ylashga harakat qiladilar. Ular potentsial buzilish qaerda sodir bo'lishi mumkinligini ko'rish uchun texnologiya muhitingizning barcha turli sohalarini tekshiradilar.

Operatsion xavfsizlik barcha AT xavfsizligi jarayonlarini qamrab oluvchi soyabondir. Bu, umuman olganda, operatsiya nafaqat potentsial buzilishning barcha sohalarini himoya qilishini, balki so'nggi tahdidlar va xavfsizlik yutuqlaridan xabardor bo'lish uchun xavfsizlik strategiyalarini muntazam yangilab turishini ta'minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Akbarov D.Y.Axborot xavfsizligini ta'minlashning kriptografik usullari va ularning qo'llanilishi. „O'zbekiston markasi"-Toshkent-2009yil.
2. S.K.G'aniyev,A.A.G'aniyev,Z.T.Xudoyqulov. "Kiberxavfsizlik asoslari" o'quv qo'llanma.Toshkent-2020yil.
3. D.E.Akbarov,P.F.Hasanov,H.P.Hasanov,O.P.Axmedova. „Kriptografiyaning matematik asoslari" elektron o'quv qo'llanma.2010yil.

BOG'LOVCHILIK XUSUSIYATLARINI YAXSHILAYISH UCHUN IKKIMLIK HOMOSHYODAN MAHALLIY HOM-ASHYOLARDAN FOYDALANISH

Abidova Mamuraxon Alisherovna
Assistant, Fergana politexnika instituti
Tel: 91 127 00 15
E-mail: mamurahonabidova@gmail.com

Hozirgi kunda mamlakatimizda qurilish materiallari madaniyat va texnikaning rivojlanishida katta rol o'ynadi. O'zbekistonda iqtisodiyotning jadal rivojlanishi bugungi kunda barcha turdagi resurslardan oqilona foydalanish, ularning yo'qotilishini kamaytirish va chiqindisiz texnologiyalarni joriy etishni nazarda tutadi. Hozirgi mahalliy chiqindilarning qayta ishlash muammosi nafaqat atrof-muhitni muhofaza qilish, balki xom ashyo taqchilligi bilan bog'liq holda ham dolzarb bo'lib bormoqda.[1]. O'zbekistonda har yili 9 million tonna qattiq maishiy chiqindilar hosil bo'ladi. Bugungi kunda O'zbekistonda 183 ta korxona va 9 ta klaster faoliyat ko'rsatmoqda. qattiq maishiy chiqindilarni qayta ishlash bilan shug'ullanadi. Umumiy ishlab chiqarish quvvati yiliga 894 ming tonna chiqindilarni qayta ishlash imkonini

beradi, bu esa respublikada ishlab chiqarilgan umumiy chiqindilarning atigi 9 foizini tashkil etadi. O‘zbekistonda yiliga o‘rtacha 30 million m^3 gacha qattiq maishiy chiqindilar saqlanadi. Qattiq maishiy chiqindilarni saqlash uchun poligonlar soni ortib borayotgani, shuningdek, bozorning yangi ko‘p funksiyali qurilish materiallariga bo‘lgan talabi yuqoriligini inobatga olgan holda, texnogen chiqindilardan foydalangan holda qurilish materiallari ishlab chiqarish zarurati tug‘iladi. Zamonaviy quruq qurilish qorishmalarida (QQQ) arzon, energotejamkor, mahalliy xom ashyolardan kengroq foydalanish dolzarb muammolardan hisoblanadi. Qurilish materiallarni ichida birinchi o‘rinlardan bog‘lovchi moddalar egallaydi. To‘ldirilgan bog‘lovchilarning sifatini yaxshilashning eng yaxshi usuli, shuningdek, ularga asoslangan issiqlik izolyasiyasi kompozisiyalarini qurish mahsulotlarini narxlarini pasaytirish - qayta ishlangan materiallardan olingan ko‘p funksiyali qo‘shimchalarni ularning tarkibiga kiritish. Bular mahalliy yog‘och qirindilari va bir yillik dala o‘simliklari: bug‘doy somoni, g‘o‘za poyasi qipiqlari sasna daraxtini yaproklari, palma daraxti tanasini ustki pustlog‘i bo‘lib, har yili muntazam qishloq xo‘jaligi mahsulotlari chiqindilari sifatida paydo bo‘luvchi ikkilamchi xom ashyodir. Barcha tanlab olingan chiqindilar qayta tiklanuvchi xom-ashlar turiga kiradi

Maxalliy chiqindilar arzonligi uni qurilish materiallarini dispers mustahkamlash uchun ideal nomzod hisoblanadi. Biroq, bog‘lovchilar bilan yomon yopishish ba’zi muammolarni keltirib chiqaradi, uning yechimi qurilish materiallari bozoriga arzon va bardoshli innovasion mahsulotni beradi [2].

Gipsli moddalar ishlab chiqarish uchun asosiy xom-ashyosi tabiiy gips toshi $CaSO_4 \cdot 2H_2O$ va tabiiy angidrid $CaSO_4$, gilgips, shuningdek, asosan kal’siy sul’fat, hamda fosfor gipsdan, borogipsdan tarkib topgan kimyo sanoatning turli hil chiqindilari xom ashyo bo‘lib xizmat qiladi. Gipsning tishlashish va qotish vaqtlari xom ashyoning xossasi, uni tayyorlash sharoiti, saqlanish muddati va sharoitiga, qo‘shiladigan suv miqdori suv bilan gips nisbatip, bog‘lovchi modda va suvning temperaturasi, aralashtirish sharoitlariga va ular tarkibida biror qo‘shimchalarning borligiga bog‘liq. Bu hol bir qancha noqulayliklarga sabab bo‘ladi, chunki qorilgan gipsni tishlashib qolmasdan ilgari ishlatish lozim. Agar tishlashishi jarayoni buzilsa, hosil bo‘layotgan kristall kurtaklari parchalanib ketadi va mustahkamligi keskin kamayadi. Shu sababli gipsni tishlashgunga qadar ishlatib tugatish uchun yoki oz-oz miqdorda qorish yoxud gipsga tishlashish jarayonini susaytiruvchi moddalar qo‘shish mumkin. Qurilish gipsi qancha ko‘proq tuyilsa, juda mayin va tez tishlashuvchi qolipbop gips hosil bo‘ladi.

Ba’zi chiqindilar tabiatda butunlay tolali. Misol uchun, poliyetilen tereftalatdan tayyorlangan shishalardan yaxshi yopishtiruvchi xususiyatlarga ega kuchli tolani olish mumkin. Shuningdek, shisha tolaga kulletni qayta ishlash texnologiyasi uzoq vaqtdan beri ma’lum, bugungi kunda, o‘z navbatida, devor panellari ishlab chiqarishda keng qo‘llaniladi. Qog‘oz chiqindisi asosan syellyulozadan iborat bo‘lib, uning o‘zi tolali xususiyatga ega. [2] Ammo faqat O‘zbekistonga xos bo‘lgan o‘ziga xos chiqindilar –

tuyaqush pati ham bor. tuyaqush pati ajoyib termal xususiyatlarga ega bo‘lgan noyob tabiiy material hisoblanadi. Tuyaqush pati eng muhim sifatlaridan biri uning past issiqlik o‘tkazuvchanligidir. Ushbu materialning yana bir muhim xususiyati uning yuqori gigroskopikligidir . Gipsni mustahkamlash uchun tuyaqush patidan foydalanish g‘oyasi, nazariy jihatdan mavhum bo‘lib ko‘rinsa-da, amalda noyob qurilish materialini berishi mumkin.

Ushbu plastifikatorning qo‘shilishi nafaqat materialning mustahkamlik xususiyatlariga ta’sir qildi, balki ushbu kompozisiyadan gips-tolali qatlam ishlab chiqarishda muhim ahamiyatga ega bo‘lgan tola-gips fazasida yopishqoqlikni oshirdi.

Foydalanolgan adabiyotlar.

1. Эргашев А., Руденко И., Давлетов С., Азизов А., Акиншина Н. “Основы устойчивого развития и природопользования”. Ташкент. Baktria press., 2016. 296 с.
2. Игамбердиев Б.Г., Абидова М.А., Омонова М.С. Исследование влияния пластификатора на прочностные характеристики гипсошерстяного композита // Проблемы современной науки и образования, 2019. № 5 (138). С. 19-22.
3. Игамбердиев Б.Г., Адылходжаев А.И. Исследование влияния армирования различными волокнами на прочность гипсовых композитов. В сборнике: Наука и инновации в строительстве. Сборник докладов Международной научно-практической конференции (к 165-летию со дня рождения В.Г. Шухова), 2018. С. 383-385
4. . Корчагина О.А., Однолько В.Г. Материаловедение: Оценка качества строительных материалов. Тамбов: ГОУ ВПО ТГТУ, 2010. 84

REAKTIV QUVVAT MANBALARINI KONPENSATSIYA QILISH

Alibekova Mohida Ashurali qizi
Assistent, Andijon mashinasozlik instituti,
Andijon sh., Uzbekiston
E-mail: alibekovamokhida@gmail.com
Mashrapov Shaxzod Davronbek o'g'li
Student , Andijon mashinasozlik instituti,
Andijon sh., Uzbekiston
E-mail: mashrabovshaxzod09@gmail.com

O‘zgaruvchan tok elektr motorlari aktiv va reaktiv quvvatni iste’mol qilish bilan tavsiflanadi. Bunda o‘zgaruvchan tok elektr ta’minoti tizimining xususiyatlari ko‘rib chiqiladi. Ularning energiya samaradorligini baholash vaqtida reaktiv quvvatni ham hisobga olish kerak. Uni uzatish uchun simlar orqali aktiv quvvatning ma’lum bir qismi sarflanadi. Hisoblarga ko‘ra reaktiv quvvat tanqisligi elektr tarmog‘idagi kuchlanish darajasining pasayishiga olib keladi va elektr tizimining statik barqarorligini buzishi mumkin. Shu sababli quvvat manbalariga doimiy aktiv balki

reaktiv elememtlarga ega bo‘lgan elektr qabul qiluvchilarga reaktiv quvvatni ham yaratish kerak.

Tarmoq orqali reaktiv quvvat uzatish elektr uzatish liniyasidagi yo‘qotishlar tufayli iqtisodiy tomondan olganda foydasiz bo‘lganligi sababli uni mahalliy reaktiv quvvat manbalari sig‘imli reaktiv quvvat kompensatsiya qurilmalari yordamida to‘g‘ridan - to‘g‘ri iste'mol nuqtalarida ishlab chiqarish kerak. Bunda elektromagnit energiyaning almashinuv qismi nolga teng bo‘ladi. Bundan shuni xulosa qilishimiz mumkinki energiya manbasidan iste'mol qilmaydi va unga qaytmaydi. Kopositiv va induktiv elementlar bir – biri bilan reaktiv energiya almashadilar. Bunday xolatda ham faqat energiya uzatiladi. Bu foydali ishga aylanadi. Energiya jarayonlarini boshqarish tizimlariga, raqamli tehnologiyalarni joriy etish bilan ish rejimlarini optimal boshqarish va energiya iste'moli reaktiv quvvat kompensatsiyasining asosiy nazariy qoidalarini asoslash kerak bo‘ladi.

Maqolada avtomatlashtirilgan raqamli energiya boshqaruv tizimlarini asosini tashkil qilish mumkin bo‘lgan nazariy qoidalar keltirilgan.

Rezistor va induktiv lasanning ketma – ket yoki parallel ulanishidan iborat aktiv induktiv yukka ega bo‘lgan sinusoidal oqim reaktiv, aktiv va ko‘rinadigan quvvatlarning oniy qiymatlari uchun ifodalar va to‘lqin holatdagi diagrammalar berilgan.



1- Rasm. Struktura sxemasi Elektr zanjirida kalitni ulash bilan tok kuchining maksimal qiymatga ega bo'lishi.

Transfer sig‘imli kompensatsiya yordamida reaktiv quvvat kompensatsiyasi holatida yuk bilan parallel ravishda kondansator batarekalarini ulash orqali quvvat qiymatlarining to‘lqin diagrammalari qay tartibda o‘zgarishi ko‘rsatilgan. Ikkala holatda ham kontaktlarning zanglashiga olib keladigan reaktiv quvvat nolga teng bo‘ladi, ko‘rinadigan quvvat aktiv quvvatga teng bo‘ladi.

Biroq bu holatlarda aktiv quvvatlarning oniy qiymatlarti egri chiziqlari turli bosqichlarga ega , ular reaktiv quvvat kompensatsiyasi qurilmalari uchun raqamli avtomatik boshqaruv tizimlarini ishlab chiqish va ishlatishda hisobga olinishi kerak. Elektr tarmoqlarining asosiy vazifasi iste’molchilarni elektr energiyasi bilan ta’minlashdan iborat. Shuning uchun elektr tizimlarining samaradorligini tavsiflovchi amaliyot uchun muhim bo‘lgan asosiy miqdorlar quvvat va energiya hisoblanadi. Quvvat qiymati bo‘yicha elektr ta’minoti tizimining ishlashi har bir ish rejimida alohida baholanadi va iste’mol qilingan energiya qiymati bo‘yicha tizimning uzoq vaqt ishlashi o‘lchanadi.

AC elektr ta’minoti tizimlarining o‘ziga xos xususiyati shundaki, ularning energiya samaradorligini baholash uchun nafaqat aktiv , balki reaktiv quvvatni ham hisobga olish kerak. Reaktiv quvvat tanqisligi elektr tarmog'idagi kuchlanish darajasining pasayishiga olib keladi va ba'zi hollarda elektr tizimining statik barqarorligini buzishi mumkin. Energiya jarayonlarini boshqarish tizimiga raqamli texnologiyalarni joriy etish bilan energiya iste'moli rejimlarini optimal boshqarishning asosiy nazariy qoidalarini asoslash zarur. Quyida energiyani boshqarishning avtomatlashtirilgan tizimlarini ishlab chiqish uchun asos bo'lishi mumkin bo'lgan qoidalar keltirilgan. Generatordan linya bo’yicha reaktiv quvvatni uzoq masofaga uzatishdayo’qotishlar ortadi, shu bilan birga $X_c va X_L$ ham ortadi. Reaktiv quvvat ortishi bilan reaktiv quvvat yo’qolishi aktiv quvvat yo’qolishi bilan kabi ortadi ana shu yo’qotishni kamaytirish maqsadidakompensatsiya qiluvchi qurilma qabul qilinadi. Bu reaktiv quvvat manbasi hisoblanadi va istemolchi quvvatidan ta’minlanadi , linyada zo’riqishlar bo’lmasligi uchun uni istemolchiga yaqin joyga o’rnatiladi. Bunday holatda linyada yo’qotishlar kamayadi. Reaktiv quvvat manbasiga generatorlar, kompensatorlar, sinxrom dvigatellar,kondensatorlarva boshqa manbani sozlovchilar kiradi.bu manbalarni o’rganib chiqilganda ishlatishga eng qulayi kondensator batareyasi deb topildi.

Kondensator batareyasi bu kondensatotlarni bir guruppasini ketma –ket va parallel ulangan to’plami bo’lib ular yo’qolgan quvvatni o’rnini to’ldirib turish uchun hizmat qiladi. Ketma- ket ulangan kondensatorlar soni ortib borsa batereyada ruxsat etilgan kuchlanish ortadi. Parallel ulangan kondensatorlar soni ortib borsa batereyada ruxsat etilgan tok kuchi ortadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Yusupbekov N.R. Muxamedov B.E, G’ulomov Sh. M Tehnalogik jarayonlarni boshqarish sistemalari. Toshkent. : O’qituvchi, 1997-352b

2. Balamurugan, K.; Srinivasan, D.; Reindl, T. Impact of Distributed Generation on Power Distribution Systems. Energy Procedia 2012, 25, 93–100.

3. Zhang, L.; Sidhu, T.S. New Dynamic Voltage and Reactive Power Control Method for Distribution Networks with DG Integration. In Proceedings of the 2014 IEEE Electrical Power and Energy Conference, Calgary, AB, Canada, 12–14 November 2014; Volume 14, pp. 190–195.

4. Franco, J.F.; Rider, M.J.; Lavorato, M.; Romero, R. A mixed-integer LP model for the optimal allocation of voltage regulators and capacitors in radial distribution systems. Int. J. Electr. Power Energy Syst. 2013, 48, 123–130.

5. Bernardon, D.P.; Mello, A.P.C.; Pfitscher, L.L.; Canha, L.N.; Abaide, A.R.; Ferreira, A.A.B. Real-time reconfiguration of distributed network with distributed generation. Electr. Power Syst. Res. 2014, 107, 59–67.

6. Spavieri, G.; Ferreira, R.T.M.; Fernandes, R.A.S.; Lage, G.G.; Barbosa, D.; Oleskovicz, M. Particle Swarm Optimization-based approach for parameterization of power capacitor models fed by harmonic voltages. Appl. Soft Comput. 2017, 56, 55–64.

7. Abolfathi, K.; Babaei, M.; Ahmarinejad, A. Designing Optimal Passive Filters for Transformers under Harmonic Conditions. Energy Procedia 2017, 141, 411–417.

IOT-МОДЕЛЬ УПРАВЛЕНИЯ РЕАКТИВНОЙ МОЩНОСТЬЮ СИСТЕМЫ ЭЛЕКТРОСНАБЖЕНИЯ СПЕЦИАЛЬНОЙ НАГРУЗКИ.

Алибекова Мохида Ашурали кизи
Ассистент, Андижанский машиностроительный институт,
Республика Узбекистан, г. Андижан
E-mail: alibekovamokhida@gmail.com
Машрапов Шахзодбек Давронбек угли
Студент, Андижанский машиностроительный институт, Республика
Узбекистан, г. Андижан
E-mail: mashrabovshaxzod09@gmail.com

Сети распределения электроэнергии (ДН) сталкиваются с постоянно меняющимися потребностями в выработке электроэнергии и/или высокими колебаниями нагрузки от низкой к высокой и наоборот. Эти проблемы распространены в распределительных сетях. Падение напряжения является одной из наиболее важных проблем качества энергии и касается пользователей, подключенных к распределительным сетям низкого напряжения. Стабильность напряжения тесно связана с изменением динамики нагрузки, и в последнее время постоянные изменения нагрузки системы приводят к увеличению числа случаев нестабильности напряжения. Анализ стабильности напряжения — это область исследований, целью которой является мониторинг реакции

электрической системы в зависимости от изменяющейся динамики генератора и нагрузки для достижения стабильной и надежной работы энергосистемы. Для того, чтобы поддерживать устойчивость и надежность всей системы по отношению к этим изменениям, становится все более необходимой перестройка традиционного управления и действий, а также слияние различных слоев/временных масштабов. Практический опыт операторов распределительных сетей показывает, что может быть сложно компенсировать снижение нагрузки на первичных подстанциях с помощью несколько линий электропередач с несогласованными профилями нагрузки. Использование методологий распределения нагрузки и заданных данных наблюдений позволяет создавать достаточно реалистичные профили нагрузки . ДГ влияет на состояние электрической системы и потери в сети [1]. Источники ДГ строятся вблизи центра электрических нагрузок. Их соответствующие компоновки могут способствовать снижению потерь мощности [2]. Использование распределительной генерации делает недействительным предположение о том, что ток всегда течет от источника питания к концу фидеров, а значение напряжения постепенно уменьшается. Устройства ДГ изменяют энергетический поток питающих линий, что приводит к изменению профилей напряжения [3]. Установка регуляторов напряжения также важна для управления профилем напряжения в таких случаях, как:

- линии с высокой пропускной способностью
- окончание сильно нагруженного питания (со значительными перепадами напряжения).

Рисунок 1. Структурная схема iot-модель управления реактивной мощностью системы электроснабжения специальной нагрузки.

В научных публикациях обсуждаются размеры фотоэлектрических систем и систем хранения. Одной из основных проблем является определение

оптимального размера батареи [4]. Размещение аккумуляторных систем хранения в зависимости от их размеров может быть определено с использованием различных методов, каждый из которых имеет свои сильные и слабые стороны. Сложность используемых методов также сильно различается, применяя методы, которые варьируются от простых вероятностных методов до математических стратегий оптимизации и методов, вдохновленных природой [5]:

- Вероятностные методы являются наиболее интуитивно привлекательными и дают наиболее упрощенное представление о размерах батареи. Основная концепция заключается в использовании стохастического подхода к возобновляемым источникам, обычно солнечному или ветровому, при оптимизации размера батарей на основе выбранных критериев [6].
- Аналитические методы, которые иногда называют детерминированными, являются одними из наиболее широко используемых подходов к определению размеров аккумуляторных систем накопления энергии. Эти методы основаны на анализе ряда конфигураций энергосистемы, причем различаются элементы системы, которые необходимо оптимизировать по критериям эффективности [6].

Электричество обычно производится в виде трехфазного переменного напряжения на электростанциях и передается в виде трехфазного переменного напряжения по линиям электропередачи на большие расстояния. Несмотря на то, что однофазные системы обычно используются в бытовых энергосистемах, некоторые однофазные системы существуют в промышленных и коммерческих условиях [7].

Список литературы.

1. Yusupbekov N.R. Muxamedov B.E, G'ulomov Sh. M Tehnalogik jarayonlarni boshqarish sistemalari. Toshkent. : O'qituvchi, 1997-352b
2. Balamurugan, K.; Srinivasan, D.; Reindl, T. Impact of Distributed Generation on Power Distribution Systems. Energy Procedia 2012, 25, 93–100.
3. Zhang, L.; Sidhu, T.S. New Dynamic Voltage and Reactive Power Control Method for Distribution Networks with DG Integration. In Proceedings of the 2014 IEEE Electrical Power and Energy Conference, Calgary, AB, Canada, 12–14 November 2014; Volume 14, pp. 190–195.
4. Franco, J.F.; Rider, M.J.; Lavorato, M.; Romero, R. A mixed-integer LP model for the optimal allocation of voltage regulators and capacitors in radial distribution systems. Int. J. Electr. Power Energy Syst. 2013, 48, 123–130.
5. Bernardon, D.P.; Mello, A.P.C.; Pfitscher, L.L.; Canha, L.N.; Abaide, A.R.; Ferreira, A.A.B. Real-time reconfiguration of distributed network with distributed generation. Electr. Power Syst. Res. 2014, 107, 59–67.

6. Spavieri, G.; Ferreira, R.T.M.; Fernandes, R.A.S.; Lage, G.G.; Barbosa, D.; Oleskovicz, M. Particle Swarm Optimization-based approach for parameterization of power capacitor models fed by harmonic voltages. Appl.Soft Comput. 2017, 56,55-64.

7. Abolfathi, K.; Babaei, M.; Ahmarinejad, A. Designing Optimal Passive Filters for Transformers under Harmonic Conditions. Energy Procedia 2017, 141, 411–417.

AVTOMOBILLARGA KONSTRUKTIV TA'SIR O'TKAZISH JARAYONIDA MEHNAT SARFI ME'YORLARINI ANIQLASH

B.Ismatov

"Avtomobilsozlik va traktorsozlik" magistratura mutaxassisligi 1-kurs talabasi,

Andijon mashinasozlik instituti,

Andijon sh., Uzbekiston

Avtomobillarga konstruktiv ta'sir o'tkazish jarayonida mehnat sarfi me'yorlarini aniqlash xozirgi kundagi dolzarb masalalardan biridir.

Ma'lumki, mashinasozlik soxasida tayyorlanayotgan injener kadrlar o'zining tor mutaxassisligi bo'yicha mashina va mexanizmlarni loyixalash, ishlab chiqarish va ularni ekspluatatsiya qilish bo'yicha xar biri o'z soxasi bo'yicha bilim va amaliy ko'nikmalarga ega bo'ladi. Hamda bilamizki, xar qanday mashina va mexanizmlarning vaqt o'tkani sayin yoki moddiy yoki ma'naviy eskirishlarga uchraydi va bu orada ekspluatatsiya jarayonida ularga texnik hizmat ko'rsatish talab etiladi. Ekspluatatsiya jarayonida yuzaga keladaigan nosozliklar bir butun mexanizm yoki mashinaning ish unumini kamaytirish yoki ishdan chiqishiga sabab bo'ladi. Ushbu holatlarda avtomobillardan davomiy foydalanish uchun texnik xizmat ko'rsatiladi yoki ta'mirlanadi. Aksariyat hollarda ushbu texnik hizmat ko'rsatishga sarflanadigan mehnat va vaqt sarfi afsuski turli joylarda turlicha. Tabiiyki shunga ko'ra iqtisodiy masala, ya'ni mehnat uchun haq to'lash ham har xil.

Yuqorida ko'rsatilgan muammoni yechimini topish va ekspluatatsiya jarayonida avtomobillarga konstruktiv ta'sir o'tkazish jarayonida vaqt me'yorlarini aniqlash orqali ishlab chiqarishda va texnik xizmat ko'rsatishni me'yorlashtirish orqali katta iqtisodiy samaradorlikka erishish mumkin.

Maqolaning maqsadi: Avtomobillarga konstruktiv ta'sir o'tkazish jarayonida mehnat sarfi me'yorlarini aniqlash. Avtomobillarga konstruktiv ta'sir o'tkazish jarayonida mehnat sarfi me'yorlarini aniqlash orqali iqtisodiy samaradorlikni oshirish va uni optimallashtirish.

Tadqiqotning usullari: Avtomobillarga konstruktiv ta'sir o'tkazish jarayonida mehnat sarfi me'yorlarini aniqlashda quyidagi usullardan foydalaniladi:

- analitik-tadqiqot usuli;
- xronimetraj usuli;
- ish vaqtini fotografiya qilish usuli;

- fotoxronometraj usuli;
- ish vaqti sarfini o'rganishning momentli kuzatish usuli;
- mehnatni me'yorlashda analitik hisoblash usuli.

Tadqiqotning uslublari: Avtomobillarga konstruktiv ta'sir o'tkazish jarayonida mehnat sarfi me'yorlarini aniqlashda quyidagi uslublardan foydalaniladi:
-empirik tadqiqot usullari;
-nazariy tadqiqot usullari;
-tahlil va sintez, induksiya va deduksiya, modellashtirish, abstraktlash usullari.

Tadqiqot natijalarining ilmiy jihatdan yangilik darajasi:

Avtomobillarga konstruktiv ta'sir o'tkazish jarayonida mehnat sarfi me'yorlarini aniqlash orqali avtomobillarga ko'rsatilayotgan texnik xizmat ko'rsatishni optimallashtirish va vaqt me'yorlarini normallashtirish.

Avtomobillarga konstruktiv ta'sir o'tkazishdagi mehnat sarfi - ma'lum hajmdagi ishni bajarishga sarflangan kishi-soat yoki dastgoh soatlardagi vaqt.

Mahsulotning mehnat sarfi bir dona mahsulot tayyorlash uchun sarflangan vaqtni ko'rsatadi. Agar bir dona mahsulot ishlab chiqarish uchun 3 soat sarflansa, mahsulotning mehnat sarfi 3 kishi soatga teng bo'ladi.

Mahsulotning mehnat sarfi normativ va haqiqiy soatlarda hisoblanadi.
Mahsulotga mehnat sarfini kengaytirilgan holda hisoblash uchun albatta bajarilishi shart bo'lgan omil, bu ishlab chiqilayotgan mashina, qurilma va uning qismlarini eng oz lekin yetarli belgilar asosida boshlang'ich tasniflashdir.
Mahsulotga mehnat sarfini aniqlash uchun tanlangan usulga quyidagi talablar qo'yilishi kerak:
-usul ob'ektiv bo'lishi, uning yordamida natijalar yo'l qo'yiladigan chegaralardan chiqmasligi kerak;

-usuldan hamma ijrochilar foydalana olishi va oddiy sharoitlarda ham konstruktorlik ishlanmalrini amalga oshirish jarayonida hisob-kitob ishlarini bemalol bajara olishi lozim.
Mehnat sarfini kengaytirilgan usulda aniqlash o'sha mahsulotni ishlab chiqarishni texnik tayyorlash (ITT) ga, ishlab chiqarishga, texnik xizmat ko'rsatishga, knostruksiya va uning tarkibiy qismlarini utilizatsiya va ta'mirlash ishlariga sarflanadigan vaqtni hisobga oluvchi, oldindan ishlab chiqilgan parametrlar asosida amalga oshirilishi lozim.
Bu ma'lumotlar ish turi hamda bu ishlarni bajarish shart-sharoitlari bo'yicha tartibga solib chiqilgan va foydalanish uchun qulay: jadval, grafik, emprik formula va boshqa shakllarda taqdim etilishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Mehnat Kodeksi – T.: "O'zbekiston", 1996.

2. Nazarov A.Sh. Mehnatni tashkil etish va normalash. Darslik. –T.: TDIU, 207. -256 bet.
3.The organization and regulation of labor Proc. allowance - ("higher education") (neck) / Organizatsiya i normirovanie truda Ucheb. posobie - ("Vyssheeobrazovanie"), by Shubenkova E.V., Malinin S.V. Bychin V.B. (Author) Hardcover, Publisher: Infra-M (2009), Language: Russian, ISBN-10: 5160035990, ISBN-13: 978-5160035994,
4.Tim Gilles ―Automotive service‖ Printed in the United States of America. 2014.
5.http:/www.ziyonet.uz
6.http:/www.hozir.org

PAXTANI JINLASH JARAYONIDA TOLA CHIQISH MIQDORINI OSHIRISH USULLARINI AMALIYOTGA QO'LLASH

B.K.Olimov,
Stajyor o'qituvchi, Andijon mashinasozlik instituti,
Andijon sh., Uzbekiston
D.X.Valiyev
Talaba, Andijon mashinasozlik instituti,
Andijon sh., Uzbekiston

Annotatsiya: *CHigit ajratish jarayonida, jinning ishchi kamerasida hosil bo'lgan xom ashyoning valigi tarkibiga bog'liq bo'ladi. CHunki aylanayotgan arraning tishlari tolani ilib olib o'zining orqasidan paxtani ilashtiradi va xom ashyo valigini aylanishga majbur qiladi hamda ishchi kamerada chigit ajratish jarayoni sodir bo'ladi.*

Аннотация: *В процессе отделения семян сырье, образующееся в рабочей камере джина, зависит от состава вальца. Это связано с тем, что зубья вращающейся пилы захватывают волокно, прикрепляют хлопок к его задней части и заставляют вращаться валик с сырьем, а процесс отделения семян происходит в рабочей камере.*

Annotation: *In the process of separating the seeds, the raw material formed in the working chamber of the gin depends on the composition of the roller. This is due to the fact that the teeth of the rotating saw grab the fiber, attach the cotton to its back and make the roller with the raw material rotate, and the process of separating the seeds takes place in the working chamber.*

Kalit so'zlar: *Lint, tola, shtapel uzunligi, momiq, tip, noto'qima mato, pishganlik, linterlash, chigit, panjara, peshtoq brus.*

Yangi O'zbekistonning iqtisodiy ravnaqida sanoat ishlab chiqarishini yuksaltirish asosiy omillardan biri hisoblanadi. Buni respublikamiz prezidenti SH. Mirziyoevning quyidagi so'zi xam isbotlaydi: «Bir so'z bilan aytganda, yengil sanoatimizni, shu jumladan paxta tolasini qayta ishlash korxonalarini tez sur'atlar bilan rivojlantirish bizning ustuvor strategik maqsadlarimizni tashkil qiladi. Hisob kitoblar shuni ko'rsatadiki, faqatgina paxta xom ashyosidan olinadigan sof foyda miqdorini yetti

sakkiz karra ko'paytirish va xazinamizni eksport hisobidan qattiq valyuta bilan to'ldirish hayotimizni yanada to'q va farovon qilish imkoniyatiga ega bo'lamiz [1]. Respublikada paxtachilik – xalq xo'jaligining eng yirik tarmoqlaridan biri bo'lib, mamlakat iqtisodida, xalqning moddiy farovonligini yuksaltirishda katta ahamiyatga ega. Respublika iste'mol fondining katta qismi paxtachilik xom ashyosidan ishlab chiqariladigan sanoat mollaridan tashkil topadi. Sanoat va oziq-ovqat mollarini ishlab chiqarishda chigitli paxta eng kerakli xom ashyo turlaridan biri hisoblanadi. U o'zining ahamiyati jihatidan davlat iqtisodiyotida g'alla, oltin, neft va boshqa g'oyat muhim xom ashyo turlari bilan bir qatorda turadi. CHigitli paxta - paxta tozalash korxonalari uchun xom ashyo, tolasi esa to'qimachilik, trikotaj, poyafzal, yengil sanoat va boshqa tarmoqlar uchun yarim-fabrikat mahsuloti sifatida xizmat qiladi.

Bizga ma'lumki, arrali jinlash jarayoni ancha murakkab hisoblanadi. CHunki, uning ishlashi jinning ishchi kamerasida hosil bo'lgan xom ashyo valigini tarkibiga bog'liqdir. Aylanayotgan arraning tishlari tolani ilib olib o'zining orqasidan paxta bo'laklarini ilashtirib, xom ashyo valigini aylanishga majbur qiladi. Bu jarayon esa, ishchi kamerasining tuzilishiga bog'liqdir. Uning tuzilishi esa, o'z navbatida xom ashyoni valigining tarkibini, tezligini, chigitning toladorlik darajasini, zichligini, olinayotgan tola va chigitning sifatini va nihoyat xom ashyo valigi qatlamlarining nisbiy aylanish chastotasini o'zgartirishga olib keladi.

Yuqoridagi ko'rsatkichlarni yaxshilash maqsadida jinlash texnologiyasini takomillashtirishdir. Xom-ashyo valigini aylanishi, uning zichligini o'zgartirish va ko'pgina texnologik ko'rsatkichlari valikning harakati davrida o'zaro ishqalanishidir, bu esa, uni aylantirish uchun katta energiya sarf bo'lishiga olib keladi. Energiya orqali qatlamlar orasidagi o'zaro harakatlanish holati, tezligi, zichligi va bosimi aniqlanadi. Bu esa tolaning va chigitning sifatini o'zaro boshqarish imkonini yaratadi [2;3].

O'rta tolali paxtani arrali jinda tolasini chigitidan ajratish jarayonida ayrim chigitlar ishchi kamerasida uzoq vaqt qolib ketadi, bu esa mashinaning ish unumdorligiga va chiqayotgan maxsulotlar sifatiga jiddiy ta'sir qiladi. Undan tashqari, chigit tarog'i oralig'ida tolasi to'liq olinmagan chigitlar ham o'tib ketishi kuzatiladi. Ilmiy izlanishlardan shu narsa ma'lumki, xom ashyo valigining tarkibini 50% dan ko'proq chiqishga tayyor chigitlar tashkil etadi. Bu chigitlar tolaga nisbatan massasi og'irroq bo'lgani uchun ular xom ashyo valigining markaziga intiladi va shu yerda to'planadi. Tuksiz chigit miqdorini kamayishi xom ashyo valigining og'irligi va zichligini kamayishiga olib keladi, hamda toladorlik darajasini va tukli chigit miqdorini ko'payishiga sabab bo'ladi, buning xammasi to'ladorlik darajasini ortishiga olib keladi [4].

Respublikamizda chigitli paxtani qayta ishlash jarayonida 4 DP-130 hamda 5 DP-130 rusumidagi arrali jinlari ishlatiladi (1-rasm). Ma'lumki, jinlash jarayoni ishchi kameradan jinlangan chigitlarning bir me'yorda chiqishi hamda ishchi kameraga chigitli paxtaning bir tekisda kelib tushishi bilan amalga oshadi.







1-rasm. 4DP-130 rusumli arrali jinning ko'ndalang kesimi

2-rasm. Arrali jinning ishchi kamerasi

3-rasm. Arrali jinning kolosnik panjarasi

Olib borilgan izlanishlardan shu narsa ma'lum bo'ldiki, chigitning ishchi kamerasida qanchalik uzoq bo'lishi uning sirtidan shuncha ko'p tolali materiallarni ajratib olinishiga sabab bo'ladi (2-rasm). Ammo bu holatda jinning ish samaradorligi kamayadi. SHuningdek tola va chigit sifati mexanik ta'sirlar tufayli pasayadi. Ushbu xolat chigit tarog'i orqali boshqariladi. Jinlangan chigit ishchi kameradan arralar orasi kolosnik usti hamda chigit tarog'i orasidagi kanallar orqali chiqadi. Ushbu kanallarning o'lchamlari ishchi kameradan chiqayotgan chigitning miqdoriga bevosita ta'sir qiladi. Kanal o'lchamlari chigit tarog'i qoziqchalarining vaziyati orqali o'zgartiriladi [5].

Yuqoridagi izlanishlar natijasini hisobga olgan holda chigit tarog'i hamda kolosnik orasidagi masofa muhim ahamiyat kasb etadi . SHu maqsad yo'lida 30 arrali jinda turli xil chigit taroqlari sinab ko'rildi. Tajribalar doimiy og'ish burchagi 100 bo'lgan xolda taroq uchlaridan kolosnikkacha bo'lgan masofa 30;20;10 mm bo'lgan holda o'tkazildi. Avvalgi tajribalarda chigit tarog'i qoziqchalari uzunligi 105 mm bo'lgan holda uzunligi 55 mm bo'lgan chigit tarog'i yaxshi natija ko'rsatdi. Bu tajriba uchun 105 mm li chigit tarog'i tanlab olindi.

O'tkazilgan ilmiy izlanishlardan ko'rinib turibdiki qoziqcha uchlaridan kalasnikgacha bo'lgan masofa o'zgarishi bilan jinlash jarayoning parametrlari o'zgarmoqda, ya'ni chigitning tukdorligi oshib, tola chiqishi kamaymoqda. Ammo bu holatda jinning ish samaradorligi oshmokda. SHuningdek tolaning sifati oshib, chigitning mexanik shikastlanishi kamaymoqda.

Ishchi bo'linmasida tola va chigit unumdorligi undagi xom ashyo valigi massasining oshirish, yoki tola bilan chigitning bo'linmada bo'ladigan o'rtacha vaqtini kamaytirish yo'li bilan oshirish mumkin .

Xom ashyo valigini aylanish tezligini oshirish uchun ishchi bo'linmasining ko'ndalang kesimini kattalashtirish mumkin, lekin bu xom ashyo valigining ishchi kamera sirtlariga ishqalanish kuchini ko'paytirib, aylanishga to'sqinlik qiladi. (4-rasm).



1. Peshtoq brus.
2. Kolosnik.
3. Pastki brus.
4. CHigit tarog'i.
5. Pastki fartuk.
6. Oldingi fartuk.
7. Arrali silindr.
8. Yuuqori brus.
9. Xom ashyo valigi.

4-Расм. Жин ишчи камераси ва хом ашё валиги.

Ishchi kameraning xom ashyo valigidan tolalardan butunlay ajrab chiqishga tayyor bo'lgan chigitlar valik massasining yarmidan ko'pini tashkil etadi. SHu tufayli jin ish unimini faqat chigitni bo'linmada o'rtacha turish vaqtini kamaytirish hisobigagina oshirish mumkin .

CHigit tarog'i hamda kolosnik orasidagi masofa kamayishi bilan tolaning chiqishi ortadi, tukdorlik, ish samaradorligi kamayadi, tola va chigit sifati pasayadi. Tolaga nisbatan olganda kolosnik va chigit tarog'i orasidagi masofa ortsa tola va chigit sifati yaxshilanadi (3-rasm).

Ma'lumki, arrali tola ajratgichlarning ishchi kamerasi qobirg'ali panjara, рещtoq brus, kameraga paxta kiradigan joy va chigit tarog'i bilan chegaralangan old fartukdan iboratdir. Ishchi kamerasining bu elementlari, ularning tuzilishi, katta-kichikligi va arraga nisbatan joylashishi arrali tola ajratish jarayoniga katta ta'sir qiladi.

Tuksiz chigit miqdorini kamayishi xom ashyo valigini massasini kamayishiga olib keladi, hamda toladorlik darajasini va tukli chigit miqdorini ko'payishiga sababchi bo'ladi, buning hammasi umumiy toladorlik darajasini ortishiga olib keladi. Ishlab chiqarish natijalariga asosan, xom ashyo valigi tarkibining ijobiy o'zgarishiga uning aylanish tezligi ortganligi, xamda chigit va tolaning xom ashyo valigida bo'lish vaqtining kamayishidadir, bular esa xom ashyo valigining massasi va zichligining kamayishiga, toladorlik darajasini ortishiga sababchi bo'ladi. Natijada chiqayotgan mahsulot sifatining yaxshilanishiga olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoev SH.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. Toshkent, "O'zbekiston", 2017 yil, 488 bet.

2. Mavlonov T.M, Tillaev M.T. Tola ajratish jarayonidagi chigitning ishchi kamerasidan chiqishi. O'zRFA "Fan" nashriyoti. Mexanika muammolari. O'zbekiston jurnali. Toshkent. 2000. №1. B. 87-91.

3. Agzamov M. Снижение опусшенности семян после пильного джинирования. Проблемы текстиля. 2006 №3. 22-24 str.
4. G. J. Jabborov. CHigitli paxtani ishlash texnologiyasi Toshkent. «O'qituvchi». 1987 y. B.84-92
5. K. Sobirov. Samaradorligi yuqori, bosqichma-bosqich jinlash va linterlash texnologik jarayonini ishlab chiqish. Texn. fan. doktorlik dissertatsiyasi, TTESI. 2008y. 341 b.

OQAVA VA CHIQINDI SUVLARINI TOZALASHDA IOT GA ASOSLANGAN AVTOMATLASHTIRISH TEXNOLOGIYASI

Begijonov Mahmudbek Sharibbek o'g'li
Andijon mashinasozlik instituti
"Mashinasozlik ishlab chiqarishni avtomatlashtirish"
kafedrasi assistenti,

Salohiddinov Fayzulloh Fazliddin o'g'li
Andijon Mashinasozlik instituti,
"Mashinasozlik ishlab chiqarishni avtomatlashtirish"
kafedrasi magistranti.

Turli mamlakatlarda urbanizatsiya rivojlanishi bilan suv resurslarining ifloslanishi tobora jiddiylashmoqda. Suvning ifloslanishi odatda sanoat chiqindi suvlarining ifloslanishini, qishloq suv xo'jaligining chiqindi suvlarining ifloslanishini va maishiy kanalizatsiya ifloslanishini anglatadi. Sanoat chiqindi suvlari sanoat ishlab chiqarish jarayonida ishlab chiqariladi, masalan, qog'oz fabrikasi chiqindi suvlari, bo'yash va to'quv zavodlari chiqindi suvlari, suv sifatiga eng jiddiy ifloslantiruvchi moddalarga ega bo'lgan tog'-kon va qayta ishlash chiqindi suvlaridir. Maishiy kanalizatsiyaning ta'siri kichik bo'lsa-da, agar u to'g'ridan-to'g'ri daryoga quyilsa, shaharning yashash muhiti va ichimlik suvi ifloslanishiga olib keladi. Suv ifloslanishini oldini olish hozirgi kunda global muammolardab biri bo'lib qolmoqda [1 , 2]. So'nggi yillarda suv resurslarini nazorat qilish uchun ko'plab sa'y-harakatlar amalga oshirildi, suv sifatini yaxshilash uchun ko'plab yangi oqava va chiqindi suvlarini tozalash inshootlari qurildi [3].

Oqava suv tozalash inshootlarida suv sifatini yaxshilash kimyoviy ifloslanishni tozalash texnologiyasi, loy mikroorganizmlarini tozalash texnologiyasi, avtomatik boshqaruv texnologiyasi va monitoring tizimi texnologiyasini o'z ichiga olgan tizimli loyihadir [4]. Monitoring tizimi oqava suv tozalash inshootlarining muhim qismidir va samarali monitoring tizimi zavod uskunasining avtomatik ishlashini ta'minlashning kalitidir.

Hozirgi vaqtda oqava suvlarni tozalash inshootlarining monitoringi asosan mahalliy monitoringga asoslangan va butun monitoring tizimi asosiy kompyuter va PLC (Programmable Logic Controller) dan iborat. Operatorlar ma'lumotlar monitoringi va ishlashini mahalliy ravishda amalga oshirishlari kerak va tizimning

ishlashini masofadan nazorat qila olmaydi [5]. Mahalliy ma'lumotlarga asoslangan oqava suvlarni tozalash inshootlarining an'anaviy monitoringi tizimi oqava suvlarni vaqtida tozalashni avtomatlashtirishni rivojlantirishni qo'llab-quvvatladi. Biroq, axborot texnologiyalarining rivojlanishi, ayniqsa IIoT texnologiyasining rivojlanishi bilan oqava suvlarni tozalash inshootlarining an'anaviy monitoringi tizimi mehnat xarajatlari va ma'lumotlarning mavjudligi nuqtai nazaridan cheklovlarni ko'rsatadi.

Oqava suvlarni tozalash katta va murakkab chiziqli bo'lmagan tizim bo'lib, avtomatik boshqaruv texnologiyasi, sensor texnologiyasi, kompyuter texnologiyasi va tarmoq aloqasi texnologiyasini o'z ichiga oladi. Oqava suvlarni tozalash inshootida nazorat qilinadigan mingdan ortiq qurilmalar mavjud va 10 000 dan ortiq signallarni yig'ish kerak. Hozirgi vaqtda ba'zi olimlar suv sifati va ekologik muhitning masofaviy monitoring tizimini o'rgandilar. Atrof-muhit monitoringi va baholashning aqlli texnologiyasini (SEMAT) taklif qildi. SEMAT - suv muhiti monitoringining yangi masofaviy sxemasi bo'lib, u suv sifati atrof-muhit monitoringi qiyinligini ilmiy jihatdan sozlashi va logistika xarajatlarini kamaytirishi mumkin. Tizim suv sifatining onlayn monitoringini amalga oshirish uchun Wi-Fi texnologiyasi, sensor texnologiyasi, veb-nash texnologiyasi va ma'lumotlar bazasi texnologiyasini qo'llaydi. Binolar va atrof-muhit tizimlarining energiyasini tejash uchun tarmoqqa asoslangan taqsimlangan energiya boshqaruv tizimini taklif qildi. Tizim PLC dan markaziy boshqaruvchi sifatida foydalanadi va uskunasi PLC bilan ulanish uchun RS-485 dan foydalanadi. Sanoat dasturiy ta'minoti veb-studiyasidan foydalangan holda, ma'lumotlarni yig'ish va monitoringini amalga oshiradigan SCADA asosiy kompyuter dasturi ishlab chiqiladi.

bo‘ladigan vaqt kam bo‘ladi. Kontur toklar usuli ko‘pincha murakkab' zanjirdagi mustaqil konturlar soni tugunlar sonidan kam bo‘lganda qollaniladi [1], [2].

Buning uchun, tugun potensial va kontur toklar usullari uchun algoritm ishlab chiqiladi va shu asoasida toklarni hisoblaymiz, hamda Multisim dasturida zanjirni yig'ib taqqoslaymiz.

Zanjirning parametrlari quyidagicha: R_1=10 Ω, R_2=10 Ω, R_3=30 Ω, R_4=22 Ω, R_5=19 Ω, R_6=20 Ω, $E_1 = 220\,B$, $E_2 = 380\,B$. Tarmoqdagi oqayotgan barcha toklarni toppish kerak bo‘lsin.



1-rasm. Hisoblash uchun keltilrilgan murakkab zanjir

Murakkab zanjirlar deb bir tugunda uch va undan ortiq tarmoqlar mavjud zanjirlarga aytiladi. Bunga 1-rasmda keltirilgan sxema misol bo‘la oladi. Ushbu sxemani tugun potensial va kontur toklar usullarida yechish algoritimi (2a, 2b-rasm) keltirilgan.



a



b

2-rasm. a-tugun potensial algoritimi; b-kontur toklar usuli algoritimi

Multisim dasturida zanjirni modellashtirish uchun 1-jadvalda keltirilgan elementlardan foydalanamiz.

1-jadval

	Ishlatiladigan elementlar	Dasturda nomlanishi	Ko'rinishi
1	Qarshilik	Resistor_virtual	
2	Kondensator	Capacitor_virtual	
3	Induktiv g'altak	Inductor_virtual	
4	Yerlatgich	Ground	
5	EyuK (o'zgarmas)	DC power	
6	EyuK (o'zgaruvchan)	AC power	



7	Ampermetr	Ammetr_V	
8	Voltmert	Voltmeter_V	

Yuqoridagilardan foydalanib Multisimda zanjirni yeg'amiz.

4-rasm. Multisim dasturida yeg'ilgan sxema va olingan natijalar

Uch xil usulda hisoblangan natijalarni, 2-jadvalga kiritamiz

2-jadval

№	Usul	I_1, A	I_2, A	I_3, A	I_4, A	I_5, A	I_6, A	P_{ich}	P_{iste}
1	**TPU**	-0,765	8,91	-2,385	-5,827	-3,1	-8,083	3223,03	3222,47
2	**KTU**	-0,765	8,92	-2,355	-5,8	-3,12	-8,155	3222,06	3221,95
3	**Multisim**	-0,765	8,922	-2,356	-5,801	-3,121	-8.157	3222,06	3221,91

Xulosa.

1. Energetika sohasidagi ilmiy izlanuvchilar, magistrantlarning ilmiy ishlarida murakkab elektr zanjirlarni hisoblashda, ushbu dastur bir qancha qulayliklar yaratadi.
2. Dasturlar hisoblash jarayonini tezlashtirib, olinadigan natijalarning aniqligini oshiradi.
3. Ushbu dasturlarning boshqa elementlaridan foydalanib, o'zgarmas va o'zgaruvchan zanjirlarni tahlil qilish mumkin.
4. Multisim dasturi oddiy zanjirlardan tortib, murakkab elektr zanjirlarning parametrlarini hisoblashi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. "Теоретические основы электротехники" Л.А.Бессонов. Москова 1996. "Высшая школа". 40-42- betlar.
2. "Elektrotexnikaning nazariy asoslari" S.F.Amirov, M.S.Yoqubov, N.G'.Jabborov. Toshkent 2006. 58-62 betlar.

KOMPRESSOR VA VENTILYATORLARNING ELEKTR ENERGIYA TEJAMKORLIGI ISH REJIMLARI

Kosimov Murodjon Rahimjon o'g'li,
Komiljonov Jasurbek O'ktamjon o'g'li,
Andijon mashinasozlik instituti magstrantlari

Siqilgan havo ishlab chiqarishning barcha sohalarida juda keng qo'llaniladi. Masalan, sanoat va fuqarolik binolani barpo etishda qollaniladigan beton buzuvchi, kuch bolg'a, silliqlovchi mashina va vibrator, bo'yoq pult va bo'yoq sachratuvchi qurilmalarda siqilgan havo kuchidan foydalaniladi. Siqilgan havo kompressorlarda hosil qilinadi. Kompressorlardagi motorlarning quvvati bir necha yuz vattdan bir necha ming kilovattgacha bolishi mumkin. Katta hajmdagi gazli muhitni transportirovka qilishda quvvati minglab kilovattga bo'lgan sinxron motorli kompressorlar ishlatiladi.[1]

Kompressor elektr yuritmalarida elektr energiya sarfini kamaytirish uchun quyidagi tadbirlani amalga oshirish maqsadga muvofiq keladi: 1. Siqiladigan havoni qizdirish va havo o'tkazgichdagi issiqlik izolyatsiyasini qo'llash havo isrofini

kamaytiradi, bu esa o‘z-o‘zidan elektr energiya sarfini kamaytiradi. Bu holda elektr energiyadan iqtisod qilish ushbu formula bilan hisoblanadi:

$$\Delta E = 0{,}22 \cdot Q \cdot \Delta T \cdot \omega \cdot t$$

Bu yerda, Q -siqilgan havo miqdori, m^3/min, Δ T -havo o‘tkazgichga o‘rnatilgan issiqlik izolyatsiyasi qurilmasigacha va qurilmadan keyingi o‘tkazgichdagi haroratlarning ayirmasi (yil davomidagi o‘rtacha qiymati), °C, (0 - 1 m^3 siqilgan havo olish uchun sarf bo‘lgan elektr energiya, kvt·s/ m^3, t — yil davomida kompiyessorning ishlagan vaqti, soat. 2. Siqilgan havo sizib chiqishini kamaytirish kerak. Havoning sizib chiqishi vaqtidagi elektr energiya isrofi quyidagi formula bilan hisoblanadi: $\Delta E = \alpha \cdot n \cdot \omega \cdot t$, bu yerda, α - armatura va qisgichlarda havo isrofi, m^3/min, n - siqilgan havo sizib chiqib ketayotgan joylar soni, t - havo o‘tkazgichning bosim ostida bo‘lib turgan vaqti, soat. 3. Kompressorning nominal bosimiga qarab ishchi mexanizmlarini tanlash kerak. Agar kompressorning bosimi ishchi mexanizm bosimidan yuqori bo‘lganda elektr energiya isrofi quyidagi formula yordamida hisoblanadi:

$$\Delta E = \frac{D(A_1 - A_2) \cdot 60Q \cdot t}{367200 \cdot \eta_t \eta_e \eta_n \eta_m \eta_{in}}$$

Bu yerda, A_i,A_2 - bosimning kamayishidan oldin va keyin 1 m^3 havoni siqish uchun sarf bo‘lgan ish miqdori, kgm/m^3; Q - kompressordan chiqayotgan siqilgan havoning miqdori, m^3/min; t - kompressorning bir yil davomida ishlagan vaqti, soat; $\eta_t \eta_e \eta_n \eta_m \eta_{in}$ -elektr tarmogi, motor, uzatish qurilmasi, kompressorning mexanik va indikatorning FIK lari; D - kompressorning ishlashi davomida yemirilishi natijasida qo‘shimcha elektr energiya isrofining oshishini hisobga oluvchi koeffitsiyent (D = 1,1). Kompressor bosimining 15% kamayishi elektr energiya isrofini qariyb 8 % ga kamayishiga olib keladi. 4. Pnevmatik asboblarni elektr asboblari bilan almashtirish elektr energiyadan 7-10% iqtisod qilish imkonini beradi. 5. So‘rib olinayotgan havo haroratini 3% oshishi kompressordan chiqayotgan siqilgan havo miqdorini 1% ga kamaytiradi, bu esa elektr energiya sarfini oshiradi. Shuning uchun odatda havo so‘ruvchi quvurlar oq ranga bo‘yalib, quyosh nuri tushishidan muhofaza qilinishi zarur. 6. Kompressorning ishlab chiqarish unumdorligini siqilgan havo miqdorining o‘zgarishiga qarab rostlash lozim. 7. Smena o‘zgarishi va tushlik vaqtlarida kompressorlarni o‘chirib qo‘yish kerak. 8. Tezliklari rostlanmaydigan kompressorlardagi asinxron motorlarning tarmoqdan olayotgan reaktiv quvvatini yuklanganlik darajasiga qarab rostlash elektr energiyadan samarali foydalanishning asosiy tadbirlaridan biridir. Metall konstruksiyalar va ular asosidagi inshootlarni quritish maqsadida, shuningdek xonalami isitish uchun turli qizdirg‘ichlar bilan komplektda ventilyatorlar ham keng qo‘llaniladi. Ularda qo‘llaniladigan motorlar asosan asinxron motorlar bo‘lib quwati bir necha yuz vattdan to minglab kilovattgacha bo‘ladi. Ventilyatsion qurilmalarda sarf bo‘layotgan elektr energiyani iqtisod qilish uchun quyidagi amaliy choralar ko‘rish lozim:

1. Iqtisodiy jihatdan ma'qul bomagan ventilyatorni iqtisodiy jihatdan ma'qul bolgani bilan almashtirish natijasida:

$$\Delta E = \frac{thQ(\square_2 - \square_1)}{10^3 \square_2 \square_1 \square_e \square_c}$$

bu yerda, t - ventilyatoming ishlash vaqti, soat; h - ventilyator hosil qilgan bosim. Pa; Q - ventilyatordan chiqayotgan havoning miqdori; m^3/s; $\square_2 \square_1 \square_e \square_c$- o'rnatilayotgan va almashtirilayotgan ventilyatorlarning, elektr motoming, elektr tarmoqning FIK lari. 2. Tushlik va smenalar almashinuvi vaqtida ventilyatorlarni o'chirib qo'yish kerak (shunda elektr energiyadan qilinadigan iqtisod 20% ni tashkil etadi 3. Ventilyator konstruksiyasini takomillashtirish (ishchi g'ildirakdagi parraklaming og'ish burchaklarini o'zgartirish, yo'naltiruvchi apparat parraklarini korreksiyalash va h.k.). Shu tadbirlar natijasida iqtisod qilinadigan elektr energiya quyidagi formula bilan aniqlanadi:

$$\Delta E = \frac{Q_1 h_1 \square_1 - Q_2 h_2 \square_2}{10^3 \square_2 \square_1 \square_e \square_c}$$

bu yerda, Q_i,Q_2 - ishlab chiqarish rejimini o'zgartirguncha va undan so'ng ventilyatordan chiqayotgan havoning miqdori, m^3/s; h_1, h_2 - ishlab chiqarish rejimi o'zgarguncha va undan so'ng ventilyator hosil qilgan bosim, Pa; $\square_1 \square_2$ -ishlab chiqarish rejimi o'zgarguncha va undan so'ng ventilyatoming FIK lari. 4.Ventilyatordan chiqayotgan havoning miqdorini rostlash uchun shiperlar o'miga ko'p tezlikli motorlami qo'llash elektr energiyadan 30% iqtisod qilish imkonini beradi. Shuningdek chastota bo'yicha tezligi boshqariladigan asinxron elektr yuritmalami qo'llash ham ko'p samara beradi.5. Ventilyatomi montaj qilishda va ta'mirlashda kamchiliklami yo'qotish kerak. Tashqi havoning harorati bo'yicha teskari bogTanishli ventilyasion qurilmalaming avtomatik boshqaruv tizimi sxemalarini amalda qollash elektr energiyadan 10 - 15% iqtisod qilishga olib keladi.[2]

Foydalanilgan adabiyotlar

1.S. Majidov . Elektr mashinalari va elektr yuritma. «O'qituvchi», 1970- y., (2-nashri 1979- y., 3- nashri 2002- y.).

2.M .Z.Homidxonov, S.Majidov. Elektr yuritm a va uni boshqarish asoslari. «O'qituvchi», 1970- y.

O'ZBEKISTONDA QAYTA TIKLANUVCHI ENERGIYA MANBALARI ISTIQBOLLARI.

Maftuna Sotvoldiyeva Azizbek qizi

"Muqobil energiya manbalari" yo'nalishi 1-bosqich talabasi,

Andijon mashinasozlik instituti

O'zbekiston – serquyosh o'lka, bu esa quyosh fotoelektr stansiyalari kabi QTEM asosida energiya ishlab chiqarish bo'yicha muhim yo'nalishni rivojlantirishda muhim omildir.

Energetika vazirligi Osiyo taraqqiyot banki va Jahon banki bilan hamkorlikda O‘zbekistonda elektr ta’minotining o‘n yillik rejasini ishlab chiqqan. 2030 yilga borib bu rejaning bajarilishi qo‘shimcha energetika quvvatlari yaratilishiga olib kelib, ular 5 GVt quyosh energiyasi, 1,9 GVt gidroenergiya va 3 GVt gacha shamol energiyasini o‘z ichiga oladi.

Davlatimiz tomonidan 2030 yilga borib, elektr energiyani ishlab chiqarishning umumiy hajmida QTEM ulushini 25 foizga oshirish maqsadi qo‘yildi. Bugun ushbu ko‘rsatkich 10 foizni tashkil etmoqda.

Joriy yil kuzida mamlakatda birinchi sanoat xususiyatiga ega 100 MVt quvvatli FESni foydalanishga topshirildi. U Navoiy viloyatining Karmana tumanida “Masdar” kompaniyasi (BAA) tomonidan qurildi. Shu bilan birga yaqin oylarda Samarqand viloyatida 100 MVt quvvatli FESni ishga tushirish rejalashtirilgan. Mazkur loyiha investori – “Total Eren” kompaniyasi (Fransiya).

1-rasm. Andijon Davlat universitetida joylashgan “quyosh elektr stansiyasi”

Birlashgan Arab Amirliklari kompaniyasining kuchli jihatlaridan biri – elektr energiyasini yetkazib berish bo‘yicha taklif kiritishidir. Ya’ni ushbu FESlarda 25 yil davomida rekord darajadagi past tariflar bo‘yicha energiya yetkazib berish rejalashtirilgan. Xususan, Jizzax FES elektr energiyasi yagona energetika tarmog‘iga bir kilovatt-soat uchun 1,823 AQSH senti tarifi bo‘yicha, Samarqand FES esa – 1,791 AQSH senti tarifi bo‘yicha yetkazib beriladi.

Bunday misollarni ko‘plab keltirish mumkin. Xususan, shamol elektr stansiyalarini joriy qilish borasida ham alohida ishlar olib borilmoqda. Ular ham yaqin kelajakda mamlakatning umumiy tarmog‘iga elektr energiya yetkazib berishni boshlaydi. “Masdar” kompaniyasi ishtirokida Navoiy viloyatining Tomdi tumanida umumiy quvvati 500 MVt li shamol elektr stansiyasini qurish bo‘yicha loyiha amalga oshirilmoqda. SHES quvvatlarining birinchi navbatini 2024 yilda ishga tushirish mo‘ljallangan.

O‘zbekistonda qayta tiklanuvchi energiya manbalariga asoslangan yangi quvvati 100 MVt bo‘lgan shamol elektr stansiyasi loyiha bitimlari imzolangan kundan boshlab 2 yil ichida ishga tushiriladi.

2-rasm O‘zbekistonda shamol eletrs stanssiyani qurilish jarayoni

Olingan takliflarni baholash natijalariga ko‘ra, "ACWA Power" kompaniyasi tomonidan SHES qurilishi bo‘yicha tender g‘olibi deb topildi va u bir kilovatt-soat elektr yenergiyasi uchun 2,5695 AQSH sentlik tarif taklif qildi.

Boshqa bir yirik kompaniya – “ACWA Power” (Saudiya Arabistoni) bilan Buxoro viloyatining G‘ijduvon va Peshku tumanlarida har birining quvvati 500 MVt dan bo‘lgan 2 ta shamol elektr stansiyasini qurish loyihasiga oid bitimlar imzolangan. To‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar 1,3 mlrd. AQSH dollaridan iborat. Shamol elektr stansiyalarini 2023 yilda foydalanishga topshirish mo‘ljallangan.

Xulosa

O‘zbekistonda qayta tiklanuvchi energetika bo‘yicha joriy qilinayotgan loyihalar mamlakat energetika sohasi oldida qo‘yilgan vazifalarni amalga oshirishga o‘z hissasini qo‘shadi. Shuningdek, bu issiqxona gazlarining yillik chiqaruvini CO2 ekvivalentida taxminan 500 ming tonnaga kamaytirishga yordam beradi.

Shunday qilib, raqamlar va dalillarga tayanib aytish mumkinki, so‘nggi bir necha yilda O‘zbekiston energetikasini eng yaxshi xalqaro tajriba asosida rivojlantirish, energetika sohasi bozor munosabatlari sharoitida ishlashga o‘tishini ta’minlash borasida muhim ilgarilash ro‘y berdi. Bularning bari o‘sib borayotgan iste’mol talablariga javob berib, hozirgi va keyingi davrda mamlakat energiya xavfsizligini ta’minlash uchun imkon yaratishi shubhasiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Toirov O.Z., Alimxodjayev K.T., Alimxodjayev SH.K. Qayta tiklanuvchi energiya manbalari. -Toshkent.: «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2019.

2.. O'zbekistonda qayta tiklanadigan energetikani rivojlantirish istiqbollari. YUNDP, Toshkent, 2007. - 92 bet.
3. https://minenergy.uz/uz/news/view/1476

YO'L QURILISHI MASHINALARI ISHCHI JIHOZLARINI TADQIQOTLASH VA ULARGA QO'YILADIGAN ASOSIY TALABLAR

Mahammadjonov Nurmahammad Abduvahob o'g'li,
"Yer usti transport vositalari va tizimlari" yo'nalishi magistranti,
Andijon Mashinasozlik instituti

O'zbekiston Respublikasida avtomobil yo'llari tarmog'ini kengaytirishda, ishlab turgan yo'larni saqlash, ta'mirlash va qayta qurishda yo'l qurish mashinalarining o'rni kattadir. Ularga misol qilib, buldozer, skreper, avtogreyder, katok, asfalt yotqizgich va yo'l frezasi mashinalarini keltirishimiz mumkin.

Ko'pgina hollarda, yo'l frezasi haqida gap ketganda, ular yo'llar va yo'l uchastkalarini asfalt-beton yoki sement-beton qoplama bilan joriy (yamoqlash) yoki kapital ta'mirlash uchun mo'ljallangan sovuq turdagi yo'l frezasini anglatadi. Shu bilan birga, dizayni va ishlash prinsipi bo'yicha sovuq turdagi yo'l frezasiga o'xshash, ammo boshqa maqsadga ega bo'lgan yo'l qurilish uskunalari ham mavjud.

Xususan: Sovuq holda qayta ishlovchi (odatda, oddiygina "qayta ishlab chiqaruvchi") – suyuq bog'lovchi ta'minot tizimi bilan jihozlangan o'ziyurar, sovuq turdagi yo'l frezalash mashinasidir. An'anaviy yo'l frezalash mashinasidan farqli o'laroq, frezalashdan tashqari, qayta ishlovchi frezalashtirilgan materialni bog'lovchi (organik yoki mineral) va kerak bo'lganda boshqa komponentlar bilan ham aralashtiradi.

Tuproq stabilizatori (tuproq aralashtirgich) - suyuq bog'lovchi ta'minot tizimi bilan jihozlangan o'ziyurar yoki o'rnatilgan sovuq turdagi yo'l frezalash mashinasi va yumshatilgan tuproqni bog'lovchi (mineral yoki organik) bilan aralashtirish va aralashtirish uchun mo'ljallangan.

Issiq holda qayta ishlovchi (termoprofiler) - asosiy komponentlaridan biri asfalt-beton yo'l qoplamalarini issiq frezalash, frezalangan materialni bog'lovchi va yoki boshqa komponentlar bilan aralashtirish va qayta ishlash, asfaltlash (issiq regeneratsiyalangan aralashmani yotqizish) uchun mo'ljallangan "issiq" turdagi yo'l qurilish majmuasi.

Yo'l frezalash mashinasining tuzilishi va ishlash printsipi.



1-rasm. Yo'l frezasi qismlari.

Yo'l frezerining asosiy ishchi organi frezalash barabani bo'lib, uning yuzasida asbob ushlagichlari bo'lgan qattiq qotishmali kesgichlar joylashtirilgan.

Qattiq qotishmali frezaning dizayni va ishlash prinsipi.

Zamonaviy sovuq turdagi yo'l frezasi quyidagi tarkibiy qismlardan iborat:

Tish kallagi – Zo'riqishda ishlaydigan qismi. Tish kallagining xizmat qilish muddatini uzaytirish maqsadida, uning uchiga volfram karbid va kobaltdan iborat qattiq qotishma kavsharlanadi. Birinchi komponent (volfram karbid) tish kallagining qattiqligini va yeyilishbardoshligini ta'minlaydi, ikkinchisi (nisbatan yumshoq kobalt) volfram karbid donalarini bog'lab, yuqori zarb kuchlanishlari ostida yuqori bikrlikni ta'minlaydi.

Kavshar – freza tishini kesgich korpusi bilan birlashtiruvchi element hisoblanib, qattiq qotishmali tish kallagini kavsharlash yo'li bilan po'lat kesgich korpusini bog'laydi.

Kesgichning korpusi – kesgichning po'lat korpusi, sovuq presslash usuli bilan tayyorlangan. Kesgich korpusi kesuvchining kallagi va dastasidan tashkil topgan. Kesuvchining kallagi yuqori kesish va zarba kuchlariga bardosh berishi uchun mo'ljallangan va dastaning vazifasi - kesgichni asbob ushlagichida ishonchli mahkam ushlab turish.

Yeyilishbardoshli shayba – qattiq qotishmali po'latdan yasalgan kesgich elementi bo'lib, uning o'qi atrofida kesuvchining optimal aylanishini ta'minlaydi.

Qisish gilzasi – silindrsimon element bo'lib, kesgich dastagini ushlab turadi va uning aylanishini, aniq joylashishini va asbob ushlagichida ishonchli mahkamlanishini ta'minlaydi.

Yo'l qoplamasini frezalash jarayonida freza o'zining bo'ylama o'qi atrofida harakat qiladi. Bunday holda, aylanish asosan frezalash paytida emas, balki bo'sh

turganda sodir bo'ladi. Ushbu aylanishning natijasi kesgichning qoplamaga tegib turgan yuzalarida yeyilish jarayoni sodir bo'ladi, bu esa o'z navbatida frezalash sifati va samaradorligiga ta'sir qiladi [2-3].

Yo'l frezasining sifati frezalash jarayonida hal qiluvchi rol o'ynaydi, shuning uchun kesgichlar va asboblar ushlagichlarining holatini muntazam ravishda kuzatib borish va yuqori darajada eskirish bo'lsa, ularni o'z vaqtida almashtirish kerak. Bunday nazoratning chastotasi ko'plab omillarga bog'liq va sinov frezasi bilan aniqlanadi. Masalan, 20℃ havo haroratida va yaxshi sug'orish tizimida umumiy maydoni 6 m^2 bo'lgan nozik taneli asfalt-betondan 50 mm chuqurlikdagi asfalt qoplamasini frezalash jarayonida taxminan bitta kesgich iste'mol qilinadi [4].

Kesgichlarning tezligi va eskirish darajasi va shunga mos ravishda yo'l frezalash mashinasining unumdorligi quyidagi asosiy omillar bilan belgilanadi:

Yo'l frezasining xarakteristikalari va parametrlari: frezalash barabanining kengligi va diametri, kesgichlar oralig'i, kesuvchilarning hujum burchagi, kesgich ushlagichlarining eskirish darajasi, kesgich uchining shakli, frezaning aylanish tezligi, frezalash barabani, frezalash chuqurligi va boshqalar.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, har qanday mashinaning konstruksiyasi ushbu mashina bajarishi lozim bo'lgan texnologik jarayon talablariga to'liq javob berishi kerak (buldozer, skreper, avtogreyder, katok, asfalt yotqizgich va yo'l frezasi mashinalari). Yo'l qurilishi mashinalariga qo'yiladigan talablar darajasi fan-texnika taraqqiyotiga bog'liq va shundan kelib chiqib baholanadi. Yangi mashina yaratish va eskisini takomillashtirishda konstruktiv, texnologik, ekspluatatsion, iqtisodiy va ijtimoiy talablar hisobga olinishi kerak. Bu talablarning bajarilishi mashinaning yuqori sifatli bo'lib chiqishini ta'minlaydi (yuqori ish unumi, chidamlilik, uzoq muddatlilik, ergonomika va shu kabilar).

Adabiyotlar

1. Tojiev R.J. "Qurilish mashinalari". T.: O'zbekiston. 2000 y. 380 bet.
2. Saidov D.M. (t.f.n. S.L.Eshqobilov tahriri ostida). Solid Edge V20 programma kompleksida avtomatik loyihalash asoslari. Toshkent 2010 y. 261-bet.
3. Asqarxodjaev T.E. Shukurov R.U. "Yo'l qurilish mashinalarning tuzilishi va ulardan foydalanish. Toshkent 2007. 270 bet.
4. Sh.Anderson, S.Eshkabilov, S.Ro'zimov, J.Sodiqov, R.Muxammadaliev, U.Selgren. UGS I-DEAS NX Series programma kompleksida avtomatik loyihalash asoslari. – Toshkent: Fan, 2006. – 326 bet.

YENGIL SANOAT KORXONALRIDA SANOAT EKOLOGIYASI VA ATRO-MUHIT MUHOFAZASI TADBIRLARI.

Mamadaliyeva Naima Ilxombek qizi
"Mashinasozlik ishlab chiqarishni avtomatlashtirish" kafedrasi magistranti,
Andijon mashinasozlik instituti,

n.mamadaliyeva91@list.ru,
Tel:99893-632-26-80.

Bugungi kunda atrof-muhitni saqlash, tabiiy resurslarda oqilona foydalanish dolzarb muammolardan biri bo'lib kelmoqda. Sanoatning rivojlanishi ishlab chiqarish turlarining ortishi, sanoat mahsulotlariga bo'lgan talabning ortishi ekologik muammolar yuzaga kelishiga sabab bo'lmoqda. Atrof-muhit ifloslanishida yengil sanoat korxoalarining ham ulishi katta. Paxtani dastlabki qayta ishlash, tashish, quritish, tozalash, jinslash, linterlash jarayonida ishlab chiqarishning tolali chiqindilarini qayta ishlashda ishlab chiqarish binolari havosiga va atmosferaga ko'p miqdorda chang ajralib chiqadi [1-4].

Atmosferaga chiqariladigan barcha ishlangan havo texnologik va aspiratsiyaga bo'linadi: birinchisi – texnologik mashinalardan, ikkinchisi – changsizlantirish sistemlaridan chiqadi.

Paxtani qayta ishlash korxonalarining mashina uskunalarida chiqayotgan changlangan havoni shamol atrof-muhitga tarqatadi va ifloslantiradi.

Paxtani dastlabki qayta ishlashda ajralib chiqadigan changlarni kamaytirish uchun quydagilarni amalga oshirish zarur:

- Hosilni terish, uni saqlash va qayta ishlash uni changlanganligini pasaytirish.
- Texnologik mashina uskunalarni texnik jihatdan soz holatda saqlash.
- Paxtani qayta ishlash korxonasidagi butun mashinalardan chang so'rish sistemalari soz va ish holatida saqlash bilan birga harakatlanayotgan havo miqdorini kamaytirish.
- Paxtani qayta ishlash korxonalarining texnologik mashina uskunalaridan atmosferaga chiqadigan havodagi changni tutish qurilmalarini ishga yaroqli holatda saqlash.

Atmosfera havosini ifloslantirish sanitariya normalri bilan tartibga solib turiladi. U yoki bu aholi punktlari atmosfera havosidagi zararli moddalarning yo'l qo'ysa bo'ladigan kontsentratsiyasi (YQBK) ni belgilash shunday keib chiqadiki, bu joylarda odamlar uzoq va doimiy bo'lganlarida ular uchun zararli bo'lmaydi. Atmosferada bir necha n zarrali moddalar bo'lsa ularning umumiy konsentratsiyasi quydagi tenglama bo'yicha aniqlanadi:

$$X = \frac{C_1}{YQBK_1} + \frac{C_2}{YQBK_2} + \frac{C_3}{YQBK_3} + \cdots + \frac{C_n}{YQBK_n} < 1$$

Bu yerda: X- qidirilayotgan o'lchamsiz umumiy konsentratsiya;

$C_1, C_2, C_3 \ldots, C_n$- atmosfera havosidagi zararli moddalarning haqiqiy konsentratsiyasi, mg/m^3.

Paxta qayta ishlash korxonalarida ishlovchilarning xavfsizligi uchun sanitariya zonalari belgilangan. Havo oqimi mexanik olinadigan va tabiiy shamollatiladigan zonalarda zararli moddalar miqdorining normasi belgilangan. Binolar ish zonalaridagi

bu moddalarning YQBK si 30%. Changda kremniy II oksidining miqdori 2% dan 10% gacha bo‘lgan paxtani qayta ishlash korxonalarida chang YQBK 4 mg/m^3 qabul qilingan. Demak sanitar zona havosida chang 4×30÷100=1.2 mg/m^3 dan ortiq bo‘lmasligi kerak. Paxtani qayta ishlash korxonasi hududining tashqi havodagi haqiqiy konsentratsiyasining $(C_1, C_2, C_3 \dots, C_n)$ ularning bino ish zonasidagi YQBK $(YQBK_1, YQBK_2, YQBK_3 \dots, YQBK_n)$ 0.3 dan oshmasligi kerak.

Paxtani dastlabki qayta ishlash jarayonida binoga zararli moddalar chiqarishni kamaytirish va korxonalarda va ularning yaqinidagi havo muhitini sog‘lomlashtirish uchun quydagilar tavsiya qilinadi:

1. Paxtani qayta ishlash korxonasida texnologik jarayonda ishlatiladigan havo sarfini kamaytirish, buning uchun:

a) paxtani dastlabki qayta ishlash texnologik jarayonini ko‘rib chiqish va xom-ashyoni, yarim fabrikatlar va tayyor mahsulotni tashishning havo transport sistemalarini mexanik sistemalarga almashtirish imkoniyatlarini topish.

b) paxtani dastlabki qayta ishlash texnologik jarayonini takomillashtirish va mahsulotning bir mashinadan ikkinchisiga ochiq usulda o‘tishini istes’no qilish.

2. Paxtani qayta ishlash korxonalarning texnologik mashina uskunalarini texnik jihatdan soz holatda saqlash.

3. Paxtani qayta ishlash korxonasining hamma mashinalaridan chang so‘rib oladigan (aspiratsiya) sistemalarini ishga yaroqli holatda saqlash.

4. Paxtani qayta ishlash korxonalarining texnologik mashina – uskunalaridan atmosferaga chiqadigan chang tutish qurilmalarni ishga yaroqli holatda saqlash.

5. Chang tutish qurilmalariga tiqilib qoladigan va mayda fraktsiyali chang tutkichlarning normal ishlashini buzadigan yirik chang fraktsiyalarini tutish imkonini beradigan havoni ikki bosqichli tozalashni qo‘llash.

6. Ikki bosqichli chang tutish qurilmasida birinchi bosqich tozalash qurilmasining konstruktsiyasi shunday bo‘lishi kerakki, u filtrlovchi to‘qimaga va uchqunlar uzatilishini oldini olishi kerak.

8. Paxtani qayta ishlash korxonasining ishlab chiqarish binolarining bevosita yaqinidagi tashqi havosining changlanganligini kamaytirish uchun texnologik jarayonning barcha chang manbaalaridan ishlangan havoni ishlab chiqarish binolaridan kamida 100 metr masofada tozalash kerak.

9. Ishlab chiqarish chiqindilarini qayta ishlab sexni bevosita havoni tozalash qurilmalarining yaqiniga joylashtirish lozim.

Xozirgi vaqtda jahon fan-texnika taraqqiyoti jadal rivojlanishi munosabati bilan tabiiy zaxiralardan xo‘jalik maqsadlarida tobora ko‘proq foydalanilmoqda. Buning ustiga, dunyo aholisi yildan-yilga o‘sib borib, ko‘proq miqdorda oziq ovqat, yoqilg‘i, kiyim-kechak va boshqa narsalarni ishlab chiqarish talab qilinmoqda. Bu esa o‘rmonlar egallab turgan maydonlarni jadal sur’atlarda qisqarishiga, cho‘l-sahrolarning bostirilib kelishiga, tuproqning buzilishiga, atmosferaning yuqorida

joylashgan ozon to'sig'i yupqalashishiga, yer havosining o'rtacha temperaturasi ortib borishiga va boshqa holatlarga sabab bo'lmoqda. Dunyoning geografik-siyosiy tuzilishi o'zgarmoqda. Bunday sharoitda inson tomonidan biosferaga ko'rsatilayotgan ta'sirini tartibga solish, ijtimoiy tarqqiyot bilan qulay tabiiy muhitni saqlqb qolishning o'zaro ta'sirini uyg'unlashtirish, inson va tabiatning o'zaro munosabatlarida muvozanatga erishish muammolari brogan sari dolzarb bo'lib bormoqda.

Ekologiya hozirgi zamonning keng miqiyosidagi keskin ijtimoiy muammolaridan biridir. Uni hal etish barcha xalqlarning manfaatlariga mos bo'lib, sivilizatsiyaning xozirgi kuni va kelajagi ko'p jihatdan ana shu muammoning xal qilinishiga bog'liqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O.Qudatov Охрана окружающей среды влопкоочистельной промышленности. T., "O'qituvchi" nashriyoti 1995 yil
2. O. Qudratov "Sanoat ekologiyasi" Toshkent - 2003 yil WWW.ziyouz.com kutubxonasi.
3. Давидов В. Я., Назарова Г. С. "Микроклимат в текстильных цехах" Текстильная промышленность, 1975 г.
4. Давидов В. Я. "Выбор оптимальных параметров воздуха в ткацком производстве" Текстильная промышленность 1954 г.

IMPROVING GRINDING MACHINE OPERATION OF PLASTIC PRODUCTION

Mannobjonov Boburbek Zokirjon o'g'li
Assistant of Andijon machine building instituti
Asranov Xabibullo Kamoldin o'g'li
Assistant of Andijon machine building instituti

Abstract: *This article describes a draft proposal for the automatic operation of grinding gear shafts of defective plastic products. This allows the shafts to operate without overloading*

Аннотация: *В данной статье описан проект предложения по автоматической работе шлифовальных валов шестерен из дефектных пластмассовых изделий. Это позволяет валам работать без перегрузки.*

Annotatsiya: *Ushbu maqolada nuqsonli plastik mahsulotlarning silliqlash tishli vallari avtomatik ishlashi bo'yicha taklif loyihasi tasvirlangan. Bu shaftlarning ortiqcha yuklamasdan ishlashiga imkon beradi*

Keywords*: plastic buffers, thermoplastic automatic, granules, rotating gear shafts, thermal relay.*

Ключевые слова*: пластиковые буферы, термопласт автомат, гранулы, вращающиеся валы шестерен, тепловое реле.*

Kalit so'zlar: *plastik tamponlar, termoplastik avtomatik maydalash qurilmasi, granulalar, aylanadigan tishli miller, termal rele.*

Introduction. In this days, the proportion of plastic products in industry and the economy is very high. One of the main reasons for this is that this raw material can be recycilabled. That's why today every large plastics company, both large and small, has recycling departments. Let's look at some of the biggest manufacturers of plastic buffers in our city.

Literature review. The statement about grinding machine which was glanced was written by Osamu Ohnishi, ... Michael Weismiller, in Handbook of Ceramics Grinding and Polishing, 2015. The title of statement is "Surface Grinding Machines".

Surface grinding machines for ceramics can be divided into (1) creep-feed grinding type and (2) reciprocating (speed-stroke) grinding type. Reciprocating grinding works with relatively small depth of cut and high speeds (up to 40,000 mm/min) and requires particular specifications of the driving system such as high damping and acceleration. On the other hand, creep-feed grinding works with large depth of cut (e.g., more than 1 mm). For this purpose, it is necessary to work with a low and smooth feed velocity of less than 60 mm/min. Because of the large depth of cut, the contact length is high, the number of cutting edges is large, and thus the normal force acting between wheel and workpiece is relatively high. As a result, surface grinders for creep-feed machining must have a high static stiffness against these normal forces.

Grinding spindle drives of surface grinding machines require steplessly adjustable numbers of rotation speed up to about 10,000 min–1. In dependence on the grinding wheel diameter, cutting speeds of about 400 m/s are achieved so that high speed machining conditions are reached. The spindle power of surface grinders depends on the field of application and may amount up to 80 kW.

Coolant supply of a surface grinding machine must provide high coolant flux (400 l/min) and high coolant pressure (300 kPa) to guarantee effective cooling of the workpiece and cleaning of the wheel. In combination with the small particle size of ceramic chips, high requirements also have to be met by the coolant purification system. Because oil is the common cooling liquid in ceramic machining, a completely sealed working area combined with an efficient suction of oil mist is required, in order to avoid danger of fire or explosion.

Furthermore, surface grinding machines can be sub-divided into three main types of construction: (1) the column, (2) moving column, and (3) transverse construction. An example of the column type grinder is shown in Figure 4.73. The design depicts a few characteristics for ceramic machining and provides a high-quality machined surface. By compact construction of the machine components as well as by using cast iron material for the machine bed, a high-static, dynamic, and good thermal symmetrical behavior is attained. A special device for trueing and dressing of diamond grinding wheels allows the application of the rotary trueing stones.

Figure 1. Example of CNC surface grinding machine

A surface grinder in moving column construction is shown in Figure 4.74, which is also appropriate for ceramic machining. In addition, the machine is provided with an external cylindrical grinding device. The concept is based on the specifications required for utilizing CBN and diamond grinding wheels. The moving column travels on a central bed and carries the grinding spindle and the spindle motor. These machine components made of polymeric concrete assure high rigidity and good damping.



Figure 2. High-speed grinding machine with external grinding device

The external feed drive device controlled by a CNC axis is developed for creep-feed grinding operations. The rotational speed is adjustable up to 25 l/min. A specific trueing device mounted on the top of the grinding wheel allows continuous dressing (CD) during grinding. Intermediate dressing with a table trueing device is also possible. Furthermore, the machine is fitted with complete measuring devices to record information on the workpiece, tool, and machine system.

Research methodology: In the scientific paper, analysis and synthesis, systematic approach, abstract-logical thinking, economic analysis, grouping, expert evaluation and comparison methods were used.

Analysis and Results. Plastic details are prodused out using thermoplastic automobiles. But first of all, primary raw materials are brought in for this. A total of 8 types of plastic raw materials are in the form of small granules and are controlled by the company's quality department to meet the necessary quality requirements. The storage capacity of small plastic granules is as follows:

Figure 3. Storage capacity of plastic raw materials.

It is transferred from storage tanks to heating tanks, from where it is sent to a thermoplastic machine for filling plastic buffers. The molded plastic buffers are sent to the paint department. It is then collected in the assembly department as a finished product.

Defective products are identified in all of these departments and then sent to the crushing department of the enterprise for conversion into secondary raw materials. Here the process is carried out using a special grinding machine. Some crushed raw materials are sent for reproduct. Significantly, the demand for crushed raw materials is high. It is therefore very important that this process is done perfectly.

The crushing machine has large and small crushing rotating parts. Coarse grinding is done in the first stage, fine grinding is done in the second stage. This is shown in the figure below:



Figure 4 The principle of operation of the crushing machine.

It is necessary to transfer the plastic buffers evenly to the large gear shaft on the grinding machine and to the small gear rotary shaftThen the grinding process will continue in the same way. The problem is that the motion of a large gear rotating shaft does not always coincide with the motion of a small gear shaft. Due to the movement of the large gear shaft, the load on the small gear shaft begins to decrease, which leads to a sharp increase in the electric current coming to the small gear shaft. As a result, the motor that rotates the shaft may burn out under the influence of current. To prevent

this, constant monitoring is required, and in the event of an overcurrent, the operator must immediately switch off the motor that rotates the large gear shaft. The operator is required to monitor this process at all times. We want to offer technology to automatically control this process. Instead, the large gear shaft stops from time to time and resumes operation automatically.

We will try to explain the proposed process of automatic control of the large gear shaft using a schematic circuit diagram.



Figure 5. Schematic diagram of the process.

The M1 and M2 in the figure are the electric motors of the large and small gear rotating shafts, respectively. The M2 is equipped with special thermal relays that automatically shut off the heat when overloaded. At this point, M2 will continue to run, but M1 will stop. With the connection of the thermal relays, the M1 also starts working. In this way, the large gear shaft is automatically disconnected.

We will explain our proposed project on the basis of a functional scheme of automation. The functional scheme clearly shows the development of automatic and manual control systems for the crusher for crushing plastic products..



Figure 6. Functional scheme of the proposed project.

If the automatic control system we set up is put into practice, there will be no need for excessive line movement of the work-operator, and negligence will prevent voltages on the rotating shafts. Electrical installation is also relatively inexpensive.

Conclusion and Recommendations. As a result of our statement we can realize that it helps to many grinding machines in manufacturing companies to avoid from unwanted breaks from machines and also according too this statement we it cen get used for a long time than usual of grinding machines because of automation and analysis of it which studied by us.

References

1. Yusupbekov N.R., Muxamedov B.I., Gulyamov Sh.M. "Texnologik jarayonlarni nazorat qilish va avtomatlashtirish". Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. -T.: O`qituvchi, 2011.

2. Кулюев А.С., Б.В. Глазов, Дубровский А.Х., Кулюев А.А. Проектирование систем автоматизации технологических процессов. Справочное пособие. Москва Энергоатомиздат 1990 г.

3. Касаткин А.Г. Основные процессы и аппараты химической технологии. - М.: Химия, 2004. – 752 с

4. Osamu Ohnishi, ... Michael Weismiller, in Handbook of Ceramics Grinding and Polishing, 2015

5. Z. Liu, ... T.J.V. Higgins, in Encyclopedia of Applied Plant Sciences (Second Edition), 2017

6.Vandana Garg, ... Rohit Dutt, in Functional and Medicinal Beverages, 2019

7. John K. Bernard, in Encyclopedia of Dairy Sciences (Third Edition), 2022

KUNGABOQAR DONLARINI BARABANLI QURITISH QURILMASI LOYIHASINI ISHLAB CHIQISH

Mannobjonov Boburbek Zokirjon o'g'li,
Andijan qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti,
"Elektr energiyasi va nasos stansiyalaridan foydalanish" kafedrasi assistenti
Andijon, O'zbeksiton
Azimov Arabboy Muftohiddin o'g'li,
talaba
Andijan qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti,
Andijon, O'zbeksiton
Teshaboyev Boburjon Rasuljon o'g'li,
magistr
Andijan qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti,
Andijon, O'zbeksiton

Hozirda respublikamizda oziq-ovqat mahsulotlarini ko'plab miqdorda sifatli ishlab chiqarishga katta e'tibor qaratilmoqda. Bu o'z navbatida oziq-ovqat mahsulotlari uchun zaruriy xomashyolarni qayta ishlash texnologiyalarini yanada

yaxshilash va ommaviyligini ta'minlash kerakligini keltirib chiqaradi. Shunday xomashyolardan biri kungaboqar donidir. Respublikamizning ko'plab xududlarida boshoqli don ekinlaridan bo'shab qolgan erlarga aynan kungaboqarni ekilishi xalqimizni o'simlik yog'iga bo'lgan ehtiyojini bir muncha qondirishga xizmat qiladi.

Moyli o'simliklar ichida butunjahon dehqonchiligida eng ko'p tarqalgan o'simlik turlaridan biri hisoblanadi.

Kunga boqar urug'i tarkibida 30-60 foiz moy, 16 foiz oqsil, moy tarkibida 62 foizgacha biologik faol linol kislotasi, A, D, E, K vitaminlari bo'ladi.

Oziqliligi bo'yicha moyning og'irlik birligi kartoshkaning 8, nonning 4, shakarning 2,3 baravariga tengdir. Moyinin g asosiy qimmatliligi inson oziqlanishi zarur bo'lgan fosfatidlar, yog'ni erituvchi A, D va E vitaminlarga boyligidir. Moyining ta'mi, mazasi tufayli dunyoda eng ko'p is'temol qilinadigan moylar sirasiga kiradi.

Birgina 2015 yilning o'zida respublikamizda 13000 gektar maydonga asosiy ekin sifatida, shuningdek fermer xo'jaliklari maydonlari samaradorligini oshirish maqsadida, boshoqli ekinlardan bo'shagan 27000 gektar maydonga takroriy ekin sifatida kungaboqar ekilishi rejalashtirilgan edi. Bu raqamlar so'ngi yillarda yanada oshdi. Paxta maydonlarini bosqichma-bosqich qisqartirilishi kungaboqarni yanada ko'plab maydonlarga ekilishiga olib keladi.

Yog'-moy sanoati O'zbekiston oziq-ovqat sanoatida etakchi o'rin egallaydi. Mamlakatimiz agrosanoat kompleksida integratsiya jarayonlarini takomillashtirish va chuqurlashtirishga ijobiy ta'sir ko'rsatayotgan ushbu tarmoq mahsulot sifatini oshirish va turlarini kengaytirish, xom-ashyodan to'liq hamda camarali foydalanish, aholi ehtiyoji va bandligini ta'minlash masalalarini hal etishda ham muhim o'rin tutadi.

O'zbekiston oziq-ovqat sanoati korxonalari uyushmasidan ma'lum qilishlaricha, ilgari tarmoq korxonalari asosiy e'tiborni paxta yog'i ishlab chiqarishga qaratgan bo'lsa, bugun kungaboqar, soya, maxsar moylari ishlab chiqarish hajmini ko'paytirmoqda. Shu munosabat bilan kungaboqar va boshqa moyli o'simliklar ekin maydonlarini kengaytirishga qaratilgan chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Hozirda fermer xo'jaliklarda etishtirilayotgan kungaboqarni o'z vaqtida sifatli quritib olishda muammolar mavjud. Ya'ni, quritish uchun joy va vaqt masalasi juda qiyin. Ochiq maydonlarda bir necha kunlab quritishga majbur bo'linayotgan holatlar ko'plab kuzatilmoqda. Bu esa fermerlarning bir necha oylik mehnati samarasini va olajak daromadini kamayishiga xizmat qilmoqda.

Quritish–bu material namligini, uning ichidagi suyuqlikni issiqlik yordamida bug'lantirib, tashqariga chiqarib yuborishdan iborat. Quritishdan maqsad materialning sifatini yaxshilab (hajmiy massasini kamaytirish, mustahkamligini oshirish va x.k.) undan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirishdan iborat.

Mamlakatimizning ko'plab korxonalari, quritish texnologik jihozlarining nazorat va boshqarish sistemalarini takomillashtirish zaruriyatini qo'yadilar. Bu jarayonning asosiy yo'nalishlari avtomatlashtirishning eskirib qolgan yoki ishlab chiqarish to'xtatilgan uskunalarini yangisi bilan almashtirishi, qo'shimcha vazifalarini

bajaradigan qismlar bilan boyitish, keyingi takomillashtirishlar uchun imkoniyatlar ochish tizimining ishonchliligini ta'minlash kabilardir.

Respublikamizda kungaboqarlarni quritish uchun maxsus quritish qurilmalari mavjud bo'lib, aksariyati statsionar holatda ishlaydi. Quritish qurilmalari xizmatidan foydalanish uchun albatta kungaboqar donini o'sha erga olib borishimiz kerak bo'ladi. Lekin yurtimizning chekka chekka joylarida etishtirilgan kungaboqar donlarini tegishli joylarga olib borib quritish biroz mushkul ish.

Yuqoridagi omillarni hisobga olib, biz kungaboqar quritish qurilmalarini ko'chma holatdagi variantini taklif etmoqchimiz. Bunday quritish qurilmasini xududning istalgan qismiga olib yurish qulay bo'lsin. Fermerlar etishtirgan hosilini o'sha kunning o'zida quritib oladi. qurilmaga ehtiyoji bo'lgan boshqa fermerga qurilmani olib borish mumkin. Shu orqali kungaboqar etishtirgan barcha fermerlar o'z hosillarini nes-nobud qilmay quritib oladilar.

Biz ikki xil barabanli quritish qurilmasini o'rganib taxlil qildik. Quyida mazkur qurilmalar bilan tanishib chiqamiz.

Barabanli quritkichlar uzluksiz ishlaydigan qurilmalar qatoriga kiradi va atmosfera bosimida donador, sochiluvchan materiallarni (mineral tuz, fosforit, kand lavlagi turpi, bug'doy, shakar va x.) larni quritish uchun qo'llaniladi. Issiqlik eltkich sifatida havo yoki tutun gazlari xizmat qiladi.

Barabanli quritgichlar ichi bo'sh silindrik shakldan iborat bo'lib, ufqga nisbatan kichik qiyalik burchagida o'rnatilgan bo'ladi.

Baraban bandaj va roliklarga tayanib turadi. Uning aylanishi elektr yuritgich va reduktor hamda tishli g'ildirak yordamida amalga oshiriladi. Barabanning aylanish chastotasi 5...8 min^{-1} dan oshmaydi. Quritgichga nam material taminlagich yordamida uzatiladi. Baraban aylanishi davrida material tepaga ko'tarilib pastga to'kiladi va bu jarayon uzluksiz davom etadi. Shu bilan birga, qurilma o'rnatilgani va ichiga maxsus nasadkalar joylanganligi sababli, quritilayotgan material to'kish bunkeri tomoniga qarab harakatlanadi. Odatda nasadkalar silindrik barabanning butun uzunligi bo'ylab joylashtiriladi. Baraban ichida material issiqlik eltgich bilan o'zaro ta'sirda bo'lib quritiladi. Ushbu barabanli quritish qurilmasining asosiy xususiyatlaridan biri issiqlik manbasi sifatida maxsus o'txonaning mavjudligidir. Bu bizga sharoitdan kelib chiqqan xolda yonuvchi vositalardan foydalanish imkoniyatlarini beradi.

Navbatdagi barabanli quritish qurilmasini ko'rib chiqamiz. Bunda quritish uchun asosiy issiqlik manbai elektrokalorifer hisoblanadi.

Voronej texnologiya instituti talabalari kungaboqar donlarini quritishning takomillashgan usuli bilan bir joydan ikkinchi joyga o'tkazadigan barabanli kanal nasadka quritgichini ishlab chiqishdi. Kungaboqar donlarni namligi qanday bo'lishidan qat'iy nazar bir morotaba aylanishda namlik chiqib ketadigan quritgich yaratishdi. Quritgich po'latdan yasalgan bo'lib, barabanli, ichki diametri 300 mm , va uzunligi 1300 mm.



2-rasm. Kanal nasadkali barabanli quritgich:

1-vintilyator; 2-vintilyatorni sozlash; 3-elekrokalorifer; 4-qopqoq; 5-baraban; 6-kanalniy nasadka; 7-g'ildirakcha; 8-don tushish joyi; 9-ventilyator; 10-aylanani ushlab turuvchi qismi; 11-gigrometr; 12-patensiyometr QSP-4; 13-reduktor; 14-harakatlanyirish markazi; 15 elektrodvigatel; 16-termoanemometr.

Baraban donning namligiga qarab sozlanib, quritilgan don qatlami qurituvchi agentga signal beradi. Barabanni barcha uzunligi bo'yicha don qatlami qurituvchi agentga uzatiladi. Yana bir qo'shimcha barabanning ustki qismiga yumaloq sharsimon deraza g'ildirak oldida baraban bilan qo'shilib aylanadi. Bu jaroyonda deraza ham muhim ahamiyat kasb etadi, ichkaridagi donni xolatini ko'rib turish mumkun. Elektron patensiometr apparatning ichidagi chiqayotgan haroratni o'lchaydi. Datchik xromelko'perevaya termopara ishlaydi. Bu quritgichni nazorat qilishda kirayotgan donning namligini aniqlashga xizmat qiladi. Quritish uchun harorat bu vaqtda 130-170^0 C gacha bo'ladi. Harakatlantiruvchi qatlamdagi nasadkalarning yo'g'onligi bir xilda 100 mm bo'ladi. Havoni tozalash tezligi 0.8m/s, baraban burchagini qiyaligi 4^0 , baraban g'ildiragini aylanish tezligi 2…4 ayl/daq.

Yuqoridagi barabanli quritish qurilmalarini o'rganib chiqib, o'zimizning yangi quritish qurilmasini taklif etmoqchimiz. Biz taklif etayotgan qurilmada quritish jarayoni uzluksiz davom etadi. Quritish uchun issiqlik manbalari ikkita, ya'ni elektrokalorifer hamda maxsus o'txona. Bundan tashqari qurilmamizni bir joydan boshqa istalgan joyga ko'chirib yurish mumkin.



3-rasm. Baraban tipidagi harakatlanuvchi quritish aparati: 1-elektrokalorifer; 2 nam donni to'kish joyi; 3 nasadkalarni boshlanishi; 4 barabanni ushlab turuvchi tirgak; 5 barabanni aylantiruvchi tishli g'ildirak; 6 don tushish bunkeri; 7 changlardan tozalovchi qurilma; 8 siklon; 9 quruq don tushish joyi;10 barabanni ushlab turuvchi tirgak; 11 suyuq gaz yonish pechi;

Hozirgi kunda eng yaxshi ishlab chiqarish hamda tadbirkorlik turi uchun har tomonlama tejamkor, samarali va tez ishlaydigan qurilmalar juda muxim. Bu quritish qurilmasining avzalliklari juda ham ko'p bo'lib, qurilma doimiy bir joyda ishlamasdan, balki ko'chib yurishi hamda elektr energiyasiga va suyuq gazga ham ishlashi bilan ajralib turadi. Qurilma yordamida biz ekilgan maydondagi ekinlarni maydonning o'zida quritish imkoniyatiga ega bo'lamiz. Eng asosiysi qurilma ekin maydoni yaqinida yetarli darajada elektr energiyasi bo'lmasa ham suyuq gazga ishlay oladi. Bu esa bizga kungaboqar donlarini tez va sifatli yig'ishtirib olishimizga imkon beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Касаткин А.Г. Основные процессы и аппараты химической
2. Yusupbekov N.R., Muxamedov B.I., G'ulyamov Sh.M. "Texnologik jarayonlarni nazorat qilish va avtomatlashtirish". -T.: O`qituvchi,
3. Osamu Ohnishi, Michael Weismiller, Ceramics Grinding and
4. Z. Liu, Higgins, in Encyclopedia of Applied Plant Sciences, 2017
5. Vandana Garg, . Rohit Dutt, in Functional and Medicinal Beverages,
6. John K. Bernard, in Encyclopedia of Dairy Sciences (Third Edition),

DRAFT DRYING DEVICE PROJECT DEVELOPMENT OF SUNFLOWER GRAINS

Mannobjonov Boburbek Zokirjon o'g'li

Assistant of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology,
Turdiyev Abdulloh Doniyorbek o'g'li
Student of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology
Axunov Abumalik Ilhomjon o'g'li
Student of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

Introduction: At present, the country pays great attention to the production of large quantities of quality food products. This, in turn, leads to the need to further improve and popularize the technology of processing raw materials for food. One such raw material is sunflower seeds. In many parts of the country, the cultivation of sunflower on the lands vacated by cereals will help to meet the needs of our people in vegetable oil.

It is one of the most widely used oilseeds all over the world.

Sunflower seeds contain 30-60% of vegetable oil, 16% of protein, up to 62% of biologically active linoleic acid, vitamins A, D, E and K.

In 2020 alone, it was planned to plant sunflowers as a main crop on 13,000 hectares in the country, as well as as a secondary crop on 55,000 hectares of vacant land in order to increase the efficiency of farmland. These numbers have increased in recent years. The gradual reduction of cotton fields will lead to more sunflowers being planted.

Literature review: Information in the statement which we learn was called "Reviewing technologies and devices for drying grain and oilseeds ". In the article analyzes the operation of the most commonly used dryers for drying sunflowers and other agricultural cereals. Based on the study of drying technology and methods, the advantages and disadvantages of dryers have been analyzed, the results of comparisons of their technical indicators have been presented in tabular form. In the form of a diagram, an analysis of foreign and domestic patent data obtained over the past 10 years for the considered drying devices was presented. The choice of the most suitable installation was carried out on the basis of the compiled analytical table. In order to improve the quality, intensity, efficiency of drying and reduce the cost of the process, recommendations have been developed for a new installation that takes into account the disadvantages of the selected dryer. In the article discusses the conveyor method of grain drying.

Conveyor dryers are the conveyor chambers, with conveyors located inside (Figure 3.). The dryers are equipped with ventilation equipment. The product is dried in them continuously at atmospheric pressure. The drying agent is clean air heated in steam or fire heaters. In this case, the air movement can be organized in the form of a counterflow or crossflow to the direction of the material to be dried. The air temperature depends on the product type to be dried and its initial moisture content. A layer of wet material fed to one end of the belt moves along the belt, the dried layer is removed from the opposite end of the belt. There are

also multi-level conveyor dryers, in which grain is poured from one belt to another for more uniform drying.



Fig.3 **Conveyor grain dryer diagram.**

Research methodology: In the article we use mine dryer method of drying system. Mine dryer vertical version where the drying process takes place in a dense, slowly descending in a gravitational field layer of seeds, flowing on its way traffic arranged in staggered order horizontal boxes, which fed and removed from the drying agent intended for drying of bulk materials.

Nochiziqli sistemalarning turgunligini tadqiq qilishda Lyapunov usuli, V.M. Popov usuli, garmonik chiziqlantirish usullari ko'p qo'llaniladi. Bular ichida Popov usulining algoritmi kompyuterda ishlash uchun qulay. Lyapunov usulida asosan inson bilimi bosh o'rinda, garmonik chiziqlantirish usullari faqat nochiziqli qismini chiziqlantirib beradi, qolgani chiziqli tizim bo'yicha tahlil qilinadi. V.M. Popov usulini qo'llash uchun eng qulay dastur MathCad dasturidir.

Bu usulning asosiy nazariyasi o'rniga MathCadda ishlash algoritmini or'gatib qo'yishning o'zi ham tizim turgunligi to'g'risida xulosa berishga yetarli. 1-rasmda MathCad oynasida Popov usuli bo'yicha turgunlikni tadqiq qilish texnologiyasi keltirilgan. Bunda 1) j ning qiymati berilgan; 2) tizim chiziqli qismining uzatish funktsiyasi parametrlari qiymati berilgan; 3) tizim chiziqli qismining chastotaviy uzatish funktsiyasi kiritilgan; 4) chastotaviy uzatish funktsiyasining haqiqiy va mavhum qismlari ajratilgan; 5) Popov usuli bo'yicha o'zgartirilgan chastotali xarakteristika haqiqiy va mavhum qisimlari aniqlangan; 6) o'zgartirilgan chastotali xarakteristika bo'ycha grafik qurilgan; 7) turgunlik haqida xulosa berish uchun qo'shimcha ma'lumot kiritilgan.



1-rasm. Popov usulini MathCad da qo'llash algoritmi

Bu algoritm bo'yicha boshqa tizimni tadqiq qilish uchun 2- va 3- ishlarda berilgan tizim uzatish funktsiyasini kiritish yetarli.

Demak, yuqoridagi mulohazalardan ko'rinadiki, bugungi kunda kompyuter bo'lmagan davrlarda, bir masalani hal etishda hisoblashlarni osonlashtirish uchun yaratilgan turli usullarni barchasini o'rganib chiqishga zarurat yo'qolgan. Endi kompyuter imkoniyatini e'tiborga olib fan dasturlarini qayta ko'rib chiqishimiz darkor.

ZAMONAVIY AVTOCAD, 3DS MAX ANIMATSION DASTURLARI YORDAMIDA "ERITIB PAYVANDLASH TEXNOLOGIYASI VA JIHOZLARI" FANIDAN METODIK QO'LLANMA YARATISH.

Mo'minov Saidasror,
Payvandlab ishlab chiqarish texnologiyasi va jihozlari yo'nalishi 2-kurs magistranti,
Andijon Mashinasozlik instituti

Anotatsiyasi

Berilayotgan taklifning mazmuni: O'quv jarayonida yozma ko'rinishdagi metodik qo'llanmalardan tashqari 3d animatsion meto'dik qo'llanmalardan foydalanish.

Oliy va o'rtamaxsus ta'limda sifatli bilim olishdan o'quvchilarning



manfaatdorligini oshirish uchun zamonaviy axborot texnologiyalardan keng ko'llamda foydalanish lozim. Buning uchun o'quv jarayonlarda yozma ko'rinishdagi metodik qo'llanmalaridan ko'ra **3d animatsion** meto'dik qo'llanmalardan foydalanish lozim. Negaki **3d animatsion** metodik qo'llanmalar orqali o'z yo'nalishi bo'yicha bajarilayotgan texnologik jarayonlarni qanaday tuzilishda va qanday tartibda bajarilishi lozimligini ketma-ketlikda bajarilayotgani ko'rsadadi.

Pedagokik texnologiyalardan foydalanishni o'rganish jarayonida kompyuterda modellashtirilgan obyektlarning ichki, tashqi xossalarini dinamik jarayonlarini ko'rsatish bilan o'quvchi-talabalarning darsga bo'lgan qiziqishini oshiradi, mustaqil ishlash uchun sharoyit yaratish bilan bir qatorda, Intelektual rivojlanish uchun imkoniyat yaratadi. Iformatsion yondashish asosan axborot texnologiyalarining vositalari orqali amalga oshiriladi. Mamlakatimizda yuz berayotgan ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlar, halq ta'lim tizimida bo'layotgan o'zgarishlar "Ta'lim to'grisida"gi

qonundaxam "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da ko'rsatib o'tilganidek har bir o'qituvchi o'z oldiga muhim vazifalar qo'ymoqda. Bu esa dars jarayonini qiziqroq xamda talabalarni fikran tassavur qilgan xolda o'tilayotgan dars jarayonlarini mustaxkam egallashiga yordam beradi. Xozirgi kunda juda ko'plab rivojlanayotgan mamlakatlarning o'quv jarayonida xuddi shunda **3d animatsion** metodik qo'llanmalardan faol foydalanishmoqda, shu boisdan yetuk bilimli kadrlar tayyorlab kelishmoqda.

3d animatsion metodik qo'llanmalarni barcha oliy va o'rtamaxsus ta'limlarda qo'llashimiz lozim, bunday meto'dik qo'llanmani tibbiyot, texnologiya, elektro texnika, roboto texnika, muxandislik va arxitektura va yana ko'plab o'quv jarayonlariga kiritilish lozim. Shundagina biz talabalarni bilim olishga qiziqishi va yetuk mutaxasis bo'lib chiqishiga erishgan bo'lamiz.

3d animatsion metodik qo'llanmalar yordamida kelajakda O'zbekistonimiz uchun yetuk kadrlarni tayyorlashga o'z xissaini qo'shadi. **3d animatsion** metodik qo'llanmani yana bir afzallik tarafi, biz bilamizki barcha oliy ta'limlarda yetarli laboratoriya jihozlari yetarli emas shu boisdan **3d animatsion** metodik qollanma laboratoriya mashg'ulotlarida ko'rishi kerak bo'lgan jarayonlarni ushbu metodik qo'llanmada ko'rish imkoniyatiga ega bo'ladi.

Adabiyotlar

1. *"3D kompyuter grafikasi". ScienceDaily. Olingan 2021-04-19.*
2. *"Kompyuter grafikasi va animatsiyasining tarixiy xronologiyasi".*
3. *"Kompyuter grafikasi".*

RESISTANCE OF FUEL-LUBRICANT MATERIALS TO THE VULNERABILITY BY MICROORGANISMS

Mukhitdinov Otabek Odil o'g'li
Turin polytechnic university in Tashkent
(Kichik halka yuli 17, Tashkent, Uzbekistan, 100095)
Mobile phone: 99 818 44 24
e-mail: o.mukhitdinov@polito.uz

(Special thanks to prof. M.M. Tashpulatov)

Abstract. With over a hundred friction areas in combustion engine's oil and fuel systems require lubrication. With the advancement of design, the role and quality criteria of fuel lubricant materials (FLM) grow. External factors can affect any of these friction surfaces. Impurities, such as dust, penetrate and lead to severe consequences. Furthermore, a high proportion of pointless moisture substance, like water, can have a significant impact on the overall operation of internal combustion engine (ICE) systems. The article is deliberated to study of fuel supply equipment, friction pairs wear under the exploitation. Change in surface roughness over the time.

Keywords: friction pairs, wear, round-diagrams, lubricant, additives.

INTRODUCTION

The operability of parts, interfaces (friction pairs), ICE units during operation depends on various factors: design, manufacturing technology (quality) and quality of EO [1, 2].

The work of ICE mainly depends on the state of the working surfaces. It is very important to monitor the condition. Even the smallest grains of foreign matter can cause damage. The use of contaminated FLM can be fatal [3].

The analysis [4], exhibited that changes in physicochemical properties, water accumulation, contamination of FLM, and susceptibility to microorganisms, occur at all stage from storage, transportation to refueling land vehicles. This undoubtedly affect to the performance of the internal combustion engine fuel and oil supply systems.

Working conditions and a few other factors, in general, determine the development of wear on the working surfaces of friction parts (dustiness of the atmosphere, high ambient temperature, etc.). This effect can be associated with an increase in exhaust smoke during the operation of land vehicles, which is confirmed by the results of other studies. The performance of such diverse functions by motor oils in extremely stressful conditions, which occur in modern forced engines operating in hot regions, can be achieved only if they have high exploitation properties.

In the first part of this research, taken a closer look on wear of the friction parts of ICE and circumstance. Studied thoroughly under the profilometer for obtaining round diagrams and scanning electron microscope used for electronic microphotographs up to the sub microstructure level. Prevailed outcomes enable to investigate the conformity of new surfaces to specifications and requirements.

An analysis of numerous publications devoted to the study of the properties of additives[1]–[5], the results of studies, as well as a study of the mechanism of interaction of FLM - microorganisms - additives show that additives with antimicrobial properties help protect oil molecules from the occurrence of microbiological oxidative processes in them.

As you know, EOs perform several complex functions during operation. First of all, like all lubricants, they reduce the energy consumption to overcome friction and reduce the wear of the rubbing surfaces of internal combustion engine parts [6]. Removing heat from the heated surfaces of parts, they protect them from corrosion, clean the surfaces from accumulating pollution products of both organic (various carbonaceous substances) and mineral origin (quartzites, alumina, mineral salts) [7].

An important function of the EO is the need to seal the interfaces (cylinder-ring, piston-ring, etc.).

In the CPG zone, the temperature reaches such values at which oxidation and thermal decomposition of a thin oil film on the working surfaces of parts, intensive evaporation and burning out of a part of the EO occur [8, 9].

METHODOLOGY

To study the working friction surfaces of ICE to obtain microreliefs (round diagrams) used an optical profilometer (profilograph) and for electronic microphotographs up to the sub microstructure level used a scanning electron microscope. Which allow us to study the compliance of new surfaces with specifications and standards.

These microreliefs (round diagrams) revealed a change in geometry during exploitation and the limit of the amount of wear and the gap between the pairs. To identify the nature and magnitude of wear of friction pairs, worn precision pairs were measured, and round-diagrams were taken with a micro-surface magnification of 5000 ÷ 8000 times.



Figure 13. Round diagrams and electronic microphotographs (sub microstructure) of the working surfaces of new precision pairs.

Study of lubricants

The tests were carried out on 8 cars (taxis) in summer period, which corresponds to high air temperature period in Central Asia. Sampling to determine the effect of the effectiveness of additives on the main operational properties (viscosity and acidity) of engine oil was carried out every 2.0 thousand km of vehicles to 15.0 thousand km. The antimicrobial effect of additives in oil was evaluated on a five-point scale by the absence of growth of fungi and bacteria on the test samples and by the diameter of the zone of inhibition of microorganisms around the well with the product. Motor oil without additives turned out to be unstable to microorganisms and can be completely affected by microorganisms.

DISCUSSION AND CONCLUSION

An analysis of the operation of friction surfaces of ICE parts showed the identity of the relative displacement speed, working medium, specific pressure, nature of the load, friction conditions, lubrication, etc. Working surfaces of worn (cull) precision parts showed that in the pair undergoes wear mainly the spool part (inlet port area).

The research results show that all the additives studied have high antimicrobial activity. Experiments show that oil without additives was not resistant to microorganisms.

REFERENCES

[1] "Additives and lubricants," *Tribol. Ser.*, vol. 4, no. C, pp. 119–155, Jan. 1980, doi: 10.1016/S0167-8922(08)71033-2.

[2] A. El-Mekabaty and O. M. O. Habib, "Synthesis and evaluation of some novel additives as antioxidants and corrosion inhibitors for petroleum fractions," doi: 10.1007/s12182-014-0328-3.

[3] R. S. Kamal, N. S. Ahmed, and A. M. Nasser, "Study the efficiency of some compounds as lubricating oil additives," *Appl. Petrochemical Res.*, vol. 3, no. 1–2, pp. 1–8, Jul. 2013, doi: 10.1007/s13203-012-0020-8.

[4] P. D. Srivyas and M. S. Charoo, "Effect of lubricants additive: Use and benefit," in *Materials Today: Proceedings*, Jan. 2019, vol. 18, pp. 4773–4781, doi: 10.1016/j.matpr.2019.07.465.

[5] N. S. and A. M., "Lubricating Oil Additives," in *Tribology - Lubricants and Lubrication*, InTech, 2011.

[6] Фонкен Г. Микробиологическое окисление /Пер. с анг. яз. под ред. А.Н.Коста. - М.: Мир.1976. 239с.

[7] L. Yousif, E. E. Kade, B. M. Yaaqub, Design and evaluation of internal combustion engines performance, Second Engineering Scientific Conference – University of Diyala, 2015, pp. 657-667.

[8] J. Wakiru, L. Pintelon, P. Chemweno, P. Muchiri, Analysis of lubrication oil contamination by fuel dilution with application of cluster analysis, in: XVII International Scientific Conference on Industrial Systems 2017.

[9] Ташпулатов М.М. Пути повышения сроков службы смазочных материалов для машин // Совершенствование конструкции и повышение эффективности использования СДМ. - Т: ТАДИ. 1986. с. 16-18.

IMPROVING THE PERFORMANCE OF ENGINE OILS BY ADDING ANTIMICROBIAL ADDITIVES.

Mukhitdinov Otabek Odil o'g'li
Turin polytechnic university in Tashkent
(Kichik halka yuli 17, Tashkent, Uzbekistan, 100095)
Mobile phone: 99 818 44 24
e-mail: o.mukhitdinov@polito.uz

(Special thanks to prof. M.M. Tashpulatov)

ABSTRACT. Proper storage of petroleum products is a major concern in the oil refining industry. Contamination during storage of stored products, in most cases, leads to loss of product quality. Non-hermetic handling also entails biological aspects. As life finds its way anywhere on earth, the oil industry is no exception.

The research is devoted to the effect microbial susceptibility on motor oils. Formation and the growth of microorganisms in oils, adsorption of microorganisms

and contamination on metallic surface are considered. Influence of biological attack on the physicochemical and exploitation properties of motor oils. The prevention ways and positive/negative effects of using additives were discussed.

Keywords: biological damage, bio-corrosion, additives, deterioration, lubricants, viscosity, motor oil, TBN.

INTRODUCTION

Due to the creation of more favorable conditions: pollution, at large temperature differences water accumulates because of vapor condensation in storage tanks, fuel tanks, ICE crankcases. The results of many years of research on the physicochemical and operational properties of fuel lubricant materials (FLM) during storage and use in the Central Asian region show that they undergo intensive biological damage by various microorganisms.

Chemical additives are so varied and quantitatively large that it would be difficult to determine which additives are incompatible with others. There are several well-known antagonistic combinations that should be avoided. This requires a cautious approach to the choosing and selection of FLM, particularly motor oil (MO) in each case. Research and experience in the operation of land vehicles (cars, agriculture and road-building machines, etc...) shows that when choosing the appropriate FLM it is also necessary to take into account the specific conditions of their operation [1].

Several methods (experiments) have been carried out to distinguish microorganisms from fuels and lubricants. In a hot, tropical and subtropical conditions, where the air dustiness and day-night temperature difference in moderately high [2], these materials (FLM) are more susceptible to changes in physicochemical properties due to the susceptibility of microorganisms. The practice of microbiological studies [3-5] show that MOs operating under these conditions undergo microbiological damage much earlier, i.e., during their transportation, storage, when microorganisms begin to multiply intensively than during the operation of machines.

Microorganisms can damage the surface of metal directly. In the presence of oxygen, metabolic processes are intensified, the pH value of the aqueous medium decreases, which contributes to the corrosion of metals.[8]. Oxidizing products of iron, coming into reaction with hydrogen sulphide form insoluble iron sulphide in water. Settling on the surface of metal, particles of iron sulphide that are cathode with respect to steel, considerable divisions of surface of metal are covered, as a result formed comparatively small according to the area anode zones.

Additives for motor oils. Mechanisms of their interaction

Depending on the field of application, additives to motor oils are different. To maintain the stability of motor oil's physicochemical and operational properties, as well as to provide them with new required attributes, numerous additives consisting of complex chemicals are added. The additives are added in different concentrations - from hundredths to several percent [10]. Many research institutes are working on the synthesis of new, more effective additives [11]. Not all

additives improve base properties once added to motor oil. The role of additives in recent years has grown so much that now motor oils without them is not being produced [12][13].

RESULTS OF THE STUDY AND ANALYSIS OF SENSITIVITY OF MICROORGANISMS

From the result of observations FIG. 1 and FIG. 2, it was found that after 4 days the difference between the control samples (not infected with microorganisms) and experimental (MO + microorganisms) was noticeable. In the Petri dish, after 8 days, the surface of the samples of engine oils. After 14 days of observation, all tested oil samples were completely affected by bacteria and fungi (FIG. 2).

According to the methodology for studying the growth characteristics of bacterial cultures (microorganisms), depending on the temperature and concentration of summer grade diesel fuel samples in the mineral medium, the following results were obtained:

- biomass content (g/l) in the mineral medium with motor oil: culture - Ps. fluorescens at 28 ℃ - 3.9 and 45 ℃ - 5.0;
- accumulation of biomass (g/l) in a mineral medium with different concentrations of summer grade oil: culture - Ps. fluorescens at 2% - 2.8; 10% - 4.1 and at 20% - 5.9.

At a temperature of 28 °C it is still difficult to determine the culture, and at 45 °C colonies of microorganisms in the form of a "pearl" are already clearly visible. From the results of laboratory studies, it can be seen that the greatest accumulation of biomass (up to 5 g/l dry biomass) was noted on a medium with diesel at a temperature of 45 ℃ (5.0 g/l) and a concentration of 20% motor oil (5.9 g/l).

DISCUSSION AND CONCLUSION

According to the results of the research, motor oils which for 14 days they had significant resistance to microorganisms, can be considered the most resistant to microorganism damage. But after 30 days also turned out to be affected. The obtained results suggest that motor oils containing a large amount of aromatic hydrocarbons will not allow intense damage by microorganisms. And an increase in the group composition of oil of naphthenic-paraffin compounds of hydrocarbons, which serve as the main substrate for the nutrition (vital activity) of microorganisms, allows us to assume that it reduces the time of resistance of this brand of MO against microorganism damage. Therefore, to maintain the operational properties of MO in hot climates, the most promising are MO with a lower content of naphthenic-paraffin compounds. MOs with a large number of paraffin compounds can be used in hot climates only with antimicrobial additives that protect them from microbiological effects.

REFERENCES

[1] "(PDF) Applicative Monitoring of Vehicles Engine Oil." https://www.researchgate.net/publication/286539820_Applicative_Monitoring_of_Vehicles_Engine_Oil (accessed May 01, 2021).

[2] Z. Hu, C. Zhang, Q. Hu, and H. Tian, "Temperature changes in central Asia

from 1979 to 2011 based on multiple datasets," *J. Clim.*, vol. 27, no. 3, pp. 1143–1167, Feb. 2014, doi: 10.1175/JCLI-D-13-00064.1.

[3] Dow, "Microbial Contamination of Diesel Fuel: Impact , Causes and Prevention," no. 253, pp. 1–17, 2003.

[4] C. C. Gaylarde, F. M. Bento, and J. Kelley, "Microbial contamination of stored hydrocarbon fuels and its control," *Rev. Microbiol.*, vol. 30, no. 1, pp. 1–10, 1999, doi: 10.1590/s0001-37141999000100001.

[5] R. Jia, D. Yang, J. Xu, D. Xu, and T. Gu, "Microbiologically influenced corrosion of C1018 carbon steel by nitrate reducing Pseudomonas aeruginosa biofilm under organic carbon starvation," *Corros. Sci.*, vol. 127, pp. 1–9, Oct. 2017, doi: 10.1016/j.corsci.2017.08.007.

[6] I. B. Beech and J. Sunner, "Biocorrosion: Towards understanding interactions between biofilms and metals," *Current Opinion in Biotechnology*, vol. 15, no. 3. Elsevier Current Trends, pp. 181–186, Jun. 01, 2004, doi: 10.1016/j.copbio.2004.05.001.

[7] I. B. Beech and C. C. Gaylarde, "Recent advances in the study of biocorrosion - An overview," *Revista de Microbiologia*, vol. 30, no. 3. Sociedade Brasileira de Microbiologia, pp. 177–190, 1999, doi: 10.1590/s0001-37141999000300001.

[8] C. A. Loto, "Microbiological corrosion: mechanism, control and impact a review," *International Journal of Advanced Manufacturing Technology*, vol. 92, no. 9–12. Springer London, pp. 4241–4252, Oct. 01, 2017, doi: 10.1007/s00170-017-0494-8.

[9] N. Merry Mitan, M. Saifulazwan Ramlan, M. Zainul Hakim Nawawi, and Z. Kindamas, "Preliminary study on effect of oil additives in engine lubricant on four-stroke motorcycle engine," in *Materials Today: Proceedings*, Jan. 2018, vol. 5, no. 10, pp. 21737–21743, doi: 10.1016/j.matpr.2018.07.026.

[10] N. S. and A. M., "Lubricating Oil Additives," in *Tribology - Lubricants and Lubrication*, InTech, 2011.

[11] "Additives and lubricants," *Tribol. Ser.*, vol. 4, no. C, pp. 119–155, Jan. 1980, doi: 10.1016/S0167-8922(08)71033-2.

[12] P. D. Srivyas and M. S. Charoo, "Effect of lubricants additive: Use and benefit," in *Materials Today: Proceedings*, Jan. 2019, vol. 18, pp. 4773–4781, doi: 10.1016/j.matpr.2019.07.465.

[13] A. Martini, U. S. Ramasamy, and M. Len, "Review of Viscosity Modifier Lubricant Additives," *Tribology Letters*, vol. 66, no. 2. Springer New York LLC, Jun. 01, 2018, doi: 10.1007/s11249-018-1007-0.

[14] S. I. Shara, E. A. Eissa, and J. S. Basta, "Polymers additive for improving the flow properties of lubricating oil," *Egypt. J. Pet.*, vol. 27, no. 4, pp. 795–799, Dec. 2018, doi: 10.1016/j.ejpe.2017.12.001.

[15] V. V. Ostrikov, S. N. Sazonov, V. I. Orobinskii, and D. N. Afonichev, "Determination of Antioxidant Additive and its Decomposition Products in

Working Motor Fuels," *Chem. Technol. Fuels Oils*, vol. 55, no. 2, pp. 145–150, May 2019, doi: 10.1007/s10553-019-01014-8.

[16] R. S. Kamal, N. S. Ahmed, and A. M. Nasser, "Study the efficiency of some compounds as lubricating oil additives," *Appl. Petrochemical Res.*, vol. 3, no. 1–2, pp. 1–8, Jul. 2013, doi: 10.1007/s13203-012-0020-8.

[17] A. El-Mekabaty and O. M. O. Habib, "Synthesis and evaluation of some novel additives as antioxidants and corrosion inhibitors for petroleum fractions," doi: 10.1007/s12182-014-0328-3.

[18] K. Komvopoulos, V. Do, E. S. Yamaguchi, and P. R. Ryason, "Effect of sulfur- and phosphorus-containing additives and metal deactivator on the tribological properties of boundary-lubricated steel surfaces," *Tribol. Trans.*, vol. 46, no. 3, pp. 315–325, Jan. 2003, doi: 10.1080/10402000308982632.

[19] M.M. Tashpulatov, Izmenenie ekspluatatsionnyx svoystv nefteproduktov v rezultate jiznedeyatelnosti mikroorganizmov, - T.: TADI., Bibliograph v UzNIINTI № 826., 1988.

[20] M. M. Tashpulatov, Obespecheniye kachestva toplivo-smazochnyx materialov pri ekspluatatsii mashin, (Monografiya), - T: "FAN" AN ResUz, 1992, p. 136 c.

YENGIL AVTOMOBILLAR TRANSMISSIYA AGREGATLARIGA TEXNIK XIZMAT KO'RSATISH DAVOMIYLIGINING SAMARADORLIK KO'RSATKICHLARIGA TA'SIRI

Muqimova Davlatxon Karimovna

Andijon Mashinasozlik instituti, "Yer usti transport tizimlari" kafedrasi dotsenti t.f.f.d (Phd). Andijon shahri.

Karimov Abbosjon Isroilovich

Andijon Mashinasozlik instituti, "Yer usti transport vositalari va tizimlari" mutaxassisligi magistranti. Andijon shahri.

Avtomobil transporti jamiyat rivojlanishida muxim axamiyatga ega bo'lishi bilan bir qatorda, axolining xarbir amaliy moddiy ,ma'naviy jixatdan mustaqil bo'lishiga imkon yaryatadi. O'zbekiston respublikasi mustaqillikga erishgandan so'ng qisqa davr o'tishiga qaramay axolini avtomobil transporti bilan ta'minlash jadal sur'atlar bilan amalga oshrilmoqda. Shu maqsatda Respublikamizda bir qator avtomobil kompaniyalari barpo etilib, ularning ishga tushirilishi O'zbekiston xalqinig muxim yutuqlaridan biridir. Axolining yengil avtomobillarga bo'lgan talabini qondirish va eksport qilish maqsadida turli xildagi zamonaviy avtomobillar ishlab chiqarilmoqda. Shaxsiy avtomobiliga ega bo'lgan xarqanday kishishi samarali va uzoq muddat foydalanish uchun , avtomobilni, transport vositasini doimo texnik soz xolatda ushlashi zarur. Ushbu shartni bajarish uchun avtomobil egasi o'z vaqtida avtomobilga texnik xizmat va remont ishlarini muntazam ravishda, belgilangan tartib bilan bajarib borish kerak [1].

Transmissiya agregatlariga texnik xizmat ko‘rsatish KXK, 1-TXK, 2-TXK jarayonida amalga oshiriladi.

KXK da transmissiya agregatlari, avtomobilni o‘rnidan jildirishda va xarakatlanish vaqtida uzatmalarni almashlab ulab tekshiriladi. Yetaklovchi ko‘prikning xolati va germetikligi nazorat qilinadi.

1-TXK da KXK dagi ishlarga qushimcha ravishda ilashish muftasi tepkisining erkin yurish yo‘li tekshiriladi va zarur bo‘lsa rostlanadi, yuritma detallari plastik materiyallar bilan moylanadi . Uzatmalar qutisi, kardanli uzatmani, taqsimlash qutisini, orqa ko‘prik karterini maxkamlanishi tekshiriladi, agregatlardagi moy satxlari me'yoriga keltiriladi, zichlagichlarning xolati tekshiriladi. 2-TXK da transmissiya agregatlari bo‘yicha KXK va 1-TXK dagi barcha ishlar bajariladi, moylash xaritasiga mos ravishda agregatlardagi moylar almashtiriladi. Agar agregatlarda nosozliklar aniqlansa, ularni ishchi xolatiga keltirish uchun ta'minlanadi [2].

Transmisiya agregatlarini diagnostika qilish texnik xizmat kursatish davrida yoki xaydovchi tomonidan ishdan chiqish va nosozliklar to‘grisida ma'lumot tushganda amalga oshiriladi va liqqillashlar yig‘indisini, uzatmadlarga yengil o‘tishini, shovqin balandligini va aylanuvchan barabanli jixozlarda avtomobildagi sinashdagi tebranishni nazorat qilishni uz ichiga oladi. Ilashish muftasining texnik xolati pedal (tepki)ning erkin yurish yo‘li, shataksirashi va to‘liq ilashish (uzatmaga yengil tushish) bo‘yicha nazorat qilinadi. Kardanli uzatmaning nosozliklari valning urishi, shlitsali birikma kristovina sharnirlarini yeyilishi bo‘lishi mumkin. Bular avtomobil joyidan ko‘zg‘alganda shiqillashga xarakatlanish davrida shovqin va tebranish xosil bo‘lishiga olib keladi. Mexanik uzatmalar qutisi, taqsimlash qutisi, asosiy uzatma va bort reduktorlarining asosiy nosozliklari quyidagilardan iborat: uzatmadan o‘z-o‘zidan chiqib ketishi (yuritma detallarida sozlashning yo‘qolishi, podshipniklarning, tishlarning , shlitsalarning, vallarning, fiksatorlarning yeyilishi natiyjasida); uzatmadan uzatmaga o‘tishda shovqinlar (ilashish muftasining to‘liq ajralmasligi yoki sinxronizatorlarning nosozligi oqibatida); xaddan ortiq tebranish, shovqin, qizish, moy satxinig kamligi tufayli liqillash, shesternya tishining yeyilishi yeyilishi yoki sinishi, podshipnik va uning o‘rinlari yeyilishi, tishli juftlar nosoz ilashishi va qotirishning bushashishi; jipslashtiruvchi tiqinlarning shikastlanishi va moy tutqichlarning yeyilishi natiyjasida moyning oqishi.

Avtomobildan yechilgan transmissiya agregatlarining xolatini tiklash ishlari ATK dagi agregat ustaxonasida yoki maxsus ta'mirlash korxonalarida bajariladi. ATK da agregatlarni ta'mirlashda asosan kardan vali va BTTSh yeyilgan chorbarmoqlari, sinxronizatorlar, shesternyalar (jufti bilan) va podshipniklar almashtirilad. Asosiy uzatma yetaklovchi valinig, o‘rta valning va differensial blokining o‘q bo‘ylab tirkishini sozlash uchun podshipniklar

tortiladi. Bunga sozlovchi shaybalarning yupqarog'ini tanlash, pulat tiqinlar sonini kamaytirish yoki boshqa usullar bilan texnologik jarayondagi tortish momentini zavod tomonidan tavsiya qilingan yoki texnik shartda keltirilgan qiymatiga erishiladi. Podshipniklar almashtirilgandan sung, asosiy uzatma shesternyalarining qiyshiq tishlari orasidagi tirqish yetaklovchi vali stakaninig flanesi va reduktor karteri asosidagi tiqinlar sonini o'zgartirish o'rtangi val ro'likli podshipniklarning qopqog'i tagidagi tiqinlar o'rinlarini almashtirish yo'li bilan sozlanadi . Ilashmani shesternya tishlarining tutash izlari bo'yicha nazorat qilinadi.

Shubxasiz, avtomobilning umumiy solishtirma turib qolishi V_t, avtomobil muayyan agregat va tizimlari buzilishlari va nosozliklarining bartaraf etish, solishtirma turib qolishlari B^{a}_{Ti} yoki korxonaning sex va uchastkalaridagi turib qolishlar ($B^{ц}_{Ti}$) ning yig'indisidan iborat:

$$B_T = \sum_{i=l}^{n} B^{a}_{Ti} \quad \sum_{i=l}^{n} B^{ц}_{Ti}$$

Bu yerda: B^{a}_{Ti} _j- sex bo'yicha amaldagi amaldagi solishtirma turib qolishi; B^{a}_{Ti} -shuning o'zi, i-agregat bo'yicha; n-avtomobil agregat va tizimlari soni; m-ATK sex va uchastkalari soni

Boshqacha aytganda, avtomobillar texnik xolatini boshqarayotganda, birinchidan, avtomobilning qaysi elementlari (agregatlar, tizimlar) past ishonchlilik ko'rsatkichlariga ega va ularning turib qolishlar va texnik tayyorgarlik koefitsientigiga qanday asosiy ta'sir o'tgazishini, va ikkinchidan, avtomobilarning ish vaqtini yo'qotishlar bilan bog'liq bo'lgan eng katta turib qolishlari muxandis-texnik xizmatining qaysi bo'linmalariga to'g'ri kelishini bilish muxim. Shuning uchun muxandis texnik xizmati avtomobilning ishochliligi chegaralagan agregaat va tizimlariga va ularning ish qobilyatini ta'minlaydigan tegishli sex va uchastkalariga e'tiborni qaratmog'i lozim [3].

Buni avtomobilning umumlashtirilgan ko'rsatkichlariga $(\overline{X}_{TK'}, \bar{t}_{TK'})$ Dan muayyan bo'linmalar ko'rsatkichlariga $(\overline{X}_{TKj'}, \bar{t}_{TKj'})$yoki avtomobil elementlari kursatkichlarigai $(\overline{X}_{TKj'}, \bar{t}_{TKj'})$ bilan bajarish, ularning texnik tayyorgarlik koefitsientiga ta'sirini baxolash mumkin.

Avtombilning o'rtacha turib qolishi $\bar{t}_{TK}$ agregatlar va tizimlar sababli turib qolishlarining bir o'lchamga keltirilgan o'rtacha qiymati $\bar{t}_{TKj}$kabi aniqlanad:

$$\overline{t_{TK}} = \bar{t}_{TKl}\frac{n_1}{n} + \bar{t}_{TK2}\frac{n_2}{n} + \ldots + \bar{t}_{TKn}\frac{n_n}{n} = \sum_{i=l}^{n} t_{TKi} \frac{n_i}{n},$$

Bu yerda t_{TKi} -i- agregat, uzelning ta'mirlashda turib qolish o'rtacha davomiyligi; n_1-avtomobilning muayyan agregat va uzellari buzilishi sababli turib qolishlar soni.

Bu taxlil muayyan ATKda umumiy turib qolish, mexnat xajmi va ish qiymatiga va demak, chiqarish va texnik tayyorgarlik koefsienlari, unumdorlik va tannarxga asosiy ta'sir kursatayotgan sex, uchastka, xamda agregat va tizimlarni aniqlash imkonini beradi. Qarorlarni asoslash , qabul qilish va ularni amalga oshirishda muxandis -texnik xizmatining asosiy diqqati xuddi shu ob'ektlarga qaratilishi kerak. Bu taxlilni bosqichma bosqich o'tkazish maqsadga muvofiq.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O.Xamroqulov Sh. Magdiev Avtomobillarning texnik ekspluatatsiyasi
2. T.f.d. professorlar Ye.S.Kuznesov,A. A.P. Boldin, V.M.Vlasov, V.G. Kavalenko v.b. avtomobillar texnik eksplutatsiyasi
3. Mamasoliev B.M., Kosimov M.M., Abdusattarov N.X. Texnologiya proizvodstva stalnыx koles avtomobiley i nedostatki v ix proizvodstve // Universum: texnicheskie nauki : elektron. nauchn. jurn. 2021. 3(84). URL: https://7universum.com/ru/tech/archive/item/11401 (data obraщeniya: 25.03.2021)

SILINDR-PORSHEN GURUHINING ISH JARAYONIGA TA'SIR ETUVCHI OMILLARNI TADQIQOTLASH.

Muqimova Davlatxon Karimovna,
Andijon Mashinasozlik instituti, "Yer usti transport tizimlari" kafedrasi dotsenti T.f.f.d (Phd). Andijon shahri.
Mamasoliyev Bunyodbek Mahamatjon o'g'li,
Andijon Mashinasozlik instituti, "Yer usti transport tizimlari" kafedrasi assistenti. Andijon shahri.

Dvigatelning ish jarayonida porshen ilgarilanma-qaytma harakati davomida silindr devoriga ishqalanadi. Ishqalanish bor joyda albatta yeyilish ro'y beradi. Silindr devorini yeyilishini kuzatadigan bo'lsak, uning ovalsimon yeyilishini ko'rishimiz mumkin. Buning asosiy sababi – porshen uning barmog'i o'qiga nisbatan tebranma harakat qiladi. Chunki shu yo'nalishda porshenning harakatiga cheklov qo'yilmagan. Buning natijasida silindr ovalsimon yeyilib, porshen halqasi berkitishi qiyin bo'lgan tirqish hosil bo'ladi. Ayrim adabiyotlarda tirqishning paydo bo'lishi deformatsiya natijasi deb yoziladi(1-rasm). Ya'ni qizigan gilzaga porshenning normal kuchi ta`sir etib oson deformatsiya qila oladi. Boshqa adabiyotlarda esa abraziv zarralar ta`sirida yeyilish sodir bo'ladi deb belgilanadi. Agar abraziv zarralar natijasida gilzalar yuzasi yeyilganda, u ovalsimon emas balki aylana shaklida yeyilishi kerak edi. Bu fikr yeyilishga mutlaqo abraziv zarralarning aloqasi yo'q degani emas. Lekin ularni umumiy qilib tirqishning paydo bo'lish sababiga abraziv zarralar ta`sirida yeyilish va deformatsiyaga uchrash deb hisoblashimiz mumkin.



1-rasm. Silindr halqa tirqishining paydo bo'lishi

Silidrlar devori bir hilda ya'ni aylanasimon yeyilganda dvigatel ko'rsatkichlariga ta`siri kam bo'lar edi. Chunki, halqalar yassi prujina vazifasini bajaradi va ma'lum bosim epyurasi bilan tayyorlanadi. Bu esa, halqalarni aylanasimon yuzalarga jips tegib turishini ta`minlaydi [1-2].

Dvigatellarni beto'xtov ravishda quvvatini oshirish, ularni serchang va yuqori haroratli sharoitlarda ishlatish silindr-porshen gruppasini mexanik yuklanishiga olib keladi. Bu esa porshen tubida va halqa ariqchalarida kuyindi hosil bo'lishiga hamda halqalarning yeyilishini tezlashiga sabab bo'ladi.

Dvigatelni texnik holatini ko'p jixatdan yonish kamerasining germetikligini hosil qiluvchi halqalar belgilaydi [4].



2-rasm.Indikator bosimni o'zgarishiga porshen halqalarini holati va yuklanishni ortishiga bog'liqligi.

Silindrdagi indikator bosimni o'zgarishi 3…5% ni tashkil etilishi tirqishga ega bo'lgan halqa o'rnatilgan dvigatelni ko'rsatkichlariga ta`sirini aniqlash imkonini beradi.

Demak, tirqishsiz halqa o'rnatilgan dvigatel silindrdagi indikator bosim P_i=0,846MPa tashkil etgan bo'lsa, yuqoridagi-larga asosan tirqishga ega bo'lgan halqa o'rnatilgan dvigatel silindridagi bu bosim P_i=0,81MPa ni tashkil etmoqda [3]

U holda

Indikator FIK

$$\eta_i = \frac{P_i \cdot \alpha \cdot L_o^1}{Q_н \cdot \rho_к \cdot \eta_v}$$

Yonilg'ini indikator solishtirma sarfi:

$$g_i = \frac{3600}{Q_n \cdot \eta_i}$$

Dvigatel effektiv ko'rsatkichlari

Porshenning o'rtacha tezligi:

$$C_n = \frac{\pi \cdot n_н}{30000}$$

Mexanik yo'qotishlarga sarflaanyotgan bosim.

$$Pm=0,105+0,012 \cdot Wn$$

Effektiv bosim.

$$P_e=P_i - P_m$$

Mexanik FIK

$$\eta_м = \frac{P_e}{P_i}$$

$$\eta_e = \eta_i \cdot \eta_m$$

Effektiv solishtirma sarfi:

$$g_i = \frac{3600}{Q_n \cdot \eta_i}$$

Yonilg'ini soatli sarfi:

$$G_m = g_e \cdot 10\text{-}3 \cdot Ne$$

U holda dvigatel quvvati:

$$N_{дв} = \frac{V_h \cdot P_e \cdot n_н \cdot i}{30 \cdot \tau_{дв}}$$

Dvigatel quvvati Ndv=16,8 kVt bo'lganda tirsakli valni aylanishlar soni:

$$n_н = 9550 \frac{N_e}{M_{дв}}$$

Olib borilgan tadqiqotlar natijalari asosida quyidagicha xulosa qilish mumkin:

1. Tirqishga ega bo'lgan halqa o'rnatilgan dvigatelda silindrdagi indikator bosimni yuklanishni ortishiga bog'liq ravishda o'rtacha 0,07…0,1 MPa ga kamayishiga olib kelmoqda.

2. Tirqishga ega bo'lgan halqa o'rnatilgan dvigatel ko'rsatkichlari, ishlatilgan halqa ko'rsatkichlaridan ham past ekanligini kuzatish mumkin. Bu esa dvigatel ko'rsatkichlarini pastlab ketishiga olib kelmoqda.

3. Halqalarni tekshirish va talab darajada bo'lgan halqalarni dvigatelga o'rnatish taklif etilayotgan uslub asosida amalga oshirish maqsadga muvofiqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Fayziyev M.M., Miryunusov M.M., Orifjonov M.M., Bozorov B.I. – Ichki yonuv dvigatellari. T.Turon-Iqbol 2007-y
2. Qodirov S.M. – Ichki yonuv dvigatellari. Darslik. Toshkent, 2006-y.
3. Аллилуллаев В.А., Ждановский Н.С., Николаенко А.В. – Техническая диагностика и зерноуборочных комбайнов. М.Колос. 1978 г..
4. Mamasoliev B.M., Kosimov M.M., Abdusattarov N.X. Texnologiya proizvodstva stalnыx koles avtomobiley i nedostatki v ix proizvodstve // Universum: texnicheskie nauki : elektron. nauchn. jurn. 2021. 3(84). URL: https://7universum.com/ru/tech/archive/item/11401 (25.03.2021)

TURLI MAMLAKATLARDA AVTOTRANSPORT VOSITALARI UCHUN PARKOVKA – TO`XTAB TURISH

Nurdinov Murodali Alijonovich,
Andijon Mashinasozlik instituti, "Yer usti transport tizimlari" kafedrasi katta o'qituvchisi. Andijon shahri.
Anvarov Sardorjon Rustamjon o'g'li,
Andijon Mashinasozlik instituti, "Yer usti transport tizimlari va ularning ekspluatatsiya" yo'nalishi talabasi.

Hozirgi vaqtda qonunchilikning qat`iy talablari va transportni tashkillashtirish qoidalari, transport bozoridagi keskin raqobat, shuningdek yuk tashish paytida haydovchilarga qarshi yuklarni o`g`irlash va talon-taroj qilishga urinishlar mavjudligini hisobga olgan holda, to`g`ri rejalashtirish zarurligi alohida ahamiyatga ega. marshrut, shuningdek transport vositasi marshruti bo`ylab bepul to`xtash joylari mavjudligi to`g`risida ma`lumot olish. Avtotransport vositalarining haydovchilarining ish va dam olish vaqtlari bo`yicha AETRning mavjud bo`lgan qat`iy talablarini hisobga olgan holda, ayniqsa ishdagi tanaffuslardan foydalanish bo`yicha, yuk mashinalari uchun to`xtash joylarini oldindan tanlash kerak.

Haydovchilarga turli mamlakatlardagi to`xtash joylari to`g`risida ma`lumot berish tizimi mavjud – "TRANSPark" [1-2-3].

IRU (Xalqaro avtomobil transporti ittifoqi) va XATU (Xalqaro avtomobil transporti uyushmasi) tomonidan tayyorlangan xalqaro avtotransport boshqaruvchilari, avtomobil transporti kompaniyalari menejerlari va transport vositalari haydovchilari uchun TRANSPark (www.iru.org/transpark) kompyuter portal tayyorlandi. Ushbu portal 40 dan ortiq mamlakatlardagi 4000 dan ortiq to'xtash joylari bo'yicha batafsil ma'lumotni bepul onlayn ravishda taqdim etadi.

TRANSPark kompyuter xizmati - bu xavfsiz va o'z vaqtida bajarilishi uchun harakatlanish boshlanishidan oldin tashuvchining harakatlarini oldindan rejalashtirishga imkon beradigan ajoyib yechim.

TRANSPark dasturi yordamida tashuvchi:

1. Sizga kerak bo'lgan to'xtash joyini qidiradi, topadi va so'raydi:

1.1. Mamlakat, shahar yoki ko'chani ko'rsatadigan joylashuvi bo'yicha;

1.2. 200 km gacha bo'lgan radiusda siz marshrut bo'ylab avtoturargohlarni xavfsizligi, qulayligi va xizmatlari bo'yicha baholash tizimidan foydalangan holda rejalashtirasiz[5-6].

2. Avtoturargohlarning xavfsizlik darajasini quyidagi parametrlar bo'yicha tekshiring:

Xavfsizlikni tashkil etish

2.1. Kuzatuv kameralarining ishlashi;

2.2. Himoyalangan hududning perimetri atrofida panjara mavjudligi;

2.3. Kechasi hududni yoritish ishlari;

3. Avtoturargohda mavjud bo'lgan xizmatlarning mavjudligini tekshiring:

3.1. Restoran, mehmonxona, hammom;

3.2. Yoqilg'i quyish shoxobchasi;

3.3. Ta'mirlash ustaxonasi;

3.4. Avtomobillarni yuvish;

3.5. Tibbiy xizmat.

TRANSPark tashuvchiga o'zini va yukni xavfsiz saqlashda yordam beradi, vaqt va pulni tejaydi, qabul qiluvchi mamlakatning amaldagi qonunchiligiga rioya qilishga yordam beradi, yo'llarda va to'xtash joylarida xavfsizlikni oshiradi.

Biz harakatlanishdan oldin rejalashtirilgan harakat marshruti bo'yicha to'xtash joylari joylashuvining batafsil nusxalarini chiqarishni va sayohat uchun zarur bo'lgan boshqa hujjatlar to'plami bilan birga olib ketishni tavsiya qilamiz.

Adabiyotlar

5. L.Y.Bakirov M.A.Nurdinov Avtomobillarda xalqaro yuk tashish qoidalari T. 2021 370 bet.

2. Международное руководство по безопасному креплению груза на автомобильном транспорте. IRU_CIT-2014-74с.

5.Топалиди В.А., Чубенко Н.М., «Международные автомобильные перевозки грузов» Учебное пособие. Ташкент 2017-339с

6.Курганов В.М., Миротин Л.Б., «Международные грузовые автомобильное перевозки» Учебное пособие для вузов. Тверь, 2000-131с.

7. «Правила перевозок грузов автомобильным транспортом». 2015г.

8.Директива совета ЕС №96/53/ЕС от 25 июля 1996 года, устанавливающая максимально разрешенные размеры и вес для определенных автомобилей, выполняющих рейсы по территории ЕС.

9.Максимальная общая масса, осевая нагрузка, размеры и другие линейные параметры автотранспортных средств, предназначенных для передвижния по автомобильным дорогам общего пользования.

10.Гуджоян О.П., Троицкая Н.А., «Перевозка специфических грузов автомобильным транспортом»-М.:Транспорт, 2001-160с.

11.Technical analysis on the evolutsion of weights and dimensions of road vehicles and loading units. Документ MCAT CIT/B2544/EGE. Брюссель, 2004г.

BENZINLARNING FRAKSION TARKIBINI ANIQLASH

Odilov Xayrullo Raxmonjon o'g'li
"Yer usti transport tizimlari" kafedrasi assistenti,
Andijon Mashinasozlik instituti, Andijon shahri, O'zbekiston.

Benzinlarning asosiy fizik - kimyoviy xossalariga zichlik, qovushqoqlik, bug'lanuvchanlik va to'yingan bug' bosimi xossalari kiradi. Benzinlarning zichligi yonilg'ining karbyuratsiyalanish xossalariga ta'sir ko'rsatadi. Benzinning zichligi qancha katta bo'lsa, uning sirt tarangligi shuncha kata bo'ladi, benzin plyonkasi hosil bo'ladi, yonilg'i bug'lanishi qiyinlashadi. Neftdan olingan barcha yonilg'ilar turli qaynash haroratiga ega bo'lgan uglevodorodlarning murakkab aralashmasidir.[1]

Masalan, benzin 35-200 ^{O}C gacha, dizel yonilg'isi esa, 170-350 ^{O}C haroratda qaynaydi. Yonuvchi aralashmaning sifati benzinning bug'lanish darajasiga bog'liqdir. Benzinning eng muxim xususiyati uning bug'lanish xususiyatidir.

Benzinning bu xossasi yonuvchi aralashmaning sifati xaqida fikr yuritish imkonini beradi. Suyuqlikning bug'lanishi jarayoniga uning qovushqoqligi, zichligi, yuza tarangligiga ta'sir ko'rsatadi. Benzin ko'p fraksiyali suyuqlikdir. Shu sababli uning muayyan qaynash harorati bo'lmaydi. Benzin tarkibida yengil fraksiyalar atmosfera bosimi ta'sirida 30-40 ^{0}C qaynay boshlaydi. Og'ir fraksiyalar esa 160-205 ^{0}C dagina qaynaydi.[2]

Benzinning fraksion tarkibiga qarab, dvigatelni tez o't olishi, unig to'liq quvvat bilan ishlashi, chiqindi gazning zaharliligi va boshqa ko'rsatkichlarni bilib olish mumkin. Qishda yurgizib yuborish oson bo'lishi uchun yozgi va qishki benzinlar ishlab chiqariladi. Qishki benzinlar fraksion tarkibining yengilligi bilan farq qiladi. Benzinning fraksion tarkibi maxsus xaydash asbobida aniqlanib, uning xaydalgan miqdori bilan xaydash harorati orasidagi bog'lanishni ko'rsatadi. Benzinning fraksion tarkibi quyidagi xaydash harorati: xaydashning boshlanish harorati, -10, -50, -90%; qaynashni tugatish harorati bilan baxolanadi.[3]



1-rasm. Yonilg'ilarni fraksion tarkibini aniqlaydigan qurilma.
1-xaydash kolbasi; 2-termometr; 3-sovitish asbobi.

Fraksion tarkibni aniqlash quyidagi ketma-ketlikda amalga oshiriladi:

1. Tekshiriladigan yonilg'idan 100 ml o'lchab olinadi va xaydash kolbasiga solinadi. Kolbaga yog'och po'kakli tiqinlar orqali termometr o'rnatiladi.

2. Kolbani isitgich plita ustiga shunday o'rnatiladiki, kolbaning tagi isitgich ustidagi asbestga xiyol tegib turadi. Kolbaning yonboshidagi trubkasi sovitgichga tiqinlar yordamida mahkamlanadi;

3. O'lchov silindri sovitgich trubkasining tugash yeriga qo'yiladi, silindrni ustini paxta yoki yupqa qog'oz bilan yengil berkitib qo'yiladi;

4. Isitish shunday olib boriladiki, sovitgichdan birinchi tomchi qizdirish boshlanganidan 5-10 minut orasida tushishi kerak. Birinchi tomchining tushgan harorati xaydashning boshlanish harorati deb qabul qilinadi;

5. Birinchi tomchi tushgandan so'ng, isitishni shunday olib boriladiki 1 sekund ichida 2 tomchi tushib turishi kerak. O'lchash oson bo'lishi uchun sovitkich trubkasi silindr devoriga tegizib turishi lozim;

6. Har 10 ml. yonilg'i xaydalganda harorat yozib boriladi. Xaydash tezligi bir xilda bo'lishi uchun borgan sari isitishni biroz ko'paytirib boriladi;

7. Silindrda 90 ml. yonilg'i yig'ilgandan so'ng 3-5 minut orasida xaydash tugallanishi kerak;

8. Xaydashni tugallanish harorati deb, haroratni maksimumga ko'tarilib so'ng pasayish payti olinadi. Shundan so'ng isitish to'xtatiladi va umumiy xaydalgan yonilg'i miqdori o'lchanadi;

9. Xaydash tugallangandan keyin bir oz vaqt o'tgach kolba sovigandan so'ng asbob yig'ishtiriladi, yonilg'ining kolbada qolgan qismi kichikroq o'lchash asbobida o'lchanadi va qoldiq sifatida yozib qo'yiladi;

10. Yonilg'ining xaydalgan qismi va qoldiq miqdori birgalikda umumiy hajmi (100 ml.) dan ayirib tashlansa yonilg'ining xaydash vaqtida yo'qolgan qismi topiladi. Mana shu yo'qolgan qismi benzin tarkibida yengil bug'lanuvchi fraksiyasiga bog'liq;

11. Olingan natijalarni jadvalga kiritiladi va xulosa beriladi. Quyidagi jadvalda qishki va yozgi AI-80 benzinning fraksion tarkibi aniqlangan. [3]

1-jadval.

Tegishli harorat, °C											Qoldiq, %	Yo'qo-tish, %
BH	10 %	20 %	30 %	40 %	50 %	60 %	70 %	80 %	90 %	OH 96,5%		
39	70	83	95	108	115	125	135	150	172	193	1,4	2,1

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. О.Хамракулов, З.Х.Алимова, М.Х.Рахматуллаев – Транспорт воситаларида ишлатиладиган эксплуатацион материаллар, Жиззах-2004
2. Z.X.Alimova-Transport vositalarida ishlatiladigan ekspluatatsion materiallar, Toshkent - «Fan va texnologiya» - 2011.
3. K.J.Matkarimov, B.J.Mahmudov, A.A.Norqulov - "Avtomobillarda ishlatiladigan ashyolar", Toshkent "NOSHIR"-2013.

4. X.R.Odilov, A.R.Meliko'ziyev, E.M.Xalimjonov-"Alternativ yonilg'ilardan foydalanish istiqbollari"-"Raqamli hayot va ijtimoiy fanlarning barkamol avlodni voyaga yetkazishdagi o'rni va axamiyati: dolzarb muammolar va istiqbol" xalqaro ilmiy-amaliy anjuman, 2022

SANOAT PECHLARIDA NOANIQ SHAROITLARDA GAZNI YONDIRISH JARAYONINI BOSHQARISHNING TAXLILI

Oqilov Azizbek Kozimjon o'g'li,
Andijon Mashinasozlik instituti
"MICHA"kafedrasi asisstenti
oqilovazizbek078@gmail.com
+998979885664
Sobirov Anvarjon Muxammadjon o'g'li,
Andijon Mashinasozlik instituti
IMT 1-kurs 66-guruh magistranti

Annotatsiya: Hozirgi vaqtda ko'pgina ishlab chiqarish jarayonlarini gaz yondiruvchi pechlarsiz amalga oshirib bo'lmaydi. Hattoki ba'zi jarayonlarda gaz yondiruvchi pechlar ishlab chiqarishning asosiy qurilmasi sifatida qo'llaniladi. Gaz yondiruvchi pechlar gazni qayta ishlash zavodalarida,shisha ishlab chiqarishda, tsement ishlab chiqarishda, kaliyli o'g'itlarni ishlab chiqarish va shu kabi boshqa ishlab chiqarish jarayonlarida asosiy qurilmalardan biri bo'lib hisoblanadi. Ishlab chiqarishda pechlarning keng miqyosda qo'llanishi sababli ularni mukammallashtirish, samaradorligini oshirish, pech va gorelkalarning konstruktsiyalarini qayta ko'rib chiqish,pech haroratini nazorat qilish va avtomatik rostlash, avtomatlashtirilgan boshqaruvning optimal yechimini topish kabi masalalarni hal etishni talab qildi.

Kalit so'zlar:*Gaz, pechlar, yoqilg'i,avtomatlashtirish, avtomatik rostlash, avariya xolatlari, diffuzion, kinetik.*

Gaz yondiruvchi pechlarda yoqilg'ini yondirish jarayonida bir nechta muammolar vujudga keladi. Ularni hal etish esa ishlab chiqarish samaradorligiga katta ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Yuzaga keladigan muammolarni hal etishda avtomatlashtirilgan boshqarish tizmlarining o'rni katta. demak gaz yondiruvchi pechlarda yoqilg'ini yondirish jarayonini avtomatlashtirish bevosita samaradorlikka ta'sir ko'rsatish bilan birgalikda yoqilg'idan foydalanish samaradorligini oshirish, pechdagi haroratni topshiriq qiymatida ushlab turish, atmosferaga chiqayotgan chiqindi gazlar miqdorini kamaytirish, gaz va havo sarflar nisbatini real vaqt rejimida rostlab turish imkonini ham beradi. Yonish jarayonini avtomatik rostlash gaz yondiruvchi pechlarda xavfsizlik va ishonchlilikni oshiradi va ularning optimal rejimda ishlashiga zamin yaratadi[1]. Pechlarda kompleks va qisman avtomatlashtirish sistemalari qo'llaniladi. Zamonaviy kompleks avtomatik boshqaruv o'zida quyidagi asosiy sistemalarni jamlagan,

- avtomatik rostlash;
- avtomatik xavfsizlik;
- avariya holatida signalizatsiya;
- harorat nazorati;

Ayni avtomatik rostlash tufayli gaz yondiruvchi pechlarda yoqilg'ini yondirish jarayoni talab qilingan rejimda ishlaydi va gaz yonishi optimal rejimda amalga oshadi[2]. Xavfsizlikning avtomatik nazorat qilinishi tufayli avariya holatlarining oldi olinadi. Chunki pechda alanga bo'lmagan holatda gaz berilishi avtomatik tarzda to'xtatiladi; gaz uzatish quvuridagi bosim minimal va maksimal chegaradan o'tganda gaz berilishi avtomatik tarzda to'xtatiladi; pechga berilayotgan havo bosimi minimal qiymatdan kamayganda gaz berish avtomatik tarzda to'xtatiladi. Signalizatsiya nazorat qilinayotgan parametr maksimal qiymatdan oshganda va minimum qiymatdan tushib ketganda ishga tushadi[4]..

Gaz yondiruvchi pechlarda yoqilg'ini yondirish jarayonini avtomatlashtirishtufayli yoqilg'idan foydalanish samaradorligi oshadi. Chunki gaz va havo sarflarnisbatining avtomatlashtirilgan tarzda rostlanib turilishi sababli gaz yoqilg'isining isrof bo'lishiga yo'l qo'yilmaydi[8].. Tejamkorlik bilan gazni yoqish, atmosferagachiqayotgan chiqindi gazlarning miqdorini kamaytirish va shu bilan bir qatorda sarf xarajatlarni kamaytirib samaradorlikka erishish qiyin va ayni vaqtda o'zaroqarama qarshi yo'nalishdagi masalalardir. Mana shu masalalarni bir vaqtda optimal hal etish uchun har bir parameter qiymati aniq o'lchanishi va rostlash, nazorat judakatta aniqlikda amalga oshirilishi lozim. Bu esa avtomatlashtirilgan boshqarishtizimi yordamida amalga oshiriladi[3]. Pechlarda o'rnatilgan gorelkalardagi alangamavjudligini nazorat qilish va agar alanga mavjud bo'lmasa avtomatlashtilgan tarzda gaz berilishini to'xtatish avariya holatlarining oldini oladi.Gaz yonuvchi pechlarda yoqilg'ini yondirish jarayonini avtomatlashtirish bo'yicha olib borilayotgan ishlar**.** Hozirgi kunda gaz yondiruvchi pechlarda yoqilg'ini yondirish jarayonini avtomatlashtirish bo'yicha dunyo miqyosida ko'pgina izlanishlar olib borilmoqda. Texnika fanlari doktori,professor Soroko B.S., asp.Vorobev N.V., tex.fan.nomzodi Zgurskiy V.A lar birgalikda gaz yondiruvchi pechlarda yoqilg'idan foydalanishning effektiv metodlarini ishlab chiqarishga e'tibor qaratgan. Samaradorlikni oshirishda issiqlikni qayta ishlatishni taklif etishgan. So'nggi yillarda sanoat pechlarida ham issiqlikdan qayta foydalanishga katta e'tibor qaratilmoqda. Pechlardan ajralgan issiqlik hisobiga ichki isitish tizimi ishlatilmoqda, bug' ishlab chiqarishda ajralgan issiqlikdan foydalanilmoqda. Aynan gaz yondiruvchi pechlarda esa rekuperativ gorelkalar yuqoridagi izlanuvchilar tomonidan tavsiya etilgan. Ularning maqsadi va taklifi bitta apparatda gorelka va issiqlik almashinish qurilmasini birlashtirish bo'lib, shu asosda rekuperatorli va regeniratsiyali gorelka yaratish va bu asboblarda radiatsion trubalardan foydalanishdir.Ijobiy tomoni shundaki, issiqlikni qayta ishlatish yoqilg'idan samarali foydalanishning tarkibiy qismidir[5]. Kamchilik sifatida shuni aytish mumkinki, bu holda noan'anaviy gaz yoqilg'ilaridan foydalanishda aniq

ko'rsatmalar keltirilmagan. Dot. Navikov O.N va proff. SHkarovskiy A.L lar esa gaz yondiruvchi pechlarda yoqilg'ini yondirish jarayoni energoekologik optimallash masalasini qo'ygan va bu masalani hal etishda real vaqt davomida gaz va havo sarflari nisbatini sozlab turishni taklif qilgan.Tejamkorlik bilan gazlarni yoqish,atmosferaga chiqayotgan chiqindi gazlar miqdorini kamaytirish va sarf xarajatlarni kamaytirish bir vaqtning o'zida o'zaro teskari masalaligini hisobga olsak, bu izlanish e'tiborga loyiq[7]. Gaz tejamkorligi masalasi chiqindi gazlar miqdorini kamaytirish orqali yechiladi. Bu masala yechilish asnosida atmosferaga chiqayotgan chiqindi gazlar miqdori kamayadi. CHiqindi gazlar miqdorini minimal darajada kamaytiriash uchun " havo – gaz " nisbatini rejimida boshqarish masalasi qo'yiladi.SHu sababli chiqindi gazlar tarkibidagi O2 ; SO kontsentratsiyasi doimiy nazorat qilinadi. Asosiy taklif shundan iboratki, real vaqt rejimida gaz va havo oqimini rostlab turish orqali tejamkorlik va samaradorlikka erishish bilan bir vaqtda atmosferaga chiqayotgan chiqindi gazlar miqdorini kamaytirish. Bunda gaz va havo sarfi parallel ravishda rostlab turiladi. Agar chiqindi gazlar tarkibidagi kislorod kontsentratsiyasi oshib ketsa kiruvchi kislorod sarfi kamaytiriladi va shunga mutanosib tarzda kiruvchi gaz sarfi ham o'zgartiriladi. Fakel 1 va fakel 2 yoqilg'ini tajamkor yoqishni avtomatlashtirilgan nazorat va boshqaruv tizimi taklif qilingan.



1.1 -Rasm Yoqilg'ini tejamkor yoqishning avtomatlashtirilgan boshqaruv va nazorat tizimi,



1.2-Rasm Yoqilg'ini tejamkor yoqishda gorelkani avtomatik boshqarish,

Suslov D.Y va Lisitskiy A.V gaz yondiruvchi pechlarda samaradorlikni oshirishda gorelkalarga e'tibor qaratgan bo'lib, diffuzion gorelkalarni ishlatishni taklif etgan. Ishlab chiqarish sanoatida gaz yoqilg'isining keng miqyosda foydalanilishi va tabiiy zahiralarning kamayib borishi natijasida tabiiy gazni tejamkorlik bilan samarali foydalanish masalasini kun tartibiga chiqargan. Bizga ma'lumki yonishning asosiy sharti gaz va havoning yaxshi aralashganligidadir. Gaz va havo aralashmasining qaerda paydo bo'lishiga qarab gorelkalar ikki ko'rinishda bo'ladi: kinetik , diffuzion , diffuzion-kinetik.- Kinetik tipdagi gorelkalarda gaz va havo yonish kamerasiga kirguncha gorelkaning ichida aralashadi va yonish kamerasiga tayyor aralashma ko'rinishida kiradi;- Diffuzion tipdagi gorelkalarda gaz va havo gorelkadan chiqib yonish kamerasida aralashadi; - Diffuzion-kinetik tipdagi gorelkalarda gaz va havo yonish kamerasiga kirmasdan gorelkada aralashma hosil qiladi va yonish kamerasiga kirgandan keyin ham kislorod uzatiladi ha yana aralashma hosil bo'ladi[4]; Diffuzion gorelkalarning tayyorlanishi oddiy , ekspluatatsiyasi qulay , ishlashi turg'un. Asosiy kamchilik sifatida shuni aytish mumkinki , diffuzion tipdagi gorelkalar katta bo'lmagan miqdordagi gazni yoqishga mo'ljallangan va bu ishlab chiqarishda ma'lum cheklanishlarni yuzaga keltiradi. Parsunkin B.N va Andreev S.M sanoat pechlarida yoqilg'ini yoqishning optimal energiya tejovchi boshqarish tizimini taklif qilgan. Ularning fikriga ko'ra , yoqilg'ini yoqishning havo va gaz sarflari proportsiyasi va havo sarfini stabillashtirish koeffitsientini boshqarish usullari sanoat pechlarining nestatsionar ish rejimida

yetarlicha effekt bermaydi. CHunki gaz va havo sarflari o'zaro chiziqli bog'lanmagan va nazorat qilinmaydigan g'alayon ta'sirlarga tayyor emas[7].

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Пилипенко Р. А. Камерные термические печи прецизионного нагрева металла / Р. А. Пилипенко // Межд. симпоз. «ОТТОМ-2» : сб. докл. – Харьков : ННЦХФТИ, 2001. – С. 20–25.

2. Шульц Л. А. По следам разработки и внедрения печей со стадийным сжиганием топлива и перспективы их развития в металлургии / Л. А. Шульц // Изв. Вузов. Черная металлургия. – 2005. – № 10. – С. 62–69.

3. Ерёмин А. О. Влияние динамических характеристик струй топлива и воздуха на циркуляцию и температурное поле газов в камерной печи с одной горелкой / А. О. Ерёмин, В. И. Губинский // Технічна теплофізика та промислова теплоенергетика : зб. наук. пр. – Дніпропетровськ : Нова ідеологія. – 2011. – Вип. 4. О. В. Авдеева система экстремального регулирования горением топлива в котельной установке. Вестник Пензенского государственного университета № 3 (11), 2015

5. Семенов, А. Д. Алгоритм экстремального регулирования на основе рекуррентной процедуры метода наименьших квадратов / А. Д. Семенов, О. В. Авдеева, А. С. Никиткин // Известия 11.- № 1. – С. 3- 2012. -высших учебных заведений. Поволжский регион. Технические науки.

6.Habibullo Asranov Universum: технические науки: научный журнал. – № 12(93). Часть 6. М., Изд. «МЦНО», 2021. – 108 с. – Электрон. версия печ. публ. – http://7universum.com/ru/tech/archive/category/1293

7.Холматов О.О., Муталипов Ф.У. "Создание пожарного мини-автомобиля на платформе Arduino" Universum: технические науки : электрон. научн. журн. 2021. 2(83). URL: https://7universum.com/ru/tech/archive/item/11307

8.Kholmatov O.O., Burkhonov Z., Akramova G. "THE SEARCH FOR OPTIMAL CONDITIONS FOR MACHINING COMPOSITE MATERIALS" science and world International scientific journal, №1(77), 2020, Vol.I
RL:http://en.scienceph.ru/f/science_and_world_no_1_77_january_vol_i.pdf#page=28

9.Холматов О.О, Бурхонов З, Акрамова Г "АВТОМАТИЗАЦИЯ И УПРАВЛЕНИЕ ПРОМЫШЛЕННЫМИ РОБОТАМИ НА ПЛАТФОРМЕ ARDUINO" science and education scientific journal volume #1 ISSUE #2 MAY 2020
URL: https://www.openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/389

10.Кабулов Н. А., Холматов О.О "AUTOMATION PROCESSING OF HYDROTERMIC PROCESSES FOR GRAINS" Universum: технические науки журнал декабрь 2021 Выпуск: 12(93) DOI - 10.32743/UniTech.2021.93.12.12841
URL: https://7universum.com/ru/tech/archive/item/12841
DOI - 10.32743/UniTech.2021.93.12.12841

11..Shoxruxmirzo Muzaffarbek o'g'li Oripov, Muhammadjon Iqboljon o'g'li Salohiddinov, "PROTEUS 8 PROFESSIONAL DASTURI YORDAMIDA SVETOFOR DASTURINI ISHLAB CHIQISH, VA UNI BU ORQALI OPTIMAL LOYIHALANGANDAN SO`NG HAYOTGA TADBIQ ETISH", "Science and Education" Scientific Journal December 2020 / Volume 1 Issue 9 URL: https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/887

12. Окилов А.К. УЛУЧШЕНИЕ ИЗМЕРЕНИЯ ВЯЗКОСТИ РАСТВОРИМЫХ И ЖИДКИХ ПРОДУКТОВ // Universum: технические науки : электрон. научн. журн. 2021. 11(92). URL: https://7universum.com/ru/tech/archive/item/12624

АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИК ТАЪСИР ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИДА СИФАТНИ БОШҚАРИШ

Ортиқов Сарвар Саттаралиевич,
"Ғилдиракли ва гусеницали машиналар ва уларни ишлатиш" ихтисослиги 1-курс таянч докторанти
Андижон машинасозлик институти

Мамлакат автомобиль транспортининг кескин ўсиши шароитида, моддий техник ва меҳнат ресурсларини тежашни таъминловчи омиллардан бири-бу, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш (ТХК) ёки техник сервис (ТС) ва жорий таъмирлаш (ЖТ) сифатини оширишдир.

Бозор муносабатларини чуқурлатишда бу йўналиш ўз аҳамиятини янада оширади, чунки сифатсиз ТС ва ЖТ қўшимча харажатларга, мижозни йўқотишга олиб келади ва корхонанинг обрўсини туширади.

Сервис ва таъмирни ўтказиш вақтини камайтириш учун янги техника ва технологияни жорий этиш, замонавий диагностика жиҳозларини қўллаш ва ташкилий бошқариш тизимини такомиллаштириш талаб этилади.

Автомобиль сервиси ва таъмири сифатини оширишда бажарилган ишни назорат қилиш ҳам катта омилдир. Чунки сервислар оралиғида ва таъмирдан кейин автомобилнинг бузилмасдан ишлаши бажарилган ишларнинг сифатига тўғридан-тўғри боғлиқ. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жорий таъмирнинг 30 фоизга яқини сервиснинг сифатсиз бажарилганлиги сабабли келиб чиқар экан.

1960 - йиллардан бошлаб анъанавий назорат консепцияси ўрнига сифатни бошқариш консепцияси вужудга келди. Натижада компанияларнинг бошқарув таркиби ўзгарди, сифат бўйича вице-президент шуғулланадиган бўлди. Бу соҳада Японияда жуда самарали ишлар амалга оширилди. Сифатни таъминлаш учун фаррошдан тортиб президентгача иш пайтида ўқитилди ва "сифат маданияти" деган тушунча пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикасида халқаро ИСО стандартини халқ хўжалигида, шу жумладан, автомобиль саноатида ва автомобиль сервиси ва таъмирлашда жорий этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган. Халқаро ИСО стандарти асосида давлат стандартлари яратилган [1].

Таъмирлаш ишларини техник нормалаш.

Нормалашдан асосий мақсад топширилган ишни бажариш учун илмий жиҳатдан асосланган меҳнат сарфини аниқлашдан иборатдир. Таъмирлаш корхоналарида меҳнат нормаларининг иккита шаклидан фойдаланилади: махсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган вақт нормаси $Т_в$ ва ишлаб чиқариш нормаси $Т_н$-вақт бирлигида ишлаб чиқариш зарур бўлган махсулот миқдори. Улар орасида қуйидаги муносабат мавжуд:

$$Т_в=1/Т_н \qquad (1)$$

Вақт нормаси қуйидаги элементлардан ташкил топади:

$$Т_н=Т_{т.я}/н+Т_{а.в}-Т_{ё.в}-Т_{қ.в} \qquad (2)$$

бу ерда $Т_{т.я}$-тайёрлаш якунлаш вақти; н-деталлар тўпида уларга ишлов бериладиганларининг сони; $Т_{а.в}$-асосий вақт; $Т_{ё.в}$-ёрдамчи вақт; $Т_{қ.в}$-қўшимча вақт.

Қисмларга ажратиш ва йиғиш ишларини нормалаш. Қисмларга ажратиш ёки йиғиш ишларини бевосита нормалаш объекти ҳам алоҳида ўтишлар (усуллар)га бўлиш мумкин бўлган оперициядир. Қисмларга ажратиш ёки йиғиш ишлари бажаришга сарфланадиган вақт нормаси асосий, ёрдамчи, қўшимча, тайёрлаш-якунлаш вақтларидан ташкил топади. Қўшимча вақт оператив вақтнинг 10% га тенг қабул қилинади [2].

Вақт нормаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Т_н=1,2Т_{а.в} \qquad (3)$$

бу ерда $Т_{а.в}$ - қисмларга ажратиш-йиғиш операцияларига сарфланадиган оператив (асосий) вақт, мин;

1,2-қўшимча ва тайёрлаш-якунлаш вақт сарфини ҳисобга олувчи коэффициент.

Қисмларга ажратиш-йиғиш ишларини нормалашда вақт нормаси норма жадваллари бўйича ёки иш жараёнларини суратга олиш йўли билан аниқланади.

Технологик харита - бу автомобиль ёки унинг агрегатлари, узелларига бўладиган таъсирларнинг барча турлари ва кетма-кетлиги, уларни бажариш учун керак бўладиган жиҳоз, ускуна ва асбоблар, бажарувчилар малакаси, бажариш учун вақт бирлиги ва амал қилиниши зарур бўлган техник талаблар келтирилган ҳужжатдир. Қуйида Технологик хаританинг шакли ва двигатель блок каллаги коромисло ўқларининг болтларини ечиш ва жойига ўрнатиб маҳкамлаш жараёнидан намуна келтирилган.

Технологик харита Двигатель блок каллагини таъмирлаш технологик жараёни, яъни ишлар бажарилиш кетма-кетлиги

Иш таркиби Двигатель блок каллаги коромисло ўқларининг болтларини ечиш ва жойига ўрнатиб маҳкамлаш

Меҳнат хажми ишчи минут

Ижрочилар сони 1 нафар

Ҳар бир ижрочининг мутахассислиги ва малакаси (разряд) 3-разрядли

Т/р	**Ишнинг номи ва таркиби**	**Бажарилиш жойи**	**Хизмат кўрсатиладиган нуқталар ёки жой сони**	**Ижрочининг мутахассислиги ва малакаси**	**Жиҳоз асбоб**	**Иш бажарилишининг расм кўриниши**	**Меҳнат ҳажми, ишчи минут**	**Техник шарт ва кўрсатмалар**
1.	Коромисло ўқларининг болтларини ечиш	Автомобилга техник хизмат кўрсатиш пости	12	3-разрядли	Коловород (айланти ргич)		1,07	Чиқариш ва киритиш клапанларининг коромисло ўқларини силжишдан сақловчи болтлари ечиб олинсин
2.	Коромисло ўқларининг болтларини жойига ўрнатиб маҳкамлаш	Автомобилга техник хизмат кўрсатиш пости	12	3-разрядли	Коловород (айланти ргич)		1,34	Болтлар 0,9÷1,2 кг.м. момент билан махкамлансин

Автомобилларга ТХК ва уларни таъмирлаш миқёсида бажариладиган ишлар техник хужжатларда кўрсатилган технологик тартибда, техник талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолдагина бажарилса, бундай бажарилган ишларни сифатли деб тан олиш мумкин. Масалан, автомобиль моторининг блок каллаги алюминий қотишмасидан тайёрланган блокларда совуқ ҳолдалигида қотирилса, чўян қотишмасидан тайёрланган блокларда иссиқ ҳолдалигида қотирилади (бу техник шарт), қотириш ўртадаги шпилкадан бошлаб шахмат усулида динамометрик дастак ёрдамида, бир текисда тортиб маҳкамланади. (бу технологик талаб), қотириш моментли Нексия-2 мотори учун 10-12 Нм ва Матиз автомобили моторлари учун 8-10 Нм бўлиши (бу техник талаб) [3].

Адабиётлар

1. Нарбут А.Н. "Автомобили рабочие процессы и расчёт механизмов и систем" Учебник, Москва "Академия" 2016.

2. Крамаренко Г.В., Барашков И.В. "Автомобилларга техникавий хизмат кўрсатиш" Дарслик, Тошкент "Ўзбекистон" нашриёти 1998 йил. 505 бет.

3. Сидиқназаров Қ.М. "Автомобиллар техник эксплуатацияси" Дарслик, Тошкент "Ворис-нашриёт" 2006 йил. 622 бет.

PAXTA XOM-ASHYOSINI IQ - INFRAQIZIL NUR YORDAMIDA QURITUVCHI QURILMA

Parpiyev G'afurjon G'ayratovich,
stajyor-tadqiqotchi,
Andijon mashinasozlik instituti, O'zbekiston

Respublikamiz iqtisodiyotida paxtachilik va paxta tozalash tarmog'ining salmog'i katta. Paxtachilik tarmog'ini rivojlantirish, paxta tozalash korxonalarini modernizatsiyalash va texnik qayta jihozlash, ishlab chiqarish va paxta xom ashyosini qayta ishlash rentabelligini, shuningdek, ishlab chiqariladigan mahsulotlarning raqobatbardoshliligini oshirish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Sabab dunyoda paxta va uning mahsulotlariga bo'lgan talab doimo ortib borishi paxta tozalash sanoatida zamonaviy texnika va texnologiyalardan foydalanish kerak ekanligini ko'rsatmoqda. Respublikamizning barcha yo'nalishlarida bo'lgani kabi qishloq xo'jaligida maxsulotlarni axoliga sifatli xolda yetkazib berish, shu kunning dolzab muammolaridan biridir. Ushbu muammoni xal qilish usullaridan biri bu maxsulotni qayta ishlash uchun qayta ishlash korxonalariga quritilgan xolda yetkazib berish va ularni qurituvchi tejamkor qurilmalarini yaratish, hamda amaliyotga tadbiq etishdir.

Bundan tashqari, laboratoriya sharoitida manbalarga asoslanib o'tkazilgan izlanishlar asosida paxtaning fizik, bioximik va boshqa xususiyatlari, shuningdek quritishning kinetik qonuniyatlari, maxsulotning geometrik o'lchami va unga ta'sir etish natijasida quritish muddati kabilar o'rganib chiqiladi.

Paxta xom ashyosini quritish uskunalari paxta tozalash korxonalari va paxta tayyorlash maskanlarida paxtani qabul qilishda uni konditsion namlikkacha va korxonadagi paxta xom-ashyosini tozalash texnologik jarayonida texnologik namlikkacha quritish vazifasini bajaradi.

Paxta xom-ashyosini quritish uskunalariga qo'yiladigan texnologik talablar. Paxta xom-ashyosini quritish jarayonida tola va chigit me'yordan ortiq qizimasligi hamda mexanik shikastlanmasligi kerak. Buning uchun tolaning harorati 100-105 C dan oshmasligi kerak. Paxtani quritish jarayoni uzluksiz, namlikni ajratish rostlanuvchan, quritish bir tekisligi yuqori darajada bo'lishi kerak.

Quritgich konstruktsiyasida quritishni tozalash bilan birga bajarish ma'qsadga muvofiq bo'lib hisoblanadi. Paxta xom-ashyosini quritgichga solish va olish

mexanizatsiyalashgan, quritish jarayoni ko‘rsatgichlarini ta’minlash avtomatlashtirilgan bo‘lishi kerak.

Paxta xom-ashyosini quritish uskunalari quyidagicha tasniflanadi:

- issiqlikni paxtaga yetkazish usuliga qarab - konvektiv, kontakt va aralash;
- ishchi davr tarkibi bo‘yicha – davriy va uzluksiz;
- issiqlik tashuvchining paxtaga nisbatan harakati yo‘nalishiga qarab – to‘g‘ri oqimli va qarshi oqimli;
- issiqlik tashuvchini qizdirish usuliga qarab – olovli havo isitgichli va havoni o‘txona gazlari bilan aralashtirishli;
- paxtaning issiqlik tashuvchi bilan ta’sirlashuv usuliga qarab – qatlamli, muallaq holatli va aralash;

Konstruktiv tuzilishicha qarab quritgichlar havo favvorali, tasmali, kamerali (xonachali), minorali va barabanli bo‘ladilar.

Texnologik jarayonda bajaradigan vazifasiga qarab quritgichlar paxtani saqlash uchun quritadigan konditsion va tola ajratish uchun quritadigan texnologik turda bo‘ladi.

Ilmiy tadqiqot ishlarining natijalariga ko‘ra, biz tomonimizdan paxtani infra qizil (IQ) nurlari konvektiv usulda qurituvchi qurilma ishlab chiqildi.

Chigitli paxtaning har bir namlik ko‘rsatkichiga uning tarkibidagi tola, chigitning po‘stlog‘i va mag‘zi namliklarining muayyan qiymatlari to‘g‘ri keladi.

Paxta issiq havo bilan to‘qnash kelganda tola tez qurib, chigit esa nisbatan ancha sekin qurir ekan. Shuning uchun paxtani quritishda uning har bir komponentini qizdirib olish tempraturasi katta rol o‘ynaydi. Paxtani quritishda uning tolasining temperaturasini 100-105 C, urug‘lik chigit bo‘lsa - 60 C, texnik chigit bo‘lsa 80 C dan oshirib yubormaslik kerak.

Agarda temperatura shu ko‘rsatkichlardan oshib ketsa, u holda tolaning mexanik xususiyatlari, chigitning esa unib chiqish hamda texnologik ko‘rsatkichlari pasayadi.

Ushbu qurilmada paxtani quritish uchun ikki pog‘onali chizma asosida tashkil etilgan. Ular oldindan IQ-qayta ishlovchi va konvektiv quritish qurilmalardir.

Paxta navlari	**Ko‘rsatkichlar**				
	Boshlang‘ich namlik, %	Oxirgi namlik,%	Ishchi agent tempe-raturasi, ^{0}C	Ishchi agent tezligi, m/s	Qurish muddati, soat.
Andijon-36	82-86	22-26	60-66	2,5 - 3	12-14
O‘zPITI-201	80-85	24-26	62-66	2,5 - 3	12-14

Taklif qilinayotgan boshlang‘ich IQ-oqim yordamida qayta ishlash maxsulotga impuls berish orqali amalga oshiriladi. Bu jarayonda issiqlik oqimining zichligi 28-32 kVt/m^2 ga teng bo‘ladi.

Labarotoriya sharoitida olingan manbalarga asoslanib o'tkazilgan izlanishlar asosida paxtaning fizik, bioximik va boshqa xususiyatlari, shuningdek quritishning kinetik qonuniyatlari, maxsulotning geometrik o'lchami va unga ta'sir etish natijasida qurish muddati kabilar o'rganib chiqildi. Tajriba $\sigma = 10 - 12кг/м^2$. bosim ostida amalga oshirildi va olingan natijalar yuqoridagi jadvalda kelirilgan.

Maxsulotni ishchi maydonida bo'lishini kinematik sxemasi shunday xisoblanganki u 80 ÷ 120 s.ga teng bo'ladi. Shuning uchun qurilmada pog'onali tezligini o'zgarishi va issiqlik o'zgarishining zichligi 27 ÷ 30 kVt/m^2 ga teng bo'lishi ta'minlangan, hamda issiqlik oqimining ushbu diapazonda bo'lishi maxsus rele yordamida generatorga ulab yoki o'chirib boshqarib boriladi.

Maxsulot dastlabki IQ-nurlar yordamida qayta ishlangandan keyin 1-rasmdagi qurilmada quritiladi.

Qurilma uch qismdan iborat: 1-issiqlik generatori, 2-quritish kamerasi va 3-bug'-gaz aralashmasini aylanishini ta'minlovchi ikkita aloxida bo'limdan tashkil topgan. Issiqlik generatori kamerani qizdirish uchun elektr chulg'amli simdan foydalaniladi. Ishchi agent xarakati tizimi maxsulotni qizdirishda ishlatiluvchi xavoni uzatuvchi va truba yordamida aylanishini ta'minlovchi ikkita vintilyatordan tashkil topgan. Quritish qurilmasining ishchi sektsiyasi 4 kolosnikov to'ri bilan jixozlangan, hamda bo'limlar bir biri bilan germetiklangan qoplama b 3 qoplangan.



1-rasm. Paxtani IQ-nurlari yodamida quritish qurilmasi.

Har bir kamera germetik bilan qoplangan g'ildirakli eshik bilan jixozlangan, hamda kameraga maxsulotlarni joylashtirish uchun taglik joylashtirilgan.

Yuqorida keltirilgan dastlabki ishlov berish va quritish jarayonini amalga oshirishdan avval uning matematik modeli asosida nazariy tadqiqotlar olib borildi.

Olingan natijalarga ko'ra taklif qilinayotgan quritish qurilmamiz energiyani va vaqtni tejash orqali qurish muddati qisqaradi. Undan tashqari maxsulotning sifati ham boshqa turdagi quritilgan maxsulotdan farq qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Erkinjon Kuldashev G'afurjon G'ayratovich. Parpiyev Yangi O'zbekistonda viloyat agrosanoat klasterini rivojlantirish strategiyasi [Journal]. - Farg'ona : Scientific-technical journal (STJ FerPI,ФарПИ ИТЖ, НТЖ ФерПИ),2021.-1:Vol. 25.

2. Yusupov Muhtorjon Tojiboevich Parpiev Gafurjon Gayratovich MATHEMATICAL AND SOFTWARE TOOLS FOR OPTIMIZING THE GRAPE DRYING PROCESS [Journal]. - [s.l.] : Academicia Globe: Inderscience Research, 2022. - 04 : Vol. 3.

3. М.Т. Юсупов Исследование процесса распределения температуры при сушке винограда путем моделирования [Journal]. - Москва : Пищевая промышленность, 2017. - 10.

4. Уришев Б. А., Парпиев, Г. Г., Жамолдинов, С. Х. ВОПРОСЫ МОДЕЛИРОВАНИЯ ПРОЦЕССОВ НАХОЖДЕНИЯ ОПТИМАЛЬНОГО ЗНАЧЕНИЯ СОДЕРЖАНИЯ ХЛОПКОВЫХ ВОЛОКОН В СМЕСИ НА ОСНОВЕ ОПЫТА РАБОТЫ НА ПРЯДИЛЬНОМ ПРЕДПРИЯТИИ. [Journal]. - [s.l.] : 7universum.com, 2021. - pp. 74-76.

5. Юсупов М.Т. Маматкулов А.Х. Моделированиетехнологического процесса сушки винограда на уровне рабочей камеры [Journal]. - Москва : Universum: технические науки, 2017. - 11(44).

6. A.P.Parpiyev, A.Q.Usmanqulov, X.N.Pardayev, M.M.Ochilov. Mashinalarini loyihalash asoslari. O'quv qo'llanma. Toshkent – 2020.

KICHIK QUVVATLI GIDROELEKTR STANSIYALARIDA ASINXRON MOTORNI GENERATOR REJIMIDA ISHLATISH

Pirmatov Nurali Berdiyorovich
Toshkent Davlat Texnika universiteti professori
Mahamadjonov Sodiqjon Yo'ldashboy o'g'li
Andijon Mashinasozlik instituti doktoranti
Matqosimov Muhammadsodiq Mahammadxoshim o'g'li
Andijon Mashinasozlik instituti doktoranti

Annotatsiya: *Bu ishda qisqa tutashgan rotorli asinxron motorning stator chulg'amiga kondensator ulab generator rejimida mini GES.larda ishlatish ko'rib chiqilgan.*

Kalit so'zlar: *Asinxron motor, asinxron generator, stator, chastota, magnit maydon, kondensator, sirpanish, reaktiv quvvat, chulg'*am, rotor

Asinxron mashina, boshqa elektr mashinalari kabi, E. Lens kashf qilgan elektr mashinalarining qaytarlik xossasiga binoan, motor rejimida hamda generator rejimida ishlashi mumkin. Konstruktiv bajarilishi bo‘yicha asinxron generator asinxron motordan farq qilmaydi. Motor rejimidan generator rejimiga o‘tkazish uchun, stator chulg‘ami tarmoqqa ulangan holda birlamchi motor yordamida asinxron mashinaning rotorini stator maydonining aylanayotgan tomoniga aylanish chastotasini maydon aylanish chastotasidan katta ($n > n_1$) qilib aylantiriladi. Bu holda mashinaning sirpanishi manfiy ishoraga ega bo‘ladi [1-5].

$$(-s) = (n_1 - n) / n_1 .$$

Asinxron motorni generator rejimida ishlatish uchun motorning nominal aylanish tezligidan 5÷10 % yuqori tezlikda motor valiga mexanik energiya beriladi. Amalda asinxron generatorning normal ish rejimida $(-s) \leq (6 - 8)$ % boladi. Asinxron mashina generator rejimda stator va rotor chulg‘amlarining o‘tkazgichlari aylanma maydon bilan go‘yo qarama-qarshi yo‘nalishda kesishadilar. Motor rejimda mazkur o‘tkazgichlar mos yo‘nalishda kesishadilar. Asinxron motorni generator rejimida ishlatishimiz uchun motorning stator zanjiriga kondensator ulanish talab etiladi, chunki asinxron motorning stator chulg‘amlarida magnit maydon hosil bo‘lishi uchun reaktiv quvvat iste’mol qilishi kerak bu holatda bizga albatta kondensator zarur hisoblanadi. Asinxron motorning quvvatidan kelib chiqib tanlan-gan kondensator motorning stator chulg‘amlariga mos ravishda ulanadi (1-rasm) va asinxron motorning valiga nominal tezlikdan katta tezlikda mexanik energiya berilsa sirpanish manfiy bo‘lib asinxron motor generator rejimida ishlay boshlaydi va elektr energiya ishlab chiqaradi. Kondensatorni motorning quvvatiga mos ravishda tanlash judda muhim hisoblanadi, noto‘g‘ri tanlangan kondensator generator ishlab chiqarayotgan elektr energiyaning parametrlariga salbiy tasir (kuchlanish va chastotaning nominal qiymatdan kamayishi yoki ortishi) ko‘rsatadi.

Hozirgi vaqtda mini va mikro GESlarda asinxron generatordan foydalanish juda foydali hisoblanadi chunki asinxron generatorni qo‘zg‘atish uchun qo‘shimcha o‘zgarmas tok manbai talab etilmaydi bu ishlab chiqarilayotgan elektr energiya tannarxining kamayishiga olib keladi.



1-rasm. Asinxron motorning generator rejimida ishlatish sxemasi

Quvvati 750 [W], aylanish tezligi 1000 [ayl/daq] bo‘lgan asinxron motorni generator rejimida ishlatganimizda quyidagi natijalar olindi (1-jadval).

1-jadval

Aylanish chastotasi; foyizda	**Aylanish chastotasi;** Ayl/daq	**Liniya kuchlanishi;** V			**Chastota;** Hz
$n_{g.r}$-5%	988	AB=329	BC=329	CA=329	F=44
$n_{g.r}$	1040	AB=380	BC=380	CA=380	F=50
$n_{g.r}$+5%	1092	AB=424	BC=424	CA=424	F=54

Yuqorida ko‘rib turganimizdek asinxron motorni nominal aylanishlar chastotasidan (n=1000 ayl/daq) 4% yuqori bo‘lgan tezlikda motorning valiga mexanik energiya berganimizda motor generator rejimida ishlab elektr energiya ishlab chiqara boshladi va elektr energiyaning sifat ko‘rsatkichlari (kuchlanish va chastota) nominal qiymatlar oralig‘ida bo‘lganligi uchun generator nominal holatda ishladi.

Asinxron mashina generator rejimida stator va rotor chulg‘amining o‘tkazgichlari aylanma maydon bilan go‘yo qarama-qarshi yo‘nalishda kesishadilar. Shu sababli generatorning vektor diagrammaasida E_{2s} (demak, E'_{2s} ning ham) va E_1 vektorlarining yo‘nalishlari shartli ravishda teskari fazada qo‘yilishi kerak.



2-rasm. Asinxron generatorning vektor diagrammasi a) va ish xarakteristikalari b).

Rotor toki aktiv tashkil etuvchisi I_{2a} ning o‘z ishorasini o‘zgartirishi, elektromagnit momentning ishorasini o‘zgartiradi, demak, u tormozlovchi moment bo‘ladi, reaktiv tashkil etuvchisi I_{2r} ning o‘z ishorasini saqlab qolishi, motor rejimidagi singari, magnit maydonni hosil qilish uchun mashina tarmoqdan magnitlovchi tokni oladi.

Asinxron generatorning vektor diagrammasi 2,*a* rasmda ko'rsatilgan. Bundan ko'rinishicha, generator rejimda burchak $\varphi_1>\pi/2$ va demak, $P_1 = m_1U_1I_1 \cos\varphi_1 < 0$.

Bu esa aktiv quvvatning iste'mol qilinishini emas, balki tarmoqqa berilishini ko'rsatadi. Vektor diagrammada stator toki I_1 tenglamalar sistemasidagi asinxron mashina toklarining muvozanat tenglamasidan topiladi, ya'ni:

$$\underline{I}_1=\underline{I}_0+ (- \underline{I}'_2),$$

kuchlanish U_1 ham kuchlanish va EYK lar muvozanat tenglamasidan aniqlanadi, ya'ni:

$$\underline{U}_1 = -\underline{E}_1+ j\underline{I}_1 x_1 + \underline{I}_1 r_1.$$

Vektor U_1 tarmoq kuchlanishini ifodalaydi. Tarmoq kuchlanishini muvozanatlovchi generator kuchlanishining vektori U_{1G} qarama-qarshi yo'nalishga ega bo'ladi, ya'ni $\underline{U}_{1G} = - \underline{U}_1$. Generatorning tarmoqqa beradigan aktiv quvvatini rostlash rotorning burchak tezligini o'zgartirish orqali erishiladi. Asinxron generatorning ish xarakteristikalarini (2,b- rasm) doiraviy diagrammadan yoki almashtirish sxemasidan aniqlab qurish mumkin. Yuklamaning oshishi bilan kuchlanish U_{1G}= const qilish uchun rotorning aylanish chastotasi n oshiriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Salimov J.S., Pirmatov N.B. Elektr mashinalar. Texnika oliy o 'quv yurtlarining «Elektr texnikasi, elektr mexanikasi va elektr texnologiyalari» yo'- nalishi talabalari uchun darslik. Toshkent. 2011. - 408 b.

2. Alimxodjayev K.T., Pirmatov N.B., Ziyoxo'jayev T.I. Elektr mashinalari. Darslik. –T.: "fan va texnologiya", 2018. - 344 b.

3. Pirmatov N.B., Zayniyeva O.E. Elektromexanika asoslari. O'quv qo'llanma. –T.: "Ma'naviyat" , 2015. - 104 b.

4. Alimxodjayev K.T., Pirmatov N.B., Ziyoxo'jayev T.I., Mustafoqulova G.N. Elektr mashinalari va transformatorlarning ekspluatatsiyasi. Darslik. –T.: "fan va texnologiya", 2019. - 240 b.

5. Berdiyev U.T., Pirmatov N.B. Elektromexanika. Darslik. –T.: "Shams ASA". 2014. – 393 b.

AERODINAMIK SINOVLARDA MODELNING MATERIALI, GEOMETRIK SHAKLI VA YUZA G`ADIR-BUDIRLIGIGA QO`YILGAN TALABLAR

Qayumov Baxrom Abdullajonovich, texnika fanlari falsafa doktori (PhD)
Andijon mashinasozlik instituti, Andijon, O`zbekiston
Ergashev Dostonbek Pratovich, tayanch doktorant
Andijon mashinasozlik instituti, Andijon, O`zbekiston

Avtomobillarning aerodinamik hususiyatlarini o`rganishda virtual sinovlar rivojlanib bormoqda. Natijalarning ishonchliligini ta'minlashda real sharoitda ham sinovlar o`tkazish kerak bo`ladi. Avtomobilning haqiqiy o`lchamida sinov ishlarini olib borish ko`p mablag` talab etadi. Masshtablashtirilgan modellarda sinov o`tkazish bu o`rinda maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Masshtablashtirilgan modellarda natijalar ishonchli bo`lishligi uchun bir qancha talabalar qo`yiladi, quyida ular haqida so`z yuritiladi.

Sinalayotgan model uchun material tanlashda bir qator o`ziga xos talablarni hisobga olish va birinchi navbatda, talab darajasidagi mustahkamlik va qattiqlikni ta'minlash kerak. Modelning mustahkamligidan kelib chiqib unga ta'sir etuvchi aerodinamik kuch qiymatini bu orqali esa aerodinamik tadqiqotlar turini belgilanadi. Aerodinamik yuklanishning qiymati tajriba davomida o`zgarganligi sababli, aniq yuklanishlar haqida ma'lumot yo'qligini hisobga olgan holda modelni yaratishda zahira mustahkamlik koeffisentini ham inobatga olish kerak. Aerodinamik sinovlar paytida modelga ta'sir qiluvchi maksimal o'ziga xos frontal kuch 1000-1150 N/m^2 ni tashkil qiladi. Umuman olganda, modelni yaratishda unga ta'sir qiluvchi frontal kuch 1000 N va ko`tarish kuchi 300 N deb hisoblanishi kerak. Modelning mustahkamligi tezlanishli oqim uchun hisoblab topilgan1500 N/m$^2$ ga nisbatan 3 barobar ko`proq zahira ta'minlashi kerak. Modelni stendaga biriktirish qismidagi qattiqlik kutilayotgan yuklanishda 3 barobar katta bo`lgan mustahkamlikning zahira koeffissienti orqali ta'minlanadi.



1-rasm. Avtomobilning aerodinamik hususiyatlarini virtual sinov orqali aniqlash

Sinalayotgan modelni texnik plastilin, yog`och, metall(magniy qotishmalari), gips, penoplast va plastmassa materiallaridan tayyorlash maqsadga muvofiq bo`ladi. Plastilindan model yasashda, aerodinamik yuklanishni qabul qilib oladigan qattiq yog`och karkas ustida yaratish kerak bo`ladi. Bu karkasga modelga kelayotgan kuchni o`lchash uchun dinomometr o`rnatiladi. Karkas orqali shaklini oson o`zgartirish mumkin bo`lgan qayta ishlanuvchi materiallar(gips, penoplast) ishlatilishi ham mumkin.

So'nggi paytlarda modellarni ishlab chiqarish uchun oson shakllantiriladigan va keyinchalik qayta ishlanadigan "araldite" moddasi keng qo'llanilmoqda.

2-rasm. Avtomobilning masshtablashtirilgan modellarining aerodinamik sinovdan o`tkazish

Yog'ochdan model yasashda namlikning uning shakliga ta'sirini istisno qilish kerak. Modelni ishlab chiqarishda ruxsat etilgan og'ishlar: umumiy balandligi va kengligi ±1,5 mm; radiuslar uchun ±0,5 mm; qiyalik burchaklari uchun ± 0,3 °. Og`irlikni kamaytirish uchun, iloji bo`lsa, modelni ichi bo`sh qilish tavsiya etiladi. Modelning ruxsat etilgan massasi sinovlar o'tkaziladigan tunnelning aerodinamik muvozanatiga qo'yiladigan texnik talablar bilan belgilanadi.

Avtomobillarning masshtabli modellarini yaratishda to`liq o`lchamli avtomobilning asosiy qismlari uchun qat'iy geometrik o`xshashlik saqlanishi kerak. Kichik qismlar (eshik tutqichlari, qulflar, antennalar, belgilar va boshqalar) kichik kuzovda aks etmasligi mumkin. Qo`shimcha elmentlar standart boltlar va vintlar orqali biriktirilishi mumkin. Bu elementlarning o'rnatilishi qattiq, lyuftsiz bo'lishi kerak. Ko'zgular, spoylerlar kabi kichik qismlarning o`rnatilishida tebranishlar va bo`shab ketishning oldini olish ta'minlanishi kerak.

Modelning sirtiga ishlov berish darajasi uning chegara qatlamining barqarorligiga sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Shuni ta'kidlash kerakki, yuzalarning g`adir-budirligi baland bo`lgan modellar silliq yuzali modellarga nisbatan havoning qarshiligi yengib o`tishi qiyinlashadi..

Modelning aerodinamik qarshiligining ortishi kuzatilmaydigan sirt g`adir-budirligining ruxsat etilgan qiymati quyidagi munosabat bo`lishi kerak:

$$h_{ш} \leq (L_M/R_e)100$$

Bu yerda:

$h_{ш}$ – Ruxsat etilgan g`adir-budirlik balandligi;

L_M – Sinalayotgan model uzunligi;

R_e – Reynold soni (aerodinamik trubadagi)

1-jadval

R_e	10^5	10^6	10^7	10^8	10^9
$h_{ш}/L_M$	10^{-3}	10^{-4}	10^{-5}	10^{-6}	10^{-7}

1-jadvalda Reynolds soniga bog`liq holda modellarning sirtini qayta ishlash uchun ruxsat etilgan g`adir-budirlik qiymatlari ko'rsatilgan.

Adabiyotlar

1. Евграфо в А.Н.Аэродинамика автомобиля: учебное пособие. - М.: МГИУ, 2010
2. Гухо В.Г. Аэродинамика автомобиля / Пер. с нем.; под ред. С.П. Загородникова. - М.: Машиностроение, 1987
3. Евграфов А.Н. Метод переноса результатов модельных испытаний на натурный автомобиль // Известия МГИУ. Машиностроение. - 2007

MASHINASOZLIK SANOATIDA AVTOMATLASHTIRILGAN DASTGOHLAR

Qodirov Bektosh Sherquvat o`g`li
s.t o`qituvchi Navoiy davlat konchilik instituti Nukus filiali.
Abdullayeva Shahzoda Farmon qizi,
Reimbayev Azizbek Atabaevich
"Mashinasozlik texnologiyasi, mashinasozlik ishlab chiqarishini jihozlash va avtomatlashtirish" 2-kurs talabalari,
Navoiy davlat konchilik instituti Nukus filiali

Raqamli boshqaruv paneli tizim o`zgaruvchilarini kuzatish va nazarot qilish uchun ko`plab sohalarda qo`llaniladi. Asosan sanoat, texnika va qishloq xo`jaligida mavjud bo`lgan barcha uskunalarning samarali ishlashi uchun asos hisoblanadi. Namlik, bosim va harorat- bu elektron boshqaruv paneli yordamida osongina boshqariladigan o`zgaruvchilar hisoblanadi. Bu panellar oldindan taxmin qilinadigan xatti-harakatlarni nazorat qilib, korxonalarning mablag`larini tejashga yordam beradi. Ular kompressorlarda, aylanma nasoslarda, ishlab chiqarish tizimlarida, dvigatelni boshqarish panellarida va sovutish zavodlarida asosiy uskuna hisoblanadi. Shuningdek, ishlab chiqarishda ommaviy ishlab chiqarish buyumlarining ayrim komponentlari turli xil mahsulotlarni yaratish uchun RDB dastgohlaridan foydalanish ish oqimini aniqlik, tezlik va ishonchlilik nuqtai nazaridan soddalashtirishi mumkin. Bizga ma`lumki, ommaviy ishlab chiqarishda ko`p chiqindi hosil bo`ladi. RDB dastgohlarida ishlanadigan detallarda esa xom-ashyoning aniqligi va kam isrof qilinishi orqali xarajatlarni kamaytirishga erishiladi.

Bundan tashqari RDB dastgohlaridan foydalanishning afzalliklari quyidagilardan iborat:

1. Mashinani qo`lda ishlatish nazorat qilib bo`lmaydigan qismlarni ko`chirishga xavf tug`diradi. RDB dastgohlarida ishlov berish esa xavfsizdir.
2. Mashinaning qo`lda ishlashi bilan bog`liq insoniy xato omillarini oldini olish uchun, RDB dastgohalarida bir siklda elementni ishlab chiqarish va uni tez takrorlash lozim.
3. RDB dastgohi puxta dasturlashtirilgan va yaxshi sozlanganidan so`ng, kesish jarayoni tez va sifatli ishlashi uchun aniq ko`rsatilgandek bo`ladi. Yaxshi natijadan so`ng mashina bu qismni har safar xuddi shunday aniqlikda bajaradi.

4. RDB dastgohlari bir vaqtning o`zida egilgan bir nechta o`qda ishlashi mumkin va hattoki burchakda ham ishlay oladi.
5. RDB dastgohlarining yana bir afzalligi shundaki, ular murakkab boshqaruv texnikasini amalga oshirish qobiliyatiga ega.
6. Raqamli boshqaruv panellari bilan o`lchanadigan fizik miqdorlar odatda o`xshash bo`ladi. Raqamli boshqaruv panellari ushbu jismoniy miqdorlarning kirish hamda chiqishlarini kuzatadi va boshqaradi.

RDB dastgohlarning tuzilishi:

Ishlov berish daturlari dasturning kelib chiqishi OP (Original Poster) deb nomlangan dastur yordamida bajariladi. Ishlov berishni amalga oshirish uchun dastur turli komponentlarning har xil harakatlarini buyuradi. Barcha harakatlar standartlashtirilgan ortonormal koordinatalar tizimida amalga oshiriladi, uning asosini mashinaning tuzilishi tashkil etadi.[1]

Bugungi kunda dastgohlarning ko`pchiligi raqamli dasturlarda boshqariladi hamda ularning ishlov berish jarayonini aniq bajarilishiga yordam beradi. Eng yaxshi va eng zamonaviy RDB mashinalarining aniqligi 100 nanometrga teng bo`ladi. Ba`zi yuqori darajadagi dastgohlarda boshqalariga nisbatan egishga mo`ljallangan asbob mavjud bo`lib, ular qo`lda ishlab chiqarish juda qiyin bo`lgan murakkab shakllarni ishlab chiqarish imkonini beradi.

Raqamli boshqaruvning bir qancha afzalliklari mavjud bo`lib, ular moslashuvchanlik, takrorlanuvchanlik, aniqlik, tezlik va eng muhimi yuqori sifat kabi xususiyatlardir.[6]

RDB dastgohlari mashinasozlikning asosini tashkil etib, ayniqsa metal kesuvchi RDB dastgohlari ommalashgan hisoblanadi. RDB metal kesish dastgohlari har xil belgilar bo`yicha tavsiflanib, ular ishlov berish turiga ko`ra tokarlik, frezalash, parmalash, koordinataviy teshik yo`nish, parmalash-frezalash, frezalash-teshik yo`nish, jilvirlash, ko`p operatsiyali, elektr ishlov berish, moslanuvchan ishlab chiqarish modullari va boshqalarga bo`linadi.

RDB dastgohlarining yillik samaradorligi ham katta bo`lib, ular maksimal sarflangan xarajatni qoplaydi va ushbu dastgohlar mehnat unumdorligini ta`minlay oladi. Bunga asosiy sabab, ishlov beruvchi asboblarning ko`pligi va bu asboblarni avtomatik tarzda almashtira olish imkoniyatidadir. Bu asboblar -parallel hamda ketma-ket ishlov berish, chirmashadigan metall chiqindisini maydalash va uni ish maydonidan chiqib ketishini ta`milashga asoslangan mexanizmlarga egadir.[3]

Harakatni boshqarish prinsipi bo`yicha RDB metal kesish dastgohlari uch guruhga bo`linadi: pozitsion sistemali, kontur sistemali, kombinatsiyalangan sistemali. RDB dastgohlarning zamonaviy ko`rinishi moslanuvchan ishlab chiqarish moduli deb nomlanadigan jihozlar kompleksidir. Bitta ish joyida bajariladigan operatsiyalarning integratsiyalashuvi natijasida RDB metal kesish dastgohlarning turlari odatdagi turlarga nisbatan katta o`zgarishlarga ega bo`lmoqda. Ulardan eng yiriklari esa

aylanuvchi jism turidagi detallarga ishlov berish va korpus detallarga ishlov berish uchun qo`llaniladigan RDB dastgohlaridir.

RDB ko`p operatsiyali dastgohlar detalni dastgohda bir o`rnatishda juda ko`p operatsiyalarni bajarish imkoniyatini beradi, bu esa juda ko`p o`tishlarni bajarish talab etilganda katta samara beradi. Zamonaviy texnik darajada RDB dastgohlarning ish unumiga va texnologik imkoniyatlariga yuqori talab qo`yiladi.[2]

RDB ko`p operatsiyali dastgohlarning asosiy konstruktiv xususiyatlaridan biri bu ularda asboblarni avtomatik almashtirish qurilmasining mavjudligidadir. Bu esa vaqtni tejab, ish unumini oshirishga yordam beradi.

Zamonaviy ishlab chiqarishda raqamli boshqaruvga ega dasturlashtirilgan dastgohlardan keng foydalaniladi. Tokarlik va frezalash dastgohlari sanoatning hamma sohalarida ishlatiladi. Bu dastgoh orqali metal, yog`och, tosh va boshqa turdagi materiallarga shakl berib ishlanadi. RDB frezalash dastgohi, oddiy frezalash dastgohiga nisbatan bir muncha qulayliklarga ega. Unda jarayonni qulay boshqarish, ko`p funksiyali ishlarni esa osongina bajarish mumkin. Shu bilan birgalikda, ularning tuzilishida ham farq bo`lib, RDB dastgohlarida asosiy qismlarning harakatlari elektronika – dvigatellar va haydovchi tizimlarini dasturlashtirilgan boshqaruv yordamida amalga oshiriladi. Ushbu dastgoh almashtirish funfsiyasiga ega minoralar bilan jihozlangan bo`lib, bunda ishlov berilayotgan detallni dastgohdan olmasdan uning ustida ma`lum darajadagi ishlarni olib borishga imkon beradi. Bu murakkab ishlov berishda alohida rol o`ynaydi. Ayniqsa, titan, issiqlikka bardoshli qotishmalar, murakkab shaklga ega aviatsiya va avtomobilsozlikda ishlatiladigan detallarni ishlash uchun eng qulay dastgoh hisoblanadi.

Bugungi "To`rtinchi sanoat inqilobida" raqamli dasturlashga asoslangan dastgohlar texnologiya va sanoatni bir butunga birlashtirdi. Bugungi kunda texnologiya va sanoatni rivojlantirish tez suratlarda o`sib bormoqda. Bu esa RDB dastgohlariga bo`lgan talabning yanada o`sishiga sabab bo`lmoqda.[4]

Lekin ushbu dastgohlarning kamchiliklari ham yo`q emas. Masalan, RDB dastgohlarning ancha qimmatligi, ulardan barcha korxonalarda foydala olmaslikka sabab bo`ladi. Raqamlashtirishning yana bir kamchiligi, qay sohada bo`lishidan qat`iy nazar, ishchilar sonining qisqarishiga olib keladi. Bu esa aholi oylik maoshlarining qisqarishiga olib kelib, jamiyatda tabaqalanishni vujudga keltiradi. Butunjahon Iqtisodiyot Jamg`armasi mutaxassislarining olib borgan kuzatishlariga ko`ra, raqamlashtirilgan dastgohlar orqali yaqin ikki-uch yilda ishsizlar soni 5mln kishiga ortgan.[5].

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati

1. M.A Jo`rayev, A.M.Mamadjanov,O`.R.Ro`ziyev, I.K.Shalagurov, O`.Q.Bobonazarov "Raqamli dasturda boshqariladigan stanoklarda metallarga ishlov berish texnologiyasi''. O`quv qo`llanma/Toshkent 2007

2. Antipov V.I, Ignashev V.A Vistavka JMTS-86- Stanki i instrument,1987 № 8

3. Serebreniskiy P.P. Kratkiy spravochnik stanochnika- L: Lenizdat,1982
4. Proektirovanie intellektualnoy pbrabotki na stanki d CHPU
5. Internet sayt http://www.gemma.ru

METALLOKOMPOZIT MATERIALI VA ULARDAN DETALLAR TAYYORLASH

Qodirova Xurriyat Abobakir qizi
Magistrant, Andijon mashinasozlik instituti, Andijon shahri, O'zbekiston
Umarova Mavludaxon Nazirovna t.f.n., professor
Andijon mashinasozlik instituti, Andijon shahri, O'zbekiston

Metallokompozitlar asosan alyuminiy oksidli tolalar bilan mustahkamlanib, quymakorlik usullari bilan ishlab chiqariladi. Metallokompozitlar taranglik va siqilish ta'sirida turli yo'llar bilan deformatsiyalanishi mumkin va ma'lum sharoitlarda ularning qattiqlik xossalari vaqtga bog'liq bo'lishi mumkin [1].

Metallokompozitsion materiallar matritsasi metalldan iborat bo'ladi. Masalan Al, Mg, Ni, Ti va ularning qotishmalari. Bular yuqori puxtalikdagi tolalar yoki yupqa dispersli qiyin eriydigan zarrachalar bilan puxtalanadi. Metall asosida kompozitsion materiallar afzalliklari quyidagilardir:

Mexanik xossalari - xarakteristikalari yuqori, matritsa xossalariga bog' liq (mustahkamlik chegarasi, singovchi tolalar yo'nalishiga perpendikular yo'nalishdagi egiluvchan moduli); yuqori plastiklik, buzilishga uyushqoqligi, asosiy metallni erish haroratiga mustahkamlik harakateristikalarini saqladi.

Fizik xossalari - yuqori issiq va elektr tokini o'tkazuvchanligi. Kukunli kompozitsion materiallarda metall asosida $A1_20_3$, $Si0_2$ va karbidlarni qiyin eriydigan fazalarini dispers zarrachalari xizmat qiladi. Bu kompozitsion materiallarning mexanik va fizik asoslari izotropik yani barcha yo'nalishlarda bir xil bo'ladi. Metall asosidagi kukunli kompozitsion materiallarga SAP misol bo'la oladi. SAP - pishirilgan alyuminiy kukuni - tarkibida alyuminiy kukuni va alyuminiy oksidi ($A1_20_3$) (6-22%) aralashmasidan iborat. Hozirgi vaqtda SAPdan juda ko'p detallar yasaladi: porshenlar, shatunlar, klapan prujina tarelkalari. SAP yuqori texnologik xossalarga ega: yuqori deformatsiyalanadi, payvandlanadi, qirqib ishlanadi, zangga bardosh va olovbardosh. Olovbardosh alyumin qotishmalari 300°C da ishlaganda SAP 500°C da ham ishlayveradi. Agar bular tarkibiga boshqa elementlar (Fe, Ni, W, va h.k.) qo'shilsa, SAP dan SAS ga aylanadi – yani pishirilgan aluminiy qotishmasi boladi: xossalari yanada yaxshilanadi [2].

Dvigatellarning gidravlik detallari (disklar, latoklar, rotorlar) yuqori haroratli dispersli mustahkamlangan kukunli qotishmasidan yasaladi. Yuqori haroratli dispersli mustahkamlangan kukuni qotishmasi tarkibi bu nikel - xrom qotishmalari va gafniy oksidi (HhO_2) yoki toriy oksidi ($Th0_2$) kukunlari aralashmasidir. Yuqori haroratli dispersli mustahkamlangan kukunli qotishmasi mexanikaviy legirlash usuli bilan olinadi. Yuqori haroratli dispersli mustahkamlangan kukunli qotishmalarning

olovbardoshligi va issiqbardoshligi boshqalarinikidan yuqori. Metall asosidagi tolali kompozitsion materiallarning mustahkamlovchi to‘ldirgichlari sifatida tolalar va toza elementlar ipsimon kristallari yoki qiyin eriydigan birikmalar (B, C, Al_20_3, SiC) ishlatiladi.

Barcha kompozitsion materiallar siklik nagruzkalarda yaxshi ishlaydi. Kompozitsion materiallarning mustahkamligi ko‘proq tolalarni matritsa bilan bog‘lanishlik, birlashishlik darajasiga bogliq. Matritsa bilan toldirgichlar orasidagi boglanishlik har xil bolishi mumkin [3].

1. **Mexanik boglanish** - matritsa va toldirgichlar notekis yuzalari orasida hosil boladigan boglanish hamda ular orasidagi ishqalanish kuchlari ta’sirida hosil boladi. Mexanik boglanishni ko'ndalang cho‘zilishdagi mustahkamligi va uzunasiga qisishdagi mustahkamligi past.

2. **Yuzalarni tortish kuchlari orqali bog‘lanish.** Bu tolani suyuq matritsa bilan ho‘llash, bo'ktirish va qisman komponentlarni eritish natijasida vujudga keladi (masalan, Mg-B 400°C gacha).

3. **Reaksiyali bog‘lanish** bu komponentlarni o‘zaro kimyoviy ta’siridan kelib chiqadi (Ti va B). Kimyoviy reaksiya bular chegarasida o'tadi va yangi kimyoviy birikma hosil bo‘ladi.

4. **Almashuv** - reaksiya boglanish ikki va undan ko‘proq davriy bosqichli reaksiya o‘tishi bilan paydo boladi. Matritsa titan qotishmasi, tana shu titan qotishmasi qattiq eritmasi bor tanasi bilan birlashadi - $A1B_2$, bundan so'ng titan bilan reaksiyaga kirishadi vaTiB_2 ni va aluminiyni qattiq eritmasini hosil qiladi.

5. **Oksidli bo‘linish** - reaksiya metallik matritsa bilan oksidlovchi to‘ldiruvchi (Ni - Al_20) chegarasida o‘tadi. Natijada murakkab oksid hosil boladi.

6. **Aralash boglanish** oksid plyonkalar yemirilib, komponentlar o‘zaro kimyoviy diffuzion reaksiyasi natijasida ro'yobga chiqadi. (Al-B, Al- polat) Metall asosidagi kompozitsion materiallar tolalar bilan matritsa orasidagi mustahkam boglanish ularni o‘zaro ta’siri va juda ingichka-yupqa (l-2 mkm) intermetalli faza hosil bolish darajasiga bogliq.

Metall emas asosli kompozitsion materiallar komponentlari orasidagi boglanish adgeziya yordamida amalga oshadi. Yuqori puxtalikdagi bor, uglerod, keramika tolalari matritsaga yomon adgeziyalanadi. Yopishish qobiliyatini oshirish uchun yuza kimyoviy yediriladi, tola yuzalari ishlanadi, ya’ni viskerizatsiya qilinadi. Viskerizatsiya bu uglerodli, broli, va h.k. tolalari yuzalarida kremniy karbidi monokristallarini o‘stirish (ular uzunligiga perpendikular holda). Shu usulda olingan titilgan, betartib - chigal yuzali bor tolasi “borsik” deyiladi. Ipsimon kristallar hajmini 4-8% ga ortishi surish mustahkamligini 1,5-2-marta, elastik modulini va qisishdagi mustahkamlikni 40-50% ga ko‘taradi.

Aluminiy, magniy va ular qotishmalarini mustahkamlash uchun borli va uglerodli hamda o‘tga chidamli birikmalar (karbidlar, nitridlar, boridlar va oksidlar) tolalari ishlatiladi. Yuqori puxtalikdagi polat simlari ham ishlatiladi. Titan va uni

qotishmalarini singlash uchun molibdenli sim, salfir tolalari, kremniy karbidi, titan boridi ishlatiladi.

Adabiyotlar

1. Umarov E.O. Materialshunoslik. Darslik. -T.: "C ho'lpon", 2014,380b

2. Norxo'djayev F.R. Materialshunoslik. Darslik. - T.: "Fan va texnologiyalar", 2014, 157b. 17.

3. Nurmurodov S.D., Rasulov A.H..Bahadirov K.G. Materialshunoslik va konstruksion materiallar texnologiyasi. D arslik— T.: "Fan va texnologiyalar", 2014, 228b.

AVTOMOBIL PLASTIK DETALLARINI QAYTA LOYIHALASH TIZIMLARI YORDAMIDA VIRTUAL LOYIHALASH.

Voxobov Rustamjon Abdumannob o'g'li, assistent

Andijon mashinasozlik instituti,

Andijon, O`zbekiston

Yangi mahsulotni loyihalashtirilganda konstruksiyaning yuqori texnologiyaligi, yangi standartlash va unifikatsiyalash darajasini oshirish yordamida loyihalashtirish va tayyorlash, mehnat va moddiy harajatlar qisqartirilishini ta'minlashi kerak.

Loyihalash unifikatsiyasi deganda - yangi mahsulot tarkibida eski detallarni saqlab qolish darajasi tushiniladi. Unifikatsiya mahsulot nomenklaturasini qisqartiradi, konstruksiyasining texnik darajasini oshiradi.

Unifikatsiyalash va standartlash darajasi quyidagi koeffitsientlar bilan tavsiflanadi:

1.Mahsulotni unifikatsiyalash koeffitsienti:

$$K_{un} = N_{un}/N_{um}$$

3/3= 1

N_{un} - unifikasiyalangan detallar nomenklaturasi;

N_{um} - mahsulotlarda detal turlari soni nomenklaturasi.

2. Standartlash koeffitsienti:

$$K_{et} = N_{st}/N_{um}$$

3/3= 1

N_{st} - mahsulotdagi standart detal turlari nomenklaturasi;

3. O'zgartirilganlilik koeffitsiyenti

$$K_l = N_{o'z} / N_{um}$$

1 /3= 0,3

Bu yerda: $N_{o'z}$ -mahsulotlarda o'zgartirilgan detal turlari nomenklaturasi.

Standart va texnik sharoitlar o'z vaqtida yangilashtirilishi lozim.

Loyihalash jarayonlarini tezkor suratlar bilan olib borish va tanlangan detalning ajratilgan bo`laklari sifatli tayyorlanishi uchun Siemens kompaniyasining NX 10.0 dasturidan foydalanishni lozim deb bilamiz. Dasturga skanerlangan detalning .STL formatidagi faylini yuklash uchun dasturning fayl bo`limidan import buyrug`ini

tanlab fayl joylashgan katalogni dasturning buyruqlar qatoriga kiritamiz. Detalning skanerlangan faylining o`lchamlari aniqligi 0,2 mmga farq qilishi mumkin. Detalni skanerlangan ko`rinishini dasturning import buyrug`i orqali maydonga kiritib uning ikkilamchi ko`rinishini hosil qilishni boshlaymiz.

NX 10.0 dasturi interfeysida reverse engineering bo`limi bo`lib ushbu bo`lim yordamida avtomobil qismlari va detallarini skanerlangan holatida yuzalariga qayta ishlov berish hamda yemirilgan, darz ketgan joylarini qayta tiklash imkoniyati mavjud. NX 10.0 dasturi interfeysida yuqoridagi buyruqdan tashqari boshqa bo`limlar ham mavjud. Bular: *Fayl, Home, Curve, Analysis, Render, Tools, Application* va boshqalardan iborat. Dasturning fayl bo`limida *New,Open, Close, import, export, properties* hamda boshqalardan iborat. Yuqorida tanlangan ob'yektni tayyorlash uchun skanerlangan detalning uch o'lchamli ko'rinishi ustiga *sketch* tugmasi yordamida ishlov beriluvchi yuzani tanlab olib detalning yuzalari sirt g'adir-budirliklaridan tozalangan holda detalning virtual ikkilamchi ko'rinishini hosil qilamiz.



1-rasm.Skanerlangan detallarni dastur ishchi oynasida ko'rinishi.

Avtomobilsozlikda bugungi kunda Unigraphics dasturidan tashqari boshqa turli xil muhandislik dasturlaridan ham foydalaniladi, bularga: AutoCAD, 3DMax, Kompas, Catia, Cimatron va boshqalar keng ommalashgan. Qayta loyihalanayotgan detalga dastur yordamida ishlov berishni ishlab chiqarish jarayonlarini bevosita ko'z oldimizga keltirgan holda amalga oshirishimiz maqsadga muvofiq bo'ladi.



2-rasm. Detallarning ishlov berilgandan so`ng hosil qilingan ko`rinishlari.

Detallarni loyihalash jarayonida foydalanilayotgan metodning to'g'ri ketma-ketligini olib borish loyihaning tez va sifatli borishiga ta'sir etadi. Yuqorida qayta

ishlangan detallarning o'lchamli ko'rinishlaridan ularning kompyuterda sinash jarayonlari hamda qoliplarini yaratishda keyingi bosqichlarda foydalanamiz. Dastlab detallarning barcha qismlarini NX muhandislik dasturining modeling bo`limida loyihalanish jarayonini yakunlaganimizdan so`ng detalning barcha qismlarini aloxida-aloxida NX muhandislik dasturining interfeysidan *Application* bo`limidagi *Advanced* tugmasi orqali dasturning detallarni sinash bo`limiga o`tib, loyihalangan detallarning barchasini virtual tekshiruvlardan o`tkazib chiqamiz.

Avtomobillarning qayta loyihalangan detallarini virtual sinash ularning texnik darajasi va ish sifati ko'rsatkichlarini yaratilish bosqichidan foydalanishdan chiqarilgungacha bo'lgan muddatlarda xar tomonlama ob'yektiv baholash va mashinalarga qo'yilgan turli (agrotexnik, texnologik va b.) talablarga qanchalik mosligini kompyuterning virtual sharoitida o'tkaziladigan tajribalarda tekshirishdir.

Sinovlarning maqsadi - sinalgan namunalarni ishlab chiqarishga taqdim qilish, ishlab chiqarilayotganlarini sifatini nazorat qilish, seriyalab ishlab chiqarilayotganlarni modernizatsiya qilish va eskirgan maxsulotlarni ishlab chiqarishdan olish, import qilingan maxsulotlarni mahalliy sharoitga mosligini sertifikatsiyalash haqida tavsiya va xulosalar tayyorlash.



3-rasm. Detallarni dastur yordamida mustaxkamlikka sinash.

Sinov jarayoni muvaffaqiyatli o`tgandan so`ng tadqiqot predmeti bo`lgan detallarni ishlab chiqarish jarayoniga tadbiq etish va detallarni keng miqyosda ishlab chiqarish uchun maxsus plastmassalardan detal quyuvchi dastgohlardan foydalanish maqsadga muvofiq.

Keyingi jarayonning borishi bevosita sinov jarayoniga bog`liqdir chunki, detallar sinovlardan muvaffaqiyatli o`tgan taqdirdagina detallarning qoliplari ko`rinishlari tayyorlanadi. Agar detallar sinov jarayonidan muvaffaqiyatli o`tmasa yuqoridagi metodga asoslangan holda kompyuter yordamida modelni tayyorlash bo`limiga qaytamiz va u yerda detallarda aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etib qolip olish bo`limiga o`tib qoliplar olinadi.

Adabiyotlar

1. Болдырев, А. В. Методика обучения топологическому проектированию конструкций на основе моделей тела переменной плотности. / А. В. Бодырев, М. В. Павельчук // Онтология проектирования – 2016 – Т.6, № 4 (22). с. 501 - 513.
2. Боровков, А. И. Компьютерный инжиниринг [Текст]: учебное пособие – СПб.: Изд-во СПбПУ, 2012. – 93 с.
3. Ёкубов Ё. О., Эргашев Д. П. Оптимальное проектирование конструкций с помощью цифровых интегрированных технологии //Universum: технические науки. – 2020. – №. 11-1 (80). с. 21-24.

YO'L-TRANSPORT HODISALARI TAHLILIDA INTELLEKTUAL TRANSPORT TIZIMLARINING ROLI

Rahmatullo Rahimov Rafuqjon o'g'li
Intellektual
transport tizimlari 2-bosqich magistranti,
Andijon mashinasozlik instituti,
Andijon, O`zbekiston

O'zbekiston Respublikasi iqtisodiy salohiyati o'sib borishi bilan avtomobil transporti va kommunikatsiyalari ham rivojlanib bormoqda. Tarmoqning rivojlanishi harakat xavfsizligini ta'minlash sohasida ma'lum muammolarni keltirib chiqarmoqda. Bu muammolarni bartaraf etish va harakat xavfsizligini ta'minlashni takomillashtirish maqsadida 2018 yil 19 may sanasida VMning 377-sonli "O'zbekiston Respublikasi yo'l xavfsizligini ta'minlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari" to'g'risidagi qarori qabul qilindi. Mazkur qaror asosida 2018-2022 yillarda O'zbekiston Respublikasida yo'l harakati xavfsizligini ta'minlash konseptsiyasi ishlab chiqildi. Konseptsiyaga asosan yo'l transport harakati xavfsizligini ta'minlashda intellektual transport tizimlari texnologiyalaridan foydalanishni takomillashtirish yo'llari belgilab berildi [1]

-jismoniy va yuridik shaxslarning avtotransport vositalariga o'rnatilgan videoregistratorlardan sodir etilgan huquqbuzarliklar holatlari to'g'risidagi videoyozuvlarni tezlik bilan to'plovchi markazlashtirilgan tizimni joriy etish;

-elektron tizimga kelib tushayotgan videoyozuvlar bo'yicha tizimli monitoring yuritish va protsessual harakatlarni amalga oshirish uchun ularni ichki ishlar organlariga yuborish;

-videoregistratorlarni ishlab chiqarishni mahalliylashtirish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar ko'rish;

-jamoat transporti va yo'lovchilarni tashuvchi transport vositalari uchun videoregistratorlar o'rnatish bo'yicha majburiy tartibni joriy etish;

-sud tomonidan huquqbuzarlik belgilangan tartibda tasdiqlanganda, tizimga videomateriallar taqdim etadigan fuqarolarni rag'batlantirish mexanizmlarini aniqlash;

-tizimga videomateriallar taqdim etadigan fuqarolarning shaxsiy ma'lumotlari anonimligini ta'minlash qat'iy belgilandi.[2]

Yo'l harakati xavfsizligini ta'minlashning intellektual transport tizimini ishlab chiqish va joriy etish yo'l harakatini avtomatlashtirilgan tarzda tartibga solish, videokuzatuv va yo'l harakati qoidalari buzilishini qayd etish tizimlari bajaradi hamda quyidagi tadbirlarni o'z ichiga oladi: avtomobil yo'llari va chorrahalarida o'rnatilgan svetofor ob'ektlarini modernizatsiya qilish, avtomobil yo'llarida yo'l belgilarini o'rnatish loyihalarini ishlab chiqish, yo'nalish mo'ljalli tizimini ishlab chiqish, avtomobil yo'llarida barerlarni qurish, yo'l harakati xavfsizligi holati to'g'risida axborot yig'ish tizimini takomillashtirish va yig'ilgan axborotlarni tahlil qilish markazini modernizatsiya qilish.

O'zbekiston Respublikasining yirik shaharlarida intellektual transport tizimidan foydalanish yo'l harakat xavfsizligini oshirish imkonini beradi, aynan:

1. Yo'l harakatini boshqarish markazini shakllantirish va ishga tushirish yo'l harakatining yuqori transport oqimi va zichligi sharoitida to'xtamasdan harakatlanish uchun sharoit yaratish.
2. Jamoat va maxsus transport vositalarining imtiyozli harakatini ta'minlash.
3. Yo'l-transport hodisalarining oldini olish tizimini shakllantirish, ularning oqibatini yengillashtirish GPS "GLONASS" tizimidan foydalangan holda zamonaviy texnologiyalardan foydalanish.
4. Yo'l harakatining tezlik rejimi va uning ishtirokchilarining o'zini tutishini masofaviy avtomatlashtirilgan nazorati tizimini apparat-dasturli kompleksini maksimal joriy etish.
5. Yo'l-transport hodisalari oqibatini bartaraf etish maqsadida xizmatlarga samarali axborot tizimini keng joriy etish.

Mazkur tadbirlar yirik yevropa va yaqin xorijiy davlatlarda joriy etilgan va yo'l transport hodisalarining 25%ga kamayishiga erishiladi.

Yo'l harakati qoidalariga rioya qilish nazoratini mamlakatimizning barcha yo'l tarmoqlarida ro'yhatga olib borish juda murakkab jarayon. Lekin transport jadalligi yuqori bo'lgan shahar ko'chalari yoki yo'l bo'laklarida YHQ rioya qilishni nazorat qilishda intellektual transport tizimlaridan foydalanish vaziyatni yengillashtiradi.

YHQ jiddiy buzilishlaridan biri bu svetofor bilan boshqariladigan chorrahalarida qizil signalda harakatlanish holatidir. Qoidaning ushbu bandi buzilishi natijasida sodir bo'ladigan YTH juda jiddiy oqibatlarga olib keladi: transport vositasi tezligining yuqori bo'lishi, og'ir tan jarohati va hatto insonning ko'z yumishi bilan yakunlanishi mumkin. Intellektual transport tizimlarining quyi tizimi eng ko'p yuklangan chorrahalarda svetoforning qizil chirog'i uchun signalizatsiya va ro'yhatga olish uskunalarini o'rnatishga asoslangan mavjud boshqaruv va jazo tizimini yaratish qobiliyatini ta'minlaydi. Mantiqiy funktsiyalar, raqamli yozuv va aloqa infratuzilmasidan foydalangan holda "kirish yo'q" signaliga ulangan transport vositalarining mavjudligi haqidagi olingan tasvirni ikkita sensor markazga uzatishga

imkon beradi. Olingan fotosuratlar asosida jarimani to'lash uchun ma'lumotlar bazasi orqali qoidani buzgan haydovchi manziliga xat asosida jo'natiladi yoki qoidani buzgan haydovchi qonunda belgilangan bo'yicha jazoga tortiladi.

Birinchi sensor to'g'ridan-to'g'ri to'xtash chizig'i oldida, ikkinchi sensor esa to'xtash chizig'ining orqasida, harakat yo'lagi bo'yicha o'rnatiladi.

Ko'p hollarda ingichka va sezgir sensorlar ishlatiladi, masalan, pezoyelektrik elementlarga asoslangan holda. Pezoyelektrik datchiklar kesimi to'g'ri to'rtburchak kabel ko'rinishida, uzunligi harakat qatnovi kengligida bo'ladi va yo'l qatlamiga yoki uning ustiga yotqiziladi. G'ildirakning bosimi ostida kabelda kuchlanish impulsi (pezoyeffekt) yuzaga keladi, bu esa qayta ishlanadi. Toshkent shahrida TTS tizimining ba'zi elementlari joriy etildi – bu Toshkent shahri chorrahalarida o'rnatilgan video kuzatuv moslamalaridir. Toshkent shahridagi 115 ta chorrahaga video kuzatuv moslamalari tomonidan qayd etilgan qoidabuzarliklar uchun haydovchilarni jarimaga tortish mexanizmi sinov tariqasida 2016 yilning 15 mart kunidan boshlab ishga tushirildi. Joriy etilayotgan yangilikning asosiy maqsadi bu Toshkent shahri ko'chalarida yo'l harakati xavfsizligini zamonaviy texnologiyalar yordamida ta'minlashdan iboratdir. Ushbu yangilik yo'l harakati qatnashchilarining yo'l-transport hodisalaridan himoyalanganlik darajasini oshirish, poytaxt ko'chalarining yuqori harakat jadalligi sharoitida yo'l harakatini nazorat qilish, qoidabuzarliklarni avtomatik tarzda aniqlash, qayd etish hamda profilaktika qilish ishlarini takomillashtirishga qaratilgan. Buning uchun nazorat qilinadigan har bir ob'ekt, ya'ni chorraha harakatni nazorat qiluvchi, qoidabuzarliklarni avtomatik tarzda aniqlovchi zamonaviy texnik vositalar, intellektual detektorlar, kontrollerlar, videokameralar bilan jihozlangan. Buning natijasida svetoforlar ish faoliyati optimallashtiriladi, yo'llarning o'tkazuvchanlik qobiliyati oshiriladi. Transport vositalarining chorrahalar oldida to'xtab turishi 20-25 foizga, transport vositalari dvigatellaridan chiqayotgan zaharli gazlar 5-10 foizga, yonilg'i sarfi 5-15 foizga kamayishi hisobiga shahardagi ekologik holat ancha yaxshilanadi. 115 ta chorrahaga o'rnatilgan 883 ta kuzatuv kameralari yordamida 15 martdan 6 aprel kuniga qadar jami 51000 dan ziyod qoidabuzarliklar aniqlangan. Buning 30 mingdan ortig'i svetoforning qizil chirog'ida harakatlanish va 21 mingdan ortig'i tezlikni belgilangan me'yordan oshirish qoidabuzarliklarini tashkil etgan. 30 martdan 6 aprelgacha bo'lgan bir hafta ichida kameralar yordamida jami 6371ta, shundan 3718ta svetoforning qizil chirog'ida harakatlanish va 2653tasi tezlikni belgilangan me'yordan oshirish qoidabuzarliklari qayd etilgan.

Shu bilan birga, kuzatuv kameralari ishga tushgandan buyon, ya'ni 15 martdan 6 aprel kuniga qadar yo'l transport hodisalari o'tgan yilning shu davriga nisbatan 27 taga yoki 31,4 foizga, avtohaokatlarda odam o'limi bilan bog'liq holat 7 taga yoki 53,8 foizga, YTHda tan jarohati etkazish bilan bog'liq holat 25 taga yoki 25 foizga kamaygan. Yo'l harakati xavfsizligi qoidalarini buzish holatlarini oldini olish maqsadida olib borilgan tadbirlar natijasida mart oyida 89704 ta, 30 mart - 6 aprel oralig'ida 21900 ta qoida buzarliklar aniqlandi.

YTH oqibatlari bartaraf qilish yoki havfli holatlarda yordam ko'rsatish tizimida yuz bergan joyni aniqlash uchun ko'proq yo'ldosh navigatsiya tizimi va radioaloqa vositalaridan foydalaniladi. Tibbiy qutqaruv guruhining faoliyatini masofadan nazorat qilishi va shu bilan birga ushbu vaziyatni hal qilishga oldindan tayyorgarlik ko'rishi mumkin.

Signalni yoqish haydovchi tomonidan signal tugmasini bosgan holda yoki avtomatik ravishda hodisa sodir bo'lganligini aniqlash sensori (Sresh Sensor) yoki havo yostig'i o'rnatilishi natijasida amalga oshirilishi mumkin.Jamoat transportlarida esa kabinada haydovchiga qulay joyda joylashgan bo'ladi. Jamoat transporti bekatlarida tugmalar videokameralar bilan birgalikda o'rnatiladi.

Kritik holatlarda yo'lovchilar havfsizligini oshirishning eng maqbul yo'laridan biri yo'lovchilarga transport vositasi ishdan chiqqan taqdirda yordam berish va ulargsha keyingi transport vositasi to'g'risida ma'lumotlar taqdim etishdir.

Haydovchilarning mobil telefonlari elektron tarmoqli GPS-GSMga antenna orqali bog'lanib, oddiy elektron moslamadan iborat "bo'sh qo'llar" to'plamini o'rnatish imkoniyati mavjud.

Avtomobillarni himoya qilishning zamonaviy vositalari, shuningdek hodisani elektron registratsiya qilish moslamasini ham o'z ichiga oladi. Mazkur moslama faqatgtna hodisa jarayonini yozibgina qolmay avtomobil konstruksiyasini takomillashtiriga ham imkon yaratadi. Transport vositasi yozuv moslamasiga ulangan bir necha datchiklar bilan jihozlangan. YOzuv hodisa yuz berishidan 30 sekund oldin boshlanib, hodisa tugaganidan 15 sekund vaqtni o'z ichiga oladi. Harakatning barcha ma'lumotlari yoziladi: transport vositasi tezligi, to'g'ri va ko'ndalang yo'nalishdagi tezlanishi, transport vositasining yo'nalishi, shuningdek, transport vositasi ish rejimi ko'rsatkichlari: oborot soni, rulning burilish burchagi, faralar holati, barcha indikatorlar holati. Yozuv moslamalari audio yozuvlarni ham amalga oshiradi.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoevning 2017 yil 7fevraldagi PF №4947-sonli "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi", 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 11 iyul 2017 yil 3127-sonli "Yo'l harakati havfsizligini ta'minlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori.

3.2018-2022 yillarda O'zbekiston Respublikasida yo'l harakati xavfsizligini ta'minlash konsepsiyasini.

4.O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 23 dekabrdagi "Xavfsiz shahar" yagona apparat-dasturiy yaratish bo'yicha loyihasini amalga oshirishni muvofiqlashtiruvchi komissiya yig'ilishining 1-son bayoni va vazirlikning 2018 yil 16 yanvardagi 39-son buyrug'i.

5. O'zbekiston Respublikasining "Yo'l harakati xavfsizligi to'g'risidagi" Qonuni. Toshkent 2015 yil №370-sonli Qarori.
6."Avtomobilda tashuvchining yo'l harakati xavfsizligi xizmati to'g'risida"gi Nizom (Adliya vazirligidagi 2013yil 26 dekabrda 2545-son bilan ro'yhatga olingan).
7."Avtomobilda tashuvchi tomonidan haydovchilarga yo'l harakati xavfsizligi masalalari bo'yicha yo'l-yo'riqlar berish tartibi to'g'risida"gi Nizom (Adliya vazirligidagi 2014yil 13 mayda 2582-son bilan ro'yhatga olingan).
8."Avtomobil transporti haydovchilarining ish vaqti va dam olish vaqti to'g'risida"gi Nizom (Adliya vazirligidagi 2013yil 9 sentyabrda 2506-son bilan ro'yhatga olingan).

FEATURES OF INFORMATION COMPLEX IN TRANSPORTATION PLANNING

Rasulova Tursunoy Pazildjanovna, senior lecture
Andijan Machine-building institute, Andijan, Uzbekistan

Annotation. This article discusses the issues of irrational use of resources, insufficient automation of management systems in the cargo circulation system. It is proposed to use existing shipping documents and databases, including the development of modules for connecting to an external server. The possibilities of creating a virtual software model that allows trucks to collect requests for services in a comprehensive way and use them as access to the logistics block were explored. The possibility of creating a centralized system of collection, storage and processing of information, as well as a single control center for cargo transportation is being considered.

Keywords: cargo turnover, electronic shipping paper, single control center, transportation, database.

At present, the automation of the transport industry is relevant. This approach has clear advantages (speed and accuracy of assignments).

This principle of solving the set tasks can be applied in the transportation of goods between the regions of the Republic of Uzbekistan. To do this, you can use data from two databases. The first is from the electronic resources "Public Procurement", "Tenders", "Electronic Auctions" and "Competitions". The city of the receiver, the name of the shipment and its quantity and date of delivery, and so on, there are cities of the sender. Second, registered freight vehicles, such as freight capacity, location, are free [1].

In an Excel file, you can specify a database access document as follows:

1. Date of potential shipment.

2. Shipper (territorial position of the point of departure and its connection to a particular subject of the Republic of Uzbekistan).

3. Consignee (territorial position of the cargo at the specified address and its connection to a specific subject of the Republic of Uzbekistan).

4. Load parameters:

a) name;

b) number of packages;

c) gross weight, kg;

5. Overall dimensions of the container (length, height, diagonal dimensions).

Information on each hazardous substance, material or product when transporting special goods.



Figure 1. Block diagram of data processing from freight suppliers and free ATS

The operator, dispatcher or other responsible person will be authenticated and will go to the main page.[2]

The electronic form is filled out using drop-down lists, after entering all the necessary information, the information about the single sender is saved. Upon re-authentication, the electronic form will be completed according to the latest form. All necessary corrections are made by changing certain positions of the electronic form to change the initial data on shipping.

According to the data obtained, the calculation is performed in the developed software. The results of the program include the following reports:

- Complete list of completed shipments (packaging options depend on the geographical location of the consignor and consignee, as well as the date of departure).
- The option of placing containers in the cargo compartment of the vehicle, taking into account the minimization of the load on the axle of the vehicle.

In particular, it is planned to create a database of ATS used in the field of transportation, which will allow to expand the logistics department and fill it with the parameters set by the existing fleet of the loading terminal.[3]

As a result of full implementation of the above project, the following problems are potentially solved:

- Increasing the service life of the vehicle (due to the rational distribution of load on the axles).
- Minimize road wear (due to centralized distribution of goods).
- Energy saving (by reducing overall fuel consumption).
- Improving the environmental situation (by reducing the total emissions of greenhouse gases into the atmosphere).

Centralization of data on local cargo transportation, together with complex processing, is a promising area of research. The expected economic benefit from the

implementation of this project will significantly exceed the cost of its implementation. At the same time, the main tasks set out in the Concept of long-term socio-economic development of the Republic of Uzbekistan for the period up to 2030 are being partially addressed.[4]

References

1. Preliminary results of the 2010 All-Russian census: Stat. Saturday. / Rosstat .. - Moscow: IIC "Russian Statistics", 2011. - P. 32 - 86.

2. Belyaev AI, Efficiency of operation of motor vehicles /A.I. Belyaev, A.S. Afanasyev // International Journal of Economics and Finance, 2016, 6 (S2) 24-30.

3. Automated road traffic control systems. - M .: Akademiya, 2011. - 288 p.

4. Information systems and technologies in economics: A textbook for students. higher education institutions in the field of economics. specialist. / T. P. Baranovskaya, V.I. Loiko, M.I. Semenov, A.I. Trubilin; ed. AND DA. Loiko. - 2nd edition, supplement. and recycled. - M .: Finance and Statistics, 2003.

QISHLOQ XO'JALIGIDA FOYDALANILADIGAN AYRIM YASSI YUZALI DETALLAR

S. Mo'minov

Andijon mashinasozlik instituti 1-bosqich magistranti

Bugungi kunda O'zbekistonning ko'plab sanoat tarmoqlarida xususan, qishloq xo'jaligi sohasini rivojlantirishga katta e'tibor qaratilmoqda. Qishloq xo'jaligini yangi texnika va texnologiyalar bilan ta'minlash, qishloq xo'jaligi ishlab chiqarilishida qo'llanilayotgan mashina va mexanizmlar, ularning agregatlari, va detallarining uzoq muddat buzilmasdan ishlashini ta'minlash muhim vazifalardan hisoblanadi. Ma'lumki, tuproqqa ishlov beruvchi ishchi organlar doimiy abraziv muhitda ishlab tez yeyilib ishdan chiqadi. Bularga lemexlar va plug pichoqlari misol bo'ladi.

Lemexlar [1-rasm] yerni shudgorlash vaqtida tuproq palaxsasini tagidan kesib, yerdan ajratadi va tuproqni ag'dargichga uzatadi. Lemexlar yeyilishga bardosh beradigan maxsus po'latdan tayyorlanadi. Ish jarayonida zichlangan tuproq lemex sirti bo'ylab katta bosim bilan siljib o'tishi natijasida uning tig'i tez yeyilib, o'tmas va ensizlashib boradi.

O'tmas lemex plugning sudrashiga qarshiligi keskin (30 % gacha) oshishi mumkin. Shu sababli, o'tmas lemexni qizdirib orqa tomonidagi bo'rtiq metall zahirasi (magazin)ga bolg'a bilan urilib, tig' tomonga siljitiladi natijada uning dastlabki kengligi tiklanadi. Tiklangan tig' 25^0...35^0 ostida qalinligi 1,0 mm ga kelguncha charxlanadi. Lemex magazinidagi metall zahirasi tig'ni 4, 5 marotaba cho'zib tiklashga yetadi.

Tuproq turlari ko'p bo'lganligi sababli, lemexlar shakli shudgorlanadigan tuproq turiga moslanib tanlanadi:

Trapetsiyasimon lemexlarning [1-rasm a] tuzilishi sodda bo'lib, tayyorlash va ta'mirlash arzon. Shudgorlash vaqtida qattiq tuproqqa botishi qiyinroq kechadi va

tezroq yeyiladi. Shu sababli, bunday lemexlardan ko'proq yengil tuproqli yerlarga ishlov berishda foydalaniladi.

Iskanasimon lemexlarning [1-rasm b] iskanaga o'xshash cho'ziq tumshug'i pastga 10 mm va yon tomonga 5 mm egilgan bo'ladi. Bunday lemexlar trapetsiyasimon lemexlarga nisbatan qimmatroq turadi ammo uzoqroq chidaydi va qattiq tuproqda shudgorlanganda yengilroq botadi.



a – trapetsiyasimon; *b* – iskanasimon; *v* - almashtiriladigan tumshuqli; *g* - uchburchaksimon; *d* – o'z-o'zidan o'tkirlanadigan; *1* – tumshuq; *2* – magazin; *3* – qanot; *4* – tig'; 5 – qotishma qatlam.

1-rasm. Lemexlar

Almashtiriladigan tumshuqli [1-rasm v] lemexlarning tumshug'i yeyilganda, uni old tomonga surib chiqarib qo'yiladi. Ayrim holatlarda, yeyilgan uchi o'girilib qo'yiladigan ikki uchli tish o'rnatilgan bo'ladi. Bunday tishning ishlayotgan uchi yeyilib, dastlabki uzunligiga nisbatan 300 mm ga qisqargandagina o'girib qo'yiladi yoki old tomonga suriladi. Bunday lemexlar og'ir tuproq sharoitida ishlatiladi.

Uchburchaksimon lemexlar [1-rasm g] maxsus pluglarda, kartoshka va kanal kovlagichlarda ishlatiladi chunki u tuproqqa ko'proq bosim bilan ta'sir etib, og'ir sharoitda ishni bajarishga qodirdir.

O'z-o'zidan o'tkirlanadigan lemexlar [1-rasm d] tig'ining tagiga yeyilishga chidamli maxsus qotishma (sormayt) 1,5 mm qalinlikda payvandlanadi. Ish jarayonida bunday lemex tig'ining ustki yumshoqroq qatlami tezroq yeyilib, pastki o'tkir qatlamini ochib berishi natijasida tig'ning o'tkirligi doimo tiklanib turadi. Oddiy lemexlarga nisbatan qotishma payvandlangan lemexlar 10-12 marta uzoqroq xizmat qiladi.

Plug pichog'i [2-rasm] haydashda hosil bo'ladigan shudgor devorini tik va tekis bo'lishini ta'minlash maqsadida ishlatiladi. Haydalayotgan yer serildiz bo'lsa, plug korpusi ta'sirida shudgor devoridagi ildizlarni uzib olishga nisbatan, ularni kesib ketishga kamroq kuch sarflanadi. Pichoq shudgor devorini silliq kesib ketsa, shudgor tubiga kamroq tuproq to'kiladi. Plug o'tganidan keyin shudgor tubining toza bo'lishi muhimdir.

Pluglarga o'rnatiladigan pichoqlarning quyidagi turlari mavjud bo'ladi:

Disksimon pichoqlar [2-rasm a] oddiy va ayrim maxsus pluglarda ishlatiladi. Disksimon pichoqlarning qalinligi uning bukilmasligini ta'minlash, radiusi esa ishlov berishdagi maksimal chuqurlikning 60...70 % ini tashkil etgan bo'lishi kerak. Disksimon pichoqning tig'i ikki tomonidan 15^0...20^0 etib charxlanadi.

Korpusga nisbatan disksimon pichoqlarni baland, past hamda yaqin yoki uzoqlashtirib o'rnatish mumkin. Disk gupchagi bilan yer yuzasi orasida 1-2 sm oraliq qoldirib o'rnatiladi. Disk o'qi [2-rasm 4] esa chimqirqar lemexi tumshug'i ustida, agar chimqirqar o'rnatilmagan bo'lsa, asosiy korpus lemexi tumshug'ining ustida joylashtiriladi.



a – disksimon; *b* – chopqisimon; *v* – yassi, tayanch chang'ili; *1* – disk; *2* – ayri; *3* – tojsimon gayka; *4* – o'q; *5* – qisqich; *6* – chopqisimon pichoq tig'i; *7*— pichoq yuzasi; *8* – dastak; *9* – yassi pichoq; *10* – sirpang'ich; *11* – tayanch.

2- **rasm. Plug pichoqlari**

Chopqisimon pichoq [2-rasm b] plantatsiyabop, o'rmonbop, changalzor-botqoqbop kabi maxsus pluglarda ishlatiladi chunki yo'g'on ildizlarni disksimon pichoq kesa olmasdan, ko'tarilib ketishi mumkin. Bunday joylarda chopqisimon pichoq yaxshi natija ko'rsatadi. Chopqisimon pichoq tuproq va mayda ildizlarni kesib ketsa, yo'g'onlarini turtib yer yuzasiga chiqarib ketadi. Sertosh yerlarda ham chopqisimon pichoq yaxshiroq ishlaydi.

Chopqisimon pichoq yuzasining dastagi [2-rasm 8] plug ramasiga bikr maxkamlanadi, tig'i [2-rasm 6] esa 10^0...15^0 ostida 0,5 mm qalinlikkacha charxlanadi. Uning uchi asosiy korpus lemex tumshug'iga nisbatan 3-4 sm balandroq va ilgarilatib, tig'i esa shudgor tubiga nisbatan 70^0-75^0 ostida qiya o'rnatiladi. Bunday pichoq asosiy korpusning dala chet qirqimiga nisbatan haydalmagan tomonga 0,5-1,0 sm surib qo'yiladi.

Yassi pichoq ikkita sirpang'ich chang'i [2-rasm 10] bilan jihozlanadi va botqoqli hamda changalzor yerlarni haydaydigan pluglarga qo'yib ishlatiladi. Sirpang'ich changi changal shoxlarini yerga bosib turib, ularni pichoq kesib ketishiga yordam beradi. Yassi pichoq tig'i harakat yo'nalishiga nisbatan 35^0 - 40^0 engashtirib o'rnatiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. M. Shoumarova, T. Abdillayev Qishloq xo'jaligi mashinalari T. "O'qituvchi" 2018
2. Sh. U. Yo'ldoshev Mashinalar ishonchliligi va ta'mirlash asoslari T. "O'zbekiston" 2006
3. F. M. Mamatov Qishloq xo'jalik mashinalari T. "Fan" 2007
4. Internet saytlari: www.google.com, www.wikipediya.org

METALL QOTISHMALARINING MARKALANISHI TAXLILI

Ataxonova Sayyora Qoraboyevna
"Materialshunoslik va yangi materiallar texnologiyasi kafedrasi" katta o'qituvchisi
ataxonova.sayyora@mail.ru
Andijon mashinasozlik instituti
Mo'ydinova Dilafruz Raimjon qizi
2-bosqich talabasi,
Toshkent davlat texnika universiteti

Hozirgi vaqtda O'zbekiston Respublikasining asosiy maqsadi ilmiy-texnik jarayonni tezlashtirish, rivojlanishdagi jadallik yo'liga o'tish, import o'rnini bosuvchi va eksport bop xom-ashyo va materiallar ishlab chiqarish xisoblanadi.. O'zbekiston metallurgiya sanoatining jadal suratdagi ijtimoiy-iqtisodiy o'sishi mavjud texnologik jarayonlarda energiya va resurlarni tejash rejalarini takomillashtirish yoki yangi rejalar, yuqori fizikaviy mexanik va foydalanish xossalariga ega bo'lgan ma'lum polimer va kompozitsion materiallarni fizikaviy kimyoviy uslublardan ishlab chiqarish yoki mavjud ishlab chiqarish uslublarini takomillashtirishni belgilab beradi.

O'zbekistonda biz metall va qotishmalarni markalanishini rus alfavitidan foydalanamiz. Oliy-talim talabalarimiz ishlab chiqarish korxonalariga amaliyot o'tash uchun borganlarida Xorijdan kelgan birlamchi rulon sortament listlarni raqamlar bilan tamg'alanganliklarini ko'radilar. Bu metall listlarni kimyoviy tarkibi va mexanik, fizik, kimyoviy va texnologik xususiyatlari qay darajada ekanliklari haqida ma'lumot topolmaydilar. Mashinasozlik Institutida, ayniqsa mutaxasislik fanlaridan metall va uning qotishmalarini Evropa va Evroosiyoda qanday markalanishi haqida nafaqat materialshunoslik yo'nalishi, balkim mashinasozlikning barcha yo'nalish talabalariga keng ma'lumotlar berishimiz kerak.

Po'lat markalari qiyosiy jadvali

1-jadval

Po'lat markasi		**AQSH standartidagi analoglar**	
MDH mamlakatlari GOST	Evronormalar		
10	C10E	1.1121	1010
10ХГН1	10 ХГН1	1.5805	-
14 ХН3 М	14 NiCrMo1-3-4	1.6657	9310

15	C15 E	1.1141	1015
15 Г	C16 E	1.1148	1016
16 ХГ	16 MnCr5	1.7131	5115
16ХГР	16Mn CrB5	1.7160	-
16 ХГН	16NiCr4	1.5714	-
17 Г1 С	S235J2G4	1.0117	-
17 ХН3	15NiCr13	1.5752	E3310

Rangli metallardan alyuminiy qotishmalari xam keng ishlatiladi.Alyuminiy qotishmalarini markalanishi turli davlatlarda quyidagicha markalanadi:

2-jadval

Alyuminiy qotishmalari						
GOST 1583-93 bo'yicha qotishma darajasi	**Yevropa standarti**	**AQSH**	**Yaponiya**	**Fransiya**	**Italiya**	**Buyuk britaniya**
	EN 1676	ASTM, B179, B26, B85, AA, SAE	JIS, H5202, H2211, H2118	NFA57-702	UN14514	BS14
АК8 (АЛ34)	ENAB-42100 (ENAB AlSi7Mg0.3)	358.0 356.2 (A03562)	AC4C.1	A-S7G	-	-
АК7	ENAB-42000 (ENAB AlSi7Mg)	357.0 356.1 (A03561)	AC4C.1	-	AlSi7Mg	-
АК7ч (АЛ9)	ENAB-42000 (ENAB AlSi7Mg)	356.0 356.1 (A03561) SG70A	AC4C.1	A-S7GU3	AlSi7MgTi	LM2
АК7пч (АЛ9-1)	ENAB-42100 (ENAB AlSi7Mg0.3)	356.2 (A03562)	AC4C.2	A-S7G	AlSi7Mg	-

Xulosa

Xulosa qilib aytganimizda Oliy-talim talabalarimiz ishlab chiqarish korxonalariga amaliyot o'tash uchun borganlarida, Xorijdan kelgan birlamchi rulon sortament listlarni raqamlar bilan tamg'alanganliklarini ko'radilar. Bu metall listlarni kimyoviy tarkibi va mexanik, fizik, kimyoviy va texnologik xususiyatlari qay darajada ekanliklari haqida ma'lumot topolmaydilar. Mashinasozlik Institutida, ayniqsa mutaxasislik fanlaridan metall va uning qotishmalarini Evropa va Evroosiyoda qanday markalanishi bo'yicha mashinasozlikning barcha yo'nalish talabalariga, ilmiy izlanuvchilariga yuqorida keltirilgan jadval asosidagi ma'lumotlarni bilishi juda xam zarurdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Umarov E.O "Materialshunoslik" darslik Toshkent 2013
2. Metallshunoslik va termik ishlash .https://fayllar.org/ligerlangan-polatlar-reja.html.
3. Марочник стали и сплавов. Контактная информация © 2003 - 2022 Контент сайта защищен Авторским свидетельством № 7533 от 8.05.2003 г.
При использовании информации сайта гиперссылка на "Марочник стали и сплавов" (splav-kharkov.com) обязательна. Источник: www.td-ksz.com

ISPRING DASTURI YORDAMIDA ELECTRON DARSLIKLAR UCHUN TEST VA KITOB HOSIL QILISH

Sabirov Ulugbek Kuchkarovich, i.f.n
Andijon Mashinasozlik Instituti,
Karimov Anvarjon Muqumjonovich
2-bosqich magistranti,
Andijon Mashinasozlik Instituti

Elektron axborot ta'lim resurslarini yaratishda keng ishlatilib kelinayotgan dasturiy ta'minotlardan biri Ispring dasturi hisoblanadi. Odatda, taqdimotni o'tkazishga tayyorlanish jarayonida aksariyat hollarda Microsoft PowerPoint dasturiy ta'minotidan foydalaniladi [1] . Ammo bunday taqdimotlar faqat mazkur mahsulot formatidagina bo'lishi mumkin (ppt, pptx). Hozirgi vaqtda internet texnologiyalarining rivojlanishi va o'z navbatida, masofali ta'lim turining paydo bo'lishi natijasida taqdimot fayllarini internet brauzerining o'zida onlayn ravishda to'g'ridan-to'g'ri ko'rish uchun flash (swf) formatida yoki HTML 5 texnologiyasi asosida yaratilgan fayl bo'lishi kerak [2] . Hozirga kelib, PowerPoint dasturida tayyorlangan taqdimotdan flash-rolik shakllantirish imkoniyatini beruvchi dasturlar yaratilgan. Mahsulot iSpring deb nomlanadi va iSpring QuizMarker, iSpring PRO va iSpring Kinetics kabi variantlarga ega. Mustaqil ekspertlarning fikriga ko'ra, bugungi kunda mazkur mahsulot tezligi, bir formatdan boshqa formatga konvertatsiyalash sifati va optsiyalar soniga ko'ra eng yaxshilaridan biri hisoblanadi. iSpring nafaqat flash-taqdimotlarni yaratishga, balki ta'lim jarayonida qo'llanilishi mumkin bo'lgan roliklar tayyorlashda, xususan, ularga turli shakldagi so'rovlar, elektron testlarni ham kiritgan holda o'zaro interaktiv bog'lanish imkoniyatini ham beradi. Interaktivnosti qismida 4 turdagi

interaktiv elementlarni yaratish mumkin: kitob (Kniga), glossariy yoki katalog (Katalog), savol-javob (Vopros-otvet), vaqt shkalasi (Vremennaya shkala). Interaktiv elementlar yordamida ixtiyoriy matnli yoki grafik axborotlarni osonlik bilan tizimlashtirish mumkin [3] .

Interaktiv kitob yaratish uchun Interaktivnosti bo‘limida Kniga tanlanadi. Dastur avtomatik tarzda 3D-kitob maketini yaratadi. iSpring dasturi interfeysi Microsoft Office dasturlarining interfeysiga o‘xshash bo‘lib, ekranning yuqori qismida lenta maydoni mavjud. Bu maydon to‘rtta vkladkadan iborat: kniga, dizayn, vid va spravka. Har bir vkladka tarkibida shu vkladkaga mos buyruqlar mavjud. Kniga vkladkasi 5 blokdan iborat [4] .

Stranitsa blokida kitob sahifalarini yaratish hamda yaratilgan sahifalar nushasini ko‘paytirish (dublirovat) yoki mavjudlarini o‘chirish. Shrift bloki turli shriftlardan foydalanish imkoniyatini beradi hamda matnni tahrirlash uskunalaridan tarkib topgan. Risovaniye bloki yordamida mos buyruqlar yordamida kitobning birinchi sahifasiga tasvir va personaj qo‘yish mumkin.

Dizayn menyusi yordamida kitobning dizayni va shaklini o‘zgartirish mumkin. Kitob sahifasi uchun rang tanlash imkoniyati ham mavjud.

Vid menyusida kitob tahrirlash jarayonida kitobning holatini sozlash mumkin. Shundan so‘ng 3D-kitobni internetga joylash va foydalanuvchilarga taqdim etish mumkin. Glavnaya menyusidagi Publikatsiya buyrug‘ini ishga tushiramiz va interaktiv kitob nomi, ushbu kitobni saqlash kerak bo‘lgan manzilni ko‘rsatamiz. Sjatiye vkladkasida faylni siqish metodini tanlaymiz [7] .

Kitobni nashr etgandan so‘ng, kitobni brauzer oynasi yoki Adobe Flash Player yordamida ko‘rish mumkin. Glossariy elektron axborot ta’lim resurslarining eng asosiy qismi hisoblanadi. Glossariy yoki katalog yaratish uchun Katalog tanlanadi. Zagolovok interaktivnosti bo‘limiga Glossariy nomi kiritiladi. Noviy element yordamida har bir termin uchun oyna ochiladi. Element qismida termin nomi va pastki maydonda uning izohi kiritiladi. Barcha termin va uning izohlarini kiritib bo‘lgandan so‘ng Publikatsiya elementi yordamida glossariyni interaktiv ko‘rinishga o‘tkazish mumkin. Kengaytirilgan iSpring Suite 7 paketi o‘zida quyidagi imkoniyatlarni jamlagan: PowerPoint muhitida o‘quv kurslari va Flash-taqdimotlarni yaratish (iSpringPro); interaktiv testlar, so‘rovnomalar va anketalarni ishlab chiqish (iSpring QuizMaker); elektron kurslarni illyustrativ imkoniyatlarini oshirish uchun interaktiv elementlarni yaratish (iSpring Kinetics).

Talabani bilimini tekshirishning eng sodda va sifatli usuli – bu baholash testi hisoblanadi [12] . iSpring dasturining Testi qismida Noviy test tanlanadi. iSpring dasturi yordamida quyidagi turdagi test savollarni yaratish mumkin: Tasdiqni to‘g‘riligini baholash, Eng to‘g‘ri javob variantini tanlash (Bir tanlovli test), Bir nechta javob variantini tanlash (Ko‘p tanlovli test), Maxsus maydonga savol javobini kiritish (Satrni kiriting), Mos elementlarni qiyoslash (Qiyoslash), Berilgan variantlarni to‘g‘ri ketma-ketlikda joylashtirish (Tartiblash), To‘g‘ri javob variantini sonli formada

kiritish (Sonni kiriting), Matn tarkibida bo‘sh qolgan o‘rinlarni mos javoblar bilan to‘ldiring, Ochiluvchi ro‘yhatdan to‘g‘ri javob variantini tanlang, Bo‘sh qolgan o‘rinlarni «banka slov» tarkibidagi variantlar yordamida to‘ldiring [12]. Tasvirdagi to‘g‘ri maydonni ko‘rsating kabi imkoniyatlardan foydalangan holda electron darslilar uchun testlar va electron kitobnblar yaratish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Muhammadiyev J.O'., Nazirova D.X. Power Point programmasida ishlash. O'quv uslubiy qo'llanma TDYI- 2003 yil.
2. Razzoqov Sh.I. , Yo'ldoshev Sh.S. , Ibragimov U.M. "Kompyuter grafikasi"
3. Kasb- hunar kollejlari uchun "NOSHIR"- TOSHKENT-2013 yil.
4. J.F.Yo'ldoshev, S.Usmonov "Ilg'or pedagogic texnologiyalar".Toshkent sh. "O'qituvchi" 2004 y
5. T. Madumarov, M. Kamoldinov "Innovasion pedagogik texnologiya asoslari va uni ta`lim tarbiya jaraènida qo`llash", T. "Talqin", 2012yil.
6. A. Abduqodirov, A. Pardaev "Masofali ta`lim nazariyasi va amaliyoti", T. 2010y, 136 B.
7. A.R.Maraximov, S. I. Raxmonqulova «Internet va undan foydalanish asoslari». Toshkent-2001. O`quv qo`llanma.
8. "Uchebniki i spravochno`y material po web-texnologiyam". Elektroniy uchebnik.
9. www.ziyonet.uz
10. www.adobe.com
11. www.flash.ru
12. http://www.ispring.ru

THE IMPORTANCE OF USING INDUCTION HEATING SYSTEMS IN HEATING HOMES IN COLD SEASONS.

Sadirdinov Ismoiljon Abduvosi o‘g‘li
Student of Andijon machine building institute
Asranov Xabibullo Kamoldin o‘g‘li
Assistant of Andijon machine building institute

Today, the rational use of energy resources and the widespread use of energy-saving technologies in the domestic and industrial sectors are the requirements of the times. In particular, the demand for electricity is growing from year to year, which puts high pressure on the power generation industry. In addition to the creation of new alternative and traditional power plants, it is a wise solution to minimize losses in existing energy consumption.

In recent years, induction heating systems have been used globally in metallurgy and other industries, and even induction heating stoves are now being delivered to consumers. Its high efficiency (efficiency ratio is usually 98% to 99%) has led to its popularity.

Induction heating is the process of heating electrically conductive materials due to the phenomenon of electromagnetic induction, the current flowing through the induction coil creates a magnetic field and moves the electrons of the conductor inside the coil, and as a result the conductor begins to heat up.

An induction heater consists of an electromagnetic and an electronic vibrator that conducts high-frequency alternating current. A rapidly changing magnetic field acts on an object and creates a current flow inside the conductor. Due to the electrical resistance of this conductor, the conductor begins to heat up according to the Joule law. The frequency of the electric current used in induction heating depends on the size of the object, the type of material and the location of the area of impact (fig.1).

One of the important features of the induction heating process is that the heat is generated in the object itself, it does not need any external heat source, and it can be added that the heating process of the object is carried out very quickly. In addition to industrial production, electromagnetic induction heating technology is used to heat homes as follows. That is, in the first method, the heat carrier is water and is used to heat water from an induction boiler. In the second method, the induction coil is placed on the floor of the house, thus transferring heat in the form of a "warm floor". A "warm floor" system can also be installed if the heat carrier is water. Pipes of the required size will be installed under the floor and hot water will be supplied by an induction boiler.



Figure 1. Induction water heating system.

It is known that in Uzbekistan, natural gas is used as the main raw material for heating homes and other types of buildings. However, compressed natural gas is replacing most of the country's cars main fuel source. In addition, it has become natural for the number of manufacturing enterprises and greenhouses to increase sharply. All of the above create an additional burden on the natural gas supply,

resulting in a shortage of natural gas. Also, some rural areas have no natural gas supply at all.

In such circumstances, the use of induction boilers for heating and other uninterrupted hot water supply is a modern and promising solution.

On the one hand, the new technology will increase the demand for electricity, but improving it, that is, automating it, will increase energy efficiency. This is because, unlike traditional electric heating boilers, induction boilers transfer heat quickly and do not connect to the power supply when properly automated.

It also has a number of safety advantages, as there is no contact between the boiler and the water inside the boiler, which has no combustion or flammability.

The most important advantage is that it can heat large volumes of water quickly and economically, which requires not much time than other types of electric boilers, and it should be noted that the service life of induction boilers is usually 15-20 years. That's a lot more than traditional electric boilers.

Like all appliances, induction heating boiler has not only advantages, but also disadvantages, including:

• First of all, of course, the high cost of such boilers. Most conventional electric heating elements are 1.5 times cheaper than boilers.

• The connection is made only in the indoor heating system of the house. However, the pressure in it should be controlled and should be less than 0.3 MPa.

• Significant weight in small size. This feature should be taken into account when installing the boiler on the wall.

• Noise within a few meters radius (depending on the power of the boiler) over the entire radio range. Such interference is absolutely safe for humans.

Given the advantages of the above, induction heating systems can be used in every household, in the heating of large buildings, and in the metallurgical industry for the melting of ferromagnetic metals. This prevents excessive energy consumption and ensures a high level of life safety.

References

1. *Halil Murat Unver, A new induction water heating system design for domestic heating. Researchgate , 2012.*

2. *Dong-Hwi Sohn, Hyeju Eom and Keun Park, Application of high-frequency induction heating to high-quality injection molding*, in *Plastics Engineering Annual Technical Conference Proceedings ANTEC 2010*, Society of Plastics Engineers, 2010.

3. *Sanchez Careaga, FJ, Porat, A, Briens, L, Briens, C. Pyrolysis shaker reactor for the production of biochar. Can J Chem Eng. 2020;*

4. *Snelgrove, Martin (2011). "Oscillator". McGraw-Hill Encyclopedia of Science and Technology, 10th Ed., Science Access online service.*

5. *Ellinger, Frank (2008). Radio Frequency Integrated Circuits and Technologies, 2nd Ed. USA: Springer.*

6. *Maas, Stephen A. (2003). Nonlinear Microwave and RF Circuits, 2nd Ed. Artech House.*

DESIGN OF WIRELESS WATER QUALITY MONITORING SYSTEM FOR WATER TREATMENT FACILITIES

Salohiddinov Fayzulloh Fazliddin og'li
Andijan machine building institute,
Master,
Department of "Automation of machine-building production".

Water resources are important and the basis for the development of the national economy and are associated with the security and standard of living of people. With the development of the economy of the Republic of Uzbekistan and the improvement of people's living standards, wastewater discharge is increasing day by day, and the wastewater treatment industry is facing huge challenges. The process of wastewater treatment is that the water after a certain treatment must meet the established regulatory standards and the water after treatment can be used in reservoirs. [1]

The main process of wastewater treatment begins with the fact that wastewater enters the sewer facilities and is treated in the following sequence.



Fig.1. Block diagram of the wastewater treatment process

System structure. Due to the manual control in the existing water quality monitoring system, there are many shortcomings, and the adjustment accuracy is low. In Figure2, taking into account the existing shortcomings, a water quality measurement and control system is proposed that applies distributed wireless network technology and remote control technology to a water quality monitoring system in a water treatment plant.



Fig.2. Structural diagram of a wireless water quality monitoring system.

The system realizes the measurement and control of water quality parameters and transmits to the remote monitoring system through a wireless network to control water in real time. The base station of the control center is mainly used to connect the remote monitoring system and data collection terminal, and execute the commands of the remote monitoring system; the data collection terminal is mainly responsible for collecting water quality parameters and sending the data to the base station of the transmission control center. Figure 2 and 3, respectively, show a block diagram of the hardware of the base station of the transmission control center and the data collection terminal.



Fig3. Block diagram of the hardware of the base station of the transmission control center and the data collection terminal.



Fig4. Block diagram of the hardware of the data collection terminal.

The remote online monitoring system displays all system parameters in real time. For the connection, the GPRS network is used, the connection to the NRF24L01 data collection terminals. To increase the radiation distance, a high gain module is added.

The data collection terminal is responsible for collecting water quality parameters and sending them to the base station of the transmission control center. STM32F103C8T6 is used as the main controller, and the terminal is equipped with temperature sensor, DO sensor and pH sensor. Data transmission is carried out using the NRF24L01 wireless transceiver module. The terminal uses a combination of solar panels and lithium batteries to supply power, and solar cells are used to power the system and power the lithium batteries during the day, and are charged and powered by the lithium batteries at night. The main function of a water quality monitoring system is to provide monitoring and control of water quality.

Used literature

1. Цариковский А.И. вопросы автоматизации для процессов очистки технологических сточных вод // Современные наукоемкие технологии.2007. №6.С.49-50;
2. Ф.Ф. Ямалиев, Э.Р. Бариева. Оптимизация системы очистки сточных вод // Вестник магистратуры. 2014. № 12(39). Том I
3. Jayti Bhatt, Jignesh Patoliya, Iot Based Water Quality Monitoring System, IRFIC, 21feb,2016.
4. D.N. Muxiddinov, N.A. Yunusova, I.A. Daynovov. New methods for obtaining quality drinking water in a water treatment plant. // chemical technology. Control and management. International scientific and technical journal 2020, №3(93) page. 10-14.

OQAVA SUVLARNI BIOLOGIK TOZALASH JARAYONINI AVTOMATLASHTIRISH LOYIHASI

Salohiddinov Fayzulloh Fazliddin o'g'li
Andijon Mashinasozlik instituti,
"Mashinasozlik ishlab chiqarishni avtomatlashtirish"
kafedrasi magistranti.

Avtomatlashtirish bu texnologik jarayonlarning samaradorligini oshirish yoki alohida uskunalarning ishlashi uchun o'z-o'zini tartibga soluvchi murakkab texnik vositalar va matematik qurilmalardan foydalanishga imkon beruvchi ilmiy va texnologik taraqqiyotning yo'nalishlaridan biridir. Avtomatlashtirish bizga samaradorlikni oshirish, mahsulot sifatini yaxshilash yoki texnologik jarayonning barqarorligini oshirish, boshqaruv jarayonlarini optimallashtirish va ishlab chiqarish jarayonining murakkab texnologik zanjiridan chiqarib tashlash imkonini beradi.

Oqava suvlarni tozalsh, ayrim holatlar bundan mustasno. Belgilangan vazifalarni hal qilish uchun kompleks va tizimli yondashuvni talab qiladi. Bu jarayonlar yuqori darajadagi o'z xizmat vazifalarini bajarish uchun mo'ljallangan tizimlardir. Bu bosqichlar murakkab ketma-ketdan iborat bo'lib [2], ifloslangan suvlar standartlarga muvofiq tozalash kerak. Ushbu jarayonning bosqichlaridan biri chiqindi suvlarni biologik tozalash hisoblanadi.

Tozalash sifati quyidagi omillarga bog'liq: chiqindi suvlarning ifloslanish darajasi, atrof-muhit va suv harorati, oqava suv sifati va samaradorligi, bir vaqtning o'zida drenajlarning miqdori, ifloslantiruvchi moddalarning kimyoviy tarkibi va boshqa ko'plab omillar va yirik shaharlar uchun tozalash inshootlari oqava suvni tozalash samaradorligiga ta'sir qiladi. Shu boisdan, suvni tozalash bosqichlarida, avtomatlashtirish va boshqarish vositalaridan foydalanadigan yangi samarali usul va vositalarni ishlab chiqish zamonaviy suv xo'jaligi iqtisodiyotining dolzarb vazifasidir.

Biologik tozalash eng oddiy mikroorganizmlar organik ifloslantiruvchi [1] tomonidan murakkab va nozik assimilyatsiya jarayonini ifodalaydi. Hayotiy faoliyat jarayonida mikroorganizmlar o'sadi, ko'payadi va o'ladi. Bundan tashqari, ma'lum bo'lganidek, ularning eng katta faoliyati eng oddiy o'lchamlarda kuzatiladi. [3] Suv muhiti orqali kuchli havo oqimlarini o'tkazib, faol loyqa parchlarini aralashtirish va demontaj – mikroorganizmlarning faoliyatini va kislorod miqdorini suv muhitida saqlab qolish uchun ishlatiladi. Shuni ta'kidlash kerakki, bu bosqichda tozalangan suvning kislorod bilan to'yinganligi eritilgan organik moddalarni ko'paytirish va qayta ishlash uchun mikroorganizmlarning faol faoliyatining zarur va majburiy shartidir. Hozirgi vaqtda bu jarayonda juda ko'p energiya sarflanadi va nisbatan katta havo pufakchalarining mavjudligi sababli, ular qaynash paytida umumiy aloqa maydonini kamaytiradi va uzoq vaqt davomida samarali eriydi. Oxirgi xususiyatlar chiqindi suvlarning biologik tozalash zanjirida eng muhim hisoblanadi va ularning qiymati qurilmaning konstruktiv mukammalligining o'lchovidir, xususan, atrof-muhitning kislorod bilan to'yinganligiga olib keladigan qurilma.

На этапах создания и эксплуатации информационно-аналитической системы, возникает необходимость принятия решений в условиях нечеткой исходной информации. Основными источниками нечеткости являются объективная и субъективная неопределенности. Объективная неопределенность – это неопределенность внешних возмущающих факторов, влияющих на технологический процесс. Субъективная неопределенность – это неопределенность, присущая знаниям эксперта проблемы, специалиста проектировщика, администратора сети, а также заказчика, формулирующего свои требования и условия в форме трудно формализуемых вербальных оценок.

При проектировании сложных технических систем, необходимо учитывать данные виды неопределенностей. Однако эксперт или заказчик не может описать проектировщику ситуации, которые ранее ему не были известны. Как правило, это всевозможные нестандартные и аварийные ситуации.

Отсутствие четкого понимания существа процесса функционирования объекта также является причиной неполноты исходной информации для проектировщика. Другим важным источником неопределенности и нечеткости в задачах проектирования и управления производством является трудноформализуемость общей цели функционирования и невозможность учета множества характеристик системы количественными методами.

Присутствие в процессе принятия решений неопределенности не позволяет точно оценить влияние основных параметров и характеристик системы на целевую функцию.

В общем случае сложные условия создания информационно-аналитической системы приводят к необходимости учета в процессе их проектирования следующих видов неопределенностей и нечеткостей:

- недостаточности и нечеткости исходных данных, получаемых на этапе предварительного обследования объекта внедрения информационно-аналитической системы, вызванных отсутствием возможности проведения натурного эксперимента и погрешности замера параметров функционирования информационно-аналитической системы;
- неточности моделей, возникающие из-за сложности декомпозиции общей задачи проектирования, большой структурной сложности объекта автоматизации, разрыва существенных связей в процессе, линеаризации, дискретизации, замены фактических характеристик оборудования паспортными, нарушения допущений, принятых при расчетах;
- неопределенности и нечеткости в задании переменных величин в моделях, начальных и граничных условий, связанных с существенными нелинейностями характеристик, трудностей формализации, наличием различных субъективных критериев и ограничений;

- неопределенности и нечеткости, вызванные неэквивалентностью решений системных многоуровневых иерархических моделей и используемых на практике отдельных локальных задач;
- нечеткости исходной информации, получаемой от экспертов, связанной с неопределенностью понятий и терминов;
- нечеткости в процессе принятия проектных решений, вызванные трудностями формализации и представления знаний ЛПР;
- неопределенности, проявляющиеся при агрегации правил и моделей принятия решений, исходящих от разных источников знаний (эти правила и модели могут быть противоречивыми, избыточными и т.п.);

Особенно сложным является описание областей допустимых режимов функционирования информационно-аналитической системы в условиях, когда задание жестких (четких) ограничений для информационно-аналитической системы приводит к отказу оборудования информационно-аналитической системы или полной ее остановке. Поэтому крайне важной представляется возможность использования для описания и формализации областей допустимых режимов работы оборудования теории нечетких множеств.

Учитывая выше перечисленные неопределенности и нечеткости, возникающие на этапе формирования технического задания и принятия проектных решений, задача разработки машинно-ориентированных моделей и алгоритмов эффективного управления информационно-аналитической системы в условиях неопределенности и нечеткой исходной информации становится актуальной.

Список литературы

1. Н.Р. Юсупбеков, Ш.М. Гулямов, У.Т. Мухамедханов, Ш.А. Раджабов. Интеллектуалиция технологий контроля и управления технологическими процессами и производствами. Ташкент, 2011.-84 стр.(Препринт).

2. Сиддиков И.Х., Жукова Ю.А., Ядгарова Д.Б. Адаптивный алгоритм управления динамическими процессами на базе нейро-нечеткой технологии // Проблемы вычислительной и прикладной математики, 2017, стр. 80-83.

3. Молчанов А.Ю. Выбор структуры построения экспертной системы мониторинга режимов электроэнергетической системы // Известия Южного федерального университета. Технические науки. – 2010. - №1. - С.193-196.

IKKILAMCHI POLIMERLAR MUSTAXKAMLIGIGA TEXNIK YONDASHUV

Tojiboyev Begijon Mamitjonovich

"Materialshunoslik va yangi materiallar texnologiyasi" kafedrasi mudiri, texnika fanlari nomzodi, dotsent,

Andijon mashinasozlik instituti

Andijon, O`zbekiston

Muhiddinov Nuriddin Zuxridinovich
tayanch doktorant,
Andijon mashinasozlik instituti,
Andijon, O`zbekiston

Xozirgi kunda materiallarning mustaxkamligini baholashning uch xil mezoni mavjud: mexanik, termodinamik va kinetik yondoshishlar shular jumlasidan.

Mexanik yondoshish avvalo injenerlik nazariyalar asosida turli formadagi materiallarning (mashina detallari yoki bu yumlar) turli murakkab sharoitlarda ishlashi va mustaxkamligini saqlash xususityatini tashqi yoki ichki kuchlanishlar ta'siriga nisbatan chidamligini yoqotishidir. Har qaysi alohida olingan material uchun ma'lum chegaraviy kuchlanish mavjudki, bu kuchlanish ta'sirida material o'z mustaxkamligini yo'qotadi va emiriladi. Bu kuchlanish bu yumning mustaxkamlik mezoni deb qabul qilingan. Buni aniq misolda ko'rish uchun turli temperaturada kuchlanish – deformatsiya diagrammasini ko'raylik. [1,4,6]



1-rasm. Turli xolatdagi polimerlarning cho'zish egri chiziqlari.
1-mo'rt xolatda
2- mo'rt bo'lmagan xolatda
3- qovushqoq – qayishqoq xolatda

1 – egri polimerning mo'rt uzilishga to'g'ri keladi. Bunda namuna mo'rt holatida bo'lgani uchun uzish kuchlanishi chegaraviy mustaxkamlikka teng bo'ladi. 2 – egri esa polimerni mo'rtlik temperaturasidan yuqorida cho'zish orqali hosil qilingan. Bunda polimer shishasimon holatda bo'ladi va majburiy yuqori elastik deformatsiya kuzatiladi. Cho'zish deogrammasidagi 3-egri esa polimerning yuqori elastik holatiga to'gri keladi. ya'ni shishashlanish tempearutrasidan yuqorida. Bu holatda polimerning cho'zilishini plastik metallning cho'zilishiga taqqoslash mumkin. Cho'zilish chegarasi deb bu xolda plastiklik chegarasi qabul qilingan. Demak material turli fizik xolda turlicha mexanik mustaxkamlikni namoyon etar ekan. Temperatura $T_m < T_{sh} < T_{yue}$ tarzida, ya'ni mo'rtlik temperaturasidan shishalanish va yuqori elastik holat temperaturasiga ortishi mexanik mustaxkamlikni ortishiga olib keladi. Mustaxkamlik chegarasi tushunchasini ko'rib chiqsak. Bu tushuncha materialga mexanik buzish, emirish ta'sirida uning chegaraviy kritik holatini aniqlashda, qachonki emirish jarayoni boshlanishi vaqtini belgilashdir. Materiallarning chegaraviy holati nazariyalari ishlab chiqilgan. Bular maksimal, normal kuchlanish nazariyasi; maksimal uzayish nazariyasi va egiluvchanlikning chegaraviy energiyasi va boshqalar. [5]

Polimer materiallarning mexanik mustaxkamligiga ularni ishlab chiqishi texnologiyasi katta ta'sir ko'rsatadi.

Bular – polimerlanish yoki polikondensatlanish sharoitlari, katalizator yoki iniitsiatorning tabiati, aralashmadagi komponentlar – nisbatlari: monomerlar, iniitsiator, ingibitor, regulyator va erituvchilar. Polimerni qayta ishlash jarayonlari (presslash, cho'zish, bosim ostida quyish, ekstruziya, kalandrlash va boshqalar).

Xozirgi kunda avvaldan xususiyatlari belgilangan polimer materiallarni ishlab chiqarish usullari yaratilgan. Bunda texnologik jarayonni olib borishda turli strukturalarni paydo bo'lishi va kerakli mexanik xususiyatli materiallar yaratish uslublari hisobiga olinadi. Polimerlarning turli fizik holatda bo'lishi uning turli mexanik mustaxkamlikni namoyon etadi. Misol uchun polimetilmetakrilat shishasiomn holatda yuqori mexanik mustaxkamlikni namoyon etadi. Temperatura ta'sirida yumshatilgan polimetimetakrilatni mustaxkamligi keskin kamayadi. Polimerdagi kristall va amorf qismlar nisbati ham katta ahamiyatga ega. Misol uchun kichik bosimda olingan va yuqori zichlikka va yuqori kristallik darajasiga ega bo'lgan polietilen, yuqori bosimda olingan kristallanish darajasi past bo'lgan polietilenga nisbatan bir necha baravar mexanik mustaxkamdir. [4]

Polimer bu yumlari yuzasidagi deffektlar, yoriqlar mavjudligi ularning mexanik xususiyatlarini keskin yomonlashtiradi. 2-rasmda utkir burchakli va yoysimon deffektli namunaning kuchlanishi diagrammasi keltirilgan. O'tkir burchakli deffektli namunaning mexanik mustaxkamligi yoysimon deffektli namunanikiga nisbatan bir necha marotaba kam bo'ladi.

Namuna yuzasida bunday yoriqlarning mavjudligi oxir oqibat, ular mustaxkamligiga keskin salbiy ta'sir ko'rsatadi.



2-rasm. Polimerlarni kuch orqali tortilgandagi uzishish jarayoni.

Shuning uchun texnologlar oldiga polimerlardan konstruktsion detallar ishlab chiqarganda bunday deffektli namunalar hosil bo'lishiga yo'l qo'ymaslik talab etiladi. Polimer materiallarni yuzasidagi deffektlarni kamaytirish uchun ular sirtqi yuzasi kichiklashtirilishi lozim. Ya'ni ularning ko'ndalang kesim yuzasi kamaytirilganda yoriqlar shakllidagi deffektlar soni kamayar ekan. Buni quyida keltirilgan butadien stirol kauchugi asosida hosil qilingan turli qalinlikdagi namunalarning tashqi kuchlanish ta'sirida uzilishi misolida ko'rishimiz mumkin. 4 – rasmda qalinligi 1 – 2,2 mm, 2- 1,2 mm, 3 – 0,4mm bo'lgan rezinalarning chegaraviy mustaxkamligi ko'rsatilgan.



3-rasm. Ikkilamchi polimerdagi mikroyorikning molekulyar modeli



4-rasm. Chegaraviy mustaxkamlikning ikkilamchi rezina qalinligi bog'liqlik egrilari. 1- namuna qalinligi 2,2 mm, 2 – 1,2 mm; 3 – 0,4 mm.

Demak rasmda keltirilgan egrilarni solishtirar ekanmiz, qanchalik ko'ndalang kichiklasha borar ekan, namunaning mexanik mustaxkamligi ortib boradi.

Yuqorida butadienstirol kauchuklari asosida tajribalar natijalari keltirilgan bo'lsa, oddiy shisha tolalari mexanik mustaxkamligi tekshirilganda ham yuqoridagidek qonuniyat kuzatilgan. [1]

Qalinligi 0,2 mm bo'lgan shishadan qilingan tolaning uzilish kuchlanishi 200 – 300 MPa, va qalinligi 0,1 mm shisha tolasining uzilish kuchlanishi esa 2000 MPa tashkil etgan.

Mustaxkamlik chegarasi mavjud bo'lib, bunda shunday chegaraviy kritik holatlar yuzaga keladiki - polimerlarda yemirilish, parchalanish jarayoni kuzatiladi. Bu jarayonning qonuniyatlarini emirilish yoki buzilish mexanikasi o'rganiladi. [1,3]

Mustaxkamlik chegarasida kuchlanishning ortib ketishi natijasida (max.qiymat) majburiy elastik deformatsiya yuzaga keladi. Bu majburiy elastik deformatsiya metallardagi plastik deformatsiyaga taqqoslash mumkin. Lekin polimer materiallardagi mo'rt uzilash jarayoni bilan majburiy elastik deformatsiya bir – biridan keskin farqlanadi. [6]

Endi bir o'q bo'yicha orientatsiyalangan chiziqli polimerlarning tuzilishini ko'rib chiqamiz.



5-rasm. I – orientatsiya, o'qi bo'yicha cho'zilganda II – orientatsiya o'qiga perpendikulyar cho'zilganda III – zanjirlar yo'nalishi bo'yicha siljitish IV - zanjir yo'nalishiga nisbatan perpendikulyar siljitish.

Yuqorida keltirilganrasmdan ko'rinadiki, I va IV holatda asosan kimyoviy bog'larning uzilishi hisobiga buzilish kuzatiladi. II va III holatlarda esa asosan makromolekulalararo fizikaviy bog'lanishda buzilishi kuzatiladi.

Adabiyotlar

1. Muhiddinov N., Tojiboyev B., "Mechanical use of polimer compositional materials" Indonesian jurnal of innovation studies. 10.02.2020
2. Muhiddinov N., Tojiboyev B., "Polimer kompozitsion materiallarda dispers to'ldiruvchilarning umumiy xususiyatlari" "Ilm-fan, ta`lim va ishlab chqarishning innovatsion rivojlantirishdagi zamonaviy muammolari" mavzusida ilmiy –amaliy (International scientific-practical conference on the topic of "modern issues of modern issues of innovative development of science, education and production). Andijon, 2020-yil- B. 795-799.
3. Tojiboyev, B. M., Muhiddinov, N. Z., Karimov, R. I., & Jalilov, R. R. O. G. L. (2021). IKKILAMCHI TERMOPLAST POLIMERLAR ASOSIDA QURILISH SANOATI UCHUN POLIMERKERAMIK KOMPOZITSION MATERIALLARNI OLISH JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISH. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *1*(9), 386-392.
4. Жалилов, Рахимжон Равшанбек Ўғли, and Хуршида Рахимжон Қизи Абдуғаниева. "ИССЛЕДОВАНИЕ МОРФОЛОГИИ И РАЗМЕРОВ УЛЬТРАДИСПЕРСНЫХ ПОРОШКОВ ВОЛЬФРАМА КРИСТАЛЛООПТИЧЕСКИМИ МЕТОДАМИ." *Academic research in educational sciences* 2.11 (2021): 633-640.
5. Khakimovich, Rasulov Alisher, Nurmurod Salohiddin Dusmuratovich, and Jalilov Rahimjon Ravshanbek o'gli. "DEVELOPMENT OF THERMAL TREATMENT WITH DOUBLE–PHASE RECRYSTALLIZATION OF THE COMPOSITE OF HIGH–CUTTING STEEL P6M5 WITH CONSTRUCTION STEEL 35ГЛ."*CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES* 2.5 (2021): 101-107.

6. Zuxridinovich, M. N., & Muxammadzokir ogli, R. M. (2021). To improve the technology of obtaining polymer composite materials on the basis of fillers that provide special properties. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, *3*, 168-171.

ZAMONAVIY KOMPYUTERLARNING KONFIGURATSIYALARI VA ULARNING QO'LLANILISH SOHALARI

[1]Nurdinova R.A.,
[2]G'offorov E.U.,
[2]Yo'lchiboyeva S.J.
[1]Muhammad al-Xorzamiy nomidagi TATUFF dosenti;
[2]Muhammad al-Xorzamiy nomidagi TATUFF talabalari

Kompyuter (elektron hisoblash mashinasi) - hisoblash va axborot masalalarini yechish jarayonida axborotlarga avtomatik ishlov berish uchun mo'ljallangan texnik vositalarining to'plami. Kompyuterlami qator belgilar bo'yicha guruhlarga ajratish mumkin, xususan:

• ishlash tamoyili;
• element asosi;
• vazifasi;
• o'lchami va hisoblash quvvati va hokazo.

Raqamli hisoblash mashinasi (RHM) yoki kompyuter, diskret ko'rinishda ifodalangan, aniqrog'i raqamli shaklda ifodalangan axborot bilan ishlaydi [1,2].



Analog hisoblash mashinalan uzluksiz shakldagi, ya'ni qandaydir fizik kattalikdagi uzuluksiz qatorga ega bo'Igan qiymatlar ko'- rinishidagi (ko'pincha elektr kuchlanishi) axborotlar bilan ishlaydi. AHM juda sodda va foydalanishga qulay, bu mashinada ishlash uchun masalalarni dasturlash uchun odatda ko'p mehnat talab etilmaydi. Masaiani yechish tezligi operatorning xohishi bo'yicha o'zgarishi mumkin va xohlagancha yuqori tezlikda amalga oshirish mumkin (RHM lardagiga qaraganda yuqoriroq), ammo masalani yechish aniqligi esa juda past (nisbiy xatoligi 2 - 5 % gacha). AHM murakkab mantiq talab etilmaydigan va tarkibida differensial tenglama bo'lgan matematik masalalar samarali yechiladi. Elektron AHM ni ko'pincha elektron model lashtiruvchi mashinasi ham deb ataydilar, chunki masalani yechish uchun ularda tadqiqot qilinayotgan tizimning fizik modeli yaratiladi. To'g'ri, xuddi shu

asosda elektron RHM ham xuddi shunday atash mumkin, vaholangki ularda ham yechiladigan masala modeli yaratiladi, ammo model abstrakt, matematikdir. GHM (aralash (gibrid) hisoblash mashinasi), yoki kombinatsiya- lashtirilgan hisoblash mashinasi, raqamli va uzluksiz shaklda ifodalangan axborotlar bilan ishlaydi. Ular o‘zida AHM va RHM afzalliklarini mujassamlashtirgan bo‘ladi. GHM ni murakkab tez ishlovchi texnik majmualami boshqarish masalalarini hal qilishda foydalanish maqsadga muvofiqdir. Iqtisodda va shuningdek ilm hamda texnikada eng ko‘p foyda-laniladigan va tarqalgan turi bu RHM, odatda ularni raqamli xususiyatini eslatmasdan oddiy kompyuter deb ataladi. Yaratilish bosqichi va element asosi bo‘yicha kompyuterlami shartli ravishda avlodlarga bolinadi:

1-avlod, 1950-yillar: elektron vakumli lampalardagi EHM;

2-avlod, 1960-yillar; diskret yarim o‘tkazgichli asboblardagi EHM (tranzistorlardagi);

3-avlod, 1970-yiIlar; yarimo‘tkazgichli kichik va o'rta integral sxemalardagi kompyuterlar (bitta g‘ilof ichida yuzlab - minglab tranzistorlar joylashtirilgan). Integral sxema - maxsus vazifalar uchun mo'ljallangan elektron sxema, u yaxlit yarimo‘tkazgichli kristall sifatida bajarilgan bo‘lib, o'zida katta sondagi aktiv elementlarni (diod va tranzistorlami) birlashtiradi;

4-avlod, 1980-90-yillar; katta va juda katta integral sxemalardagi kompyuterlar, ulaming asosi - mikroprotsessorlardir (bitta kristalda o‘n mingtalab - millionlab aktiv elementlar mavjud). Katta integral sxemalarda aktiv elementlar shunchalik zich joylashtirilganki, 1- avlod kompyuterining barcha elektron qurilmalari 100 - 150 m2 maydonni egallagan bo‘lsa, hozir 1,5 - 2 sm2 maydonni egallovchi bitta mikroprotsessorga joylashtirilgan, Juda katta integral sxemalardagi aktiv elementlar o‘rtasidagi masofa 0,032 - 0,11 mikronni tashkil etadi (solishtirish uchun, odamning soch tolasining qalinligi bir necha o‘n mikronga teng).

5-avlod, hozirgi vaqt (2010...); bir necha o‘nlab parallel ishlovchi mikroprotsessorlardan tashkil topgan kompyuterlar, ular yordamida bilimlarga ishlov berishning samarali tizimlarini qurishga imkoniyat mavjud; parallel tarkibli juda murakkab mikroprotsessorlarda bajarilgan kompyuterlar bir vaqtning o‘zida dastuming o‘nlab ketma- ket ko‘rsatmalarini bajara oladilar.

6-avlod va keyingilari: yalpisiga parallellashtirilgan va neyron tarkibdagi optoelektron kompyuterlar, ularda ko‘p sonli murakkab bo'lmagan mikroprotsessorlaming taqsimlangan tarmog'i bo‘lib, neyronli biologik tizimning modeli kabidir. Kompyuterlarning har bir keyingi avlodi o‘zining oldingi avlodiga nisbatan jiddiy yaxshi ko‘rsatkichlarga ega bo'ladi. Kompyuterlarning unumdorligi va barcha xotirasining sig‘imi odatda bir necha o‘n marotaba ortiq [3].



Universal kompyuterlar juda turli muhandislik, texnik, iqtisodiy, matematik, axborot va shu kabi masalalami yechish uchun mo‘ljallangan. Universal kompyuterlarning xususiyatlari quyidagilardan iborat:

- yuqori unumdorlilik;
- ishlov benladigan axborotlarning turlarining ko'pligi: ikkilik, o‘nlik, belgilik - ular katta oraliqda o‘ zgaradi vaular yuqori aniqhkda ifodalanadi;
- bajariladigan amallarining ro‘yxati keng, arifmetik, mantiqiy va maxsus;
- tezkor xotira sig‘imi katta;
- axborotni kiritish-chiqarish tizimi rivojlangan, turli xildagi tashqi qurilmalami ulashni ta’minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. M.M. Musayev. “Kompyuter tizimlari va tarmoqlari” Toshkent 2013.
2. M.Aripov, M.Fayziyeva, S.Dottayev. Web texnologiyalar. O‘quv qo‘llanma. T.: “Faylasuflar jamiyati”, 2013 y.
3. B.Mo‘minov. Informatika. O‘quv qo‘llanma. T.: “Tafakkur-bo‘stoni”, 2014 y.

AVTOMOBIL ISHQALANUVCHI DETALLARINI YEYILISHIGA BARDOSHLILIGINI BAHOLASH USULI

Toxirov Mirodil Sobitjon o’g’li,
“Avtomobilsozlik va traktorsozlik” 1-kurs magistranti,
Andijon mashinasozlik instituti
Almatayev Tojiboy Orziqulovich,
“Avtomobilsozlik” kafedrasi t.f.n prof
Andijon mashinasozlik instituti

Ma`lumki [1], ishqalanish - deyarli xar qanday mexanizm ishlaganida albatta sodir bo’ladigan jarayon. Texnikada u ikki xil ahamiyatga ega: ijobiy va salbiy. Podshipniklar, tishli uzatmalar, porshenli tizimlarda ishqalanish sirtlarining yeyilishiga, quvvatni isrof bo’lishiga olib keladi. Foydalanayotgan energiyaning 30-40% ishqalanishga sarf bo’ladi. SHuning uchun bu o’rinda ishqalanish zararli omil hisoblanadi. Ishqalanishning natijasi yeyilish xodisasidir. Olimlarning olib borgan izlanishlari shuni ko’rsatmokdaki mashina va mexanizmlarning ishlash qobiliyatini 80-90 % ga sabab ishqalanish hisobiga yeyilishdir.

Maqolaning maqsadi: Avtomobil ishqalanuvchi detallarini yeyilishiga bardoshliligini baholash usulini o`rganishdan iborat.

Tadqiqotning obekti "Micron-tribo" ishqalanish mashinasi.

Tadqiqotning vazifalari:

- Materiallarini yeyilish nazariyalari va ularning tahlili.
- Detalni yeyilishini kamaytirish bo'yicha takliflar berish.

"Micron-tribo" ishqalanish mashinasi "shar-disk" *("barmoq-disk")* usuli bo'yicha aylanma va ilgarilama-qaytma harakatlarda ishqalanish va yeyilishga sinov o`tkazish uchun mo'ljallangan.

"Mikron-tribo" ishqalanish mashinasi funktsional jihatdan mexanik blok, elektronika bloki va dasturiy ta'minotdan iborat.

O'ziga xos xususiyatlari:

- qo'shimcha ilgarilama-qaytma mexanizmning mavjudligi;
- sinov paytida oraliq yeyilmani qayd etish imkoniyati;
- ishqalanish yo'lakchasining mikrofotosuratlarini uni shakllantirish davomida ro'yxatga olish imkoniyati;
- shtok(sharchali sterjen) joylashuvi aniqlovchi lazer ko'rsatkichining mavjudligi.

Asosiy texnik xususiyatlar:

Aylanish chastotasi, ayl/min …… .50-500

Namunaning maksimal diametri, mm ……..… 110

Namunaning maksimal qalinligi, mm …… 25

Yo'lkich(iz) diametri, mm ……..… .3-40

Maksimal yuk, N ……..… ..15

O'lchamlari, mm ……..… 200x110x210

Og'irligi, kg …… .. …… 5,5

Ishqalanish mashinasida sinov o`tkazish sxemalari 1-rasmda ko'rsatilgan.

bu yerda:

D - ishqalanish yo'lakchasining diametri;

S - yo'lakchaning ko'ndalang kesimi maydoni;

L - yo'lakchaning uzunligi;

$$V = S*L$$ - yeyilma.



1-rasm. Aylanma va ilgarilama-qaytma ishqalanishga sinash sxemalari

2-rasm. 3 va 5 mm diametrli va Rokvell indenterli almashtiriluvchi shtoklar.

(Boshqa o'lchamli sharchalar uchun shtoklar M10 rezbali tayyor chiviqdan mustaqil ravishda tayyorlashi mumkin.

Tadqiqotning kutilayotgan natijalari quydagilardan iborat:"Micron-tribo" jihozi yordamida sinash ko`nikmasiga ega bo`linadi.O'rganilgan tajribalarni mutaxassislik fanlaridagi laboratoriya ishlarini tashkil qilishda va talabalarga o'qitishda asos qilib dars sifatini yaxshilashda foydalanishda tadbiq etish.Yengil avtomobillar tormoz kalodkalarini har hil sharoit va rejimlarda ishqalanishi va yeyilishga bardoshliligi aniqlanadi hamda ularning yeyilishiga bardoshliligini oshirish bo'yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqiladi.Yengil avtomobillar tormoz kalodkalarini nazariy va laboratoriya natijalarini bo`yicha xulosa va takliflar shakllantiriladi. Detallarni yeyilishini kamaytirish bo'yicha takliflar beriladi.

Xulosa Yengil avtomobillar tormoz kalodkalarini yeyilishiga bardoshliligi oshadi. Tormoz tizmining ishlash muddati,yani resursi uzayadi. Tormoz tizimiga texnik xizmat ko'rsatish sarfi ham ozayadi. Yengil avtomobillar tormoz kalodkalarini ishqalanishi va yeyilishga bardoshliligi aniqlanadi hamda ularning yeyilishiga bardoshliligini oshirish bo'yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqiladi. Detallarni yeyilishini kamaytirish bo'yicha takliflar beriladi.

Foydanilgan adabiyotlar ro'yhati

1.Ikramov U.A, Levitin A.V. Tribotexnika. Ishqalanish va yeyilish. Tashkent, 2003 y
2. Yo'ldashev Sh.U.Mashinalar ishonchliligi va ta'mirlash asoslari Tashkent 1994-yil
3.Ikramov U.A, Maxkamov Q.H,Irgashev A, Tribotexnika fani bo'yicha laboratoriya mashg'ulotlarini bajarish uchun metodik ko'rsatmalar Toshkent 1990-yil

ISHLAB CHIQARISH KORXONALARIDA HAVFSIZ MEHNATNI SHAROITLARINI O'RGANISH VA TAVSIYALAR ISHLAB CHIQISH

Turakulova Gulasal Zohidjon qizi
2-kurs magistrant, Andijon mashinasozlik instituti,
Andijon, O'zbekiston

Ishlab chiqarish jarayonining asosiy muammoli masalasi, korxonada mehnat muhofazasini boshqarish va xavfsiz mehnat sharoitini ta'minlashdir. Ishlab

chiqarish sifatini oshirish eng avvalo, ishchilar va ularning havfsiz mehnat sharoitlariga taaluqlidir.

Davlat mehnat inspektsiyasini bergan ma'lumotlariga ko'ra, 2020 yilda ishlab chiqarish jarayonlarida baxtsiz hodisalar soni 607 tani tashkil etgan, bu yesa 2019 yilga nisbatan 107 taga ko'payganligini ko'rsatdi. Turli sababablar oqibatida 693 nafar xodim jabrlangan, shundan, 201 nafari xalok bo'lgan, 457 nafari og'ir va 35 nafari yengil tan jarohat olgan [1].

Kasbiy xavfsizlikni nazorat qilish tashkilotning faoliyatiga va mahsulot sifatiga o'z ta'sirini ko'rsatmay qolmaydi. Ish boshqaruvchi va xodimlar birinchi navbatda kasbiy xavfsizlikni va mahsulot sifatini oshirish uchun ishni texnik shartlarga muvofiq ravishda bajarilishini ta'minlashlari kerak bo'ladi. Shuningdek, korxonada mehnat muhofazasini boshqarishni ta'minlash uchun har qanday kamchiliklarni bartaraf etish kerak. Kasbiy xavfsizlik dasturlarining asosiy maqsadi ish joylarida shikastlanishlar, kasalliklar va o'limlarning, shuningdek, ushbu hodisalar ishchilar, ularning oilalari va shu jumladan ish beruvchilarga olib kelishi mumkin bo'lgan moddiy va ma'naviy zararlarni oldini olishdir. Muammoli vaziyatlar yuzaga kelmasdan oldingi tavsiya etilgan amaliyotlarda ish joylari xavfsizligi va ishchilar sog'lig'ini boshqarish bo'yicha proaktiv yondashuv qo'llaniladi. An'anaviy yondashuvlar ko'pincha reaktiv bo'ladi, ya'ni muammolar faqat ishchi shikastlangandan yoki kasal bo'lib qolganidan, yangi standart yoki nizom e'lon qilinganidan, tashqi tekshiruvda tuzatilishi kerak bo'lgan muammo topilgandan keyingina hal qilinadi. Ushbu tavsiya etilgan amaliyotlar shikastlanish yoki kasallikka olib kelmasdan oldin xavflarni topish va ularni bartaraf etish ancha samarali yondashuv ekanligini ko'rsatadi.

Ijtimoiy va xususiy sektorlardagi ishlab chiqarish hamda xizmat ko'rsatish korxonalarida mehnatni tashkil etish uchun bir qancha vazifalarning har birini bir vaqtning o'zida va bir-biriga bog'liq holda kompleks hal etish ushbu amaliyotning birinchi bosqichi hisoblanadi. Lekin bu yo'nalishda eng yuqori darajalarga erishish uchun eng avvalo, korxonada sog'lom mehnat sharoiti ta'minlash zarur bo'ladi. Mehnat jarayoni ish zonasidan uzoqlashmagan holda, bir vaqtning o'zida amalga oshiriladigan kasblar ayrim kasblarga nisbatan havfsiz va zararsiz ekanligi aniqlandi [2, 3].

Ishlab chiqarish korxonalaridagi monitoring quyidagi asosiy komponentlarni o'z ichiga olishi kerak:

a) mehnat sharoitlarini monitoring qilish;

b) kasbiy xavflarni baholash;

c) ishchilarning xavfsiz mehnat va sog'liqni saqlash sharoitlarini ta'minlashni monitoring qilish;

d) xavfsiz sharoitlarni ta'minlash sohasidagi maqsadlarga erishish uchun dasturlarni monitoring qilish;

e) xodimlarni reabilitatsiya qilish dasturlari va ishchilarning salomatligi va xavfsizligiga zarar yetkazish bilan bog'liq moliyaviy xarajatlarni monitoring qilish.

Mehnat sharoitlarini yaratish xodimlar faoliyatini ma'naviy va moddiy jihatdan ta'minlashning ajralmas qismi bo'ladi. Mehnat sharoitlari insonning salomatligi va ish qobiliyatiga katta ta'sir ko'rsatadigan muhim omildir. Mehnat sharoitlarini yaxshilash, ishning samaradorliligini oshirib, hodimning mehnatga ijodiy munosabatda bo'lishiga ko'maklashib, korxona rivojlanishida ijtimoiy vazifani ham bajaradi [4].

Xalqaro mehnat tashkiloti (XMT)ning ***mehnat konsepsiyasi*** keng qamrovli tushuncha ekanligini va u bir vaqtning o'zida quyidagi bir necha shartlar bajarilishini ta'minlashga erishdi:

- mehnat sohasida har qanday kamsitishga yo'l qo'ymaslik;
- qulay ishlab chiqarish va ijtimoiy-mehnat sharoitlarining mavjudligi;
- turmush sifatini oshirish imkonini beradigan ish haqi;
- shaxsning rivojlanishi va mehnat salohiyatini namoyon qilishi uchun imkoniyatlar;
- xodimlar huquqlari muhofazalanganligining muayyan ijtimoiy kafolatlari yaratilganligi;
- ijtimoiy muloqotda ishtirok etish imkoniyati.

Korxona faoliyati tizimida xodimlarning mehnat faoliyatini tashkiliy jihatdan ta'minlash yuqorida qayd qilingan shartlardan birortasiga rioya etilmasa – bu munosib mehnat dasturi taqchilligini bildirgan bo'ladi. Mazkur konsepsiya nafaqat xodimlarning mehnat sharoitlari, mehnat munosabatlarini yaxshilash, ularda o'z mehnatidan qoniqish hissini tug'dirishga, shuningdek mehnat unumdorligi yuqoriroq bo'lishini ta'minlashga, korxonalarning, umuman mamlakatning raqobatbardoshligini oshirishga, ya'ni iqtisodiy va ijtimoiy samaradorlikka erishishga xizmat qiladi.

Adabiyotlar

1. Йўлдошева О.М. Меҳнат муҳофазаси. Методик қўлланма. Т, 2021 й.
2. Тачкова, И.А. Состояние и перспективы развития трудового потенциала России. 2014. - № 19. - с.23-28.
3. Кабанова А.Я. Управление персоналом: Энциклопедический словарь.- М. : Инфра - М, 1998. - 456 с.
4. Dop G.H. Betrouwbaarheid en onbetrouwbaarheid van technische systemen //Veiligheid № 1, 1977.

ZEEBEK VA PELTIE EFFEKTLARIGA ASOSLANGAN YARIMO'TKAZGICHLI TERMOELEKTRIK QURILMALAR

Turg'unova Nadiraxon Baxadirovna
Andijon mashinasozlik instituti

Annotatsiya: Ushbu maqolada biz Zeebek effekti, Peltie effekti va bu effektlarning yarimo'tkazgich materiallarida va elektronika sanoatidagi rolini muhokama qilamiz. Zeebek effekti harorat farqi asosida kuchlanishni yaratishga imkon beradi. Ikkita Peltie effekti ikkita material elektr tokiga ulanganda sovutish yoki isitish imkonini beradi. Agar termoelektrik sovutish moslamasining samaradorligi

sezilarli darajada yaxshilangan bo'lsa, muzlatgichlarda suyuq sovutgichlarning yo'q qilinishi global isish va Yerning ozon qatlamini yo'q qilishga hissa qo'shishni to'xtatadi.

Kalit so'zlar: Zeebek effekti, Peltie effekti, Tomson effect, yarimo'tkazgich materiallar, termoelektrik materiallar (TE), issiq ulanish, sovuq ulanish, elektron o'tkazuvchanlik, fononik o'tkazuvchanlik.

Hozirgi davrda yarimo'tkazgichlar fan va texnikada muhim ro'l egallab bormoqda. Yarimo'tkazgichli elektron, avtomatik asboblar turli ishlab chiqarish sohalarida qo'llanilmoqda. Yildan-yilga yarimo'tkazgichlarning shu kunga qadar noma'lum bo'lgan elektrofizik xossalari aniqlanmoqda va ulardan yangi-yangi asboblar, qurilmalar tayyorlanmoqda. Yarimo'tkazgichlardan tayyorlangan asbob va qurilmalar endilikda avtomatikada, radiotexnikada, elektr energetikada keng miqyosda qo'llanilmoqda.

So'nggi 10-15 yil ichida ilmiy tushunchada, shuningdek yarimo'tkazgichli termoelektrik (TE) materiallarning ishlashida sezilarli yutuqlar yuz berdi.

TE materiallari issiqlikni foydali elektr energiyasiga aylantirish uchun hamda mo'ljallangan elektr energiyasini ishlab chiqarish qurilmalariga kiritilishi uchun xizmat qiladi. Ushbu TE materiallari sovutish uchun qattiq holatdagi sovutish qurilmalarida ham ishlatilishi mumkin.

Termoelektrik hodisalar issiqlikni to'g'ridan-to'g'ri elektr energiyasiga yoki elektr energiyasini issiqlikka aylantirishni ta'minlaydi. Bu hodisalar uchta bog'liq mexanizm bilan tavsiflanadi: Zeebek, Peltie va Tomson effektlari. Zeebek effekti harorat farqlarini to'g'ridan-to'g'ri elektr energiyasiga aylantirishni tavsiflaydi [1]. Atom shkalasida qo'llaniladigan harorat gradiyenti materialdagi zaryadlangan tashuvchilarni issiq tomondan sovuq tomonga tarqalishiga olib keladi va zaryadlangan qutblar oqimini hosil qiladi. Peltie effekti ikki xil materialning elektrlashtirilgan birlashmasida issiqlik ishlab chiqarishni tavsiflaydi, zaryadlangan tashuvchilarning majburiy oqimi harorat farqini hosil qiladi. Tomson effekti harorat gradiyenti mavjud bo'lganda oqim o'tkazgichini isitish yoki sovutishni tavsiflaydi. Ushbu hodisalarni aniq tahlil qilish uchun termoelektrik maydon tenglamalarini yechish kerak, bu yerda Zeebek-Peltie effekti zaif shakl yordamida amalga oshiriladi.

Zeebek va Peltie effektlari energiyani aylantirish usullari bo'lib, birinchisi issiqlikni to'g'ridan-to'g'ri elektr energiyasiga aylantirish usuli, ikkinchisi esa elektrni harorat gradientiga aylantirish usuli bo'lib, bu entropik jarayonga qarshi sanaladi. Shunday qilib, termoelektrik qurilma uchun elektr energiyasini ishlab chiqarish yoki sovutish uchun muhim bo'lgan narsa energiyani aylantirish samaradorligidir.

Issiqlikni elektrga aylantirish uchun termoelektrik qurilmada kutilgan maksimal samaradorlik ē Joffe [2] bo'yicha quyidagicha hisoblanishi mumkin:

$$\eta=\{[(T_H-T_C)/T_H]\}\{[(1+ZT)^{1/2}-1]/\{[(1+ZT)^{1/2}]+(T_C/T_H]]\} \quad (1)$$

Agar termoelektrik qurilma sovutish uchun ishlatilsa, samaradorlik shunga o'xshash ifoda bilan quyidagicha ifodalanadi:

$$\eta = \{[T_H/(T_H - T_C)]\}.\{[(1+ZT)^{1/2} - T_H/T_C]/\{[(1+ZT)^{1/2}]+1]\}\} \quad (2)$$

Ikkala tenglamada $[(T_H - T_C) / T_H]$ ifodasi Carnot samaradorligi bo'lib, u faqat T_H issiq ulanish nuqtasi harorati va T_C sovuq ulanish nuqtasi harorati o'rtasidagi farqga bog'liq va u yuqori chegarani ifodalaydi. Zeebek yoki Peltie effektiga asoslangan yarimo'tkazgichli qurilma termoelektrik materialining xarakteristikasi, ya'ni ZT o'lchovli qiymat ko'rsatkichini o'z ichiga oladi, bu yerda T - o'rtacha harorat va Z - termoelektrik ko'rsatkich, uni quyidagicha ifodalash mumkin:

$$Z = S^2 \sigma / K \quad (3)\ [3]$$

(1) va (2) tenglamalardan ko'rinib turibdiki, termoelektrik qurilmaning η konversiya samaradorligini oshirish uchun Z ko'rsatkichini oshirish kerak, bu esa o'z navbatida termoelektrik materialning bir nechta xususiyatlari o'rtasidagi to'g'ri muvozanatga bog'liq hisoblanadi, ya'ni Zeebek koeffitsienti S (yoki uning termoelektr quvvati), elektr o'tkazuvchanligi **σ** va issiqlik o'tkazuvchanligi K. Oxirgi qiymat elektron o'tkazuvchanlik K_{el} va fononik o'tkazuvchanlik K_{ph} yig'indisidir.



1-rasm. Termoelektrik materiallarni ZT ko'rsatkichining haroratga bog'liqligi.

Ushbu barcha moddiy xususiyatlarni bir vaqtning o'zida ta'sirini tahlil qilib, termoelektrik qurilmani qurish uchun eng yaxshi materiallar taqiqlangan tor tarmoqli yarim o'tkazgichlar degan xulosaga keladi [4].

Ishlab chiqarishda isrof bo'layotgan issiqlikni elektr energiyasiga aylantirish, albatta, muqobil energiya texnologiyalari elektr energiya talabiga, qazilma yoqilg'iga ehtiyojimizni kamaytirish va issiqxona gazlar chiqindilarini kamaytirish uchun hozirgi vazifamizda muhim ro'l o'ynaydi.

Qizig'i shundaki, 1960-1990 yillar oralig'ida o'ttiz yil davomida yangi termoelektrik materiallarga bag'ishlangan ilmiy ishlar doimiy bo'lmagan va bu oraliq oxirida kamaydi. Natijada ZT ko'rsatkichi uchun 1 dan yuqori bo'lgan qiymatdan oshadigan yaxshiroq materiallar topilmadi. Biroq, so'nggi o'ttiz yil ichida bu tadqiqot

sohasi ham xususiy, ham davlat tomonidan katta mablag'lar hisobidan qayta tiklandi. Yangi materiallarni ishlab chiqish uchun yangi TE materiallariga fononli shisha-elektron kristalli yondashuv qattiq holatdagi kristalli kimyoviy roli va yuqori samarali TE materiallarining mezonlari bilan birga taqdim etilgan [5].

Ishlab chiqarishlardagi issiqlik chiqindilari yoki quvur portlashlarining oldini olish va atrof-muhitga salbiy ta'sirini minimallashtirish uchun doimiy issiqlik quvurlarini kuzatish tizimi zarur. Termoelektr bilan ishlaydigan qurilmalar quvur liniyasi yuzasi orqali isrof qilingan issiqlikni tozalash uchun termoelektr generatorlari tomonidan yetkazib beriladigan ishonchli quvvat manbalari tufayli istiqbolli yechim bo'lishi mumkin. Konformal termoelektrik generatorlar (KTEGlar) quvur liniyasi uchun mos keladi ammo, hozirgi tadqiqot asosan tana issiqligini yig'ishga qaratilgan bo'lib, bu turli xil issiqlik yo'llari tufayli quvur tizimlari uchun mos emas. Ushbu tadqiqot TEGni ishlab chiqarishdagi issiq quvurlarini monitoring qilish tizimlarini haqiqiy ilovalar uchun hamda iqtisodiy jihatdan samarali tarzda quvvatlantirish uchun energiya manbalari sifatida ishlatish uchun potentsial yo'lni taqdim etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

[1] G. J. Snyder, E. S. Toberer, R. Khanna, and W. Seifert, “Improved thermoelectric cooling based on the Thomson effect,” Phys. Rev. B 86, 045202 (2012).

[2] A.F. Joffe, Semiconductor thermoelements and thermoelectric cooling, London, 1957

[3] Y. Amagai, T. Shimazaki, K. Okawa, H. Fujiki, T. Kawae, and N.-H. Kaneko, “Precise measurement of absolute Seebeck coefficient from Thomson effect using ac-dc technique,” AIP Adv. 9, 065312 (2019).

[4] T.Harman, Proceedings of the 2003 MRS Fall Meeting, Boston, 1-3 Dec. (2003)

[5] M.Tritt, M.A.Subramanian, MRS Bulletin, 31, March (2006), 188-194

UMUMIY LOGISTIKA MUAMMOLARI VA ULARNI HAL QILISH USULLARI

Tursunboyev Murodjon Akmaljon o'g'li,
talaba,
Andijon masinasozlik instituti,
Andijon, O'zbekiston.

Logistika sanoati allaqachon ko'plab avtomatlashtirish bosqichlaridan o'tgan. Ko'pgina kompaniyalar qo'l mehnatini texnologiya bilan almashtirdilar va xizmatlarini yangiladilar. Ammo jarayonlarning murakkabligini hisobga olsak, logistika hali ham avtomatlashtirishning yetishmasligi va tartibsiz boshqaruvdan kelib chiqadigan muammolardan aziyat chekmoqda. Hozirda logistika sohasida maxsus ilovalar orqali boshqarish eng optimal variyant. Ilovalar marshrutlarni optimallashtirish va jo'natuvchilar va tashuvchilar o'rtasidagi aloqani kuchaytirish uchun kiritilishi mumkin, ammo ular inventar va mehnatni boshqarishda ham

foydalidir. Logistika sanoatidagi asosiy muammolar esa qaysi texnologiyalardan foydalanishi, ular o'z ma'lumotlarini qanday saqlashlari va ish jarayonlari qanchalik muvofiqlashtirilganligi bilan bog'liq. Bunda quyidagi asosiy muammolarga duch kelish mumkin.

1. Samarali muvofiqlashtirishning yetishmasligi

Logistika sohasidagi eng katta muammolar uning nomuvofiqligi va parchalanishidan kelib chiqadi. Ko'plab tomonlar (ishlab chiqaruvchilar, omborchilar, haydovchilar, menejerlar va oxirgi foydalanuvchilar) ishtirok etganligi sababli, har bir qadamni markazlashtirilgan holda nazorat qilish mumkin emas. Parchalanish ko'pincha umumiy samarasizlikka olib keladi. Bu yerda mumkin bo'lgan yechim - bu bir nechta tomonlar o'rtasida ma'lumotni sinxronlashtiradigan dasturiy yechim. Bu yerda biz gaplashayotgan texnologiya joylashuv va faoliyatni kuzatish, aktivlarni kuzatish va xabar almashish platformasini qamrab olishi kerak. Yuk mashinasi haydovchilari nuqtai nazaridan, bo'sh kilometr muammosi asosiy hisoblanadi. Ularning eng muhim ehtiyoji mavjud jo'natuvchilar bilan bog'lanish qobiliyatidir. Logistika kompaniyalari uchun yukni buyurtma qilishdan tortib to yetkazib berishgacha bo‘lgan jarayonning barcha qismlarini bir-biriga bog‘laydigan mobil ilova yaqin kelajakda soha normasiga aylanadi.

2. Omborni boshqarishdagi xatolar

Omborlar va tarqatish markazlarida ishlar doimo muammosiz ishlashini ta'minlashga harakat qilinganda xatolar hali ham paydo bo'lishi mumkin. Bu noto'g'ri joylashtirilgan mahsulot bo'ladimi, yig'ish, qadoqlash yoki jo'natish xatolari, to'liq bo'lmagan buyurtmalar yoki saqlash vaqtida elementlarning shikastlanishi, inson xatolari tartibga solinmaganida qimmatga tushishi mumkin. Ushbu turdagi xatolarni kamaytirishning aniq yo'li samarali va yangilangan omborlarni boshqarish tizimlaridan foydalanishdir. Yangi texnologiyalar, masalan, terish uchun mobil ilovalar, avtomatlashtirilgan yig‘ish va qadoqlash tizimlari, ovozli tanlash va boshqalar jarayon davomida xatolarni kamaytiradigan va jarayonlarni soddalashtiradigan tekshiruvlar tizimini yaratadi. Ombor xodimlarining yaxshi o'qitilganligiga ishonch hosil qilish va siyosatlarda mahsulot qayerda va qanday ishlov berilishi aniq ko'rsatilishi shikastlanish yoki xatolik xavfini kamaytiradi.

3. Yetkazib berishda kechikishlar

Zavodning yopilishi, port sig'imi bilan bog'liq muammolar, pandemiyaga qarshi choralar, ishchilarning ish tashlashlari, qaroqchilik, norozilik namoyishlari va boshqa ko'plab buzilishlar bilan tovarlar va mahsulotlarni etkazib berish sekinlashishi yoki hatto to'xtab qolishi mumkin. Bu global ta'minot zanjirining xavf-xatarlari va shuning uchun turli xil ta'minot bazalariga ega bo'lish, shuningdek, muammolar yuzaga kelganda favqulodda rejalar sifatida muqobil yuk tashish yo'nalishlariga ega bo'lish juda muhimdir. Infratuzilma bilan bog'liq muammolar ham sekinlashuv va kechikishlarga olib kelishi mumkin, bunda portlar ko'p sonli

kiruvchi yuklarni qayta ishlash va ularga xizmat ko'rsatishda qiynaladi, yuk parklari ham ishchi kuchi yetishmasligi va mavjud haydovchilarning ortib borayotgan pasayishiga ta'sir qiladi. Ushbu potentsial xavflarni bilish kechikishlarga olib kelishi mumkin, shunga mos ravishda rejalashtirish juda muhimdir. Logistika dunyosi tobora ko'proq bog'lanib borar ekan, ushbu bosimlarning bir qismini yengillashtiradigan texnologik yechimlardan xabardor bo'lish juda muhimdir.

4. Transport xarajatlari

Transport xarajatlarini kamaytirish deyarli har doim logistika sanoatida asosiy muammo bo'lib, uning yechimi asosan ta'minot zanjiri boshqaruvining bevosita nazorati ostida emas. Yoqilg'i narxi bozorga qarab o'zgarib tursa-da va tez-tez ortib borayotgan bo'lsa-da, transport xarajatlarini imkon qadar past darajada ushlab turish ijodiy yechimlar va o'ylangan rejalashtirishni talab qiladi. Dizel yoqilg'isi narxining ko'tarilishi, yoqilg'i narxining oshishi, yuk tashish tariflarining oshishi - bu yengib bo'lmaydigandek tuyulishi mumkin. Biroq, yuklarni birlashtirish va transportda mavjud bo'lgan har qanday joydan maksimal darajada foydalanish orqali xarajatlarni sezilarli darajada kamaytirish mumkin. Bu tashuvchilar bilan ochiq va samarali muloqotni talab qiladi. Ba'zi hollarda tashuvchilar sonini kamaytirish ham farq qilishi mumkin. Eng oddiy yechim transport xarajatlarini hal qilish uchun uchinchi tomon logistika kompaniyasiga ishonishdir, chunki ular turli tashuvchilar bilan aloqada bo'lib, xarajatlarni kamaytirish uchun yuklarni birlashtirishdan foydalanadilar.

Adabiyotlar.

1. L. B. Mirotin. „Transport logistikasi”. 2002y.
2. B. xo’jayev. „Yagona transport sistemasi”. 2004y
3. Butayev. Sh. A. „Tashish jarayonlarini modellashtirish va optimallashtirish”. „Fan” 2009y.
4. Karimov. E. „Avtomobillarda yo’lovchilarni tashish”. „Sharq” 2002y.

METALL SIMLARDAN TO‘QILGAN TEXNIK TRIKOTAJ

***Umarova Mavludahon Nazirovna**, t.f.n., professor*
Andijon mashinasozlik instituti,
Andijon shahri, O‘zbekiston

Trikotaj ishlab chiqarish to'qimachilik sanoatining eng muhim tarmoqlaridan biri bo'lib, unda har xil turdagi iplar va kalava iplardan foydalaniladi. Natijada turli assortimentdagi va sifatdagi mahsulot hamda matolar ishlab chiqariladi.

Texnik maqsadlarda qo’llanadigan trikotaj mahsulotlarini ishlab chiqarishni rivojlantirishga bir qancha omillar ta'sir ko'rsatadi. Trikotaj dastgohlarida murakkab shakldagi mahsulotlarni ishlab chiqarish imkoniyati texnikaning turli sohalarida texnik trikotajdan foydalanishni kengaytiradi [1]. Bunga trikotaj jihozlarining yuqori mahsuldorligi va trikotaj to’qimasining deformatsiya xususiyatlari ham yordam beradi. Bundan tashqari, turli xil to'qimalar tufayli, u qo'llaniladigan sanoat talablariga javob beradigan xususiyatlarga ega trikotaj buyumlarni yaratish mumkin.

Hozirgi vaqtda trikotaj to'qimalaridan foydalaniladigan barcha sohalarni sanab o'tish qiyin. Bundan tashqari, agar ilgari texnik maqsadlarda trikotaj mahsulotlarini ishlab chiqarishni kengaytirish haqida gapirish mumkin bo'lgan bo'lsa, hozirda ko'plab sohalarda trikotaj mahsulotlarini keng joriy etish amalga oshirilmoqda. Bularga qoplamali va dekorativ himoya, izolyatsiyali va turli vazifalarni bajaruvchi prokladkalar, qadoqlash hamda bog'lash materiallari va boshqa ko'plab materiallarni sanab o'tish mumkin.

So'nggi vaqtlarda metall iplardan tayyorlangan trikotaj matolarga qiziqish ortdi. Bunday trikotaj buyumlar texnologiyaning turli sohalarida tobora ko'proq foydalanilmoqda [2]. Metall trikotaj to'qimalarning ommalashuvi trikotaj konstruktsiyasi va metall iplarning xossa hamda xususiyatlar majmuasi bilan izohlanadi.

Trikotaj mashinalarida turli xil mahsulotlarni ishlab chiqarish uchun bunday iplardan foydalanish sezilarli qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi, chunki an'anaviy to'qimachilik iplaridan farqli o'laroq, metall mono iplari boshq to'qimachilik iplariga nisbatan katta kuchga ega, qisqa qismlarda sezilarli egilish qattiqligiga ega. Metall mono iplarining sanab o'tilgan xususiyatlari to'quv turlarini tanlash va halqadagi ipning uzunligiga nisbatan ishlab chiqarilgan matolarning halqa tuzilishi parametrlari bilan bog'liq cheklovlarni keltirib chiqaradi. Shuning uchun kichik diametrli metall mono iplarning xususiyatlarining o'ziga xosligi optimal rejimlarni topish uchun uni an'anaviy trikotaj uskunalarida qayta ishlash shartlarini o'rganishni talab qiladi [3,4].

Kichik diametrli metall iplardan trikotaj matolar ishlab chiqarish jarayonida iplarning uzilish holatlari kuzatiladi. Uzilgan iplarni ulash zarur bo'ladi. Ammo ularning qattiqligini oshishi va yomon ko'rinishi tufayli iplarni bog'lashda qiyinchiliklar paydo bo'ladi. Bundan tashqari iplarni bog'lashga katta vaqt sarflanadi. Shu sababli, kichik diametrli metall iplarni qo'shimcha ishlov berilmasdan oldin to'qish mashinalarida deyarli ishlatish mumkin emas. Bundan tashqari, agar metall ip bir nechta elementar iplardan iborat bo'lsa, unda ulardan biri sinishi va singan uchi ip bo'ylab sirg'alib ketish ehtimoli mavjud. Bu tugun paydo bo'lishiga va murakkab ipning uzilishiga olib keladi. Bunday qiyinchiliklarni bartaraf etish uchun metall ipni aniq ajralib turadigan, ixcham va tugunga yaxshi bog'langan holda tayyorlashni talab qiladi. Bunday holda, ipni qo'shimcha qayta ishlash natijasida hosil bo'lgan ipning qalinligini sezilarli darajada oshirmaslik kerak. Ushbu muammoni hal qilish uchun aralash (kombinatsiyalashgan) metall ipni yaratishdan iborat.

Trikotaj mashinasining ishlashi davomida qayta ishlangan ipning uzilish minimal darajada bo'lishi kerak. Ip uzilishining eng yuqori ehtimoli ipni egish jarayonida sodir bo'ladi, bunda ipning tarangligi sezilarli qiymatga etadi. Halqa hosil qilish jarayoni davomida ignalarning ip uzatish mexanizmlaridan iplarni ilib olishi va halqa hosil bo'lishida ham sezilarli darajada ipning tarangligi oshib ketadi. Ya'ni: igna ilmoqlari bilan ipning ilib olishining ishonchliligi, igna tilchalarining ip yordamida yopilganda ipga ta'sirini yo'qligi. Shunday qilib, halqa hosil qilish jarayonida ipning

haqiqiy kuchlanishi va tarangligi mavjud trikotaj uskunasining mahsuldorligini oshirish uchun katta ahamiyatga ega.

Ko'rinib turibdiki, halqa hosil qilish jarayonida yuzaga keladigan maksimal ip tarangligi ipning uzilish yukidan oshmasligi kerak. Shuning uchun, halqa hosil qilish jarayonining ishonchliligini ta'minlash uchun aralash metall iplarning mustahkamligini taxmin qilish kerak.

Ushbu ishining maqsadi an'anaviy trikotaj uskunalarida aralash holda olingan metall ipdan berilgan parametrlardagi texnik trikotaj to'qimalarini ishlab chiqarishni yo'lga qo'yishdan iborat.

Shunday qilib, bularning barchasi ilg'or yo'nalish sifatida texnik trikotaj ishlab chiqarishni oldindan belgilab beradi va kelajakda uni yanada keng rivojlantirishni taklif qiladi.

Texnika uchun mo'ljallangan trikotaj buyumlari orasida metall trikotajining noodatiyligi va ko'p hollarda qo'llanishi sababli bir qator talablar qoyiladi.

Ishda nazariy va eksperimental tadqiqotlar mavjud bo'lib, ular davomida zamonaviy usullar va tadqiqot vositalaridan foydalanilgan. Ishning nazariy asosini trikotaj buyumlar ishlab chiqarish texnologiyasi, elastiklik nazariyasi, to'qimachilik materialshunosligi, amaliy matematika bo'yicha olimlarning ilmiy yutuqlari tashkil etadi. Ilmiy tadqiqot va o'lchash uskunalari uchun standartlashtirilgan asboblarda eksperimental tadqiqotlarda o'tkaziladi. Tajriba natijalarini qayta ishlash kompyuterda matematik statistika usullaridan foydalangan holda amalga oshiriladi.

Adabiyotlar.

1. Щербаков В.П. Научные основы переработки нитей в трикотажном производстве. Дисс. на соиск. учен. степ. д. т. н. - М . , 1983. - 331 с.
2. Сурков К.С. Влияние жесткости нити на ее натяжение при взаимодействии с петлеобразующими органами трикотажных машин.- М.:изд.ЛГУ, 1974.107 с.
3. Щербаков В.П. Изгиб мононити в процессе вязания. - Известия вузов. Технология легкой промышленности, 1976, № 2, с. 96 - 100.
4. Заваруев В.А. Исследование особенностей переработки металлических мононитей на вязальных машинах с целью получения полотен технического назначения. Дисс. на соиск. учен. степ. к. т. н. - М., 1980.-305 с.

СОРТИРОВКА И УПАКОВКА ЭЛЕКТРОДОВ

Умарова Шахноза Олимовна,
ассистент,
Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси,
Андижон машинасозлик институти,
Андижон.

Сортировка электродов. Сортировка и упаковка являются заключительными технологическими операциями цикла изготовления электродов. Они проводятся после получения положительных результатов

сертификатных (приемосдаточных) испытаний. При отработанном технологическом процессе изготовления и применении поточных линий электроды сортируют и упаковывают сразу после их термообработки.

При сортировке электродов визуально определяют наличие дефектов на поверхности покрытия, превышающих установленные нормы. На рабочих местах сортировщиц должны находиться электроды с эталонными дефектами или соответствующие плакаты (стенды). Электроды с дефектами отсортировывают и помещают в изолятор брака. Годные электроды развешивают в пачки. Масса пачки зависит от диаметра электрода и не должна превышать 3 кг — для электродов диаметром 2 и 2,5 мм, 5 кг — диаметром 3 и 4 мм, 8 кг — диаметром 5—8 мм.

Рабочее место сортировщицы должно позволять осматривать каждый электрод со всех сторон. Электроды развешивают на специальных весовых устройствах или на весах, обеспечивающих требуемую точность. Возможна дозировка электродов штучным отсчетом с применением счетчиков любой конструкции. Количество штук в пачке устанавливается для каждой марки и диаметра электродов.

Отклонение от установленной массы пачки электродов не должно составлять более массы одного электрода соответствующей марки и диаметра.

Желательна последующая плотная обвязка взвешенной пачки электродов упаковочным шнуром или мягкой проволокой. Это обеспечивает отсутствие биения электродов при транспортировке. Перевязку делают в одном месте посередине пачки или в двух местах.

Упаковка электродов.

Развешанные электроды упаковывают вручную или механизировано. Несмотря на технологическую простоту операции упаковки качество ее выполнения и качество применяемых материалов сможет иметь решающее значение для свойств электродов. При плохой упаковке электроды могут увлажняться за счет атмосферы воздуха. Повышенная влажность покрытия во многих случаях является основной причиной появления недопустимых дефектов в металле шва (пор, трещин). Качественная упаковка обеспечивает сохранение приемлемой влажности покрытия.

На каждой коробке или пачке с электродами должна иметься этикетка или маркировка, содержащая следующие данные:

- наименование или товарный знак предприятия-изготовителя;
- условное обозначение электродов;
- номер партии и дата изготовления;
- область применения электродов;
- режимы сварочного тока в зависимости от диаметра электродов и пространственного положения сварки или наплавки;
Ishchi tok kuchi	<85mA	<100 mA	<20mA

CO2 o'rnatish vaqti doimiysi	30 s	30 s	120 s
Ishlash harorati diapazoni	-20…60°C	-40…70°C	0..+50°C, namlik 95% kondensatsiz
O'lchamlari	D20x21.4 mm	D44x61 mm	33x20x9 mm
Narx (So'm)	200 000 so'm	300 000 so'm	250 000 so'm

Havodagi gaz konsentratsiyasini aniqlash uchun MH-410D gaz konsentratsiyasi datchigini tanlaymiz.

MH-410D sensorining qo'llanilishi: xona ichidagi havo sifati monitoringi, gaz sizib chiqishi monitoringi, binolarni ventilyatsiya qilish (HVAC) tizimlari, konditsioner uskunalari, qishloq xo'jaligi sanoati va issiqxona majmualari, chorvachilik fermalari, avtomobilsozlik (avtomobil va tutun gazlari hosil bo'lishini kuzatish).

Xususiyatlari

- yuqori sezuvchanlik va ruxsat
- kam quvvat iste'moli
- harorat kompensatsiyasi
- chiqish signalining ajoyib chiziqliligi
- yaxshi barqarorlik
- bug 'qarshiligi
- zararli materiallardan foydalanmasdan
- uzoq xizmat muddati

2.4-rasm. MH-410D gaz konsentratsiyasi datchigi.

Havodagi chang konsentratsiyasi sensorini tanlash

Quyidagi chang konsentratsiyasi sensorlarini solishtiramiz: Sharp GP2Y1010AU0F, Nova SDS011 va DSM501A. Taqqoslash natijalari 1.4-jadvalda jamlangan.

1.4-jadval – chang konsentratsiyasi sensorlari tahlili

Tanlov mezonlari	Sharp GP2Y1010AU0F	Nova SDS011	DSM501A
Ta'minot kuchlanishi	5V	5V	5V
Kirish kuchlanishi (tavsiya etiladi)	7-12V	7-12V	7-12V
Kirish kuchlanishi (chegara)	6-20V	6-20V	6-20V
Raqamli kirish chiqish	54qator (shundan 14 tasi = PWM)	54 qator (shundan 14 tasi = PWM)	54 qator (shundan 14 tasi = PWM)
Analog kirish	16 qator	16 qator	16 qator
I/U liniyalarida doimiy oqim	40mA	65mA	100mA
To'g'ridan-to'g'ri chiziq oqimi	3,3V 50mA	3,3V 2mA	3,3V 2mA
Flash xotira	256kb, shundan 4kb yuklash uchun ishlatiladi	256kb, shundan 4kb yuklash uchun ishlatiladi	256kb, shundan 4kb yuklash uchun ishlatiladi
SRAM xotirasi	8 kb	8 kb	8 kb
EEPROM xotirasi	4 kb	4 kb	4 kb
Soat chastotasi	16 MGts	1 Gts	1 Gts
Narx (So'm)	130 000 so`m	220 000 so'm	220 000 so'm

Havodagi chang miqdorini o'lchash uchun biz Sharp GP2Y1010AU0F sensorini tanlaymiz (1.5-rasm). Ushbu sensor kengroq besleme zo'riqishida diapazoni, kichikroq o'lchash xatosi va o'qish chiqishi displeyini o'z ichiga oladi. Bundan tashqari, u joriy halqa yoki kuchlanish darajasi orqali, shuningdek, RS-485 interfeysi orqali boshqaruvchiga signal uzatishi mumkin. Tanlangan sensorning boshqa taqdim etilganlarga nisbatan bunday afzalliklari uning narxiga ta'sir qiladi.

1.5-rasm Sharp GP2Y1010AU0F sensori

Sensorning ishlash printsipi changli muhitdan o'tganda yorug'lik nurlanishining intensivligini susaytirishga asoslangan. Chang zarralari kontsentratsiyasi yorug'likning optik zichligiga mutanosibdir

Yong'in xavfsizligi sensorini tanlash.

Quyidagi yong'in xavfsizligi sensorlarini solishtiramiz. Taqqoslash natijalari 1.5-jadvalda jamlangan.

1.5-jadval – Yong'in xavfsizligi sensorlari tahlili

Tanlov mezonlari	ИП 212-81 Аврора 01	ИП 212-43М (ДИП-43М)	ИП 212-142
Tutun sensorining sezgirligi	0,05-0,2 dB / m optik zichlikdagi havodagi tutun darajasiga to'g'ri keladi.	0,05-0,2 dB / m optik zichlikdagi havodagi tutun darajasiga to'g'ri keladi.	0,05-0,2 dB / m optik zichlikdagi havodagi tutun darajasiga to'g'ri keladi.
O'lchamlari	111 x 64 mm.	100x50 mm	93x50 mm
Himoya darajasi IP Elektr ta'minoti	CR123A 3 V.	4.5-5 V	9V
Oqim iste'moli	12 mkA.	25mkA	30mkA
Ovozli signalning ovozi	1 m masofada 85 dB dan kam emas	1 m masofada 95 dB dan kam emas	1 m masofada 85 dB dan kam emas
LEDining umumiy ko'rinishi	360 °	360 °	360°

Narx (So'm)	34 000so'm	41 000so'm	37 000so'm

Yong'in xavfsizlini ta'minlash uchun biz "ИП 212-81 Аврора 01" datchigini tanlaymiz. Ushbu datchik Yuqori darajadagi ishonchlilik va sezgirlikka ega, Qulay texnik xizmat, oson o'rnatish, Batareyani almashtirmasdan batareyaning ishlash muddati - 10 yil

Detektorning barqaror ishlashini ta'minlaydigan va noto'g'ri signallarni yo'q qiladigan yorug'lik, issiqlik va moslashuvchan signalni qayta ishlash algoritmlari
Detektorni bazadan ajratish sensori yordamida sinab ko'rish imkoniyati 360 darajali displey. Detektorda o'rnatilgan ovozli bildirishnoma - sirena mavjud.

1.6-rasm. "ИП 212-81 Аврора 01" yong'in xavfsizligi datchigi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yhati

1. Автоматизированная система с точки зрения ГОСТ 34. Продолжение / М. Острогорский: сайт. 2008. – URL: http://philosoft-services.com/gost34 asconcept2.zhtml (дата обращения: 20.04.2021). – Текст: электронный.
2. Введение: сайт. – URL: https://studfiles.net/preview/5672533/ (дата обращения: 20.04.2021). – Текст: электронный.
3. Интерфейс: сайт. – URL: https://vuzlit.ru/1025500/interfeys (дата обращения: 20.04.2021). – Текст: электронный.
4. Техническое задание: сайт. – URL: https://studfiles.net/preview/5022556/ (дата обращения: 20.04.2021). – Текст: электронный.
5. Микроклимат производственных помещений. Терморегуляция. Влияние микроклимата на работоспособность человека: сайт. 2017. – URL: https://cyberpedia.su/12x45f7.html (дата обращения: 19.03.2021). – Текст: электронный.
6. https://www.skladsystems.com/5-tendenczij-avtomatizaczii-sklada/
7. https://v8.1c.ru/ka/upravlenie-skladom-i-zapasami-ka/
8. https://thermofleet.ru/blog/monitoring-temperaturi-vlagnosti-na-sklade.html
9. https://fabrica-tumana.ru/blog/articles/kontrol-vlazhnosti/
10. https://skladovoy.ru/kak-i-chem-izmerit-vlazhnost-na-sklade-stacionarnye-analizatory.html

OMBOR BOSHQARUV TIZIMIDA AVTOMATLASHTIRISH MASALALARI

Yuldashev Shoxrux Mamirjanovich
Andijon Mashinasozlik Instituti.
"Mashinasozlik ishlab chiqarishni avtomatlashtirish" kafedra magistranti.
yuldashevshm@gmail.com tel:+99891-172-70-90

Omborlarni avtomatlashtirish o'z operatsiyalaringizni yanada oqilona bajarish, kamroq joydan foydalanish va kamroq resurslar bilan ko'proq mahsulot ishlab chiqarish uchun mexanika va dasturiy ta'minotni birlashtirishni anglatadi.

Omborda uchta narsa avtomatlashtirilishi mumkin:

• Hisob-kitob qilish jarayoni.
• Tovarlarni tashish jarayoni.
• Ombordagi texnologik muhitni nazorat qilish va rostlash.

Hisob-kitob qilish **-** bu ombor jarayonlarini optimallashtirish, resurslardan foydalanish va qayerda saqlash va qanday tanlashni hal qilishni anglatadi.

Tovarlarni tashish **-** bu qo'lda yoki mexanizatsiyalashgan oqimlarda ombor ichida tovarlarni qanday ko'chirish.

Ombordagi texnologik muhitni nazorat qilish va rostlash – homashyo yoki tayyor maxsulotlar omborida saqlash texnologik muhiti haqida ma'lumotlarga ega bo'lish va uni boshqarish

Omborda avtomatlashtirishning to'rtta darajasi mavjud:

1. Yarim avtomatlashtirish - ombor jarayonlarini qo'llab-quvvatlash uchun asosiy ma'lumotlar almashinuvi avtomatlashtirilgan omborlar.

2. Tizimni avtomatlashtirish - ombor faoliyatini qo'llab-quvvatlash uchun omborlarni boshqarish tizimlari (WMS-warehouse management system) kabi ilg'or avtomatlashtirilgan ma'lumot almashishdan foydalanadigan omborlar. WMS RFID texnologiyasi, tanlash/qo'yish/tanlash yorug'ligi va ovozni tanlash kabi soddalashtirilgan avtomatlashtirish uskunalariga integratsiya qilinishi mumkin, bu esa yanada samarali qaror qabul qilish va tanlashni ta'minlaydi.

3. Mexanizatsiyalashtirilgan avtomatlashtirish –axborot almashish avtomatlashtirilganda keyingi qadam konveyerlar, avtomatlashtirilgan saqlash va olish tizimlari yordamida tovarlarni qayta ishlashni avtomatlashtirishdir. Ushbu avtomatlashtirish darajasi ba'zan WMS (konveyerlar va kichik murakkablikdagi AS/RS kabi oddiy avtomatlashtirish, vakolatli MFC-dan WMSga to'g'ridan-to'g'ri ulanadi) va ba'zan qaror qabul qilish va xavfsizlikni ta'minlash uchun WMS bilan funktsional ravishda uzluksiz integratsiyalangan ombor nazorat tizimi (WCS – warehouse control system) tomonidan boshqariladi. Qo'lda bajariladigan tovar oqimini avtomatlashtirilgan oqimlar bilan sinxronlashtirish ham mumkin. Odatda, mexanizatsiyalashgan avtomatlashtirish konveyerlar bilan birga AS/RS ga kirish va chiqish oqimlarini o'z ichiga oladi.

4. Murakkab avtomatlashtirish - Avtomatlashtirishning yakuniy darajasi - bu omborlar qo'lda harakatlanishni bartaraf etish va buyurtmalarni yig'ish jarayonlarini soddalashtirish uchun murakkabroq yuk tashish oqimlari uchun yuqori darajada avtomatlashtirilgan uskunalardan foydalanadi. Avtomatlashtirishning ushbu darajasi alohida elementlar aralashmasining moddiy oqimlarini boshqarish uchun murakkab qarorlar qabul qilish mantig'ini bajara oladigan WCS yoki WESni talab qiladi; qutilar va palletlar. Odatda, ushbu material oqimiga - AS/RS, konveyerlar, avtomatik saralash mashinalari, AGV (Avtomatik boshqariladigan transport vositalari), robotli yig'ish tizimi va buyurtmani bajarish jarayonini optimallashtiradigan avtomatik palletizatorlarkabi uskunalar aralashmasi kiradi.

Tovarlarni qayta ishlashni avtomatlashtirishning eng keng tarqalgan uskunalari bu avtomatlashtirilgan saqlash va qidirish tizimlari (AS/RS). Ular bir qator tarkibiy qismlardan iborat:

• Saqlash uchun raf tizimi

• Yo'laklarda harakatlanadigan kranlar yoki transport vositalari

• Yuk tashish moslamalari yoki mahsulotlarni krandan tokchaga ko'chiradigan transport vositalari

• Yuklarni AS/RS va dok joylariga va undan olib o'tish uchun konveyer tizimi

• Yetkazib berish va tashish talablarini qondirish uchun yig'ish va qadoqlash stantsiyalari

• Barcha mahsulot harakatlarini nazorat qilish, kuzatish va optimallashtirish uchun dasturiy ta'minot

Omborlarni avtomatlashtirishning evolusiyasi

Omborlarni avtomatlashtirishning birinchi avlodi standartlashtirilgan jarayonlarda qo'l mehnatini almashtira oladigan avtomatlashtirilgan alohida uskunalardan iborat edi. Odatda, konveyer va kran tizimlari boshqa texnologik jarayonga integratsiyasiz alohida ishlaydi.

Omborlarni avtomatlashtirishning ikkinchi avlodi har xil turdagi tovarlarni qayta ishlash uskunalarini avtomatlashtirilgan echimlarga birlashtiradi. Ikkinchi avlod tovarlarni qayta ishlashni avtomatlashtirish palletlar va ombordan statik talabga ega bo'lgan do'konlarga etkazib berish uchun mo'ljallangan. Odatda yuklarni tashishni avtomatlashtirish vertikal ko'targichlar, baland ko'taruvchi kranlar, konveyerlar va mexanik saralagichlarni o'z ichiga oladi.

Uchinchi avlod omborlarini avtomatlashtirish turli xil buyurtma oqimlarini boshqarish uchun ko'proq moslashuvchanlik talabidan kelib chiqadi. Ko'proq moslashuvchan avtomatlashtirish echimlariga erishish uchun qaror qabul qilishni avtomatlashtirishni tovarlarni qayta ishlashni avtomatlashtirish bilan birlashtirish zarur. Tovarlarni qayta ishlashni avtomatlashtirish odatda WCS va WMS funksiyalari bilan birlashtiriladi.

To'rtinchi avlod avtomatizatsiyasi elektron tijorat va omni-kanal tarqatish uchun zarur bo'lgan tezlik va moslashuvchanlikni boshqarish uchun ombor operatsiyalarini ta'minot zanjiri bilan birlashtirish zaruratiga bog'liq. Ombor ichida va undan tashqarida faqat sxemasidan ishlov berish o'rniga, endi u do'konlarga, pochta bo'limlariga va to'g'ridan-to'g'ri iste'molchilarga jo'natiladigan qutilar va alohida qismlar aralashmasidan foydalanishi kerak. To'rtinchi avlodda iste'molchining xarid qilish xarakteristikasi boshqacha, elektron tijoratning jadal rivojlanishi tufayli yangi talablar va turli tizimlarning murakkabligi bilan ta'minot zanjiri mijozlarning 100% qoniqishini ta'minlash uchun o'zaro bog'liq bo'lishi va ishtirok etishi kerak.

Omborlar tezkorlik, moslashuvchanlik va nazorat bilan tovarlarni qayta ishlashga qodir bo'lgan kichik hajmdagi va ko'paygan SKU (stok saqlash birliklari) bilan ishlash uchun mo'ljallangan yangi turdagi avtomatlashtirish uskunalariga sarmoya kiritdi. U Autostore, transport tizimlari, avtomatik saralash tizimlari, AGV, robotli yig'ish tizimlari va avtomatik palletizatorlar kabi tovarlarni odamga etkazib berish tizimlarini o'z ichiga oladi.

Kelgusi besh yil ichida butun dunyo bo'ylab omborlarni global avtomatlashtirish jadallashishi kutilmoqda. Tezlik, moslashuvchanlik va nazoratga bo'lgan talablar ortadi. IoT orqali ulangan yangi texnologiyadan foydalanish ma'lumot yig'ishni tezlashtiradi va mashinani o'rganish omborda qaror qabul qilishni yaxshilaydi va avtomatlashtiradi. Mashinani o'rganish iste'molchi talabini oldindan bilish va

omborni faolroq boshqarishnita'minlaydi. Mashinani o'rganishning boshqa yo'nalishlari - bu tovarlarni omborga joylashtirish, ishchi kuchini rejalashtirish va qo'yish va yig'ish vaqtlarini optimallashtirish.

Tovarlarni qayta ishlashni avtomatlashtirishga sarmoya kiritishning asosiy omillari quyidagilardir:

• ***Yuqori o'tkazuvchanlik:*** Elektron tijorat omborida buyurtmani bajarish jarayoni faqat palletlarni ichkariga va tashqarisiga ishlov beradigan qurilmagaqaraganda ancha murakkab. Ushbu murakkablikni va tezroq yetkazib berish talabini hal qilish uchun tovarlarni qayta ishlashni avtomatlashtirishga investitsiya qilish kerak, masalan, tovarlardan odamga yechimlar, saralash moslamalari va konveyerlar.

• ***Joydan foydalanishni optimallashtirish:*** Bugungi kunda omborlar ko'proq assortimentga ega bo'lishi kerak, biroq ombor maydoni tobora qimmatlashib bormoqda, ayniqsa shaharlarda. Ombor faoliyatini avtomatlashtirish bo'sh joyni qisqartiradi, lekin ba'zilari (konveyerlar, AGV va boshqalar) ba'zan ko'proq joy talab qiladi.

• ***Ishchi kuchi va asbob-uskunalar xarajatlarini kamaytirish:*** qaror qabul qilish va tovarlarni qayta ishlashni avtomatlashtirishga sarmoya kiritish orqali mehnat va qo'l uskunalari narxi tejaladi.

• ***Mehnatga bog'liqlikni kamaytirish:*** Ko'pgina hududlarda ombor operatsiyalari uchun ishchi topish qiyin. Bu muammo faqat ombor faoliyatida ko'proq texnologiya joriy etilganda bartaraf etiladi va mehnat tajribasiga yanada ko'proq talablar qo'yadi.

• ***Resurslar va yetkazib berishni rejalashtirishning takomillashtirilgani:*** Resurs va ishlab chiqarishni rejalashtirish ko'plab omborlar uchun qiyinchilik tug'diradi. Avtomatlashtirishga sarmoya kiritish bizga resurs va ishlab chiqarishni rejalashtirishni yaxshilaydigan oldindan taxmin qilinadigan va ishonchli imkoniyatlarni beradi.

Avtomatik boshqariladigan ombor haqida tushunchalar:

Omborda avtomatlashtirilgan qaror qabul qilish bir qator turli xil dasturiy komponentlar tomonidan amalga oshiriladi. Ombor ichidagi tizim arxitekturasini quyidagilarga bo'lish mumkin:

• ***WMS*** – Omborlarni boshqarish tizimi: WMS ombor jarayonlarini muvofiqlashtiradi va turli ish stansiyalarida (tovarni qabul qilish, yig'ish ish stantsiyalari, qadoqlash va h.k.) bog'liq bo'lgan barcha jarayonlarni o'z ichiga oladi. U qo'lda va avtomatlashtirilgan ombor ichidagi barcha tovarlarning miqdori va harakatlarini tarqatadi va boshqaradi.

• ***WES*** – Omborni bajarish tizimi: zarur ish yukini oldindan ko'ra oladigan va tovarlarni qayta ishlashni avtomatlashtirish bo'yicha ish jarayonini tartibga soluvchi integratsiya qatlami. Avtomatlashtirishda tanlash operatsiyalarini qo'llab-quvvatlaydi.

• ***WCS*** **–** Omborni nazorat qilish tizimi: WCS real vaqt rejimida ombordagi barcha saqlash, qayta saqlash va olish ishlarini boshqaradi. U ombor xodimlarini va qo'lda ishlaydigan ish stantsiyalarini kuzatib boradi va quyi tizimlar samaradorligini muvofiqlashtiradi va oshiradi.

• ***MFC*** **–** Materiallar oqimini boshqarish: MFC quyi tizimni (masalan, kran/konveyer tizimi) boshqaradi. U o'rnatish doirasida turli yuk ko'taruvchilarni tashishni boshqaradi, muvofiqlashtiradi va optimallashtiradi va dala nazorati va yuqori dasturiy ta'minot darajalari o'rtasida vositachi sifatida ishlaydi. Bu alohida quyi tizimlarning moddiy oqimi doirasida doimiy samarali tashish, saqlash va olish ko'rsatkichlarini yaxshilaydi.

• ***PLC*** **–** Dasturlanadigan mantiqiykontroller: Mashina boshqaruvlari barcha buyruqlar bajarilishini ta'minlash uchun avtomatlashtirilgan konveyer va ombor tizimidagi har bir qurilmani faollashtiradi va boshqaradi.

Omborning tizim landshaftini loyihalashda uni har bir tizim o'z funksiyasini bajaradigan tarzda belgilash muhimdir. Funktsionallikning turli qatlamlari uzluksiz birlashtirilgan bo'lishi kerak, buombor operatsiyalariga ko'proq tezlik, moslashuvchanlik, nazoratni olib keladi.

Har bir funktsiya qatlamini sinchkovlik bilan sinab ko'rishga imkon berish uchun Ombordagi turli funktsiyalar o'rtasida aniq ajratishning katta foydasi bor. Shunday qilib, yangi avtomatlashtirilgan tizimni ishga tushirish bilan muammolardan qochish, vaqt va pulni tejash mumkin.

Omborlar uchun Consafe Logistics dasturiy yechimi WMS – WES – WCS funksionalligi o‘rtasidagi bo‘linishni, ombor operatsiyalariga eng katta foyda keltiradigan tarzda ushbu tizimlar o‘rtasida uzluksiz integratsiyani birlashtiradi.

Ombor ishlari tovarlarni qabul qilish va qabul qilishga tayyorlash, ularni saqlashga joylashtirish, saqlashni tashkil etish, jo'natishga tayyorlash va qabul qiluvchilarga berish bilan bog'liq ishlar majmuini o'z ichiga oladi. Bu operatsiyalarning barchasi birgalikda omborning texnologik jarayonini tashkil qiladi.

Dissertatsiyani yozish uchun tanlangan mavzuning dolzarbligi ombor operatsiyalari butun korxona faoliyati uchun katta ahamiyatga ega ekanligi bilan izohlanadi. Shuning uchun omborning texnologik jarayonini to'g'ri va oqilona tashkil etish juda muhimdir. Ya'ni, tovarlarni miqdori va sifati bo'yichasinchkovlik bilan qabul qilish, tovarlarning yetishmasligini o'z vaqtida aniqlash va oldini olish, shuningdek, sifati standartlarga javob bermaydigan tovarlarni yo‘qotish imkonini beradi. Saqlashda ratsional joylashtirish usullaridan foydalanish, asosiy tamoyillarga rioya qilish va optimal saqlash sharoitlarini ta'minlash, tovarlarning doimiy monitoringini tashkil etish nafaqat mahsulotning xavfsizligini ta'minlaydi, balki uni to'g'ri va tez tanlash uchun qulaylik yaratadi va saqlash joyidan yanada samarali foydalanishga imkon yaratadi. Tovarlarni chiqarish sxemasiga rioya qilish va ombor

ishchilarining e'tiborliligi mijozlar buyurtmalarini to'g'ri, aniq va tez bajarishga yordam beradi, bu esa korxonaning o'z nufuzini oshirishini anglatadi.

Shuningdek, butun ombor jarayonini mexanizatsiyalash va avtomatlashtirish vositalarining katta ahamiyatini ta'kidlash kerak, chunki ulardan tovarlarni qabul qilish, saqlash va chiqarishda foydalanish ishchilarning mehnat unumdorligini, omborlarning maydoni va sig'imidan foydalanish samaradorligini oshiradi; yuk ortish-tushirish ishlarini tezlashtiradi, yuk mashinasining kutish vaqtini qisqartiradi. Shunday qilib, samarali saqlash logistikaning boshqa sohalarida muvaffaqiyatli operatsiyalarga olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yhati

1. Автоматизированная система с точки зрения ГОСТ 34. Продолжение / М. Острогорский: сайт. 2008. – URL: http://philosoft-services.com/gost34 asconcept2.zhtml (дата обращения: 20.04.2021). – Текст: электронный.
2. Введение: сайт. – URL: https://studfiles.net/preview/5672533/ (дата обращения: 20.04.2021). – Текст: электронный.
3. Интерфейс: сайт. – URL: https://vuzlit.ru/1025500/interfeys (дата обращения: 20.04.2021). – Текст: электронный.
4. Техническое задание: сайт. – URL: https://studfiles.net/preview/5022556/ (дата обращения: 20.04.2021). – Текст: электронный.
5. Микроклимат производственных помещений. Терморегуляция. Влияние микроклимата на работоспособность человека: сайт. 2017. – URL: https://cyberpedia.su/12x45f7.html (дата обращения: 19.03.2021). – Текст: электронный.
6. https://www.skladsystems.com/5-tendenczij-avtomatizaczii-sklada/
7. https://v8.1c.ru/ka/upravlenie-skladom-i-zapasami-ka/
8. https://thermofleet.ru/blog/monitoring-temperaturi-vlagnosti-na-sklade.html
9. https://fabrica-tumana.ru/blog/articles/kontrol-vlazhnosti/
10. https://skladovoy.ru/kak-i-chem-izmerit-vlazhnost-na-sklade-stacionarnye-analizatory.html

СИФАТЛИ ПИЛЛА ХОМАШЁСИНИ ТАЙЁРЛАШДА ПИЛЛАГА ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ БЕРИШ ЖАРАЁНИНИНГ АҲАМИЯТИ

Қодиров Зиёдулла Абдумухтарович, таянч докторант
Андижон машинасозлик институти, Андижон, Ўзбекистон

Жаҳон бозорида қимматбаҳо тўқимачилик хом-ашёси бўлган ипак толасига бўлган талаб йилдан-йилга кескин ортиб бормоқда. Кейинги йилларда сифатли пилла хомашёси етиштириш, жахон стандарти талабларига жавоб берадиган юқори сифатли хом ипакни чувиб олиш, ипакли маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва ассортимент турларини янада кенгайтириш, пилла ва хом ипак сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу масаланинг ижобий ечимларидан бири сифатида пиллага дастлабки ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш, яъни пиллаларни қуритишнинг янада самарали усулларини ишлаб чиқиш ва хўл пиллаларни қуритиш режимини танлаб олиш пилла сифатини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Тайёрлов пунктларида ёки пиллага дастлабки ишлов бериш базаларида базаларида қабул қилинган пиллалар ичидаги ғумбаги тирик ҳолда бўлади. Агар ғумбак капалакка айланиб пилла ичидан учиб чиқиб кетса, бундай тешик пиллалар чувишга яроқсиз бўлиб қолади. Шунинг учун дастлабки ишлов бериш жараёнларида хўл пилла ичидаги ғумбаги ўлдириб, унинг намлиги 80 % гача келтирилади. Ҳаводек қуруқ пиллани тайёрлаш эса сояли қуритиш орқали очиқ ҳавода амалга оширилиб 10-12 % намликка келтирилади [1].

Пиллани қуритишда, яъни ғумбагини ўлдиришда пилла қобиғининг ҳаво ва сув ўтказиш хусусиятлари муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга пилла қобиғининг технологик хусусиятларини сақлаб қолишда қуритиш жараёнининг таъсири катта. Ипакнинг физик–механик ва кимёвий хусусиятлари қуритиш ҳамда сақлаш шароитига боғлиқ. Серицин тахминан пиллаларни 70 ^{0}С ҳароратли сувда, кислота ва асосли эритмаларда эрий бошлайди; айрим ферментлар таъсирига чидамсиз; микроорганизмлар таъсирида эса емирилади. Серициннинг сувни шимувчанлик ва эрувчанлик кўрсаткичлари пилла ипларининг чувилувчанлик хусусиятларига катта таъсир кўрсатади [2].

Пилла ғумбагини қуёш нури ёрдамида ўлдириш ва қуритиш усули бу-қадимги усуллардан бири бўлиб, дастлаб бу усул Хитой пиллакорлари томонидан қўлланилган. Улар қуёш томонга қараган тут дарахтининг шохларидаги пиллалардан капалак чиқмаслигини пайқашган. Маълумки, қуёш нурлари пилла қобиғига салбий таъсир кўрсатади. Қуёш нурида кўп вақт қолиб кетган пиллалар ёмон чувилади. Шунинг учун ҳам кейинги пайтда айрим ҳолларда қўлланилмоқда. Бу усул Туркманистон ва Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида қисман қўлланилган. Бу худудларда қуёш нури энергиясидан самарали фойдаланиш даражаси юқорилиги гелиоқуритиш мосламасини яратиш имконини берди. Гелиоқуритгич ёрдамида тирик пилла ғумбаклари ўлдирилганда ипак хом ашёсининг физик – механик кўрсаткичларига салбий таъсир этиши мумкин [3].

Пилла етиштиришда ва қуритишда биологик фаол модда "Ферростимулятор-2" ни қўллаб олиб борилган тадқиқотлар натижасида юқори сифатди пилла хосилдорлигига ҳамда ишлаб чиқаришда ундан "А" синфига мансуб хом ипак чувиб олишда самарадорлиги исботланди[4].

Иссиқлик билан биргаликда вакуумда пиллаларни ўлдириш бўйича С.В. Стародубцев, А.У. Арифов, Ю.И Тимохиналар тадқиқотлар олиб бордилар. Вакуум камерада ҳарорат 40-70 ^{0}С бўлиб, пиллалар 2 - 3 қаватда жойлаштирилганда ғумбакни ўлдириш ва пиллани қуритиш, худди шу ҳароратдаги ҳаволи қуритгичларга нисбатан анча тез амалга оширилади. Вакуум, босимни вақти- вақти билан берилиши оқибатида ғумбакни нафас тешиги трахеяси системасининг беркитувчи аппаратини мушак ва оғизчаларидан олинадиган намлик вакуум берилган вақтда интенсив бўлишини Ш.А.Қодиров, А.М.Маматханов, И. И. Ибрагимовлар томонидан экспериментал қурилмалар ёрдамида тушунтириб берилди [5].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, пиллага дастлабки ишлов бериш жараёнларида пилланинг ғумбагини ўлдириш ва пиллани қуритишда қайси усулни қўллашдан қатъий назар, пилла қобиғининг шикастланмаслигига ва пилла сифатининг яхшиланишигаэътибор қаратиш зарур.

Адабиётлар

1.Рахимов А.Ю. Сифатли хом ипак ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси асослари. Техника фанлари доктори (Dsc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Андижон - 2021. 213-б.

2.Рубинов Э.Б. Технология шелка. М.:Легкая и пищевая промышленность, 1981. 390- б.

3.Умаров С., Йўлдошев Ш. Қуёш қурилмаси ёрдамида пилла қобиғини жонсизлантириш жараёнларини ўрганиш // Ж. Ипак. 2000. № 2.16 -19 –б.

4. Эсанова Ш.М. Пилланинг технологик хусусиятларига биологик фаол модданинг таъсири. Техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 2007.111-б.

5. Кадыров Ш.А., Махамматханов А.М., Ибрагимов И.И., Латипов К.Ш. Сушка живых шелковичных коконов пульсационным способам. - Ташкент: Ўзбекистон, 1994. 103- б.

Paxta va ipak tolaning materialining namligini aniqlash uchun ilg'or qurilmalar tahili.

Ziyamuxamedova U.A
Toshkent davlat transport universiteti professori
Turg'unaliyev E. T.
Andijon mashinasozlik instituti doktaranti

Chigitli paxta o'z tarkibidagi ortiqcha namlikni havoga chiqarish, yoki bo'lmasa o'z tarkibiga namlikni singdirish xususiyatiga ega. Shu sababli chigitli paxta gigroskopik materiallar qatoriga kiradi.

Chigitli paxta tarkibida namlikning yuqori bo'lishi, ko'p miqdorda iflos aralashmalarni borligi va uning gigroskopik xususiyati paxtani tezda qizib (chirib) ketish holatini yaratadi. Ayniqsa mashinada terilgan chigitli paxta tezda o'z-o'zidan qiziydi, chunki mashinada terilgan paxtaning namligi va iflosligi qo'l terimiga qaraganda ancha yuqori bo'ladi.

Ilmiy tekshirish instituti xodimlari tomonidan o'tkazilgan izlanishlar tajriba) natijalari quyidagilarni tasdiqlaydi:

- agar chigitli paxta massasida yashil organik aralashmalar (G'o'za barglari) 1,0 % bo'ladigan bo'lsa, unda paxtaning namligi - 10÷12 % ga, 1,5÷3,0 % bo'lsa, namlik 14÷18 % ga, 3÷6 % organik aralashma bo'lsa, chigitli paxta namligi 20÷23 % gacha ko'tarilishi mumkin ekan. Bunday namlikdagi chigitli paxta tezda o'z-o'zidan qizib (chirib) ketish imkoniyatiga ega bo'ladi.

Namligi 13÷14 % dan yuqori bo'lgan paxtani saqlaganda o'z-o'zidan qizib, paxta temperaturasi 60÷70 ^{0}C gacha ko'tarilib, biologik prosesslar natijasida chigitni unib chiqish va moy berish xususiyatlari kamayib ketadi.

Namligi me'yordan yuqori bo'lgan chigitli paxtani paxta tozalash korxonalarida qayta ishlaganda texnologik uskunalarning ish unumdorligi va tozalash samaradorligi kamayadi, tolaning sifati pasayib, tashqi ko'rinishi yomonlashadi.

Masalan: Agar I-nav chigitli paxtaning namligi 8 % dan 9 % gacha ko'tarilsa, bunday paxtadan ishlab chiqarishda olingan tola tarkibida nuqsonlar miqdori 0,25÷0,35 % ga ko'payadi. Shu sababli chigitli paxtaning navi uning uzoq vaqt saqlanishga moslangan konditsion namlik O'zDst 615 davlat standartida belgilangan. [1]

Shunday ekan paxtani qabul qilib olish punkitlarida paxtaning namligini aniqlash juda muhim hisoblanadi.Namlikning cheklangan meyori - yuqori namlikka ega bo'lgan xomashyoni qabul qilishni yoki mahsulot ishlab chiqarishni cheklovchi me'yoriy hujjat bilan belgilanadigan namlik meyori mavjud.

Paxta tozalash sanoatida paxta va uning mahsulotlari namligini quritish shkaflarida (Uz-7M, ShSX-1) (110±1,5)°C da va tezkor usulda USX-1, VXS, VXS-M1 va "Sifat" tezkor aniqlovchi o'lchash uskunalarida (195±2)°C da namunani quritish yo'li bilan aniqlanadi.

Namlikni aniqlashdan maqsad - quritish shkaflari va tezkor aniqlovchi o'lchash qurilmalarini qo'llash yo'li bilan paxta namligining massaviy nisbatini aniqlashdir.

Namlikni aniqlash uchun paxtadan namunalar olinadi. Namunani olish va tanlash tartibi va usullari 0'zDSt 644-standartida aniq ko'rsatib o'tilgan. Ushbu standart talablari qo'llanilish sohasi bo'yicha majburiydir.

Namlikni tezkor aniqlovchi oichash qurilmalarida namlikni aniqlashda quyidagilar qo'llaniladi;

- USX-1, VXS-1 va VXS-MI o'lchash qurilmalari byukslar bilan. O'xshash metrologik tavsiflarga ega bo'lgan boshqa quritish shkaflarini qo'llashga ruxsat etiladi;

- Aniqligi 4 chi sinfga mansub yuqori tortish cheklanishi 500 g va har bir bo,,linmasi 10 mg dan yuqori bo,,lmagan umumiy qoilaniladigan laboratoriya tarozisi; [2]

Quritish shkaflarida namlikni aniqlashda quyidagilar qoilaniladi:

- tarkibiga metall byukslar, shuningdek GOST 9871 bo'yicha shkala bo'limi 2°C bo'lgan kontaktli termometr, GOST 28498 bo'yicha shkala bo'limi 0,5°C dan oshmagan nazorat termometri kiritilgan tabiiy havo almashtirgichli UZ-7M tipidagi yoki majburiy havo almashtirgichli SHXS tipidagi quritish shkafi, yoki termoregulyatorli UZ-8 tipidagi qurilma. [3]

Paxta namligining massaviy nisbatini (W) foizlarda (1) yoki (2) formulalar orqali hisoblanadi:

-USX-I, VXS-I, VXS-MI oichash asboblari qoilanilganda:

Laboratoriya sharoitida chigitli paxtaning namligini quyidagi formula yordamida aniqlanadi:

$$W = \frac{m_н - m_c}{m_c} * 100 - 0{,}6\%.$$

Bunda: m_n- namunaning quritishdan oldingi massasi, g;

m_c- namunaning quritishdan keyingi massasi, g.

Laboratoriya sharoitida Chigitli paxta iflosligini quyidagi formula yordamida aniqlaymiz:

$$3 = \frac{M_c * 100\%}{M_n}$$

Bunda: m_c- ajratilgan ifloslikning vazni, g; m_n- paxta namunasining vazni, g;

1-jadval

Paxta-ning sanoat navi	1-sinf		2-sinf		3-sinf	
	Iflos aralashma-ning vazniy ulushi,%	Namlik-ning vazniy nisbati, %	*Iflos aralash-maning vazniy ulushi, %*	Namlik-ning vazniy nisbati, %	*Iflos arlash-maning vazniy ulushi,%*	Namlik-ning vazniy nisbati
I	3,0	9,0	10,0	12,0	16,0	14,0
II	5,0	10,0	10,0	13,0	16,0	16,0
III	8,0	11,0	12,0	15,0	18,0	18,0
IV	12,0	13,0	16,0	17,0	20,0	20,0
V	-	-	-	-	22,0	22,0

Ushbu jadvalda chigitli paxtaning iflosligi va namligi me'yorlari keltirilgan.

Xulosa qilib ta'kidlash mumkinki, chigitli paxtani namligini aniqlash muhim texnologik jarayonlardan biri hisoblanadi.Chigitli paxtaning namligi qancha kam bo'ladigan bo'lsa paxtani mayda iflosliklardan tozalash jarayoni shuncha sifatli bo'ladi. Chunki chigitli paxtaning namligi yuqori bo'lgan holatda daslabki qayta ishlov jaryonlari amalga oshiriladigan bo'lsa, chigitli paxtaning namlik ko'rsatkichiga qarab, paxta tolasining va chigitning mexanik jarohatlanishiga olib keladi. Buning natijasida esa bu paxta tolasi va chigitning sifati ko'rsatkichlari pasayishiga olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. M.A.Gapparova, M.M.Ochilov, E.X.Berdanov "Sanoat Sohalari Texnologiyasi" fanidan o'quv qo'llanma.

2. Основы обеспечения эксплуатационной надежности гетерокомпозитных полимерных материалов для деталей машин. Djumabayev A.B., Sobirov B.A., Miradullayeva G.B., Bakirov L.Yu, Xalimov Sh.A. (Под общ. ред. д.т.н., проф. А.Б Джумабаева) Ташкент. – 2018. –.445 с.

3. Ziyamukhamedova U.A, Bakirov L.Y. Investigation of infiuence of fillers on the properties of composite polymers materials obtained with use of solar energy / ISSN: 2350-0328 International Jurnal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology.– 2018. – №5 – C.5451-5455.www.ijarset.com

4. Ziyamukhamedova U.A, Bakirov L.Y. Miradullaeva G.B. Some scientific and technological principles of development of composite polymer materials and coatings of them forcotton machine / EUROPEAN SCIENCE REVIEW № 3–4 2018 March–April Vienna Publishing– 2018. – C.130-135.

5. U.A Ziyamuxamedova, L.Yu Bakirov, Z.N. Muxiddinov, A.B Djumabayev. Исследование технологических особенностей разработки гетерокомпозиционных полимеров взоимодействующих с волокнистыми материалами //Вестник ТашГТУ. – 2016. – №4. – С.101-106.

СОЗДАНИЕ ВИБРАЦИИ В РАБОЧИХ ОРГАНАХ МАШИНЫ ДЛЯ ОБРАБОТКИ ПОЧВЫ

д. ф. т. н., доцент Абдувахобов Дилшод Абдуваҳидович,
ст.преподаватель Имомов Муқимжон Хабибжонович,
магистр Умаров Сирожиддинхўжа Саидраҳимхўжа ўғли
(Наманганский инженерно-строительный институт, г Наманган, Узбекистан)

Известно, что основная и предпосевная обработка почвы являются наиболее энергоемкими агротехническими мероприятиями, на долю которых приходится от 30 до 40 % энергии, потребляемой в сельском хозяйстве.

Совершенствование конструкции почвообрабатывающих тракторов и рабочих органов, снижение их тягового сопротивления, трудозатрат и других затрат, повышение производительности и долговечности рабочих органов машин, снижение энергоемкости обработки почвы при сохранении качества обработки почвы в пределах агротехнических требований (потребляемой мощности) и снижение расхода топлива) является одной из основных проблем. [1].

Одним из способов активизации рабочих органов является создание дополнительного движения их вибрацией [2]. В настоящее время в сельскохозяйственной технике широко применяются автоколебательные чизельные культиваторы, бороны, плуги и т. п. с упругими навесками. Возникновение самопроизвольных колебаний в этих рабочих органах приводит к уменьшению сопротивления гравитации. Это также предотвращает повреждение рабочих органов вибрирующими рабочими органами при их столкновении с растительными остатками и различными твердыми телами под землей и над землей.

Проведен ряд научно-исследовательских работ и исследований по совершенствованию машинно-тракторных рабочих органов в обработке почвы. В частности, шестеренчатый шторм, созданный В. А. Ерофеевым и соавт. Сделан вывод, что колебание может двигаться в любом направлении за счет использования кронштейна 2, присоединяемого к малогабаритным тракторам или мотоблокам (рис. 1) [3].



Фигура 1. Винт зубчатый в сочетании с упругими элементами
(Изобретение № SU 1440365)

Р.С.Багманов в своей научной работе «Обоснование параметров энергосберегающих культиваторов с упругими рабочими органами» разработал «S»-образные вибрационные рабочие органы культиваторов при обработке почвы. При обработке почвы культиватором такой формы отмечено, что

значительно снижается сопротивление протаскиванию агрегата и увеличивается срок службы рабочих органов культиватора [4]. В исследованиях, проведенных М.А. Донченко, разработана математическая модель системы «почва-рабочий орган-упругое устройство» в результате влияния авторелаксационных колебаний на эффективность работы упругих механизмов при обработке почвы, которая характеризуется наличием внутренние отрицательные обратные связи по параметрам вибрации выявлены и проведены исследования по снижению сопротивления растяжению упругого устройства [5].

Зубчатой бурей, созданной А.Х.Ходжиевым, О.П.Ауэзовым, О.Р.Садиковым, Б.Т.Данияровым, удалось добиться более качественного выравнивания крупных кусков почвы и глыб. Однако эта редукторная рама снабжена редуктором, который отличается от вышеперечисленных тем, что в процессе работы воспринимает вынужденные колебания [6]. Кроме того, исследования, проведенные учеными NamMQI по адаптированному для полевых работ зубчатому колесу (рис. 2), основаны на теоретической возможности получения релаксационных автовибраций в рабочих узлах зубчатого колеса за счет правильного подбора массы зубчатого колеса, его коэффициентов и тягового усилия. скорость [7].



Фигура 2. Рабочее звено зубчатой бороны адаптировано к рельефу поля основные параметры

На основании вышеизложенного можно отметить, что вибрация рабочих органов сельскохозяйственных машин положительно влияет на качество обработки почвы. В частности, эти способы эффективны при обработке чрезмерно уплотненных почв, вибрация помогает рабочим органам самостоятельно очищать почву от растительных остатков, почва значительно очищается от мелких сорняков, вибрирующие рабочие органы увеличивают

скорость разложения почвы и силу тяжести приводит к улучшению качества обработки почвы за счет снижения ее сопротивляемости.

На основании проведенных научных исследований, анализа литературных и патентно-информационных материалов можно сделать вывод, что применение автоколебательных устройств в рабочих органах почвообрабатывающих машин позволяет снизить тяговые, топливные и трудозатраты, а также повысить качество работы и производительность.

Использованная литература

1. А.Тухтакузиев «Пути снижения энерго- и ресурсоемкости при обработке земли» СОЗДАНИЕ И ПОВЫШЕНИЕ УРОВНЯ ВЫСОКОЭФФЕКТИВНЫХ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ МАШИН // Республиканская научно-практическая конференция 13 мая 2017 г. Сборник научных статей Б. 93-99

2. Николаев Л.А. Применение вибрации в обработке почвы. Электронный научно-методический журнал Омского ГАУ.-2017

3. А.С. 1440365 А1. Борона/ Ерофеев В.А., Келлер Н.Д и Кузнецов А. Д.//Б.И. -1988.-№44.

4. Багманов Р.С. "Обработки почвы и снижение энергозатрат путем обоснования параметров культиватора с упругими рабочими органами". Автореферат. Москва -2012

5. Донченко М.А. "Влияние автоколебаний и релаксационных колебаний на эффективность применения упругиях стоек при культивации почвы" Дис.канд.техн. наук. Павловск-2004

6. Патент РУз № IAP 04446. Зубовая борона/ Хаджиев А.Х., Ауезов О.П., Садыков Р.О., Данияров Б.Т.// Расмий ахборотнома. -2011.-№12.

7. Умурзаков А.Х., Гафаров И.А., Абдувахобов Д.А. Способ создания автоколебаний в рабочих органах зубчатых передач // Проблемы механики, №3. - 2019. Б. 67-70.

АНДИЖОН ШАХРИДАГИ АВТОТЕХХИЗМАТ СЕРВИСЛАРИДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРНИНГ ТАХЛИЛИ

Абдуллаев Абдупатто Салимович, катта ўқитувчи, Андижон машинасозлик институти, Андижон, Ўзбекистон

Автомобилларга сервис усулида хизмат кўрсатиш уларни техник таъминлашнинг жаҳон бўйлаб энг кенг тарқалган усулидир. Автомобилларга сервис усулида хизмат кўрсатиш автомобилларнинг ишлашга яроқлилиги, ишончлилиги, хавфсизлиги, тежамкорлиги ва зарурий ташқи кўринишини таъминлаш учун бажариладиган бир қанча хизматлар мажмуидир.

Хизматлар сервис усулида бажарилиши учун у қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши шарт:

-ҳаммабоплиги, яъни хизматдан мижоз исталган корхонасида фойдаланиши имкониятига эга эканлиги;

-бажарилган хизматлар сифати давлат қонунлари асосида кафолатланиши;

-хизмат корхоналари орасида мижозлар учун рақобат пайдо бўлиши муносабати билан сервис маданиятининг ошиши ва сифатининг яхшиланишига доимо рағбат мавжудлиги;

-алмаштирилган эҳтиёт қисмлар ва материалларнинг ишончли эканлиги;

-мижозлар хизматларидан фойдаланишининг қулайлиги, тез ва осонлиги билан ўзига жалб қила билиши;

Умуман, автомобилларга сервис сифатида бажариладиган хизматлар техник, тижорий, мижозлар билан ишлаш каби қисмлардан иборатдир. Шу нуқтаи назардан техник хизмат кўрсатиш дейилганда автомобил, унинг агрегатлари, деталлари ва қисмлари техник ҳолатини созлаш, ростлаш ва тиклаш-таъмирлаш билан боғлиқ бўлган ишлар жамланмаси кўзда тутилади, чунончи:

- автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш;
- автомобиллар агрегатлари, деталлари, кузовлари, шиналари, аккумуляторларини таъмирлаш, иш қобилиятини тиклаш;
- автомобилларни буюртмалар асосида диагностика қилиш;
- автомобилларга кўчаларда, йўлларда, сақлаш жойларида талабга асосан техник ёрдам кўрсатиш;
- автомобилларни қайта жиҳозлаш;
- автомобилларни давлат техник қаровига тайёрлаш;
- енгил автомобиллар кузовларига коррозияга қарши ишлов бериш;
- шикастланган автомобиллар кузовларини тиклаш;
- автомобилларни вақтинча ва доимий сақлаш;
- автосервисда ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш шаклини ташкил этиш.

Автосервис автомобилларга хизмат кўрсатишнинг биринчи, дастлабки усулидир, чунки дунёда автомобилларни биринчилардан бўлиб сотиб олган ва фойдаланадиганлар техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш укувига эга бўлмаганлар. Шу сабабли автомобиллар ишлаб чиқарувчи компаниялар ўз маҳсулотларини харидорга сотиш учун барча автомобиллар сотиладиган ва фойдаланиладиган жойларда уларга техник хизмат кўрсатувчи ва зарур материаллар ва эҳтиёт қисмлар билан савдо қилувчи устахоналар, яъни автосервис корхоналари ташкил этиб ишга туширганлар.

Атомобилларга техник хизмат кўрсатувчи станциялар автосервис хизматини бажарувчи асосий ва энг кўп тарқалган корхоналардир. Замонавий АТХКС ларни янги ва ишлатилган автомобил, эхтиёт қисм ва автомобил материаллари билан савдо қилиш, автомобилларга турли хилдаги техник

хизматлар кўрсатиш, агрегат, деталларни таъмирлаш, ишдан чиққанларини алмаштириш, автохалокатлар натижасида шикастланган автобил ва кузовларининг қайта тиклаш ишлари билан шуғулланадилар.

АТХКС ларининг қуввати ишчи постлар сони ва бир йилда хизмат кўрсатилган автомобиллар сони билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, станциялар кичик (15 та гача ишчи постларга эга бўлган), ўрта (16-25 ишчи постлари) ва катта (25 дан кўп ишчи постли) хилларга бўлинади.

Автоустахоналар автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларининг айрим механизм, агрегат ёки тизимлар бўйича бажаришга ихтисослашган кичик корхоналардир. Масалан, шиналарга техник хизмат кўрсатувчи ва уларни ямовчи ёки аккумляторни зарядловчи ва таъмирловчи, енгил автомобилларни кузови бўйича мураккаб бўлмаган ишларни бажарувчи, тикловчи ва бўёвчи ва х.к. Бундай устахоналар шахар ва қишлоқларда, йўл бўйларида жойлашиши мумкин.Устахоналарда автомобиллар кириши учун махсус постлар бўлиши шарт эмас, уларнинг майдони хам унча катта эмас (40-60м*2), ишловчилар сони эса 1-2 кишидан иборатдир. Автоустахоналар оилавий кичик бизнеснинг айнан ўзидир.

Техник хизмат кўрсатиш постлари устахоналардан фарқли равишда автомобилнинг ўзига хизмат кўрсатади ва майда таъмирлаш ишларини бажаради.

Бугунги куннинг, юқори технологиялар ривожланган замоннинг талабидан келиб чиққан холда ТХКС ларини ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланиш услубини ва ТХКС ларида бажариладиган хизматлар сифатини аниқлаш услуби ишлаб чиқилди.

Адабиётлар

1.Сидиқназаров Қ.М. умумий таҳрири остида. Автомобиллар техник эксплуатацияси. Т.: "Voris nashriyoti" 2008.

2.Мусажонов М.З. Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойиҳалаш. Т.: Voris nashriyoti", 2006

3. http://www.uzavtosanoat.uz/

ҲОЗИРГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА "АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ"ДАН ФОЙДАЛАНИБ, ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ ШАКЛИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

Абдурахмонов Одилжон Қобулович, катта ўқитувчи
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Куйганёр шаҳарчаси, Ўзбекистон Республикаси
e-mail: aodiljon69@mail.ru

Қулматова Буойша Абдулхамитовна, катта ўқитувчи
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Куйганёр шаҳарчаси, Ўзбекистон Республикаси

Ҳозирги кунда дунёда ахборотлаштириш жараёнлари катта тезлик билан ривожланаётган бир вақтда таълим тизимида ҳам ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш замон талабига айланди. Анаъанавий таълим беришда ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаб, электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш ўз самарасини беради. АҚШ, Европа, Корея давлатларида кенг қўлланилиб, ўз самарасини бераётган онлайн таълим курслари, масофавий таълим, мобил таълим, электрон таълим каби таълим олиш усулларидан фойдаланиб келинмоқда. Онлайн таълим ресурсларидан кундузги ва сиртқи бўлим талабалари, мустақил таълим олувчилар, малака оширувчилар учун таълим беришда кенг қўлланилиб келмоқда.

Анъанавий таълим беришда ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаган ҳолда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш натижасида замонавий таълимда аралаш таълим (Blended Learning) тушунчасини келтириб чиқарди. Аралаш таълим (Blended Learning) [1] – Таълим олувчи янги билимларни ўқитувчидан ҳамда онлайн ресурслардан ўрганади. Бунда таълим олувчининг билим олиш темпини, вақтини, билими сифатини назорат қилиш имконияти мавжуд бўлади.

Аралаш таълимини тизимини мактаб ўқувчилари, талабалар, ходимларни корпоратив ўқитишда ҳамда турли тренинглар ўтказишда қўллаш мумкин.

Аралаш таълимда талаба аввал дарсда ўқитувчидан янги билимларни ўрганади, ўқишдан кейин уй вазифасини электрон ресурслар ёрдамида бажариб, ўз билимларини оширади, мустаҳкамлайди. Ўқитувчилар уй вазифаси сифатида фан бўйича лаборатория ишлари, семинар машғулоти назорат саволлари, кейс саволларини ёки бирор мавзуни мустақил ўрганиш учун талабаларга вазифа қилиб беришлари мумкин. Онлайн электрон ресурслар ўз навбатида талабалар билимини назорат қилувчи назорат саволлари билан бойитилган бўлиб, талабанинг билим олиш темпи ва сифатини назорат қилиб боради.

Қуйида аралаш таълимнинг афзаллик ва камчилик томонларини кўриб чиқамиз:

Талабалар учун онлайн таълим ресурсларидан фойдаланиб билим олишнинг бир қатор афзалликлари мавжуд:

1. Талаба ўз ихтиёри билан таълим ресурсидан билим олишни бошлайди. Талабада ўзини – ўзи назорат қилиш, мақсадга интилиши пайдо бўлади;
2. Билим олувчи ўзига қулай вақтда, шароитда билим олиши мумкин. Қўшимча билимларни олиш учун бошқа жойга бормасдан, онлайн курслар ёрдамида янги билимларни, касбларни ўрганиши мумкин. Бунинг учун компьютер ҳамда интернет бўлса етарли ҳисобланади;

3. Талабаларнинг мультимедиа (видео, аудио, анимация) элементлари асосида яратилган ўқув курслар орқали билим олиши тезлашади, чет тилларни интенсив ўрганишда бу технология айниқса самарали ҳисобланади;

Аралаш таълимнинг камчиликлари:[2,89]

1. Талабалар, мустақил билим олувчиларнинг онлайн таълим ресурсидан фойдаланиш кўникмаларига эга эмасликлари;

2. Талабаларда онлайн курслардан фойдаланиш имкониятининг йўқлиги. Компьютер етмайди ёки интернет уланмаган;

3. Ўқитувчи, таълим берувчилар курслар яратиш ва ундан фойдаланиш бўйича етарли билимга эга эмас;

4. Онлайн таълим ресурслари дастурий таъминотини яратувчи дастурловчилар, уларни юритувчи мутахассисларнинг етарли эмаслиги.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун керакли техник таъминот учун етарли маблағ, ходимлар ва талабалар учун мутахассислар томонидан керакли йўл-йўриқ кўрсатилиши керак деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, аралаш таълим замонавий таълим шароитида таълимнинг устувор йўналиши ҳисобланиб, ўқитувчи ва талабалар учун чексиз имкониятлар яратади. Аралаш таълим ўқитувчининг таълим бериш вақтини оптималлаштириб, таълим самарадорлигини оширишга имкон беради. Шу билан бирга талаба таълим жараёни фаол иштирокчисига айланиб, ўз ихтиёжлари асосида индивидуал таълим йўналишини яратиш имкониятига эга бўлади. Бу эса замонавий шароитда рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашда катта ёрдам беради.Ҳозирги мана шу ҳозирги глобаллашув ва иқлим ўзгаришлари бутун олам инсониятни келажагига хавф солиб турган рутубатли кунларда,талабалар ва билим олишга чанқоқ ёшларимизнинг аксарият қисми уйда ўтириб аралаш таълимнинг (масофавий таълим, электрон таълим) элементларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиб олишса ва билим олишни ривожлантиришса ҳеч бир муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Blended Learning: переход к смешанному обучению за 5 шагов. https://zillion.net/ru/blog/375/

2. Сатунина А. Е. Электронное обучение: плюсы и минусы // Современные проблемы науки и образования. — 2006. — № 1. — С. 89.

3. Абдурахмонов Одилжон Қобулович Пандемия шароитида "Ахборот-коммуникацион технологиялари" дан фойдаланиб,электрон таълим шаклига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари. "International scientific-online conference on innovation in the modern education system.Washington University in St.Louis

ПИЛЛАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БИОФИЗИК ТУТҚИЧЛАР АХАМИЯТИ.

Алибоев Махаммадилло Акбаралиевич доктарант

Андижон машинасозлик институти Андижон шахар Ўзбекистон Республикаси

Пиллачилик кластерларини ривожлантиришда муқобил экологик хавфсиз булган энергиядан фойдаланиш хозирги кунда долбзарб муаммолардан бири булиб келмоқда чунки дала шаройитида зарар кунанда хашоратларга қарши кураш химяви ва биологик усуллар унчалик самара бермаганлиги ва зарар етказганлиги учун биофизик тутқичлар қўллаш яхши самара бермоқда.[1,2]

Биз таклиф этаётган биофизик тутқичлари электир таъминоти табиий бўлиб қуёш нурларидан фойдаланиш кўзда тутилган, бу эса далаларга электир симларини тортиб бориш сарф харажатларидан, инсон ҳаётига бўладиган хавфлардан, атроф мухитга иссиқлик электир станцияларидан чиқадиган CO_2 газин атмосфера хавосига таъсиридан яни экологик хавфдан мухофазалайди. Тошкент давлат аграр университети олимлари олиб борган тадқиқотдан куриниб турибдики Тут парвонасига қарши курашишда ёриткичли феромон тутқичларни қўллаш катта самарадорликка эга. Андижон вилояти, Пахтаобод туманидаги ипакчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари тутзорларида ёруғлик диоди асосида ишлайдиган ёриткичлар ўрнатилган елимли феромон тутқичларни тут парвонасига қарши қўллаш бўйича илк бор олиб борган дала тажрибалари натижаларининг таҳлили бўйича қуйидаги хулосага келиш мумкин: биринчидан, ёриткичли феромон тутқичлар қўлланганида ёриткичлари бўлмаган феромон тутқичларга нисбатан 2,15 марта кўпроқ тут парвонасининг эркак капалаклари илинар экан; иккинчидан, кун ва тун мобайнидаги илинган капалаклар миқдорлари солиштирилганида тун мобайнида илинган зараркунанданинг миқдори 1,75 марта кўпроқ эканлиги кўрсатилди; учинчидан, 5 ой мобайнида олиб борилган кузатув тажрибалари назорат вариантларига илинган урғочи капалаклар миқдорлари бўйича аҳамиятга молик натижалар олинмади. Демак, фан ва техниканинг сўнги ютуқларини ўсимликлар ҳимояси учун татбиқ этиш, хусусан ёруғлик диоди асосида ишлайдиган ёриткичли феромон тутқичларни тут парвонасига қарши курашда қўллаш зараркунанда миқдорини назорат қилиш бўйича олиб бориладиган амалий фаолиятда яхши самара берар экан. [3] Бундан куриниб турибдики электир токига ишлайдиган диодли тутқичлар самараси катта шунинг учун пиллачиликда зарур булган тут баргларини зарар кунанда тут парвонасини қуртларидан химоялашда тутқичларни муқобил энергияда ишлашини таминлаш керак. Бунинг учун қуёш энегиясидан ва шамол энегиясидан фойдаланиб экологик хавфсиз хамда қулай қурилма ярадик бу қурима қуёш энергиясини синтиз қилиб энергия хосил қилади, аккумляторни тўлғазиш хисобига ишлайди, тунда ёруғлик даччиклари ёрдамида ишга тушади.[2] Кун ва тун мобайнидаги илинган капалаклар миқдорлари ёритқичсиз феромон тутқичлар ҳоли учун 2-графикда, ёриткичли феромон тутқичлар ҳоли учун эса 1-графикда қиёслаб тасвирланган. Бунда

горизонтал ўқда тажрибалар босқичлари тасвирланган бўлса, вертикал ўқ бўйича илинган капалаклар миқдорлари тасвирланган. 2- график билан кун мобайнидаги, 1- график билан – тунги назорат вариантида илинган капалаклар миқдорлари келтирилган.



1-график (20,40,60,80,100 тут парвонаси капалаклар сони)(1,2,3,4,5 кузатувлар даври)



2-график (0,10,15,20,30,40 тут парвонаси капалаклар сони)(1,2,3,4,5 кузатувлар даври)

доцент кафедры жилищно-коммунального хозяйства
ФГБОУ ВО «Воронежский государственный технический университет»
Россия, Воронеж, Россия

Неудовлетворительное качество пресных вод, связанное с эвтофикацией водоемов, стало всемирной экологической проблемой. Глобальное изменение климата и антропогенное поступление питательных веществ часто приводят к так называемому цветению поверхностных вод, независимо от географического положения. Периоды интенсивного роста сине-зеленых водорослей представляют серьезную экологическую опасность, так как происходит выработка сильнодействующих токсинов, изменяющих качество, запах и вкус воды.

Согласно исследованию, проведенному в НИЦ «Курчатовский институт», массовое цветение сине-зеленых водорослей может наблюдаться во всех климатических зонах Российской Федерации. Регулярные сбросы неочищенных сточных вод, с превышением ПДК таких загрязняющих веществ, как БПК полный, фосфаты, азот общий, азот аммонийный, мочевина (карбамид), жиры

разной категории, провоцируют неограниченный рост цианобактерий, особенно в периоды высоких показателей температуры и солнечного излучения.

Следует отметить, что содержание сине-зеленых водорослей в толще воды в пределах нормы оказывает благоприятное воздействие на состояние водного объекта, но при условиях их стремительного роста происходит интенсивное потребление кислорода и увеличение количества донного осадка, что в свою очередь вызывает замор рыбы и неприятный запах вблизи водоема. Несмотря на отрицательное воздействие цианобактерий, они представляют собой ценный ресурс, как для производства биогаза, так и для обогащения почвенного покрова в качестве органического удобрения, обладающего высокими показателями усвоения для растениеводства.

Существующие способы борьбы с цианобактериями (зарыбление водоемов, обработка биологическими препаратами и др.) не способствуют требуемому результату по очистки водоемов. В связи с этим, необходимо введение технологического цикла утилизации цианобактерий, который позволит решить как проблемы цветения водоемов, так и деградации сельско-хозяйственных земель.

Собранную концентрированную биомассу СЗВ можно направлять для анаэробного сбраживания в метантенки городских очистных сооружений или в отсутствии таковых при минимальном количестве вредных веществ вносить в почву в качестве удобрения, поскольку они богаты питательными элементами. Дальнейшую утилизацию собранной водной биомассы предподчтительней производить в биогазовой установке. Преимущество описанного полного цикла очистки заключается в том, что происходит комплексная утилизация биомассы с наименьшим количеством остаточных продуктов, качественная очистка воды с минимальными затратами, при которой исключаются выделения вредных с резким запахом веществ,повышается выход биогаза из метантенков.

Превышение показателей биогенных веществ в водоеме вызывает стремительный рост цианобактерий. Из-за содержания в воде достаточно высокого уровеня фосфатов, 1,19 г/м^3, биомасса фитопланктона может увеличиваться за сезон с 0,4 до 20 г/м^3 [16]. При таком быстром росте цианобактерии также стремительно отмирают и отравляют воду, что негативно влияет на среду обитания ихтифауны и как следствие происходит ее замор. Поэтому целесообразно по мере образования осуществлять сбор фитопланктона, не допуская его дальнейшего разложения в водохранилище.

Ввиду того, что строительство альтернативных способов переработки растительного сырья в энергию является капиталоемким, предлагается энергоэффективно утилизировать биомассу цианобактерий путем введения ее в существующие линии переработки. Например, в линию очистки сточных вод, содержащую стадию анаэробного сбраживания осадка сточных вод.

Проблема утилизации сточных вод как правило заключается в малой энергетической составляющей субстрата. К тому же основной сложностью является выдержка баланса щелочной среды. Цианобатерии обладают уникальным свойством повышать pH среду обитания, что рационально использовать в системе анаэробного сбраживания как ключевую метрику. При этом они также являются носителем энергии, которая может быть преобразована в биогаз в процессе бескислородного сбраживания.

Список используемых источников

1. Anastasiya Mylayeva, Nadezhda Kuznetzova, Tatiana Shchukina and Dmitriy Drapalyuk 2020 Energy-saving technology of cleaning water basin and enrichment with algae raw materials for biogas production E3S Web of Conferences «Topical Problems of Green Architecture, Civil and Environmental Engineering 2019» 164 01032. DOI:10.1051/e3sconf /202016401032

МЕТОДЫ ИЗГОТОВЛЕНИЯ МОДЕЛЕЙ ИЗ ПЕНОПОЛИСТЕРОЛА.

Косимова Замира Медатовна

Ферганский политехнический институт, ст. преп. кафедра «МСТ и А»

zamirakosimova@mail.ru

Аннотация: В данной статье рассматривается методы изготовления моделей из пенополистерола, в литейном производстве. Производится анализ преимуществ и недостатков каждого метода с учетом габаритных размеров, типов производства, качество получаемых отливок.

Ключевые слова: отливка, пенополистирол, пресс-формы, опоки, выжигаемые модели, термодеструкция, вакуумирование, ферромагнитный материал.

Методы изготовления моделей из пенополистерола, в литейном производстве связаны с усовершенствованием существующих технологических процессов и разработкой принципиально новых специальных способов литья. Одним из наиболее важных вопросов является выбор оптимальной технологии изготовления отливки. Необходимо обращать внимание не только на обеспечение специальных требований к качеству получаемых отливок, высоких физико-механических и эксплуатационных свойств, но и на технико-экономические показатели технологии изготовления отливок, включая механическую обработку.

Модель из полистирола может изготовляться в пресс-формах, а также вырезаться из пенополистирола. При изготовлении моделей в пресс-формах в качестве исходного материала используется вспенивающийся полистирол, который поставляется в гранулированном виде. Для литейного производства выпускают специальные марки литейного пенополистирола. Под воздействием тепла гранулы вспениваются, увеличиваясь в объеме в 5…7 раз. В пресс-форму засыпают расчетное количество гранулированного полистирола и подают пар. Полистирол вспенивается, увеличиваясь в размерах, и занимает объем пресс -

формы. Изготавливаются машины для производства моделей из вспенивающегося полистирола. Такая технология получения моделей приемлема в массовом производстве отливок. Но производить литье по выжигаемым моделям можно и в единичном производстве. В этом случае модель должна быть изготовлена из пенопласта путем вырезания, а форма изготовления – в опоках с применением обычной формовочной смеси. Для повышения качества поверхности будущей отливки модель окрашивается.

Этим способом можно получать отливки без стержней, без уклонов, без заливов и швов с более жесткими допусками на размеры и с уменьшенными припусками на механическую обработку по сравнению с литьем в песчаные формы по деревянным или металлическим моделям.

Способ литья по выжигаемым моделям позволяет использовать для формы сухой песок, что снижает трудоемкость процесса. При этом может применяться вакуумирование формы, которое обеспечивает удержание песка и удаление продуктов термодеструкции.

Использование вместо сухого песка сыпучего ферромагнитного материала, дроби или металлического песка, позволяет применить магнитное поле для удержания формы в процессе заливки металла. Однако взаимодействие расплавленного металла с продуктами деструкции материала модели нередко приводит к появлению специфических дефектов отливок: поверхностных раковин (вследствие отложения твердого углерода); газовых раковин; волнистости поверхности отливок и др. Качество поверхности отливок существенным образом зависит от свойств материала модели, в частности его удельного веса. При уменьшении удельного веса материала снижается количество продуктов деструкции, но уменьшается жесткость и прочность модели, что увеличивает вероятность деформации при использовании уплотняемых песчано-глинистых смесей.

Возможность получения отливок в формах из сухого песка без связующего различные исследователи объясняют по-разному. С одной стороны, считается, что форма из сухого песка приобретает прочность за счет связующего действия сконденсированных в порах формы продуктов испарения пенополистирола, образующихся в процессе его газификации. С другой стороны, отрицается связующее действие продуктов конденсации и утверждается, что устойчивость форм из сухого песка и возможность формирования в них отливок объясняется замещением модели расплавом. Однако рядом исследователей установлено, что зазор между моделью и расплавом образуется, и величина его зависит от температуры расплава скорости заливки, гидростатического напора и других факторов. Считается, что основным фактором, удерживающим песок в устойчивом положении, является действие фильтрационных сил газового потока, образующегося в результате взаимодействия материала модели и расплава.

При изготовлении отливок в формах из сухого кварцевого песка без связующего компонента, из-за несоответствия размеров отливки и модели образуются песчаные засоры. Значительное количество отливок бракуется. Нанесение на пенополистироловую модель прочной и газопроницаемой краски, стабилизирующей формы из сыпучего материала до момента образования затвердевшей корочки отливки, позволило снизить изготовление бракованных отливок.

Способ литья в магнитные формы по выжигаемым моделям. Пенополистироловая модель засыпается ферромагнитным формовочным материалом, на который накладывается магнитное поле. Под действием магнитного поля частицы ферромагнитного материала связываются в единое целое. Заливку производят как обычно. После снятия магнитного поля формовочный материал высыпается из опоки. Такой способ получения отливок сохраняет основные достоинства литья в формы из сухого кварцевого песка и в то же время устраняет их основной недостаток — образование засоров. Однако этот способ нашел применение для получения отливок сравнительно небольшой массы и простой конфигурации. Наибольшее уплотнение получает материал формы, расположенный у стенок, которые простираются вдоль магнитных линий. Поэтому для литья массивных и сложных отливок требуется большая напряженность магнитного поля, для создания которого необходимы магниты очень больших размеров.

Список литературы:

1. Литье по выжигаемым моделям: Учебное пособие литейное производство черных и цветных металлов // Сост. В.М. Григорьев. — Хабаровск: Изд-во Хабар. гос. техн. ун-та, 2002.

ОСОБЕННОСТИ ЭКСПЛУАТАЦИИ АВТОМОБИЛЬНЫХ ДВИГАТЕЛЕЙ В ЖАРКО КЛИМАТИЧЕСКИХ УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА

Каримходжаев Н. К.т.н., доцент, Андижанский машиностроительный институт, г. Андижан, Узбекистан.

Автомобили и их двигатели при проектировании, как правило рассчитываются на работу в условиях умеренного климата, хотя и природно-климатические условия, особенно экстремальные случаи оказывают существенное, влияние на надежность и износостойкость двигателей [1,2,3, 4]. Ниже представлены результаты работ, проведенных в Андижанском машиностроительном институте по изучению влияния природно климатических условий эксплуатации на изменение технического состояния автомобилей в жарко климатических условиях республики Узбекистан. Условие эксплуатации автомобилей в республике считается экстремальным, с высоким содержанием пыли в воздухе [1,2].

В процессе эксплуатации двигатель соприкасается с окружающей средой, а его элементы взаимодействуют между собой, вследствие чего вызывается нагружение деталей, их взаимные перемещения, трение, нагрев, химические преобразования и изменения во время работы физических значений и конструктивных параметров: размеров, взаимного расположения деталей, зазоров и других величин. Техническое состояние двигателя или его агрегатов оценивается совокупностью изменяющихся свойств, характеризуемых текущими значениями конструктивных параметров: x_1, x_2, x_3, x_n. Например, размеры деталей цилиндро-поршневой группы, кривошипно-шатунного и газораспределительных механизмов и т. п.

Известно, что на изменение технического состояния двигателя основное влияние оказывают его конструкция, качество материалов, из которых изготавливаются детали, технология производства, качество топливо-смазочных материалов, условия работы двигателя и его деталей в эксплуатации, а также качество ТО и ремонта. В данной работе рассматривается влияние условий эксплуатации на изменение параметров технического состояния двигателей в республике Узбекистан.

Исследования последних 10—15 лет показали, что одним из основных эксплуатационных факторов, влияющих на техническое состояние автотракторных двигателей, является атмосферная пыль, поступающая в двигатель вместе с потребляемым воздухом, топливом и маслом, а также через неплотности в местах соединения деталей. Пыль, попадая в двигатель, вызывает интенсивный абразивный износ его деталей. Недооценка этого фактора при проектировании, испытании и эксплуатации двигателя может привести к неоправданно высоким затратам вследствие быстрого ухудшения технического состояния и сокращения долговечности. Основное количество пыли попадает в двигатель через воздухоочиститель и чем больше количество пыли попадает в двигатель, тем быстрее изнашиваются детали. С увеличением коэффициента пропуска пыли воздухоочистителем резко повышается интенсивность изнашивания цилиндров (рис. 1).



Рис. 1. Влияние коэффициента пропуска пыли (φ) воздухоочистителем на скорость изнашивания (*i*) цилиндров двигателя

Получено, что при работе двигателя на загрязнённом топливе существенно снижается его надёжность. Механические частицы, попадая с топливом в

инжекционную систему питания и в карбюратор, вызывают отказ и изнашивание их деталей и агрегатов. Так, элементами, имевшими наибольшее число отказов являлись инжектор и электрический бензонасос, средняя величина которых соответственно – 2,28 и 2,77 отказ/авт., а в карбюраторном двигателе до 47% отказов элементов топливной аппаратуры, происходило из-за загрязненности топлива. Это показывает, что техническое состояние двигателей тесно взаимосвязано с качеством топливо-смазочных материалов, дорожными, а также климатическими условиями эксплуатации. При высокой температуре и повышенной запыленности воздуха износ деталей двигателя, главным образом детали цилиндропоршневой группы интенсивно изнашиваются и в этих условиях превалирующее значение имеет абразивное изнашивание деталей [1,2].

Какой бы совершенной не была конструкция двигателя, с увеличением продолжительности работы и истечением времени его техническое состояние претерпевает изменения. и это приобретает особую значимость для климатических условий республики Узбекистан.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ.

Условие эксплуатации автомобилей в республике считается экстремальным, с высоким содержанием пыли в воздухе.

2. Сильное влияние на интенсивность изменения технического состояния двигателей оказывает ззапылённость воздуха, загрязненность топлива и масла. Пыль, попадая в двигатель, вызывает интенсивный абразивный износ его деталей. Недооценка этого фактора при проектировании, испытании и эксплуатации двигателя может привести к неоправданно высоким затратам вследствие быстрого ухудшения технического состояния и сокращения долговечности.

3. На интенсивность изнашивания двигателей решающее влияние оказывают природно – климатические и дорожные условия. При высокой температуре и повышенной запыленности воздуха износ деталей двигателя, главным образом детали цилиндропоршневой группы интенсивно изнашиваются и в этих условиях превалирующее значение имеет абразивное изнашивание деталей.

4. Какой бы совершенной не была конструкция двигателя, с увеличением продолжительности работы и истечением времени его техническое состояние претерпевает изменения. и это приобретает особую значимость для климатических условий эксплуатации автомобилей в республике Узбекистан.

ЛИТЕРАТУРА.

1. Каримходжаев Н., Алматаев Т.О., Одилов Х.Р. Основные причины, вызывающие износ деталей автотранспортных средств, эксплуатирующихся в

различных природно-климатических условиях // Universum: Технические науки : электрон. научн. журн. 2020. № 5(74). URL: http://7universum.com/ru/tech/archive/item/9435.

2. Каюмов Б.А. Обеспечение надежности системы питания современных бензиновых двигателей в условиях жаркого климата.-Андижан, Андижонашриёт –манбаа.2019.-104с.

3. Шеховцев А.Ф. и др. Конструктивные отличия и особенности Эксплуатация двигателей в экстремальных условиях. Kovsh.com/library/ice/climatic conditions/ekspluadvigatelekstremuslov. 2019.

4. Recommendations for Cleaning and Pretreatment of Heavy Fuel Oil Alfa Laval. London. 2012. -124 p

5.Эксплуатация двигателей в экстремальных условиях. Kovsh.com/library/ice/climatic conditions/*eksplua dvigatel* ekstrem uslov. 2019_.

6.Эфендиев А.М. Повышение надежности автотракторных двигателей в условиях пустынь с высокой концентрацией солесодержащей пыли в воздухе. Ташкент 1994. 180 с.

"Микрошарчалар билан сиртлар динамик пластик деформациялангандан сўнг батан механизмининг йўналтирувчи тароқ тишларининг контакт сиртларининг ҳолатини назарий тадқиқотлаш"

Касимов Бахтиёржон Мурат ўғли асс.
Андижон Машинасозлик институти Машинасозлик технологияси кафедраси ассистенти.
Жўрабоев Давронбек Одилжон ўғли
Андижон Машинасозлик институти магистранти

Батан тишлари микрошарча оқими билан мустаҳкамлангандаги чуқурлигини назарий аниқлаш ва микрошарчалар билан динамик мустаҳкамлашда деталлар сирт қатламларининг кучланганлик-деформациянинг ҳолатини аналитик тадқиқотига бағишланган.

Машинасозлик ишлаб чиқаришида технологик ва кенг қўлланиладиган сирт пластик-деформациялаш йўли билан мустаҳкамлаш усулларида қуйидаги микрошарча оқими орқали динамик мустаҳкамлаш усуллари ҳисобланади: Микрошарча отиш, ҳаво оқими орқали йўналтирилган микрошарча, суюқлик оқими орқали йўналтирилган микрошарча, ҳаво-суюклик оқими орқали

йўналтирилган микрошарча, ультра товуш, микрошарчалар билан мустаҳкамлаш, вибро мустаҳкамлаш. [1]

Сиртларни пластик деформациялаш усулларидан микрошарчалар орқали мустаҳкамлаш қатор афзалликларга эга, биринчидан деталларнинг мураккаб участкалари ва фасон сиртларини мустаҳкамлаш имконияти рўёбга чиқади, бошқа статик усуллар ёрдамида мустаҳкамлашни амалга ошириш деярли мумкин эмас. Бунда сиқувчи қолдиқ кучланишларнинг эпюрасидаги максимал қиймат детални сиртига тўғри келади, бундай ишлов бериш натижасида бошланғич ғадир-будурлик сезиларли камаяди (R_a=0,63…0,16 ики гача).

Шундай қилиб, батан тишларининг шакли мураккаб бўлганлигини ва унинг иш қобилиятининг асосий мезони бўлган ейилишга чидамлилигини таъминлаш зарурлигини инобатга олиб, ишлов бериш сиртига сиқилган хаво оқими билан ҳаво оқими орқали йўналтирилган микрошарчаларни (пневмодроб оқимли) йўли билан динамик мустаҳкамлаш технологиясини ишлаб чиқиш керакдир.

Микрошарча билан машина деталларини динамик мустаҳкамлаш учун ишлов бериш асосий маромларининг параметрларига қуйидагилар киради; микрошарчанинг диамети D ёки массаси m; микрошарчанинг тезлиги v_0; сиқилган ҳаво босими ρ; ишлов бериш вақти t; оқимнинг нисбий зичлиги q ва микрошарчанинг нисбий сарфи Q. [2]

1-расм. СТБ тўқув дастгоҳининг батан механизмини батаннинг тиши.



2-расм. Турли ишлов бериш бурчаклари α қийматлари учун микрошарча ва ишлов берилаётган сиртнинг ўзаро таъсири.



3-расм. Микрошарча оқимли ишлов беришдаги бир контактнинг схемаси:
а) Диаметри D бўлган микрошарча ва ишлов берилаётган сиртнинг (d, h-пластик изнинг диаметри ва чуқурлиги) эластик-пластик ўзаро таъсири; б) урилаётган

а) б) микрошарча қайтишида қалинлиги $h_н$ бўлган мустаҳкамланган қатламни шаклланиши

Микрошарча билан ишлов берилаётган сиртга урилгандаги (2-расм) ўзаро боғланиш таъсирининг хусусий ҳоллар масалаларининг ечиш учун бир қатор шартлар қабул қилинган ва улар схемалаштирилган.

Микрошарча орқали мустаҳкамланаётган сиртга урилгандаги контакт ўзаро таъсир деформацияланиш ўчоғини ҳосил бўлишига олиб келувчи локал деформациянинг жараён билан тавсифланади (3-расм). Натижада d диаметрли чуқурча шаклидаги пластик из ҳосил бўлади, уни ҳосил бўлиши кучланишлар жадаллиги σ_i ишлов берилаётган материалнинг динамик оқим чегарасидан $\sigma_{т.д}$ катта эканлигидан далолат беради ($\sigma_i \geq \sigma_{т.д}$).

Эътиборга моликки, микрошарча 10...12 марта урилгандан сўнг изни диаметри ўсиши тўхтайди ва биринчи зарбдаги d_1 га нисбатан турли ишлов бериш шароитлари учун ўртача (1,25...1,55) d_1 ташкил этади. [3]

Микрошарчалар билан динамик мустаҳкамлашдаги деталларнинг сирт қатламининг деформациянинг ҳолати сиртнинг пластик деформацияланиш даражаси билан аниқланади, сиртнинг пластик деформацияланиш даражаси деганда ҳосил бўлган чуқурчанинг d диаметрини сферик индентор D диаметрига нисбати ε=d/D тушунилади, конструкцион пўлатлар учун ε=0,3…0,7. Маълум бўлган ε учун ифодаларга аниқлик киритиш билан сиртни деформацияланиш даражаси ва пластик из (чуқурча) ва пластик из чуқурча диаметри d учун қуйидаги боғланишлар аниқланди.

$$\varepsilon = \sqrt[4]{\frac{(1-k^2)W_0}{0.17HB \cdot D^3}}, d = \sqrt[4]{\frac{D(1-k^{2)}W_0}{0{,}1 \cdot HB}}, \text{ мм} \quad (1)$$

бу ерда W_0 – микрошарчанинг бошланғич кинетик энергияси, Dj;

HB – ишлов берилаётган материалнинг Бринелл бўйича қаттиқлиги;

D – микрошарчани диаметри, m;

k – зарб тезлигини қайта тикланиш коэффициенти;

$1-k^2$ – зарбли кинетик энергияни нисбий йўқолиш коэффициенти.

Кўрсатилган формулаларни (1) олишда қаттиқлиги HB 300 бўлган металллар ва қотишмалар учун материалнинг динамик қаттиқлигини H_D бринелл бўйича қаттиқлик билан ўзаро боғлиқлиги бринелл бўйича H_D = 1,7·HB эътиборга олинган ҳамда сирт қатламидаги кучланганлик-деформациянинг ҳолат тўлиқ бошланғич кинетик энергия W_0 билан эмас балки

($1-k^2$) ифодаси асосида тезликни қайта тикланиш коэффициенти орқали аниқланадиган қисми билан ҳосил қилиниши инобатга олинган. [4]

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Касимов Б.М., Шин И.Г., Муминов М.Р. Расчетные модели для оценки напряженно-деформированного состояния в поверхностном слое деталей при поверхностном пластическом деформировании обкатыванием и выглаживанием // Научно-технический журнал Наманганского инженерно-технологического института, 2020, том 5. - №2. - С. 385-389. (05.00.00; №33)

2. Касимов Б.М. Особенности изнашивания зубьев батана и пути повышения их работоспособности // Научно-технический журнал Наманганского инженерно-технологического института, 2021, том 6. - №2- С. 317-320. (05.00.00 №33)

3. Kasimov B.M., Muminov M.R, Shin I.G. Combined Strengthening of Batan Teeth of the Stb Loom // International journal on orange technologies, - Indonesia, Volume: 03 Issue: 04 | April 2021; p.p. 223-225. ISSN: 2615-8140 (05.00.00; IF: 5.9)

4. Kasimov B.M., Muminov M.R, Shin I.G. Analytical assessment of the influence of the intensity of technological residual Voltagees in the surface layer of teeth on the durability of Saw blades for gins // International Journal of Advanced Academic Studies, - India, 2020; 2(2): 102-103. ISSN: 2706-8927 (05.00.00; IF 5.12)

Ипак қуртини боқишда биологик фаол моддалардан фойдаланиш

Қ.Қ. Сайдалиев таянч доктарант, У.М. Турдиалиев т.ф.д, DSc., А.А. Рахимов f.f.d PhD.,
Андижон машинасозлик институти

Республикамиз иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтиши қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўлган пахта, пилла хомашёларининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган даражага етказишни талаб қилмоқда. Бу эса ўз навбатида ипакчилик саноати мутахассис кадрлари зиммасига сифатли ва дунё стандартлари талабига жавоб берадиган пилла хомашёсини етиштиришдек улкан вазифаларни юклаб. Бу мухим вазифаларни тўғри ҳал қилиш учун ипакчилик саноати ходимлари ва мутахассис кадрлари томонидан ипак қуртини уруғини жонлантириш, боқиш ва ипак қуртини пилла ўраш агротехник жараёнларига жиддий этибор қаратиб, юқори ипакчанлика эга бўлган, пилла қобиғи тоза ва сифатли, яхши чувилувчанлик хусусияти мавжуд бўлган пилла хомашёсини етиштириш устида чуқур илмий тадқиқот ишларини олиб хозирги кунда зарурлигини курсатмоқда.

Афсуски статистик маълумотларга кўра 1992 йилга нисбатан республикамизда етиштирилаётган пилла хомашёсининг миқдори ва сифат кўрсаткичлари кейинги йилларда кескин пасайганлигини кўрсатмоқда .

Юқоридаги муаммолардан келиб чиққан ҳолда Республикамиз Президенти ва Вазирлар махкамаси томонидан Респликамизда ипакчилик санотини тубдан ислох қилиш учун бир қанча қарор ва фармонлар қабул қилди. Хусусан, 2017–йил 29 мартдаги ПҚ–2856–сон "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора–тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, 2017–2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора–тадбирлари дастури тўғрисидаги: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.08.2017–йилдаги 616–сонли қарори. 2019 йил 31–июлдаги ПҚ–4411–сон "Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашнинг ривожлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори юқоридаги фикрларнинг исботидир [1].

Бу қарор ва фармонларни ижросини таъминлаш орқали Республикамизда пилла етиштириш ҳажми ортиши билан бирга етиштирилаётган пилла хомашёсининг сифат кўрсаткичлари кескин яхшиланди. Масалан 2020–йилда Республикамиз миқиёсида 21 минг тонна пилла етиштирилган бўлса, 2021–йилга келиб бу кўрсаткич 23 минг тоннани ташкил қилди. Шу билан бирга қишлоқ жойларда дойими ва вақтинчалик янги иш ўринлари яратилишга эришилди [2].

Йилдан–йилга пилла етиштириш ҳажмининг ортиши эса ўз навбатида Республикамизда янги ва янги ипак қурти озуқа базаларини яратиш ва мавжуд тут плантатцияларидан самарали фойдаланиш зарурияти вужудга келмоқда.

Ипак қурти озиқасининг тўйимлилиги тут дарахтининг навига, тут баргларининг таркиби, баргдаги оқсил моддалар миқдорига узвий боғлиқ бўлади. Тут дарахтининг навига қараб тут барглари ўзининг кимёвий таркиби бўйича бир–биридан фарқ қилади. Масалан, умумий азот миқдори бўйича энг юқори кўрсакгич Тожикистон уруғсиз навида 3,66 % бўлса, энг кам Ўзбекистон навида 3,20 % тўғри келади (1–жадвал).

1–жадвал

Навли тут баргларининг озуқавий таркиби

№	Тут навлари	Сув миқдори %	Умумий азот %	Оқсилли азот %	Карбон сувлар %	Кул миқдори %
1	Тожикистон уруғсиз	70,1	3,96	3,36	16,2	9,15
2	Қатлама	71,6	3,9	3,6	16,1	10,3
3	Пайванди	71,4	3,7	3,4	15	12,4
4	Ўзбекистон	68,8	3,2	2,7	14,2	12,7
5	Дурагай тут барглари	69,7	3,42	3,14	13,8	12,9

Ипак қурти танаси озуқа таркибидаги оқсилни ўртача 62 фоизи, ёғларни 59 %, углеводларнинг 40 % танага сингади. Урғочи ипак қуртлари эркак қуртларга нисбатан 20 % кўп овқат ейди ва ҳазм қилади [3].

Тут ипак қуртларини боқиб юқори сифатли, мўл пилла ҳосилни олиш учун навдор ва тўйимли тут барглари билан боқишни тақоза қилади.

Ипак қуртларини навдор тут барглари билан боқиш тўғрисида олиб борилган тадқиқот ишларининг натижалари шуни кўрсатадики сифатли ва тўйимли озиқа қурт боқиш даврини қисқаришига, қуртларнинг ҳаётчанлиги, пилла ҳосилдорлиги ва унинг навдорлик хусусиятларини ортишига олиб келади.

Андижон машинасозлиги институтининг бир гурух олим ва мутахисслари томонидан ипак қурти озуқаси бўлган тут баргларини тўйимлик даражасини ортириш учун кейинги йилларда турли хил биологик ва кимёвий фаол моддаларни синтез қилиш ва бу синтез қилиш йўли билан олинган биологик ва кимёвий моддалар билан тут баргларини тўйинтириш устида илмий тадқиқотлар ишлари олиб борилди.

Пахта толаси чиқиндисидан кимёвий моддалар ёрдамида қайта ишлаб синтез қилиб йўли билан олинган микрокристалл целлюлоза билан тут баргларни тўйинтирилиб ипак қуртлари боқиш устида олиб борилган тадқиқот ишлар натижасида пилла етиштириш ҳажмини ва сифат кўрсаткичлари назорат вариантига нисбатан кескин ортишига эришилди. Тадқиқот вариантидаги пиллалардан чувиб олган хом ипакни сифат кўрсаткичлари ва физик–механик хусусиятлари ҳам кескин яхшиланганлиги аниқланди [4].

Адабиётлар

1. 2017 –2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора–тадбирлари дастури тўғрисидаги: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.08.2017 йилдаги 616–сонли қарори, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ–2856–сон "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора–тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, 2019 йил 31 июлдаги ПҚ–4411–сон "Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашнинг ривожлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори юқоридаги фикрларнинг исботидир
2. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2020–2021 йил Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига табригидаги нутқидан. https://xs.uz/. https://president.uz/
3. Ч.И. Беккамов, У.Данияров, О.Орипов Қ.А.Жумағулов "Ипак куртини боқиш ва пилла тайёрлашда инновацион технологиялар" модули бўйича ўқув услубий мажмуа. Тошкент 2017–йил.
4. Jurnal Natural volatiles essential oils "Technolody for marking microcricstal cellulose on the basis of An–35 cotton waste" U.M. Turdialiyev, A.A. Raximov, Q.Q. Saydaliyev. Turkiya–2021.

ЎЗБЕКИСТОНДА АБРЛИ ГАЗЛАМАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲОЛАТИ

Қобулова Нилуфархон Жалиловна, т.ф.н., доцент
Андижон машинасозлик институти, Ўзбекистон

Ўзбекистонда абрли газламалар – хон атлас, беқасам, банорас ва шулар туркумидаги газламалар ишлаб чиқариш қадимдан маълум.

Бу табиий ипак, унинг сунъий ипак билан аралашмаси ва сунъий ипаклардан ишлаб чиккрилган хилма-хил турлари нафакат аёлларнинг безакли кўйлакларини тикишда ишлатилади, балки ўзбек оиласида кўрпача, кўрпа, ёстиқлар тикишда ҳам кенг ишлатилади.

Дастлаб хон атласлар косибларнинг уйларида ўрнатилган қўл дастгоҳларида ишлаб чиқарилган. 20-30 йилларда якка ҳунармандлар артелларга бирлаштирилиб, хон атласни ҳам механик тўқув дастгоҳларида ишлаб чиқариш ташкил этилди [1].

60- йилларда Ўзбекистонда абрли газламаларга эҳтиёж ошиши уни йирик саноат асосида ишлаб чиқаришни тақозо этди. Шунга кўра, аввал, Марғилонда атлас ишлаб чиқариш бирлашмаси, кейинроқ Наманганда абрли газламалар ишлаб чиқарадиган комбинатлар ташкил этилди. Улардан ташқари собик маҳаллий саноат вазирлиги тасарруфида Шахрихон, Избоскан (Андижон вилояти) Косонсой (Наманган вилояти), Бойсун (Сурхондарё) шаҳарларида шойи тўқув фабрикалари ишга туширилди. Уларнинг ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари, асосан, абрли газламалар эди. Бу соҳани жадаллик билан ривожланишига, аввало, уларга талаб ошган бўлса, иккинчи омил ўша йилларда дунёда кимёвий ипларнинг ишлаб чиқарилиши кескин ошгани бўлди. Айниқса, бу толаларни кўрпа - ёстиқларга ишлатишга эҳтиёж ошди [2].

Қуйидаги жадвалда баъзи бир абрли газламаларнинг кўрсаткичлари келтирилган.

1- жадвал

Абрли газламаларнинг айрим технологик кўрсаткичлари

Т/р	Номи	Эни, см	Хом ашё тури ва ч/з		10 см даги иплар сони		Сирт зичлиги, гр/м^2	Ўрилиши
			танда	арқоқ	танда	арқоқ		
1	Хон атлас	82,9	3,23*2 т и	4,65*2ти	720	370	80	А 8/3
2	Хон атлас	82,2	3,23*2 т и	3,23*4	720	400	80	-/-/-
3	Хон атлас	82,5	3,85*2 т и	5,56*2	680	380	76	-/-/-

4	Хон атлас	54,4	3,23*7 т и	5.55*2	720	380	100	-/-/-
5	Чойшаб атлас	132,9	3,23*2	16,6 Ви	640	360	85,6	6 шода атлас
6	Бекасам	96	16,6 В и	25*2 Пи	480	160	160	полотно
7	Атлас (кўрпабоп)	98	16,6 В и	16,6 Ви	480	360	120	атлас 5/2

Жадвалдан 1-3 сон хон атласлар, асосан, арқоқ ипларининг чизиқий зичликлари билан фарқ қиляпти. Бу газламаларнинг эни бир хил бўлиши тандага тушириладиган нақш ўлчамларига боғлиқ. 4 - рақамдаги хонатлас энсиз бўлиб, бу ҳам шу энда яратилган нақш кўркамроқ бўлиши билан боғлиқ. 1-4 хон атласлар мокили АТ-100 дастгоҳида ишлаб чиқарилса, 5- чойшаб атлас СТБ-170 дастгоҳида арқоғига вискоза ип ташланиб ишлаб чиқарилган. Бу газламанинг ўрилиши ҳам юқоридагилардан фарк қилиб уни ишлаб чиқаришда 6- шодали нотуғри атлас қўлланилган.

Хон-атлас газламаларини барчасида танда бўйича зичлик арқоққа нисбатан анча катталиги, ўрилишига нисбатан раппорти катта бўлганлиги билан боғлиқ. Хон атласларда ўрилиш раппорти қанча катта бўлса, шунча газлама кўркам ва силлиқ бўлади. 1990 йилларда энг катта раппорт саккиз бўлган (саккиз тепки) 8 шодали хон атлас энг юқори сифатли бўлиб ҳисобланиши ва кўп йилларга сақланиб қолишига икки омил сабаб бўлган.

1. Қўл дастгоҳларида тўқувчи учун шодаларни купайтириш тўқиш жараёнини мураккаблаштирган.

2. Раппортнинг катталашиши танда билан аркоқ ипларининг боғланишига салбий таъсир кўрсатган, яъни газламада ипларнинг бир-бирига нисбатан сурилиш эҳтимоли кучайган.

Бу камчиликни бартараф этиш янги ўрилиш турини яратиш билан боғлиқ бўлди. Саккиз раппортли оддий атлас ўрнига ўн шодали ярим кучайтирилган атласдан фойдаланиш анча кўримли хон атлас ишлаб чиқаришга имкон яратди. Агар 8 шодали атласда 64 қопланишдан 8 арқоқ 56 танда қопланиши бўлса, 10 шодалида 100 қопланишдан 15 арқоқ, 85 таси эса танда қопланишларни ташкил этади.

Ҳозирги кунда миллий газламаларимиз тузилишининг тадқиқи асосида янги турларини маҳаллий хом ашёлардан ишлаб чиқиш [3], турли толали миллий газламалар ассортиментида янги намуна турларини яратиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилаётган бўлишига қарамай бу соҳада кейинги 10 йилликда ишлаб чиқариш ҳажми камайган.

Адабиётлар

1. Развадовский В. Н., Опыт исследования кустарных промыслов в Туркестанском крае. Т., 1916.
2. Хафизов Н. Р., Шелководство Средней Азии. Т., 1969
3. Ражапова У. Б. Миллий газламалар тузилишининг тадқиқи асосида янги турларини маҳаллий хом ашёлардан ишлаб чиқиш. PhD диссертация иши.Т., 2021

ЕРЛАРНИ ШУДГОРЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПЛУГ ЛЕМЕХЛАРИНИНГ ДАЛА СИНОВЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

Қосимов К.К т.ф.д., проф, Қосимова М.К катта ўқитувчи,
Н.У.Қодиров таянч докторант
Андижон машинасозлик институти

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган машина ва агрегатларни замонавий технологияларга асосланган ишончлилиги ва пухталиги юқори ишчи органлар билан таъминлаш жуда долзарб хисобланади. Қишлоқ хўжалигида ерга ишлов берувчи машиналарнинг хайдов тезлигининг ортиши ерга ишлов беришда асосий ишчи органларга тушаётган қаршилик кучларининг ортиши ишчи органларнинг ейилишга чидамлилигига бўлган талабларнинг хам ортишига сабаб бўлмоқда. Бу ўз навбатида ишчи органлар тайёрланадиган материалларнинг юқори эксплуатацион хоссаларга эга бўлишини талаб қилмоқда. Шу мақсадда машиналар ишончлилиги ва умрбоқийлигини ошириш, қишлоқ хўжалик техникаларидан самарали фойдаланиш муҳим вазифалардан бири хисобланади.

Жаҳонда, хусусан АҚШ, Германия, Швецария, Япония, Англия, Россия каби ривожланган мамлакатларнинг илмий-тадқиқот марказларида, қишлоқ хўжалигида тупроққа ишлов берувчи машиналари ишчи органларининг ейилишини камайтириш ва ресурсини орттиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Уларда лемех материаллари, конструктив параметрлари, термик ишлов бериш режим ва параметрлари асосланган. Европа мамлакатлари ва Американинг етакчи фирмаларидан, Лемкен (1-расм), Kun, Нимейер, Дин и ВН, Vogel&Noot, Kverneland, Джон дир, Кроне, Регент каби фирмалари ушбу сохада муайян ютуқларга эришган. Ўзбекистон бозорларида Лемкен, Noot, Kverneland, Джон дир каби фирмаларнинг плуг лемехларини кўриш мумкин. Ушбу лемехлар ейилишга бардошлилиги ва мустахкамлиги юқорилиги, иш ресурси эса 50 – 80 гектаргача етиши илмий тадқиқотларда асосланган. Аммо ушбу лемехларнинг тан нархининг қимматлиги ва бундан ташқари Ўрта Осиё ерлари учун мўлжалланмаганлиги улардан кенг фойдаланишга тўсиқ бўлиб турибди.

1-расм. Lemken фирмасининг лемехи ва долотаси.

Лемех палахсани тагидан қирқади ва ағдаргич билан бирга уни эгат деворидан ажратади. Қирқилган палахса ағдаргич юзаси бўйича силжиб уваланади ва ағдарилади. Лемехлари ўтмас бўлиб қолиши натижасида плугнинг судрашга қаршилиги ортади (50 фоиз гача), хамда унинг белгиланган чуқурликка ботиши қийинлашиб, равон ҳаракатланиши таъминланмайди [1; 63-б.,].

Қишлоқ хўжалиги деталларининг ресурсини оширишнинг кўплаб усуллари мавжуд бўлиб, улар орасида термик ишлов бериб мустахкамлигини ошириш алоҳида ўрин эгаллайди. Бу каби ишлов бериш металл жисмнинг фазавий ўзгаришлар хароратидан юқори хароратда қиздириш ва критик тезликдан юқори тезликда совитиш натижасида структуравий ўзгаришларларга асосланган бўлиб-тоблаш деб номланади. Бунинг натижасида металлнинг бир қатор механик хусусиятлари, шу жумладан қаттиқлиги ортади. Қаттиқликнинг ортиши эса ўз навбатида абразив мухитда ишлайдиган деталларнинг иш ресурсини орттириб, уларнинг ейилиш жадаллигини пасайтиради.

Лемехларга термик ишлов бериб мустахкамликни оширишнинг турли усуллари мавжуд. Штамп листлардан тайёрланадиган лемехларни ишлаб чиқаришда лемехларнинг тиғи томонидан 45 мм балардликкача махаллий тобланади ва сўнгра ўртача хароратда бўшатилади. Ишчи юзани 780-820 °С хароратгача қиздириб, тиғ қисмини сув билан совитилади сўнгра 350 °С температурада бўшатилади. Ушбу жараёнда тобланмаган юзанинг қаттиқлиги 23 HRC га тенг бўлган холатда лемех тиғи қаттиқлиги 47-50 HRC гача етиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги деталларига термик ишлов беришнинг оптимал параметрларини асослаш учун илмий тадқиқот ишларимизнинг биринчи босқичида эталон намуна сифатида Ст 45 маркали пўлатни танлаб олдик ва унинг ишчи қисмига юқори частотали ток билан термик ишлов бериш қурилмасида (2-расм) талаб этилган хароратгача иссиқлик таъсир этказдик ва сув ҳамда мой мухитида тоблашни амалга оширдик.

2-расм. Юқори частотали ток билан термик ишлов бериш қурилмаси

Юқорида таъкидлаганимиздек материалнинг қаттиқлиги унинг иш ресурсига таъсир қилувчи омиллардан бири хисобланади, шуни хисобга олиб намуналарнинг қаттиқлиги лабаротория шароитида роквелл прессида ўлчанди ва қуйидагича натижалар олинди:

-Ст 45 маркали пўлатдан тайёрланган ва термик ишлов берилмаган намуналар қаттиқлиги 26-31 HRC

-Ст 45 маркали пўлатдан тайёрланган ва керакли хароратгача қиздириб 150-180 ℃/сек тезликда совитилганда 51-56 HRC

-Ст 45 маркали пўлатдан тайёрланган ва керакли хароратгача қиздириб 120-150 ℃/сек тезликда совитилганда 49-52 HRC

Тадқиқотларни давом эттириб термик ишлов бериш параметрларига аниқлик киритиб олинди, шундан сўнг ишлаб чиқариш синовларига ўтилди.

Ишлаб чиқариш синовларидан кўзда тутилган асосий мақсад дала шароитида мавжуд ва термик ишлов берилган лемехларнинг ейилишга чидамлилигини орттириш ҳисобига бутун бир шудгорлаш агрегатининг ишончлилигини аниқлашдан иборат

Тайёрланган лемехлар 155 от кучи қувватига эга Claas русумли Arion 630 тракторига осилган 4 корпусли айланма плугга ўрнатилди ва Асака туманидаги "Толибжон чорваси" фермер хўжалигида 160 гектар далани шудгорлашда ишлатилди.

Пайвандлаб қопланган ва назорат лемехлари ўрнатилган плуглар 25% гача намликдаги тупроқларни 9,5 км/соат гача ишчи тезликда шудгорлади.

Барча лемехлар керакли ҳайдов чуқурлигини таъминлади ва унда четланиш 2 см оралигидан ортмади.

Лемехларнинг массаси даврий равишда ўлчаб борилди, ўлчаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Дала синовларига қўйилган лемехларнинг ейилиш миқдорлари

Синов деталлари	Ейилиш жадалли-ги, гр/га	10 га да ейилиш миқдори (гр)	12 га да ейилиш миқдори (гр)	20 га да ейилиш миқдори (гр)	Иш ресурси нисбати
45 маркали пўлатдан тайёрланган лемех	166	1658	1658+215	3332	1
45 маркали пўлат термик ишлов берилган Совитиш тезлиги 150-180 ℃/сек	80	785	906	1690	2,0
45 маркали пўлат термик ишлов берилган Совитиш тезлиги 150-180 ℃/сек	95	802	924	1782	1.86

Тажриба натижаларидан аниқландики 45 маркали пўлатдан тайёрланган термик ишлов берилмаган лемехнинг ейилиш жадаллиги 165-166 г/га ни ташкил этди. Шунинг учун хар 10 гектар ерни шудгорлагандан сўнг 45 маркали пўлатдан тайёрланган лемех янгисига алмаштирилди ва синовлар давом эттирилди.

Термик ишлов берилган хамда 150-180 ℃/сек тезлик билан совитилган лемехларнинг ўртача ейилиш жадаллиги 78-81 г/га ни ташкил этди. Ушбу ҳолатда пайвандлаб қоплаб ресурси оширилган лемех 20 гектаргача ерни шудгорлаши мумкинлиги келиб чиқади. Бундан лемехларнинг ейилишга чидамлилигини термик ишлов беиб ошириш ҳисобига уларнинг ресурсини 2,0 мартагача ортганлигини кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нуриев К.К. "Рекомендации по повышению ресурса лемехов и долот двухъярусных плугов."Ташкент, Издательство "Фан" 2008.
2. Булкин В.В. Қишлоқ хўжалиги машиналари ремонти. – Тошкент: Ўқитувчи.
3. Қосимов К.К., Мадазимов М.Т., Қодиров Н.У. Омоч лемехларини ишлаб чиқариш синовлари натижалари // Замонавий илм-фаннинг Инновацион

ривожланиши: Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2019. – Б.
4. Қосимов К.З., Муйдинов А.Ш., Мадазимов М.Т., Хошимов Х.Х. Перспективы восстановления изношенных деталей машин наплавкой композиционных порошковых материалов // БГАУ научный журнал "ВЕСТНИК". – № 3 (43). – Башкортостан, 2017.
5. Нуриев К.К., Мадазимов М.Т., Тупроққа ишлов берадиган машиналар иш органлари тиғининг ейилиш динамикасини аналитик тадқиқ этиш натижалари // Илм фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ривожлантиришдаги замонавий муаммолар: Халқаро илмий-амалий анжумани материаллар тўплами. – 1-том. – АндМИ, Андижон, 2020.
6. Тененбаум М.М. Сопротивление абразивному изнашиванию. – М.: «Машиностроение», 1976. – 271 с.
7. К.З. Қосимов, М.Т. Мадазимов, Н.У. Қодиров, Р.Ш. Султонов Плуг лемехларини ўрганиш натижалар таҳлили. ФерПи Илмий техника журнали 2022 йил Том 26 №1. Фарғона 2022
8. К.З. Қосимов, М.Т. Мадазимов, Н.У. Қодиров, Р.Ш. Қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган плуг лемехлари ресурсини ўрганиш натижалари. ФерПи Илмий техника журнали 2022 йил Том 26 №.2 Фарғона 2022

СИСТЕМЫ АВТОМАТИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ ОБЕСПЕЧИВАЮЩЕГО КОНДИЦИОНИРОВАНИЯ ВОЗДУХА.

Мамадалиева Наима Илхомбек қизи
магистрант кафедры «Автоматизация машиностроительного производства»
Андижанский машиностроительный институт,
n.mamadalieva91@list.ru, тел: 99893-632-26-80.

Системы технологического кондиционирования воздуха находят всё более широкое распространение на предприятиях текстильной промышленности. Вентиляция и кондиционирование воздуха на текстильных предприятиях имеют не только гигиеническое значение и оздоровляют труд, но также оказывают большое влияние на технологический процессов прядения и ткачество. В рабочих залах текстильных фабрик необходимо создать искусственный микроклимат определённую температуру, влажность и подвижность воздуха в соответствии с санитарно-гигиеническими и технологическими требованиями, что в некоторой степени можно осуществить при помощи вентиляционно-увлажнительных установок [1-5].

Чтобы автоматизированная система работала правильно и наиболее экономично, для наблюдения основным параметрами на щиты выносят приборы контроля. На отдельных узлах, для возможности отслеживания работы

отдельных элементов, устанавливают местные приборы контроля, для мониторинга промежуточных показателей.

Принцип автоматического регулирования температуры воздуха заключается в смешивании ре циркулирующего воздуха и наружного воздуха, а также в варьировании режимов работы калориферов. Эти методы могут применяться как совместно, так и по отдельности. При этом благодаря регулировке системе кондиционирования достигаются требуемые температура, давление и относительная влажность.

Структурная схема автоматического регулирования:



Рис.1 схема автоматического регулирование.

Об- объект регулирования с передаточной функцией $W_{об}(p)$,

Ср-устройство сравнения

Р-регулятор с передаточной функцией $W_р(p)$

f(t)- возмущающее воздействие,

y(t)- регулируемая величина,

Ɛ(t)- ошибка регулирования,

g(t)-задающее воздействие,

μ(t)- управляющие воздействие



Рис.2 автоматизированная система приточной вентиляции.

Для автоматизированный системы приточной вентиляции характерно измерение температуры воздуха в помещении и температура горячей воды до и после калорифера. При этом, благодаря регулятору температуры, автоматический действующему на регулировочный клапан горячей воды, изменяется в нужную сторону температура в помещении.

В системе имеются два датчика температуры, функция которых предотвратить замерзание калорифера (в обратном трубопроводе), второй температуру воздуха между калорифером и фильтром.

Если в процессе работы вентиляционной установки первичный датчик зафиксируется понижение температуры теплоносителя до +20 - 25°С, то вентилятор будет автоматический отключен, а клапан регулировки будет полностью открыт, чтобы подать теплоноситель в калорифере с целью прогрева.

Цехи текстильных предприятий в которых требуется поддерживать постоянными температуру и относительную влажность воздуха, является объектами с двумя регулируемыми параметрами. Очевидно, что для регулирования такого объекта в нем должны быть установлены минимум два регулятора (два узла регулирования): температуры и относительной влажности воздуха. Автоматический регулятор предназначен для поддержания регулируемого параметра на требуемом значении. Объект регулирования и автоматический регулятор образуют систему автоматического регулирования. Число регуляторов в системе автоматики определяются количеством контрольных точек и равно или больше числа регулируемых параметров.

В автоматический регулятор входят следующие элементы:

- датчик- прибор, непосредственно регулирующий на изменения регулируемого параметра.
- командный прибор (или промежуточный реле), воспринимающий изменения, происходящие в датчике, и преобразующий эти изменения в командный импульс, посылаемый к исполнительному механизму. Командный импульс поступает на исполнительный механизм в виде определенного стандартного сигнала, например в виде постоянного тока силой от 0 до 5 мА или давления сжатого воздуха от 2 до 10 Н/$см^2$.
- исполнительный механизм, который под воздействием командного импульса создает перестановочные условия и приводит в движение регулирующий орган.
- линии связи, подводящие используемую энергию (электрический ток, сжатый воздух, жидкость под давлением) к этим элементам.

Автоматика улучшает работу системы кондиционирования воздуха, повышает производительность труда обслуживающего персонала, обеспечивает поддержание в рабочих помещениях постоянных температуры и влажности воздуха, сокращает эксплуатационные расходы, увеличивает срок службы

оборудования, обеспечивает защиту установок кондиционирования воздуха от аварий и осуществляет непрерывный контроль за их работой.

Использованные литературы

1. Евразийский Химический Рынок. Умный текстиль // Polymery.ru [Электорнный ресурс]
2. Геллер, В.Э. О возможности получения нанокомпозитных текстильных нитей [Текст] / Геллер В. Э. // Химические волокна - 2013г., N 2.
3. Кричевский, Г.Е. Волокна прошлого, настоящего и будущего. Выбор пути - не простая задача // статья Г.Е.Кричевского, д.т.н., проф. [Электронный ресурс].
4. Сотников А.Г. Автоматизация систем кондиционирования воздуха и вентиляции. Л., Машиностроение 1984г.
5. Сорокин Н.С. Вентиляция, отопление и кондиционирование воздуха на текстильных предприятиях. Легкая индустрия, 1974г.

ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРНИ ЭКСТРУЗИЯЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ.

Махаммаджанов Хусанбой Алишер ўғли
Андижон машинасозлик институти, таянч докторант
e-mail: xusan7797@mail.ru
тел: +998 94 433-77-97
Маматалиева Зулфияхон Хусановна
Андижон машинасозлик институти, ассистент
e-mail: mszulya66@mail.ru
tel: +998 93 787-23-66
Раимохунов Бахкомжон Боходиржон ўғли
Андижон машинасозлик институти, талабаси
g-mail: raimoxunov baxromjon67@gmail.com
tel: +99899 141-42-25

Кириш

Ҳозирги тез ривожланаётган даврда тобора тугаб бораётган табиий ер ресурслари яъни металл ва минералларнинг ўрнини синтетик материаллар эгалламоқда. Буларнинг энг асосийларидан бири бу полимерлардир. Полимерлар такомиллашиб металларнинг барча хоссалари билан тенглашди. Полимер материалларнинг реологиясига таъсир кўрсатишда экструзиялашнинг ўрни бевиёс. Кўплаб полимер материаллар мураккаб реология тизимига эгадир.

Материал таркибини бойитишда бир вақтда уч хил деформацияланади: кучли эластик, вискоэластик ва пластик. Фақатгина червякли экструдерларда майдалаш вақтида полимерлар хоссаларида стационар ўзгаришлар рўй беради. Полимерлар геометрияси қоида бўйича шаклланади. Шу боис бу жараёндан сўнг полимерлар мустахкамлиги салбий тарафга ўзгармайди. Полимерларнинг хосса ва хусусиятларини уларни эриган суюқ чўзилувчан холатидагина ўрганиш мумкин [1].

Экструзия жараёни полимер материални қолиплаб насос орқали босим билан сиқиб шаклга келтиришдир. Бу шакллар пластинка, пленка, труба ёки хар қандай кўндаланг кесим шаклига эга бўлиши мумкин. Полимерларга ишлов беришнинг бу тури 1797 йилда Ж.Брамах томонидан ўйлаб топилган. Экструдер содда қурилган бўлиб, қўрғошин қувурдан иборат. Кейинчалик 1849 йилда Метю Грей исмли олим Морс телеграф компанияси томонидан экструдерни металлар сиртини полимер қоплама (резина каучук) билан қопловчи винтли дастгоҳ қилиб такомиллаштирди ва патент олди.

Тадқиқот объекти ва методикаси

Гранула холдаги полимерларни экструзиялаб эритишда эритма бассейни хосил қилиш керак. Суюқ холда каналдан оқиб ўтаётган полимернинг гидродинамикасини хисоблаш зарур. Экструзиялаш жараёнидаги материалнинг реологик параметрлари математик моделини келтирамиз.

$$C_s \rho_s V_p \frac{\partial T}{\partial z} = \frac{\partial}{\partial x}\left(\lambda_s \frac{\partial T}{\partial x}\right) + \frac{\partial}{\partial y}\left(\lambda_s \frac{\partial T}{\partial y}\right)$$

Бу ерда ρ_S, C_S, λ_S - Қаттиқ холатдаги полимерларга мос келувчи зичлик, иссиқлик сиғими ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти; V_P – Гранулаларни майдалаш тезлиги.

Поимерларни эритиб суюқ чўзилувчан холдаги полмерларни экструзиялаш дастгохлари бугунги кунга келиб анча ривожланди. 1-расмда оддий винтавий экстудер сурати келтирилган. 2-расмда червякларнинг турлари келтирилган.



1-расм. Оддий винтавий экструдер

Экструдер червяклари турлича харакатланувчан бўлиб, қаттиқ ва қовушқоқ пластмасса ва полимер композицион материалларни майдалаш ва эритишда қўлланилади. Экструзияланаётган материалнинг қаттиқлиги 40-50НВ гача бўлганда қарама-қарши тарафга айлаувчи червякларни 80-120м/с тезлик билан майдаланади. Қаттиқлиги 30-40 НВ га тенг материалларни 50-70м/с тезлик билан майдаланади. Червяк материаллари иссиқбардош легирланган



а) б) в) г)

пўлатлардан тайёрланган бўлиб, қиздириш ва ишқаланиш жаранида бузилмайди, деформацияланмайди. 2 - расмда экструдер червякларининг турлари тасвирланган.

2-расм. Экструдерлар червякларининг турлари.

а - ораси ёпиқ червяк; б – ораси очиқ червяк;

в- тарафга айланувчи; г – қарама-қарши тарафга айланувчи червяк.

Экструдерларнинг энг кенг тарқалган турларидан пластмассалар экструдерлари хисобланади. Босим остида қуйишда пленка ва симлар устига қоплама қоплашда қўлланиладиган дастгохлар энг кўп тарқалган. Аралаштиргич бакига полимер гранулалари солинади ва материал аралашиб пастга томон харакат қилади. Пастга майдаланиб тушган материал грануласи қаттиқлик зонасидан винт ёрдамида эриш зонасига харакатланади. Иситгичлар материални эришини



таъминлайди. Насос зонаси эриган қовушқоқ материални сиқиб тайёр экструдия холида чиқаради. 3-расмда пластмассала экструдерининг чизмаси келтирилган [2].

3-расм. Пластмасса экструдерининг чизмаси

Пластмасса экструдерининг асосий зоналари:

- Қаттиқлик зонаси
- Эриш зонаси
- Насос тортиш зонаси

Уларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- Қаттиқ материалларни майдароқ кукунга айлантириш
- Доначалари ихчам ва паст канал ўтиши
- Доналарнинг эриши
- Бир хил моддалар аралаштирилиши керак
- Насослашда меъёрий тезлик

Қаттиқлик зонасида қаттиқ полимерларни кукун холатга келтирилади. Майдаланаётган полимер катталиги ёнғоқ катталигидан кичик бўлмоғи лозим. Акс холда эриш зонасида тўлиқ эримайди. Тезлик меъёрий бўлмаса хам самарадорлик пасайиб кетади. Эриш зонасининг харорати эритилаётган полимер хоссасидан келиб чиқиб белгиланади. Харорат кўтарилиб кетиши полимернинг куйишига, пасайиб кетиши полимернинг қотиб қолишига олиб келади. Экструзия бузилишларига қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

- Нотекис пленка ва листлар
- Труба ва найчалар носозлиги
- Очиқ профиллар. Материалниг би текисда эримаслиги.

Экструдер қувурининг бузилиши пластик труба ва пленкаларни эктрузиялашда кузатилади. Бунда марказдан чиқаётган оқим симметрик тарзда ўргимчак оёқлари харакати сингари бузилишлар содир бўлади. Натижада труба цилиндр кристалл панжаралари зарар кўради ва унинг атрофида ёриқлар хосил бўлади. Бу бузилишларни олдини олиш учун экструдер материалини тўғри танлаш ва хар бир жараённи меъёрий қоидалар бўйича амалга ошириш керак. 4-расмда ўргимчаксимон бузилиш чизмаси тасвирланган [3].



4-расм. Ўргимчаксимон бузилиш

Хулоса

Юртимизнинг иқтисодий ривожланишида тобора тугаб бораётган табиий ер ресурсланининг ўрнини босувчи синтетик сунъий материалларни янги таркибини топиш долзарб муаммолардан бири хисобланади. Олинган натижалар материаллар реологиясига таъсири хисоб-китоб қилинди. Натижалар ижобий яъни оддий термик ишлашдан олинган натижаларда полимер ва полимер композицион материаллардан олинган буюмларнинг таннархи кўтарилди. Экструзиялаб ишлашда материал нархи ва полимер зичлиги оптималлашади. Полимер композицион материалларни янги авлодини айнан экструзиялаб олинган усулда топиш, олинган натижаларни анализ қилишда эритманинг полимернинг эриш зонасидаги нисбий узайиш 0,5% га етди. Бундан хулоса қилиш мумкинки полимерлар қовушқоқлигини экструзиялаб ошириш мумкин.

Адабиётлар

1. Tim A.Osswald and Georg Menges "Material Science of Polymers for Engineers" 3rd Edition. Carl Hanser Verlag, Munich 2012.
2. Soumya Mondal, Dipak Khastgir "Carbon-Containing Polymer composites". Springer Singapore 2019.
3. У.А.Зиямухамедова. «Перспективные композиционные материалы на основе местных минеральных и энергетических ресурсов» Ташкент: ТашГТУ. 2011
4. William D.Callister, Jr. David G. Rethwisch "Materials science and engineering 8th edition". USA 2010.
5. Khusanboy Makhammadjanov, R. Karimov "Research fabrication of fibers and films" A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal NX. 2020
6. Khusanboy Makhammadjanov, D.Gofurjanov "Research of the structure of composite materials" ACADEMICIA An International Multidisciplinary research journal. November 2020.
7. Б.Тожибоев, Х.Махаммаджанов "Разработка полимерных композитов на основе политетрафторэтилена и базальтового волокна" НамМТИ Илмий-Техника журнали. Махсус сон №1, 2019
8. Б.Тожибоев, Н.А.Икрамов Исследование свойств радиационно – обработанных наполненых композиционных полимерных покрытий γ-лучами Universum: Технические науки Выпуск: Москва 12(81) декабрь 2020 г. 51-53 ст
9. Б.М.Тожибоев, А.Р.Баймирзаев Темир-композит материалларидан подшипник деталларини олиш учун печ танлаш ва қолиплаш учун формасини тайёрлаш Kompozitsion materiallar Ilmiy-texnikaviy va amaliy jurnali Toshkent, 2006. №2/2021 297-299 ст.
10. Б.М.Тожибоев Вопросы улучшения прочностных свойств полимерных композиционных покрытий. UNIVERSUM: ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

Выпуск: 12(93) Декабрь 2021 научный журнал. – № 12(93). Часть 2. 22-23 ст.

11. N.Muhitdinov, R.Karimov, R.Jalilov Ikkilamchi termoplast polimerlar asosida qurilish sanoati uchun polimerkeramik kompozitsion materiallarni olish jarayonini takomillashtirish Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences VOLUME 1 |ISSUE 9 ISSN 2181-1784 Scientific Journal Impact Factor 2021 october, 231-233 ст.

12. B.M.Tojiboyev, L.Olimov B.Ramashliyev Investigation of Strength Properties of Radiation-Modified Polymer Coatings International Journal of Trend in Research and Development 2018 422-423 ст.

13. Зиямухамедова У.А., Тожибоев Б.М., Собиров Б.А., Муродуллаева Г.Б., Джумабоев А.Б.Исследование возможности комплексного применение композиционных материалов на основе из местного сырья Научно-технический журнал ФерПИ-2019 47-51 ст.

ИССЛЕДОВАНИЕ РАСПРОСТРАНЕНИЯ ИМПУЛЬСА В ПРОТЯЖЕННОМ ТРУБОПРОВОДЕ

Махмудов Содикжон Ахмаджонович, доцент, к.т.н
Алибеков Расул канатбоевич, студент
Андижанский машиностроительный институт, г. Андижон, Узбекистан

В процессе проектирования сети трубопроводов пользуются формулами, которые получены для прямолинейного участка горизонтального трубопровода в установившемся режиме течения. В тоже время, отклонения от технологических требований, чрезмерные увеличения концентрации напряжений за счет смены волн уплотнения и разряжения, задача идентификации утечки и многие другие задачи непосредственно связаны нестационарными режимами течения.

Участок с длиной l работает с постоянной производительностью M_0 (Здесь и далее $M = \rho w f$ – массовый расход жидкости или газа; ρ, w – средние значения плотности и скорости в сечении x; $f = \pi D^2 / 4$ – площадь поперечного сечения трубопровода). Начиная с момента $t = 0$, на входе в участок устанавливается массовый расход M_H, а на выходе из участка – M_K. Требуется изучить состояние участка в зависимости от времени t и расстояния x.

В приближении «длинных» трубопроводов не учитываются инерционные силы и для горизонтальных трубопроводов уравнения сохранения импульса и массы принимаются в виде [1, 2]

$$\frac{\partial p}{\partial x} + \frac{2a}{f} M = 0, \quad \frac{\partial M}{\partial x} + \frac{f}{c^2} \frac{\partial p}{\partial t} = 0.$$

Сначала решаем задачу относительно массового расхода, начальным условием которой является $M(x,0)=M_0$, а граничными условиями – $M(0,t)=M_H$, $M(l,t)=M_K$.

Из системы (1) составим автономное уравнение относительно массового расхода: $\frac{\partial M}{\partial t}=\frac{c^2}{2a}\frac{\partial^2 M}{\partial x^2}$.

Решение, полученное нами методом разделения переменных, составляет

$$M(x,t)=M_H+(M_K-M_H)\frac{x}{l}+\sum_{n=1}^{\infty}a_n\exp\left(-\frac{\pi^2n^2c^2}{2al^2}t\right)\sin\frac{\pi nx}{l},$$

где $a_n=\frac{2}{\pi n}\left\{\left[(-1)^n-1\right](M_0-M_H)-(-1)^n(M_K-M_H)\right\}$.

Из системы (1) и условий относительно массового расхода можно составить отдельную задачу относительно давления: $\frac{\partial p}{\partial t}=\frac{c^2}{2a}\frac{\partial^2 p}{\partial x^2}$,

$$p(x,0)=p_H+\frac{x}{l}(p_K-p_H),\quad \frac{\partial p(0,t)}{\partial x}=-\frac{2a}{f}M_H,\quad \frac{\partial p(l,t)}{\partial x}=-\frac{2a}{f}M_K.$$

К сожалению, применение метода разделения переменных данной задаче Неймана приводит к потере постоянных составляющих решения. Поэтому при решении этой задачи пользуемся известным решением $M(x,t)$, начальным распределением давления и вторым уравнением системы (1).

Из второго уравнения системы (1) составим уравнение $\frac{\partial p}{\partial t}=-\frac{c^2}{f}\frac{\partial M}{\partial x}$ и, подставляя выражения $M(x,t)$, интегрируем сторон полученного равенства от 0 до t:

$$p(x,t)-p(x,0)=-\frac{c^2}{f}\int_0^t\frac{\partial M(x,\eta)}{\partial x}d\eta=$$

$$=-\frac{c^2}{f}\int_0^t\left[\frac{M_K-M_H}{l}+\sum_{n=1}^{\infty}a_n\frac{\pi n}{l}\cos\frac{\pi nx}{l}\exp\left(-\frac{\pi^2n^2c^2}{2al^2}\eta\right)\right]d\eta=$$

$$=\frac{c^2}{f}\frac{M_K-M_H}{l}t+\frac{2a}{f}\sum_{n=1}^{\infty}\frac{a_nl}{\pi n}\left[\exp\left(-\frac{\pi^2n^2c^2}{2al^2}t\right)-1\right]\cos\frac{\pi nx}{l}.$$

С учетом начального распределения давления решение имеет вид:

$$p(x,t) = p_H + \frac{x}{l}(p_K - p_H) - \frac{c^2}{f}\frac{M_K - M_H}{l}t +$$

$$+\frac{2a}{f}\sum_{n=1}^{\infty}\frac{a_n l}{\pi n}\left[\exp\left(-\frac{\pi^2 n^2 c^2}{2al^2}t\right) - 1\right]\cos\frac{\pi n x}{l}.$$

Для ламинарного режима течения, когда уместна оценка $\lambda = 64/\mathrm{Re}$, полученные формулы представляют точное решение задачи. При этом $2a$ определяется кинематической вязкостью транспортируемой среды и является постоянной величиной.

В ходе постановки и решения задачи не остановились на плотности среды, а пользовались массовым расходом среды $M = \rho w f$.

Для малосжимаемой среды, когда сжимаемость проявляется только под воздействием волны импульса, можно принять $\rho \approx const$. Тогда средняя по поперечному сечению трубопровода скорость потока определяется в виде

$$w(x,t) = \frac{1}{\rho f}M(x,t).$$

Если же среда сверхсжимаемая и отклонение от закона идеального газа составляет Z раз, то состояние газа описывается уравнением $p = Z\rho RT$, где Z – коэффициент сверхсжимаемости газа; R, T – приведенная газовая постоянная и температура газа. При этом выражение массового расхода становится нелинейное, т.к. в нем плотность газа будут переменной. В связи с этим для определения скорости газа пользуются формулой

$$w(x,t) = \frac{ZRT}{f}\frac{M(x,t)}{p(x,t)},$$

где использованы осредненные или точные значения Z, R, T и f.

1. Чарный И.А. Неустановившееся движение реальной жидкости в трубах. Изд. 2-е. – М.: Недра, 1975. – 296 с.
2. Селезнев В.Е., Алешин В.В., Прялов С.Н. Математическое моделирование магистральных трубопроводных систем: дополнительные главы. – М.: МАКС Пресс, 2009. – 356 с.

ҒЎЗА ҲОСИЛИНИ ОШИРИШДА ПАХТАЧИЛИК КУЛЬТИВАТОРИ СЕКЦИЯЛАРИ ҲИМОЯ ҒИЛОФЛАРИНИНГ ЎРНИ.

Маъмиров Ё- катта ўқитувчи.
Собиров Х- т.ф.н., доцент.
Мухаммаджонов А- талаба 3-курс,
Икромов О- талаба 3-курс АТ йўналиши

Андижон машинасозлик институти.
Тўхтақўзиев А- т.ф.д., проф. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти

Республикамиздаги мавжуд суғориладиган 4 миллион гектар экин майдонининг 1 миллион 33 минг гектарига пахта экилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги "Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг афзаллиги шундаки, пахта толасини қайта ишловчи корхоналар бевосита ўзлари хом ашё етиштириш жараёнлари иштирокчисига айланади. Бу қишлоқ хўжалиги ва саноат интеграциялашувини жадаллаштириб, корхоналарнинг сифатли, таннархи арзон, энг муҳими, эҳтиёжга яраша тола билан тўлиқ таъминланишини кафолатлайди. [1]

Шу билан бир қаторда юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаларидан самарали фойдаланиш ҳисобига ушбу соҳани барқарор ривожлантиришда муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун экишдан олдин тупроққа ишлов бериш учун тупроқ кесаксиз майин ҳолатга келтирилиш, ер яхшилаб юмшатилиши лозим. Бунда чизел, борона, мола ва айниқса фрезали (КФГ, ОП 2,2) культиваторлардан фойдаланиш яхши самара беради. Эрта баҳорда тупроқнинг етилишига қараб намликни сақлаб қолиш мақсадида бороналаш ўтказилади. Бунда албатта тупроқнинг 8-10 см қатлами етилган бўлиши керак.
Тупроқдаги намлик етарли бўлмаган шароитда чигитни етарли даражада намлаш унинг униб чиқишига етарли шароит яратиб берса, тупроқдаги намлик ортиқча бўлганда эса чигитни кўп намлаш унинг чиришига олиб келади. Натижада даладаги кўчат сонини камайишига сабаб бўлади. Чигитни намлаш ишлари табақалаштирилган ҳолда амалга оширилади. Тукли 1 тонна уруғлик чигитни намлаш учун 600 литр сув сарфланади.

Ғўза қатор орасига биринчи ишлов ғўза ниҳоллари 75-80% униб чиқиб, қатори кўрингандан бошланади. Биринчи культивацияда тупроққа сифатли ишлов берилса, униб чиқмаган 20-25% ниҳоллар тезлик билан унади, тупроқ майин донадор бўлиб, ўсимлик илдизи яхши ривожланади. Бу эса ўз навбатида гоммоз, илдиз чириш касалликларини олдини олиб, ғўзани дуркун ўсиб, ривожланишини таъминлаш билан биргаликда, илдиз тизими эркин ривожлангани учун ўсимликларнинг сувсизликка чидамлилигини оширади, суғориш сувини 10-15% тежаш имконини беради. [2]

Ғўза қатор орасига ишлов бериш жараёнида ғўза шохларини синдирмаслик ва унинг ҳосил элементларига зарар етказмаслик учун культиваторнинг секциялари ҳимоя мосламаси билан жиҳозланади. Яъни культиваторларга қўлбола ҳимоя мосламалари мавжуд. Бунда культиватор

секциясига ғўзани синдириб кетмаслиги учун ҳар хил материаллардан (резина, қоп, целофан ва б.) ўраб қўйилади.

Бу мосламанинг камчилиги унинг тез йиртилиб кетиши, механизаторларнинг тажрибасидан келиб чиқиб турлича ўралиши натижада культивация пайтида ғўза шоналари ҳамда кўсакларининг тўкилиб кетиши сабабли культиваторнинг иш унумдорлигини пасайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида меҳнат, иш вақти ва бошқа сарф-харажатларнинг ортишига олиб келмоқда ҳамда ғўзани ҳосилдорлигини кўпайтиришга тўсқинлик қилмоқда. Бу ҳам соҳани ривожлантириш ва юқорида келтирилган вазифаларни амалга оширишни қийинлаштиради.

Пахтачилик культиватори секциялари ҳимоя ғилофларининг конструкцияларини такомиллаштириш ва кенг қўллаш пахта етиштиришда мавжуд муаммоларни бартараф этилишини таъминлайди ҳамда соҳани ривожлантирадиган муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

Хулоса сифатида шуни айтамизки, албатта, бу ишларни ўрганиш борасида ҳали кўп тажрибалар олиб борилади, аммо ғўза ўз вақтида агро техникасини бажариш натижасида, биринчидан тупроқ унумдорлиги ошади, иккинчидан, фермернинг оладиган даромади кўпаяди, ҳам пахта ҳосили йиғиб олинади, учинчидан, кейинги йилларда пахта хосилдорлиги гектарига 8-10 ц.га ошади.

Адабиётлар.

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги "Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.
2.Муҳаммаджонов М., А. Зокиров "Ғўза агротехникаси" 1988 й. 195-б.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫЕ УЛИЧНЫЕ ФОНАРИ.

Муратова Зулфизар Ахматжоновна
Ассистент,
Андижанский машиностроительный институт,
Республика Узбекистан, г. Андижан
E-mail: zulfizarmuratova2@gmail.com

Электричество является одним из общих потребностей людей во всем мире, хотя его можно производить, оно не удовлетворяет точный спрос. Чтобы преодолеть это, необходимо экономить электроэнергию в неиспользованные часы, и людям очень трудно контролировать и контролировать. В современном мире 60% производимой электроэнергии используется для уличного освещения из-за его непрерывной работы в ночное время. Чтобы свести к минимуму потребление электроэнергии, для системы уличного освещения необходимо внедрить богатую технологию. В этом документе обсуждается система динамического уличного освещения, которая снижает потери энергии и выбросы CO2 [1]. Система будет разумно адаптировать уровни освещения в зависимости от погодных условий и плотности движения. Эти уровни или интенсивность освещения будут динамически регулироваться с помощью датчиков и микроконтроллера в соответствии с плотностью тока на полосе движения. В эту систему также была включена внешняя функция, так что уличные фонари адаптируют освещение на основе естественных особенностей, таких как день полнолуния, свет будет светиться с половиной своей нормальной интенсивности. Архитектура состоит из нескольких ИК- и ПИК-датчиков, размещенных на обоих концах полосы движения для определения плотности прохожих. Эти датчики располагаются на определенном расстоянии и передают информацию между собой при обнаружении транспортного средства. Датчики взаимодействуют друг с другом через проводное соединение [2]. Здесь проводное соединение используется в целях удешевления. Внедрение интеллектуальной и динамической системы уличного освещения обеспечивает простой способ снизить потребление энергии и выбросы CO2. Эта система имеет возможность управления потоком в реальном времени. Каждая чувствительная часть состоит из инфракрасных и пассивных инфракрасных датчиков для обнаружения потока [3].



Рисунок 1. Принцип работы умного уличного освещения.

В этом два датчика используются для повышения точности обнаружения. Эти датчики подключены к микроконтроллеру, в котором данные обрабатываются и регулируют уровни освещения. Всякий раз, когда датчик идентифицирует прохожего, он связывается с соседними уличными фонарями, которые делают окружающие огни ярче. Уличные фонари тускнеют до низкого уровня напряжения, когда активность не определяется, и становятся ярче до высокого уровня напряжения при обнаружении движения. В связи с ростом промышленности эта система будет играть важную роль в экономии электроэнергии, не затрагивая зону комфорта. На рис. 1 показана принципиальная схема динамической системы уличного освещения с ИК- и ИК-датчиками в полосах движения [4].

От датчика данные передаются на микроконтроллер, в котором осуществляется динамическое управление уличным освещением, блок-схема которого приведена на рис. 2.

Рисунок 2. Блок-схема системы динамического уличного освещения.

Блок-схема описывает управление яркостью в системе динамического уличного освещения. Первоначально все значения плотности считываются датчиком. Сначала он проверяет, есть ли движение на полосе, затем разделяется на две части [5].

- Если есть какое-либо движение данных, то огни светятся с большей яркостью и связываются с соседним датчиком, чтобы сделать ярче ближайшие огни.
- В противном случае огни будут светиться до четверти своей первоначальной яркости и связываться с соседними, чтобы выполнить ту же операцию.

Результатом является успешная работа динамической системы уличного освещения. Это снижает потери энергии в неиспользованные часы. Эта система регулирует интенсивность света в зависимости от плотности полосы движения. Эту систему также можно назвать Интеллектуальными уличными фонарями или Умными уличными фонарями, которые думают сами о себе [6].

Список литературы.

1. Muratova Zulfizar Axmadjanovna "IDENTIFICATION OF MODEL PARAMETERS IN OILSEED DEVELOPING AND STORAGE PROCESSES" SCIENCE AND PRACTICE: IMPLEMENTATION TO MODERN SOCIETY MANCHESTER, GREAT BRITAIN 26-28.12.2020

2. Муратова З.А. "АКТУАЛЬНОСТЬ И ПРОБЛЕМЫ ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ В УПРАВЛЕНИИ СИСТЕМАМИ ОСВЕЩЕНИЯ" Universum: технические науки : электрон. научн. журн.

URL: https://7universum.com/ru/tech/archive/item/13361

3. Adrian, L.R.; Ribickis, L., Intelligent power management device for street lighting control incorporating long range static and non-static hybrid infrared detection system, Power Electronics and Applications (EPE'14-ECCE Europe), 2014 16th European Conference on , p.1,5, 26-28 Aug. 2014.

4. Srivatsa, D.K.; Preethi, B.; Parinitha, R.; Sumana, G.; Kumar, A., Smart Street Lights, India Educators Conference (TIIEC), 2013 Texas Instruments, 2013

5. Leccese, F. , Remote-Control System of High Efficiency and Intelligent Street Lighting Using a ZigBee Network of Devices and Sensors, Power Delivery, IEEE Transactions on, p. 21 - 28 Volume: 28, Issue: 1, Jan. 2013

6. Yang Tao; Lingbo Kong; Yinyang Wang; Hu Jian-Bin; Chen Zhong "PKU-STRAW-L: A Simulative Platform Evaluate the Power-Saving Rate of the Intelligent Street Lamp System", Ubiquitous Intelligence & Computing and 9th International Conference on Autonomic & Trusted Computing (UIC/ATC).

ТАБИИЙ ИПАК ХОМ АШЁСИНИ ЕТИШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЯХШИЛАШ.

Андижон машинасозлик институти

Н.Д.Омонова ТЖИЧАБ 3 курс талабаси

Республикамиз ипакчилик тармоғининг самарадорлиги етиштирилаётган пилла сифатига боғлиқ. Ипак қурти зотини яхшилаш бўйича бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Кейинги 8-10 йилда чет эллардан сотиб олинаётган қурт уруғларидан очирилган қуртлар Республикамизнинг кўпгина вилоятларида боқилмоқда. Келтирилган ипак қурти дурагайларини боқиш тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳатто оддий усулда боқилгандан ҳам бир қути уруғдан ўртача 60 кг гача пилла олиш мумкин экан[1].

Маълумотларга кўра, ипак қурти зот ва дурагайлари бўйича саноат учун етиштирилаётган пилла партиялари ичида нуқсонсиз пиллалар миқдори ўртача 12-47 %ни ташкил этади. Ташқи доғли пиллалар жами 48,41 фоизини ташкил этиб асосан, пиллаларни дасталардан эрта териб олиш, тирик пиллаларни ташиш ва сақлашни тўғри йўлга қўйилмаганлиги натижасида ҳосил бўлади. Ички доғли пиллалар эса қурт ва ғумбакнинг ёрилиб кетиши натижасида ҳосил бўлган қорасон ва кар пиллалардан ташкил топади ҳамда жами доғли пиллаларнинг 10,89 фоизини ташкил этади. Бундай пиллаларнинг пайдо бўлишига ипак қуртини боқишда экологик шароит ва озиқлантириш режимининг бузилиши, ипак қуртини касалликка чалинишига сабаб бўлади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, пилланинг сифати ва технологик хусусиятлари экологик омиллар таъсирида кучли модификацияланади ва бу ўз навбатида пилладан хом ипак ишлаб чиқариш жараёнларига ва олинадиган хом ипак сифатига жуда катта таъсир қилади.

Хозирги кунда уруғчилик корхоналарида ипак қуртининг саноатбоп навларини етиштириш ва кўпайтириш кенг йўлга қўйилмокда. Янги технология асосида плёнка остида ипак қуртини парваришлаш жорий қилина бошланди.

Бу усул пиллакорлар мехнатини бир мунча енгиллаштириш билан бирга ипак қуртини нобуд бўлишини камайтириш ва хар-хил касалликлардан мухофаза қилишни олдини олади хамда озуқа – тут барги сарфи камайиб, пилла хосилдорлиги орта бошлади[2].

Ипак қуртини плёнка остида боқиш технологияси афзалликлари кейинги босқичлар учун хам яни пиллага дастлабки ишлов бериш, пиллани сақлаш ва чувиш хусусиятларига хам яхши таъсир қилишини тадқиқотлар орқали кўриб чиқдик.

Тадқиқот учун ипак қуртини Ипакчи 1 х Ипакчи 2 дурагайидан олиб табиий усулда хамда плёнка остида боқиш учун Андижон туманидаги «З.М.Бобур» фермер хўжалигида боқиш ишлари ўтказилди.

Ипак қуртини боқиш жараёнида маълумки ёшига қараб боқиш жойи ажратилади. Бу эса кўплаб жойларни ипак қурти боқиш учун ажратишга олиб келади[3].

Тадқиқотлар натижасида табиий ва плёнка остида ипак қурти учун сарфланган барг миқдори тахлили билан танишдик

Ипак қуртини боқишда озуқа сарфи

№	Ипак қурти ёшлари	Ўлчов бирлиги	Боқиладиган майдон миқдори		Фарқи
			Табиий усулда	Плёнка остида	
1.	1 – ёш учун	Кг	7	2,7	4,3
2.	2 –ёш учун	Кг	18	8,55	9,45
3.	3 –ёш учун	Кг	58	30,37	28,63
4.	4-ёш учун	Кг	200	180,5	19,5
5.	5-ёш учун	Кг	1000	934,5	65,5
6.	Жами:	Кг	1283	1156,62	126,38

Жадвалдан кўриниб турибдики ипак қуртини плёнка остида боқиш натижасида озуқа манбаи бўлган тут баргини тажаш имкони вужудга келади. 1 қути ипак қурти боқиш учун 126,38 кг барг тежаб қолинди.

Ипак қуртини боқиш даврида асосий таъсир қилувчи омилларидан бири хаво харорати ва унинг нисбй намлиги бўлиб, бу асосан ипак қуртини ривожланиши озикланишига катта таъсир қилади. Тадқиқот давомида ипак қуртини боқиш даври учун табиий усулда оптимал хаво харорати f, C^o 24-25, нисбий намлигини аниқлаш W,% 65-70 бўлса, плёнка остида эса оптимал хаво харорати f, C^o 25-26, нисбий намлигини аниқлаш W,% 75-80 кўрсаткичларга эришилади.

Тадқиқотлар натижасида ипак қуртини боқиш жараёнида бир хил озуқа билан таъминлаш ва озуқани ўз вақтида ипак қурти учун етказиш ўта мухим жараён хисобланиб, пилла ва унинг сифатига катта таъсир қилади.Пиллани оғирлигини аниқлашда боқилган пиллаларни тахлил қилинганда натижа шуни кўрсатадики, табиий усулда ипак қурти етиштирилганда пиллани оғирлиги ўртача 1,46 м.грни ташкил этгани, плёнка остида эса ипак қуртини етиштирганда пиллани оғирлиги ўртача 2,41 м.гр массасига кўра оғирлиги аниқланди.

Юқоридаги натижалардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки плёнка остида боқилган пиллалар табиий усулда боқилгандан кўра яхши самара бериши аниқланди.

Адабиётлар

1.Эсанова Ш.М. Биологик фаол модда ёрдамида етиштирилган пиллаларга дастлабки ишлов бериш // Ж. Тўқимачилик муаммолари. Ташкент. - 2004. -№ 2. - Б. 35-37.

2.Эсанова Ш.М? Сулаймонов Ш.А БФМ қўллаб етиштирилган пилланинг технологик хусусияти // Ж. Тўқимачилик муаммолари. Ташкент. -2004. - № 4. - Б.61-63.

3.Юнусов Л.Ю. Физико-химические свойства натурального шелка в процессе переработки коконов. Ташкент: Фан, 1978.

Ишлаб чиқаришни роботлаштириш афзалликлар ва нуқсонлар.

Н.Нуритдинов, М.Ғофуржонов, М.Ўрмонов ўқитувчи.
Наманган мухандислик-қурилиш институти.

Инсоният такомиллаша борган сари ўзининг ишини доимий равишда енгиллаштириб борган ҳолда, уни сунъий интеллект зиммасига юкламоқда. Ишлаб чиқаришни роботлаштириш бир қатор касблардан воз кечиш имконини берди, масалан, ўтган асрда телефонист қизлар икки абонентни ўзаро улаб берган бўлса,телефон алоқа хизмати бугунги кунда фақат электроника орқали кўрсатилмоқда. Ҳозирда тараққиёт янада илдамлаб кетди ва одамзот турли механик амалиётларни бажара оладиган ҳақиқий сунъий машиналар – роботларни ярата бошлади.

Ишлаб чиқаришни роботлаштириш

Ушбу жараён инсон қуввати саноат миқёсида роботлаштирилган тизимлар билан алмаштирилаётган пайтда, ишлаб чиқаришга автоматлаштириш компонентларидан бири сифатида қараш лозим. Кўпинча йирик корхоналар, бутун комплекснинг ишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган универсал роботлардан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг асосий афзалликлари шундаки, улар исталган вақтда мутлақо бошқа анжом ва буюмларни ишлаб чиқариш учун қайта мослаштирилиши мумкин, бунинг учун ускунага бошқа дастурни киритиш кифоя қилади. Бу каби робототехникадан фойдаланиш ҳисобига аксарият

корхоналар сезиларли даражада иқтисод қилишга эришмоқдалар. Ишлаб чиқаришни роботлаштириш жараёни турли анжомларга ишлов бериш билан шуғулланувчи корхоналарда катта аҳамиятга эга. Бу ерда маҳсулотнинг 50% кичик партияларда ишлаб чиқарилади ва агар саноат корхоналарида роботлар бўлмаса, у ҳолда ушбу анжомларни ишлаб чиқаришга иш кунининг 5 фоизига яқин вақт сарфланади. Қолган вақт ускуналарни қайта созлаш ва мослаштиришга, анжомларни ва асбобларни алмаштиришга кетади.

Ишлаб чиқаришнинг бу тарзда фаолият юритиши ҳеч қайси корхонага наф келтирмайди, чунки уларнинг ҳар қайсисининг мақсади ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ҳисобланади. Буюм ва анжомларни ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришдаги яна бир ижобий самара – роботлар хомашё ва материалларнинг анчагина миқдорини тежашга имкон беради, бироқ бу ерда барчаси иш жараёнини тўғри ташкил қилишга боғлиқ бўлади.

Саноат соҳасида "саноат роботи" деган ибора мавжуд, ушбу ибора остида муайян миқдордаги функцияларни бажара оладиган ва 5 ёки ундан кўп дастурлар бўйича ишлай оладиган махсус ускуна тушунилади.Роботнинг асосий вазифаси – қўйилган масалаларни бажариш, яъни: асбоб-ускуналар, анжом ва буюмлар, қўшимча материаллар билан тегишли манипуляцияларни амалга ошириш. Тажрибали мутахассислар бу каби техниканинг камида уч авлоди мавжудлигини таъкидлашмоқда.

Биринчи авлодга, топширилган дастурнинг ўзини бажара оладиган дастурлаштириладиган роботлар киради. Иккинчисига – сенсорларга эга ва уларнинг ёрдамида атрофдаги муҳитдан маълумотларни олиш, таҳлил қилиш ва зарурат бўлганда ўз вазифалари ва ишлашига тегишли ўзгартиришларни қўша оладиган мослашувчан роботлар киради. Учинчи авлоднинг аксарияти эса интеллектуал роботлардан ташкил топган, улар атроф-муҳитдаги объектларни фарқлай олади ва муайян ҳаракатларни мустақил амалга ошира олади.

Одатда, гап ишлаб чиқаришни роботлаштириш ҳақида кетганида, ушбу ғоя ташаббускори бўлмиш компаниядан энг замонавий техника харид қилиниши кутилади. Саноат роботлари, шунингдек уларнинг бевосита функционалига тегишлилиги бўйича ҳам ажратилади. Улардан баъзилари, маҳсулот тайёрлаш бўйича вазифаларни бажаради, бошқалари эса – анжом ва буюмларни кўтариш, юклаш ва ташиш бўйича ишларни амалга оширади, учинчилари – асосий ишлаб чиқариш ускунасига хизмат кўрсатади. Робототехника баъзи ҳолатларда ёрдамчи функцияларни ҳам бажариши мумкин, хусусан, хоналарни тозалаш билан машғул бўлиши мумкин. Саноатга жалб қилинган барча роботлар роботлаштирилган технологик комплексларнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Улар техниканинг жамланмаси ҳисобланади ва кўпинча миқёс жиҳатдан йирикроқ амалиётларни бажариш учун қўлланилади – буюмни ушлаш, фавқулодда вазиятлардаги вазифаларни бажариш (масалан, сув остида), ўзаро

боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнларининг кечиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиш.

Ишлаб чиқаришни роботлаштириш маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жойдан-жойга кўчиришда фойдаланиладиган инсон ресурсларининг ўрнини босиши зарур. Кўпинча ишлатилаётган механизмлар олдига, улар бир кунда бир неча марта бажарадиган оддий вазифалар қўйилади. Маҳсулотларни ўраш, юклаш ва корхонанинг турли ҳудудлари ўртасида ташиб етказиш каби ишларда роботлар жуда зарур. Буюм ва анжомларни ишлаб чиқишда ҳозирча қийинчиликлар кузатилмоқда, чунки фақат ўта қиммат турадиган техника чизмалар бўйича буюмларни аниқ ишлаб чиқиши мумкин, ундан фойдаланиш эса, ҳозирча аксарият корхоналар учун иқтисодий жиҳатдан бефойда ҳисобланиб келмоқда.

Экспертлар, кўпчилик компанияларнинг келажакдаги муваффақияти ишлаб чиқаришни роботлаштиришга боғлиқ бўлади деб ҳисоблашмоқда, автоматларни қўллаш соҳалари тобора кенгайиб бормоқда ва борган сайин кўпдан-кўп ишланмалар ва тадқиқотларни талаб қилмоқда.Уларнинг фикрича, мақсад фақат автоматлаштиришнинг ўзи бўлмаслиги керак, сунъий машиналарни фақат инсон у ёки бу сабабларга кўра ишни улардан яхшироқ бажара олмайдиган вазиятлардагина жорий қилиш мумкин.

Фойдаланилган манбалар.

1. https://ictnews.uz/
2. https://google.com/
3. https://www.kimast.com/stati/
4. https://autogear.ru/

ЛАВАЛЬ СОПЛОЛИ ЎТ ОЛДИРИШ СВЕЧАСИ

Насиров Илхам Закирович, т.ф.н., доцент,
Андижон машинасозлик институти, Ўзбекистон Республикаси, Андижон ш.

Бугунги кунда "УзАвтомоторс" АЖ томонидан "Дамас", "Лабо", "Спарк", "Нексия-3", "Жентра", "Трекер" ва бошқа русумдаги енгил автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг двигателлари тузилиши ва ўлчамлари жихатидан турлича бўлган ўт олдириш свечалари билан жиҳозланмоқда, масалан битта одатий Г- симон ташқи электродли классик свеча, иккита Г- симон ташқи электродли свеча, учта Г- симон ташқи электродли свеча ва тўртта Г- симон ташқи электродли свеча. Двигателга ўрнатиладиган резьбали қисмнинг диаметри ҳам 12, 14 ва 16 мм. Электродлар орасидаги тирқишнинг ўлчами ҳам 0,8 дан 1,1 мм гача [1].

Свеча конструкциясининг тури бўйича- узун изоляторли, резисторли, яримсиртли, сиртли разряд билан ишлайдиган ва бошқа турлари мавжуд. Электродларининг конструкцияси бўйича- стандарт, марказий электроди V-симон чуқурчали, электроди битта заземлениели, иккита заземлениели, мах**ус** электродли ва электроди платинали учлик билан ясалган турлари мавжуд. Буларнинг ҳаммаси автомобиль мутахассисларини кўплаб чалғишларига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун вазиятга ойдинлик киритиш ва свечаларнинг қайси бири энг самарали ишлашини аниқлаш зарурати туғилди.

Маълумки классик турдаги свеча марказий ва ташқи Г- симон ён электроддан ташкил топган. Бундай свечалар карбюраторли двигателларда хеч қандай муаммосиз ишлатиб келинмоқда, лекин инжекторли двигателларда улар кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, форсункалардан пуркалаётган ёнилғига ташқи Г- симон ён электроднинг халақит бериб қўйяётгани кузатилмоқда. Шунингдек, ташқи электрод ва изолятор орасига қурум, лок, занг, куйинди каби чиқиндилар ўтириб қолиши га свечанинг қизиб кетиши, ишламай қолиши ва тез- тез ишдан содир бўлмоқда.

Маълумки, ўт олдириш свечалари ҳалигача Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди ва ишлаб чиқарилаётган автомобилларимизга қуйидаги фирмалар томонидан ишлаб чиқарилдаётган свечаларни импорт қилмоқдамиз: "Denso", **"**NGK", "Bugaets", "Bosch", "Champion", "Helix ultra", "GETZ", "IMXO", **"**Tough", "Brisk" ва яна бир нечта Россия заводлари. Аммо бу свечалар қанчалик такомиллашган бўлмасин, улар ички ёнув двигателларининг энергия ва атроф-муҳит кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшиламайди. Бундай свечалар двигателларнинг цилиндрларида ишлатилганида ёнилғи тўлиқ ёнмайди ва ёнмаган ёнилғи чиқинди газлар билан бирга атмосферага чиқарилади ва турли заҳарли моддаларни ҳосил қилади. Бундан ташқари двигатель цилиндрига пуркалган ёнилғи ва марказий электроддан чақнаган электр учқунининг Г-симон ташқи электродга урилиши натижасида автомобилнинг ҳар 5000 км масофа йўл юрганида Г- симон электроднинг эгилиши ва тирқишнинг 0,1 мм га ортиб бориши ҳамда ишдан чиқиши келиб чиқади.

Мазкур камчиликлар одатий классик свечаларни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди. Шунинг учун институтда янги турдаги Лаваль соплоси билан жиҳозланган ўт олдириш свечаси яратилди [2]. Унинг мавжуд хорижий аналогларидан қиёсий устунлиги шундаки- бу свеча юқоридаги камчиликлардан бутунлай холи, юқори энергия ва экологик кўрсаткичларга эгадир. Унинг ишлаши давомида ёнилғининг тўлиқ ёниши таъминланади, двигательнинг қуввати ортади, ёнилғи сарфи ва чиқинди газларнинг заҳарлилиги камаяди.

Мазкур свечанинг ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилиши натижасида қуйидагиларга эришилади:

- Ўзбекистон Республикасида ўт олдириш свечаларини ишлаб чиқариш жорий этилади;

- Ўзбекистон Республикасида ўт олдириш свечаларини импорт қилиш хажми камайтирилади;

- Ўзбекистон Республикасида келажакда Марказий Осиё давлатларига ўт олдириш свечаларини экспорт қилишни ташкил этиш имконияти пайдо бўлади.

Ўзбекистонда 5 миллиондан ортиқ ўт олдириш свечасида ишлайдиган автомобиль, трактор, ўзиюрар транспорт воситалари ва мотоцикллар мавжуд. Агар уларнинг ҳар бири кунига ўртача 10 кг шартли бензин ёнилғисини истеъмол қилса, кунига 50 000 тонна ёнилғи сарф бўлади. Янги ўт олдириш свечасини жорий этиш эвазига 30% ёнилғи иқтисод қилинадиган бўлса кунига 15 000 тонна ва 1 йилда 15 000 х 365 =5 475 000 тонна ёнилғи тежаб қолинади. Бугунги кунда 1 тонна бензиннинг ўртача нархни 9 млн сўм деб қабул қилсак, йилига 5 475 000 х 9 = 49 275 000 млн сўм маблағ тежаб қолинади [3].

1 йилда тежаб қолинадиган 5 475 000 тонна ёнилғининг ёнишидан ҳавога чиқариладиган ишланган газлар таркибидаги 3%, яъни 5 475 000 х 3 % = 164 250 тонна заҳарли углерод оксиди СО нинг чиқиши бартараф этилади.

Адабиётлар

1. Насиров, И. З., Тешабаев, А. Э., & Зокиров, И. И. (2016). Свеча зажигания для двигателя внутреннего сгорания и подставка для её установки. *Изобретение № IAP*, *338*, 30-31.

2. Насиров, И. З., Ёкубов, Ё. О., & Нуманов, М. З. (2019). Новые свечи зажигания для ДВС. In *Сборник статей республиканской научно-практической конференции «Инновационное развитие современной науки». Андижан: АндМИ-2019* (pp. 542-545).

3. Худойбердиев, Т. С., & Носиров, И. З. (2018). Қосимов ИС Ички ёнув двигатели учун ўт олдириш свечаси ва уни ўрнатиш таглиги. *Научно-технический журнал ФерПИ (STJ FerPI)*, (1), 46-52.

ИССЛЕДОВАНИЕ МЕТОДОВ ОРГАНИЗАЦИИ АВТОМАТИЗИРОВАННОЙ ЛОГИСТИЧЕСКОЙ СЛУЖБЫ.

Негматов Бегзодбек Баходир угли
Студент,
Андижанский машиностроительный институт,
Республика Узбекистан, г. Андижан

Внутренняя логистическая деятельность составляет необходимую и жизненно важную часть общей функции организаций в широком спектре направлений деятельности. Основной задачей внутренней системы логистики часто является обеспечение необходимых поставок для основных процессов компании, создающих добавленную стоимость. Сбой в потоке материалов может привести к дорогостоящему простою, что свидетельствует о важности хорошо функционирующей внутренней системы логистики. Несмотря на важность

внутренней логистики, раньше, особенно в обрабатывающей промышленности, она рассматривалась исключительно как стоимость ведения бизнеса (Ментцер, 1991; Олаварриета и Эллингер, 1997). Тем не менее, это составляет большую часть общих затрат для бизнеса (Rouwenhorst et al., 2000); средние затраты на логистику обычно составляют от 10 до 30% товарооборота типичной компании-производителя (Gattorna et al., 1991). Логистическая деятельность в целом и внутренняя логистика в частности часто характеризуются высокой степенью ручной обработки; следовательно, они имеют высокую степень использования рабочей силы, что сильно влияет на стоимость этих операций.

Поскольку важность поддержания низких затрат для сохранения конкурентоспособности постоянно возрастает, компании вынуждены изучать каждую часть своей организации в поисках возможных улучшений. Томпкинс и др. (2010), а также Бейкер и Канесса (2009) отмечают важность планирования структурированных объектов и проектирования систем. И, по мнению Mattsson и Jonsson (2003), хорошо сформулированная и правильно используемая система логистики может повысить эффективность организации во многих отношениях, и поэтому она должна представлять большой интерес для самых разных организаций. Текущие тенденции, такие как глобализация и урбанизация, также указывают на потребность во все более мощных внутренних логистических системах (Kartnig et al., 2012). Однако известно, что логистике по сравнению с другими частями организации не уделялось такого же внимания, особенно когда речь идет о стратегических улучшениях (Гупта и Датта, 1994).

Рисунок 1. Создание автоматизированной логистической службы.

Одним из возможных способов повышения конкурентоспособности операций является автоматизация. В обрабатывающей промышленности автоматизация является хорошо известным средством повышения производительности и эффективности. Однако масштабы автоматизации претерпевают изменения, и спектр ее применения расширяется. Помимо

производства как деятельности, наиболее тесно связанной с автоматизацией, появляются новые области применения, такие как логистика, здравоохранение, техническое обслуживание и розничная торговля.

Потенциальные выгоды от использования автоматизации во внутренней логистической деятельности (например, во внутренних перевозках или погрузочно-разгрузочных работах) велики, поскольку они часто характеризуются большим объемом ручной работы, отнимающей много времени и часто физически напрягающей. Затраты на логистику также варьируются в зависимости от степени автоматизации логистических процессов (Groover, 2008).



Рисунок 2. Интегрированная логистическая машина IoT.

Однако применение автоматизации может иметь и другие преимущества, такие как повышение производительности и улучшение условий труда. Однако, вообще говоря, автоматизация обычно не применяется во внутренней логистической деятельности, такой как погрузочно-разгрузочные работы, и, следовательно, рассматривается как новая область применения. Кроме того, как подтвердили Бейкер и Халим (2007), доказательства живых случаев редко документируются в научных контекстах. В этом документе рассматривается автоматизация внутренней логистической деятельности как средство повышения конкурентоспособности и поддержки основных процессов, создающих добавленную стоимость в компании.

Список литературы.

1. Холматов О.О., Негматов Б.Б "РАЗРАБОТКА И ВНЕДРЕНИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ СВЕТОФОРОМ С БЕСПРОВОДНЫМ УПРАВЛЕНИЕМ ОТ ARDUINO" Universum: технические науки: научный журнал, – № 6(87). июнь, 2021 г.

URL:https://7universum.com/ru/tech/archive/item/11943

DOI-10.32743/UniTech.2021.87.6.11943.

2. Холматов О.О., Негматов Б.Б "АВТОМАТИЗАЦИЯ ПРОЦЕССА ОБРАБОТКИ ЗЕРНА" Universum: технические науки: научный журнал. – № 3(96). Часть 1. М., Изд. «МЦНО», 2022 г.

URL: https://7universum.com/ru/tech/archive/item/13235

DOI - 10.32743/UniTech.2022.96.3.13235

3. Холматов Ойбек Олим угли "АВТОМАТИЗАЦИЯ СИСТЕМЫ ЗЕРНОВЫХ ОСУШИТЕЛЕЙ С ПОМОЩЬЮ ПЛК" Universum: технические науки: научный журнал. – № 3(96). Часть 1. М., Изд. «МЦНО», 2022 г.

URL:https://7universum.com/ru/tech/archive/item/13234

DOI - 10.32743/UniTech.2022.96.3.13234

FAVQULODDA VAZIYATLARNI OLDINI OLISH VA UNING TALOFOTLARINI KAMAYTIRISHDA UCHUVCHISIZ UCHISH APPARATLARIDAN FOYDALANISH

Xodjakulov Muxtorjon Nazarkulovich - katta o'qituvchi,
Andijon mashinasozlik instituti,
"Hayot faoliyati xavfsizligi" kafedrasi,
E-mail: xodjakulovmuxtorjon@gmail.com,

Tel.+998979988806

Nizomiddinova Muslimaxon G'iyosiddin qizi,
Andijon mashinasozlik instituti
"Transport va logistika" fakulteti 3-kurs talabasi

Dunyoda keng tarqalgan, aholi va iqtisodiyotga katta zarar yetkazuvchi 70 dan ortiq turdagi tabiiy ofatlarning 15 dan ortig'i O'zbekiston hududida sodir bo'lib turadi.

Ushbu hodisalarning tarqalishi, chastotasi, yetkazilgan zarari yildan-yilga o'zgarib turadi, biroq uzoq muddatli istiqbolda O'zbekiston Respublikasi aholisi va iqtisodiyoti uchun eng xavflilari quyidagilardir:

-zilzilalar;

-sel va toshqinlar;

-bahorgi sovuqlar va qor yog'ishi;

-qor ko'chkilari;

-o'pirilishlar va ko'chkilar.

Tabiiy ofatlarni oldini olish va ularning oqibatlariga qarshi kurashning samaradorligi ushbu muammoning juda ko'p xilma-xil, ammo bir-biri bilan chambarchas bog'liq bo'lgan jihatlariga bog'liq. Ular orasida eng muhim va hal

qiluvchi omillar ogohlantirish paytidan to voqea sodir bo'lguncha o'tgan vaqt bilan bog'liq bo'lib, ular quyidagilardir:

- atrof-muhit va tabiiy ofatlar monitoringini tizimli olib borish va monitoring ma'lumotlari asosida sodir bo'lishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlarni to'g'ri prognoz qila olish, ofatning halokatli oqibatlarini kamaytirishga qaratilgan tegishli tadbirlarni oldindan rejalastirish;
- aholini va tegishli davlat organlari va iqtisodiyot obyektlarini ushbu xavflar haqida o'z vaqtida ogohlantirish;
- favqulodda vaziyatlar yuz bergan hududlarda avariya-qutqaruv va boshqa kechiktirib bo'lmaydigan ishlarni o'z vaqtida o'tkazish.

Bu borada respublikamizda tegishli meyoriy- huquqiy hujjatlar asosida faoliyat olib borilmoqda[1,2].

Lekin mamlakatimizdagi amaldagi monitoring tizimi aholini va hududlarni favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilishda hozirgi davr talablariga to'liq javob bermaydi.

Shu bois monitoring tizimini takomillashtirish, ya'ni yagona geoaxborot tizimini joriy etish hamda hudud va favqulodda vaziyatlarni monitoring qilishda uchuvchisiz uchish apparatlaridan foydalanish muhim davlat vazifasidir(1-rasm).

1-rasm.O'zbekistonda ishlab chiqarilayotgan "Lochin" droni.

Dronlardan foydalanishning samaradorligini quyidagi jadvaldan ko'rish mumkin, ya'ni bir tonna yoqilg'i uchuvchisiz uchish apparatining 16 marta, jami 192 soat davomida uchushiga yetadi (1-jadval).

Ko'rsatkichlar	Uchuvchisiz uchish apparati("Иркут -200")	Vertolyot("МИ-8/17")
Yoqilg'i massasi(kg)	60	2870
Uchish vaqti(soat)	~ 12	~ 4

Uchish radiusi(km)	200	240

1-jadval.Monitoring o‘tkazishda vertolyot va drondan foydalanishning asosiy ko‘rsatkichlari.

Yuqorida ta’kidlab o‘tilgan muammolar, tahlil natijalari va shu soha bo‘yicha tegishli huqiqiy-meyoriy hujjatlar va mutaxassislarning ilmiy izlanishlari natijalarini organib chiqish asosida[1,2,3] quyidagilar taklif etiladi:

1.Dronlardan foydalanishning asosiy vazifalari quyidagilardir:

- favqulodda vaziyatlarni aniqlash va tegishli ma’lumotlarni uzatish;
- favqulodda vaziyatlarni bartaraf etishda ishtirok etish;
- jabrlanganlarni qidirish va qutqarish;
- favqulodda vaziyatlardan zararni baholash.

2. Shuningdek, dronlardan qiyidagi maqsadlarda foydalanish mumkin:

- obyektlar va hududning holatini doimiy monitoring qilish maqsadida hududni monitoring qilish;
- tegishli hududda yer va havo bo‘shlig'‘ining radiatsiyaviy va kimyoviy ifloslanishi to‘g‘risidagi ma'lumotlarni o‘lchash va uzatish;
- tabiiy va texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlar zonalarini muhandislik razvedkasi;
- suv toshqini joylarini aniqlash va monitoring qilish.
- transport magistrallari, neft va gaz quvurlari, elektr uzatish liniyalari va boshqa obyektlarning holatini monitoring qilish;
- suv akvatoriyalari va qirg‘oqlarining ekologik monitoringi;
- favqulodda vaziyatlar zonalari va zarar ko‘rgan obyektlarning aniq koordinatalarini aniqlash va aniqlashtirish;
- kichik o‘lchamli va maxsus yuklar va vositalarni favqulodda vaziyatlar va terroristik harakatlar sodir bo'lgan o‘ta xavfli hududlarga yetkazib berish.

Adabiyotlar :

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 -yil 26-avgustdagi “O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlarning oldini olish va bunday vaziyatlarda harakat qilish davlat tizimini yanada takomillashtirish to‘g‘risida“gi 515-sonli qarori;

2.O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 – yil 28 –dekabrdagi “Tabiiy, texnogen va ekologik xususiyatli favqulodda vaziyatlar monitoringi, axborot almashinuvi va prognozlash yagona tizimini tashkil etish to‘g‘risida”gi 1027 –sonli qarori;

3. Под общей редакцией Ю.Н.Тарабаева. Организация инженерной защиты населения и территорий. Часть I. Прогнозирование инженерной обстановки в чрезвычайных ситуациях, Москва-Химки, 2017, 184 с.

“QAMCHIQ” DOVONIDA YO‘L HARAKATI XAVFSIZLIGI MUAMMOLARI VA ULARNI HAL QILISH YO‘LLARI

Xodjakulov Muxtorjon Nazarkulovich - katta o'qituvchi,
Andijon mashinasozlik instituti,
"Hayot faoliyati xavfsizligi" kafedrasi,
E-mail: xodjakulovmuxtorjon@gmail.com,

Tel.+998979988806

Ma'lumki, hayot faoliyati davomida, insonning turli xavf-xatarlarning salbiy ta'siridan to'la muhofazalanishi kafolatlanmagan.

Odamning har qanday yangi ijobiy hatti-harakati va oladigan natijalari albatta qandaydir yangi xavflarga olib keladi.

Jumladan, A-373 "Toshkent-Osh" avtomobil yo'lining "Qamchiq" dovonidan o'tadigan qismi (116-195 km) , yangi qurilgan "Angren-Pop" temir yo'l liniyasiga ham qor ko'chkilari xavf solib turadi.

Ushbu inshootlarning "…katta masofaga cho'zilganligi va konstruksiyalarining murakkabligi uchun ushbu yo'llarni barcha qor ko'chkisi xavfi bor joylarni chetlab o'tib qurishning imkoni bo'maydi. Statsionar himoya vositalarini qo'llash (galereyalar, to'g'onlar, qorni ushlab qoluvchi va yo'nalishini tartibga solib turuvchi moslamalar qurish) juda katta moddiy va moliyaviy resurslarni talab etadi va ba'zi hollarda esa maqsadga muvofiq emasdir"[1].

Hozirgi vaqtda O'zbekiston Respublikasi hududida qor ko'chkisi xavfi mavjud uchastkalarning umumiy soni 77 ta bo'lib, shundan "Toshkent−O'sh" avtomobil yo'ining o'tish qismida 44 tani tashkil etadi (jami 57%).

Agar qor ko'chkisi bilan odamning barcha uchrashuvlarida umumiy bir narsa bo'lsa, unda bu – qurbon(ya'ni inson) uchun umuman kutilmagan hodisa bo'ladi. Chunki yo'l bo'ylab harakatlanayotgan haydovchi, qor bilan shishgan cho'qqilarni ko'rish uchun, hech qachon asfaltdan ko'zini uzmaydi [2].

"Qamchiq" dovoni O'zbekiston Respublikasining Sharqiy qismini boshqa hududlar bilan bog'laydigan yagona transport kommunikatsiyasidir (u orqali har ikki yo'nalishda ham har kuni 10-15 ming dona yuk va yengil avtomobillar qatnaydi);

Shuning uchun xavf manbalarni barvaqt aniqlash, ular bo'yicha tizimli kuzatuv va nazoratni tashkil etish va amalga oshirish alohida ahamiyatga egadir.

Usbu yo'nalish bo'yicha faoliyat mamlakatimizda tegishli huquqiy – meyoriy hujjatlar asosida tashkil etiladi[3,4].

Jumladan, dovonda xavfsizlikni ta'minlash uchun infratuzilma tashkil etilgan, favqulodda vaziyatlarni oldini olish va bunday vaziyatlarda harakat qilish davlat tizimining maxsus qidiruv -qutqaruv kuchlari doimiy navbatchiligi tashkil etilgan.

Dovonda ob-havoning o‘zgarishi, yog‘ingarchilik miqdori, qor qatlami qalinligini tizimli ravishda monitoring qilib boriladi.Shuningdek, maqsadga muvofiq joylarda statsionar himoya vositalari o‘rnatilgan[1-rasm].

1-rasm.“Qamchiq” dovonida qor ko‘chkisiga qarshi moslamalar

Olb borilayotlar keng ko‘lamli tadbirlarga qaramasdan dovonda qor ko‘chishi hodisalari va ularning oqibatida katta istisodiy zararlar ko‘rish jarayoni davom etmoqda.

Olib borilgan tahlillar dalolat berishicha, qor ko‘chkisiga olib keluvchi meteorologik faktorlar - kuchli qor yog‘ishi va bo‘ronlar, ob-havoning keckin o‘zgarishidir. “Qamchiq” dovonida kuchli shamol va bo‘ronlar qor ko‘chkisining asosiy darakchilari sifatida qabul qilinishi mumkin va bu hududda qishning nisbatan ozoq davom etishi va qattiq sovuq havo xarakterlidir. Eng xavfli davr-yilning noyabr-fevral oylariga to‘g‘ri kelmoqda.

Yuqorida ta’kidlab o‘tilgan tahlillarga asoslanib va qor ko‘chkisi hodisalarini batafsil tadqiq qilgam mutaxassislarning asarlarini o‘rganib chiqish natijasida[1,2,5,6] “Qamchiq” dovonida qor ko‘chkisi bilan bog‘liq favqulodda vaziyatlarni oldini olish va uning oqibatlarida korilishi mumkin bo‘lgan talaofotlarni minimallashtirish maqsadida quyidagilar taklif qilinadi :

1.Dovondagi xavfli manbalarni barvaqt aniqlash, ular bo‘yicha favqulodda vaziyatlarni oldini olish va bunday vaziyatlarda harakat qilish davlat tizimining kuch va vositalarini jalb qilgan holda tizimli kuzatuv va nazoratni tashkil etish va amalga oshirish;

2. Qor ko‘chkisi bilan bog‘liq favqulodda vaziyatlarni monitoring qilish va prognozlash ma’lumotlarini, shuningdek, ularning yuzaga kelganligi va oqibatlari to‘g‘risida doimiy va avtomatlashtirilgan axborot almashinuvini ta’minlash.

Monitoring olib borish uchun ko‘chkilar hosil bo‘lish uchastkalarida zamonaviy texnik jihozlarni o‘rnatish;

3. Qor ko'chkilarining oldini olish va oqibatlarini bartaraf etish bo‘yicha ilmiy asoslangan tadbirlar ishlab chiqishga oliy o‘quv yurtlari, limiy-tadqiqot muassasalarining ishtirokini har tomonlama rag‘batlantirish;

4.Monitoring olib borish uchun ko‘chkilar hosil bo‘lish uchastkalarida zamonaviy texnik jihozlarni o‘rnatish, geoinformatsion tizim texnoligiyalarini qo‘llash, zamonayiy monitoring o‘tkazish moslamalaridan(masalan –dronlar) foydalanishni yanada keng joriy etish;

5.Sodir bo‘lgan favqulodda vaziyat haqidagi xabar berish tizimini zamonaviy vositalar yordamida takomillashtirish;

6.FVDT hududiy va funksional quyi tizimlarini jalb etgan holda qor ko‘chkilari bilan bog‘liq qo‘mondonlik-shtab, taktik-maxsus o‘quv mashqlari va mashg‘ulotlarini muntazam o‘tkazib borish.

Adabiyotlar

1.Гербер А.Р. О профилактических методах борьбы с лавинами в период строительства и содержания горных железных дорог. Тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 05.23.13 М.:2013.-192 с.;

2.Отуотер М. Охотники за лавинами /перевод Голебева Г.Н. под редакцией Тушинского Г.К. – М.: Мир, 1985. – 253 с., ил;

Ведутся исследования с целью проверки возможности использования нефтяного газа в авиации. В частности, комплексный анализ, выполненный в ЦИАМ, ЦАГИ и ВНИПИ газопереработка в начале 80-х годов, показал, что для вертолетов оптимальным топливом, получаемым из нефтяного газа, является смесь пропана, бутана, пентана и гексана, получившая в дальнейшем условное название «авиационное сконденсированное топливо» (АСКТ). АСКТ по многим эксплуатационным показателям превосходит применяемые на вертолетах традиционные авиатоплива. Оно экологически более чистое и менее коррозионно-активное: в нем отсутствуют сернистые соединения, ароматические углеводороды, смолы, асфальтены и другие вредные вещества, присутствующие в авиационных топливах (ТС-1, РТ и др.). АСКТ обладает лучшими пусковыми свойствами по сравнению с массовым авиатопливом ТС-1. АСКТ по физико-химическим и эксплуатационным свойствам существенно отличается от топлив, получаемых из нефти. Поэтому перевод транспортного средства на АСКТ требует определенной доработки двигателя и летательного аппарата.

По инициативе ЦАГИ и ЦИАМ в 1982 г. было принято решение о технической реализации предложения по использованию топлива, получаемого из нефтяного газа, на вертолете Ми-8Т. В ЛНПО им. В.Я. Климова была проведена доработка двигателя, а в МВЗ им. М.Л. Миля - вертолета. Топливная система была доработана из расчета подачи в камеру сгорания АСКТ в жидком состоянии.

Предварительные стендовые испытания двигателя на сжиженном газе были проведены в ЛНПО им. В.Я. Климова в конце 1985 г. Двигатель испытывался на технологическом бутане, пропан-бутановых смесях, пропане и топливе ТС-1. Было установлено, что основные параметры двигателя при работе на сжиженных газах и топливе ТС-1 практически не отличались от параметров серийного двигателя.

Модернизированный двигатель был установлен на специально подготовленный вертолет Ми-8Т. Первый полет экспериментального вертолета состоялся в конце 1987 г., а в начале 1988 г. были успешно завершены летные испытания.

Исследования, проведенные ЦАГИ, ЦИАМ, ГосНИИГА, НИПИгазпереработка, ОКБ С.В. Ильюшина и А.С. Яковлева, показали возможность, а, главное, эффективность перевода на газовое топливо не только

вертолетов, но и самолетов. Причем, такую разновидность газового топлива, как АСКТ-Б (обеспропаненное АСКТ), можно заливать непосредственно в плоские крыльевые топливные баки самолетов местных авиалиний (Ил-114, Як-40) и т.п. до температуры окружающей среды от +5°С и ниже (такие температуры в некоторых районах Сибири и Севера бывают до 10 месяцев в году). Масса дополнительных агрегатов газокеросиновой топливной системы, например, для самолета Ил-114 не превысит ~20 кг.

На разных стадиях разработки и внедрения находятся следующие специально предназначенные для транспорта сорта топлив:

- сжиженный природный газ (СПГ) для поршневых двигателей по ТУ-51-03-85;
- криогенное метановое топливо (КМТ);
- авиационное сконденсированное топливо (АСКТ) по ТУ 39-1547-91.

Литература

1. Литвинов А.А. Основы применения горюче-смазочных материалов в гражданской авиации: учебник для вузов. – М.: Транспорт, 1987.
2. Рыбин Н.П. Авиационные горюче-смазочные материалы. - М.: МИИГА, 1980.
3. Топлива, смазочные материалы, технические жидкости. Ассортимент и применение: справочник/ под ред. В.М.Школьникова. – М.: Изд. центр «Техноформ», 1999.
4. Химмотология в гражданской авиации: справочник/ В.А.Пискунов, В.Н. Зрелов, В.Т.Василенко и др. – М.: Транспорт, 1983.
5. ГОСТ 1012-72. Бензины авиационные. Технические условия. - М.: Стандартинформ, 2008.
6. Лосиков Б. В. Нефтепродукты: свойства, качество, применение. Справочник - М.: Химия, 1966. - 776 с.
10. Данилов А. М. Применение присадок в топливах: Справочник - СПб.: ХИМИЗДАТ, 2010. - 368 с.

Таъминлагичда пахта қатламини текислаш жараёнининг ўрганиш

Тохирова Мафтуна Умиджон қизи, магистрант,
Наманган муҳандислик – технология институти, Наманган, Ўзбекистон.
Косимов Хусанбой Хайдарович, катта ўқитувчи, PhD.
Наманган муҳандислик – қурилиш институти, Наманган, Ўзбекистон.
Мурадов Рустам Мурадович, т.ф.д, Профессор.
Наманган муҳандислик – технология институти, Наманган, Ўзбекистон.

Жаҳон андозаларига мос келадиган, юқори сифатли тола ишлаб чиқариш пахтани қайта ишлаш соҳаси мутахассислари ва олимлари олдига мавжуд техника ва технологияни такомиллаштиришдек муҳим вазифани қўймоқда. Ўз навбатида, йигирув ва тўқувчилик ускуналарининг такомиллашиш даражаси тобора ортиб бораётганлиги ҳам пахта толасининг сифатига катта эътибор қаратилишини талаб этмоқда.

Пахтани дастлабки ишлаш бир қатор технологик жараёнлардан иборат бўлиб (жойлаштириш, сақлаш, ташиш, қуритиш, тозалаш, тола ажратиш ва бошқалар), у ўзига хос технологик занжирни ташкил этади. Бу занжирдаги ҳар бир жиҳознинг иш унуми ва сифати ундан олдинги машиналарнинг кўрсаткичлари ва иш сифатига чамбарчас боғлиқдир. Мана шу ҳолатни инобатга олган ҳолда, пахта маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларига уни қайта ишловчи технологик занжирдаги ҳар бир жиҳознинг таъсири катта, деган хулоса қилиш мумкин.

Ҳозирги даврда пахтани ҳаво ёрдамида ташиш жараёни бўйича кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилди. Лекин, ҳаво ёрдамида ташувчи қурилма (пневмотранспорт) элементларини умумлашган ҳолда такомиллаштиришга етарли эътибор берилгани йўқ.

Пахтани ҳаво ёрдамида ташиш жараёнини кузатиш натижалари, хомашёнинг пневмотранспорт қувурларига бир текисда узатилмаётганлигини кўрсатди. Бунинг натижасида пахта қувур ичида, баъзи жойларда тўп-тўп ҳолда, баъзи жойларда эса сийрак ҳолатда маълум бўлакларга бўлиниб ҳаракат қилар экан [1].

Пахтани қувурга бир текисда узатилмаслиги ҳаво ёрдамида ташувчи қурилма элементлари ишининг ёмонлашишига олиб келади. Натижада, пахтадан оғир аралашмаларни тутиб қолувчи қурилманинг самарадорлиги пасаяди, тола ва чигитнинг шикастланиши ошади, сепараторларнинг тўрли юзаларида тиқилишлар содир бўлади, толани тоштутгичларда оғир аралашмалар билан, сепараторда эса ишлатиб бўлинган ҳавога кўшилиб чиқиб кетиши эҳтимоли ортади. Бундан ташқари, пахтани яхши титилмаганлигидан қуритиш барабанлари ва тозалаш машиналарининг самарадорлигини пасаяди.

Ҳаво ёрдамида ташувчи қурилманинг кўрсатилган камчиликларини тугатиш, яъни қурилманинг қулай иш режимини танлаш, энергия сарфини камайтириш, пахтани бир текисда қувурга узатиш ва уни ҳаводан ажратиш жараёнини такомиллаштириш масалаларини ҳал қилиш ишимизнинг асосий мақсадидир. Олинган натижаларга кўра пахтани ҳаво ёрдамида ташувчи

қурилма билан ташиш жараёнида маълум бир миқдорда чигитнинг синиши, тола сифатининг пасайиши кузатилган. Мана шу камчиликларни тугатиш мақсадида бир қатор назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борилди.

1-расм. Текисловчи барабан.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида пахтани хомашёсини қайта ишлов бериш технологик жараёнига бир текисда узатиш учун таъминлагичга лентали транспортёрни устки қисмига текисловчи барабан ёрдамида технологик жараёндаги тиқилишларни бартараф этилиб, технологик жараёнларни бир меъёрда ишлашини таъминлайди

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мурадов Р. Пахтани дастлабки ишлаш технологиясидаги ташиш жараёнининг самарадорлигини ошириш асослари. Техн. фан. докт. диссертацияси. Тошкент-2004, 289 б.
2. Саримсаков О. Совершенствование процесса питания пневмотранспорта хлопком с целью повышения эффективности пневмотранспортирования. Автореферат дисс. к.т.н., Ташкент, 1993.
3. Мурадов Р., Саримсаков О. Ш. О потере давления на разгон частиц в процессе пневмотранспортировки - Деп в УзНИИНТИ, 1992. № 1745 –Уз.
4. М.Саломова, Ф. Рахимов, Х. Қосимов. Пневмотранспорт қурилмаси элементларини такомиллаштириш. Механика муаммолари. 2019й. 1-сон 101-104 бетлар

ҒАЛАЁНЛАНГАН НУРТОЛАДА НУРЛАР ДИНАМИКАСИНИ ХИСОБЛАШ

Туйчибоев Баходир Курбаналиевич, катта ўқитувчи
Фарғона политехника институти, Фарғона, Ўзбекистон

Оптик нуртолага $\Delta\theta_0$ бурчак фарқи билан кирувчи икки нурнинг нуртолада харакатланиши натижасида улар орасидаги масофа d нинг ўзгариб боришини кузатиб, бу нурларнинг харакати ва система ҳақида хулоса чиқарилди. Бунинг

учун Ляпунов экспонентасини оптик нуртолага $\Delta\theta_0 = 0.01$ рад бурчак фарқи билан кирувчи икки нурнинг бошланғич ψ_1' ва ψ_1'' орасидаги масофа d_0 нурларининг ҳаракатланиши давомида ўзгаришини хисобланди.

Маълумки, юқори тезликдаги сигналларни узатиш ва қабул қилиб олиш учун юқори даражада ўтказиш қобилиятига эга бўлган йўналтирувчи муҳит бўлиши керак. Бундай талабларга жавоб берадиган оптик алоқа воситаларига тенг келувчи воситалар ҳозирги кунда мавжуд эмас. Бундан ташқари, оптик алоқа тизимлари орқали катта ҳажмдаги ахборотларни хохлаган масофаларга узатиш мумкин.

Шунинг учун оптик алоқа жамиятни ахборотлаштириш жараёнини ривожлантирувчи мукаммал ва истиқболли алоқа воситаси ҳисобланади.

Нуртолаларда тўлқин тарқалиши масофасини чекловчи асосий омиллардан бири (масалан, океанда паст частотали товуш [1] ёки оптик нур толада оптик нурлар [2] бу муҳитнинг тўлқин тарқалиши йўналишидаги нобиржинсликларидир. Айрим ҳолларда уларни нуртола ўқи бўйлаб даврий ғалаён сифатида тасвирлаш мумкин (масалан, океандаги ички тўлқинлар). Бу ҳолда узунлиги муҳит нобиржинслиги билан қандайдир резонанс муносабатда бўлган тўлқинлар гуруҳи эффектив нуртола каналида ушланиши мумкин [3]. Бу эффект классик механикадаги ночизиқли резонансга аналог бўлади [4].

Оптик нуртолага $\Delta\theta_0$ бурчак фарқи билан кирувчи икки нурнинг нуртолада харакатланиши натижасида улар орасидаги масофа d нинг ўзгариб боришини кузатиб, бу нурларнинг харакати ва система ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Бунинг учун юқори назарий қисмда келтирилган Ляпунов экспонентаси (ЛЭ) ни хисоблаш керак.

ЛЭ ни хисоблаш учун оптик нуртолага $\Delta\theta_0 = 0.01$ рад бурчак фарқи билан кирувчи икки нурнинг бошланғич ψ_1' ва ψ_1'' орасидаги масофа $d_0 = [(x_1' - x_1'')^2 + (y_1' - y_1'')^2]^{0.5}$ нурларининг ҳаракатланиши давомида ўзгаришини хисоблаймиз ва ЛЭ ни қуйидагича аниқлаймиз:

$$\lambda = \lim_{N\to\infty} \frac{1}{N} \sum_{k=1}^{N} \log \frac{d_k(n_{k+1})}{d_k(n_k)} \tag{2.9}$$

Ушбу формулага асосан параметрлари $\frac{a}{L} = 1/3$, $\frac{b}{L} = 2 \cdot 10^{-2}$ бўлган нуртола учун ЛЭ ни ҳисобласак қуйидаги 1 –расмни оламиз.



– расм. Ғалаё

нланган нуртолада ҳаракатланувчи нурлар учун Ляпунов экспонентанинг ўзгариши. Бунда $\frac{a}{L} = 1/3$, $\frac{b}{L} = 2 \cdot 10^{-2}$.

1 – расмдан кўринадики нурлар харакатланиши натижасида резонансга тутилади ва бунинг натижасида бир – бирига яқин траектория бўйлаб харакатланишга тушади. Яъни система чизиқли холатга ўтиб қолади ва траекториялар бир – бирига устма – уст тушади, натижада бир хил фазавий частотада ва бир хил йўллар фарқи билан ҳаракатланади.Буни 2– расмдан кўрсатиш мумкин.

2– расм. ЛЭ λ ва фазовий частота $\varkappa$ нинг θ_0 боғлиқлиги графигига



боғлиқлиги. Бунда $\frac{a}{L} = 1/3$, $\frac{b}{L} = 2 \cdot 10^{-2}$.

Ғалаёнланган нуртолада фазовий частота $\varkappa$ нинг кириш бурчаги θ_0 га боғланишида, нуртола кенглиги a нинг ортиб бориши билан $\varkappa$ нинг дискрет қийматлари узунлиги θ_0 катта қийматлари томон сурилиши ва камайиб бориши кузатилди, яъни ҳосил бўлувчи каналларнинг узунлиги қисқариб, ҳосил бўлиш бурчаклари (кириш бурчаги θ_0) катталашиб боради.

Бундай ғалаёнланган нуртолаларда ҳаракатланувчи нурлар динамикасини фрактал ўлчамлик ва Ляпунов экспонента методларини қўллаш ёрадамида ўрганиш мумкинлиги кузатилди.

Бу натижалар тўлқинларни узоқ масофаларга тарқатиш масаласида модалараро дисперсия сабабли вужудга келувчи импулс кенгайишни чеклашда муҳум амалий тадбиқ топиши мумкин.

Адабиётлар

1. Убайдуллаев Р.Р. *Волоконно–оптические сети*-М.: Эко– Трендз, 2000.

2. *Волоконно – оптические системы передачи: учебник для высших учебных заведений* / М.М. Бутусов, С.М. Верник, С.Л. Галкин, В.Н. Гомзин, Б.М. Машковцев, К.Н. Щелкунов; Под ред. В.Н. Гомзина.–М.: Радио и связь, 1992.

3. Гальярди Р.М., Карп Ш. *Оптическая связь: Перевод с английского С.М. Бабия под ред. А.Т. Шереметьева*.– М.: Связь, 1978.

4. *Оптические системы передачи: Учебник для вузов*/Б.В. Скворцов, В.И. Иванов, В.В. Крухмалев и др.; Под ред. В.И. Иванова.-М.: Радио и связь, 1994.

5. Landa, P., S., Chetverikov, V., I. Sow. Phys. Tech. Phys. 33, 1988, 263.

6. Абдуллаев С.С., Заславский Г. М. *Стохастическая неустойчивость лучей п спекл-структура поля в неоднородных сркдах*//ЖЭТФ. 1984. Т. 87. № 3.с. 763-775.

7. Т.Ахмаджанов, М.Х.Ахмаджанова, Д.Отажанов, Э.Рахимов, Т.Рахмонов. *Динамика лучей в канальных системах*.// Международная конференция "Актуальные проблемы физической электроники" Ташкент, 28 ноября 2012 г. С.127.

8. С. С. Абдуллаев, Т. А. Ахмаджанов, З. Т. Ташпулатов, П. К. Хабибуллаев, "Распределение дислокаций волнового фронта поля лазерного излучения, прошедшего волоконный световод", *Квантовая электроника*, **13**:5 (1986), 1042–1044 [*Sov J Quantum Electron*, **16**:5 (1986), 683–685]

Жесткий одношариковый накатной инструмент и их применения

Тураев Тиркаш Тураевич, старший преподаватель.
Мадаминов Бахром Миродилович, PhD, старший преподаватель.
Ферганский политехнический институт, г. Фергана, Узбекистан

Жесткий одношариковый накатной инструмент, устанавливается на токарных и карусельных станках, представлен на рисунке 1. В корпусе 5 на осях 6 и 7 установлены два шарикоподшипника 4 и 8, которые являются опорой шарика 7, удерживаемого в корпусе инструмента от выпадения сепаратором 2. Сепаратор крепится к корпусу винтами 3.



Рис. 1. Схема жесткого одношарикового накатника.

Шар 1 являющийся основной частью жесткого одношарикового накатного инструмента изготовляется из шарикоподшипниковый стали марки ШХ с различными числовыми обозначениям и легирующими элементами. Для накатывания поверхностей деталей после термической обработки используется шары изготовленные из более прочных стали или естественного и искусственного алмаза. Сепаратор 2 изготавливается в основном из бронзы меной основе, целью улучшения вращения шарика и выполняет роль твердой смазки трущихся поверхности шара. Как видно, из рисунки 3 сепаратор прижимает шарика на поверхности наружных обоймы шарикоподшипников 4 и 8 получающих принудительных вращения вокруг оси 6 и 7. Регулирования зазора между наружной обоймы подшипников и шара производится крепёжными винтами 3 закреплениям сепаратора к корпусу 5. Корпус накатника изготовлен из конструкционной стали (сталь 20, 30, 35, 40 и 40Х).

Жесткий одношариковый накатной инструмент применяется для повышения физико-механических характеристик поверхностей детали работающих в нормальной и активной среде [1].

Повышения физико-механических характеристик поверхностей детали осуществляется следующим образом, смотреть рисунок 2.



Рис.2. Схема процесса накатки одношариковым деформирующим инструментом.

Из схемы:

dз – диаметр заготовки с наибольшими высотой шероховатости полученной до накатывания, мм;

d – диаметр заготовки полученной после накатывания, мм;

d/2 – воображаемый средней диаметр, мм;

Rисх – наибольше размер шероховатости, мм;

r – радиус окружности шарика, мм;

P – сила накатки, кГс;

Pр – радиальная сила накатки, кГс;

Pос – осевая сила накатки, кГс;

S – направления подачи, об/мин;

n – принудительная вращения шара, n= f (Sос, fтр, Pр и др);

φ – угол между силой накатки и радиальной, рад;

k – высота вольны, мм.

Одношариковые накатные инструменты по сравнению с роликовыми обладают рядом преимуществ – простотой конструкции, небольшими габаритами, возможностью использования стандартных шариков, выпускаемых шарикоподшипниковых производств. Они не требуют точной установки относительно обрабатываемой поверхности детали, так как шарики самоустанавливаются. Шарики имеют точечный контакт с обрабатываемой поверхностью, обеспечивающий создание больших удельных давлений при малых усилиях при деформирования поверхностного слоя детали. Процесс происходить при обкатывания двух тел, т.е. деталь и шарик. Все эти качества определяют область использования шарикового инструмента: размерное деталей с большим соотношением длины и диаметра. Шариковый инструмент является наиболее рентабельным при использовании в единичном и мелкосерийном производстве, серийном и крупносерийном так же массовом производстве. В последнем шаровые деформирующий инструмент рекомендовал себе, как заменитель абразивных инструментов. По сравнению с абразивным инструментом, производительность инструмента с шариковыми деформирующими элементами по основному технологическому времени значительно ниже, но по штучному технологическому время почти не отступает. Стойкость по сравнению лезвийных инструментов очень высоко.

При сглаживающих режимах поверхностным пластическими деформированиям (ППД), неровность поверхность зависит от ряда факторов:

- усилия накатывания, подачи, диметра деформирующего шара;
- количества проходов инструментальной головки;
- исходной шероховатости;
- физико-механических свойств обрабатываемого материала и другие.

Литература.

1. Turaevich, T. T., & Mirodilovich, M. B. (2020). Physical Foundations Structural-Formation, Surface Layer Of Parts. *The American Journal of Engineering and Technology*, *2*(09), 71-76.

МАҲАЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА АЦЕТИЛЕН АМИНОЭФИРЛАР СИНТЕЗИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Турсунов Д.Ж. к.ўқ., Содиқов М.Қ. (PhD) dots., Хўжаназарова С.Р. ўқ.
ТКТИ Шаҳрисабз филиали, "Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси" кафедраси, Шаҳрисабз, Ўзбекистон.

Ҳозирги кунда кимёгар олимларининг олдида турган асосий муаммолардан бири махаллий хом ашёлар асосида импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг янги технологияларини яратиш вазифалари долзарб ҳисобланади. Республикамизда саноат миқиёсида ацетилен табиий газни

пиролиз усулида синтез қилиб олинмокда. Шунинг учун ацетилен асосида олинадиган бирикмаларни синтез қилиш, уларни хоссаларини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Таркибида бир вақтда қўшбоғ, учбоғ, амино гуруҳи каби турли функционал гуруҳлар тутган органик бирикмалар юқори биологик фаолликка эга эканлиги маълум [1,2].

Бундай бирикмаларни олиш учун биринчи навбатда Фаворский реакцияси ёрдамида ацетилен ва кротон альдегиди иштирокида, кукун ҳолатдаги калий гидроксиди катализаторлигида, диэтилэфир эритмасида 0-5^{0}С ҳароратда реакция олиб бориб ацетилин спиртлари 68-72 % унум билан ҳосил қилади.

Бу реакция қуйидаги схема бўйича боради:



Синтез қилиб олинган ацетилен спиртлари асосида ацетилен аминоспиртлари олиш учун аминометилловчи агент сифатида параформ ва иккиламчи амин-морфолин n-диоксан эритмасида, Cu_2Cl_2 катализатори иштирокида Манних реакция олиб борилади.



Аминометиллаш реакциясини муқобил шароитини ўрганиш учун реакция олиб борилган ҳарорат, реакция давомийлиги, катализатор табиатининг таъсири ҳосил бўлган ацетилен спирти аминоэфирлари унумига боғлиқлиги тадқиқ қилинди. Аминометиллаш реакцияси амин ва параформ иштирокида ҳосил бўлган катионнинг делокалланиши қуйидагича боради:



Кейин ацетилен спирти билан таъсирлашиб ацетилен спирти аминоспирти ҳосил бўлади. Реакция схемаси қуйидагича:



Бу жараёнда Манних реакцияси асосан нуклеофил алмашиниш ҳисобланиб, ацетилен бирикмаларининг ионланган ёки кутубланган молекулалари иштирокида қуйидагича боради:



Бунда катализатор (мис тузлари) ацетилен боғининг қутубланишини ва нуклеофил заррачанинг фаоллигини оширади, жараён қуйидагича содир бўлади:



Ацетилен аминоспиртлари ҳосил бўлиш механизмидан кўринадики реакция жараёнида катализатор иштироки муҳим ҳисобланади.

Олинган натижаларга кўра, реакцияда энг яхши натижа 95^0C ҳароратда 6 соат давомида 74% унум билан реакция маҳсулоти ҳосил бўлиши кузатилди.

Манних реакцияси асосида олинган 1-морфолиногептен-5-ин-2-ол-4 ни гидрохлорид тузини олиш учун хлороформ эритмасида 1-морфолиногептен-5-ин-2-ол-4 га HCl таъсир эттириб оқ кристалл ҳолатдаги тўртламчи туз ҳосил қилинди:



Олинган 1-морфолиногептен-5-ин-2-ол-4 гидрохлоридини суюқланиш ҳарорати 178-179^0C.

Кейинги навбатда 1-морфолиногептен-5-ин-2-ол-4 ни акрилонитрил билан ишқорий катализатор КОН иштирокида реакцияга киришиши натижасида уларни β-цианэтил эфирлари қуйидаги схема асосида олинган:



Бу реакцияда ҳосил бўлган ацетилен аминоэфирини нисбатан юқори унуми (71-72%) билан ажратиб олинади.

Синтез қилинган бирикмаларнинг тузилиши ^{1}H ЯМР ва ИҚ-спектроскопия орқали исботланган, таркиби элемент таҳлили, тозалиги эса ЮҚХ ва ГСХ усулларида аниқланган.

Бу туркум моддалар техникада ишлатиладиган полимер маҳсулотларни сифатини яхшилаш мақсадида сополимерлар олишда тикувчи реагентлар сифатида қўлланиб келинмоқда.

Адабиётлар

1. С.Э.Нурманов, М.М.Кучкарова, М.К.Содиков, В.Г.Калядин, Т.С.Сирлибаев, «Реакция винилирования диметилэтинилкарбинола». //Журн.УзХим. 2004.№4. С.18-23.
2. Содиков М.К., Хужаназарова С.Р., Тургунов Э. Синтез простых и сложных эфиров ацетиленовых спиртов //UNIVERSUM: химия и биология научный журнал. –Москва, 2021. –№ 7 (85). –С. 85-90.

Нахождения оптимального содержания хлопкового волокна в смеси

Уришев Бахтиёр Абдусаматович, ассистент
Андижанский машиностроительний институт

Стабильный рост населения в мире в течение последних лет, а также сохранение тенденции, повышение уровня жизни и платежеспособности населения ведут к росту спроса на готовую и полуфабрикатную текстильную продукцию из натурального волокна.

Важнейшей задачей, стоящей перед текстильной промышленностью, является улучшение качества и ассортимента изделий, которое в настоящее время возможно лишь при использовании новой прогрессивной техники и технологии. Повышение качества выпускаемой пряжи – важнейшая задача, решение которой будет зависеть от разработки и внедрения в производство нового технологического оборудования.

Это, в свою очередь, требует внедрения современных научных исследований, основанных на снижении себестоимости продукции, наряду с легкой промышленностью страны, в частности, в текстильной промышленности, повышением ассортимента и качества ее продукции.

Изучение проблем и поиск соответствующих решений для них, а также их анализ зависят от технологического процесса в производственном цехе по производству пряжи из разных сортов хлопка, выращенного в стране в соответствии с требованиями рынка и покупателей.

Если правильно подобраны сорта хлопка, правильно произведена сортировка, состояние оборудование хорошее, из него получается качественный волокнистый слой. В то же время требуются температура и влажность в отделе очистки оборудования должны быть нормальными.[4].

➢ Стратегий развития текстильных предприятий в условиях усиливающейся конкуренции текстильных предприятий на основе подхода

вертикальной интеграции, направленного на создание конкурентоспособной среды и положения внутри в отрасли.

Для этой цели надо определит:

- Критические точки снижения качества текстильной продукции при замены дорогих волокон более дешевыми с целью уменьшения себестоимости продукции и усовершенствована система управления деятельность предприятий на основе WFMS (Work Flow Management System);
- Зависимость эффективного управления инновационными процессами на текстильных предприятиях от оптимального выбора технологической цепочки;
- Целесообразность применения стратегий широкой дифференциации, оптимальных затрат и фокусизации в развитии текстильных предприятий и разработана концептуальная модель стратегического управления конкурентной позицией предприятия в отрасли;
- На основе SWOT-анализа определелить сильные и слабые стороны предприятия и разработать основные направления стратегии развития их деятельности.[5]

Задача, стоящая перед нами на первом этапе, как выше указано состоит в том, чтобы создать комбинацию различных хлопковых волокон, чтобы получить требуемую стандартную пряжу из имеющихся на складе сортов хлопкового волокна, чтобы их общая стоимость была минимальной.

При выполнении этой задачи следует учитывать следующее:

- Снижение общей стоимости различных видов волокон в смеси;
- Повышение уровня вязкости типа волокна в смеси;
- Увеличение длины разрыва волокна в смеси;
- Снижение загрязнения по типу волокна в смеси;
- Увеличение процента выхода пряжи по типу волокна в смеси;

Когда мы изучаем эти процессы, решение указанной проблемы служит одним из основных факторов повышения уровня рентабельности в развитии предприятия. Это будет зависеть от функции и условий установленной целевой функции.

Перед нами стоит задача сформировать качественную пряжу за счет оптимального размещения хлопковых волокон в подготовительном цехе.

Для удешевления стоимости смеси (при достаточном запасе прочности пряжи) к волокну базисного(основного) типа и сорта рекомендуется добавлять волокно более низкого смежного сорта того же типа или более низкого смежного типа того же сорта, что и базисный (или смежного с ним) Если пряжу требуемой линейной плотности можно вырабатывать из нескольких типовых сортировок, то необходимо выписать их все, чтобы выбрать оптимальную.

В качестве многокомпонентной смеси натуральных волокон с переменными свойствами возникает ряд проблем, связанных с определением правильной методики подбора волокон для прядильных нитей с более высокими свойствами, чем у хлопчатобумажных смесей. Известно, что процессы, применяемые при производстве пряжи из коротких (коротких) волокон, носят очень сложный характер. Чтобы успешно управлять и оптимизировать технологические процессы и повышать производительность оборудования, повышать качество продукции [3].

Список литературы:

1. Y. El Mogahzy, Y. Gowayed, Textile Research Journal 65(1), 32-40 (1995).

2. Q.G'.Гофуров, С.Матисмаилов, М.Ш.Холиярова «Оборудование прядильных фабрик», Ташкент, «Шарк» 2007г.

3 Якубов Максадхан Султонниязович, & Уришев Бахтиёр Абдусаматович (2020). Концепция повышения экономического потенциала текстильной промышленности. Universum: технические науки, (6-2 (75)), 57-59.

АХБОРОТНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ.

Ф.М.Мухтаров, Г.Б.Махсудова
Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Тошкент Ахборот технологиялари университети
Фарғона филиали
Ўзбекистон Республикаси, Фарғона шаҳри

Бугунги кунда ривожланиб бораётган ахборот технологиялари инсонлар ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Ахборот технологиялари ҳаётимизга анча қулайликларни олиб кириб, мушкулимизни осон қилмоқда. Жумладан, ахборот технологиялари соҳасида тадқиқот олиб бораётган олимларнинг фикрича, ушбу соҳадаги энг асосий ютуқ – масофанинг қисқаришидир, яъни инсонларнинг узоғини яқин қилиб, бир-бирлари билан масофадан туриб гаплашиш имконияти яратилгани. Аммо, шундай улкан ютуқлар билан бир қаторда инсонлар ҳаётига таҳдидлар ҳам кириб келмоқда.

Умумжаҳон ахборот глобаллашуви жараёнлари ахборот-коммуникация технологияларини нафақат мамлакатлар иқтисодиёти ва бошқа соҳаларида жорий этиш, балки ахборот тизимлари хавфсизлигини таъминлашни ҳам тақазо этмоқда. Ахборот технологияларини ҳаётимизнинг ҳар бир сохасига кириб бориши, инсонларнинг ахборотга бўлган талабларининг ортиши, ахборотни муҳимлик даражасини ортишига олиб келади. Бунинг натижасида эса, ахборотни

қўлга киритишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар миқдори ортиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида барча сохада ахборот хавфсизлигини таъминлаш долзарблигини билдиради.

Ахборот хавфсизлиги маълумотларни ҳимоялаш усуллари билан шуғулланади. Ахборот хавфсизлигида муаммолар тури кўп бўлиб, улар асосан қуйидаги сабабларга кўра келиб чиқади:

– кўп зарарли, хатоли дастурларни мавжудлиги;

– нияти бузуқ фойдаланувчиларни мавжудлиги;

– социал инжиниринг;

– физик ҳимоя заифликлари ва ҳакозолар.

Ахборот хавфсизлигида муаммоларни ортишига асосан фойда, терроризм, ҳарбий соҳа ва бошқа омиллар мотивация бўлиши мумкин.

Ахборот хавфсизлигида мавжуд муаммолар хавфлилик даражасига кўра: заифлик, таҳдид ва ҳужумга олиб келувчиларга бўлинади.

Заифлик – бу тизимда мавжуд бўлган хавфсизлик муаммоси бўлиб, улар асосан тизимнинг яхши шакллантирилмаганлиги ёки созланмаганлиги сабабли келиб чиқади. Заифликлар тизимларда катта ёки кичик тарзда мавжуд бўлади.

Таҳдид – бу мавжуд бўлган заифлик натижасида бўлиши мумкин бўлган ҳужум тури бўлиб, улар асосан тизимни камчиликларини ўрганиш натижасида келиб чиқади.

Ҳужум – бу мавжуд таҳдидни амалга оширилган кўриниши бўлиб, бунда кутилган таҳдид амалга оширилади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш деганда маълумотнинг қуйидаги учта хусусиятини таъминлашни тушуниш мумкин.

Конфиденциаллик (рухсатсиз ўқишнинг мумкин эмаслиги) хусусияти ахборотнинг рухсат этилмаган фойдаланувчилардан яшириш, маълумот маъносини тушуниб олмаслик учун, уни тушунарсиз ҳолатга ўтказиш каби вазифаларни бажариш орқали бажарилади. Ахборотнинг ушбу хусусияти криптографик ҳимоя усулларидан бири саналган, шифрлаш усуллари асосида амалга оширилади. Шифрлаш усуллари ёрдамида очиқ маълумот яширинган кўринишдаги шифрматн ҳолатига айланади, бу эса уни бузғунчи фойдаланишининг олдини олади.

Бутунлик (рухсатсиз ёзишнинг мумкин эмаслиги) хусусияти асосида маълумотни узатиш давомида унга ўзгартириш киритилганлиги ёки киритилмаганлиги аниқланади. Ушбу хусусият бошқача қилиб айтганда, маълумотни бузғунчи томонидан ўзгартирилган (алмаштирилган, ўчириб ташланган)лигини аниқлашни билдиради. Ахборотнинг ушбу хусусияти криптографик ҳимоя усуллари асосида амалга оширилади. Ҳозирда криптографик хэш функциялар асосида маълумотнинг бутунлигини таъминлаш усуллари амалиётда кенг қўлланилади.

Фойдаланувчанлик хусусияти ахборотдан исталган вақт доирасида фойдаланиш имконияти мавжудлиги билан белгиланади. Ушбу хусусият очиқ турдаги маълумот учун дастлабки талаб этиладиган талабдир. Ушбу хусусиятни бузилишига олиб келувчи ҳужум усулларидан бири DOS (Denial of Service) ёки унинг шаклантирилган кўриниши DDOS (Distributed denial of Service) саналиб, ушбу ҳужум усули тизимни фойдаланувчанлик хусусиятини бузилишига олиб келади.

Ушбу учта хусусият ахборот ҳимоясининг асосий ташкил этувчилари саналиб, ахборотни ҳимоялаш деганда асосан шу учта хусусиятни таъминлаш тушунилади. Аммо ушбу учта хусусият тўлиқ бажарилиши учун бир нечта бажарилиши мумкин бўлган ишлар талаб этилади. Бошқача қилиб айтганда ушбу учта хусусиятни бажаришдан олдин, қуйида келтирилган амалиётларни бажаришга тўғри келади.

1. Идентификациялаш – бу фойдаланувчини тизимга ўзини танитиш жараёни бўлиб, унда фойдаланувчи номидан (логин), махсус шахсий карталардан ёки биометрик хусусиятларидан фойдаланиш мумкин.

2. Аутентификациялаш – бу фойдаланувчиларни ҳақиқийлигини текшириш жараёни бўлиб, бу жараён натижасида фойдаланувчи тизимдан фойдаланиш учун рухсат олади ёки олмайди.

3. Авторизация – бу фойдалувчига тизим томонидан берилган ҳуқуқлар тўплами бўлиб, фойдаланувчини тизим доирасида қилиши мумкин бўлган вазифаларини белгилайди.

Ахборот хавфсизлиги сиёсати – ташкилот ўз фаолиятида риоя қиладиган ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳужжатланган қоидалар, муолажалар, амалий усуллар ёки амал қилинадиган принциплар мажмуи саналиб, у асосида ташкилотда ахборот хавфсизлиги таъминланади. Ахборот хавфсизлигининг сиёсатини ишлаб чиқишда, аввало ҳимоя қилинувчи объект ва унинг вазифалари аниқланади. Сўнгра душманнинг бу объектга қизиқиши даражаси, ҳужумнинг эҳтимолли турлари ва кўриладиган зарар баҳоланади. Ниҳоят, мавжуд қарши таъсир воситалари етарли ҳимояни таъминламайдиган объектнинг заиф жойлари аниқланади. Самарали ҳимоя учун ҳар бир объект мумкин бўлган таҳдидлар ва хужум турлари, махсус инструментлар, қуроллар ва портловчи моддаларнинг ишлатилиши эҳтимоллиги нуқтаи назаридан баҳоланиши зарур. Таъкидлаш лозимки, нияти бузуқ одам учун энг қимматли объект унинг эътиборини тортади ва эҳтимолли нишон бўлиб хизмат қилади ва унга қарши асосий кучлар ишлатилади. Бунда, хавфсизлик сиёсатининг ишлаб чиқилишида ечими берилган объектнинг реал ҳимоясини таъминловчи масалалар ҳисобга олиниши лозим. Қарши таъсир воситалари ҳимоянинг тўлиқ ва эшелонланган концепциясига мос келиши шарт. Бу дегани, қарши таъсир воситаларини марказида ҳимояланувчи объект бўлган концентрик доираларда жойлаштириш лозим. Бу ҳолда душманнинг исталган объектга йўли ҳимоянинг эшелонланган

тизимини кесиб ўтади. Мудофаанинг ҳар бир чегараси шундай ташкил қилинадики, қўриқлаш ходимининг жавоб чораларини кўришига етарлича вақт мобайнида хужумчини ушлаб туриш имкони бўлсин. Сўнгги босқичда қарши таъсир воситалари қабул қилинган ҳимоя концепциясига биноан бирлаштирилади. Бутун тизим ҳаёти циклнинг бошланғич ва кутилувчи умумий нархини дастлабки баҳолаш амалга оширилади. Агар бир бинонинг ичида турли ҳимоялаш талабларига эга бўлган объектлар жойлашган бўлса, бино отсекларга бўлинади. Шу тариқа умумий назоратланувчи макон ичида ички периметрлар ажратилади ва рухсатсиз фойдаланишдан ички ҳимоя воситалари яратилади. Периметр, одатда, физик тўсиқлар орқали аниқланиб, бу тўсиқлардан ўтиш электрон усул ёки қўриқлаш ходимлари томонидан бажарилувчи махсус муолажалар ёрдамида назоратланади. Умумий чегарага ёки периметрга эга бўлган бинолар гуруҳини ҳимоялашда нафақат алоҳида объект ёки бино, балки унинг жойланиш жойи ҳам ҳисобга олиниши зарур. Кўп сонли бинолари бўлган ер участкалари хавфсизликни таъминлаш бўйича умумий ёки қисман мос келадиган талабларга эга бўлади, баъзи участкалар эса периметр бўйича тўсиққа ва ягона йўлакка эга. Умумий периметр ташкил этиб, ҳар бир бинодаги ҳимоя воситаларини камайтириш ва уларни фақат хужум қилиниши эхтимоли кўпроқ бўлган мухим объектларга ўрнатиш мумкин. Худди шу тариқа участкадаги хар бир иморат ёки объект хужумчини ушлаб қолиш имконияти нуқтаи назаридан бахоланади.

Юқоридаги келтирилган талаблар тахлили кўрсатадики, уларнинг барчаси ахборотни ишлаш ва узатиш қурилмаларидан хуқуқсиз фойдаланиш, ахборот элтувчиларини ўғирлаш ва саботаж имкониятини йўл қўймасликка олиб келади. Бинолар, иморатлар ва ахборот воситаларининг хавфсизлик тизимини назорат пунктларини бир зонадан иккинчи зонага ўтиш йўлида жойлаштирган холда концентрик ҳалқа кўринишида ташкил этиш мақсадига мувофиқ хисобланади.

Бинодаги компьютер тизимининг хавфсизлик тизими:

1-ҳудуд. Компьютер тармоғи (КТ) хавфсизлигининг ташқи зонаси. Таъминланиши:

- физик тусиқлар, периметр бўйлаб ўтиш жойлари, ҳудудга кириш назоратининг ноавтоматик тизими.

2-ҳудуд. КТ хавфсизлигининг ўртадаги зонаси.

Таъминланиши:

- эшиклари электрон ҳимояланган назорат пунктлари, видеокузати, хона эшигига ва деразаларига сигнализация ўрнатилиши;

3-ҳудуд. КТ хавфсизлигининг ички зонаси.

Таъминлаш:

- шахсий компьютерга фойдаланиш фақат назорат тизими орқали идентификациялашнинг биометрик тизими, яъни пароллаш, зарур маълумотлар ёзилган файлларни кодлаш.

Ахборот хизмати бинолари ва хоналарига киришнинг назорати масаласига келсак, асосий чора нафақат бино ва хоналарни, балки воситалар комплексини, уларнинг функционал вазифалари бўйича ажратиш ва изоляциялаш. Бино ва хоналарга киришни назоратловчи автоматик ва ноавтоматик тизимлар ишлатилади. Назорат тизими кундузи ва кечаси кузатиш воситалари билан таъминланишии мумкин. Хавфсизликнинг физик воситаларини танлаш химояланувчи объектнинг мухимлигини, воситаларга кетадиган харажатни ва назорат тизими ишончлилиги даражасини, ижтимоий жихатларни ва инсон нафси бузуқлигини олдиндан ўрганишга асосланади. Бармоқ, кафтлар, кўз тўр пардаси, қон томирлари излари ёки нутқни аниқлаш каби биометрик индентификациялаш ишлатилиши мумкин. Шартнома асосида техник воситаларга хизмат кўрсатувчи ходимларни объектга киритишнинг махсус режими кўзда тутилган. Бу шахслар идентификацияланганларидан сўнг объектга кузатувчи хамрохлигида киритилади. Ундан ташқари уларга аниқ келиш режими, маконий чегараланиш, келиб-кетиш вақти, бажарадиган иш характери ўргатилади. Ниҳоят, бино периметри бўйича бостириб киришни аниқловчи турли датчиклар ёрдамида комплекс кузатиш ўрнатилади. Бу датчиклар объектни қўриқлашнинг марказий пости билан боғланган ва бўлиши мумкин бўлган бостириб кириш нуқталарини, айниқса ишланмайдиган вақтларда, назорат қилади. Вақти-вақти билан эшиклар, ромлар, том, вентиляция туйнуклари ва бошқа чиқиш йўлларининг физик химояланиш ишончлилигини текшириб туриш лозим. Ҳар бир хонага ичидаги нарсанинг мухимлилигига боғлиқ фойдаланиш тизимига эга бўлган зона сифатида қаралади. Кириш-чиқиш хуқуқи тизими шахс ёки объект мухимлигига боғлиқ холда селекцияли ва даражалари бўйича тоифаланган бўлиши шарт. Кириш-чиқиш хуқуқи тизими марказлашган бўлиши мумкин (рухсатларни бошқариш, жадвал ва календар режаларининг режалаштирилиши, кириш-чиқиш хуқуқининг ёзма намуналари ва бошқалар). Назорат тизимини вақти-вақти билан текшириб туриш ва уни доимо ишга лаёқатли холда сақлаш лозим. Буни ихтисослашган бўлинмалар ва назорат органлари таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Stamp Mark. Information security: principles and practice. USA, 2011.
2. Peter Stavroulakis, Mark Stamp. Handbook of Information and Communication Security. 2010.
3. Мухтаров Ф.М. Модели обеспечения системы безопасности информации на защищаемых объектах //Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси ҳарбий-техник институтиахборотномаси, Тошкент-2018,-№4, -с 179-181.
4. Ганиев С.К., Каримов М.М., Тошев К.А. Ахборот хавфсизлиги. 2008.

МАГНИТНЫЕ НАНОЧАСТИЦЫ-ПОЛИМЕР ГИБРИДНЫЕ

МАТЕРИАЛЫ

Фозилов Шохжахон Дилшодбек угли

Усмонова Зулайхо Кобилжон кизи

Мамиров Абдувохид Мухаммадамин угли

Жалилов Рахимжон Равшанбек угли

Андижанскиймашиностроительный институт

Исследования магнитных нанокомпозитов (МНК) процветают, позволяя развивать новые явления с потенциальными приложениями в нескольких дисциплины и размеры. Среди широкого спектра уже обнаруженных наноразмерных материалы, используемые в различных экологических и биомедицинских приложениях, магнитных наночастицы (МНЧ) вызывают все большее внимание из-за их неотъемлемых свойств с высокими магнитными свойствами [1,2]. Эти свойства повышают их успех как магнетические. восстанавливаемые катализаторы, агенты доставки лекарств, противораковые материалы, наноадсорбенты, и компоненты магнитно-резонансной томографии (МРТ). Кроме того, они могут служат строительными блоками в приложениях втаких областях, как биомедицина, информационная технологии, МРТ, катализ, телекоммуникации и восстановление окружающей среды [3 5]. Этот класс наноматериалов включает наноразмерные материалы, такие как металлы.

Биметаллические наночастицы, оксиды металлов, ферриты и суперпарамагнитное железо оксидные наночастицы (SPION) [6,7]. МНК содержат МНЧ в немагнитной или магнитная матрица [8,9]. Однако, что касается снижения энергии в сочетании с высокое отношение площади поверхности к объему наноразмерных частиц, МНЧ, диспергированных в композиты склонны к образованию агломератов. Чтобы предотвратить это, химические технологии появились новые технологии для улучшения стабильности дисперсий и совместимость первичных МНЧ путем прививки или покрытия их органическими специ-таких как поверхностно-активные вещества или полимеры. МНЧ, включающие полимер, представляют собой новый класс материалов, обладающих улучшенными характеристиками по сравнению с аналогами.

Существует четыре основных типа МНК: неорганические ядро-оболочка нанокомпозиты, самособирающиеся нанокомпозиты, МНК на основе диоксида кремния и органические неорганические нанокомпозиты. Особое внимание уделяется органо-неорганическим ТНК. Благодаря сочетанию свойств как органических, так и неорганических в одном нанокомпозит. Этот тип МНЧ включает в себя яркое и широкое разнообразие материалов и комбинации, приготовленные разными методами и технологиями.

Синтез МНЧ различного состава и фазового состава привлек внимание исследователей. Приковывает к себе внимание благодаря полученным великолепным физическим и химическим свойствам. А сообщалось о большом количестве работ по наноразмерным оксидам железа Fe3O4 и α-Fe2O3, которыеобладают потенциалом суперпарамагнитных свойств.

Более того, из-за большого отношения поверхности к объему существует большой интерес к чистым металлы, такие как Fe и Co; ферриты-шпинели, такие как MgFe2O4, MnFe2O4, CoFe2O4 и NiFe2O4; сплавы ZnFe2O4, то есть CoPt3 и FePt; ДМС; а также полимерные магниты. Особое положение МНП обусловлено принципиально от их великолепных свойств, включая химический состав, тип и степень дефектность кристаллической решетки, размер и форма частиц, морфология, взаимосвязь взаимодействие частицы с окружающей матрицей и близость частиц.

По этим причинам важно разработать методы и пути, с помощью которых можно контролировать размер, форму и химическую однородность магнитных частиц. Совсем недавно, 143 Гибридные материалы на основе магнитных наночастиц и полимеров.



Рисунок 1.1 *Управление профилем направленного затопления предназначено для определения иммиграционной способности магнитных полимерных нано сфер в высокотемпературном резервуаре К1 представляет*

средняя проницаемость, К2 — трубка с самой высокой проницаемостью, а К3 — низкая проницаемость. Три заполненные песком трубки стоят параллельно (длиной 30 см) с одним входом. (А) и выход (В). Магнитные полимерные наносферы вводили на входе (А) и протекал по трем параллельным заполненным песком трубкам.

REFERENCES

1. Khakimovich R. A., Dusmuratovich N. S., Ravshanbek o'gli J. R. DEVELOPMENT OF THERMAL TREATMENT WITH DOUBLE–PHASE RECRYSTALLIZATION OF THE COMPOSITE OF HIGH–CUTTING STEEL P6M5 WITH CONSTRUCTION STEEL 35ГЛ //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 101-107.
2. Жалилов Р. Р. Ў., Абдуғаниева Х. Р. Қ. ИССЛЕДОВАНИЕ МОРФОЛОГИИ И РАЗМЕРОВ УЛЬТРАДИСПЕРСНЫХ ПОРОШКОВ ВОЛЬФРАМА КРИСТАЛЛООПТИЧЕСКИМИ МЕТОДАМИ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 633-640.
3. Tojiboyev, B. M., Muhiddinov, N. Z., Karimov, R. I., & Jalilov, R. R. O. G. L. (2021). IKKILAMCHI TERMOPLAST POLIMERLAR ASOSIDA QURILISH SANOATI UCHUN POLIMERKERAMIK KOMPOZITSION MATERIALLARNI OLISH JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISH. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *1*(9), 386-392.
4. Muxammadamin o'g'li M. A., Anvar o'g'li K. S. THERMOLECTRIC, RESISTANCE, PHOTO ELECTRIC DETECTORS AND ANALYSIS OF SPECTRAL CHARACTERISTICS OF MATERIALS IN THEM //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 12. – С. 172-180.
5. Muxammadamin o'g'li M. A., Anvar o'g'li K. S. Production of micro-and nanoscale silicon granules using powder technology //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – Т. 5. – С. 175-179.
6. Muxammadamin o'g'li M. A., Umidjon Turg'unboy o'gli X. Determine the amount of heat accumulated at the focal point of the solar oven //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – Т. 5. – С. 161-164.
7. Umarova M. N., To'ychiev A. T. STRUCTURAL CLASSIFICATION AND ANALYSIS OF CORROSION OF METALS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 12. – С. 330-334.
8. Atakhanova S. K. et al. IMPROVING THE WEAR RESISTANCE OF MINING EXCAVATOR //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 05. – С. 417-421.
9. Тожибоев Б. М. ВОПРОСЫ УЛУЧШЕНИЯ ПРОЧНОСТНЫХ СВОЙСТВ ПОЛИМЕРНЫХ КОМПОЗИЦИОННЫХ ПОКРЫТИЙ //Universum: технические науки. – 2021. – №. 12-2 (93). – С. 22-23.
10. Дадаханов Н. К., Каримов Р. И. МЕТОДЫ ВОССТАНОВЛЕНИЯ

ШЕЙКИ ВАЛОВ С ПОМОЩЬЮ СВАРКИ //Universum: технические науки. – 2022. – №. 1-1 (94). – С. 29-33.

СЕПАРАТОРДА ТОЛА ЙЎҚОЛИШИ ВА ЧИГИТНИНГ ШИКАСТЛАНИШИНИ АНИҚЛАШ

т.ф.д., проф. Х.Т. Ахмедходжаев, PhD. М.Н.Салохиддинова, Б.Я.Хамрахўжаев
Наманган муҳандислик технология институти, Наманган, Ўзбекистон

Пахта толасининг тўрли сиртда ҳаво билан чиқиб кетгандаги миқдорини аниқлаш сепаратордан кейинги пуфловчи қувурга уланган циклонда амалга оширилади. Унда циклоннинг пастки қисми ўрнатилган қопча ҳар соатда текшириб кўрилади [1, 2].

Тўрли юзага ёпишган пахта миқдорини аниқлаш учун ишчи камеранинг ён томонида жойлашган тўрли юзалар шартли равишда тўртта тенг бўлакка бўлинган.

Қирғични тўхтатиш учун унинг валига ўрнатилган шкивда жойлашган тасмани олиб қўйиш керак бўлади. Натижада тўр юзасига ёпишган пахта миқдорини аниқлаш имконига эга бўламиз.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, пахта бўлаклари асосан кириш қувуридан узоқроқ масофада жойлашган тўрли юзага 60 фоизи ёпишар экан. Ишчи камерасига трапеция шаклида йўналтиргич ўрнатилгандан кейин мана шу тўрли юзага ёпишган пахта миқдорининг камайганини кўрамиз.

Шунинг учун тадқиқотларда янги тажриба нусхасининг кириш қувурига йўналтиргичлар ўрнатилди. Қуйидаги тадқиқот давомида ўтказилган тажрибалар натижалари келтирилган.

1-жадвал

Сепараторда ҳаводан ажратиш самарадорлигини текшириш

№	Трапеция шаклдаги йўналтиргич эни, см	Чанг ҳаво билан чиқиб кетган турли хил аралашмалар миқдори, кг/соат	Пахта хом ашёсининг тўғри вакуум-клапанга тушган қисми, %
1	15	3.9	90
2	20	3.7	92
3	40	3.5	94

Жадвалдан кўриниб турибдики, трапеция шаклда йўналтиргич ўрнатилган вақтда пахта бўлакчаларини тўрли юзага бориб урилиши 15-20% га камаяди, бу эса сепаратор ишчи камерасига кириб келаётган пахта бўлакчаларини асосий қисмини тўғри вакуум-клапанга тушишини таъминлайди. Бу ўз навбатида тўрли юзадан ҳаво сўрилишини яхшилайди, пахта хом ашёсини ғарамдан ташиш масофасини 10-15 метргача узайтиришга имкон беради.



1-расм. Трапеция шаклидаги йўналтиргич ва тўрли юза оралиқ масофасининг чанг ҳаво билан чиқиб кетадиган тола миқдорига боғлиқлиги



2-расм. Трапеция шаклида йўналтиргич узунлигининг пахтанинг вакуум-клапанга тўғри тушиш миқдорига боғлиқлиги

1-2-графикларда 3 та вариантда ўрнатилган (трапеция шаклда йўналтиргич эни узунлиги: 15см, 20см, 40см) йўналтиргичлар комплекти синаш натижалари келтирилган. Натижалардан кўринадики, йўналтиргич трапеция шаклда йўналтиргичнинг эни энг катта ўлчамга эга вариантда самарали ишлаши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Салохиддинова М., Мурадов Р., Мардонов Б. Сепаратор ускунасининг қия тўрли юзасида пахта ҳаракатини ўрганиш // Фарғона политехника институти илмий-техника журнали. Фарғона, 2019. – № 1. 33-39 бетлар.
2. Salohiddinova M, R.Muradov, A.Karimov, B.Mardonov. The Shortfalls of the Vacuum Valve Cotton Separator // American Journal of Science and Technologyю USA. 2018; 5(4): pp. 49-55. ISSN: 2375-3846 http://www.aascit.org/journal/ajst

ЭНЕРГОСБЕРЕЖЕНИЕ В ПРОЦЕССАХ ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД

Хамидов Камолддин Қосимжон ўғли, Андижон машинасозлик институти магистири, kamoldin@mail.ru

Предприятия текстильной промышленности является довольно водоёмкими производствами загрязняющие примеси сточных вод которых представлены органическими, неорганическими и поверхностно-активными веществами, различными красителями, кислотами и щелочами. Концентраця загрязнений может колебатся в довольно широких пределах. При очистке сточных вод красильно-отделочных производств неизбежно возникает проблема их очистки и обесцвечивания. Из литературных данных известно что одним из эффективных способов очистки является химическое и электрохимическое коагулирования. Данный метод опробирован нами для удаления красителей их сточных вод предприятия выпуска «бахмали», ориентированного на выпуск плюша. Сточная вода предприятия представляет собой многокомпонентную гетерегенную систему, включающую грубодисперсные, коллоидные и растворенные вещества.

Кроме этого сточная вода является электролитом, так как растворенные в ней газы, минеральные и органические вещества в той или иной степени диссоцированы на ионы, а коллоидные и взвешенные вещества в большинстве случаев несут определенный заряд [1].

В случае применения растворимых металлических электродов электродный процесс сопровождается совокупностью электрохимических явлений и реакций, скорость которых согласно законам электрохимии определяется общим значением потенциала на границе металл-раствор, составом раствора и условиями диффузии компонентов или продуктов реакции. В результате электролиза происходят окислительно-восстановительные процессы, как металла самих электродов, так и компонентов сточных вод. Эти процессы сопровождаются приобретением или потерей электронов ионами растворяемых металлов, а также частицами реагирующих веществ. Общую реакцию анодного растворения металла, если образуются простые гидратированные ионы, можно запичсать в виде уравнения [2]:

$$[M] + xH_2O = M^{z+} \cdot xH_2O + ze$$

Или, если образуются комплексные ионы металла:

$$[M] + xA + yH_2O = MA^{z-x} \cdot yH_2O + ze$$

Количество металла, растворившегося в воде в результате электролиза, определяется по формуле: где A-атомный вес; F-постоянная Фарадея; I-сила тока; t-время прохождения тока;η-выход металла; n-валентность. Технологический режим отварки и крашения ткани плюш с ворсом из ацетатных нитей приведены [3].

При крашении ткани плюш используется прямые и дисперсные красители. Прямые красители – для крашения коренной основы, Дисперсные красители для крашения ворсовой основы из ацетатных нитей. Количество используемых красителей определяется согласно утвержденным рецептам. Производственные стоки, образующиеся при производстве ворсовой ткани, представляют собой промывочные воды от отварки, крашения и мойки материала, а также от продувки котла и регенерации фильтров. Стоки предприятия представляют собой сложную полидисперсную систему. Основными загрязнениями стоков являются красители, СПАВ, органические растворители, кислоты, щелочи. Стоки образуются как от сброса красильных растворов ванн крашения, так и от промывки крашеных изделий. Ориентировочный объем стоков составляет 16,092 $м^3$/сутки или 4899,91 $м^3$/год. Из них, хозяйственно-бытовые 5,80 м3/сутки или 1761,36 $м^3$/год, производственные 10,292 $м^3$/сутки или 3138,55 $м^3$/год. Характеристика сточных вод красильно-отделочных фабрик хлопчатобумажных тканей согласно [4].

Исследования проводились в лабораторных условиях при температуре 20 °С. Осадки сточных вод отделяли декантацией. В качестве коагулянта апробированы сульфат алюминия, хлорид железа и электрогенерированный хлорид железа. Осветление проводили в литровых цилиндрах, время

Биостаканнинг асосий таркиби хисобланган целлюлоза тупроқ остидаги намлик таъсирида чириб парчаланиши натижасида ўсимлик учун қўшимча озуқалар ҳосил бўлади ва тупроқнинг унумдорлигини оширувчи манбага айланади. Ушбу стаканларга экилган кўчатлар ундириб олингач, экиш жойлари учун етарли шароит ҳосил бўлганча ривожланишда давом этади. Биостаканнинг зичлиги туфайли уни бемалол экиладиган жойларга махсус қутиларга солиб транспортировка қилиш мумкин бўлади. Ерга етарли даражадаги тафт келгунча чиқиндили стаканнинг чириши натижасида ҳосил бўладиган иссиқлик хисобига ўсимлик уруғлари бир мунча эрта униб чиқади.

Биостакан ҳосил қилишда турпоқни қиздирилиши ундаги бўлиши мумкин бўлган турли касалликлардан ва бактериялардан холи бўлишини таъминлайди ва келгуси вегетация давомида минерал ўғитлар ва пестицидлардан фойдаланишга эхтиёж бўлмайди. Буларнинг натижасида эртаки, экологик соф, ресурс тежамкор ва иқтисодий жихатдан самарали бўлган ҳосил олиш имкони яратилади.

Ушбу технология бобо-деҳқонларимиз томонидан аввал қоғоз стаканчаларда, кейинчалик эса полиэтилен пленкалардан тайёрланган стаканчаларда қўлланиб келинган. Хозирда полиэтилен пленкаларни зарарли экологик оқибатлари натижасида бутун дунё бўйича уни озиқ –овқат

ҳавфсизлиги ва тупроқларни ифлослантирилиши нуқтаи назаридан воз кечилмоқда. Иккинчидан кўчатларни экишда полиэтилен пакетлардан чиқариб олиш жараёнида кўчат томирлари шикастланиши ва бунинг натижаси кўчат ривожланмай, қуриб қолиш эҳтимоли бўлади.

Республикада бир йилда хусусан 2021 йили 3,4 млн тонна пахта хом-ашёси етиштирилган, уларни қайта ишлаш жараёнида эса 150,0минг тонна атрофида органик турдаги чиқиндилар ҳосил бўлади. Ушбу чиқиндилар Ўзбекистон республикасинги "Чиқиндилар тўғрисида" ги қонуни асосида тегишли тарзларда утилизация қилиниши талаб этилади. Ушбу технологияни жорий этиш билан бу масала ҳам хал этилади ва биостаканни қўллаш хисобига қишлоқ хўжалигининг айрим соҳаларида қуйидагиларга эришилади:

- Республика миқёсида пахта тозалаш корхоналарида ҳосил бўладиган органик чиқиндиларининг утилизацияси ҳал этилишига;
- қишлоқ хўжалиги экинларидан эртаки ва экологик соф маҳсулотлар етиштирилади, бунинг хисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш хажми ортишига;
-такрорий экин сифатида фойдаланишда механизацияни қўлламас- лик хисобига 5та технологик жараёнлар (ер ҳайдаш, текислаш, эгат олиш, культивация қилиш, минерал ўғитлар солиш)ни камайтиришга;
- механизация ёрдамида бажариладиган технологик жараёнларни камайтириш хисобига ерни зичланишини камайтириш ва энергетик ресурсларни тежаш хисобига атроф-мухитга таъсир камайтирилади;
- органик чиқиндиларни экин майдонларига киритиш орқали, тупроқ унумдорлигини оширишга;
- гектар хисобига солинадиган минерал ва органик ўғитларни камайтириш ва энергетика ресурсларини тежаш хисобига иқтисодий самарадорликка.

Адабиётлар рўйхати:

1. 2021йил якунлари: қишлоқ хўжалиги.

2.Интернет сахифалари: Е.Лян, С.Алимуҳамедов

3. Патент IAP 06653. Qishloq xo'jalik ekinlarining ko'chatlarini o'stirish usuli Yusupov Ilxamdjan Ibragimovich, Qobulova Nilufarxon Jalilovna, Xojiyev Abduraxim. O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Intellektual mulk agentligi RASMIY AXBOROTNOMA Toshkent 2022 yil 1(249).

Parallel hisoblashlarga asoslangan kompyuterlar va kompyuter tizimlari

[1]Nurdinova R.A., [2]G'offorov E.U., [2]Yo'lchiboyeva S.J.

[1]Muhammad al-Xorzamiy nomidagi TATUFF dosenti;
[2]Muhammad al-Xorzamiy nomidagi TATUFF talabalari

Ko‘pchilik hisoblash mashmalar arxitekturasining asosida masalalar yechish algoritmida dasturlardagi hisoblashlarni ketma-ket ko'rinishda amalga oshirish amallari yotadi. Hisoblash mashmalar arxitekturasining asos g‘oyasida Djon fon Neyman tomonidan shakllantirilgan dastuming buyruqlarini ketma-ket amalga oshirilishi yotadi. Hisoblash texnikasining unumdorligiga bo’lgan talab do’lmiy oshib turgan sharo’ltda fon Neyman arxitekturasining ketma-ket hisoblashlarni tezlatishdek g‘oyasi o‘z imkoniyatlarini tugatib bo‘lganligi oydin- lashdi. Hisoblash texnikasining keyingi taraqqiyoti parallel hisoblash- larga o‘tish bilan bog'liq, ya’ni nafaqat bitta hisoblash mashinasi do’lrasida va shuningdek ko‘p sonli protsessorlami yoki hisoblash mashinalarini birlashtiruvchi tizim va tarmoqlami yaratish yo‘li orqali. Hisoblash vositalarining tezligmi oshirish vositasi sifatida parallelash- tirish g‘oyasi ancha oldin paydo bo‘lgan - XIX asr oxirlarida. Parallellikni usul va vositalarini joriy etish uni qaysi darajada ta’ Ya’ni minlanishiga bog'liq bo‘ladi. Odatda quyidagi parallellash-tirish darajalari joriy etiladi. Topshiriq darajasi. Bir necha mustaqil topshiriqlar bir vaqtda turli protsessorlarda bajariladi, amaliy jihatidan ular bir-biri bilan muloqot qilmasdan bajariladi. Bu daraja ko‘p protsessorli hisoblash tizimlarida ko‘p masalali ish tartibida amalga oshiriladi. Dastur darajasi. Bir masalanmg qismlavi ko‘p protsessorlarda bajariladi. Ushbu daraja parallel hisoblash tizimlarida ham joriy etiladi. Buyruqlar darajasi. Buyruqlarni bajarilishi fazalarga ajratiladi, bir necha ketma-ket buyruqlar fazalari esa konveyerlashtirish hisobiga qoplanib ketishi mumkun. Bu daraja bir protsessorli hisoblash tizimlarida amalga oshiriladi. Bitlar darajasi (arifmetik daraja). So‘z bitlariga bir-biridan keyin ishlov berilsa, bu ketma-ket bitli amal deb nomlanadi. Agarda so‘z bitlariga bir vaqtda ishlov berilsa, u holda parallel bitli amal deyiladi. Ushbu daraja oddiy va superskalyarli protsessorlarda joriy etiladi.

Parallel tizimlar topologiyasi

Har qanday ko‘p protsessorlik hisoblash tizim arxitekturasining asosida shu hisoblash tizimining komponentlaii o‘rtasidagi axborot almashuviga bo’lgan imkoniyati yotadi. Hisoblash tizimining kommunikatsiya tizimi tarmoqdan iborat bo’lib, ularning tugunlari axborot uzatish yo’llari bilan bog’langan - kanallar orqali. Tugunlar sifatida protsessorlar, xotira modullari, kirish-chiqish qurilmalari, kommutatorlar yoki bir necha sanab o‘tilgan qurilmalaming guruhga birlashtirilganlari bo‘lishi mumkin. Hisoblash tizimining ichki kommunikatsiyalarini tashkillashtirilishi **topologiya** deb ataladi.



1-rasm. Parallel hisoblash tizimlarining asosiy topologiyalari

Parallel hisoblash tizimlarni Flin bo'yicha turlanishi. Hozirgi vaqtda turli belgilarga asoslangan va turli qirqimdagi parallel hisoblash tizimlarining turlanishi mavjuddir. Bu M.Flin, R.Xokni, T.Fenga, V.Xendler va ba'zi boshqalar taklif etganlar. Bu turlanishlarning batafsil bayonini [1,2] adabiyotdan topishingiz mumkin. Ko'pchilik mutaxassislar tomonidan ma'qullangan va qaysidir ma'noda asos bo'lib qolgan turlanish sxemasi bu 1966-yili Maykl Flin tomonidan qilingan taklif. U ma'lum uchrab turadigan tushuncha buyruqlar oqimi va axborotlar oqimiga asoslanadi. Protsessorli element tushunchasi kritilganligi munosabati bilan buyruqlar oqimini dasturning buyruqlar ketma-ketligi deb nomlaymiz va uni hisoblash tizimining alohida protsessorli elementi tomonidan amalga oshiriladi. Axborotlar oqimini esa axborotlar ketma-ketligi deb ataymiz, uni alohida protsessor elementi tomonidan ishlov berish uchun chaqiriladi. Agarda hisoblash tizimining turli protsessor elementlari tomonidan bajariladigan buyruqlar soni bittadan ko'p bo'lsa, u holda buyruqlar oqimini ko'p deb nomlanadi. Agarda hisoblash tizimi da ishlov berishning bitta bosqichida turli protsessor elementlariga beriluvchi bittadan ko'p operandalar to'plami bo'lsa, u holda axborotlar oqimi ko'p deb nomlanadi. Flin turlanishini muhokama qilish uchun bizga ba'zi tushunchalar kerak bo'ladi. Umumiy tashqi xotira va umumiy dasturiy ta'minotga ega bo'lgan bitta yoki bir necha xonada joylashgan kompyuterlardan iborat hisoblash tizimini bilvosita sust bog'1angan ko'p mashinali tizim deb ataladi [3]. Kompyuterlararo ulanishlar magnit disk yoki magnit tasma orqali amalga oshiriladi. Har bir mashina o'zining amaliyot tizimi yordamida ishlaydi. Bilvosita aloqali arxitektu- ralardagi tizimlarda yuqori tayyorlik va ishonchlilik ta'minlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. M.M. Musayev. "Kompyuter tizimlari va tarmoqlari" Toshkent 2013.

2. A.C. Антоновv "Параллельное программирование с использованием технологии OpenMP". Москва 2009.

3. V.V. Voyevodin "Parallel hisoblash". Москва 2002.

TEXNOLOGIK JARAYONLARNI MATEMATIK MODELLASHTRISH

Ostanaqulov Sh.Y
Andijon mashinasozlik instituti magistranti

Texnologik jarayonlarni avtomatlashtirishning turli vositalarining aniqligi va tezligini oshirish muammolari ko'plab sohalar uchun dolzarbdir. Texnologik asbob-uskunalarning harakat tezligining oddiy o'sishi dinamik aniqlikning keskin yomonlashishiga ya'ni, berilgan traektoriya bo'ylab harakatning aniqligi o'zgarishiga olib keladi. Shu sababli, muammoni hal qilishning zaruriy sharti texnologik uskunaning ishlash jarayonida bevosita boshqarish ob'ektining dinamikasini hisobga olishdir. Shu bilan birga, avtomatlashtirish vositalari murakkabligi, ko'pzvenoliligi va alohida erkinlik darajalarining o'zaro bog'liqligi tufayli murakkab dinamik boshqarish ob'ekti bo'lib, ularning matematik modellari qisman hosilalarda nochiziqli differensial tenglamalar tizimi bilan tavsiflanadi.

Matematik modellashtirish deganda - berilgan real obektning ba'zi bir matematik obektga muvofiqligini belgilash jarayoni tushuniladi. Bu matematik obekt matematik model deb ataladi va bu modelni tadqiq qilish o'rganilayotgan real obekt xarakteristikalarini olish imkonini beradi. Matematik modelning turi nafaqat real obekt tabiatiga bog'liq, balki obektni tadqiq masalalariga va talab qilinadigan ishonchlilik hamda masalani yechish aniqligiga bog'liq. Har qanday matematik model, boshqalarga o'xshab, haqiqatga yaqinlashishning ba'zi darajasi bilan real obektni tavsiflaydi. Sistemalar ishlash jarayoni xarakteristikalarini tadqiq qilish uchun matematik modellashtirishni analitik, imitatsion va kombinatsionlarga bo'lish mumkin. Analitik modellashtirish uchun shu narsa xarakterliki, tizim elementlarini ishlash jarayonlari qandaydir funksional munosabatlar yoki mantiqiy shartlar ko'rinishida yoziladi. Analitik model quyidagi usullar bilan tadqiq qilinishi mumkin: a) analitik, bu usul izlanayotgan xarakteristikalar uchun umumiy ko'rinishda aniq bog'liqliklami olish kerak bo'lganda qo'llaniladi;

b) sonli, bu usul umumiy ko'rinishda tenglamalarni yechishni bilmasdan, aniq bosh!ang'ich maMumotlarda sonli natijalami olish kerak bo'lganda qo'llaniladi;

d) sifatli, bu usul aniq ko'rinishda yechimni olmasdan, yechimning ba'zi xossalarini topish mumkin (masalan, yechimning turg'unligini baholash) bo'lganda qo'llaniladi.

Agar S sistemaning izlanayotgan xarakteristikalari boshlang'ich sharoitlari, parametrlari va o'zgaruvchanlarini bog'layotgan aniq ifodalar ma'lum bo'lsa, tizimning ishlash jarayonini eng to'liq tadqiqotini o'tkazish mumkin. Lekin bunday bog'liqliklarni olish faqatgina oddiy tizimlar uchun muvaffaqiyatli bo'ladi. Tizimlar murakkablashganda ularni analitik usul bilan tadqiqlash katta qiyinchiliklarga olib keladi va ba'zida bu qiyinchiliklarni yengib bo'lmaydi. Shuning uchun, analitik usuldan foydalanishni istaganda tizimning loaqal umumiy xususiyatlarini o'rganish uchun biriamchi model ancha soddalashtiriladi. Sonli usul analitik usulga nisbatan tizimlarning kengroq sinfini tadqiq qilishga imkon beradi, ammo olingan yechimlar xususiy xarakterga ega bo'lib, Shaxsiy kompyuterdan foydalanganda sonli usul

samaralidir. Ba'zi bir hollarda tizim tadqiqotchisini matematik modelning sifatli usuli tahlilidan foydalanib olingan xulosalar qanoatlantirishi mumkin. Bunday sifatli usullar, masalan, boshqarish tizimlarning turli variantlarini samarasini baholash uchun avtomatik boshqarish nazariyasida keng foydalaniladi. Hozirgi vaqtda katta tizimlaming ishlash jarayoni xarakteristikalarini tadqiq qilishda mashinali amalga oshirish usullari keng tarqalgan. EHM da matematik modelni amalga oshirish uchun unga muvofiq modellashtirish algoritmni qurish kerak.

Adabiyot

1. Искусственный интеллект и интеллектуальные системы управления / И. М. Макаров и др., -М.: Наука, 2006. - 333 с.
2. Васильев В.И., Ильясов Б.Г. Интеллектуальные системы управления. Теория и практика. Учебное пособие. - М.: Радиотехника, 2009. - 392 с.
3. Соловьев В.А., Черный С.П. Искусственный интеллект в задачах управления. Интеллектуальные системы управления технологическими процессами. - Владивосток: Дальнаука, 2010. -267 с.
4. N.R.YUSUPBEKOV, D.P.MUXITDINOV TEXNOLOGIK JARAYONLARNI MODELLASHTIRISH VA OPTIMALLASHTIRISH ASOSLARI.

ЯРИМЎТКАЗГИЧЛИ ОПТОЭЛЕКТРОН ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА ИШЛАШ ПРИНЦИПИ

Юсупов Абдурашид Хамидиллаевич, катта ўқитувчи
Андижон машинасозлик институти, Андижон, Ўзбекистон
Ахмедов Алишер Хамидович, ўқитувчи
Андижон туман 56 физика ва математика фанларига ихтисослаштирилган мактаб, Андижон, Ўзбекистон
Хамдамова Наргизой Хамидилло қизи, ўқитувчи
Хўжаобод туман 5 умумтаълим мактаби, Андижон, Ўзбекистон

Яримўтказгичли оптоэлектрон қурилмалар - оптоэлектрониканинг асоси бўлиб, электрон технологияларга нисбатан янги ва истиқболли соҳа ҳисобланади. Оптоэлектроника моддаларда оптик ва электрон ҳодисаларни, уларнинг ўзаро боғланишларини, маълумотларни узатиш, қайта ишлаш ва сақлаш учун ўзгаришларни қўллайди [1]. Оптоэлектрон қурилмаларнинг ишлаши, модданинг электрон оқими иштирокида ёруғлик нурланишининг ҳосил бўлиши ёки ютилиш натижасида яримўтказгичли материалнинг электрофизик ҳусусиятларининг ўзгариши туфайли, электро-оптик ва фотоэлектрик конверсия тамойилларига асосланган, ёруғлик нурланишининг энергияси эканлиги [2] ишларда баён қилинган.

Оптожуфтлар хусусиятлари. [3] ишларда нурлатгич ва фотоқабул қилгичдан ташкил топган, бир-бирига оптик тарзда уланган тизимга эга яримўтказгичли электрон қурилмаларга оптожуфтлар деб таъриф берилган. Унда кириш сигнали, масалан, $I_{кир}$ электр токи, нурлатгичнинг ёруғлик оқими Ф га айланади, унинг энергияси кириш сигналига мутаносиб. Оптик канали орқали ёруғлик оқими фотоқабул қилгичга йўналтирилади, у ерда у оқимга пропорционал равишда $I_{чиқ}$ чиқиш электр токининг қийматига айланади. Оптик каналини бошқариш мосламаси ёрдамида оптик каналнинг физик хусусиятларини ўзгартириш орқали ёруғлик оқимини бошқариш мумкин [4].

Оптожуфтларда икки марта энергия турининг айланиши, электр сигналини ёруғлик нурга, ёруғлик нурини яна электр сигналига [5] айланиши кузатилади. Бу оптожуфтларга бир қатор мутлақо янги хусусиятларни беради ва улар асосида яримўтказгичли ва электровакуумли қурилмалардан фойдаланиш мумкин бўлмаган ўзига хос параметр ҳамда хусусиятларга эга электрон қурилмаларни яратишга имкон беради. Оптожуфтлардан фойдаланиш қурилманинг элементлари ўртасида деярли мукаммал электр изоляциясини амалга ошириш имконини беради, (қаршилик 10^{16} Ω гача, ўтказиш қобилияти 10^{-4} пФ) [6]. Бундан ташқари, оптожуфтларнинг маълумотларни бир томонлама узатиши, чиқишдан то киришга тескари алоқа йўқлиги, юқори шовқин изоляцияси, частотанинг кенг ўтказиш қобилияти (нолдан юзлаб ва ҳатто минглаб Hz гача), бошқа яримўтказгичли қурилмалар билан мослиги каби хусусиятларидан самарали фойдаланиш мумкин [7]. Бу сигналларни моделлаштиришда, юқори вольтли схемаларда ўлчашлар, юқори частотали ва юқори қаршиликли паст частотали схемаларга мос келадиган оптожуфтлардан фойдаланиш имконини беради [8]. Оптожуфтлар импульс генераторларида, турли датчиклар, жойлашув қурилмалари, юқори вольтли схемаларда ўтиш учун оптик бошқарувли тиристорли каскадларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Оптожуфтларнинг асосий камчиликлари уларнинг параметрларининг ҳароратга кучли боғлиқлиги, паст ўтказувчанлик коэффициенти, паст самарадорлик ва юқори даражадаги ички шовқин ҳисобланади [9].

Яримўтказгичли ёруғлик чиқарувчи диоднинг вольт-ампер характеристикаси анъанавий яримўтказгичли кремний диодининг характеристикасига мос тушади. Тўғридан – тўғри ишчи қисмида дифференциал қаршилик бир неча Ом дан ошмайди, шунинг учун ёруғлик чиқарувчи диодни қўзғатиш учун катта ички қаршиликка эга манба (ток манбаи) талаб қилинади. Фотоқабул қилгичлар сифатида фототранзисторлар, фотодиодлар, фоторезистор ҳамда фототиристорлар ишлатилиши мумкин.

Ёруғлик чиқарувчи диоддан оқиб ўтувчи ток заряд ташувчилар, электронлар i_n ҳамда коваклардаги i_p ток оқимларининг йиғиндисига тенг (1.4 – формулага қаранг) .

$$i_g = i_n + i_p \quad (1.4)$$

Нурланиш рекомбинациясида фақат асосга электронлар қуйилиши натижасида ҳосил бўлган ток кучи ҳисобга олинади. p-n-ўтишнинг ёруғлик чиқариш самарадорлиги қуйидаги формула билан аниқланади (1.5 – формулага қаранг).

$$\eta_{\text{вн}} = \frac{N_{\text{ф}}}{\frac{i_n}{q}} \quad (1.5)$$

Бу ерда $N_{\text{ф}}$–асосий майдондаги фотонларнинг ҳосил бўлиш интенсивлиги, q-электрон заряди.

Аммо шуни таъкидлаш лозимки, нурланиш рекомбинацияси натижасида ҳосил бўлган барча фотонлар қурилмадан чиқа олмаслиги мумкин. Уларнинг маълум қисми оптик нурланиш вақтида ички соҳада ютилиши мумкин. Ушбу йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда нурланиш самарадорлиги ташқи квант чиқиши нурланиши билан тавсифланади.

$$\gamma_{\text{т}} = \gamma_i \gamma k = \frac{N_{\text{ф}}}{\frac{i_n}{q}} - \gamma k \quad (1.6)$$

Бу ерда γ- p-n-ўтишнинг инжексия коэффициенти, k-оптик тизим орқали ёруғлик чиқарувчи диоддан чиқаётган нурланиш йўқотилишини тавсифловчи коэффициент.

Ҳозирда яримўтказгичли ёруғлик чиқарувчи диод қурилмаларини тайёрлашда, моддалар ва материалларнинг турли сифат ва миқдорий параметрларини ўрганиб кенг қўлланилмоқда. Бу қурилмаларда индий-галий асосга эга бўлган яримўтказгич материаллардан тайёрланган инфрақизил тўлқин узунлигидаги ёруғлик чиқарувчи диодлардан фойдаланилмоқда. Бундай ёруғлик чиқарувчи диодлар юқори фойдали иш коэффициентига, мустаҳкам изоляцияга ва йўналтирилган нурланиш оқимига эга бўлиши [10, 11] ишларда келтириб ўтилган. Бироқ, бу нурлатгичларларнинг ташқи квант самарадорлиги кристалл ичидаги ютилиш ва жуда кичик критик бурчакларга боғлиқ катта нурланиш йўқотишлари билан чегараланади. Агар p-n-тузилишининг ҳудудларидан бири Weierstrass сферасига ёки халкогенид шиша қопламалари ёрдамида шаклланса, бу йўқотишларни анча камайтириш мумкин. Қопламалар шар шаклида қилинган, ҳамда шар қопламанинг диаметри ёруғлик чиқарувчи диоднинг чизиқли хажмидан 4 баробар каттароқ танлаб олинади.

Хулоса қилиб айтганда ёруғлик чиқарувчи диодларнинг қопламаси уларнинг спектрал характеристикаларини ўзгартирмайди. Шу билан бирга, кесилган эллипсоид шаклидаги қопламани ишлатганда, ёруғлик чиқарувчи диоднинг самарадорлиги, яъни энергия тежамкорлиги 3-4 марта, ҳарорат 300^0 К бўлганда 1,6% ортади [12]. Ёруғлик чиқарувчи диодларнинг вольт-ампер характеристикаси 1,5-2,2 В оралиғида дастлабки ёниш чегараси ҳамда ишчи қисмда деярли чизиқли кўринишда бўлади. Шундай қилиб, яримўтказгичли ёруғлик чиқарувчи диодларни турли қурилмаларда ишлатиш учун, ёруғлик

чиқарувчи диодларнинг асосий характеристикалари ва параметрларини билиш талаб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ларина Т.В., Кутенкова Е.Ю., Жмудь В.А., Алижанов Д.Д. Оптоэлектронный метод контроля физико-механических параметров поверхностей твердых материалов // Автоматика и программная инженерия. – 2012. – С. 43–48.

2. Рахимов Н.Р., Жмудь В.А., Алижанов Д.Д., Мадумаров Ш.И. Автономный приёмник для регистрации рентгеновского и ультрафиолетового излучения. Патент РФ № 2522737, 20.07.2014. № 20.

3. Н.Р. Рахимов, О.К. Ушаков, Оптоэлектроника-лабораторный практикум. Новосибирск, СГГА 2009, С. 17-92.

4. Набиев Г.А. Технология получения датчика магнитного поля на основе пленок CdTe // Eastern-European journal of Enterprize Technologies. – Харьков, 2008. – 4/6(34). – С. 45–47.

5. О.М. Михайлов, М.М Сычёв. Основы оптоэлектроники и оборудования светотехнических производств // Санкт Петербургский государственный технологический институт, 2013 г. 44 – 66 с.

6. Bagaev V.S., KlevlovYu.V., Kolosov S.A., Krivobok V.S. and Shepeli A.A. Optical and Electrophysical properties of defects in high-purity CdTe // Physics of the Solid State, 2010. P. 37-42.

7. Александр Немировский, Ирина Сергиевская, Олег Степанов, Андрей Иванов, Электроника. Моска-Вологда, 2019 С. 46-49.

8. Нурдинова Р.А. Фотоприёмники генераторного типа на основе селенид меди и индия // Материалы Республиканской конференции «Возобновляемые источники энергии: технологии и установки» Ташкент, НПО «Физика -солнце» 2016 – 28-29 июня., с.168

9. Dr. J. S. Chitode. Power Electronics. // Technical Publication 2020. P.103-104

10. Рахимов Н.Р., Холматов С.А. Выбор и модель приемника оптического излучения для многофункциональной системы оптоэлектронных первичных преобразователей. // Научно-технический журнал ФерПИ, №3, 2003, С. 70-74.

11. Рахимов Н.Р., Ахунов К.Х. Проблемы применения полупроводниковых приемников оптического излучения для создания оптоэлектронных первичных преобразователей. // Труды международной научно-технической конференции «Мониторинг летательных аппаратов», Ташкент, 2003, Часть 3, С. 45-48.

12. Д.Д.Алижанов. Разработка афн – приемника для оптоэлектронной информационно – измерительной системы. Диссертация-2019. С-47.

«Меҳнат мухофазаси ва техника хавфсизлиги» фанини ўқитишда замонавий педагогик технологияларни роли ва аҳамияти
The role and importance of modern pedagogical technologies in teaching the subject "Occupational Health and Safety"

Мирзаева Гулчера Сативолдиевна катта ўқитувчи ФарПИ,
Абдуғаниев Назиржон Набижонович катта ўқитувчи ФарПИ,

Аннотация: *Ушбу мақола таълим тизимида талабаларнинг интеллектуалсалоҳиятини ривожлантиришда таълим технологиясининг аҳамияти тўғрисида фикрлар баён этилган. Дарс жараёнида таълим технологияларини қўллаш натижасида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳияти ва илмий назарий билими янада мустахкамланади. Шунинг билан биргаликда, таълимда ахборот ва коммуникация технологиялар ва замонавий педагогик технологияларни янада бойитиш, такомиллаштиришга олиб келади.*

Калит сўзлар: *таълим, ахборот технологиялари, таълим технологияси, информатика, инновация.*

Annotation: *This article discusses the importance of educational technology in the development of students' intellectual potential in the education system. As a result of the use of educational technologies in the classroom, students' intellectual potential and scientific-theoretical knowledge are further strengthened. At the same time, it leads to further enrichment and improvement of information and communication technologies and modern pedagogical technologies in education.*

Keywords: *education, information technology, educational technology, computer science, innovation.*

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири «шахс манфаати ва таълим устворлиги»дир. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда ушбу омил давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси дастурида таълим-тарбия соҳасида бугунги кунга келиб долзарб вазифалар қўйилмоқда. [1]

Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилмоқдалар. Педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этишнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илғор педагогик тадбирлардан фойдаланиш зарурлиги;

- анъанавий ўқитиш тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли «ахборотли ўқитиш» сифатида тавсифланиб, ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб қолганлиги. Педагогик технология юқорида санаб ўтилган шартларни барча талабларига жавоб берадиган педагогик тадбирдир. Педагогикани технологиялаштиришнинг асосини, педагогик жараёнини, унинг самарадорлигини ошириш ва педагогик олувчиларни, берилган шароитларда ва ажратилган вақт ичида лойиҳалаштирилаётган ўқув натижаларга эришишларини кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқариш ғояси ташкил этади. [2,3]

Ўқув жараёни педагогик технология асосида ташкил этишнинг режалаштиришда педагогдан юксак малака талаб этади, материаллар тайёр бўлгач, педагог асосан ташкилий ва консультатив вазифаларни бажаради. Умумий кўринишда педагогик технология таркибига қуйидагилар киради:

- фаннинг идентификациялашган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадли шажараси;
- ўқув мақсадларини назорат топшириқларига айлантириш;
- мақсадга эришиш усуллари;
- эришилган ўқув мақсадларини баҳолаш.

Бу таркибий қисмларнинг ҳар бири маълум йўналишдаги педагогик операциялар тизимини ташкил этади.

Педагогик технологияларда таҳсил олувчи шахси педагогик жараёни марказига қўйилади, унинг ривожланишига ва табиий имкониятларини рўёбга чиқаришга қулай шарт-шароитлар яратади. Бизга маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида Ўзбекистон Республикасидаги педагогик тизимининг миллий моделига алоҳида эътибор қаратилган. Бу модел беш таркибий қисмдан иборат: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз педагогик, фан, ишлаб чиқариш.

Педагогик миллий моделининг асосий таркибий қисми «шахс» биринчи ўринда туради. Бошқача қилиб айтганда бутун педагогик тизими, шу жумладан ўқитиш шахсга йўналтирилган бўлиши лозим. Шунинг учун замонавий педагогик технологиялардан педагогик жараёни, ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологиялари асосида амалга оширилиши лозим. Шахсга янгича қараш қуйидагилардан иборат бўлади:

- Педагогик жараёнида шахс объект эмас, субъект ҳисобланади;
- ҳар бир таҳсил олувчи қобилият эгаси, кўпчилик эса истеъдод эгаси ҳисобланади;
- юқори этик қадриятлар (сахийлик, муҳаббат, меҳнатсеварлик, виждон ва бошқалар) шахснинг устувор хислатлари ҳисобланади.

Муносабатларда демократлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- таҳсил олувчи ва педагогик берувчи ҳуқуқларини тенглаштириш:
- таҳсил олувчининг эркин танлаб олиш ҳуқуқи;
- хатога йўл қўйиш ҳуқуқи;

• ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқи;

• таҳсил олувчи ва педагогик берувчи муносабати зайли: таъқиқламаслик; бошқариш эмас, биргаликда бошқариш; мажбурлаш эмас, ишонтириш; буюриш эмас, ташкил этиш; чегаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон бериш.

«Меҳнат мухофазаси ва техника хавфсизлиги» фанини ўқитиш борасида миллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва улар асосида маъруза матнлари, янги авлод ўқув адабиётлари, электрон адабиётларни яратиш ва таълим жараёнига босқичма-босқич жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. Фан бўйича электрон ўқув воситаларининг яратилиши мазкур фанни ўқитишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиради. Бу ўз навбатида, талабаларнинг мазкур фан бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришларининг асосий омили бўлиб, таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб олий таълим муассаларида «Меҳнат мухофазаси ва техника хавфсизлиги» фанини ўқитишда қуйидаги инновацион усулларни тавсия этамиз.

"Муаммоли вазият" методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги талабаларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Талабалар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлиши керак, чунки муаммони ечимини топа олмаса талабаларнинг қизиқишлари сўниши ва болалар ўзига бўлган ишончини йўқотиши мумкин. Даре жараёнида ушбу методдан фойдаланганда талабалар мустақил фикр юртишга, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишга, унинг ечимини топишга ўрганадилар. Бу метод айниқса ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилиш жараёнини чуқур ўрганишда, шунингдек, технологик жараёнларни умумлаштириб, муаммонинг энг мақбул ечимини танлашда қўл келади.

"Кластер" методи талабаларни бирон-бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, уларда мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни чуқур таҳлил этган ҳолда эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.

"Балиқ скелети" методи - бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Талабаларда тизимли фикрлаш, муаммо ечимларини умумий тузилмага келтириш, муаммони таҳлил қила олиш кўникмаларини ривожлантиради. Дастлаб чизмани тузиш қоидаси билан таништирилади. Талабалар ҳар бири алоҳида ёки кичик гуруҳларда балиқнинг юқори «суягида» кичик муаммони ифодалаб, пастда ушбу кичик муаммолар мавжудлигини тасдиқловчи далилларни топиб ёзадилар.[3-9]

Хулоса қилиб айтганда, "Меҳнат мухофазаси ва техника хавфсизлиги" фанини ўқитишда муаммоли вазиятларга асосланган педагогик

технологияларидан жумладан, "Муаммоли вазият". "Кластер", "Балиқ склети", "Лойиҳа", "Нилуфар гули" методларидан фойдаланиш, талабаларни фикрлашга, муаммоларни ҳал этиш кўникмаларини ҳосил қилишга, кашфиётларга интилиш, ҳамкорлик ва шериклик сифатларини шакллантиришга, ўқитувчи томонидан берилган вазифаларни ҳал этиш режасини тузишга ва энг асосийси талабалар олдига қўйилаётган муаммони ҳал қилишга, уни мустақил мухокама қилишга қодир қилиб таълим ва тарбия бериш имкониятини яратади.

Адабиётлар

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сонли Фармони. www.Lex.uz
2. "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" фанини иновацион усуллар асосида ўқитишнинг самарадорлиги Муртазаева - Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ассистенти Ш. Хожиева - Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти магистри
3. «Илғор педогогик технологиялар ва уларни амалда қўллаш» фанидан маъруза матнлари п.ф.н. М.Т. Жуманиёзова Тошкент -2010 й.
4. Абдуганиев Назиржон Набижонович, Мирзаева Гулчехра Сотволдиевна, Абдуганиев Нумонжон Набижонович Пути интенсивности работы аэратенков с пневматической аэрацией // Universum: технические науки. 2019. №12-1 (69). (дата обращения: 23.05.2022). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/puti-intensivnosti-raboty-aeratenkov-s-pnevmaticheskoy-aeratsiey
5. Мирзаева Гульчехра Сотиволдиевна, Жалилов Лутфиер Сотволдиевич, Абдуганиев Назиржон Набижонович, Дадакузиев Музаффар Рахномоевич Проблема экологии при утилизации строительных материалов на примере интенсификации строительства в Узбекистане // Universum: технические науки. 2019. №12-1 (69). (дата обращения: 23.05.2022). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/problema-ekologii-pri-utilizatsii-stroitelnyh-materialov-na-primere-intensifikatsii-stroitelstva-v-uzbekistane
6. Sativoldievna, M. G., & Nabizhonovich, A. N. (2021). Inpact of industrial wastewater on the environment. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, *11*(11), 869-873.
7. Абдуганиев, Н. Н., Мирзаева, Г. С., & Абдуганиев, Н. Н. (2019). Пути интенсивности работы аэратенков с пневматической аэрацией. *Universum: технические науки*, (12-1 (69)).
8. Эргашев, С. Ф., Нигматов, У. Ж., Абдуганиев, Н. Н., & Юнусов, Б. С. А. (2018). Солнечные параболоцилиндрические электростанции-современное

состояние работ и перспективы использования их в народном хозяйстве Узбекистана. *Достижения науки и образования*, (5 (27)).

9. Kuzibaevich, M. B., & Nabijonovich, A. N. M. (2021). ANALYSIS OF STUDY OF PHYSICAL AND MECHANICAL PROPERTIES OF VERMICULITE CONCRETE WITH NEW GENERATION COMPLEX CHEMICAL ADDITION KDj-3. *International Engineering Journal For Research & Development*, *6*(3), 5-5.

Батан тишларининг сирт қатламлари ҳолатини микрошарча орқали оқимли ишлов беришдан кейин ва эксплуатация ва маълум эксплуатация муддати ўтгандан сўнг экспериментал тадқиқотлаш.

КАСИМОВ БАХТИЁРЖОН МУРАТ ЎҒЛИ
Андижон машинасозлик институти Машинасозлик технологияси кафедраси асисстенти.
Мамажонов Зохиджон Расулжонович Андижон машинасозлик институти М45-20 магистри

Сирт қатламнинг сифатини (мустаҳкамлаш чуқурлиги ва даражаси, сирт ғадир-будурлиги) тадқиқотлаш натижалари, микрошарчалар оқими билан ишлов берилгандан сўнг ва эксплуатация натижасида чегаравий ҳолатга етган батан тишларининг ейилган участкалари топографияси келтирилган. [1]

Батан тишларини микрошарчалар орқали ишлов бериш бўйича тажрибавий тадқиқотлар Тошкент механика заводида тайёрланган ва ишлатилаётган қурилмада (қум оқимли камерада) амалга оширилди(1-расм). Қум оқимли камеранинг ишчи фазоси 120/60/60 см; ρ=4…6 атм хаво босими кучланиши U=380 волт, қуввати P=22 кВт бўлган электро двигател ёрдамида ишловчи компрессор билан ҳосил қилинади. Мураккаб шаклга эга бўлган деталларни батан тишларини мустаҳкамлаш учун болтлар билан маҳкамланувчи иккита пластинадан иборат бўлган махсус маҳкамловчи мослама тайёрланди (2-расм). Батан тишларининг ишчи сиртларини динамик деформациянинг мустаҳкамлаш учун 0,3…0,4 ммли қуйма пўлат микрошарчалари қўлланилди; сиқилган ҳаво босими p=4…6 атм; дастак соплосидан мустаҳкамланаётган сиртгача масофа 15…20 см.

1-Расм. Машина деталларига микрошарча оқими орқали ишлов бериш учун қўлланиладиган қум оқимли камера кўринишдаги технологик жихоз.

2-Расм. Микрошарчалар билан мустаҳкамловчи абразив зарра оқим пистолети ва батан тишларини маҳкамловчи мослама.

Тажрибавий тадқиқотлар мустаҳкамлаш чуқурлиги $h_н$ ва даражаси U микрошарчалар билан ҳаво орқали пуркаш вақти ортганлигини кўрсатди (3-расм). Бунда ҳаво орқали пуркаш вақти t=2 дан 4 мингача ортганда мустахкамланиш чуқурлиги ва даражаси ортди: t=2 мин бўлганда H_μ = 4880 МПа ва $h_н$=0,078 мм бўлганда t=4 мин H_μ = 5050 МПа ва $h_н$=0,12 мм бўлди.



3-Расм. Пуркашнинг турли вақтлари учун батан тишининг (сталь 20) нитроцементлаштирилган сирт қатлами h чуқурлиги бўйлаб микроқаттиқлигининг тақсимланишиH_μ:
1 – мустаҳкамланишгача; 2 – t =2 мин; 3 – 4 мин; 4 – 6 мин

Мустаҳкамланишнинг максимал даражасига U=15,6 % ҳавони пуркаш вақти t=4 мин бўлганда тажриба ўтказилди (хаво босими p=5 атм, микрошарча диаметри D=0,3…0,4 мм). Микрошарча оқимли ишлов беришнинг ушбу режимда мустаҳкамланган қатламнинг $h_н$ чегаравий қалинлигига (0,12 мм атрофида) етказилди, бу қалинлик батан тишларини нитроцементацияланган қатламининг қалинлиги билан деярли бир хилдир. Ишлов бериш вақтини (6 дан мин ортиқ) ва сиқилган хаво босимини p > 5 атм ошириш мақсадга мувофиқ эмас чунки бунда сирт қатлам пластиклик захираси тугаб қолиши натижасида мўртлашади. Бунда сиртдаги микроқаттиқлик H_μ пасаяди ва унинг максимуми паст қатламга силжийди (юқори қатлам остига)[2].

ЎзР ФА Полимерлар-химияси ва физикаси институтининг илмий лабораторияси шароитларида батан тишларининг ишчи сиртларининг микропрофили ҳолатини ва уни эксплуатация жараёнида трансформацияланишини ўрганиш мақсадида Agilent 5500 AFM русумли сканерловчи зонтли микроскопга асосланган атом-кучи микроскопияси қўлланилди. Сканерловчи зонтли микроскопларда сиртнинг микроръелефини тадқиқотлаш игна шаклидаги махсус зонтлар ёрдамида амалга оширилади, зонтларнинг ишчи қисми (қирраси) замонавий микроскопларда 1...5 нанометр радиусга эгадир, улар фотолитография ва кислотали ишлов бериш усуллари ёрдамида кремни пластиналаридан тайёрланади (легирланган кремний SiO_2 ёки Si_3N_4).



4-расм. Россияда ишлаб чиқарилган мустаҳкамланган батан тишларининг ишлатилмаган сиртларининг тавсифлари.

4-расмда 99,6 мкм бўлган база узунликдаги сиртнинг ғадир-будурлиги профилограммаси келтирилган ҳамда микрошарчалар (D = 0,3 мм, р = 5 атм, сопладан материалгача бўлган масофа-15 см) билан ишлов берилган Россияда ишлаб чиқарилган батан тиши намунасининг сиртининг икки ўлчамли ва уч ўлчамли кўринишлари берилган. (Сирт ғадир-будурлигининг стандарт параметрларидан бири) профилнинг энг юқори баландлиги R_{max}=3,85 мкм бўлгани аниқланди, бу холат микрошарча оқими орқали ишлов берилгандан сўнг бошланғич ғадир-будурликни (R_a=1,25 мкм) ортишини тасдиқлайди. Текисликдаги ва уч ўлчамли кўринишдаги структура маълум бир мўлжалга эга бўлмаган ўрта дисперсли донадор структурадир. Уч ўлчамли кўринишда чуқурчалар аниқ кўринмоқда, улар микрошарчалар ва мустахкамланаётган сиртини ўзаро зарбли таъсирида хосил бўлган микропластик деформациялар оқибатидир[3].

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ovseenko A.N., Serebryakov V.I., Gaek M.M. Mashinasozlik mahsulotlari sifatini texnologik ta'minlash. - M .: " Yanus-K", 2004. -294 dan.
2. Qosimov.B.M., Mo‘minov M.R., Shin I.G. STB tipidagi mashinalarning batan mexanizmi samaradorligini oshirishning texnologik usuli. - In the book: "Fan, ta'lim, ishlab chikarish integrationlashuvi yig'ish jarayonida paxta tozalash tukhimachilik, engil sanoat, matbaa ishlab chiqarish chikarish innovation technologylari mahsulotlari va ishlab chiqarish echimi". Ilmiy Respublika - Amaliy onlayn tezislar tuplami. Toshkent, 2020 yil 228-232 b.
3.
4. Ovseenko A.N., Klauch D.N., Kuteva M.E. , Ovseenko E.S. Yuzaki plastik deformatsiya usullari bilan qotib qolgan qismlarning sirt qatlamining sifati // Texnologiyalar va qoplamalarni mustahkamlash. - Moskva, 2010. - 6-son. - B.13- 18.

Ферганский политехнический институт

Ст.преп. М.М.Акрамов

Объективная оценка рулевого управления и управления транспортным средством.

Представлены наиболее важные компоненты шасси и их влияние на динамику, рулевое управление и управление транспортным средством. Однако было также показано, что существует много других факторов, внешних по отношению к шасси, которые влияют на боковое поведение транспортного средства.

Жесткость кузова оказывает непосредственное влияние на поведение передней относительно задней оси, и наоборот, при различных условиях нагрузки. Это также влияет на резонансные режимы автомобиля. Все вместе, это влияет на соответствие рулевого управления и, таким образом, рулевое чувство и производительность обработки. Жесткость кузова не всегда может быть оптимизирована только для динамики транспортного средства, поскольку она представляет собой компромисс между другими факторами, например пассивной безопасностью, весом транспортного средства или экономией топлива. На рис. 1 показан пример того, как строится корпус из комбинированных материалов различной прочности, что оказывает непосредственное влияние на жесткость корпуса.

1. Обработка чувство руля и автомобиля



Рис.1. Структура кузова транспортного средства, состоящая из материалов с различными прочностными свойствами.

Конструкция автомобиля и его назначение также оказывают большое влияние на динамику автомобиля. Колесная база и ширина колеи, положение ЦТ, загрузки транспортного средства (например, число пассажиров), высота

транспортного средства, конструкция рулевой колонки и т. д. влияющих факторов.

Автомобиль вес и распределение веса сильно влияет-это одна из сложнейших систем автомобиля, трансмиссии, Рисунок 2. FWD, RWD, AWD и гибридные силовые агрегаты предлагают различные веса и различные распределения веса. Приводные валы и положение двигателя не только влияют на распределение веса, но и накладывают ограничения в пространстве, доступном для конструкции и перемещения подвесок.



Рис. 2. Сравнение силовой установки AWD двигателя внутреннего сгорания (слева)и гибридной силовой установки AWD (справа).

Конфигурация трансмиссии не только влияет на динамические характеристики автомобиля через его вес. Как источник кинетической энергии, он оказывает непосредственное влияние на опыт вождения. Хотя при оценке рулевого управления и управления, т. е. боковых перемещений, продольных перемещений, ускорения и торможения, следует избегать, это непростая задача. Дроссельная заслонка в повороте может заставить автомобиль RWD чувствовать себя как управляемый (через powerslide), между тем FWD может ощущаться как заниженный, но оба автомобиля могут фактически предлагать одно и то же чистое поведение на поворотах.

Было замечено, что динамика транспортного средства имеет субъективный и объективный компоненты. В этом подразделе описывается порядок оценки последнего. Более подробную информацию об объективных испытательных маневрах можно найти в документе А.

Объективные испытания обычно проводятся с помощью серии маневров, воспроизводимых в зоне обработки. Эти маневры могут быть классифицированы как маневры с разомкнутым или замкнутым контуром. Для маневров с разомкнутым контуром управляемый сигнал является входным сигналом транспортного средства, например определенной последовательностью углов поворота во времени. При маневрах с замкнутым контуром основное внимание уделяется выходу транспортного средства, например по заданному пути, видеть рис.3.



Рис.3. Сравнение маневров открытого и закрытого контуров.

Для объективного испытания рекомендуются маневры с открытым контуром. Применяя одни и те же входные данные к системам рулевого управления различных испытательных транспортных средств (для проведения одних и тех же стандартизированных маневров) и измеряя реакцию транспортных средств, можно объективно сравнивать различные характеристики рулевого управления транспортных средств. Напротив, в маневрах замкнутой петли водитель оказывает влияние на поведение транспортного средства с помощью постоянных поправок водителя, что приводит к различным входным сигналам для транспортных средств, усложняя процесс сравнения. ИСО 3888-2 (2002) говорится о двойной смене полосы движения, которая является примером замкнутой маневра: "вследствие воздействия водителя (вождение стратегия) в этом замкнутом петлевом тесте нет возможности объективного измерения данных динамики транспортного средства, рекомендуется только субъективная оценка."

Литература

Пфеффер, П. Э. (2006). Взаимодействие транспортного средства и системы рулевого управления относительно централизованного управления.
Кандидатская диссертация. Университет Бата.
Пфеффер, П. Э., Харрер, М. и Джонстон, Д. Н. (2008a) Взаимодействие транспортного средства и рулевого управления
система, касающаяся централизованного управления. Динамика системы автомобиля, 46 (5), с. 413-428.

Пфеффер, П. Е., Харрер, М. и Лин, Дж. (2008b) Измерения динамики автомобиля. 1 мая 2008 г. 222, с. 801-813.
Rothhämel, M. (2010) Захват ощущения рулевого управления - шаг к реализации активных управление рулем в тяжелых транспортных средствах, дипломная работа, Королевский технологический институт KTH,
Стокгольм, Швеция Rothhämel, M. (2013) Характеристика и использование ощущения рулевого управления в тяжелых грузовиках.
Докторская диссертация, Королевский технологический институт KTH, Стокгольм, Швеция.
Rothhämel M., Drugge L. и IJkema J. (2010). О методе создания пула слов для
описание рулевого ощущения. В: 10-й Международный симпозиум по усовершенствованным автомобилям
Контроль (AVEC 10). Лафборо, Великобритания, 22-26 августа 2010 г.
Rothhämel, M., IJkema, J. and Drugge, L. (2008). На корреляции между чувством рулевого управления
и обработка в тяжелых грузовиках. В: FISITA World Automotive Conference 2008. Мюнхен,
Германия, 14-19 сентября 2008 г.
Rothhämel, M., IJkema, J. and Drugge, L. (2011). Метод, чтобы найти корреляции между
ощущение рулевого управления и управляемость автомобиля с использованием симулятора вождения на подвижной базе.
Динамика системы автомобиля, вып. 49, нет. 12, 1837-1854.
Ruys, P.A.J. and Pauwelussen, J.P. (1989). Научно-исследовательский институт дорожного транспорта TNO
критерии для грузовых автомобилей. В: Управление транспортным средством на дороге. Лондон, Великобритания, июнь 1989 г.
Институт инженеров-механиков. Лондон.

QURILISH CHIQINDILARINI ATROF MUHITGA TA'SIRI

EFFECTS OF CONSTRUCTION WASTE ON THE ENVIRONMENT

Mirzayeva Gulchera Sotivoldiyevna
katta o'qituvchi Farg'ona politexnika instituti,
Abdug'aniyev Nazirjon Nabijonovich
katta o'qituvchi Farg'ona politexnika instituti,

ANNOTATSIYA: *Maqolada kurilish chikindilarni ilgor texnologiyalarday kamaitirish foidalanish, tabiy rekurslardan tejamkoon foidalanish, va Atro-muxitga salbiyni kamaitirish kamaish takliflar kursatilgan*

Kalit so'zlar: *atrof-muhit, resurslar, qurilish chiqindilari, asosiy vositalar, atmosfera, zamonaviy texnologiya, mexanizmlar*

ANNOUNCEMENT: *The article offers suggestions on how to reduce construction waste using advanced technologies, how to use natural resources sparingly, and how to reduce the negative impact on the environment.*

Keywords: *environment, resources, construction waste, fixed assets, atmosphere, modern technology, mechanisms*

KIRISH

So'nggi paytlarda butun dunyoda ekologik vaziyat va atrof-muhitni muhofaza qilish muammosi muhokama qilinmoqda. Bu juda dolzarb, hatto dolzarb mavzu deyish mumkin, chunki "Vaziyatni yaxshilash uchun nima qilish kerak?" degan savol tug'iladi. hali aniq javob yo'q. Shuning uchun ushbu maqolada atrof-muhit sifatini boshqarishning asosiy usullari ko'rib chiqilgan. Atrof-muhitni ifloslantiruvchi asosiy omillardan biri qurilishdir chunki atmosferaga, gidrosfera va litosferaga juda katta ta'sir ko'rsatadi. Muammoni batafsil o'rganish uchun qurilish jarayonini atrof-muhitga salbiy ta'sirining asosiy omillari ko'rib chiqamiz.

Hech bir qurilish maydonchasi turli xil asbob-uskunalar, mashinalar va mexanizmlardan foydalanmasdan ishlay olmaydi, lekin ularning ishlashi tufayli zaharli chiqindi gazlar chiqariladi, bu esa havo havzasining holatini sezilarli darajada yomonlashtiradi. Atmosferaga bunday halokatli ta'sir, albatta, qurilish maydonchasida sodir bo'ladigan boshqa jarayonlar, masalan, bo'sh ifloslantiruvchi moddalar, tsement, ohak va boshqalarni purkash, har xil chiqindilar va qurilish materiallari qoldiqlarini yoqish, poldan chiqindilarni to'kish orqali ham amalga oshiriladi. , yopiq tovoqlar va boshqa haydovchilardan foydalanmasdan, turli xil izolyatsiya materiallarini tayyorlash va hokazo. Bundan tashqari, havo ifloslanishining juda faol manbai asfalt-betonni tayyorlash jarayonidir. Uni ishlab chiqarish jarayonida atmosferaga nafaqat chang, balki kuyik, qatronli moddalar, uglerod oksidlari, oltingugurt, shuningdek, radionuklidlar va og'ir metallar ham tarqalib, atrof-muhitga eng salbiy ta'sir qiladi. Ammo ekologik vaziyatning yomonlashuvining sabablarini bilib, ularni oldini olish choralarini ko'rishni tashkil qilish mumkin, masalan: samarali changni yig'ish moslamalari va tizimlaridan foydalanish; ishlab chiqarishning nam usulini joriy etish; shamol yo'nalishlarini hisobga olgan holda emissiya manbalari va aholi punktlarini o'zaro joylashtirish; sanitariya muhofazasi zonalarini tashkil etish; texnologik jarayonlarni ko'kalamzorlashtirish va birinchi navbatda yopiq texnologik sikllarni, kam chiqindi va chiqindisiz texnologiyalarni yaratish va boshqalar. Bunday chora-

tadbirlar, albatta, qurilishning atmosferaga barcha salbiy ta'sirini istisno qilmaydi, balki uning ta'sirini sezilarli darajada kamaytirishga yordam beradi. [1-3]

Qurilishning yerning suv qobig'i - gidrosferaga ta'sirini ko'rib chiqaylik. Sanoatning eng ko'p suv talab qiladigan tarmoqlari orasida temir-beton buyumlari va konstruksiyalari zavodlarini, sement zavodlarini, gips va sopol buyumlar ishlab chiqaruvchi korxonalarni, nam sementni ajratib ko'rsatish mumkin. Qurilish maqsadlarida tuproqni mustahkamlash va siqish uchun katta miqdorda suv ketadi. Shuningdek, suv ekotizimlarining holatiga qurilish maydonchasidagi ifloslangan sirt oqimi salbiy ta'sir ko'rsatadi. Yer usti gidrosferasining ekologik holatiga katta zarar suv osti va boshqa gidrotexnik inshootlarning qurilishi, qirg'oqbo'yi qurilish materiallari karerlarining o'zlashtirilishi, daryolarning gidrologik rejimining o'zgarishiga olib keladi. Qurilish sanoati korxonalarining oqava suvlari, qurilish ob'ektlaridan va qurilish materiallarining vaqtinchalik omborlaridan ifloslangan oqava suvlar gidrosferaning ifloslanishining asosiy omillaridan biridir. Ifloslanishdan tashqari, qurilish ishlari ham er osti suvlarining kamayishiga olib kelishi mumkin. Bu karerlarni, tunnellarni, chuqur qurilish qazishmalarini va chuqurlarni drenajlashda qurilish ishlari paytida sodir bo'lishi mumkin. Gidrosferaga salbiy ta'sirni kamaytirish uchun birinchi navbatda, kam chiqindi va chiqindisiz texnologiyalarni tashkil etish, yopiq konstruksiyali suv ta'minoti tizimini joriy etish, sanoat oqava suvlarini majburiy tozalash, to'siqlar bilan to'sish orqali qurilish sanoati korxonalari tomonidan oqava suvlar hajmini kamaytirish mumkin.

Yer usti suvlarini tovoqlar tizimi orqali cho'kindi tanklarga o'tkazish, ularni keyinchalik tozalash, qurilish maydonchasidan ifloslantiruvchi moddalarni olib tashlashning oldini olish, hududni muntazam tozalash, qurilish mashinalari va mexanizmlarini yonilg'i quyish uchun maxsus to'xtash joylari va joylarni tashkil etish, tartibli saqlash. qurilish materiallari, sanoat va qurilish jarayonining turli ehtiyojlari uchun suv iste'moli ustidan nazoratni amalga oshirish kerak va hokazo. Bularning barchasi gidrosferaga salbiy ta'sirni kamaytirishga yordam beradi. Qurilish litosferaga qanday ta'sir qilishini ko'rib chiqamiz. Tuproqni ifloslantiruvchi asosiy manbalar qatoriga qurilish maydonchalarining axlatlanishi kiradi, bunda yerning biomahsuldorligi keskin pasayadi, tuproq va yer osti suvlari ko'p yillar davomida ifloslanadi, gaz va chang chiqindilari ta'sirida tuproq ham yuqoridan kuchli ifloslanishi mumkin. tuproq asfalt va tsement plitalari bilan qoplanganida, uning muhrlanishi va eroziyasi. Ifloslantiruvchi moddalarni tog 'jinslari bilan birga mexanik ravishda olib tashlash va ularni saqlash joylariga olib chiqish, ifloslantiruvchi moddalarni filtrlovchi suyuqlik oqimi bilan olib tashlash, kuygan tuproqlardan ekran yaratish, gazsimon ekotoksikantlarni olib tashlash uchun aerodinamik ta'sir qilish kabi harakatlarni amalga oshirsak, mumkin bo'lgan halokatli. litosferaga zarar yetkazilishining oldini olish mumkin. Shuningdek, ifloslangan tuproqlarni og'ir metallar, nitratlar, fenollar, radionuklidlar va boshqalardan tozalash uchun. to'g'ridan-

to'g'ri elektr toki ta'siriga asoslangan elektrokimyoviy usullarni muvaffaqiyatli qo'llang. Kimyoviy tozalash usullari uchun tuproqqa kiritilgan ifloslantiruvchi moddalar va qatronlar, suyuq shisha, bitum va boshqalar o'rtasida kimyoviy reaktsiyalar qo'llaniladi, natijada ma'lum ifloslantiruvchi moddalar uchun himoya to'siqli ekranlar yaratiladi. Biologik tozalash usullari juda samarali bo'lib, ular ifloslantiruvchi moddalarni mikroorganizmlar, o'simliklar, zamburug'lar va boshqalar tomonidan singdirilishiga asoslangan.

Xulosa qilib yuqorida keltirilgan dasturlardan foydalangan holda o'qish jarayonini tashkillashtirilsa, talabalar fanga qiziqish bilan yondashadilar. Yuqorida tavsiya qilayotgan dasturlardan foydalangan holda o'quv jarayoni tashkillashtirilsa, talabalar fanlarni chuqur o'rganishlariga sabab bo'ladi. Bundan tashqari robototexnika sohasida yoshlar o'rtasida ijodiy faollikni rivojlantirish va muhandislik ixtisoslarini shakllantirish, ta'lim muassasalari o'quvchilari orasida texnik modellashtirishni ommaviylashtirish, istedodli va iqtidorli yoshlarni aniqlash va qo'llab-quvvatlash, ularni ijodiy faoliyatga jalb etish kabi tanlovlar olib borilmoqda. Bularning barchasi biz yoshlarga bo'lgan e'tibordan darak.

ADABIYOTLAR:

1. V.Hamidov. Ta'lim tizimida keskin burilishga sabab bo'lgan 4 dastur haqida. infoCOM.uz. 2009.

2. Y.Y.Husanov. Mexatronika asoslari o'quv qo'llanma. 2020 yil

3. Fayzimatov S. N., Xusanov Y. Y., Valixonov D. A. Optimization Conditions Of Drilling Polymeric Composite Materials //The American Journal of Engineering and Technology. – 2021. – T. 3. – C. 22-30.

4. Y.Y.Husanov. Mexatronika asoslari o'quv qo'llanma. 2021 yil

НАЧАЛЬНАЯ СТАДИЯ РОСТА ПЛЕНКИ КОМПОЗИТА $(Co_{40}Fe_{40}B_{20})_x(LiNbO_3)_{100-x}$ НА МЕТАЛЛИЧЕСКОЙ ПОВЕРХНОСТИ

Ситников А.В. докт. физ.-мат. наук, доцент, Никонов А.Е. аспирант, Копытин М.Н. канд. физ.-мат, Бабкина И.В. канд. физ.-мат. наук, доцент, Калинин Ю. Е. докт. физ.-мат. наук, проф., Шакуров А.Р. магистр
Россия, ФГБОУ ВО «Воронежский государственный технический университет»

Структуры Me/CoFeB-$LiNbO_3$/Me обладают мемристорным эффектом хорошим комплексом практически значимых свойств. Эффект обратимого резистивного переключения (РП) из одного состояния (высокоомного) в другое (низкоомное) и обратно под действием переключающего потенциала с изменяющейся полярностью подразумевает анизотропные свойства функциональной среды или материала электрических контактов. Однако до конца остается не выясненным

структурные особенности и причины формирования неоднородной структуры композитов $(Co_{40}Fe_{40}B_{20})_x(LiNbO_3)_{100-x}$, определяющих наличие мемристивного эффекта в данных гетерогенных системах.

Методом ионно-лучевого распыления составной мишени $Co_{40}Fe_{40}B_{20}$ с керамическими навесками $LiNbO_3$ и получены композиты $(Co_{40}Fe_{40}B_{20})_X(LiNbO_3)_{100-X}$ в широком диапазоне концентрации металлической фазы. В качестве материала электродов было выбрано многослойное покрытие Cr/Cu/Cr с толщинами слоев 0,1 мкм, 1 мкм, 0,1 мкм, соответственно.

Методом просвечивающей электронной микроскопии (ПЭМ) было исследовано поперечное сечение синтезированной пленки композита (рис.1). На границе раздела Cr и пленкой CoFeB-$LiNbO_3$ обнаружен аморфный слой $LiNbO_3$ толщиной $d_{ox} \approx 15$ нм.

Рассмотрим процесс самоорганизации композитов $(Co_{40}Fe_{40}B_{20})_x(LiNbO_3)_{100-x}$ на начальном этапе формирования пленки. В начальный момент времени атомы металлической фазы формируют зародыши на поверхности Cr. Хром и зародыши CoFe имеют ОЦК решетку с хорошим согласованием размера элементарной ячейки. Поэтому можно предположить, что энергетически выгодным будет образование двухмерной металлической частицы с гетероэпитаксиальной структурой относительно пленки Cr. Пленка диэлектрической фазы образует моноатомный слой по причине более низкой поверхностной энергии данной фазы относительно металла на подложке. Данная



ситуация представлена на рисунке 2а.

Рис.1. STEM изображение поперечного сечения структуры композита $(Co_{40}Fe_{40}B_{20})_{15}(LiNbO_3)_{85}$/Cr/Cu

Соотношение молекул соединения $LiNbO_3$ к CoFe в образце ($(Co_{40}Fe_{40}B_{20})_{15}(LiNbO_3)_{85}$), представленном на рисунке 1, составляет ≈ 6.7. Адатомы молекулы $LiNbO_3$ для формирования гомогенного нанокомпозита в

объеме пленки должны иметь малую диффузионную длину на поверхности подложки по причине аморфного состояния структуры $LiNbO_3$ и накопления молекул оксида на поверхности гранулы размером несколько нанометров. Согласно данным причинам зародыши металлической фазы быстро покрываются пленкой α-$LiNbO_3$. Следующие зародыши металлической фазы будут формироваться на поверхности пленки α-$LiNbO_3$. Важным допущением данной модели является наличие поверхностной миграции островков CoFe. Многие исследования подтверждают, что на начальной стадии конденсации кристаллических пленок на подложке слабо связанные с осаждаемым материалом зародыши могут сравнительно быстро перемещаться по поверхности. Эти перемещения могут быть инициированы соударениями с быстрыми частицами потока, градиента температур, электрического и магнитных полей и т.п. Надо отметить, что в случае начальной стадии формирования композита характерный размер потенциального рельефа поверхности не соизмерим с размерами частиц CoFe, что также является фактором, позволяющим зародышам перемещаться по поверхности. Данная ситуация иллюстрирована на рисунке 2b.

Столкновение частиц металла, мигрирующих по поверхности, может приводить к их коалесценции. Однако диффузионная коалесценция ограничена временем и размером частиц. На крупных частицах формируется оболочка из соединения $LiNbO_3$. Соприкосновение таких частиц не приводит к их слиянию. Эта фаза роста пленки показана на рисунке 2c.

Когда металлические гранулы с оболочками из α-$LiNbO_3$ заполняют всю поверхность подложки, формирование диэлектрического слоя заканчивается. Существенным отличием дальнейшего процесса формирования нанокомпозита является образование на поверхности потенциального рельефа, соизмеримого с размером нанограну л CoFe. К понятию потенциального рельефа здесь относится не только рельеф поверхности, но и распределение магнитного поля ферромагнитных частиц CoFe, распределение магнитостатических полей диэлектрической прослойки и т. д. Это может существенно ограничить диффузионную подвижность зародышей металлического сплава CoFe. В этом случае формирование композиционной наноструктуры протекает согласно классической модели. Формируется однородная наноразмерная гетерогенная структура композита $(Co_{40}Fe_{40}B_{20})_x(LiNbO_3)_{100-x}$ (см. рис. 2d).





Рис. 2. Модельные представления роста композитов $(Co_{40}Fe_{40}B_{20})_x(LiNbO_3)_{100-x}$ a- на начальном этапе формирования пленки; b – на начальном этапе формирования диэлектрического слоя пленки; c- на этапе формирования укрупнённых гранул металлической фазы пленки; d – формирование однородной наноразмерной гетерогенной структуры

Работа выполнена при поддержке гранта РФФИ № **19-29-03022 мк**

ELEKTR ENERGIYA UCHUN TO'LOVLARDA TABAQALASHTIRILGAN TARIFLARNI TAQBIQ ETISH

R. Rahmatullaev; T.Toshmamatov ;M.Ma'sumov

Hozirgi kunda energetika tizimida amalga oshirilayotgan salmoqli ishlar iste'molchilarni uzluksiz energiya manbasi bilan ta'minlash, iqtisodiyot tarmoqlarini jadal rivojlantirish, eng muhimi, hududlar infratuzilmasini tubdan yaxshilashga xizmat qilyapti.

Ishlab chiqarish korxonalarida va elektr energiyasining boshqa iste'molchilari, elektr energiya iste'moli sutkaning "pik" bo'lmagan vaqtlarida vaqt bo'yicha tabaqalashtirilgan tariflarni qo'llash natijasida elektr energiyasining arzonlashtirilgan narxlarida to'lov qilishlari mumkin.

Fransiya, Germaniya, Italiya va boshqa mamlakatlarda vaqt bo'yicha tabaqalashtirilgan tariflar tizimi amaliyotga ancha yillar oldin joriy qilingan va bu hozirgi kungacha o'z samarasini berib kelmoqda.

Vaqt bo'yicha tabaqalashtirilgan tariflar tizimining Yevropa davlatlarida qo'llanilishi shuni ko'rsatadiki, ishlab chiqarish korxonalarida, aholi turar joylarida, qishloq xo'jaligida va boshqa tizimlarda 20% gacha elektr energiyasini tejashga erishilgan.

O'zbekiston Respublika energetika tizimida tarif davrlari haqida ya'ni, ishlab chiqarish korxonalari va aholi turar joylari elektr energiya iste'mol davrlari "pik", "yarim pik" va "tungi" davrlarini faqatgina iste'molchilarning iste'mol davrlari quvvatlarini hisob-kitob qilib chiqish bilan aniqlash mumkin.

Ishlab chiqarish korxonalari hamda aholi urar joylarida elektr energiyani iste'mol qiluvchi mavjud asbob va uskunalarining elektr energiya iste'molini tahlil qilish hamda har bir korxona va aholi turar oylarining soatlik, kunlik, oylik va yillik iste'mol qiladigan elektr energiyasi hisoblab chiqilganidan keyin iste'molchilar sutkaning qaysi davrlarida ko'proq elektr energiyasini iste'mol qilishini aniqlash mumkin bo'ladi.

Elektr energiyasi iste'molini hisobga olish va nazorat qilishning avtomatlashtirilgan tizimiga ulangan maishiy iste'molchilarga elektr energiyasi yetkazib berish elektr ta'minoti shartnomasi asosida va oldindan to‘langan to‘lov miqyosida amalga oshiriladi. O‘zbekiston Respublikasi energetika tizimida tariflar tizimi va unga bo‘lgan to‘lov miqdori turli davrlarda turlicha ko‘rinishda bo‘lgan. Misol uchun 2012-2017 yillar mobaynida elektr energiyasini iste'mol qilishda tariflarning so‘mga nisbatan qiymati quyidagi ko‘rinishda o‘zgarib borgan. Elektr energiyadan samarali foydalanish nafaqat iste'molchilarning manfaatlarini, balki elektr energiyani yetkazib beruvchi tashkilotlarning texnik-iqtisodiy ko‘rsatkichlarining yaxshilanishiga ham olib keladi.

Vaqt bo‘yicha tabaqalashtirilgan tariflarni qo‘llash elektr energiyasini ishlab chiqaruvchi hamda iste'mol qiluvchilarga qulayligi bilan ajralib turadi. Bunda yagona elektr energetika tizimining eng katta yuklamali soatlarida ya'ni:

tig‘iz payt — belgilangan tartibda o‘rnatilgan ertalabki va kechki «eng katta miqdor» foydalanilgan elektr energiyasi uchun to‘lovlar belgilangan tarifga nisbatan 1,5 baravar miqdorda o‘suvchi koeffisientni ko‘llash orqali;

eng kam yuklamali soatlarda esa tungi payt — sutkaning qorong‘i vaqti belgilangan tarifga nisbatan 1,5 baravar miqdorda kamayuvchi koeffisientni qo‘llash orqali;

yarim tig‘iz payt - sutkaning yorug‘ vaqti o‘rnatilgan tarif bo‘yicha amalga oshiriladi.

Yuqoridagi tarif davrlarini hisobga olgan holda, kunning uchta davri (zonasi) bo‘yicha elektr energiyasi uchun vaqt bo‘yicha tabaqalashtirilgan tarif davrlarini hisoblash quyidagi tenglama asosida ifodalanadi:

$$ЭC_{ур} = C^{П}Э^{П} + C^{ЯП}Э^{ЯП} + C^{Т}Э^{Т} \quad (1)$$

unda, So‘r – iste'molchilar uchun tasdiqlangan bir stavkali yoki o‘rtacha belgilangan tarif narxi; E – iste'molchilarning umumiy elektr quvvati iste'moli; SP, SYaP, ST – sutkalik elektr energiyasi iste'mol davrining “pik”, “yarim pik” va tungi narxlari; EP, EYAP, ET – tig‘iz, yarim tig‘iz va tungi davrlar elektr energiya iste'moli.

Ushbu tarif tizimi hozirgi kunda Rossiya Federatsiyasi elektr energiya iste'molchilarining deyarli barchasida amalda qo‘llanilib kelinmoqda.

Energetika tizimida iste'molchilar uchun qo‘llanilayotgan vaqt bo‘yicha tabaqalashtirilgan uch davr (zona)li tariflar tizimining elektr energiya iste'moli quyidagicha ifodalanadi:

$$C_{Э}Э = C_{э}^{П}Э^{П} + C_{Э}^{ЯП} + C_{Э}^{Т}Э^{Т}; \quad (2)$$

Ko‘plab mamlakatlarda ishlab chiqarish korxonalari va axoli turar joylarida kunduzgi va tungi davrlar uchun ikki davr (zona)li tariflar.

Ishlab chiqarish korxonalari vaqt bo‘yicha tabaqalashtirilgan tariflar tizimining kunduzgi davrlaridan ko‘ra tungi davrlarida elektr energiyasini iste'mol qilish bilan elektr tarmoqlarining energiya iste'molini teng taqsimlashlariga o‘z hissalarini qo‘shishadi.

Ishlab chiqarish korxonalarining energiyadan foydalanishini tartibga solish, tungi davrlarda iste'molchilarni rag‘batlantirish, tabaqalashtirilgan tarif stavkalari, sabab

sarf-xarajatlardan oqilona foydalanish, aholi elektr energiya iste'molchilari ehtiyojlari uchun mo‘ljallangan.

Sutkaning kunduzgi va tungi davrlari uchun mo‘ljallangan vaqt bo‘yicha tabaqalashtirilgan ikki davr (zona)li tariflar tizimining elektr energiyasi iste'moli 1-ifodaga o‘xshash, quyidagicha ifodalanadi:

$$C_{ур}Э = C^{K}Э^{K} + C^{T}Э^{T} \qquad (3)$$

Sutka davomida ishlovchi korxonalar uchun vaqt bo‘yicha tabaqalashtirilgan tariflar tizimining ikki yoki uch davr (zona)li tizimlaridan birini tanlash, energetika tizimi uchun ham iste'molchi uchun bir qator afzalliklarni keltirib chiqaradi.

Vaqt bo‘yicha tabaqalashtirilgan tariflar tizimidan foydalanayotgan iste'molchilarni shahar yoki tuman elektr tarmoqlari korxonalari EHNAT orqali muntazzam kuzatib boradi. Elektr tarmoqlari korxonalari shartnoma asosida ishlab chiqarish korxonalaridagi mavjud elektr hisoblagichlarini vaqt bo‘yicha tabaqalashtirilgan tariflar asosida davriy hisob-kitob qilib borishlari uchun maxsus dasturlarini o‘rnatib beradilar. Ushbu dasturlar asosida iste'mol qilingan elektr energiyasi hisob-kitob qilinadi va bu hisob-kitoblar asosida iste'molchilar sarflangan elektr energiyasi uchun to‘lovlarni amalga oshiradilar.

Vaqt bo‘yicha tabaqalashtirilgan tariflar tizimi qo‘llanilganida yillik iste'mol hajmi bir xil bo‘lmaydi. Iste'molchilarning elektr energiyaga bo‘lgan asosiy talab davri asosan sutkaning ertalabki va kechgi davriga to‘g‘ri keladi.

Sutkalik grafikning asosiy hususiyatlari quydagicha:

- notekis grafik (tungi davrdagi minimum yuklamalar davrining, maksimum yuklamalar davriga nisbati) quydagicha ifodalanadi:

$$a_{H} = P_{\min} / P_{\max} \qquad (4)$$

Yuklamani to‘ldirish koeffisenti (o‘rtacha sutkalik yuklamalar davrining maksimum yuklamalar davriga nisbati) quydagicha ifodalanadi:

$$y_{з} = P_{урт} / P_{\max} \qquad (5)$$

Shuningdek maksimal yuklamalar davrining soatlar bo‘yicha miqdori quydagicha ifodalanadi:

$$h = Э_{йил} / P_{\max} \qquad (6)$$

bunda $Э_{йил}$ - yillik iste'mol qilingan elektr energiyasining miqdori,

$P_{\max}$ – energiya tizimining yillik maksimum yuklamalar davri.

Yevropa davlatlarining aksariyatida iste'molchilar keng tarqalgan tariflar majmuasi mavjud. Ular belgilangan narxlarda tashkil qilingan va bu esa o‘z navbatida elektr energiyasi uchun to‘lovlarni o‘z vaqtida to‘lashlariga qulayliligi bilan ajralib turadi.

Xulosa

Fabrika tabaqalashtirilgan tariflardan to’gri foydalanmasa iqtisodiy tomondan zarar ko’rishi mumkinligi ko’rib chiqildi;

-Ertalabki va kechki pik vaqtlarida elektr energiya istemoli ulushini kamaytirishga erishildi;

-Iste'molchilarda elektr energiya iste'moli oddiy tarif bo'yicha o'rnatilgan hisobga olish asboblari ko'rsatkichlari bo'yicha amalga oshirilgan. Vaqt bo'yicha tabaqalashtirilgan tariflar tizimining elektr energiya iste'molini hisoblash uchun EHNATga bog'liqligi o'rganib chiqilgan. Natijada har bir davr uchun iste'mol qilingan elektr energiyasi uchun to'lov harajatlari hisoblash ishlarining aniqligini oshirish imkonini bergan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. . Кадиров К.Ш. Снижение инвестиций на освоение генерирующей мощности при применении дифференцированного тарифа на электроэнергию // Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Информатика ва Энергетика муаммолари Ўзбекистон журнали. 2014 йил, №6, 93-97 бет.

2. Муратов Х.М., Кадиров К.Ш., Толипов Ж.Н. Особенности электропотребления в АПК при применении дифференцированного тарифа // Международная научно-практическая конференция «Проблемы повышения эффективности использо-вания электрической энергии в отраслях агропромышленного комплекса». Ташкент, 2015, 25-26 май, С-28.

3. Георг Захман и Александр Заборовский, Перспективы применения дифференцированных по времени тарифов на электроэнергию Берлин/Минск, Октябрь 2008, С-20.

G'ildirak elementlarining mustahkamlik xususiyatlarini aniqlash

KAMILOVA OMINAXON ZOXIDJON QIZI
Magistr.Metrologiya, standartlashtirish va mahsulot sifati menejmenti kafedrasi
Andijon Mashinasozlik instituti, Andijon, O'zbekiston.
Ominaxonkomilova5@gmail.com +998 90 202 91 20

SATIVALDIEV AZIZ KAXRAMANOVICH
Dotsent.Metrologiya, standartlashtirish va mahsulot sifati menejmenti kafedrasi
Andijon Mashinasozlik instituti, Andijon, O'zbekiston
.azizsativaldiev@mail.ru

Annotatsiya. Maqolada avtomobil g'ildiragi elementlarining mustahkamlik xususiyatlarini aniqlash uchun stendning qurilmasi va ishlash prinsipi keltirilgan.

Usulning afzalligi radial va eksenel kuchlarni qo'llashning mustaqil imkoniyatidir, bu esa ushbu kuch omillarining har birining kuchlanish-deformatsiya holatiga ta'sirini alohida o'rganish imkonini beradi.

Kalit so'zlar: avtomobil g'ildiragi, stend, radial va eksenel kuchlar, kuchlanish holati.

Sinovlarning maqsadi g'ildirakning vayron bo'lmasdan bardosh berish qobiliyatini va (yoki) ko'rinadigan yoriqlar paydo bo'lishini tekshirish, transport vositasi yo'lda harakatlanayotganda uzoq muddatli foydalanish paytida ham, favqulodda vaziyatlarda ham - yaqinlashib kelayotgan transport vositasi bilan to'qnashuv bilan bog'liq bo'lsa, yo'l chetiga, parapet to'sig'i bilan bo'lishi mumkin bo'lgan zarba.

Avtotransportning xavfsizligi asosan g'ildirakka bog'liq bo'lib, uning ishdan chiqishi jiddiy oqibatlarga olib kelishi mumkin. Quvvat va chidamlilik bo'yicha eng ishonchli ma'lumotlar g'ildiraklar juda uzoq vaqt talab qilishi mumkin. Ushbu jarayonni tezlashtirish uchun laboratoriya sinovlari g'ildiraklarni sinash uchun maxsus stendlar yordamida amalga oshiriladi.

Hozirgi vaqtda g'ildirak sinovlari GOST R 52390-2005 "Avtomobillar. Disk g'ildiraklari, Texnik talablar va sinov usullari. [1].

Sochilish sinovlari bilan bir qatorda, g'ildirakning rivojlanish bosqichida ayniqsa muhim bo'lgan ma'lum kuch omillari ta'sirida g'ildirak elementlarining statistik mustahkamligini aniqlashga qaratilgan testlar keng tarqaldi.

Disk kabi g'ildirak elementining kuchlanish-deformatsiya holatini (KDH) aniqlashda nafaqat eksenel va radial kuchlardan umumiy egilish momentini, balki eksenel kuchning o'zini ham qo'llash imkoniyatiga ega bo'lish kerak, chunki uni qabul qilgandan keyin hisobga diskdagi stress miqdori uning geometrik parametrlariga qarab 20% gacha oshiradi [2, 3]. Bundan tashqari, har bir kuch omilining diskning KDHga ta'sirini alohida aniqlash, kuchni kamaytirmasdan massani kamaytirishga qaratilgan dizaynni ratsionalizatsiya qilishda foydali bo'ladi. Stendlarning ma'lum dizaynlari eksenel kuchni qo'llashning texnik qobiliyatiga ega emas yoki uni qo'llash imkoniyatlari cheklangan. Shu munosabat bilan, g'ildirakning mustahkamligi va chidamliligini aniqroq baholash uchun radial va eksenel kuchlarni to'liq hajmda qo'llash imkonini beradigan bunday dastgoh uskunasiga ehtiyoj bor.

G'ildirak disklarini sinash uchun ishlab chiqaruvchilarga statik sinov g'ildiragiga kattalikda ko'rsatilgan, ish kuchiga mos keladigan radial va eksenel kuchlarni qo'llash orqali g'ildirak elementlarining mustahkamlik xususiyatlarini aniqlashga imkon beradigan stend taklif etiladi.

Stendning sxematik diagrammasi 1-rasmda ko'rsatilgan,



1-rasm stendning sxemasi

Stendning asosiy qismlari taglik1, ikkita vertikal ustunlar2, platforma3 tayanchlar 12 bo'lib, unda tekis podshipniklar o'rnatiladi. Eksenel kuchni o'lchash uchun saytga qo'shimcha ravishda harakatlanuvchi trolley5, qo'rg'oshin vint4 va prujina dinamometri11 o'rnatilgan. Shina bilan yig'ilgan sinovdan o'tgan g'ildirak 8 valga 7 o'rnatilgan bo'lib, u mahkamlagichlar 6 bilan tokchalarga mahkam o'rnatiladi.

. Radial yukni yaratuvchi mexanizm sifatida gidravlik quvvatni o'lchash sensori bo'lgan quvvat tsilindri 13 ishlatiladi. Quvvat tsilindri - bu nazorat bosim o'lchagich bilan jihozlangan gidravlik raz'em bo'lib, u "Ishchi bo'shliq ichidagi bosim - novdadagi kuch" bog'liqligi konstruktsiyasi bilan sozlangan. Sinov dastgohining ishlashi quyidagicha: quvvat tsilindri orqali tekshirilayotgan g'ildirakka kerakli vertikal yuk tushadi, eksenel yuk qo'rg'oshin vintini 4 aylantirish orqali hosil bo'ladi, bu harakatlanuvchi platforma 5 ni prujina dinamometri 11 orqali harakatga keltiradi. G'ildirakdagi kuchlanish kuchlanishni o'lchash orqali aniqlanadi.

Stendning tizimli ravishda bir-biridan mustaqil bo'lgan yuk mexanizmlari bilan bajarilishi quyidagilarga imkon beradi:

- eksenel va radial kuchlarni bir vaqtda qo'llash bilan ham, bu kuchlarning har birini alohida qo'llash bilan ham sinovlarni o'tkazish;

- nazariy tadqiqotlarda foydalanish, chunki radial kuchning kattaligidan qat'i nazar, eksenel yukni yaratish mumkin. Sinov dastgohining tavsiflangan dizayni maxsus jihozlar va qimmatbaho komponentlar va materiallarni talab qilmaydi, bu komponentlar va umuman skameykaning dizayn echimini soddalashtirishga, uni ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirishga imkon berdi.

Analoglardan farqli o'laroq, yuklarning to'liq hajmda bajarilishini ta'minlaydigan soddalashtirilgan strukturaviy birliklarga ega sinov dastgohining xususiyatlari, g'ildirakning kuchlanish-deformatsiya holatini aniqlash jarayonini soddalashtirish, chiqish ma'lumotlarini olish usulini soddalashtirish, va ularning ishonchliligini oshirish. Stend radial va eksenel yuklarni qo'llash va o'qish uchun avtomatlashtirilgan tizimlar, shuningdek, kirish ma'lumotlarini yozish va qayta ishlash uchun avtomatlashtirilgan tizim bilan jihozlangan bo'lsa, unda ishlash jarayoni avtomatlashtirilishi mumkin. Bunga yuk mexanizmlarining o'zlari va ularning haydovchilarining ancha soddalashtirilgan dizayn yechimi ham yordam beradi.

Литература

1. *ГОСТ Р* 53824-2010 Автомобильные транспортные средства. Колеса неразборные. Технические требования и методы испытаний
2. Балабин И.В., Чабунин И.С., Груздев А.С. Аналитическое решение задачи НДС диска автомобильного колеса и разработка рекомендаций по выбору его рациональных конструктивных параметров// 20 симпозиум «Проблемы шин и резинокордных композитов».-12-16 октября2009г., т1, с.80-88.
3. Балабин И.В., Чабунин И.С., Груздев А.С. Напряженно-деформированное состояние диска колеса с учётом влияния изгибающего момента и осевой силы// Автомобильная промышленность.-2007г. №7.с.13-16

Проектирование и изготовление прогрессивных штампов для совершенствования производства деталей холодной штамповки о области машиностроении.

Старший преподавател (PhD) Улугхожаев Рузихужа Солиевич,
Магистрант группы М 6-21 Адхамов Авазбек Акромжон угли
Ферганский политехнический институт

На сегодняшний день период развития автомобилестроения Узбекистана одним из приоритетов является себестоимость продукции. Поэтому необходимо проектировать и изготавливать прогрессивные оснастки для деталей методом холодной штамповки.

Автомобиль состоит в среднем из 7500 деталей. Из них 2500-3000 приходится на штамповочные детали. Для изготовления этих штамповочных деталей используются технологические оснастки. Для изготовления каждой детали потребуется несколько штампов. Например, если взять деталь, изготовленную штампом, состоящим из 4 операций, то для изготовления этой детали потребуется 4 штампа, 4 пресса и не менее 4 операторов. Им также нужны коммунальные услуги, заработная плата, амортизация и другие расходы.

Для снижения этих затрат и повышения эффективности и качества производства потребуются прогрессивные штампы [1]. Одна деталь изготавливается из одного штампа через прогрессивные штампы. Все, что нужно, это один штамп, один оператор и один пресс. При обычном способе штамповки одна деталь изготавливается в среднем за 2 минуты, а при прогрессивном способе изготавливается в среднем 18-22 детали за одну минуту.

Одна из самых популярных и эффективных доступных технологий штамповки металлов, прогрессивная штамповка обеспечивает непревзойденную гибкость в широком диапазоне применений.

Технология прогрессивной штамповки используется для крупносерийного и массового производства сложных высокоточных деталей. Эта технология обеспечивает быстрое производство и минимальное количество отходов.

Прогрессивная штамповка подходит для производства больших объемов деталей со строгими требованиями к допускам. Этот метод штамповки включает подачу рулона металла через штамповочный пресс, который одновременно штампует, изгибает и формирует детали.

Заготовка остается прикрепленной к основной полосе от начала до конца — отделение отдельных готовых деталей от полосы основного металла является заключительным этапом операции.

При определении конкретной конструкции прогрессивной оснастки с несколькими станциями необходимо учитывать два основных фактора:

1) насколько сложной будет изготовленная деталь;

2) необходимый объем производства.

Первый элемент, который следует учитывать, — это ориентация самой детали при ее перемещении через матрицу. Хотя вращение детали может быть полезно для ее конструкции, некоторые клиенты могут предпочесть оставить ее неподвижной, чтобы уменьшить количество отходов металла. Этот выбор часто зависит от конкретного конечного использования детали и того, что клиент больше всего ценит в своем продукте. Например, деталь для компьютерной промышленности может вращаться в полосе во время штамповки, чтобы предотвратить любые несоответствия в ее форме; в этом случае оптимальная консистенция перевешивает преимущества снижения избыточного металла.

Также важно решить, как детали переносятся в ленте, так как это может повлиять на то, как металл подается в матрицу, на способность машины

поднимать металл в матрицу и на однородность производимой продукции. Однако еще важнее решить, как деталь, в конце концов, покинет штамп, когда она будет закончена; это может потребовать поворота детали, переключения держателя или даже изменения порядка операций штампа. Отсюда можно определить количество станций, необходимых для выполнения самой обработки металла.

Решение о производстве детали в прогрессивном штампе или передаточном штампе зависит от размера, сложности и объема производства. Прогрессивная штамповка используется для производства большого количества деталей и минимизации затрат. Должны быть соблюдены самые высокие требования к точности и долговечности.

Из-за сложности прогрессивных штампов важно учитывать все факторы, влияющие на достижение желаемого уровня качества детали, включая положение заготовки, направляющие, границу заготовки и деформацию растягивающейся стенки.

Пилоты играют важную роль в прогрессивной штамповке — они фиксируют полосу в нужном положении и сохраняют контроль над ней. Кроме того, они необходимы для точного позиционирования листа во время закрытия инструмента и операций волочения в штампах для переноса. Другими факторами, которые следует учитывать, являются синхронизация и взаимодействие держателей, подкладок, верхних и нижних инструментов. Преимущества прогрессивной штамповки заключаются в повышении производительности и значительном снижении затрат при крупносерийном производстве.

Список литературы

1. В. М. Никитенко, Ю. А. Курганова
Штампы листовой штамповки. Технология изготовления. Ульяновск
Ульяновск : УлГТУ, 2010. – 68 с.

1.Улугхожаев Рузихужа Солиевич.
2. Техника фанлари бўйича фалсафа доктори, катта ўқитувчи
3. Фарғона политехника институти, Машинасозлик технолгияси ва автоматлаштириш кафедраси катта ўқитувчиси.

4.Конференция йўналиши(секция) рақами 1

5. тезиснинг номи: " Проектирование и изготовление прогрессивных штампов для совершенствования производства деталей холодной штамповки о области машиностроении."

6. +998916755817
7.ruzihuja 1962@mail.ru

ҲАРОРАТНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА КЎНДАЛАНГ КЕСИМИ ИХТИЁРИЙ СТЕРЖЕННИНГ ГЕОМЕТРИК НОЧИЗИҚЛИ ДЕФОРМАЦИЯСИ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАДҚИҚИ

Ш.М.Исмоилов техника фанлари бўйича (PhD), Д.А.Шокиров, докторанти, С.Парпиев магистр, талаба А.Алиев.
Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Наманган, Ўзбекистон

В.Қ.Қобулов томонидан конструкция элементларининг чизиқли деформацияланиш жараёнларини аниқлаштирилган назарияси ишлаб чиқилган бўлиб, жисмнинг деформацияланиши термодинамик жараёндан иборат эканлиги таъкидланган [1].

Остроградский-Гамильтон вариацион тамойили қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\delta\int_t \left(K-\Pi^T+A\right)dt=0. \qquad (1)$$

бу ерда K, Π^T - кинетик ва потенциал энергиялар ҳамда A - ташқи кучлар бажарган иш [1-4].

Власов-Джанелидзе-Қобуловларнинг аниқлаштирилган назарияси асосида ифодалаш мумкин [1].

Фазовий юкланишлардаги кўндаланг кесими ихтиёрий стерженларнинг ҳисоблаш алгоритмини ишлаб чиқиб, ўлчовсиз ҳолга келтирамиз [3, 5].

Юқоридаги (1) мувозанат тенгламани механик ва математик қонунлар асосида ишлаб чиқиб, вектор-матрица кўринишда ифодалаб оламиз.

Стержень тебранишининг тенгламалар системаси, бошланғич ва чегаравий шартлари вектор-матрица кўриниши қуйидагича:

$$[M]\frac{\partial^2\vec{U}^k}{\partial\bar{t}^2}+[A]\frac{\partial^2\vec{U}^k}{\partial\bar{x}^2}+[B]\frac{\partial\vec{U}^k}{\partial\bar{x}}+[C]\vec{U}^k+\left(\left[\vec{\Phi}\right]\frac{\partial\vec{U}^{k-1}}{\partial\bar{x}}\right)\frac{\partial^2\vec{U}^{k-1}}{\partial\bar{x}^2}+[D]\vec{\bar{F}}_i=0, \qquad (2)$$

$$\left[\bar{M}\right]\left[\frac{\partial\vec{U}^k}{\partial\bar{t}}t_0\right]\delta\vec{U}^k\Big|_{\bar{t}}=0, \qquad (3)$$

$$\left[\bar{B}\right]\frac{\partial\vec{U}^k}{\partial\bar{x}}+\left[\bar{C}\right]\vec{U}^k+\left(\left[\vec{\bar{\Phi}}\right]\frac{\partial\vec{U}^k}{\partial\bar{x}}\right)\frac{\partial\vec{U}^k}{\partial\bar{x}}+\left[\bar{D}\right]\vec{\bar{F}}_{che}=0, \qquad (44)$$

бу ерда $M,\ A,\ B,\ C,\ \vec{\Phi},\ D,\ \bar{M},\ \bar{B},\ \bar{C},\ \bar{D},\ \vec{\bar{\Phi}}$ (2)-(4) тенгламалар тизимидаги коэффициентлардан ҳосил бўлган 9x9 матрицалар, $\vec{\bar{F}}_i,\ \vec{\bar{F}}_{che}$ - тўққизта скаляр қийматдан ташкил топган ташқи кучлар бажарган ишнинг вектор қийматлари [2-3].

1 - расмда икки томони маҳкамланган стерженнинг эгилишдаги умумий ечимини эластикликнинг тақрибий ечимига солиштирилган. Ҳисоблаш тажрибаларини қуйидаги геометрик ва механик параметрлар орқали ўтказилган: $l = 2$ м, $q = 50\ H/см^2$, $h = 0.1$ м, $b_0 = 0.05$ м $E = 2*10^5\ МПа$.



1 - расм. Кўндаланг кўчишдаги $W_{аник}$ ва W сонли ечимларни таққослаш графиги

Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, максимум кўчишлар 0.002 га фарқи билан яқинлашмоқда.



2 - расм. Икки томони маҳкамланган стерженга ташқи кучлар таъсирида кўндаланг кўчиш *W* нинг солиштирма таҳлили

Ушбу 5 - расмдаги графикда *W_аник*, *W_T_nonl* - ҳароратни ва ночизиқлиликни ҳисобга олган ҳолдаги сонли натижалар, *W_T* - чизиқли ҳароратни ҳисобга олган ҳолдаги, W_ANSYS амалий дастурлар пакетида олинган сонли натижалари келтирилган. *W_T_nonl* сонли ечимини бошқа ечимларга нисбатан солиштирсак, *W_аник* ечимга нисбатан 0.1 мм га, *W_T* га нисбатан 0.02 га мм га, *W_ANSYS* да олинган сонли натижага нисбатан -0.023 мм га фарқ қилиниши келиб чиқди.

Сонли тажриба натижалари шуни кўрсатадики, юкланишларда ҳароратнинг ортиши билан стерженнинг кўчиши ортиб бормоқда, бу эса ўз навбатида стерженнинг деформацияланиш ҳолатини асосли ҳолатда тадқиқ этишга имкон яратади.

Адабиётлар

[1] Кабулов В К ., Алгоритмизация в теории упругости и деформационной теории пластичности. Ташкент: Фан, 1966.

[2] Anarova Sh A and Yuldashev T, "Derivation of differential equations of oscillation of rods in geometrically nonlinear statement," Probl. Comput. Appl. Math., vol. 2, p. Pp. 72-105., 2018, [Online]. Available: http://pvpm.com.

[3] Anarova Sh A and Ismoilov Sh M, "Mathematical support of the stress-strain state of rods under spatial load considering temperature.," Probl. Comput. tional Appl. Math., vol. 4, no. 28, pp. 4–20, 2020, [Online]. Available: http//pvpm.uz.

[4] Тимошенко С П and Гудьер Дж, "Теория упругости" Перевод с английского М.Н.Рейтмана. Масква: Наука, 1979.

[5] Г. А. Маковкин and Лихачева С Ю., Применение Мкэ К Решению Задач Механики Деформируемого Твердого Тела. Учебное Пособие. Часть 1, ННГАСУ. Нижний Новгород, 2012.

Нахождения оптимального содержания хлопкового волокна в смеси

Уришев Бахтиёр Абдусаматович, ассистент
Андижанский машиностроительний институт

Стабильный рост населения в мире в течение последних лет, а также сохранение тенденции, повышение уровня жизни и платежеспособности населения ведут к росту спроса на готовую и полуфабрикатную текстильную продукцию из натурального волокна.

Важнейшей задачей, стоящей перед текстильной промышленностью, является улучшение качества и ассортимента изделий, которое в настоящее время возможно лишь при использовании новой прогрессивной техники и технологии. Повышение качества выпускаемой пряжи – важнейшая задача, решение которой будет зависеть от разработки и внедрения в производство нового технологического оборудования.

Это, в свою очередь, требует внедрения современных научных исследований, основанных на снижении себестоимости продукции, наряду с легкой промышленностью страны, в частности, в текстильной промышленности, повышением ассортимента и качества ее продукции.

Изучение проблем и поиск соответствующих решений для них, а также их анализ зависят от технологического процесса в производственном цехе по производству пряжи из разных сортов хлопка, выращенного в стране в соответствии с требованиями рынка и покупателей.

Если правильно подобраны сорта хлопка, правильно произведена сортировка, состояние оборудование хорошее, из него получается качественный

волокнистый слой. В то же время требуються температура и влажность в отделе очистки оборудования должны быть нормальными.[4].

➢ Стратегий развития текстильных предприятий в условиях усиливающейся конкуренции текстильных предприятий на основе подхода вертикальной интеграции, направленного на создание конкурентоспособной среды и положения внутри в отрасли.

Для этой цели надо определит:

- Критические точки снижения качества текстильной продукции при замены дорогих волокон более дешевыми с целью уменьшения себестоимости продукции и усовершенствована система управления деятельность предприятий на основе WFMS (Work Flow Management System);
- Зависимость эффективного управления инновационными процессами на текстильных предприятиях от оптимального выбора технологической цепочки;
- Целесообразность применения стратегий широкой дифференциации, оптимальных затрат и фокусизации в развитии текстильных предприятий и разработана концептуальная модель стратегического управления конкурентной позицией предприятия в отрасли;
- На основе SWOT-анализа определелить сильные и слабые стороны предприятия и разработать основные направления стратегии развития их деятельности.[5]

Задача, стоящая перед нами на первом этапе, как выше указано состоит в том, чтобы создать комбинацию различных хлопковых волокон, чтобы получить требуемую стандартную пряжу из имеющихся на складе сортов хлопкового волокна, чтобы их общая стоимость была минимальной.

При выполнении этой задачи следует учитывать следующее:

- Снижение общей стоимости различных видов волокон в смеси;
- Повышение уровня вязкости типа волокна в смеси;
- Увеличение длины разрыва волокна в смеси;
- Снижение загрязнения по типу волокна в смеси;
- Увеличение процента выхода пряжи по типу волокна в смеси;

Когда мы изучаем эти процессы, решение указанной проблемы служит одним из основных факторов повышения уровня рентабельности в развитии предприятия. Это будет зависеть от функции и условий установленной целевой функции.

Перед нами стоит задача сформировать качественную пряжу за счет оптимального размещения хлопковых волокон в подготовительном цехе.

Для удешевления стоимости смеси (при достаточном запасе прочности пряжи) к волокну базисного(основного) типа и сорта рекомендуется добавлять волокно более низкого смежного сорта того же типа или более низкого

смежного типа того же сорта, что и базисный (или смежного с ним) Если пряжу требуемой линейной плотности можно вырабатывать из нескольких типовых сортировок, то необходимо выписать их все, чтобы выбрать оптимальную.

В качестве многокомпонентной смеси натуральных волокон с переменными свойствами возникает ряд проблем, связанных с определением правильной методики подбора волокон для прядильных нитей с более высокими свойствами, чем у хлопчатобумажных смесей. Известно, что процессы, применяемые при производстве пряжи из коротких (коротких) волокон, носят очень сложный характер. Чтобы успешно управлять и оптимизировать технологические процессы и повышать производительность оборудования, повышать качество продукции [3].

Список литературы:

1. Y. El Mogahzy, Y. Gowayed, Textile Research Journal 65(1), 32-40 (1995).

2. Q.G'.Гофуров, С.Матисмаилов, М.Ш.Холиярова «Оборудование прядильных фабрик», Ташкент, «Шарк» 2007г.

3 Якубов Максадхан Султонниязович, & Уришев Бахтиёр Абдусаматович (2020). Концепция повышения экономического потенциала текстильной промышленности. Universum: технические науки, (6-2 (75)), 57-59.

Ichki yonuv dvigatellarining moylash tizimi

J. Qadirov – "Avtomobilsozlik va traktorsozlik" magistratura mutaxassisligi 1-kurs talabasi, AndMI

Zamonaviy avtomobil dvigatellari uchun murakkab (kombinatsiyalashgan) moylash tizimi qo'llaniladi: katta yuklanish bilan ishlayotgan detallarga moy bosim ostida, boshqalarga sachratish yoki o'z oqimi bilan yuboriladi. Tirsakli val va aylanayotgan boshqa detallar vositasida moy sachratiladi. Bunda dvigatel karterining bo'shlig'i moyning mayda tomchilari bilan to'ladi. Bu mayda rrtoy tomchilari detallarga o'tiradi, so'ng ishqalanuvchi sirtlar orasidagi tirqishlarga oqib kiradi.

KaMAZ dizelida moy poddondan moy nasosining moy qabul qiluvchi qismi orqali nasos seksiyalariga suriladi. Moy seksiyadan silindrlar btokining o'ng devoridagi kanal orqali filtrga va u yerdan asosiy moy magistraliga yuboriladi. Asosiy magistraldan moy bosim ostida silindrlar btoki va kallagidagi kanallar orqali tirsakli valning o'zak podshipniklariga, taqsimlash valining podshipniklariga, koromislo vtulkalariga, turtkich shtangalarining yuqori uchiga, yuqori bosimli yorulg'i nasosiga va kompressorga kirib keladi.

Shatun podshipniklariga moy tirsakli val ichidagi tuynuklar orqali o'ziga yaqin joylashgan o'zak bo'yinlaridan yetkaziladi. Gaz taqsimlash mexanizmi shtangalari va

turtkichlarining sferasimon tayanchlari pulsatsiyalanadigan oqim bilan, qolgan detallar esa sachratib yoki moyning o'z oqimi bilan moylanadi.

Moy sidiruvchi halqa vositasida silindr devorlaridan sidirilgan moy, halqa ostidagi teshiklardan porshen ichiga tushib, bo'rtiqli tuynuklardagi va shatun kallagidagi porshen barmoqlari tayanchlarini moylaydi. Asosiy magistraldan moy bosim ostida termokuchli datchikka va kran ochiq holatida gidromuftaga jo'natiladi.

Nasosning radiator seksiyasidan moy markazdan qochma usulda tozalash filtriga va ochiq turgan kran orqali radiatorga hamda undan poddonga yuboriladi. Agar kran yopiq bo'lsa, u holda filtrdan o'tgan moy klapan orqali poddonga quyiladi.

Nasosdan chiqqan moy dag'al, mayin va markazdan qochma tozalash filtrlarida qisman yoki to'la (to'la oqimli filtrlarda) tozalanadi. Bu filtrlar moylash tizimining konstruksiyalariga qarab turlicha biriktirishlarda o'rnatiladi. Plastina-tirqishli dag'al tozalash filtrining filtrlovchi elementi, qalinligi 0,1 mm atrofidagi oraliq plastinalar bilan bir-biridan ajratilib, bir o'qqa yig'ilgan (metall) filtrlash plastinalari to'plamidan iborat.

Markazdan qochma moy tozalash filtri (sentrifuga) KaMA3, 3HJ1-130 va 3M3-53 dvigatellarining moylash tizimlarida mavjud. 3M3-53 dvigatelining markazdan qochma moy tozalash filtrlariga moy nasosdan rotorning ichi kovak o'qi orqali kirib keladi. Qalpoq ostidagi bo'shliqdan esa filtrlovchi to'r va jiklyorlar orqali o'tib, filtr korpusining bo'shlig'iga tushadi va u yerdan karter poddoniga oqib ketadi. Ikkita jiklyordan oqib tushayotgan moy oqimining reaksiyasi ta'sirida plastmassa rotor shitob bilan aylanma harakatga keladi. Buning oqibatida kir va cho'kmalarning og'ir zarrachalari qalpoq devorining ichki yuzalariga otib yuboriladi va ular o'sha yerda o'tirib qoladilar.

Maqolaning maqsadi: Avtomobillar dvigatel moylash sistemasining sxemasi. Avtomobillar moylash tizimi qismlarining tuzilishi. Moylash sistemasini mukammal o'rganib chiqib, uni takomillashtirish.

Tadqiqotning obekti: Moylash tizimining tuzilishi haqida ma'lumot

Tadqiqotning predmeti: Ichki yonuv dvigatellarining moylash tizimini o'rganish

Tadqiqotning uslublari:

Ichki yonuv dvigatellarining moylash tizimini o'rganishda quyidagi usullardan foydalaniladi.

-empirik tadqiqot usullari;

-nazariy tadqiqot usullari;

-tahlil va sintez, induksiya va deduksiya, modellashtirish, abstraktlash usullari;

Tadqiqot natijalarining ilmiy jihatdan yangilik darajasi;

Ichki yonuv dvigatellarining moylash tizimini o'rganishda xisob-kitoblar, chizmalari va sinov usulida tahlili asosida olingan natijalar

Tadqiqot natijalarining amaliy ahamiyati va tadbiqi

Moy tozalagichlar parametrlari, tadqiqot natijalari bo'yicha shuningdek, Moy tozalagichlarga ishlov berishda ishlatiladigan materiallar xaqida ma'lumot.

Xulosa.

Avtomobillardagi moylash tizimi konstruksiyasini, vazifasini, undagi xar bir detalning vazifasini va qanday materialdan tayyorlanganligini yanada yaxshiroq bilib oldim. Bundan tashqari karter poddon detalini tayyorlash texnologiyasini ishlab chiqdim. Dvigatelning ish jarayonida uni xarakatlanuvchi detallari qo'zgalmas detallari ustida sirpanadi. Dvigatel detallari ishqalanuvchi yuzalari qanchalik yaxshi ishlov berilishiga qaramasdan ma'lum g'adir-budirlikka ega buladi. Ish davomida ishqalanuvchi detallarning shu notekisliklari ishqalanuvchi kuchni oshiradi va bu dvigatel quvvatini ma'lum miqdorda kamaytiradi. Ishqalanish kuchini pasaytirish va bir vaqtning o'zida detallarni sovitish maqsadida ishqalanuvchi yuzalarga moy qatlami yuboriladi. Natijada suyuq ishqalanish yuzaga keladi.Bu quruq ishqalanishga qaraganda detallarning yeyilishi bo'yicha ko'p marta kichik bo'ladi. Dvigatelning moylash tizimi detallarni ishqalanuvchi yuzalariga moyni uzatish va ulardan issiqlikni olib ketish uchun xizmat qiladi.Men bu dissertatsiya ishimda moylash tizimini takomillashtirish loyihasi sifatida moy filtriga magnit o'rnatishni taklif qilmoqchiman. Magnit avtomobil dvigatelining qolgan qismiga umuman zarar yetkaza olmaydi, faqat filtrning yaxshi ishlashini ta'minlaydi. Ushbu usul bizga moy filtri bilan bog'liq muammolarni yo'qotishga imkon beradi. Vaqti-vaqti bilan uning holatini tekshirish va u yerga suyuqlik qo'shib qo'yish kifoya.

Magnitlangan moy filtri moylash tizimini yaxshi holatda saqlashga va uni kichik metall zarralari kirib kelishidan himoya qilishga qodir. O'rnatish oson va demagnetizatsiya holatida o'zgartirish ya'ni magnitning tortish kuchi kamayganda almashtirish oson. Asosiy narsa ko'rsatmalarga rioya qilishdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1.To'layev B.R. ichki yonuv motorlari nazariyasi va dinamikasi asoslari.

2.Fayziyev M.M., Miryunusov M.M., Bozorov. B.I. ichki yonuv dvigatellari <<Turon-iqbol>>, 2007-608b

3.Williard W. Pulkrabek. Engineering Fundamentals of the Internal Combustion Engine. Prentice Hall. Upper. Saddle River, New Jersey, 2003

4.http:/www.ziyonet.uz- Ta'lim portali

Тўқимачилик корхоналарида маҳсулотлар сифати ҳамда хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий талаблари

Васиев Хайрулло Улугбекович, доктарант
Андижон машинасозлик институти

Мўминов Омаджон Зухриддин ўғли, ассистент
Андижон машинасозлик институти

Бугунги кунда аҳолининг талаб ва эҳтиёжларининг кескин ўсиб бориши, шунингдек, жаҳон бозорида глобал рақобат кучайиб бораётган бир шароитда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш орқали уларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида ривожланаётган мамлакатлар енгил саноат корхоналарида халқаро стандартларга мос равишда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда[1].

Маҳсулот сифатини комплекс бошқаришнинг таклиф этилаётган ҳужжатлаштириш тузилмасининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, корхонанинг ички ҳужжатларини ишлаб чиқиш ташқи ҳужжатлаштиришни таҳлил қилишга асосланади, бунда корхона миссияси, унинг фалсафаси, ўзак қадриятлари ва ҳоказолар ҳисобга олинади[2]. Бунда ҳар бир ишлаб чиқиладиган ҳужжатда бирламчи мақсадни баён қилиниши керак ва маҳсулот сифатини комплекс бошқариш тизимини йўлга қўйишда ҳаракатлар айнан шу мақсадга томон йўналтирилади.

Саноат корхонасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш жараёнида маҳсулот сифатини ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бошқарув қарорлари такомиллашиб боради, ўзгаради ва уларнинг ўрнини янада самарали воситалар эгаллайди, негаки вақт ўтган сайин бозор ва рақобат муҳитида ўзгаришлар содир бўлиб бораверади[3].

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, тўқимачилик корхоналарида маҳсулот сифатини комплекс бошқаришни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган тадбирларни амалга ошириш маҳсулот сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши ва умуман ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига имкон берди[4].

Масалан, юқори сифатли маҳсулот улуши 2021 йилда 92 фоизни ташкил этиб, маҳсулотнинг бозорда сотилиш ҳажми 60 фоизгача ўсди, маҳсулот сотиладиган бозор сегменти кенгайди, маҳсулот нуқсонларини бартараф этиш харажатлари 21,7 фоизга қисқарди ва ҳоказо.

Тўқимачилик корхоналарида сифатни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш босқичининг ўзи ҳам бир қанча босқичларни ташкил қилади. Умуман олганда сифат менежменти тизими ишчи ҳолат бўлиши ва сертификатланишгача уни ресурслар билан таъминлаш ва лойиҳани бошқариш тартибида 5 босқичли ишларни амалга оширилади (1-расм).



Тўқимачилик корхоналарида иш сифатининг босқичма-бочқич даражасидан ташқари умумий иш сифати даражаси доимий равишда назоратда бўлиши керак. Бу иш жараёнлари даврида операциялар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни таъминлайди. Ишлаб чиқариш жараёнидаги иш сифати - бу бажариладиган иш жараёнларининг белгиланган талаблар тизимига мувофиқлик даражаси бўлиб, бунда чиқарилидиган маҳсулот сонининг ортиши ва сифатининг кўтарилишидаги тенг шарт-шароитлар ҳамда ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдалганлик даражасидан келиб чиқиб ушбу талаблар қўйилади (2-расм).

Тўқимачилик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг алоҳида бир жараёнида мавжуд категориялар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар схемаси



Енгил

Тўқимачилик корхоналарида иш сифати ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сони ва сифатида кўринади. Иш сифатининг маҳсулот сифати билан боғлиқлиги ўзига хос бўлган алоҳида хусусиятларга эга. Иш жараёнларида бажариладиган операциялар кўпинча нафақат тайёрланадиган маҳсулот, балки ишни сифатли ва унумли бажарилиши ва пировардда, юқори сифатли маҳсулотни чиқариш учун зарур бўлган қулай шарт-шароитларни яратилишига ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун корхонада маҳсулот сифатини бошқариш, биринчи навбатда, иш сифатини бошқаришдан бошланиши керак.

Тўқимачилик корхоналарида маҳсулотининг сифати ва рақобатбардошлигини кўзланган даражасига олиб чиқишга фақатгина бошқарувнинг барча поғоналарида функция ва усуллар мажмуидан режа асосида фойдаланиш орқали эришиш мумкин, зеро ушбу функция ва усуллардан фойдаланишдаги бирдамлик ва мақсадга йўналганлик бошқарув тизимиларида ўз ифодасини топади[5].

Тўқимачилик корхоналарида олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, корхонада барқарор равишда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши учун сифат бошқаруви тизимини йўлга қўйиши ва ривожлантириши керак. Корхона йирик ҳажмларда маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлса, аниқ ва самарали фаолият кўрсатадиган сифат тизимига эга бўлмай туриб, катта ҳажмларда маҳсулот ишлаб чиқара олмайди. Корхонада замонавий сифат тизими мавжудлигини ва компаниянинг бугунги замон маҳсулот сифатини таъминлаш талабларига жавоб беришини кўрсатувчи восита бу ИСО халқаро стандартлаштириш ташкилотининг сертификатидир.

Адабиётлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 14 декабрьдаги ПФ-5285-сонли "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.

[2] Амалий қўлланма. GMS- Глобал ишлаб чиқариш тизими (ишлаб чиқаришни бошқариш ва сифат менежменти тизими мутахассислари учун). /А.А. Мамажонов, П.Т. Бердимуратов, И. Х. Матякубов, М.К. Султанов, Маҳмуджон Абдужабборий/ 1-таҳрир. Тошкент. Турин политехника университети, 2011. – 54бет.

[3] ISO 9001:2015 Сифат менежменти тизимлари.

[4] Б.Асқаров, Х.Васиев. "Енгил саноат соҳасида баъзи муаммоларни ҳал қилиш учун янги ёндашув" Машинасозлик илмий-техника журнали, №2(4) 2021 й.

[5] Халилов Н.Х. Ҳудудий саноат корхоналарида сифатни бошқариш тизимини жорий этиш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш // Биржа эксперт. –Т. 2012, № 4. –Б. 14-17. (08.00.00. № 3).

Dasturiy vositalarni ishlab chiqishdagi muammolar

O'smonjonov Muxammadisxoq O'tkirbek o'g'li
Andijon Mashinasozlik instituti magistranti

Annotatsiya: Ushbu tezis yordamida hozirgi kunda ommalashayotgan noan'anaviy ta'lim jarayonlarida foydalanilayotgan zamonaviy axborot texnologiyalari – elektron darsliklarni ishlab chiquvchi hamda foydalanuvchi dasturlar va elektron darslik yaratish oldida turgan to'siqlar haqida ma'lumotga ega bo'lasiz.

Kalit so'zlar: Dastur, program, ta'minot, ilova, operatsion tizim, servis, dasturlash tillari, protsessor

Dastur (program, routine) — vazifani yechish uchun kompyuter buyruq (ko'rsatma)larining tartiblashgan ketma-ketligidir. Dasturiy ta'minot (software) — ma'lumotlarni qayta ishlash dasturlari va ularni ishlatish uchun kerakli hujjatlar to'plamidir. Dasturlar mashina yordamida vazifani yechish uchun ishlatiladi. Vazifa va ilova atamalari informatikada va dasturiy ta'minotda ko'p ishlatiladi.Vazifa (problem, task) — yechilishi kerak bo'lgan muammodir. Ilova (application) — vazifani kompyuterda dasturiy yechishdir. Dasturiy ta'minot tomonidan bajariladigan funksiyalarga bog'liq holda, uni ikki guruh: tizimli dasturiy ta'minot va amaliy dasturiy ta'minotga bo'lish mumkin. Tizimli dasturiy ta'minot kompyuterda axborotni qayta ishlash jarayonini tashkil etadi va amaliy dasturlar uchun me'yordagi ish muhitini ta'minlaydi. Tizimli dasturiy ta'minot ba'zida kompyuterning bir qismi deb ham hisoblashadi. Amaliy dasturiy ta'minot foydalanuvchining aniq vazifalarini hal etish va umuman axborot tizimining hisoblash jarayonini tashkil etish uchun mo'ljallangan. Tizimli dasturiy ta'minotni tarkibiga quyidagilar kiradi:

• Operatsion tizimlar;
• Servis dasturlar;
• Dasturlashtirish tillari translyatorlari;
• Texnik xizmat dasturlari.

Operatsion tizimlar (OT) axborotni qayta ishlash jarayonini boshqarish va apparat vositalari bilan foydalanuvchilar o'rtasidagi o'zaro aloqani ta'minlaydi. OTning asosiy vazifalaridan biri axborotning kirish-chiqish jarayonini avtomatlashtirish, foydalanuvchi hal etadigan amaliy vazifalarni bajarishni boshqarishdir. OT kerakli axborotni EHM xotirasiga kiritadi va uning bajarilishini kuzatadi; to'g'ri hisoblashlarga xalaqit beruvchi vaziyatlarni tahlil qiladi, qiyinchiliklar paydo bo'lganda nima qilish zarurligi haqida ko'rsatma beradi. Bajariladigan vazifalaridan kelib chiqib, OTni uch guruhga bo'lish mumkin:

• Bir vazifali (bir kishi foydalanuvchi);
• Ko'p vazifali (ko'p kishi foydalanuvchi);
• Tarmoqli.

Bir vazifali OT bir foydalanuvchining har bir aniq paytda aniq bir vazifani bajarishi uchun mo‘ljallangan. Bunday operatsion tizimlarning tipik vakili MS DOSdir (uni Microsoft firmasi ishlab chiqqan). Ko‘p vazifali OT vaqtni multidastur rejimida taqsimlashda EHMdan jamoa bo’lib foydalanishni ta’minlaydi (EHM xotirasida bir necha dastur-vazifalar bo‘ladi va prosessor kompyuter resurslarini vazifalar o’rtasida taqsimlaydi). Bunday sinfdagi OTning tipik vakillari: IBM korporatsiyasining OS/2, Microsoft Windows 95, Microsoft Windows NT va boshqalardir. Tarmoqli operatsion tizimlar lokal va global tarmoqlarning paydo bo’lishi bilan bog'liq va foydalanuvchining hisoblash tarmoqlari barcha resurslariga kirishini ta’minlash uchun mo'ljallangan. Tarmoqli OT laming tipik vakillari: Novell NetWare, Microsoft Windows NT, Banyan Vines, IBM LAN, UNIX, Sun firmasi mahsuloti Solarisdir.
Quyidagi OT rivojlanishining asosiy yo'nalishlari keltirilgan:

• Operatsion tizimlar narxlarining kamayishi;

• Dastur ko‘rinishida amalga oshirilgan OT ko'plab funksiyalaming mikrodastur ko‘rinishida ro'yobga chiqishi;

• Ko‘p protsessorli kompyuterlar ishining ta’minoti;

• Kompyuterlaming turli turlari (avlodlari) uchun dasturlar muvofiqligini ta’minlash;

• Paralel dasturlaming bajarilishini ta’minlash;

• Taqsimlovchi hisoblash tarmog‘ini hosil qiluvchi turli kompyuterlar protsessorlarida alohida vazifalar amalga oshiriladi.

Dasturlar yordamida elektron darsliklar yaratiladi. Elektron darslikning asosiy afzalligi vaqt va makon masalasini hal etgani bo’lsa, uning asosiy kamchiligi sifatida dastur tuzish jarayonida ma’lum bir yo’nalish bo’yicha dastur tuzuvchilarning bilim darajasi yeratli emasligidir. Ya’ni matematika, kimyo, biologiya kabi fan resurslarni yaratish jarayonida turli atamalar, formulalar bilan barcha dasturchilar ham ishlay olmaydi. Bu esa yaratilayotgan elektron resursning sifat darajasiga bir muncha putur yetkazadi. Yoki bo’lmasa biror bir professor tomonidan yaratilayotgan kitob yo monografiya bosma uchun nashiryotga berildi. Agar nashiryot xodimlari ushbu sohadan habardor bo’lsa – yu unda muammo emas, biroq habardor bo’lmasachi unda yana yuqoridagi muammo yuzaga chiqib qoladi. Buning natijasi o’laroq foydalanuvchilar noto’g’ri ma’lumotga yoki o’zgargan ma’lumotga ega bo’lish ehtimolligi ortib ketadi.



Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:
1. https://fayllar.org
2. www.hozirgi.org
3. www.wikipedia.org

MAHSULOTNI PUTUR YETKAZMASDAN SINASHNING DOLZARBLIGI VA AVTOMOBILSOZLIKDAGI O`RNI.

Yuldashev Abduvaxob Rashitovich Andijon mashinasozlik instituti dotoranti

Avtomobilsozlik sanoati maxsulotlarni sifatini putur etkazmasdan (buzmasdan) nazorat qilish, ishlab chiqarish samaradorligini mutasil oshirish va maxsulot sifatini yuqori darajaga ko'tarish uchun xizmat qilinadigan asosiy omillardan biri xisoblanadi. Keyingi yillarda sanoat korxonalariga yangi texnologiyalar va texnikalar kirib keldi, texnologik jarayonlarini avtomatlashtirish joriy etildi, ishlab chiqarilayotgan buyum, ma'sulotlarni sifatiga mustaxkamligiga, katta e'tibor berilmoqda. SHu sababli maxsulotlarni putur etkazmasdan nazorat qilish usullari va asboblari Respublikamizning barcha sanoat korxonalarida keng ishlatilmoqda, ularni ishlatuvchi, sozlovchi, o'rnatuvchi mutaxasis kadrlarga bo'lgan talab ortib bormoqda.

Putur etkazmasdan nazoratning maqsadi tadqiqot ob'ektini asbob-uskunalarga zarar etkazmasdan yoki ob'ektning ishlashini to'xtatish kerak bo'lmasdan xavfsiz, ishonchli va iqtisodiy usulda tekshirishdir. Bu tekshirish jarayonida zararlangan yoki vayron qilingan bo'lishi mumkin bo'lgan zararli sinovlarga zid keladi.Putur etkazmasdan nazorat qilish usullari elektromagnit nurlanish, ovoz va boshqa signallarni maxsus asbob-uskunalar yordamida o'zgartirishga asoslangan.[1]

Putur etkazmasdan nazoratning asosiy usullari:

- Ultratovush usuli; Akustik usul; Magnit zarralar usuli (magnit);
- Penetratsion moddalarni nazorat qilish usuli; Vorteks usuli;
- Tebranma diagnostik usul; Elektr usuli; Issiqlik usuli; Radio to'lqin usuli;
- Radiatsiya usuli; Optik usul; Vizual sinov usuli.

Putur etkazmasdan nazoratning akustik usullari

Akustik (ultratovush) putur etkazmasdan nazorat usuli nuqsonlarning kattaligi va holatini aniqlash uchun maxsus piezoelektrik konvertor yordamida o'rganilayotgan materialga ishlab chiqarilgan va yuborilgan tovush to'lqinlari ishlatiladi va ular materialda mavjud bo'lsa, material yoki nuqsonlar chegarasidan aks etadi. Bundan tashqari, aks ettirilgan to'lqinlar konvertor tomonidan aniqlanadi va tahlil qilinadi va qurilmaning ekranida tahlil qilingan ma'lumotlarga asoslanib, nuqsonlarning

mavjudligi yoki yo'qligi haqida xulosa chiqarish mumkin. Akustik putur etkazmasdan nazorat usuli deyarli har qanday materialni tadqiq qilish va sinovdan o'tkazish uchun ishlatilishi mumkin. Ultrasonik defektoskopiya bilan ultratovushli diapazonning elastik to'lqinlari (20 kHz dan yuqori) va akustik putur etkazmasdan nazorat ultratovush deb ataladi. Akustik putur etkazmasdan nazorat usullarida akustik emissiya bilan nazorat qilish mumkin.

Magnit-parashokli buzmasdan nazorat qilish usullari

Magnit-magnit nazorat qilish usuli yoki magnit zarralarni sinash usuli (MT) ferromagnit materiallarda sirt yoki sirt atrofida ko'zalarni, ko'zalarni va yoriqlarni aniqlash uchun bir yoki bir nechta magnit maydonlardan foydalanadi. Ushbu nazorat qilish usuli yordamida metall tekshiriladigan ob'ekt kuchli magnit maydonga ta'sir qiladi. Magnit maydon doimiy magnit yoki elektromagnit bilan ishlatilishi mumkin. Elektromagnitni ishlatganda, maydon faqat oqim bilan ta'minlanayotganda mavjud bo`ladi. Magnit oqim liniyalari havoda yaxshi harakat qilmagani uchun, teshik va yoriqlarning qirralarida magnit maydon konsentratsiyalanadi va ob'ekt yuzasiga qo'llaniladigan juda kichik rangli ferromagnit zarralarni jalb qiladi. Magnit maydonning tanaffuslar va ko'zalarni chekkasida to'xtatilgandan so'ng, bu zarrachalarning kontsentratsiyasi kuzatiladi va bu qismning yuzasida nuqson o'rnini aniq ko'rsatib beradi. Magnit zarralar quruq chang yoki magnit changning suyuq eritmasi bo'lishi mumkin, ular ultrabinafsha nur ostida floresan rangli yoki floresan bo'yoq bilan bo'yalgan bo'lishi mumkin. Barcha nuqsonlarni aniqlash uchun 2 tekshiruvlari amalga oshiriladi – birinchi sirtga perpendikulyar, ikkinchisi-birinchi pozitsiyaga 90^0 yo'nalish bilan.[2]

Penetratsion moddalarni buzmasdan nazorat qilish usullari

Suyuq penetrantni nazorat qilish payvandlangan bo'g'inlar, to'qimalar va boshqa tarkibiy qismlarni ajratish yoki yo'q qilish mumkin bo'lmagan sirtlarni baholash uchun samarali vositadir. Yoriqlar va ko'zalarni tekshirish bilan bir qatorda, porozlik kabi boshqa sirt xususiyatlarini aniqlash uchun ham foydalanish mumkin. Penetratsion moddalarni buzmasdan boshqarish uzoq vaqt davomida ko'zga tashlanmaydigan materiallarda sirt kamchiliklarini aniqlash uchun eng ishonchli, samarali va iqtisodiy jihatdan samarali usullardan biri bo'lib qolmoqda.

Vorteks nazorat qilish usullari

Vorteks sinovlari samarali va aniq usuldir. Vorteks nazorat qilish usuli vorteks Konverter elektromagnit maydonining o'rganilayotgan namunadan o'tgan vorteks oqimlarining elektromagnit maydoni bilan o'zaro ta'sirini tahlil qilishga asoslangan. Vorteks oqimlari yoriqlarni aniqlash, material yoki qoplamaning qalinligini o'lchash, materialni aniqlash uchun o'tkazuvchanlikni o'lchash, issiqlik bilan ishlov berishni nazorat qilish uchun ishlatilishi mumkin. Vorteks oqimlari texnikasi odatda issiqlik almashinuvi quvurlari, samolyot korpuslari va samolyotlarning strukturaviy elementlari kabi turli xil metall konstruktsiyalarning holatini nazorat qilish va monitoring qilish uchun ishlatiladi.

Vorteks nazorati afzalliklari quyidagilardan iborat:

- Kichik yoriqlar va boshqa nuqsonlarga sezuvchanlik;
- Yuzaki va yuzaki nuqsonlarni aniqlash qobiliyati; Onlayn natijalari;
- Portativ ixcham uskunalar; Keng ko'lamdagi foydalanish;
- Tafsilotlarni minimal tayyorlash;
- Tekshirilgan qism bilan aloqa qilishning hojati yo'q 2mm gacha bo'lgan bo'shliq);
- O'rganilayotgan ob'ektning murakkab shakllari va o'lchamlarini tekshirish qobiliyati.[3]

Tebranma diagnostik akustik nazorat usuli

Tebranma diagnostik akustik bo'lmagan nazorat usullari aylanuvchi mexanizmning bir qismiga xos bo'lgan uskunalar yoki strukturaning tebranish imzolarini kuzatish jarayoniga va ushbu uskunaning holatini aniqlash uchun ushbu ma'lumotni tahlil qilish jarayoniga taalluqlidir. Odatda uch turdagi sensorlar ishlatiladi:

- Bias sensorlari; Tezlik sensorlari; Akselerometrlar.

Elektr buzmasdan nazorat qilish usullari

Putur etkazmasdan nazoratning elektr usullari o'rganilayotgan ob'ekt bilan o'zaro ta'sir qiluvchi yoki uchinchi tomon ta'siri natijasida nazorat qilinadigan ob'ektda paydo bo'lgan elektr maydon ko'rsatkichlarini aniqlashga asoslangan. Elektr buzmasdan nazorat qilish usuli materialning ayrim xususiyatlarini aniqlash imkonini beradi: zichlik, materiallar va qoplamalarning qalinligi.

Issiqlik buzmasdan nazorat usuli

Issiqlik infraqizil sinovlari ob'ekt tomonidan chiqarilgan infraqizil nurlanishga asoslangan sirt haroratini o'lchash yoki ko'rsatish uchun ishlatiladi, chunki issiqlik bu ob'ektdan yoki undan o'tadi. Infraqizil nurlanishning aksariyati ko'rinadigan yorug'likdan ko'ra to'lqin uzunligidan kattaroqdir. To'g'ri ir sinovlari uchun o'rganilayotgan qism kamera bilan bevosita aloqada bo'lishi kerak, tashqi narsalar yoki qopqoq bilan yopilmasligi kerak, chunki qopqoqlar issiqlikni tarqatadi va noto'g'ri o'qishga olib kelishi mumkin. To'g'ri ishlatilganda, termal tasvir korroziya shikastlanishi, cho'kmalar, bo'shliqlar, turli xil inkluzyonlar va boshqa ko'plab nuqsonlar va burilishlarni aniqlash uchun ishlatilishi mumkin.

Radio to'lqin buzmasdan nazorat usullari

Radio to'lqinlarni o'rganish tamoyillaridan foydalangan holda putur etkazmasdan nazorat o'rganilayotgan ob'ekt bilan o'zaro aloqada bo'lgan radiomagnetik to'lqinlarning parametrlarida o'zgarishlarni aniqlashdan iborat.

Putur etkazmasdan nazoratning radiatsiya usullari

Radiografik test (RT) komponentning ichki tuzilishini ko'rish uchun rentgen yoki gamma nurlaridan foydalanishni o'z ichiga olgan putur etkazmasdan nazorat usuli hisoblanadi. Neft-kimyo sanoatida radiografik test ko'pincha kamchiliklarni aniqlash uchun yuqori bosimli idishlar va Vanalar kabi mexanizmlarni tekshirish uchun ishlatiladi. Radiografik test ham payvandlangan bo'g'imlarning sifatini tekshirish

uchun ishlatiladi. Boshqa usullar bilan taqqoslaganda, rentgenografiya yordamida putur etkazmasdan sifat nazorati bir qator afzalliklarga ega.

- Usul turli materiallarda ishlatilishi mumkin;
- Keyinchalik tahlil qilish uchun to'plangan ma'lumotlar saqlanishi mumkin.

Radiografiya juda kam sirt tayyorlashni talab qiladigan samarali vositadir. Ko'pgina radiografik tizimlar ixchamdir va avtonom elektr ta'minotiga ega, bu esa ularni maydonda ishlatishga imkon beradi.

Adabiyotlar

4. Баранов, В. М. Испытания и контроль качества материалов и конструкций : учеб. пособие для вузов / В. М. Баранов, А. М. Карасевич, Г. А. Сарычев. – М. : Высш. шк., 2004. – 360 с.
5. Клюев, В. В. Приборы для неразрушающего контроля материалов и изделий : справочник. В 2 кн. / под. ред. В. В. Клюева. – М. : Машиностроение, 1986. – 352 с.
6. Неразрушающий контроль и диагностика : справочник / В. В. Клюев, Ф. Р. Соснин, А. В. Ковалев и др. ; под ред. В. В. Клюева. – М. : Машиностроение, 2005. – 656 с. 1

ЁПИҚ КОНТУРДА ТОК КУЧИНИ КРИХГОФ ҚОНУНИ ВА ОПЕРАЦИОН ҲИСОБ УСУЛИ БЎЙИЧА ҲИСОБЛАШ

Эгашов Султанмурад т.ф.н., доцент
Андижон машинасозлик институти Олий математика кафедраси доценти
sultonmurodergashev077@gmail.com +99891-606-62-13

Аннотация

Ушбу мақолада ёпиқ электр занжири учун Крихгоф қонунидан келиб чиқадиган интегро-дифференциал тенгламани операцион ҳисоб усуллари бўйича ечиш кўрсатилган. Бу мақола тенгламани турли бошланғич шартларда ечиш учун бошланғич босқич бўлиб хизмат қилади.

Ушбу мақола қуйидаги R қаршилик L индуктивлик ва C сиғимдаги конденсатордан тузилган ёпиқ занжирдаги ток кучини операторлардан фойдаланиб ҳисоблашга бағишланган.



R

Маълумки бундай кетма-кет уланган электр занжирида унинг ҳар бир элементига таъсир қилувчи электр юритувчи куч

$$E = E_0 \sin \omega t \qquad (1)$$

кўринишда таъсир қилади.

Агарда занжирдаги токнинг бошланғич вақтнинг $t = 0$ моментидаги қиймати $i(0) = i_0$, конденсатордаги заряднинг бошланғич қиймати $q(0) = q_0$ бўлса, ушбу занжирдаги ток ихтиёрий *t* вақт учун Кирхгофнинг қонунига асосан қуйидаги интегро-дифференциал тенгламани қаноатлантиради:

$$L\frac{di(t)}{dt} + Ri(t) = \frac{1}{C}\left[q_0 + \int_v^t i(\tau)d\tau\right] = E_0 \sin \omega t \qquad (2)$$

Юқоридаги (2) интегро-дифференциал тенгламани ечиш энг содда усули Лаплас алмаштириш (оператори) ёрдамида ечиш мақсадга мувофиқдир.

Агар ток кучи $i = i(t), 0 \le t < \infty$ вақт оралиғида $|i(t)| \le Ae^{st}$ тенгсизлигини қаноатлантирувчи интегралланувчи функция бўлса, унинг Лаплас оператори қуйидагича бўлади:

$$\tilde{\imath}(s) = \int_v^\infty e^{-st} \cdot i(t)dt \qquad (3)$$

$\tilde{\imath}(s)$ функция $i(t)$ нинг тасвири дейилади ҳамда $\tilde{\imath}(s)$ ва $i(t)$лар орасида ўзаро бир қийматли муносабат ўринли бўлади.

Тасвир билан оригинал орасидаги бир қийматли мослик тасвир топилса занжирдаги ток кучи ҳақида бир қийматли аниқ хулосалар қилиш мумкин бўлади.

Қаралаётган (2) тенгламада

$$\frac{di(t)}{dt}$$

ҳосила ва $i(t)$ ток кучи функцияси ҳамда

$$\int_v^t i(\tau)d\tau$$

интеграл қатнашгани учун уларни тасвирларини (3) Лаплас оператори бўйича аниқланади:

$$\int_v^\infty e^{-st}\frac{di(t)}{dt}dt = s\tilde{\imath}(s) - i_0,$$

$$\int_{v}^{\infty} e^{-st}\, i(t)dt = \tilde{\imath}(s),$$

$$\int_{v}^{\infty} e^{-st} \left(\int_{v}^{t} i(\tau)d\tau \right) dt = \frac{1}{s}\tilde{\imath}(s),$$

Юқоридаги тенгсизликлардан фойдаланиб (2) интегро-дифференциал тенгламани қуйидаги алгебраик тенгламага ўтказамиз.

$$L \cdot [\tau(s) - i_0] + Ri(s) + \frac{1}{C}\left[q_0 + \frac{1}{p} i(s)\right] = \frac{E_0 ws}{S^2 + w^2}.$$

Мақолада бу тенглама ечилган.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. В. Овчаров. Физико-математические основы электротехники. 2015г. – Publisher-LAP LAMBERT Academic Publishing.

2. С.В. Шилкина. Исследования операций. 2015г.

3. М.Ю. Афанасьев, Б.П. Суворов. Исследования операций в экономике модели, задачи решения. 2003г.

4. В.А. Диткин, А.В. Прудников. Операционное исчисление. Москва «Высшая школа» 1975

1- seksiya. Mexanika va mashinasozlik

Нурдинов Муродали Алиджонович - Андижанский машиностроительный институт, старший преподаватель кафедры «наземные транспортные систем». город Андижан.

Джамолдинов Мухаммадбобур Камариддин угли – Андижанский машиностроительный институт, студент специальности «Наземные транспортные системы и их эксплуатация».

РЕЖИМ ТРУДА И ОТДЫХА ВОДИТЕЛЕЙ (СОГЛАШЕНИЕ ЕСТР)

ЕСТР - Европейское Соглашение, касающееся работы экипажей транспортных средств, производящих международные автомобильные перевозки, применяется на территории стран-участниц.

Основная цель - единые правила соблюдения режима труда и отдыха водителей. Соглашение призвано стимулировать повышение безопасности дорожного движения, обеспечение социальной и правовой защиты водителей. За несоблюдение положений ЕСТР предусмотрены строгие штрафные санкции вплоть до тюремного заключения.

В странах Евросоюза также действуют положения Постановление Европейского Парламента и совета (ЕС)561/2006.

Соглашение ЕСТР ООН и ЕС объединяет общая структура положений, регулирующих социальные правила, причем правила ЕСТР имеют тенденцию следовать изменениям в правилах ЕС. Внедрение шестой поправки позволило унифицировать правила Евросоюза 561/2006/ЕС и положения ЕСТР.

Узбекские международные автомобильные перевозчики обязаны выполнять положения ЕСТР, т.к. Республика Узбекистан является страной-участницей этого Соглашения с 1999 г.

Таблица правил, определяющих периоды вождения, перерывов и отдыха соглашения ЕСТР с учетом поправки № 6 (2010г.)

Правила и нормы	**Выдержки из ЕСТР**
Максимальное время непрерывного управления	**4,5 часа** (см. ст. 7 п.1)
Максимальное время управления в «сутки»	**9 часов,** допускается по 10 часов 2 раза в неделю (см. ст. 6 п.1)
Максимальное время управления в неделю / две недели	**56 часов** в неделю (см. ст. 6 п.2), **90 часов** в течение любых 2-х последовательных недель (см. ст. 6 п.3)
Максимальное количество периодов управления до принятия еженедельного отдыха	Еженедельный период отдыха должен начинаться не позднее, чем по окончании **шести 24-часовых периодов,** начинающихся после завершения предыдущего еженедельного периода отдыха. Исключение для нерегулярных разовых пассажирских перевозок, определяющее возможность управления в течение последовательных 12 дней - сохранено с рядом оговорок (см. ст. 8 п. 66).
Минимальное время перерыва	45 минут, допускается разбивать на 2 интервала (первый -15 и второй - 30 минут, последний не позднее окончания 4,5 часов управления. Дополнено следующей оговоркой: «Для целей настоящей статьи время ожидания и время, не используемое для управления и проведенное в движущемся транспортном средстве, на пароме или в поезде, не рассматривается в качестве «другой работы», определенной в статье 1ц) настоящего Соглашения, и должно квалифицироваться как «перерыв» (см. ст. 7 п.3).
Время ежедневного отдыха*	11 часов, **Допускается по 9 часов до 3 раз в неделю** между любыми двумя еженедельными периодами отдыха

	(см. ст. 8 п. 5);** **по 12 часов,** в 2 интервала, **первый из которых не короче** 3-хи **второй не короче9- тичасов**
Время еженедельного отдыха	Для одного водителя (экипажа водителей) - 45 часов, 24 часа не более одного раза в любые две последовательные недели. При сокращении еженедельного отдыха водитель должен иметь компенсацию не позднее окончания третьей недели, следующей за текущей (см. ст. 8 п. 6Ь).
Экипаж из 2-х и более водителей	В течение **30** часов работы каждый водитель должен иметь отдых не менее 9 часов непрерывно.
ПРИМЕЧАНИЯ	* использовать спальное место в кабине автомобиля для отдыха допускается только на стоянке в случае ежедневного и сокращенного еженедельного отдыха.
	** сокращение продолжительности непрерывного ежедневного отдыха допускается без необходимости последующей компенсации.
	Любой отдых, который используется в качестве компенсации за сокращение еженедельного периода отдыха, должен присоединяться к другому периоду отдыха продолжительностью не менее 9 часов (см. ст. 8 п. 8).
	Необходимо, чтобы члены экипажа всегда имели при себе и могли предоставить для проверки регистрационные листки: периоды времени должны охватывать текущий день и предыдущие 28 календарных дней(1+28 тахограмм); карточку водителя, если она у него имеется, и любые записи, сделанные в ручную, и распечатки, сделанные в течение текущего и предыдущих **28 календарных дней,** как это требуется в соответствии с настоящим Соглашением. В случае, если водитель не имеет возможности предъявить вышеуказанные документы, он должен предъявить бланк подтверждения деятельности за этот период. Форма бланка определена в добавлении 3 приложения к ЕСТР.

Согласно 6-поправки ЕСТР введен принцип экстерриториальности, то есть: договаривающаяся сторона уполномочивает свои компетентные органы налагать санкции:

о на водителя за нарушение настоящего Соглашения, которое было выявлено на ее территории и за которое еще не налагалось санкции, даже если данное нарушение было совершено на территории другой Договаривающейся стороны или государства, не являющегося Договаривающейся стороной.

о на предприятие за нарушение настоящего Соглашения, которое было выявлено на ее территории и за которое еще не налагалось санкции, даже если данное нарушение было совершено на территории другой Договаривающейся стороны или государства, не являющегося Договаривающейся стороной.

Статья 8 из ЕСТР

Отступления от статьи **8**

2. Любое время перемещения к месту нахождения транспортного средства, подпадающего под действие настоящего Соглашения, для того чтобы принять его под свою ответственность, или на обратном пути, когда транспортное средство не находится ни в месте проживания водителя, ни в операционном центре работодателя, где расположено место приписки водителя, не рассматривается в качестве отдыха или перерыва, кроме тех случаев, когда водитель находится на пароме или в поезде и имеет доступ к подходящим приспособлениям для сна.

3. Любое время, затраченное водителем на управление транспортным средством, которое не подпадает под действие настоящего Соглашения, при перемещении к месту нахождения транспортного средства, которое подпадает под действие настоящего Соглашения, или из этого места, которое не является местом проживания водителя или операционным центром работодателя, где находится место приписки водителя, рассматривается в качестве «другой работы».

Статья 9 из ЕСТР

Изъятия

Для того чтобы не ставить под угрозу безопасность дорожного движения и достичь удобного места стоянки, водитель может отходить от положений настоящего Соглашения в той мере, в которой это необходимо для обеспечения безопасности на ходящихся в транспортном средстве лиц, транспортного средства или находящегося на нем груза. Водитель должен указать характер и причину отхода от этих положений в регистрационном листке или на распечатке контрольного устройства или в своей ведомости не позднее чем в момент прибытия в подходящее место стоянки.

Продолжительность непрерывного управления одним водителем не более 4,5 часа



Увеличение дневного времени управления:

Продолжительность ежедневного времени управления может быть увеличена до 10 часов только 2 раза в течение любой одной недели. Время отсчета продолжительности недели начинается в 0:00 понедельника и заканчивается в 24:00 воскресенья, независимо от того, в какой день недели водитель начал управление ТС.

Ежедневная продолжительность управления, не более девяти часов. Она может быть увеличена максимум до 10 часов не более двух раз в течение недели



Комментарий: Водитель может самостоятельно определять продолжительность управления и моста перерывов. учитывая ограничение по непрерывному управлению автомобилем. Например



Продолжительность ежедневного управления экипажем из двух водителей

Для целей настоящей статьи время ожидания и время, не используемое для управления и проведенное в движущемся транспортном средстве, на пароме или

а поезде, не рассматривается а качестве "другой работь Г, определенной в статье 1 д) настоящего Соглашения, и должно квалифицироваться как "перерыв".

Во избежание дополнительных вопросов от контролирующих органов рекомендуется его делать.

Продолжительность ежедневного времени труда

1 водитель				
24 часа в сутки	-	11 часов отдыха	=	13 часов времени труда
8 часов пробка			? Часов управления	
2 водителя				
30 часов в сутки	-	9 часов отдыха	=	21 час времени труда
15 часов пробка			? Часов управления	

Для экипажа из 2-х водителей, время неиспользованное на управление АТС (пробка, погрузочно-разгрузочные работы, прохождение пограничного перехода) сокращает разрешенное максимальное время управления

Приборы регистрирующие время труда и отдыха водителей

Электронный (аналоговый) тахограф МТСО 1324

Последнее поколение ЦКУ 3283

Цифровые тахографы разрешенные к МАП

Виды цифровых тахографов с одобрением типа по ЕСТР

Цифровые тахографы производства России например: Атол, Меркурий, Касби, Штрих и т.п. пока не признаются в странах ЕС, так как не имеют сертификата «Одобрение типов контрольных устройств ЕСТР-AETR».

Цифровые тахографы имеющие сертификаты и разрешенные к использованию в МАП ЕСТР-AETR: VDO, STONERIDGE, EFAS и ACTIA.

Правила одной минуты (удобство прохождения пробок)

Современные цифровые тахографы (ЦКУ- Цифровое Контрольное Устройство) имеют ряд преимуществ перед аналоговыми тахографами. Одним из важнейших плюсов ЦКУ считается правило одной минуты.

Это правило представляет из себя промежуток времени в котором движение АТС продолжительностью не более 29 секунд не идут в расчет (не суммируется с общим временем управления).

Тахографы марки EFAS имеет преимущества перед другими тахографами по записи времени управления. Тахографы EFAS во время движения не регистрируют время управления транспортным средством если скорость АТС не превышает 8-10 км/час.

ПОЯСНЕНИЯ К ПРИМЕРАМ РАСПЕЧАТОК

1. Дата и время распечатки по универсальному времени.
2. Тип распечатки.
3. Сведения о владельце карты инспектора (в случае проведения процедур контроля): фамилия, имя, номер карты.

За. Сведения о владельце карты водителя: фамилия, имя, номер карты и срок ее действия.

4. Сведения об автомобиле: VIN, государственный номер.
5. Производитель и модель тахографа.
6. Название мастерской, номер карты мастерской и срок ее действия.
7. Данные по последней процедуре контроля водителя, карта которого установлена в тахографе: номер карты инспектора, дата и время контроля.

8. Дата предыдущею использования карты в тахографе и значение счетчика количества установок карты в тахограф.

8a. Ручной ввод режимов деятельности водителя в порядке их регистрации в карте водителя. Для каждого режима укатано ею начало и продолжительность действия. Например, первый режим, обо значенный знаком означает незарегистрированный режим деятельности.

8b. Регистрация режимов деятельности водителя при нахождении карты в слоте-1. Указан номерной знак автомобиля, пробег на момент установки карты в слот-1.

8c. Последовательная регистрация режимов деятельности водителя и указание на работу в составе экипажа.

8c1. Регистрация особых режимов - паром/поезд или режим ОПТ.

8e. Показания одометра на момент изъятия карты и пробег за период текущего присутствия карты в тахографе.

9. Дата последнего изъятия карты и показания одометра автомобиля на момент установки карты и ее последующего изъятия.

10. Хронология всех режимов, регистрируемых по водителю-1.

10a. Регистрация режимов при отсутствующе и карте водителя. Указаны начало режима и его продолжительность, а также показания одометра на на чало и конец периода, и пробег за период.

10b. Ввод карты водителя: фамилия, имя, номер карты и срок ее действия.

10c. Государственный номер предшествующего автомобиля, в котором была установлена карта водителя, дата и время ее изъятия.

10d. Пробег на момент ввода карты водителя.

10e. Последовательная регистрация режимов деятельности водителя.

10f. Регистрация особых режимов - паром/поезд или режим ОПТ.

10g. Показания одометра на момент изъятия карты и пробег за период ее присутствия.

10h. Хронология всех режимов, регистрируемых по водителю-2.

11.Сводка деятельности за день.

11a. Начало и окончание смены. Указаны время события, показания одометра и страна присутствия.

llb. Суммарные показатели включенных на тахографе режимов деятельности за период отсутствия карты водителя в слоте-1.

llc. Суммарные показатели включенных на тахографе режимов деятельности за период отсутствия карты водителя в слоте-2.

11d. Суммарные значения продолжительности режимов деятельности водителя и пробег автомобиля за текущие сутки.

11e. Суммарные значения продолжительности режимов деятельности водителя и пробег автомобиля за текущие сутки, а также идентификационные данные водителя.

12. Последние пять событий и неисправностей из памяти карты водителя.
12а. Информация по зарегистрированным событиям или неисправностям.
13. Последние пять событий и неисправностей из памяти тахографа.
13а. Информация по зарегистрированным событиям или неисправностям.
14. Место проведения контроля и подписи проверяющего и водителя.

Использование литература.

6. L.Y.Bakirov M.A.Nurdinov Avtomobillarda xalqaro yuk tashish qoidalari. T. 2021 370 bet.

2. Международное руководство по безопасному креплению груза на автомобильном транспорте. IRU_CIT-2014-74с.

5.Топалиди В.А., Чубенко Н.М., «Международные автомобильные перевозки грузов» Учебное пособие. Ташкент 2017-339с

6.Курганов В.М., Миротин Л.Б., «Международные грузовые автомобильное перевозки» Учебное пособие для вузов. Тверь, 2000-131с.

7. «Правила перевозок грузов автомобильным транспортом». 2015г.

Дизел двигателларида қўлланиладиган ёнилғи ўзатиш аппарати прецизион деталларини ишдан чиқиш сабаблари ва қайта тиклаш усуллари

Исматов Жуманиез Файзуллаевич т.ф.н доцент,
Абдуллаев Алимардон Икромжонович докторант.
Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Автомобилларни эксплуатация қилиш жараёнида детал ва агрегатларини муддатидан олдин ишдан чиқишни кузатишимиз мумкин. Статистик маълумотларни таҳлил қилиш ёнилғи узатиш аппаратида прецизион жуфтлик(детал)ларнинг мустаҳкамлиги ва чидамлилиги энг паст эканлигини кўрсатади. Бунга сабаб, иқлим шароити автомобилларнинг эксплуатация шароити ва ёнилғининг ифлосланганлик даражаси хисобланади. Бизга маълумки, ДСТ буйича дизель ёнилғиларининг кинематик қовушоклик курсагкичи қуйи ва юқори чегаралар билан меъёрланади. Дизель ёнилгиларининг қовушқоқлиги оптимал булиши керак, агарда қовушоқлик жуда паст ёки жуда юқори курсаткичга эта булса ёнилғи узатиш аппаратини ишини ва аралашма ҳосил булиш ҳамда ёниш жараёнини хам бузади. Қовушоклик курсаткичи пастлигида ёнилғи ёнилғи узатиш аппаратнинг прецизион жуфтликлари орасидаги тирқишлардан тез сизиб ўтиб кетади, унинг дозаланиш жараёни бузилади, ёнилғининг циклли узатилиши ва пуркалиш босими камаяди (пасаяди). Ёнилғи форсункалар тирқишларидан сизиб кетиши мумкин, бундай холат ИЁДнинг ёниш камерасида қурим ҳосил булишига олиб келади. Бундан ташкари, қовушқоқлик пасайганда дизель ёнилғисининг деталларининг ишловчи

юзаларини мойлаш хоссалари ёмонлашади, бу эса ёнилғи узатиш аппарати прецизион деталларининг ишловчи юзаларини ёдирилишга, натижада ёнилғи узатиш аппаратининг муддатидан илгари ишдан чикишига олиб келади.

Ҳавонинг ифлосланганлиги нефт махсулотларини- ифлосланиши ва чангнинг машина деталларининг ишқаланиш юзалари орасидаги тирқишига тушишга олиб келади. Чангларинг дисперс таркибини кўп қисмини ўлчами 30 мкм гача бўлган абразив заррачалар, яъни чангнинг умумий массасидан 90% ни ташкил этади: ўлчами 10 мкм гача булган заррачалар 50% га яқин бўлади.

Чангнинг асосий таркибий кисми (65-95%) SiO_2, $A1_2O_3$, Fe_2O_3 дан иборат бўлиб, **Mg, Na, Ca** ва бошқа элементларнинг миқдори нисбатан анча кам бўлади. Ушбу кварц заррачалари турли шакл ва тузилишга эга булиб, улар ишқаланиб ишловчи деталларнинг тирқишларига тушганида уларинг ишловчи юзаларидан бирга ботиб (қадалиб) қолиб юзаларни мнкроқирилишига, микродеформацияланишига олиб келади. Бу жараён ўз навбатида ёнилғи узатиш аппаратини прецизион деталларини ишдан чиқишига ҳамда эксплуатацион кўрсаткичларини пасайишига олиб келади.

Дизел двигателли автомобилларни эксплуатацион ва иқтисодий курсаткичларини ошириш мақсадида, ёнилғи узатиш аппаратини прецизион деталларини қайта тиклашни қуйидаги усуллар орқали амалга оширишимиз мумкин.

- Қайта тиклаш усули;
- Плунжер ва унинг втулкасига кимёвий-термик ишлов бериш усуллари;

Қайта тиклаш усули. Плунжер жуфтларини ишлаб чиқарувчи заводларда қайта тиклаш усули кенг қўлланилади. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, ейилган плунжер жуфтларни ўлчамлари бўйича сараланади, кейин ейилишларни бартараф қилиш учун махсус ўлчамига етказувчи станокларда плунжер ва втулкалар алоҳида ишқаланади. Ишқаланган плунжер ва втулкалар қайта тикланиб, ўлчамлари бўйича шундай танланадики, бунда плунжер бор бўйига втулкага кириб тўлиқ жойлашган. Танланган плунжер ва втулкалар кейин ўзаро ишқаланади [1]. Мазкур усул таъмир талаб плунжер жуфлари фондининг 15-20%ни тиклашга имкон беради. Қолган ишқаланган плунжер ва втулкалар яна қайтадан ўлчамлари бўйича гуруҳларга ажратилади. Ишқаланган плунжерларга мослаб янги втулкалар ва ишқаланган втулкаларга мослаб янги плунжерлар ясалади.

Иккинчи усул эса плунжер ва унинг втулкасига кимёвий-термик ишлов бериш усуллари ҳисобланиб, бу усуллар орқали плунжер сиртини ва втулка ички юзасини бирор элемент билан тўйинтиришдан иборат. Диффузион жараёнлар таъсирида плунжер диаметри ва втулка тешиги диаметри ўлчамларининг ўзгариши рўй беради. Плунжер жуфтларни 25Х5М, 38ХМЮА турдаги азотланадиган пўлатлардан ишлаб чиқаришда бу деталларни такрорий азотлаш

мумкин. Жараён юқори 450-500ºС температурада 20 соат мобойнида олиб борилади [2]. Такрорий азотлаш билан бирга диффузион металл билан қоплаш жараёнлари мавжуд [3]. Қўлланиладиган муҳитга боғлиқ ҳолда элементларни суюқ, газ ва қаттиқ ҳолатларда тўйинганлиги фарқланади.

Энг кўп тарқалгани газ билан хромлаш, у вакумда 1100ºС температурада 3-6 соат давомида олиб борилади. Барча ҳолатларда ҳам хромланган қават қаттиқлиги HV1100-1300 ни ташкил этади. Ейилган плунжер жуфтларни бор билан тўйинтириш жараёни ҳам худди шундай амалга оширилади. Диффузион хромлашдан фарқи шундаки, у 8-10 соатда амалга ошади. Жараён температураси худди диффузион хромлашдаги каби 1100ºС га тенгдир. Ушбу қайта тикаш усуллари орқали прецизион деталларни, қаттиқлигини ва ейилишга чидамлилигини оширишига эришишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.И. Габитов. Топливная аппаратура автотракторных двигателей / И.И. Габитов, А.В. Неговора. –Уфа: Баш ГАУ, 2004.-172с.
2. Гальвонотехника: справочник /Ф.Ф.Ожогин и др. М.: Металлургия,1987.-736 с.
3. Ю.Д.Гамбург, Дж.Вингари. Теория и практика электроосаждения металлов. М. БИНОМ 2019.438с.
4. Н.И.Бахтиаров Повышение надежности работы прецизионных пар топливной аппаратуры дезелей / Н.И. Бахтиаров, В.Е. Логинов, Н.И. Лихачев. – М.: Машиностроение, 1972.-286с
5. В.В. Антипов. Износ прецизионных деталей и парушение характеристик топливной аппаратура дизелей. – М.: Машиностроение, 1972. – 184с

Анжуман қатнашчиси

1. Фамилия, исм, шарифи (*тўлиқ*) - *Абдуллаев Алимардон Икромжонович*
2. Илмий даражаси ва унвони - *докторант*
3. Иш жойи, лавозими- *Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети*
4. Конференция йўналиши (секция) рақами – *1-секция автомобилсозлик ва трактрсозлик*
5. Тезиснинг номи- Дизел двигателларида қўлланиладиган ёнилғи ўзатиш аппарати прецизион деталларини ишдан чиқиш сабаблари ва қайта тиклаш усуллари
6. Телефон – 90-140-65-17
7. E-mail- alimardon.abdullayev@inbox.ru

ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ЧИГИТ ТАРОҒИНИ УСКУНАДАН ЧИГИТНИНГ ЧИҚИШИГА ВА УНИНГ ТУКДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ.

Мамашарипов Абдунаби Абдумажитович Техника фалсафа фанлари доктори.
Андижон машинасозлик институти. "Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти" кафедраси
Султанова Дилдорахон Тохиржон қизи Андижон машинасозлик институти. "Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти" кафедраси ассистент
1-секция. - тўқимачилик ва енгил саноат. +998 91-613-66-16.
dSultanova 373@ gmail.com. 0000-0002-3661-7622.

Ўзбекистонда сўнги йилларда барча соха ва тармоқлар қаторида қишлоқ хўжалиги, у билан боғлиқ бўлган тармоқлар, шу жумладан пахтани дастлабки ишлашда ҳам туб бозор ислоҳотлари амалга оширилди. Бу эса ўз навбатида Республикада етиштирилаётган пахта толасининг сифатини, шунингдек тайёр тўқимачилик маҳсулотлари билан давлат экспорт салоҳиятини анча ошириш имконини берди.

Пахта толасини чигитдан ажратиб олиш технологик жараёнларини такомиллаштириш бўйича кенг кўламдаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб тавсиялар берилган [1;2]. Пахтани жинлаш жараёни самарадорлигини оширишнинг илмий асослари ишлаб чиқилмоқда. Илмий хажмдор, шунингдек замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишни жадаллаштириш орқали махсулот сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумки, толаси тўлиқ ажратиб олинган чигитлар чигит тароғи назорати орқали ишчи камерадан чиқарилади, аммо толаси тўлиқ ажратилган чигитларнинг хаммаси хам ишчи камерадан ўз вақтида чиқиб кетолмайди ва ишчи камерадаги хомашё валигига қайта қўшилиб, унинг зичлигини ошириб юборади. Натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатига салбий таъсир кўпаяди. [3;4].

Тажрибавий изланишлар қисми. Ишчи камерадан толаси тўлиқ ажратилган чигитларни тезроқ чиқариб юбориш мақсадида чигит тароғи конструкциясини такомиллаштирилиб, Андижон вилояти Олтинкўл тумани Андижон 3 пахта тозалаш корхонасида тажрибалар ўтказилди.

Тажрибалар ўтказиш учун тайёрланган янги конструкциядаги чигит тароқи 1-расм (а,б) да кўрсатилган.

а) 1-вариант

б) 2-вариант

1-расм. Мавжуд ва янги чигит тароғи конструкциялари

Расмдан кўриниб турибдики, 2-вариантда тайёрланган янги чигит тароғи конструкциясида толаси тўлиқ ажратиб олинган чигитларни ишчи камерадан тезроқ чиқариб юбориш учун қўшимча 18-21 мм тирқишга эга бўлган чигит тароғи тайёрланди.

Янги конструкциядаги чигит тароғи тола ажратиш машинасига ўрнатилиб, машина нормал ишлай бошлагандан сўнг 3, 5, ва 7 минут вақт мобайнида ишчи камерадан чиққан чигитларни тортиб кўрилди ва ишчи камерадан чиқаётган чигит миқдорига ва тўлиқ тукдорлигига янги конструкциядаги чигит тароқларининг таъсири аниқланди. Тажрибалар Ан-36 селекцион навли 1-нав 2-синфга мансуб пахтасида уч қайта такрорликда ўтказилди.

Олинган натижалар. Ўтказилган тажрибалар натижалари 2 ва 3-расмларда гистограмма кўринишда акс эттирилган. 2-расмдаги гистограмадан кўриниб турибдики, 1-нав 2-синфга мансуб пахтадан толасини ажратиб олиш технологик жараёнида 1-вариант, корхонада фойдаланилаётган чигит тароғидан 3, 5 ва 7 минут вақт мобайнида 23,2; 34,5 ва 45,8 кг, 2-вариантда эса ишчи камерадан чиқаётган чигит миқдори мос равишда 26,4; 39,1 ва 52,2 кг ни ташкил этиши кузатилди.



2-расм. Ишчи камерадан чиқаётган чигит миқдорини чигит тароғи конструкциясига боғлиқлик графиги

Хулоса. Андижон 3 пахта тозалаш корхонасида ўтказилган тажрибалардан кўриниб турибдики, янги конструкциядаги чигит тароғидан фойдаланилганда ишчи камерадан чиқаётган чигит миқдори мавжуд конструкциядаги чигит тароғидан чиққан чигит миқдорига нисбатан ўртача 15-17 %га ошиши кузатилиб, ўз навбатида тола ажратиш ускунасининг иш унумдорлигини ошишига олиб келади.

Шунингдек лаборатория анализи бўйича чигит тароғи конструкциясининг ўзгариши, чигитнинг тўлиқ тукдорлигига таъсири ўзгармади ва деярли таъсир этмаслиги аниқланди.

Адабиётлар:

1.Ғ.Ж.Жабборов. "Чигитли пахтани қайта ишлаш" Тошкент "Ўқитувчи" 1987 й.

2.Э. Зикрёев. "Пахтани дастлабки қайта ишлаш" Тошкент "Мехнат" 2002 й.

3. Р.Р.Юнусов. "Влияние радиуса кривизни передного фартука рабочей камери пильного джина на параметри сирцового валика" ФарПИ 2004 й.

4. Ж.С. Эргашев. "Пахта толасини дастлабки сифат кўрсатгичларини сақлаш мақсадида тола ажратиш жараёнини самаралий технологиясини яратиш" т.ф.д (DS) диссертация автореферати. Наманган 2020 й.

ЮКЛОВЧИ МАШИНАЛАР ЧЎМИЧ ТИШЛАРИНИНГ ЕЙИЛИШИ ВА УНИ КАМАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ.

Исабоев Тоҳиржон Меҳмонович
Андижон машинасозлик институти катта ўқитувчиси
E-mail: 73isaboyev@gmail.com tel: +99(891) 481 3157
Ҳусанов Улуғбек Тўлқинорвич
Андижон давлт унверситети умумтехника фанлари ва меҳнат таълим кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: 71husanov@gmail.com tel: +99(899) 908 09 34
Султанов Саидикромжон Саидакромович
Андижон машинасозлик институти магистратура талабаси
E-mail: saidikrom.sultonov.ss@gmail.com tel: +99(891) 496 02 76

Аннотация. Ушбу мақолада тадқиқотчилар томонидан эксковатор чўмич тишларининг ресурсини ошириш бўйича олиб борилган изланишлар натижаси келтирилган. Олдинги тадқиқотларда юклаш машиналари чўмич тишларини пайвандлаб қоплаш масаласи кўриб чиқилмаган. Тадқиқоднинг асосий мақсади юклаш машиналарининг чўмич тишларини пайвандлаб қоплаш усулини ишлаб чиқиш, пайвандлаб қоплаш параметрларини ҳамда пайвандлаб қоплаш материаллари таркибини асослашга қаратилган.

Калит сўзлар: экскаватор, чўмич, тиш, юклагич, машина, ейилиш, тиклаш, пайвандлаш, энергия, материал, пневматик қулфлаш, гидравлик қурилма.

LOADING MACHINES ARE MEASURES FOR EATING THE TEETH OF THE SINK AND REDUCING IT.

Isaboev Tohirjon Mehmonovich
Senior Lecturer, Andijan Machine-Building Institute
E-mail: 73isaboyev@gmail.com phone: +99 (891) 481 3157
Husanov Ulugbek Tolqinorvich
Andijan State University of General Technical Sciences and
Senior Lecturer of the Department of Labor Education
E-mail: 71husanov@gmail.com phone: +99 (899) 908 09 34
Sultanov Saidikromjon Saidakromovich
Andijan Machine-Building Institute, master's student
E-mail: saidikrom.sultonov.ss@gmail.com phone: +99 (891) 496 02 76

Annotation. In this article, the result of research carried out by researchers to increase the resource of the teeth of the excavator brush is presented. Previous studies have not considered the issue of brushing the teeth of loading machines by grafting. The main purpose of the study is to develop a method of covering the teeth of the loading machines in the sink, based on the parameters of the filling, as well as the composition of the filling materials in the sink.

Keywords: excavator, sink, tooth, loader, machine, Rotary, recovery, welding, energy, material, pneumatic locking, hydraulic device.

ЗАГРУЗОЧНЫЕ МАШИНЫ - МЕРЫ ПО ПРОЕДИВАНИЮ ЗУБЬЕВ РАКОВИНЫ И ЕГО УМЕНЬШЕНИЮ.

Исабоев Тохирджон Мехмонович
старший преподаватель, Андижанский машиностроительный институт
Электронная почта: 73isaboyev@gmail.com тел: +99 (891) 481 3157
Хусанов Улугбек Толкинорвич
Андижанский государственный университет общетехнических наук и
старший преподаватель кафедры трудового просвещения
Электронная почта: 71husanov@gmail.com тел: +99 (899) 908 09 34
Султанов Саидикромжон Сайдакромович
Андижанский машиностроительный институт, магистрант
Электронная почта: sayikrom.sultonov.ss@gmail.com
тел: +99 (891) 496 02 76

Аннотация. В данной статье представлен результат проведенных исследователями исследований по увеличению ресурса зубьев щетки экскаватора. Предыдущие исследования не рассматривали вопрос чистки зубов

нагружающих машин прививкой. Основной целью исследования является разработка способа покрытия зубьев загрузочных машин в раковине, исходя из параметров наполнения, а также состава наполнительных материалов в раковине.

Ключевые слова: экскаватор, мойка, зуб, погрузчик, машина, роторная, рекуперация, сварка, энергия, материал, пневматическая блокировка, гидравлическое устройство.

Юкловчи машиналарни бир неча турлари мавжуд булиб, конструкция-ларига қараб турли жойларда ишлашга мўлжалланган. (Шахтный погрузчик) Ер остида шахталарда паст ва тор жойларда ҳам ишлаш учун яратилган юкловчи машиналар турли хил тоғ жинсларини, ер ости материалларини юклаш имкониятларига эга (Вилочный погрузчик). Махсус юкловчи машиналар (каралар) қишлоқ хўжалигида, оғир ва енгил саноатда, омборларда, савдо ташкилотларида, терминалларда ва бошқа шунга ўхшаш жойларда турли хил буюмларни юклашда ҳамда кўтариб туширишда ишлатилади. Жаҳонда йўл қуриш, қурилиш, кончилик каби соҳалар ривожланиб бораётган бир даврда уларда иш сифатини ва меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида энергия ва ресурстежамкор техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида йўл қуриш, қурилиш, кончилик каби соҳаларда иш ҳажмини ва сифатини оширишга бўлган талабни ортиб бораётганини ҳисобга олсак», бу уларда қўлланилаётган техника воситаларининг иш унумини ва фойдаланиш самарадорлигини орттириш, энергия, материаллар ва эҳтиёт қисмлар сарфини камайтириш устида тадқиқотлар олиб бориш ҳамда олинган ижобий натижаларни амалиётга кенг жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан йўл қуриш, қурилиш, кончиликда қўлланиладиган машиналарни тез ейилиб ишдан чиқадиган қисмларининг иш ресурсини оширадиган материалларни яратиш ва усулларни такомиллаштириш ҳамда уларни амалиётга кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда,ривожланган мамлакатларнинг илмий-тадқиқот марказларида, йўл қуриш, қурилиш, кончилик машиналари ишчи органларининг ейилишини камайтириш ва ресурсини орттиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан йўл қуриш, қурилиш, кончилик ишлаб чиқаришида рақобатбардош техника ва технологияларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жиҳатдан йўл қуриш, қурилиш, кончилик ишлари салмоғини орттириш, уларда қўлланиладиган техникаларни сифат жиҳатдан яхшилаш ва ундан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда ишчи органларнинг ресурсини орттириш усуллари параметрларини асослаш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда йўл қуриш, қурилиш, кончиликда қазиш ишлари ҳажмини орттириш, ишлаб чиқаришнинг моддий ва энергетик ҳаражатларини

камайтириш, уларда кенг қўлланиладиган техника воситаларидан самарали фойдаланиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда.

1-расм. LONKING CDM 853 юкловчи машинаси.

Қуйида ана шундай машиналардан бири бўлган ва Хитой халқ республикасида ишлаб чиқарилган ***LONKING CDM 853*** машинаси ҳақида маълумот келтирилган. Ушбу машина 5 тоннагача юк кўтариш имкониятига эга. У Германиянинг DEUTZ компаниясининг литцензияси асосида ишлаб чиқарилган ва 162 кВт қувватига эга бўлган WEICHAI / WD10G220E21 дизелли двигатели билан жиҳозланган. Ярим автоматик учта тезликка мўлжалланган гидравлик узатмалар қутиси юклаш ва ташиш вақтида қисқа жойларда ҳам аниқ ҳаракатланишни таъминлайди. У кўп функцияли бошқарув пульти юкловчи механизмни осон ва аниқ бошқарилишини таъминлайди. Тўхтатиш (тормоз) қисми гидравлик қурилма ва хаво билан ишлайдиган пневматик қулфлаш (ручной тормоз) ускунаси билан машинани янада самарали тормозлаш имкониятини беради. Автоматик равишда горизонтал ҳаракатланувчи 3 $м^3$ ҳажмли юклагич чўмич билан таъминланган. Ҳайдовчи кабинаси совуқ ва иссиқдан ҳимояланувчи, иситиш печи ва кондиционер билан жиҳозланган.

2-расм. LONKING CDM 853 иш жараёнида.

Машинанинг юклаш қисми бўлган чўмичида 6 та олд тишлари ва 2 та ён тишлари бўлиб, асосан ўрта ёки юқори углеродли пўлатдан тайёрланади.

3-расм. Юкловчи машина чўмичининг тишлари.

Машинани ишлатиш жараёнида тош аралаш тупроқларни ва майда шағалларни юклашда ушбу чўмич тишлари ишқаланиш натижасида ўртача 3 ойдан 1 йилгача, тоғ ва конларда эса қаттиқ тоғ жинслари билан ишлаганда, ўртача 1 ойдан 3 ойгача ишлаб, ейилиш натижасида, ишга яроқсиз ҳолга келади.

Шу ерда таъкидлаш лозимки, чўмич тишлари, одатда, юқори марганецли 110G13L (Гадфильд) пўлатидан тайёрланади ва улар бошқа маркали пўлатларга қараганда иш унумдорлигини юқорилиги, зарбий кучлар таъсирига чидамлилиги, юқори мустаҳкамликка ҳамда ейилишга чидамлиликка эгалиги билан ажралиб туради. Катта зарбий кучлар таъсирида Гадфильд пўлатининг юза қатлами пухталаниб қолади ва бу уни ейилишини камайтиради. Аммо ҳар доим ҳам чўмич тишлари катта зарбий кучлар таъсирига учрай бермайди. Натижада улар оддий углеродли пўлатлар каби нисбатан тез ейилади. Чўмич тишларининг тез ейилиши машинани кўп бекор туриб қолишига ва катта иқтисодий йўқотишларга сабаб бўлади.

4-расм. Юкловчи машина чўмич тишларини ишдан сўнг.

Масалан, чўмич тишларининг ейилиб ўтмасланиши натижасида машинанинг куч сарфи 1,5-2 марта ортади, ёқилғи сарфи 30 фоизгача ортади, иш унуми 40 фоизгача камаяди, иш сифати ёмонлашади ва машинадан фойдаланиш самарадорлиги кескин пастлаб кетади.

Шу билан бирга чўмич тишларининг умумий массаси бутун машинанинг 0,3 фоизини ташкил этгани ҳолда, уни сотиб олиш учун сарфланадиган

ҳаражатлар бутун машина учун йиллик сарфланадиган эҳтиёт қисмлар сарфининг 25-30 фоизини ташкил этади. Шунинг учун ҳам юкловчи машиналар чўмич тишларининг ейилишга чидамлилиги машинанинг ишлатиш самарадорлигини ифодалайдиган муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам чўмич тишларининг ейилишга чидамлилигини ошириш устида қатор тадқиқотлар олиб борилган. Шулардан ейилган чўмич тишларини пайвандлаб қоплаб тиклаш устида ўтказилган тадқиқотлар айниқса эътиборлидир. Масалан, шулардан бирида чўмич тишларини пайвандлаб қоплашда икки қатламли пайванд чок олиш усули таклиф этилган. Унда ички қатлам учун Э50А қопламали электроди билан ўзгармас токдан ва импульс-ёйли пайвандлаб қоплаш усулидан фойдаланилган. Иккинчи, ейилишга чидамли қатламни пайвандлаб қоплаш учун Т-590 маркали ва ПП-70Х4М3Г2ФТР ўз-ўзини ҳимояловчи кукунсимон симдан фойдаланилган. Натижада абразив ейилиш шароитида ишлайдиган деталлар учун Т-590 электродидан, зарбий абразив ейилиш шароитида ишлайдиган деталлар учун кукунсимон сим электроддан фойдаланиш тавсия этилган. Пайвандлаб қопланган чўмич тишининг таннархи янги чўмич тишининг нархига нисбатан 25% ни ташкил этган ҳамда чўмич тишининг ейилишга чидамлилиги нисбатан ортган. Усулни ишлаб чиқаришга жорий этишдан маълум даражада иқтисодий самарадорликка эришилган.

Яна бир тадқиқот ишида чўмич тишининг ишчи юзасига қопламали электрод билан бирга ПГ-СР-4 (10 фоиз) + ПГ-ФБХ-6-2 (90 фоиз) маркадаги кукунсимон композицион материалларнинг аралашмасини пайвандлаб қоплаш технологияси тавсия этилган. Пайвандлаб қоплаш натижасида чўмич тишининг ресурси мавжуд чўмич тишларига нисбатан 1,97 марта ортган. Тавсия этилган технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида кутиладиган йиллик иқтисодий самарадорлик ҳар бир машина учун йиллик 8 562 000 сўмни ташкил этган.

Юқорида келтирилган пайвандлаб қоплаш технологиялари асосан экскаватор чўмич тишларининг ресурсини оширишга қаратилган. Уларда юклаш машиналари чўмич тишларини пайвандлаб қоплаш масаласи кўриб чиқилмаган. Шунинг учун ҳам юклаш машиналарининг чўмич тишларини пайвандлаб қоплаш усулини ишлаб чиқиш, пайвандлаб қоплаш параметрларини ҳамда пайвандлаб қоплаш материаллари таркибини асослаш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири хисобланади.

Адабиётлар

1. КосимовК.З, Юлдашев Ш. Х. "Пайвандлаб қопланган экскаватор чўмич тишларини кимёвий таркиби ва қаттиқлигини ўрганиш натижалари" ТошТЙМИ №4 2020. Стр.153.

Народовластие - единственным источником государственной власти является народ Узбекистана, образованный его гражданами, независимо от их национальной принадлежности, который участвует в управлении государством непосредственно или через своих представителей. Ключевые государственные и общественные вопросы принимаются через всенародное голосование - референдум. От имени народа Узбекистана могут говорить только избранные Олий Мажлис и Президент (глава II Конституции Узбекистана).

Безусловное верховенство законов и Конституции - все граждане и государственные органы должны действовать только в рамках существующих законов (глава III Конституции Узбекистана).

Самостоятельная внешняя политика, согласно которой Узбекистан является полноправным субъектом международных отношений. В своей внешней политике Узбекистан руководствуется общепризнанными принципами и нормами международного права, а также, исходя из высших интересов государства и народа (глава IV Конституции Узбекистана).

Согласно статье 11 основного закона, система государственной власти Узбекистана разделяется на три независимые ветви: законодательную, исполнительную и судебную.

Государственная власть на местах осуществляется посредством Кенгашей народных депутатов, возглавляемых Хокимами, а также органов самоуправления граждан.

Узбекистан был первой из республик Советского Союза, перешедшей на президентскую форму в 1990 году. Президент Республики Узбекистан является главой государства, его высшим должностным лицом, обеспечивающим согласованное взаимодействие всех органов государственной власти. Президент является Верховным главнокомандующим Вооруженных Сил Республики Узбекистан, выступает гарантом соблюдения гражданских прав и свобод, Конституции и законов, принимает необходимые меры по охране суверенитета, безопасности и территориальной целостности страны, определяет основные направления внутренней и внешней политики государства, представляет

Узбекистан внутри страны и в международных отношениях. Президент избирается народом Узбекистана всеобщим и тайным голосованием.

Высший государственный представительный орган - Олий Мажлис Республики Узбекистан, состоящий из двух палат - Сената и Законодательной палаты. Срок полномочий Сената и Законодательной палаты - 5 лет.

Сенат Олий Мажлиса Республики Узбекистан является палатой территориального представительства и состоит из 100 членов. Членами Сената избираются - по шесть представителей от Республики Каракалпакстан, избирающихся тайным голосованием из депутатов Жокаргы Кенеса и от каждой области республики и города Ташкента, избирающихся тайным голосованием из депутатов соответствующих представительных органов. Шестнадцать членов Сената назначаются Президентом из числа граждан, имеющих большие заслуги и опыт в разных сферах государственной и общественной деятельности.

Законодательная палата (нижняя палата) состоит из ста пятидесяти депутатов. Сто тридцать пять депутатов Законодательной палаты избираются на основе всеобщего, равного и прямого избирательного права при тайном голосовании по территориальным одномандатным избирательным округам на многопартийной основе. Пятнадцать депутатов Законодательной палаты избираются от Экологического движения Узбекистана.

Исполнительную власть осуществляет Кабинет Министров Республики Узбекистан, состоящий из Премьер-министра, его заместителей, министров, председателей государственных комитетов, а также главы правительства Республики Каракалпакстан. Кандидатура Премьер-министра выдвигается политической партией, имеющей парламентское большинство или политической коалицией, получившей равное число депутатских мест в Законодательной палате. Кабинет Министров осуществляет — руководство в экономической и социальной сфере государства, исполнение законов Республики Узбекистан, решений и указов Президента; издаёт постановления и распоряжения, обязательные для исполнения на всей территории страны. Кабинет Министров слагает свои полномочия перед вновь избранным парламентом страны.

Узбекистан действует независимо от законодательной и исполнительной власти, политических партий, иных общественных объединений. Судебная власть состоит из Конституционного суда Республики Узбекистан, Верховного суда Республики Узбекистан и его структурных подразделений Верховного суда Республики Каракалпакстан, областных, Ташкентских городских судов по гражданским и уголовным делам, межрайонных, районных, городских судов по гражданским и уголовным делам; Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан, Хозяйственного суда Республики Каракалпакстан, областных и Ташкентских городских хозяйственных судов. Срок полномочий судей гражданских, военных и хозяйственных судов - пять лет.

Надзор за точным и надлежащим исполнением законов на территории страны лежит на Генеральном прокуроре Республики Узбекистан и подчинённых ему прокуроров. Прокурор Республики Каракалпакстан назначается Жокаргы Кенесом и утверждается Генеральным прокурором. Срок полномочий прокуроров всех уровней - пять лет. Прокуратура Республики Узбекистан действует независимо от государственных органов и общественных объединений, подчиняясь только закону.

Представительными органами власти на местах являются Кенгаши народных депутатов, возглавляемые Хокимами, являющихся также высшими должностными лицами и представителями исполнительной власти на местах. В компетенцию местной государственной власти входит: обеспечение законности и исполнения законов, решение экономических, социальных, экологических вопросов на вверенной им территории.

Органами самоуправления в поселках, кишлаках и аулах, а также в махаллях городов, поселков, кишлаков и аулов являются сходы граждан, возглавляемые председателем и его советниками, избивающимися на срок 3 года. Кандидатура председателя согласовывается с хокимом.

На сегодняшний день в Узбекистане зарегистрированы пять политические партии - либерально-демократическая партия Узбекистана (УзЛиДеП), народно-демократическая партия Узбекистана, демократическая партии Узбекистана «Миллий тикланиш», социал-демократическая партия Узбекистана «Адолат» и Экологическая партия Узбекистана.

Узбекистан содержит необходимое и достаточное для обеспечения собственной безопасности, суверенитета и территориальной целостности Вооружённые силы. Вооружённые силы Республики Узбекистан состоят из сухопутных войск, военно-воздушных сил, войск противовоздушной обороны, войск особого назначения, инженерно-строительных войск и Национальной гвардии. Высшее руководство Вооружёнными силами осуществляет Президент, являющийся Верховным Главнокомандующим Вооружёнными силами Республики Узбекистан. Центральным органом управления является Министерство обороны.

Республика Узбекистан – светское государство, где живут представители различных религий и вероисповеданий. На сегодняшний день в стране по официальным данным зарегистрировано 2225 религиозных организаций, 16 различных религиозных конфессий. Столь разнообразная по составу этническая картина Узбекистана говорит и о том, что страна толерантна к вопросу религии и здесь мирно уживаются разные конфессии. Конституция Республики Узбекистан гарантирует свободу совести для всех. По Основному Закону республики каждый имеет право исповедовать любую религию или не исповедовать никакой (ст. 31 Конституции РУз).

Преобладающей религией в Узбекистане является ислам суннитского толка, который исповедуют 93% населения страны, за исключением 1% мусульман-шиитов, которые проживают на территории Бухары и Самарканда. Следующей по количеству верующих религией является христианство, причем оба его направления: как православие (4%), так и католицизм (3%).

В 2011 году в Узбекистане широко отмечалось 140-летие Русской Православной Церкви в Средней Азии. Православие пришло на эти земли в 1871 году, вместе с присоединением их к владениям Российской империи и указом Российского Императора Александра II, подтверждающим решение Священного Синода об учреждении независимой Ташкентской и Туркестанской епархии. В том же году был основан храм при Ташкентском госпитале. Сегодня он превратился в красивейший Свято-Успенский кафедральный собор – главный храм Ташкентской епархии. Большинство верующих приходят именно сюда, хотя в Ташкенте действуют еще несколько церквей (к примеру, церковь Александра Невского на Боткинском кладбище, храм патриарха Ермогена, храм великого князя Владимира). Немало красивых и старинных храмов в других городах Узбекистана – Самарканде (Свято-Алексеевский собор), Коканде (Храм Казанской иконы Божьей матери) и др.

Также в Ташкенте открыт Свято-Никольский женский монастырь (кстати, являющийся первым в Средней Азии) и Ташкентская духовная семинария.

По данным на первое полугодие 2014 года в Узбекистане 38 православных храмов, православных христиан более 600 тыс. человек.

Католическая конфессия в Узбекистане не столь многочисленна. Однако вот уже почти столетие в Ташкенте действует католический храм (костел) Святейшего Сердца Иисуса Христа, являющийся к тому же одной из достопримечательностей города.

К храмам других значимых конфессий в Узбекистане относятся также Армянская апостольская церковь и еврейские синагоги. Говоря о синагогах, стоит отметить бухарских евреев – отдельной группы евреев, проживающих на территории Средней Азии (особенно в Бухаре, отсюда и название). Еврейская община в Бухаре упоминается в источниках с XIII века. Евреи проживали здесь в отдельных кварталах и занимались ткацким и красильным ремеслом, занимались мелкой торговлей. Впоследствии бухарские евреи стали селиться большими диаспорами в Самарканде, Коканде, Андижане.

Литература

1.Мирзиёев Ш.М. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. 23 декабря 2017 года - Т: Узбекистан, 2018.

2.Мирзиёев Ш.М. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. 29 декабря 2018 года - . parliament.gov.uz 29.12.2018

ОИЛАДА МАЪНАВИЙ-БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

Жамалова Гулнора Гуломовна
Тошкент давлат иқтисодиёт университети, "Ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар" кафедраси доценти, сиёс.ф.н.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган маънавий ислоҳотлар баркамол авлодни тарбиялаш ва ёшларда янгича мустақил тафаккур тарзини шакллантиришда ўзига хос ўрин тутмоқда. Миллий мустақиллигимизнинг барқарорлигини, ижтимоий тараққиётимизни ўз миллати ва ҳалқини ардоқлайдиган, аждодлар қолдирган илму ҳунар сирларини мукаммал эгаллаган маданиятли, маънавиятли инсонларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, ёшлар маънавияти, уларнинг маънавий- ахлоқий етуклиги мамлакатимиз келажагини белгилайди. Бунда оиланинг ўрни ва роли беқиёсдир. Оила - жамият ўзаги ва негизидир. У ҳар бир халқ, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий қадриятлар ривожини таъминловчи, маънан етук, ахлоқан пок, руҳан соғлом ва жисмонан баркамол авлодни тарбияловчи муқаддас даргоҳдир.

Ҳар бир оиланинг келажаги ва истиқболи, унинг мустаҳкамлигига, соғлом турмуш тарзига боғлиқдир. Бу ўз навбатида халқнинг, жамиятнинг истиқболини белгилайди. Шу туфайли оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари мамлакат, жамият манфаати йўлида амалга ошириладиган энг муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онг шаклларидан бири - кишиларнинг ҳуқуқга, қонунга, одил судловга бўлган муносабатларини ифодалайдиган қарашлари, ғоялари мажмуидир. Ҳуқуқий онгнинг асосий ғоялари - қонунга мувофиқлик, одиллик, изчил демократизм, чинакам тенглик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жамият олдидаги мажбуриятлар билан узвий боғланган ҳолда ривожлантиришдир.

Ёшларда ҳуқуқий онгнинг, унинг асосий ғояларининг шаклланишида оиланинг роли беқиёсдир. Чунки инсон оилада туғилиб, камол топади. Оиласиз жамиятни, жамиятсиз эса оилани тасаввур этиб бўлмайди. Оила бу яшаш-турмуш тартиб қоидалари ва виждон ақидалари асосида миллий анъана, қадриятлар ва ахлоққа таянган муқаддас иттифоқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор" деган инсонпарвар тамойили мустақил давлатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида жуда муҳим ва долзарбдир.

Шундай экан, ёшлар маънавиятни юксалтиришда оилада соғлом муҳит ва ўзи яшаб турган жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик

ҳисси, фидойилик билан яшаши, энг муҳими мустақил ҳаётий позициясига эга бўлиши тақозо этилади.

Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор- номус, шарм - ҳаё, меҳру - оқибат, меҳнатсеварлик каби фазилатлар энг аввало оилада шаклланади. Қуръони карим ва ҳадисларда, Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний асарларида, шунингдек, Кайковуснинг «Қобуснома», Алишер Навоийнинг «Махбуб - ул қулуб» ва мумтоз адабиётимиздаги қатор дидактик асарларда ана шу инсоний фазилатларни кўрамиз.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни бўлган Конституцияда фарзандларнинг жамият, оила ҳамда ота - оналари олдидаги инсоний бурчлари ва масъулиятлари нималардан иборатлиги миллий қадриятларимиздаги асосий ғоя ва қоидаларга асосланиб белгилаб берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боб 63 - 66 моддалари оила муносабатларига бағишланган бўлиб, унинг 64 - моддасида ота–оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар, деб белгилаб қўйилди. Конституциянинг 66 – моддасида эса вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота - оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар деб ёзиб қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистонда ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар барча оилалар ва уларнинг фарзандлари қонун олдида ҳуқуқан бир хил мавқедадирлар, имтиёзлардан ҳам баб - баравар фойдаланадилар. Бу Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қонунлар билан кафолатлангандир.

Оиланинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятига нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам холис баҳо бериб келмоқда. ЮНЭСКО 1994 йилни–"Оила йили" деб эълон қилган эди. Оила манфаатларига қаратилган давлат сиёсати ҳозирги кунда ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Ҳеч бир мамлакатда оилага бунчалик катта ғамхўрлик кўрсатилмаган. Юртимизда барча ислоҳотларимизнинг мазмуни, "Инсон қадри учун" тамойилининг моҳияти ҳам айнан оиланинг ижтимоий негизини мустаҳкамлашга қаратилган. Унга асосан миллий қадриятларимиз, никоҳ ва оила муқаддаслигини таъминлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилашга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилади. Афсуски, бугунги кунда миллий анъана ва қадриятларимизни менсимаслик, миллий ва диний қарашлари ўзгача бўлган ёт халқлар ҳаётидан кўр-кўрона андоза олиш, "оммавий маданият" таъсирига берилиш ҳолатлари юртимизда асрлар давомида шаклланган оилавий муносабатларга путур етказмоқда. Буни айрим ёшларнинг оила, никоҳ

масаласига юзаки ёндашаётгани, фарзанд тарбиясига бепарволиги, ота-оналик бурчи ва масъулиятини чуқур англамаслигида кўриш мумкин. Оила – ўзаро ишонч, ҳурмат ҳамда меҳр-муҳаббат асосида бунёд бўлади. Оилада келажак эгалари дунёга келади, тарбия топади, ўзлигини англайди. Зеро, оила нафақат бир юртнинг, балки умуминсониятнинг катта сиёсатидир. Чунки башариятнинг тириклиги, узлуксизлиги – оиладан бошланади. Оиланинг муқаддас вазифаси – жамиятни соғлом ва иқтидорли авлодлар билан улаб боришдан ибрат. Бу – барча миллат, барча давлат, барча халқлар зиммасидаги шарафли вазифа.

Шахснинг энг юксак ахлоқий фазилатлари: камтарлик, мардлик, меҳрибонлик, интизомлилик, тежамкорлик, истеъдодлилик, мулойимлик, сахийлик, саховатлилик, тўғрилик, ҳаёлилик, ҳимматлилик, вафодорлик, латофатлилик ахлоқий маданиятнинг муҳим элементларидир.

Юқорида санаб ўтилган инсонга хос юксак ахлоқий фазилатлар ҳақида жуда қадимдан ҳозирги кунгача кўплаб олимлар ўз фикрларини билдирганлар.

Камтарлик – инсон ўзини бошқалардан устун қўймаслиги, барчага табақаси, мавқеи, бой-камбағаллиги, чиройли ёки хунуклигига, миллатига қарамасдан, ҳар қандай шароитда ҳам самимий, беғараз муносабатда бўлиши. Мардлик – бу қаҳрамонлик, жасурлик, ваъдага вафо, садоқат, бошлаган ишини якунига етказиш, ҳар қандай тўсиқларни енгиб, мақсадга эришиш.

Меҳрибонлик – инсонпарварлик, одамийлик, олийжаноблик, мардлик, саховатлилик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлиб, давлатга, ота-онага, турмуш ўртоғига, фарзандларга, дўст, биродарларга, қариндошуруғларга, устозларга, шогирдларга ғамхўрлик, меҳрмурувватли бўлиш.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда оилани мустахкамлаш ва унинг манфаатларини химоя қилишга бу қадар изчил ёндашилаётганлиги хамда давлат ахамиятига эга сиёсат даражасига кўтарилаётганлиги аслида унинг иқтисодий ижтимой, хуқуқий - маърифий фаолиятини белгилаб берган қонунлар қомуси "Ўзбекистон конституцияси"да ўз ифодасини топган.

"Оила жамиятнинг асосий бўғинидир, хамда жамият ва давлат мухофазасида бўлиш хуқуқига эга", деган 63-моддасига оғишмай амал қилинаётганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Адабиётлар

1.Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.:Мерос, 1993, – 223 б.

2. Абдуллаев М. Маданиятшунослик асослари.– Фарғона: 1998, – 180 б.

3. Ҳолматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. – Т.: Ўзбекистон. 2000, – 216 б.

4. Хоназаров Қ. Мустақиллик ва миллий муносабатларнинг ривожланиши. – Т.: ЎАЖБНТ Маркази. 2001, – 72 б.

5. Шайхова Х. Инсон ва унинг маънавий қиёфаси.– Т.: Ўзбекистон, 1993.

МАТЕМАТИК ТУШУНЧАЛАРНИ ЎҚИТИШДА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Кучкаров Мухиддин Умаралиевич – Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Андижон машинасозлик институти

Жамиятда ҳар қандай соҳанинг ривожланиши, юксакликка йўналиши шу соҳа мутахассисларининг интеллектуал салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Мутахассислар илмий ва амалий салоҳиятга эга бўлишларининг дастлабки босқичига олий таълимда эришадилар. Олий таълим муассасасининг нуфузи ҳам айнан, тайёрланаётган кадрларнинг сифатлилиги яъни, замонавий билимларни ўзида мужассам қила олганлиги, мустақил фикрга эгалиги ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эгалиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8-октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847 сонли фармонида кўзда тутилганидек, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш таълим тизимининг асосий вазифасидир[1].

Шундай экан, олий таълимда ўқув фанларининг таълим йўналишлари ва мутахассисликларга мос келувчи дастур асосида олиб борилиши катта аҳамият касб этади. Олий математиканинг тушунчаларини иқтисодий таълим йўналишлари, ишлаб чиқариш ва техник соҳа таълим йўналишлари, қишлоқ ва сув хўжалиги таълим йўналишлари, соғликни сақлаш ва ижтимоий таъминот таълим йўналишлари, ҳизматлар соҳаси таълим йўналишлари хусусиятларидан келиб чиқиб ўқув дастурларга киритиш жуда муҳимдир. Бундан ташқари, ҳар бир соҳада мавжуд оптимизация масалаларида математик тушунчалардан фойдаланишни талабаларга ўргатиш ғоят самарали ҳисобланади [5].

Оптималлаштиришга доир ушбу масалага эътибор қилайлик:

V ҳажмдаги бирор суюқликни жойлаш учун металлдан цилиндрсимон шундай идишлар тайёрлаш керакки, металл харажати энг кам бўлсин.

Масалани ечишда цилиндрнинг тўла сирти ва ҳажмини топиш формулалари керак бўлади:

$$V=\pi r^2 h,$$

$$S=2\pi rh+2\pi r^2$$

Бу ерда, r – цилиндр асосининг радиуси, h – цилиндрнинг баландлиги. Масаланинг шартига кўра, ҳажми V бўлган цилиндрлар ичида тўла сирти энг кичик бўлиши учун баландлик ва радиус қандай муносабатда бўлиши кераклигини аниқлаш керак. Юқоридагиларга асосан:

$$S= 2\frac{V}{r} +2\pi r^2$$

Яъни, S функция ҳосил бўлади. Ундан r бўйича минимумни топиш талаб этилади. Функциядан ҳосила оламиз ва нолга тенглаштирамиз:

$$S'= 2\left(-\frac{V}{r^2} + 2\pi r\right) = 0$$

Бундан, $2\pi r^3 =V$ тенгламага келамиз. Уни ечишдан олдин $\pi r^2= \frac{V}{h}$ формуладан фойдаланиб тенглама даражаси пасайтириб олинади. Натижада 2r=h муносабатни ҳосил қиламиз. Демак, масаланинг шартига кўра, цилиндрнинг баландлиги асосининг диаметрига тенг булиши керак.

Бу каби масалаларда шартлар таркибига яна қўшимчалар киритилиши билан натижа ўзгариб бораверади. Асосийси, фаолияти давомида шундай муаммоларга кўп дуч келадиган соҳа мутахассислари математиканинг юқорида келтирилган жихатларини мукаммал даражада ўрганишлари зарур.

Олий математикани ўқитиш билан талабаларнинг ишлаб чиқариш меҳнати ўртасидаги алоқаси – математикани тизимли ва кетма-кет ўрганишни ҳисобга олган ҳолда, биринчидан, меҳнатни талабалар томонидан математик қонуниятларни идрок этиш воситаси сифатида фойдаланишга имкон беради, иккинчидан, талабалар олдида ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини аниқлаб олишда математик билимларнинг аҳамиятини очиб беришга ва уларда ишлаб чиқариш жараёнида математик билимларни қўллай олиш кўникмасини ҳосил қилишга имкон беради.

Олий математикадан ўқув машғулотларини олиб борадиган профессор-ўқитувчилар таълим йўналишларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўқитишни шундай ташкиллаштиришлари зарурки, бунда талабалар ўқув ишларини ҳар томонлама, барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда фаоллаштирсин. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг илғор тажрибалари кўрсатмоқдаки, бўлғуси мутахассисларнинг ўқув фаолиятида билим ва умум-касбий тайёргарлик сифатини оширишнинг муҳим шарти сифатида мустақил таълим олиш кўникма ва малакасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда асосий мақсад, узлуксиз таълим тизимида мустақил таълимни ташкил қилишнинг педагогик технологияларини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнида тўлиқ қўллаш механизмини яратиш, унинг асосида бўлғуси мутахассисларда янги билимларни қидириш учун ахборотлардан унумли фойдаланиш, йиғилган ахборотлар асосида эса янги маълумотлар базасини яратиш ва қобилиятини шакллантириб ривожлантиришдан иборатдир[3].

Таъкидлаш жоизки, таълим олувчиларнинг мустақил таълим олишлари муаммоси олим-психологлар, педагоглар, дидактлар томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Уларнинг тадқиқотлари таълим олувчиларнинг ўқув жараёнидаги мустақил таълимнинг дидактик мақсадларини умумий кўринишда шакллантиришга имкон яратади.

Талабанинг фикрлаш фаоллигини ва ижодий ташаббускорлигини ривожлантириш, билимларни, кўникма ва малакаларни такомиллаштириш учун содда амалий масалалардан мураккабларига аста-секинлик билан ўтиш керак бўлади. Бунда таълим йўналишларининг хусусиятларини ҳисобга олиш, иш турларининг мазмунини ўйлаган ҳолда турлилаштириш, уларга "янгилик" элементларини киритиш, таълим олувчиларда фаолият предметларини (объектларини) ҳар томонлама ўрганишга нисбатан қизиқиш уйғотиш, вазиятларни кенг кўламли муҳокама қилиш ва баҳолаш, орттирилган интеллектуал кўникмалардан кейинги ўқув ишларида оқилона фойдаланишларини эътиборга олиш лозим.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8-октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847 сонли Фармони.

2. Тожиев М. Ўқитувчи фаолиятини лойиҳалаш: Узлуксиз таълимда модулли технология (Монография) //Т.:«TURON-IQBOL»,2017. −246 б.

3. Қўчқаров М.У. Мустақил таълимнинг турлари ва улар асосида олий математикани ўқитиш// "Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў".– №5. Нукус, 2019.

4. Аҳлимирзаев А., Қўчқаров М., Зулфихаров И., Ибрагимов М. Олий математика (2 - қисм)/Ўқув қўлланма //Т.:"Step by step print" 2017.

5. Розиков У.А., Маматова Н.Ҳ. Математика ва турмуш. Илмий-оммабоп ўқув қўлланма // Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриёти, 2020.

ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Махмудов Мираббос Фазлитдинович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
илмий-тадқиқот маркази ходими, PhD

Ҳозирги вақтда республикамиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим тармоқлардан бири саналган – тўқимачилик саноати тараққиётига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу билан биргаликда, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш масаласи долзарблигича қолмоқда. Шунинг учун пахта толасига чуқур ишлов бериш натижасида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳукуматимиз жиддий эътиборини қаратмоқда. Шу сабабли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... **таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш,** ...» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган [1]. Ушбу муҳим вазифаларни муваффақиятли бажариш учун Корхоналарда маркетинг хизмати самарали фаолият юритиши учун, аввало, бозор ўзгаришларига мосланувчан таркибий тузилмани шакллантириш лозим бўлади.

Республикамиз олимларидан Шарифхўжаев М. ва Абдуллаев Ё.лар томонидан менежмент таълимотининг умумий масалалрини ўрганиш доирасида бошқариш ташкилий тузилмасининг асосий типи сифатида чизиқли ва вазифавий турлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар бирикиши асосида турли хил чизиқли-вазифавий тузилмалар таркиб топади [2].

Ковалев А.И. томонидан саноат корхоналарнинг маркетинг фаолиятини бошқариш мақсадлари мажмуи ўрганилган [3]. Котлер Ф. маркетинг бошқарувини "корхона мақсадларига эришиш учун мақсадли мижоз билан фойдали муносабатларни яратиш, сақлаш ва кэнгайтиришга қаратилган дастурларни таҳлил қилиш, режалаштириш, амалга ошириш ва назорат қилиш", - деб эътироф этади [4].

Данко Т.П. "маркетингни бошқариш" тушунчасини маълум технология ёрдамида ва мақсадларга эришиш усуллари тизимидан фойдаланган ҳолда бошқарув объектининг (корхонанинг муайян эгасининг фаолияти) бошқарув объектига таъсирини ўз ичига олган мақсадли ҳаракат сифатида белгилайди [5].

П. С. Завьяловнинг ёзишича, корхонада маркетингни бошқариш мураккаб кўп ўлчовли муаммо бўлиб, уни ҳал қилиш фақат ҳар томонлама ва тизимли ёндашув, бошқариш объекти, вазифалари ва усулларини аниқ белгилаш билан амалга оширилиши мумкин [6].

Маркетинг фаолиятини бошқариш тузилмаси - бошқарув объектлари ва субъектлари ўртасидаги бошқарув муносабатларининг бўйсуниши, улар изчил бўйсунишда жойлашган ва муайян ҳуқуқларга эга бўлган бўлинмаларнинг таркиби ва ахборот муносабатларини тавсифлайди. Маркетинг хизматларининг

намунавий тузилмалари (чизиқли, дивизионал ва матрица) Ф. Котлер томонидан батафсил баён этилган [7]. Бугунги рақобат муҳитида корхоналар кучли рақобатга бардош бера оладиган тузилмалар учун янги вариантларни излайдилар.

А.Тиллаходжаев томонидан тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини ошириш масаласини ўрганиш жараёнида тўқимачилик корхоналарида маркетинг бошқаруви ҳолати ўрганилган [8].

Бу соҳадаги саволлар кўпинча иқтисодиётда турлича талқин қилинади. Буни маҳаллий ва хорижий олимлар ҳамда мутахассислар ўртасида маркетинг тизимини яратиш ва фаолият юритишнинг ягона услубияти йўқлиги исботлайди. Шунинг учун ҳар бир корхона ўз маркетинг хизматини шундай яратадики, у маркетинг мақсадларига эришиш йўлида ўз ҳиссасини қўшади.

Илмий-тадқиқот мавзуга оид хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар изланиш натижаларига таянилди ва статистик, танлаб кузатиш, таққослаш, экспертлар баҳоси каби усуллардан фойдаланилди.

Маркетинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганилаётган тўқимачилик-трикотаж саноати корхоналарининг стратегик мақсадларини муваффақиятли амалга оширишда бошқаришнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва шу орқали корхоналарнинг ташкилий-ишлаб чиқариш таркибини яхшилаш мумкин бўлади.

Шунинг учун тўқимачилик корхоналари ташкилий-ишлаб чиқариш таркибини ўрганишни лозим топдик. Ўрганиш объекти «WILLING TEXTILE" масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) саналади.

«WILLING TEXTILE" МЧЖ асосан кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Масъулияти чекланган жамият бошқарувчиси бошқарув раиси саналади, унинг иккита ўринбосари мавжуд: ишлаб чиқариш фаолияти бўйича ва маркетинг ҳамда тижорат фаолияти бўйича.

Ўрганилаётган «WILLING TEXTILE" МЧЖнинг ташкилий-бошқарув тизимини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ушбу масъулияти чекланган жамиятда, умуман бошқа "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси таркибида фаолият олиб бораётган корхоналарда бошқарув тизими "чизиқли-вазифавий" бошқарув типига мос келади. Тикувчилик корхонасида маркетинг хизматини самарали ташкил этилишида унинг мақомига етарлича эътибор қаратилмаган. Маркетинг хизмати фақат бўйсинувчи тартибдаги вазифаларни баажаради, холос. Ишлаб чиқаришни бу шаклда ташкил этиш ва бошқаришни тез ўзгарувчан бозор конъюнктурасига тезкорлик билан жавоб беришга, уни тўғри баҳолаш орқали самарали бошқарув қарори қабул қилишга қодир эмаслиги кўриниб турибди.

Ўрганилаётган «WILLING TEXTILE" МЧЖда маркетинг хизмати бошқаруви "вазифавий-товар" шаклида олиб борилади.

Вазифавий ташкил этиш маркетинг ҳар хил соҳаларидаги мутахассисларнинг маркетинг хизмати бошлиғига бўйсуниш тартибида амалга оширилади. Маркетинг бўлими бошлиғи МЧЖ бошқаруви раисининг маркетинг ва тижорат фаолияти бқаруви раисининг маркетинг ва тижорат фаолияти бўйича ўринбосарига бўйсунади. Ушбу тикувчилик корхонасидаги мавжуд маркетинг хизматининг "вазифавий-товар" шаклида тез ўзгарувчан бозор шароитига мос кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқаришига етарлича имконият бермайди.

Шунинг учун ушбу тадқиқот жараёнида "WILLING TEXTILE" МЧЖ «WILLING TEXTILE" МЧЖ, умуман кўплаб тўқимачилик корхоналари учун ўзгарувчан бозор иқтисодиётида кучли рақобат шароитида маркетинг натижадорлигини бошқариш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган муқобил маркетинг хизматини ташкил этишнинг таркибий тузилмасини шакллантириш масаласи экспертлар баҳоси усулини қўллаб ҳал этилди.

Экспертлар сифатида "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасининг 9 та етакчи мутахассислари танлаб олинди. Ушбу экспертлардан қуйидаги бошқарув тузилмаси шаклларига баҳо бериш сўралади:

1. Мавжуд маркетинг хизматининг "вазифавий-товар" шакли;
2. Бозор ўзгаришларига мосланувчан "товар-бозор" шакли;
3. Маркетинг хизматининг "чизиқли-штаб" шакли.

Экспертлар томонидан танланган маркетинг вазифаларининг 8 та кўрсаткичлари ҳар бири муҳимлиги даражаси бўйича 10-балли тизимда баҳоланди. Шундан сўнг, ҳар бир маркетинг вазифасини бажарилиши юзасидан учта маркетинг хизмати шакли 5-балли тизимда баҳоланди. Экспертлардан олинган маълумотларни қайта ишлаш асосида ушбу тўқимачилик корхонаси учун маркетинг натижадорлигини бошқариш самарадорлигини таъминлайдиган "товар-бозор" шакли таклиф этилди.

Тикувчилик корхоналарида мавжуд маркетинг хизматини ташкил этишнинг "вазифавий-товар" шаклидан "товар-бозор" шаклига ўтилиши бозор конъюнктурасини атрофлича татқиқ этиш, истеъмолчилар хатти-ҳаракатидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда маркетинг фаолияти натижадорлигини бошқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган тарзда истеъмолчилар талабини тўлароқ қондиришни таъминлайдиган кенг ассортиментдаги юқори сифатли тикув буюмлари ишлаб чиқаришга имконият беради.

Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида тўқимачилик корхоналарида маркетинг бошқаруви таркибий тузилмаси самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

тўқимачилик корхонасида бошқарувнинг таркибий тузилмасини бозор ўзгаришларига мосланувчан тарзда шакллантирилиши лозим;

тўқимачилик корхонаси бошқарув таркибий тузилмасида маркетинг хизмати мақомини ошириш;

маркетинг хизматини ташкил этишнинг "вазифавий-товар" шаклидан "товар-бозор" шаклига ўтилишини таъминлаш;

тўқимачилик корхоналарида маркетинг натижадорлигини бошқаришни замонавий бошқарув дастак ҳамда усулларини қўллаш асосида ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони // Lex.uz.

2. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент : Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. – 704б.

3. Ковалев А.И. Промышленный маркетинг. М.: «Благовест-В», 2002. - Ч. 2. - 312 с.

4. Котлер Ф. Маркетинг от А до Я: 80 концепций, которые должен знать каждый менеджер. М.: Альпина Паблишер, 2010. - 211 с.

5. Данько Т.П. Управление маркетингом / Т.П. Данько. - М.: ИНФРА. - М, 2015. - 352 с.

6. Завьялов П.С. Маркетинг в схемах, рисунках, таблицах. М.: ИНФРА-М, 2002. - 496 с.

7. Котлер Ф.М. 300 ключевых вопросов маркетинга. М: Олимп-Бизнес, 2006. - 224 с.

8. Тилляходжаев А.А. Тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегиялари. Иқт. Фанлари бўйича ф.ф.д (PhD) илм. Дараж. олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Т.ТДИУ, 2018. – 24б.

НОФИЛОЛОГИК ЙЎНАЛИШДАГИ ТАЛАБАЛАРГА ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШДА МАТННИНГ АХАМИЯТИ

Урунова Шахло Рафиковна
Андижон машинасозлик институти докторанти

Нофилолгик йўналишдаги талабаларда чет тилидаги ўзларининг сохасига тегишли матнларни тушунишларида ўз сохалари бўйича билимга, ўрганилаётган тилнинг умумий лингвистик аспектларини, хусусан грамматик, фонетик нормаларни билиши, шунингдек терминларни тушуна олиш идрокига эга бўлишлари керакдир. Бу эса ўз навбатида тил ўрганиш қобиляти деб аталувчи психологик омил хисобланади. Матн-психолингвистика фанининг тадқиқ қилинувчи обьектларидан биридир. Матндан талаба маълум тилдаги элементлар орқали маълумотни олади. *Матн*- мураккаб динамик, изчил, коммуникатив лингвистик ва лингвистик бўлмаган, кетма-кетлик билан тартибланган муайян мазмунни ифодаловчи воситалар (белгилар ёки тасвирлар) орқали умумий маъно билан бирлаштирилган ва тушуниш мумкин бўлган мураккаб ходиса [7.18].

Фарнан Н таъкидлайдики, ўқувчиларнинг ўқишга бўлган муносабати матнни тўғри тушуна олиш қобилятига таъсир қилувчи фактордир ва ўқувчиларнинг ўқишга мойиллиги, уларнинг муносабати, мотивацияси ва қизиқиши ўрталарида боғлиқликлар мавжудлигини айтиб ўтади [3.436].

И.А.Зимная матнларни ўқиб тушунишнинг қуйидаги даражларини таклиф қилади:

-қабул қилувчининг фақат матн нима ҳақида эканлигини тушуниши, яъни,асосий ғояни матн ичидан топиши;

-фақатгина матн умумий маънода нима хақида эканлиги эмас, балки матн ичида қандай ахборот берилаётгани;

-матн ичидаги тарқалган ғоялар ўртасида боғлиқликларни ўрнатиш;

- мавзуни, ўрганилаётган нарсанинг табиатини чуқур идрок этиш; [6.254].

Ж.Жалолов матнни ўқиб тушунишда 3 хил психологик механизмни кўрсатиб ўтади: 1) антиципация (олдиндан фахмлаш)-матннинг нима хақидалиги олдиндан фахмланади; 2) тахмин қилиш-хотирада яхши сақланмаган ёки янги луғат матнда учраганда машқлар орқали уларнинг маъноси тахмин қилинади; 3) мантиқий тушуниш-матнни мазмунан параграфларга ажратиб, уларни мантиқан фахмлаш киради [5.221].

Нофилологик йўналишдаги талабаларга инглиз тилини ўргатиш жараёнида асосан кўпроқ соф аутентик матнларга мурожаат қилинади ва ўқувчилар бу матнлардаги асосий ғояни англаши ва ўз мутахассислиги бўйича маълумот олиб бориш билан биргаликда терминлар билан ишлаб, уларда лексик кўникмаларни шакллантириш мухим устувор вазифа хисобланади. Чет тили ўрганиш жараёнида талабалар соф аутентик матнларда ва аудиоматнларни тинглаш давомида терминларни учратади ва матнларни ўқиш ва тинглаш жараёнида бу терминларни аввал ташқи нуткда ўзлаштириб, кейин ички нутқга кўникма сифатида шакллантирадилар. Соф аутентик матнларни ўқишда уни тушуниш талабалар ўртасида фарқланиши мумкин.Чунки талабаларда фақат турли хил мотивация, балки турли психологик нуқтаи назар ва ўқиш мақсадлари бир биридан фарқланади.Олим Язданпах таъкидлагандек, агар шахс психологик қарашни тўғри йўналтирса, улар матнни мувафақиятли тушунишлари мумкин [4.64]. Аутентик матнлар маълум бир ижтимоий мақсадни амалга ошириш учуни яратилади. "Аутентик" атамаси илк бор дарсликлардаги тайёр матнларга нисбатан қўллана бошлаган. Аутентик матнлар талабаларнинг нафақат коммуникатив қобилятини, балки маданий компетенциясини оширишга ёрдам беради, шунингдек бу турдаги матнлар реал хаётда учрайдиган сўз бирикмалари ва ибораларни ўз ичига олган бўлиб, шу тилда она тили сифатида гаплашувчи халқи учун яратилган бўлади [2.274]. Хозирги кунда талаба ва ўқитувчилар аутентик матнлар билан ишлашга қизиқиш билдирмоқда, чунки аутентик материаллар тил ўрганаётган давлатнинг халқига хос тил ва услубда берилиб, бу талабанинг мотивациясини ошишига ва бундай "реал" текстларни ўқиш уларда

ишончни кучайтиради. Аутеник матнлар дарсликларга рекламалар, рисолалар, менюлар, кундалик ҳаётда ишлатиладиган жадваллар, рецептлар, қўшиқлар, газеталарда ва журналлардаги мақолалар, фильмлар, кино трейлерлар, расмлар, ҳужжатли фильмлар, интервюлар, турли хил эшиттиришлар шаклида киритилади. Киорни Илиана ва Диана Татьяна аутентик матнларнинг қуйидаги афзалликларини санаб ўтишган: 1) аутентик матнлар талаблар учун тил ўрганаётган давлат халқи ишлататадиган лексикаси билан берилади; 2) талабалар реал вазиятларда учрайдиган матн билан ишлаганда ўзларига ишончи кучаяди ва шундай вазиятларга юзма-юз дуч келганда хам ўзларида осон мулоқот олиб бориш кўникмасига эга эканлиги хақида хиссиёт уйғонади; 3) реал хаётдаги материаллар норасмий ва ижтимоий муносабатларга қаратилган бўлиб, дарсликлар методик таъминотига тўғри келади [2.276]. Нофилологик олийгохларда хам чет тилида тинглаш ва ўқиш кўникмаларини шакллантиришда аутентик матнлардан фойдаланиш жараёнида талабаларда коммуникатив ва касбий компетентликни ошириш билан бир қаторда уларда асл чет тилини ўрганаётганлик ва дарсда хақиқий реал машғулот олиб бораётганлик, шунингдек мутахассислиги доирасидаги вазиятларда иштирок этаётганлик хиссиёти пайдо бўлади [1.56] .

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиламизки, нофилологик йўналишдаги талабаларга чет тили ўқитишда матнлар билан ишлаш яхши самара беради деб айта оламиз ва айниқса, аутентик манлар талабаларнинг касбий компетенлигини оширишда ва мутахассислигига доир терминларни ўзлаштиришда ўрни каттадир.

Адабиётлар:

1. Brown, D. H. (2007). Teaching by Principles: An Interactive Approach to Language Pedagogy. White Plains, NY: Longman (311 p)
2. Ciornei, Ileana & Dina, Tatiana. (2015). Authentic Texts in Teaching English. Procedia - Social and Behavioral Sciences. 180. 274-279. 10.1016/j.sbspro.2015.02.116.
3. Farnan, N. (1996). Connecting adolescents and reading: Goals at the middle level. Journal of Adolescent and Adult Literary, 39(6), P.436-445.
4. Yazdanpanah, K. (2007). The effect of background knowledge and reading comprehension test items on male and female performance. The Reading Matrix. 7(2), P.64-80.
5. Ж.Жалолов Чет тили ўқитиш методикаси –-Т,2012-432 б
6. Зимная И.А. 2001. Лингвопсихология речевой деятельости.М.: Московский-психолого-социальний институт, Воронеж: NPO «MODEK». 432 p. ISBN 5-89502-253-257 стр

7. О.И. Уланович Психолингвистика- электронный учебно-методический комплекс по учебной дисциплине для специальности 1-21 06 01-02 «Современные иностранные языки (перевод)» -Беллоруссия-2015-18-20 стр

ТАЪМИНОТНИНГ ЛОГИСТИК ҲАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Хожибоев Мухиддин Шодимухамедоич – Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти доценти,
Хасанов Оятилло – Андижон хўжалиги ва агротехнологиялар институти талабаси

Кохонанинг бозорда ўзига хослигига эришиши кўп жиҳатдан логистика харажатларни камайтиришга эътибор қаратишига, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида унинг жорий ва стратегик режасига таъсири нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши керак. Бухгалтерия ҳисобида харажатларни назорат қилиш учун бошқарув ҳисоби ва хусусан унинг "харажатлар ҳисоби" деб номланган бўлими ишлатилади.

Бухгалтерия ҳисоби харажатларни "ютувчи" ёндашув билан тавсифланади; ишлаб чиқариш харажатлари зарур ва маҳсулот таннархига киритилиши керак деган асосга асосланади. Ҳақиқий ишлаб чиқариш учун логистика ва сотиш харажатлари зарур бўлмагани учун улар кўпинча маҳсулот таннархига киритилмайди. Бухгалтерия ҳисоби ишлаб чиқариш ўзгариши ҳисобига бирлик харажатларининг кенг доираси билан тавсифланади: ишлаб чиқариш қанчалик кичик бўлса, бирлик харажатлари шунча юқори бўлади ва аксинча. Доимий сотиш нархи ва бирлик харажатлари ўзгарганда, ишлаб чиқариш бир даврда даромадли бўлиши мумкин, бошқа даврда эса зарар кўриши мумкин. Даромадлиликнинг ўзгариши нарх ва тарқатиш стратегиясини ишлаб чиқишни сезиларли даражада мураккаблаштиради.

Қачон рентабеллик пасаяди, нархлар кўтарилади, бу талабнинг пасайишига олиб келади, кейин эса – фойдага эришилади. Бу манфий комбинация қанчалик кучли бўлса, бирлик харажатларининг улуши шунча катта бўлади. Логистика харажатларини минималлаштириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили масалалари бошқа харажатлар турларига қараганда энг қийин ҳисобланади.

Харажатларни бошқариш корхона томонидан юқори иқтисодий натижаларга эришиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Нафақат харажатларни камайтиришга, балки бошқарувнинг барча элементларига ҳам тааллуқлидир. Харажатлар концепцияси учта муҳим нуқтага асосланади.

Харажатлар ресурслардан фойдаланиш усули билан белгиланади. Улар маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш пайтида моддий бойликларнинг логистика функцияларига қанча ва қандай ресурслар сарфланишини акс эттиради. Амалдаги ресурслар миқдори табиий ва пул бирликларида ифодаланиши мумкин. Харажатларни аниқлаш ҳар доим аниқ мақсад ва вазифалар билан боғлиқ. Пул кўринишида ишлатиладиган ресурслар миқдори корхонанинг маълум бир функцияси ёки ишлаб чиқариш бирлиги учун ҳисобланади.

Харажатларни бошқариш ҳар қандай объектни бошқаришга хос бўлган барча функцияларни бажаришни ўз ичига олади, яъни қарорларни ишлаб чиқиш (қабул қилиш) ва амалга ошириш, шунингдек уларнинг бажарилишини назорат қилиш. Харажатларни бошқариш функциялари бошқарув цикли элементлари орқали амалга оширилади: прогнозлаш ва режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва тартибга солиш, амалга оширишни фаоллаштириш ва рағбатлантириш, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил. Харажатларни бошқаришнинг асосий тамойиллари амалиётда ишлаб чиқилган ва логистика харажатларини бошқаришда қўлланилади. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- харажатларни бошқаришга тизимли ёндашув;
- харажатларни бошқаришнинг турли даражаларида қўлланиладиган усулларнинг бирлиги;
- маҳсулотнинг ҳаёт айланишининг барча босқичларида – яратилишдан тортиб то чиқишгача бўлган харажатларни бошқариш;
- юқори сифатли маҳсулотлар ва хизматлар билан харажатларни камайтиришнинг комбинацияси;
- кераксиз харажатларнинг олдини олиш;
- харажатларни камайтиришнинг самарали усулларини кенг жорий этиш;
- харажатлар даражаси тўғрисида маълумот олиш орқали такомиллаштириш;
- тизимнинг ишлаб чиқариш бирликларининг қизиқишини ошириш.

Тизимли ёндашув ўз ифодасини топади, масалан, харажатларни бошқариш самарадорлиги тизимнинг энг заиф бўғини самарадорлиги билан баҳоланади. Харажатларни рационализация қилишнинг паст даражаси, ходимларни уларни камайтириш мотивацияси ва рағбатлантиришининг сустлиги, ҳажмнинг етарли эмаслиги ва сифат таҳлилининг қониқарсизлиги, менежмент эҳтиёжларига жавоб бермайдиган харажатларни ҳисобга олиш тизимининг заифлиги – муқаррар равишда моддий бойликлар воситаларининг ишлашига таъсир қилади. Харажатларни бошқаришнинг барча тамойилларига риоя қилиш корхонанинг иқтисодий рақобатбардошлиги учун асос яратади, бозорда етакчи ўринларни эгаллайди.

Логистика харажатларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш уларни камайтириш йўлларини излаш учун зарур асосдир. Рақобат шароитида бу корхонанинг рақобатдош устунлигини таъминлаш усулларидан биридир.

Адабиётлар

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017. strategy. regulation. gov.uz.

2. Неруш Ю.М. Логистика: учебник для вузов. - 2-е изд., перераб. И доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. -389 с.

3. Гаджинский А. М. Логистика: Учебник для высших и средних специальных учебных заведений.— 2-е изд.— М.: Информационно-внедренческий центр "Маркетинг", 1999. — 228 с.

4. С.С.Ғуломов, Ю.Т.Додобаев, М.О.Осмонов. Логистика. – Олий ўкув юртлари талабалари учун кўлланма. Тошкент-2001й.

5. Экономика предприятия: Пер. с нем. – М. : ИНФРА – М, 2011.- XVI, 928 с.

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ АХБОРОТ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРКИБИ.

Л.Р.Чинбердиева –АҚХАИ,таянч докторант

Аннотация: Ушбу мақолада хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий таҳлилнинг ахборот манбалари, уларнинг гуруҳланиши, таркиби ёритиб берилган бўлиб, бошқарув қарорларини қабул қилишда уларнинг аҳамияти ва ўрнига эътибор қаратилган.

Корхоналарнинг фаолият юритишидан асосий мақсад фойда олиш, бозорда ўз ўрнига эга бўлишдир. Бунинг учун корхоналар мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга, ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга, ишончли ҳамкорлар топишга мажбурдирлар. Корхона фаолиятини таҳлил қилиш ана шундай муаммоларни ҳал қилишнинг энг тўғри йўли ҳисобланади. Таҳлил ўтказиш учун керакли бўлган ҳужжатлар, маълумотлар таҳлилнинг ахборот манбаларини ташкил этади. Ахборот манбалари қанчалик даражада ишончли бўлса, таҳлил натижаси ҳам шунчалик самарали бўлади. Иқтисодий таҳлилнинг ахборот манбалари таҳлил ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар тўпламидир.

Иқтисодий таҳлилнинг ахборот манбаларининг туркумланиши



1-расм

Меъёрий-ҳуқуқий манбаларга Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва Низомлари, Президент қарорлари ва фармонлари, Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Солиқ кодекси, Меҳнат кодекси, корхонанинг ҳисоб сиёсати кабилар киради. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши таҳлилнинг ахборот манбасини ишончлилигини оширади. Ишончли маълумотлардан самарали бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Меъёрий-ҳуқуқий манбаларининг туркумланиши

2-расм

Бизнес режа маълумотларига корхонанинг жорий йил режаси ва истиқбол режаси киради. Жорий йил режасида ҳисобот йил давомида амалга ошириладиган вазифалар, эришиладиган иқтисодий кўрсаткичлар белгиланади. Истиқбол режасида корхонанинг келгусидаги уч йил ёки беш йил давомида амалга оширилиши кутилаётган мақсадлари кўрсатилади. Бизнес режа маълумотларини таҳлил қилиш белгиланган мақсадларга қай даражада эришилаётганлигини аниқлаб беради ва корхонанинг келажагини прогнозлаш имкониятини беради. Жорий йилни таҳлил қилиш натижасида корхонанинг қисқа даврдаги фаолияти баҳоланади. Лекин, корхонанинг узоқ йиллик фаолиятини баҳолаш имконияти бўлмайди. Истиқбол режасининг тўғри тузилиши ва бажарилишини таҳлил қилиш, корхонанинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда стратегик қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Бизнес режа маълумотларининг туркумланиши

3-расм

Ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари иқтисодий таҳлилнинг энг кўп қўлланиладиган ахборот манбаларига киради. Ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари асосида корхонанинг барча иқтисодий жараёнларига баҳо бериш имконияти яратилади. Корхонанинг таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари, молиявий натижа ва молиявий ҳолат таҳлилининг барчаси ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари ёрдамида ўрганилади.

Ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг туркумланиши

4-расм

Таҳлил қилинаётган жараённи кенгроқ ўрганиш, аниқроқ хулоса бериш мақсадида ҳисобдан ташқари маълумотлардан фойдаланилади. Ҳисобдан ташқари маълумотлар оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиши мумкин. Улар қаторига йиғилиш баённомалари, ўтказилган сўровнома натижалари, ишчи ва ходимларнинг аризалари, билдиргилари, тушунтириш хатлари кабилар киради.

Демак, иқтисодий таҳлилнинг ахборот манбалари бир-бири билан боғлиқ, бири бошқасини тўлдириб боради. Улардан тўғри фойдаланиш корхона фаолиятига тўлиқ ва аниқ баҳо бериш имконини беради, ҳамда корхонанинг ривожланиш стратегиясини белгилашда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Вахобов А.В, Иброхимов А.Т, Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. - Т.: «Шарк», 2005. – 479 б.

2. Пардаев М.Қ, Хасанов Б.А, Исроилов Ж.И, Пўлатов М.Э, Эшбоев Ў.Т, Ҳолиқулов А.Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Ўқув қўлланма. Т.:«Чўлпон», 2012. -402 б.

3. Шеремет А.Д. Управленческий учёт: Учебное пособие М.: ФБК-ПРЕСС, 2000. -512 б.

4. Вахрушина М.А. Управленческий анализ. –М: Омега-Л, 2010. 399 б.

5. Абдуллаев Ё, Иброҳимов И. Иқтисодий таҳлил "100 саволга 100 жавоб": Ўқув ва методик қўлланма. Т.: "Меҳнат", 2001. -320 б.

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНГ ЎРНИ

Аъзамов Сулаймон Маматисакович
Андижон машинасозлик институти доценти,
иқтисодиёт фанлари номзоди

Аннотация: В статье анализируется проблема занятости. Проблема трудоустройства в Узбекистане очень актуальна, потому что сегодня происходят изменения во всех сферах жизни общества - политической, экономической, социальной и духовной. Эти изменения оказали особенно сильное влияние на сектор труда, формирование рынка труда и систему занятости.

Мавзунинг долзарблиги. Мавзунинг долзарблиги шундаки, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожланишининг ҳозирги босқичида аҳолини иш билан таъминлаш ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим шартларидан биридир. Бандлик инсоният ижтимоий ривожланишининг унинг меҳнат дунёсидаги эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ энг муҳим жиҳатларидан бирини очиб беради. Шунинг учун ҳам аҳолининг иш билан бандлиги, ишсизлиги, меҳнат фаолияти учун зарур ресурслар ва умуман, меҳнат бозори сингарилар билан боғлиқ муаммолар мамлакат иқтисодиёти учун долзарб бўлиб ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дж. Акерлоф, С. Брю, Н. Д. Кларк, А. Котляр, П. Максон, А. Смит, П. Фридман Р. Эренберг ва бошқа каби хорижий иқтисодчи олимлар томонидан бандликни назарий асослари, иқтисодий моҳияти ва илмий жиҳатлари ўрганилиб чиқилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бандликни ошириш муаммоси Адамчук В.В., Горелов Н.А., Куликов В.В., Колосов Р.П., Слезингер Г.Э., Заславская И.К., Никифорова Д.А., ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар А.А.Абдуғаниев, Н.С.Алиқориев, Р.А.Убайдуллаева, К.Х.Абдурахмонов, Ш.Р. Холмуминов ва бошқалар меҳнат ресурслари, ишсиэлик муаммоси, бандлик борасида илмий изланишлар олиб борганлар.

Мақоланинг методологик асослари меҳнат бозори таҳлили, бандлик ва саноат тармоқларини ривожлантириш бўйича маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий изланишларидир. Мақолани тайёрлашда статистик таҳлил, статистик гуруҳлаш, каби усуллардан фойдаланилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва тартибга солиш ҳақида янги таҳрирда 1 май 1998 йилда қабул қилинган "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги 616-I-сонли қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасиниг қонунининг 2-моддасида Иш билан таъминланиш- фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятидир деб таърифланган[1].

Ҳар бир давлатнинг шу жумладан Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсади аҳолининг турмуш ва ҳаётни сифат даражасини ошириш ҳисобланади.

Бандлик инсоният ижтимоий ривожланишининг унинг меҳнат дунёсидаги эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ энг муҳим жиҳатларидан бирини очиб беради. Бандликнинг ижтимоий-иқтисодий категорияси сифатида у фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ фаолиятини тавсифлайди.

Ишсизлик нафақат ишини йўқотган инсонга ва унинг оиласига, балки давлат иқтисодиётига ҳам салбий таъсир қилади, чунки, бюджетга жисмоний шахслар тўлайдиган даромад солиғи тушумлари камаяди ҳамда давлат харажатлари кўпаяди, яъний кам таъминланган оилалар учун ижтимоий химоя учун ҳаражатлар кўпаяди. Шунингдек, иқтисодий тадқиқотчилар кўрсатганидек, узоқ муддатли ишсизлик ишчиларнинг иш ҳақи даражасини пасайтиради.

Ишсизлик ва иш билан таъминлаш ҳар бир инсонга бевосита ва кучли таъсир кўрсатадиган энг муҳим макроиқтисодий муаммолар қаторига киради. Аксарият одамлар учун ишдан маҳрум бўлиш беқарор иқтисодий вазият ва турмуш даражасининг пасайишини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига асосан банд аҳолининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонига нисбати 2021 йилда 67,3 фоизни ташкил этади, бундан келиб чиқадики 32,7 фоиз меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли фаол иш билан банд эмас. Ҳудудлар кесимида бандликни тахлил қилсак, энг паст даражаси Жиззах (61,5%), Наманган (63,8%), Қашқадарьё (64,8%), Сурхандарьё (65,2%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасига (62,9) тўғри келади. Аксинча бандлик бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри (78,4%) ва Тошкент вилоятига (72,1%) тўғри келади.

Юқоридаги рақамлар иш жойларини яратишда республикамизни қайси вилоятларига катта эътибор бериш кераклигини кўрсатадиган индикаторлар десак бўлади.

Лекин бу рақамлардан республикамизнинг 32,7 фоиз аҳолиси иш билан банд эмас деган ҳулоса тўғри бўлмайди. Чунки 32,7 фоиз аҳолини таркибида кундузги таълимда ўқиётган талабалар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳизмат қилаётганлар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар, ўз-ўзини меҳнат билан банд қилганлар ва шунга ўхшаганлар бор.

Статистик маълумотларга асосан, 2022 йил 1 апрель ҳолатига кўра республика доимий аҳолиси сонининг 31,2 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 57,3 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва 11,5 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бутунжаҳон банки ҳисоботларига кўра, Россия, Белорусь, Молдова, Украина, шунингдек, Арманистон, Озарбайжон ва Грузияда меҳнатга лаёқатли инсонларнинг улуши 2021 йилга келиб деярли 65 фоизга етди[2]. Бутунжаҳон банки ҳисоботларига кўра Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли ёшдагилар салмоғи юқорида кўрсатилган давлатларга нисбатан пастроқ.

Лекин, Россия аҳолисининг атиги 18,5 фоизи меҳнатга лаёқатли ёшдан кичикларни ташкил қилади, яъний Россия учун йилдан йилга меҳнат ресурсларини резерви камайиб боряпти. Россия статистика органларинингг маълумотига кўра бўш иш ўринлари меҳнат русурсларига нисбатан кўп.

Шунинг учун Россия меҳнат мигрантларидан фойдаланишга мажбур. Ўзбекистонда эса меҳнат ресурсларини ўрнига келаётган меҳнатга лаёқатли ёшдан кичикларни улуши етарли даражада. Россияда меҳнат ресурслари танқислиги туфайли қисман улар меҳнат мигрантлари ҳисобидан тўлдирилади. Ўзбекистонда эса меҳнат ресурслари табиий ўсиш ҳисобига таъминланади. Ўзбекистондаги муаммо меҳнат ресурсларини иш жойлари билан таъминлаб, аҳолининг ўз ватанида иш билан таъминлаш[3]. Бутунжаҳон банки ҳисоботларига кўра, Россия, Белорусь, Молдова, Украина, шунингдек, Арманистон, Озарбайжон ва Грузияда меҳнатга лаёқатли инсонларнинг улуши 2020 йилга келиб деярли 65 фоизга етади

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакат иқтисодий ривожланиш даражасининг муҳим кўрсаткичи бандликнинг тармоқ тузилмаси ҳисобланади. Меҳнат бозоридаги иқтисодий фаолият турига кўра таркибий ўзгаришлар, аввало, ишлаб чиқариш тузилмасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ.

Ўзбекистонда 2018 йилда банд бўлганлар сони 13271100 кишини ташкил қилди. Аҳолининг энг кўп қисми қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик 26,7%, саноат (13,6%), савдо (10,6%), таълим (8,4%) каби соҳаларда ишлаган. Иш билан бандликнинг энг паст даражаси кўчмас соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида кузатилган (4,6%)[4].

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигиниг маълумотига асосан 2022 йил апрел ойида меҳнат билан банд аҳолининг 1772477 нафари ойига бир миллиондан сўмдан кам иш ҳақи олган. Албатта, умумий банд бўлганларнинг 10% дан кўпининг даромадлари паст даражада эканлиги аҳолининг камбағаллик даражасини кўрсатади. Бизнинг фикримизча аҳолининг ойлик маошларини кўтаришда янги яратилаётган иш ўринлари юқори квалификация талаб қиладиган бўлиши зарур. Бу эса ўз навбатида бундай иш ўринларида фаол меҳнат қиладиган мутахасисларни тайёрлаш лозим.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар тобора ривожланиб бормоқда. Сўнгги йилларда бу ўз самарасини бермоқда: саноат ишлаб чиқариши, ташқи савдо айланмаси ва асосий воситаларга инвестиция киритиш ўсиб бормоқда. Саноат корхоналари ва уларнинг ривожланиши Ўзбекистон иқтисодиётида алоҳида ўрин тутади. Саноат иқтисодиётнинг энг муҳим тармоғи бўлиб, жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

COVID-19 муносабати билан жорий этилган карантин республикамиз иқтисодиётига сўзсиз равишда салбий таъсир этганига қарамасдан бир қатор ижобий натижаларга ҳам эришилди.

Саноат соҳасида умумий қиймати 11 млрд. АҚШ доллари бўлган янги лойиҳалар ишга туширилди ва йил бошидан буён 9 млрд. АҚШ долларлик маҳсулот четга экспорт қилинди. Карантин талаблари жорий этилиши натижасида ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган 16 минг 700 та корхонадан 16 минг 600 та корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни тикланди.

Лекин, саноатда инновацион фаолиятнинг пастлиги сақланиб қолмоқда, бу асосан маънавий ва жисмоний эскирган ишлаб чиқаришнинг ҳолати тармоқларни модернизация қилиш ва самарадорлигига тўсқинлик қилади.

Хулоса ва таклифлар

1. Иш билан таъминлаш соҳасида корхоналар ва ҳудуд ўртасидаги ўзаро таъсирнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш зарур.
2. Ишчи кучи сифатини ошириш муаммоларини ҳал этиш зарур.
3. Давлат жамиятнинг кам таъминланган қатламларига, айниқса, давлат сектори ходимларига қаттиқ эътибор бериши лозим.
4. Иш билан таъминлаш соҳасига давлатнинг мақсадли таъсирини кучайтириш ва уни тартибга солиш усулларини такомиллаштириш.
5. Инновация сўзсиз давр талаби. Лекин юқори технологиялар билан жиҳозланган иш ўринларида ишлай оладиган кадрлар тайёрлашни ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Бунга эришиш эса жуда кўп омилларга боғлиқ.
6. Саноат корхоналарини ривожланишидаги тўсиқлардан бири корхона рахбарларини бошқарув санъатини мукаммал эгалламаганида деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар

1. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда; «Народное слово», 1998 й., 100-сон.
2. https://qalampir.uz/news/rossiya-a%D2%B3olisiga-oid-%D2%B3 isobot-ochik-landi-9437.
3. https://kun.uz/news/2020/04/27/ozbekistonning-doimiy-aholisi-soni-malum-qilindi.
4. http://web.stat.uz/open_data/uz/Labor%20market_uzb.pdf.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА И ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
IMPROVEMENT OF ACCOUNTING AND USE OF DIGITAL TECHNOLOGIES

Алишева Перизат Култаевна, к.э.н., доцент
Абдукеримов Элмурат Раимбердиевич аспирант
Ошского Технологического Университет им. М.М.Адышева Кыргызстан г.Ош, e-mail:perizatalisheva@gmail.com
Alisheva Perizat Kultaevna Candidate of Economic Sciences, Associate Professor Osh Technological University named after. M.M. Adysheva Kyrgyzstan, Osh, e-mail: perizatalishova@gmail.com

Аннотация. В статье рассмотрена тема о влиянии цифровизации на современный бухгалтерский учет. В последнее время произошла технологическая революция в области цифровых рынков, которая привела к сдвигу аналогового бизнеса в сторону оцифровки. Это открывает новые возможности для обработки, сбора, хранения информации в бухгалтерском учете и сохранения конкурентоспособности в современном мире.

Ключевые слова: цифровая экономика, бухгалтерский учет, цифровизация, дистрибьюция, цифровые ресурсы, оцифровка.

Annotation The article deals with the topic of the impact of digitalization on modern accounting. In the last decade, there has been a technological revolution in the field of digital markets, which has led to a shift in the analog business towards digitization. This opens up new opportunities for processing, collecting, storing information in accounting and maintaining competitiveness in the modern world.
Keywords: digital economics, accounting, digitalization, distribution, digital resources, digitization.

«Цифровизация - это глобальный процесс, новая эра. На сегодня цифровизация является одним из мировых трендов, а практика введения новых цифровых технологий набирает все больше оборотов. Все мы понимаем, что

использование современных информационных технологий становится все более важным и актуальным процессом. В частности, выход на новые зарубежные рынки, чтобы в перспективе занять достойное место в глобальном конкурентном пространстве» [1].

Как показывает практика, на сегодня процесс цифровизации в стране испытывает большие трудности. Об этом свидетельствуют жалобы и недовольства со стороны граждан из-за бюрократии в получении государственных услуг. Именно в целях улучшения ситуации начата работа над новой концепцией «Цифровая экономика Кыргызской Республики 2021-2023 годы», направленная на создание клиенториентированной среды. Нельзя забывать о базовых и инфраструктурных проектах. Особое внимание также необходимо уделить достижению ряда других целей, прописанных в Указах Президента Кыргызской Республики и направленных на повышение доступности и качества государственных и муниципальных услуг для населения, а также защиту и поддержку субъектов предпринимательства [2].

В Кыргызской Республике точкой отсчета по развитию цифровой экономики можно считать решение Высшего Евразийского экономического совета «Об основных направлениях реализации цифровой повестки Евразийского экономического союза до 2025 г.» от 11.10.2017 №12. В 2018 году была принята Национальная стратегия развития Кыргызской Республики на 2018-2040 годы, в которой обозначены контуры цифровой трансформации страны.

Основные цели Концепции цифровой трансформации «Цифровой Кыргызстан 2019-2023» следующие:

• создание новых возможностей для населения через развитие цифровых навыков;

• предоставление качественных цифровых услуг, повышение эффективности, результативности, открытости, прозрачности, подотчетности и пресечение коррупционных проявлений в системе государственного управления, повышение уровня вовлеченности граждан в процессы принятия государственных и муниципальных решений через цифровую трансформацию системы государственного и муниципального управления;

• обеспечение экономического роста через цифровую трансформацию приоритетных отраслей экономики, усиление международного партнерства и создание новых экономических кластеров.

Цифровизация стала неотъемлемой частью современного и стремительно развивающегося мира. Цифровые технологии распространяются во всех развитых странах и странах с переходной экономикой. Они окружают нас везде: от повседневного общения до производственных процессов. Несомненно, цифровизация не обошла стороной и бухгалтерский учет и аудит. Для упрощения ведения бухгалтерского учета, аудиторской деятельности создаются

и внедряются все новые инструменты, основанные на применении цифровых ресурсов в работе организаций. С помощью таких ресурсов повышается производительность компаний, их конкурентоспособность, совершенствуется рабочая среда персонала организации. Кроме того, руководители организаций, особенно организаций крупного бизнеса, ставят оцифровку данных о деятельности предприятия, то есть преобразование информации в цифровую систему, одной из ключевых задач и одним из главных приоритетов [3].

Именно поэтому исследование данного процесса в отрасли экономики является актуальным на сегодняшний момент.

Можно выделить следующие преимущества цифровых технологий:

1. Оптимизация и упрощение цифровых платформ.

2. Упрощение традиционного производства.

3. Совершенствование методов построения стратегии ведения бизнеса.

4. Выполнение трудоемких задач в более короткие сроки, нежели требовались ранее.

5. Минимизация ошибок в вычислительных расчетах.

Научные работы, проводимые в сфере исследования влияния цифровых технологий на бухгалтерский учет, широко распространены. Так компания Robert Half Finance & Accounting провела опрос о роли использования блокчейна (последовательного соединения блоков записей, фиксируемого электронной подписью в ведении бухгалтерского учета. Согласно проведенному исследованию, 36 % респондентов утверждают, что работники отдела бухгалтерии должны будут пройти переподготовку для адаптации к новым методам ведения бухгалтерского учета; 34 % ответили, что это повысит необходимость в специализированном учете; 30 % респондентов утверждают, что отдел бухгалтерии будет вынужден больше сотрудничать с отделом информационных технологий; 29 % выступили за то, что использование блокчейна повлияет на бухгалтерский учет, только когда эти процессы станут регулироваться на государственном уровне. И только 9% опрошенных уверены, что это никак не повлияет на финансовый учет.

Целью написания является выявление преимуществ использования цифровых технологий в бухгалтерском учете и аудите, а также перспектив автоматизации ведения учета.

Задачами, необходимыми для достижения вышеуказанной цели, являются:

– изучение отношения органов власти к процессу цифровизации;

– определение влияния цифровых технологий на развитие процедур проведения аудиторских проверок;

– исследование продуктов для автоматизации бухгалтерского учета на предприятиях малого и крупного бизнеса.

С целью развития цифровых технологий в различных отраслях экономики и

внедрения цифровых процессов разработана и утверждена Программа развития цифровой экономики в КР до 2040 года. В рамках данной Программы высшее руководство КР ставит перед собой следующие цели и задачи:

1. Выведение технологического уровня страны на лидирующие позиции в условиях глобализации цифрового пространства.

2. Формирование особых подходов к организации отраслей производства, торговли, а также сферы услуг, которые учитывают достижения цифровой экономики.

3. Повышение эффективности управления экономическими активами и ресурсами.

4. Повышение уровня конкурентоспособности экономики и другие.

При этом государство видит свою роль в процессе цифровизации в создании благоприятных условий для развития национальной цифровой среды и стимулировании предприятий и организаций к апробированию и внедрению инновационных и цифровых технологий [4].

Реализация Программы должна проводиться в 6 этапов:

1. Создание единого органа по координации процессов перехода к цифровой экономике.

2. Анализ этапов перехода к цифровой экономике в разрезе каждой отрасли.

3. Установление параметров перехода к цифровой экономике по каждой отрасли.

4. Разработка нормативно-правовой базы.

5. Совершенствование основной инфраструктуры.

6. Создание национальных институтов цифровизации.

Таким образом, государство полностью поддерживает переход национальной экономики к цифровому формату и обязуется способствовать внедрению электронных технологий во все отрасли. Таким образом, процессы цифровизации не обойдут стороной и бухгалтерский (финансовый) учет.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Шаповалова Г.М. Искусственный интеллект - технологии будущего человечества: «цифровая культура» в контексте «цифровой этики» догмат в решении этических проблем // Балтийский гуманитарный журнал. 2019. Т. 8. № 4 (29). С. 402-406.

2. Габинская А.А. Характеристика киберсоциализации цифрового поколения // Гуманитарные балканские исследования. 2019. Т. 3. № 3 (5). С. 55-57.

3. Еременко В.А. Влияние цифровизации на бухгалтерский учет [Электронный ресурс]. – Режим доступу: http://vectoreconomy.ru/images/publications/2019/4/accounting/Yeremenko_Mamleeva.pdf

4. Еременко В.А. Перспективы внедрения цифровой экономики в

бухгалтерский учет [Электронный ресурс]. – Режим доступу: http:// vectoreconomy.ru/images/publications/2019/2/accounting/Eremenko_ Filippova.pdf

5. http://www.fgi.gov.kg/index.php?act=view_material&id=2280
6. http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/200123
7. http://www.fgi.gov.kg/index.php?act=view_cat&cat=78

SANOAT KORXONALARI ISHCHI – XODIMLARINING MOTIVATSIYALASH DARAJASINI OSHIRISH YO'LLARI

AndMI katta o'qituvchisi Zamira Umurzakova Salijanovna
AndMI talabasi Nurali Bo'stonov Maxmudjon o'g'li
umurzakova0531gmail.com Tel: +998902167104

Annotatsiya: maqolada xodimlarini motivatsiyalash darajasini oshirish bo'yicha nazariy-amaliy takliflar ishlab chiqish orqali korxona faoliyatini rivojlantirish va samaradorligini oshirish yo'llari ko'rsatib berilgan.

Kalit so'zlar: motivatsiya, moddiy ehtiyoj, ma'naviy ehtiyoj, ijtimoiy extiyoj, malaka, mahorat

Тема: СПОСОБЫ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ МОТИВАЦИИ РАБОЧИХ И СЛУЖАЩИХ В ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Аннотация: В статье изложены пути развития и повышения эффективности деятельности предприятия путем разработки теоретико-практических предложений по повышению уровня мотивации его сотрудников.

Ключевые слова: мотивация, материальная потребность, духовная потребность, социальная потребность, квалификация, мастерство

Theme: WAYS TO INCREASE THE LEVEL OF MOTIVATION OF WORKERS AND EMPLOYEES IN INDUSTRIAL ENTERPRISES

Abstract: The article outlines ways to develop and improve the efficiency of the enterprise by developing theoretical and practical proposals to increase the level of motivation of its employees.

Keywords: motivation, material need, spiritual need, social need, qualification, skill

Insonning moddiy ehtiyojlari bilan birga ijtimoiy ehtiyojlari ham borki, bu insonlarni boshqa mavjudodlardan farqini ko'rsatib turadi. Ijtimoiy ehtiyojlargabilim

olish, madaniy saviyani oshirish, malaka, mahoratga ega bo‘lish va sog‘lom hayot kechirish, uzoq umr ko‘rish kiradi. Aytilgan ehtiyojlar moddiy shaklga egabo‘lmagan turli xizmatlar ko‘rsatish orqali qondiriladi. Har qanday iqtisodiy sharoitda, xatto jahon moliyaviy iqtisodiy inqiroz sharoitidan chiqish davrida ham insonlar o‘zining barcha ehtiyojlarini qondirishlari kerak.

Eng muhimi xilma – xil ehtiyojlarni qondirish xilma – xil faoliyat va uni muvofiqlashtiruvchi boshqaruvni talab qiladi. Kishilarning ehtiyojlari orqali ularni motivatsiyalash amalga oshiriladi. Motivatsiya jarayoni anglagan yoki anglab yetilmagan ehtiyojlar qoniqtirilmaganligi yoki anglab yetilmagan ehtiyojlar qoniqtirilmaganligi yoki qisman qoniqtirilganligidan boshlanadi. Insonlarning xilma–xil (moddiy, ma‘naviy, ijtimoiy) ehtiyojlari, yetishmovchiliklar turli sharoitlarda, ma’lum darajada, ularning mehnatini faollashtirishi mumkin.

Jamiyatning iqtisodiy rivojlanish darajasiga Abram Maslouning ehtiyojlar piramidasiga ma’lum bosqichlarning ta’sir kuchi turlicha bo‘ladi.

Sanoat korxonalarida ishlayotgan ishchi va mutaxassislarning ko‘pchiligi quyi bosqich ehtiyojlarini qondirish dolzarb ekanligi, biz o‘tkazgan sotsiologik tadqiqotlarda o‘z tasdig‘ini topdi. Respondentlarning 67%i quyi bosqich ehtiyojlarini qondirish muhim ekanligini tahkidlab o‘tgan.

Ishchi va mutaxassislarlarning ushbu ehtiyojlarini qondirish uchun ma’lum miqdordagi pul mablag‘lari kerak bo‘ladi. Ishchi va mutaxassislar uchun pul mablag‘lariga ega bo‘lishning asosiy manbai ish haqi hisoblanadi. Korxonada mehnat faoliyati natijalari va ish haqi o‘rtasidagi bog‘liqlikni ta’minlanishi, uning motivatsion ta’sirini oshiradi.

Jahonning taraqqiy etgan mamlakatlaridagi korxonalarning tajribalaridan ma’lumki, xodimlarning ijtimoiy himoyalanishi va ularning iqtisodiy muammolarini korxona o‘z zimmasiga olishi xodimlarni yuqori mehnat natijalariga intilishiga omil bo‘lib xizmat qiladi. SHuning uchun ham sanoat korxonalaridagi ishchi va mutaxassislarni, hozirgi global moliyaviy – iqtisodiy inqiroz davridagi vaqtinchalik qiyinchiliklar davrida ijtimoiy himoya qilish uchun, ish haqi hisob-kitob qilinayotganda, bozordagi turli mahsulotlarga bo‘lgan narx-navoning o‘zgarishini hisobga olgan holda uch oyda, ya’ni har chorakda bir marta, ishlab chiqarish unumdorligini 70%dan oshmagan holda qayta ko‘rib chiqish tavsiya etiladi. Mamlakatdagi umumiqtisodiy holatning barqarorligiga qarab bir yilda ikki marta qayta ko‘rib chiqish kerak.

Ishchi va mutaxassislarning maoshlarini uch qismga bo‘lib berish maqsadga muvofiqdir. Birinchi qismi – ijtimoiy himoya qismi, kunkechirish minimum (projit.minimum)ga teng bo‘ladi. Ikkinchi qismi esa ish haqining asosiy va hal qiluvchi qismi ishchi va mutaxassislarning mehnati natijasi bilan bevosita bog‘liqdir. Uchinchi qismi ishchi va mutaxassislarning ijtimoiy faolligini, tashabbuskorligini va boshqa ijobiy tomonlarini hisobga olgan holda to‘lanadi.

Ishchi va mutaxassislar qancha yuqori mehnat natijasiga erishsalar, shuncha to‘g‘ri proportsional ravishda ko‘proq ish haqi to‘lashni tavsiya etamiz. Bu esa ishchi va mutaxassislarni yuqori mehnat natijalariga intilishini motivatsiyalaydi.

Sobiq Ittfoq davrida, agar ishchi mehnat unumdorligini 15%ga oshirishga erishgan bo‘lsa, korxona foydasini ta’minlash uchun ish haqi miqdorini 10%ga oshirish yo‘lga qo‘yilgan edi. Bu holat ishchi va mutaxassislarda, ularning mehnatini baholashda kamsitishlarga yo‘l qo‘yayotganlik hissini uyg‘otadi. Bu esa albatta, ularning keyingi mehnat unumdorligiga salbiy tahsir ko‘rsatadi.

Ish haqida ikkinchi qismning salmog‘i avvalgi qismlarning yig‘indisiga teng qilishni tavsiya qilamiz. Sabab, mehnat unumdorligini yoki ishchi va mutaxassislarni mehnat natijasi ularning moddiy ehtiyojlarining (birinchi bosqich ehtiyojlari) qondirilish darajasi ko‘tariladi.

Bu esa ishchi va mutaxassislarda o‘z mehnati natijasidan qoniqish hissini kuchaytiradi.

Ushbu jarayon zamirida ko‘plab motivatsiya nazariyalarining ta’limotlari mavjud [1].

Jumladan, Abrxam Maslouning ehtiyojlar piramidasidagi quyi bosqichlar, D.MakKleland nazariyasidagi ijtimoiy ehtiyojlardan – yutuqqa bo‘lgan ehtiyojlarini qondirlishi va Fredrik Gertsbergning motivatsiya nazariyasidagi mehnat unumdorligiga ta’sir qiluvchi omil – mehnat natijasiga qarab ish haqi to‘lashlarini o‘z ichiga oladi.

Kishilar bilan ishlagan rahbar kadrlarga yaxshi ma’lumki, ishchi va mutaxassislarni yaxshi ishlashiga ta’sir ko‘rsatishning ko‘plab usullari mavjud. Lekin, ma’lum davrda va sharoitlarda ishchi va mutaxassislarni faol ishlashga olib kelgan omil, keyingi boshqa bir holatda o‘z tahsir kuchini yo‘qotishi mumkin.

Sanoat korxonalaridagi ishchi va mutaxassislar mehnat unumdorligini oshirishda turli ta’sir ko‘rsatish vositalaridan foydalanishni tavsiya qilamiz. Chunki, ma’lum bosqichdagi ehtiyoj qondirilgandan keyin, u o‘zining ta’sir kuchini yo‘qotadi. O‘z xodimlarini samarali ishlashga undashni hoxlagan rahbar, uning qaysi ehtiyojlari faolroq ekanligini aniqlay olishlari kerak. Buning uchun xodimlarining oilaviy sharoitini, qiziqishlarini va dunyo qarashlarini aniq bilishlari kerak.

Chunki, ishchi va mutaxassislarning xatti – harakatlarini, tashkilotning maqsadlariga yetishi uchun zarur bo‘ladigan tomonga yo‘naltirilishi kerak. Aks holda qilingan barcha harakatlar va sarflangan mablag‘lar samarasiz ketadi. Bu esa tashkilotning umumiy iqtisodiy samaradorligiga o‘z salbiy ta’sirini ko‘rsatadi. Demak, sanoat korxonalari rahbariyati bu yerda zaruriy mukammal motivatsion tizimni yaratishlarini talab qiladi. Samarali motivatsion tizim ishchi va mutaxassislarda, jamoadagi ijtimoiy muhitdan qoniqish ruxiyatini hosil qiladi. Jamoadagi do‘stona, korporativ rux, u yerda faoliyat ko‘rsatayotgan ishchi va mutaxassislarning mehnat unumdorligiga ijobiy tahsir ko‘rsatishi, ko‘plab olimlar tomonidan tahkidlab o‘tilgan. Bunday muhitni shakllantirsh va saqlab qolish boshqarish sub‘ektlariga – menejerlarga

bog‘liqdir. Sanoat korxonalarida bunday zaruriy muhitni shakllantirish va saqlab turish uchun AQSHning Mayyami shahridagi ―Rayder Sistem‖ firmasining tajribalaridan foydalanishni tavsiya etamiz:

Zaruriy muhitni shakllantirish tadbirlari

- Ishda ishonch, hurmat va bir – birini qo‘llab – quvvatlash muhitini shakllantirish;
- Har bir ishchi va mutaxassislarga ishlar berish, qaysiki bu ishlar ularni bilimlari va malakasini rivojlantirishga yordam bersin;
- Aniq maqsad va vazifalar qo‘yish hamda adolatli, ilmiy asoslangan ish me'yorlarini o‘rnatish;
- Ishchi va mutaxassislarni korxona faoliyati natijalariga qo‘shgan hissasini baholashda doimiy qayta aloqa bo‘lishini ta'minlash;
- ishchi va mutaxassislarga o‘sish va o‘z qobiliyatlarini to‘la ochish imkonini yaratib berish;
- korxonaning erishgan yuqori natijalariga sarflangan kuch va g‘ayrati uchun ekvivalent miqdorda ish haqi to‘lash va mukofotlar berish.

Yuqorida bayon etilgan motivatsion tizim dasturi sanoat korxonalarigi ishchi va mutaxassislarni motivatsiyalash uchun qulay muhit yaratishga yordam beradi. SHu bilan birga sanoat korxonalari rahbariyati o‘z ishchi va mutaxassislarga, ular bajarayotgan ishlar juda ham qiziqarli va muhim ekanligini uqtirishlari kerak.

Ishchi va mutaxassislar ham umumiy ishga o‘zlarini sezilarli hissalarini qo‘shayotganliklarini xis qilishlari va o‘z mehnatiga yarasha taqdirlanish olayotganliklarini xis qilishlarini ta'minlashdir.

Bu jarayonlarni amalga oshirilishi, Djon Ristonning ta'kidlashicha tashkilotning iqtisodiy samaradorligini ta‘minlaydi.

Agar barcha baholashlar va taqqoslashlar natijasida adolatsizlikka yo‘l qo‘yilmaganligi ma‘lum bo‘lsa, u holda motivatsiya omillari ijobiy tomonga ishlaydi. O‘zgalarga qanday yondoshilgan bo‘lsa, unga ham xuddi shunday yondoshilsa, bu holda xodim kuchiga kuch qo‘shib, mehnat qiladi va aksincha. Ya‘ni, agar xodim bu yerda adolatsizlikka yo‘l qo‘yilganini sezsa, rag‘batlantirishda tengsizlik bo‘lgan bo‘lsa, u holda korxonada asabbuzarlik holati vujudga kelib, ixtiloflarning sodir bo‘lishiga sabab bo‘ladi. Adolat tarozusi buzilgan bo‘ladi.

Toki kishilar mehnatiga, qobiliyatiga, bilim-zakovatiga yarasha takdirlanmas ekanlar, ular unumdorlikni, intensivlikni oshirishga harakat qilmaydilar. Korxonada hamjixatlik muhiti qaror topmaydi.

Motivlashtirishda X (iks) va Y (igrek) nazariyalari ham alohida o‘rinni tutadi. Bu nazariyalarning muallifi amerikalik ruxshunos D. MakGregor bo‘lib, u boshqaruvchi va xodimlarning mehnatga bo‘lgan munosabatini ifodalaydi.[2]

X (iks) nazariyasi bo‘yicha ishchilar ishlashni hollamaydi, javobgarlikdan qochadi, ular tabiatan *yalqov*, ishyoqmas bo‘ladilar. SHu bois ularni doimo turtib,

majburlab, nazorat kilib, jazo bilan qo‘rqitib turish kerak. SHundagina ular korxona uchun yaxshi ishlaydilar.

Y (igrek) nazariyasida kishilarga ishonib, qobiliyatlarini rivojlantirib, ular o‘zlarining foydaliligi va muximliklarini xis qilishsa, ishdan qoniqish hosil qilishsa, shundagina korxonaga katta foyda keltirish mumkin deyiladi. Bu nazariya xodimning o‘z mehnatidan qoniqish hosil qilishiga hamkorlik ko‘rsatuvchi:

• xizmatlarning tan olinishi;

• xizmatdagi o‘sishi;

• malakasining oshishi;

• mas'uliyatning yuqoriligi kabi omillarni motivatsiyaga da'vat etuvch omillar deb talqin qiladi.

Bu nazariyaga binoan boshqaruvchi ko‘rsatma beribgina qolmay, har bir kishining qobiliyatini ishga yo‘naltiradi. Ishning ko‘zini bilgan rahbar o‘z qo‘l ostidagilariga vakolatlar va qabul qilingan qarorlarni bajarishda erkinlik beradi.

Umuman rahbar oldida quyidagi ikki maqsad turishi kerak:

- motivatsiya vositalarini yaxshilash yo‘li bilan qo‘l ostidagilarning norozilik darajasini pasaytirib borish;
- xodimlarning tashabbusini uyg‘otadigan motivatsiyaning kuchli vositalarini qo‘llab, ularning ehtiyojlarshsh to‘liq qondirshi.

Motivatsiyaning ana shunday vosita (regulyator)larini quyidagicha keltiramiz.

Motivatsiya regulyatorlari

Ishchi kuchi

➢ ixcham ish joyi

➢ shovqinning past bo‘lishi

➢ ergonomika, dizayn holati

➢ toza, ozodalik darajasi

➢ oshxonaning mavjudligi va x.k

Rag‘batlantirish

➢ yaxshi ish vaqti

➢ mehnatiga yarasha adolatli rag‘batlantirish

➢ mukofot, dividendlarni berib turish

➢ sotsial sharoitlarni yaratish (uy-joy,bolalar bog‘chasi, tibbiy xizmat, tekin ovqatlanish, sport va madaniy xordaq)

Xavfsizlik

➢ korxonaga zarurligingizni xis etish

➢ xurmat, kasbdoshlar va rahbarlar tomonidan tan olinishi

➢ jamoaga bo‘lgan yaxshi munosabat

SHaxsiy o‘sish, yuksalish

➢ o‘qish uchun imkoniyat

➢ kar'era qilish imkoniyati

➢ mas‘ullik va ta‘sir kuchining o‘sishi

➢ tashabbus, o‘zini ko‘rsatish va sinash imkoniyati.

Daxldorlik xissi

➢ ishingizning foydaliligini xis etish

➢ korxona faoliyati, rejalari va istiqboli haqida axborotlarga ega bo‘lishi

➢ rahbariyat tomonidan xodimlar fikrini hisobga olinishi

Qiziqish va undash

➢ maroqli, qiziq, zavqli ish

➢ mahoratni o‘stirishni talab qiluvchi murakkab ish

➢ yuksaluvchi mas‘uliyat

➢ rakobatga chorlovchi samara

➢ maroqli va murakkab maqsad

Muvaffaqiyatga intiluvchi rahbar ana shu regulyator va omillarga asoslanib, o‘z ishonchi bilan boshqalarga yetakchi bo‘lib, ular o‘rtasida xizmat ko‘rsatadigan mijozlarni g‘alabaga ishontiradi, atrofiga istiqbolli xodimlarni yig‘ib, ularning xurmatini qozonadi, qo‘l ostidagilarni sevadi, ularning muammosini o‘zining muammosi deb tushunadi, ishni yuqori darajada bajarishga tadbirkorlik bilan kirishadi.

Motivatsiya — bu faqat mukofotlarni tarqatish emas. O‘z xizmat vazifalarini bajara olmagan yoki mehnat intizomini buzgan xodimlarni adolatli jazolash ham ularni o‘z faoliyatlarini yaxshilashga undaydi.[3]

Sanoat korxonalari rahbarlariga nemis olimlari V. Zigert va L. Langlarning mehnatni tashkil qilish va uni motivlashtirish bo‘yicha tavsiyalarini taklif etamiz:

➢ kishilarni o‘zligini anglashga imkon berish kerak;

➢ maqsadga erishishga o‘z daxldorliligini his etgan xodim yanada ko‘proq kuch bilan ishlashga, o‘zini ko‘rsatishga harakat kiladi;

➢ yaxshi ishlaydigan kishilar ham moddiy, ham ma‘naviy tomondan tan olinishga haqlidirlar;

➢ har bir xodimga barcha axborotlarga kira olish huquqini bo‘lishi kerak, buning ustiga tez bo‘lishi muhimdir;

➢ xodimlarning ish faoliyati yo‘nalishini o‘zgartirish to‘g‘risidagi qaror ularning ishtirokida, ularning tajribasi, bilimiga asoslangan holda qabul qilinishi kerak;

➢ o‘z-o‘zini nazorat bo‘lishi kerak

➢ ish jarayonida xodimlar yangi bilimlarni ola olishi lozim;

➢ xodimlarning suvini siqib chiqarish emas, balki ularning tashabbuslarini qo‘llab - quvvatlash darkor;

➢ xodimlar o‘z mehnatlarining sifati to‘g‘risida axborotta ega bo‘lishlari lozim;

➢ har bir xodim o‘z-o‘ziga imkoniyat boricha xo‘jayin, boshliq bo‘lishi kerak;

➢ har bir kishi muvaffaqiyatga intiladi.

Yuqorida bayon etilgan motivatsion tizim dasturi sanoat korxonalarigi ishchi va mutaxassislarni motivatsiyalash uchun qulay muhit yaratishga yordam beradi. SHu bilan birga korxona rahbariyati o‘z ishchi va mutaxassislarga, ular bajarayotgan ishlar juda ham qiziqarli va muhim ekanligini uqtirishlari kerak.

Ishchi va mutaxassislar ham umumiy ishga o‘zlarini sezilarli hissalarini qo‘shayotganliklarini xis qilishlari va o‘z mehnatiga yarasha taqdirlanish olayotganliklarini xis qilishlarini tahminlashdir.

Bu jarayonlarni amalga oshirilishi, korxonaning iqtisodiy samaradorligini ta‘minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. M.Sharifxo‘jaev, Yo.Abdullaev — Menejment. Toshkent— O‘qituvchi. 2001y
2. Menejment nazariyasi. Yo'ldoshev N.Q.Nabokiyev B.I.Toshkent—O‘qituvchi. 2013y
3. N.Q.Yo‘ldoshev, G.E.Zaxidov. Menejment. Darslik- Toshkent. “Oz‘bekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2018-y

XODIMLARNING VAKOLATLAR OLISHDAN QOCHISH SABABLARINI YO‘QOTISH BO‘YICHA TADBIRLAR

AndMI katta oqituvchisi Zamira Umurzakova Salijanovna
AndMI talabasi Nurali Bo‘stonov Maxmudjon o‘g‘li
umurzakova0531gmail.com Tel: +998902167104

Annotatsiya: maqolada sanoat korxonalarida vakolatlar taqsimoti va ularni takomillashtirish bo‘yicha nazariy-amaliy takliflar ishlab chiqish orqali ular faoliyatini rivojlantirish yo‘llari ko‘rsatib berilgan.

Kalit so‘zlar: Vakolatlar, muntazam vakolatlar, funktsional vakolatlar, missiya, yakkaboshchilik printsipi, boshqarish me'yori.

Тема: МЕРОПРИЯТИЯ ПО УСТРАНЕНИЮ ПРИЧИН УКЛОНЕНИЯ СОТРУДНИКОВ ОТ ПОЛУЧЕНИЯ ПОЛНОМОЧИЙ

Аннотация: В статье указаны пути развития деятельности промышленных предприятий путем разработки теоретико-практических предложений по распределению и совершенствованию компетенций.

Ключевые слова: компетенция, регулярная компетенция, функциональная компетенция, миссия, принцип единоначалия, норма управления.

Theme: MEASURES TO ELIMINATE THE CAUSES OF EMPLOYEE EVASION FROM OBTAINING AUTHORITY

Abstract: The article indicates the ways of developing the activities of industrial enterprises by developing theoretical and practical proposals for the distribution and improvement of competencies.

Keywords: competence, regular competence, functional competence, mission, principle of unity of command, management norm.

Jahon iqtisodiyotiga samarali integratsiyalashishda iqtisodiyotning real sektori korxonalarini qo'llab-quvvatlash bo'yicha, birinchi navbatda korxonalarni boshqarishni takomillashtirish, ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish va diversifikatsiyalash, hamkorlik aloqalarini kengaytirish, mustahkam xalqaro hamkorlikni yo'lga qo'yish, mamlakatimizda ishlab chiqarilgan mahsulotlarga ichki talabni rag'batlantirish masalalari alohida o'rin tutadi. Jumladan, sanoatda jahon standartlariga javob beradigan mahsulotlar tayyorlashga yo'naltirilgan zamonaviy korxonalarni rivojlantirish ustuvor ahamiyat kasb etadi

O'zbekistondagi iqtisodiy va siyosiy tizimlarda ro'y berayotgan islohotlar ham bir shaxs uchun, uning yashash sharoitining farovonligi uchun katta imkoniyatlarni yaratish bilan birga, bir qator yangi vazifa va muammolarni ham yuklaydi. Yangi davr insoniyat hayoti faoliyati tarzu – tarovatining barcha sohalarida ulkan o'zgarishlarni talab qilmoqda. Bu o'zgarishlar nafaqat ilm, fan, texnika va texnologik jarayonlar, xatto kishilarning fikrlashi, mafkurasi va dunyoqarashlarini ham qamrab oldi.

Oldimizga qo'yilgan ushbu vazifalarni samarali bajarish esa ko'plab omillarga bevosita bog'liqdir. SHu jumladan, jahon bozoriga raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarish bilan bir vaqtda, ichki bozorni rag'batlantirish orqali korxonalarning iqtisodiy samaradorligini ta'minlash u yerdagi rahbar xodimlarning boshqarish iqtidoriga va vakolatlarni to'g'ri taqsimlashga ham bevosita bog'liqdir.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta'kidlaganlaridek: "ayrim joylarda davlat organlari tizimidagi rahbar va mutasaddilar tomonidan tadbirkorlarning mulkka doir huquqlarini buzish holatlari davom etmoqda. Bunday mansabdorlarni ma'muriy javobgarlikka tortish bo'yicha Biznes-ombudsmanga vakolat berishni taklif etaman. [1]

Vakolatlarni qabul qilgan shaxs yoki bo'linma ular bilan birga yakka mas'uliyatni ham qabul qiladi. Vakolatlar shaxsga emas, lavozimga beriladi. Agar, yuqorida sanab utilgan protseduralar puxta ishlab chiqilgan reja asosida mantiqiy ketma-ketlikda amalga oshirilsa, tashkilotning maqsadlariga mos tushuvchi uning tashkiliy strukturasi shakllanadi. Aks holda, ya'ni maqsadlar va struktura o'zaro mos tushmasalar tashkilotdagi tarjribasiz xatti-harakatlar (maqsadsiz bog'lanishlar) ning darajasi yuqori bo'ladi. Bu esa o'z navbatida cheklangan resurslardan maqsad yo'nalishida foydalanmaslikka, mehnat unumdorligi va nisbiy samaradorlikni pasayib ketishiga olib keladi.

Demak, tashkilotning muvaffaqiyatli faoliyati ko'rsatishiga rejalashtirish funktsiyasidan so'ng tashkil etish funktsiyasini amalga oshirish chog'ida zamin yaratiladi.

Boshqaruv vakolatlarining quyidagi turlari mavjud:

- Farmoyishli vakolat

➢ Idoraviy vakolatlar

Farmoyishli vakolatning mohiyati shundan iboratki, bu vakolatga ega bo‘lgan shaxs kimga taalluqli bo‘lsa, o‘shalarning ijro etishi uchun zarur bo‘lgan qarorlarni qabul qilishga haqlidir. Bu vakolatlar ikki turga bo‘linadi: chiziqli vakolatlar, vakolat turlarining eng asosiysi bo‘lib, tashkilotlarning ierarxik tuzilishining paydo bo‘lishi bilanoq vujudga kelgan.

U yakka hokimlik tarzda rahbarlik qilishga, ya'ni qonun doirasida:

-buyruq va farmoyishlar berishga;

-barcha masalalar bo‘yicha qarorlar qabul qilishga asoslangan.

Vakolatlar deb, tashkilot doirasida resurslardan foydalanish va odamlarga buyruqlar berishning cheklangan huquqi tushuniladi. Tashkilotning ichida bu cheklashlar tashkilot siyosati, protseduralar va koidalar bilan belgilanadi. Vakolatlarning tashqi chegaralari, qonunlar, an'analar, jamiyatda qabul qilingan axloq me'yorlari va xokazolardir. Vakolatlar doirasi quyi boshqaruv pog‘onasidan yuqori boshqarish pog‘onasi tomon kengayib boradi. Vakolatlar hamisha cheklangan, lekin bu cheklanishlar doirasi vakolatlar mazmunini shu darajada o‘zgatiradiki, ular orasidagi munosabatlarni muvofiqlashtirish zarurati tugiladi. Vakolatlar o‘z mazmuniga ko‘ra ikki turga

Muntazam vakolatlar - bu bevosita rahbardan bo‘ysinuvchiga va undan so‘ng bo‘ysinuvchilarga uzatiladigan vakolatlardir. Muntazam vakolatlar rahbarga o‘zlarining bevosita bo‘ysinuvchilarini maqsadlarga erishish uchun yo‘naltirishga qonunlashtirilgan huquq beradi. Muntazam vakolatga ega rahbar o‘ziga belgilangan doirada qarorlar qabul qilishi, ma'lum masalalarni boshqa rahbarlar bilan kelishuvlarsiz qabul qilishi mumkin.

Muntazam vakolatlarni uzatish natijasida boshqarish pog‘onalari ierarxiyasi va buyruqlar zanjiri shakllanadi.

Funktsional (shtabli) vakolatlar - ma'lum yo‘nalishdagi vazifalar (funktsiyalarni) amalga oshirish uchun beriladigan vakolatlardir. Bu vakolatlar mazkur sohadagi mutaxassislarga beriladi va ular o‘z bilimlari doirasida muntazam rahbarga samarali qarorlar qabul qilish uchun axborotlar va maslaxatlar beradilar. Funktsional vakolatga ega ma'muriy apparat o‘ziga berilgan huquqlar doirasida belgilangan ba'zi xatti-harakatlarni tavsiya etish bilan birga, ularni bekor qilish ham mumkin.[2]

Rahbariyat vakolatlarini to‘g‘ri va samarali taqsimlanishi natijasida boshqarishning boshqa funktsiyalariga ta'sir ko‘rsatadi, shu sababli vakolatlarni taqsimlash va o‘zaro muvofiqlashtirish tashkilotlardagi muhim vazifadir.

O‘zaro munosabatlarni tashkil etishda rahbariyat mazkur faoliyatni muntazam yoki funktsional bulishligini oldindan aniqlab olish zarur. Bunda ushbu faoliyatining tashkilot umumiy maqsadlariga erishishga qo‘shgan xissasi hisobga olinadi, ya'ni tashkilotning umumiy missiyasiga bevosita taalluqli faoliyat - muntazam faoliyat hisoblanadi. Bunday faoliyatga tashkilotlarda mahsulot va

xizmatlarni yaratish, moliyalashtirish va sotish bilan bog‘liq faoliyat kiradi. Funktsional vakolatlarga ega bo‘lgan boshqaruv apparati asosiy boshqaruv funktsiyalarini amalga oshirishga yordam beradi.

Qaysi faoliyatni muntazam, qaysilarini funktsional deb belgilash tashkilotning missiyasi, maqsadlari va strategiyasiga bog‘liq. Ba'zi tashkilotlarda funktsional hisoblangan faoliyat, boshqa tashkilotlarda (missiyasiga qarab) muntazam deb sanalishi mumkin.

Muntazam vakolatlarni muvofiqlashtirishga ikkita omil ta'sir ko‘rsatadi: bular - yakkaboshchilik printsipi va boshqarilish me'yorini cheklash zaruriyati.

Yakkaboshchilik printsipiga asosan, xodim vakolatlarini faqat bitta boshliqdan olib, faqat usha odamga hisobot berish zarur.

Boshqarish me'yori deb, bir rahbarga bevosita bo‘ysinuvchi xodimlar soni tushuniladi. Bu me'yorning ko‘p yoki ozligi tashkilot strukturasining shakliga bevosita ta'sir ko‘rsatadi. Ya'ni boshqarish me'yori keng bo‘lganda, tashkilot strukturasi yoyilgan shaklda, me'yor ozligida esa - strukturaning vertikal boshqarish pog‘onalari ko‘p bo‘ladi. Boshqarish me'yori keng bulishi bo‘ysinuvchilar faoliyatini nazorat qilish, muvofiqlashtirish, ularning malakasini oshirish masalalarini qiyinlashtiradi. Boshqarish me'yorining torligi esa boshqarish darajalari ko‘payib ketishiga va buyruqlar zanjirining uzayib ketishiga olib kelishi mumkin. Hozirgi zamon boshqarish nazariyachilari ideal boshqarish me'yori deb, bir menejerga turli funktsiya bajaruvchilarning 6-8tasi, turdosh funktsiya bajaruvchilarning 12-14tasi va bir xil funktsiya bajarvchilarning 30 tagachasi kishi to‘g‘ri keladi deb hisoblanmokda. Lekin, bu narsaga boshqarish darajasi, xal qilinadigan masalalarni murakkablik darajasi va uni ahamiyati, buysunuvchilar xususiyatlarini hisobga olib o‘zgarishlar kiritish mumkin. Vakolatlarni o‘zaro taqsimlash samarasi berilayotgan masalalar va vakolatlarning o‘zaro mosligiga bog‘liq. Bu printsipga rioya qilish tashkilotning o‘z faoliyatini barqaror va samarali amalga oshirishga yordam beradi. Rahbariyat vakolatlarini to‘g‘ri va samarali taqsimlanishi natijasida boshqarishning boshqa funktsiyalariga ta'sir ko‘rsatadi, shu sababli vakolatlarni taqsimlash va o‘zaro muvofiklashtirish tashkilotlardagi muhim vazifadir.

O‘zaro munosabatlarni tashkil etishda rahbariyat mazkur faoliyatni muntazam yoki funktsional bo‘lishligini oldindan aniqlab olish zarur. Bunda ushbu faoliyatining tashkilot umumiy maqsadlariga erishishga qo‘shgan xissasi hisobga olinadi, ya'ni tashkilotning umumiy missiyasiga bevosita taalluqli faoliyat - muntazam faoliyat hisoblanadi. Bunday faoliyatga tashkilotlarda mahsulot va xizmatlarni yaratish, moliyalashtirish va sotish bilan bog‘liq faoliyat kiradi. Funktsional vakolatlarga ega bo‘lgan boshqaruv apparati asosiy boshqaruv funktsiyalarini amalga oshirishga yordam beradi.

Qaysi faoliyatni muntazam, qaysilarini funktsional deb belgilash tashkilotning missiyasi, maqsadlari va strategiyasiga bog‘liq. Ba'zi tashkilotlarda

funktsional hisoblangan faoliyat, boshqa tashkilotlarda (missiyasiga karab) muntazam deb sanalishi mumkin.

Muntazam vakolatlarni muvofiklashtirishga ikkita omil ta'sir ko'rsatadi: bular - yakkaboshchilik printsipi va boshqarish me'yorini cheklash zaruriyati. Vakolatlarni o'zaro taqsimlash samarasi berilayotgan masalalar va vakolatlarning o'zaro mosligiga bog'liq. Bu printsipga rioya qilish tashkilotning o'z faoliyatini barqaror va samarali amalga oshirishga yordam beradi.

Xodimlarning vakolatlar olishdan qochish sabablarini yo'qotish bo'yicha TADBIRLAR

	Xodimlarning vakolatlardan qochish sabablari	**Xodimlarning vakolatlardan qochish sabablarini yo'qotish yo'llari**
	Bo'ysinuvchi muammoni o'zi yechishdan ko'ra, uni hal ilish yo'lini rahbardan so'rab olishni afzal ko'radi	Muammolarni hal qilish jarayoniga xodimlarni jalb qiling
	Bo'ysinuvchi yo'l qo'ygan xatosi uchun tanqidga uchrashdan qo'rqadi. Katta mas'uliyat xato qilish ehtimolligini oshirishini bilgan bo'ysinuvchi undan qochishga harakat qiladi.	Xodimlarni ko'pchilik oldida jazolamang va tanqid qilman
	Berilayotgan topshiriqni muvaffaqiyatli bajarishi uchun bo'ysinuvchi ixtiyorida zaruriy resurslar va axborotlar bo'lmaydi.	Etarlicha resurs va axborot bilan ta'minlang
	lozim bo'lgan ish ko'lamidan ham ko'p yoki u aynan shundoq deb hisoblaydi.	Motivatsiyalashni to'g'ri tanlang
	Bo'ysinuvchi o'ziga nisbatan ishonchi yo'q.	Doimiy ravishda xodimlarga malakasini oshirish imkoniyatlarini bering
	Bo'ysinuvchiga topshirilayotgan qo'shimcha vakolat yoki mas'uliyat qo'shimcha rag'batlantirilmaydi.	Vazifa va rag'batlantirish o'rtasidagi mutanosiblikni ta'minlang

So'nggi sabab barcha sabablar tarkibida eng muhimi bo'lib, aksariyat ko'pchilik rahbarlar shunga rioya qilmaydilar, ya'ni qo'shimcha mas'uliyat yoki vakolat uchun shunga tegishli ravishda mukofot bilan yoki ma'naviy tomondan taqdirlashni yoddan chiqarib qo'yadilar. Bunga faqat noshud rahbarlar yo'l qo'yadilar.

Markazlashgan va nomarkazlashganlik darajasi quyidagi omillar orqali aniqlanadi:

1. Boshqaruvning quyi darajasidagi qabul qilinuvchi qarorlar miqdori. Markazlashgan strukturada bunday qarorlar miqdori kam. Ushbu qarorlarning muhimligi. Markazlashgan tashkilotda quyi va o'rta bo'g'in rahbarlari zarur qarorlar qabul qila olmaydi.

2. Quyi darajadagilarning stabul qilgan qarorlarini oqibati, nomarkazlashgan boshqaruv qanchalik ko'p bo'lsa, quyi rahbarlarni nazorat qilish shunchalik kam bo'ladi.

3. Qo'l ostidagilar ish faoliyatining nazorati hajmi - nomarkazlashgan boshqaruv sistemasi qancha ko'p bo'lsa; quyi bo'g'indagi boshqaruvchilarni nazorat qilish shunchalik kam bo'ladi.

4. Nomarkazlashganlik darajasi shuningdek, yuqori rahbariyatning quyi darajadagi rahbarlarga o'zi vakolatlarni berish darajasi bilan ham belgilanadi. Har bir tashkilot markazlashtarilganligi va nomarkazlashtirilganligi har xil bo'lishi mumkin.

O'zbekistonda olib borilayotgan keng ko'lamli islohotlar aholining turli tabaqalari tomonidan qo'llab-quvvatlanmoqda. Bu o'zgarishlarning dastlabki natijalari aholimiz hayoti va kundalik turmushida o'zining yaqqol ifodasini topmoqda, el-yurtimizning ijtimoiy faolligi, ertangi kunga ishonchi o'sib bormoqda.

Korxonlarda ham ushbu islohotlarni samarali davom ettirish uchun u yerdagi boshqarishni takomillashtirish talab etiladi. Bunday takomillashtirishning asosiy yo'nalishlarida biri vakolatlarni to'g'ri taqsimlash va boshqarish sistemasini to'g'ri tanlashdir.

Korxonalardagi boshqaruvning ko'p pog'onaviyligini va har bir pog'onada boshqaruv vazifalarini ko'p emasligi bilan xarakterlanadi. Bunday pog'onaviy boshqaruv tizimi har xil bo'linmalar faoliyatini markazlashtirish va boshqaruvchilar statusini kengaytirish zarurligi vujudga kelganda yaratiladi.

Bunday tashkiliy strukturada 3 ta asosiy faoliyat soxasi amal qiladi - firma ichidagi, xom – ashyo yetkazish,- mahsulot ishlab chiqarish.

Lavozimdagi xodimlar o'zlarini buyruq beruvchi emas balki faoliyatni markazlashtiruvchi sifatida namoyon bo'lib, shu bilan birga qo'l ostidagilar tashabbuskor va omilkor bo'lgandagina samarali foydalanish mumkin. Faoliyatni bunday taqsimlanishida yuqori pog'onadagi ichki boshqaruvning tadbirkorlik tashabbusi tashkilotning quyi pog'onalariga ko'chadi. Natijada xodimlar tadbirkorlik ma'suliyatini o'z bo'yniga oladi. Yuqori bo'g'in esa markazlashtiruvchi funktsiyalarni bajaradi. Natijada ham bir korxonada boshqarish samaradorligi ortib boraveradi.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi 06.01.2021 y www.turkiston.uz

2. N.Q.Yo'ldoshev, G.E.Zaxidov. Menejment. Darslik- Toshkent. "Oz'bekiston faylasuflari milliy jamiyati" nashriyoti, 2018-y.

BANKLARDA DAROMADLAR TARKIBI TAHLILI

Mamanazarov Tajimirza Abduvosiyevich, katta o'qituvchi.
Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti, Buxgalteriya hisobi tahlil va audit kafedrasi

Iqtisodiyotning qon tomiri banklar bo'lib, iqtisodiyotning xarakatining uzviyligini ta'minlasa, aktiv operasiyalar esa banklarining asosiy moliyaviy barkarorligini taminlovchi muxim omil bo'lib xizmat kiladi». «Aktiv operasiyalarni boshkarish bankning daromadini, rakobatbardoshligini oshirish, uning barkarorligini ta'minlash va riskdan ximoyalashning yagona omili xisoblanadi». Yukoridagi nazariy qarashlar imizni iqtisodchi olimlarning ilmiy yondashuvlarini urganib va bugungi kunda faoliyat yuritayotgan banklarining aktiv operasiyalarini amaliyotda boshkarish jarayonini taxlil qilgan xolda shakllantirildi. Shu bilan birga ushbu nazariy qarashlar asosida banklarining boshkaruv istiqbollari shakllantiriladi.

Banklarning aktiv operasiyalarini boshkarishda strategiya muxim axamiyat kasb etadi. Xar bir bank uz boshkaruv istiqboliga ega bulishi lozim, chunki ushbu istiqbol orkali maksadlarga erishiladi.

Bankning likvidli mablaglarga bo'lganextiyojini bozordagi talab va taklif nukgai nazaridan kurib chikish mumkin.

Bankda likvid mablaglarga bo'lgan talab ikkita sabab buyicha vujudga keladi:

1. Mijozlarning uz xisob varaklaridan mablaglarini olishlari natijasida;
2. Mijozlar tomonidan kredit olish uchun buyurtmalar kelib tushishi sababli vujudga keladi.

Likvid mablaglarga bo'lgan talabning vujudga kelishiga yana bir sabab, bankning boshka kreditorlardan (banklar, xukumat yoki Markaziy bankdan) olgan qarzlarini qaytarish bilan boglangan. Soliklarni to'lash va aksiyadorlarga divedent to'lash xam yuqori likvidli aktivlarga bo'lgan talabning o'sishiga olib keladi. Bankning likvid mablaglarga bo'lgan talabini qondirish uchun barcha imkoniyatlarini ishga solib, ya'ni asosiy e'tiborni axoli va yuridik shaxslarning mablaglarini depozitlarga jalb kilishga qaratadi. Agar likvid mablaglarga bo'lgan umumiy talab taklifidan oshib ketsa, bank likvid mablaglar taqchilligiga tayyor turishi lozim. Uz navbatida, jami taklif jami talabdan oshib ketsa, bank raxbariyati likvid mablaglarining ortiqchaligiga tayyor bo'lishi va ushbu mablaglarga bo'lgan talabni koplash uchun zarur bulgunga qadar qayerga, qancha muddatga mablag yunaltirish masalasini xal qilishi kerak buladi. Bankning likvidli mablaglarga bo'lgan talabini rejalashtirishdagi birinchi vazifasi nakd pul mablaglarini boshqarishdir

Xozirgi kunda, bank amaliyotining ko'rsatishicha, talab qilib olinguncha depozitga qo'yilgan mablaglarning bir qismi tarixiy xarakter kasb etmokda. Ya'ni uzoq muddatga talab qilinmasdan saklanmokda. Bu ushbu uzoq muddatli resurslar, yukori daromad keltiruvchi aktivlarga joylashtirishga imkon beradi.

Yuqoridagilardan kelib chikib bank aktivlarining daromadliligini e'tiborga oladigan bo'lsak, aktivlar o'zining moxiyatiga ko'ra quyidagi turlarga bo'linadi:

1. Daromad keltiradigan aktivlar. Bu bank ssudalari, qimmatli qogozlarga qo'yilmalari.

2. Daromad keltirmaydigan aktivlar. Ularga kassadagi naqd pullar, markaziy bankdagi vakillik va zaxira xisob raqamlaridagi mablaglar qoldiqlari, bankning asosiy fondlariga quyilmalardir.

Tijorat banklar o'zlarining aktivlarining ma'lum qismini daromad keltirmaydigan xamda kam miqdorda daromad keltiruvchi aktivlarga yo'naltiradi.

2005-2020 yillar oraligida daromad keltiradigan va daromad keltirmaydigan aktivlarning xajmining o'sish dinamikasini ko'rshimiz mumkin.

Daromad keltiradigan aktivlar xajmi 3,8 % ga kamayganini, daromad keltirmaydigan aktivlar xajmi 3,8 % ga o'sganini ko'rishimiz mumkin. Ular o'rtasidagi farq bugungi kunda 58,4 % ni tashkil qilmokda.

Bu ko'rsatkichlardan banklarimiz ipoteka kredit orqali butun dunyoda yuz bergan jaxon moliyaviy iqtisodiy inkirozi ta'sirida bank daromadlarida xam o'z aksini ko'rsatgan edi. Yillar davomida tijorat banklari daromad keltiradigan aktivlarining salmog'ini oshirish yo'llarida izlanib, bugungi kunga kelib ushbu ko'rsatkichlar ijobiy tus olmoqda

Respublikamizda xam tijorat banklari mijozlarga kredit ta'tillari berdi, bu esa daromad keltiruvchi aktivlarning foizining qisqarishini keltirib chiqaradi. Shunday ekan, tijorat banklari mana shunday iqtisodiy inqirozlarga qarshi "ximoya yostiqchalari" bilan ta'minlangan bo'lishlari lozimdir. Bu esa aktiv operasiyalarini boshqarishda daromad keltiradigan va daromad keltirmaydigan aktivlarga axamiyat berish kerakligini bildiradi.

Adabiyotlar

1.O'zbekiston Respublikasining «O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki tugrisida»gi Qonuni - Toshkent: O'zbekiston. 1995 yil 21 dekabr

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi «Uzbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish boyicha Xarakatlar strategiyasi tog'risida»gi PF-4947-sonli farmoni // Uzbekiston Respublikasi qonun xujjatlari to'plami. - Toshkent, 2017.

3. Temirov A.A. Banklarda buxgalteriya hisobi va operativ texnika. T.: TDIU 2010 yil.

4. Abduvaxidov F. Tijorat banklarida buxgalteriya hisobi./ O'quv qo'llanma. –T.: "IQTISOD-MOLIYA", 2012 y. o'

ОРГАНИЗАЦИЯ РАБОТЫ В ПРОИЗВОДСТВЕ ПРОДУКЦИИ.

Набиев МузаффарАбдумаликович
доктор философии экономических наук,старший преподаватель кафедры бухгалтерского учета, анализа и аудита Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологий

Актуальность темы исследования определяется тем, что в современных условиях обострились проблемы выживания предприятий. Это связано с существенным ростом конкуренции, особенно в тех сферах, где наблюдается высокая изменчивость технологических и организационных условий ведения бизнеса.

Сложность современных хозяйственных процессов обуславливает необходимость более действенно использовать достижения науки в практике управления. В связи с вышеизложенным, проблема управления и организации производства приобрела в современных условиях огромное значение. Задачей управления становится эффективное и прибыльное развитие производства. Все это определяет актуальность темы работы – особенности организации производства в малом бизнесе.

Целью исследования является изучение теоретических основ и передовых методов организации производства на малом предприятии с вынесением предложений по совершенствованию деятельности предприятия по производству.

Для достижения поставленной цели в ходе исследования необходимо решить следующие задачи:

- дать определение понятия организации производства;
- изучить виды организации производства и системы управления;
- исследовать основные проблемы, тенденции, передового опыта организации производства;
- провести анализ организации производства на предприятии с выявлением недостатков;
- разработать предложения по совершенствованию организации производства на предприятии и произвести оценку эффективности предложенных мероприятий.

Предметом исследования является финансово-хозяйственная деятельность и организация процесса производства.

Объектомисследования являются промышленные организации.

Теоретической базой исследования явились действующие нормативные документы и правовые акты, определяющие порядок организации производства и регулирующие деятельность узбекских предприятий; учебно-методическая литература по организации производства, финансовому менеджменту, специализированная литература по менеджменту и организации производства.

Практическая значимость исследования состоит в возможности применения результатов работы в деятельности предприятий с целью обеспечения конкурентоспособности за счет повышения качества выпускаемой продукции, увеличения дохода, снижения операционных затрат. Разработанный инструментарий позволяет проводить комплексную оценку экономической эффективности деятельности предприятия и прогнозировать его дальнейшее развитие. Выводы и результаты исследования ориентированы на использование преимущественно в системах менеджмента малых предприятий.

Методической базой исследования стал системный анализ и конкретно научные методы: систематизация, обобщение, проверка теоретических знаний.

Заключение. Организационно-производственный анализ показал, что основное производство охватывает все процессы, непосредственно связанные с превращением исходного сырья в готовую продукцию. Оно занимает центральное место во всей производственной деятельности предприятия. К основному производству относится производственный цех, который делится на бригады. Вспомогательное производство состоит из процессов материального и технического обслуживания основного производства. Обслуживающее хозяйство выполняет операции по транспортировке и хранению сырья, материалов и готовой продукции.

Список использованной литературы.

1. Белова Т.А. Технология и организация производства продукции и услуг / Т.А. Белова, В.Н. Данилин. - М.: КноРус, 2016. - 238 с.
2. .Бухалков М.И. Организация производства и управление предприятием: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2016. - 506 с.
3. Вилисов В.Я., Вилисова А.В. Инфраструктура инноваций и малые предприятия: состояние, оценки, моделирование. - М.: РИОР: ИНФРА-М, 2015. - 153 с.
4. Переверзев М.П. Организация производства на промышленных предприятиях. - М.: ИНФРА-М, 2015. - 332 с.

FAOL HARAKAT BILAN TALABALARNI SOG'LOM HAYOTGA YO'NALTIRISH

Zaynobiddinv Dilshodbek Qobilovich "Gumanitar fanlar" kafedrasi dotsenti, Andijon mashinasozlik instituti, O'zbekiston Respublikasi
Shamsutdinov Aslidin Nasritdin o'g'li Transport logistikasi fakulteti 101-K-guruh talabasi

Annotatsiya: *Ushbu maqola sport natijalariga erishishda, shuningdek, sportchilarning kundalik hayotida o'z-o'zini nazorat qilish va o'z-o'zini rivojlantirishning o'rni haqida gapiradi. Shuning uchun sog'lom turmush tarzini olib borish juda muhimdir.*

Kalit so'zlar: *o'z-o'zini nazorat qilish, o'z-o'zini rivojlantirish, intizom, motivatsiya, rivojlanish, ijtimoiy rollar, chekuvchilar, sport yutuqlari.*

Annotatsiya: *данная статья повествует о роли самоконтроля и саморазвития в достижении спортивных результатов, а также в повседневной жизни спортсменов. Поэтому очень важно вести здоровый образ жизни.*

Ключевые слова: *самоконтроль, саморазвитие, дисциплина, мотивация, развитие, социальные роли, курильщики, спортивные достижения.*

Annotatsion: *this article tells about the role of self-control and self-development in achieving sports results, as well as in the daily life of athletes. Therefore, it is very important to comply with healthy lifestyles.*

Keywords: *self-control, self-development, discipline, motivation, development, smokers social roles, sports achievements.*

O‘sib kelayotgan yosh avlodnining sog’lig’i va turmush tarziga salbiy ta’sir ko‘rsatuvchi omillarning oldini olish maqsadida ta’lim muassasalari ma’muriyati va tibbiy xodimlarning hamkorlikda bajaradigan vazifalardan yana biri, o‘quv tarbiya jarayonida talabalarni sog’lom turmush tarsi to‘g’risida bilim berish, ularning asosiy komponentlarini amalga oshirish uchun tegishli ko‘nikma va malakalarni hosil qilish va ularni ijobiy va foydali odatlarga aylantirish zarur.

Buning uchun talaba yoshlarni dars jarayonida va darsdan tashqari vaqtlarda, tarbiyaviy soatlarda “Sog’lom turmush tarzi” to‘g’risida ma’lumotlar berib borishi lozim. Jumladan, sog’lom turmush tarzining nazariy asoslari va tamoyillari, Abu ali ibn Sinoning sog’lom turmush tarziga oid qarashlar va fikrlari, sog’lom turmush tarzining asosiy ko‘rsatkichlari, shuningdek, sog’lom turmush tarziga mehnat va turmush sharoitlari ta’siri, ma’naviyat va madaniyatdagi ahamiyati, bo‘sh vaqtini to‘g’ri tashkil qilish, shaxslararo munosabatlar va psixogigienasini amalga oshirish, ishchanlik qobiliyatini rivojlantirish, charchash va charchashning oldini olish kabilar ko‘zda tutilganva faol harakatning ahamiyati kabilar ko‘zda tutilgan. Sog’lom turmush tarzini shakllantirishda chiniqish, jismoniy tarbiya va sportning o‘rni, zararli odatlarning oldini olishda sog’lom turmush tarzining ahamiyati, atrof-muhitni muhofaza qilishning inson salomatligiga ta’siri, yoshlar ongiga singdiriladi. Ba’zi yoshlarda sport bilan shug’ullanish bilan birgalikda, tamaki chekish, alkogol mahsulotlarini ham bir vaqtda iste’mol qiladilar. Jismoniy yarbiya bilan shug’ullanuvchilar va sportchilar orasida chekuvchilar bo‘lsa, bu ularning organizmiga yanada salbiyroq ta’sir ko‘rsatadi. Chekish ularni ya’ni: yurak-qon tomir tizimi va nafas a’zolari organlari tizimini ko‘rsatkichlarini susaytirasi. Chekuvchi sportchilarda

harakat reaksiyasi tezligi chekmaydigan sportchilarga nisbatan 8-14 % kam bo‘ladi, aniqlik reaksiyasi 16-21 %, muskullarning aniq harakati 11-15 % kam bo‘ladi. Bu borada ingliz fiziologi G.Kennedi va shved fiziologi A.Xuga spotchilar orasida tekshiruvlar o‘tkazish natijasida buni to‘la isbotlab berishgan. Sport bilan shug'ullanib spirtli mahsulotlarni ham iste'mol qiluvchilarda harakat reaksiyalari 12-16 %, aniqlik reaksiyasi 17-21 %, muskullar aniqligi 14-19 % kamayar ekan. Sport bilan shug'ullanib, zararli odatlarga berilish organizmda kuzatilayotgan faol harakatning susayishi oqibatida sportni yashlash holatlari kuzatiladi. Shuning uchun sport bilan shug'ullanib doimiy ravishda o‘z-o‘zini nazorat qilib boorish, organizmni turli ta'sirotlarga chidamliligini oshirish va chiniqish usullarini doim qo‘llab turish lozim.

Chiniqish o‘z-o‘zini rivojlantirish sportchilar uchun muhim ahamiyatga ega bo‘lib, ularda kuchli motivatsiya o‘ygonishiga turtki bo‘lib u sportdagi tayyorgarlikning asosi hisoblanadi. Bu sog'liqning mustahkamlanishiga va sportdagi yuqori natijalarga erishishga sabab bo‘ladi. Chiniqqan spotchilar kamroq kasal bo‘ladi, natijada u regulyar ravishda mashg'ulotlarga qatnashadi, bularning natijasida esa sportda yuqori yutuqlarga erishadi, o‘z-o‘zidan zararli odatlarni tark eta boshlaydi. Ilmiy tekshiruvlar va amaliyot tajribalari shuni ko‘rsatmoqdaki gigienik chiniqish asoslari quyidagilardan iborat ekan:

- sistematik (davomiylik):
- har doim va ketma-ket bajarish:
- individual yondashish:
- vositalar hamda shakllarni bir-biri bilan almashtirish:
- faol tartib:
- umumiy hamda shaxsiy muolajalarni bir-biri bilan almashtirib bajarish:
- o‘z-o‘zini boshqarishni kuzatish:

Faol tartib-buning natijasida chiniqishni samarasi oshadi, chunki bu muolajada har xil jismoniy mashqlardan mushaklarni harakatga keltiruvchi mashqlarni bajarish kerak.

Shuning uchun ham ba'zi bir sport turlari ya'ni: suzish, chang'i sporti, yengil atletika, alpenizm, turizmlar yuqori chiniqish effektini beradi.

Jismoniy (yoki harakatlanish bilan bog'liq) faollik-bu inson xatti-harakatlarining ajralmas va murakkab majmuasi bo'lib, u biologik hamda tashqi omillarga bog'liq. Zamonaviy turmush tarzining ilg'or (progressiv) tendensiyaga ega bo‘lgan hozirgi kunda ijtimoiy rollaridan biri harakat faolligi hajmining kamayishi (gipokineziya), mushak kuchi sarfining ruhiy-asab zo‘riqishlari bilan uyg'unlikdagi pasayishi hisoblanadi. Harakat hayotningeng muhim xususiyati. Bugungi kunda inson organizmi turli tizimlarni qo‘zg'atishning mushak faoliyatidan ham kuchliroq fiziologik usuli ma'lum emas. Ular har xil a'zo va tizimlar faoliyatini, shuningdek, umuman inson ongi darajasini tiklashga yo‘naltirilgan boshqaruv mexanizmlarini muntazam ravishda mashq qildirib, takomillashtirib beradi. Ayni vaqtda ishlab chiqarish va turmushda jismoniy yuklamalarning hissasi ma'lum darajada kamayib ketyapti. Hatto inson

harakatlanishining tabiy va sun'iy usuli bo'lgan yurish ham transportning, kommunal xizmat turning rivojlanishi tufayli o'z ahamiyatini yo'qotib bormoqda. Aholining barcha qatlamlari, jumladan, bolalar ham gipokineziyaga mahkum, aslida ularning mutanosib rivojlanishi uchun harakat faolligi, mushak kuchi sarfining maqbul darajasi juda zarur. Yaqindagina quvvatning deyarli yagona manbai sanalgan mushaklarning bugungi kunda quvvat generatori sifatidagi faoliyatiga nihoyatda cheklangan. Harakat faolligi biologik tabiyatga ega. Faol harakatchanlik konsepsiyasi insonda mavjud bo'lgan harakatlarga tug'ma, tabiy, biologik ehtiyojga, hayvonlardagi xuddi shunga o'xshash ehtiyojga asoslanadi. Harakat faolligi darajasi irsiy bog'liq kattalik bo'lib, har bir biologik turda o'ziga xos. Yangi tug'ilgan go'daklar hayotining dastlabki yillarida bu miqdor eng yuqori bo'ladi, bu organizmning o'sish va rivojlanish sharoitlarini ta'minlashda, gomeostazning shakllanishida sklet mushaklarining harakatlanish ehtiyoji organism rivojlangan sayin pasayib borishga moyil; bunga tarbiya xususiyatlari va turmush tarsi ham katta ta'sir ko'rsatadi; keksalikda bunga ehtiyoj juda past. Harakat ehtiyojining pasayishi bilan bir vaqtda ontogenezda organizmning qarish belgilari ko'payib borayotgani kuzatiladi, bunda quyidagi bog'liqlik aniqlangan: individning harakat faolligi nechog'li past bo'lsa, uning hajmida qisqarish qanchalik erta kuzatilsa, evolyusiya jarayonlari organizmning funksional imkoniyatlari, ijtimoiy faolligi torayishi shunchalik namoyon bo'ladi. Jismoniy mashg'ulatlarga bo'lgan ehtiyojni kuchaytirish, harakatlar hajmini boshqarish ITI davrdagi dolzarb ijtimoiy vazifa bo'libgina qolmay, asosiy umumbiologik muammo hisoblanadi.

Adabiyotlar

1. IIin Ye.P. Psixologiya sporta. M.; 2009. 352s
2. Mamatov M.M. Sport psixologiyasi kursidan ma'ruza mavzulari va uning matni. T.;Universitet. 1999.
3. Radiyonov A.V/ Praktika psixologiy sporta. T.; 2008
4. Erdonov O.L. Ozdorovitelnaya fizicheskaya kultura v sisteme obrazavatelnogo protsesa po fizicheskomu vospitaniyu studentov. Uchebnoye posobiye T.; 2012.

ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ТУРКУМЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕЗОНЛАРИ

Мамажонов Акрамжон Тургунович- Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, "Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит" кафедраси мудири, и.ф.ф.д., доцент.

Собирова Муштарий Собиржон қизи – "Бухгалтерия ҳисоби" (қишлоқ хўжалигида) 2-босқич магистранти.

Ҳозирги замон иқтисодий ривожланиш анъаналари халқ хўжалигининг барча тармоқ корхоналарини жаҳон хўжалиги билан хамкорлигини талаб

қилади. Бу эса бевосита юқорида таъкидлаб ўтилганидек, корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятлари билан боғлиқ бўлган валюта операцияларини шаклланишига олиб келади. Ушбу жараёнларда валюта операциялари бевосита уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда туркумлари бўйича шакллантирилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг "Валюта муносабатларини тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунга кўра валюта операциялари қуйидаги икки йирик гурухга бўлинади:

1. Жорий халқаро операциялар;

2. Капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари.

Валюта қонунчилигимизда кўра валюта операцияларнинг жорий халқаро операциялар, капиталлар ҳамда кредитлар ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари сифатида туркумланишидан асосий мақсад бевосита валюта муносабатлари иштирокчилари ўртасидаги валюта операциялари билан боғлиқ иқтисодий муносабатларга аниқликлар киритишдан, шунингдек, валюталар ҳамда уларда қиймати акс эттириладиган қийматликларни ҳаракати устидан тегишли назоратни таъминлаш ҳисобланади.

Валюта операцияларнинг иккала йирик туркуми таркибий жиҳатдан бир неча валюта операцияларни қамраб олади.

Валюта операцияларини тадқиқот объекти ҳисобланган компаниялар мисолида тадқиқ қилиш уларнинг мазмуни ва фаолиятидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича туркумлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Қўшма корхонанинг фаолияти билан боғлиқ валюта операциялари:

а) асосий фаолият билан боғлиқ валюта операциялари;

б) молиявий фаолият билан боғлиқ валюта операциялари;

в) инвестицион фаолият билан боғлиқ валюта операциялари.

2.Валюта операцияларини уларнинг иқтисодий мазмунидан ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги белгилари бўйича туркумланди:

а) товарларнинг ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари:

- экспорт операциялари;
- импорт операциялари;
- реэкспорт операциялари;
- реимпорт операциялари.

б) бажарилган иш ҳажми билан боғлиқ операциялари;

- хорижда бажарилган иш ҳажми билан боғлиқ валюта операциялари;
- мамлакат худудида экспортёрлар томонидан бажараладиган иш ҳажми билан боғлиқ валюта операциялари.

в) кўрсатиладиган хизматлар қиймати билан боғлиқ валюта операциялари:

- хорижда кўрсатилган хизматлар билан боғлиқ валюта операциялари;

- мамлакат худудида экспортёрлар томонидан кўрсатилган хизмат билан боғлиқ валюта операциялари.

г)валюта қийматликларини ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари:

- нақд хорижий валюталар билан амалга ошириладиган валюта операциялари;

- девизлар билан амалга ошириладиган валюта операциялари;

- халқаро ҳисоб-китоб операциялари.

3. Воситачилик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ валюта операциялари:

- воситачилик хизматини кўрсатиш билан боғлиқ валюта операциялари;

- консигнация хизматини кўрсатиш билан боғлиқ валюта операциялари.

Валюта операциялари ҳисобини тўғри ташкил қилиниши валюта операцияларини туркумланган ҳолда ҳисобга олишни тақозо қилади. Чунки, валюта операциялари, айниқса, капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари ўз хусусиятига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг махсус рухсатномасига кўра амалга оширилиши лозим. Бу эса валюта операциялари амалга оширилиши пайтида капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларини аниқлаб олишни талаб қилади. Ушбу талабга риоя қилиниши операцияларини аниқлаб олишни талаб қилади. Ушбу талабга риоя қилиниши эса корхоналарни валюта операцияларини нотўғри тартибда амалга оширилишини олдини олади. Хорижий валюта ва хорижий валютада ифодаланган қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар Ўзбекистон Республикаси "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, жорий валюта операциялари ва капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига бўлинади.

Корхоналарнинг жорий валюта операциялари туркуми таркибида экспорт ва импорт бўйича ҳисоб-китоблар энг асосий аҳамиятга эга бўлган валюта операцияларидан бири саналади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг импорт операциялари ҳар томонлама олиб қараганда мамлакат иқтисодиёти учун муаммоли салбий таъсир қиладиган жараён ҳисобланади. Бунда тўловсизлик каби муаммолар кўпроқ учрайди.

Ўзбекистон Республикаси "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни иш ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижалари экспорти ва импорти бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун хорижий валюталарни ўтказиб бериш билан боғлиқ валюта операцияларини жорий халқаро операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига ажратади. Бунда операцияларни туркумлаш мезони (критерияси) бўлиб тўловни тақдим қилиш ёки олишни 90 кунгача муддатга узайтириш ҳисобланади.

Энди бевосита капитал ҳаракати ва кредитлар билан боғлиқ валюта операцияларига тўхталадиган бўлсак, бунда энг асосий эътиборни дастлаб корхоналарнинг устав капиталига инвестициялар билан боғлиқ валюта

операцияларига қаратишимиз лозим бўлади. Бинобарин, валюта қонунчилигимизнинг муҳим жиҳатларидан бири инвестицион фаолиятни тартибга солиш ҳисобланиб, бунда "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунга кўра тўғри инвестициялар, яъни корхоналарнинг устав капиталига корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини олиш ва даромад олиш мақсадида қўйилмалар капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари (бундан кейин-капитал операциялар) туркумига киритилади.

Мазкур қонунга кўра капитал операцияларга нафақат норезидент корхоналарнинг устав капиталига инвестициялар, балки Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларининг устав капиталига инвестициялар ҳам киритилади. Бундан ташқари мазкур меъёрнинг "тор" доирада талқин қилиниши билан боғлиқ ҳолда капитал операцияларга юридик шахснинг устав капиталига хорижий валютадаги маблағларни тўловлар мақсадида ўтказилишигина киритилади.

Бизнинг фикримизча, мазкур масалани ёритиб беришда қонунчиликда белгилаб берилган "валюта операцияси" ва "валюта қийматликлари" тушунчаларига асосланишимиз лозим.

"Устав капиталига (улуш) қўйилмалар" билан боғлиқ валюта операциялари турига олиб боришда фақат валюта қийматликларига мулкчилик ҳуқуқини ва бошқа ҳуқуқларни ўтиши бўйича операцияларни, шунингдек, халқаро пул ўтказмаларинигина кўриб чиқишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай қилиб, бунда тартибга солинадиган операцияларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- юридик шахснинг устав капиталига тўлаш учун хорижий валютадаги тўловлар;
- устав капиталига тўловлар сифатидаги валюта қийматликларини резидентлар томонидан олиниши;
- хорижий валютадаги қимматбаҳо қоғозлар ёки қимматли металлар ёки қимматли тошлар каби валюта қийматликлари иштирокида тўловлар орқали норезидент юридик шахслар томонидан қабул қилиб олиниши;
- хорижий валютада ифодаланган ва устав капиталида улушни тасдиқловчи юридик шахснинг қимматбаҳо қоғозларга мулкчилик ўзлаштирилиши.

Ўзбекистон Республикасига ўтказмалар ва Ўзбекистон Республикасидан фоизлар, дивидентлар ва омонатлар, инвестициялар ва бошқа капитал операциялар бўйича бошқа даромадларни тўлаб берилишини қонунчилик жорий валюта операцияларига киритади.

Жорий валюта операциялари сифатида фақатгина олдин амалга оширилган капитал операциялар натижасида келиб чиққан (180 кундан кўп муддатга кредитларни олиш ва бериш, устав капиталига хорижий валютада улушлар қилиш ёки олиш) операцияларинигина тан олиш ва ҳисобга олиш мумкин. Акс

ҳолатда бундай жорий валюта операцияларини капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари сифатида ҳисобга олишимиз лозим бўлади.

Устав капиталига инвестициялар билан боғлиқ операцияларни уларни келиб чиқиш манбалари бўйича қуйидаги гурухларга ажратишимиз мумкин:

- норезидентларнинг устав капиталига резидентларнинг инвестициялари;
- резидентларнинг устав капиталига резидентларининг инвестициялари;
- устав капиталига резидентлар томонидан қабул қилинган норезидентларнинг инвестициялари;
- резидентлар томонидан устав капиталига қабул қилинган резидентларнинг инвестициялари;
- резидентлар томонидан норезидентларга қилинган инвестициялардан олинадиган даромадлар;
- резидентлар томонидан норезидентларнинг даромадларини тўлаб берилиши;
- ваколатли банкларнинг инвестицион операциялари.

Устав капиталига хорижий валюталардаги инвестициялар хусусиятига кўра капитал ва кредитлар ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияси ҳисобланади ва ушбу турдаги операцияларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг махсус рухсатномаси талаб қилинади. Шунинг учун ҳам устав капиталига хорижий валютадаги инвестициялар билан боғлиқ мота операцияларини амалга оширишда мазкур қоидага риоя қилмаган хўжалик юритувчи субъектларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилишига олиб келиши мумкин. Валюта операцияларини гуруҳлаш тўлов балансида хорижий валютадаги тўловлар ва тушумларни акс эттиришнинг шаклланган тартибига асосланади.

Бунда валюта операцияларнинг барча турларини тўла қамраб олиш имконияти юзага келмайди. Масалан, муддатли валюта операциялари валюта операцияларининг асосий турларидан бири ҳисобланади. Лекин, у капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати билан бевосита боғлиқ бўлмаслиги мумкин ёки валютавий своп операцияларини олайлик. Бу валюта операциялари жорий ва муддатли валюта операцияларининг ўзаро уйғунлиги натижасида юзага келган. Мазкур туркумлаш ўз-ўзидан валюта операциялари жорий ва муддатли валюта операцияларининг ўзаро уйғунлиги натижасида юзага келган. Мазкур туркумлаш ўз-ўзидан валюта операцияларини тўлиқ кўринишда қамраб олмайди ва валюта операцияларини амалга оширишда асос бўла олмайди.

Девизларга жорий валюта счётларини, хорижий валютада ёзилган векселлар ва чекларни ҳамда хорижий валютада ёзилган векселлар ва чекларни ҳамда хорижий валютада ёзилган қимматли қоғозларни киритиш мумкин .

Халқаро ҳисоб-китоб операциялари ўз навбатида икки йирик гурухга бўлинади:

1. Соф тўловлар.

2. Хужжатлаштирилган тўловлар.

Бунда туркумлаш учун мезон бўлиб, тўлов шартлари қуйидагилар ҳисобланади.

Соф тўловлар учун уч тўлов шарти хос:

а) товарлар суммасини олдиндан тўлаш;

б) товар суммасини товарни қабул қилиб олгандан сўнг тўлаш;

в) очиқ ҳисоб варақлар бўйича ҳисобланиш.

Хужжатлаштирилган тўловлар учун иккита тўлов шарти хос:

а) товарлар билан боғлиқ хужжатларни тўлов амалга оширилгандан сўнг бериш;

б) товарлар билан боғлиқ хужжатларни вексел акцептлангандан сўнг бериш.

Ана шу мезондан келиб чиққан ҳолда соф тўловларга тўлов топшириқномалари ва чеклар воситасидаги ҳисоб-китоблар киради.

Хужжатлаштирилган тўловларга эса хужжатлаштирилган аккредитив ва инкассо воситасидаги халқаро ҳисоб-китоблар киради.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни - Тошкент 2016 й.

2.А.Ибрагимов, И.Очилов, И.Қўзиев, Н.Ризаев Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. "Иқтисод-молия" 2008 йил

3.Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари-Т.:Ўзбекистон миллий энц-яси. 2003.612 с.

4.Мусаев Ҳ.Н. Аудит.-Т.: Молия. 2003.-220 б.

5.Санаев Н.С., Нарзиев Р. Аудит. Ўқитувчи, 2001.

6.Тўлаходжаева М.М. Корхона молиявий аҳволини аудити. 1996.

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАҲИРАЛАРНИ ТУРКУМЛАШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ

Мамажонов Акрамжон Тургунович- Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, "Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит" кафедраси мудири, и.ф.ф.д., доцент.

Рустамжонов Музаффаржон Рустамжон ўғли – "Бухгалтерия ҳисоби" (қишлоқ хўжалигида) 1-босқич магистранти.

Хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш жараёнида хилма хил товар-моддий бойликлардан фойдаланадилар. Товар- моддий заҳиралардан корхоналарда турлича фойдаланилади, улардан бир хиллари ишлаб чиқариш жараёнида тўла истъемол қилинади, бошқалар фақат ўз шаклини ўзгартиради, учинчилар бирор бир ташқи ўзгаришларсиз буюмларга киради.

Товар - моддий заҳираларга олимлар томонидан турлича таърифлар берилган. Масалан, И.А. Завалишина товар- моддий заҳираларга қуйидаги таърифни берган: "Заҳираларга товар ишлаб чиқариш ва ҳизматлар кўрсатишда фойдаланиш учун ёхуд сотиш учун, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишга мўлжалланган активлар киради ".[7]

О. Бобожонов ва К. Жуманиёзов товар-моддий заҳираларни қуйидагича таърифлашган: "Товар- моддий заҳиралари асосан сотиш учун олинган ва ишлаб чиқарилган товарлар, ҳамда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган активлардан ташкил топган бўлиб, улар субъектнинг фаолиятида асосий ўринлардан бирини эгаллайди ".[8]

Б.Нидлз, Х.Андерсон ва Д.Колдуэллар томонидан "Принципы бухгалтерского учета" Москва "Финансы и статистика" 2003йилда нашр этилган адабиётга асосан товар- моддий заҳираларига қуйдагича таъриф берилган: "Товар заҳиралари ўз таркибига фирмада мавжуд бўлган барча товарларни,жумладан сотиш учун мўлжалланган ва жўнатилганлар киритилади.Улар айланма маблағлар таркибига, яъни бир йил давомида айланиб пул кўринишида намоён бўлади".[9]

Демак, товар- моддий заҳиралар сўзининг энг кенг маъносида қайта сотиш учун харид қилинган ва сақланадиган товарлардир.

Ўзбекистон Республикаси 4 сон БХМС "Товар- моддий заҳиралар"га мувофиқ товар - моддий заҳиралар бу хўжалик юритувчи субъектларнинг активлари бўлиб уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1.Ишлаб чиқариш ва ҳизмат кўрсатиш жараёнида ишлатилиши кўзда тутилган хом ашё, материаллар, сотиб олинган ярим тайёр махсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, эхтиёж қисмлари, материал ҳамда арзон баҳоли тез эскирувчи буюмлар, бошқа материаллар киритилади.

2.Тугалланмаган ишлаб чиқариш.

3.Хўжалик юритувчи субъектнинг одатий фаолиятини бориш чоғида сотиш учун мўлжалланган тайёр махсулотлар ва товарлар киритилади.

Корхоналарда товар - моддий заҳиралар таркибида ишлатилмайдиган товарлар ҳам бўлиши мумкин, уларга:

- мижознинг буюртмасига асосан тайёрланган (янги олди сотди битими бажарилган), унга қарашли ва жўнатишини кутаётган товарлар;
- консигнациядаги товарлар. Консигнация бу комитент еки консигнант деб аталадиган мулкдорнинг ўз товарини бошқа корхона омборларида жойлаштиришдир. Консигнатор бундай товарларни ўзининг

[7] И.А. Завалишина Солиқлар ва божхона ҳабарлари газетаси кутубхонаси. Янгича бухгалтерия ҳисоби . 2003й. 262 бет.

[8] О. Бобожонов,К Жуманиезов "Молиявий ҳисоб " 2004 й. 209 бет

[9] Нидлз Б.Андерсон Х.Колдуэлл Д.Принципы бухгалтерского учета .М.: 2003г.

моддий захиралари таркибига киритимаслиги керак, чунки реализация давригача бу товарлар жўнатувчи консигнантнинг мулки ҳисобланади.

Ҳар бир корхона бухгалтерия ҳизматининг асосий вазифаларидан бири уларни тўғри ҳисобга олишни таъминлашдир. Ушбу вазифани амалга ошириш учун товар- моддий заҳираларни тўғри туркумлашдир. Ушбу вазифани амалга ошириш учун товар-моддий заҳираларни тўғри туркумлаш катта аҳамиятга эга.

Товар-моддий заҳиралар ишлаб чиқаришдаги ролига қараб қуйидагича гаруҳланади:

- хом ашё ва материаллар;
- ёрдамчи материаллар.

Хом ашё ва ярим тайёр махсулотлар асосий материалларга ўхшаб маҳсулот асосини ташкил қилади, масалан, пахта тозалаш корхоналарида пахта толаси, ёғ заводларида чигит, металлургия заводларида темир руда. Бошқа корхоналардан олинадиган машина ва агрегатларнинг турли деталлари ва бошқалар ярим тайёр маҳсулотлар деб аталади.

Асосий материаллар деб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркибига буюм сифатида кирадиган ва шу маҳсулотнинг асосини ташкил киладиган меҳнат буюмларига айтилади. Асосий материалларга ишлаб чиқариш жараёнида бир марта бўлса ҳам ишловдан ўтган меҳнат буюмлари киради.

Ёрдамчи материаллар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркибига кириб уларда сифат ўзгаришлар хосил қилади, яъни маҳсулотга маълум сифат ёки корхона ходимларининг меҳнат шароитини яхшилаш мақсадида ишлатиладиган ҳар ҳил материаллар киради. Ёрдамчи материаллар маҳсулотга чирой беради, мазасини ўзгартиради, ҳамда меҳнат воситаларини таъмирлаш, созлаш учун ишлатилади.

Ярим тайёр маҳсулотлар деб ишловчи бир цехда тўла тугалланиб бошқа цехларда давом эттириладиган меҳнат буюмларига айтилади. Ярим тайёр маҳсулотлар сотиб олиниши еки корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилиши мумкин. Шунинг учун сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар шу корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлардан ажратилган ҳолда ҳисобга олинади.

Ёқилғи ишлаб чиқаришдаги ролига қараб материалларга ўхшаб кетади. Ёқилғилар корхоналарда технологик мақсадларга, ёқилғи сифатида ва иситиш ёқилғиси сифатида ишлатилади. Лекин ёқилғини ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти уларни ёрдамчи материаллардан алоҳида гурухларга ажратишни тақозо қилади.

Эхтиёт қисмлар машина, асбоб ускуна ва бошқа меҳнат воситаларини таъмирлаш мақсадида ишлатилади.

Идиш ва идиш материаллари, сотилаётган маҳсулотларни қадоқлаш, ўраш, жойлаштириш учун ҳизмат қилиб маҳсулот билан биргаликда сотилади.

Чиқиндилар корхонанинг ўзида асосий ёки ёрдамчи материаллар сифатида ишлатилиши мумкин, айрим пайтларда эса бошқа корхоналарга сотилади.Чиқиндилар асосан хом ашё ва материалларни қайта ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида пайдо бўлади. Чиқиндиндилар асосан хом ашё ва материалларни қайта ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида пайдо бўлади.Чиқиндиларни ҳисобга олишда ва улардан мақсадли фойдаланишга қаратиш керак.

Арзон баҳо ва тез ишдан чиқадиган буюмлар хам меҳнат буюмлари сифатида айланма маблағлари таркибида ҳисобга олинади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, материалларни туркумлашда хар бир корхонани хусусиятини ва шароитларини ҳисобга олиш керак, чунки бир турдаги материаллар маҳсулотни яратишдаги ролига қараб битта корхонада асосий материал деб ҳисобга олинса; бошқа корхонада эса ёрдамчи материал бўлиб ҳисобга олиниши мумкин.

Товар-моддий заҳираларни таркибига шунингдек тугалланмаган ишлаб чиқариш, корхона омборлардаги сотишга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ва товарлар киради.

Тайёр маҳсулот деб,барча ишлов операцияларидан ўтиб, тайёр ҳолга келтирилган белгиланган давлат стандарти еки техник назорати ходимлари томонидан қабул қилинган маҳсулотга айтилади.

Қийматликларни товар-моддий заҳиралари таркибига киритиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 27 августда 44 сон билан тасдиқланган (4 БХМС) "Товар-моддий заҳиралари" Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти билан тартибга солинади.

Товар - моддий заҳиралари ҳисобини ташкил қилишда уларнинг таркиби, холати, ҳаракати, миқдори , харид қилиниши, бахолаш, қайта баҳолаш тартиби ва хоказоларга эътибор қаратиш лозим.

Товар- моддий заҳиралар ҳисобини ташкил қилишда, уларни тўғри баҳолаш катта аҳамиятга эга. "Товар - моддий заҳиралар " номли 4 сон БХМС нинг 8 бандида захиралар энг кам бўлган баҳода, таннархи бўйича ёки соф сотиш қийматида ҳисобга олиниши зарурлиги таъқидлаб ўтилган.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И.А. Завалишина Солиқлар ва божхона ҳабарлари газетаси кутубхонаси. Янгича бухгалтерия ҳисоби . 2003й. 262 бет.
2. О. Бобожонов, К Жуманиезов "Молиявий ҳисоб " 2004 й. 209 бет
3. Нидлз Б.Андерсон Х.Колдуэлл Д.Принципы бухгалтерского учета .М.: 2003г.
4. Вахидов С.В. ва бошқ. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари.-Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2004.-237 б.
5. Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби.-Т.: Шарқ, 2004.-592 б.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДОНЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИДА БОШҚАРУВ ХИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ.

Абдилалимов Акмалжон Обиджанович
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
"Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит" кафедра ассистенти

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги тармоғида халқаро андазалар асосида бозор иқтисодиётига ўтиш учун барча имкониятлар ва тажриба ҳам мавжуд. Маъмурий - буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган иқтисодий ва сиёсий муносабатлар билан истиқболли бошқарув мажмуасини ечиш мумкин эмаслигини давр кўрсатиб берди. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида маъмурий - буйруқбозлик тизимидан ҳоли бўлган эркин бозор муносабатларига ўтмасдан туриб, инсон қадрини ошириш, шахс ва жамоа манфаатдорлигини, халқ турмуш шароитини яхшилаб бўлмайди. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек халқни рози қилиш учун "уларни дардини эшитиб, муамоларини ҳал қилиб бериш керак".

Бу масалалар мажмуида хўжалик бошқарувининг барча функциялари, шу жумладан ишлаб чиқариш харажатларини бухгалтерия ҳисоби, назорат ва таҳлилини ва маҳсулотлар таннархини ҳисобга олишни оқилона ташкил қилиш ва уни такомиллаштириш вазифалари ётади. Албатта, бу йўл осон йўл эмас. Унинг мураккаблиги консерватик қарашлар инерцияси ва аввалги тассавурларни енгиш, деҳқонда ерга, техникага ва бошқа неъматларга бўлган ҳақиқий эгалик ҳиссини уйғотиш, бозор муносабатларига тўсқинлиқ қилаётган маъмурий-буйруқбозлик тизими қолдиқларига барҳам бериш зарурияти ётади. Қишлоқ хўжалигида бозор тизими барча мулк эгаларини тенг ҳуқуқлилигини, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳимоясини кафолатини таъминлайдиган ижтимоий-ҳуқуқий асосини яратиши лозим.

Бундай ислоҳатларни қуйидаги йўналишларда олиб боришни мақсадга мувофиқ деб биламиз:

-биринчидан, экин экиладиган ерлардан фойдаланиш яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги тармоғида иш юритишни тубдан ўзгартириш;

-иккинчидан, ерни ўзининг ҳақиқий эгасига топшириш;

-учинчидан, ғалла етиштириш ва уни қайта ишлашни уйғунликда амалга ошириш;

-тўртинчидан, ишлаб чиқарувчи билан давлат ўртасидаги муносабатлар бозор талаблари асосида амалга оширилишини таъминлаш.

Бунинг учун фермер хўжаликларини ривожланишининг ташкилий ва иқтисодий негизини яратиш керак. Халқаро амалиётда синалган ва иқтисодиётни

ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этувчи бозор муносабатларини ва тажрибаларини ҳаётга тадбиқ этиш даркор. Шундай бошқарув тузилмаларидан бири жаҳон амалиётида синалган ва самарали фаолият кўрсатаётган **кластер** бўлиб, ҳозирда Ўзбекистонда дон етиштирувчи ва уни қайта ишловчи тузилма фаолиятини йўлга қўйишга киришилди. Бу борада бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Иқтисодий адабиётларда хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан кластер тушунчасига бир қанча таърифлар берилган:

-кластер (инглизча слустерр – тўплам, тўп, бир талай) - маълум хусусиятга (хоссага) эга бўлган, мустақил бўлим сифатида қараладиган, бир нечта бир хил таркибий қисмлиларни бирлаштириш;

-кластер – битта соҳага бирлашган ва бир – бири билан узвий алоқада бўлган корхоналар гуруҳи;

-кластер – битта географик ҳудудда жойлашган ва битта тармоқни ташкил қиладиганг корхоналар гуруҳи;

-кластер – махсус соҳалар бўйича битта географик ҳудудда фаолият юритаётган, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир–бирини тўлдирувчи компаниялар, институтлар гуруҳи;

Хулоса қилиб кластернинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб унга қуйидагича таъриф берилса мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз: кластер битта географик ҳудудда жойлашган ва маълум бир аниқ вазифани ечишга қаратилган мустақил иқтисодий субъектлар гуруҳи бўлиб, хўжалик юритишда бир-бири билан узвий алоқадаги меҳнат жараёнларини бирлаштиришга қаратилган муносабатлар мажмуаси ёки корхоналарнинг ва ижтимоий гуруҳларнинг биргаликдаги мулклари билан ҳаракат қилиш шаклидир.

Иқтисодиётда кластер (слустерр) – бир-бирини алмаштириш етарлича чегараланган маълум йўналишдаги ишлаб чиқариш ёки хизматлар соҳасидир. Иқтисодий кластер – баъзи ҳудудларда тўпланган бир – бири билан алоқадор бўлган корхоналар гуруҳи (акциядорлик жамиятлари, компаниялар, трестлар, корпорациялар), таълим тизимида Университетлар, банклар ва бошқалар. маҳсулотларни, бутловчи буюмларни ва ихтисослаштирилган хизматларни етказиб берувчилар, инфратузилмалар; илмий текшириш институтлари, олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар.

Кластерда, унинг иштирокчиларини ўзаро рақобати, кооперацияси, ўзаро чегарадош бўлган туманларни ягона ҳуқуқларини, ваколатларини шаклланиши, маълум ҳудудда корхона ва ташкилотларнинг бир мақсад сари тўпланувини шакллантириш хусусияти ётади.

Кластер тузилмаларини шакллантириш ўзи нима беради? Фикримизча кластерлар қуйидаги функцияларни бажарадиган тузилма бўлиб ҳисобланади:

-биринчидан, ҳудудларни ривожлантириш учун қўшимча иш ўринларини яратиш, давлат ва маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, тармоққа кирувчи иқтисодий субъектлар бўйича ваколатларни тақсимлаш;

-иккинчидан, тадбиркорлик тузилмалари билан ўзаро ахборот алмашувини жадаллаштириш ва янгиликларни тарғиб этиш, ҳудудларни инновацион жозибадорлигини ошириш ва кичик бизнес субъектларининг иновацион фаоллигини яхшилаш;

-учинчидан, ҳудудий иқтисодиётни диверсификация қилиш;

-тўртинчидан кичик бизнес субъектларини ва хусусий тадбиркорларни йирик инвестиция лойиҳаларга янги инновацион фаолиятга жалб этиш асосида қўшимча даромад олишларини таъминлаш;

-бешинчидан, янги бозорларга чиқиш, янги лойҳаларни жорий қилиш бўйича харажатларни қисқартириш, уларнинг фаолиятларини инфратузилмалар билан таъминлаш, ходимлар малакасини ва корхоналар рақобатбардошлигини ошириш.

Айни вақтда ушбу функциявий вазифаларни амалга ошириш учун бу тоифадаги кохоналарнинг бошқарув хисобини такомиллаштириш зарур деб хисоблаймиз.

Ўзбекистоннинг дон етиштирувчи кластер корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш амалиёти, корхоналарни оператив бошқаруви учун зарур бўлган ахборотларни олиш тизими, ишлаб чиқариш харажатлари устидан ҳар кунлик тезкор назорат ўрнатиш тартиби бозор талабларига жавоб бермайди. Чунки, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш йириклаштирилган ҳисоб объектлари бўйича олиб борилади ва ҳисобот даври учун фақатгина умумлаштирилган кўрсатгичларни олишга қаратилган. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ишларини ташкил қилишдаги бундай камчиликлар ҳар доим ҳам маҳсулотлар таннархини тўғри аниқлаш, харажатларнинг сарфланиши юзасидан тезкор назорат ўрнатиш ҳамда ички захираларни топиш имкониятини бермайди.

Мазкур мақолада Ўзбекистон дон етиштирувчи тармоғини кластерлаш шароитида, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишни, харажатлар таҳлилини ва ички аудитини ўтказиш методикасини, бошқарувнинг замонавий талаблари асосида, такомиллаштириш масаласи долзарблиги ҳақида сўз боради.

Мақоланинг асосий мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгилаб олинди:

1. Донни етиштириш ва қайта ишлаш корхоналарида таннархни шаклланиш хусусиятларини аниқлаш ва унинг ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш методологиясига таъсирини ўрганиш;

2. Донни етиштириш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишни ҳолатини тадқиқ қилиш ва йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш;

3. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг норматив методини қўллашни пахтани қайта ишлаш корхоналари хусусиятлари талабига жавоб берадиган тамойилларини асослаш;

4.Дон етиштириш ва қайта ишлаш корхоналарида харажатларини дастлабки ва йиғма ҳисобини ташкил қилиш тажрибасини умумлаштириш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Дон етиштирувчи ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция ва таҳлил қилиш ҳамда харажатлар аудитни ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар эгри харажатларни ҳисобга олишни ва уларни маҳсулотлар орасида тўғри тақсимлашда йўл қўйилган четланишларни бартараф этади ҳамда корхоналар фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишда ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилишда фойдаланиладиган ахборотларни қийматини янада оширади. Фикримизча, бу таклифлар саноатнинг ҳом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқарадиган бошқа тармоқлари учун ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки 20-25 йили давомида дон етиштириш тармоғида ердан самарали фойдаланиш бўйича олиб борилган ишлар, хусусан, ерларни узоқ муддатларга ижарага бериш, жамоа хўжаликлари ҳамда ширкат хўжаликлари ташкил этиш ҳар доим ҳам ижобий натижа бермади. Шунинг учун ҳозирги пайтда Республика қишлоқ хўжалиги тармоқларида мулкга ва ерга бўлган муносабатни кластер тизими асосида тубдан ўзгартириш ишлари жадал амалга оширилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан бу масала бўйича 2017-2020 йиллар давомида бир қанча меъёрий ҳуқуқий ва деректив ҳужжатлар қабул қилинди.

Ушбу меъёрий - ҳуқуқий ва деректив ҳужжатларда ҳозирги кунгача амал қилаётган хўжалик жамиятлари ва фермер хўжаликлари заминида дон етиштирувчи ва уни қайта ишловчи кластерлар ташкил қилишни ва унинг фаолият турлари бўйича меъёрий ҳуқуқий асослар белгилаб берилди.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.09.2019 й. 806-сон "Бошоқли дон етиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-4634 06.03.2020 йил "Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

3. Xasanov B., G`aniyev Z., Muxammedova D. Boshqaruv hisobi / O`quv qo`llanma. –T.: «Iqtisod-moliya», 2018. -275 b.

4.А.Х.Пардаев, Б.Х.Пардаев "Бошқарув хисоби" Тошкент, "Ғофур Ғулом", 2008 й. 251 б.

ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИДА ЛОГИСТИК ОҚИМ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Комилов Акрамжон Хусанович Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада қурилиш корхоналарида логистик тизимни яратиш ва аҳамияти, уларда логистик оқимларни самарали бошқариш масалалар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: таъминот жараёни логистика харажатлари таснифи, логистик муомалалар, логистик харажатлар, логистик бошқариш, таъминот логистикаси, логистик оқим.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ривожланиб бориши ва эркин халқаро иқтисодий ҳамкорлик жараёнининг кучайиши республикамизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларининг янги талаблар асосида фаолият юритишини тақазо этмоқда.

Логистика ва логистика харажатларни қўллашдан кўзланган асосий мақсад – хўжалик субъектларининг кўпроқ даромад ва фойда олишини таъминлашдан иборат.

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида хўжалик субъектларининг пуҳта асосланган қарорларни қабул қилишида ишончли ахборотларга бўлган талаб тобора ошиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда ривожланган давлатлардаги корхоналар фаолиятида «харид қилиш-ишлаб чиқариш-тақсимот-сотиш-хизмат кўрсатиш» узлуксиз логистик занжири орқали материаллар ва унга ёндош оқимларни яҳлитликда ва мантиқий уйғунликда бошқаришга эришиш лозим ва бунинг натижасида корхона менежерларининг ҳатти-харакатларини мувофиқлаштирилган – интеграциялаштирилган логистика воситасида амалга оширишни тақазо этмоқда. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам логистика фани, унинг таҳлил усуллари шаклланиши натижасида келиб чиқадиган янги имкониятлардан амалда фойдаланиш билан логистик занжирдан самарали фойдаланишга эришиш мумкин деган фикрдамиз.

Логистика инглиз тилидан таржима қилинганда «таъминот» [1, 60.б], юнончада эса, мантиқан «амалдор» [2, 12.б] деган маънони билдиради, шунга кўра, тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, турли даврларда уни турлича таърифланиши натижасида ҳозиргача логистикага берилаётган маъно ва таърифлар бизнингча, аниқ тўхтамга келинмаган деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги пайтда илмий ва иқтисодий адабиётларда логистика тушунчаси тўғрисида кўплаб фикр ва мулоҳазалар келтирилмокда. Жумладан: Е.А.Голиков логистикага таъриф беришда терминологик жиҳатдан ёндашган, «Логистика – атамаси этимологик (тил) нуқтаи назаридан қаралганда лотинча ўзакларга эга, яъни «логос» (онг), «логосмос» (ҳисоб-китоб, фикрлаш, режа), «лого» (ўйламок, фикр юритмоқ), «Логистика» (ҳисоб-китобларни юритиш санъати) ва ҳоказо демакдир. «Логистика» сўзининг мазмуни (семантика) жиҳатидаги тушунча сифатида эса Византия императори Леон IV (865-912 йй)нинг қуролли кучларни моддий-техника таъминотини бошқариш, уларнинг харакати ва тақсимланишига бағишланган «Қўшинларга йўриқнома»сида тилга олинган [3, с.180].

Назаримизда, бирор бир терминга таъриф берилганда, албатта унинг луғавий маъносига аҳамият бериш лозим, лекин унинг таърифи логистика моҳиятини тўлиқ ифодалаб бермайди, чунки даврлар ўтиб терминнинг луғавий маъноси қандай бўлса шундайлигича қолиши мумкин, аммо унинг моҳиятининг ўзгариши қайси даврга хизмат қилиши ва ривожланишига боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, логистика таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида харажатларни камайтириш воситаларидан бири бўлиб, корхонанинг маҳсулот, иш ва хизмат турларини рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида шакллантирилади.

К.А.Дадабоев эса, «Логистика – маълум мақсадларни ҳал қилиш учун зарур бўлган маблағ ва хизматларни мақсадга мувофиқ тайёрлаш, фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш» [4, 29.б], деган фикрни илгари суради. Маълум маънода ушбу фикрга қўшиламиз, аммо юқоридаги келтирилган таъриф логистикани тўлиқ моҳиятини очиб бера олмайди деб ҳисоблаймиз.

М.П.Гордон ўзининг «Бозор ва логистика» номли рисоласида «Логистика – хўжалик фаолиятида ишлаб чиқариш ва муомалага йўналтирилган материал оқимларни бошқариш» [5, с.13] деган фикрни илгари суради.

Л.С.Федоров «Логистика» номли рисоласида: «Логистика – бу бошланғич ҳолатдан якуний ҳолатгача материал оқимларини бошқариш билан шуғулланадиган фандир»[6, с.12] деб таъкидлайди.

Юқорида келтирилган фикрларда фақат материаллар таъминоти ва материал оқимга алоҳида эътибор, урғу бериш билан чекланганлигини кўрамиз. Юқоридагилардан келиб чиқиб, материал, молиявий ва ахборот оқимлари логистик тизимнинг асоси ҳисобланишини эътиборга олиб, аввало «оқим» тушунчасининг маъно-мазмунини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

«Оқим» тушунчаси бўйича иқтисодий адабиётларда турлича фикрлар мавжуд. Чунончи, В.О.Бахарев фикрича: «Биринчидан, «молиявий ресурслар оқими» тўғрисида, бизнинг назаримизда, молиявий оқимлар пул оқимлари бўлиши мумкин, «ресурслар» оқими эмас, чунки ҳисобда ресурс деб буғ, газ, электр энергия, кислород, сув, иссиқлик, ва ҳоказолар тушунилади» [7, с.7].

Бизнингча, В.О.Бахараевнинг «ресурс» ва «оқим» атамаларини бир-биридан фарқ қиладиган алоҳида атамалар эканлиги ҳақидаги ўзининг аниқ маънони ифодалаб бериши билан «оқим» тушунчаси ўз ифодасини топди деб ҳисоблаймиз.

И.Ю.Бенкенинг таъкидлашича: «Инфляция шароитларида, ҳар қандай харажат турини пасайтириш зарурияти долзарб бўлиб турганда, оқим жараёнларини бошқаришнинг илмий усули сифатида логистиканинг аҳамияти яққол кўзга ташланади. Шунинг билан биргаликда бу ҳолатда вазифаларни қўйиш ва ҳал этиш қийинлашади ва қўшимча кўрсаткичлар киритиш талаб этилади» [8, с.227].

Шунингдек, ушбу масала бўйича А.М.Гаджинский: «…ижрочи ахборот тизимларида материал оқимларни тезкор бошқариш амалга оширилади» [9, с.173]деган фикрни илгари сурган.

Иқтисодчи олимларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган таърифларини умумлаштирилган ҳолда, логистиканинг объекти сифатида оқимни маълум вақт оралиғида динамик ўзгаришларга сабаб бўлувчи харакат деб қараш мумкин. Логистик тизим ва муомалаларнинг объектлари турли шаклдаги оқимлар ҳисобланиб, биринчи навбатда материал ва унга мос равишда ахборот оқимлари, шунингдек молиявий оқимлардир.

А.М.Гаджинский ва А.Н.Родников логистик муомалаларни «материал ва ёки ахборот оқимини тубдан ўзгартиришга йўналтирилган харакатлар мажмуи» деб тасдиқлаганлар.

В.О.Бахаревнинг: «…бироқ логистик муомалаларга киритилган объектлар қаторига товар-моддий бойликлар оқимининг харакатида пайдо бўлувчи молиявий оқимлар ҳам қўшилиши керак»[10, с.9] деган фикрни алоҳида эътиборга олиш жоиздир.

Аммо, «оқим» тушунчаси ҳозирда нисбий тушунчадир. Логистик муомалаларни амалга оширишда доимо оптимал ечимни излаб топиш доимий муаммодир, яъни қабул қилинаётганидан кўра, янада самаралироқ ечимлар изланади. Ана шу мантиқдан келиб чиқиб, биз «Логистик оқимларга материал, молиявий ва ахборот оқимлари киради» деган умумий хулоса қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва ушбу жараённи объектимиз ҳисобланган қурилиш корхоналари мисолида логистика оқимлари таснифини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир

1-расм. Қурилиш корхоналарида логистика оқимлари таснифи

Логистикада ушбу оқимларни ҳар бир тури бўйича бошқариш ўта муҳим ҳисобланиб, уларни бир-биридан ажратиш бизнингча, мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз: яъни, материал оқим, ахборот оқими ва молиявий оқим. Ундан ташқари биз меҳнат ресурсларини бевосита логистик оқимларга таъсир кўрсатувчи омил деб қарадик.

Изланишларимиз таҳлили шуни кўрсатадики, бизнингча логистикада харажатларни аниқлашнинг қийинлигининг асосий сабаби уларга ташқи ва ички муҳитнинг кўплаб омилларини таъсир этишидадир. Уларнинг таркиби баҳони шакллантириш, фойдани тақсимлаш ҳусусиятлари, молиявий ресурсларнинг тузилмаларини ташкил этишга боғлиқдир. Корхоналар сотиб олиш, ишлаб чиқариш, маҳсулотни сотиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича харажатларини тўлиқроқ акс эттиришга уринадилар.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, бизнингча, логистиканинг мақсади – мол етказиб берувчиларни оптимал танлаш орқали ТМЗларни келтириш, тушириш, омборга жойлаш, сарф қилинишида, тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга сотиш ва етказиб бериш жараёнларида харажатларни оптималлаштириш орқали юқори даромадга эришишдир.

Адабиётлар

1. Тайгашинова К.Т. Управленческий учет логистических издержек (управление товарно-материальными запасами) часть 1: Учебное пособие. - Алматы: Экономика, 2006. – с. 60
2. Дадабоев Қ.А. Логистика. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. 12-б
3. Голиков Е.А. Маркетинг и логистика. Уч.пос. – М.: Дашков и К°, 1999. – с. 180
4. Дадабоев К.А. Логистика. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004. 29-б
5. Гордон М.П. Рынок и логистика. – М.: Экономика, 1993. – с. 13
6. Федоров Л.С. Логистика. Учебник. – М.: ИНФРА, 2001. – с. 12
7. Бахарев В.О. Производственно-заготовительная и сбытовая логистка предприятий ювелирной промышленности. автореф. дисс. д.э.н. – СПб.: 1997. – с. 7
8. Бенке И.Ю., Юльчиева Г.Н. Японское искусство торговать в практике. – Алматы: 1999. – с.227.
9. Гаджинский А.М. Основы логистики. – М.: Инфарм – Маркетинг, 1996. – с. 173
10. Бахарев В.О. Производственно-заготовительная и сбытовая логистка предприятий ювелирной промышленности. автореф. дисс. д.э.н. – СПб.: 1997. – с. 9

THE CONCEPT OF INFLATION AND METHODS OF CALCULATING IT.

Turgunboev Ikromjon Imomidin ogli
Student of Economics at Andijan Machine-building institute.
Ergasheva Mokhizarkhon Gofurjon qizi
Student of Management at Andijan Machine-building institute.

Annotation: This article is an exaggeration to say that the big and giant countries, which are currently occupying the top positions in the world rankings in various areas of the world, are a headache for both low and medium, in short, the existing countries. lmaydi. One of the main problems that afflicts them is inflation. The whole country is struggling with this and trying to lower the inflation rate in the state. In fact, we can observe the inflation we are talking about and how it occurs, the main problems that can cause it and the scope of its impact, as well as the way in which it is calculated.

Keywords: *Inflation, Slow Inflation, Severe and Uncontrolled Inflation, Consumer Basket, Price Index, Demand, Taxes.*

Inflation is the increase in the money supply as a result of the prices of goods and services and the consequent devaluation of money. Modern inflation is characterized not only by a decrease in the purchasing power of money as a result of the steady rise

in prices for goods and services, but also by negative factors in the production process, money supply, finance and credit. The main causes of inflation are the sectors of the economy, savings and consumption, supply and demand, government revenues and expenditures, the balance between the money supply and demand of households, and the credit expansion of the central bank. These factors, depending on their nature, can have different effects on inflation and its level. In international practice, there are three main types of inflation in terms of price growth, ie the growth of money supply:

1. Calm (polzuchaya, umerennaya) inflation. This inflation is present in economically developed countries, in which case the prices for goods, works and services can increase by an average of 3% to 10% per year. In these countries, the money supply is maintained and the purchasing power of the national currency is maintained. 2. Severe (galopiruyuhaya) inflation. This inflation is present in economically developing countries, in which case the prices for goods, works and services can increase from an average of 10% to 100% per year, and in some cases up to 200%. As a result, the money supply will increase and the purchasing power of the national currency will decrease. The process of materialization of money among the population of the country, ie the accumulation of gold in the form of real estate, rather than the accumulation of the national currency, is intensifying. 3. Unbridled (hyperinflation) inflation. In this inflationary situation, prices for goods, works and services will increase by more than 1000% per year or more than 100% per month. In this case, there will be a crisis in the national economy. As a result, production and the market operate without management, and the gap between prices and wages increases. The population of the country buys goods with paper money. This situation leads to the overflow of paper money in circulation, which is not provided by the mass of goods and services.

At present, in studying the nature of inflation, economists point to its monetary causes, ie the change in the amount of money supply relative to the mass of goods. In dealing with inflation, support is needed to reduce its level. This support is the price index. The price index is determined by the increase (decrease) in current general consumer prices relative to prices from the base period. In determining this index, the retail prices of goods and services included in the consumer basket of citizens of the country are used. This formula is as follows:

$$IPTs = \frac{PKt}{PKb} \times 100\ \%$$

Here: IPTs - consumer price index; PKt - current price of the consumer basket; Pkb is the base price of the consumer basket.

An increase in the inflation rate can be determined by an increase in one price. For example, the price of 1 liter of gasoline in the base period was 500 soums, and its

current price is 585 soums. This means that the price of 1 liter of gasoline increased by 117% during the period we observed.

585 soums, 1 liter of gasoline = ---------- x 100% = 117%, 500 soums

In addition to the price index, the GDP index is used to manage inflation. Gross domestic product is a monetary expression of the total amount of all products, works and services produced in the country over a period of time, usually a year. A deflator is used to measure the overall level of the GDP price index. Using a deflator, it is possible to determine the actual wage level for a specific period. The economic mechanism developed by Keynes consists of the following basic regulations:

1. The level of employment of the country's population is determined by the volume of production;

2. The general demand does not correspond to the supply, because certain money is spent on accumulation;

3. The volume of production is determined on the basis of business at a reasonable level of demand;

4. Investment and fund acts in the state of equality of investments and funds operate independently.

In international practice, this school is called "monetarism". The basic principles of the school of monetarism are:

1) "Money matters", ie credit - changes in the monetary sphere have a decisive impact on the overall state of the economy;

2) The Central Bank of the country should ensure the stable growth of the money supply, regardless of the economic situation in the economy.

M. Friedman's main idea is that the level of development of the country's economy, regardless of the state budget, unemployment and other macroeconomic indicators, should increase the main task of the state in monetary policy by an average of 3-5%. This idea was developed by Dj. It is the opposite of Keynes's idea. Dj. Keynes argued for restrictions on the growth of money supply and demand, while M. Friedman argued for the constant growth of supply and money supply. Proponents of the School of Monetarism support the following anti-inflation measures:

- direct incentives for entrepreneurship (reduction of taxes on the part invested in profits);

- reduction of government spending;

- Stimulating the growth of investment funds (placement of the population's funds in commercial banks and securities)

The experience of developed economies shows that no matter what form or type of inflation occurs, it is always a solution to the problem of unemployment, an in-depth analysis of their interrelationship Australian economist A. Phillips. proves its existence. According to him, the unemployment rate in the country will be low. In turn, if inflation is high, the unemployment rate will be low. We can see this in the graph below. According to A. Phillips, in countries with high inflation rates, the value

of real wages will fall. Typically, inflation is divided into two types, demand inflation and supply inflation. Demand inflation occurs when demand in the economy rises sharply and cannot be met by real output.

In other words, in the conditions of full employment, the productive capacity of the economy cannot meet the growing aggregate demand. Excess demand puts economic pressure on real commodity prices, leading to demand inflation. This means that inflation depends on many factors, such as supply, demand, employment, prices, and production rates.

List of used literature

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Toshkent: "O'zbekiston" NMIU, 2017. – 488 b.
2. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. – Toshkent: "O'zbekiston" NMIU, 2017. – 104 b.
3. Gulomov S. Mikroiqtisodiyod.
4. Sh.Sh.Shodmonov, U.V G`ofurov "Iqtisodiyot nazariyasi"

IQBOL MIRZO IDIOSTILIDA SHEVAGA XOS SO'ZLARNING QO'LLANILISHI

Zulaypoyeva Gulmira Ubaydulloyevna, FarPI assistenti, Farg'ona, O'zbekiston.

Idiostil til tashuvchilarning nutqi va uslubining faqat shu ijodkorgagina tegishli xususiyatlaridir, uni o'rganish esa lingvopoetik tadqiqotda muhim rol o'ynaydi. Idiostil tushunchasining shakllanishi bir paytning o'zida til shaxsi (nutq egasi) tushunchasining shakllanishiga olib keladi [1]. Poetik asarlarning lingvopoetik tahliliga qaratilgan tadqiqotlarda idiostil ijodkor badiiy olamini yoritish uchun xizmat qiluvchi lisoniy usul va vositalarning murakkab tizimi sifatida ta'riflanadi [2].

Biz muallif idiostilini o'rganishda bir qancha bosqichni bosib o'tishimiz darkor:

1. So'z va iboralarni qo'llash hamda yasash mahorati,
2. Ijodkorning ekspressiv vositalarga murojaati

3. Nutq shakllarining o‘sib borishi
4. Lingvistik, morfemik va sintaktik birliklarning o’rni
5. Muallifning uslubiy qirralari.

Boshqa bir jihatdan yondashadigan bo’lsak, aynan muallifning kommunikativ niyatidan kelib chiqib, semantik, assotsiativ hamda lingvokulturologik tadqiq etish orqali ham biz masalaga kirib boramiz.

Idiostilni tahlil qilishda qabul qilinayotgan bunday yondoshuvlar aynan bir ijodkorga mansub matnni atorflicha o’rganishni, muallif individualligiga xos xossalarni belgilashni taqazo qiladi. Bunda nafaqat material tanlash, balki mavzu tanlash, tilshunoslikning ayrim elementlarini boshqalardan ustun qo'yish holatlari yoki diqqatini kammahsul vositalarga qaratishdagi belgilarni inobatga olish lozim. Kitobxon bilan ijodiy muloqotni tartibga soluvchi, ma'lum bir yo'nalishda adresatning assotsiativ faolligini rag'batlantiradigan jihatlarni aniqlash, o'quvchi ongida matnning semantik rivojlanishini turli yo'llar bilan modellashtiradigan rang-barang vositalarni tashkil etish hamda obrazlar yaratish orqali til imkoniyatlarini ochib berish muhim hisoblanadi.

O‘zbekiston xalq shoiri Iqbol Mirzo idiostilida ko‘plab o‘ziga xosliklar mavjud. Masalan, okkazional so‘z va iboralar yaratish, poetik figuralarning kammahsul turlaridan foydalanish hamda shevaga xos so‘zlarni ishlatish kabilar.

Qismat, men kim bo‘pman? Bir avom…

Boshimga g‘avg‘olar solaver.
Jon zaril bo‘p qolsa mobodo
So‘rab o‘tirmasdan olaver!

(*Qismatga*, 207-bet)[3]

Yuqoridagi misralarda Farg‘ona viloyatiga oid dialekt birliklar mavjud: bo‘pman (bo‘libman), zaril (zarur). Bo‘libman- o‘tgan zamon qo‘shimchasi, shaxs-sonni ifodalovchi –man qo’shimchasi bilan qo‘llanilmoqda. Zarur-kesim, biror ish yoki ehtiyoj uchun kerak; kerak, darkor, lozim. Ushbu so‘zlarni qo‘llanilishi badiiylikni vujudga keltirishda vosita bo‘lib xizmat qilmoqda.

Yoningda bo‘lsa ortog’ing,
Chiroylidir o‘r-tog’ing.

(*Do‘st bilan*, 237-bet)

O‘rtoq- qarashlari, dili, ish faoliyati yaqin bo‘lgan, inoqlik, ahillik bilan bog‘langan ikki yoki undan ortiq kishining har biri; do’st. O‘r- chuqur, xandaq.[4]. Qadimgi turkiy tilda “chuqur” ma’nosini anglatgan bu ot asli “kovlamoq” ma’nosini anglatadi. Shevada “qir” ma’nosida ishlatiladi.

Urushga bir hafta qolgandi rosa,
Soyibning suyangan tog‘i yiqildi-
Qirq ikki yoshida suvoqchi Musa
Bandalik qildi.

(*Urushga bir hafta qolgandi*, 35-bet)

Ushbu she''riy parchada shevaga xos ibora qo'llangan, ya'ni "bandalik qilmoq". Bu ibora "bandalikni bajo keltirmoq" iborasining qisqartirilgan, shevaga xos shaklidir, vafot edi, o'ldi degan so'zga tengdir.

Demak, badiiy uslub nutq uslublaridan barchasiga murojaat qila olishi bilan boshqa uslublardan ajralib turadi, shuning uchun shoir va yozuvchilar shevalarga ham badiiylikni hosil qilish uchun qo'llaydilar. Ijodkorning individual uslubini tahlil qilishda har bir leksik, morfologik, sintaktik birliklar o'ziga xos lingvistik hamda lingvopoetik yangiliklarni keltirib chiqaradi desak mubolag'a bo'lmaydi.

Adabiyotlar

1. Абдупаттоев М.Т Ўзбек тилининг поэтик синтаксиси. (монография) Фарғона. "Classik" 2021,97-бет.
2. Болотнова Н.С. Изучение идиостиля в современной коммуникативной стилистике художественного средства. М.,2004. С 37.
3. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi.T.,2000-2005.
4. Иқбол Мирзо. Кўзларингга термулсайдим.1-жилд.-Т., Шарқ.2020
5. Иқбол Мирзо. Кўнглингда нима бор, билмайман. 2-жилд. -Т,.Шарқ.2020.

РАЗВИТИЕ СЕТЕВОГО МАРКЕТИНГА

Шермухамедов Аббас Таирович, проф., д.ф.-м.н.
Ташкентский филиал РЭУ им Г.В.Плеханова
Хамраев Гуломжон Рахманович, соискатель,
Ташкентский экономический университет

Сетевой маркетинг – это способ продажи товара при помощи совокупности распространителей (дистрибьюторов), которые связаны друг с другом и работают по определенным правилам, заданным компанией. Продажи осуществляются без посредников от дистрибьюторов компании напрямую к покупателям, где каждый потребитель продукции может стать и ее распространителем. Дистрибьюторы являются одновременно продавцами продукции компании и рекрутерами, и спонсорами новых дистрибьюторов.

Сетевой маркетинг – это особая и гибкая форма занятости. Например, в США 0,1% людей в сетевом маркетинге работает по найму и 99,9% – по контракту, из них 85,1%, работают в сетевом маркетинге менее 30 часов в неделю, а, 7,6% – от 30 до 39 часов в неделю и 7,3% – более 40 часов в неделю. Большинство занятых в сетевом маркетинге в США работают в этой области менее 6 часов в день, т.е. меньше стандартного рабочего дня, что дает им

возможность совмещать эту работу в другой организации или работой по дому и уходом за детьми [1]. Такой труд вносит элемент самоорганизации, поскольку предоставляет дистрибьюторам возможность самим проектировать собственное время и рассчитывать силы. Доход в сетевом маркетинге не зависят напрямую от проведенного за работой времени, так как норма работы определяется самим дистрибьютором, а, не внешним заказчиком или начальством организации. Аналогичный принцип самоорганизации существует и для владельцев собственного бизнеса.

В России среди занятых в организациях сетевого маркетинга 88% женщин, а возраст большинства дистрибьюторов – от 31 до 60 лет. Из них 72,4% дистрибьюторов имеют высшее образование, это говорит о не востребованности высокообразованных профессионалов в стране, но с другой стороны, их приток в сетевой маркетинг может означать, что в этой сфере они могут реализовать себя. Рассматривать сетевой маркетинг как альтернативу безработице, или неудовлетворенности своим положением не логично. У большинства работающих в России 59,6% доля доходов от их работы в сетевом маркетинге составляет более половины семейного бюджета [2]. Если анализировать мотивы прихода людей в сетевой маркетинг, то можно прийти к выводу, что люди искали свое место в сетевом маркетинге для поддержки своего материального положения, ибо в организациях по сетевому маркетингу при обучении дистрибьюторов большое значение придают развитию мотивации их работы в компании. Сетевой маркетинг — это способ продажи товара при помощи совокупности распространителей (дистрибьюторов), которые связаны друг с другом и работают по определенным правилам, заданным компанией. Основными компонентами сетевого маркетинга являются межличностные отношения и сопряженные с ними обстоятельства. Организации сетевого маркетинга называются также MLM-компаниями (от multi-level marketing, многоуровневый маркетинг), поскольку сеть, которую строит каждый спонсор, рекрутируя новых людей, состоит из нескольких уровней [3]. Сетевой маркетинг является одним из новых экономических явлений для любой страны, и он имеет ряд принципиальных сходств и различий с обеими организационными логиками. Рассматривая сетевой маркетинг как особую форму нетрадиционной хозяйственной организацией, можно столкнуться с вопросом происхождения и характера такой организации.

С одной стороны, в сетевом маркетинге ведение формальных процедур кажется ненужным, так как в значительной степени организация состоит из членов одной социальной сети, а дистрибьюторы чувствуют себя самостоятельными предпринимателями, ответственными сами за себя.

Но с другой стороны, в сетевом маркетинге существуют формальные правила продажи продукта, общения, рекрутирования и т.п., которые должны соблюдаться членами организации при взаимодействии со своей социальной

сетью по поводу продажи и рекрутирования. Анализ работы в сетевом маркетинге показал, неясности, как поделены «зоны контроля» между социальной сетью и самой организацией. Неясно также, каким образом вводятся и контролируются организационные правила и какие именно правила необходимо вводить в эти организации. Сегодня практически все компании, занимающиеся прямыми продажами, работают по принципу сетевого маркетинга, т.е. дистрибьюторы являются одновременно продавцами продукции и спонсорами новых дистрибьюторов. Потребители продукции, таким образом, одновременно становятся и ее распространителями (при регистрации в компании). Каждая компания сетевого маркетинга предлагает свой маркетинг-план, т.е. условия получения дистрибьютором комиссионных и бонусов. Смысл организации сетевого маркетинга – во-первых, в достаточно устойчивой системе сбыта и распространения товара по дистрибьюторским сетям и во-вторых, в постоянном притоке новых дистрибьюторов из числа покупателей, т.е. в обновлении каналов распространения товара, а в-третьих, рекламные компании во многих организациях сетевого маркетинга не проводятся, они рекламируют товар собственным примером. Идеальная модель сетевого маркетинга предполагает «устную рекламу» от удовлетворенных потребителей продукции, рассказывающих о ней своим родственникам, знакомым, коллегам и, гипотетически, всем, с кем они знакомы.

Литература

1. Голубков Е. П. Многоуровневый сетевой маркетинг // Маркетинг в России и за рубежом. – 2006.- №4.

2. Гольцов А. В. Перспективы использования многоуровневого сетевого маркетинга // Маркетинг. – 2006. - № 2.

3. Мухина М. К. Многоуровневый сетевой маркетинг в России// Маркетинг в России и за рубежом. – 2006. - №3.

KUNDALIK NUTQDA BURCH TUSHUNCHASI TALQINI

Amanbayeva Dilsoraxon Abbamuslimovna, tayanch doktorant
Andijon Davlat Universiteti, Andijon, Uzbekiston

Kundalik nutqda burch ko'pincha inson bajarishi kerak bo'lgan talab sifatida tushuniladi. Majburiyat istak yoki hohish asosida harakat qilishdan farqli o'laroq, kundalik tushunchaga xosdir. O'z manfaatlarini ilgari surish istagi asosida harakat

qilish bilan qarshilik qilish ayniqsa kuchlidir. Burch, shuningdek, odamni da'vat qilishning eng qat'iy usuli sifatida qaraladi. Majburiyatni tan olmaslik yoki unga rioya qilmaslik, inson chegaradan chiqib ketadigan xatti-harakatlarni amalga oshirishini anglatadi.

Majburiyat tushunchasi faoliyatning ko'plab sohalarida qo'llaniladi. Biz ota-onalik burchlarini, harbiy burchlarini va kasbiy burchlarini ajrata olamiz. Kontseptsiyada qo'llaniladigan ikkita eng muhim kontekst bor bular qonun (huquqiy) va axloqiy burchlardir. Qonun huquqiy majburiyatlarni keltirib chiqaradi; axloqni esa axloqiy majburiyatlar keltirib chiqaradi. Ushbu tushuntirish axloqiy tushunchaga qaratiladi. Ko'pchilik axloqiy tushunchaning asosiy tushuncha ekanligini ta'kidlaydi. Ko'pchilik, shuningdek, burch haqidagi barcha tushunchalar axloqiy asil ma'noda qarzdor, deb ta'kidlaydilar, garchi ba'zilar (ya'ni, huquqiy pozitivistlar) bunga qarshi bo'lishlari mumkin. Mulohaza darajasidagi burchning axloqiy kontseptsiyasiga xos bo'lgan narsa uning so'zsiz tabiati haqidagi g'oyadir. Agar biror narsa burch deb xisoblansa, nima bo'lishidan qat'iy nazar, buni qilish kerak deb o'ylaymiz albatta. Psixologik nuqtayi nazardan, burchning axloqiy kontseptsiyasiga xos bo'lgan narsa - bu zarurat tajribasi: vositachi shunchaki biror narsa qilishga majburlanmaydi buni barcha boshqa (ichki) kuchlardan ustun turadigan kuchni boshdan kechiradi (yoki boshdan kechirishi kerak). Shuningdek, burchning axloqiy kontseptsiyasining o'ziga xos xususiyati shundaki, u qarshilikka duch keladi. Burch tushunchasini vazifa deb qaraydigan bolsak.Vazifa - bu odam boshqa biror narsa qilishga moyil bo'lgan holda bajarishi kerak bo'lgan narsadir. Vazifa bu kuchga o'xshaydi, uning kuchi faqat sub'ektiv ravishda boshqa kuchlarga qarshilik ko'rsatishda namoyon bo'ladi.[3]

Burchi kontseptsiyasini, hatto axloqiy tushunchani tahlil qilish bilan cheklansak ham, ko'plab savollar tug'diradi. Masalan: agar vaziyat o'zgargan bo'lsa, qanday qilib majburiyat shartsiz bo'lishi mumkin? Kontseptsiya atrofidagi ko'plab kontseptual qiyinchiliklar va noaniqliklarni to'rt xil talqinni ajratib ko'rsatish mumkin. Kontseptsiyaning ikkita talqini mazmunli; qolgan ikkitasi rasmiydir. Birinchidan, axloqiy burch tushunchasi aniq harakatni amalga oshirish to'g'risida muhokama qilish jarayonida biz (intersubyektiv ravishda) ko'rsatma yoki hatto vakolat sifatida foydalanadigan printsip yoki tamoyillar to'plamiga ishora qilishi mumkin. Bu, ehtimol, kontseptsiyaning eng keng tarqalgan qo'llanilishidir."Yolg'on va'da bermang" tamoyili majburiyat deganda, biz ushbu mazmunli ma'noda burchni nazarda tutamiz. Shuni anglab etish kerakki, printsiplar sifatida bu majburiyatlar hech qachon to'g'ridan-to'g'ri ma'noda harakatga bog'liq emas, ular aniq bir holatda qanday harakat qilish kerakligi haqida aniq ko'rsatmalar beradi. Prinsiplar harakatlarni faqat umumiy tarzda boshqaradi. To'g'ri, bu tamoyillarning ba'zilari odamlarga ko'plab standart holatlarda qanday harakat qilishni o'rgatadi (masalan,"yolg'on gapirmang"). Biroq, ularning hech birini barcha holatlarda aniq tavsifga aylantirib bo'lmaydi.

Biz axloqiy harakat haqida mulohaza yuritish jarayonining mazmuniy xulosasini "burch" deb ataganimizda, tushunchadan boshqa foydalanamiz. Ushbu ikkinchi

ma'noda kontseptsiya mazmunli printsipga emas, balki aniq vaziyatda to‘g‘ri harakat qilish to‘g‘risidagi mazmunli hukmga ishora qiladi. Masalan: bu erda va hozir mening vazifam, "yolg'on va'da bermaslik" (garchi men vasvasaga tushib qolgan bo‘lsam ham, buni qilish juda foydali). Shuni ta'kidlash kerakki, yaxshi tashkil etilgan jamiyatda odamlar kamdan-kam hollarda bo‘lsa ham, bunday ongli hukmlarni faqat vaqti-vaqti bilan chiqaradilar. Yaxshi tashkil etilgan jamiyatda odamlar ongsiz ravishda, ya'ni avtopilotda axloqqa rioya qilishga moyildirlar.[2] Ular subyektiv ravishda umumiy axloqiy tamoyillar nima ekanligini bilishadi va ularni kundalik hayotda qanday talqin qilishni o‘rgandilar - har biri boshqa barcha printsiplar va standart holatlar bilan bog‘liq. Insonlar ongli ravishda axloqiy qaror qabul qilish zarurati bilan kamdan-kam uchraydilar.

Agar burch tushunchasining turli talqinlari aniq ajratilsa, burch tushunchasi bo‘yicha ko‘plab munozaralarning oldini olish mumkin. Masalan, burchning "shartsiz" bo‘lishi g'oyasida hech qanday qarama-qarshilik yoki amaliy imkonsizlik yo‘q. Burch tushunchasini faqat rasmiy ma'noda shartsiz deb hisoblash mumkin; ya'ni, burch bilan majburiy bo‘lish nimani anglatadi, so‘zsiz majburiy bo‘lishdir. Bu haqiqatdagi o‘zgarishlarni hisobga olishni istisno etmaydi, chunki rasmiy printsip har qanday amaliy ishning xususiyatlarini aniqlamaydi. Unda faqat shunday deyilgan: "burchingizni bajaring", nima bo‘lishidan qatyi nazar; Agar kerak bo‘lsa, sizni qaerga olib borishidan qatyi nazar, "ma'naviy motivga qarab harakat qiling".

Yana bir misol - shaxsiy manfaatlar bilan munosabatlar. Ba'zida odamlar burch tushunchasi shaxsiy manfaat tushunchasiga qanday va nima uchun qarama-qarshi qo‘yilganligini tushunmaydilar. Masalan, ular jazodan qo‘rqishadi. Biroq, bu holda 3 va 4 talqinlari chalkashib ketgan. "O‘z burchingizni bajaring" talabi yakuniy sababni tushuntirmaydi. U shunchaki ma'lum bir xulq-atvorni belgilaydi. To‘rtinchi ma'noda faqat burch motiv bilan bog'liq va faqat shu ma'noda burch shaxsiy manfaatga qarama-qarshidir. Odamlar o‘z burchlarini har kunlik holda bajarish uchun asosga ega bo‘lishlari va odatda burch motivi tufayli buni qilishga yaxshi tashkil etilgan jamiyatning ta'rifi bo‘lmasa ham, odatiy holdir. [1]

Xulosa qiladigan bolsak burch tushunchasini majburiyat, vazifa sifatida oqilona bo‘lish bilan asoslanishi kerak. Shunday qilib, mantiqning qarama-qarshilik yo‘qligi printsipi bilan bog'liq bo‘lgani kabi, burch ham mantiqiylikning dastlabki sharti bo‘lishi kerakligini ta'kidlaydi. Prinsipsiz mantiq bo‘lmaydi. Bu, umuman olganda, mas'uliyatli bo‘lish. hissiyotlar va his-tuyg‘ularga hech qanday aloqasi yo‘q degani emas. Kundalik hayotda inson ko‘p sabablarga ko‘ra burchni bajaradi, shu jumladan his-tuyg‘ularimiz hamm. Ular axloqiy normalar haqida so‘z uritilganda, shular asosli bo‘lishi o‘rinlidir.

Adabiyotlar

1. Herman, B. 1993, ‘On the value of acting from the motive of duty.’ In: B. Herman (ed.) The Practice of Moral Judgment. Cambridge, Massachusetts: Harvard University Press, pp. 1-22.

2. Hill, T.E. Jr., 1971, 'Kant on Imperfect Duty and Supererogation.' Kant Studien LXXII, pp. 55-76.

3. Korsgaard, C.M., 1996, 'Kant's Analysis of Obligation: The Argument of Groundwork I.' In: C.M. Korsgaard (ed.) Creating the Kingdom of Ends. Cambridge: Cambridge University Press, pp. 43-77.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Аъзамов Равшан Сулаймонович
Булоқбоши тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси бошлиғи

Аннотация: Мақолада давлат бюджети даромадлари (мақсадли жамғармаларсиз) таркиби таҳлил қилинган. Хусусан, бунда давлат бюджети даромадларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, давлат бюджети даромадлари таркибида юқори улушга эга бўлган солиқли тушумларининг ЯИМдаги салмоғининг ўзгариш динамикаси, билвосита солиқларнинг давлат бюджети даромадларидаги улуши, солиқ гуруҳлари бўйича солиқ йиғилувчанлиги даражаси келтирилган, бўлиб, давлат бюджети даромадларини барқарорлаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: солиқ сиёсати, давлат бюджети, ялпи ички маҳсулот, солиқ юки, бевосита ва билвосита солиқлар, қўшилган қиймат солиғи, солиқ тўловчилар.

Abstract: The article analyzes the structure of state budget revenues (excluding state targeted funds). In particular, the dynamics of changes in the share of state budget revenues in GDP, the high share of tax revenues in the state budget, the share of indirect taxes in state budget revenues, the level of tax collection for taxpayer groups. Practical suggestions and recommendations for stabilizing state budget revenues are also provided.

Key words: tax policy, state budget, gross domestic product (GDP), tax burden, indirect and direct taxes, value added tax, taxpayers.

Кириш

Солиқлар давлат ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисмини ташкил этади ва бюджетнинг харажатлар қисми орқали иқтисодиётга молиявий таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради. Солиқлар давлатнинг муайян даврда аниқ мақсадларга қаратилган иқтисодий соҳасидаги фаолиятида, давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг шаклланишини таъминлашда, иқтисодиётни тартибга солишда ва бошқаришда алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар

самарали солиқ сиёсати, унинг иқтисодиёт тараққиёти равнақи учун муҳим механизм эканлиги, шунингдек, солиқ сиёсатидаги шиддатли ислоҳотларнинг боришига, бу соҳага оид солиқ амалиётидаги тизимли ўзгаришларни реал баҳолашни белгилаб беради. Шу нуқтаи-назардан ижтимоийиқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида янги талаблар асосида давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда солиқлар таъсирчанлигини ошириш масалаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Муҳтарам Президентимизнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтмоқчимиз: «2019 йилдан бошлаб жорий этилаётган янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутади. Шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин». Юқоридаги долзарб масалаларни ҳал этиш мақсадида, Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан 2018 йил 29 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони солиқ сиёсатидаги муҳим йўналиш бўлди. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида солиққа тортиш тизимини тубдан ислоҳ этиш, шу жумладан, солиқлар ва мажбурий тўловларни қисқартириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш кўзда тутилган. Қулай рақобатли муҳит яратиш, солиқ қонунчилиги барқарорлиги ва соддалаштирилишини таъминлаш, солиқ юкламасини камайтириш, республика инвестицион жозибадорлигини ошириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш концепциянинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Мақолани тайёрлашда адабиётларни тизимли таҳлили асосида давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ўзида ифода этади.

Таҳлил ва натижалар

Солиқ сиёсати доирасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда солиқ таъсирчанлигини ошириш йўлларини тизимли тарзда тадқиқ этиш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш молиявий таъминотининг муҳим асоси давлатнинг фискал мақсадлари ва солиқларнинг самарали амал қилиш механизми мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш орқали такомиллаштириш алоҳида ўрин эгаллайди. "Мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси қабул қилингач, солиқ тизими модернизацияси амалга оширилиб келинмоқда ва бу шароитда давлатнинг самарали солиқ сиёсатини таъминлаш мақсадида "ҳалол (интизомли) солиқ тўловчиларни янада рағбатлантириш", "даромадларни легаллаштириш ва "яширин иқтисодиёт" улушини камайтириш", солиқ муносабатларида "солиқ

органлари ва солиқ тўловчиларнинг "ҳамкорликда ўсиш"га асосланган янги мулоқоти тизимига ўтиш","солиқ тизими ижтимоийлиги ва адолатлилигининг ўсиб бориши" каби мутаносибликларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш лозим". Бизга маълумки, мамлакатимизда давлат бюджети даромадлари йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Давлат бюджети даромадлари (давлат мақсадли жамғармалари даромадларисиз)нинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ўзгариш динамикасини қуйидаги 1-расм маълумотлари асосида таҳлил қилинган. Ушбу расм маълумотларига кўра, 2017-йилда солиқ юки 21,9% ни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда эса 19,4% ни, ёки 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 2,5 фоизли пунктга пасайган.



Беш йиллик таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, давлат бюджети даромадлари (давлат мақсадли жамғармалари даромадларисиз)нинг йиллар кесимида ошиши билан бирга ЯИМ ҳам ошиб борган. Солиқ юкини пасайиши ўз навбатида ЯИМнинг ортиши хисобига бўлган. Буни юқоридаги расмдаги рақамларда ҳам кўришимиз мумкин. Яъни 2017-2021 йилларда давлат бюджети даромадлари (мақсадли жамғармаларсиз) 2,5 баробар ошган. Давлат бюджети даромадларининг таҳлиллари натижаси шуни кўрсатадики, давлат бюджети даромадларининг асосий бўғини солиқлар эканлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг (янги таҳрири) 17-моддасига мувофиқ солиқларнинг ва йиғимларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1) қўшилган қиймат солиғи;
2) акциз солиғи;
3) фойда солиғи;
4) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
5) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
7) мол-мулк солиғи;
8) ер солиғи;
9) ижтимоий солиқ

Билвосита солиқлар қўшилган қиймат солиғи; акциз солиғи; божхона божи; бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмол қилганлик учун солиқ; абонент

рақамларидан фойдаланганлик учун тўлов кабиларни ўз ичига олади. Маълумки, 2018-йилда қўшилган қиймат солиғи давлат бюджети даромадлари (давлат мақсадли жамғармалари даромадларисиз) нинг 35,2% ни ташкил қилиб, жами даромаддаги улуши юқоридир.

Биз қуйидаги жадвалда солиқ гуруҳлари бўйича солиқ йиғилувчанлиги даражасини таҳлил қиламиз (1-жадвал).

Солиқ турлари	**2017й**	**2018й**	**2019й**	**2020й**	**2021й**	**2021йилнинг 2017йилдан фарқи**
Бевосита солиқлар	92,3	91,5	94,5	94,8	95,6	**3,3**
Билвосита солиқлар	91,2	94,5	91,8	91,6	88,6	**-2,6**
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	91,3	88,5	88	89	91,2	**-0,1**

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2021 йилда 2017 йилга нисбатан бевосита солиқлар бўйича йиғилувчанликнинг 3,3 пунктга ўсиши, билвосита солиқлар бўйича солиқ йиғилувчанлигининг 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 2,6 пунктга пасайиши, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи бўйича 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 0,1 пунктга пасайиш кузатилган. Таҳлил натижаларидан шуни кўришимиз мумкинки, бевосита солиқлар бўйича солиқ йиғилувчанлигининг юқори кўрсаткични ташкил этишига сўнгги йилларда республикада юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ставкаларининг пасайтирилиши ҳисобига солиқ тўловчилар сонинг ўсиши, солиққа тортиладиган базанинг кенгайиши, солиқларни ўз вақтида тўланиши сабаб бўлган бўлса, қўшилган қиймат ва акциз солиғи бўйича жорий солиқ қарзлари мавжудлиги, бу солиқ турлари бўйича йиғилувчанликни пасайишига сабаб бўлган. Ресурс тўловлари бўйича солиқ тўловчилар сонининг камайиши ва солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, солиққа тортиладиган базанинг кенгайишига қарамай, ушбу солиқ турлари бўйича боқиманда қарздорликни йиллар давомида ортиб бориши йиғилувчанликни камайишига сабаб бўлган.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларнинг алоҳида аҳамиятга эга. Давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда солиқлар таъсирчанлигини ошириш мақсадида солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлиқ келиб тушишини ва тўлиқ ундиришни таъминлаш, шунингдек давлат бюджети ҳолати билан ЯИМнинг ўзгариш ҳолати, талаб компонентлари таъсири доираси, қўшилган қиймат ҳажми таркиби, экспорт ва импорт ҳажмига таъсир этувчи кўрсаткичлар гуруҳи, энг кам иш ҳақи миқдорининг ошиши, ишлаб чиқариш ҳажмларини иқтисодиёт тармоқлари кесимида ўсиш даражалари каби кўрсаткичларни бир бутунлигини тизимли таҳлилини амалга оширишиб ўрганилиши мақсадга мувофиқ , давлат

бюджетига мунтазам даромад келиб тушишини таъминлашда солиқ маъмуриятчилигида тўловчилар ва солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олиши, солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида муддатларида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар учун пеня миқдорини ошириш лозим бўлиб ҳисобланади.

Давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда солиқлар таъсирчанлигини ошириш билан боғлиқ қуйидаги таклифларни амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ:

1.Давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда солиқлар таъсирчанлигини ошириш мақсадида солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлиқ келиб тушишини ва тўлиқ ундиришни таъминлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу билан давлат бюджетига даромадларнинг вақтида келиб тушиши таъминланади.

2.Давлат бюджети ҳолати билан ЯИМнинг ўзгариш ҳолати, талаб компонентлари таъсири доираси, қўшилган қиймат ҳажми таркиби, экспорт ва импорт ҳажмига таъсир этувчи кўрсаткичлар гуруҳи, энг кам иш ҳақи миқдорининг ошиши, ишлаб чиқариш ҳажмларини иқтисодиёт тармоқлари кесимида ўсиш даражалари каби кўрсаткичларни бир бутунлигини тизимли таҳлилини амалга оширишиб ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Бу эса ўз навбатида давлат бюджетининг солиқли даромадларини янада кўпайишига хизмат қилади.

3. Давлат бюджетига мунтазам даромад келиб тушишини таъминлашда солиқ маъмуриятчилигида тўловчилар ва солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олиш керак. Фикримизча, бунга солиқ тўлашдан қочиш ҳолатларини олдини олиш бўйича чоралар қўллаш орқали эришиш мумкин.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги **"**Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида**"** ги Фармони. //http://lex.uz.

4. Абдураҳмонов О. Налоговые системы стран с переходной экономикой. – М.: «Палеотин», 2005. – 376 с.; Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: «Академия», 2002. – 204 б.; Хамидулин М. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Автореф. дисс. ... док. экон. наук. – Ташкент, 2008. – 40 с.; Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва

амалиёти. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2003. – 247 б.; Ҳайдаров Н. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. – Т.: «Академия», 2007. – 256 б

5. Тошмуродова Б. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. Иқт. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент , 2007. – 44 б

6. Ниязметов И. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. иқт.фан.док. дисс. автореферати. –Т.: БМА. 2018. – 70 б.

7. Бердиева У. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферат.-Тошкент, 2019.-63 б.

8. Исламкулов А.Х. Бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2012. - 21 б.

9. Азизов У.Ў. Изчил солиқ сиёсати – иқтисодий ривожланиш омили. «Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясини самарали амалга оширишда солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019. 6-б.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти www.mf.uz ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси расмий сайти www.stat.uz маълумотлари билан тадқиқотчи ҳисоб-китоби асосида тайёрланди.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти www.mf.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРИДА АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ АХБОРОТ МАНБАЛАРИНИ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ.

Муфтайдинов Бобуржон Қиёмиддинович- Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти 1-босқич таянч докторанти.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлари асосий ишлаб чиқариш фаолиятида маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан кўзда тутилган мақсад истеъмолчиларнинг талабларини қондириш ва талабга қараб ишлаб чиқариш кўламини ривожлантириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларига таъсир қилувчи омилларни кўплиги ва уларнинг айримларининг субъект фаолиятига бошлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўлиши озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш шароитини чегаралайди.Ушбу масала

ишлаб чиқариш кўламини ошириш хўжалик юритувчи субъектларининг ички имкониятларига боғлиқ. Бундай шароитда хўжалик юритувчи субъектлар ўз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини тўғри белгилай олиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Хўжалик юритувчи субъектларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш харажатлари таҳлилини ташкил этишда асосий эътибор бизнес-режада мўлжалланган ҳажмнинг бажарилишини таъминлаш, белгиланган тадбирларни амалга ошириш ҳамда юқори сифатли, харидорбоп маҳсулотларнинг яратилиши унинг бевосита муҳим кўрсаткичлари бўлмиш маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи, харажатлар хажми, фойда ва рентабеллик, молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти, соф пул маблағларининг ҳисоботида давр охирига кўпайишини таъминловчи омилларни таҳлил қилиш ҳисобланади.

Ушбу вазифаларни бажаришда асосий эътибор харажатлар таҳлилини информацион базасини тўғри ташкил этишга ва уни аниқ белгилашга қаратилиши лозим. Чунки субъект томонидан амалга ошириладиган ишлар озиқ овқат маҳсулотларининг таннархи тўғри ташкил этилишига қаратилади. Шу туфайли ишлаб чиқариш харажатларини тўғри хисобга олиб бориш, ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва таҳлил қилишда харажат ва маҳсулот таннархи таҳлилини амалага ошириш бошқарув таҳлилининг муҳим вазифаларидан биридир.

Ички бошқарув таҳлилида маҳсулот таннархи алоҳида объект деб қаралиши мақсадга мувофиқ. Бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқади.

Ички бошқарув таҳлилининг марказида ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили туради. Шу сабабли асосий эътибор унинг тизимли ва комплекс шаклини йўлга қўйишдаги масалаларга қаратилади.

Бошқарув таҳлилини амалга оширишда унинг ахборот манбаи нималардан иборат бўлиши лозим деган масала асосий ва долзарб ҳисобланади. Бугунги кунда амалда бўлган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва реализация харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом»га мувофиқ маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш харажатлари таркибига кирадиган моддалар таркибини таҳлил қилиш ва ушбу харажатлар таркибини аниқлашдан мақсад қуйидагилардан иборатдир**:**

1. Бухгалтерия ҳисоби счётида жами харажатлар тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотларга эга бўлиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг рентабеллиги ва бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошлилигини аниқлаш.

2. озиқ овқат маҳсулотлари таннархини аниқ ҳисоб-китоб қилиш.

3. Маҳсулот таннархига киритилмайдиган харажатларни алоҳида ҳисоб олиш ва уларни молиявий натижаларга боғланиш даражасини таҳлил қилиш.

4. Ишлаб чиқариш харажатларини юзага чиқиш жойи ва жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобга олиш ҳамда таҳлилини амалга ошириш ҳисобланади.

Юқорида келтирилган ишлаб чиқариш харажатларини бухгалтерия ҳисобида юритиш тартибидаги масалаларни ечимини топиш учун энг аввало бошқарув таҳлилининг асосий вазифаларини белгилаб олиш лозим. Хўжалик юритувчи субъектларининг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари таннархини таҳлил қилишда бошқарув таҳлилининг энг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Асосий ишлаб чиқаришда харажатлар ва маҳсулот таннархига доир бошқарув таҳлилининг ахборот манбаларини аниқлаб олиш;
- озиқ овқат бўйича ишлаб чиқариш харажатларини ўрганиш ва уларнинг ҳолатига баҳо бериш, таҳлил қилиш;
- Хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича белгиланган бизнес-режасининг бажарилиши ва динамикасини назорат қилиш;
- озиқ овқат саноатида ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий элементлар ва харажат моддалари бўйича ўрганиш ва уларга баҳо бериш;
- ишчилар бўйича иш ҳақи билан меҳнат унумдорлиги харажатлари ўртасидаги нисбатни ўрганиш; таннархнинг ўзгариш сабабларини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омилларни миқдор жиҳатидан ҳисоблаш ва ҳоказо.

«Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш ҳақида»ги Низомга мувофиқ ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг умумийлиги таъминланган. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини режалаштириш, таҳлил этиш ва назорат қилишга имконият туғилади. Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар нинг ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини таҳлил қилишда бошқарув таҳлилининг асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- хўжалик юритувчи субъектларининг бизнес-режа маълумотлари;
- «Корхона сарф-харажатлари тўғрисида»ги ҳисоботи маълумотлари;
- «Меҳнат ҳисоботи» маълумотлари;
- бухгалтерия ҳисобининг ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиб борувчи бухгалтерия ҳисобининг синтетик счётлари маълумотлари;
- Хўжалик юритувчи субъектларини бошқарувидаги қўшимча маълумотлар

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиниг 1999йил 5 февралдаги 54-сонли "Маҳсулот (хизматлар)нинг ишлб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби" тўғрисидаги ҚАРОРИ

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасиниг 2003йил 15 октябрдаги 444-сонли "Хўжалик юритувчи субектларнинг харажатларини ҳисобга олиш ва молиявий натижаларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш" тўғрисидаги ҚАРОРИ

3. Хошимов Б.А. Буҳгалтерия ҳисоби назарияси.-Т: "Шарқ"-2004.-182б

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ЭТИЛАЁТГАН ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯНИ ЙЎНАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Муфтайдинов Мансур Қиёмидинович
Андижон машинасозлик институти 1-босқич таянч докторанти.

Барчамизга маълумки, кичик бизнес субъектларига мустақиллик бериш, улар фаолиятининг якуний натижалари учун жавобгарлик ҳиссини оширади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бирибўлиб ҳисобланади. Шу жумладан, ҳозирги кунда тижорат банкларининг ҳам олдига қуйилган энг асосий вазифалардан бири - кичик бизнес соҳасини етарлича молиявий ресурслар ва хизматлар билан таъминлашдан иборатдир. Кичик бизнес аҳоли зич жойлашган ҳудудларда ишсизлик муаммосини ҳал қилади. Шу сабабли, банк тизимида кредитлаш механизмини такомиллаштириш буйича чора-тадбирлар амалга ошириб келинмокда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши мамлакатда рақобатчиликнинг зарур муҳитини ҳосил қилиб, бозор шароитидаги кўпгина ўзгаришларга тезда мослаша олади, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида янгидан-янги қўшимча иш ўринларини яратади ва мамлакатда ижтимоий муҳитни таъминлаш учун ўрта синфни шакллантириш манбаи ҳисобланади.

Биринчидан, у бозор иқтисодиётининг зарур шароитларига тезда мослашиб, чуқур ихтисослашув ва кооператсиялашуви натижасида унинг юқори самарадорлигини таъминлайди. Иккинчидан, у бозордаги талаб ва таклиф мутаносиблигини ҳисобга олиб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган товар ва

хизматларни бозорга тезда этказа олиш имкониятлари юқорилиги билан алоҳида ажралиб туради. Учинчидан, рақобатчилик муҳитини яратиш орқали истеъмолчилар учун арзон ва сифатли товар ва хизматлар таклиф қилади. Тўртинчидан, бозор иқтисодиёти усиз мавжуд бўлмайдиган тадбиркорлик муҳити ва руҳини яратади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, кучли рақобатчилик муҳити шароитида улар доим ривожланишга мажбур бўлишади ва бозорнинг жорий шартларига мослашишларига тўғри келади, бошқа тадбиркорлик субъектларидан устун бўлишлари уларнинг фойда миқдорларининг ошиш манбаи ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, бозор иқтисодиёти инсонлар ўзлари истаганларидек ҳаёт кечириши учун барчани тинимсиз ҳаракатда бўлишини талаб этади.

Бундан ташқари, ривожланаётган мамлакатлар бўйича ЮНКТАДнинг ҳисоботига кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ижобий ўсиши Осиёда кузатилиб, унинг ҳажми 5%га ўсди. Шу ўринда Марказий Осиё мамлакатларида хорижий инвестицияларнинг ўсиши ўртача 8-10 %ни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 3,3 баробарни ташкил этди ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида ўсиш суръатлари бўйича республикамиз етакчиликни таъминлади.

Хорижий инвестицияларни республикага жалб қилиш бўйича асосий хорижий хамкорлар сифатида Хитой, Россия ва Германияни эътироф этиш мумкин, шу билан бирга Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритадиган давлатлар умумий сони 75 тадан ошди. Натижада йирик инвестор-давлатларнинг умумий жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлардаги улуши 15%гача қисқарди.

2021 йил кўрсаткичларига нисбатан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилишнинг фаол ўсиши электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш (ўсиш – 2,1 баробар), металлургия (ўсиш – 1,64 баробар), тўқимачилик (ўсиш – 2,8 баробар), чарм-пойафзал (ўсиш – 2,71 баробар) ва нефть-газ (ўсиш – 2 баробар) тармоқларида кузатилди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар оқимининг ўсиш суръати ҳудудий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларда ҳам мустаҳкамланиб бориб, уларнинг умумий ҳажми 2021 йилда 4,8 млрд долларни ташкил этиб, 2020 йил мос даврига нисбатан 4,2 баравар ва 2019 йилга нисбатан 8,4 баравар кўпайди. Фақат хорижий капитал иштирокида ҳудудларда умумий қиймати 8,3 млрд. долларга тенг 200 дан ортиқ лойиҳа фойдаланишга топширилди.

Республикамиз ва унинг минтақаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини қаттиқ назоратга олиш мақсадга мувофиқ:

– жойларнинг табиий хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиқиб жойларда тадбиркорлик шаклларини ривожлантириш;

– инвеститсион лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш;

– қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг тадбиркорлик билан шуғулланиш борасидаги фикрларини жонлантириш;

– тадбиркорларга берилган имтиёз ва энгилликлардан фойдаланиш жараёнида сунъий тўсиқлар пайдо бўлмаслигини қаттиқ назоратга олиш;

– тадбиркорларнинг инвеститсион фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақат ички кредит линиялари, балки ташқи кредит линияларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш;

– тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларидан кредит олишни кафолат фондлари орқали кафолатлашни жорий қилиш;

– тижорат банкларининг бизнесни модернизатсиялаш учун ажратаётган кредит ставкаларини янада камайтириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг равнақ топишидан нафақат мамлакатимиз иқтисодиёти, балки унинг ҳар бир фуқароси манфаатдор экан, юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада кенгроқ ривожланишига сабабчи бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция дастурига мувофиқ 2020 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан асосий капиталга қарийиб 233,2 трлн. сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилиши режалаштирилган, бунда тўғридан-тўғри ҳорижий инвестициялар ва кредитларнинг – 7,1 млрд. доллар, давлат кафолати остидаги ҳорижий инвестициялар ва кредитлар – 2,7 млрд. доллар ўзлаштирилиши режалаштирилмоқда.

Хусусан, 2021 йилда ижтимоий, инфратузилма ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган 2 мингдан зиёд объектлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган: 218 та йирик ишлаб чиқариш қувватлари, 250 та ҳудудий ишлаб чиқариш объектлари, 1,8 мингта ижтимоий ва инфратузилма аҳамиятига эга объектлар.

Умуман ривожланган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий соғломлаштириш соҳасида катта тажрибалар тўпланган. Бунда қуйидагиларга таянилади:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус қонунларга;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кафолатли ва имтиёзли кредитловчи фирмаларга;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг Давлат дастурларига;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини имтиёзли кредитлашга, уларга солиқ юкини энгиллаштиришга.

Республикамизда ҳам кичик бизнес соҳани ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида турли хил имтиёзлар берилаётганлигини таъкидлаб ўтиш ўринли ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008-йил 19-ноябрдаги ПФ-4010–сонли "Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида" ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилиятини тиклаш бўйича банкрот корхоналар негизида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектларни қўшимча қиймат солиғидан, уч йил давомида фойда солиғидан, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиқлари тўлашдан, бошқарув компаний аларига берилганида фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й.

2. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати узстат.уз сайти 2018-2019 йил маълумотлари.

ЖАДИДЛАРНИНГ БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ ҲАҚИДАГИ ҒОЯЛАРИ

Рахимов Рустамжон Каримович. доцент, и.ф.н., - Андижон машинасозлик институти "Гуманитар фанлар" кафедраси докторанти, Андижон шаҳри, Ўзбекистон Республикаси

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини таъминлашда банклар муҳим рол ўйнайди. Банклар пул маблағларини тўплаш, жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини тартибга солиш билан шуғулланувчи иқтисодий муассасадир.[1]

Банклар фаолиятининг асосий томонларидан бири кредит муносабатларига хизмат қилиш бўлиб, улар кредит муассасаларининг асосини ташкил этади.

Жадидлар Туркистон иқтисодиётига эндигина кириб келаётган банк фаолиятини ғоят кераклиги ва фойдали эканини бошқалардан кўра илгарироқ англаб етдилар. Шунингдек улар иқтисодиётга кириб келаётган банк фаолияти

билан боғлиқ янги иқтисодий муносабатлар (иқтисодий категориялар) моҳиятини чуқур тушуниб етдилар, улар фақат фойда келтириш, фойдани кўпайтириш воситалари бўлишини мантиқан илғадилар.

Жадидлар Туркистон иқтисодиётининг ривожланишида банклар фаолиятининг ўрни ва аҳамияти катта эканлигини яхши тушунар эдилар. Шунинг учун ҳам улар банклар фаолиятини ривожланишига қаратилган мулоҳазалар, фикрлар илгари суришган эдилар. Банклар фаолиятига оид С.Миржалиловнинг "Банклар ҳақинда", Мухтор Бакрнинг "Туркистонда миллий банк очмоқ керак" шунингдек, муаллифи номаълум бўлган "Фарғонада банк очмоқ", Чўлпоннинг "Андижонда янги банк", О.Маҳмудовнинг "Эски баракатлик савдогарчилик" каби мақолаларни санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

С.Миржалиловнинг Туркистондаги мавжуд банклар мақоласида ўлканинг иқтисодий таянчи ҳисобланган ана шу муассасаларни давлат банки, акционерлик банки, жамият ва заёмли кредит банкларига ажратган. [2] Ушбу мақола хусусиятига кўра қиёсий-таҳлилий ҳамда танқидий характерга эга бўлиб, муаллиф ўлкадаги мавжуд банк турлари ва унинг фаолиятини таҳлил қилган. Банклар фаолиятини қиёсий таҳлил қилиш орқали уларда юзага келган муаммоларнинг асл сабабларини очиб берган ва унга сабабчи бўлаётган омилларни танқид қилган.

Унинг фикрига кўра, давлат банкларига шу давлатга тегишли махсус пул маблағларидан бир қисми сармоя сифатида берилган. Бундан ташқари қўлида пули бўла туриб уни ўзи ишлата олмайдиган кишиларнинг ортиқча пуллари ҳамда хайрия жамиятларининг ортиқча пуллари бироз фойда йўлида сақлаб бериш учун ушбу муассаса хазинасига қўйилиши мумкин. Тўпланган сармояни банк қисқа муддатга ишончли банкларга, савдо дўконларига, савдогарларга беришини, бу орқали бироз фойда олиб, фойданинг маълум фоизи сармоя эгаларининг қўйган маблағларига қўшилиб борилишини таъкидлаган.

Акционерлик банкларини эса қўлидаги ортиқча сармоясини ўзи ишлата олмайдиган, агарда ишлата билса ҳам кам фойдага қаноат қилмайдиган кишилар томонидан қимматбаҳо қоғоз воситаси билан сармоя йиғиб банк очиш мумкин бўлган муассаса эканлигини айтиб, бунда сотилган акцияларнинг кўплигига ва кўрилган фойдага қараб акция эгаларига фойда тақсим қилинган. [3] Акционерлик банклари сармоянинг кўплигига қараб ҳар бир шаҳарда ўзининг бўлимларини очиши мумкин бўлган. Бироқ, бундай банклар Туркистонда кенг тарқалмаган ва улар тезда инқирозга учраган. Муаллифнинг фикрича, бунга банк тизими эмас, балки, унда фаолият олиб борган шахсларнинг кўпроқ ўз манфаатларини ўйлаганлиги, мижозларга хизмат кўрсатишни тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабаб бўлган.

Туркистондаги "жамият ва заёмли кредит" банклари асосан майда савдогарлар, ҳунармандлар ва деҳқонларга хизмат кўрсатиб, муаллифнинг таъкидлашича, бундай банклар ўз миллатини ва ўз шаҳридаги халқнинг

машаққатини енгиллаштириш, савдо, ҳунармандчилик, саноат ва зироатни ривожлантиришни хоҳловчи шахслар томонидан очилган. Жамият ва заёмли кредит банклари ўзига аъзо бўлган кишиларнинг сармоясига бошқа банкларга нисбатан ортиқроқ миқдорда фоиз тўлаган. Қарз олган мижозларга эса устама фоизни камроқ миқдорда қўйган. Маҳаллий аҳолининг иқтисодий билимларининг етишмаслиги, ўз ҳуқуқларини яхши билмаганлиги сабабли бу банклардан ҳам тўғри фойдалана олмаганлигини муаллиф афсус билан баён қилган.[4] Умуман олганда, юқоридаги маълумотлар XX аср бошларида Туркистондаги мавжуд иқтисодий вазият, айниқса, банклар ҳолати ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Обиджон Маҳмудов ўзининг "Эски баракотлик савдогарчилик" номли мақоласида маҳаллий савдогарчилик ҳалоллик, одиллик асосига қурилганлиги учун ҳам баракотлик бўлиб, халқ учун фақат наф келтирганлигини, савдо-судхўрлик капиталининг кириб келиши билан эса иқтисоднинг бу соҳаси ҳам издан чиқиб, оқибат натижада кўплаб муаммоларни келтириб чиқарганлигини кўрсатиб ўтади: "...Шу афъоли ҳасана хосиятидан ҳар ишда баракот ҳам кўп эди. Фақат йигирма беш йилдан буён Фарғонада уч-тўрт хил қоида чиқди, ҳар иш боғланди. Мурувватн инсоний деган нарса манфаати шахсия деган худбинликга мабдил бўлди".[5]

Аср бошида ўлкамизда "Ака-ука Шлосберг", "Кноп", "Ака-ука Степун" фирмалари, Москва ҳисоб банки, Рус-Осиё банки ва бошқалар фаолият кўрсатганлар. О.Маҳмудов ўлкага капиталистик иқтисодий муносабатларнинг кириб келиши, адолатсизлик ва суистеъмолчиликлар халқнинг тобора тинка мадорини қурита бораётганлигини ҳам Европа банк ва фирмаларининг асл башарасини қуйидагича очиб ташлайди: "...Оқча керак бўлса Фарғонага келаверинглар деб бир неча кунда: 24 фирма, 10 бонка, 5-10 комиссионний контуралар очилуб, просинтни олти ва гоҳо етти-саккиз, ўн, ўн бир қилишуб, ўн, йигирма тарафдан оқчани тортавердилар... банк ва фирмалар фақат Низомга тўғри келтуруб ишларини ўзлари хоҳлаганларича қилиб қанча инсофсизлик қила билсалар қилдилар..."[6] жадидлар Туркистонда миллий банк очиш масаласини кўтариб чиққанлар.

Туркистон тараққийпарварларидан бири Мухтор Бакр ўз мақоласида миллий бойликларнинг кўпайишига савдо ва тижоратнинг ривожланишига сабаб бўлувчи бош омиллардан бири миллий банк очиш масаласини кўтариб чиққан. Муаллифнинг ушбу мақоласи жадидларнинг иқтисодий қарашларини акс эттрувчи материал бўлибгина қолмай, Туркистон иқтисодиётининг муҳим бўғини ҳисобланган банк тизими ҳақида гувоҳлик берувчи қиёсий-таҳлилий характердаги тадқиқотдир. Чунки унда муаллиф туркистонликлар билан яҳудийларнинг банкдан фойдаланиш даражасини солиштириш орқали ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни кўрсатиб берган. Буни мақоладаги банклар орқали фаол яҳудий маклерлари гарчи, пуллари бўлмаса-да, ўн минглаб, юз минглаб фойда кўраётганликлари, маҳаллий савдогарлар фақат яҳудий ва рус

банклари билан фаолият олиб бораётганлиги, бу ҳолат фойданинг катта қисми банк эгалари яҳудийларга, русларга маълум бир қисмигина маҳаллий савдогарларга тўғри келаётганлиги ҳақидаги сатрлар тасдиқлайди. Мухтор Бакр мусулмон савдогарлари яҳудий ва рус банкирларига маклерлик қилиб, миллий бойликнинг улар фойдасига оқиб киришига воситачи бўлаётганликларини, агар бу ишга ватан ва миллатнинг манфаати нуқтаи назаридан қаралса, улуғ жиноят ҳисобланишини таъкидлаб, энди бу хатоликларни қайта такрорламаслик зарурлгини айтади. "Бунинг учун – дейди муаллиф – ҳеч вақт ўтказмасдан миллий сармоя билан миллий турк банки очиш зарурдир".[7] Чунки муаллифнинг фикрича, маҳаллий – хусусий банклар ўлка иқтисодиётинигина эмас, балки мухторият мақомини ҳам амалда сақлаб қолади. "Агар бизда миллий банк бўлмаса, мухторият ва бошқа миллий муассасаларимиз қарзни кимдан олажаклар? Чор-ночор яҳудий банкирларининг тузоқина тушарга мажбур бўларлар. Шу тариқа миллий муассасаларимизнинг ажнабийлар таъсирига тушувлари бизни иқтисодий ҳам сиёсий жиҳатдан четларга аср этув устина иззат нафсимизнида таҳқир бўладир", - дея огоҳлантириб, ана шундай ҳолатга тушган Туркия ҳукуматини мисол келтирган. [8] Шунингдек, бу мақола ўлка савдо соҳаси инқирозининг илдизи ва сабабларини очиб берувчи муҳим ҳужжатдир.

С.Миржалиловнинг "Туркистонда савдогарлик" номли мақоласида ҳам Туркистонда савдогарларнинг инқирозга юз тутишига биринчидан, тижорат соҳасида тажрибасиз, кичик сармояга эга шахслар ва олувчидан сотувчининг кўпайиб кетганлиги, иккинчидан, олинган товарни тезроқ кетказиш мақсадида унинг фойда зарарига қарамасдан сотишганлиги, учинчидан, банклар сабаб бўлганлиги қайд этилган. Муалллиф инқирознинг учинчи омили ҳисобланган банклар хусусида сўз юритиб, миллий савдогарлар ва тадбиркорлар аввал қилинадиган иш режасини тузмасдан, олинадган даромадни пухта ҳисоб-китоб қилмасдан (ҳозирги иқтисодий термин билан айтганда "бизнес режа") банклардан қарз олишганлиги учун улар тез орада қарздорлик домига тушишган. Кўп ҳолларда бу уларни бутун мол-мулкларидан маҳрум бўлишига олиб келган. [9]

М.Беҳбудий бизни барбод бўлишимизга сабаб банклар эмас, бизни синишимизга сабаб ҳисобсизлик, ақл ва тарбиясизлик, жаҳолат ва нодонлигимиздир. Чунки бошқа миллатлар банклар сабабли обод бўлди. Давлати ва мулки ортди деб таъкидлайди: жумладан, "Айб бонкада йўқ, бизда. Чунки бошқа миллатлар бонкалар сабаби ила обод бўлур. Давлати ва мулки ортур. Аммо биз, зоҳиран бонкалар сабаби ила барбод ва фақир бўлармиз. Аввалги бор мулкимиз қўлдан кетарки, мунинг асл сабаби бонка эмас, ўзимизни тарбиясизлигимиз ва донишсизлигимиз ва беҳисоблигимиз ҳамда нафъ ва зараримизни билмаганимиз, тижорат иши ва аҳли замонадан бехабарлигимиздан, хулоса, жаҳолат ва нодонлигимиздандир.

Бонка сабаби ила яҳудий, армани ва бошқалар давлатлик бўлур.

"Садои Фарғона" газетасининг 1914 йил 14 сентябрь сонида эълон қилинган "Фарғонада банк очмоқ" сарлавҳали мақола эса гарчи, ахборот характерига эга бўлса-да, жадидлар турли даъват, чақириқлар билан чегараланиб қолмасдан юқорида кўтарилган муаммони ечиш учун амалий ҳаракатлар ҳам олиб борганликлари тўғрисида гувоҳлик беради. Ушбу мақолада жадидларнинг деҳқонларни қарздорликдан қутқариш, қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш мақсадида зироатчиларга кредит берувчи махсус банк очиш ташаббуси билан чиққанлигини кўриш мумкин. Улар деҳқонлар фаолиятини молиялаштирувчи бундай банклар очиш учун маҳаллий сармоядорларга бекор турган маблағларини ана шу муассасага қўйишни таклиф қилади. Жадидларнинг фикрича, бу биринчидан, мулкдорларнинг бойлигининг миқдорини янада ошишига ва сақланиб қолишига кафолат бўлса, иккинчидан, агар банкдаги маблағлар фақат маҳаллий бойларнинг сармояларидан иборат бўлса, банкнинг эгаси ҳам миллатнинг ўзи бўлади. Учинчидан, деҳқонларга бериладиган кредитлар фоизи кам бўлганлиги учун улар ҳам доимий қарздорликдан қутулиб, ишларини тўғри йўлга қўйиб олишига имкон беради. Газета муҳарририятининг: "Бул банкани очмоқни хоҳлагувчилар бўлсалар "Садои Фарғона" идорасига мурожаат қилсалар, шундай банкаларни очмоқга даркор бўладурган дастуруламал китобларни кўрсатурмиз. ... Агар Фарғона музофотини қайси шаҳрида жамияти хайрия очмоққа ихтиёр қилгувчилар бўлса, маслаҳатини қилуб, керакли жойдан жавоб сўраб бермоқ мумкиндир", деб ёзган сўзлари жадидлар деҳқонлар фаолиятини молиялаштиришга ихтисослашган бундай кредит банкларини ташкил қилишнинг назарий программасини ҳамда амалий режасини пухта ишлаб чиққанлигини англаш мумкин.[10]

Абдулҳамид Чўлпоннинг "Андижонда янги банк" номли мақоласи ҳам ахборот характерида бўлиб, унда 1914 йилда Андижонда сармояси 26 минг сўмдан иборат бўлган "Кредит банки"очилаётганлиги ва унинг 180 нафар мижозининг 130 дан ортиғи мусулмонлар эканлиги ҳақида хабар берилган. Унинг маълум қилишича, банкни Эшонхон Маҳзум Одилхўжа ўғли, Мир Ҳайдарбой Миржалил ўғли, Саъдуллахўжа Турсунхўжа ўғли каби маҳаллий бойлар очишган.[11]

Файзулла Хўжаев Бухоро қишлоқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантиришга доир умумиқтисодий тадбирларни амалга оширишда банк ва кредитларни ўрни ва аҳамияти катта эканлигини алоҳида уқтириб ўтади: "... хўжалиги хонавайрон бўлган деҳқонларга ҳам қисқа муддатли, ҳам узоқ муддатли катта қишлоқ хўжалик кредитлари бериб туриш..." Шунингдек "...Бухоро экспорти савдо кредитига муҳтож. Урушдан олдин Бухорода олтин билан 40 миллион сўм обороти бўлган еттита катта банк ишлаганлиги тасодифий эмас. Шу сабабли бу кредит, оқибат натижада, фақат савдо учунгина аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги учун ҳам аҳамиятга эга бўлади." [12]

Жадидлар ўз асарларида банклар шунчаки иқтисодиёт субъектлари (қатнашчилари) ўртасида воситачигина бўлиб қолмай, балки муомала қатнашчилари ўртасида маълум бир рақобат муҳитини вужудга келтирувчи молиявий муассаса ҳам эканини кўрсатиб бердилар. Чунки, банклар турли даражадаги иқтисодий, олди-сотди муносабатларида ҳам қатнашадилар. Бу ерда турли манфаатдаги муносабатлар тўқнашади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг банк тизимини такомиллаштиришга жиддий эътибор берила бошланди. Чунки, бозор муносабатларининг шаклланишида банклар алоҳида аҳамиятга эга.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан амалга оширила бошланган ислоҳотларнинг асосий бўғини банк тизимини ислоҳ қилишдан бошланиб, ушбу соҳани янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилинди. Жумладан, 1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида, 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган Банклар ва банк фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида"ги Қонунида Марказий банкка банк тизимини шакллантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган институционал сиёсатни юритиш имконини берди. Натижада, тижорат банкларининг сони доимий равишда кўпайиб борди ва банклар ўртасида рақобат муҳити вужудга кела бошлади.

Банклар ҳар қандай жамиятда иқтисодиётнинг барқарор ишлашини таъминловчи механизмнинг асосий бўғинларидан бирини ташкил этиб, уни иқтисодиётнинг қон томирларига қиёслаш мумкин. Шунга кўра банклар фаолиятини мунтазам ривожлантириб бориш давримизнинг энг муҳим вазифасидир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг жадидлар орзулари ушалди. Бугунги кунда мамлакатимизда Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, хорижий капитал иштирокидаги банклар, хусусий банклар, акциядорлик тижорат банклари ташкил бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда. Биз тадқиқ қилаётган жадидлар томонидан илгари сурилган банклар фаолияти тўғрисидаги ғоялар ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ривожланаётган мустақил диёримизда банклар фаолиятини яна ҳам ривожланиб такомиллашига хизмат қилади деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

[1]. Шодмонов Ш., Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси. Т.: , 2005. –Б. 625.
[2]. Миржалилов С. Банклар ҳақинда // Садои Туркистон. 1914 йил 20 июнь.
[3]. Миржалилов С. Банклар ҳақинда // Садои Туркистон. 1914 йил 20 июнь.
[4]. Миржалилов С. Банклар ҳақинда // Садои Туркистон. 1914 йил 20 июнь.

[5]. Маҳмудов О. Эски баракатлик савдогарчилик // Садои Фарғона. – 1914.-28 май.

[6]. Маҳмудов О. Эски баракатлик савдогарчилик // Садои Фарғона. – 1914 йил 28 май.

[7]. Мухтор Бакр. Туркистонда миллий банк очмоқ керак // Улуғ Туркистон. 1918 йил 19 январь.

[8]. Мухтор Бакр. Туркистонда миллий банк очмоқ керак // Улуғ Туркистон. 1918 йил 19 январь.

[9]. Миржалилов С. Туркистонда савдогарлик // Садои Туркистон. 1914 йил 11 май.

[10]. Фарғонада банк очмоқ // Садои Фарғона. 1914 йил 14 сентябрь.

[11]. Абдулҳамид Сулаймоний. Андижонда янги банк // Ойна. 1914 йил 18 январь.

[12]. Хўжаев Ф. Танланган асарлар. 1 том. Бухоро Халқ Республикасининг иқтисодий аҳволи. Т.: Фан, 1976.-Б. 378-380.

К ВОПРОСУ О ВЛИЯНИИ ПРАВОВЫХ НОРМ НА ЭКОНОМИКУ.

Набиев Б.А., старший преподаватель кафедры «Общественно-гуманитарные и точные науки» Отдела координации совместных международных образовательных программ ТГЭУ и УрГЭУ. Ташкентский Государственный экономический университет. Г.Ташкент, Узбекистан

В Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022г. №УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» [1], особо отмечено: «В направлении реформирования национальной экономики приняты действенные меры по либерализации внешнеторговой, налоговой и финансовой политики, поддержке предпринимательства и гарантированию неприкосновенности частной собственности, организации глубокой переработки сельскохозяйственной продукции, а также обеспечению ускоренного развития регионов».

Соответственно, подтверждая определенные достигнутые успехи, в Указе подчеркнута роль правовых норм в упомянутом процессе – реформирование национальной экономики не представляется возможным без соответствующего правового регулирования, без внесения изменений в существующие нормативно-правовые акты и без издания новых.

Необходимость данного процесса проистекает также из явной востребованности актуализации правовых норм. Законодательство обязано поспевать за развитием общества; правовые нормы, регулирующие, в частности, экономические взаимоотношения, не должны являться тормозом на пути такого развития.

Особо следует отметить, что в настоящее время развитие нашей Республики в общем и ее экономики в частности, получило новое, динамичное ускорение, причем такое ускорение не является каким-либо формальным явлением, а представляет собой научно обоснованный процесс.

Обращает на себя внимание требование Указа об обеспечении строгого соблюдения порядка, согласно которому обязанность доказывания в административном суде законности решения, действия (бездействия) возлагается на принявшее его должностное лицо. Данное положение направлено в первую очередь на усиление защиты предпринимателей, которые ранее вынуждены были в административных спорах самостоятельно изыскивать доводы в пользу необоснованности деяний должностных лиц.

Необходимо при этом отметить определенные недоработки, допущенные в действующих нормативно-правовых актах.

Так, часть 2 статьи 112 прежней редакции Налогового кодекса Республики Узбекистан [2] предусматривала применение финансовых санкций, как мер ответственности за налоговое правонарушение к налогоплательщикам — юридическим лицам и индивидуальным предпринимателям только в судебном порядке, за исключением случаев начисления пени за просрочку уплаты налогов и других обязательных платежей, а также признания налогоплательщиком вины в совершенном налоговом правонарушении и добровольной уплаты штрафа.

Между тем, принятый 30 декабря 2019г. новый Налоговый кодекс [3] предусматривает совсем иной порядок применения финансовых санкций. Так, согласно статье 121 Кодекса, в случае неисполнения или неполного исполнения требования о погашении налоговой задолженности в установленный срок взыскание ее с юридических лиц и индивидуальных предпринимателей производится в принудительном порядке путем обращения взыскания на денежные средства на счетах в банках (включая средства на корпоративных картах). Взыскание налоговой задолженности производит налоговый орган путем направления в электронной форме инкассового поручения в банк, в котором открыты счета обязанного лица, на списание со счетов этого обязанного лица и перечисление в бюджетную систему необходимых денежных средств.

Соответственно, взыскание по выявленным налоговым органом нарушениям (даже при их оспаривании проверенным объектом), производится этим же органом в бесспорном порядке, причем банк обязан исполнить подобное инкассовое поручение позднее одного операционного дня, следующего за днем

получения им указанного инкассового поручения, а при взыскании с валютных счетов — не позднее двух операционных дней.

Обжалование подобных действий налогового органа возможно лишь постфактум – уже после произведенного взыскания. При этом, в соответствии со статьями 230 и 231 Налогового кодекса, оно производится в вышестоящий налоговый орган и лишь после этого - в судебном порядке.

Разумеется, подобная процедура, на наш взгляд, мало способствует усилению защиты предпринимательства в нашей Республике.

Полагаем, что решение данной проблемы будет способствовать эффективному проведению в жизнь 26 цели Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы: «Дальнейшее улучшение и повышение привлекательности инвестиционного климата в стране».

Как усматривается из изложенного, принятый Указа Президента Республики Узбекистан от 08 января 2022г. №УП-60 и утвержденная им Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы будут способствовать дальнейшему развитию экономики нашей страны и повышению благосостояния ее населения.

Литература:

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 08 января 2022г. №УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы. Национальная база данных законодательства, 29.01.2022 г., № 06/22/60/0082, 18.03.2022 г., № 06/22/89/0227

2. Налоговый кодекс Республики Узбекистан (прежняя редакция). Утратил силу в соответствии с Законом Республики Узбекистан от 7 января 2020 года № ЗРУ-601 «О внесении изменений и дополнения, а также признании утратившими силу некоторых законодательных актов Республики Узбекистан в связи с принятием Налогового кодекса Республики Узбекистан».

3. Налоговый кодекс Республики Узбекистан (действующий). Национальная база данных законодательства, 31.12.2019 г., № 02/19/НК/4256; … 14.03.2022 г., № 03/22/759/0213)

SOG'LOM TURMUSH TARZNI SHAKILLANTIRISHDA JISMONIY TARBIYANI O'RNI

Kadirov Farhod Egamberdiyevich
Andijon viloyati, Andijon shahar 14 – umumta'lim maktabi jismoniy tarbiya o'qituvchisi, O'zbekiston Respublikasi

Annotatsiya: ushbu maqolada jismoniy tarbiya yoli bilan dog'lom turmush tarzini shakllanyirish, jismoniy faollikni oshirish, inson organizmiga qanday ta'sir etishi to'g'risida yoritilgan.

Kalit so'zlar: jismoniy tarbiya, sog'lom turmush tarzi,

Аннотация: в этой статье обсуждается о формировании здорового образа жизни путем физического воспитания, повышении физической активности, о том, как это влияет на организм человека.

Ключевые слова: физическая культура, здоровый образ жизни,

Annotation: This article discusses how to promote a healthy lifestyle through physical education, increase physical activity, and how it affects the human body.

Keywords: physical education, healthy lifestyle,

Bugungi kunda eng dolzarb mavzulardan biri ham sog'lom turmish tarzini shakillantirishdir.

O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgach bozor iqtisodiyotiga o'tish, erkin, demokratik jamiyat qurish, jamiyat ma'naviyatini yangilash, davlat va ijtimoiy qurilish sohalarida ynqori natijalarga erishishda sog'lom turmush tarzini targ'ib qilish, hozirgi yosh avlodning, qolaversa, bugun millatning sog'ligini asrash muhim masala hisoblanadi.

Sog'lom turmush tarzini targ'ib qilish har-xil yo'nalishlarda olib borilishi lozim. Bu, bir tomondan, talabalar va kattalarga sog'lom turmushga oid ma'lum tibbiy va gigienik bilimlarni berishga, ularda sog'lom turmush tarzining organizm rivojiga qanday ta'sir etishi haqidagi tasavvurlarning uyg'onishiga qaratilgan bo'lsa, ikkinchi tomondan, ta'lim-tarbiyada gigienik qoidalarga amal qilish, o'zining va yon atrofdagilarning sog'ligini asrashni kundalik odatga aylantirish ko'nikmalarini shakllantirishga bog'liqdir. Bu maqsadda sog'lom turmush tarzi ommaviy axborot vositalari orqali, shuningdek, barcha tarbiya o'choqlari bilan hamjihatlikda maktab, litsey, kasb-hunar kollejlarida keng targ'ib qilinmog'i zarur.

Sog'lom turmush tarzini shakillantirishda zarur bo'lgan mardlik, jasurlik va matonatdek sub'yektiv qadriyatlar shakllanishi uchun jismoniy tarbiya vosita bo'ladi.

Mardlik, jasurlik va matonat fazilatlarini tarbiyalash jarayoni jismoniy mashqlar bilan shug'ullanish mashg'ulotlarining barcha shakllarida sog'lomlashtirish jismoniy madaniyati mashg'ulotlari tarkibida, ommaviy sport turi bilan shug'ullanish mashg'ulotlarida, shug'ullanuvchining istagisiz namoyon bo'lishi amaliyotda isbotlangan. Bu tarixiy, umuminsoniy fazilatlar yuksak ma'naviyatli, har tomonlama

jismonan garmonik rivojlangan intellektual resurslarning shakllanishiga zamin bo'ladi.

Sog'lom turmush tarzi jismoniy tarbiya qadriyat sifatida o'z ichiga quyidagilarni oladi:

-jamiyat a'zosining salomatligi, vujudi qismlarining xizmat faoliyati darajasi, tanining sixatligi, uni zamr darajada ushlashga yordam beradigan tizimli mashg'ulotlarni;

-jismoniy tayyorgarligi (yetuklik) - kuchi, tezligi, chaqqonligi, chidamliligi, egiluvchanligining darajasini;

-jismoniy rivojlanganligi - vazni, bo'yi, tanasi a'zolarining o'lchami va ularni o'ziga yarasha darajada ushlashga oid nazariy bilimlari va amaliy malakalarni;

-jismoniy yetuklik va jismoniy barkamollikka oid nazariy bilimlarni va amaliy malakalarni;

-kun tartibi tarkibida harakat faolligi o'quv, mehnat faoliyati, «aktiv», «passiv» dam olish madaniyati;

-aqliy va jismoniy faoliyat uchun sarflanadigan energiya (quvvat)ni tiklashni boshqara olish;

-ommaviy sport turlaridan biri bilan shug'ullanishni;

-salomatlik trenirovkalarining mazmuni va uni tashkillashni;

-sog'lomlashtirish mashg'ulotlarining o'zi yoqtirgan shakllaridan biri bilan maqsadli shug'ullanishni;

-suv, havo, quyosh nuri orqali chiniqishni;

-massaj, shaxsiy, jamoa gigienasi omillaridan, birinchi yordam, xavfsizlik qoidalari va undan foydalana bilish hamda boshqa nazariy bilimlar va amaliy malakalarni o'z ichiga oladi.

Salomatlik - inson organizmining shunday holatiki, uining barcha organlari va tizimlari tashqi muhit bilan mos kelishi va kasallikka nisbatan moyilligi umuman yo'qligidir.

Jismoniy tarbiya - jamiyat a'zolarining jismoniy kamolotga erishishini maqsadga muvofiq ravishda amalga oshirish uchun maxsus vositalar, metodlar, sharoitlarni yaratish va ulardan ratsional foydalanish bo'yicha erishilgan yutuqlarning majmuasidir.

Jismoniy tayyorgarlik - kishining sog'ligi, maxsus bilimlar bilan qurollanishi, hayotiy zamr harakat, ko'nikma va malakasini shakllantirishi hamda jismoniy sifatlarining rivojlanishi darajasini belgilovchi bir guruh sinov mashqlari majmuasini ifodalaydi.

Jismoniy rivojlanganlik - inson organizmining asta-sekinlik bilan tabiiy shakllanishi - tashqi ko'rinishi va uining xizmatini o'zgarish jarayonidir.

Jismoniy tayyorlash - insonlarni kasbiy hususiyatidan kelib chiqib, jismoniy holatini rivojlantirish.

Jismoniy tarbiya harakati - ijtimoiy harakatning o'z oldiga aholini jismoniy tarbiyalash darajasini oshirish va sportni rivojlantirishga yordam berishni maqsad qilib

qo'ygan maxsus turidir.

Jismoniy mashqlar - harakatlar va harakat faoliyatining murakkab turlari bo'lib, jismoniy tarbiya vazifalarini hal etishga xizmat qiladi.

Jismoniy yuklama - organizm imkoniyatlari va jismoniy holatidan kelib chiqib, unga beriladigan mashqlar miqdori.

Ommaviy sport - darsdan tashqari, ish vaqtidan so'ng davlat va jamoat tashkilotlari orqali hamda har bir shaxsning tashabbusi bilan amalga oshiriladi.

Aktiv dam - jismoniy harakatlar orqali organizmning charchog'ini yo'qotish, ish qobiliyatini oshirish.

Passiv dam - organizmni hech qanday yuklamalarsiz, deyarli energiya sarf qilmay, barcha muskullarni bo'shashtirib dam olish.

Meditatsiya - asosan sharq maktabiga hos jismoniy mashqlar majmui bo'lib, inson jismoniy tarbiya tizimlari ichida har bir shaxs mustaqil yoki shu tizim ishqibozlari alohida guruhlarga ajralib shug'ullanadilar.

Sog'lomlashtirish trenirovkalari - insonlar salomatligini mustahkamlashga, rivojlantirishga qaratilgan umumiy xususiyatta ega bo'lgan jismoniy yuklamalar.

Organizmning funktsional zahiralari - organ yoki funktsional tizimlar ishining tinch holatdagiga nisbatan ortishidir.

Jismoniy sog'lomlik - jismoniy mashqlar va ommaviy sport bilan tizimli shug'ullanish orqali yoki jismoniy yetuklik darajasidagi harakat faolligiga egalik, organizmni tashqi muhitning noqulay oqibatlari va kasalliklarga qarshi tura olishi, turmush, hayotiy faoliyatlarning talablariga yetarli darajadagi munosabati tushuniladi.

Jismoniy qobiliyat - insonning u yoki bu mushak faoliyati talablariga javob beradigan va uning samarali bajarilishini ta'minlaydigan muhim-fiziologik hamda morfologik xususiyatlari majmuasidir.

Adabiyotlar

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони. 2020 йил 24 январь. ПФ-5924

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Фармони 30.10.2020 й., ПФ-6099

3. Ахматов М.С. Узлуксиз таълим тизимида оммавий спортсоғломлаштириш ишларини самарали бошқариш. Монография. 2001 й. Тошкент.

4. Aripova S.X., "Yoshlar fiziologiyasi va gigiyenasi" T.: "Fan tehnologiya" 2010y.

5. M. Ahmatov, "Uzliksiz ta'lim tizimida ommaviy sport sog'lomlashtirish ishlarini samarali boshqarish" "Fan tehnologiya" Toshkent 2005 yil .

6. D.J.Sharipova, G.S. Fuzailova "Talabalarda sog'lom turmish tarzini shakillantirish" uslubiy qo'llanma Farg'ona 2010 yil.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Курбонов Жасурбек Позилович-таянч докторант
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
Андижон, Ўзбекистон

Инвестициялар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарорлигининг муҳим омили ҳисобланади. Шундай бўлсада, мазкур омилни кенгайтириш, ундан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш муҳим тадқиқот йўналиши ҳисобланади. Чунки, кичик бизнес кам инвестиция талаб этсада, уни оқилона тақсимотини амалга оширмаса ёки самарали фойдаланилмаса барқарор ривожланиши мумкин эмас.

Инвестиция салоҳиятини тўғридан-тўғри инвестициялар билан ифодаловчи таърифлар қаторида қуйидаги изланишларни келтириб ўтамиз. Р.А.Каримов фикрича, инвестиция салоҳияти бу кутилаётган натижага эришиш учун фойдаланишга мўлжалланган корхонага тегишли ресурслар ҳисобланади.[1] Р.Н.Малышев томонидан берилган таърифга кўра, инвестиция салоҳияти корхонанинг инвестиция ҳажми ва унинг кўлами билан белгиланади.[2] В.И.Афонин, Л.С.Валинурова, О.Б.Казаковалар томонидан берилган таърифга кўра, инвестиция салоҳияти инвестиция ресурслари йиғиндиси бўлиб, моддий-техник, молиявий ва номоддий активларни ўз ичига олади.[3] Шунингдек, С.В.Зенченко ва М.А.Шемёткиналар томонидан берилган таърифда ҳам инвестиция салоҳияти бу мавжуд ва жалб этилган маблағлар ҳисобига инвестиция фаолиятини ифодалаш имкониятларидир.

Инвестиция салоҳияти билан боғлиқ изланишларни умумлаштирсак, уларни қуйидагича йўналишларга ажратишимиз мумкин. Биринчи йўналишда инвестиция салоҳияти доирасида тўғридан-тўғри мавжуд ва жалб этилган инвестициялар ҳажми изоҳланмоқда. Иккинчи йўналиш доирасидаги тадқиқотларда эса, инвестиция салоҳияти нисбатан кенгроқ талқин этилиб, унинг жалб этишга таъсир этувчи мезонларга ҳам эътибор берилмоқда. Яъни, инновацион, меҳнат, табиий-ресурс имкониятлари эътиборга олинмоқда. Шундай бўлсада, фикримизча, икки йўналишни уйғун ҳолда талқин этиш мақсадли ҳисобланади. Яъни, инвестиция салоҳиятини якуний мезони

инвестиция кўлами ва ундан фойдаланиш самарадорлиги бўлиб, уни жалб этиш эса меҳнат, табиий-ресурс, инновация кабилар билан узвий боғлиқдир.

Инвестиция салоҳияти умумиқтисодий тушунча бўлсада, кичик бизнесга тегишли хусусияти қатор белгилари билан ажралиб туради. Биринчидан, кичик бизнеснинг ўзига хос хусусиятларидан бири – инвестиция даражасига юқори боғлиқликни ифодалаши ҳисобланади. Яъни, кўлам нуқтаи назаридан катта бўлмасада, технология ва инновацияларнинг асосий манбаи инвестициялар ҳисобланади. Бу эса, кичик бизнес инвестиция салоҳиятини тадқиқ этишни талаб қилади.

Кичик ва ўрта корхоналарнинг инвестиция салоҳияти, улардаги инвестицион фаолият, ва энг асосийси капитал омили ҳажмини кенгайтириш борасидаги ишлар узоқ хорижий олимлар изланишларида ҳам алоҳида эътиборга олинган. Жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларида инвестиция салоҳиятини ошириш ҳамда инвестициялар кўламини кенгайтириш ва уларни жалб этиш билан боғлиқ масалалар Д.Скурас, К.Цегениди ва К.Цекоурас ишларида тадқиқ этилган. Шунингдек, кичик ва ўрта корхоналарнинг инвестиция салоҳиятини оширишда тўғридан-тўғри хусусий инвестициялар кўламининг таъсирини Марказий ва Шарқий Европа давлатларидаги ҳолатини ўрганган изланишлар ичида М.Энсон ишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Юқоридаги тадқиқотларда кичик бизнеснинг инвестиция салоҳияти тушунчасининг умумий шакли келтириб ўтилмаганлигини, аксинча, инвестицияларнинг у ёки бу жиҳатларига боғлиқ изланишларни кўришимиз мумкин. Бу эса, кичик бизнеснинг инвестиция салоҳияти бўйича тадқиқотларга кам эътибор қаратилганлигини ва нисбатан кам ўрганилганлигини ифодалайди. Яъни, тадқиқотлар асосан бир тарафлама, кичик бизнеснинг инвестиция омилини ўрганиш билан чекланганлигини кўришимиз мумкин.

Кичик бизнеснинг ривожланиши ҳамда фаолияти барқарорлигида инвестиция муҳим ҳисобланади. Шундай бўлсада, унинг инвестиция салоҳияти нисбатан кенг тушунча ҳисобланади. Яъни, унинг замирида инвестицияларни соҳага жалб этишдан тортиб, улардан фойдаланиш ҳамда қайта инвестициялашга қадар жараённи тушунишимиз лозим. Бу ўринда, айнан кичик бизнеснинг инвестиция салоҳияти кам учрасада, корхона ва ташкилотларнинг инвестиция салоҳияти бўйича берилган таърифлар мавжуд. Улар билан боғлиқ тадқиқотларда берилган таърифлар корхонанинг ички ва ташқи муҳит мезонлари билан акс эттирилган. Мазкур йўналишдан келиб чиқсак, кичик бизнеснинг инвестиция салоҳиятида ҳам унга тегишли омил ва манбаларни қамраб олувчи жиҳатларга эътибор қаратамиз.

Хулоса ўрнида кичик бизнес ва хсусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг ўрни каттадир. Бу соҳада олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра инвестиция салоҳиятидан

фойдаланиш самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Каримов Р.А. Инвестиционный потенциал и социально-экономические условияего реализации в трансформируемой экономике :автореф. дис. кандидата экон. наук / Р. А.Каримов. – Москва, 2007. - 28 с..
2. Малышев Р.Н.Инвестиционный потенциал государства в экономикесовременной России. - Тамбов, 2007. - 19 с.
3. Афонин В.И. Валинурова Л. С. Инвестирование: учебник для вузов / Л. С.Валинурова, О.Б. Казакова. – Москва :ВолтерсКлувер. 2010. -448 с.

КИЧИК БИЗНЕСНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ

Курбонов Жасурбек Позилович - таянч докторант
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
Андижон, Ўзбекистон

Халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш жараёнида мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан ривожланишининг асосий омили сифатида кичик бизнесни кўрамиз. Қуйида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича айрим ривожланган мамлакатлар тажрибалари келтириб ўтилади.

Японияда кичик бизнесни ривожлантириш ва рағбатлантириш механизмлари қуйидагилардан иборат:

- займлар – Япония кичик бизнес Молиявий корпорацияси, Япония Миллий молиявий Корпорация, Соко-Чукин банки янги турдаги товарлар ва янги технологиялар учун имтиёзли фоизларда кредитлар ажратади;
- кредитларни кафолатлаш – йирик фирмалар томонидан кичик бизнесга кретидлар киритишни қайта тақсимлаш тизими орқали қўшимча жамоат кредитларини давлат томонидан кафолатлаш ва суғурталашни таъминлайди;
- солиқлар бўйича имтиёзлар беради;
- кадрларни ўқитиш ва ахборотлар олишни енгиллаштиради;
- қайтарилмайдиган субсидиялар беради (ишлаб чиқаришнинг техник даражасини оширишга ва ИТИлари билан биргаликда янги илмталаб техника ҳамда технологияларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий-техник дастурлар);
- ишлаб чиқаришнинг техник жиҳатдан қуроллантириш мақсадида маҳаллий бюджетдан амалга ошириладиган ссудалар ва асбоб-ускуналарни бўлиб тўлаш ёки лизинг асосида молиявий қўллаб-қувватлайди;

- кичик бизнес техник даражасини ошириш марказларини яратиш харажатларининг 50% гача сарфларини қоплаш учун субсидиялар ажратилади, маслаҳатлар берилади, техник ходимлар малакаси оширилади.[1]

Филландияда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватлаш тўрт даражада амалга оширилади: халқаро (ЕИ), миллий, ҳудудий ва маҳаллий даражалар.

Филландияда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш масаласи асосида уни молиявий таъминоти туради. Бунда махсус ҳудулаштириш амалга оширилган бўлиб, улар асосида молиявий кўмак кўрсатилади.[3]

Жанубий Корея давлат маблағлари ҳисобидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш уч йўналишда амалга оширилади: имтиёзли кредитлар (8 йилгача муддатга банк ставкаларидан паст 2,5-3% фоиз ставкаларида), янги технологияларни ишлаб чиқариш ва қўллаш ҳамда айланма маблағларни тўлдириш.

Жанубий Кореяда кичик бизнесни тартибга солиш масалалари билан 15 та ташкилот шуғулланади, уларнинг асосий қисми давлатга тегишли бўлиб, кичик бизнесга мўлжалланган икки банк ва икки фонд мавжуд. Кичик корхоналар маҳсулотлари экспортини рағбатлантириш бўйича йирик ташқи савдо тузилмаси мавжуд бўлиб, улар бозорни тадқиқ этади, тадбиркорларни ахборот билан таъминлайди, жаҳон бозорига чиқишга ёрдам беради, солиқларни, божхона таърифларини, имтиёзли кредит ставкаларини пасайтириш масалалари бўйича ишлар олиб боради.[2]

Хитойда кичик бизнесни фаол қўллаб-қувватловчи орган сифатида Ривожлантириш ва ислоҳ этиш бўйича Миллий комиссиянинг (NDRC) таркибига кирувчи Хитой бизнесни кординация ва кооперациялаш маркази (ССВСС) асосий ўрин тутади. ССВСС кичик бизнесга хизмат кўрсатувчи агентлик бўлиши билан бирга, тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш йўлида миллий ва хорижий ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий ҳамда технологик коопепрацияларни таъминловчи тизим ҳисобланади.

Шунингдек, Хитойда нотижорат давлат ахборот хизмати (China SME Online – CSMEO), корхоналарга имтиёзли кредитлар бериш ва кафолатлаш тизимини амалга оширувчи Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш Давлат Фонди ташкил этилган. Мазкур Фонд кичик бизнесни йирик бизнес билан ҳар томонлама солиштириш асосида ҳуқуқларини ҳимоя қилади, паст фоизли ссудалар ҳамда солиқлар бўйича имтиёзлар беради. Кредитларни тўлаш учун 2 млн.юангача бўлган миқдорда субсидиялар беради.[1]

Шунингдек, Хитойда хорижий молия муассасалари филаллари ҳам мавжуд бўлиб, Citibank ссудалар бериш, маслаҳат ва ресурсларни бошқариш бўйича маълумотлар беради. Standard Charter Bank эса икки йилгача КБни имтиёзли кредитлар билан таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда юқоридаги хорижий мамлакатлар тажрибасини мамлакатимиз ва вилоят хусусиятларидан келиб чиқиб қўллаш худадудлар

бўйича кичик бизнесни ривожланишига имконият яратади. Умумий ҳолда, юқоридаги чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг молиявий барқарорлиги ортади ҳамда инвестиция салоҳияти ўсади.

Адабиётлар

1. Жўраев Ҳ.З., Жўраев Ҳ.С. Кичик бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлашнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси// ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ. №4, 2015. 42-53;
2. Бородкина, В.В., Москвина, А.В., Рыжкова, О.В., Улас, Ю.В. (2015). Государственная поддержка субъектов малого и среднего бизнеса северных стран: Канада, США, Финляндия, Швеция. Российское предпринимательство, 16(21), 3743–3764. doi: 10.18334/rp.16.21.2074.
3. Загоруйко Д.Л. Успешный опыт государственной поддержки малого предпринимательства на примере республики кореяВестник Института экономики Российской академии наук №4. 2020. С. 202–212.

FERMER XO'JALIKLARIDA MEHNAT UNUMDORLIGINI OSHIRISHNING INNOVATSION IMKONIYATLARI

Nosirov Bahodirjon, i.f.n., dotsent, Primqulov Marifjon, Sobirova Feruza
Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti

Fermer xo'jaligida mehnat unumdorligini ifodalovchi ko'rsatkichlar 1 hodim hisobiga yaratilgan yalpi mahsulot, 1 birlik mehnat harajatlari evaziga yaratilgan yalpi mahsulot, hodimlar soni va ular orasidagi mahsus ma'lumotlilar salmog'i, hodimlarning asosiy va aylanma fondlar bilan qurollanganligi kabilar hisoblanadi. Fermer xo'jaligida mehnat unumdorligini ifodalovchi yakuniy ko'rsatkich rentabellik bo'lib, fermer xo'jaligining olgan foydasini jami ishlab chiqarish harajatlariga nisbatini foiz hisobida olinganidir. Rentabellik darajasi bir birlik ishlab chiqarish harajatlari evaziga qancha foyda olinganini bildiradi. Iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirishning hozirgi bosqichida fermer xo'jaligida takror ishlab chiqarishni ta'minlay oladigan optimal rentabellik darajasi 45-50%ni tashkil etishi maqsadga muvofiqdir.

Fermer xo'jaligidagi mehnat unumdorligini oshirish omillarini o'z ichki mazmuni va mohiyatiga ko'ra, uchta guruhga bo'lish mumkin: moddiy-texnika, tashkiliy va ijtimoiy-iqtisodiy. Mehnat unumdorligini oshirishning moddiy asosi fan, texnika va texnologiyani rivojlantirish, ularning yutuqlarini ishlab chiqarishga joriy etishdir. SHuning uchun ham moddiy-texnika omillari guruhini, odatda, yetakchi va qolgan barcha omillarni belgilovchi guruh deb qaraladi. Mehnat unumdorligini oshirishning moddiy-texnika omillariga fan-

texnika taraqqiyotini uzluksiz rivojlantirish asosida mehnatning texnika va energiya bilan ta'minlanishini oshirish kiradi. Qishloq xo'jaligida paxta va g'alla yetishtirish uchun chopiq va trasport traktorlari, ularning kultivator, plug, chizel, o'g'it solgich va ariq qazigich kabi agregatlarining, sug'orish uchun suv nasoslari va lotok-ariqlarning hamda bug'doy o'rish uchun kombaynning mavjud bo'lishi talab etiladi. Moddiy-texnika ta'minnotini yaxshilash uchun yuqoridagi agregatlar va kombaynni lizing asosida olishga erishish kerak. Ishlab chiqarishni kimyolashtirish; butunlay yangi texnologiyalarning yaratilishi (ular ishlab chiqarish intensivligini oshirishni ta'minlaydi va jonli mehnat sarfini keskin qisqartiradi); ishlab chiqarishga material sarflanishining pasayishi va moddiy resurslarning tejalishi ham mehnat unumdorligini oshirishning moddiy-texnika omillariga kiradi. Moddiy - texnika omillari ta'siri natijasida mehnat unumdorligi ortadi va mahsulotning sermehnatlik darajasi pasayadi.

Mehnat unumdorligining o'sishiga doir tashkiliy omillariga fermer xo'jaligi darajasida ishlab chiqarishni tashkil etish kiradi. Xususan, xo'jaliklarni ekin turi bo'yicha ixtisoslashtirish, transport xizmatlari bilan ta'minlash, xo'jaliklarning turli resurslardan foydalanish uchun keyinchalik kooperatsiyalashuvi; moddiy-texnika, energiya ta'minoti, ta'mirlash xizmati ko'rsatish va hokazolar katta ahamiyatga egadir. Bundan tashqari biznes-rejalarni takomillashtirish; ishlab chiqarishni tashkiliy-texnik jihatdan tayyorlashni tashkil etish; yangi texnologiyalarni o'z vaqtida joriy qilish; mashinalar, mexanizmlarni joriy va kapital ta'mirlashni ta'min etish, shuningdek, fermer xo'jaligida moddiy-texnika ta'minotini to'g'ri tashkil etish. Barcha tashkiliy omillar bir-biri bilan mustahkam bog'langan bo'lib, ishlab chiqarish, mehnat va boshqaruvni tashkil etishning yagona tizimini hosil qiladi. Ulardan to'liq foydalanmaslik, turli tashkiliy kamchiliklarning mavjud bo'lishi asosan ish vaqtidan foydalanishda o'z ta'sirini ko'rsatadi.

Fermer xo'jaliklari tomonidan g'o'za va g'allani magnit yordamida sug'orish agrotexnologiyasida sug'orish suv sarfini kamaytirish, hosildorlikni va yetishtirilayotgan paxta va g'allaning sifatini oshirish hamda hosilning ma'lum muddat erta pishishida va mehnat unumdorligi oshishida muhim omil bo'ladi.

Magnit maydoni ta'siri ostida zaryadlangan suv o'simlikning urug'dan murtak holatga utishi, murtakdan keyingi rivojlanish jarayonlarini faollashtiradi. Magnit maydoni ta'siri ostida zaryadlangan suv bilan sug'orilgan g'o'za baland usib, 90,8-102,6 sm gacha bo'yga ega bo'ladi, 13,1-13,6 dona ko'p ko'saklar yetiladi va paxta hosili 7-10 kunga erta, ya'ni 116-118 kunda pishishi ta'minlanadi. Bunda ertaki va sifatli, mul hosil yetishtirish imkoniyatini beradi. Paxta hosildorligi 4-5 tsentnerga ortadi. Natijada iqtisodiy samaradorlikni yana 3-4% gacha oshirish mumkin.

Magnitlangan suv bilan kuzgi bug'doyni sug'orish hosil struktura elementlarini shakllanishi va don hosildorligiga o'z ijobiy ta'sirini ko'rsatadi. Magnitli suv bilan sug'orish soniga karab boshoq uzunligi 1,2-1,5 sm gacha, boshoqchalar soni 2-3 donaga, bir boshoqda shakllangan don massasi 2-3 mg ga va unuvchanligi hisobida maydondagi mahsuldor poyalar sonini ko'payishi (1 m^2 da 33-121 donagacha) hamda hosil struktura elementlarini yaxshi shakllanishi hisobiga don hosildorligi 5,4-5,7 tsentnerga ortadi.

Natijada iqtisodiy samaradorlikni yana 5-6% gacha oshirish mumkin.

Tashkiliy omillar tizimida fermer xo'jaligida kadrlar tarkibining yaxshilanishi - boshqaruv xodimlari sonining nisbiy qisqarishi va xodimlari umumiy sonida ishchilar salmog'ining ortishi muhim o'rin tutadi. Shuning uchun bevosita fermer xo'jaligi boshlig'ining o'zi ham paxta yetishtirish agrotexnik tadbirlarini bajarishda qatnashishi kerak. Xodimlari umumiy sonida ishchilar salmog'i qanchalik yuqori bo'lsa, bitta xodimga to'g'ri keladigan mehnat unumdorligi ham shunchalik yuqori bo'ladi.

Ijtimoiy-iqtisodiy omillarning mehnat faoliyatining harakatlantiruvchi kuchi - muayyan natijani qo'lga kiritishga bo'lgan qiziqishdir. U o'z navbatida ishlab chiqarish ishtirokchilari bo'lgan insonlarning moddiy va ma'naviy ehtiyojlarini qondirish imkonini beradi. Bundan tashqari, ishlab chiqarish qatnashchilari muayyan mehnat faoliyati natijasini qo'lga kiritishga intilishi bilan bir qatorda yetarli darajadagi mehnat qobiliyatiga, ishbilarmonlik va shijoatkorlik kabi zarur shaxsiy sifatlarga ega bo'lishlari, shuningdek, tadbirkor bo'lishlari lozim. Mehnat unumdorligiga ta'sir ko'rsatuvchi eng muhim ijtimoiy-iqtisodiy omillarga quyidagilar kiradi: mehnat natijalaridan moddiy va ma'naviy manfaatdorlik; xodimlarning malaka darajasi, ularning kasbiy tayyorgarligi sifati; mehnatga munosabat va mehnat intizomi darajasi; mehnat jamoalari o'z-o'zini boshqarishining rivojlanishi.

Mehnat unumdorligi darajasi bevosita yalpi mahsulot miqdoriga bog'liq bo'lgani uchun yerdan samarali foydalanib, yangi, samarali texnikalarni, ilg'or texnologiyalarni ishlab chiqarishga joriy etish kerak. Yuqoridagi barcha chora-tadbirlarni o'zida jamlagan holda fermer xo'jaligida mehnat unumdorligini yanada oshirish mumkin. Buning uchun yuqorida tavsiya qilingan tadbirlarni o'zida jamlagan mahsus dastur tuzish tavsiya etiladi.

Adabiyotlar:

1. U.M.Umurzoqov, A.J.Toshboyev, "Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti va menejmenti". T.: Iqtisod - moliya, 2008. - 268 b
2. Samatov G'.A., Rustamova I.B., Sheripbayeva U.A. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti va menejmenti.– T.: 2012. – 346 b.
3. O.Murtazaev, F.Axrorov. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti. –T. 2016. 324 b.

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

Эргашев Акмал Абдуқаххорович, Исақова Мубина Ёқубжон қизи
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Ғарб мамлакатларида экотуризмга иқтисодий соҳа жиҳатидан қаралади, чунки чет элларда жадал ривожланиб бораётган экотуризм иқтисодий фойда келтирувчи туризмнинг энг истиқболли турларидан бири ҳисобланади.

Экспертларнинг таъкидлашларига қараганда, экотуристлар кўпинча ўрта ёки ўртадан юқори сармояга эга бўлган, ҳар томонлама таъминланган саёҳатчилардан иборат. Сайёрамизда инсон оёғи етмаган ёввойи табиат жуда кам қолганлиги сабабли, одатда бундай ҳудудларга саёҳат қилиш чекланган, ҳамда уларга сайёҳат қилиш ҳам сезиларли даражада қиммат. Шу сабабли, экотуризмдан тушган даромад туризмдан тушган даромадлардан бир неча маротаба кўпдир. Ҳозирги кунда экотуризм туризм ва экскурсия қилиш жаҳон кенгашининг (WTTC) ва жаҳон туристик ташкилоти (WTO) маълумотларига кўра, жадаллик билан ривожланиб бораётган туристик индустриялардан бири ҳисобланади. Масалан, Канада давлатида ёввойи табиатга саёҳат, туризмнинг умумий ҳажми ички туризмдан тушган даромаднинг 25 % ини ташкил этади. Канада ҳукумати, фақатгина экотуризмдан тушган солиқ ҳисобидан ҳар йили 1,7 млрд. АҚШ долларида фойда олади. Бу эса, ҳукумат томонидан ёввойи табиатни муҳофаза қилиш дастурига ажратилган маблағдан (300 млн. доллар) 5 баравар кўпдир. Демакки, экотуризм табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга катта иқтисодий ҳисса қўшади, ҳамда бундай тадбирларни тўла-тўкис ўтказишга катта молиявий кўмак беради.

БМТ ва ЖТТ ташкилотларининг маълумотлари бўйича, охирги 20 йил ичида энди ривожланиб бораётган мамлакатларда экотуристлар сони кўпайиб ва ундан олинадиган даромадлар йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Масалан, ҳар йили экотуризмдан Кения - 1,4 млрд. Непал - 1,5 млрд. АҚШ долларида даромад оладилар. қайд қилиш лозимки, ушбу мамлакатларнинг экотуризмдан олган даромади давлат ички ялпи маҳсулотининг 70-80 % ига тенг. Келтирилган маълумотлардан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Республикамизда экотуризмни ривожлантиришнинг иқтисодий исботлари ишлаб чиқилмаган. Бу вазиятнинг асосий сабаби - экотуристларнинг ташрифи ҳақида ва қайси экотуризм ресурсига ташриф қилганлиги ҳақида статистик ахборотлар жамланмаган. Иккинчидан, ҳозиргача республикамизнинг табиий ҳудудлари бўйича қайси экологик туризм ресурсларидан фойдаланиш рўйхати ҳам тузилмаган.

2. Экотуризмни ривожлантириш бўйича "Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси" қабул қилинган. Ушбу "Концепция" нинг 1.4. бандида - экотуризмнинг ижтимоий-иқтисодий масалалари эчимини топиши лозим бўлган долзарб масалалар сифатида қайд қилинган. Улар қуйидагилар:

- Экотуризм объектларида аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилиш;

- Экотуризм қадамжойларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш, туристик инфратузилмаларни ҳосил қилиш;

- Экотуризмнинг жаҳон талабларига жавоб бера оладиган моддий - техник, ахборот - таҳлилий базасини яратиш хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш;

- Экотуризм масканларини электр энергияси ва иссиқ сув билан таъминлаш масқадида экологик тоза, қайта тикланувчи муқобил энергия қурилмалари ёрдамида фойдаланишни кенг йўлга қўйиш.

- Экотуризмнинг фақат фойда келтирадиган соҳа деб ҳисоблаш мумкин эмас. Бу фаолият тури агар мақсадга мувофиқ доирада амалга оширилмаса, унинг қоидалари ва талабаларига риоя қилинмаса табиатга жиддий салбий таъсир қилиши ва нохуш оқибатларга олиб келиши табиий. Унинг салбий оқибат ва натижалари нималардан иборат бўлиши мумкин. энг аввало, ўсимликлар нобуд бўлади, ўсимликлар пайхон қилинади, ер ўпирилади ва зичлашиб кетади, Ҳайвонлар безовталанади, қочишга тушади, бола очишга халақит берилади, ов натижасида йўқ қилинади, овқатланиш тарзи ўзгаради, турлари айнийди, сувда яшайдиган ҳайвонларнинг ҳаёт тарзи ўзгаради, сув ўсимликларига зиён етади, озиқ моддаларнинг емирилиши ва йўқолишига олиб келади (тоғли жойларда, ўрмон ёнғини хавфи), сувнинг ифлосланиши юз беради, ноёб турлар камаяди. Демак, экотуризм доимо давлат, жамоат ташкилотлари назоратида бўлиши, унга доир қонунчиликка оғишмай амал қилиши лозим.

Туризмнинг глобал ахлоқ кодексида таъкидланишича, "...туристик инфраструктура объектлари ва туристик фаолият турларини шундай режалаштириш керакки, экосистемалар ва биологик турли-туманликни ташкил қилувчи табиий меросни ҳимоя қилиш таъминлансин ҳамда йўқолиб кетиш хавфи бўлган фауна ва флора турлари муҳофаза қилинсин; туристик жараёнларнинг иштирокчилари ва айниқса, профессионал ходимлар ўзларининг фаолиятларига қўйиладиган айрим чеклашлар ва меъёрларга кўникишлари лозим. Бу гаплар асосан табиий парклар ёки қўриқланадиган қўриқхоналар ва алоҳида нозик жойлардаги фаолият турларига тегишли". Экотуризмнинг мақсадларидан бири ноёб фаунани асраб-авайлаш, келгуси авлод учун сақлашдан иборат. Йўқолиб бораётган ҳайвонт урлари, қушлар, рептилиялар, балиқлар, ўсимликлар ва ҳатто, ҳашоратларга бўлган талаб, табиийки, таклифнинг шаклланишига олиб келди ва иқтисодиётнинг янги хуфёна соҳаси пайдо бўлди.

Адабиётлар

1. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда "2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси ўрмон фонди ерларида экотуризм инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари режаси" .

2. *Бочкарёва Т.В,* Экотуризм: анализ существующего международного опыта. — М., 2003.63-66-б.

3. http://www.ekojurnal.uz

O'ZBEKISTONDA PAXTACHILIK IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISH OMILLARI

Odiljon Shermatov – iqtisod fanlari nomzodi, dotsent,Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti, Andijon, O'zbekiston.

O'zbekiston qishloq xo'jaligining yetakchi tarmoqlaridan biri hisob langan paxtachilik nafaqat agrar sohada, balki mamlakat iqtisodiyotining barqarorligini ta'minlashda muhim o'rin tutadi. Bu sohada olib borilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatmoqdaki, islohot yillarida respublika paxtachi ligini rivojlanishida intensiv va ekstensiv omillar ta'siri ostida mahsulot ishlab chiqarish hajmini va resurs birligi hisobiga yetishtiri layotgan paxta xomashyosini muttasil ko'paytirishga erishilmayapti. Tahlil lar shuni ko'rsatmoqdaki, respublika bo'yicha 1990 yilga qadar qariyb 1,8 mln. gektar yerda paxta ekilgan bo'lib, paxta yetishtirishga ixtisoslashgan xo'jaliklar jami ekin maydonlari 75-80 foizini tashkil etgan bo'lsa, bugungi kunda paxta ekin maydonlari 1,04 mln. gektar bo'lib jami ekin maydonlarining 24.8 foizini tashkil etadi .

Mazkur tadqiqot davomida biz mamlakatimiz jami yer maydonlarining 1 foiz qismida joylashgan lekin mamlakat axolisining qariyb 10 foizi istiqomat qiladigan Andijon viloyatida paxta yetishtirish xolati statis tikasi bilan tanishdik. Viloyatda o'tgan davr paxtachiligiga nazar tashlasak paxta xomashyosi 2001 yilda shirkat xo'jaligi va fermer xo'jaliklari tomonidan ishlab chiqarilgan bo'lsa, 2021 yilga kelib viloyatda paxta xom ashyosi paxta–to'qimachilik klasterlari va fermer xo'jaliklari tomonidan yetishtirilmoqda. Viloyat paxtachiligida 2021 yilga kelib paxta xosil dorligi gektariga o'rtacha 35.4 sentnergacha, iqtisodiy samaradorlikni yakunlovchi ko'rsatkichi xisoblangan rentabellik darajasi esa 2020 yildagi 9.5 foiz ko'rsatkichdan 17.8 foizgacha ortgan. Erishilgan natija xali talab darajasida emasligi paxtachilik iqtisodiy samaradorligini oshirish sohasida xal etilishi dolzarb xisoblangan bir qancha muammolar mavjudligidan dalolat beradi. Jumladan, paxtachilikda moddiy-texnika resurslari narxlarining to'xtovsiz va tez sur'atlarda o'sib borishi so'nggi yillarda uni iqtisodiy jixatdan zararli tarmoq bo'lishiga sezilarli ta'sir ko'rsatdi. Bugungi kunda agrar siyosatning vazifalari qatoridan paxtachilik xo'jaliklarini moddiy-texnika resurslari bilan ta'minlash tizimini takomillashtirish vazifasi ham muhim o'rin olgan. Shu bois moddiy-texnika resurslari ta'minoti bo'yicha bugungi kunda amal qilayotgan tizimni qayta ko'rib chiqish va uning o'rnida mutlaqo yangi tizimni shakllantirishga zarurat tug'ildi. Bizning fikrimizcha, mazkur muammoni hal qilishda agrosanoat majmuida kooperatsiya va integratsiya jarayonlari ni jadal rivojlantirish talab etiladi.

Xususan, bugungi fermerlik xarakatini rivojlanishi sharoitida ularni moddiy-texnika resurslari bilan ta'minlash va servis xizmatlarini ko'rsatuvchi ko'p tarmoqli ta'mi not va xizmat ko'rsatish kooperativlarini tuzish paxta yetishtiruvchilarni resurslar va xizmatlarga bo'lgan talabini sifatli, o'z vaqtida va arzon baholarda qondirish masalasini hal etishga yordam beradi

Ta'minot va xizmat ko'rsatish kooperativining namunaviy tashkiliy tuzilmasi



Manba: sida tuzildi.

Taklif etilayotgan kooperativ amaldagi ta'minot va xizmat ko'rsatish tizimidan tubdan farq qiladi va u mazkur ta'minot tizimi to'lig'icha erkinlashtirilgan sharoitda a da , k ner ari a a i. l lar shk b sh ish z tli uchun ham mas'ul, ham manfaatdor bo'ladi.

O'zbekistonda paxtachilik iqtisodiy samaradorligini oshirish bo'yicha olib borilgan tadqiqotlar quyidag rdi:

1. Olib borilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, odatda paxtachilikda qaysi bir omilga e'tiborni kuchaytirilsa, boshqa omillarga nisbatan "befarqlik" holati vujudga keladi.

3. Agrosanoat majmui, uning asosiy tarkibiy qismi bo'lgan qishloq xo'jaligini, xususan paxtachilik tarmog'ini bugungi holatdan olib chiqishda va uni rivojlantirishda shaxsiy va jamoa manfaatlarini birlashtiruvchi kooperatsiya munosabatlarini rivojlantirish muhim ahamiyatga ega.

ADABIYOTLAR

1. R.H.Husanov.,I.Rafiqov, G'.Do'stmurodov, M.Qosimov. Qishloq xo'jaligi ni rivojlantirishda Andijon tajribasi. –T.: "Yangi asr avlodi", 2000.-47b.

2.R.V.Abdullaev O'zbekiston iqtisodiyotini erkinlashtirish sharoitida agrar sektorning eksport salohiyatini yuksaltirish (paxta tolasi eksporti misolida) Dis. iqt. fan. dok. T.: O'zBIITI. 2001.307 b.

3.Shermatov O.A., Olimjonova G.M. factors affecting the efficien cy of agricultural rpoduction. Mejdunarodniy nauchniy jurnal «aktualnaya nauka» №1(42)2021 g. Str 34-37

4.www.mineconomy.uz - O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish vazirligi rasmiy sayti.

5.http://www.fao.org/faostat/en/ - Oziq-ovqat xavfsizligi va qishloq xo'jaligi tashkiloti rasmiy sayti.

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК АСОСИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР ИШЛАБ ТОПИШ МУАММОЛАРИ

Юлдашев Ботирали Тошбаевич, катта ўқитувчи
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
Ўзбекистон Республикаси, Андижон

Дунёвий давлатчиликда Давлат молияси ва унинг таркибидаги Давлат бюджети муҳим ўрин касб этади. Ҳар бир давлат давлатчилигининг таянчи бўлган ахоли ва унинг фаровонлиги ортиши кўп жиҳатдан бюджет маблағларига боғлиқдир. Хозирги кунда ХВФ маълумотларига кўра дунё мамлакатлари бюджетининг хажми бўйича АҚШ, Хитой, Германия, Япония ва Франция давлатлари етакчилик қилмоқда. Ялпи ички махсулотга нисбатан давлат бюджети хажми Францияда-47,7%, Германияда-42,1%, АҚШда-41,8%, Японияда-39,9% ва Хитойда-31,9% ни ташкил қилади. Бу кўрсаткич 2022 йил учун Ўзбекистонда-30,3% ни ташкил этиши режалаштирилган. Маълумки бюджет маблағларининг асосий қисми давлат бошқаруви, фан, соғлиқни сақлаш, маданият, таълим ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилади. Бу эса ўз навбатида ахоли фаровонлигининг ортишига хизмат қилади.

Бугунги иқтисодиётни глобаллашуви шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар сингари бюджет тизимида ҳам қатор истиқболли ўзгаришлар амалга оширилди. Давлат ташкилотлари ва бюджет тизимини тубдан ислоҳ қилиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали

интеграциялашувини таъминлаш, миқдор ва сифат жиҳатидан давлатнинг талабларини, шунингдек бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг фаолиятини шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Бюджет ташкилотлари томонидан тадбиркорлик асосида бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топиши ва бу маблағларни муассасанинг молиялаштириш манбаи сифатида фодаланилиши замон талаби ҳисобланади. Шу сабабли бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топишга эътибор ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги №60 сон билан тасдиқланган "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси"ни 2-иловаси "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол махалла йили"да амалга оширишга доир Давлат дастури мақсадларининг16.57,58., 19.68., 22.88., 46.212, 213, 214, 215., 73.266, 268., 81.296., ва 97.377. устувор йўналишларини давлат ташкилот ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгилаб берилган"[10]лиги бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Давлат-хусусий шерикчиликдаги мактабгача таълим муассасаларининг, хусусий мактабларнинг ташкил этилиши, Олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик берилиши, хусусий медицина муассасаларининг фаолиятига рухсат этилиши сингари ислохотлар бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топилиши ҳисоби ва ички аудитини тадқиқ этиш масалаларига эътибор қаратилишини талаб этади. Ана шу мақсадларда, бюджет ташкилотлари ва муассасаларини молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятида бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш механизмларини такомиллаштириш орқали жаҳон стандартларига мослаштириш, жамият учун давлат хизматлари сифатини оширишга эришиш ҳисобланади. Юқоридаги масалаларга ойдинлик киритиш, бюджет ташкилотлари ва муассасаларида бюджетдан ташқари тадбиркорлик асосида қўшимча маблағлар топиш, уларнинг ҳисоби ҳамда ички аудитини такомиллаштириш масалаларини назарий-услубий ва амалий жиҳатдан мавжуд муаммолари ва уларнинг ечимларига қаратилган изланишлар олиб бориш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида бюджет ташкилотларида ички аудитни самарали ташкил этишда ташкилотнинг Кузатув Кенгаши ёки Васийлик Кенгаши фаолияти беқиёс ўрин тутади. Кенгаш ички аудит ўтказиш

[10] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" ПФ – 60-сон Фармони (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон)

мустақиллигини назорат қилиши ва шарт-шароитлар яратиб бериши бўйича бошқарув қарорларини жорий этиши мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, бюджет ташкилотида ички аудит бўлими фаолиятини шакллантириш ва бўлимга тегишли шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида ички аудит бўлимининг йиллик харажатларини қоплаш бўйича харажатлар сметасини Кузатув Кенгаши ёки Васийлик Кенгаши томонидан маъқулланиши ва амалга оширилишини назорат қилиши талаб этилади.

Бизнинг фикримизча, ички аудит бўлими харажатлари бюджет ташкилоти ҳисобидан қопланиши мақсадга мувофиқдир, чунки ички аудит бўлими ходими бюджет ташкилоти ходими ҳисобланиши лозим, лекин фақат Кузатув Кенгаши ёки Васийлик Кенгашига бўйсуниши ва унинг топшириқларини бажариши ва фақат унга ҳисобдор бўлиши лозимдир.

Адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" ПФ – 60-сон Фармони (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон)

2.Юлдашев Б.Т. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари тадбиркорлик асосида маблағлар ишлаб топишининг мақсади ва аҳамияти. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги – ЎзА илм-фан бўлими (электрон журнал) Тошкент 2020 йил, июл, 36-46 бетлар.

3.Юлдашев Б.Т. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ва уларнинг турлари. Иқтисодиёт ва таълим журнали . № 4, июнь, Тошкент 2019 йил.184-188 бетлар. (08.00.00,№11).

XO`JALIK YURITISHDA INNOVATSION FAOLLIKNING AHAMIYATI

Ermatov Ilhomjon Ismoiljonovich, Sanoat ishlab chiqarishini tashkil etish kafedrasi katta o`qituvchisi
Andijon mashinasozlik instituti

Xo`jalik faoliyatini samarali amalga oshirish uchun zarur axborotni olish, puxta tahlil qilish va tadbirkorlik, tashabbus asosida omillarning eng maqbul kombinatsiyalarini ishga tushirish masalasi hozirgi kundagi eng dolzarb muammolardan biridir. Mazkur muammo barcha sohalarda eng ustuvor ahamiyatga ega ekanligini chuqur anglagan holda faoliyat olib borayotgan sub`ektlar salmoqli

yutuqlarni qo`lga kiritayotgani hammaga ma`lum. O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 54-moddasida "Mulkdor mulkiga o`z xohishicha egalik qiladi, undan foydalanadi va uni tasarruf etadi. Mulkdan foydalanish ekologik muhitga zarar yetkazmasligi, fuqarolar, yuridik shaxslar va davlatning huquqlarini hamda qonun bilan qo`riqlanadigan manfaatlarini buzmasligi shart" deb belgilangan. Ushbu me`yor yurtimizdagi barcha jismoniy va huquqiy shaxslarni mavjud qonunchilik talablariga so`zsiz itoat etishga undaydi.

Bunda eng avvalo, amaldagi huquqiy mezonlarni professional darajada o`rganib borish zarur. Aynan shu munosabatlarda bir tarafdan xo`jalik ichki imkoniyatlarining oqilona tahlili muhim ahamiyat kasb etsa, ikkinchi tarafdan hamkor sub`ektlar, raqobatchilar va iste`molchilarning maqomi (pozitsiyasi) aniq asoslarda o`rganib borilishi shart. Mazkur masala juda tez va shaffof usulda, muntazam, barcha tahliliy variant va parametrlardan foydalanib yuritilishi, har qanday xo`jalik yurituvchining kun tartibidagi asosiy ish ekanini e`tirof etamiz.

Lekin bir tarafdan, bozor munosabatlari har qanday tovar va xizmatlarni yuqori sifat, keng assortiment, qulay narxlarda taqdim etish, ayni vaqtda erkin raqobatli munosabatda bo`lishni talab etsa, ikkinchi tarafdan barqarorlik kafolati sifatida, innovatsion faollik bilan ish olib borish taqozo etilmoqda.

Bu har ikki vaziyat xo`jalik munosabatlarining olg`a rivojlanish va taraqqiyotini ta`minlashning ishonchli imkoniyatini bersa-da, mutlaqo teskari mutanosiblikni tasvirlaydi. Sababi, sof raqobatli muhitdagi sub`ekt narxni sozlay olmaydi, muqobil faoliyatdan oladigan foydalar farqi nolga tengligidan o`z sohasini o`zgartirishdan manfaat ko`rmaydi. Uning moliyaviy holati yuqori fan va kapital sig`imli o`zgarishlarni birdan qabul qilishga yo`l qo`ymaydi.

Monopol ish olib boruvchi sub`ekt esa, nafaqat ishlab chiqarish hajmi, balki narxni ham to`la sozlash ustunligini kasb etgani bois, katta foyda ko`rib ishlashi natijasida, innovatsion faollikning barcha imkoniyatlari bo`lgani holda ham, shu tarzdagi faoliyat bilan ham ko`zlanganidan yuqori ko`rsatkichlariga erishgani uchun, ortiqcha "bosh og`riq" sifatida, yangiliklarni inkor etishga moyil bo`ladi. Natijada monopol korxona bozor talabidan kamroq hajmda tovar ishlab chiqarib, ma`lum miqdordagi sun`iy taqchillikni ushlab turgani holda iste`molchilar uchun boshqa tanlov muqobillari qimmat bo`lgani bois, narxni nisbatan yuqori belgilash orqali foydasini maksimallashtirishga intiladi. O`zbekiston Respublikasining 2012 yil 6 yanvardagi "Raqobat to`g`risida" gi qonuni 6-moddasida "Ustun mavqe tovar yoki moliya bozorida xo`jalik yurituvchi sub`ektning yoxud shaxslar guruhining raqobatlashuvchi xo`jalik yurituvchi sub`ektlarga bog`liq bo`lmagan holda unga o`z faoliyatini amalga oshirish va raqobatning holatiga hal qiluvchi ta`sir ko`rsatish, tegishli bozorga boshqa xo`jalik yurituvchi sub`ektlarning kirishini qiyinlashtirish yoxud ularning iqtisodiy faoliyat erkinligini boshqacha tarzda cheklash imkoniyatini beradigan holatidir" deb belgilangan.

SHuningdek, mazkur modda 2-xatboshisida "Tovar bozorida qaysi xo`jalik yurituvchi sub`ekt yoki shaxslar guruhi tovarining ulushi:

1)ellik foiz va undan ortiq foizni tashkil esa;

2)o`ttiz besh foizdan ellik foizgacha hajmda bo`lib, bunda quyidagi shartlar:

Xo`jalik yurituvchi sub`ektning tovar bozoridagi ulushi kamida bir yil mobaynida barqaror bo`lib turishi;

Tovar bozorida boshqa xo`jalik yurituvchi sub`ektlarga (raqobatchilarga) tegishli ulushlarning nisbiy miqdorda bo`lib turishi;

ushbu bozorga yangi xo`jalik yurituvchi sub`ektlarning (raqobatchilarning) kirishiga imkoniyat bo`lishi shartlari belgilangan bo`lsa, shu xo`jalik yurituvchi sub`ektning yoki shaxslar guruhining mavqei ustun mavqe deb e`tirof etiladi"-deb ko`rsatilgan.

Mazkur ustun mavqe, ya`ni liderlik pozitsiyasida turgan shaxs (huquqiy, jismoniy), bozordagi boshqa ergashuvchi raqiblarga ma`lum turdagi tovarning minimal narxini belgilab qo`yish, ayni paytda o`z maksimal narxini raqiblar minimumidan pastroq ushlash bilan o`z xo`jalik aylanmasini tezlashtirish, tabiiyki, foydani ham maksimallashtirishga erishadi. Bunda lider narxidan arzonga tovar sotgan ergashuvchilar, javob tarzida lider sotuv narxini yana ham pastlatishi bilan "jazo" olib, sinish darajasigacha natijaga mubtalo bo`lishi mumkin.

Rivojlangan davlatlarda yuqori fan sig`imli yechimlar, innovatsiyalarni tatbiq etish bilan ilg`or yutuqlarga intilgan muhitda, hattoki tabiiy monopoliyadan ham afzalroq samarali, sog`lom raqobat bozoriga erishilmoqda. Masalan, Janubiy Koreyada muqobil energiya yaratishning innovatsion yechimlari ko`payib borishi natijasida, elektr-energiyasidan arzon, ham xavfsiz, qolaversa tejamkorlik bilan foydalanishning ko`plab tajribalari amal qilayotgani hammaga ma`lum.

Bu borada raqobatning buyuk kuychilaridan biri, Sony kompaniyasi asoschisi Akio Moritaning "Yapon biznesining shon-sharafi ham, shafqatsiz qilichi ham, sanoati dvigatelining yoqilg`isi ham ko`hna, bag`rikeng raqobatdir"-deb ta`kidlagan so`zlari o`rinli. Ushbu kompaniya tashabbuskorligi, innovatsion natijalari bilan uzoq davr mobaynida o`z sohasida mutloq yetakchi bo`lib kelgan va bu davom etmoqda. O`tgan asr 70-yillarida Yamaxa kompaniyasi milliy mototsikl va motorollerlar bozoridagi ustunlikni egallamoqchi bo`lganida, bunga javoban Xonda bir yil davomida har hafta yangi modeldagi mototsikllarni yaratib, seriyali ishlab chiqarishga qo`ydi. Natijada Yamaxa kompaniyasi o`zining qator mansabdorlarini iste`foga chiqarishga majburlikdan boshqa chorasi qolmagandi.

Bizning fikrimizcha, har qanday xo`jalik yurituvchi faqatgina o`zining doimiy sur`atda yuqori innovatsion faolligi bilangina monopol bo`lishi mumkin va bu barcha manfaatdorlar uchun birdek foydali yechimdir.

Har qanday innovatsion g`oya o`z hayotiylik davriga ega bo`lib, bu turli bosqichlarda namoyon bo`ladi (1-rasm).



1-rasm. Innovatsion g`oyaning hayotiylik bosqichlari (muallif ishlanmasi).

1.Innovatsion g`oya yaratiladi, hech bir xo`jalik o`z faoliyatini yangiliklarsiz davom ettirishi mumkin emas;

2.Har qanday g`oya avvalo ilmiy asoslanishi shart, bu ilmiy faraz (gipoteza) dan tortib, tegishli soha doirasidagi barcha parametrlar bilan ifodalangandan so`ng ilmiy yangilik sifatida qabul qilinadi, u iqtisodiy jihatdan albatta asoslanishi shart, aks holda kutiladi, inkor etish yoki takomillashtirish variantlari ko`rib chiqiladi;

3.Ilmiy asoslangan har qanday g`oya va innovatsion yechim ham hayotga tatbiq etishga yaroqli bo`lavermaydi, bu albatta iqtisodiy jihatdan asoslanishi, ya`ni vaqt, mablag`, resurs va energiyani tejashi, turli xavfsizlik (ekologik, iste`mol va boshqa) talablarga mos kelishi shart. Bu shartlarning bajarilmasligi qisqa yoki uzoq istiqbolda avvalo katta iqtisodiy yo`qotishlar yana qator, turli xatarlarni kuchaytirishi, o`nglab bo`lmaydigan jiddiy yo`qotish va zararlarni keltirib chiqarishi mumkin.

4.Yangilik, innovatsiya mahsuli odatda qimmatbaholigi, yuqori fan va kapital sig`imdorligi uchun dastavval, kichik ishlab chiqarish muhitida qo`llanadi.

5.Keyingi navbatda innovatsiya sekin-asta bilan ommalashuvi natijasida ishlab chiqarishga keng tatbiq etiladi, iste`mol doirasi maksimal darajaga yetgach, albatta pastlash, majudlari o`rniga yangi-yangi ishlanmalarning amaliyotga kirib kelishi bilan avvalgilar eskirish pozitsiyasiga ko`chadi. Bunda eskirgan moddiy va nomoddiy qiymatliklar iste`moldan chetlanadi yoki takomillashtiriladi.

SHuningdek, xo`jalik faoliyatida muhim omillar quyidagilardan iborat deb hisoblaymiz (1-jadval).

1-jadval

Xo`jalik faoliyatining muhim omillari

Ko`rsatkichlar	Qoloq	Bir maromlilik	Ilg`or
Jamoaviylik	Tarqoq, qo`nimsizligi yuqori jamoa (10%<...)	Kadrlar qo`nimsizligi nisbatan past (...<10%)	Barqaror jamoa (0-2%)
Innovatsion faollik darajasi	Yillik o`sish sur`ati (...<10%)	Tashabbuskorlik yiliga (...<20% natija)	Yuqori tashabbuskorlik (20%<...natija)
Vakolat, mas`uliyat mutanosibligi	Korruptsiya, bir guruh shaxslar til biriktiruvi (siyosiy, iqtisodiy, huquqiy renta izlash, aylanma eshiklar tizimi)	Jamoa ichida turli masalalarda ish su`atiga ta`sir qilmaydigan kelishmovchiliklar sodir bo`lib turishi	Hurfikrlilik, adolat, yuksak o`zaro ishonch
Noyoblik, brend sifati	O`rtacha yoki past sur`atdagi xo`jalikdan andoza olish	Bir xil tempda ish yuritish, qonun talablariga tayanga holda jadallash	Noyob, o`ziga xos ish usuli, mahsulot va natijaning serqirra yangiligi
Xo`jalik majburiyatlari	Korxona rentabelligidan yuqori ulushda	Kamayuvchan	Xo`jalik majburiyatlarini kelishilgan vaqtdan ilgari doimiy bajarish
Umumiy natija	Past yoki o`zgarmas	Omillar sarfiga mutanosib o`sish darajasida	Yuqori texnologik va iqtisodiy samaradorlik

Manba: Muallif ishlanmasi.

Jadvalda xo`jalik faoliyatidagi muhim omillardan foydalanish holatlari keltirilgan bo`lib, unga ko`ra eng qimmatli resurs hisoblangan inson omili, mehnat jamoasining barqarorlik sifati ko`rsatilgan. Bunda barqaror jamoada kadrlar doimiyligi qaror topib, qo`nimsizlik eng past sur`atda borishi kerak. Tarkiban ko`p o`zgarishga moyil bo`lgan jamoa bilan bar maromda ish yuritib bo`lmasligi tarixdan ma`lum.

Vakolat va mas`uliyat mutanosibligini eng yaxshi muvofiqlikda ta`minlash uchun jamoa har bir a`zosi tarafidan xo`jalik rivoji va undagi muammolarni bartaraf etish bo`yicha bildirilgan fikrlar yuqori qadrlanishi, adolatli va eng maqbul yechimlarga asoslanish olg`a suriladi. Bunda jamoa ichida bir guruh shaxslar o`rtasida manfaatlar ko`zlanmasligi muhim bo`lib, mas`ul ishlarni haqqoniy asoslar bilan ijrochiga yuklanadi. Bir qator shaxslar tarafidan imtiyoz va afzalliklar, shaxsiy manfaatlar ko`zlanmasligi kerak, siyosiy, iqtisodiy, huquqiy rentalar va aylanma eshiklar tizimi kabi turli suiiste`molchiliklar bo`lmasligi darkor.

Xo`jalik majburiyatlari uning o`z foyda va daromadlari ko`lami va o`sish sur`atidan ortib ketganda, manfiy natijalar uni inqiroz va iqtisodiy nochorlikka yetaklaydi. Har qanday faoliyatda ham majburiyat va haqlar majud bo`lib, ularning kelishilgan vaqtdan ilgari ado etilishi moliyaviy barqarorlikni qo`llab-quvvatlaydi.

Umumiy natija past sur`atda o`suvchan yoki o`zgarmas stsenariy asosida borishi korxonani davr talablaridan, iste`molchilar shart-sharoitlari hamda xalqaro andozalardan ortda qolishi va buning mulьtiplikativ vaziyati jamiyat taraqqiyoti sekinlashiga va turg`unlashishishiga olib kelishi mumkin. omillar sarfiga mutanosib ravishda o`sish sur`ati esa, innovatsion faollikni rag`batlantirish uchun zarur mablag` ajratish imkonini cheklashi mumkin. Yuqori texnologik va iqtisodiy samaradorlik, mavjud omillardan salmoqli tejam va mahsuldorlik bilan natija olish imkoniyatlarini mustahkamlaydi, shuningdek, barcha omil va zaxiralar eng maqbul variantlarda ishga solinishi bilan innovatsion faollikning yangi qirralariga sharoit yaratiladi.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib, har bir bir xo`jalik yurituvchida innovatsion faollik barqarorligini ta`minlash uchun quyidagi takliflarni bildiramiz:

1.Yuksak mehnat va ijro intizomi amal qilishi shart;

2.Innovatsion faollikning noyob jihati, tarmoq ichida o`ziga xos ustunligi zarur va bu sof raqobatli muhitda ham monopol mavqe yutug`ini kafolatlaydi;

3.Texnologiyalarning o`rtacha yangilanish sur`ati 5 yil bo`lgani uchun, yangiliklarni tatbiq etish darajasi yillik o`rtacha 20% dan ortiq bo`lishi;

4. Yangi ishlanma va tovar, mahsulotlar assortimentini raqobatchilarga nisbatan jadalroq oshirib borish;

5.Tegishli faoliyat bo`yicha tarixi va istiqboldagi o`zgarishlarni, huquqiy mezonlarni doimiy ravishda, puxta o`zlashtirish.

Adabiyotlar:

1.O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, O`zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalarining Axborotnomasi, 09.02.2021 y., 03/21/671/0093-son);

2.O`zbekiston Respublikasining "Raqobat to`g`risida" gi 2012 yil 6 yanvardagi O`RQ-319-son Qonuni;

3.Липсиц И.В. Экономика: учебник для студентов вузов, обучающихся по направлению подгот. "Экономика"/И.В. Липсиц. –7-е изд., стер. – Издательство "Омега-Л", 2013, - 607 с.: илл., табл. – (Высшее экономическое образование). ISBN 978-5-370-02771-0, 144-стр.

4.Карманный справочник мировой статистики, Издание 2018 года © 2018 Организация Объединенных Наций, Нью-Йорк, 10017, Соединенные Штаты Америки. Все права защищены. Отпечатано в Организации Объединенных Наций, Нью-Йорк.

5. Internet saytlari:

http://old.lex.uz/docs/20596

http://old.lex.uz/docs/-1931443

www.stat.uz

ФОНЕТИКО-ГРАММАТИЧЕСКИЙ АСПЕКТ КАК ОДИН ИЗ КОМПЛЕКСНЫХ ПРИНЦИПОВ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ

Ашурова Саида Азадбековна
ассистент кафедры "Узбекский язык и литература"преподаватель русского языка Андижанского машиностроительного института г.Андижан Узбекистан

Аннотация: *Одним из аспектов комплексного обучения в практическом курсе русского языка является фонетико-грамматическая реализация названного методического принципа в условиях работы со студентами не филологами обеспечивает, как свидетельствует опыт преподавания, достаточно высокий практический уровень владения языком и осознание системы языка. В данной статье рассматриваются фонетико-грамматический аспект, как один из комплексных принципов обучения русскому языку.*

Ключевая слова: *практический уровень, принципа обучения, фонетико-грамматическая реализация, аудирование, говорение, чтение, письмо, студент.*

Можно говорить о некоторых специфических особенностях реализации названного принципа обучения с разными категориями подготовки учащихся, что в конечном счете определят как количество аспектов обучения, так и глубину проработки учебного материала в рамках каждого аспекта, где конечной целью является формирование и развитие речевых умений в четырех видах деятельности: аудировании, говорении, чтении, письме, что обычно осуществляется на занятиях по разговорной практике.

В работе с выше названным контингентом учащихся специально выделятся лишь фонетический аспект и факультативно по желанию студентов, - перевод и работа над текстами по специальности.

В этих целях занятия по фонетике рекомендуется выделять в самостоятельный аспект обучения в связи с наличием в речи студентов даже при достаточно высоком уровне владения языком устойчивых фонетических (в частности, интонационных) ошибок. При отборе фонетического материала учитываются трудности звукового строя русского языка для студентов данного контингента (национальная аудитория), и характер ошибок в речи.

Обучение же в целом носит корректировочный характер, и включает работу над звуками, ритмикой слова и интонацией. Главное внимание при проведении корректировочного курса уделяется формированию правильных произносительных навыков, путем сознательного отталкивания от родного языка учащихся и развитию фонетического слуха. С методической точки зрения, мы считаем, что подобные занятия должны проводится на всем протяжении

читаемого курса, и внимание должно быть сосредоточено не столько на постановке правильного произношения, сколько коррекции типичных ошибок и обучении студентов умению анализировать произношение, квалифицировать и исправлять ошибки, оценивать звучащие материалы с точки зрения их методической целесообразности и чистоты речи, проводить уроки по фонетике на самом первом уровне, до конца курса, пользуясь интерактивными средствами обучения.

Поэтому обязательным компонентом занятий по фонетике является самостоятельная, и под руководством преподавателя работа в кабинете технических средств обучения, где учащихся не только упражняются в работе с аудио пособиями, но и учатся работать с техническими средствами и программами. С этой целью широко представлен материал в учебно-методическом комплексе по русскому языку, составленный с учетом всех новейших требований обучения.

Основное внимание также обращается на грамматические формы, традиционно считающиеся трудными для студентов национальной аудитории. Например: видовые значения русских глаголов, употребление глаголов движения, предлогов и их значений и др. Грамматический материал при этом уточняется, обобщается и систематизируется по наиболее трудным для студентов темам. Данный материал представлен в Учебном комплексе в виде девяти функциональнокоммуникативных комплексов, в которых материал организован по принципу: от понятия – к раскрытию способов его выражения разными языковыми средствами.

Обычно в программах по русскому языку грамматический материал представлен в виде перечня тем, моделей предложений и лексического наполнения моделей. Между тем при введении грамматического материала в работе со студентами не филологами следует предусматривать использование не только правила и комментарии к ним, но и некоторые речевые штампы и клише, основанные на этих правилах.

Увлечение «Скрытным способом подачи грамматики», вера в то, что учащиеся будто бы самостоятельно в результате наблюдения над фактами языка и типовыми Фразами выведут правила, и будут ими пользоваться в речи, основано на недоразумении отказ в принципе от вербальных правил и объяснений при обучении неродному языку нанес бы процессу усвоения языка огромный вред.

В этой связи следует учитывать и лексико-семантический материал на занятии по русскому языку следует уделять большое внимание работе со словарями разного типа и жанра, самостоятельному поиску значений слова. Так как, время обучения русскому языку непродолжительно, следует учить, что занятия должны иметь интенсивный характер. При этом предусматривается разработка таких грамматических заданий, при которых учитывается

использование трех типов ситуаций: для аудирования, для развития диалогической речи, для развития монологической речи и т.д.

Из сказанного выше, можно сделать вывод, что категория «принципы обучения» занимает в системе методических понятий одно из ведущих мест, ибо принципы обучения определяют содержание всех других компонентов, связаны друг с другом, и входят в состав системного обучения языка.

Список литературы:

1. Учебно-методический комплекс по предмету «Русский язык» для студентов бакалавриата авторы: Атоева Х.А., Хафизова М.А., Файзиева Ю.Ю., Усманова Н.М. Сам., 2018. СамГАСИ.
2. Русский язык. Корректировочный курс. Учебное пособие. –М., 1991
3. Крылова В.П. Корректировочный курс русского языка. Учебное пособие 184 с. –М., 2014 г. М.Г.СУ. (Московский Государственный Строительный Университет).
4. Учебное пособие «Практический курс русского языка» СамГАСИ 2018 год авторы: Файзиева Ю.Ю. Атоева Х.А.

O'TKIR HOSHIMOV ASARLARIDA QAHRAMONLAR ICHKI KECHINMALARINING YORITILISHI

Usmonova Sharifa Gulamovna assistent
Andijon mashinasozlik instituti, Andijon shahri, O'zbekiston

O'zbekiston Xalq yozuvchisi O'tkir Hoshimov nomi "Bahor qaytmaydi", "Dunyonong ishlari", "Nur borki, soya bor", "Ikki eshik orasi", "Tushda kechgan umrlar" kabi qissa, roman va teran hikoyalari bilan allaqachon muxlislar qalbidan mustahkam joy olgan taniqli adibdir.Uning kitoblari kirib bormagan o'zbek xonadoni, loaqal uning bitta asarini o'qimagan o'quvchi bo'lmasa kerak. Voqelikni hayot haqiqatiga omixta qilib, asar qahramonlarining ichki olamini har tomonlama mukammal, to'g'ri va aniq tasvirlash, unga o'quvchini ishontira bilish adib ijodining tayanch nuqtasi hisoblanadi. Yozuvchining har bir asarida kishining qalbini larzaga soladigan, xayollarini tarqatib yuboradigan voqealar juda ko'p.Uning asarlari qahramonlari biz bilgan, biz tanigan insonlardir.Yozuvchining o'z tabiri bilan aytganda:"Hamisha bir orzu bilan yashayman.Shunaqa kitob yozsangki, uni o'qigan kitobxon, hamma narsani unutsa, asar qahramonlari bilan yashasa. Kitobni o'qib bo'lgan kuni kechasi bilan uxlolmay,

to'lg'onib chiqsa.Oradan yillar o'tib asarni qayta qo'liga olganda tag'in hayajonlansa... Eng katta orzum shu" [1]

O'tkir Hoshimov o'ziga xos yozuvchi.U o'zi bilmagan mavzuni, mohiyatini anglamagan masalani qalamga olmagan.O'z qahramonlarini xolisona tirik, hayotiy, jonli odam sifatida tasvirlagan. Ularni qanday inson ekanliklarini zohiriy emas, botiniy yoritgan, ya'ni ruhiy olamini muhit, davr bilan uyg'unlikda katta falsafiy mushohada asosida teran tahlil qilgan.Yozuvchining barcha asarlari kuchli iztirob asosida qurilgan. Balkim, adibning asarlari kishini bir holatdan ikkinchi holatga solishining sababi shundadir...O'tkir Hoshimov hikoyalarida inson taqdiri,uning o'y-xayollarining nozik qirralari, ichki kechinmalari, ruhiy holatlari o'zining badiiy ifodasini topgan.[2]

Insoniylik, insonga hurmat, mehr-sahovat, xushmuomalalik, ijtimoiy munosabatlarda qoidalarga rioya qilish, fuqarolik madaniyati, ongli intizom, boshqalarga g'amxo'rlik qilish, odamlarning quvonch-u tashvishini tushuna olish, o'z manfaatidan o'zgalar manfaatini ustun qo'yish, mas'uliyatni his qilish kabi sifatlar adib hikoyalarida yetakchilik qiladi.[4] Jumladan, adibning "Yanga" hikoyasida Akmal obrazi orqali hozirgi kunda yoshlar o'rtasida uchrab turadigan holatlar ochib beriladi.Oilada bo'ladigan voqea-hodisalar oddiy holatda tasvirlangan.Ayniqsa, Akmalning tarbiyali, oriyatli farzand ekanligi haqqoniy tasvirlangan.Ishdan qaytgan Akmalga uyining eshigini yangasi ochadi.Yangasi ketishga harakat qilayotganligini ko'rib, kechki ovqatga qolishini so'raydi, jiyanlarini bahona qilib ketadi.Akmal yangasining kelish sababini xotinidan so'raganida, pul uchun kelganligini zarda bilan aytadi.Shu holatda yangasining holati ko'z o'ngidan ketmaydi, xotinining ra'yiga ham qaramay uydagi pulni olib, akasining hovlisiga, o'zi katta bo'lgan hovliga ketadi.Pullarni yangasiga berarkan, bu pullar farzandlari uchun emas, aynan onasining vafot etgan kuni uchun ehsonga ekanligini bilganida, uning boshi xam bo'ladi. Onasi vafot etganidan so'ng ham unga nisbatan yangasining fikri hamda munosabati o'zgarmaganligi, uydagi hayoti o'sha-o'sha davom etayotganligi, onasi bor vaqtdagiday har kuni kravatining boshidagi stul siyanchig'ida dazmollangan shim, oppoq ro'molcha, yoqasi qordek toza ko'ylak, cho'tagida esa har kuni tushlik uchun pul turardi.Bu holatlarning asosiy sababchisi – onasi.Onasi keliniga shunday bo'lishini o'rgatgan, kelin ham o'z navbatida bu holatga ko'nikkan.Bu ishlaninig barchasi uning odatiy, kunlik ishlari bo'lib qolgan.Shu o'rinda yangalarning ham hozirgi ayrim oilalarda o'zlarining kelinlik vazifalarini bajarmayotganligini, hali qayniuka tugul o'z turmush o'rtoqlariga ham e'tibor bermayotganliklarini uchratishimiz mumkin.Adib ushbu hikoyasi orqali yosh-yigitlarni Akmal kabi bo'lishga, hayotning achchiq-chuchuklariga tayyor bo'lishga, oilaviy muammolarni to'g'ri va joyida hal etishga chaqiradi. Qizlarimizga esa qaynonalarini o'z onalaridek hurmat qilishga, doimo ular bilan hamnafas bo'lishga undaydi.

Adibning "Nega? Nega?" hikoyasida esa Afg'onistonda bo'lgan urushning oqibatlari natijasida necha minglab oilalarning hayoti o'zgarib ketganligi, ularning orzu-armonlari, o'y-fikrlari. Quvonch-tashvishlarihaqida hikoya qilinadi.Hikoya

qahramoni Hamidullaxonnonig farzandi Rahmatillani harbiy xizmatga chaqirishadi...U Afg'onistonda o'z yigitlik burchini o'taydi.Onaizor farzandini Termizda xizmat qilyapti deb o'ylaydi. Afsuski, Rahmatillani chala jon holatda Toshkentga gospitalga olib kelishadi.Otasi bilan yuz ko'rishadi. O'zi o'lim to'shagida yotgan bo'sa ham onasiga aytmaslikni ta'kidlaydi.O'tkir Hoshimovning "Teraklar yaproq yozdi", "Дehqonning bir kuni ", "Кvazarlar" кabi roman va qissa, hikoyalari "gap kutadigan" кitobxonlarni g'oyat hayajonga solgan. Dehqonning umri paxtazorda o'tayotgani, dori sepilgan g'o'za bargidek erta xazon bo'layotgani, yangi tushgan kelinchakning hayotidagi eng shirin daqiqalari erksiz og'ir mehnat girdobida kechayotganini , qishloqdagi, kasalxonadagi, savdo sohasidagi, oliy o'quv yurtlaridagi, tahririyatlardagi adolatsizlik, huquqbuzarlik va qing'irliklar – adib asarlarida hayajon va iztirob bilan qalamga olingan, bu xil hayotiy muammolar talqini o'quvchilarning o'shanday ijtimoiy illatlarga nisbatan fikrini shaklllantirishda, qahrini qo'zg'atishda muhim ahamiyat kasb etadi.[3]

Adabiyotlar

1.O'.Hoshimov.,"O'zbeklar" T.: G'G'ulom nashriyoti, 2007 yii

2.A.Samad."O'tkir qalam".-T.:MERIYUS, 2013 yil

3.U.Normatov.,"Umidbaxsh tamoyillar"- T.:Ma'naviyat, 2000 yil

4.Sh.Usmonova."O'Hoshimov asarlarida insoniy fazilatlarning ifodalanishi".Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali №4.2022 yil

ТАДБИРКОРЛИКДА КЛАСТЕР ТАҲЛИЛ

Дадабоева Маргуба Мамасолиевна, таянч докторант
АндМИ, Андижон шаҳри, Ўзбекистон

Кўп ўлчовли таснифлашнинг асослироқ усули кластер таҳлилидир. Кластер таҳлили номи инглизча сўздан олинган бўлиб, тўда, тўпланиш деган маъноларни билдиради. Биринчи марта 1939 йилда кластер таҳлилининг предмети тадқиқотчи Трён томонидан белгилаб берилган ва тавсифланган. Кластер таҳлилининг асосий мақсади ўрганилаётган объектлар ва хусусиятлар тўпламини тегишли маънода бир ҳил бўлган гуруҳлар ёки кластерларга бўлишдир. Бу маълумотларни таснифлаш ва ундаги тегишли тузилмани аниқлаш муаммоси ҳал этилаётганлигини англатади. Кластер таҳлил усулларини ҳар хил ҳолатларда, ҳаттоки оддий гуруҳлаш ҳақида гапирадиган ҳолатларда ҳам қўллаш мумкин, бунда ҳамма нарса миқдорий ўхшашликка кўра гуруҳларнинг шаклланишига тўғри келади [1].

Кластер таҳлилининг турли даражалари учун кластер концепциясининг вариантлари қўлланилади (1-жадвал). Унинг моҳияти инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини таъминлаш ва менежерлар ўртасидаги бизнес ва шахсий муносабатларни яхшилашдан иборат.

Тадбиркорлик фаолиятининг янги сифат даражасига кўтариш учун марказий компания атрофида шаклланган етказиб берувчилар тармоғининг рақобатбардошлиги таҳлил қилинади. Ушбу таҳлил орқали етишмаётган алоқалар ўрганилади ва бутун ишлаб чиқариш занжирини ўз ичига олган инновацион лойиҳалар учун стратегик ҳамкорлик изланади.

1-жадвал

Кластер таҳлилининг турли даражалари

Таҳлил даражаси	**Кластер тушунчаси**	**Таҳлил маркази**
Микро даража	Бир ёки бир нечта марказий компаниялар атрофида ихтисослашган йетказиб берувчилар.	Стратегик бизнесни ривожлантириш. Тармоқни таҳлил қилиш ва тармоқни бошқариш.
Мезо даража	Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш занжирининг турли бўғинларида тармоқлараро ва тармоқ ичидаги алоқалар.	Тармоқлар ривожланишининг асосий омилларини таҳлил қилиш.
Макро даража	Миллий иқтисодиёт доирасидаги алоқалар.	Миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг ихтисослашув йўналишлари.

Бунда кластер таҳлили бевосита тадбиркорлик фаолиятини стратегик ривожлантириш билан боғлиқ. Мезодаражада ишлаб чиқариш занжири доирасидаги ўзаро боғлиқ бўлган тармоқлар таҳлили ўтказилади.

Кластер таҳлили нафақат таҳлил предмети даражасида, балки унда турли методологиялардан фойдаланишда ҳам фарқланади. Асосий методологик ёндашувларни олтита турга бўлишимиз мумкин (2-жадвал) [2].

2-жадвал

Кластер таҳлилининг муқобил усуллари

Усул	**Афзалликлар**	**Камчиликлари**
Експерт баҳолаш	Бажариш вақти ва нархи бўйича самарали	Маълумотларни тизимли равишда йиғиш деярли мумкин эмас
Ҳудуд кўрсаткичлари	Бошқа усулларни тўлдириши мумкин	Кластерларга эмас, секторларга эътибор қаратиш керак
Харажат-даромад: Савдо	Кўпинча ўзаро боғлиқлик маълумотларининг асосий манбаи	Қўллаб-қувватловчи муассасаларга эътибор берилмайди
Харажат-даромад: инновациялар	Ўзаро боғлиқликнинг асосий кўрсаткичи	Кўпгина мамлакатлар учун маълумотлар мавжуд эмас

Тармоқ таҳлили - График назарияси	Визуал тасвир тушунтириш ва таҳлил қилишга ёрдам беради	Методология ва дастурий таъминот чекланган
Шарҳлар	Мукаммал маълумотларни тўплашга мослашиш учун қулай	Қиммат. Яхши ишлаш қийин

Кластер таҳлилининг бешта асосий босқичи амалга оширилади [2]:

1. Кластерларни (мавжуд ёки потенциал), пайдо бўлаётган, ҳудудга боғланган (ёки боғланмаган) тавсифлаш.

2. Таҳлил қилиш учун энг мос усулни аниқлаш: "юқоридан пастга" ёки "пастдан юқорига".

3. "Юқоридан пастга" ёндашувидан фойдаланилганда аналитик усулни танлаш (статистик кластер таҳлили, ишлаб чиқариш омилларини таҳлил қилиш ва бошқалар).

4. Маълумотлар йиғишни таъминлаш.

5. Таҳлил ўтказиш ва унинг натижаларини шарҳлаш.

Кластер таҳлили усули асосий хусусиятларни аниқлаш, умумий мақсадлар билан бирлаштирилган ва бир-бирини ёки улар билан боғлиқ бўлган бизнес тузилмаларини тавсифлаш учун кенг қўлланилади.

Кластерлаштириш соҳасида ҳозиргача стандартлаштирилган қоидаларнинг йўқлиги деярли барча ўрганилаётган ва шакллантириладиган кластерларнинг ўзига хос ва индивидуал хусусиятга эга бўлишига ва минтақалар бўйича фарқланишига олиб келади.

Адабиётлар

1. Roelandt T., P. den Hertog, Cluster analysis and cluster-based policy, OECD, 1999.

2. А.Н. Асаул, М.П. Войнаренко, П.Ю. Ерофеев. Организация предпринимательской деятельности. «Гуманистика», 2004.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСГА ЎТИШ – САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ РИВОЖЛАНИШИ

Машрабжонова Нилуфар Қахрамонжон қизи–
АндМИ, Иқтисодиёт йўналиши К-69-20 гуруҳ

XXI асрнинг бошларига келиб жаҳон иқтисодиётида ўз мазмун ва моҳиятига кўра олдинги даврлардан мутлақо фарқ қиладиган янги тенденциялар юзага чиқмоқда. Жаҳон иқтисодиёти тобора глобаллашиб, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар тизими табиати ўзгармоқда.

Бундай шароитда мамлакатимиз иқтисодиётини мунтазам такомиллашиб боришини таъминлайдиган механизмларни жорий этиш, барқарор иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ вазифаларни пухта белгилаб олиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ва модернизациялаш сиёсати муваффақияти саноат ишлаб чиқариши ривожланишини жадаллаштиришга, янги маҳсулот турларини ўзлаштириш билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этишга боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Саноат соҳасидаги сиёсатни самарали амалга ошириш, саноатни инновацион асосда ташкил этиш, уни ривожлантиришда драйвер ва ўсиш нуқталарини жбелгилаб олиш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жалб этиш орқали саноат тармоқлари рақобатбардошлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, "Яшил технология"ларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш ва рақобатбардош тайёр мкаҳсулотлар ишлаб чиқариш, ташқи бозорларда юқори талабша эга маҳсулотлар ишлаб чифаришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим"[11].

Статистик маълумотлар шундан далолат берадики, 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда қарийб 91 мингдан зиёд саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бу корхоналарнинг 3,2 фоизи тоғ-кон саноати, 95 фоизи қайта ишлаш саноати, 0,5 фоизи электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, 1,4 фоизи сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш ҳиссасига тўғри келади[12].

1-жадвал

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари, %

	2010	**2015**	**2016**	**2017**	**2018**	**2019**	**2020**	**2021**
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари	108,5	107,9	106,2	108,0	116,6	106,6	100,7	108,7
Шу жумладан:								
Қазиб олиш саноати	97,9	107,1	101,0	115,8	132,4	99,0	78,0	110,7
Қайта ишлаш саноати	109,4	108,1	106,4	108,3	115,6	109,4	107,9	108,2

[11] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "O'zbekiston" нашриёти, 2021. –Б.134.
[12] Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2021 йил январь-декабрь. Тошкент – 2022. – Б.345.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик тўпламлари асосида тузилган.

Статистик маълумотларга кўра, 2021 йилда Ўзбекистонда 451,6 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу 2020 йилга нисбатан 8,7 фоизга кўп. Агар саноат маҳсулоти ўсишини иқтисодий фаолият турлари бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, 2021 йилда энг юқори қўшимча ўсиш суръати қазиб олиш саноатида қайд этилган – 10,7 фоиз. Қайта ишлаш саноати 2020 йилга нисбатан 8,2 фоизга ўсган.

2-жадвал

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотида 2010-2019 йилларда саноат сектори улушининг ўзгариши (бошқа секторларга қиёсан, фоизда)

	2018	2019	2020	2021
Ялпи ички маҳсулот	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	31,5	26,9	27,1	26,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	32,6	34,4	34,2	34,5
Саноат	26,5	28,1	27,5	27,8
Қурилиш	6,1	6,3	6,7	6,7
Хизматлар	35,9	38,7	38,7	38,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик тўпламлари асосида тузилган.

Сўнгги йилларда саноатнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти ортиб борди (2-жадвал). Агар саноат тармоғининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кузатадиган бўлсак, 2018-2011 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, республикамизда саноатни устувор тарзда ривожлантириш, тармоққа инвестицияларни кенг миқёсда жалб қилиш, саноат корхоналари фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортди. Агар 2018 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси (қурилишни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) 32,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 34,5 фоизга етди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда фақат 2019 йилга келиб саноат ишлаб чиқаришининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қишлоқ хўжалиги улушидан юқори бўлиши кузатилмоқда. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётининг индустриал иқтисодиёт томон қадам қўйганлигидан далолат беради. Айни вақтда саноат ишлаб чиқариши таркибида юқори қўшилган қиймат даражасига эга юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш лозимлигини кўрсатади.

Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишига баҳо беришда қайта ишлаш саноатининг технологик таркибини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро,

қайта ишлашнинг кучли сектори мамлакатнинг технологик қувватини белгилаб берса, унинг қисқариши иқтисодий пасайишдан далолатдир. Ривожланган мамлакатларда қайта ишлаш саноати бандлик ва ишчи ўринларининг кенг миқёсда ўсишини таъминловчи манба ҳисобланмайди, аммо меҳнат унумдорлиги, инновациялар ва халқаро савдонинг ўсишини таъминлаб берувчи асосий тармоқ ҳисобланади.

Статистик маълумотлар шундан далолат берадики, Ўзбекистонда қайта ишлаш саноатининг технологик таркибида энг катта улуш ўрта қуйи технологияли тармоқлар ҳиссасига тўғри келиб, унинг жами қайта ишлаш саноатидаги улуши 2018 йилда 38,7 фоизга тенг бўлган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 39,4 фоизни ташкил этди (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қайта ишлаш саноатининг технологик таркиби, %

	2018	2019	2020	2021
Юқори технологияли	1,4	1,6	2,0	2,7
Ўрта юқори технологияли	27,8	25,3	22,4	20,1
Ўрта қуйи технологияли	38,7	35,5	39,9	39,4
Қуйи технологияли	32,1	37,5	35,7	37,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик тўпламлари асосида тузилган

Айни вақтда 2018 йилга нисбатан 2021 йилда қуйи технологияли тармоқларнинг жами қайта ишлаш саноатидаги улуши 32,1 фоиздан 37,7 фоизгача ўсган. Энг катта ўзгариш ўрта юқори технологияли тармоқларда юз бериб, ушбу тармоқларнинг ялпи қайта ишлаш саноатидаги улуши 2018 йилда 27,8 фоиздан 2021 йилда 20,1 фоизгача пасайган.

Ўзбекистон қайта ишлаш саноатида юқори технологияли тармоқларнинг улуши жуда кичик бўлиб, у 2018 йилда 1,4 фоиздан 2021 йилда 2,7 фоизгача ўсган.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Ўзбекистонда ўрта юқори технологияли ва юқори технологияли саноат тармоқларини ривожлантириш бўйича жиддий чора-тадбирларни амалга ошириш тақозо этилади. Зеро, бу тармоқларда қўшилган қиймат даражаси юқори бўлиб, мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, юқори технологияли саноат тармоқларини ривожлантириш борасида ижобий натижаларга эришиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– юқори технологияли сектор корхоналарининг илмий-техник ва тадқиқотчилик фаолиятини рағбатлантиришни кўзда тутувчи юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг стратегик ривожланиш режасини шакллантириш;

– ресурсларни илмий-техника тараққиётининг ҳал қилувчи ривожланиш йўналишларида жамлаш ва уларни тақсимлашнинг оптимал тизимини барпо этиш;

– ички ва ташқи бозорларда рақобат муҳитини шакллантиришга қодир маҳаллий илмий-ишлаб чиқариш тузилмаларини барпо этишни доимий тарзда қўллаб-қувватлаш;

– нафақат йирик ишлаб чиқариш бирликлари, балки тадбиркорликнинг кичик ва ўрта субъектлари инновацион илмий фаолиятини доимий тарзда рағбатлантирган ҳолда янгиликлар генерацияси, ривожланиши ва уларни тарқатишнинг махсус ихтисослашган ташкилий-иқтисодий механизмини яратиш ва амалиётга жорий этиш.

Илмий рахбари

Саттикулова Гулнора Ахмадхановна –

Андижон Машинасозлар институти катта ўқитувчиси

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармони // https://lex.uz/uz/docs/-5841063

2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "O'zbekiston" нашриёти, 2021. –464 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2021 йил январь-декабрь. Тошкент – 2022. – 467 б.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ БАҲОЛАШ ЖИҲАТЛАРИ

Муфтайдинов Киёмиддин
Андижон машинасозлик институти профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори,
Умаров Илхомжон Юлдашевич
Андижон давлат университети в.б.профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори
E-mail: umarov_iyu@rambler.ru

Ҳар бир корхона аниқ мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган ўз қарашлари ҳамда ривожланиш стратегиясига эга. Айниқса корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлашда қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш жараёнини самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда корхоналарнинг ташқи ва ички муҳити тез ўзгарувчанлиги сабабли саноат корхоналари фаолиятига кўплаб омиллар таъсир кўрсатмоқда, буларга рақобат, хомашё нархларининг ўзгариши, фоиз ставкалари, валюта курсларининг ўзгариши, истеъмолчиларнинг хоҳиш-истаклари ўзгариши, илмий-техник тараққиёт ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Ушбу каби омилларнинг ноаниқлиги корхонани белгиланган вақтда мақсадларига эришишига тўсқинлик қилмоқда. Бундай вазиятда корхонада ўз-ўзини бошқариш механизмини ишлаб чиқадиган, белгиланган мақсадларга ўз вақтида ресурсларни сарф қилишнинг мақбул миқдори орқали эришишга имкон берувчи бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми муҳим рол ўйнайди [2].

Иқтисодиётнинг пандимия жараёнида юз бериши мумкин бўлган салбий оқибатлар эса ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига таъсир этмай қолмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "...миллий иқтисодиётнинг мутаносиблигини, барқарорлигини таъминлаш ҳамда уни таркибида саноат, хизматлар кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш, саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини ва маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт салоҳиятини ошириш даркор" [1].

Бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолашда қуйидаги меъзонларга асосланиш лозим:

– бошқарув жараёнларининг хаётийлик цикли. Ушбу меъзон корхонани бошқарув модели самарадорлигини аниқлаб, корхона фаолияти қай даражада эканлиги ҳамда бошқарув тизимининг самарадорлигини баҳолайди.

– корхонани ривожлантириш билан боғлиқ дастурларни баҳолаш. Ушбу меъзонда йиллик режалаштирилган вазифаларни ижроси турли молиявий, иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида баҳоланади[3].

Корхонанинг бошқаришни ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолаш жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расмга қаранг).

Ташкилий - иқтисодий бошқарув механизмини баҳолаш учун биз фақат бизнес-жараёнларини сифатини баҳолаймиз, чунки ушбу жараёнлар корхоналарни бошқариш тизими боғлиқ бўлади. Корхонани бошқариш механизмини таҳлил қилиш жараёнида баҳолашни олиб борувчи эксперт асосий бошқарув жараёнларини мустақил равишда белгилайди.



1-расм. Ко низмини баҳолаш жараёни

ра ин
ра ти
до қа
ҳамда тугатилиши[4].

Озиқ-овқат саноати корхоналари бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолаш бўйича таклиф этилган услубни Андижон вилояти Бўз туманида фаолият кўрсатаётган "RASH-MILK" МЧЖ мисолида кўриб чиқамиз.

"RASH-MILK" МЧЖда қорамолларни парваришлаш, сут хомашёсини олишдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган барча босқични ўзида мужассам этган кластер усули жорий этилган. Корхонада 200 нафардан зиёд йигит ва қизлар иш билан таъминланган. 40 дан ортиқ турдаги сут маҳсулотларини ишлаб чиқараётган корхона кунига 150 тоннадан ортиқ сутни қайта ишлашга ихтисослашган.

"RASH-MILK" МЧЖнинг бошқариш амалиётини баҳолаш асосида қуйидагича натижалар олинди.

[13] Муаллиф ишланмаси

Корхона бошқарув жараёнларини хаётийлик цикли қуйидагича ҳисобланади:

$$К_1 = \frac{КВ_{ВЈ}}{4 * H_1} = \frac{16}{4 * 5} = 0,8$$

Сўнг корхонада ишлаб чиқилган режаларнинг бажарилишини баҳолаш лозим. "RASH-MILK" МЧЖда қуйидаги мақсадли кўрсаткичлар аниқланди ҳамда баҳоланди.

1-жадвал

"RASH-MILK" МЧЖнинг мақсадли дастурлари бўйича режанинг бажарилиш ҳолати [7]

Кўрсаткичлар	**2021 йил режада**	**2021 йил амалда**	**Режани бажарилиши**	**Баллар**	**Хисоб-китоблар учун изоҳлар**
Тўғри кўрсаткичлар					
Маҳсулотлар сотиш бўйича рентабеллик, %	10,5	9,5	90	1,00	0,1*(90-80)=1,00
Активлар рентабеллиги %	8	6,9	86	0,60	0,1*(86-80)=0,60
Сотиш ҳажми, млрд сўм	25	27	108	2,8	0,1*(108-100)+2=2,8
Молиявий мустақил коэффиценти	0,4	0,31	78	0,00	Агар молиявий кўрсаткичнинг ҳақиқий кўрсаткичи 80 %дан камроқ бўлса, 0 балл берилади
Мутлақ ликвидлик коэффициенти	0,1	0,07	70	0,00	
Тескари кўрсаткичлар					
Молиявий цикл, кунлар	30	38	127	0,00	Агар ҳисобот даврида тескари кўрсаткичнинг ўсиш суръати олдингисига нисбатан 120 % дан юқори бўлса, унда 0 балл белгиланади
Барча мақсадли режалар бажарилишини	х	х	х	4,4	х

баҳолаш натижалари бўйича баллар йиғиндиси (KB_{FP})					

K_2 индикаторининг қийматини ҳисоблаймиз:

$$K_2 = \frac{KB_{FP}}{2 * H_2} = \frac{4,4}{2 * 6} = 0,36$$

Баҳолаш натижасида K_1 индикаторининг қиймати 0,8 ва K_2 индикаторининг қиймати 0,36 этиб аниқланди, "RASH-MILK" МЧЖнинг ташкилий-иқтисодий механизм самарадорлиги ўртача даражада эканлиги баҳоланди.

Бундай холатда корхона молиявий ҳолатини яхшилаш, ресурслардан самарали фойдаланиш, инқирозга қарши механизмларни такомиллаштириш, банкротлик хавфини камайтириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириши муҳим аҳамият касб этади[5].

Олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

Замонавий иқтисодий шароитларда хар қандай корхона ўз рақобатбардошлигини оширишга интилади. Бунда ташкилий-иқтисодий бошқарув механизми алоҳида рол ўйнайди, механизм белгиланган вақт ичида ресурслардан фойдаланишни оптимал миқдорини ишлаб чиқиш орқали кўзланган мақсадларга эришишга имкон беради.

Бошқарувнинг ташкилий - иқтисодий механизмини баҳолаш учун иккита меъзонга асосланган методология таклиф этилди, бошқарув жараёнлари ҳаёт циклининг босқичи, ҳисобот даври учун мақсадли ривожланиш кўрсаткичлари режасини амалга оширилиши. Баҳолаш натижасида ташкилий-иқтисодий механизм самарадорлигининг учта даражаси ажратилади: юқори, ўрта ва паст[6].

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 мартда "Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4643-сонли Қарори. / lex.uz
2. Gorb O. Organizational-economic mechanism of management of food industry enterprises competitiveness // Journal Annals of Agrarian Science 14. 2016. – P. 191-195.
3. Беркинов Б.Б., Ахмедов У.А. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талабларининг таҳлили // Bizines-Эксперт. – Тошкент. 2014. – №8. 47-б.
4. Гафуров У. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: и.ф.д. дисс. автореф. – Т.: 2017. 96-б.

5. Исмаилов О.Ш. Развитие пищевой промышленности Узбекистана на инновационной основе. // Экономика региона. 2010. №3. – С. 245-249.

6. Павленко Н. Экономический механизм эффективного развития сельского хозяйства: Монография. –Белгород: 2010. – 512 с.

7. Муаллиф ҳисоб-китоблари. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА НУТҚ ФАОЛИЯТИ ТУРЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ибрагимова Мухаррамхон, ўқитувчи
Андижон машинасозлик институти

Хорижий тилни мактабда ўқитиш бошқа фанлардан фарқ қилади. Хорижий тил тушунчаси маълум бир халқ тилида гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув кўникма ва малакаларини эгаллашни ифодалайди.

Ушбу тўрт компетенция чегараланган меъёрда, яъни дастур мавзулари доирасида ва махсус танланган тил материали ҳажмида ўрганиб борилади.

Ўқувчиларга нутқ фаолияти турлари— гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзувни ўргатиш ва тил материали — лексика, грамматика, талаффузни ўргатиш ўзаро интеграллашган ҳолда ўқитилиб чет тилда ўзаро ахборот алмашиш малакалари шакллантирилади.

Нутқ фаолият фақат инсонларга хос бўлиб, ушбу фаолият турларини нутқда қўллаш орқали инсонлар ўзаро фикр алмашадилар. Нутқий фаолият тилшунослик, психология, психолингвистика ва антропология каби бир қатор фанларда тадқиқ этилган, лекин тилларни ўқитишда бу фаолият ўзига хос хусусиятлари, яъни нима учун (таълим мақсади), нимани (таълим мазмунини), қандай қилиб (таълим методлари ва принциплари асосида) ҳамда кимга (ўқувчига) ўргатиш ҳақида илмий мулоҳазалар юритади.

Нутқни амалга ошириш учун нутқ шакллари монолог (якканутқ) ва диалог (жуфтнутқ) шаклларидан фойдаланилади.

Монолог — тема ёрдамида, диалог — эса ўқув нутқ вазияти билан боғланган ҳолда машқ қилинади.

Нутқ фаолияти оғзаки ва ёзма шаклда руёбга чиқади. Оғзаки нутқ гапириш ва тинглаб тушуниш, ёзма нутқ ўқнш ва ёзув турларидан иборат[1].

Нутқ фаолиятида тадқиқотлар натижасида а) операцион (тил материали иштироки), б) мотивацион (фикр баёни) жиҳатлар аниқланган. Операцион

тизим лексика, грамматика ва талаффуз бирликларини гапириш ва ёзувда қўллаш, ўқиш ва тинглашда идрок этиб тушуниш аспектларидан иборат. Мотивацион аспектда реципиент (гапирувчи ва фикрни ёзма баён этувчи) ва продуцент (тингловчи ва ўқиб ахборот олувчи) ўз фикрини бошқаларга етказади ёки ўзгалар фикрини тушуниб олади[2].

Хорижий тиллар нутқ фаолияти турлари ва тил материалини ўзаро бирлаштириб ўқитилади. Бунда ўқувчи ҳар бир дарсда ўқувчи тинглаб тушунади, гапиради, ўқийди ва ёзади. Ҳар бир дарс аввалгилари билан ўзаро боғланиб, ўқувчиларга тил заҳирасини тинимсиз такрорлашни талаб қилади. Нутқ компотенциялари турли синфларда турли босқичларда ўқитилади. Бунда нутқнинг уч тарафи — тузилиши (грамматика), семантика (лексика) ва «ифода» (талаффуз) тил материали томонларига аҳамият берилади.

Дарс мақсадидан келиб чиқиб тил материаллари танланади. Тил материаллари дастур доирасидаги адабиётлардан олинади. Дарсни мустаҳкамлаш учун қўшимча адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Тил бирлигини тинглаш, гапирш, ўқиш ва ёзишда сезгилар (эшитиш, нутқ ҳаракат, кўрув ва қўлҳаракат) иштирок этади. Ушбу бирликлардан келиб чиқадиган мазмун (нутқ) анализаторлар (эшитиш, нутқ ҳаракат, кўрув ва қўл ҳаракат) иши натижасидир. Тил бирликлари сезгилар ва анализаторлардан ташқари хотира ва тафаккур билан ҳам муносабатда бўлади.

Хорижий тилни ўқитишда она тили қоидалар системали (узвий) лингвистик мазмун касб этади.

Чунки тилни табиий муҳитда амалий ўрганиш ва унга ажра-тиладиган вақт (соатлар) миқдори мукаммал қоидалар бериш имкониятини яратади. Тил ўрганишда қоидалар ихчамлаштирилиб кўпроқ амалий машғулот олиб бориш тафаккур ҳосиласи, мантиқий жараён натижаси бўлиб рўёбга чиқади.

Нутқ фаолияти назариясидан маълумки, фаолият мазмунини ҳаракатлар ташкил этади. Субъект ҳаракати ориентир (йўлловчи) ва ижро қисмларидан иборат. Албатта, бу ҳаракат нутқ фаолияти асосида кечади.

Қоидалар ушбу жараённи осонлаштиришга хизмат қилади. Коидалар мазмунига кўра уч даражада бўлади: 1) дастлабкиё ки бирламчи коида (тил ҳодисасининг бирон факти, мае. хо-зирги замон феълининг 3 -шахс бирлик шаклда ясалиши); 2) иккиламчи ёки қиёсий коида а) бир томонлама солиштириш, масалан. инглизча ҳозирги замон феълининг 3-шахс бирлиги ва бошқа шахслар шаклларининг ясалиши, б) икки томонлама солиштириш; 3) якуний қоида — системалаштириш, а) бирон ҳодисанинг барча шаклларини умумлаштириш — қисман системалаштириш, мае. ҳозирги замон феълининг барча шаклларда тусланиши, б) ушбу босқичда ходисаларнинг барчасини умумлаштириш— дастурий системалаштириш, масалан, феъллар уч замонда

қўлланади ва в) чет тил ўқитиш курсида ўрганилган тил ҳодисаларининг барчасини умумлаштириш — нисбатан тў-лиқ системалаштириш[1].

Хулоса қилсак, ушбу қоидалар тилни тизимга солиб туради ва нутқий мулоқотни тўғри ҳосил қилишда аҳамиятли саналади. Ўқувчиларга ўртта компетенцияни шакллантиришда нутқ мавзулари ва лексик грамматик машқлар етакчи ҳисобланар экан, уларни чуқур тадқиқ этиш галдаги масалалардандир.

Адабиётлар:

1. Жалолов Ж. Чет тиллар ўқитиш методикаси. —Т:; Ўқитувчи, 1991, — 341 б
2. Зарипова Р. А. Чет тиллар ўқитиш методикасидан қўлланма. —Т:; Ўқитувчи, 1986, — 184 б
3. Пассов Е. И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению.—М.: Русский язык, 1989.—276 с.
4. Пассов Е. И. Основы методики обучения иностранным языкам.—М.: Русский язык, 1977.—216 с.

Professional ta'limda didaktik jarayonining sifatini oshirishda pedagogik ijodkorlik va uning zaruriyati

Shaxodjayev Maxmud Axmedovich p.f.n. dotsent
Mirzayev Dilmurod Erkinovich assistent
Farg'ona politexnika instituti, Farg'ona shahar, O'zbekiston Respublikasi

Kalit so'zlar: ta'lim, kontseptual, professional ta'lim, kompetentsiya, ijodkor shaxs, pedagogika, ijodkor shaxs, psixologiya, ijtimoiy omil, kasbiy pedagogika, iqtidor, tashabbuskorlik.

Bugungi kunda yosh avlodning yuksak ma'naviy fazilatlarini kamol toptirish, boy madaniy merosimiz hamda tarixiy qadriyatlarimizga hurmat-e'tibor, Vatanga mehr-muhabbat ruhida tarbiyalash ta'lim muassasalarining oldiga muhim vazifalarni qo'ymoqda. Bu vazifalar, birinchi navbatda, kelajakning bunyodkorlari bo'lmish yosh avlodning bilim olish, yuqori malakali kadrlar bo'lib, o'z yurti va xalqiga sitqidildan mehnat qilish, ozod yurt ravnaqi va baxt-saodati uchun halol mehnat qilishga o'rgatishni nazarda tutadi.

Zamonaviy kadrlar oldiga qo'yilayotgan eng muhim vazifalardan biri - malakali mutahassislar sifatida o'zligi, o'z qobiliyatlari, kompetentsiyai, shaxsiy fazilat hamda xislatlarini bilgan tarzda atrofidagilar mehnatini oqilona tashkil etish va ijtimoiy foydali mehnatning barcha sohalarida iqtidorli kasb sohibi sifatida faoliyat ko'rsatishdir.

Ta'lim jarayonida kadrlarning kasbiy kompetentsiyalarini shakllantirishda integral va nostandart yondashuv ustunligi yaqqol ko'zga tashlanmoqda. Professional kadrlarni tayyorlashdagi an'anaviy yondashuv yetarli samara bermayotgani, shu munosabat bilan kasbiy va shaxsiy kompetentsiyalarning o'rni va ahamiyatini, bilim va malakalarning o'zgaruvchan mehnat bozoridagi talab va ehtiyojlarga nisbatan diterminantlik darajasini aniqlash bugungi kun pedagogikasining asosiy vazifasi ekanligi e'tirof etilmoqda.[1]

Professional ta'limning ikki tomonlama shaklini paydo bo'lishi va zamonaviy sharoitda rivojlanishida uning elementlarini foydalanish imkoniyatini aniqlash va asoslashdan iborat bo'lib, mutaxassislar tayyorlashda zamonaviy professional ta'limni shaklini rivojlantirishdan iborat. Shu munosabat bilan tahlillar va eng yaxshi xorijiy tajribadan samarali foydalanish zarurati kuchaymoqda. Kontseptual darajada buni qiyosiy pedagogika, xorijiy va mahalliy professional ta'limning fundamental asoslarini nazariy o'rganish va ularning rivojlanishini tarixiy va prognostik nuqtai nazardan ko'rib chiqish orqali amalga oshirish mumkin. Rivojlangan davlatlarning ta'lim tizimlari tajribasini o'rganish, o'z mamlakatida ta'lim va tarbiya muammolariga yanada tanqidiy yondoshishga imkon beradi, kasbiy ta'lim sohasidagi o'zgarishlar zarurligini tushunishni ta'minlaydi.

Kasbiy faoliyati davomida o'z salohiyatidan maksimal darajada foydalana oladigan, professional va ijtimoiy faol bo'lgan malakali mutaxassislarni tayyorlash – uzluksiz ta'lim tizimi oldida turgan muhim vazifalardan hisoblanadi. Bu vazifalarni hal etishda, shubhasiz, bo'lajak mutaxassislarning kasbiy kompetentsiyasini shakllantirish va rivojlantirish hal qiluvchi o'ringa ega. Hozirgi kunda pedagogik amaliyotda «o'qituvchining kasbiy kompetentligi» tushunchasini aniqlashda yagona yondashuv mavjud emasligi bois kasbiy kompetentlik tushunchasiga turli xil ta'rifga berilmoqda. Kompetentlik o'quv jarayonida olingan bilim, ko'nikma va malakalar yig'indisi yoki atrof-muhit bilan o'zaro munosabatlardagi muvaffaqiyat darajasi hisoblanadi. Kasbiy kompetentlikni o'qitish bilan emas, balki faoliyat bilan bog'lash yanada o'rinlidir. Professional ta'limi muammolarini o'rganadigan deyarli barcha mualliflarning ta'kidlashicha, to'liq kasbiy kompetentlik faqat faoliyat ko'rsatadigan mutaxassisda namoyon bo'ladi, lekin uning shartlari va alohida jihatlari oliy ta'lim muassasalarida ta'lim olish davrida shakllanadi. [2,3]

Ijodkor shaxsning shakllanishini shaxsning o'zaro mos tarzda bajarilgan ijodiy faoliyat va ijodiy mahsulotlarni yaratish borasidagi rivojlanishi sifatida belgilash mumkin. Ushbu jarayonning sur'ati va qamrovi biologik va ijtimoiy omillar, shaxsning faolligi va kreativ sifatlari, shuningdek, mavjud shart-sharoit, hayotiy muhim va kasbiy shartlangan hodisalarga bog'liq. Ushbu predmet asoslarini pedagogika tarixi, umumiy va kasbiy pedagogika hamda psixologiya, xususiy fanlarni o'qitish metodikasi, ta'lim texnologiyasi va kasbiy etika kabi fanlarning metodologik g'oyalari tashkil etadi. [4] Kreativ pedagogika fanining umumiy asoslari mutaxassis, shu jumladan, bo'lajak mutaxassislarning kasbiy kamol topishlari uchun zarur shart-

sharoitni yaratishga xizmat qiladi. Shaxsning mutaxassis sifatida kasbiy kamol topishi, rivojlanishi o‘z mohiyatiga ko‘ra jarayon tarzda namoyon bo‘ladi. sharoitda pedagogning kreativlik sifatlariga ega bo‘lishi taqozo etadi.

Ta'lim mazmunini va sifatini oshirish, ta'lim samaradorligini oshib borishiga o‘zining ijobiy samarasini ko‘rsatadi. Ushbu yo‘nalishda ta'lim mussasalarida ko‘plab amaliy ishlar olib borilmoqda. Ammo ko‘pchilik o‘qituvchilar o‘zlarida hamda talabalarda kreativlik sifatlarini qanday qilib samarali shakllantirish tajribasini o‘zlashtirish qiyin kechmoqda. Ta'lim tizimini boshqarish organlari har yili ta'lim muassasalarida yuqori samaradorlikka erishishga e'tibor qaratadi. Ana shu maqsadda o‘quv dasturini ishlab chiqiladi, yangi o‘quv darsliklari yaratiladi. Bu esa ham talabalar, ham o‘qituvchilarni kasbiy o‘sishlariga yordam beradi. Olib boriladigan amaliy harakatlar talabalarda yutuqlarga erishish, olg‘a intilishga bo‘lgan ehtiyojni muayyan darajada yuzaga keltiradi, ularning o‘quv-bilish qobiliyatlarini bir qadar rivojlantirishga yordam beradi. Biroq, professional ta'lim muassasalarida talabalarning fanlarni o‘zlashtirishlarida yuqori darajadagi ijobiy natijalar kuzatilmayapti. Ko‘plab talabalarning ta'lim olishga nisbatan qiziqishlari talab darajada yuqori emas. Buning sababi nimada? Balki darslarning avvaldan o‘ylab, rejalashtirilib qo‘yilishi talabalar uchun qiziq bo‘lmayotgandir, balki ta'lim mazmunining muayyan qolipga solinganligi talabalar uchun hech qanday motivatsiya bermayotgandir, rag‘bat bildirmayotgandir. O‘quv mashg‘ulotlarining avvaldan rejalashtirilishidan voz kechish, talabalarda tanqidiy, kreativ tafakkurni shakllantirish va rivojlantirish, ularni ijodiy fikrlash, yangi g‘oyalarni o‘ylab topishga majbur qilish ta'lim olishga bo‘lgan munosabatni o‘zgartirish, ularni yutuqlarga erishishga rag‘batlantirishda asosiy omil bo‘lar. O‘quv mashg‘ulotlarida yetishmayotgan omil – kreativlik sanaladi. Shaxsda kreativlik sifatlarini rivojlantirish jarayonining umumiy mohiyatini to‘laqonli anglash uchun dastlab "kreativlik" tushunchasiga mutaxasis olimlarning qarashlariga e'tiborni qaratsak. Ken Robinsonning fikriga ko‘ra, "kreativlik – o‘z qiymatiga ega original g‘oyalar majmui" sanaladi. Gardner esa o‘z tadqiqotlarida tushunchani shunday izohlaydi: "kreativlik – shaxs tomonidan amalga oshiriladigan amaliy harakat bo‘lib, u o‘zida muayyan yangilikni aks ettirishi va ma'lum amaliy qiymatga ega bo‘lishi lozim". Emebaylning yondashuvi nuqtai nazaridan ifodalansa, kreativlik "muayyan soha bo‘yicha o‘zlashtirilgan puxta bilimlar bilan birga yuqori darajada noodatiy ko‘nikmalarga ham ega bo‘lish" demakdir.[5]

Pedagogik kreativlik pedagogning an'anaviy pedagogik fikrlashdan farqli ravishda ta'lim va tarbiya jarayoni samaradorligini ta'minlashga xizmat qiluvchi yangi g‘oyalarni yaratish, shuningdek, mavjud pedagogik muammolarni ijobiy hal qilishga bo‘lgan tayyorgarligini tavsiflovchi qobiliyati. Pedagogning kreativlik potentsiali uning umumiy xususiyati sifatida aks etadi. U ijodiy faoliyatning dastlabki sharti va natijasi sanaladi. Mazkur sifat shaxsning o‘z-o‘zini namoyon qilish layoqatiga egalik va tayyorlikni ifodalaydi. Qolaversa, kreativ potentsial negizida har bir mutaxassisning shaxsiy qobiliyatlari, tabiiy va ijtimoiy quvvati yaxlit holda namoyon bo‘ladi. Kreativ

potentsial bilish jarayoniga yo‘naltirilgan ijodkorlik bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib, an'anaviy tafakkur yuritishdan farqli ravishda tafakkurning tezkorligi va egiluvchanligida, yangi g‘oyalarni yaratish qobiliyati, shuningdek, shaxs xarakteriga xos jihatlar - bir qolipda fikrlamaslik, o‘ziga xoslik, tashabbuskorlik, noaniqlikka toqat qilish, zakovatli bo‘lishda aks etadi.

Adabiyotlar

[1] А.М.Касимахунова, Г.Х.Ахмедова. И.М.Парпиев. Интерактивный метод обучения учащихся средних школ и студентов по предмету солнечная энергетика. Сборник материалов Республиканской научно-технической конференции по теме “Современное состояние и перспективы использования источников альтернативной энергии”, Нам.СИИ, 20-23-апреля, 2020г. стр.18-20.

[2]. Shakhodjaev M. A. Self-education and methods of its organization in the technical branches of education // Scientific Bulletin of Namangan State University. 2020. T. 2. № 6. P. 426- 432.

[3]. Akhmedovich S. M., Rafiqjonovich P. S., Abdukaharovich A. A. Factors of professional training in the system of vocational education (power engineering) // academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. 2020. V. 10. №10. P. 1238-1241.

[4].. M.A.SHaxodjaev, “Texnika yo‘nalishlarida mustaqil ta'limni tashkil etish metodikasi” Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti,Ta'lim tizimida ijtimoy – gumanitar fanlar ilmiy axborotnomasi 2020yil №1 116-119 betlar.

[5]. Kasimakhunova A.M., Shakhodjaev M. A. “Обучение студентов и прививание навыков проведения научных экспериментальных исследований” International Scientific Journal Theoretical & Applied Science Year: 2022 Issue: 02 Volume: 106 Published: 17.02.2022 http://T-Science.org 230-234 pages.

OLIY TA`LIM FAOLIYATIDAGI MUHIM OMILLAR

Ermatov Ilhomjon Ismoiljonovich, Sanoat ishlab chiqarishini tashkil etish kafedrasi katta o`qituvchisi
Andijon mashinasozlik instituti

Mustaqillik yillarida respublikamizda milliy ta`lim va tarbiya tizimi davlat siyosatining asosiy ustuvor yo`nalishi darajasiga ko`tarildi. O`zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimovning bevosita rahbarligida ishlab chiqilgan va jahon hamjamiyati tomonidan keng e`tirof etilgan Kadrlar tayyorlash

milliy dasturining muvaffaqiyatli joriy etilishi natijasida yurtimizda noyob, uzluksiz ta`lim tizimi barpo etildi.

Muhtaram Prezidentimiz SHavkat Mirziyoev o`z ma`ruzalari va chiqishlarida, milliy o`zligimizni jahon miqyosiga anglanib, e`tirof etilishiga buyuk hissa qo`shgan allomalarimiz ilmiy merosini yuksak e`tibor va qunt bilan o`rganish, ularni asrab-avaylashga, ta`lim-tarbiya ishlarini tashkil etish va rivojlantirishda ilmiy-adabiy va axloqiy fazilatlarimiz, davr talabi hamda yaqin va uzoq istiqbolni chuqur his qilgan holda ish yuritish, kasb-kor va mehnat faoliyati sohasidan qat`i nazar o`z bilim, malaka va mahoratimizni muntazam oshirib borishga chorlamoqdalar. Zero, ushbu mas`uliyatli fuqarolik burchi mamlakatimiz ijtimoiy-iqtisodiy farovonligiga oz bo`lsa-da munosib hissa qo`shishimiz imkonini beradi.

Insoniyat taraqqiyotining hamma davrlarida, ayniqsa, zamonaviy jamiyatda milliy soha va tarmoqlar rivoji va taraqqiyot sur`ati hamda ko`lami bevosita ta`lim, xususan oliy ta`lim sifati, ya`ni uning asosi yaratilishi, tashkil etilishi, ijrosi, nazorati, boshqaruvi, oqilona tahlili asosida aniq chora-tadbirlarning izchil amaliyotiga bevosita bog`liqdir.

Oliy ta`lim sohasida Prezidentimizning 2017 yil 20 apreldagi "Oliy ta`lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to`g`risida"gi 2909-sonli hamda 2017 yil 27 iyuldagi "Oliy ma`lumotli mutaxassislar tayyorlash sifatini oshirishda iqtisodiyot sohalari va tarmoqlarining ishtirokini yanada kengaytirish chora-tadbirlari to`g`risida" 3151-sonli Qarorlari qabul qilingan. Mazkur qarorlar oliy ta`lim tizimida keskin sifat ko`rsatkichlari va uning natijasi o`laroq mamlakatimiz barqaror ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyoti sari qo`yilgan salmoqli qadam bo`ldi. Ushbu qarorlar asosida O`zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo`yicha Harakatlar strategiyasi bilan uyg`unlashgan me`yoriy-huquqiy hujjat bo`lib, unda oliy ta`lim tizimini kompleks rivojlantirishga qaratilgan dastur yaratildi. Qolaversa, O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi "2022 — 2026 yillarga mo`ljallangan yangi O`zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to`g`risida"gi PF-60-son Farmoni asosida ta`lim tizimining barcha bosqichlari taraqqiyotining eng maqbul jihatlarini ta`minlashga qaratilgan qator ustuvor vazifalar belgilandi.

Fikrimizcha, oliy ta`lim tizimini kelgusida rivojlantirishning eng muhim ustuvor vazifalari soha amaliyotida ta`bir joiz bo`lsa, "SHlyuz" tizimini harakatlantirdi. SHlyuz – gollandcha Sluis, lat. Exclude – bo`laman, ya`ni kema qatnovida kemalar (barjalar)ni daryo va kanallarda bir suv sathidan ikkinchi suv sathiga o`tkazadigan gidrotexnika inshooti.

Endilikda ta`lim sohasida zamonaviy xalqaro bilim va umumjahon standartlariga mos tajriba va mahoratga ega bo`lish, professor-o`qituvchilari va talabalar eng qimmatli bilimlarni o`ta tez fursatda o`zlashtirishlari va ommalashtirib, amaliyotga joriy etishlari muhim. Zero, ilm-fan zamonaviy taraqqiyot davrida eng muhim, qudratli ishlab chiqaruvchi kuchdir.

Yurtimizdagi barcha oliy ta`lim muassasalari yuqori malakali mutaxassislarni milliy xo`jaligimizga tayyorlab berish maqsadiga yo`naltirilgan. Ushbu dolzarb maqsadga tizimli istiqbolni ko`zlagan holda erishish uchun, yurtimizdagi oliy o`quv yurtlari tomonidan bakalavriat va magistratura ixtisosliklarining hamma sohalariga, tegishli fanlar namunaviy-o`quv dasturlari ishlab chiqilmoqda. Oliy va o`rta maxsus ta`lim vazirligi tomonidan tasdiqlangan ushbu dasturlardan barcha oliy o`quv yurtlarida ta`lim jarayoni va tarkibini tashkil etishda birxillashtirilgan asos sifatida foydalaniladi. Bunda professor-o`qituvchilar tomonidan talabalarga, tegishli fan o`quv dasturidagi mavzu va undagi mavzuosti barcha bo`limlarni to`liq asoslab, o`rgatilishi o`ta muhim. Chunki, mazkur qism tegishli sohaning eng yetuk olimlari tomonidan zamonaviy xalqaro standartlar talabiga hamda yurtimizdagi bugungi kun va kelajak istiqbolidagi muammolar yechimiga muvofiq ishlab chiqilib, amalga kiritilgan. Bunda fan mohiyati talabalar ongiga mukammal yetkazilgan holdagina, ular tomonidan muammo dolzarbligi, teran jihatlari anglanib, mazmundorligi hamda ijobiy samarasi, ya`nikim amaliy-hayotiy tatbiq etish imkoniyatlari ortadi.

Ma`lumki, mahsulot ishlab chiqarish jarayonida oliy sifat birlamchi maqsad bo`lib, ushbu natijaga xomashyo yuqori sifatli bo`lishi, ishlov beruvchi yuqori malakaga egaligi, zarur texnologik ishlov bosqichlari belgilangan tartibda to`liq o`tkazilishi va nihoyat texnik sifat nazoratining adolatli xulosasi orqali erishiladi.

Ushbu shartlarni oliy ta`lim jarayoniga tatbiq etiladigan bo`lsa:

- xomashyo yuqori sifatli bo`lishi – talaba abiturientlik davri nihoyasida barcha umumta`lim fanlardan teran bilimlarga egaligi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov "Barkamol avlod orzusi" asarida kuyunib shunday degan edilar: "Ta`lim-tarbiya islohoti haqida gapirar ekanmiz. Uning mazmunini lo`nda qilib ifoda etish mumkin: Bizga bitiruvchilar kerak emas, maktab ta`lim-tarbiyasini ko`rgan shaxslar kerak.

SHu joyda yana bir og`ir savolga duch kelamiz: bolalar qaysi sinfdan boshlab mustaqil fikr yurita boshlaydi, umuman, maktablarda bolalar mustaqil fikr yuritishga o`rgatiladimi, aminmanki o`rgatilmaydi."

Darhaqiqat, maktab deganda faqat boshlang`ich va umumta`lim jarayoninigina nazarda tutmay, uning uzviy davomi va sifat bosqichi bo`lgan o`rta-maxsus va oliy ta`lim sohalarini ham hisobga olish zarur;

- ishlov beruvchi – professor-o`qituvchini tegishli fan mavzulari, nazariy va amaliy qirralari bo`yicha chuqur bilim, mahorat va ko`nikmalarini o`zlashtirgan bo`lishi;

- texnologik ishlov davri – o`quv semestlaridagi barcha mashg`ulotlar o`z vaqtida, yuqori sifat mezonlari asosida olib borilishi;

- texnik sifat nazorati, ya`ni joriy, oraliq va yakuniy nazoratlarni ochiq, shaffof va adolatli tashkil etilishi va xulosa qilinishi zarur bo`ladi.

Oliy ta`limni sifatli tashkil etish bo`yicha amalga oshirilishi zarur deb hisoblaganimiz, yuqorida ko`rsatib o`tilgan shart-sharoitlarining samarasi sifatida 1-jadval ma`lumotlariga asoslanib kuyidagi fikrlarni taklif sifatida berishimiz mumkin:

1-jadval

Oliy ta`limni tashkil etish sifati bo`yicha ayrim ko`rsatkichlari

t/r.	Ilmiy tashkil etilgan	Yaxshi tashkillashtirilgan	An`anaviy usul va uslublar majmui
1.	Fan-ta`lim-ishlab chiqarish integratsiyasi Fan>ta`lim>ishlab chiqarish	Fan>ta`lim<ishlab chiqarish	(Fan>ta`lim)<ishlab chiqarish
2.	Ishlab chiqarish maktabi-kadrlar tayyorlashdagi uzviylik	Yuqori malakali kadrlar salmog`i o`suvchan<barqaror jamoalar	Malakali kadrlarga ehtiyoj mavjudligi, qo`nimsizlik
3.	Ta`lim va ishlab chiqarish aloqalari, kalendar yillik bir chorakdan ortiq	Bir chorak (3 oy) dan kichik	Ta`lim va ishlab chiqarish aloqalari beqaror
4.	Iqtidorli talabalar ulushi (umumiy kontingentdagi PO`lar ulushi +15%)	Umumiy kontingentdagi professor-o`qituvchilar ulushi darajasida	Professor-o`qituchilar ulushidan kichik
5.	Bitiruvchilarning ishga joylashishi, (asosiy salmoq magistratura va aniq ixtisoslik bo`yicha)	Magistratura va aniq ixtisoslik bo`yicha joylashish sur`ati o`suvchan	Asosiy ulush xususiy sektorda
6.	Ilmiy salohiyat o`sish ko`rsatkichi, yillik 10 foiz va undan ortiq	4% dan yuqori	Yillik 4% atrofida
7.	Innovatsion g`oya va ishlanmalar tatbiq etilishi (ta`lim dargohi mablag` tushumlarida katta salmoq)	Moliyaviy mablag` tushumlari o`suvchan	Tushumlar o`zgarmas yoki tebranuvchan

Manba: Muallif ishlanmasi.

1.Fan-ta`lim va ishlab chiqarish integratsiyasi zamonamizning ilg`or talablariga mos bo`lishi shart va bu qanchalik murakkab bo`lmasin, ayni ishlab chiqarishga nisbatan ta`lim va ta`limga nisbatan esa fanning ilgarilab boruvchi sur`atlariga bosqichma-bosqich erishishni davr taqozosi sifatida oldimizga qo`ymoqda. Buning muhimligi shundaki, ta`lim jarayonida hozirgi kundagi ilg`or ishlab chiqarish yutuqlarini puxta o`zlashtirish bilangina kifoyalanish emas, uning muammolarini topib bartaraf etishga qaratilishi kerak. CHunki, hozirgi kun natijalarini ma`lum darajada o`rganish bilan talabaning kelgusi 4 yillik istiqbolda eskiruvchan bilimlar bilan qurollantirishga olib keladi;

2.Yuqori malakali kadrlar tayyorlashda mavjud ijtimoiy-iqtisodiy tizim o`zgarish istiqbollari, qisqa va uzoq taraqqiyot strategiyalariga moslashish zarur;

3.Ta`lim va ishlab chiqarish aloqalari kalendar yilining kamida 25 foizini tashkil etishi zarur, sababi talaba kamida bir oy mobaynida mavjud ishlab chiqarish vaziyatiga moslashish va o`rganish xarakterida bo`ladi, shunda 4 yil davomida bakalavr to`liq 1 yillik ishlab chiqarish tajribasini o`rganadi. Bunda talabalarni 2 qismga ajratib, birini innovatorlar, ya`ni ilg`or fikrlovchi tashabbuskorlar, yana bir qismini o`rganuvchilarga tarkiblashtirilsa, sifatli natijaga intilish ortadi;

4.Iqtidorli talabalar ulushi oliy ta`lim dargohi umumiy kontingentidagi professor-o`qituvchilar ulushidan kamida 15 foizga ko`p bo`lishi, shu ulushdagi o`zgarish bilan ham mavjud tarkibni takror yaratish asosini beradi;

5.Ilmiy salohiyat o`rtacha o`sishi yillik 4 foiz bo`lganida o`rtacha 25 yillik ish staji hisobidan salohiyat o`simi 0 ga teng va bu eng past natijadir. Rivojlangan davlatlar tajribasida bu ko`rsatkich 10 foizdan ortiq;

6.So`nggi paytlarda oliy ta`lim muassasalariga moliyaviy mustaqillik tartiblari bosqichma-bosqich tatbiq etilayotganini hisobga olib, endilikda innovatsion g`oya va ishlanmalar amaliyotga, keng ishlab chiqarishga tatbiq etilishi natijasida tushumlar bosqichma-bosqich ko`payib, o`suvchan tarzga yetishi va moliyaviy mablag`lar tushumida katta salmoqni tashkil etishi maqsadga muvofiqdir.

Bizning fikrimizcha, o`quvchi va talabaning, umuman insonning mustaqil fikrlash qobiliyati - u tomondan bildirilgan munosabat, amalga oshirilgan xatti-harakatni jamiyat a`zolari tomonidan oqilona deb baholanishi hamda bu xulosa tobora o`zining ijobiy sifatlarini saqlashi va ta`sir kuchi, ko`lamini oshirib borishida namoyon bo`ladi.

Adabiyotlar

1.O`zbekiston Respublikasining "Ta`lim to`g`risida"gi Qonuni. Toshkent: O`zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. 1997 y., 9-son.;

2. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi "2022 — 2026 yillarga mo`ljallangan yangi O`zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to`g`risida"gi PF-60-son Farmoni;

3.O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 27 iyuldagi "Oliy ma`lumotli mutaxassislar tayyorlash sifatini oshirishda iqtisodiyot sohalari va tarmoqlarining ishtirokini yanada kengaytirish chora-tadbirlari to`g`risida"gi 3151-sonli Qarori;

4.O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 apreldagi "Oliy ta`lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to`g`risida"gi 2909-sonli Qarori;

5. Karimov.I.A. "Barkamol avlod orzusi". T: SHarq, 1998 yil;

6.Azizxodjaeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – T.: Moliya, 2003;

7.Ishmuhamedov R., Abduqodirov A., Pardaev A. Ta`limda innovatsion texnologiyalar (ta`lim muassasalari pedagog-o`qituvchilari uchun amaliy tavsiyalar). – T.: "Iste`dod" jamg`armasi, 2008.

8. Internet saytlari:
https://lex.uz/search/all?form_id=3972&fyear=2017
https://lex.uz/dictionary
https://lex.uz/law_collection
https://lex.uz/docs/5841063

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРМОҚЛАРИДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ЖОЗИБАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ БАҲОЛАШ

Мавлянов Алишер Мухаммадович
Андижон давлат университети "Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш" мутахассислиги магистранти

Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб қилишда "очиқ эшиклар" сиёсатини олиб борилиши Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, жаҳон бозорида ўз мавқеига эга бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг негизида ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилиши ва ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда мунтазам равишда чет эл сармояларини жалб этиш назарда тутилган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришда хорижий сармоядорлар билан алоқа ўрнатишга, уларниг ишончини қозонишга ва иқтисодиётимизга доимий равишда хорижий инвестициялар оқимини кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилган[1].

Шаҳар ва туманларнинг ЯҲМдаги 1 %лик хиссасига тўғри келадиган инвестицциялардаги улуши юқори бўлган худудий субъектлардан айримлари маҳсулотнинг инвестиция сиғими юқорилиги (масалалан, Бўстон туман 0,63%, Улуғнор тумани 0,81%, Избоскан тумани 0,85%) улар ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги билан изоҳланса, бошқалари (Андидон шаҳрида 2,9%, Шахрихон тумани 1,81%, Хўжаобод 1,85%, Хонобод шаҳрида 1,13%)даги бу юқори кўрсаткич мазкур худудлар иқтисодиётининг индустриялашув даражаси юқорилиги, ихтишошлашувида саноат тармоғининг устувор ўрин эгаллаши натижаси ҳисобланади. ЯҲМдаги салмоғига асосий капиталга киритилган инвестициялар ва банд бўлганлардаги улуши (тегишли равишда 10.6%; 9.7%; 9.9%) деярли тўлиқ мос келган ягона туман бу Хазорасп тумани ҳисобланади. Тумнларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари

уларнинг қайд қилиб ўтилган кўрсаткичлар бўйича кескин фарқланишини юмшатиб "харажат" (капитал ва ишчи кучи) ва "натижа" (ЯҲМ) нисбатини мумкин бўлган даражагача мувозанатлаштириб боришини тақозо этади.Шаҳар ва туманларнинг ЯҲМдаги 1,0 %лик улушига тўғри келадиган банд бўлганлардаги энг кам хисса Бўстон тумани (0,52%), Мархамат тумани (1,0%) ва Андижон тумани (1,03%) га тўғри келган. Бошқа барча шаҳар ва туман субъектларда мазкур кўрсаткич 1,0%дан юқори даражани ташкил қилинган. ЯҲМниг 1 %га ўсишига тўғри келадиган инвестициялар ўсишии кўрсаткичи асосида шаҳар ва туманларда капитал қўйилмалар ва умуман иқтисодий ўсиш самарадорлигини қиёсий баҳолаш мумкин [2].

1-жадвал.

Андижон вилоятининг ЯҲМ, асосий капиталга киритилган инвестициялар ва банд бўлганлар (2020 йилга нисбатан) улуши % ҳисобида [4]

Шаҳар ва туманлар	ЯҲМдаги улуши	Асосий капиталга киритилган инвестиция-ларнинг ўсиш суръати	Банд бўлган-лардаги улуши	ЯИМ 1%лик улушига тўғри келадиган	
				Инвестициялар	Банд бўлганлар
Андижон ш.	11,3	299,4	11,1	2,9	2,15
Хонобод ш.	9,3	90,0	9,4	1,13	1,52
Андижон	7,5	161,9	6,5	1,0	1,03
Асака	9,8	287,1	9,6	1,21	1,32
Балиқчи	9,7	281,2	9,1	1,17	1,12
Булоқбоши	9,2	127,9	6,5	1,09	1,60
Бўстон	8,2	123,6	3,3	0,63	0,52
Жалалқудуқ	8,3	118,1	3,1	1,01	1,05
Избоскан	8,5	138,7	6,9	0,85	1,66
Қўрғонтепа	8,0	153,7	4,7	0,81	1,31
Мархамат	8,5	172,4	7,9	1,04	1,0
Олтинкўл	7,5	195,7	5,5	1,11	1,42
Пахтаобод	7,5	185,2	5,6	1,07	1,21
Улуғнор	7,6	102,0	10,7	0,81	1,64
Хўжаобод	6,8	206,1	3,5	1,85	1,1
Шахрихон	7,6	212,9	8,4	1,81	1,3

Мазкур кўрсаткич 1,13% дан 1,96% гача бўлган туманларда маҳсулотнинг инвестиция сиғими нисбатан паст, инвестиция қайтими ва капитал қўйилмалар бўйича ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодий ўсиш самарадорлиги бирмунча юқори бўлган туманлар ажратилади.2021 йилда жами асосий капиталга киритилган

инвестицияларнинг деярли ярмидан кўпи, яъни 58,9 фоизи вилоятнинг 3 та тумани ҳиссасига, жумладан Андижон шаҳри 33,9 фоиз, Шахрихон тумани 14,5 фоиз ва Хўжаобод тумани 10,4 фоизи тўғри келган.

Айрим туманларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Жумладан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Андижон шаҳри 299,4 фоиз, Шахрихон тумани 212,9 фоиз, Хўжаобод тумани 206,1 фоиз Олтинкўл тумани 195,7 ва Мархамат тумани 172,4 фоиз ўсиш кузатилган.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 11,9 фоизни ташкил қилди.Шунингдек, 2021 йилда Андижон вилоятига жами 355,5 млрд.сўмлик хорижий инвестициялар, шу жумладан, кредитлар 202,9 млрд сўмлик ўзлаштирилди. Жумладан, Андижон шаҳри 217,1 млрд. сўм, Хонобод шаҳри 10,6 млрд. сўм, Шахрихон туман 60,5 млрд. сўм, Хўжаобод туманига 25,5 млрд сўмлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилган. Андижон вилоятининг Боғот туманига 0,9 млрд сўмлик энг паст хорижий инвестиция ўзлаштирилган. Шунингдек, вилоятнинг Избоскан ва Бщстон туманларига хорижий инвестиция маблағлари ўзлаштирилмаган. Бунинг натижасида 2020 йилда вилоят иқтисодиётида концентрация даражаси бузилган ёки ЯҲМ улуши 2020 йилга нисбатан 3,7 фоизни ўтган йилдаги ЯҲМга нисбатан солиштирилганда 0,1 фоизга камайганлигини кўриш мумкин[3].

Андижон вилоятига ўзлаштирилган хорижий инвестицияларнинг 61,1 фоизи Андижон шаҳрига, 17,0 фоизи Шахрихон туманига тўғри келган. Шунингдек, Хўжаобод тумани 7,1 фоиз, Мархамат тумани 5,6, Хонобод шаҳри 3,0 фоиз, Булоқбоши тумани 2,6 фоизни ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, вилоятда хорижий инвесторларнинг жалб этиш даражаси бошқа вилоятларга нисбатан солиштирилганда паст даражададир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шаҳар ва туманларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда қуйидаги муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда:

-тадбиркорларнинг бизнес-кўникмалари, шу жумладан, инвестиция лойихалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимларининг етарли эмаслиги-худудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш;

-лойиха ташаббускорлари молиявий-иқтисодий ҳолатининг ночорлиги-инвестиция дастурлари ва худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш таклиф этилаётган лойиҳалар ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий холатининг махаллий ҳокимликлар ва тижорат банклари томонидан чуқур таҳлил қилиниши;

-инвестиция таклифлари ва лойиха техник-иқтисодий асосларининг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги-тадбиркорларга инвестиция

лойихаларини ишлаб чиқаришда тижорат банклари, худудлапрдаги савдо-саноат палатаси ва бошқа масъул идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий хокимликлар томонидан ташкил этиш ва доимий назоратга олиш;

Адабиётлар:

1. У.В.Ғафуров, Ф.М.Беккулбеков, Қ.Қ.Мамбетжанов. Иқтисодий тизимлар трансформациялашуви жараёнлари назарияси. Тошкент, "Фан ва технология", 2013 йил, 115-бет.
2. З.Акбарова. Меҳнат статистикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2019 йил, 69-70-бетлар.
3. Турсунов Б.О. Экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишда рақобат муҳитининг ўрни. "Innovatsion texnologiyalar" илмий журнали. №3 (27) 2020 й. 55-бет;
4. Андижон вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАЛАРИНИ МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙФАОЛИЯТИДАГИ ТАҲЛИЛИ

Турғунова Дилфуза Мухаммадабдуллаевна
Андижон давлат университети "Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш" мутахассислиги 2-босқич магистранти

Вилоят қтисодиётини муҳим тармоқларини таҳлил қилиш жараёнида Республика энергетика мустақиллигига эришган тақдирдагина тўла мустақил бўла олади, деб таъкидланган. Юртбошимизнинг бу фикриҳаётий ҳақиқат эканлиги амалда намоён бўлган. Йирик ишлаб чиқариш ваилмий-техниксалоҳиятгаэга«Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ корхоналарнинг электр энергетикаси миллий иқтисодиётни ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган.

«Ҳудудий электр тармоқлари» корхонаси ўзнавбатида, Ўзбекистон табиий сув оқимларининг гидроэнергетикақувватидан фойдаланиш лойиҳаси ҳам якунламоқда. Мазкур лойиҳа натижасида юқори иқтисодий самарадорликка эса бўлган ГЭСларни қуришимкониятиўрганилди. Пировардида, улар тармоқни ривожлантириш дастурига киритилган. Андижон вилояти электор тармоқларида янги энергия манбаларидан фойдаланишни улкан имкониятлари мавжуддир. Шу сабабли мутахассислар фикрига кўра, 2022-2026 йиллар учун Ўзбекистондаги янги энергия манбаларини техник захираси 224,0 млн. тонна шартли ёқилғи миқдорида белгиланган [1]. 2022 йилда юқоридаги қийматдан

атига 20,6 млн. Тонна шартли ёқилғи миқдорида фойдаланилмоқда. Бу кўрсаткич 2022 йил учун янада оширилиши кўзда тутилган.

1– жадвал

Андижон вилояти ҳудудий электр тармоқлари корхоналаринингмолиявийҳолати млн.сўм (2015–2021йилларда) [5]

Кўрсаткичлар	**2015 йил**	**2018 йил**	**2021 йил**
Корхона буҳгалтерия балансининг актив ва пассивлари ҳажми	864109,3	-	1435634,6
Дебиторлик қарзлари	-	240823,3	950134,2
Кредиторлик қарзлари	322665,1	-	871245,4
Ўзлик маблағларининг манбалари	435345,0	654623,1	-
Узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар	-	452454,6	50675,8
Заҳира ва харажатлар (жами)	36104,5	-	3723,8

Ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини 2015-2021 йиллардаги бухгалтерия балансини актив – пассив қисми таҳлил қилинган.Корхоналар активи жами 2015 йилда 864109,3млн. Сўмни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда 1435634, 6 млн.сўмни ёки 1,5 мартага ошганлигини кўриш мумкин. Корхоналар фаолиятида мулкни кўпайиши оборот активлари ҳисобини оширган. Жумладан, дебиторлик қарзлик2018 йилда 240823,3млн сўмни, 2021 йилда 950134,2млн сўмга етган. Инновацион иқтисодиёти шароитида корхоналарни фойдалилик даражаси, истеъмол қилинган электр сарф - харажатлари ҳамда капитал қўйилмалар ҳисобига амалга оширилган фойда ҳажми аниқланган.

Иқтисодий адабиётларда рентабеллик даражасини аниқлашни 11 турдаги кўрсаткичлар тизими орқали аниқланади. Шу сабабли корхоналарнинг рентабеллик даржасини келтирилган [2].

2-жадвал

Андижон вилояти ҳудудий электр тармоқлари корхоналаридамаблағларнингҳаракатчанликкоэффициенти[5]

№	**Кўрсаткичлар**	**2016**	**2017**	**2018**	**2019**	**2020**	**2021**	**2016 йилнинг2021 йилда-гиданфарқи**
1	Активларнинг айланиш коэффициенти	1,42	1,49	1,51	1,55	1,67	1,49	**0,07**

2	Ўзига қарашли капиталларнинг айланиш коэффициенти	1,13	1,26	1,39	1,54	2,21	2,34	**1,21**
3	Ишлаб чиқариш захираларининг айланиш коэффициенти	9,34	8,45	7,37	6,32	14,41	15,21	**5,87**
4	Заём маблағларининг Айланувчанлик коэффициенти	1,21	1,34	1,43	1,65	1,69	1,27	**0,06**
5	Дебиторлик қарзларининг айланишкуни	212,1	192,7	187,8	198,1	342,3	256,2	**44,1**
6	Кредиторлик қарзларининг айланишкуни	521,2	566,2	323,1	341,0	232,3	287,1	**-234,1**

Андижон вилояти ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини рентабеллик даражаси, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, қўшимча олинган қиймат ва жамғармалардан оқилона фойдаланилган. Ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг 2016–2021йиллардаги рентабеллик кўрсаткичи 2016 йил активларнинг айланиш коэффициенти 1,42 га, 2021 йилда 1,49га ёки 0,07 коэффициентга фарқ чиққан. Заём маблағларининг айланувчанлик коэффициенти эса 2016йилда1,21 га,2021йилда бу кўрсаткич 1,27 ни ташкилқилган [3].

Энергетика соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланиши зарур:

Энергетика тармоқларини монополиядан чиқариш тадбирларини секин - аста амалга ошириш, давлат томонидан тартибга солиш даражасини пасайтириш, электр энергиясини сотиш, хўжалик субъектларининг электр узатиш йўналишига тенг кириш имкониятлари ва шароитларини таъминлаш;

Энергетика тармоғи йирик корхоналарини-иссиқлик электр станциялари, иссиқлик энергияси марказларини, электр тармоқлари корхоналарини босқичма-босқич акционерлаштириш;

лойиҳа, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларини амалга оширадиган корхона ва ташкилотлар, ижтимоий инфратузилма объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, уларнинг негизида нодавлат мулкчилиги шаклидаги корхоналарни, шужумладан, хусусий корхоналарни тузишни тезлаштириш;

энергетика корхоналарини акционерлаштириш, генерацияловчи қувватлар ва электртармоқларини реконструкциялаш, техник қайта қуроллантириш ва

янада ривожлантириш жараёнига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш [4];

электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва сотиш бўйича хўжалик алоқалари ҳамда бошқарув тизимига бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш;

энергетика қувватлари ва кўмир саноатининг мувозанатлашган ривожланишини таъминлаш.

Эскирган электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва узатувчилар асбоб-ускуналарнинг ишлаш қобилиятини ошириш ва модернизациялаш учун алоҳида тугун ва қисмларни алмаштириш орқали мавжуд иссиқлик электрстанцияларида мажмуавий тадбирлар ўтказилиши кўздатутилган. Кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш ишлаб турган электр станциялари қувватларини ошириш ва ускуналар ресурсларини яна бир қанча йилга узайтириш имкониятини беради.

Адабиётлар:

1. Давлатактивларинибошқариш,монополиягақаршикурашишнитартиб га солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирларитўғрисида.№ ПФ-5630,14.01.2019
2. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида.№ПҚ-4126,24.01.2019.
3. УрмоновН.Т., МустафакуловШ.И. Молиявий-иқтисодий таянч сўзларга қиёсий изоҳли луғат. Ўқув-амалийқўлланма.–Т.: Молиянашриёти,2016.-264б.
4. www.gkk.uz.-Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитаси сайти.
5. Андижон вилояти ҳудудий электр тармоқлари корхоналари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

TIZIM ELEMENTLARINING O'ZARO BOG'LIQLIK XUSUSIYATLARI

Ph.D.Abdullaev Baxodir Abdug'afforovich
Andijon mashinasozlik instituti, SIChTE kafedrasi dotsenti.

Tizimli tahlil - bu tizimlar sifatida taqdim etilgan har qanday ob'ektlarni o'rganish, ularni tuzish va keyinchalik tahlil qilishdan iborat tizimlar nazariyasining metodologiyasidir[1].

Tizimli tahlilning asosiy xususiyati shunchaki tahlil usullarini (yunoncha **analysis** - ob'ektni elementlarga ajratish) emas, balki sintez usullarini (yunoncha **synthesis** - elementlarning yaxlit birlikka bog'lanishini) o'z ichiga olganligidir.

Tizimli tahlil qilishning asosiy **maqsadi** mavjud alternativlardan eng yaxshi yechimni topishga asoslangan murakkab muammoni hal qilishda noaniqlikni aniqlash va yo'q qilishdir.

Tizimli tahlildagi **muammo** - bu hal qilinishi kerak bo'lgan murakkab nazariy yoki amaliy masaladir. Qarama-qarshilikning yechimi har qanday muammoning markazida turadi. Masalan, korxonaning strategik maqsadlari va uning imkoniyatlariga mos keladigan innovatsion loyihani tanlash muayyan muammo hisoblanadi. Shu sababli, innovatsion strategiya va taktikani tanlashda eng yaxshi yechimlarni izlash tizim tahlili asosida amalga oshirilishi kerak. Innovatsion loyihalar va innovatsion ishlarni amalga oshirish har doim ham ushbu tizimlarning o'zlari, ham atrof-muhit tizimlari nochiziq rivojlanish jarayonida yuzaga keladigan noaniqlik elementlari bilan bog'liq.

Tizimli tahlil qilish metodologiyasi miqdoriy taqqoslash va amalga oshiriladigan qaror qabul qilish jarayonida alternativalarni tanlash operatsiyalariga asoslanadi. Agar alternativalar uchun sifat mezonlari talablari qondirilsa, ularning miqdoriy baholarini olish mumkin. Mantiqiy baholar muqobillarni taqqoslashga imkon berish uchun ular taqqoslashda ishtirok etadigan alternativalarni (mezon, samaradorlik, xarajat va boshqalar) tanlash mezonlarini aks ettirishi kerak.

Tizimli tahlil qilishda muammolarni yechish tizimning xususiyatlarini saqlab turadigan, yaxshilaydigan yoki belgilangan xususiyatlarga ega yangi tizimni yaratadigan faoliyat sifatida belgilanadi. Tizimni tahlil qilish usullari va muammoni hal qilishning alternativ variantlarini ishlab chiqishga, har bir variant uchun noaniqlik ko'lamini aniqlashga va ularning samaradorligini (mezonlari) variantlarini taqqoslashga qaratilgan. Bundan tashqari, mezonlar ustuvorlik asosida qurilgan. Tizimli tahlilni asosiy mantiqiy **elementlar** to'plami sifatida ifodalash mumkin:

- o'rganish maqsadi - muammoni hal qilish va natijaga erishish;
- manbalar(resurslar) - muammoni hal qilishning ilmiy vositalari (usullar);
- alternativalar - yechimlar variantlari va bir nechta yechimlardan birini tanlash zarurati;
- mezonlar - muammoning yechimliligini baholash uchun vosita (belgi);
- yangi tizimni yaratish modeli[3].

Bundan tashqari, tizimni tahlil qilish maqsadini shakllantirish hal qiluvchi rol o'ynaydi, chunki u mavjud muammoning ko'zgudagi tasvirini, uni yechishning istalgan natijasini va ushbu natijaga erishish mumkin bo'lgan manbalarning tavsifini beradi (1-rasm).



1-расм. Maqsad, natija va manbalar(resurs) o'rtasidagi bog'liqlikning sxematik ko'rinishi

Maqsad konkretlashtirilib, ijrochilar va sharoitlarga nisbatan o'zgaradi. Yuqori buyurtma maqsadi har doim hisobga olinishi kerak bo'lgan noaniqlikni o'z ichiga oladi. Shunga qaramay, maqsad aniq ma'noga ega bo'lishi kerak. Uning ishlab chiqarilishi ijrochilarning tashabbusiga imkon berishi kerak. "Tizimdan ko'ra to'g'ri maqsadni tanlash muhimroq", dedi A.Xoll, tizim muhandisligi bo'yicha kitob muallifi, "noto'g'ri maqsadni tanlash noto'g'ri muammoni hal qilishni anglatadi, noto'g'ri tizimni tanlash shunchaki maqbul bo'lmagan tizimni tanlashni anglatadi" [2].

Agar mavjud resurslar belgilangan maqsadning amalga oshirilishini ta'minlay olmasa, biz rejalashtirilmagan natijalarni olmaymiz. **Maqsad** - bu istalgan natijadir. Shuning uchun, maqsadlarga erishish uchun tegishli manbalarni tanlash kerak. Agar resurslar cheklangan bo'lsa, unda maqsadni to'g'rilash kerak, ya'ni, berilgan manbalar to'plamini olish mumkin bo'lgan natijalarni rejalashtiriladi. Shuning uchun innovatsiyalarda maqsadlarni shakllantirish aniq parametrlarga ega bo'lishi kerak.

Adabiyotlar

1. Tizimli tahlil: O'quv qo'llanma /B.A.Abdullaev, A.Abdullaev, C.Nematova, P. Rahmonnazarov. Farg'ona, 2020 -192b.

2. https://m-eng.ru/uz/cesspool/osnovnye-principy-sistemnogo-podhoda-sistemnyi-podhod-ponyatie.html#

3. https://goaravetisyan.ru/uz/osnovnye-principy-sistemnogo-podhoda-sistemnyi-podhod/

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

АЙСАЧЕВ АБДУЛФОТИХ АБДУЛФАИЗОВИЧ, ТАЯНЧ ДОКТОРАНТ

Андижон машинасозлик институти, Андижон шаҳар, Ўзбекистон

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг жадал тараққиётини таъминлаш учун таркибий ислоҳотларни амалга ошириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Иқтисодиёт стратегиямизнинг устувор йўналишларидан бири камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган

омил – бу қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш кераклиги кўзда тутилган.[1] Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганиш соҳасида ҳудудларнинг алоҳида тармоқ хусусиятлари ва уларнинг ривожланишидаги ўзига хос жиҳатларни ўрганиш яхлит ҳудуднинг таркибий таҳлил аниқлигини оширади. Мамлакатимиз иқтисодиёти таркибий тузилишида бугунги кунгача қишлоқ хўжалиги тармоғининг улуши асосий тармоқ ва соҳалар қаторида сезиларли улушга эга бўлса-да, амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар натижасида яратилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми ортиб борган ҳолда улуши пасайиб бормоқда. Бундай ўзгаришларнинг асосий сабаби сифатида иқтисодиётнинг миллий ва ҳудудий кесимида саноат, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг жадал суръатларда ривожланаётганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.[2]

Мамлакатимизда аграр ислоҳотлар доирасида тадбиркорлик фаолияти шаклларини ривожлантириш бўйича муҳим ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида аграр соҳада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва диверсификациялашни қўллаб-қувватлаш учун тажриба-синов тариқасида инвестициявий дастурларни амалга ошириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб ўтилган.[3]

2019 йил охирида жаҳон мамлакатларини иқтисодий жиҳатдан қийин ҳолатга туширган пандемия шароитида мамлакатимиз иқтисодиётида асосий тармоқлардан бири қишлоқ хўжалиги тармоғи бўлганлигини инобатга олинадиган бўлса, ҳудудлар бўйича қишлоқ хўжалиги тармоғида юз бераётган ўзгариш тенденциялари асосида уни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилагаш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Макро ва мезо даражада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг статистик таҳлили алоҳида мамлакатлар ҳамда минтақа (ҳудуд)лар бўйича кўпгина олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Жумладан, Ё.Абдуллаев ва Н.Соатов[4]лар иқтисодий-статистик таҳлилнинг назарий жиҳатларини, Т.Шодиев[5] қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришнинг эконометрик моделларини назарий ва амалий жиҳатдан, Д.Пармакли[6] қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг ўзига хос жиҳатлари ва қонуниятларини назарий жиҳатдан ўрганишган бўлса, В.Сомов алоҳида ҳудудий бирлик қишлоқ хўжалиги ривожланишини иқтисодий-статистик жиҳатдан таҳлил қилган.[7]

Юқоридаги тадқиқотларда қишлоқ хўжалиги тармоғи ривожланишини макро ва мезо даражада иқтисодий-статистик таҳлил қилиш назарий жиҳатдан ўрганилган бўлса-да, бугунги кунгача мамлакатимиз ҳудудий бирликлари

қишлоқ хўжалиги тармоғи мезо даражада чуқур таҳлил қилиниб, ундаги ўзгариш тенденцияларини аниқлаш асосида ҳудудий тармоқ ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаш бўйича тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилмаган.

Андижон вилояти мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоғида Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятидан кейин энг кўп миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчи ҳудудий бирлик бўлиб, йиллар давомида етиштирилган ҳудудий ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми барқарор ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

Миллий иқтисодиёт ва Андижон вилояти асосий макро (мезо) иқтисодий кўрсаткичларининг ўзгариши, млрд. сўм[8]

саткичлар	Йиллар										
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2
лпи ички улот, млрд. сўм	74042,0	96949,6	120242,0	144548,3	177153,9	210183,1	242495,5	302536,8	406648,5	511838,1	580
лоят ялпи удудий аҳсулоти лрд. сўм)	4349,5	6001,7	7388,7	9602,6	11500,8	13474,6	15628,2	19206,0	26503,0	32897,2	379
амлакат ткичидаги уши (%)	*5,9*	*6,2*	*6,1*	*6,6*	*6,5*	*6,4*	*6,4*	*6,3*	*6,5*	*6,4*	*6*
Миллий исодиётга ритилган естициялар ми, млрд. сўм	16463,6	19500,0	24455,3	30490,1	37646,2	44810,4	51232,0	72155,2	124231,3	195927,3	202
Вилоят исодиётига ритилган естициялар ми, млрд. сўм	726,2	1037,2	1379,9	1462,3	1645,0	1956,5	2188,5	2986,0	4711,9	7452,1	78
амлакат ткичидаги уши (%)	*4,4*	*5,3*	*5,6*	*4,8*	*4,4*	*4,4*	*4,3*	*4,1*	*3,8*	*3,8*	*3*
и қишлоқ	30856,	45285,	55750,0	66435,3	81794,3	99604,6	115599,	148199,	187425,	215672,	166

ўжалиги ҳсулоти, лрд. сўм	7	9					2	3	6	6	
и ҳудудий қишлоқ ўжалиги ҳсулоти, лрд. сўм	2841,1	4264,9	5283,6	6575,4	7992,4	9796,6	11873,4	15290,9	19606,3	24439,4	164
амлакат ткичидаги уши (%)	*9,2*	*9,4*	*9,5*	*9,9*	*9,8*	*9,8*	*10,3*	*10,3*	*10,5*	*11,3*	9

Юқоридаги жадвал маълумотларида келтирилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Андижон вилотининг ҳудудий кўрсаткичлари таҳлили вилоят иқтисодиётининг миллий иқтисодиётдаги аҳамиятини аниқроқ кўриш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги ва унинг иқтисодий самарадорлиги мамлакатимиз аҳолисини турмуш фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутади. Юқорида таъкидланган иқтисодий чора-тадбирларни амалга оширилиши эса қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлиги ошишини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент.: "O`zbekiston" нашриёти, 2021. Б. 149.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси .http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkatmirziyeevning-oliy-25-01-2020.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020– 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5853-сонли Фармони (https://lex.uz/).

4. Абдуллаев Ё.А.Статистика назарияси. Дарслик. – Т.: "Ўқитувчи", 2003. – 214 б; Соатов Н.М. Статистика: олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.:Ибн Сино, 2003. – 744 б.

5. Шадиев Т.Ш. Экономические модели развития сельского хозяйства. – Т.: Фан, 1986. –168 с.

6. Пармакли, Д.М. Экономика сельского хозяйства: учебное пособие для студентов высших учебных заведений / Д.М. Пармакли, А.Е. Шамин, Н. . Коваленко / – Княгинино: НГИЭУ, 2015. ——С. 245.

7. Сомов В.Л. Экономико-статистический анализ развития сельского хозяйства Саратовской области. / Вопросы статистики, 2019, Т.26, № 6. –С. 47-54.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари (http://web.stat.uz/open_data/uz/).

ТАЪЛИМ ТАРБИЯ ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Тўланов Мамасидиқ, катта ўқитувчи
Андижон машинасозлик институти, Андижон шаҳар, Ўзбекистон

Ер юзининг барча бурчакларида ҳам экология муаммоси долзарбдир. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида ва минтақаларида турличадир. Шу нуқгаи назардан, Марказий Осиё минтақасида экологик фалокатнинг ғоят хавфли зоналаридан бири вужудга келганлигиии очик айтишгмумкин. «Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, у бир неча ўн йилликлар мобайнида ушбу муаммони инкор эгиш натижасидагина эмас, балки минтақада инсон ҳаёт фаолиятининг деярли барча соҳалари экологик хатар остида қолганлиги натижасида келиб чиққандир. Табиатга кўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу борада аччиқ тажрибага эгамиз. Бундай муносабатни табиат кечирмайди».[1] Инсон — табиатяинг хужайини, деган сохта социалистик мафкуравий даъво, айниқса, Марказий Осиё миптақасида кўплаб одамлар, бир канча халқлар ва миллатларнинг ҳаёти учун фожиага айланди.

Ерларнинг ниҳояг даражада шўрланганлиги Ўзбекистон учун улкан экологик муаммодир. Сўнгги 50 йил мобайнида суғориладиган ер майдони қарийб 2 миллион гектарга кўпайди, шулардан 1 миллион гектарга яқин ер суғориш учун яроқсиз ҳолатга келди.

Тупроқнинг ҳар хил саноат чиқиндилари ва маиший чиқиндилар билан ифлосланиши реал тахдид туғдирмокда. Турли кимёвий воситалар, зарарли моддалар ва минерал ўғитларни, саноат ва қурилиш материалларини сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг кўпол равишда бузилиши ернинг ифлосланишига олиб келмоқда. Ундан самарали фойдаланиш имкониятларини чекламокда.

Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир. Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди.

Биз 20-25 йил мобайнида жаҳондаги энг йирик ёпик сув хавзаларидан бирииинг йуқолиб боришига гувох бўлмокдамиз. Бироқ бир авлоднинг кўз ўнгида бутун бир денгиз ҳалок бўлган хол хали рўй берган эмас эди. Орол денгизнинг қуриб бориши муносабати билан халқаро, кенг кўламли ахамиятга молик бўлган экологик, ижтимоий-икгисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб мажмуи вужудга келди. Чанг ва туз бўронларининг пайдо бўлиши, фақат Орол бўйида эмас, балки дснгиздан анча наридаги бепоён ҳудудларда ерларнинг чўлга айланиши, иқлим ва ландшафтнинг ўзгариши булар ана шу фожиа окибатларидир.

Бундай экологик вазият оғир оқибатларга олиб келмаслиги мумкин эмас эди. Чунончи, сўнгги йилларда чанг бўронлари кўпайди, қаттиқ қурғоқчилик ва бошқа экологик ҳалокатлар рўй берди. Масалан; 2000 йилда ушбу ҳудудда рўй берган қаттиқ қурғоқчилик натижасида биргина Қорақалпоғистоннинг ўзида қурғоқчилик сабабли 210 минг гектар ёки барча экин майдонларининг 45 фоизида ҳосил нобуд бўлди. 116 минг гсктар июли экинидан атиги 15 минг гектари сақлаб қолинди, холос. Хоразм вилоятида эса шу йили 65 минг гектар майдондаги экин қуриб колди!.

Экологик хавфсизликка тахдид омили Ўзбекистон учун ва умуман, Марказий Осиё минтақаси учун катта аҳамиятга эга эканини ҳисобга олиб, ҳукуматимиз ва давлатимиз атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига катта эътибор бериб келмоқда Табиий муҳитни қўриклашга йўналтирилган қонун хужжатлари қабул қилинмокда.

Экология хозирги замоннинг кенг микёсдаги муаммоларидан биридир. Инсоният оламшумул муаммолар гирдобида қолган бир паллада экология муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ масалалар алоҳида эьтиборга молик ҳисобланади. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида шундай таъкидлайди: " Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш - ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир. Афсуски, ҳали кўплар ушбу муаммога бепарволик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар".[1,112]

Экологик муаммо инсон фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун унинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан оилавий тарбияга боғлик бўлиб колди. Оиланинг таркибий ташкил топиши, мустақил ҳаётга кадам қўяётган ёшларнинг салохияти, насли, уларнинг иқтидори хамда ўзига хос дунёқараши бўлғуси фарзандлар тимсолида ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Фарзандларда жамият олдидаги ижтимоий масъулият хисси, ўзларидаги хусусий манфаатларни ижтимоий, яъни жамият манфаатлари билан муштарак қила олишлари шубхасиз, экологик муаммони ҳал этишда, қолаверса, экологик барқарор жамиятни қарор топа боришида ўта муҳим рол ўйнайди. Бошқача қилиб

айтганда, экологик муаммони ижобий ҳал этилиши инсонлардаги экологик тафаккур, онг, қадрият, дунёқараш, муносабат, масъулият ҳиссининг қай босқичда турганлиги билан белгиланади. Бу масала бевосита инсонлар вояга етиб шаклланадиган оилага бевосита боглиқ бўлиб ҳисобланади. Шунинг учуи ҳам, оилани муқаддас даргох деб билиб, унга мос равишда фаолият кўрсатиш ўзига хос аҳамият касб этади.

Баркамол авлодни тарбиялаш ва мукаммалликка етказиш оиладан бошланади. Инсон ўз ҳаётини оиласиз тасаввур эта олмайди ва мана шу муҳитда у жамият аъзоси сифатида камолотга эришади. Оиладаги тарбия муҳити оилавий муносабатлар маданиятига боғлиқ. Ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги масъулияти, оилада ўрнатилган намунавий тартиб ва ижобий урф-одатлар оилавий муносабатлар маданиятининг нозик қирраларидир. Оилада боланинг маънавияти, яъни ахлоқий қиефаси шаклланади, эзгулик ва ёвузлик, бурч ва масьулият хақидаги тасаввурлари пайдо бўлади.

5. Оила ҳақида гапирар эканмиз, - дейди мустақил давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов, - авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор"[2,448].

Экологик барқарор жамият қарор топишида оиланинг мақоми юқорилигидан келиб чиқиб, бу мақом нуфузини замон талабларига мос тарзда талқин қилиш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим: биринчидан, табиий ва ижтимоий омилларга; иккинчидан, ундаги илғор анъана ва услубларга; учинчидан, маънавий. тарбиянинг ҳолатига, тўртинчидан, оиладаги ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий, экологик ва меҳнат тарбиясига.

Экологик масъулият ҳиссини ўзида мужассалаштирувчи инсонда биологик ва ижтимоий омиллар бир-бирларини тақозо қилиб шартлашлари лозим. Гўдакни ёшлик давриданоқ ўзига хос табиат гўзалликларига ошно қилиш, табиат қўйнидаги ўсимлик ва ҳайвонот оламига эътиборини қаратиш, мавжуд табиий манбапарнинг захиралари, уларнинг | ҳозири ва келажаги ҳақида сўз юритиш экологик тарбиянинг тамал тошини ташкил этади. Ота-она табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш маданиятини ўз фарзандларида оила муҳитида қарор топтиради.

Adabiyotlar

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон. 1997. –Б. 111
2. Ўша манба –Б. 108
3. Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан. Илмий оммабоп рисола. – Т., 2011.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИДАН БИРИ АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ ТАЪЛИМНИНГ ИЛМИЙ УСЛУБЛАРИ ВА ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ ҲАҚИДА

Арипова Зулфияхон Солижоновна
Фалсафа фанлар номзоди, доцент
Маматалиева Зилола Абдулфайз қизи, таянч докторант
Андижон машинасозлик институти, Андижон шаҳар, Ўзбекистон

Бизга маълумки, Марказий Осиё тарихида IX-XV асрлар Шаркда уйғониш даври деб номланган. Ушбу давр Ўрта Осиё халқларини дунёга танитди. Муҳими, юртимиз алломалари дунё илм-фани ривожида беқиёс асарлар яратишди. Бу даврда яшаб ижод этган Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Яссавий, Нақшбандий, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк алломалар жамият тарихи ва жаҳон маданияти ривожига беназир ҳиссаларини қўшганлар.

Булардан бири бўлмиш Абу Райҳон Беруний «Шарк Ренессанси» даври қомусий олимлардан бири эди. Ўрта Осиёда педагогика фанининг ривож-ланишида катта ҳисса қўшган. Беруний ер юзасидаги бошқа мавжудотларга қараганда инсон зиммасига энг. масъулиятли вазифалар юкланган, деб ўйлар эди. Мутаффакирнинг "Минералогия" асарида келтиришича, инсон табиатининг энг олий камолотидир. Чунки «инсон зоти барча ҳайвонлардан юқори туради. Ер юзини обод этиш ва уни бошқариб туриш учун инсонга катта шараф кўрсатилган - унга ақл-заковат кучи армуғон этилган».

Беруний педагогика тарихи ва таълим-тарбия масалаларига ижодий ёндашди. Олимнинг таълим-тарбия ҳақида, ўқиш-ўқигиш соҳасидаги қарашларининг ҳар томонламалиги билан қимматлидир.

Беруний ўзининг таълим-тарбия ишларида ва қарашларида аниқ фанларни, чунончи, энг аввало, математика, тарбиятшунослик, физика, кимё ва бошқаларни ўрганиш, қолаверса, ўқувчи, албатта, фалсафа, мантиқ ва тил илмини билиш зарурлигини алоҳида уқгиради. Буюк мутафаккирнинг таълим- тарбия соҳасидаги ишлари ўз ичига куйидагиларни олади:

6. Ақлий ва ахлоқий тарбия
7. Нафосат ва меҳнат тарбияси
8. Оилавий тарбия
9. Дўстлик ва байналминал тарбия.

Олим ўзининг "Ҳиндистон" асарида ҳинд халқининг тарихи, турмуш тарзи, ҳаёти, ахлоқ-одоби, анъаналарини объектив тарзда тавсифлаб берар экан, унга ғоят катта хурмат билан қарайди. Айни чоғда у ҳиндистонликларнинг айрим кўз

билан қараш туйғуларини қатгиқ қоралайдики, бундай кишилар назарида "ерлар уларнинг нурлари, кишилар - фақат уларнинг халқи номояндалари, подшолар - фақат уларнинг ҳокимлари, дин-фақат уларнинг дини, факат уларда боргина фандир... Улар ер юзида ўз мамлакатларидан бошқа мамлакатларнинг, ўз халкларидан бошқа кишиларнинг борлигини ҳаёлга хам келтирмайдилар". [1]

Ҳиндлар муайян қисмининг бошқа халқларни камситишларини қоралаб, Беруний халқлар ўртасида "нифоқ ва низолар" бўлмаслиги керак, буларни "халқларнинг" ўзлари, бартараф этишлари ва томомила йўқ қилиб юборишлари мумкин, деган ўз замонаси учун жуда муҳим бўлган фикрни айтган эди. Берунийнинг таълим беришича, мард одам бўлиш-фақат сўздагина эмас, балки амалда ҳам ҳаққоний бўлиш демакдир. Мутафаккир ошкора қилиш уят бўлган нарсани яшириб ўтиришнинг ҳожати йук деб маслаҳаг беради. Мард киши ҳақиқат учун курашиб, хеч қандай таъқиб ва хавф-хатарга қарамай, ёлғонга қарши курашиши лозим. У бундай деган эди: "Ёлғондан кечиб, ҳақиқатга амал қиладиган кишигина таҳсин ва мақговга сазовордир... Ахир, "Ҳақиқат ҳатто сизнинг ўзингизга қарши бўлса қам, ҳақиқатни айтинг" дейилган-ку.

Беруний ўз асарларида оғир нуқсонлар - зиқналик, ёлғончилик, мунофиқлик, хушомадликни, айниқса кишиларнинг ўз билимларига, қобилиятларига ва ахлоқий ҳислатларига мувофиқ бўлмаган юксак мавқени эгаллашга интилишларини қаттиқ қоралайди. Мутафаккир ўзининг машхур "Ўтган авлодлар обидалари" асарида ўзи яшаган муҳитга, яъни кишилар ўртасида бир-бирига душманлик ва ўзаро нафратни келтириб чиқарувчи пул ва бойлик инсон қадр-қимматини белгиловчи асосий ўлчов бўлган муҳитга ўзининг салбий муносабатини яширмайди.

Хоразм Маъмун академияси алломаларидан Абу Райхон Беруний таълим назарияси ва амалиётининг нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёда тараққий этишига нихоятда катта хисса қўшган маърифатпарварлардандир. Беруний таълимнинг қуйидаги илмий услублари мажмуасини яратади:

1. Билим олиш учун кишм аввало, ўз тафаккурини, ақлини барча салбий хислатлардан тозалаш лозим;
2. Табиат ходисаларини тушунтиришда табиат қонунлари, мавжуд маълумотлар ва тажрибадан келиб чиқиш;
3. Нарсани ўрганишни унинг тақрибий қисмларини ўрганишдан бошлаш.
4. Таълим олишда сезгиларга асосланиш.
5. Нарсани ўрганишда фикрлаш.
6. Кузатиш, фикрлар ва натижаларни солиштириш, таққослаш ва ҳақиқатни топиш;
7. Тадқикотда маълумдан номаълумга, яқиндан узоққа қараб бориш;
8. Ўтмишга оид нарса ва ҳодисаларни ўрганишда уларнинг тарихини, ўша давр одамлари хабарлари ва эсдаликларида нималар айтилганлигини билиш лозим.[2]

Бизнинг даврамизда ҳам ўз аҳамиятини йўкотмаган бу қоидаларнинг бундан минг йил олдин қанчалик мухим ахамиятга эга бўлганини таърифлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Булардан ташқари, ҳозирги таълим олдига қўйилаётган кўргазмалилик, амалиёт билан боғлиқлик, ўқувчилар ёшига мос бўлиши каби талаблар ушбу маърифатпарвар бобокалонларимиз илмий даҳосига бориб тақалади. Шубҳа йўқки, ушбу усуллардан алломалар шогирдлар тайёрлаш жараёнида кенг фойдаланган.

Масалан, ўрта асрлардаги фанлар тарихи билан шуғулланиб келаётган устоз- олим Х.Тиллаев Берунийнинг «Таҳвим асаридаги савол-жавоб услубини таърифлайдики, бу ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган тест усулини эслатади. Бу услубнинг моҳияти шундаки, ўқувчи қўйилган саволга бита ёки бир нечта жавоб танлаши мумкин.[3]

Беруний ўз ижодида таълим-тарбия амалиётида ахлоқ-одоб, тарбия масалаларига ҳам катта эътибор берган ва бу соҳага оид қимматли фикрлар билдириб, ёшлар тарбиясида ҳозиргача фойдаланиб келинаётган усулларга замин яратган. Аллома тарбия олдидаги биринчи вазифа ўзидан ташкари бутун жамоатчиликка хизмат қила олаётган шахсни тарбиялашдан иборат. деб ҳисоблайди. Оилага асосий тарбия маскани сифатида қараган мутафаккир бу жараёнда тарбияловчи шахслар обрўсини айникса, юксак баҳолайди ва унга комил инсон шакланишининг бирламчи сабачиси сифатида қарайди.[4]

Демак, «Ҳаким ва олимлар аҳлоқидан таълим олиш яхши хулққа ҳаёт бахш этади, ёмон хулкни ўлдиради»', деган аллома назаридан .ҳатто китоб ўқиш Қоидалари ҳам четда қолмаган. Жумладан, Беруний бу машғулотнинг уч хилини ажратади; а) китоб бошидан охиргача ўқилади; б) ўкувчини кизиқтирадиган бўлимлар алоҳида ўқилади; в) ўқилган ва ўқилмаган жойлар бирга ўқилади, умумлаштирилади.

Адабиётлар

1. "Шарқ уйғониш даври мутафаккирлар қарашларида инсонпарварлик ғояси ва уларнинг миллий тарбия тизимидаги ўрни". Республика илмий-амалий анжуман материаллари. З.М.Бобур номидаги Андижон давлат университети. Андижон 2015, - Б. 339.

2. «Хоразм Маъмун академиясининг миллий ва жаҳон фани хазинасига қўшган хиссаси» мавзуидаги илмий-амалий конфренция материаллари. Тошкент. 2006. ЎДЖТУ. 106-бет.

3. Абу Райхон Беруний. 1000 хикмат.-Т.: Фан, 1993. 11-бет.

4. «Новые педагогические методы преподавания»-«Равитие инновационной деятельности в ВУЗах». Сборник статей международного научного-практического семинара и круглого стола. Андижан 2008. – Стр. 79

TADBIRKORLIKNING RIVOJLANTIRISHDA TIJORAT BANKLARINING MUHIM O'RNI

Toshlanov Sherzodbek Abdurashidovich
AndMI 1-bosqich magistranti

Annotatsiya:

Ushbu maqola orqali tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishda tijorat banklarining muhim o'rnini bo`yicha ma'lumotlarga ega bo`lasiz. Ushbu maqoladan ko`zlangan maqsad, banklarning tadbirkorlik faoliyatini rivojantitishdagi muhim ro'lini aniqlash. Banklar tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishning eng muhim instituti hisoblanadi, chunki banklar vaqtincha bo'sh pul mablag'larini katta miqdorda jalb etadi va ularni iqtisodiyotga yo'naltiradi, shunigdek tadbirkorlarning investitsiya imkoniyatlarini kengaytiradi.

Kalit so'zlar: tadbirkorlik, o'rta va kichik bisness, bandlik. kreditlar, tijorat banklari.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Aholini tadbirkorlikka jalb qilish tizimini takomillashtirish va tadbirkorlikni rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qaroriga muvofiq yurtimizda tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish va shu orqali aholi farovonligini oshirishga keng imkoniyatlar yaratilmoqda. O'zbekistonda iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirishning ustuvor yo'nalishlari qatoridan kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish alohida ahamiyat kasb etadi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida xususiy biznesni moliyaviy qo'llab-quvvatlashda xorijiy kredit liniyalari mablag'larini banklar orqali real sektorga jalb qilish hisobiga ishlab chikarishni rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Kelajakda ular negizida moliyaviy jihatdan baquvvat ko'p tarmoqli yirik ishlab chiqarish korxonalari shakllanishi ko'zda tutilgan bo`ladi.

Xorijiy kredit liniyalari hisobidan, kreditlar tadbirkorlik sub'yektlariga eksportga mo'ljallangan va import o'rnini bosuvchi mahsulotlar, ya'ni qishloq xo'jaligi maxsulotlari va boshqa milliy xom-ashyo resurslarini qayta ishlash, mashinasozlik va elektron sanoati uchun detallar va kundalik extiyoj xalk iste'mol tovarlarini nazarda tutadigan investitsion loyihalarga o'rta va uzoq muddatga imtiyozli kreditlar ajratib kelinmoqda. Hozirgi kunda tijorat banklari tomonidan kichik biznes subyektlarining investitsion loyihalarini moliyalashtirish uchun xorijiy kredit liniyalari keng jalb qilib kelinmoqda.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlariga kreditlar berish mexanizmini yanada takomillashtirish va ularning xajmini oshirish, birinchi navbatda, investitsiya maqsadlariga, boshlang'ich sarmoyani shakllantirishga kreditlar ajratish, ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish hamda texnologik

yangilash uchun o‘rta va uzoq muddatli kreditlar ajratishi ustuvor vazifalardan xisoblanadi.

Zamonaviy tijorat banklari korxona va tashkilotlarga, shuningdek, aholiga – ularning mijozlariga bevosita xizmat ko‘rsatuvchi banklardir. Tijorat banklari bank tizimining asosiy bo'g'inidir. Mulkchilik shaklidan qat’iy nazar, tijorat banklari iqtisodiyotning mustaqil sub’ekti hisoblanadi. Ularning mijozlar bilan o‘zaro munosabatlari tijorat xarakteriga ega xisoblanadi.

Ta’kidlash lozimki, O‘zbekistonda xususiy tadbirkorlikning rivojlanishini tartibga soluvchi va bu sohaning muammolarini hal etish bilan shug‘ullanuvchi davlat dasturlari ishlab chiqilgan. Aynan davlat dasturini amalga oshirish, imtiyozli kreditlar berish hisobiga loyihalarni amalga oshirish xarajatlarini qoplash, sug‘urtalash va banklardan kredit olishda kichik korxonalarga davlat kafolatlari berishga o`tish kabi omillar, kichik tadbirkorlikka jalb qilinadigan moliyaviy resurslarning kengayishida muhim omil bo‘lib xizmat qilib kelmomoqda.

Yuqoridagilarni umumlashtirib, shuni xulosa qilishimiz mumkinki, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish, ishbilarmonlik muhitini yanada yaxshilash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida qaror va farmonlariga muvofiq biznes yuritish shart-sharoitlarni yanada yaxshilash, tadbirkorlikni rivojlantirishga oid islohotlarni izchil davom ettirish, tadbirkorlarni qo‘llab-quvvatlash mexanizmlarini kengaytirish, ularni zarur moliyaviy va infratuzilmaviy resurslar bilan ta’minlash maqsadida tadbirkorlart uchun keng imkoniyatlar yaratilmoqda.

Tadbirkorlik mamlakatning nafaqat yalpi ichki mahsulotini shakllantirishda asosiy bo`g‘in, balki aholi bandligi va daromadlari manbaining takomillashuvi hamda milliy farovonlikka erishishning muhim omilidir.

Adabiyotlar:

1. Lex.uz/ O'zbekiston Respublikasi Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi

ҲАЖВИЙ ҚАҲРАМОН НУТҚИДА РУСЧА ЎЗЛАШМА СЎЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ
(А.Қодирий асарлари мисолида)

Турсунова фаридахон ғаниевна, катта ўқитувчиси
Фарғона политехника институти, Фарғона шаҳри, Ўзбекистон.

Бадиий асар тилини пухта ўрганмасдан туриб, асар моҳиятини ҳам, ёзувчининг бадиий-эстетик ниятини ҳам, шу асарнинг сўз санъати тарихи жараёнидаги ўрнини ҳам белгилаш мумкин эмас. Аслида, бадиий асар тили адибнинг ғоявий-бадиий ниятлари кўзгуси бўлиб, айни ана шу нуқтада ёзувчининг санъаткорлиги, унинг сўз санъатидан фойдалана олиш маҳорати очиқ намоён бўлади. Ижодкорнинг маҳорати унинг халқ тилидан қанчалар баҳраманд эканлиги ва она тили хусусиятларининг бадиий матнда қай даражада маҳорат билан қўллай олишидадир.

Ҳозирги ўзбек тилининг луғат таркиби рус тилидан ўзлашган русча-интернационал сўзлар ҳисобига ҳам бойиб боради.

Ўзбек тилидаги русча-интернационал сўзларнинг кўпи кўпчилик учун тушунарли, ҳаётий ва илмий эҳтиёжлар учун зарурий сўзлардир. Улар рус тилида қандай айтилса ва ёзилса, ўзбек тилида ҳам шундай айтилади ва ёзилади. Бундай сўзлар худди ўз қатлам лексикаси каби, ўзбекча қўшимчаларни олиб турланади ва тусланади. Бироқ бадиий асарларда қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириш мақсадида, ўзбек тилига бошқа бир тилдан сўз ўзлашганда, у қандай бўлса, шундайлигича кўчмай, баъзи бир фонетик ўзгаришларга учрайди. Ўзга тилдан ўзлашган сўзнинг фонетик ўзгаришга учраб, маҳаллий халқнинг талаффуз меъёрларига мослашиш ходисасини рус тили мисолида кўриш мумкин.

Абдулла Қодирий ҳажвияларида учрайдиган рус тилидан ўзлашган сўзлар Тошпўлат тажанг ва Калвак махзум нутқида ана шундай ўзгаришга учраган. Тошпўлат тажанг нутқида қўлланган сўзлар аксар ҳолларда олифтагарчилик, қаҳрамоннинг характеридан келиб чиқиб ўзини кўрсатиш ниятида ишлатилган бўлса, Калвак махзум нутқида қўлланган сўзлар маълум бир муносабат, ўша давр учун янгилик бўлган бирон бир воқеликка қаҳрамоннинг муносабатини кўрсатиш мақсадида қўлланган.

"Тошпўлат тажанг нима дейди?" ҳажвиясида **буниса** (милиция), **канасирт** (концерт), **гўзимат** (газета), **камасия** (комиссия), **пажалиска** (пожалуйста), **папириска** (папирос) каби русча сўзлар қўлланган. Буларнинг баъзида нутқ жараёнида ўзлашган қатламга мансублиги сезилса-да, нутқдан узиб олинганда худди ўз қатламга мансубдек туюлади. Масалан: "Бу нима ўзи? Худой ҳақики тушунсам... **буниса**сими?". "Калвак тоғанг нима депти ҳали, ўқучи манави **гўзимат**ингни!" [1]

Калвак Маҳзум нутқида ҳам юқорида келтирилган сўзлардан газета, милиция, дума каби ўша давр учун янгилик бўлган сўзлар қўлланган. Ундан ташқари **правой қоғоз, исполковни, идраска, куда Инжил, топориш?** (Қуръон қаерда, ўрток?), **пристуф** (пристав), **акражнайни** (окружной-Округ суди) каби русча сўзлар учрайди. Тошпўлат тажанг газетани **гўзимат**, милицияни **буниса** деб қўлласа, Калвак Маҳзум **газнит, милиска** деб ишлатади. Масалан: "...

йўлакдан бир неча қадам илгари борғанимда анча ба ҳамроҳи шапкапўш милтиқбардор бир бадбируш **милиска**ни кўриб, тамоми ағзодар ларза боин ҳама забон дар такаллум рўбарў бўлдим". [2]

Бугунги кунда юқорида келтирилган русча сўзларнинг кўпи ўзбек тилида кенг истеъмолда бўлиб, умумхалқ ишлатадиган сўзларга айланган бўлса-да, ўша давр учун янги сўзлар ҳисобланган.

Абдулла Қодирий ҳажвий асарларида қўлланилган русча-интернационал сўзларни лексик-семантик жиҳатидан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

Уй-рўзғор буюмлари номи: стакан, графин, люстра….

Кийим-кечак номлари: пальто, галстук, куртка, костюм…

Мато (материаллар) номи: лавсан, капрон…

Озиқ-овқат маҳсулотлари номи: колбаса, салат, компот…

Ўсимлик ва сабзавот маҳсулотлари номи: картошка, лимон…

Жой-ўрин тушунасини англатувчи номлар: вокзал, гараж, дача…

Ўлчов бирликлари номи: квартал, метр, киловатт…

Қурилиш, ободончилик, коммунал ишларга оид номлар: бетон, цемент…

Ўқув қуроллари номи: ручка, сумка…

Ҳайбий ишга оид номлар: солдат, сержант, десант…

Транспорт воситалари номи: автобус, лифт, вагон…

Алоқага оид сўзлар: телеграмма, почта…

Ҳажвияларда қўлланган русча-интернационал сўзлар бевосита рус тилининг ўзидан олинган. Аммо бу сўзлар асар қаҳрамонлари тилидан фонетик ўзгаришларга учраб, кулгили ҳолатни юзага келтирган. Масалан:

"Идраска! *– деб қўл кўтариб, ичимдан "Лаънатуллоҳи алайҳ" дедим.– Куда Инжил,* ***топориш?*** *(Қуръон қаерда, ўртоқ?) дедим. Ҳа, энди ўзимиздан ҳам* ***булохтир, десатнай, анжирнай, сакратар*** *ва кофиралилар етушуб қолди-да, деб ўйласам ҳам, кўнглимга: "Она тилини маҳкамаларда ишлатиш жойизмикин, йўқмикин" деган шубҳа келди.* [3]

Юқоридаги мисолларда *здастувуйте, товарищ, бухгалтер, инженер, секретарь* сўзларини нотўғри талаффуз этилганлиги қаҳрамоннинг ўта калондимоғлиги, ўз назарида гўёки у кўп нарсадан хабардор эканлиги, ўзини рус тилини яхши биладигандай қилиб кўрсатганлигини, унинг мақтанчоқлигини таъкидлашга хизмат қилган. Бундай тил бирликлари орқали қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатига нисбатан нафрат уйғотиш билан бирга, шундай тил бирликларидан фойдаланмасликка, уларнинг халқ орасида кенг тарқалмаслиги учун курашишга даъват этади.

Бундай мисолларни адиб ҳажвияларида кўплаб учратиш мумкин: *Кексайган кунларимда менга* ***акражнайни сути (Окружной – округ суди)*** *нима эрди? Кофирнинг судя* ***пристуфи (пристав)*** *бирлан баҳсу жавоб қилиш осонму? Кофир шариатни билмаса, йўл-йўриққа тушунмаса,* ***закўн*** *китобига қараб риоя-ю, андишасиз шартта Сибирга ҳукм қилса, нима қилур эрдинг? Ва*

лекин марҳумнинг ака-укаларининг жабҳасидин улуғлик ва яна ***истаршин десатнай****лик ҳувайдо эрди. Эрта бирлан ўшал мансабдор* ***партинай****лар тушиб,* ***мунзақон*** *бирлан* ***закунска*** *қилиб марҳумни кўмар эрканлар. Ул ҳаромзода деви сийрат камар бандидин бир* ***повука****ни суғуриб, фақирдин Калвак Мағзим сизму, деб сўроғонида каминадин* ***"орий"*** *жавобини олиб, сизни* ***раёниска****нинг бошлуғи даъват қиладир деганида,.* [4]

Абдулла Қодирий ўз қаҳрамонлари характерини яратар экан, уни индивидуаллаштириш устида кўп ва хўп ишлагани кўриниб турибди. Характерни индивидуаллаштиришнинг муҳим воситалари эса қаҳрамонлар тили орқали намоён бўлмоқда.

Адабиётлар

1. Қодирий А. Диёри бакр. V жиллик. III жилд. "Info Capital Group" нашриёти, Т. 2018. –568 б.
2. Қодирий А. Танланган асарлар. "Sharq", Т., 2014. –880 Б.
3. Қодирий А. Ғирвонлик Маллавой. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1987. – 352 б.
4. Қодирий А. Тошпўлод тажанг нима дейди?: Калвак махзумнинг хотира дафтаридан: – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 104 б.

МУЛОҚОТ КОМПЕТЕНТЛИГИГА ЭРИШИШ ДАВР ТАЛАБИ

Халикова Шаҳнозахон Азимжоновна
АндМИ ассистенти, Андижон шаҳар

Биламизки, ҳар бир фанни ўзлаштириш, аввало, она тилимиз орқали амалга ошади. Ҳаттоки, оила даврасида бўладими ёки жамоат жойидами ҳар бир инсон ўз она тилида мулоқот қилишга эҳтиёж сезади. Ва айнан кишининг муомаласи ва нутқ маданияти ўша шахс учун маълум баҳо берилишига сабаб бўлади. Демакки, таълим масканларида она тили дарсларида энг аввало ўқувчиларнинг нутқий мулоқот компетенциясига алоҳида аҳамият қаратилмоғи лозим.

Компетенция (лотинча сўз бўлиб, "эришаман", "тўғри келаман" маъноларини билдиради) – субъектнинг мақсадни қўйиш ҳамда унга эришиш учун ташқи ва ички заҳираларни самарали амалга оширишга тайёргарлиги, бошқача қилиб айтганда, бу субъектнинг муайян фаолият объекти билан боғлиқ муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга доир шахсий қобилиятидир.[14]

[14] Иноятов У., Ходжаев Б. Умумтаълимий компетенцияларни лойиҳалаштиришнинг концептуал асослари // Халқ таълими илмий-методик журнали, 2016. - № 2. – Б. 8.

Компетенциянинг турлари жуда кўп. Бироқ нутқий мулоқот компетенциясини ривожлантириш ҳамон долзарб масала бўлиб келмоқда. Чунки яхши нутқ ва самарали мулоқот одамлар амалга оширадиган фаолиятлар ичида етакчи ўринда турадиган ва у инсондаги энг муҳим эҳтиёжни, яъни жамиятда яшаш ва ўзини шахс деб ҳисоблаш билан боғлиқ эҳтиёжни қондирадиган воситадир. Бунинг эса умумтаълим мактаби ўқувчилари учун ҳам аҳамияти каттадир.

"Сўзлашни биладиган ҳар бир инсон нотиқликни ҳам, албатта, уддалайди... – дейди Илҳом Қаҳҳоров, яхши нотиқ бўлиш осон эмас. Бунинг учун фикрлаш ва гапириш услуби устида узоқ ва давомли машқ қилиш лозим. Кўпгина олимлар борки, уларнинг илмлари чиндан-да бисёр, аммо уни оммага кўнгилдагидек етказа олмайдилар. Аммо, кутилмаганда уларнинг қўлига нотиқлик санъати ҳақида бирор қўлланма тушиб қолса-чи?! Улар дарҳол бу илмни ҳам ўзлаштириб оладилар. Чунки уларда илмий салоҳият, қобилият бор! Уларга фақат йўлланма кўрсатилса, бас".[15]

Умид қиламизки, бизнинг мазкур диссертация ишимиз умумтаълим мактаби ўқувчиларининг нутқий мулоқот компетенциясини ривожланишида керакли манбаа сифатида хизмат қилади.

Сўнгги йилларда она тили таълимида компетентлик, компетенциявий ёндашув каби атамалар кенг қўлланилмоқда. Шуни айтиш мумкинки, она тили ўқитишда лаёқатлиликнинг бир қирраси нутқий компетентликдир. Шундай экан, умумтаълим мактаби ўқувчилари нафақат она тилини ўзлаштиришда, балки бошқа фанларни ўзлаштириш ва кейинчалик касбий фаолияти доирасида ҳам, энг аввало, нутқий компетентликка эга бўлиши лозим.

Нутқий компетентлик деганда, асли ўзлаштирилган билимнинг мукаммал ва етук ифодаси сифатида қараш мумкин. Яъни:

а) мустақил фикрлай олиш;

б) ўз фикрини она тилида равон, тушунарли, аниқ ва лўнда ифодалай олиш;

с) адабий тилда сўзлаш;

д) ёзма нутқ саводхонлигини яхши ўзлаштирган ҳолда имловий, ишоравий ва услубий хатоларсиз ёза олиш;

е) хорижий тилларни билиш ва ҳоказо.

Ўткир Ҳошимов ёзганидек, "Қанча кўп тилни билсангиз, шунча яхши. Бироқ одам она тилида тафаккур қилади, она тилида туш кўради, она тилида йиғлайди... Ўлими олдидан онасини она тилида йўқлайди..."[16]

Бугун Ўзбекистонимиз "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" деган бош тамойил асосида тараққиётнинг янги, янада юксак босқичига кўтарилмоқда. Бу жараёнда ўзбек тилининг аҳамияти юқори чўққиларга чиқиши ҳам бежиз эмас. Айниқса, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи,

[15] Қаҳҳоров И. Нотиқлик санъати 170 маслаҳат. – Т.: "Турон замин зиё", 2015. 216 б. – 3 Б.
[16] Ҳошимов Ў. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. Т.: Шарқ, 2009. 39-бет.

унинг бошқа тиллар билан алоқалари истиқболларини белгилаш, ёш авлод учун хорижий тиллар, ахборот ва коммуникация технологияларини ҳар томонлама пухта эгаллашни таъминлаш, ҳатто ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш каби бир-биридан муҳим вазифалар кун тартибига қўйилди ва бу жараёнлар бугун ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Адабиётлар:

1. Иноятов У., Ходжаев Б. Умумтаълимий компетенцияларни лойиҳалаштиришнинг концептуал асослари // Халқ таълими илмий-методик журнали, 2016. - № 2. – Б. 8.
2. Қаҳҳоров И. Нотиқлик санъати 170 маслаҳат. – Т.: "Турон замин зиё", 2015. 216 б. – 3 Б.
3. Ҳошимов Ў. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. Т.: Шарқ, 2009. 39-бет.

MODERN ACHIEVEMENTS OF SCIENCE, CULTURE, ENGINEERING AND TECHNOLOGY.

Nishonov Ismoiljon Abdumutallibovich
Senior teacher of the department "Uzbek language and literature"
Andijan Machine Building Institute
Andijan city. Uzbekistan, Inishonov_75@gmail.com

Modern technologies have become an integral part of the life of not only a single person, but of the whole society as a whole. Now it is quite difficult to imagine an enterprise that would not use the achievements of modern technological progress.

Modern business technologies in the modern world

Business technologies are a set of certain methods, specially developed techniques that include the use of innovations, technological solutions that contribute to the further development of a particular project. The use of modern business technologies in the world can significantly expand the possibilities of commercial projects, as well as create a fertile ground for them to open up new prospects.

The main goal of modern business technologies is to promote the commercial activities of an enterprise or a single commercial structure, to conquer those market segments that are inaccessible under more traditional, generally accepted business norms.

The main tasks of modern business technologies include:

- search for innovative solutions that would allow for a closer and more understandable relationship between business and the end consumer;

- income optimization ;
- increase in productivity of working personnel;
- creation of a new type of strategy;
- search or development of new ways and methods to enhance the marketing effect.

The main task is a significant increase in profits, promotion of projects in certain market segments with the involvement of non-standard solutions and strategies.

Modern scientific technologies

The main task of modern scientific technologies is the introduction of innovative, effective solutions in the development of all spheres of human activity, from the everyday life of everyone to the introduction of developments in industrial production, the agricultural sector and business promotion.

In the development of modern technologies, a special role is assigned to the creation and improvement of the so-called renewable energy sources. In addition, the main directions of modern scientific technologies include the creation of various biotechnologies, the development of medicine and pharmaceuticals.

An important role in modern scientific technologies is also assigned to information and telecommunication systems, the creation of new materials that could later be used in human economic activity - light and heavy industry, the agricultural sector.

Modern educational technologies

For the development of the main trends of modern educational technologies, the so-called humanization of the educational sphere is used. Self -actualization is encouraged , as well as self-realization of each individual person.

Modern educational technologies provide for the use of information and communication methods in the learning process, which allow students to acquire primary skills when working with information:

- search ;
- sort information;
- organize and store data.

This involves working with text editors, resources for creating presentations and projects, tools for dynamic tables.

Modern information and communication systems

Modern information and communication systems include:

- wired and wireless communication;
- satellites , devices for data transmission;
- antennas ;
- cameras .

This list is far from complete. Thanks to the existence of information systems control centers, today it has become possible to quickly resolve problems when using automated communication and communication tools.

As modern information and communication systems, satellite communications are actively used, which are equipped with new car models. They are capable of transmitting in the form of video and audio signals about possible natural disasters and other natural disasters.

Modern computer technologies

The main advantage that modern computer technologies have is the ability to obtain the largest possible amount of all the necessary information that is necessary in the process of learning or implementing a specific business project.

The spread of modern computer technologies has a great influence on the development of the labor market. Thanks to the creation of these technologies, it became possible to significantly speed up work in almost any company and establish communication between people, even if they are far from each other.

Modern computer technologies contribute to the development of science, greatly facilitating the process of computing and creating scientific projects. In the field of medicine, modern computer technology has now become an integral part. Without these technologies in modern medicine, it is quite difficult, and sometimes even impossible, to diagnose various diseases and prescribe effective treatment for a patient.

Reference

1. TA Lacey, M Toossi, KS Dubina, AB Gensler, Projections overview and highlights, 2016–26. *Mon Labor Rev*.

THE ROLE OF SCIENCE IN MODERN SOCIETY

Djabborova Nodira Axmadjonovna
Master of Arts in Teaching English as a Second Language
The assistant of the department "Uzbek Language and Literature" Andijan Machine Building Institute

What is science? Why is it for humanity? Everyone asks themselves these questions at least once in their life. Alexander Herzen said: "Science is power, it reveals the relationships of things, their laws and interactions." But how strong is modern science? What are its possibilities?

Today we can say that science in modern society plays an important role in many sectors and areas of people's lives. The level of development of science is one of the main indicators of the development of society, and it is also an indicator of the modern development of the state. Everything around a person is the achievements of science.

Modern science has amazing possibilities. Back in 1904, Nikola Tesla argued that someday a person will be able to send his thought to the most distant distances. A century later, this became possible. The informatization of society has reached such a high level that now a person can find almost any information on the Internet. Every home and office now has a computer and the Internet. They have become so commonplace that one forgets the dangers associated with their use. A computer is a source of several types of radiation and fields. Cathode-ray tube monitors of stationary computers and laptops create ionizing radiation. Like any other electrical appliance, a computer generates electromagnetic radiation. All devices and auxiliary electrical equipment included in the computer form a complex electromagnetic field. Most of the current research on the effects of electromagnetic radiation speaks of its harm to health.

However, science at the present stage is also trying to solve such problems by creating new branches within the structure of the scientific community. The science of ergonomics explores these problems - a science that studies a person in interaction with a computer and other machines. Ergonomics is engaged in a comprehensive study of human labor activity and therefore combines many scientific disciplines: physiology, occupational health, psychology, etc. Scientists seek to find ways to reduce the load on the human body associated with working on a computer, take part in the creation of perfect and safe equipment.

Thanks to the development of medicine, biology, genetics, embryology, mankind was able to find an "antidote" for many ailments. Our ancestors could not imagine that in the 21st century it would be possible to grow new human organs to replace them with patients that do not function in the body.

Chemistry and physics do not stand still. These sciences are developing in two directions - as fundamental sciences (creation and study of the theoretical foundations of physical and chemical knowledge) and as applied sciences (solving practical problems of application in various spheres of people's lives).

In the 21st century, humanity has occupied almost the entire space of the globe. We live in different countries, at different latitudes, in different locations, and consequently, each country has its own characteristics of natural conditions and climate. Many countries are constantly threatened by natural disasters. Unfortunately, the limited nature of natural resources is making itself felt more and more strongly.

Therefore, such sciences as geography, geology, energy and soil science are of particular importance. These sciences from different branches of knowledge are trying to warn society from natural disasters, to find alternative sources of energy and minerals that humanity needs daily.

In modern times, the well-being of countries directly depends on the state of their sphere of science. In my opinion, only those countries that pay serious attention to scientific research, successfully master the latest science-intensive technologies, provide sufficiently powerful financial, informational, industrial, and intellectual

means for this, lead the modern political and economic race and occupy leading positions on the world stage.

Management of modern society without science is impossible. At the present stage of development, science is changing the social structure of society. All over the world, there is a trend towards an increase in the number of people employed in mental labor and a decrease in the number of people employed in unskilled manual labor.

Science affects a person directly through education. The study of scientific works and achievements contributes to the development of children, their formation as an educated person. The modern educational process is based on the scientific picture of the world, and the education sector in the Russian Federation is based on scientifically recommended methods.

Science, exercising a directed influence on the educational process and on changing the structure of education, extends to all its components: goals, objectives, principles, forms and methods, means, results.

The formation of a scientific outlook is also due to the education system, which plays a significant role in the formation of personality. Modern policy in the field of education and science is aimed at preparing and using the huge potential of specialists and bachelors with higher education. This is evidenced by the fact that the volume of scientific activity, the growth of scientific information, discoveries, the number of scientists, graduate students, associate professors doubles on average approximately every 5-10 years.

To date, teachers are trying to bring the basics of science to children through the global network - the Internet. Preference is beginning to be given to "invisible colleges", distance learning, virtual institutes. The live direct communication between the teacher and the student is lost. The role of the teacher is diminishing, there is no upbringing of children by living example, and in this I see only negative consequences for future generations.

The 20th century was an outstanding one in the field of technical development. Without any exaggeration, we can say that no less discoveries have been made in 100 years than in the entire previous history of mankind. The contribution that science made in the twentieth century to the development of mankind is enormous. But if we add up the funds that mankind has spent on fundamental scientific research throughout its history, the amount will be incomparable with any budget of any developed country. States are losing a huge amount of funds that could be used to fight hunger and disease, and other problems facing heads of state.

Harmoniously inscribe technology and scientific achievements in natural processes is one of the urgent tasks of scientists of the coming century. Only by solving this difficult task, it is possible to ensure not just survival, but a decent life for future generations.

Science is usually regarded as a highly specialized activity for the production of objective knowledge about the world, including man himself. But is it ethical to

conduct scientific research, even extremely interesting, the fruits of which can become dangerous for people?

Undoubtedly, science is one of the most important forms of the culture of society, and its development is the most important factor in the renewal of all spheres of human life. Modern science forms a person's worldview, is closely connected with technological progress, helps to create forecasts for the development of society and develop programs, to solve problems facing humanity. But is science always safe for humanity? I believe that this issue will forever remain unresolved.

Reference

1. Higgins, P.A.T., Chan, K.M.A., and Porder, S. 2006. Bridge over a philosophical divide. Evidence & Policy.

Ўзбекистон молиявий муносабатларида ислом молияси

Эшонов Муҳаммад Айюб Хошимжон ўғли, и.ф.н.
Андижон машинасозлик институти, Андижон шаҳри, Ўзбекистон.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун 1991 йил 14 июнда қабул қилинган бўлишига қарамай, ислом ҳуқуқи асосларига таянувчи оилалар учун инклюзив молиявий хизматлар кўрсатиш масалалари шу кунга қадар ечим топмай келган. Ва ҳаттоки, бу масалага эътибор ҳам қаратилмаган.

Айнан шу сабаб, бугунги кундаги глобализация даврида, молиявий муносабатларни такомиллашуви ва тараққий этиши ислом ҳуқуқи асосларига таянувчи оилаларни ислом молиясининг мавжуд нормалари ва шартларидан фаол фойдаланиш заруриятини талаб этмоқда.

Ундан ташқари, ислом молиясининг ўзига хос бўлган хусусиятли белгилари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагиларни айтиш жоизки, молиявий маблағлар реал иқтисодий активларга йўналтирилиши, иштирокчилар ўртаси- да фойда ва зарарни тақсимлаш аниқ иқтисодий натижага боғланганлиги, унинг аҳамиятини оширмоқда.

Яъни, ислом молиявий хизматларида молиялаштирувчи (банк, кредит ташкилоти) ва молия маблағларини қабул қилувчи шахслар лойиҳа муваффақияти ва самарадорлигида тенг ҳуқуқли ва биргаликда манфаатдор ҳамкорларга айланади. Ушбу белгилар билан ислом молиявий хизматларини кўрсатиш жараёнидаги муносабатлар анъанавий молиявий тизимлардаги муносабатлардан фарқланади.

Ислом молиявий хизматларининг бу белгилари молиявий ресурслар ҳаракатида харажатларни фоизлар ҳисобига ошиб кетишига йўл қўймайди. Зарар кўриш рискларини иштирокчилар ўртасида тенг тақсимланишини назарда тутиши орқали маблағлар йўқотилиши хажмини камайтиради.

Шунингдек, у иштирокчиларнинг ўзларини ҳам молиялаштириладиган лойиҳаларда фаол иштирокини таъминлаши билан ҳам жозибадордир.

Шунинг учун ҳам ислом молиясининг ҳиссаси бугунги кунда жаҳон молиявий бозорларида йил сайин ортиб бормоқда. Ўзида инновацион молиялаштириш механизмларини жамлаган соҳа сифатида муҳим молиявий манбалардан бирга айланиб бормоқда. Ислом молияси нафақат ислом динига эътиқод қилувчи давлатларда, балки ноисломий давлатларда ҳам ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда. Ўзининг ижобий томонларини намоён этмоқда.

Ўзбекистон молиявий муносабатларида ҳам ислом молиясини жорий этилиши барча учун инклюзив молиявий хизматларни жорий этилиши билан бир қаторда ислом ҳуқуқларига асосланган оилаларда жамғарилган ва ҳаракатда бўлмаган пул маблағларини фаоллашишига ва бошқалар учун молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларни тўлақонли қондирилишига олиб келади. Натижада икки томонлама манфаатлар муштараклиги таъминланади.

Жисмоний шахслар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларда ҳам фоизларсиз банк ва молиявий хизматлар-га бўлган қизиқиш жуда юқори бўлганлиги сабабли, ислом молиявий хизматларини кўрсатиш тизимини тезлаштириш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Бунинг учун, энг аввалом бор ислом молиявий хизматларининг шартномавий-ҳуқуқий базасини яратиш борасида тегишли ҳуқуқий норма-ларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги, "Банк ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги, "Лизинг тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб этилади.

Ўзбекистон молиявий муносабатларига ислом молиясини жорий этишда албатта хорижий давлатларда тўпланган бой тажрибага таянган ҳолда, ўз аждодларимиз мероси ва амалиётига ҳам асосланмоқ мақсадга мувофиқдир.

Масалан, Бурхониддин Марғинонийнинг "Ҳидоя" асарида ислом принципларига асосланган молиявий масалалар ўз ифодасини топган.

"Ҳидоя"нинг закот (солиқ)га доир биринчи китоби шарқнинг солиққа доир қарашлари ва қоидаларини ўзида мужассамлаштирган. Бунда, закот ва унинг меъёрлари, закотни ундириш тартибларини адолатли ўрнатишни, кишилардан эса, доимий закот тўлашларини таъминлаб, иккала томоннинг ҳам адолат тамойилларига бўйсунишига асос бўлувчи ҳолатлар батафсил баён қилинган.

"Ҳидоя"нинг "Муомалалар ва муносабатлар" соҳасида ёритилган молиявий масалалар бир неча турдаги шериклик битимлари асосида юзага келадиган мулкий ҳамда

молиявий муносабатларни ва уларнинг механизмларини, шунингдек ушбу муносабатларда солиққа тортиш масаларини ўз ичига олган.

Ҳозирги кунда Ислом банклари томонидан таклиф қилинаётган деярли барча молиявий маҳсулотлар асосида мана шу юқоридаги шериклик битимларининг қоидалари ётади.

Замонавий ислом банкчилиги мижозларга қарз бериш амалиётларида энг кўп дуч келинаётган муаммоли саволлардан бири, мамлакатимиз аҳолисига шериклик битимлари асосида ишонч билан топширилган маблағлар хусусидадир. Масалан, мижоз уқувсизлик, масъулиятсизлик ёки атайин зарарга иш кўриши, маблағларни бошқа мақсадалар учун йўналтириши, бунинг натижасида фойда кўрмаслик оқибатида банк ва мижознинг бундай зарарни ҳам музораба шартига мувофиқ тақсимлаш шартлари қизиқтириб келмоқда. Айнан, шу ва шу каби бошқа масала- лар Бурхониддин Марғинонийнинг "Ҳидоя" асарида атрофлича баён этилган.

Демак, Ўзбекистонда ислом молиявий хизматларининг жорий этилиши хорижий инвестициялар ҳажмининг ошиши ҳамда банк ва молия тармоғида шаффоф рақобат муҳитини яратиш имкониятини беради. Натижада аҳолининг молия бозоридаги фаоллиги ошади, аҳоли ва тадбиркорлар ихтиёрида бўлган бўш пул маблағлари мамлакат иқтисодиёти ривожланишида максимал иштирок эта олиши имконияти яратилади, капитал бозорининг ривожланиши- га туртки бўлади, янги молиявий муассасаларни ташкил қилиш ҳамда қўшимча янги иш ўринларини барпо этиш учун замин яратилади.

Барча учун тенг молиявий хизматлар кўрсатиш шароити жорий этилади.

Адабиётлар

1. Байдаулет Е.Ф. Исломий молия асослари. "O'ZBEKISTON" НМИУ, 2019. http://old.muslim.uz/Islomiymoliya asoslari.

2. Ислом молияси тарихи ва унинг ривожланиши/ https: //islom moliyasi. uz/uz/islom-moliyasi-tarixi.

3. Ислом молияси: 2021 йил сарҳисоби/https://islommoliyasi.uz/uz/islom-moliyasi-2021-sarhisobi.

4. Марокаш: Ислом молияси ривожи https://islommoliyasi.uz/uz/marokash-islom-moliyasi-rivoji-yakuniy.

5. "Ислом молияси ҳам фойдани кўзлайди" https://islom moliyasi. uz/uz/1003/

6. Савдода чегирмалар бериш ҳақида. https://islommoliyasi.uz/uz/savol-javoblar-1002/

7. Комиссион тўловлар фиқҳи. https://islommoliyasi.uz/uz/charging-commissions

8. Islamic Finance News: "Энди хаёл эмас, энди бегона эмас" https: //islom moliyasi.uz/uz/no-longer-phantom-no-longer-alien.

Солиқ категориясининг таърифига илмий мулоҳазалар

Эшонов Муҳаммад Айюб Хошимжон ўғли, и.ф.н.
Андижон машинасозлик институти, Андижон шаҳри, Ўзбекистон.

Солиқ масалалари буюк аждодларимиз: А.Темур (империя асосчиси ва буюк давлат арбоби), А.Навоий (шоир, ҳоким ва Бош вазир), З.Бобур (шоҳ, салтанат асосчиси ва шоир) меросларида ва давлат бошқарувида ўз аксини топганлигини айтиш керак. Бурхониддин Марғинонийнинг "Ҳидоя" асарида молиявий масалалар ислом ҳуқуқларига асосланган ҳолда батафсил таҳлил қилинган. Солиқ муносабатлари атрофлича баён қилинган.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши эса, солиқлар давлатнинг муҳим иқтисодий дастакларидан бири сифатида намоён бўлиши, олимларнинг солиқ муносабатлари борасидаги илмий изланишлари тараққиётини янада жадаллаштирди. Улар солиқ муаммоларини талқин қилиш ва такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларини бериш баробарида, солиқ моҳиятини чуқурроқ ифодалаш мақсадида унинг иқтисодий муносабатлардаги роли ва аҳамиятидан келиб чиқиб, ўз таърифларини ҳам келтирганлар. Ушбу таърифларда солиқнинг фискаллик хусусияти муқаррар эканлигини таъкидла-нади. Лекин таърифларга синчковлик билан ташланган назар, уларнинг солиқ борасидаги қарашлари бир-биридан фарқли эканлигини намоён этади.

Маълумки, солиқлар молиявий категория бўлиб ҳисобланиши боис, у ҳам тақсимот муносабатларини ўзида ифода этади. Давлатчилик тақсимот муносабатлари маҳсули эканлиги баробарида, ўз функцияларини амалга ошириш учун молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжининг юзага келиши солиқларни иқтисодий муносабатларда амал қилишига туртки бўлган ва шароит яратган.

Таассуфки, кўпчиликнинг илмий қарашларида давлатчилик солиқларни келтириб чиқарган деган янглиш фикр мавжуд. Солиққа берилган таърифлар- да ҳам бу ҳолатлар ўз изини қолдирган. Солиқнинг объектив категория эканли гига, тақсимот муносабатлари махсули эканлигига эътибор қаратилмаган.

Солиқ категориясининг туб моҳиятини тушунишда ва англашда унга бериладиган таърифга илмий ёндашув талаб этилади. Бу ўз навбатида унинг иқтисодий мазмунини очиб беради.

Шу ўринда аниқлик учун таъкидлаш жоизки, *таъриф - бу мантиқий усул бўлиб, у бирон-бир объектнинг фарқ қилувчи белгилари ва маъносини аниқлашга имкон берувчи усулдир* [1, 477-б.]. Демак, бундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, солиқ категориясига берилган айрим таърифлар солиқнинг "муҳим фарқ қилувчи белгиларини ёки … маъно ... мазмунини" иқтисодий муносабатларда очиб бериш ва уни категория сифатида тўлиқ англаб олиш имконини бермайди.

Шунинг учун юқоридагилардан келиб чиқиб ва мавжуд ноаниқликларни эътиборга олиб, солиқ таърифида мазкур категориянинг:

▪***қандай тўлов эканлиги*** (эквивалентсизлиги, якка тартибда тенглик бермаслик шарти билан ундирилиши; эгалик қилувчининг ўзгариши; молиявий муносабатларнинг бир томонлама йўналиши);

▪***ундириш воситаси*** (пул шаклида ундирилиши; қиймат категорияси сифатида гавдаланиши);

▪***ундириш мақсади*** (давлатнинг ўз ижтимоий - иқтисодий вазифаларини амалга ошириш мақсадида давлат бюджетига ундирилиши; кишилик жамиятининг умумманфаатларини ифодалаши);

▪***ундириш характери*** (мажбурийлиги-қонунийлиги, демак, солиққа оид барча ҳуқуқий - меъёрий тартиб-қоидаларнинг мужассамлиги;

▪***императивлиги*** (давлат ҳукмронлиги)ни намоён этиши) каби жиҳатлар-нинг мужассамлашиши унинг моҳиятини тўлиқроқ англаш имконини беради, деб ҳисоблаймиз.

Айни шу хусусиятларни ҳисобга олиб, унга қуйдагича таъриф берамиз:

Солиқлар – эквивалентсиз, давлат бюджетига ундириладиган императив - пул муносабатларидир.

Ушбу таъриф солиқнинг императивлигига асосланиб, унда давлат ҳукмронлигининг муқаррарлиги, қатъий тартиб - қоидаларнинг мавжудлиги ва уларни солиқ қонунчилигида уйғунлашишини намоён этади. Шунингдек, таърифда солиқ императив пул муносабатларини билдириши-қиймат категорияси сифатида гавдаланишига урғу берилган. Айнан шундай эканлигининг боиси барча пул муносабатлари солиқ ёки молиявий муносабат-ларни билдирмаслигидадир. Масалан, аҳоли, корхоналар ва аҳоли билан корхоналар ўртасидаги пул муносабатлари солиқ (ёки молиявий) муносабат-ларини билдирмайди. Негаки, бу муносабатлар молиявий эмас, балки фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар орқали тартибга солинади. Бу муносабатларни ҳам давлат тартибга солиб туради, аммо, молиявий муносабатлардан фарқли ўлароқ, бу жараёнлар "**субъектларнинг тенг мавқелиги"** [2, 89-б.] билан фарқланади. Молиявий муносабатлар ўзининг императивлиги (давлат ҳукмронлиги, қатъий чегаралланган (меъёрлаш тирилган) тартиб-қоидаларнинг белгиланганлиги, унинг иқтисодий қизиқиши ёки зарурати борлиги) билан ажралиб туради. Шунинг учун солиқлар императив пул муносабатлари доирасидагина амал қилади. Демак, бу жараён солиқнинг императив пул муносабатлари эканлиги, уни иқтисодий муносабат- ларда амал қилиш доирасини ва чегаравий мазмун-моҳиятини намоён этади.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча, солиқ категориясига берилган ушбу таърифда унинг иқтисодий муносабатларда намоён бўлиш хусусиятларининг барча жиҳатлари қисқа, аниқ ва равон шаклда ўз ифодасини топган "…бўлиб, бу таъриф (*унинг* - М-А.Э.) … *муҳим фарқ қилувчи белгиларини ёки* (*ушбу* - М-А.Э.)

тушунчанинг маъносини - унинг мазмунини ва чегараларини белгилайди" [1, 137-б.].

Адабиётлар:

1. Философия луғати. - Т.:"Ўзбекистон" нашриёти, 1976. – 640 б.
2. Вознесенский Э.А. Финансы как стоимостная категория. - М.: Финансы и статистика, 1985. – 159 с.
3. Моляков Д.С. Дискуссионные вопросы теории финансов предприятий. https://cyberleninka.ru/article/n/diskussionnye-voprosy-teorii-finansov-predpriyatiy.
4. Понятие налога и сбора. https://vohma.ru/node/2159.
5. Экономическая сущность налогов и налогообложение. https://kpfu.ru/portal/docs/F1671859054.

ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

Иминов Тўхтасин Нурмаматович, и.ф.ф.д., доцент, Ибайдуллаева Феруза Холжўраевна, 2-босқич магистрант
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Андижон, Ўзбекистон

Оила жамиятнинг асосий бўғини, унинг негизи ҳисобланади. Оила мамлакат сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлса иқтисодиётда ҳам шу қадар аҳамиятга эга. Ҳар қандай жамият оилаларнинг барқарорлигини таъминламай ривожланишга эришиб бўлмайди.

Ҳозирги шароитда оилавий бизнесни ташкил этишнинг асосий сабаблари сифатида қуйидаги асосий жиҳатларни кўрсатиш мумкин:

- оила аъзоларининг фаолият юритаётган корхонадаги иш ўрнини йўқотиши натижасида у ўз оила аъзолари билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши;
- оила бошлиғининг ўз ишини очиши ва унга оила аъзоларини ҳам жалб этиши;
- оила аъзоларининг ўзаро ҳамкорлиги ва шериклигидаги шартнома асосида ташкил этилиши ва ҳоказо.

Бу каби сабаблар жуда кўп ва турлича бўлиши мумкин. Уларнинг барчаси оилавий бизнеснинг ташкил этилиш ҳолати ва даражасига турлича таъсир кўрсатади.

Оилавий меҳнат анъаналари ҳар бир фарзанднинг меҳнат ҳақидаги дастлабки тасаввурлари, касбга бўлган қизиқиш ва интилиши, замонавий илмларни ўрганишга бўлган ҳаракати белгиланишида тарбия ўчоғи бўлиб

хизмат қилади. Миллатимизда азал-азалдан оилавий деҳқончилик ва чорвачилик меҳнат маданияти устувор бўлиб келган. Бугун шу меҳнат маданиятининг янада барқарор ўсиши ва ривожланиши учун барча зарурий ҳуқуқий, сиёсий, моддий ва маънавий шарт-шароитлар яратилган.

Мамлакатимизда оилавий бизнес - юридик шахс мақомини олмагаи жисмоний шахсларнинг биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти шакли бўлиб, бу фаолият эр-хотинлар томонидан, уларга умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган умумий мулк негизида амалга оширилади. Оилавий бизнес эр билан хотиннинг ва уларга кўмаклашувчи оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади.

Бунда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кирувчи оилавий бизнес субъектларига микрокредитлар биринчи навбатда берилади. Буларга:

- кам таъминланган оилалар;
- таркибида ногиронлар ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларига киритилган бошқа шахслар бўлган оилалар;
- таркибида икки ва ундан ортиқ ишсизлар бўлган оилалар киритилади.

Республикамизда сўнгги йилларда оилаларнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш уларни камбағалликдан чиқариш ва фаровонликка эриштириш, боқимандалик кайфиятини йўқотиш мақсадида мамлакатимизда тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, оилавий бизнес субъектларига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Иш билан таъминлаш жамғармасининг кредит йўналиши ҳисобидан 6 ойгача давом этадиган имтиёзли давр билан, икки йилгача муддатга микрокредитлар берилади. Оилавий бизнес субъектларига иш билан таъминлаш фондининг кредит йўналиши ҳисобидан бериладиган микрокредитлар энг кам иш ҳақи миқдорининг 150 бараваридан ошмаслиги керак. Оилавий бизнес субъектларига микрокредитлар имтиёзли фоиз ставкаси билан ажратилади. Бу фоиз ставкаси амалдаги Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 1/4 қисмини ташкил этади.

Бугунги кунда оилавий бизнесга бандликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида қаралмоқда. Уни иқтисодиётнинг таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида эътироф этишларининг боиси ҳам шунда. Оилавий бизнеснинг ўзига хослиги шундаки, у кўп асрлик оилавий анъаналар, қадриятлар билан уйғун ривожланади. Шу билан бирга, оилавий бизнес субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, айни чоғда оила аъзоларининг ушбу бизнес субъекти фаолияти доирасидаги муносабатларини аниқлаштириш зарур. Бунда бизнингча, оила аъзолари қуйидаги хуқуқларга эга:

- корхона бошқарувида, қарорлар қабул қилишда, молиявий хўжалик фаолиятини назорат қилишда қатнашиш;

- бир-бирининг ҳуқуқларини кисман ёки тўлиқ ифода этиш;
- корхона низомида белгиланган тартибда кўрилган даромаддан улуш олиш;
- айни пайтда оилавий корхона таркибидан чиқаётганда корхона низомида кўрсатилган тартибда компенсация олиш;
- ижтимоий суғурта қилиниш ва иш даврларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат стажига киритиш;
- амалга оширилаётган фаолият турига мувофиқ бўлган буюмлар ёки товарларни ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш), шунингдек, уларни мустақил равишда ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқача тарзда сотиш;
- амалга оширилаётган фаолиятдан олинган даромадни барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин, қонун хужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш;
- Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда бошқа имтиёз ва ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўлмасов А. Оила иқтисодиёти. –Т .: «Меҳнат», 1998.
2. Бо'риева М.Р.О'збекистонда оилавий демография. - Т .: Университет, 1997.
3. Эгамова Д.Н. Бозор иқтисодиёти шароитида Қашқадарё вилоятида оиланинг ижтимоий-демографик хусусиятлари. Иқт.фан. номзод. дисс .. - Т.: 2006.

ОИЛАЛАРДА КИЧИК БИЗНЕСНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ОИД ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

Иминов Тўхтасин Нурмаматович, и.ф.ф.д., доцент, Ибайдуллаева Феруза Холжўраевна, 2-босқич магистрант
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Андижон, Ўзбекистон

Бугунги кунда жаҳон амалиётида тобора кенг ўрин эгаллаб бораётган тадбиркорлик шаклларидан бири оилавий бизнес бўлиб, унга умумий ҳолда қуйидагича таъриф берилган: «Оилавий бизнес – бир оила ёки оилавий алоқалар билан боғланган кишилар гуруҳи томонидан бизнесни ташкил этиш, унинг акциялар назорат пакетини ушлаб туриш, фаолиятига раҳбарлик қилишдир» [4].

Оилавий бизнес – жаҳонда илгаридан мавжуд бўлиб келаётган бизнес институтлардан бири. У жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатлари иқтисодиётида белгиловчи рол ўйнайди. Мазкур мамлакатлар амалиёти шуни кўрсатадики, катта бизнес оилавий компаниялардан бошланади. Мустаҳкам оилаларда оилавий бизнес кўп тармоқли корпорацияларга ўсиб ўтиши борасида кўплаб мисоллар мавжуд. Бироқ, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, оилавий бизнес фаолияти учун аҳамиятли даражадаги беқарорлик ҳам хос. Жумладан, «статистик маълумотларга кўра, оилавий бизнес ўзининг учинчи авлодига келиб 95 фоиз ҳолатда тугаб кетади» [3]. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- муайян вақт давомида оила аъзолари таркибининг ўзгариши, бунинг натижасида қариндошлик алоқаларининг сусайиб бориши;
- бизнес таркибига қўшиладиган янги иштирокчиларнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш муаммоларига нисбатан қарашларидаги фарқларнинг кучайиб бориши;
- бизнеснинг кенгайиши натижасида унинг иштирокчиларининг кўпайиши ва бунинг оқибатида ихтилофларнинг кучайиши ва ҳ.к.

Илк меҳнат тақсимоти, устоз-шогирд анъаналари шунингдек, авлоддан-авлодга ўтувчи соҳалар ҳам оилаларда шаклланган. Қадимги шарқда бир ҳунармандчилик турини авлоддан-авлодга мерос қолдириб ривожлантириб келган оилалар бор. Бу йўл билан оилалар нафақат аждодлари анъаналарини сақлаб авлодларига етказган, балки шу билан оиласи иқтисодий ҳолатини яхшилаш, ишлаб пул топиш ва даромад олишга эришган. Ҳаттоки айрим оилаларнинг махсус ёрлиқлари бўлиб, улар карвон йўли орқали бошқа давлатларда ҳам машҳур бўлган, бу замонавий бизнеснинг дастлабки ёрқин намоёндаси ҳисобланади.

Оилавий бизнес тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида тарихан анча узоқ даврдан бошлаб амал қилиб келади. ««Оилавий бизнес» журнали фаолият муддати 200 йилдан ортиқ бўлган бир неча юзлаб оилавий компаниялар рўйхатини санаб ўтган». Шу билан бирга оилавий бизнес тадбиркорликнинг нисбатан кенг тарқалган шакли бўлиб ҳам ҳисобланади. Тадқиқотчилар «Ғарбдаги кичик корхоналарнинг 68%ни айнан оилавий корхоналар ташкил этишини аниқладилар» [2].

Бироқ, бу даврга келиб ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг мазкур шакли ўз эгаларига етарли миқдордаги капитални жамғариш имконини беради.

Халқаро миқёсдаги юқори технологияли ривожланган компаниялар тажрибасидан кўриш мумкинки, улар оилавий бизнес шаклида ташкил топган бўлсада, эндиликда уларнинг асосчиларига маълум фоизларгина тегишли холос. Бироқ, бу – гигант корпорацияларнинг улуши ҳисобланади. Бошқача айтганда, «ҳар бир оила ҳам жадал ривожланаётган бизнесни ўз қўлида тутиб тура

олмайди, бироқ, бу энди умумий муаммо бўлиб, оилавий корхонанинг бошқа корхоналар сингари бу муаммодан қочиб қутилиши қийин» [5].

Бугунги кун жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, узоқ йиллар давомида оилавий бизнеснинг ижобий томонлари унинг камчилик ёки салбий томонларидан яққол устунликни кўрсатиб келмоқда. Айнан шу туфайли бугунги кунда оилавий корхоналарнинг иқтисодиётдаги улуши дунё бўйича ўртача 70% ни, шу жумладан, Ҳиндистонда – 95%, Финляндияда – 94%, АҚШда – 80%, Германияда – 36%, Францияда – 30% ни ташкил этмоқда [1].

Ривожланган хорижий мамлакатларда оилавий бизнесни ташкил этишда бизнес-ҳамкорлар ёки унда ишлашни хоҳловчилар асосан қариндошлардан таркиб топишига қарамасдан, уларни танлашга жуда катта эҳтиёткорлик ва масъулият билан ёндашилади. Шуниси эътиборлики, «айрим хорижий оилавий компанияларда оилавий бизнесга киришдан олдин қариндошлардан 10-15 йил бошқа компанияларда ишлаб келишни талаб қилинади» [6].

Оилавий бизнеснинг ривожланишида ўзига хос тенденциялар рўй беради. Жумладан, оилавий бизнес ривожланиб борган сари, қариндош бошқарувчилардан айрилиб боради ва профессионал топ-менежерларни ёллаб боради. Улар рақобатбардош компанияни самаралироқ бошқарадилар. Қариндошларнинг ўзи кузатувчилик ва тузатишлар киритиб туриш функцияларини бажарадилар. Жаҳон тажрибасига кўра, топ-менежерлар оилавий бизнеснинг қийматини аҳамиятли даражада ошириб берадилар, бироқ айни пайтда унинг маълум улуши бошқарувчиларнинг ўзига ҳам тегишли бўлади.

Адабиётлар:

1. Гизитдинова Н. Что такое семейный бизнес по-американски? – http://prodohod.blogspot.com/2010/04/

2. Жданов А. Рифы семейного бизнеса. - http://www.wmnspb.ru/rub/carier/391-rif.html

3. Передача бизнеса детям. Источник информации: www. voxpopuli.kz

4. Семейный бизнес // Бизнес-Инкубатор. - http://www.biznesinkubator.ru/tesaurus/209/3315/

5. Семейный бизнес или что такое хорошо и что такое плохо // http://www.bishelp.ru/svoe_delo/variant/

6. Что такое семейный бизнес по-русски? // http://www.bishelp.ru/rich/Uspeh/otrasliRazv/0808semia.php.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ТАҲЛИЛИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

А.Т.Мамажонов- и.ф.ф.д., доцент. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Иқтисодиётни диверсификация қилиш даврида хўжалик субъектлар ўртасида иқтисодий рақобатбардошлик муҳитининг шаклланиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва таҳлилининг илғор тизимларидан фойдаланиш заруриятини туғдиради. Хорижий мамлакатларда бошқарув таҳлилини юритишнинг замонавий шароитида стратегик ва тактик хусусиятга эга бўлган бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни фермер хўжалигининг харажатлари ва молиявий натижалари ҳақидаги ахборотга таянади. Бу вазифаларни бажаришда бир қатор замонавий тизимларнинг аҳамияти каттадир.

Маҳсулот таннархи деганда хўжаликнинг маҳсулотни етиштириш ва уни сотиш учун қилинган барча харажатларининг пул шаклида ифодаланган йиғиндиси тушунилади. Таннарх барча маҳсулотни ёки унинг бирлигини етиштириш ва реализация қилиш фермер хўжалигига қанчага тушишини кўрсатади.

Фермер хўжаликларининг ва уларнинг ишлаб чиқариш бўлимлари ишининг энг мухим кўрсаткичи бўлиб маҳсулот таннархи ҳисобланади. Маҳсулот таннархида фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини даражаси ва сифати ўз ифодасини топади.

Ҳозирги кунда фермер хўжаликларида таннарх категориясидан хўжалик ҳисобини юритишда кенг фойдаланилмоқда. У энг фойдали ихтисослаштиришни танлаш, тармоқларни жойлаштириш ва бир-бирига мувофиқлаштириш, харажатларни камайтириш ва экинларнинг ҳамда хўжалик ишлаб чиқариш тармоқларининг рентабеллигини ошириш захираларини аниқлаш имконини беради.

Хар бир хўжаликда маҳсулот таннархини камайтириш мақсадида муттасил ва режали равишда иш олиб бориш учун фақат ишлаб чиқаришга қилинган харажатларнинг умумий йиғиндисигина эмас, балки маҳсулотнинг хар бир турига қилинган аниқ харажатларни ҳам билиш керак.

Харажатлар моддаси бўйича ишлаб чиқаришни режалаштириш ва харажатларни ҳисобга олишнинг хўжаликларда қулланиладиган усули ана шу талабга жавоб беради.

Ишлаб чиқариш таннархи бўлим таннархининг умумий хўжалик чиқимларига қилинган харажатларнинг умумий йиғиндисига эмас, балки балки маҳсулотнинг ҳар бир турига қилинган аниқ харажатларни ҳам билиш керак. Харажатлар моддаси бўйича ишлаб чиқаришни режалаштириш ва харажатларни ҳисобга олишнинг хўжаликларда қўлланиладиган усули ана шу талабга жавоб беради.

Ишлаб чиқриш таннархи давлатларда тармоқлар бўйича таннархни шакллантиришга қараб тақсимланади.

Тўлиқ таннарх–қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархини уларни реализация қилиш билан боғлиқ бўлган суммага кўпайтирилгандан иборатдир. Ушбу таннарх савдо чиқимлари деб ҳам юритилади.

Аниқлаш усуллари ва қўллаш доираларига қараб таннархни режали ва хақиқий турларга тасниф қилиш қабул қилинган.

Режадаги таннарх иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида, хақиқий таннарх, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар натижасига қараб аниқланади.

Харажатларнинг таркибига кўра режали таннарх хақиқий таннархдан қуйидагича, яъни унга ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар, масалан, яроқсиз маҳсулотларга кетган харажатлар, чорванинг ялпи ўлими туфайли келиб чиқадиган чиқимлар киритилмаслиги билан фарқланади.

Режали ва хақиқий таннархни аниқлашда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархи шаклланадиган чиқимлар гурухи муаммоси катта ахамиятга эга.

Бухгалтерия ҳисоботларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини шакллантирадиган харажатлар гурухларини фарқлашдан кенг фойдаланилади. Улар иқтисодий моҳиятига кўра материаллар учун кетган моддий харажатлар, иш хақи чиқимлари, ижтимоий эхтиёжлар учун ажратилган харажатлар, асосий фондлар аммортизациясига сарфланадиган харажатлар, бошқа барча харажат элементларидан ташкил топади.

Иқтисодиёт ҳисоб-китобларида маҳсулот таннархини харажатларнинг маҳсулотнинг олиш-сотиш бўйича ҳисоблаб чиқилган бахолари моддаларига қараб аниқлаш қабул қилинган. Бу усул харажатлар гурухини турлар бўйича жуда тугал аниқлаш ва юқорида саналган элементларнинг ҳар бирини таннарх миқдорига таъсирини белгилаш, пировардида қишлоқ хўжалиги муассасасининг молиявий ҳамда иқтисодий холатини равшан тасаввур қилиш имконини беради.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш, ҳисоб-китоб қилиш, таннархини ҳисоблаш учун услубий тавсиялар республика қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланади. Бу тавсияларга кўра мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида харажатларнинг ижтимоий эхтиёжлар учун ажратилган харажатлар билан биргаликда меҳнатга хақ тўлаш учун кетган харажатлар, уруғлар ва ўтқазиладиган кўчатлар учун сарфланадиган харажатлар, минерал ва органик ўғитлар харажати, ўсимликлар ва чорвани ҳимоя қилиш бўйича харажатлар, озуқа харажатлари, хўжалик раҳбарлари, омбор мудирлари, қоровулларга тўланадиган ҳақ, енгил транспортни сақлаш ва хизмат сафарларига қилинган харажатлар, идора, телеграф, почта ва бошқа сарфлар. Иморатлар ва иншоотлар умумхўжалик инвентарлари ва асбоб ускуналарининг аммортизацияси, уларни жорий таъмирлаш ва сақлашга сарфланадиган харажатлар ҳам умумхўжалик харажатлари жумласига киради.

Маҳсулот бирлигининг таннархи сарфланган харажатларнинг йиғиндисини олинган маҳсулотнинг хажмига бўлиш йули билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалигида асосий маҳсулот билан бир қаторда қўшимча маҳсулот хам олинади. Масалан дон етиштирганда олинган сомон ва чори, лавлагичиликда барг, чорвачиликда гунг ва хоказолар қушимча маҳсулот ҳисобланади. Айрим тармоқлар эса бир неча хил асосий маҳсулот беради.

Масалан қўйчиликда жун, гўшт, сут ва хакозолар киради. Чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга боғлиқдир. Хўжаликлар ривожлана борган сари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янада кўпроқ етиштириш ва уларни арзон қилиш учун тобора янги имкониятлар вужудга келади.

Маҳсулот таннархиниг камайтирилиши, аввало, хўжаликларнинг иш натижаларига боғлиқдир. Хўжаликларнинг асосий вазифаси меҳнат ва маблағларни энг кам сарфлаган холда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни максимал даражада купайтиришдан иборат. Замонавий машина техникаси билан таъминланган хўжалик далаларининг яхши ишлаши, чорва молларни яхши парвариш қилиш ва айни вақда қўл меҳнати сарфини қисқартириши мумкин.

Меҳнат ва моддий маблағларни иқтисод қилиш режимини қатъий амалга оширмасдан туриб, таннархни камайтириш ва рентабелликни ошириш катта қийинчилик туғдиради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси мамлакатнинг келгусида барқарор ривожланиши ҳамда рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилувчи дастурга эга бўлиб, у ўз навбатида, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари ва хизмат кўрсатувчилари маҳсулотларига ички талабни ноинфляциявий рағбатлантириш, иқтисодиётининг реал сектори ресурс базасини кенгайтириш ва инвестицион фаоллик ўсишини таъминлаш, электро-энергетика соҳасини модернизация қилиш, энергия сиғимини қисқартириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш, кичик бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳоли, бандлигига ва янги иш ўринларини ташкил этишга кўмаклашиш каби чора-тадбирларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини маҳсулот таннархини таҳлил қилишда асосий эътибор таннархга таъсир қилувчи омилларга қаратилиши лозим.

Шу сабабли ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини таҳлил қилишда фермер томонидан турли хил маҳсулотлар таннархини таҳлил қилишдан бошлаш керак. Шу билан биргаликда турли фермер хўжаликлари бўйича маҳсулот таннархини таҳлил қилиш ва айрим маҳсулотлар пахта ва буғдой бўйича таннархни умумий кўрсаткичларини туман бўйича ва вилоят бўйича солиштириш зарурияти пайдо бўлади. Бунда маҳсулот таннархини

таҳлил қилиш орқали таннархни ўзгариш динамикасини билишимиз ва шу асосда унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш имконияти вужудга келади. Бундан ташқари таннархни бизнес-режадаги таннарх билан солиштириш имконияти ҳам вужудга келади. Натижада фермер хўжаликларини таннархини таҳлил бўйича ахборотлар таҳлил учун бошланғич ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади.

Минтақалар ва алоҳида корхоналар миқёсида қабул қилинган чора-тадбирлар натижаларининг мунтазам мониторинги ўтказилиши ва ҳар ойда кўриб чиқилиши бўйича қаътий назоратни олиб бориш, шунингдек дунёда нарх-наво ўсиши, жаҳон ва минтақа бозорлари коньюнктурасининг ўзгариши, иқтисодиёт ривожининг ички тенденциялари таҳлилидан келиб чиқиб, корхоналарнинг барқарор ва самарали ишлашини таъминлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Унга асосан маҳсулот таннархини камайтириш бўйича иқтисодиётнинг барча тармоқларида аниқ таклифлар ишлаб чиқиш, маҳсулот сифатини ошириб бориш мақсад қилиб олинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Артеменко В.Г, Беллендир М.В. "Финансовый анализ".Учебной пособие. – М.: НГАЭиУ, 1997. – 287 с.

2.Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий холати таҳлили. Т.: "Молия". 2004. – 402 б.

3. Анализ хозяйственной деятельности сельскохозяйственных предприятий. /А.В.Фудина и др. М.:Агропромиздат, 1991.-256с.

4. Баканов.М.И, Мельник.М.В, Шеремет.АД, Теория экономического анализа: Учебник/Под редакции М.И.Баканова. - 5-е изд., переработан и допол. - М.: Финансы и статистика; 2007, - 536 с.

5. Баканов М.И., Шеремет А.А. Теория экономического анализа. М.: "Финансы и статистика", 1999.-416с.

6.Бакетт М. Фермерское производство: организация, управление, анализ./пер.с англ. –М.: «Агропромиздат», 1989.-464с.

7.ВахобовА.В, ИброхимовА.Т, ИшонқуловН.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. - Т.: «Шарк». 2005. – 479 б.

8. Ваҳобов А, Иброхимов А. Молиявий тахлил. - Т.: Шарк, 2002. - 224 б.

ВЛИЯНИЕ УВЕЛИЧЕНИЯ ЭКСПОРТА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ НА РАЗВИТИЕ ЭКОНОМИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Курганов Хакимжон Рустамович-

ассистент кафедры «Агробизнес и маркетинг» Андижанского Института Сельского Хозяйства и Агротехнологий
Тиллаева Мухайё – ассистент кафедры «Агробизнес и маркетинг» Андижанского Института Сельского Хозяйства и Агротехнологий

В последние годы в нашей стране ведется работа по дальнейшей либерализации внешнеэкономической деятельности, поощрению увеличения экспорта, повышению конкурентоспособности и финансовой устойчивости местных организаций-экспортеров, улучшению деловой среды за счет устранения избыточных и устаревших разрешительных процедур. В результате этих мер, наряду с расширением экспорта плодоовощной продукции, фермерам будет стимулироваться увеличение производства продукции, пользующейся повышенным спросом на внешних рынках, рациональное использование земельных ресурсов, в том числе повышение урожайности сельскохозяйственных культур за счет повторных посевов. Это, в свою очередь, повысит конкурентоспособность плодоовощной продукции на внешних рынках по цене и качеству.

Сегодня повышение экспортного потенциала является неотъемлемой частью общей экономической политики страны, которая направлена на обеспечение макроэкономической стабильности, развитие производства, стимулирование инвестиционной активности. Узбекистан обладает большими запасами сырья и высоким производственным потенциалом. Это позволит нашей стране участвовать в мировом разделении труда. Интеграция ведущих отраслей и отраслей нашей экономики в мирохозяйственные связи является важным фактором развития народного хозяйства, что требует совершенствования ведущих отраслей страны по конъюнктуре и востребованности на мировых рынках и формирования совершенно новых хозяйственные и управленческие отношения.

Участие нашей страны в мировом хозяйстве и его процессах оказывает положительное влияние на экономику, открывает дополнительные возможности, перестройка внешнеэкономических связей ускоряет адаптацию национального хозяйственного механизма к современным требованиям и тем самым формирование социально ориентированной рыночной экономики. Сегодня ни для кого не секрет, что мировой рынок требует производства товаров и услуг высокого качества, соответствующих мировым стандартам.

Поэтому в современных процессах глобализации, производства товаров и услуг, соответствующих мировым стандартам, и расширения их свободного перемещения важным вопросом является регулирование внешней торговли. В правовом регулировании и либерализации внешнеэкономических связей большое значение имеют указы Президента Республики Узбекистан «О содействии внешней торговле, привлечении и защите иностранных инвестиций»,

«Об образовании Министерства внешнеэкономических связей», «О создание Государственного налогово-таможенного комитета», постановлений «О дополнительных мерах по обеспечению валютного контроля за экспортно-импортными операциями», постановлений Кабинета Министров, нормативных документов по внешнеэкономическим связям.

Объем товарооборота республики на внешних рынках из года в год растет, растет доля экспорта из развитых стран. В настоящее время мы экспортируем фрукты и овощи на сумму 1,5-2 миллиарда долларов. Однако у отрасли есть потенциал экспорта на $10-15 млрд в год[1]. Наряду с увеличением экспорта в последние годы улучшается его состав. «Переработано 132 тысячи тонн сельхозпродукции и экспортировано готовой продукции на сумму 100 миллионов долларов, заметьте, готовой продукции»[2]. Помимо достигнутых результатов, имеются ошибки и недостатки во внешнеэкономических связях, в том числе ограниченный доступ сельскохозяйственных субъектов на внешние рынки, недостатки в подборе партнеров на внешних рынках и ненадлежащее оформление экспортно-импортных контрактов, в том числе неисполнение обязательства в результате.

В этой связи Президент Мирзиёев отметил следующие недостатки: «Сегодня только 15% фруктов и овощей, выращенных в нашей стране, перерабатывается, а 8% идет на экспорт. Особенно в Сырдарьинской, Джизакской, Хорезмской, Кашкадарьинской и Ташкентской областях эти показатели остаются низкими. Соответствует ли экспорт фруктов и овощей в размере 860 000 тонн или 620 миллионов долларов в этом году нашим возможностям и потенциалу? Нет, конечно нет! По опыту развитых стран отсутствуют машины для обработки садов и виноградников, посева и уборки семян овощей и картофеля, горюче-смазочных материалов, минеральных удобрений, не организованы на должном уровне семеноснабжение, борьба с болезнями и вредителями ”[2].

Сельское хозяйство является одной из отраслей материального производства во всех странах, на него приходится 45% населения, занятого в народном хозяйстве. производится более 40% производственных фондов и более 4% национального дохода. Это основа жизни республики, важный источник сырья для многих отраслей промышленности, а также экспортный потенциал республики и валютная выручка. С изменением доли государства в сельскохозяйственном производстве их максимальное положение в отрасли постепенно снижается, постепенно развиваются негосударственные формы собственности в производстве товаров.

Сегодня экономическая реформа, направленная на увеличение сельскохозяйственного производства, состоит из ряда необходимых направлений и самостоятельных систем, взаимосвязанных по своему содержанию и назначению. Важнейшим из них является создание производства

за счет малых и частных предприятий на основе негосударственных форм собственности, что является необходимым требованием рыночной экономики, поскольку экономической основой производства в любом обществе является собственность и собственность. Наряду с положительной оценкой снижения валютных затрат на закупку сельскохозяйственной продукции в результате внедрения импортозамещающей продукции следует отметить, что, несмотря на то, что страна является аграрной страной, доля импорта во внешней торговле по-прежнему высока. В условиях рыночной экономики необходимо реализовать следующие шаги по увеличению производства и эффективности сельскохозяйственной продукции и ускорению формирования экспортных возможностей отрасли:

1. Ускорить формирование рынка сельскохозяйственных услуг и создать конкурентную среду на этом рынке;

2. Создание всех звеньев инфраструктуры, обслуживающих и поддерживающих сельское хозяйство;

3. Свободный доступ к рынку и ценам на сельскохозяйственную продукцию на основе свободного спроса и предложения, минимизация государственного контроля над ценами.

В последние годы в условиях государственной монополии на экспорт и импорт наблюдается спад внешней торговли по основным видам. В частности, негосударственное производство требует совершенствования систем производства, хранения, переработки и упаковки, а также внедрения в производственный процесс нового оборудования и технологий. Наладить переработку сельхозпродукции, реализуемой в качестве сырья, привлечь иностранные инвестиции для производства качественной и конкурентоспособной продукции, развить малый и средний бизнес, повысить эффективность сельского хозяйства можно за счет производства продукции в фермерских хозяйствах. Положительное решение этих задач позволит найти достойное место и потребителя сельскохозяйственной продукции, выращенной в нашей стране, на зарубежных рынках.

Список использованной литературы

1. Обращение Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева к Олий Мажлису. Ташкент 22.12.2017.

2. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественной церемонии, посвященной Дню работников сельского хозяйства: 09.12.2017г.

3. Калинино О.Б. Таможенный союз России в Средней Азии невозможно предотвратить. США, 2012.URL; http;/www.rodon.org/polit-120221103225.

4. Л.М.Капустина, В.В.Килин Таможенный союз и единое экономическое пространство в рамках ЕвразЭС: проблемы и перспективы. – М., 2016. Евроазиатское сотрудничество.

5. К.К.Нуманов. Повышение конкурентоспособности экономики Республики Узбекистан в условиях глобализации. Т.Агроиктисодиет.2019.

6. Мустакимов Р.Р. О «косвенных» особенностях интеграции // Таможня. 2011. № 6 (269). С. 12.

7. Оболенский В.П. Глобальный кризис и внешняя торговля России // Рос. Внешнеэконом. вестн. 2012. № 1. С.5-6.

8. Якорева А.Е. Эффект интеграции [Электронный ресурс]. URL:http://expert.ru/2012/01/25/effect-интепрции/(дата обращения:25.01.2012).

9. Темирова А. Б Конкурентнособность продукции как показатель развития внешней торговли государства Астана, Сборник Евразийский национальный университет.

ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК ВА МАНЗИЛЛИ МОЛИЯВИЙ КЎМАК – КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Магистрант, Шакирова Мафтуна Зухриддин қизи
Андижон машинасозлик институти

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек "Бугун юртимизда ҳар қандай ислоҳот қуруқ рақамларда эмас, балки, энг аввало, аҳолининг кундалик ҳаётида, унинг дастурхони ва рўзғорида ўз аксини топиши зарур".

Маълумки, 2020 йилда юртимизда биринчи бор аҳоли орасида камбағаллик борлиги очиқ айтилди, шундан сўнг ушбу муаммо билан жиддий шуғулланиш бошланди.Кейинги икки йилда камбағалликни қисқартириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, эҳтиёжманд аҳолини аниқлашнинг янги тизими яратилиб, «темир дафтар», «аёллар дафтари» ва «ёшлар дафтари» жорий этилди, бундан буён, шаҳар ва туманларда иқтисодий комплекс таркибига кирувчи барча идораларнинг бош вазифаси қилиб, «маҳаллабай» ишлаш асосидакамбағалликни қисқартириш ва ишсизликни бартараф этиш белгиланди.

Камбағалликни келтириб чиқарувчи икки тоифа сабаблар борлигини таъкидлаш жоиз: Аввало, якка ёлғиз пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оилаларни мавжудлиги бўлса, иккинчидан иш ўринларининг етишмаслиги, якка тартибдаги тадбиркорлик ва кичик бизнесни

ривожлантириш борасидаги ислоҳотларни ҳали бери тизимли йўлга қўя олмаётганглигимизда, аҳолининг ишсиз қатламларини ижтимоий ҳимояси таъминланмаётганлигида кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга камбағалликни келтириб чиқараётган яна бир салбий ҳолатни, яъни учинчи тоифа сабабни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бугун юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва яратилаётган имкониятларга қарамасдан,тўрт муччаси соғлом бўла туриб, айрим аҳоли вакилларининг боқиманда кайфиятда эканлиги, мамлакатда ва жойларда амалга оширилаётган ислоҳотларга, яратилаётган қулай шароитларга лоқайд ва бепарво юрганлиги ҳам бор гап.

Биринчи тоифадаги сабабларни олдини олиш ва бартараф қилишда аҳолининг ушбу табақаларинқўллаб-қувватлаш мақсадида, катта миқдордаги маблағ ва ресурслар сарфланмоқда.Бугун нуронийлар, хотин-қизлар, ёшлар ва имконияти чекланган, ёрдамга муҳтож шахсларга зарур кўмак бериш борасида, амалга оширилаётган ишларбарчамизга яхши маълум.

Буларга қўшимча келгусида эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан таъминлаш даражаси ҳозирги 60 фоиздан 100 фоизга етказилади, базавий пенсия ҳисоблашда иш ҳақининг чегаравий миқдори ҳозирги 10 баробардан 12 баробарга оширилади. Бу – 2 миллион нафар фуқаронинг пенсияси, камида 20 фоизга кўпаяди деганидир.

Уй-жойга муҳтож фуқароларга турар-жойларни ижтимоий ижарага бериштизими жорий этилади, имконияти чекланган, ёрдамга муҳтож шахсларга имтиёзли асосда уй-жой бериш давом эттирилади.

162 минг ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини келгуси беш йилда 3 баробар оширишни кўзда тутувчи, касбга ўқитиш ва иш билан таъминлаш Миллий дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилади.

Иккинчи тоифа сабабларни бартараф қилиш борасида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида 2026 йил якунигача камбағалликни камида 2 баробарга қисқартириш энг муҳим вазифа эканлигибелгиланиб, тадбиркорликни фаол ривожлантириш ва уни манзилли молиявий қўллаб-қувватлаш борасида аниқ йўл-йўриқлар белгилаб берилди. Жумладан:

шаҳар ва туманларда иқтисодий комплекс таркибига кирувчи барча идораларнинг бош вазифаси, «маҳаллабай» ишлаш асосида, камбағалликни қисқартириш ва ишсизликни бартараф этиш ҳисобланиши;

уларнинг аҳолини касб-ҳунарга йўналтириш, оила хўжаликларида бизнес ташкил этишга кўмаклашиш, эҳтиёжманд фуқаролар билан манзилли ишлаши;

ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан, аниқ касб-ҳунарга ўқиш имкониятини яратиш, ёшлар ва аёлларни ўқитиш, касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатиш, уларнинг ишлашига шароит яратиш;

бизнес соҳасига имкониятларни янада кенгайтириш, солиқ турлари ва унинг юкини камайтириш хусусан, 2023 йилдан бошлаб, қўшилган қиймат

солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга,мол-мулк солиғи ставкаси 2 фоиздан 1,5 фоизга, банк, молия, телекоммуникация соҳаларида фойда солиғи ставкаси амалдаги 20 фоиздан 15 фоизга камайтирилиши, келгуси йилдан, асосий воситаларни амортизация қилишга солиқ имтиёзларини кенгайтириш, шунингдек, 2023 йилдан тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари бирлаштирилиб, ягона кўчмас мулк солиғи жорий қилиниши;

йўл қурилиши, иссиқлик таъминоти, ободонлаштириш хизматлари каби 25 та фаолият туридаги монополияга барҳам бериш, бу соҳаларда тадбиркорлик субъектларига кенг йўл очиш.

Учинчи тоифа сабабларни бартараф қилиш борасида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг тўртинчи ва бешинчи йўналишларида белгилаб берилган инсон капиталини ривожлантириш, аҳолининг барча табақалари ва қатламлари орасида таълим тарбия ишлари кўламини янада кенгайтириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини таъминлаш муҳим ўрин тутади.

Юқоридагилар билан бир қаторда кохоналар ва тадбиркорлик субъектларида хўжалик юритиш механизмларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, ишловчилар моддий манфаатдорлигини улар фаолиятининг охирги натижалари бевосита боғлаш, ресурс тежакорлигига эришиш, инновациявий ишланмалар, техник-технологик ва илмийянгиликларни кенг жорий қилишни йўлга қўйиш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматлар таннархини камайтириш ҳисобига корхоналар молиявий ҳолатини тизимли яхшилаш ва ишчи-ходимларни моддий рағбатлантиришни мунтазам ошириб боришни таъминлаш ҳам аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили эканлигини ёдда тутишимиз керак.

Хулоса қилиб айтганда,халқимизнинг эзгу умидларини рўёбга чиқариш мақсадида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилганлигини ва унда камбағалликни қисқартириш ва эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишасосий йўналишлардан бири қилиб белгиланганлиги бу беш йилликда камбағалликни салмоқли қисқартиш имконини беради албатта.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси.– Т.:Ўзбекистон, 2012.- 40 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. – 488 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" ги ПФ-60-сон фармони . – Тошкент:28-январь 2022 йил

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИГА ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ ТАЪСИРИ ТАҲЛИЛИ

Жўрахонов Музаффар Эскандарович, и.ф.ф.д.. Андижон машинасозлик институти, Андижон шаҳри, Ўзбекистон.

Кичик ва ўрта бизнес дунё мамлакатларида ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли даромадларининг ўсиши ҳамда турмуш даражаси сифатини таъминлаш борасида муҳим аҳамият касб этади. Дунё тажрибасини кўрсатишича иқтисодий барқарорлик ресурслардан фойдаланиш даражаси билан узвий боғлиқ бўлиб, ушбу жараён кичик ва ўрта бизнес орқали таъминланади. Шу боис, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида яратилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳамда иш билан бандликнинг асосий қисми кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнесда ишлаб чиқариш омилларининг самарадорлиги ресурслар миқдорий ўзгаришларига ҳам мутаносиб ўсиб боради. Жумладан, соҳага йўналтирилган инвестицияларни иш билан бандлик ўзгаришига мос ошириб бориш ҳамда хом ашёлардан оқилона фойдаланиш лозим. Бунда, ишчи кучи малака кўникмасини доимо ўсишини таъминлаш, инновацияларни кенг жорий қилиш, замонавий технологияларни қўллаш зарур. Бунинг учун тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш лозим.

Ўз навбатида "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси"да кичик бизне ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга кенг эътибор қаратилган бўлиб, унга кўра "**Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш.** Ҳудудларда 200 та янги саноат зоналарини ташкил этиш ва бизнес-инкубаторлар тизимини ривожлантириш. Шароити оғир бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш" белгиланган [1].

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг барқарор ривожланишида соҳани ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, давлат томонидан бошқариш ва қўллаб-қувватлаш, ҳудудий хусусиятлар каби омиллар қаторида инфратузилма фаолиятининг даражаси хам муҳим ўрин тутади. Хусусан, инвестицияларнинг ҳажми инфратузилма объектлари сони ва сифатига мутаносиб ҳисобланади. Ҳатто, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун ҳам инфратузилма объектлари сонини кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш зарур.

Е.А. Ляманова, К.В. Колпакова ва Е.В.Гусаровалар фикрига кўра кичик бизнесни барқарор ривожлантиришга ҳамда рақобатдошлигига таъсир этувчи омиллар сифатида табиий ресурс салоҳияти, инфратузилма, экологик, ижтимоий-демографик, инновацион, географик омиллар, маҳаллий ва давлат сиёсати кабилар келтирилган [2].

Шу билан бирга, инфратузилма объектлари, уларнинг фаолияти инвестициялар жалб этиш даражасига ҳам кучли таъсир қилади.

Инфратузилманинг ривожланиши нафақат инвестиция ҳажмига, балки ишлаб чиқариш ва экспорт даражасига ҳам боғлиқ. Жумладан, АҚШда XIX аср охирида темир йўл ва телеграфнинг ривожланиши «товарлар бозори»нинг кенгайишига ва бу ялпи ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келган [3].

Тадбиркорликни ривожлантириш ва инвестиция сиёсати асосида инфратузилма объектларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мазкур соҳани ривожлантириш чора-тадбирларини қўллаш муҳим масала ҳисобланади. Инфратузилма объектлари сони ва сифати инвестиция муҳитини белгиловчи муҳим омилдир [4]. Шунингдек, инфратузилма тизими ва унинг сифатини ривожлантириш ишлаб чиқаришга ижобий таъсир этади. Қатор изланишларда инфратузилмага киритилган инвестициялар ҳудудлардаги иқтисодий ўсиш ва меҳнат унумдорлигини бир-бирига яқинлаштирувчи асосий омил эканлиги тадқиқ қилинган [5].

Андижон вилоятида кичик бизнес соҳасини ривожлантиришга, унинг фаолиятини кенгайтиришга инвестициялар таъсирини баҳолашга алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Бунда инфратузилмани кичик бизнеснинг барқарорлик даражаларига таъсирини баҳолаб талаб этилади.

Андижон вилоятида инфратузилманинг ривожланиши натижасида инвестициялар ҳажми ҳам ўсиб бормоқда (1-расм).



Y - инвестиция хажми; X – инфраструктура сони;

1-расм. Андижон вилоятида инвестиция ҳажми ва ифратузилманинг ўзаро боғлиқлиги[17]

Демак, инфратузилма объектлари ўзгариши кичик бизнесни омиллар ҳажми ўзгаришига таъсир этиши билан бирга, фаолияти натижасига ҳам тўғри боғланишни кўрсатмоқда. Шу боис, инфратузилмаларнинг кичик бизнес барқарорлигини, ривожланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичларга ҳам таъсирни аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Дастлаб кичик бизнеснинг ЯҲМдаги улуши билан инфратузилма объектлари сони ва турлари таъсирининг иқтисодий-математик усуллар орқали боғлиқлиги тадқиқ этилди. Ўтказилган тадқиқот натижасида, Андижон вилоятида кичик бизнеснинг ЯҲМдаги улушига инфратузилманинг умумий сони кучли таъсирга эга эканлиги аниқланди.

Шундай бўлсада, инфратузилманинг таркибий тузилишини алоҳида таъсирини баҳолашимиз лозим. Жумладан, кичик бизнесга хизмат қилувчи инфратузилма объектларининг турлари сони 20 га яқин бўлиб, уларнинг қай бири юқори таъсирга эгалигини аниқлаш муҳимдир. Чунки, кичик бизнеснинг сони ўзгаришига тижорат банкларининг таъсири юқори бўлса, логистика хизмати экспорт салоҳиятини белгиловчи омиллардан биридир. Кўп ҳолларда, кичик бизнеснинг узоқ муддат фаолият кўрсатиши, барқарорлиги бошқарувчи кадрлар малакасига ҳам боғлиқ. Яъни, фаолият учун муҳим бўлган бозорни тўғри танлаш ва ўрганиш лозим.

Кичик бизнеснинг ЯҲМдаги таъсирига инфратузилманинг таркибий элементлари таъсири баҳоланганда лойиҳа хизматининг таъсири юқори эканлигини аниқланди. Жумладан, кичик бизнеснинг ЯҲМдаги улуши билан кичик бизнес субъектлари сони тўғри пропорцияда боғланган.

Шунингдек, кичик бизнеснинг барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири – иш билан бандликдаги кичик бизнес улушидир. Мазкур кўрсаткичга ҳам инфратузилманинг умумий сони ва лойиҳа хизмати кўрсатувчи турининг ижобий таъсири аниқланди. Яъни, умумий инфратузилма объектлари сонини бир бирлик ўзгариши кичик бизнесни иш билан банд бўлганлар улушини 0,085 фоизга ўзгартирмоқда. Яъни банклар фаолиятини кенгайиши кредитлар ҳажмига тўғри таъсир қилиб, янги иш ўринлари яратилишини таъминлайди.

Кичик бизнеснинг ЯҲМдаги, иш билан бандликдаги улуши миллий иқтисодий тизимдаги барқарорликни ёхуд ички барқарорликни ифодалайди. Ташқи барқарорлик даражаси эса унинг экспорт салоҳияти билан белгиланади. Кичик бизнеснинг экспорт салоҳияти кенгайиши натижасида ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар ҳажми ортади. Халқаро талабга мувофиқ ишлаб чиқаришни ташкил этиш албатта технологиялар ўзгариши билан узвийликда амалга оширилади. Натижада фойдаланилаётган ресурслар қайтими

[17] Манба: Муаллиф томонидан амалга оширилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

ўсади. Охир оқибат самарадорлик ўсиб, умумий ҳолда соҳанинг рақобатбардошлиги ортади. Шу боис, экспортнинг инфратузилма объектлари билан боғлиқлиги аниқланди.

Кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятига инфратузилма объектлари таъсирини тадқиқ қилганимизда юридик хизмат кўрсатувчи тури энг юқори регрессия коэффициентини ифодалади.

Яъни, кичик бизнес фаолиятини юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий билимини ўсиши, божхона ҳужжатларини тўғри юритиш ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Шунингдек, ушбу инфратузилма объектининг экспорт даражасига юқори таъсири амалга оширилаётган шартномалар билан ҳам асосланади.

Амалга оширилган тадқиқотларимиз натижасида вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг барқарор ривожланишига таъсир этувчи омиллар сифатида қуйидагилар намоён бўлди: инфратузилманинг умумий сони; юридик хизмат кўрсатувчи инфратузилма сони; логистика хизмати кўрсатувчи инфратузилма сони; лойиҳа хизмати кўрсатувчи инфратузилма объектлари сони. Демак, жорий вақтда кичик бизнес фаолиятини ташкил этиш ва юритишда малака талаб қилувчи соҳаларнинг таъсири кучли эканлиги аниқланди. Бу эса, кичик бизнеснинг барқарорлигини таъминлашда тадбиркорларнинг малака кўникмасига алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Андижон вилоятида аҳоли даромадлари ўсишига бугунги кунда енгил саноат ва қурилиш соҳаси кучли таъсир этмоқда. Жумладан кичик бизнесда иш билан бандларнинг асосий улуши ушбу тармоқлар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, уларда янги иш ўринларини яратиш инвестициялар билан боғлиқ. Яъни ушбу соҳаларда иш билан бандларнинг ўртача иш ҳақи ҳам (кичик бизнес соҳа ва тармоқлари корхоналари бўйича) юқори кўрсаткичларга эга. Демак, уларнинг иш билан бандлигини ошириш, аҳоли даромадларини кўтариш учун саноатни, хусусан вилоят хусусиятидан келиб чиқиб енгил саноат ва қурилиш индустриясини ривожлантириш зарур. Кичик бизнесдаги саноатнинг улушига инфратузилма сони ва турларини юқори таъсирини (инфратузилманинг умумий сонини 1 фоизга ўсиши саноатни кичик бизнесдаги улушини 2,57 фоизга оширмоқда) ҳисобга олиб диверцификация қилиш зарур.

Умумий ҳолда инфратузилма объектларининг сони ва хизмат сифатини ўсиши кичик бизнеснинг барқарорлигига ижобий таъсир этади. Жумладан, соҳага йўналтирилган кредитлар ва инвестициялар ҳажмини ўсиши, улар асосида капитал билан таъминланганлик ортиши, меҳнат унумдорлиги, капитал интенсивлик каби самарадорлик кўрсаткичлари ижобийлашуви таъминланади. Натижада кичик бизнеснинг фаолияти кенгайиб, иқтисодиётдаги кўлами ортади хамда вилоятнинг макроиқтисодий барқарорлиги давомийлигига эришилади.

Адабиётлар

1. "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонига 1-ИЛОВА.
2. Ляманова Е.А., Колпакова К.В., Гусарова Е.В. Факторы и условия обеспечения конкурентоспособности малого бизнеса в республике Мордовия.
3. Налогово-бюджетная политика и экономический рост. Международный банк реконструкции и развития/Всемирный банк. 2007.
4. Briceño-Garmendia, Cecilia, Antonio Estache and Nemat Shafik. Infrastructure Services in Developing Countries: Access, Quality, Costs and Policy Reform. World Bank Policy Research Working Paper 3468. December, 2004.
5. De la Fuente, Angel. Convergence across countries and regions:theory and empirics. UFAE and IAE Working Papers. November, 2002.

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA AYOLLAR TADBIRKORLIGINI RIVOJLANTIRISHGA USLUBIY YONDASHUVLAR

Nargiza Anvarovna Kamoldinova, assistent
Andijon mashinasozlik instituti,
Andijon shaxri, O'zbekiston Respublikasi

Jahon iqtisodiyotida ayollar tadbirkorligi muhim dinamik kuch sifatida namoyon bo'lmoqda. Dunyodagi "Biznes egalari orasida ayollar ulushi eng ko'p mamlakatlar Uganda 38,2%ni, Gana 37,9%ni, Botsvana 36%ni, Buyuk Britaniya 35,1%ni, Yangi Zelandiya 31,8%ni va Rossiya Federatsiyasi 31,2%ni"[1] tashkil etadi. Statistik ma'lumotlarga ko'ra, "Dunyodagi yangi biznes tuzilmalarning 25 foizdan ko'prog'i ayollar tomonidan yaratilgan. Frantsiya va Buyuk Britaniyadagi barcha firmalarning chorak qismi hamda Germaniya firmalarining uchdan bir qismini ayollar boshqaradi. Yaponiyada bu ko'rsatkich 23%, AQSHda esa 38%ni tashkil etadi"[2]. Koronovirus pandemiyasi davrida innovatsion iqtisodiyotdagi tub o'zgarishlarni inobatga olgan holda ayollar tadbirkorligini boshqarish mexanizmini takomillashtirish zarurati alohida ahamiyat kasb etmoqda.

Jahonda ayollar tadbirkorligini boshqarishni takomillashtirish va ularni innovatsion rivojlantirishga yo'naltirilgan keng qamrovli ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda. Amalga oshirilayotgan ilmiy izlanishlar tarkibida ayollar tadbirkorligini boshqarishga ta'sir etuvchi omillar va ularning o'ziga xos xususiyatlari hamda uning innovatsion rivojlanish strategiyasi bosqichlari, boshqarishning innovatsion mexanizmini takomillashtirish va samaradorligini oshirish, ayollar tadbirkorligi korxonalari bilan vertikal aloqalarni o'rnatish, hududlar bo'yicha ayollar tadbirkorligi

raqobatbardoshligini oshirish, axborot texnologiyalaridan keng foydalanish, innovatsion boshqaruv tizimini yaratish kabi yo'nalishlardagi tadqiqotlarga alohida e'tibor berilmoqda.

O'zbekistonda ayollar tadbirkorligini har tomonlama qo'llab-quvvatlash, imtiyozlar berish, boshqarish mexanizmini takomillashtirish hamda samaradorligini oshirish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoev 2021 yildagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida **"**Ayollarning biznes sohasidagi loyihalarini qo'llab-quvvatlash hamda joylarda aniqlangan xotin-qizlar muammolarini hal etish uchun byudjetdan qo'shimcha ravishda 1 trillion so'mdan ziyod mablag' yo'naltiriladi. Buning uchun "Xalq banki" tomonidan joylarda xotin-qizlarni tadbirkorlikka o'qitish, biznesga oid namunaviy rejalarini ishlab chiqish va kredit olishda ularga amaliy yordam ko'rsatishning yangi tizimi joriy etiladi"[3], deb ta'kidladilar. Mazkur ustuvor vazifalarni ijrosini ta'minlashda ayollar tadbirkorligini qo'llab quvvatlash mexanizmini rivojlantirish, uning raqobatbardoshligi darajasini oshirish hamda takomillashtirish bo'yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqish muhim ahamiyat kasb etadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevralda "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-son, 2018-yil 22-yanvarda "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakatlar strategiyasini "Faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalar va texnologiyalarni qo'llab-quvvatlash yili"da amalga oshirishga oid davlat dasturi to'g'risida»gi PF-5308-son, 2019 yil 14 mayda "Tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlash va himoya qilish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5718-son, 2020 yil 3 aprelda "Koronavirus pandemiyasi davrida aholi, iqtisodiyot tarmoqlari va tadbirkorlik sub'ektlarini qo'llab-quvvatlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PF-5978-son Farmonlari, 2018 yil 27 iyunda "Har bir oila – tadbirkor" dasturini amalga oshirish to'g'risida"gi PQ-3777-son, 2019 yil 7 martda "Xotin-qizlarning mehnat huquqlari kafolatlarini yanada kuchaytirish va tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlashga oid chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4235-son, 2019 yil 24 oktyabrda "Oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish davlat dasturlari doirasida amalga oshirilayotgan loyihalarni kreditlash tartibini takomillashtirishning qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4498son, 2021 yil 5 martda "Xotin-qizlarni qo'llab qo'vvatlash, ularning jamiyat hayotidagi faol ishtirokini ta'minlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5020-son Qarorlari va mazkur sohaga tegishli boshqa me'yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishda mazkur dissertatsiya ishi muayyan darajada xizmat qiladi.

Fikrimizcha, tadbirkor ayollar–bu iqtisodiy kategoriya sifatida zamonaviy bozor iqtisodiyoti sharoitida moslashuvchanlik va korxona boshqaruvida innovatsiyalarni

joriy etishga intilishi xususiyati yuqori bo‘lgan mustaqil shaklda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshiruvchi iqtisodiy sub’ektlar hisoblanadi[4].

Amerikalik iqtisodchi olim R. Hizrich va M. Piterslar iqtisodiy adabiyotda ilk bor erkaklar va ayollar tadbirkorligi faoliyati o‘rtasidagi farqli xususiyatlarni aniqlashgan. Qiyosiy tahlilni amalga oshirish jarayonida olimlar tomonidan tadbirkorlik faoliyatini yuritish motivi, biznes boshlash xususiyati, biznesni moliyalashtirish manbasi, avvalgi ish tajribasi, shaxsiy qobiliyatlar, tadbirkorlik sub’ektlari biografiyasi, biznesni qo‘llab-quvvatlovchi guruhlar va biznes yuritish tarmoqlari kabi ko‘rsatkichlardan foydalanilgan.

Xalqaro tashkilotlar ekspertlari tomonidan amalga oshirilgan tadqiqotlar natijalariga ko‘ra, ayol tadbirkorlar o‘z biznesini yo‘lga qo‘yishning boshlang’ich davrida 1-rasmda keltirilgan holda guruhlanadi.

O‘z biznesini boshlagan mustaqil "biznes-ledi"



1-rasm. Tadbirkorlik faoliyati yuritishning boshlang’ich davrida ayol tadbirkorlarning guruhlanishi[5]

Bugungi kunda jahonda band bo‘lgan insonlarning deyarli yarmini ayollar tashkil etib, YaIMning 37%i ayollar tomonidan ishlab chiqarilmoqda. Xalqaro mehnat tashkiloti ekspertlari fikriga ko‘ra, jahon iqtisodiyotida ayollar tadbirkorligi kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishning muhim omiliga aylangan bo‘lib, uzoq muddatli davrda biznes yuritish sohasini barqarorligini ta’minlash zaruriyati yuqori hisoblanadi. Berilgan prognozlarga ko‘ra, erkaklar va ayollarning biznes yuritish sohasidagi ishtirokini tengligini ta’minlash orqali 2025 yilga borib jahon YaIM hajmini 26 foizga oshirish mumkin bo‘ladi.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsam, Tadbirkor ayollar – bu iqtisodiy kategoriya sifatida zamonaviy bozor iqtisodiyoti sharoitida moslashuvchanlik va korxona boshqaruvida innovatsiyalarni joriy etishga intilishi xususiyati yuqori bo‘lgan mustaqil shaklda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshiruvchi iqtisodiy sub’ektlar hisoblanadi.

Ayollar tadbirkorligi sub’ektlari nisbatan o‘z biznes faoliyatini boshlashdagi qiyinchiliklarga qaramay, biznes yuritishda boshqa tadbirkorlik sub’ektlaridan ko‘ra faolroq, bozorga tezroq kirib olish va o‘z korxonalarining raqobatbardoshlik ko‘rsatkichlarini oshirishda nisbatan kamroq vaqt sarf qilishadi.

Tadbirkor ayollar korxona boshqaruvini “tabiiy” bo‘lishini ko‘proq istashadi. Boshqaruvga nisbatan bunday yondashuvda har bir hodim hamkasb sifatida umumiy ishlab chiqarish yoki xizmat ko‘rsatish jarayonining ishtirokchisi sifatida namoyon bo‘ladi. Korxonada bu turdagi boshqaruvning shakllanishi natijasida yollanma

ishchilar bir jamoa sifatida, hamjihatlikda yuqori natijalarga erishishi mumkin bo'ladi. Bunda ayol boshqaruvchi o'zini korxona rahbari sifatida emas, balki "O'z uyining bekasi" sifatida his etadi.

Adabiyotlar

1. https://newsroom.mastercard.com/ru/press-releases/%D0%B8%D1%81%D1%81%D0%BB%D0%B5%D0%B4%D0%BE%D0%B2%D0
2. Самедова Э.Р. Развитие женского предпринимательства в Азербайджане. Russian Journal of entrepreneurship #9, 2017 (May) 1491 стр. [3] https://president.uz/uz/lists/view/4057
3. Z. R. Xusanova Innavatsion iqtisodiyotda ayollar tadbirkorligini boshqarish mexanizmini takomillashtirish. Dis . p.f.bo'yicha falsafa doktori (PhD). – A., 2021,
4. Шокин, Ю. Менеджмент женского персонала: опыт последнего десятилетия // Управление персоналом. – 2009. – №2 [Электронный ресурс]/ Ю. Шокин, А. Абрамочкин. – URL: http://www.toppersonal.ru/issue.html?1881 ma'lumotlari asosida tuzilgan.
5. Махкамов А. Женское предпринимательство – важный фактор экономической повестки стран ШОС (04.12.2020 г.) https://scocenter.uz/archives/294

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Олимова Наргизахон Одилбек қизи, ассистент
Андижон машинасозлик институти, Андижон, Ўзбекистон

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар ўзига хос, такрорланмас характерга эга эканлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, корхоналарнинг эркин иқтисодий фаолият юритиш имкониятларини кенгайтириш, давлатнинг бошқарув ролини кескин чеклаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини кенгайтириш, улар учун ўзлари ишлаб топган маблағларни ишлатишда янада кўпроқ эркинлик ва имкониятлар яратиш шу кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга улар томонидан Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар стратегиясини чуқур билишлик ва жаҳон тажрибаларини, қайта ишлаб мамлакатимиз иқтисодиётига мослаштириб, ишлаб чиқаришга ва амалиётга тадбиқ этиш талаб қилинади. Республикамиз Президенти Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида: «Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз»[1] - деб таъкидладилар. Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик мухим роль ўйнайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга ва янги инфратузилмасини шакллантириш фаолиятига катта аҳамият бериш долзарб вазифа ҳисобланади.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш шу куннинг мухим вазифаларидан хисобланади. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир[9]. Бу ўринда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси қўйилмоқда. Ўз навбатида, бу мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

Ҳозирги кунда иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақабатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни самарали амалга оширишда корхона миқёсида, микро ва макро кўламда стратегик режалаштиришни амалга ошириш муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида корхоналар стратегик бошқарув ва режалаштириш воситаларисиз бозорда ўз ўринларига эга бўлишлари жуда қийин. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, иқтисодиётимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантирилиши, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ташкил этилиши каби туб ўзгаришлар юз берди. Юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги ва келажакдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожлантириш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаиназаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз зарур бўлади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз Ш. Мирзиёев —...”биз ҳозирданоқ тараққиётимизнинг инқироздан кейинги даври ҳақида чуқур ўйлашимиз, бу борада узоқ муддатга мўлжалланган дастур ишлаб

чиқиш ҳақида бош қотиришимиз керак. Бу дастур иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларни ўзида мужассам этиши даркор. Мана шу ўта муҳим масалани, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи стратегик вазифани эътиборимиздан чиқармаслигимиз зарур" [1]–деб таъкидлаб ўтди.

Иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишида саноат тармоғининг ўрни муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, корхоналарда стратегик бошқарув тизимини илмий тадқиқ қилиш ҳамда бу борадаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган илмий-амалий таклифларни ишлаб чиқиш ўта муҳимлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Лекин, корхоналар стратегик бошқарув самарадорлигини оширишнинг иқтисодиётни модернизациялаш шароитига мос келадиган илмий тадқиқотлар етарли эмас.

Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Ушбу масалаларнинг кенг таҳлили ҳамда уларни янада чуқурроқ ҳал этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг халқимизга қилган Мурожаатномаси муҳим ўрин эгаллайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ўз нутқида шундай деди: "Иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий ҳимоя ўзаро узвий боғлиқ тушунчалар бўлиб, уларни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди" [1].

Президентимизнинг ушбу маърузасида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, банк-молия тизимининг барқарорлигини ошириш, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади.

Глобаллашув шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга

қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш долзарб ҳисобланади:

1. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириб, мамлакатни модернизация қилиш шароитида бошқарувнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

2. Корхона фаолиятини такомиллаштириш ва ортиқча ҳаражатларни қисқартириш мақсадида корхонадаги бўлим ва цехларнинг ишларини ўрганиб чиқиб, бошқарув аппаратини қисқартириш лозим деб ҳисоблаймиз.

3. Санаот корхоналарида бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш тадбирларини баҳолашда, корхонанинг ишлаб чиқариш натижаларини таъсир этишига қараб ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

4. Корхонанинг фаолиятини жадаллаштириш мақсадида корхонада ташқи кооперация алоқаларини ривожлантириш керак.

5. Корхонада ишлаб чиқаришни модернизациялашни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва воситаларини ишлаб чиқиб жадаллаштириш лозим, яъни корхонада эскирган асбоб-кскуналарни чиқариш, ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳаражатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш, сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш, чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш.

Келтирилган таклифларимизни корхона ўз фаолиятида имкониятларидан келиб чиқиб, тўғри йўлга қўйса, бошқарув самарадорлигини ошириш ва келажакда корхонани юксалтириш учун замин яратишда ижобий силжишларга сабаб бўлар эди.

Юқорида баён этилганларга хулоса ясаб шуни айтиш мумкинки, саноат корхоналари ишлаб чиқаришни янги технологик босқичга кўтариш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашда талаб ва таклифни ҳисобга олган холда нима, кимга ва қандай маҳсулот ишлаб чиқариш, ресурслар билан таъминланишни, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этишни, маҳсулотни сотиш шакли ва усулларини танлашда янги инновацион (рақамли технологияларни) янгиликларни жорий этишни олдимизга муҳим вазифа қилиб қўяди.

Адабиётлар

1. Ш.М. Мирзиёев. «Ўзбекистон Олий Мажлисга Мурожаатномаси» www.turkestan.uz . 2020 йил 22-январь

2. Попов С.А. Стратегический менеджмент: Видение - важнее чем знания: Учеб. пособ. - М.: Дело, 2016.

3. Клейнер Г. Б. Стратегия предприятия.- М.:Изд-во «Дело» АНХ, 2015.-568 с.

4. Портер М. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов/Пер. с англ.-3-е изд.-М.:Алпина Бизнес Букс,2014.-453 с.

5. Ламбен Жан-Жак. Стратегический маркетинг. Европейская перспектива- Спб.: Наука, 2016

6. Мескон М. и другие. Основы менеджмента. Пер с анг. -Москва: «Дело», 2012

7. Фатхутдинов Р.А. Стратегическая конкурентоспособность: Учебник. – М.: «Экономика», 2015. – 504 с.

8. Хруцкий В.Э., Гамаюнов В.В. Внутрифирменное бюджетирование: Настолная книга по постановке финансового планирования. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: финансы и статистика, 2014. – 464 с.

РИСКИ ЦИФРОВИЗАЦИИ СИСТЕМЫ МЕНЕДЖМЕНТА КАЧЕСТВА ПРЕДПРИЯТИЙ ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Сафина Нафиса Талгатовна, ассистент.
Андижанский машиностроительный институт, Андижан, Узбекистан

В настоящее время весь мир переживает «цифровизацию», кардинально меняющий уклад жизни, как отдельно взятого человека, так и различных систем. Данный процесс носит глобальный характер и в ближайшие 5-10 лет затронет практически все сферы жизни и человека, и общества. Естественно, он не обойдет стороной промышленные предприятия, в том числе предприятия легкой промышленности Республики Узбекистан. В связи с этим, руководством страны приняты и реализуются стратегии развития информационного общества и искусственного интеллекта на период до 2030 года, а также программа цифровой экономики Республики Узбекистан [1].

Цифровизация - процесс преобразования предприятия, направленный на формирование единой информационной среды на всем жизненном цикле продукта, сочетающий различные методы и инструменты управления данными на предприятии. В настоящее время формирование такой среды на предприятиях обеспечивается за счет интеграции современных программных продуктов: PLM, MES, ERP, CRM, Master Data Management, Product Data Management. Под современными цифровыми технологиями понимается так называемая концепция «Индустрия 4.0» или «Четвертая промышленная революция». Индустрия 4.0 -

это совокупность инновационных технологий, таких как «интернет вещей» (IoT), «большие данные» (Big Data Analytic, или BDA), облачные вычисления, искусственный интеллект, киберфизические системы (Cyber-Physical Systems или CPS), «Интернет-сервис», (Internet of Services или IoS), технологии «блокчейн» и пр. Реализация цифровых методов управления на предприятии требует серьезных инвестиций в оборудование, программное обеспечение, подготовку кадров. Широкомасштабное внедрение цифровых технологий по всем направления деятельности предприятий легкой промышленности затруднено по финансовым причинам [2].

Успех внедрения цифровых технологий в организации определяется наличием: квалифицированного (компетентного) персонала; ресурсов (финансы, материалы, информация и т.д.) и инфраструктуры (здания, оборудование и т.д.); эффективной системой управления; волей (решительностью), а также стратегическим мышлением, руководства организации. Тем не менее организациям еще предстоит преодолеть много трудностей (проблем) для успешного внедрения цифровых технологий [3].

Цифровизация предприятий может дать следующие инновационные эффекты развития:

1. *Инновации в области экономической безопасности* приводят к использованию биометрических средств аутентификации пользователей, средств электронной подписи, современных антивирусных программ;
2. *Кадровые инновации* приводят к виртуальным коллаборациям, peer-to-peer, репутационным системам оценки, цифровому интервьюированию;
3. *Технологические инновации* ведут к изменению операционной модели компаний, повышению эффективности затрат, ускорению вывода новых продуктов на рынок, повышению лояльности клиентов и частоте взаимодействия с ними, ведущее к росту доходности клиентской базы, созданию партнерств или сотрудничества с компаниями в смежных областях, что позволяет также получить доступ к новым клиентским сегментам, производству качественной продукции, востребованной на рынке, повышению финансовых показателей (прибыли, рентабельности компании), росту конкурентоспособности компании.

Однако с развитием теории и практики изучения процесса цифровизации ученые обращают внимание на возможное возникновение рисков цифровизации компаний и их СМК. Цифровизация может создать определённые риски для предприятий, такие как:

1. *Кадровые риски* (риск снижения профессионального мастерства, образовательные риски),
2. *Технологические риски* (мошенничество в отношении данных компании, коррупция внутри организации)

3. *Организационные риски* (нестабильность цифрового развития компаний, дисбаланс взаимоотношений стейкхолдеров внутри систмы менеджмента компании).

Нехватка квалифицированной рабочей силы, конфликты между работниками из-за изменения условий труда, нехватка финансовых ресурсов, безопасность данных, низкая степень стандартизации, плохое понимание интеграции являются основными препятствиями при интеграции современных цифровых технологий. Однако до настоящего времени эти барьеры анализировались только индивидуально и, как правило, с технологической точки зрения. Принятие современных цифровых технологий - сложный процесс, в котором факторы влияют друг на друга, поэтому необходимо всестороннее (системное) их рассмотрение.

Литература:

1. Указ Президента Республики Узбекистан, от 05.10.2020 г. № УП-6079. «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации».
2. Караваева Е.Д. Управление организацией в условиях цифровизации: учебное пособие. — СПб.: Наукоемкие технологии, 2020.
3. Н.Халилов, Н.Сафина «Цифровизация - как основной фактор развития системы менеджмента качества текстильной промышленности в Республике Узбекистан. «Colloquium-journal», №13 (136) 2022, Польша, Варшава.

ҲУДУДЛАРДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Саидова Мавлуда Жумабоевна, ассистент
Жумабоев Муҳаммадрасул Раҳимжон ўғли, талаба
Андижон машинасозлик институти, Андижон, Ўзбекистон

Ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида хўжалик субъектларини ташқи иқтисодий муносабатларга жалб этиш долзарб масалалардан биридир. Бунда экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорга мустақил равишда чиқишларини таъминлаш, жаҳон амалиёти тажрибаларининг энг янги шакл ва услубларини жорий этишни жадаллаштиришдан иқтисодий манфаатдорликни вужудга келтириш орқали иқтисодий алоқалар самарадорлигини ошириш кўзда тутилган. Республикамиз

Президенти Ш.М.Мирзиёев - «Ташқи иқтисодий соҳада ҳали ишга солинмаган катта имконият ва заҳиралар мавжуд» - деб таъкидлаган эдилар [1].

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини экспорт йўналишига буришда хорижий мамлакатлар билан бевосита алоқаларни ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Бугун техника – технология тараққиётининг жадаллашган суръатлари, истеъмолчи талабининг тез ўзгариши, бозорлардаги аҳвол ишлаб чиқаришда содир бўлаётган ўзгаришларга чаққонлик, оперативлик билан ҳозиржавоб бўлиб туришни талаб этмоқда. Ишлаб чиқаришнинг мослашувчанлиги ҳозирги вақтда тобора кўпроқ муҳим омилга айланмоқдаки, бу омил ишлаб чиқаришнинг рақобатга қобиллигини, ижтимоий – иқтисодий самарадорлигини, ривожланиш истиқболларини белгилаб беради.

Маркетинг нуқтаи – назаридан, ички ва ташқи маркетинг тизимлари ўртасидаги асосий фарқ муҳитни кенг ва чуқурроқ англаш кераклигидадир[2]. Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий шарт – шароитлар, қонунлар, маданият ўртасидаги фарқлар каби масалаларни ҳал этишда уларга ўз маркетинг чора – тадбирларини қачон, қаерда ва қандай қўллаш кераклиги ҳақидаги ёндошувини келтириб чиқаришга ёрдам беради. Ташқи бозорларда истеъмолчилар талабларини ҳар томонлама ўрганган хўжалик субъектлари қайси бозорлар самаралироқ эканлигини ажрата оладилар. Ушбу мамлакатлардаги якка шахслар ёки фирмалар билан иш олиб бориш механизмини тўғри танлайдилар [3].

Корхоналарда маркетинг фаолиятини қўллаш, маркетинг муносабатларининг шаклланиши турли шароитларда турлича юз берганлиги сабабли, унинг тармоқ ва минтақа хусусиятлари тобора яққолроқ кўзга ташланади. Маркетингнинг шу жараёнларини ўрганиш, маркетинг муносабатлари шаклланишининг ўзига хос минтақавий хусусиятларини тадқиқ этиш зарур. Бизнинг назаримизда, маркетингнинг ана шу шартлари базасида шаклланиш хусусиятларини очиб бериш, корхоналарга бозор шароитида самарали ишлаш йўриқларини маркетинг ёрдамида кўрсатиб бериш алоҳида илмий изланишларни тақозо этади.

Андижон вилоятида кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тарафидан ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиси статусини олиш учун мурожаатларни ҳисобга олиб қатор афзалликлар берувчи давлат норматив актларининг қабул қилиниши натижасида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари сони ўсди. Эндиликда ташқи бозорда фаолият юритиш учун билим ва кўникмаларнинг етарли даражада бўлиши, рақобатни тўғри баҳолай олиш, хусусан маркетингнинг ўрнини тушуниб етиш эҳтиёжи кучаяди.

2021 йил 1 январь ҳолатига кўра 21798 та тижорат шаклидаги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан хусусий корхоналар 6955 та, оилавий корхона 496 та, масъулияти чекланган жамият 13644 та, бошқа корхоналар 703 тани ташкил этади. Ушбу даврда 4476 та корхона ва

ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 4016 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 89,7 фоизи) кичик (бизнес) тадбиркорлик субъектларини ташкил этган[4]. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони 179 тани ташкил этган бўлса, улардан фаолият кўрсатмаётган корхоналар ўртача 7тани ташкил этиб, фоиз ҳисобида 96,1 ни ташкил этган. Бундан шундай хулосага келиш мумкин:

1.Хўжалик субъектларининг ички ва ташқи иқтисодий фаолиятда бирон – бир мустақиллик кўрсатишга эҳтиёткорлиги, бозорнинг ўзгарувчан шароитларида оператив ҳаракатланиш тажрибасининг камлиги муайян қийинчиликларни юзага келтирди ва уларни бартараф этишга тўғри келмоқда.

2.Ташқи бозор шартлари ва ҳолатларини қисман ўрганиб ёки умуман ўрганмасдан жаҳон бозорига чиқишга ҳаракат қилинмоқда. Яъни рақобат паст даражада бўлган ички бозордан, рақобат доимий амалда бўлган ташқи бозорларга чиқиш билан боғлиқ муаммолар.

Юқорида тилга олинган ҳолатларнинг ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари бор. Бунда масалан, хўжалик субъектлари раҳбарлари ва персоналнинг ташқи фаолият масалаларида етарли саводга эга эмасликлари, фикрлашда юзага келган андозалар ҳам салбий ўрин тутади. Ушбу ҳолатлар ҳозирда фаолиятни экспорт йўналишига буришда маркетингнинг ўрни ва аҳамиятини аниқ белгилаб беради.

Корхона стратегик бошқарувини маркетинг асосида ташкил этиш, шакллантириш ва тартибга солиш механизми аниқ бир хўжалик юритувчи субъектлар ҳатти – ҳаракатларининг хусусиятлари мажмуасидан иборат бўлиб ниҳоятда ўзига ҳосдир. Хўжалик юритувчи субъектнинг бозорда тутган ўрни, унинг потенциаллари, кўрсатаётган хизмат турлари хусусиятлари ва бошқалар шулар жумласига киради. Шунга мувофиқ ҳамма учун бир хил ривожланиш стратегияси амал қилмайди. Шу билан биргаликда стратегик бошқаришни маркетинг асосида ташкил этишда бир қатор умумий тамойилларни белгилаш, амалга ошириш мумкин ва шартдир. Ҳозирги шароитда минтақада маркетинг шаклланишига асос бўлувчи назарий муаммоларнинг ўз ечимларини топиши муҳимлиги аниқ йўналишда илмий мавзуни белгилаб беради.

Бизнингча, тадқиқотнинг асосий мақсади Ўзбекистон шароитида, унинг турли минтақалари шароитида маркетингни йўлга қўйиш, маркетинг шаклланишининг муҳитга боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда хусусиятларини очиб бериш, шунингдек, амалиётни таҳлил қилиш орқали мазкур механизмни такомиллаштириш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Бу изланишларни илмий мақсади қуйидагилардан иборат:

1.Бозор маркетинг бошқарувини асослаш учун талаб ва таклиф мувозанатини ўрганиш.

2. Маркетингни турли минтақаларда жорий этишнинг ўзига хосликларини ўрганиш ва илмий – амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий тадқиқотларнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда тадқиқотда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- маркетинг амалиёти шаклланиши даражасини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- маркетингдан самарали фойдаланиш механизмини аниқлаш;
- корхоналарнинг минтақавий шароитда устувор маркетинг стратегиясини танлаш ва маркетингни шакллантириш йўлларини таклиф этиш.

Юқоридагилар умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, илмий тадқиқотлар якунида республика миллий иқтисодиёти, хусусан Андижон вилояти иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиши устида комплекс тизимли илмий тадқиқот олиб боришга ва уни такомиллаштиришга ҳамда иқтисодий ислоҳотларни ривожланиши шароитида маркетинг фаолиятини ташкил этишга эришилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60 – сонли фармони// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.01.2022 й., 01/28/60/547-сон)
2. Мескон М. и другие. Основы менеджмента. Пер. с анг. –М., Дело, 1992
3. Котлер Ф. Основы маркетинга Пер. с анг. М., Прогресс, 1990
4. Андижон вилоятининг статистик ахборотномаси, 2021 йил январь-декабрь.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Саидова Мавлуда Жумабоевна, ассистент
Андижон машинасозлик институти, Андижон, Ўзбекистон

Мамлакатимиз раҳбари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада сақланиб қолаётганлигига эътибор қаратди. Жумладан, Президентимиз шундай деди: "Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни

барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндошув асосида бошлашимиз керак." [1].

Бу вазифани амалга ошириш саноат тармоқларида маҳсулот таннархини камайтириш бўйича мавжуд резервларни аниқлаш ва ишга солиш, ишлаб чиқаришни материал ва энергия тежамкор замонавий ускуналар билан қуроллантириш, мавжуд қувватларидан тўлиқ фойдаланиш, хом ашё ва материаллар ҳамда ёрдамчи тармоқлар хизматлари нархини асоссиз ўсишини иқтисодий йўллар билан чеклаш, саноат кооперациясини кучайтириш ва хориждан олиб келинаётган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби чора тадбирлар муҳимдир.

Фан ва техниканинг шиддатли ривожланаётган ҳозирги шароитида замонавий ишлаб чиқариш воситаларини амалиётга киритиш иқтисодий самара билан бир қаторда оғир жисмоний меҳнатни машиналар меҳнати билан алмаштириш, ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликларини бартараф этиш, фондлар ва энергия билан таъминланиш даражасини ошириш, юқори малака талаб қиладиган ва манфаатдорликни оширадиган жозибали касбларга талабни шакллантириш, ҳамда мавжуд касбларга ёшларда рағбат уйғотиш ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал этиши лозим.

Япониялик мутахассислар томонида ишлаб чиқилган «6 S» тамойили корхоналарда юқори меҳнат унумдорлигига эга бўлган цехларни шакллантиришга ёрдам беради. «6 S» – бу кераксиз ҳаракатларни аниқлаш, кераксиз ва самарасиз харажатни тушуниб етиш ва бартараф этиш, ФИК – фойдали иш коэффициенти юқори, ишлаш қулай цехларни яратишдир[2].

«6 S» нинг мақсади нафақат покиза цех ёки хизмат хонасини яратиш балки, унинг асосий мақсади, фойдали иш коэффициенти (ФИК) юқори, ишлаш учун қулай бўлган цехларни яратишдир.

Фойдали иш коэффициенти юқори бўлган, ишлаш учун қулай цех қандай бўлади? Цехлардаги жиҳоз ва асбобларни оптимал жойлаштириш усуллари:

1. Француз олими ва менежер Анри Файоль ишлаб чиққан бошқариш тамойилларидан бири "Ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор ва ҳар бир нарса ўз ўрнида бўлиши керак" тамойили асосида: "Белгиланган жойга, белгиланган предмет"ни жойлаштириш.
2. Цехнинг ишлаб чиқариш режасига қараб зарур дастгоҳ ва материалларни "Минимал сони бўйича" олишни таъминлаш.
3. Дастгоҳ ва материалларни ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда "Тайёр ҳолатда ушлаб туриш" [3].

Фойдали иш коэффициенти (ФИК) юқори бўлган, ишлаш учун қулай бўлган цехларни яратишда «6 S» тамойилларидан фойдаланиш катта самара беради[3]. Биринчидан, ўринсиз харажатларни бартараф этиш йўли билан меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархни пасайтириш имконини беради. Бунда, харажатларни олдини олиш – материалларни цехда ёки омборда узоқ

муддат сақлаш, сарфни олдини олиш – керагидан ортиқча кўплаб омборлар, токчалар ва хоналар сонини камайтириш мумкин бўлади. Сарфни олдини олиш – керагидан ортиқча кўплаб аравачалар, лифтлар, кўтарма кранлар ва бошқа транспорт воситаларидан фойдаланишга ҳожат қолмайди. Сарфни олдини олиш – керагидан ортиқча кўплаб ишлаб чиқариш майдонлари ва дастгоҳларини қисқартириш, кераксиз ҳаракатларни олдини олиш имкониятини беради. Иккинчидан, хавфсизлик даражасини ошириш, яъни дастгоҳ ва механизмдаги ишқаланавериб силлиқ - ялтираб кетган жойга қараб туриб, бу жой ҳавфли ва аварияли жой эканлиги дарҳол ажратиб олиш мумкин бўлади. Шунингдек, материалларни тартибли сақлаш билан йўлакларни ва дам олиш жойларини тўла сақлаб қолиш мумкин. Материалларни ҳавфсизлиги ҳисобга олиб жойлаштириш усули орқали, материалларни нотўғри жойлаштириш хатосидан қочиш мумкин. Ёнғин, зилзила ва бошқа тассавуур қилиб бўлмайдаган, ҳаётда учрайдиган - ҳолатларга – ўт ўчиргич (огнетушитель) ва эвакуация йўлларини белгилаб қўйиш мумкин. Учинчидан, сифатни оширишга эришилади, яъни покиза иш жойи, яхши буюм ишлаб чиқариш хоҳишини уйғотади. Чунки ўлчов ва текширув асбобларини талаб даражасида сақлаш – брак маҳсулотни олдини олишнинг, дастлабки шартидир.

Ассортиментни ва ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайтиришда барча харажатлар ичидаги энг салмоқли бўлган, металл қолипларни, мосламаларни, асбобларни қидириб вақт йўқотмаслик учун, уларни тартибга солиб қўйиш зарур. Ялтираб нур таратиб турувчи механизм ва озода иш жойи, самарадорликни анчага оширади Агар «6 S» ни изчил бажариб борса, ҳатто янги ходимлар учун ҳам "яхши таниш иш жойини" ташкил қилиш мумкин.

Цехнинг фаоллигини ошириш чанг босган ва тартибсиз иш жойи, ишчиларда ишлаш хоҳишини уйғотмайди. «6 S» ни ўз фаолиятига жорий этмаган цехда, ишчи – ходимларнинг ишга келиш фоизи паст бўлади. Барча ишчи – ходимлар иштирокида «6 S» ни ўз фаолиятимизга жорий этамиз ва цехнинг ижтимоий муҳитини яхшилаш корхона қадриятига айланади. Озода, қулай иш жойи бир қарашдаёқ кўзни қувотиради ва бу ерда барқарор, йўқотишларсиз ва ортиқча куч сарфламасдан ишлаш мумкин бўлади.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги - мураккаб категория бўлиб, унда ишлаб чиқариш натижаларига ҳамда, ҳаражатларига таъсир кўрсатувчи омиллар мужассамлангандир. «6 S» тамойилларидан тўғри фойдаланган ҳолда фойдали иш коэффициенти (ФИК) юқори бўлган, ишлаш учун қулай бўлган цехларгина ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигига эриша олади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60 – сонли фармони// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.01.2022 й., 01/28/60/547-сон)

2. Организация времени. Эффективность, успех, развитие. 6S Японская система улучшения личной продуктивности [Электронный ресурс]. URL:http//www.improvement.ru.

3. Агарков А. П. и другие. Экономика и управление на предприятии. – Учебник. Москва: «Дашков и К», 2013.

СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ КАЧЕСТВОМ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ШВЕЙНО-ТРИКОТАЖНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Халилов Нурулло Хамидиллаевич, PhD, доцент
Андижанский машиностроительный институт, Андижан, Узбекистан

Текстильная и швейно-трикотажная промышленность Узбекистана является одной из ведущих и динамично развивающих отраслей. Она играет существенную роль в решении государственных задач и отвечает жизненно важным интересам многих регионов. Содействует гармоничному развитию регионов, обеспечению занятости населения и улучшению его благосостояния, оказывает помощь в становлении и развития малого и частного бизнеса. Важнейшим направлением наших внутренних резервов и возможностей стало поэтапное увеличение глубины переработки отечественных сырьевых ресурсов, а также расширение объемов и номенклатуры производства продукции с высокой добавленной стоимостью [3].

К концу 2021 года текстильные предприятия переработали в общей сложности 1 млн 5 тысяч тонн хлопкового волокна. Объем промышленного производства составил 31,8 трлн сумов (темп роста - 140,7 процента), в том числе 19 видов товаров народного потребления на 8 трлн сумов (133 процента). В частности, по объемам производства пряжи - 747 тысяч тонн (рост - 118,6 процента), трикотажного полотна - 175 тысяч тонн (146,3), чулочно-носочных изделий - 293,1 млн пар (114), швейных изделий - 571 млрд сумов (143,4). В рамках программы локализации произведено готовой продукции и комплектующих на 566,8 млрд сумов по 36 проектам [3].

К концу 2021 года 1250 предприятий экспортировали продукцию примерно в 70 стран на общую сумму 3035,3 млн долларов (рост - 162,4 процента). По

итогам доля пряжи в общем объеме экспорта составила 55,4 процента, а готовой продукции с добавленной стоимостью и высокой добавленной стоимостью - 44,6, темпы роста по сравнению с 2020-м - 141 процент [3].

В условиях динамичного развития международных рыночных отношений и ориентации на внешние рынки сбыта товаров, качество и конкурентоспособность продукции становятся важнейшими факторами эффективности деятельности предприятий легкой промышленности.

В рыночной экономике проблема качества является важнейшим фактором повышения уровня жизни, экономической, социальной и экологической безопасности. Именно повышение технического уровня и качества продукции определяет степень выживаемости предприятий в условиях рынка. Темпы научно-технического прогресса, рост эффективности производства, экономия всех видов ресурсов, используемых на предприятии, оказывает существенное влияние на конкурентоспособность отечественных товаров и жизненный уровень населения страны.

Современное управление качеством исходит из того, что деятельность по управлению качеством не может быть эффективной после завершения процесса производства продукции. Важна также деятельность по обеспечению качества, которая предшествует процессу производства. Качество определяется действием многих случайных, местных и субъективных факторов. Для предупреждения влияния этих факторов на уровень качества необходима эффективная система управления качеством. При этом нужны не разрозненные и эпизодические усилия, а совокупность мер постоянного воздействия на процесс создания продукта с целью поддержания соответствующего уровня качества [2].

Основными проблемами, стоящими перед отечественными производителями в направлении совершенствования управления качеством продукции, являются:

- усиление механизма воздействия систем управления качеством на все этапы жизненного цикла продукции;
- включение в систему управления качеством продукции механизма маркетинговой деятельности;
- ориентация систем управления качеством, как и всей производственной деятельности, на потребителя.

.Современные проблемы ограниченности их внедрения носят уже не методологический, а чисто практический характер, причинами которых являются отсутствие квалифицированных кадров, особенно в сфере маркетинга, ограниченность организационно-технической и материальной базы предприятия, недостаточный опыт массового использования статистических методов, отставание в автоматизации технологических и управленческих процессов [1].

Опыт показывает, что внедрение международных стандартов ограничивается не только высокими требованиями к организации материально-

Бошқарув персонали ҳам икки асосий тоифага бўлинади: раҳбарлар ва мутахассислар. Раҳбарларнинг мутахассислардан асосий фарқи шундан иборатки, раҳбарлар қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўладилар ва улар ўзларига бўйсунувчи ходимларга эга.

Бошқарув кўламига мувофиқ бошқарув барча функциялари учун масъул линия раҳбарлари (улар мазкур корхона учун асосий ҳисобланган фаолият билан шуғулланувчи бўлинма раҳбари ҳисобланадилар**)** ҳамда бошқарув муайян функцияларини амалга оширадиган функцияли раҳбарлар бир-биридан фарқланади.

Бундан ташқари, корхона бошқаруви юқори бўғин раҳбарлари (директорлар ва уларнинг ўринбосарлари), ўрта бўғин раҳбарлари (цех ва бўлинмалар раҳбарлари) ва қуйи бўғин раҳбарлари (участка ва бригада бошлиқлари, усталар) мавжуддир.

Корхона мутахассисларини уларнинг меҳнати натижаларига мувофиқ уч асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

• бошқарувнинг функцияли мутахассислари. Уларнинг меҳнат маҳсули бошқарув

ахборотлари ҳисобланади. Бу тоифа мутахассислар гуруҳига референтлар, иқтисодчилар ва ҳоказолар киради;

• мутахассис-муҳандислар. Улар меҳнати маҳсули техника ва ишлаб чиқариш

технологиясига оид конструкторлик-технологик ёки лойиҳа ахборотларидир. Булар - муҳандислар, технологлар, конструкторлар, лойиҳачилар ва ҳоказолардир;

• хизматчи-техник мутахассислар (компьютер операторлари, омборчилар, маиший соҳалар хизматчилари ва ҳоказолар) асосан хизмат кўрсатиш билан банддирлар.

Менежмент бўйича мутахассислар, хусусан россиялик иқтисодчи олим

Кабушкин Н.И. фикрига кўра, ишлаб чиқаришда ходимларнинг ролини белгилаб берувчи концепцияси ривожланиш жараёнида тўрт босқични босиб ўтган[3]:

1. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш (инглизча *Labour resources use).*Бу XIX аср охиридан XX асрнинг 60-йилларигача бўлган даврни қамраб олиб, мазкур концепцияга биноан ишлаб чиқаришда фақат инсон, унинг функцияси - иш вақти сарфи ва иш ҳақи билан ўлчанадиган меҳнат мезон вазифасини ўтаган.

2. Персонални бошқариш ***(****Personal management)*XX аср 30-йилларидан бошлаб шакллана бошлаган ушбу концепциянинг назарий асоси сифатида инсонга хизмат вазифаси орқали қаралиши қабул қилинган бўлиб, бошқарув маъмурий воситалар (тамойиллар, услублар, ваколатлар, функциялар) орқали амалга оширилиши назарда тутилади.

3. Инсон ресурсларини бошқариш *(Human resourse management).*Бу концепцияга кўра инсонга хизмат вазифаси орқали эмас, балки уч асосий компонентли (меҳнат функцияси, ижтимоий муносабатлар, ходим ҳолати) яхлит ижтимоий тузилма элементи сифатида қаралади. Мазкур назария XX асрнинг 70-йилларидан шакллана бошлаб, собиқ СССРда „қайта қуриш" даврида „инсон омилини фаоллаштириш" ғояларида ўз аксини топган.

4. Инсонни бошқариш *(Human being management).*Ушбу концепция асосчилари япон иқтисодчи олимлари К. Мацусита ва А. Марита ҳисобланиб, улар фикрича инсон корхонанинг бош субъекти ҳамда бошқарувнинг асосий субъекти ҳисобланиб, унга „ресурс" сифатида қараш мумкин эмас. Корхона стратегияси ва тузилиши инсоннинг хоҳиши ва салоҳиятига асосланиши керак.

Айни пайтда шуни таъкидлаш керакки, персоналии бошқарувга замонавий қарашлар бошқаришга инсон муносабатлари назарияси билан боғлиқдир. Ушбу

нуқтаи назарга мувофиқ персонални бошқариш қуйидаги тамойилларга асосланиши керак:

1. **Инсон** - корпоратив маданият асоси**.** Юқори самара билан фаолият кўрсатаётган корхоналарда асосий эътибор персоналга қаратилади. Инсонлар ўзгаришлар марказига қўйилса, улар ушбу ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи кучга айланадилар.

2. **Менежмент** - ҳамма учун**.** Бошқарув уч: олий, ўрта („команда") ва қуйи („ходимлар") бўғинларининг ҳаммасида амалга оширилиши керак.

3. **Самарадорлик** - корхона муваффакиятининг мезони сифатида**.** Бу корхона мақсадига ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳисобига эришиш ва иложи борича кўпроқ фойда олишни англатади.

4. **Ўзаро муносабатлар** - корхона муваффақиятининг мезони сифатида. „Ҳиссиётлар дунёси" (психологик муносабатлар, ўзаро алоқалар, қадриятлар, қизиқишлар)дан юзага чиқаётган муаммолар „фактлар дунёси" (техника, технология, корхона)дан пайдо бўлаётган муаммоларга нисбатан устувор бўлиши керак. Бу тамойилга кўра, шунингдек „Энг асосийси- мижоз", „энг асосийси - мансаб даражаси (иерархия)"дан устунроқдир.

5. **Сифат** - самарадорлик мезонидир**.** Бу сифат умумий тушунчасининг ўзаро боғлиқ бешта хусусиятини қамраб олади:

- шахсий сифат;
- команда сифати;
- маҳсулот сифати;
- хизмат кўрсатиш сифати;
- корхона сифати.

6. **Команда** - корхона муваффақиятининг мезони сифатида. Корхонада меҳнат қилувчи ҳамма инсонлар ходимлар ҳисобланади. Улар ижтимоий гуруҳ - команда аъзоларидир. Команда ва унинг аъзоларини корхона муваффақиятида ҳам, муваффақиятсизлигида ҳам ҳиссалари бор.

7. **Персонални ўқитиш.** Бу тараққиёт ва янгиланишлар калити ҳамда корхона учун

ҳаётий зарурат ҳисобланган корхонадаги ўзгаришлар жараёнининг таркибий қисмидир.Таълим дастурлари ходимлар ақли ва қалбига мурожаат қилиши керак.

Мазкур тамойиллар корпоратив маданиятни шакллантириш ва шахсни ҳар тарафлама камол топтиришга қаратилган. Улар замонавий технология ва консалтинг билан биргаликда персонални бошқариш даражасини сезиларли даражада такомиллаштириш имконини беради.

Юқорида қайд этилган концепцияларни таҳлил қилиб, персонални бошқаришга, ёндашувларга аниқлик киритиш мумкин. Бунинг учун инсоннинг ижтимоий ишлаб чикаришдаги ролини аниқлаш муҳимдир.

Ҳозирги вақтда бу масалада икки хил нуқтаи назар мавжуд:

- инсон ишлаб чиқариш тизими (меҳнат, инсон) ресурси - ишлаб чиқариш ва бошкарув жараёнининг муҳим элементидир;

- инсон шахсий эхтиёжлар, қизиқишлар, қадриятлар, муносабатлар бошқарувнинг бош субъекти сифатида.

Шу билан бирга тадқиқотчиларнинг бир қисми персоналга тизимлар назарияси нуқтаи назари орқали ёндашади [4].Бунда ҳам икки тизим фаркланади:

- **иқтисодий.** Унда моддий неъматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш муаммолари устувор ҳисобланади. Шунга мувофиқ персоналга меҳнат ресурси ёки инсонлар ташкилий гуруҳи (жамоа) сифатида қаралади;

- **ижтимоий.** Унда инсонлар муносабати, ижтимоий гуруҳлар, инсонни ҳар томонлама камол топтириш масалалари устувор ҳисобланади. Персоналга эса бетакрор шахслардан иборат бош тизим сифатида ёндашилади.Персоналии бошқариш фани меҳнат муносабатлари ва инсоннинг корхонадаги фаолиятини илмий тадқиқ этади. Ушбу илмий изланишлар қуйидаги даражаларда олиб борилади:

1. Бошқарув жараёнлари даражасида. Ушбу жараёнларга бевосита инсон жалб этилган бўлиб, улар билимнинг қуйидаги соҳаларини қамраб олади:

- коммуникация соҳалари;
- ижтимоий можаролар;
- бошқарув муносабатларини такомиллаштириш йўллари;
- қизиқтириш ва назорат;
- ходимлар гуруҳ аъзолари сифатида.

2. Корхона даражасида. Бунда корхонага муайян мақсадларга инсонлар ва улар фаолияти орқали эришиш тизими сифатида ёндашилади. Ушбу даража билимнинг қуйидаги соҳаларини қамраб олади:

- корхона - техник, технологик, экологик, ахборот ва молиявий мураккаб очиқ тизим сифатида;
- корхона - ижтимоий тизим сифатида;
- меҳнат қилишнинг ҳуқуқий шартлари.

3. Инсон даражасида. Бу даражада инсонга шахс ва ишлаб чикариш муносабатларининг иштирокчиси сифатида ёндашилади. Илмий тадқиқотлар бу даражада қуйидаги соҳаларда олиб борилади:

- шахс сифатлари ва қобилиятларининг таркиби;
- инсон учун унинг иш натижалари, айниқса бу натижаларнинг бошқа инсонлар меҳнати билан боғлиқ ва таққосланган ҳолдаги аҳамияти;
- инсон ва корхона;
- инсон ва менежмент.

Ғарб давлатларида бозор иқтисодиёти шароитларида „Персонални бошқариш" кўпроқ „менежмент" атамаси билан номланади.

Персонални бошқариш ёки персонал менежменти дейилганда ҳам алоҳида менежерлар, ҳам умуман бошқарув аппаратининг фаолият турлари, энг аввало бошқарув фаолияти тизими тушунилади [5].

Корхона меҳнат бозорида ишчи кучини қидиради, аммо ишлаб чиқаришда аниқ инсонлар билан ўзаро муносабатда бўлади. Шу сабабли персонални бошқарув функциясининг икки соҳаси мавжуддир:

1. Инсонларга раҳбарлик қилиш (етакчилик).
2. Таҳлилий иш. Бу ҳисоб-китоб ва тахлилий ишлар (персоналга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш, унинг қийматини аниқлаш ва таҳлил этиш, штатлар жадвалини тузиш), шунингдек, персоналга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Персоналии бошқаришнинг асосий мақсади корхона персоналини шакллантириш, ривожлантириш ва унинг салоҳиятидан энг самарали равишда фойдаланищдан иборатдир. Бу - корхона ҳар бир ходими билан олиб борилаётган ишни муттасил яхшилаб бориш орқали унинг ўз меҳнат ва ижодий қобилиятини ошириб боришига эришиш ва бу қобилиятидан корхона мақсадларига эришиш учун иложи борича тўла фойдаланишни таъминлаш демакдир. Персонални бошқариш концепцияси корхона ходимлар салохиятини шакллантириш ва ривожлантириш билан ўзаро боғлиқ бўлиб, қуйидагича табақаланади:

Ходимлар салоҳиятини шакллантириш - бу персонал меҳнат муносабатларини персонални бошқариш хизмати томонидан белгиланган тартиб-қоидалар асосида ташкил этишдир. Мазкур категория бошқарувнинг барча функциялари (масалан, инвестиция менежменти ва персонални бошқариш, ишлаб чиқариш менежменти ва персонални бошқариш) ўртасидаги алоқадорликни боғловчи жараёнларни англатади. Бунда боғловчи жараёнлар сифатида коммуникациялар ва бошқарув қарорлари намоён бўлади.

Персонални бошқариш вазифалар кўлами ва улар ижроси муддатига мувофиқ қуйидаги уч даражада амалга оширилади:

Тезкор даража. У бевосита персонал меҳнат фаолияти ва персонални бошқаришнинг тегишли таъсир кўрсатувчи соҳасини қамраб олади. Яъни бу даражада персонални бошқаришнинг барча функциялари - ходимлар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил этишдан улар учун сарф-харажатлар қийматини аниқлашгача бўлган функциялар ҳамда персоналга раҳбарлик амалга оширилади.

Тактик даража. Бу персонал билан ишлаш персонал умумий менежментига тааллукли эканлигини англатади.

Стратегик даража. У персонални бошқаришни ишлаб чиқариш менежменти билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Стратегик даража рақобат курашига тайёрликни ошириш, корхона ишлаб чиқариш стратегиясини қўллаб-

қувватлаш, ишчи кучи ташқи бозорини прогноз қилиш мақсадларига йўналтирилган бўлади.

Персонал (ёлланма ишчилар) ўз иш жойи муқим бўлиши, иложи борича юқори иш хақи олиш, ижтимоий кафолатлар, яхши меҳнат шароити хамда ўз корхонасининг нуфузидан манфаатдор. Шунингдек, ўз қобилиятларини намоён этиш имконияти ва шахсий эътироф этилиш ҳам улар қизиқишлари доирасига киради. Ходимлар манфаатларини касаба уюшмалар ҳамда корхонадаги ёлланма ишчиларнинг ваколатли органлари ҳимоя қиладилар.

Мижозлар (меҳнат фаолияти натижаси, истеъмолчилари) улар учун зарур бўлган сифатли ва арзон маҳсулотларни ўзлари учун манфаатли шартлар билан олишни хохдайдилар. Улар учун товарларнинг хилма-хил бўлиши ва яхши хизмат кўрсатилиши хам муҳимдир.

Жамоатчилик (масалан, оммавий ахборот воситалари, партиялар, бирлашмалар, фуқаро йиғинлари ва ҳоказолар) гуруҳлараро манфаатлар ҳимоячилари сифатида майдонга чиқадилар. Улар учун ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бир қаторда инсонлар сиҳат- саломатлиги, атроф-муҳитнинг ифлосланмаслиги каби масалалар ҳам муҳимдир.

Умуман олганда бошқарувда кадрларнинг тўғри танланилиши ва жой-жойига қўйилиши корхона ва ташкилотларнинг ютуқлари, мавқеини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Айниқса, бугунги кунда раҳбар кадрларга нисбатан креатив ёндашувлар, танқидий таҳлилий муносабат ва мақбул шарт - шароитлар яратиш талаби қўйилмоқда. Шунингдек иқтисодиётни инновацион тараққиёт босиқичида ташкилотда ходимларни бошқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллардан тўғри ва самарали фойдаланиш пировард натижада ташкилот иқтисодий самарадорлигининг ошишида муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнларнинг барчаси янгиланаётган Ўзбекистонда кадрлар соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни англатади.

Адабиётлар

1.Герчикова И.Н. Менеджмент, Москва, 1999 год.

2.Евремов В.С. Стратегия бизнеса. Концепции и методы планирования. Москва.,1998 год.

3.Кабушкин Н.И. Основы менеджмента, Минск., 2001 год.

4.Медведев В.П. Менеджмент: Основные функции менеджеров, Москва, Дело, 2003 год.

5.Фатхудинов Р.А. Система менеджмента, Москва, 1997 год.

КОРХОНАЛАРДА МАРКЕТИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Дадажонова Мартабахон Маҳмудовна, и.ф.н., доцент
"Саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш" кафедраси.
Андижон машинасозлик институти

Очиқ бозор маҳсулот сифатини ошириш, таннархини пасайтириш, янги технологиялар олиб келишга мажбур қилади, бозор ислоҳотларини жадал ривожлантиради. Содда қилиб айтсак, жаҳон ишлаб чиқариш тизимига, дунѐ бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараѐнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим. Мулоқот ва рақобатга тайѐр бўлиш учун тармоқ раҳбарлари ўз устида тинимсиз ишлаши шарт.[1] Шу нуқтаи назардан олиб қараганимизда корхоналарда маркетинг самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш масалалари ҳозирги куннинг ўта долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Рақобатли бозор шароитида ҳар қандай корхонанинг муваффақияти кўп жиҳатдан маркетинг фаолиятига боғлиқ.Маркетинг тамойилларига мувофиқ замонавий корхона хўжалик фаолиятининг барча томонлари бозор талабларини, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилиши ва амалга оширилиши керак. Айтиш керакки, замонавий корхоналарнинг ишлаб чиқариш, сотиш фаолияти соҳасидаги катта ютуқлари, ишлаб чиқариладиган товарларнинг хилма-хиллиги ва сифати, уларнинг сотиш бозорларига кириб бориши, операциялар миқёсига кўра оптимал бўлган ишлаб чиқаришни яратиш буларнинг ҳаммаси маркетингни қўллаш натижасидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, корхоналарда маркетингни ташкил этиш, маркетинг тадбирлари маълум бир харажатлардан ташкил топади. Маркетинг тадбирлари, маркетинг ҳаракатлари ва маркетингга қилинган харажатлар ўз самарасини бериши лозим. Шунинг учун корхоналарда маркетинг самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Маркетинг бўйича мутахассислар маркетинг самарадорлигини баҳолаш ва маркетинг самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичлар бўйича битта аниқ тўхтамга келишмаган. Мутахассисларни ёндашувлари бу борада турли-тумандир. Бир қатор олимлар В.В.Живетин, В.Л.Самохвалов, Н.П.Чернов, И.А.Ферапоновалар маркетинг сиёсати самарадорлигини маълум бир корхона (тармоқ, тармоқлар гуруҳи)га нисбатан қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ишлаб чиқариш-сотиш фаолиятини такомиллаштириш натижаларидан иборат деб ҳисоблашади. Булар ўз ичига бозор потенциалидан оптимал фойдаланиш, шу жумладан, янги маҳсулотлар учун бозор самарадорлиги, прогнозларнинг ишончлигини ошириш, маълум бир маҳсулот учун бозор сегментини топиш, бозор мувозанатини таҳлил қилишнинг тўғрилигини ошириш ва бошқаларни олади.

Г.Ассель маркетинг фаолияти самарадорлигини маркетинг харажатлари самарадорлигини баҳолаш орқали аниқлашни таклиф қилишган. Шу билан бирга, иқтисодий ва статистик усуллардан фойдаланган ҳолда маркетинг харажатлари ва натижаларини сотув ҳажми ёки фойда билан алоқадорлиги таҳлил қилишга асослаган [2].

М.Мак-Дональд 90-йилларнинг бошларида Англия, баъзи Европа мамлакатлари ва АҚШда ўтказган тадқиқотлари натижасида маркетинг самарадорлигини таҳлил қилишда компания менежментининг маркетингга муносабати, маркетинг фаолиятини ташкил этиш, маркетинг функцияларини амалга оширишга эътибор қаратиш кераклигини таъкидлайди [2].

Маркетинг билан шуғулланувчи амалиётчиларнинг аксарияти Америкалик фирмалар ўртасида ўтказилган сўровномада кўрсатилганидек, маркетинг фаолиятининг самарадорлиги савдо ва фойданинг ўсишида эканлиги тадқиқ қилинган [3].

Ушбу тадқиқотларнинг натижасидан кўриниб турибдики, маркетинг самарадорлигини аниқлашнинг кўрсаткичлар тизими ва баҳолашнинг аниқ алгоритми ишлаб чиқилмаган.

Бугунги рақобатли бозор шароитида ҳар бир корхона, ҳудуднинг маркетинг самарадорлигини ўрганиш ва аниқлаш долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда.

Маркетинг самарадорлигини маркетинг фаолиятининг якуний кўрсаткичлари (савдо ҳажми, фойда, бозор улуши)нинг маркетинг харажатларига нисбати сифатида аниқлаш мумкин. Умуман корхонанинг якуний натижасида маркетингни улушини аниқлаш анча қийин. Бундан ташқари, маркетинг самарадорлиги стратегик жиҳатдан, маркетинг хизматининг самарали ишлаши билан ҳам тавсифланиши мумкин.[3]

Маркетинг самарадорлигини баҳолашда алоҳида аҳамиятга эга жиҳат - бу маркетинг хизмати фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш ҳисобланади. Маркетинг хизмати самарадорлиги икки жиҳат билан белгиланади: % маркетинг хизматини ташкил этиш самарадорлиги, бошқача қилиб айтганда унинг потенциали, % маркетинг хизматини ишлаш самарадорлиги (потенциалдан фойдаланиш).

Маркетинг самарадорлигини аниқлаш ва баҳолашнинг назарий масалалари ўзига хос бўлиб, ундаги ёндашувлар турли-тумандир. Маркетинг самарадорлигини аниқлаш ва баҳолашда сифатий ва миқдорий кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади.

Сифатий усуллар маркетинг аудитидан фойдаланишни ўз ичига олади. Унинг ёрдамида корхонанинг ташқи муҳитини ҳамда барча таҳдид ва имкониятларни ҳар томонлама таҳлил қилиш амалга оширилади.

Маркетинг самарадорлигини баҳолашнинг миқдорий усуллари маркетинг харажатларини ялпи фойда ва реклама харажатларини сотиш билан таққослашни

талаб қилади. Улар корхонанинг якуний молиявий натижаларини тавсифлайди. Умуман айтганда маркетинг фаолияти самарадорлиги (рентабеллик кўрсаткичи) ҳисобот даврининг ҳар бир йилида маркетинг фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган дисконтланган фойданинг ушбу фаолиятнинг дисконтланган харажатларига нисбати сифатида аниқланади.

Маркетинг фаолияти самарадорлигини баҳолашда маълум бир бизнес бўлинмаси фаолиятини тавсифловчи параметрларни - сотиш ҳажмларини, корхонанинг бозор улушини, маржинал ва соф фойдасини таҳлил қилиш керак. Савдо ҳажми (ялпи товар айрибошлаш) мураккаб кўрсаткич бўлиб, маҳсулотни сотиш бўйича сай-ҳаракатларнинг нафақат муваффақиятини, балки танланган нархнинг тўғрилигини, энг муҳим қанча маҳсулот истеъмолчиларнинг мақсадли гуруҳига тўғри келишини билдиради. Сотиш динамикаси - бу корхонанинг бозордаги мавқеи, унинг улуши ва тенденциялари кўрсаткичидир.[4]

Маркетинг самарадорлигини баҳолашга ёндашувлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда биз тадқиқотларимиздан келиб чиқиб, маркетинг фаолияти таркибий қисмларининг алоҳида самарадорлигини баҳолашни таклиф этмоқдамиз. Биз таклиф этаётган ёндашувда маркетинг функциялари доирасида бажариладиган фаолият йўналишларини алоҳида самарадорлиги аниқланади.

1. Режалаштиришдан олдинги таҳлил самарадорлиги:% маркетинг тадқиқотлари, % сегментларга ажратиш, жойлашишни аниқлаш ва мақсадли бозорни танлаш.

2. Режалаштириш самарадорлиги: % маркетинг режаларининг барча турларини (стратегик, жорий, индивидуал бозорлар шароитида, маҳсулотлар) ишлаб чиқиш самарадорлигини баҳолаш, маркетинг аудитини ўтказиш билан сифатли амалга оширилиши мумкин, % ишлаб чиқарилаётган ва янги маҳсулотлар бўйича (маҳсулот маркаси, сервис даражаси, упаковка ва б.қ.) маҳсулот сиёсати самарадорлигини аниқлаш, % нарх сиёсати самарадорлигини аниқлаш, % товар тарқатиш каналлари самарадорлигини аниқлаш, % силжитишнинг алоҳида усулларини баҳолаш.

3. Корхона маркетингининг самарадорлиги: % маркетинг бошқаруви ташкилий тузилмасининг самарадорлиги, % маркетинг хизматида вазифалар, жавобгарликлар ва ҳуқуқларни тақсимлаш самарадорлиги, % корхонанинг бошқа бўлимлари билан маркетинг хизматининг алоқаси самарадорлиги.

4. Маркетинг хизмати ходимлари ва менежерлари, шунингдек, сотувчи ходимларнинг меҳнат мотивацияси самарадорлиги.

5. Юқорида келтирилган маркетинг функцияларининг айримлари бажарилишини назорат қилиш самарадорлиги. Бундай баҳолаш фақат маркетингни бошқариш тизимларининг ўзига хос турларини танлаш ва маркетинг аудитини ўтказишда мутахассисларнинг маслаҳати билан амалга оширилиши мумкин.

Шундай қилиб,олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, маркетинг самарадорлигини комплекс баҳолашнинг услубий асослари корхоналарнинг аналитик иш фаолияти ва консалтинг хизматининг амалиётида фойдаланиш учун ишлаб чиқилмаган. Бизнинг фикримизча, маркетинг самарадорлигини баҳолашнинг методологик ёндашуви 3 та саволга жавоб асосида бўлиши керак: услубият қандай мақсадларда ишлаб чиқилмоқда, натижалардан қандай фойдаланиш мумкин ва улар кимларга керак. Биз тавсия этаётган маркетинг самарадорлигини баҳолаш усули қуйидаги шартларга жавоб беради:

1. **Баҳолаш мақсади.** Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш учун (маркетингни рақобат устунлиги омили сифатида комплекс баҳолаш), шунингдек, оператив маркетинг аудити, маркетинг самарадорлигини мониторинг қилиш, корхоналар бўйича маркетингни солиштирма таҳлил қилиш.

2. **Натижаларни йўналтириш.** Баҳолаш натижаларидан корхона ходимлари маркетингни режалаштириш ва рақобатбардошликни ошириш, корхонада маркетингни ташкил этишни такомиллаштириш, маркетинг хизмати мутахассисларининг малакасини ошириш бўйича қарорларни қабул қилишда фойдаланиш.

3. **Ким учун мўлжалланган.** Бу услубият мустақил экспертлар - консалтинг хизматлари мутахассислари, маркетинг марказлари, маркетинг ва рақобатбардошлик соҳасидаги тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Маркетинг самарадорлигини баҳолаш масаласида бизнингча, маркетинг фаолияти амалда маркетинг функцияларини бажариш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- бозорни ўрганиш;
- бозорни сегментлаш ва бозорнинг мақсадли сегментларини танлаш;
- маҳсулотни жойлаштириш, маҳсулотнинг самарали ассортиментини ишлаб чиқиш;
- янги маҳсулотларни бозорга чиқариш, мослашувчан нарх сиёсатини амалга ошириш;
- самарали товар тарқатиш каналлари ва савдо фаолиятини ташкил этиш;
- самарали силжитиш фаолиятини амалга ошириш.

Бошқарувнинг асосий функциялари режалаштириш ва ташкил қилишдир. Шунинг учун барча маркетинг фаолиятининг муваффақияти маркетинг режаларининг қанчалик сифатли ва объектив бўлиши ҳамда маркетинг хизматининг самарали ташкил этилишига бевосита боғлиқдир.

Ушбу маркетинг функциялари ва маркетингни бошқариш функцияларининг бажарилишини, бизнингча, фақат эксперт хулосаси ёрдамида баҳолаш мумкин. Корхонанинг маркетинг бўлими мутахассислари мутахассис сифатида қатнашишлари керак.

Бугунги кунда кўпгина корхоналарда маркетинг ўлчовли натижаларни бера олмаяпди. Корхоналарда маркетинг бўлимлари ташкил қилинмоқда. Маркетинг фаолияти учун харажатлар қилинмоқда. Лекин маркетинг харажатлари самарасини аниқлаш ва баҳолаш тизими йўлга қўйилмаган. "4P" формуласи бўйича маркетингнинг анъанавий концепцияси билан боғлиқ операцион функцияларга эътиборни қаратиб, маркетинг ўз потенциалидан стратегик бошқарув воситаси, рентабеллик ва компания қиймати манбаи сифатида фойдаланилмайди.

Маркетинг фаолияти самарадорлиги муаммоларини ўрганиш биринчи навбатда ушбу муаммонинг терминологик масалаларини илмий жамоатчиликда муҳокама қилиш зарурияти билан боғлиқ. Муҳокама учун тақдим этилган асосий тушунчаларнинг мантиқий кетма-кетлиги ва мазмуни, бизнинг фикримизча, маркетинг самарадорлигини баҳолашнинг предмет соҳасини қайсидир маънода тартибга солиш ва аниқлаштиришга имкон беради.

Маркетинг самарадорлиги билан боғлиқ турли назарий қарашларни ўрганиш натижасида замонавий корхоналарда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик:

1. Маркетинг натижаларини аниқ ўлчайдиган кўрсаткичларга айлантириш учун трансформация жараёнларини амалга ошириш. Яъни, маркетинг ресурслари ва имкониятларини аниқ натижаларга айлантириш.
2. Маркетинг харажатлари таркибини аниқлаш, узоқ муддатли ва қисқа муддатли маркетинг натижалари ва тегишли харажатларни ажратиш.
3. Маркетинг натижаларининг цикллигини таъминлаш. Натижалар бир марталик бўлмасдан циклли бўлиши лозим.
4. Маркетинг самарадорлигини таҳлил қилишнинг аниқ услубияти ва усулларини ишлаб чиқиш. Маркетинг самарадорлиги кўрсаткичларини аниқ белгилаб олиш лозим.
5. Маҳаллий корхона, компания ва ҳудудларда маркетинг хизмати сифатини ошириш, маркетинг фаолияти ривожланишини жаҳон даражасига чиқариш учун Marketing Quality Assurance Ltd (MQA) ташкилотининг стандартларини жорий қилиш.

Адабиётлар

1.Ш.М.Мирзиёев. Олий мажлисга мурожаатномаси Халқ сўзи газетаси 2020 йил 25 январь.

2.Мак-Дональд М. Стратегическое планирование маркетинга — СПб: Питер, 2000.

3.Маркетинг менеджмент. Научное издание / Под ред. Туган-Барановского М., Балабановой Л.В. — Донецк: ДонГУЭТ, 2001.

4.Моисеева Н.К., Конышева М.В. Управление маркетингом: теория, практика, информационные технологии: Учеб. пособие / Под ред. Н.К. Моисеевой. — М.: Финансы и статистика, 2002

ПОНЯТИЕ КАДРОВОГО ПОТЕНЦИАЛА

Г.А.Зуфарова – доцент к.э.н.,
кафедра «Организация производства промышленности» Андижанский машинастроительный институт

Человеческие ресурсы приводят в движение все другие факторы процесса производства. Без их участия нельзя использовать ни финансовые, ни информационные, ни материально-вещественные факторы производства. Реализация целей производственной деятельности зависит от способности персонала реализовывать цели предприятия при надлежащем материально техническом, информационном и организационном обеспечении процесса труда. Подобная способность определяется трудовым потенциалом, выступающим в качестве одной из основополагающих категорий в теории труда.

Термин человеческие ресурсы, в свою очередь, можно назвать трудовым потенциалом. Правильное определение содержания трудового потенциала с точки зрения экономического содержания требует определения таких понятий, как трудовые ресурсы и численность занятых.

Работоспособность человека - это физическая и интеллектуальная способность сотрудника выполнять определенную задачу в заданное время. Это определение трудового потенциала человека. Поскольку люди разные, их рабочий потенциал тоже разный. Один человек может создать слишком много материального богатства или другого результата труда за определенную единицу времени, в то время как другой человек может создать слишком мало или слишком много для него за эту единицу времени. Из-за этого трудовой потенциал людей в той или иной степени определяет их способность к творчеству.

Персонал (от франц. staff) - это социально-экономическая категория, определяющая постоянный (штатный) состав работников в трудовых отношениях с частными, общественными, кооперативными и иными организациями, предприятиями, учреждениями, фирмами. Работники, как правило, представляют собой квалифицированных рабочих, имеющих начальную профессиональную подготовку и специализированные знания, навыки и (или) опыт работы в выбранной сфере деятельности18.

[18] Крупица В. В. Теоретико-методологические основы менеджмента персонала организации: монография. Н. Новгород, 2000.

По мнению М.В. Носкову, «человеческий потенциал» - это «социально-экономическая категория, отражающая возможное участие каждого работника в организации, но развивающаяся только в результате синергетических эффектов их взаимодействия с учетом его психофизиологического, личностного и профессионального потенциала»[19]. Н.Р. Балынская, Н.В Кузнецова и О.Н Синицына под человеческими ресурсами понимают «общую (количественную и качественную) характеристику персонала, один из видов ресурсов, связанный с выполнением возложенных на него задач и достижением долгосрочных целей развития организации".[20]

Таким образом, обобщая подходы экономистов к трактовке понятия «кадровый потенциал», предлагается понимать его как общую способность работников выполнять для развитие организации возложенные на них функции и способность достигать долгосрочных целей.

Список использованной литературы:

1. Абдурахимв И. Т.и др. " Анализ экономического потенциала предприятия" ташкент.2003г

2. Гулямов С.С. и др. "Управление персоналом" Ташкент 2003 г.

3.Г.А.Зуфарова Обеспечение занятости трудовых ресурсов - как социальная защита. Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов Учредители: Редакция Журнала научных публикаций аспирантов и докторантов. ISSN: 1991-3087 Номер: 6 (108) Год: 2015. Страницы: 21-22 https://www.elibrary.ru/item.asp?id=24168026

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНОАТИНИНГ ЎРНИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ТАХЛИЛИ

Маллабоев А.С.
Андижон машинасозлик институти,
"Саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш" кафедраси ассистенти

Ўзбекистонда кейинги йилларда саноат тармоқларида олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар, изчил модернизация ва диверсификациялаш жараёнлари

[19] Носков М.В. Качество трудовой жизни работников промышленных предприятий в условиях функционирования социотехнологических и социоорганизационных систем. М.: Экономика, 2014. С. 108.

[20] Балынская Н.Р. Система управления кадровым потенциалом современной организации // Вопросы управления.2016. № 2. С. 214.

тармоқнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланиши хал қилувчи омил эканлигидан далолат беради. Мамлакатимизда миллий саноатни рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш орқали унинг жаҳон экспортидаги муносиб хиссасини таъминлаш, юқори қўшимча қиймат, замонавий технология асосидаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, малакали ишчи кучига эга саноат тизимини такомиллаштиришни тезлаштириш стратегик мақсад қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан қабул қилинган "2022 -2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонида "Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш хажмини 1,4 баробарга ошириш" устувор мақсад сифатида белгилаб берилган [1].

Юқоридаги мақсадларни белгиланиши саноатга янги техника-технологияларни жорий этиш, товарлар сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш каби омиллар мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида ижобий ўзгаришларга олиб келиши билан боғлиқдир.

Бу борада, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бугунги ўзгарувчан шароитда иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашнинг энг самарали йўли бу – ички имкониятларни ишга солиш, импорт бўлаётган айрим маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва саноатни янада ривожлантириш миллий иқтисодиётимизнинг устувор йўналиши бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлайди [2].

Ушбу мақолада иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида Ўзбекистонда саноат тармоғининг миллий иқтисодиётдаги улуши, ишлаб чиқариш саноатидаги таркибий ўзгаришлар таҳлили ёритилган. Мамлакатимиз саноати ривожланишида мўлжалланган мақсадларга эришиш учун саноатда қўшимча қиймат яратилиши нисбатан кам, меҳнат сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мукобил равишда такомиллашган технология ва капитал сиғими юқори маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш жараёнлари тавсиялари берилган.

Саноатнинг ривожланиши интеллектуал ва технологик ривожланишга мос равишда, жамиятнинг билим даражаси ва маданий савиясида юзага келадиган ижобий ўзгаришлар билан узвий боғликдир. Саноат тармоғи иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги ва хизматлар сектори ривожланишига етакчилик қилиши билан бирга, инвестиция, бандлик, ишсизлик каби глобал муаммоларни ҳал қилиши, ижтимоий соҳада катта ижобий ўзгаришларга олиб келиши билан муҳим ўрин тутади.

Саноат шундай тармоқки, барча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий интилишлари, уларнинг хўжалик жиҳатдан бирлашиши, яъни

иқтисодий интеграция тавсифида ўз ифодасини топади. Натижада, барча мамлакатларнинг табиий меҳнат ва молиявий ресурслардан, фан-техниканинг барча ютуқларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари юзага келади [3].

Тахлил натижалари шуни кўрсатадики, мамлакатимиз иқтисодиётида кейинги йилларда саноат тармоғининг улуши бошқа тармоқларга нисбатан ўсиш тенденцияси кузатилган. Жумладан, 2016 йилда саноат тармоғи улуши ялпи ички маҳсулотнинг 19,5 фоизини ташкил этган бўлса, 2021 йилда саноат тармоғи орқали мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 27,8 % яратилган. Шу билан бирга қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғининг ялпи ички махсулотдаги улушининг 2016 йилда 32,1 % и дан 2021 йилга келиб 26,9 % га камайганлигини кўриш мумкин. 2016-2021 йилларда саноат маҳсулотининг ялпи ички махсулотдаги улуши ўртача 106 % ўсган. (1-жадвал)

Сўнгги йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушидаги барқарор ўсиш суръатларини, саноат тармоғини модернизациялаш ва диверсификациялаш, саноатга инновацияларни жорий этишни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини технологик жиҳатдан янгилаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

1-жадвал

2016 -2021 йилларди ЯИМ таркибининг ўзгариш динамикаси

ЯИМ да сектор улушлари					Секторлардаги ўсиш даражаси				
Йиллар	Қишлоқ хўжалиги %	Саноат %	Қурилиш %	Хизматлар %	Йиллар	қишлоқ хўжалиги %	Саноат %	Қурилиш %	Хизматлар %
2016	32,1	19,5	5,6	42,8	2016	106,2	105,4	107,2	105,9
2017	32,2	21,1	5,4	41,4	2017	101,2	105,2	106,0	106,0
2018	30,0	25,3	5,8	38,9	2018	100,3	110,8	114,3	105,2
2019	26,9	28,1	6,3	38,7	2019	103,1	105,0	122,9	106,0
2020	27,1	27,5	6,7	38,7	2020	102,9	100,9	109,5	100,7
2021	26,9	27,8	6,7	38,6	2021	104,0	108,7	106,8	109,2
					Ўртача	102,9	106	111,1	105,5

Манба: Ўзбекистон республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Саноат тармоғи ичида ишлаб чиқариш саноати энг асосий ва динамик ички тармоқ бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш хажми ҳам ишчи кучи бандлиги жиҳатидан етакчи тармоқ ҳисобланади. Қўшимча қиймат яратилиши жиҳатидан хам ушбу тармоқ етакчилик қилади. Ишлаб чиқариш саноати корхоналарига моддий ресурсларни физикавий ва химиявий хусусиятларини ўзгартириш орқали янги маҳсулотлар яратиш жараёни билан шуғулланувчи корхоналар киритилади. Бу

ерда моддий ресурсларга қишлоқ хўжалигида яратилган хомашё махсулотлари, ўрмон саноати, балиқчилик, тоғ-кон саноати ва бошқа саноат соҳаларидаги ишлаб чиқариш саноатида фойдаланиладиган маҳсулотлари киради.

Тахлил натижаларига кўра,мамлакатимизда 2021 йилда жами ички маҳсулотнинг 83 % и бандликнинг 90 % и ишлаб чиқариш саноати хиссасига тўғри келмоқда. Шу билан бирга саноатда ишлаб чиқариш саноати тармоғининг улуши кейинги йилларда ортиб бориш тенденциясига эга эканлигини кўриш мумкин. 2016 йилда миллий саноатдаги ишлаб чиқариш саноати улуши 80,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб ишлаб чиқариш саноати тармоғида саноат маҳсулотининг 83 % и яратилган.

Миллий саноатнинг тармоқ тузилиши 2016 йилдан халқаро андозаларга мувофиқ келувчи иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ) га мослаштирилди. (5) Шунга кўра саноат тармоғи ИФУТ нинг 4 та секциясида гуруҳланади: секция В "тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш", секция С "ишлаб чиқариш саноати", секция Д "электр, газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондициялаш" ва секция Е "сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш".

2-жадвалда мамлакатимизда ишлаб чиқариш саноати ички тармоқлари технология сиғими яъни қўлланадиган технологиянинг даражаси кўра OECD - 2016 классификацияси асосида гуруҳларга ажратилган.

2-жадвал

Ишлаб чиқариш саноати секцияси қуйи тармоқларининг технология даражасига кўра классификацияси

т/р	Технология даражаси (гуруҳи)	Ишлаб чиқариш саноати ички тармоқлари
1	Юқори ёки такомиллашган технология	Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш
		Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш
2	Ўрта -юқори технология	Электр ускуналар ишлаб чиқариш
		Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш
		Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш
		Бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш
		Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш
3	Ўрта- қуйи технология	Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш
		Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш

		Бошқа нометалл минерал махсулотлар ишлаб чиқариш
		Металлургия саноати
		Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш
		Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш
4	Қуйи технология	Озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш
		Ичимликлар ишлаб чиқариш
		Тамаки махсулотлари ишлаб чиқариш
		Тўқимачилик махсулотлари ишлаб чиқариш
		Кийим ишлаб чиқариш
		Тери ва унга тегишли махсулотлар ишлаб чиқариш
		Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш
		Қоғоз ва қоғоз махсулотлари ишлаб чиқариш
		Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш
		Мебел ишлаб чиқариш
		Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш

Манба: OECD-2016 классификацияси (6) асосида муаллиф томонидан тузилган.

3-жадвал.

Ўзбекистонда 2016-2021 йилларда ишлаб чиқариш саноати ички тармоқлар таркиби, %

			Ишлаб чиқариш			
Технология сиғими	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Юқори	1,8	1,9	1,4	1,6	2,0	2,7
Ўртадан юқори	17,5	22,6	28,6	26,1	23,0	20,8
Ўртадан қуйи	25,8	27,0	32,0	36,6	39,9	39,4
Қуйи	54,9	48,5	38,0	35,7	35,1	37,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. OECD классификацияси (6) асос олиниб тузилган.

Ушбу жадвалдаги маълумотлар тахлил қилинганда,2016 йилда ишлаб чиқариш саноати таркибида мавжуд ишлаб чиқаришнинг 19,3 % юқори ва ўртадан юқори тармоқ эгаллаган бўлса,2021 йилга келиб ушбу тармоқлар улушида барқарор ўсиш кузатилиб, 23,5 % ни ташкил этган. Ушбу тармоқлардаги ўсиш ўртадан қуйи ва қуйи тармоқларнинг 2016 йилда 80,7 % дан,2021 йилда 76,5 % га пасайиши хисобига юз берганлигини кўриш мумкин. Тармоқлар таркибидаги технология даражаси юқори бўлган тармоқларнинг

технология даражаси нисбатан паст бўлган тармоқлар хисобига ўсишини ижобий танденция сифатида бахолаш мумкин.

Қуйи технология сиғимига эга тармоқда яратилган махсулотларнинг ишлаб чиқариш саноатидаги хиссаси юқори ва ўртадан юқори тармоқлардаги барқарор ўсиш хисобига, кейинги 5 йилда 54,9 % дан 37,1 % га тушганлигини кўриш мумкин.

Ишлаб чиқариш саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг энг катта хиссаси қуйи тармоқдан, ўртадан қуйи тармоқда ўтганлигини ва маҳсулот ишлаб чиқариш 28,9 % дан 39,9 % гача ортиб борганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда 2020-2021 йилларда пандемия жараёнларига қарамасдан ўртадан юқори тармоқ улуши 2016 йилда 17,5 % дан 2021 йилда 20,8 % га ўсганлигини, юқори тармоқ эса 1,8 % дан 2021 йилда 2,7 % га ўсганлигини кўриш мумкин.

Юқоридаги иқтисодий кўрсаткичлар ижобий тенденцияларига Ўзбекистонда кейинги беш йилликда олиб борилган саноатлашувнинг янги стратегик йўналишларини белгиланиши, саноатни модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, рақамли ва инновацион иқтисодиётни ривожлантириш сиёсати асосий омил сифатида кўрсатилиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўтган давр мобайнида саноатдаги таркибий ўзгаришлар натижасида соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши, маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти сезиларли даражада ошди. Мамлакатимиз саноатини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги йўналишларни таклиф этиш мумкин:

- саноатда илмий техникавий ва тажриба конструкторлик ишлар лойиҳалари яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишни молиявий қўллаб қувватлаш;
- саноатда хусусий сектор улушини ошириш;
- ишлаб чиқариш саноати интенсивлигини ошириш;
- маҳаллий хомашёни қайта ишловчи замонавий техника ва технологияларни саноатга олиб кириш жараёнини жадаллаштириш

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги " 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонинг тараққиёт стратегияси тўғрисида " ги ПФ - 60 – сон Фармонининг 1-иловаси "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонинг тараққиёт стратегияси". Lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 мартдаги "Саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш- миллий иқтисодиётнинг устувор йўналиши" мавзусига бағишланган видеоселектори материаллари.

3. Холматов Н.Б. Миллий саноатлашув жараёни муаммоларини ўрганишга институтционал ёндашув. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялари " илмий электрон журнали. № 1, январ-феврал , 2020 йил

4. Ортиқов А. Саноат иқтисоди. Дарслик. Тошкент, ТДИУ, 2009. б. 236

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 24.08.2016 йилдаги 275-сон. Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида.

6. OECD (Organisation for Economic Cooperation and Devolopment) Sciense, Technology and Industry Working Papers 2016/4. Fernando Galindo-Rueda, Fabien Verger. OECD technologi classification in ISIC Rev.3

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА И ВОЗМОЖНОСТИ ПОВЫШЕНИЕ ЕЁ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

К.К.Нуманов – к.э.н., доцент, АндМИ
Д.У.Холматов - ассистент, АндИСХА
Ш.А.Аблазов – докторант , АндИСХА

В условиях глобальной конкуренции на мировом рынке одной из важнейших задач государства является выбор приоритетов национальной экономической политики, от которой зависит очень многое: экономическая безопасность страны, конкурентоспособность ее экономики на внутреннем и внешнем рынках, уровень жизни населения и степень достижения социальных целей. Главный вопрос на который следует ответить нашей республики при формировании стратегии развития экономики на перспективу-как должны соотносится экономическая безопасность, с одной стороны, и использование преимуществ-внедрения ресурсосберагающих и инновационных технологий, ориентации на интенсивные методы развития, выравнивание диспропорций в развитии отраслей, диверсификации экспорта и формирования рынков новых видов продукции с высокой добавленной стоимостью. Но к сожалению ход интеграции экономики Узбекистана в мировое хозяйство выявил ограниченность возможностей приспособления к мировым тенденциям национального хозяйства республики. Как показал печальный опыт развал Советского Союза привела к разрыву целостного хозяйственно-производственного пространства, прекращению коопераций, связей между предприятиями, научно-производственными объединениями, что повлекло за собой возникновение многочисленных барьеров на пути взаимных торговых и других экономических

отношений. В экономике бывших Советских республик, в том числе в Узбекистане, из-за существенного ослабления хозяйственных связей произошло глубокая формация воспроизводственного процесса в сторону чрезмерного развития сырьевых отраслей промышленности для нужд остального мира.

Как видно из истории развитии мировой экономики, страны, специализированные на развития ресурсопроизводящих отраслей экономики не имеют сильного иммунитета против конъюнктурных колебаний мирового рынка. Для них всегда существует внешняя угроза нарушения внутреннего экономического равновесия. Естественно прочное будущее на подобной основе, влекущей за собой рост финансовой и технологической зависимости, неустойчивые бюджетные доходы и многие другие негативные последствие, не построишь.

Сопоставление динамики структуры внешней торговли товарами и услугами республики с данными по мировой торговле и экспорту наглядно показывает, что по своей структуре внешнеторговый оборот Узбекистана кардинальным образом отличается от международного экономического обмена. В мировой торговле значительный удельный вес приходиться на готовую продукцию и услуги, в которых воплощены достижения научно-технического прогресса. А в структуре республиканского экспорта преобладают базовые товары и простейшие виды услуг, импорте заметное место занимают товары и услуги, связанные с удовлетворением потребительского спроса.

В последние годы в республиканском внешнеторговом обороте наблюдается негативные тенденции: превышение импорта над экспортом. Это показывает, что основная часть обрабатывающих отраслей, аграрный сектор и сфера услуг не в состоянии удовлетворять потребность внутреннего рынка по номенклатуре, качеству или количеству производимых товаров и услуг.

Вследствие дисбаланса во внешней торговле зависимость узбекской экономики от внешних рынков остается очень высокой. Из этого можно сделать вывод, что пока конкурентоспособность национальной экономики желает лучшего. Это означает, что современные структуры производства и внешнеторговый оборот пока не способны обеспечить устойчивое экономическое развитии в условиях открытой экономики, вдобавок к этому в структуре экономики республики ежегодно возрастает доля добывающей отраслей, что ведет к ее однобокому развитию и снижению конкурентоспособности экономики в целом. Вместе с тем, добывающие отрасли должны служить основой для развития других секторов экономики и способствовать обеспечению макроэкономической стабильности, модернизации экономики и социального благополучия населения Узбекистана Сложившаяся к настоящему времени состояния узбекской экономики, основанная преимущественно на экспорте сырья, энергоносителей, полуфабрикатов и импорте машин, оборудования, узлов, компонентов содержат в себе очевидные

экономические и торгово- политические угрозы. Топливно-сырьевая специализация сдерживает рост конкурентоспособности республики и делает нестабильным её экономическое позиционирование в мире. Мировая практика доказывает, что глобальные экономические катаклизмы наименее болезненно воздействует на страны, для которых характерны: сбалансированное развитие важнейших отраслей экономики, здоровая финансовая система, невысокие темпы инфляции, сбалансированный бюджет, активное сальдо торгового и платежного баланса по текущим операциям, отсутствие значительного внешнего долга, достаточно высокий объём золотовалютных резервов, реалистичный курс национальной валюты, эффективное государство как макрорегулятор экономики. В условиях глобализации и интеграции мирохозяйственной системы, государство должно направлять усилия на развитие внешнеэкономического сотрудничества со странами ближнего и дальнего зарубежья и принимать участие в глобальных и региональных экономических процессах с целью обеспечения устойчивого экономического развития. Т.к. в современных условиях конкурентоспособность экономики страны является показателем состояния и перспектив развития хозяйственной системы, обуславливает характер ее участия в международном разделении труда, выступает гарантом экономической безопасности и способность производить товары и услуги, удовлетворяющие требованиям мирового рынка, реализация которых способствует росту благосостояние населения. Учитывая этого можно сказать, что изменить характер участия республики в международном разделении труда невозможно, не развивая ресурсопотребляющие и обрабатывающие отрасли, то есть без новой индустриализации. Только таким образом можно диверсифицировать экспорт за счет готовых изделий, в т. ч. конкурентоспособной в мировом рынке продукции высокотехнологичных отраслей.

В нынешних условиях, для того чтобы перейти на инновационный путь развития, вырваться из зависимого положения доноров сырьевых ресурсов, войти в мир развитых стран с высокотехнологичным производством и диверсифицированной экономикой, вхождение в ЕВРАЗС для Узбекистана является объективной необходимостью. Здесь необходимо отметить, что страны-члены ЕВРАЗС до сих пор обладают немалым интеллектуальным, научно-техническим, экономическим потенциалом. Есть большие технологические заделы в авиастроении, спецметаллургии, машиностроении, энергетике, станкостроении, биотехнологии и в других сферах, благодаря которым экономики этих республик могли бы подняться до мирового уровня и интегрироваться в мировое хозяйство. Это в свою очередь дает возможность и нашей экономике вписаться в транснациональные и глобальные процессы.

Исторический опыт показывает, что создание торгово-экономических объединений происходит ради достижения общезначимых целей, и как правило,

сопровождается интенсификацией взаимодействия стран-участниц по всем направлением хозяйственной деятельности. По мнению известного российского экономиста С.Ю.Глазьева, создание ЕВРАЗС является частью политики экономического развития, ориентированной на выход из сырьевой ловушки и становление на путь инновационной экономики. Он считает, что эта политика предполагает активизацию сохранившегося научно-производственного потенциала, восстановление и развитие имеющихся воспроизводственных контуров изготовления высокотехнологической продукции с высокой добавленной стоимостью, широкую кооперацию и специализацию в области промышленности и сельского хозяйства [1].

В целом мы согласны с мнением известного ученого, но возникает другая проблема. Необходимо отметить, что позитивный эффект от интеграции возникает тогда, когда уровни экономического и технологического развития стран достаточно близки.

А если есть значимые разрывы в уровне жизни, доходах, технологиях, возможны проблемы: для менее развитой страны возникает ситуация растущего импорта. При этом возможность экспорта как правило, невелика из-за технологических барьеров. Исходя из вышесказанного, попробуем определить, насколько внутренние возможности Узбекистана соответствуют уровню развитию будущих партнеров по ЕВРАЗС. Здесь необходимо отметить. что мы по уровню развития экономики сильно отстаем от Российской Федерации и Казахстана.

Необходимо отметить, что настоящее время уровень ВВП на душу населения в Узбекистане в среднем четыре раза ниже по сравнению с вышеназванными странами. А это в свою очередь отразилось на внешнеторговом обороте. Как показывают статические данные, за последние годы взаимной торговле Узбекистана с Российской Федерацией наблюдается устойчивое тенденция превышение импорта над экспортом. Аналогичная ситуация наблюдается в торговом балансе с Казахстаном и Белоруссией из-за низкой конкурентоспособности отечественных товаров не только на рынках ЕВРАЗС, но и во внутреннем рынке республики. Учитывая этого можно сказать, что вхождения республики в ЕВРАЗС в нынешнем состоянии может дестабилизировать без того слабую национальную экономику.

Означает ли это что нам нельзя вступать в ЕВРАЗС? На наш взгляд вхождение в этот экономический союз соответствует интересам республики. Но прежде чем войти необходимо решить определенные проблемы для того чтобы приспособить возможностей экономики Узбекистана к условиям ЕВРАЗС. Для этого мы предлагаем конкретные меры:-

- для того, чтобы помочь встать на ноги отечественным производителям, особенно для тех отраслей, создающие продукцию с высокой добавленной

стоимостью, мы предлагаем снизить НДС до 10% для всех предприятий вне зависимости от их форм собственности;

Бугунги кунда, самарали рақобат муҳитини яратиш ҳамда товарлар ва хизматлар бозоридаги монополияни босқичма-босқич камайтириш иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун устувор йўналиш бўлиб қолмоқда.

Шу мақсадда, мамлакат иқтисодиётида давлат иштирокини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ва бозор механизмларига ўтиш амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолияти соҳасида 86 та айрим лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-тамойиллари, шу жумладан 38 та турини 16 тага бирлаштириш, 25 та тури бўйича расмийлаштириш муддатларини қисқартириш ҳамда 14 та лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатларни беришни марказлаштириш орқали бекор қилинди ва солиқ юки камайтирилди. Тадбиркорлик соҳаси изчил ривожланаётгани қайд этилмоқда, сўнгги уч йилнинг ўзидаёқ амалдаги тадбиркорлик субъектлари сони 25 фоизга ошди [1].

Кўрилаётган чоралар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган кўплаб озиқ-овқат (алкоголсиз ичимликлар, шарбатлар, нон, нон маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотлари, қандолатчилик маҳсулотлари ва бошқалар) ҳамда айрим ноозиқ-овқат товарлар (мебель, гилам ва гилам маҳсулотлари, тўқимачилик ва бошқалар) бозорларида рақобатнинг ривожланишини таъминлади. Қурилиш материаллари, кабель ва сим маҳсулотлари, пул ўтказмалари хизматлари бозорида йирик компанияларнинг монополияси тугатилди [4].

Яратилган биржа механизми бозор иштирокчиларини юқори ликвидли ва монопол турдаги хом ашё ва материаллар билан бир хилда таъминлаш имконини берди. Бугунги кунда Ўзбекистон республика товар хом ашё биржаси товар айланмасининг 65 фоизини монопол маҳсулотлар ташкил этади.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида сўнгги йилларда монопол корхоналар сони икки баравардан ортиққа камайди.

Шу билан бирга, мамлакат иқтисодиётидаги рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган қуйидаги тизимли муаммолар ҳал этилмаган:

1. иқтисодиётда давлатнинг ҳаддан зиёд юқори иштироки;
2. нархларнинг ҳаддан ортиқ тартибга солиниши;
3. имтиёз ва преференцияларнинг самарасиз тизими;
4. бизнес субъектларига юқори тартибга солиш юки ва тармоқ тартибга солувчи органларнинг рақобатни ривожлантиришдан манфаатдор эмаслиги;
5. табиий монополия ҳолатини суиистеъмол қилиш;

6. рақобатга қарши ҳолатларга қарши курашиш ҳуқуқий механизмларнинг такомиллашмаганлиги .

Саноат тармоқлари ўртасида шаклланган рақобат муҳити ва уни корхоналарнинг бозор фаолиятини ривожлантириш ҳолати, рақобатнинг ҳудудлар миқёсидаги таъсир кучи, шарт-шароитларнинг мукаммаллик даражаларини ҳар бир тармоқнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб тадқиқ этиш масалалари, энг асосийси рақобатбардошликни таъминлашнинг ўзаро муносабатларга асосланган тамойилллари ҳали олимларимиз томонидан етарлича тадқиқ этилмаган. Шунинг учун ҳам, иқтисодий фаолиятнинг бирор бир соҳасида, унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, рақобатдошлик, ўзаро муносабатларга асосланган назариялари моҳиятини аниқлаш ва рақобат мухитини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. 06.07.2020 йилда ПФ-6019-сон "Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

2. Мокроносов.А.Г., Маврин И.Н. Конкуренция и конкурентоспособность. Учебное пособие. Екатерингбург.-2014.

3. www.gov.uz–Портал Государственной власти Республики Узбекистан.

4. www.lex.uz

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА МАҲСУЛОТЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

Исроилова Наргизахон Якубжановна
Магистрант, Андижон машинасозлик институти

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви истеъмолчиларнинг маҳсулот ва хизматларга бўлган талабларини ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли маҳсулот сифатининг пастлиги сабабли уни бартараф этишга сарфланадиган катта харажатлар жахон мамлакатлари саноати учун жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Таҳлилларга кўра, 2020 йилда АҚШ корхоналарида харажатларнинг 20-25 фоизи маҳсулотларнинг нуқсонларини аниқлаш ва

бартараф этишга сарфланган. Бироқ, БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилотини 2018 йилдаги маълумотларига кўра, «саноат ишлаб чиқариш муҳим ўрин тутиб, жаҳон ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 16,4 фоизни, саноати ривожланган мамлакатларда 23,1 фоизни, саноати ривожланаётган мамлакатларда 26,6 фоизни, саноати қуйи ривожланиш даражасига эга бўлган мамлакатларда эса 15,3 фоизни ташкил этган». Шу жиҳатдан, саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда сифатни бошқариш тизимини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳонда саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда сифатни бошқариш тизимини такомиллаштириш соҳасида халқаро стандартларни жорий этиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, саноат корхоналарида маҳсулот сифатини бошқариш тизимини ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича муайян натижаларга эришилган. Бироқ, саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш, саноат таркибини кенгайтиришда инновацион технологияларни қўллаш, янги маҳсулот турларини яратиш, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга тежамкор технологияларини жорий этиш, бунда сифат менежменти тизимини такомиллаштириш ҳамда саноат тармоқларининг инновацияларга асосланган кластерларини яратиш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб боришга эҳтиёж катта [2].

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш ва уларнинг хорижий бозорларда юқори мавқега эга бўлишида сифат менежменти ва стандартлаштириш масалаларининг долзарб аҳамият касб этиши натижасида саноат корхоналари маҳсулотлари сифатини таъминлаш учун корхоналарнинг амалдаги бошқарув тизимига батамом ўзгача ёндашиш талаб этилмоқда. «2018 йил якуни бўйича мавжуд 21895 та меъёрий ҳужжатлардан 3630 таси (16,6 %) халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилган». 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш» каби муҳим устувор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси мамлакатимиздаги саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича ишларни жадаллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги [1], 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон «Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология

тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 15 августдаги ПҚ-4419-сон «Ўзбекистон Республикасида мувофиқликни баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш ва синов лабораториялари комплексини ривожлантириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади. Бугун мамлакатимизда ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжудки, улар бир вақтнинг ўзида хўжалик юритувчи субъектлар рақобатбардошлигини ва умуман бутун мамлакат иқтисодиётида рақобатбардошликни таъминлаш ҳамда иқтисодиётдаги тузилмавий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни талаб қилади. Ана шундай муҳитда сифат бошқаруви концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш алоҳида аҳамиятга эга.

Халқаро стандартларга жавоб берадиган сифат тизимини жорий этиш "сифат-нарх" нисбатида жиддий ижобий натижаларга олиб келади, шунингдек, бизнес жараёнларни оптималлаштириш, бошқарув тизимини комплекс диагностика қилиш ва такомиллаштириш, ходимларнинг мунтазам равишда ишга бўлган иштиёқини таъминлаш, операцион рискларни бошқариш каби бошқарув тизимлари назарияси ва амалиётида сифат жиҳатдан янгича усуллар ва ёндошувларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш имконини беради. Мамлакатимиз саноат корхоналарига сифатни бошқариш тизимини жорий этиш иқтисодий жараёнларни оптималлаштириш, маҳсулот (хизматлар) ишлаб чиқаришда харажатларни минимал даражада камайтириш имконини беради [3].

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.

2. Пронькина Т. Инструменты и вектор промышленной политики. // Экономическое обозрение. - Ташкент, 2016. - № 1 (112). - С. 13-17.

3. Халилов Н.Х. Ҳудудий саноат корхоналарида сифатни бошқариш тизимини жорий этиш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш // Биржа эксперт. –Т.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МОДДИЙ ХАРАЖАТЛАР ВА ТОВАР МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА БЕРИЛИШИ ҲИСОБИ

Мирзаханова Эльмира Гуломовна

Магистрант, Наманган муҳандислик-технология институти

Хом-ашё, асосий материаллар ва сотиб олинган ярим фабрикатлар харажатлари кўпинча улардан тайёрланаётган маҳсулотлар миқдори ва суммаси, уларнинг корхона омборидан берилишини расмийлаштирадиган дастлабки хужжат асосида аниқланади. Чунки бу хужжатларда сарфланаётган меҳнат буюмлари қандай маҳсулотга сарфланиши аниқ кўрсатилган бўлади. Бунинг учун ишлатилмай қолган материаллар рўйхатдан ўказилиши керак. Янги ойнинг биринчи кунида материалларнинг бу қолдиғи бухгалтерия ёзувлари билан яна ишлаб чиқариш счётларига ўтказилади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган моддий қийматликларни акс эттирувчи барча дастлабки хужжатлар ишлаб чиқариш харажатларининг маълум шифрлари бўйича, яъни ишлаб чиқариш харажатларининг объектлари бўйича гуруҳланиб, унинг ҳақиқатда ишлаб чиқаришга берилган материалларнинг сарфланиш йўналишларини кўрсатувчи тақсимловчи қайдномалар тузилади.

Материал харажатларининг қандай йўналишдалигига қараб бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклидан фойдаланаётган корхоналар материал харажатларини кўрсатувчи бухгалтерия проводкалари 12, 13, 15-ведомостлар ва 10-ҳамда 10/1 журнал ордерларда акс эттирилади.

Омборчидан илова қилинган хужжатлар билан рўйхатни олгандан сўнг, бухгалтер кирим ва чиқимларнинг пулдаги ифодасини аниқлайди, яъни таскировка қилади. Бунинг учун 10-сон "Моддий маблағлар харакати" қайдномасси қўлланилади. Бу қайднома 2 бўлимдан: "Материаллар келиши ва ой бошига қолдиқлари " ва "материаллар сарфи ва ой охирига қолдиқлари " дан иборат.

Моддий бойликларни бухгалтерия ҳисобини юритишнинг икки хил тизими мавжуд: узликсиз ва даврий.

Узликсиз тизим қўлланилганда ТМЗ келиб тушиши ва чиқиб кетиши доимий равишда, кунма-кун ҳисобга олинади. Шунинг учун ҳисобот даври мобайнида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида ТМЗ мавжудлигини кузатиб бориш билан бир қаторда, сотилган маҳсулот ёки товарлар таннархи ҳам кузатиб борилади.

Даврий ҳисобга олиш тизими қўлланилганда ҳисобот даври мобайнида ТМЗнинг батафсил ҳисоби юритилмайди ва сотилган маҳсулот ёки товарлар таннархи фақат ҳисобот даврининг охирида ТМЗни инвентарлашдан кейин қуйидаги формула бўйича аниқланади:

Ҳисобот даврининг бошига ТМЗ қолдиғи

+

ТМЗ келиб тушиши

-

Ҳисобот даврининг охирига ТМЗ қолдиғи
=
Ишлаб чиқаришга берилган ТМЗ таннархи

Маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган материаллардан унумли фойдаланиш устидан назорат юритишда харажатларнинг илғор нормативларига асосланилади. Материллардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш устидан назорат қилишнинг асосан қуйидаги учта усули мавжуд:

1. Харажат меъёрларидан четга чиқишни хужжатлар билан расмийлаштириш усули;
2. Харажатларни маҳсулот ишлаб чиқариш партиялари бўйича ҳисобга олиш усули;
3. Йўқлама қилиш усули.

Жорий ҳисоб малумотларига асосланиб цех ва бўлимлар ишлаб чиқаришда материаллардан фойдаланганлиги ҳамда меъёрдан четга чиқишлар ҳақида рапотрлар ва ҳисоботлар топширадилар. Сўнгра бу рапорт ҳисоботларда келтирилган маълумотлар ҳамда меъёрдан четга чиқиш сабаблари текширилиб, ўрганиб чиқилади ва улар уларга асосланиб материллардан унумли фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилади.

Шунинг учун ишлаб чиқаришга берилган хом-ашё, асосий материаллар ва яримфабрикатлар хар доим харажат деб ҳисобланавермайди. Чунки ишлаб чиқариш жойларида бу меҳнат буюмлари ҳар хил сабабларга кўра ишлатилмай қолиши мумкин.

Корхонанинг ишлаб чиқариш эхтиёжларига материалларнинг чиқими бухгалтерия ҳисобида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи тегишли ҳисобварақлар дебети билан корреспонденсияда 1000-"Материаллар" гуруҳи ҳисобварақлари кредитида акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида сарфланган материалларга тегишли бўлган фарқ суммаси 1000-"Материаллар" гуруҳи ҳисобварақларидан материаллар чиқими ҳисобга олинган ушбу ҳисобварақларнинг дебетига ҳисобдан чиқарилади (агар корхона томонидан фаркларни ҳисобдан чиқаришнинг шундай тартиби қабул қилинган бўлса).

Маҳсулот ишлаб чиқаришда материаллар ва яримфабрикатларни ишлаш жараёнида уларнинг дастлабки истеъмол қилиш сифатлари (кимёвий, физик ҳусусиятлари ва бошқа сифатлари) йўқолиши натижасида чиқиндилар пайдо бўлиши мумкин. Чиқиндилар икки хил бўлади: қайтариладиган чиқиндилар ва қайтарилмайдиган чиқиндилар.

Ёрдамчи материаллар айрим саноат тармоқларида калкуляциянинг мустақил моддаси сифатида кўрсатилиши мумкин. Технологик мақсадларга аталган бу ёрдамчи материалларнинг сарфланиши кўпинча асосий материаллар сарфланишини ҳисобга олишга ўхшаб кетади. Лекин ҳисобни осонлаштириш

мақсадида улат кўпинча саноат тармоқларида маҳсулотлар таннархи ўртасида билвосита йўл билан тақсимланади.

Ёқилғи сарфлари истеъмол қилинаётган жойлар, яъни печлар, агрегатлар бўйича ҳисобга олиб борилади. Агар ёқиғи маълум бир маҳсулотга сарфланаётган бўлса, унда унинг қиймати тўғридан-тўғри шу маҳсулот таннархига қўшилади.

Айрим саноат тармоқларида технологик ёқилғи алохида мустақил калкуляция моддаси сифатида кўрсатилмай, балки комплекс харажатлар (умумишлаб чиқариш харажатлари) таркибида кўрсатилади. Бундай тармоқларда сарфланган ёқилғининг таннархи комплекс харажатларнинг таркибида ҳар хил маҳсулотлар ўртасида ушбу корхонада қабул қилинган билвосита йўл билан тақсимланади.

Бошқарувни такомиллаштириш ва харажатларни тўғри ва ўз вақтида бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, шунингдек моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан қаттиқ назоратни ташкил этиш, ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган харажатлар ва талофатларни ҳар томонлама камайтириш маҳсулот таннархини пасайтиришнинг энг муҳим йўлларидан бири ҳисобланади.

Юқорида зикр этилган вазифаларни бажарилса корхона маҳсулоти таннархи камаяди ва бунинг натижасида маҳсулотнинг бозорда рақобатбардошлиги ортади ва катта ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти юзага келади. Бундай холатлар натижасида корхоналар томонидан олинадиган даромадлар ҳам ошиши ва пировардида корхоналар ўз фаолиятларига янги техника ва технологияларни сафарбар этишлари ва маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялаш имконига эга бўладилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Tursunov U.S., Ibragimov A.K. "Peculiarities of the accounting balance in modern management system" International Journal of Management, IT & Engineering Vol. 10 Issue 02, February 2020 ISSN: 2249-0558 Impact Factor: 7.119

2. Tursunov U.S., Ibrahimova I., Nosirov A. "Auditing of financial reporting in the
republic of Uzbekistan", International Journal of Management, IT & Engineering Vol. 9 Issue 7, July 2019, ISSN: 2249-0558 Impact Factor: 7.119

3. Tursunov U.S. "Investment Climate in Industries", International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD) Volume 4 Issue 5, July-August 2020 Available Online: www.ijtsrd.com e-ISSN: 2456 – 6470

4. Б.Хасанов, З.Ғаниев, Д.Мухаммедова «Управленческий учёт». - Т .: "Экономика-финансы" - 2018.

5. А.Каримов, Ж.Курбанбаев, С.Жуманазаров "Бухгалтерский учёт". Ташкент "Экономика-финансы" 2019.

6. Ageeva O. A. International financial reporting standards. Theory and practice. Moscow: yurayt, 2016. - 448s.

7. Ibragimov A. K., Sugurbaev B. B. Budget control and audit: textbook.stipend/ UN development program; Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan. Training center. - T.: publishing house " infoCOM.UZ", 2010. -192 c.

8. Mazurenko A. A. Foreign accounting and audit. Moscow: KnoRus, 2015. 234 p.

9. International standards on auditing. Edited by Zh. a. Kevorkov. M.: yurayt, 2014. - 458s.

10. Дусмуратов Р.Д. Теория бухгалтерского учета. Учебник. -Т .: Янгиюль полиграфическая служба, 2013. -476 с.

ЦИФРОВИЗАЦИЯ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ КАК ОСНОВНОЙ ФАКТОР ОБЕСПЕЧЕНИЯ СТАБИЛЬНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Рахманова Наиля Умаровна, магистрант.
Андижанский Машиностроительный институт

Ключевым трендом 2022 года в Узбекистане, как и во всем мире, является постепенное восстановление национальной экономики после пандемии, которое проявляется в виде роста совокупного спроса, открытия границ, возобновления и укрепления международных связей, а также цифровизация экономики.

В условиях глобализации политические события и пандемии влияет на экономические последствия. Для того чтобы банк не потерял клиентов ему необходимо переходить к новому технологическому укладу, а именно развития цифровой банковской системы. Уже сейчас основная часть населения уделяет большой интерес к цифровым компаниям, нежели к традиционным. Для долгосрочного выживания на рынке банкам стоит задача осуществить переход на новый формат своей деятельности, внедряя инновационные технологии. Учитывая, что Узбекистан, на сегодняшний день, активно развивает своё сотрудничество с мировыми финансовыми организациями, то тенденции цифровизации в мире также непосредственно влияют на деятельность отечественных банков и приводят к потребности реформирования данной структуры. Именно поэтому чрезвычайно актуальным является анализ международного опыта развития по цифровизации банковской деятельности, и поиск построение своей национальной модели проведения трансформации коммерческих банков, соответствующей лучшим мировым практикам и

стандартам. Это повысит конкурентоспособность и усилит позиции банков в экономических отношениях. Одним из важных аспектов трансформации банковской системы является цифровизация.

Центральный банк Узбекистана в 2021 году принят ряд принципиальных решений и внедрил новые подходы в работе Центрального банка, в частности:

1. Внедрил стратегическуй программу трансформации и разгосударствления банковского сектора, которая призвана повысить эффективность банковского сектора в целом;
2. Заложил правовую основу для удаленнее биометрической идентификации клиентов, что открывает широкие возможности для развития небанковских финансовых услуг;
3. Создал центр по противодействию мошенничеству и киберугрозам, что послужит повышению прозрачности и безопасности финансовых услуг.

Таким образом, создана основа для дальнейшего роста рынка цифровых финансовых услуг, в том числе оказываемых небанковскими кредитными и платежными организациями.

В 2021 году исследовательская и консалтинговая компания, специализирующаяся на рынках информационных технологий Gartner сделал смелый и тревожный прогноз: К 2030 году 80 процентов традиционных финансовых компаний прекратят свою деятельность. Gartner связал эти ожидаемые прогнозы с цифровизацией, показав что компании, которые не могут принять цифровую трансформацию, могут потерять свою долю рынка в пользу «глобальных цифровых платформ, финтех-компаний и других нетрадиционных игроков». Пандемия COVID-19 ускорила осуществление данных прогнозов, так как она способствовала снижению зависимости многих потребителей от наличных денег и традиционных банков. В результате началась эра онлайн-банкинга и цифровых платежей. Оцифровка финансовой системы не обязательно приводит к устареванию наличных средств в ближайшем будущем и не означает неминуемой гибели для банков. Осваивая технологические достижения для улучшения своих продуктов и услуг и улучшения потребительского опыта, банки могут трансформировать свои бизнес-модели для процветания в эпоху цифровых технологий. В данной статье рассматриваются основные направления цифровизации банковской деятельности, а также, для повышении рентабельности банковского сектора и экономики в целом.

Методология исследования. За последние годы в Узбекистане более востребованной и распространенной стала модель цифрового банка. Банки инвестируют в развитие данной модели. По опросам компании Cisco, многие клиенты не удовлетворены банковскими услугами в целом. Цифровая трансформация — вот что станет «спасательным кругом» для финансового сектора. В Узбекистане, учитывая мировой опыт, президент Ш. Мирзиёев поручил реализовать до 2025 г. проекты цифровизации в различных сферах

экономики. Он заявил: «Без цифровой экономики нет будущего у экономики страны». В настоящее время банковская система Узбекистана отстает от современных требований по развитию цифровых технологий, внедрению новых банковских продуктов и программного обеспечения. В 2020 г. во всех банках страны началась масштабная программа трансформации. Акцент сделан на повышение капитальной и ресурсной базы, а также доходности банков. Главная цель этих реформ в банковской сфере — научить коммерческие банки клиентоориентированной работе. Исходя из рыночных тенденций, планируется изучение международной практики открытого банкинга и проведение научного исследования с участием международных экспертов, по результатам которого состоится поэтапная разработка и тестирование цифровой валюты ЦБ Узбекистана.

Результаты исследования. В ходе исследования нами были изучены тенденции развития цифровых банков, международный опыт по цифровизации банковского сектора и основные аспекты трансформации банков в Узбекистане. Анализ показателей развития банковской системы Узбекистана в условиях цифровизации экономики с учетом Стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020–2025 гг. При анализе данных, полученных при изучении процесса цифровой трансформации банков, были широко использованы такие методы как: сравнение, таблично - графические, методы абстрактного мышления и системного подхода.

Анализы. В Узбекистане банковская система разделяется на два уровня: первый — Центральный банк, второй — коммерческие банки, кредитные организации. Центральный банк принимает решения в пределах своих полномочий и функций независимо от других органов государственной власти и управления. Денежно-кредитная политика Центрального банка направлена на обеспечение стабильности банковской системы и функционирования платежных систем. Центральный банк управляет банковской системой через единую цифровую централизованную систему.

На 1 декабря 2021 года в Узбекистане работало 33 банка, из них 12 — с государственным участием, 15 частных банков и 5 иностранных банка. При этом доля госбанков в активах составляет 82%. На 1 ноября 2021 года последним - 33-банком получившим лицензию Центрального банка стал банк "Bank Apelsin (см.таблица 1).

Для смягчения последствий пандемии и поддержки экономики в стране осуществляются необходимые меры по снижению государственной доли в банковском секторе путем реализации государственного пакета акций банков стратегическим инвесторам, обладающим надлежащим опытом и компетенциями.

Одновременно с этим в банках с долей государства реализуется комплексная программа трансформации, в том числе внедряются современные

стандарты банковского дела, развивается корпоративное управление, внедряются современные решения в сфере информационных технологий, оптимизируются каналы обслуживания клиентов.

В процессах трансформации банков участвуют международные финансовые институты, такие как Международная финансовая корпорация (МФК), Европейский банк реконструкции и развития (ЕББР), Азиатский банк развития (АБР), а также консалтинговые компании, такие как KPMG, PwC, Mckinsey, Finextra.

По состоянию на 1 февраля 2022 года

Сведения об основных показателях коммерческих банков по состоянию на 1 февраля 2022 года

		млрд. сум							
	Наименование банка	**Актив**		**Кредит**		**Капитал**		**Депозит**	
		сумма	доля в% от всего	сумма	доля в% от всего	сумма	доля в% от всего	сумма	доля в% от всего
Всего		**434 777**	**100 %**	**324 139**	**100%**	**70 858**	**100 %**	**149 561**	**100%**
Банки с участием государственной доли		**354 898**	**82%**	**277 522**	**86%**	**57 677**	**81%**	**100 047**	**67%**
	Узнацбанк	88 204	20,3 %	73 037	22,5%	14 882	21,0 %	22 438	15,0%
	Узпромстройбанк	55 523	12,8 %	42 823	13,2%	7 833	11,1 %	12 290	8,2%
	Асака банк	48 743	11,2 %	37 023	11,4%	6 208	8,8%	9 583	6,4%
	Агробанк	39 412	9,1%	32 220	9,9%	9 278	13,1 %	11 401	7,6%
	Ипотека банк	38 418	8,8%	28 698	8,9%	5 167	7,3%	14 004	9,4%
	Народный банк	26 934	6,2%	19 303	6,0%	5 590	7,9%	11 466	7,7%
	Кишлок курилиш банк	20 601	4,7%	17 630	5,4%	2 615	3,7%	6 388	4,3%
	Микрокредитбанк	13 356	3,1%	10 844	3,3%	2 337	3,3%	3 215	2,1%
	Алока банк	12 472	2,9%	7 731	2,4%	1 714	2,4%	6 436	4,3%
0	Турон банк	10 778	2,5%	8 104	2,5%	1 848	2,6%	2 579	1,7%
	Пойтахт банк	386	0,1%	77	0,02%	137	0,2%	246	0,2%

1									
2	Узагроэкспорт банк	70	0,02%	30	0,01%	66	0,1%	1,2	0,001 %
Другие банки		**79 880**	**18%**	**46 617**	**14%**	**13 182**	**19%**	**49 514**	**33%**
3	Капитал банк	14 510	3,3%	8 250	2,5%	1 477	2,1%	12 175	8,1%
4	Хамкор банк	12 351	2,8%	9 409	2,9%	1 881	2,7%	4 348	2,9%
5	Ипак йули банк	9 023	2,1%	6 406	2,0%	1 598	2,3%	3 914	2,6%
6	УзКДБ банк	7 391	1,7%	1 618	0,5%	707	1,0%	6 649	4,4%
7	Траст банк	6 664	1,5%	2 698	0,8%	1 179	1,7%	5 225	3,5%
8	Инвест Финанс банк	5 646	1,3%	3 731	1,2%	740	1,0%	4 071	2,7%
9	Ориент Финанс банк	5 546	1,3%	3 661	1,1%	1 332	1,9%	3 117	2,1%
0	Азия Альянс банк	3 209	0,7%	1 892	0,6%	392	0,6%	2 294	1,5%
1	Тенге банк	3 143	0,7%	1 714	0,5%	1 216	1,7%	487	0,3%
2	Давр банк	2 609	0,6%	2 178	0,7%	438	0,6%	988	0,7%
3	Анор банк	1 517	0,3%	654	0,2%	200	0,3%	1 058	0,7%
4	Зираат банк	1 463	0,3%	854	0,3%	344	0,5%	859	0,6%
5	Универсал банк	1 412	0,3%	759	0,2%	202	0,3%	1 082	0,7%
6	Савдогар банк	1 241	0,3%	838	0,3%	193	0,3%	696	0,5%
7	Туркистон банк	1 121	0,3%	684	0,2%	112	0,2%	890	0,6%
8	Тибиси банк	1 095	0,3%	390	0,1%	287	0,4%	791	0,5%
9	Равнак банк	837	0,2%	550	0,2%	144	0,2%	620	0,4%
0	ДБ банка Садерат Иран	429	0,1%	13	0,004 %	385	0,5%	36	0,02%
1	Хай-Тек банк	306	0,1%	159	0,0%	103	0,1%	125	0,1%

2	Мадад инвест банк	258	0,06%	160	0,05%	149	0,2%	88	0,06%
3	Апельсин банк	109	0,0%	0,0	0,0%	103	0,1%	0,0	0,0%

Таблица 1 (Коммерческие банки Республики Узбекистан)

В конечном итоге государственная доля будет сохранена только в Узнацбанке, Агробанке и Микрокредитбанке, которые будут нацелены на поддержание стратегически значимых предприятий и государственных программ социально- экономического характера. Узнацбанк сосредоточится на обслуживании крупных государственных предприятий и внешнеэкономической деятельности, а Агробанк и Микрокредитбанк будут поддерживать малый бизнес и население. Тем самым функция финансового агента государства, реализуемая в настоящее время 12 банками, будет сохранена только в трех банках.

Как обслуживающий орган банки работают для клиентов и имеют электронный канал обслуживания через интернет в виде платформы как в самом отделении, так и в мобильных устройствах. Электронный канал обслуживания, основанный на интернет-технологиях, и есть отделение банка. Банки теперь ориентированы на цифровые технологии. Колл-центры, банкоматы, отделения, интернет-банкинг, мобильный банкинг — все теперь цифровое, следовательно, банк тоже стал цифровым и опирается на цифровую платформу.

В современных условиях цифровая трансформация банковского сектора является неотъемлемой частью процесса становления цифровой экономики. В рамках стратегии «Цифровой Узбекистан — 2030» предприняты необходимые меры по развитию цифровых финансовых услуг, в частности, обеспечение доступа широких слоев населения к дистанционным услугам и улучшение их качества. В настоящее время в стране функционируют три цифровых банка и 34 небанковские платежные организации, 10 из них внесены в реестр операторов систем электронных денег.

В 2021 году 53% оформленных депозитов, 40% полученных микрозаймов, 48% коммунальных и других платежей и 15% транзакций по конвертации валюты были осуществлены дистанционно (см. рис. 1).

Рис. 1. Долевое соотношение операций, осуществленных в 2021 г. дистанционно / с личным присутствием



На рынке республики функционируют розничные платежные системы на основе банковских карт — Uzcard и Humo. Запуск розничной платежной системы Humo в 2018 году способствовал формированию конкурентной среды, значительному увеличению масштабов безналичных расчетов в экономике и снижению рисков, связанных с деятельностью поставщиков платежных услуг.

Стремительно набирают популярность бесконтактные платежи. При осуществлении платежей в общественном транспорте также внедрена бесконтактная система оплаты с помощью банковских и транспортных карт.

Одной из актуальных задач остается внедрение современных платежных сервисов на основе развития существующей инфраструктуры с целью создания комфортных условий для клиентов. Например, была реализована возможность совершения NFC-платежей в пунктах розничной торговли и услуг без банковской карты с помощью технологии «HumoPay» (аналогичной ApplePay или GooglePay), установленной в мобильных устройствах.

Кроме того, в прошлом году Центральный банк запустил систему оплаты «QR-online», которая предоставляет субъектам предпринимательства и самозанятым дополнительные возможности по приему платежей (помимо POS-терминала), со снижением операционных расходов за счет использования QR-кода.

Примером создания инновационных сервисов служит также технология«Tap-to-phone», с помощью которой субъекты предпринимательства и самозанятые лица могут принимать платежи посредством смартфона через NFC.

Рис. 2. Динамика транзакций через Систему мгновенных платежей

Ввод в эксплуатацию в 2020 году Системы мгновенных платежей стал еще одним важным достижением в области безналичных платежей в Узбекистане (см. рис. 2). Данный сервис осуществляет переводы денежных средств между юридическими лицами и индивидуальными предпринимателями в режиме реального времени. Система построена на основе технологии веб-сервисов, которая позволяет в режиме 24/7 совершать межбанковские платежи посредством систем дистанционного банковского обслуживания. Таким образом, у пользователей нет необходимости посещения банка, а поступившие на счет денежные средства становятся доступными в момент их получения для дальнейшего проведения платежей.

Внедрена система удаленной биометрической идентификации пользователей, что позволяет повысить качество и оптимизировать порядок предоставления финансовых услуг населению и бизнесу, обеспечить автоматический сбор достоверной и детализированной информации о физическом лице. Учитывая достаточно высокий уровень цифровизации финансовых услуг в стране, для обеспечения информационной безопасности и противодействия мошенничеству и киберугрозам, в 2021 году при Центральном банке создан центр CERT-CBU.

Выводы и предложения. Основываясь на результаты анализа можно сделать следующие выводы: Банки, играют решающую роль в эффективном распределении сбережений и инвестиций в рыночной экономике как финансовые институты. И важны для стабильности всей финансовой структуры. Поэтому, банки должны одновременно иметь гибкие инструменты и реформироваться вместе с экономикой. Так как современная экономика является цифровизация, то банковский сектор, как часть экономики, также должен отвечать современным требованиям, так как уровень рентабельности и функционирование банков непосредственно влияют на макроэкономические последствия.

Согласно базовому сценарию макроэкономического развития, ситуация с пандемией как в мире, так и в нашей стране стабилизируется. По мере

продолжения восстановления мировой экономики в большинстве стран экономика выйдет на свой потенциальный уровень. Меры, направленные на стимулирование рынка во время пандемии через смягчение денежно- кредитных условий и налогово- бюджетной политики, окажут положительное влияние на устойчивый рост мировой экономики в ближайшие годы.

При этом, несмотря на некоторые перебои в глобальном совокупном предложении в 2021 году, ожидается, что в наступившем 2022-м и последующие годы мировая торговля будет стабильно расти. Вместе с тем на фоне восстановления темпов роста мировой экономики и ожидаемого ужесточения денежно- кредитных условий ведущими странами ожидается рост цен на финансовые активы.

Несмотря на появление новых штаммов коронавируса и возобновление локдаунов во многих странах, в целом мировая экономика показывает устойчивые тенденции к росту. Кроме того, пандемия подстегнула цифровизацию всех аспектов жизни общества и эти потребности привели к новой эре цифровых банков, которые имеют более гибкие подходы к неустойчивым экономическим изменениям и более широкий спектр продуктов и услуг чем традиционные банки.

Использованная литература:

1. Закон Республики Узбекистан от 08.06.2015 г. №ЗРУ- 387 «О рынке ценных бумаг»;

2. Закон Республики Узбекистан от 25.12.2019 г. №ЗРУ -598 «Об инвестициях и инвестиционной деятельности»;

3. Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 года № УП4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»;

4. Указ Президента Республики Узбекистан от 09.01.2018 г. № УП-5296 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Центрального банка Республики Узбекистан»;

5. Указ Президента Республики Узбекистан от 2 марта 2020 года № УП5953 «О государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017- 2021 годах в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики»;

6. Мирзиёев Ш. Послание Президента Республики Узбекистан к Олиймажлису.- Ташкент: ИПТД «Узбекистан», 2019 .-56 с.

7. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. Ташкент, 24 января 2020 года (www.president.uz).

8. Парусимова, Н.И. Тенденции развития банковского дела и трансформация банковских продуктов в разных типах экономических систем: автореф. ... д-ра эконом. наук. - СПб., 2006. "

9. Банк 3.0. Почему сегодня банк – это не то, куда вы ходите, а то, что вы делаете // Банки.ру [Электронный ресурс]. - URL: https://www.banki.ru/news/daytheme/?id=7194663 (дата обращения: 28.12.2018).

10. Кинг, Б. Банк 3.0. Почему сегодня банк – это не то, куда вы ходите, а то, что вы делаете [Пер. с англ. М. Мацковской]. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес»,

2014. – 520 с. 14. www.pwc.com – официальный сайт международной компании PricewaterhouseCoopers.

11. www.deloitte.com – официальный сайт международной компании Deloitte.

12. www.statista.com – официальный сайт немецкой компании, специализирующейся на рыночных и потребительских данных.

13. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5992 от 12.05.2020 года "О стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020-2025 годы"

14. Скиннер К. Цифровой банк. Как создать цифровой банк или стать им. М.: Манн, Иванов и Фербер, 2015. 308 с.

15 Ковалев М., Головенчик Г. Цифровая трансформация банков // Банкаўскі веснік. 2018. № 11. С. 50–60.

16. Махмудова Г.Н. Цифровизация банковской системы Узбекистана // Устойчивое развитие цифровой экономики, промышленности и инновационных систем (ЭКОПРОМ-2020) / Под ред. Д.Г. Родионова, А.В. Бабкина. СПб.: ПОЛИТЕХ-ПРЕСС, 2020.

17. Алексеева Д.А. Цифровая трансформация банковской системы // Известия Санкт-Петербургского государственного экономического университета. 2019. № 5–1. С. 159–162.

18. Садыржанов Б.Э. Развитие цифровых технологий в деятельности коммерческих банков // Научные записки молодых исследователей, 2018. № 3. С. 50–55.

19. Журнал ПЛАС » Архив » 2022 » Журнал ПЛАС №1 » от 11 февраля 2022 года. Подводим итоги прошедшего года и обсуждаем планы с Председателем Центрального банка Республики Узбекистан. https://plusworld.ru/journal/2022/plus-1-2022/mamarizo-nurmuratov-transformatsiya-bankovskogo-sektora-uzbekistana-neotemlemaya-chast-protsessa-stanovleniya-tsifrovoj-ekonomiki/

МАҲАЛЛИЙ ҲОМ АШЁ ОРҚАЛИ РАҚОБАТБАРДОШ МАХСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Шарафиддинова Мадинахон Исомудин кизи
"Иктисодиёт" (тармоклар ва сохалар) буйича 1-боскич магистранти
Андижон машинасозлик институти

"Маҳаллий ишлаб чиқариш", "ишлаб чикарувчиларнинг маҳаллийлаштирилиши" атамалари иқтисодий адабиётларда XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб кенг қўлланила бошланди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ҳўжалик субъектлари бўлмиш корхоналар ўз фаолиятини "нима?", "қандай?", "ким?", деган саволларга ўзига ҳос жавоб бериш орқали ташкил этади ва иш юритади. "Нима ишлаб чиқариш зарур?", - деган саволга жавоб беришда корхоналар зарар кўрмаслик ва фойда олиш учун харакат қоидасига амал қилишини хисобга олиб, факат фойда келтириши мумкин бўлган товарларни ишлаб чиқарадилар ва хизмат кўрсатадилар, мамлакатимизда иқтисодий мустақилликка эришиш, тайёр, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш учун иқтисодиётда туб таркибий узгаришлар амалга оширилмоқда.

Тадқиқот методологияси. Республикамизда сўнгги йилларда тадбиркорликка жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли, 2015 йил 15 майдаги ПФ4725-сонли, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли Президент Фармонлари, 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли Президент Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли, 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли Қарорларини келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 17 ноябрда "Ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини имзолади. Ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш мақсадида 2009 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури туғрисида"ги қарори, 2009 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳаллий ноозик-овкат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар туғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб тадбиркорни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, имтиёзли кредитлар бериш, ишлаб чиқариш маҳсулотларини сотиш ва экспорт қилиш, шунингдек республикамизнинг туман ва шаҳарларида тадбиркорликни ривожлантириш марказларини ташкил этиш ва улар фаолиятини

такомиллаштириш ишлари ва тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш ва амалга ошириш механизмини маҳаллийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Ўзбекистонда Ишлаб чикаришни маҳаллийлаштириш технологияларидан фойдаланиш амалиёти ва истиқболини ўрганиш натижасида қуйидаги вазифалар вужудга келади:

- иқтисодиётни тубдан таркибий ўзгартириш, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқариш;

-маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш ва амалга ошириш;

-тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;

-мамлакатда ва унинг ҳудудларида мазкур тайёр маҳсулотларнинг баъзи бутловчи қисмларини маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқариш учун янги қўшма корхоналар, миллий корхоналар ташкил этиш

Тадқиқот натижалари. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш деганда, амалдаги ва янги импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш ва кенгайтириш асосида бозорда импорт маҳсулотларига ўхшаш, рақобатбардош миллий маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши тушунилади. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш оркали чет эл товарларининг мамлакат ички бозорига интервенсияси қисқартириб борилади ва ушбу товарларга бўлган қарамликдан халос бўлинади.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин иқтисодиётни тубдан таркибий ўзгартириш, импорт ўрнини босувчи, экспортга йуналтирилган товарлар ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш ва ривожлантириш мақсадида кенг қўлланила бошланди. Бу тажриба энг муҳим истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳаларида, автомобилсозлик саноатида жорий этилиб, катта самара берди.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштирилиши асосида унинг кооперациялашуви, яъни саноат кооперация алоқаларининг кенгайтирилиб бориш йўли билан амалга оширилади. Ишлаб чиқаришнинг махаллийлашуви, саноат кооперацияларининг ривожланиши асосида мамлакат ва унинг ҳудудларида рақобатбардош, импорт урнини босувчи, экспортга йўналтирилган янги ишлаб чикаришларнинг ташкил этилиши жараёнлари вужудга келади.

Ишлаб чиқаришни жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали биринчи навбатда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва кенгайтириш, шунингдек салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб этиш максадида кенг ислохатлар олиб борилмокда. Маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш жараёнларини ва тартибларини янада ихчамлаштириш ва соддалаштириш, Савдо-саноат

палатаси, фермерлар кенгашлари, хокимликлар томонидан янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ташкил этган корхоналарга маҳаллийлаштириш дастурига киритиш учун тегишли хужжатларни тайёрлашда кумаклашиш. Бунинг учун улар қошидаги консалтинг фирма ва ташкилотлар фаолиятини яхшилаш.

Хулоса. Айтиш жоизки, махаллийлаштириш дастури доирасида лойихаларда республика минтакаларининг иштирокида номутаносиблик ва муаммолар мавжуд. Худудий тасарруфдаги корхоналарнинг махаллийлаштириш дастури доирасидаги лойихалардаги иштироки анча паст даражада. Бунга қуйидагилар сабаб булмокда:

- худудий тасарруфдаги корхоналар рахбарлари ва мутахассислари махаллийлаштириш дастурига янги лойихалар тайёрлаш ва киритиш куникмаларига етарли даражада эга эмаслар;
- хар бир минтака ва худудларда йирик ва кичик корхоналар уртасидаги саноат кооперацияси алокаларини ривожлантириш учун тегишли шароитлар яратиш. Бунинг учун уларда жорий этиш имконини берадиган ин-новацион лойихаларни куллаб-кувватлаш ва амалга ошириш учун венчур жамғармаларини хамда инфратузилмаларини ташкил этиш;
- тайёр махсулот, ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар ишлаб чикаришни махаллийлаштиришни амалга ошираётган корхоналарнинг зарур хом ашё ва кредит маблағларидан янада эркин фойдаланишини таъминлаш ва хоказолар булиб, шулар устида иш олиб бориш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Курбанов Алишер Бобокулович. Роль малого бизнеса в инновационной деятельности // Economics. 2020. №1 (44). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/rol-malogo-biznesa-v-innovatsionnoydeyatelnosti (дата обращения: 14.11.2020).

2. Турсунов Имамназар Эгамбердиевич, Курбанов Алишер Бобокулович Инновационные подходы развития предпринимательства // International Journal of Innovative Technologies in Economy. 2018. №5 (17). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsionnye-podhody-razvitiyapredprinimatelstva

3. Курбанов Алишер Бобокулович Роль малого бизнеса в инновационной деятельности // Economics. 2020. №1 (44).

4. www.lex.uz

5. www.gazeta.norma.uz

6. www.kun.uz

7. www.xs.uz

8. "Оқ дарё овози " газетаси

KOMPANIYA RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISHDA STRATEGIK REJALASHTIRISHNING AHAMIYATI

Abdusamatov Abrorbek,
Andjon Mashinasozlik instituti "Menejment" yo'nalishi 3-kurs talabasi

O'zbekiston Respublikasida iqtisodiyotni liberallashtirilishi ishlab chiqarish vositalari bozorining yanada o'zgartirilishi va zamonaviylashtirilishini, shunga yarasha raqobatchilik muhitining shakillantirishni nazarda tutadi. Respublikada amalga oshirilayotgan keng miqiyosdagi isloxatlar butun xo'jalik mexanizimining o'zgartirilishi va qaytadan tashkil etilishi, iqtisodiyotni boshqarish jarayonlarining barcha tarkibiy qisimlarining tubdan hozirgi zamon talablari bo'yicha qayta qurilishini talab qiladi. Bugungi kunda ko'plab rivojlangan va jahon iqtisodiyotida etakchi o'rin tutadigan mamlakatlar tajribasi shuni so'zsiz isbotlab bermoqdaki, raqobatdoshlikka erishish va dunyo bozorlariga chiqish, birinchi navbatda iqtisodiyotni izchil isloh etish, tarkibiy jihatdan o'zgartirish va diversifikatsiya qilishni chuqurlashtirish, yuqori texnologiyalarga asoslangan yangi korxona va ishlab chiqarish tarmoqlarining jadal rivojlanishini ta'minlash, faoliyat ko'rsatayotgan quvvatlarni modernizatsiya qilish va texnik yangilash jarayonlarini tezlashtirish hisobidan amalga oshirilishi mumkin.

Bugungi vaziyat o'tgan yillar mobaynida inqirozga qarshi kurashish borasida to'plagan tajribamizga suyanib, mamlakatimizni rivojlantirish, isloh etish va yangilash bo'yicha erishgan sur'atlarni boy bermaslik uchun mavjud resurs va imkoniyatlarni safarbar etishni talab qilmoqda.

Korxonaning rivojida qo'llaniladigan yo'l va strategiyalar, hamda ularning ijobiy yoki salbiy tomonlari bilan bog'liq muammolar iqtisodchi, nazariy va amaliyotchilar tomonidan o'rganilib kelingan. Bozor iqtisodiyoti sharoitida firmaning raqobat strategiyasi va taktikasi faoliyatining nazariy asoslari va ijtimoiy ahamiyati M.Porter, A.Smit kabi taniqli iqtisodchi olimlar asarlarida o'rganilgan.

Marketing tizimida bozorda faoliyat yurituvchi kompaniya o'z-o'zidan emas, balki uni boshqa bozor ishtirokchilari bilan bog'laydigan munosabatlar va axborot oqimlarining butun majmuasini hisobga olgan holda ko'rib chiqiladi. Shartlar muhiti kompaniya faoliyat yuritadigan kompaniyaning marketing muhitini chaqirish odatiy holdir. F.Kotler firmaning marketing muhitini quyidagicha ta'riflagan: Firmaning marketing muhiti - bu firmadan tashqarida harakat qiluvchi va marketing rahbariyatining maqsadli mijozlar bilan muvaffaqiyatli hamkorlik aloqalarini o'rnatish va qo'llab-quvvatlash qobiliyatiga ta'sir qiluvchi faol ishtirokchilar va kuchlar yig'indisidir [1].

Bozor iqtisodiyotining rivojlanishi sharoitida yangi raqobatchining potentsialini shakllantirish, raqobatbardosh ustunliklarning barqarorligi uchun zarur shart-

sharoitlarni aniqlash, rivojlantirish va yaratish, raqobatbardosh xatti-harakatlarning to'g'ri shaklini tanlash masalalari kompaniyaning muvaffaqiyatli ishlashi uchun alohida ahamiyatga ega. Raqobat ustunligi tushunchasi hozirda alohida ahamiyat kasb etdi, chunki butun dunyo bo'ylab kompaniyalarning o'sishi sekinlashdi va raqobatchilarning xatti-harakatlari tobora tajovuzkor bo'lib bormoqda. Asosiysi, faqat raqobatdosh ustunlikka erishish va uni aniqlash emas, balki uni barqaror qilish edi. Raqobat ustunligi - bu mahsulotning o'ziga xos xususiyatlari, bu korxona uchun raqobatchilarga nisbatan ma'lum bir ustunlikni, iste'molchi uchun esa - mahsulot iste'molchi xususiyatlarining maqbul kombinatsiyasi. Mukammallik taqqoslash orqali baholanadi, shuning uchun u nisbiy xususiyatdir va turli omillar bilan bog'liq [3].

Biznes amaliyoti shuni ko'rsatdiki, yagona universal strategik boshqaruv mavjud bo'lmaganidek, barcha kompaniyalar uchun yagona bo'lgan raqobat strategiyasi mavjud emas. Har bir firma o'ziga xos tarzda noyobdir va har bir firma uchun raqobat strategiyasini ishlab chiqish jarayoni o'ziga xosdir, chunki u firmaning bozordagi mavqei, rivojlanish dinamikasi, salohiyati, raqobatchilarning xatti-harakati, xususiyatlariga bog'liq. U ishlab chiqaradigan tovarlar yoki u ko'rsatadigan xizmatlar, iqtisodiyotning holati, madaniy muhit va boshqalar. Shunday qilib, kompaniyani boshqarishda raqobat usullarini o'rganish va qo'llashning dolzarbligi ortib bormoqda.

Raqobat strategiyalari sanoatda faoliyat yurituvchi raqobat qoidalarini tushunishdan kelib chiqadi va uning jozibadorligini belgilaydi. Raqobat strategiyasining maqsadi ushbu qoidalarni kompaniyangiz foydasiga o'zgartirishdir. Raqobat qoidalari rasmda ko'rsatilgan raqobatning beshta kuchi sifatida ifodalanishi mumkin.

Porterning fikriga ko'ra, raqobat bir yoki bir nechta raqobatchilar qiyinchiliklarga duch kelganda yoki o'z mavqeini yaxshilash imkoniyatlarini ko'rganda paydo bo'ladi. Raqobatning shiddati muloyim janoblar formasidan tortib tomoqni kesishning eng zo'ravon usullarigacha bo'lishi mumkin [4].

Umumiy strategiyalar deganda Porter universal qo'llanilishi mumkin bo'lgan yoki ba'zi bir asosiy postulatlardan kelib chiqqan strategiyalarni nazarda tutadi. M. Porter o'zining "Raqobat strategiyasi" kitobida kompaniyaning raqobatdosh ustunligini oshirishga qaratilgan umumiy strategiyalarning uch turini taqdim etadi. O'zi uchun raqobatdosh ustunlikni yaratmoqchi bo'lgan kompaniya "o'z yuzini yo'qotmaslik" uchun strategik tanlovni amalga oshirishi kerak. Buning uchun uchta asosiy strategiya mavjud:

- xarajatlarni kamaytirishda etakchilik;
- farqlash;
- diqqatni jamlash (alohida e'tibor).

Birinchi shartni qondirish uchun kompaniya xarajatlarni raqobatchilarnikidan pastroq tutishi kerak. Farqlash uchun u o'ziga xos tarzda noyob narsani taklif qila olishi kerak.

Xarajatlarni boshqarish, ehtimol, uchta umumiy strategiyaning eng ko'zga ko'ringanidir. Bu kompaniya arzon ishlab chiqaruvchiga aylanishga intilayotganini anglatadi. Kompaniya sanoatning ko'plab segmentlari uchun turli xil ta'minot va xizmatlarga ega. Bu o'lchov ko'pincha xarajatlarni kamaytirish etakchiligining kalitidir. Ushbu imtiyozlarning tabiati sanoatning tuzilishiga bog'liq bo'lib, miqyosdagi iqtisod, ilg'or texnologiya yoki xom ashyo manbalaridan foydalanish masalasi bo'lishi mumkin [3].

Porterning ta'kidlashicha, xarajatlarni kamaytirish bo'yicha yetakchilikni qo'lga kiritgan kompaniya farqlash tamoyillarini e'tiborsiz qoldira olmaydi. Agar iste'molchilar raqobatchilarning mahsuloti bilan taqqoslanadigan yoki maqbul bo'lgan mahsulotlarni topmasalar, etakchi raqobatchilarni zaiflashtirish va bu jarayonda etakchilikni yo'qotish uchun narxlarni chegirishga majbur bo'ladi. Porterning xulosasiga ko'ra, mahsulotni farqlashda xarajatlarni kamaytiradigan etakchi raqobatchilar bilan teng yoki hech bo'lmaganda ularga yaqin bo'lishi kerak.

Plants are responsible for maintaining a clean atmosphere, increasing soil fertility, regulating the hydrological regime of rivers, as well as providing nutrients for humans and wildlife, as well as creating normal conditions for human life. The process of photosynthesis occurs due to plants. As a result of the absorption of carbon dioxide from the atmosphere, water surface, and soil by plants, and the process of photosynthesis, green plants release oxygen into the environment. At present, the level of development of large cities depends on the growth of industrial enterprises and traffic, which requires the solution of many problems related to environmental protection. Air pollution is mainly caused by large enterprises and vehicle emissions. Especially trees along major highways are being further damaged by motor vehicle waste. In this case, mainly the leaves of the tree are more exposed to contaminants. This is because photosynthesis and many other processes that promote growth take place in these leaves. We know that the level of development of large cities depends on the growth of industrial enterprises and road traffic, which requires the solution of many problems. The most harmful to plants are salts of heavy metals emitted from motor vehicles, non-ferrous and ferrous metallurgy. One of them is lead compounds, which are widespread from their centers in cities and industrial

areas. In addition, the air in industrial areas is often polluted with iron, copper, cobalt, nickel, cadmium, mercury salts.

References:

1. Belozertsev V.M. and dr. Zayavlenie o vozdeystvii na okrujayushchuyu sredu k rabochemu proektu rekonstruktsii kollektorno-drenajnyx setey v sisteme kollektora «KOLGAN-DARYa» Narynskogo rayona Namanganskoy oblasti. OAO «UzSUVLOYIXA», Tashkent, 2012.

2.Kats D.M. Methodical recommendations for control over the reclamation of oroshaemyx land. M. 1978 god.

EFFECTS OF HEAVY METAL CONTAMINATED SOIL ON LANDSCAPE TREES

Abduvoitov Ravshanbek Alijonovich
Teacher at the Uzbek
Language and Literature Department

Introduction. There is currently a lot of scientific evidence that anthropogenic pollution of the environment has a detrimental effect on human health. Anthropogenic wastes sometimes have an irreversible effect on the life of the earth by increasing the concentration of short-lived and long-lived gases, dusts and aerosols. However, after the scientific evidence that anthropogenic pollution is inextricably linked to human health became clear, all attention was gradually focused on mitigating or partially reducing the negative impacts on health. One of the main tasks facing humans, including the scientific community, is to achieve a sufficient reduction of all types of anthropogenic exposures to the environment to prevent adverse effects on human health in terms of early death and morbidity.

Experts are looking at several types of plants from the perspective of a potential vehicle for cleaning the air from pollutants, with a particular focus on plant-soil contamination points.

Appropriate recommendations have been developed for users of certain types of plants that are useful for phytomediation of internal and external pollutants [1].

Pollution of urban air with pollutants affects human health and the environment. Anthropogenic pollution as a result of the activities of transport, industrial facilities and residential buildings is concentrated in densely populated areas. plays an important role in influencing quality.

In urban environments, human health can be directly affected by 80% of the emissions from the combustion of hydrocarbon fuels in the atmosphere [2.].

The importance of shading city streets, buildings and reducing ambient temperatures in urban vegetation (ecosystem services) depends on plants, and the unfavorable weather environment in cities harms the quantity and quality of plants [3].

Lead salts absorbed through the veins move to the surface organs. As a result, the amount of lead increases due to the absorption of air and soil from the leaves [4].

The largest particles of lead settle near large highways (10-30 m) and this leads to a significant accumulation of heavy metal in the soil. The concentration in the soil is 10-20 s / million [5].

Suspended fine particles sit up to 100 m from the trunks and form a second zone of contamination (Pb content 50 s / mln, 56) [6].

The fine particles are carried over a longer distance in the aerosol composition [7].

The level of lead sitting on the surface of plants near the road can be 5-20, 5-200 and even 100-200 times higher than the Pb level in unwashed agricultural crops, grasses and trees, respectively [8].

Salts used when freezing highways and sidewalks can have a serious impact on water quality and vegetation. Death of trees is observed when analyzing the soil chemistry required for the growth of trees [9].

Degree of knowledge of the subject. Hossein Khademi and Maria Gabarron's study on soil contamination with heavy metals studied dust and pollutants from industrial sites on highways in the southern Spanish city of Murcia. As a result of analysis of soil samples taken from industrial enterprises and natural areas on the main streets, they were divided into eleven measurement classes and concentrations of Pb, Zn, Cu, Cd, Cr, Ni, As and Fe in both mass samples and their fractions. detected.In samples where the concentration of most elements studied in the soil was slightly higher, the concentration of heavy elements and all their fractions were much higher than in the natural zone. [10]

In 2017, Dehghani, Farid Moore, Behnam were very high in Sb, Pb, Cu, and Zn in street dusts when collected on main street soils and analyzed for major potential toxic heavy metals, and in street soils with average values in Cr, Mn, Mo, and Ni. dust has identified heavy metals as the only element that poses a health risk [11].

Soil pollution is mainly due to the fact that harmful substances in the processes of pollution of the physicochemical properties pose a threat to the soil and the environment and human health [12].

Contamination of urban soils with heavy metals has been shown to be anthropogenic in nature due to increased levels of Zn, Cd and Pb in the soil [13.B 678-686].

The purpose of the study. One of the important tasks is to assess the level of exposure of soils to pollutants emitted by industrial enterprises and motor vehicles. Given that the exact distribution of heavy metals in the soil on the main streets affected by industrial activities is rarely studied, the four busiest streets of Andijan, Bobur, Amir Temur, Navoi and Cholpon, were selected in 2017-2018-2019. research and analysis were conducted. The extent and pollution of heavy metals in soils were studied to what extent and how they could affect city streets. Samples from selected

streets were taken to determine Pb, Zn, Cu, Cd, Fe concentrations, and the level of soil contamination and its impact on the urban ecosystem were determined.

In our study, analyzes were performed on soils along the main streets of Andijan for copper, cadmium, zinc, and lead.

Research methodology. Conducted scientific research Republic of UzbekistanHydrometeorological Service Center in the Laboratory for Monitoring Environmental PollutionAtomic absorption was performed on a spectrophotometer.

Experimental results and analysis. The analysis of the soils of Alisher Navoi Park in Andijan and along the roads of Amir Temur, Cholpon, Bobur, Navoi streets showed that the differences in the levels of copper, antimony, zinc and lead are reliable. Permissible levels of contamination in soils are 3.0 mg / kg of copper, 32 mg / kg of lead, 23 mg / kg of zinc and 32 mg / kg of lead. One of the indicators of soil contamination with heavy metals is the development of industry on the main highways of Andijan and high traffic, the total number of vehicles and fuel types, the length of streets, the growing resistance of ornamental trees along the city roads and other factors.

Our study was conducted during the spring, summer, and fall of 2017, 2018, and 2019.

In 2017-2018, zinc and lead were the lowest in the Navoi Garden at 42,586 ± 10,865 mcg / ml in 2017 and 44,925 ± 13,703 mcg / ml in 2018, and in the soils of Babur Shokh Street (70,863 ± 18,764 mcg / ml and 73,150 ± 20,055 mcg / ml, respectively. ml), the highest rate was returned in 2018 in the soils of Navoi Horn Street (102.4 ± 28.576 µg / ml) and in 2019 in the soils of Cholpon Horn Street (112.225 ± 29.385 mcg / ml).

In 2018-2019, the lowest values of copper and cadmium among soils were in Amir Temur Street (21,230 ± 0.997 µg / ml and 23,655 ± 1,028 µg / ml, respectively) and the highest in Cholpon Shokh Street (19,546 ± 0.725 µg / ml, respectively). and 21.298 ± 0.898 µg / ml).

The highest levels of copper were 32.198 mcg / ml in 2019 in soil samples on Navoi Horn Street, and 21.233 mcg / ml in 2019 on Cholpon Street. The lowest copper content in the soil was found in soil samples taken from Navoi Garden (32.198 µg / ml).

In the third year of the study (2019), the results of the analysis showed that the copper content was high in Navoi Shah 32,198 mcg / ml, Cholpon Shah 21,233 mcg / ml, Babur Shah 21,298 mcg / ml, Amur Temur streets up to 23,655 mcg / ml.

Conclusion. According to the results of the research, heavy metals (copper, cadmium, lead) were found in the streets of Andijan Regional Park of Culture and Recreation named after A.Navoi (control), A.Cholpon, Navoi Shah, Bobur Shokh and Amur Temur Streets. , the number of cars contaminated with zinc) has increased over the years. In order to reduce soil pollution, ornamental trees - chestnut, oak, (oak)

pavlovnia, cut pine and eldar pine - were recommended to reduce traffic noise on the main streets, ie in cities that are adapted to local climatic conditions.

Analyzes show that the amount of heavy metals in the soil has a negative impact on ornamental trees.

It is important to conduct an in-depth analysis of landscaping, landscaping, environmental protection and study of heavy metal pollution on the main streets, streets, railways, highways, republican, regional, district and neighborhood streets, developed on the basis of the master plan of the district or city architecture. important.

List of used literature

1. Prerita Agarwal, Mangaldeep Sarkar, Binayak Chakraborty, Tirthankar BanerjeePhytomanagement of Polluted Sites, 2019, Pages 221-241 Page Count: 626

2. Air pollution in the urban atmosphere: sources and consequences Metropolitan Sustainability, 2012, Pages 231-259 K. Mcdonald 776

3. Influenceof vegetation damage on urban cooling effects Eco-Efficient Materials for Mitigating Building Cooling Needs, 2015, Pages 325-347A. Speak 550

4. Ilkun G.M. Zagryazniteli atmosfery i rasteniy. - Kiev, Naukova dumka, 1978. - 247 s

5. Keller 'G. Die Bleikontamination der Landwrtschaftlichen Nutzdlachein der Sohweir als Folge der Bleizusatre zum Motorbenrin-Schweiz, Landwirtschaftliche Momats., 1977. Bd.55. H.I9. - S.252-260.

6. Mankowsku B. The content of pb., Cd. and Cl in Foresy trees soused by the traffic motor vechicles. Biologia, 1977, v.32, No 7. - p.477-489.

7. Little PA, Witten RD Emission and deposition of lead Prom motor exhauts. Atmospheric Envirenment, 1978, v.I2. No. 6-7. - p .1331-1341.

8. Chebotkina M.Ya, 0 postuplenii tsinka - 65 v rasteniya cherez. listya. - Ecology, 1972, № 5. - P.96-97.

9. De-icing salt contamination reduces urban tree performance in structural soilcells Environmental Pollution, Volume 234, March (Elsevier) 2018, Pages 562-571 Camilo Ordóñez-Barona, Vadim Sabetski, Andrew A. Millward, James SteenbergEnvironmental impact assessment of industrial activities on heavy metals distribution in steet dust and soil Chemosphere, Volume 217, February (Elsevier) 2019, Pages 695-705 Hossein Khademi, MaríaGabarrón, Ali Abbaspour, Silvia Martínez-Martínez, Jose A. Acost

10. Health risk implications of potentially toxic metals in street dust and surface soil of Tehran, Iran Ecotoxicology and Environmental Safety, Volume 136, February (Elsevier) 2017, Pages 92-103Sharareh Dehghani, Farid Moore, Behnam Keshavarzi, Beverley, A. Hale

11. Soilphysiochemical properties and landscape patterns control trace metal contamination at the urban-rural interface in southern China Environmental Pollution, Volume 250, July (Elsevier) 2019, Pages 537-545 Cheng Li, Ge Sun, Zhifeng Wu, Honglin Zhong, Jiong Chen

12. Assessment of phytotoxicity, environmental and health risks of historical urban park soils Chemosphere, Volume 220, April (Elsevier) 2019, Pages 678-686 Martin Brtnický, Václav Pecina, Jan Hladký, Maja Radziemska, Magdalena Daria Vaverková

ТАБИИЙ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ЁНДАШУВ УСУЛИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Сабиржонов Толибжон Мамасолевич, техника фанлари номзоди, доцент Фарғона политехника институти , Ўзбекистон Республикаси
Файзуллаев Жамшид Исмоилжонович фалсафа доктори(PhD) Фарғона политехника институти , Ўзбекистон Республикаси

Анотация: *Мазкур мақолада назарий механика фанини ўқитишда педагогик технологиянинг табақалаштириш усули ютуқлари таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *механика, машина-механизмлари, педагогик, техника,фан, тизим,тадбиқий, техналогия, табақалаштирилган*

ПРЕИМУЩЕСТВА МЕТОДА ДИФФЕРЕНЦИРОВАННОГО ПОДХОДА ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ В ПРЕПОДАВАНИИ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК

Сабиржонов Талибжон Мамасолевич, кандидат технических наук, доцент Ферганский политехнический институт, Республика Узбекистан
Файзуллаев Джамшид Исмоилджонович доктор философских наук(PhD) Ферганский политехнический институт, Республика Узбекистан

Анотация: *В статье анализируется успехи метода сослойного разделения педагогических технологий при изучении теоретической механики.*

Ключевые слова: *механика, машинные схемы, педагогик, техника, наука, система, применение, технология, дифференцированный*

ADVANTAGES OF THE METHOD OF THE DIFFERENTIATED APPROACH OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGY IN THE TEACHING OF NATURAL SCIENCES

Sabirjonov Talibjon Mamasolevich, candidate of Technical Sciences, docent Professor Fergana Polytechnic Institute , Republic of Uzbekistan
Fayzullaev Jamshid Ismoiljonovich doctor of Philosophy(PhD) Fergana Polytechnic Institute, Republic of Uzbekistan

Anotation: *The artcle analyzing the a chievements of group ceparation of pedagogical technnologi by learning theoretical mexanics.*

Keywords: *mechanics, machine-circuits, pedagogics. technique, science, system, application, technology, differentiated*

Техника фанларидан бўлган "Назарий механика" фанини ўқитишда ахборот ва педагогик технологияларини қўллаш таълим тизимининг сифатини оширишда катта аҳамиятга эга[1;2]. Фарғона политехника институти "Тадбиқий механика" кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳам бу соҳада яхши натижаларга эришмоқдалар. Барча фанлардан ўқув-услубий мажмуалар тайёрланиб, кредит-модулли тизимда машғулотлар олиб борилмоқда.

Бугунги кундаги фан, техника ва технологияларнинг тараққиёти талабаларда ўзининг турлича таъсирини топмоқда. Компьютер ўйинлари талабаларда табиий ҳодисаларга юзаки қараш, табиат қонунларини тушуниб етмасликка олиб келмоқда [5;6]. Шунинг учун табиий-илмий фанларни ўқитишда қизиқарли ва мулоҳазали машғулотлар ташкил қилиш лозим[7]. Масалан, қурувчиларга қурилиш конструкцияларининг турғунлиги ва мустаҳкамлиги, механика мутахассисликларига машина ва механизмларнинг муаммолари ва ҳарбийга қизиқувчи талабаларга ҳарбий техникага оид масалаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ[8]. Айниқса педагогик технологиянинг табақалаштирилган ёндашув усули яхши натижалар бермоқда. Билим олаётган талабалар ичидан мутахассислик, билим даражаси, қизиқиши ва бошқа талаблар бўйича кичик гуруҳларга ажратиб олинади[8;9]. Дарсдан ташқари машғулотлар , илмий семинарлар , тўгараклар , олимпиада ва анжуманларга тайёрлаш жараёнида қизиқарли масала ва мисоллар ечиш ёрдамида уларнинг малакалари оширилмоқда[10].

Мисол тариқасида "Назарий механика" фанидан ҳарбий соҳага оид масалаларни кўриб чиқамиз [3,4].

1-МАСАЛА: Самолёт ***A*** ердан 4000 метр баландликда 140 метр/секунд горизонтал тезлик билан учади .Берилган ***B*** нуқтага самолётдан бошланғич нисбий тезликсиз юк ташлаш керак .Бу юкни В нуқтадан горизонтал тўғри чизиқ бўйлаб ўлчанадиган қандай ***x*** масофада ташлаш керак ? Ҳавонинг қаршилиги ҳисобга олинмасин.



1-расм



2-расм

Ечиш. Самолёт ҳаракатини Декарт координаталар системасига нисбатан текширамиз (1-расм).

Бошланғич пайтда самолётнинг координаталари *x=0, y=h*; тезлигининг координата ўқларидаги проекциялари эса

$$V_x = V_0, V_y = 0$$

M нуқта ҳаракатининг дифференциал тенгламалари:

$$m\ddot{x} = 0, m\ddot{y} = -G \qquad (1)$$

ёки

$$\ddot{x} = 0, \ddot{y} = -g$$

уларни икки марта интегралласак

$$\dot{x} = C_1, x = C_1 t + C_2 \qquad (2)$$

$$\dot{y} = -gt + C_3, y = -\frac{gt^2}{2} + C_3 t + C_4 \qquad (3)$$

ҳосил бўлади.

Бошланғич шартларни (2) ва (3) га қўйсак,

$C_1 = V_0, C_2 = 0; C_3 = 0, C_4 = h$ келиб чиқади.

Демак, самолёт ҳаракатининг параметрик тенгламалари

$$x = t \cdot V_0, \qquad y = -\frac{gt^2}{2} + h \qquad (4)$$ бўлади.

(4) тенгламалардан вақтни йўқотсак, самолёт ҳаракатининг траектория тенгламаси келиб чиқади, яъни:

$$y = h - \frac{gx^2}{2V_0^2} \qquad (5)$$

бу парабола тенгламаси бўлиб,унинг ўқи *Oy* ўқи билан устма-уст тушади.

Энди юкнинг энг узоққа бориб тушиш масофасини топамиз. Бунинг учун (5) ни нолга тенглаштириб ,

$$x = \sqrt{\frac{2h}{g}}Vo = 400$$ м ни ҳосил қиламиз.

2-МАСАЛА: Ер сиртидан учирилаётган икки босқичли ракета R=90кН куч таъсирида вертикал ҳаракат қилади.Агар ракета босқичларининг массалари m_1=200 кГ ва m_2=100 кГ бўлса, улар орасида ҳосил бўладиган босим кучини кН ларда ҳисобланг(2-расм).

"Назарий механика" фанидан ўтказилган илмий семинар натижалари шуни кўрсатдики, аълочи ва яхши баҳоларга ўқувчи талабаларнинг 95% фанга қизиқиши ортди. Билими паст талабаларнинг 50 % масалалар ечилиши жараёнига эътибор бердилар. Бунинг сабаби, армия сафидан қайтган талабаларда ҳарбий соҳага ва ҳарбий техникага қизиқиши жуда юқори.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, талабалар билимини оширишда турли шаклдаги масалалар ва саволлардан фойдаланиш талабаларнинг таълим олишида қизиқиш, ижодий фикрлаш ва оптимал ечимларни излаб топиш кўникмаларини ҳосил қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирсаидов М.М., Собиржонов Т.М. Назарий механика (математик дастурлаштириш асослари билан). Фарғона, "Классик", 2020.
2. Мавлянов А. ва бошқ. Ўқув машғулотларини ташкил этишда таълим технологиялари.Тошкент, "Tafakkur bo'stoni", 2013.
3. Мешчерский И.В. Назарий механикадан масалалар тўплами. Тошкент, 1990.
4. Kepe O.E. va boshqalar. Nazariy mexanikadan qisqa masalalar to'plami. Toshkent. Yangi asr avlodi. 2008 .
5. Mirzakarimov, E. M., Faizullaev, J. I. Method of teaching the integration of information and educational technologies in a heterogeneous parabolic equation
6. J.I.Fayzullayev, Mathematical competence as the basis for improving the quality of students' mathematical education. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 2020-8(3),36-41. http://www.idpublications.org/wp-content/uploads/2020/03/
7. J.I.Fayzullayev, A systematic approach to the development of mathematical competence among students of technical universities. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 2020-8 (3),42-47.
8. Фундаментал фанлар ёрдамида техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш, Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 10-457-461.

9. Iroda, M. (2019). Rational Methods Awakening and Stimulating University Students Professional and Creative Abilities. Eastern European Scientific Journal, (1).

10. Mahammadovna S. I. Needs snd Factors for Developing Professional and Creative Abilities of Students of Higher Educational Institutions //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – Т. 25. – №. 6. – С. 2804-2810., http://web.andmiedu.uz

ЭЛЕКТРОННЫЙ УЧЕБНИК КАК СРЕДСТВО ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ В ТЕХНИЧЕСКОМ ВУЗЕ

Парпиева Махсудахон Махмуджановна
старший преподаватель Ферганский политехнический институт, г.Фергана, Узбекистан maqsudaparpiyeva@gmail.com
m.parpiyeva@ferpi.uz

Чтобы приблизить современное, в частности высшее образование к ожидаемому будущему, должны быть как можно скорее, внедрены принципиальные, существенные достижения в области качества, инновационных методов и современных информационно-коммуникационных технологий в образовании. Такие изменения необходимы, прежде всего, ввиду неэффективности традиционной системы обучения, основанной главным образом на репродуктивных методах обучения, используя которые, уже невозможно привлечь внимание обучающегося, заинтересовать его и мотивировать. На основе анализа педагогической и методической литературы, диссертационных исследований рассматривается эволюция подходов к разработке компьютерных программных средств обучения иностранным языкам; выделены этапы развития информационных технологий, применения компьютерной техники, развития компьютерных программ и современные подходы использования компьютерной техники в обучении иностранным языкам. Ретроспективный анализ процесса внедрения и использования электронных ресурсов и информационных технологий в учебном процессе позволил выделить три этапа информатизации образования, условно названные электронизацией, компьютеризацией и информатизацией образовательного процесса. [1.1]

Рассматривая изменение акцентов в обучении русскому языку в рамках различных направлений и подходов, следует особо подчеркнуть, как трансформировалась роль компьютера, и, в частности, оценить роль сетевых программных средств в обучении языку в контексте сегодняшнего дня. Самые первые программы, состоявшие из лексических и грамматических программ и языковых тестов, в полной мере соответствовали модели «компьютер как учитель».

В зарубежной педагогике характеризовался стремительным развитием исследований в области изучения возможных сфер применения компьютера в преподавании иностранных языков. Изменились как техническая, так и методическая основы компьютерного обучения иностранным языкам. С одной стороны, появился микрокомпьютер, с другой стороны, получил широкое распространение коммуникативный подход, провозгласивший целью изучения иностранного языка развитие коммуникативной компетенции в четырех видах речевой деятельности. Переход от видеоматериалов к мультимедийным курсам означает также переход от линейной презентации учебного материала многоуровневой, гипертекстовой. Так построен учебник под редакцией Г.Е.Кедровой, который является как раз таки, мультимедийным, гипертекстовым. По мнению Г.Е.Кедровой, «часто делается ошибочный вывод, что компьютерные упражнения отличается от книжных лишь наличием контекстно-зависимой помощи и обратной связи.. Это уже само по себе не мало, так как оптимальным условием их выполнения при коммуникативной направленности обучения является режим самостоятельной работы» [2.3]

В рамках социокогнитивного подхода обучение русскому языку рассматривается, главным образом, как обеспечение вхождения студента в языковую среду, с которой ему предстоит встретиться за пределами аудитории. В качестве способов обучения русскому языку предлагаются разнообразные проблемные задачи и проекты с участием студентов, а также обучение в контексте. Данный подход в более широкой формулировке, касающийся профессиональной подготовки выпускников вузов по различным дисциплинам, в отечественной психолого-педагогической науке был подробно разработан А.А. Вербицким. В настоящее время, когда ввиду сложившихся обстоятельств появилась необходимость в он-лайновском образовании, применение мультимедийного обучения выходит на первый план и наряду с этим появляется необходимость создание электронных учебников. И стали появляются идеи о виртуальных высших учебных заведениях. Это интересные и перспективные проекты. Электронные учебники и мультимедийные курсы по иностранным языкам (в частности по русскому языку) обеспечивают новые формы вовлечения обучающихся в иноязычную (русскую) речевую деятельность(получение, поиск информации, общение на иностранном (русском) языке). Новый подход к обучению русскому языку заключается в том, что при использовании видеофрагментов акцент должен быть перенесён с тренировки на коммуникативно-познавательную деятельность обучающихся, т.е. обучение общению должно осуществляться таким образом, чтобы внимание к языку как орудию коммуникации сменилось интересом к самой коммуникации с её социальным и культурологическим смыслом. [3.4]

Литература.

1.Власкин А.А. Автоматизированная система обучения русскому языку. Материалы VI Международной конференции «Информационные технологии в образовании» («ИТО-97/89»

2.Кабанов А.М. Электронный учебник как средство повышения качества обучения русскому языку в техническом университете. Екатеринбург—2009. Стр. 10

3.Кедрова Г.Е. Проектирование Интернет-учебников по русскому языку: базовые принципы.-Межд.конгресс «Русский язык исторические судьбы и современность». Москва, МГУ, 2001 г.

4. Костомаров В.Г. Русский язык в современном диалоге культур// Русский язык за рубежом.-1999.-№ 4.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ЧЕТ (РУС) ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРДА ЕТАКЧИЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Исроилова Санобархон Мамеджановна
Фарғона Политехника институти. Фарғона. Ўзбекистон

Етакчиликнинг энг қадимги назарияси етакчиликни инсоннинг ўзига хос сифати бор ёки йўқлиги деб ҳисоблайди. Аммо, кейинги назарияларда етакчилик фазилатларини тўғри ўрганиш ва хатти-ҳаракатларни моделлаштириш орқали ўзиаштириш мумкин деган фикр баён этилган. Етакчилик назариялари муваффақиятли ва яхши этакчига хос бўлган характер ёки сифат хусусийатларини белгилайдиган назарияни ўз ичига олади. Ушбу назария қуйидаги шахсий фазилатларни ўз ичига олади: ҳар қандай фаолиятни бошқариш, бошқа одамларнинг ишини мувофиқлаштириш истаги; шахснинг яхлитлиги; ахлоқий меъёрларнинг мавжудлиги; ўз қобилиятларига ишонч; интеллектуал қобилият; янги ғоялар/эчимларни қидириш; ғояларни амалга ошириш учун ижодий ёндашувни амалга ошириш истаги; ташаббуснинг намойиши; бағишланиш; мақсадларга эришишда қатъият ва меҳнатсеварлик.

Етакчилик хатти-ҳаракатларида ифодаланган етакчилик фазилатлари ва кўникмалари, шубҳасиз, инсоннинг профессионал маҳсулдорлигини ва шахсий ўсишини оширишга ёрдам беради. Етакчилик хатти-ҳаракати ташаббуснинг намойиши, мулоқот қобилиятлари, эмпатияси, танқидий фикрлаш, ҳар қандай масалани турли нуқтаи назардан кўриб чиқиш қобилияти каби кўплаб инсон қобилиятлари ва ҳаракатларига ижобий таъсир кўрсатади.

Натижада, етакчиларни аниқлаш ва ривожлантириш келажакдаги битирувчиларни тайёрлаш билан шуғулланадиган университетлар ва бошланғич мутахассислар ва тажрибали мутахассислар ишлайдиган корхоналар учун долзарб вазифадир. Бугунги кунда ваколатли ёндашув етакчиликни ривожлантириш учун самарали асос бўлиб хизмат қилади. Компетентликка асосланган ёндашув етакчилик компетентлигини ва уларнинг мақсадли ривожланишини аниқлашни англатади. Шуни таъкидлаш керакки, билим, кўникма ва малакаларнинг бутун мажмуасини ташкил этувчи етакчилик қобилиятларини тўлиқ ривожлантириш фақат ҳолистик таълим жараёнида амалга оширилиши керак, чунки бу таълимнинг яхлитлиги педагогик фаолиятни яхлит шахсни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратишга имкон беради.

Эҳтиёткорлик, ақл-идрок. Ақлли одам оқилона қарорлар қабул қилиши, оқилона хулқ-атворни танлаши, донолик, очиқлик, нуқтаи назарга ва ҳамкасбларининг фикрларига нисбатан сезувчанлик кўрсатиши мумкин. Ушбу фазилатларни ривожлантириш учун фикрингизни таҳлил қилиш ва кенгроқ, танқидий фикрлашни ўрганишга ҳаракат қилиш муҳимдир.

Қатъийлик ёки жасорат этакчига хос бўлган қимматли хусусиятлардир. Бунинг сабаби, этакчилик қобилиятлари қасддан хавф-хатарга эришиш учун жасоратни, шунингдек, ўз ғояларини, тамойилларини ҳимоя қилиш, белгиланган мақсадларга эришиш учун жасоратни ўз ичига олади.

Низоларни бошқариш. Ушбу юқори даражадаги шахслараро маҳорат ходимлар ва менеджерларга шахслараро низолардан қочиш ёки уларни бартараф этишга ёрдам беради

Қарор қабул қилиш. Тўғри қарор қабул қилиш ёки тўғри қарор қабул қилиш жараёнини бошқариш қобилияти раҳбарларнинг асосий ваколатлари қаторига киради. Қарор қабул қилиш усуллари уларнинг ҳаракатлари ва самарадорлиги билан фарқ қилиши мумкин.

Яхши етакчининг ўзига хос сифати шундаки, у қачон ва қандай қарор қабул қилиш кераклигини билиши керак, чунки ҳамкасблар маслаҳатлашиши ва қарор қабул қилиш жараёнига жалб қилиниши зарур. Тўғри ва фойдали қарор қабул қилиш учун катта аҳамиятга эга бўлган ҳолатни тушуниш ва тўғри баҳолаш лозим. Чет (Рус) тили фани машгулотлари ўқитувчи ва талабаларнинг этакчилик қобилиятларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган биргаликдаги фаолиятини ташкил этиш учун катта салоҳиятга эга. Чет (Рус) тилини ўқитиш жараёнини малакали ўқитувчига барча турдаги нутқ фаолиятида (тинглаш, ўқиш, ёзиш, гапириш) турли хил махсус танланган вазифаларни бажариш вақтида талабалар учун белгиланган барча етакчилик қобилиятларини ривожлантиришга имкон беради. Талабаларнинг нутқ қобилиятлари ва кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган вазифалар ҳар доим муайян контекстда ёки коммуникатив вазиятда амалга оширилади Бу гуруҳдошлар билан ҳамкорликда талабаларнинг фаол иштирокини, турли ролларни бажариш

тажрибасини, ҳар қандай коммуникатив, бизнес, касбий вазифаларни ҳал қилишни, тайёрланган ва тайёрланмаган баёнотларни қўллашни ўз ичига олади. Бу фаолият турлари талабаларга тўғри хулқ-атворни танлашга ва шахсий ва профессионал мулоқотнинг турли соҳаларида етакчилик қобилиятларини ифодалашга имкон беради

Натижада, бу тажриба ва амалиёт муваффақиятли мавқега эга болиш ва котта ҳаётга қадам қўйиш учун битирувчининг ўз қобилиятларини янада такомиллаштириш учун хизмат қилади.

Адабиётлар :

1. Анисимов Н. Д., Бударин П. ю., Касяник ю. В. талабалар ўртасида этакчилик ва жамоавий ҳамкорлик қобилиятларини баҳолаш / / ГУУ хабарчиси. - 2014. - №20. Почта манзили: <УРЛ> ҳттпс://сйберленинка.ру/артисле/н/оценка-способностей-к-лидерству-и-командному-сотрудничеству-у-студентов (мурожаат санаси: 19.02.2021).

2. Крюкова Н. А., Басов О. Н., Маларова Н. А. ёш раҳбарларни тайёрлашнинг методологик асослари: ваколатли ёндашув // кластерлар. Тадқиқот ва ривожланиш. - 2016.-№3(4).Почта манзили: <УРЛ> ҳттпс://сйберленинка.рУ/артисле/н/методологические-основй-подготовки-молодйҳ-лидеров-компетентностнйй-подҳод (мурожаат санаси: 19.02.2021).

3. Марковская И М этакчилик: Жамоа ёндашуви / / психология. Психофизиология. - 2008. - №31 (131). Почта манзили: <УРЛ> ҳттпс://сйберленинка.рУ/артисле/н/лидерство-командййй-подҳод (мурожаат санаси: 19.02.2021).

4. Олшанская Э. В. Биринчи курс талабаларининг гуруҳларида этакчиликнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари / / Юургпу Ахборотномаси. - 2018. - №4. Почта манзили: <УРЛ> ҳттпс://сйберленинка.ру/артисле/н/социально-психологические-ҳарактеристики-лидерства-в-студенческиҳ-группаҳ-первого-курса (мурожаат санаси: 19.02.2021).

TEXNOLOGIYA DARSLARIDA OQUVCHILARNING UMUMIY KASB VA KO'NIKMALARIN SHAKILLANTIRISH METODIKASI

Sharipova Aygul Kenesbaevna

Qoraqalpog'iston Respublikasi Nukus davlat pedagogikasi Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (texnologik ta'lim) yo'nalishi 1-bosqish magistranti

Kalit so'zlar: *Maktab, o'quvchi, texnologiya, mehnat, pedagogika, psixalogiya, kasb.*

"Ta'lim to'g'risidagi Qonun" va "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi" ta'lim sohasidagi siyosatimizni belgilab berdi. Bu qonunlar mustaqil, har tomonlama kamolga yetgan barkamol inson uchun zarur bo'lgan ma'naviyat qirralari, iymone'tiqod, vatanparvarlik, insonga cheksiz muhabbat, do'stlik, sadoqatlilik, mehnatsevarlik, milliy g'urur kabi fazilatlarini shakllantirish lozimligi ta'kidlab o'tilgan. Prezidentimiz ta'kidlaganlaridek: „Har bir insonning, ayniqsa endigina hayotga qadam qo'yib kelayotgan yoshlarning ongiga shunday fikrni singdirish kerakki, ular o'rtaga qo'yilgan maqsadga erishishi o'zlariga bog'liq ekanligini, ya'ni bu narsalar ularning sobit qadam, g'ayrat, shijoatlariga, to'la-to'kis fidokorligi va cheksiz mehnatsevarliklariga bog'liq ekanligini anglab yetishlari kerak.[1]

Ko'pgina olimlar o'tkazgan tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, maktab o'quvchilarining taxminan 30 foizida tanlangan kasbga nisbatan barqaror qiziqishlar boshlang'ich sinflardayoq shakllanar ekan. O'qituvchining vazifasi — o'quvchilarning qiziqishlarini mumkin qadar oldinroq aniqlashdan va jamiyat talab-ehtiyojlariga muvofiq shu qiziqishlarini rivojlantirishdan, inson shaxsini har tomonlama uyg'un kamol toptirish uchun shart-sharoitlar yaratishdan iborat [2, b. 9]. Boshlang'ich sinflarda mehnat ta'limining asosiy maqsadlaridan biri — o'quvchilarda inson uchun mehnat birinchi zaruriyat, ijtimoiy burch ekanligiga, har qanday kasbni egallash uchun mustahkam va chuqur bilimlar kerakligiga ishonch hosil qilishdan iborat. Mehnatga muhabbatni va ishlash istagini faqat mehnatda tarbiyalash mumkin. Shu boisdan ham mehnat ta'limi darslarida qariyb 80 foiz vaqt amaliy ishlar uchun ajratilgan. O'quvchilarning shaxsini o'rganish ularni tarbiyalash bilan chambarchas bog'liqdir. O'qituvchi o'quvchining alohida xususiyatlarini payqab, unda mavjud iste'dod nishonlarini rivojlantirish metodlarini topa olishi, uning xulq-atvoridagi salbiy jihatlarini bartaraf etishi mumkin va h. k. Ba'zi bolalarda kasbga moyillik yaxshi namoyon bo'ladi, ko'pchilik bolalarda bu narsa birdaniga aniqlanmaydi. O'qituvchining boladagi iste'dod nishonalarini aniqlashi, bularni qobiliyatini rivojlantirish va shakllantirishda ko'maklashimni muhimdir. Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, kasbga yo'naltirish ishi — o'quv jarayonining uzviy tarkibiy qismidir. Quyi sinflardan boshlanadigan bu ish jamiyat uchun zarur, har bir kishining xususiyatlariga mos kasblarga barqaror qiziqishni tarbiyalashga yordam beradi. Mehnatga qiziqishning mavjudligi va mehnat qilishga shaylik — shaxs yetukligining eng muhim ko'rsatkichlaridan biridir. Sinfdan va maktabdan tashqari ish o'quvchilarni kasb-korni ongli ravishda tanlashga, ularni ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga, moddiy ishlab chiqarish, fan, texnika borasida va shu kabi sohalarda ularda ishga qiziqishni shakllantirishga ko'p jihatdan yordam beradi. Sinfdan tashqari mashg'ulotlarda olib borilayotgan kasbga yo'naltirish ishida o'quvchilarning yosh va bilish xususiyatlariga qarab bir necha bosqichni ko'rsatib o'tish mumkin.[2]

Mehnat va uni o'qitish metodikasi fani pedagogik fanlardan biri bo'lib, fanining asosiy ilmiy izlanishlari natijalariga tayangan holda, ilg'or o'qituvchilarning ish tajribasi bilan boyitilgan materiallar asosida yoritib beradi. O'quvchilarni mehnatga tarbiyalash va ularni bo'lajak amaliy faoliyatga tayyorlashda mehnat malaka va ko'nikma va malakalarni egallashlarini ta'minlaydi, o'quvchilarni mehnat faoliyatiga, ijtimoiy foydali ishlab chiqarish mehnatini bajarishga tayyorlaydi.

Mehnat ta'limining tarbiyaviy ahamiyati juda katta bo'lib, o'quvchilarda mehnatsevarlik, ma'suliyat, intizomlilik, burch hissi, jamoatchilik hissini tarbiyalashda, o'quvchilarning aqliy o'sishida eng muhim iroda va ahloqiy sifatlarnirig rivojlanishiga yordam beradi. Mehnat ta'limida mehnatga psixologik tayyorlik, mehnat faoliyatining to'g'ri motivlari asosida tarbiyalaydi, shaxsning har bir ongli mehnatkash uchun zarur bo'lgan sifatlari shakllanashida yordam beradi. O'quvchilar o'rtasida yo'lga qo'yilgan o'zaro yordam esa, ularda do'stlik, birodarlik, umumlashish, jamoatchilik kabi fazilatlarni tarbiyalaydi.

Metodika kursini o'rganish talabalarni kichik yoshdagi bolalarni o'qitish va tarbiyalashga doir masalalarni mustaqil va ongli hal etishga tayyorlash, shuningdek, ta'lim va tarbiya nazariyasi va amaliyotni mustaqil o'rganishni davom ettirish uchun, yangi nashr etilgan metodik adabiyotlarni o'qish uchun, yozish tajribasini tarkibiy baholash va umumlashtirish uchun zarur bo'lgan ko'nikmalar bilan qurollantiradi.

Mehnat ta'limi metodikasi kursini puxta o'zlashtirish nazariy materiallarni bilish bilan birga, talabalarning pedagogika amaliyoti davrida va Universitetni bitirgandan so'nggi ishlarda ko'nikma sifatida xizmat qiladi.

O'quvchilarning fanni o'zlashtirish jarayonida darsliklar, o'quv-uslubiy qo'llanmalar, ma'ruza matnlari, texnik vositalardan unumli foydalanish, Grafaproektor yordamida slaydlardan va elektron materiallar yoki boshqa texnik vositalarda foydalanishda pedagogik texnologiya yutuqlarini qo'llash, zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish, interfaol usullarni, ta'limiy vositalarni va ta'limiy o'yinlarni ta'Iim jarayoniga tadbiq etish muhim ta'limiy ahamiyatga ega.[3]

Boshlang'ich ta'lim o'quvchilarini kasbga yo'naltirish jarayonini yanada takomillashtirish yuzasidan quyidagi takliflar tavsiya etiladi: – kasbga yo'naltirishda yakka tartibda ishlashga e'tibor qaratish; – mavzu yuzasidan davra suhbatlarini tashkil etish; – turli kasblarga oid audio-video materiallar bilan tanishtirish; – sinfdan tashqari ishlarni kasb tanlashga yo'naltirish; – turli soha mutaxassislari bilan uchrashuvlar tashkil etish; – madaniy tadbirlar tashkil etish; – kasblar burchagini tashkil etish va shu mavzuda ko'chma ko'rgazmalar tashkil etish. Xulosa sifatida qayd etish mumkinki, o'quvchilarni o'z vaqtida to'g'ri kasbga yo'naltirish mamlakat taraqqiyotining kafolatidir.

Foydalangan adabiyotlar:

1.R.A.Mavlonova, M.T.Satbayeva "Mehnat o'qitish metodikasi" "NOSHIR" Toshkent 2013.

2.G.N.Ermatova Boshlang'ich ta'lim o'quvchilarini kasbga yo'naltirishda dastlabki pedagogik jarayonlar. Молодой ученый. — 2019.

3.Mavlonova R.A, Sanoqulov X.R, Xodiyeva D.P "Mehnat va uni o'qitish metodikasi" O'quv qo'llanma. 2007yil TDPU

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА, МАМЛАКАТНИНГ СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Дадабоева Назирахон Абдуразоқовна
Андижон машинасозлик институти магистранти

АННОТАЦИЯ. *Мазкур мақолада мамлакатимизда жамоатчилик назорати соҳасида олиб борилган ислоҳотлар, қабул қилинган норматив – ҳуқуқий хужжатлар ҳақида маълумот берилган. Шу билан бирга, ушбу йўналишни янада ривожлантириш мақсадида аҳолининг, хусусан ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини, мамлакатда бўлаётган жараёнларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини ошириш мақсадида олиб борилга ишлар ҳақида тўхталиб ўтилган.*

Калит сўзлар: *ёшлар, жамоатчилик назорати, қонунлар, сиёсий маданият, ҳуқуқий маданият.*

ABSTRACT. *This article provides information about the reforms carried out in the field of public control in our country, the adopted normative and legal acts. At the same time, he spoke about the work being done to further develop this area, to increase the political and legal culture of the population, especially young people, the sense of involvement in the processes taking place in the country.*

Keywords: *youth, public scrutiny, laws, political culture, legal culture.*

Кириш. Мамлакатимизда аҳолининг қарийб 55 фоизини ёшлар ташкил этиб, 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 18 миллиондан зиёддир. Ёшлар глобаллашув жараёнида замон талабларини илғаш ва уларни амалга ошириш, турли соҳа ва ташаббусларни олға суришда катта таянч, бебаҳо хазина ва кучдир. Шундай экан, бугун биз фуқаролик жамияти шакиллантириш жараёнида турар эканмиз, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг сиёсий-хукукий саводхонлиги ва маданияти мустаҳкамлаш катта ахамият касб этади. Ёшларнинг сиёсий-хукукий саводхонлиги фукаролик ўзлигини англашининг асосий мезонидир [1]. Бугунги ёшлар ким бўлиб етишишидан, қайси соҳа ёҳуд вазифада фаолият кўрсатишидан қатъий назар, биринчи навбатда, Конституция ва қонунларни яхши билиши,

ҳурмат қилиши шарт. Башарти, қонун устуворлиги таъминласагина илғор ва тараққий этган давлат барпо этиб, фаровон ва бахтли ҳаёт кечирилади [2].

Конституция ва қонун устуворлигига эришишда эса, табиийки, жамоатчилик назорати институтидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Аслида жамоатчилик назорати юртимизда узоқ тарихий илдизларга эга [3]. ушбу институт қадимда оқсоқоллар Кенгаши кўринишида бўлиб, унинг асосий фаолият йўналиши маҳаллалардаги ободонлаштириш, аҳолини қийнайдиган масалаларни ҳал этиш, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш, огоҳ бўлиш, фарзандлар тарбиясига лоқайд қарамаслик ва бошқа жамоат ишлари билан шуғулланиш бўлган.

Мамлакатимиз мустақиллика эришгандан сўнг ва ўтган вақт мобайнида эса жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ва услублари ишлаб чиқилди ҳамда фаолиятни амалга ошириш учун қатор қонунчилик базаси яратилди. Жумладан, давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини олиб боришга қаратилган, жамоатчилик назорати институтининг изчил ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этадиган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб уларнинг жумласига "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунлар киради [4].

Бундан ташқари, 2014 йилда Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар эса жамоатчилик назорати институтига конституциявий мақом бағишлади. Яъни жамоатчилик назорати Конституциямизнинг 32-моддасида аниқ белгилаб қўйилди. Бироқ, жамоатчилик назоратига оид қоидалар турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тарқоқ ҳолда бўлганлиги сабабли, бундай назоратни амалга оширишни замон талабларига мос, мукаммал механизмларини ишлаб чиқиш кераклиги долзарб мавзуга айланди.

Адабиётлар таҳлили. Шу муносабат билан, Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида" ги Қонуни қабул қилинди. Қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлиги белгиланди [5;6]. Шу билан бирга, давлат раҳбарининг 2018 йил 4 июлдаги "Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниб, унга кўра, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари, функциялари, ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш тартиби белгилаб берилди. Қарорга асосан жамоатчилик кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи

ҳисобланиши ҳамда унинг қарорлари тавсиявий хусусиятга эгалиги белгилаб берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини кучайтириш, қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришда жамоатчилик назоратининг самарали шаклларини жорий этиш ҳамда бу жараёнда оммавий ахборот воситалари иштирокини кенгайтириш мақсадида Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди [7;8]. Дастурни амалга оширишнинг асосий мақсади этиб Конституция ва қонун устуворлигини, давлат органлари қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари қонунларга тўлиқ мувофиқ бўлишини таъминлаш, қонунлар ижросини самарали ташкил этиш; жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш, ҳуқуқий ахборотни замонавий усуллар орқали кенг оммага етказиш; Конституция ва қонун устуворлигига эришишда давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш, мустақил ва холис оммавий ахборот воситаларини қўллабқувватлаш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ва бошқалар белгиланди.

Натижалар. Фармон билан "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш" концепцияси қабул қилиниб, унинг асосий вазифа ва мақсадлари, асосий йўналишлари кўрсатилган ва Концепцияни самарали амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган. "Йўл харитаси"га 88 та банд киритилган бўлиб, барча соҳаларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш "шахс - оила - маҳалла - таълим муассасаси - ташкилот - жамият" принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши назарда тутилган. Жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролар томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонунларга қай тарзда амал қилаётгани ва уларни қандай ижро этаётганини назорат қилади. Жамоатчилик назоратининг хулосалари эса, ўз навбатда, ижро ҳокимиятининг фаолиятини танқидий кўриб чиқиш, хатоларни тузатиш, халқчилликни таъминлашга хизмат қилади. Шу ўринда фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг ортиши, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиши ушбу жараён ривожланишининг муҳим шартларидандир.

Хулоса. Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилишини таъминлаш, ушбу жараёнга нафақат давлат органларини, балки оила, маҳалла ва фуқаролик

жамиятининг бошқа институтларини иштирокини етарлича таъминлаш замон талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги ЎРҚ-376-сон. 25.09.2014.
2. "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги ЎРҚ-477-сон. 12.04.2018.
3. "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4944-сон. 03.02.2017.
4. "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги ПФ-5106-сон. 05.07.2017.
5. "Ҳар бир оила-тадбиркор" давлат дастури ПҚ-3777-сон. 07.06.2018.
6. ўзбекистон Республикаси Конституцияси
7. 2018 йил 4 июлдаги "Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Қарори
8. Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури

TEXNOLOGIK TA`LIMIDA QO'LLANILADIGAN ELEKTRON-DIDAKTIK VOSITALAR VA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

Mırzaxanov R.M., Sadatdinov.Z.I., Xodjabayev. R. R.,
A'jiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti Texnologik ta'lim yo'nalishi magistrantlari

Аннотация. Электронные и дидактические средства, используемые в технологическом образовании, и использование современных информационных технологий и их эффективная реализация высокого уровня знаний, практических навыков и компетенций, преподаваемых студентами, играют важную роль в обеспечении успеха образовательных реформ.

Abstrakt. Electronic and didactic tools used in technological education, and the use of modern information technologies and their effective implementation of a high level of knowledge, practical skills and competencies taught by students, ensuring the success of educational reforms plays an important role.

Ключевые слова: Электронно-дидактические средства, текстовые средства, изобразительные средства, аудиовизуальные средства, вспомогательные (аппаратные) средства, модельные средства, реальные средства.

Keywords: Electronic-didactic means, text means, image means, audiovisual means, auxiliary (equipment) means, model means, real means.

«Ta`lim to'g`risida»gi qonun da belgilab berilgan uzluksiz ta`lim sohasidagi islohotlarning asosiy yo'nalishlaridan biri sifatida Ta`lim tizimini moliyaviy, moddiy-texnika va boshqa tarzdagi resurslar bilan ta`minlash mexanizmlarini shakllantirish ko'rsatib o'tilgan. Bu yo'nalish ta`lim jarayoni uchun elektron-didaktik vositalarni ishlab chiqish va ulardan keng foydalanishni o'z ichiga oladi. Ushbu asnoda **Texnologik ta`limida qo'llaniladigan elektron-didaktik vositalar, va zamonaviy axborot texnologiyalari va ulardan foydalanish** o'quvchilar tomonidan o'rganiladigan bilim, amaliy ko'nikma va malakalarning yuqori darajada o'zlashtirilishining samarali yo'lga qo'yilishi talim islohotlari muvaffaqiyatini taminlovchi muhim omil vazifasini o'taydi.

Umumiy o'rta ta`lim maktablarida **texnologik ta`limi jarayonida qo'llaniladigan elektron-didaktik vositalar va zamonaviy axborot texnologiyalari va ulardan foydalanish** o'quvchilarni mehnatga tayyorlashda eng muhim vazifalardan biri sifatida avvalo uni erkin fikrlovchi, mustaqil, ijodkor shaxs sifatida shakllantirishi lozim bo'ladi. Bu muammolarni asosan ta`lim jarayonida ayniqsa mashg`ulotlarni tashkil etish jarayonida **elektron-didaktik vositalar va zamonaviy axborot texnologiyalarini keng qo'llash orqali** hal etish imkoniyatlari katta. Ta`lim jarayonida ayniqsa mashg`ulotlarni tashkil etish jarayonida **elektron-didaktik vositalar va zamonaviy axborot texnologiyalarini keng qo'llash orqali** erkin fikrlovchi, mustaqil shaxsni shakllantirishning umumiy asoslari keng miqyosda tadqiq qilingan va ko'plab natijalar qo'lga kiritilgan. Biroq, bunday ishlarning aksariyat qismi muammoning echimini umumiy holda topishga qaratilgan bo'lib, respublikamizda amalga oshirilayotgan texnologik ta`limi sohasida ayniqsa bevosita mashg`ulotlar jarayonida jarayonida **elektron-didaktik vositalar va zamonaviy axborot texnologiyalarini keng qo'llash, ularga qo'yiladigan talabalr va shu talablar asosida mashg`ulotlarni tashkil etishda** o'quvchilar tomonidan bajariladigan ishlarning yuqori darajada amalga oshirilishi yo'llari, ularning to'liq yoritilib berilmagan tomonlari talaygina.

Amaliyotning maqsadi - o'quvchilarga o'rgatilayotgan bilim, ko'nikma va

malakalarni bevosita unumli ishlab chiqarish texnologiki jarayonida qatnashish orqali (sanoat, qishloq xo'jalik va umumiy ovqatlanish korxonalari, ustaxonalar, tashkilot, muassasa yoki hunarmand ustalar huzurida) mustahkamlashni bozor munosabatlari qoidalari asosida tashkil qilishdan iborat. Amaliyot ta`lim muassasasi yoki ishlab chiqarish korxonasi imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda, o'quv yilida ko'zda tutilgan ta`til vaqtida o'tkaziladi.

Азот ва олтингугурт сақлаган олигомер антипирен-антисептиклар билан ишлов берилган ёғоч қурилиш материалларни биологик самарадорлигини тадқиқ этишдан асосий мақсади республикамизда мавжуд зараркунандаларга қарши

кўрашишдан иборат. Ёғоч қурилиш материалларга катта зарар келтираётган зараркунандалардан бири термитлардир. Термитларнинг асосий озуқаси ёғоч қурилиш материалларидан ташкил топганлиги сабабли бино ва иншоатларга катта зиён етказади.

Нефт – газни қайта ишлаш жараёнида катта миқдордаги ажралиб чиқадиган олтингугурт хомашёларни камайтириш мақсадида кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши натижасида, бугунги кунда қурилиш материалларини олтингугурт сақлаган композитлар билан тўлдириш (полисульфидли гермитиклар, ёғоч қурилиш материалларни турли ҳашоратлар ва бактериялардан химояловчи антисептиклар, серобетон ҳамда сероасфальт ишлаб чиқаришда), қишлоқ хўжалиги соҳасида ўсимликларни ҳимоялаш учун гербицид ва бактерицидлар сифатида кенг қўллаш имкониятлари пайдо бўлмоқда. Олтингугурт асосидаги кўплаб композит материаллар сувга барқарорлиги ва ташқи муҳитга таъсирчан эмаслиги ушбу материалларни узоқ вақт давомида самарали ишлашини таъминлайди[1].

Маълумки, ёғоч материалларининг механик хоссаларга - уларнинг сиқилиши, эгилиши, чўзилиши, урилиш ҳамда ишқаланиш кучларига бардош бера олиш қобилияти ва уларнинг қаттиқлиги, пластиклиги, эластиклиги, мўртлиги кабилар киради [2].

Статик эгилишдаги мустаҳкамлик чегарасини аниқлаш. Бунинг учун кўндаланг кесими 20х20 мм ва толалар йўналишидаги узунлиги 300 мм бўлган тўртбурчак намурналар тайёрланади. Намуна кўндаланг кесимининг берилган ўлчовдан четга чиқиши 0,5 мм дан, узунлиги бўйича эса 1,0 мм дан ошиб кетмаслиги лозим. Намунанинг кўндаланг юзаларида (торецларида) йиллик ҳалқалар қарама-қарши томонлардаги қирраларга нисбатан параллел йўналган бўлиши лозим. Синаш пайтида намуна марказлари оралиғи 240 мм бўлган қўзғалмас иккита таянч устига қўйилади. Намунанинг икки ёки бир нуқтасига куч қўйилади, яъни эгувчи таъсир кўрсатилади (расм.), бунда тангенциал йўналишда эгувчи куч ёғочнинг йиллик ҳалқаларига нисбатан уринма тўғри чизиқ бўйича йўналиши лозим.



Расм. Ёғочнинг статик эгилишга мустаҳкамлигини синаш схемаси. а-таянчлар орасидаги масофаниг учдан бир қисмида жойлашган икки нуқтага куч қўйилганда; б-таянчлар орасидаги масофанинг қоқ ўртасидаги бир нуқтага куч қўйилганда.

Синалаётган намуна емирилгунга қадар, яъни куч ўлчагич асбобнинг мили орқага қайтгунича давом эттирилади. Энг катта куч, куч ўлчагич шкаласидаги тегишли бўлим аниқлигида белгиланади. Синаш тўхтатилгандан кейин намунанинг синган жойи яқинидан 30 мм узунликдаги қисми кесиб олиниб, унинг намлиги аниқланади. Намлиги аниқланган намунанинг статик эгилишдаги мустахкамлик чегараси қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб топилади:

эгиш кучи намунанинг икки жойига таъсир кўрсатганда

$$R_W = (p_{max} \cdot l)/(bh^2)$$

эгиш кучи намунанинг бир жойига таъсир кўрсатганда

$$R_W = (3p_{max} \cdot l)/(2bh^2)$$

бунда p_{max} - энг катта емирувчи куч, Н; l - таянчлар орасидаги масофа, мм; b - намунанинг эни, мм; h - намунанинг баландлиги, мм.

Материалларнинг механик хоссаси унинг барча ташқи кучлар таъсирига қаршилик кўрсатиш қобилияти, мустаҳкамлик чегараси билан характерланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Осипов А.В., Будник В.А., Зольников В.В. Взаимодействие серы с органическим сырьём //Нефтегазовое дело, 2010 http://www.ogbus.ru

2. Verkade J., Van Hemert M., Quaedflied C., Floris R. // Chem. Soc. Rev. 2007. V. 27. No 1. P. 29.

3. Холбоева А.И. Комплексная защита древесины составами на основе азот и серосодержащих соединений // «Лучший молодой ученый-2021» VIII том г.Нур-Султан,Казахстан,20-21 апреля 2021

УДК (519.866)

МОДЕЛИРОВАНИЕ ИЗМЕНЕНИЯ ЦЕН В ПРОМЫШЛЕННОСТИ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ (НА ПРИМЕРЕ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ)

Тураев Б.Э.
докторант, Термезский государственный университет, г. Термез, Республика Узбекистан
E-mail: tbahtiyor@gmail.com

Аннотация. В статье проанализированы факторы, влияющие на отрасль строительных материалов. Автор предложил классификацию факторов. По ряду причин установлено, что основным фактором является показатель

«строительство». Отмечено, что в качестве фактора, влияющего на отрасль строительных материалов, достаточно выбрать только показатель «строительство». Основные виды строительных материалов, производимых в Сурхандарьинской области, моделируются с использованием модели ARIMAX. Все модели оказались значимыми при проверке по ряду критериев.

Ключевые слова: факторы, эконометрический модель, тест Грейнжера, корреляция, авторегрессия, скользящая средняя, ARIMAX.

Методы исследования. В исследовании использовались группировка, сравнительный анализ и корреляционно-регрессионный анализ.

Цель исследования. Промышленность строительных материалов является одной из важнейших отраслей экономики, которая наряду со строительной отраслью участвует в производстве основных фондов. Таким образом, отрасль окажет влияние на экономическое развитие региона. В то же время социально-экономический и политический спад, наблюдаемый в мире в последние годы, в частности глобальный экономический спад, вызванный пандемией Covid-19, затронул отрасль строительных материалов. Поэтому важно моделировать ценовые тенденции в отрасли строительных материалов и изучать факторы, влияющие на цены.

Целью работы является исследование факторов, влияющих на отрасль строительных материалов, и моделирование тенденций развития отрасли строительных материалов с учетом влияния важных факторов.

Введение. В новой Стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан №ПФ-60 от 28 января 2022 года, большое внимание уделяется развитию промышленности строительных материалов. В частности, в нем предусмотрены меры по удвоению производства в 2022-2026 годах, освоение новой продукции, снижение прочих затрат, сокращение сроков строительства и снижение себестоимости строительства и другие меры.

В основе развития промышленности строительных материалов лежат вопросы удешевления продукции, снижения энергоемкости производства, использования высоких технологий для замены человеческого фактора, а также а также производство строительных материалов по доступным ценам, отвечающим покупательной способности населения. При этом цена строительных материалов зависит от динамики рынка. Эконометрическое моделирование играет ключевую роль в изучении динамики цены, анализе ее текущего движения и прогнозировании будущих изменений, благодаря чему можно построить наиболее подходящую модель реального процесса.

Результаты исследования.

При моделировании себестоимости строительных материалов необходимо учитывать факторы, влияющие на отрасль строительных материалов. При классификации факторов, влияющих на промышленность строительных

материалов, ряд ученых классифицировали факторы на основе общих характеристик, анкетных опросов и корреляционно-регрессионного анализа. Один из них – И.О. Макаренко исследовал факторы, влияющие на развитие промышленности строительных материалов, и выделил факторы экономического, социального, экономико-географического положения [3]. А.В. Обориной сгруппированы факторы государственного регулирования, политическая, природная, инновационная, социально-демографическая среда, барьеры входа на строительный рынок, поставщики, покупатели, акционеры, профсоюзы, кредиторы и конкурентная среда [4]. В исследовании были рассмотрены подходы ряда других ученых, и мы предлагаем классифицировать их следующим образом, исходя из их общих признаков:

Природные факторы, социально-демографические факторы, инфраструктурные факторы, экономические факторы, потребители и поставщики сырья, технологические факторы, финансовые факторы, институциональные факторы.

Известно, что строительная отрасль и промышленность строительных материалов образуют единый строительный комплекс, и в этом отношении у них много общего [5]. Именно рассмотренные нами факторы влияют на строительную отрасль одновременно с промышленностью строительных материалов. Например, механизм государственного регулирования через различные формы поддержки развития строительных работ, в свою очередь, формирует спрос на строительные материалы. Примерами таких факторов являются все факторы, которые мы обсуждали выше. Следует отметить, что строительная отрасль является основным потребителем промышленности строительных материалов. Доля строительных материалов в продукции этой отрасли составляет более 60% [2]. Это значение может быть еще выше в зависимости от типа объекта. Кроме того, строительная отрасль потребляет 90 процентов продукции, производимой в промышленности строительных материалов [1].

На наш взгляд, показатель «строительство» можно назвать ключевым фактором при прогнозировании результатов деятельности отрасли строительных материалов. Для промышленности строительных материалов характерно то, что эта отрасль является основным поставщиком сырья для строительной отрасли, большинство факторов влияют на обе отрасли одновременно, а некоторые факторы влияют на промышленность строительных материалов через строительную отрасль. А это свидетельствует тот факт, что строительную отрасль можно рассматривать как воплощение воздействия всех факторов.

Поэтому, на наш взгляд, при моделировании отрасли строительных материалов следует учитывать только влияние показателя «строительство». Другая причина этого заключается в том, что факторы одновременно влияют на отрасль строительных материалов и строительную отрасль, а также, что

показателя «строительство» также участвует в выборе факторов для моделирования, приводит к явлению мультиколлинеарности.

Был расследован ряд конкретных случаев, подтверждающих нашу точку зрения. В частности, показатели основных видов строительных материалов Сурхандарьинской области тесно связана с показателем «строительство». Кроме того, мы провели тест причинно-следственной связи Грейнжера на примере Сурхандарьинской области для изучения причинно-следственной связи между промышленностью строительных материалов и показателем «строительство». По результатам испытаний при $m = 2$ показатель «строительство» является причиной по Грейнджеру показателей строительных материалов, нерудных полезных ископаемых, асбестоцементных изделий, гипса, железобетонных конструкции, при $m = 3$ показателя шлакоблока, а также при $m = 1$ показателей строительной смеси, щебня и песка.

Анализ основных видов факторов, влияющих на отрасль строительных материалов, показал, что ряд факторов, в том числе ценовые ожидания потребителей и обновление существующей техники и технологий, сохранили влияние прежних уровней на текущие уровни. Обычно, психологические, технологические и институциональные факторы создают эффект лаговых переменных. Поэтому, на наш взгляд, целесообразно моделировать промышленность строительных материалов с учетом влияния главного фактора и применять модели авторегрессии (AR) и скользящего среднего (MA). То есть нам нужно создать модель в виде $ARMA + X$. При моделирование иногда наблюдаемый процесс не является стационарным. Поэтому необходимо перейти к первым разностьям. Тогда общий вид модели выглядит следующим образом.

$$(1-L)^d y_t = a + (\sum_{i=1}^{p} \varphi_i L^i (1-L)^d y_t + \left(1 + \sum_{j=1}^{q} \theta_j L^j\right)\varepsilon_t + \left(\sum_{g=1}^{k} \omega_g L^g\right) x_{t+1} \quad (1)$$

Здесь Δ - оператор разности, например для первых разности $\Delta y_t = y_t - y_{t-1} = (1-L)y_t$. a, φ, θ – параметры модели; p и q – целые числа, определяющие порядок модели авторегрессии и скользящего среднего соответственно.

Для прогнозирования среднегодовых цен основных строительных материалов, производимых в Сурхандарьинской области, нами разработаны модели ARIMAX.

Таблица 1

Среднегодовые цены на основные виды строительных материалов, производимых в Сурхандарьинской области

Годы	Песок (тыс. сумов/тн)	Щебень (тыс. сумов/тн)	Гравий (тыс. сумов/тн)	Кирпич не огнеупорный (тыс. сумов/тн)	Гипс (тыс. сумов/тн)	Смесь строительная (тыс. сумов/тн)

2010	10,40026	12,3854	5,264146	109,0926	121,0266	226,8377
2011	10,68017	14,31769	10,16892	134,0063	134,6623	486,2128
2012	12,61868	17,01926	12,52804	208,9599	187,1543	585,8227
2013	12,2352	15,64808	8,364315	273,4457	224,5142	594,1091
2014	14,19087	18,99062	3,742271	304,045	296,7697	302,8863
2015	15,44465	21,53736	16,64689	324,4232	286,0104	188,2222
2016	15,46469	21,31838	9,243044	360,8339	310,5573	477,7193
2017	16,25407	26,87457	14,92116	356,7868	370,0227	560,3445
2018	19,98002	38,76471	21,63093	560,159	601,6827	478,8552
2019	23,55844	42,54278	39,91149	622,5187	660,0152	442,3532
2020	23,80199	41,10789	35,53219	613,5959	626,0107	468,2944

Моделирование проводилось с использованием программ Gretl и математических расчетов. Полученные модели приведены в таблице №2:

Таблица 2

Модели ARIMAX цен на основные виды строительных материалов производства Сурхандарьинской области

Вид модели	Достоверность по аппроксимации	MAPE	Критерий Фишера	Критерий Стьюдента
Песок				
$(1-L)^2 y_t = -0,231 - 0,645L(1-L)^2 y_t + (1-0,999L)\varepsilon_t + 0,004x_t$				
ARIMAX(1, 2, 1, 0)	0,98	3.76%	n/a	$z_a = -2,24$ ** $z_{\varphi_1} = -2,34$ ** $z_{\theta_1} = -2,58$ *** $z_\omega = 5,03$ ***
Щебень				
$(1-L)^2 y_t = -1,421L(1-L)^2 y_t - 0,885L^2(1-L)^2 y_t + 0,014x_t - 0,014x_{t-1}$				
ARIMAX(2, 2, 0, 1) (t=7)	0,99	4,79%	n/a	$z_{\varphi_1} = -6,43$ *** $z_{\varphi_2} = -6,93$ *** $z_\omega = 11,98$ *** $z_{\omega_1} = -11,03$ ***
Гравий				
$(1-L)y_t = -1,894 - 0,949L(1-L)y_t + (1-L)\varepsilon_t + 0,012x_t$				
ARIMAX(1, 1, 1, 0) t=6	0,98	9,59%	n/a	$z_a = -2,309$ ** $z_{\varphi_1} = -12,43$ *** $z_{\theta_1} = -2,03$ ** $z_\omega = 9,52$ ***
Кирпич (не огнеупорный)				
$(1-L)^2 y_t = -12,784 - 0,870L(1-L)^2 y_t + 0,228x_t - 0,124x_{t-1}$				
ARIMAX(1, 2, 0, 1)	0,98	3,68%	n/a	$z_a = -2,62$ *** $z_{\varphi_1} = -6,82$ ** $z_\omega = 13,13$ *** $z_{\omega_1} = -6,09$ ***
Гипс				
$(1-L)y_t = 15,927 - 0,846L^2(1-L)y_t + \varepsilon_t - 1,858L\varepsilon_t + 0,999L^2\varepsilon_t + 0,104x_t$				

ARIMA(2*, 1, 2, 0) *specific lag (t=9)	0,99	4,48%	n/a	$z_a = 3{,}27$ *** $z_{\varphi_2} = -5{,}59$ *** $z_{\theta_1} = -3{,}26$ *** $z_{\theta_2} = 1{,}76$ * $z_\omega = 9{,}01$ ***
Смесь строительная				
$y_t = 328{,}048 + 0{,}308y_{t-1} - 0{,}915y_{t-2} + (1 - 0{,}999L)\varepsilon_t + 0{,}049x_t$				
ARIMAX(2, 0, 1, 0) t=7	0,92	9,67%	n/a	$z_a = 12{,}52$ *** $z_{\varphi_1} = 1{,}65$ *** $z_{\varphi_2} = -9{,}68$ *** $z_{\theta_1} = -2{,}03$ ** $z_\omega = 4{,}52$ ***

При моделировании цен изучались доля дисперсии, качество, адекватность, достоверность параметров, наличие автокорреляции в остатках. Визуальным анализом коррелограммы остатков установлено отсутствие автокорреляции в остатках моделях ARIMAX. Во всех моделях коэффициент детерминации больше $R^2 > 0{,}90$. Ошибка аппроксимации менше 15% ($MAPE < 15\%$) для всех моделей. Кроме того, значения Фишера указывают на то, что все модели значимы. Параметры всех моделей, кроме коэффициента θ_2 модели ARIMAX гипсовых изделиях ($\alpha = 0{,}10$), больше табличных значений по критерию Стьюдента, с уровнем значимости $\alpha = 0{,}05$.

Заключение. Факторы, влияющие на промышленность строительных материалов, влияют и на строительную отрасль. По ряду причин в качестве основного фактора при моделировании цен строительных материалов может быть выбран показатель «строительство». Исходя из характеристик основных видов строительных материалов, производимых в Сурхандарьинской области, модель ARIMA+X может быть использована при их моделировании.

Таким образом, разработаны модели цен на основные виды строительных материалов, производимых в Сурхандарьинской области. Все модели были протестированы по ряду критериев и признаны значимыми.

Литература

1. Климов Г.М., Основы строительства (профессионально-строительная информация). Нижегородский государственный архитектурно-строительный университет: Ниж. Новгород: ННГАСУ, 2015, стр. 4

2. Крестьянинов А.Н., Экономика отрасли (строительства). Нижний Новгород, 2006, стр. 33

3. Макаренко И.О. Роль промышленности строительных материалов в социально-экономическом развитии государства. Журнал "Экономика строительства и городского хозяйства", Донбасс, Том 16, Номер 4, 2020, стр. 233–244

4. Оборина А.В. Анализ основных факторов, влияющих на развитие строительного комплекса России. Журнал "Проблемы Науки". 2016. №5 (47). стр. 121

5. Шимов В.Н. и др. Национальная экономика Беларуси : учебник для студентов учреждений высшего образования по экон. спец. - Минск : БГЭУ, 2012. – 328 стр.

QISHLOQ XO`JALIGI OLIY TA`LIMIDA MASOFAVIY TA`LIM TEXNOLOGIYARINI QO`LLASHNING AFZALLIKLARI

Dilfuzaxon Anvarovna Buranova
Andijon qishloq xo`jaligi va agrotexnologiyalar instituti assistenti, Andijon, O`zbekiston

Respublikamiz ta'lim tizimida olib borilayotgan islohotlar o'qitish ishlarini jahon andozalariga moslashtirishni va eng samarali usullarga asoslanishni taqoza etmoqda. Shu jumladan masofaviy ta'lim jarayonini tashkillashtirish hozirgi zamon talabidir.

Internet texnologiyalarining kirib kelishi bir necha asrlar davomida o'zgarmay kelgan holatlarni o'zgrtirib yubordi. Bu odatdagi xat yozishmalari elektron pochta bilan, kutubxonalar esa web-saytlar bilan almashinishida namoyon bo'ldi. Endilikda esa ta'lim tizimida ta'lim olishning an'anaviy shakllari o'rniga masofaviy ta'lim elementlari kirib keldi. Zamonaviy axborot va kommunikasiya texnologiyalari vositalarini ta'lim jarayoniga kirib kelishi an'anaviy o'qitish usullariga qo'shimcha ravishda yangi o'qitish shakli - masofaviy o'qitish yaratilishiga omil bo'ldi.

Masofaviy ta'limda talaba va o'qituvchi fazoviy bir-biridan ajralgan holda o'zaro maxsus yaratilgan o'quv kurslari, nazorat shakllari, elektron aloqa va Internetning boshqa texnologiyalari yordamida doimiy muloqotda bo'ladilar. Internet texnologiyasini qo'llashga asoslangan masofaviy o'qitish jahon axborot ta'lim tarmog'iga kirish imkonini beradi, integrasiya va o'zaro aloqa tamoyiliga ega bo'lgan muhim bir turkum yangi funksiyalarni bajaradi.

Masofaviy o'qitish barcha ta'lim olish istagi bo'lganlarga o'z malakasini uzluksiz oshirish imkonini yaratadi. Bunday o'qitish jarayonida talaba interaktiv rejimda mustaqil o'quv-uslubiy materiallarni o'zlashtiradi, nazoratdan o'tadi, o'qituvchining bevosita rahbarligida nazorat ishlarini bajaradi va guruhdagi boshqa «vertikal o'quv guruhi» talabalari bilan muloqotda bo'ladi.

Ma'lum sabablarga ko'ra, ta'lim muassasalarining kunduzgi bo'limlarida tahsil olish imkoniyati bo'lmagan, masalan, sog'ligi taqoza etmaydigan, mutaxassicligini

o‘zgartirish niyati bo‘lgan yoki yoshi katta, malakasini oshirish niyati bo‘lgan kishilar uchun masofaviy o‘qitish qulay o‘qitish shakli hisoblanadi.

Masofaviy o‘qitishda turli xil axborot va kommunikasiya texnologiyalaridan foydalaniladi, ya’ni har bir texnologiya maqsad va masala mohiyatiga bog‘liq. Masalan, an’anaviy bosma usuliga asoslangan o‘qitish vositalari (o‘quv qo‘llanma, darsliklar) talabalarni yangi material bilan tanishtirishga asoslansa, interaktiv audio va video konferensiyalar ma’lum vaqt orasida o‘zaro muloqotda bo‘lishga, elektron pochta to‘g‘ri va teskari aloqa o‘rnatishga, ya’ni xabarlarni jo‘natish va qabul qilishga mo‘ljallangan. Oldindan tasmaga muhrlangan videoma’ruzalar talabalarga ma’ruzalarni tinglash va ko‘rish imkonini bersa, faksimal aloqa, xabarlar, topshiriqlarni tarmoq orqali tezkor almashinish talabalarga o‘zaro teskari aloqa orqali o‘qitish imkonini beradi.

Yuqoridagilarga asoslanib, ta’lim jarayonida ayni vaqtda qayta-qayta tilga olinayotgan ayrim terminlar tavsifi va ta’riflarni keltirib o‘tamiz

Masofaviy o‘qitish – eng yaxshi an’anaviy va innovasion metodlar, o‘qitish vositalari va formalarini o‘z ichiga olgan sirtqi va kunduzgi ta’lim singari axborot va telekommunikasiya texnologiyalariga asoslangan ta’lim formasidir.

Masofaviy o‘qish – bu yangi axborot texnologiyalari, telekommunikasiya texnologiyalari va texnik vositalariga asoslangan ta’lim tizimidir. U ta’lim oluvchiga ma’lum standartlar va ta’lim qonun-qoidalari asosida o‘quv shart-sharoitlari va o‘qituvchi bilan muloqotni ta’minlab berib, o‘quvchidan ko‘proq mustaqil ravishda shug‘ullanishni talab qiluvchi tizimdir. Bunda o‘qish jarayoni ta’lim oluvchini qaysi vaqtda va qaysi joyda bo‘lishiga bog‘liq emas.

Masofaviy ta’lim – masofadan turib o‘quv axborotlarini almashuvchi vositalarga asoslangan, o‘qituvchi maxsus axborot muhit yordamida, aholining barcha qatlamlari va chet ellik ta’lim oluvchilarga ta’lim xizmatlarini ko‘rsatuvchi ta’lim majmuaidir.

Masofaviy o‘qitish tizimi – masofaviy o‘qitish shartlari asosida tashkil etiladigan o‘qitish tizimi. Barcha ta’lim tizimlari singari masofaviy o‘qitish tizimi o‘zining tarkibiy maqsadi, mazmuni, usullari, vositalari va tashkiliy shakllariga ega.

Masofaviy ta’limning qanday afzalliklari bor? – degan savol tug‘ilishi tabiiy. Bu savolga javob tariqasida quyidagilarni sanab o‘tish mumkin:

- Ta’lim olishda yangi imkoniyatlar (ta’lim olishning arzonligi, vaqt va joyga bog‘liqmasligi va boshqalar).
- Ta’lim maskanlariga talaba qabul qilish sonining cheklanganligi.
- Ta’lim olishni xohlovchilar sonining oshishi.
- Sifatli axborot texnologiyalarining paydo bo‘lishi va rivojlanishi.
- Xalqaro integrasiyaning kuchayishi.

Yuqorida sanab o‘tilgan sharoit va imkoniyatlar masofaviy o‘qitishga ehtiyoj borligini ko‘rsatadi.

Hammamizga ma’lumki ayniqsa koronavirus pandemiyasi davrida o‘qitish jarayonlarida masofadan turib o‘qitish usuli qo‘llanildi. Umuman bu usul barcha

o'qitish sohalariga joriy etildi, shuningdek bu o'qitish usuli intellektual raqamli tizimlarni va axborot texnologiyalarini dunyo miqiyosidagi fan-texnika rivojlangan mamlakatlarda rivojlanganligi sababli to'la-to'kis amalga oshirilmokda.

O'qitish jarayonida barcha fanlarni ma'ruza matnlaridan, laboratoriya ishlarini bajarish uchun tavsiya etilgan uslubiy ko'rsatmalardan va amaliy mashg'ulotlari uchun tavsiya etilgan materiallardan foydalanib o'tilgan ma'ruza mavzularini, laboratoriya ishlarini va amaliy topshiriqlarini talabalar o'z vaqtida o'zlashtirmoqdalar. Bu jarayon bevosita fanlar bo'yicha professor-o'qituvchilar bilan aloqada turib, ularning talab darajasidagi maslahatlarini olib mavzularni talab darajasida o'zlashtirishlarini ta'minlaydi. Olib borilayotgan darslar internet va kompyuter texnologiyalarini joriy etish bilan amalga oshirilmokda. Internet va kompyuter texnologiyalari bu o'qitish jarayonini avtomatlashtirilgan boshqarish sistemalari asosida boshqariladi.

Albatta, o'qitishni juda ko'p jabhalari qisman yoki to'laligicha o'qitishni avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimlari asosida boshqarilmokda. Bu, ya'ni masofadan turib o'qitish tizimida talabalarga avtomatlashtirilgan o'qitish tizimlaridan foydalanib va uni qo'llab o'qitishni tavsiya etilsa, birinchidan talabani mavzular ustida mustaqil ishlashlarini, mavzularni tezroq o'zlashtirishlarini va mavzularni o'rganish jarayonida sifatli, samarali natijalarga erishishlarini ta'minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Каримов Н., Буранова Д. Применения автоматизированных обучающих систем в процессе выполнения курсовых работ в сельскохозяйственных вузах. Материали международной конференции. 2019 йил Тошкент.

2. Каримов Н., Буранова Д. Қишлоқ хўжалиги олий таълимида "online" усулида ўқитишда автомат-лаштирилган ўқитиш тизимлари (аўт)ни қўллаш. Аграр сохани барқарор ривожлан-тиришда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси. ТДАУ. Тошкент. 2020 йил май.

3. Б.Қулматова. Д.Буранова."Автоматлаштирилган офис технологиялари (Automated office technologies)". Global Congress of Contemporary Study virtual conference 2020 Multidisciplinary International Scientif c Conference Pune, M.S, India www.econferenceglobe.com. November 7 th, 2020

4. Б.Қулматова. Д.Буранова. "Таълим жараёнида электрон таълим ва ананавий таълимнинг интеграцияси".НамДУ илмий ахборотномаси.2020 йил 2-сон.366-373 бет.

5. Н.Каримов, Б.А.Қулматова, Д.Буранова. "Ақлли қишлоқ хўжалигини юритишда рақамли технологияларнинг жорий этиш масалалари". «The XXI Century Skills for Professional Activity» International Scientific-Practical Conference. TASHKENT, UZBEKISTAN 2021, MARCH 15.

6. Б.Қулматова, З.Запаров, Д.Буранова, "Способы защити от интернет-мошенничеств". Научно-методический журнал "Academy". Россия. 2019 декабрь.

7. Б.Қулматова, Д.Буранова, "Требования к созданию электронных образовательных ресурсов и технологии их использования". Научно-методический журнал "Academy". Россия. 2019 июль.

8. Н.Каримов, Б.А.Қулматова, Д.Буранова. "Қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларнинг жорий этиш масалалари". Academic research in educational sciences volume 2 | issue 3 | 2021.

КОРХОНАНИНГ РАҚОБАТ СИЁСАТИ МАСАЛАЛАРИ

Тошматов А.Ш. "Иқтисодиёт" мутахассислиги 1-курс магистранти
Андижон машинасозлик институти, Андижон шаҳри, Ўзбекистон

Маълумки, иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви ташқи бозор ва миллий иқтисодиётнинг тизимли интеграцияси билан намоён бўлиши натижасида иқтисодий ўсиш жадаллашади, замонавий технология ва бошқарув механизмларининг жорий этилиши тезлашади. Бундай шароитда мамлакатлар ўзаро савдо муносабатларини ривожлантириш орқали ташқи савдони тобора кенгайтириш билан бир қаторда турли товар ва хизматларнинг сифати, нархи ёки брендининг бевосита таъсири асосида кучли рақобатга дуч кела бошладилар.

Мамлакатимизда ҳам ташқи иқтисодий муносабатларини ривожланти- риш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, жумладан макроиқ- тисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тадбирларга катта аҳамият берилмоқда. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 - 2026 йилларга мўлжаллан- ган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги 2022 йил 28 январь, Пф-60-сонли Фармонида корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бир қатор амалга оширилиши керак бўлган вазифалар белгиланган.

Бу вазифаларни амалга оширишда ва корхоналар ўзининг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлашда ички рақобат муҳитини замонавий талабларга мос қайта шакллантириш орқали ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш ва модернизация қилиш ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилиши билан миллий иқтисодиётга савдо, молия, инвестиция- ларни жалб қилишга интилишида кўринади.

Корхоналар ўз рақобат муҳитини ривожлантириши учун улар томони- дан ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник янгиланиш жараёнларини жадаллаштириб боришини тақозо этади. Рақобат шароитида ишлаб чиқариш муносабатлари субъектлари ўртасида унумлироқ технология, иш жойи, яхши

бозорни қўлга киритиш, умуман, юқори даромад олиш имконияти учун кураш олиб бориш юзага келади.

Корхоналар фойда олиш мақсадида маълум ресурсларни (моддий, меҳнат, молиявий, номоддий) қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулот ёки хизмат- лар кўринишидаги якуний маҳсулотларни яратиб, уларни истеъмолчиларга таклиф этадилар. Ўз-ўзидан маълумки, бирор-бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар сони ортиб борар экан, улар ўртасида харидорлар учун кураш вужудга келади, яъни рақобат муҳити шаклланади.

Шунинг учун, бу рақобат шароитида ижобий натижага эришишга олиб борувчи илмий асосланган ғоянинг мавжуд бўлиши муҳим саналади.

Корхона рақобат стратегиясида маҳсулот ёки хизматларни бошқалардан истеъмолчиларнинг талабларини тўла қондириш ва улар учун энг маъқул бўлган хусусиятлари, харид ва фойдаланиш харажатлари бўйича фарқини аниқловчи истеъмол хусусиятлари мажмуи ўз ифодасини топиши зарур шартлардан бири бўлиб ҳисобланади. Корхонанинг рақобатлашиш имконияти унинг маҳсулоти рақобатдошлигига ва корхона фаолиятини амалга ошириш- нинг ташкилий-иқтисодий механизмларига боғлиқ бўлади.

Бунинг учун, энг аввалом бор корхона ташқи бозордаги доимий ўзгариш ларга мослашувчан иқтисодий салоҳиятга эга бўлиши лозим ва у энг аввало хорижий истеъмолчиларнинг ўзгарувчан талабларини қондиришга йўналти- рилган рақобатдош маҳсулот ёки хизматларни ишлаб чиқаришга қаратилган рақобат стратегиясини ишлаб чиқиши катта муваффақият келтиради.

Рақобат стратегиясининг муваффақиятларидан бири бозорни маҳсулот- лар билан таъминланганлик даражасига эътиборни қаратилганлигидадир.

Бугунги кун тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрса- таётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш орқали сифатли ва рақобатбардош маҳсулот тайёрлашни таъминлаш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Шунинг учун, доимий равишда маҳсулот ишлаб чиқарувчининг олдида бир муаммо туради, бу ишлаб чиқариш йўналишини ҳисобга олган ҳолда даромадли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда унинг кўламини кенгайтир- ган ҳолда давом эттиришидир.

Бунинг учун, корхоналарнинг рақобат сиёсатида устунликка эришишда қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир:

- ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, узлуксиз модернизация қилиб бориш, маҳсулотлар диверсификациясига катта эътибор қаратиш;

- юқори сифатли, мақбул баҳоларни таъминловчи, ишлаб чиқариш харажатларини тежамкорлигига эришиш усулларини таъминлаш;
- принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;
- экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш.
-

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги 2012 йил 6 январь, ЎРҚ-319-сонли Қонуни. https://lex.uz/docs/1931443.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2020 йил 6 июль, ПФ-6019-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/4887654.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги 2022 йил 28 январь, Пф-60-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/5841063

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Усманова Шахноза Захидовна
АндМИ 1-боскич магистранти

Аннотация: Мақолада саноат корхоналари инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган, инвестицияларнинг умумий ҳажмида саноат соҳасига йўналтирилган инвестициялар улуши ва саноат тармоғининг асосий кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Шунингдек, саноат корхоналарида инвестицияларнинг йўналтириш объекти ва саноат корхоналари инвестицион фаолиятнинг ресурс таъминоти ўрганилган.

Таянч сўз ва иборалар*:* саноат, саноат корхоналари, инвестиция, инвестиция фаолияти, инвестицион фаолиятни молиялаштириш, инвестиция сиёсати, соф фойда.

Мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланиши ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашда инвестициялар муҳим ўрин тутади. Жумладан, бугунги кунга келиб чет эл инвестициялари хар бир иқтисодиёт ривожланишида зарур омил бўлиб ҳисобланмоқда. Бугунги кунда ривожланган инвестицион фаолиятнинг йўлга қўйилишини ҳукуматимизнинг юритаётган оқилона инвестиция сиёсатининг маҳсули эканлигини таъкидлаш лозим. Президентимиз Ш.Мирзиёев ўз маърузаларида "Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2019 йил – "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да салмоқли натижаларга эришдик. Барча соҳалардаги ижобий натижалар қаторида инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди.

Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан – мана шу рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман – 3,1 миллиард АҚШ долларига ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди" деб таъкидлаб ўтдилар. Иқтисодиётга жалб қилинаётган инвестициялар ва юқоридаги рақамлар шуни кўрсатиб турибдики, ҳар қандай жамиятнинг барқарор иқтисодий ривожланишини инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса бугунги кунда шу нарса яққол номоён бўлмоқдаки, ҳар қандай мамлакатнинг бундан кейинги юксалиши инвестицияларни жалб этиш ҳолатига боғлиқ.

Саноатда корхоналарнинг инвестицион фаолияти мамлакатнинг иқтисодий тикланиши билан бевосита боғлиқдир. Инвестициялар тадбиркорлик фаолияти объектларига инвестиция қилинадиган мулкий ва интеллектуал қадриятларнинг барча турларини ўзида мужассам этади, бунинг натижасида ижобий молиявий натижа шаклланади. Ҳозирги кунда саноат корхоналарининг инвестицион фаолияти давлат инвестиция дастурлари доирасида амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, саноат корхоналари инвестицион фаолияти молиялаштиришнинг ўзига хос хусусияти уларнинг катта ҳажмдаги маблағни талаб қилишидир. Шунинг учун, саноат корхоналарининг иннвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда улар учун катта миқдордаги молиявий ресурсларни инвестициялаш талаб этилади. Сўнгги йилларда саноат корхоналарида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўпинча эскирган технологиялар ёрдамида амалга оширилмоқда ва бу эса ресурсларни самарасиз сарфланишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари пасаймоқда. Макроиқтисодий омиллар динамикасини аниқ прогноз қилишдан ташқари, лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилишда илғор усуллардан фойдаланиш корхонанинг инвестиция стратегиясини муваффақиятли амалга оширишнинг омили ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда, хусусан, саноат корхоналарида инвестиция фаолиятини ривожлантириш давлатнинг устувор сиёсатга айлантирилган бўлиб, унинг таъминотига эришиш

мақсадида соҳага инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда автомобилсозлик, нефт-газ, кимё мажмуаси, машинасозлик, фармацевтика, тўқимачилик саноати, радиоелектроника саноати каби соҳалар ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизация қилиш ва илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Шу боис, саноат корхоналарига энг замонавий техника ва технологияларни жалб этиш бугунги кундаги устувор вазифалардан бири сифатида долзарблигича қолмоқда. Корхоналарнинг самарали инвестиция фаолияти ва шунга мос равишда инвестиция фаолиятини доимий молиялаштириш механизмини такомиллаштириш корхонанинг барқарор ўсишини англатади. Ҳозирги кунда саноат корхоналарининг инвестицион фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаи реал инвестициялар ташкил этганлиги сабабли, корхоналар ўз инвестицон лойиҳаларини молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излаб топиш ва олаётган фойдаларидан инвестицион фаолиятларини молиялаштириш учун маблағлар шакллантириш долзарб жараён бўлиб қолмоқда. Бизга маълумки, ҳозирги кунда энг муҳим вазифалардан бири инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини танлашдир. Бу эса корхонанинг инвестиция ва молиявий фаолиятининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади.

Саноат корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштиришни амалга оширишда, аввало корхона ўзининг инвестицион стратегиясини ишлаб чиқиши зарур. Ушбу стратегия орқали корхона режалаштирилган инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришни босқичма-босқич амалга оширади. Саноат корхоналарида инвестиция фаолиятни молиялаштириш жараёни босқичлари режа асосида амалга оширилиши натижасида, корхоналарнинг инвестицон фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилган инвестицияларнинг самараси ва самарадорлик кўрсаткичларини кўриб чиқиш энг муҳим вазифаларга айланади. Хусусан инвестицияларнинг самараси ва самарадорлик кўрсаткичлари икки турдаги кўрсаткичлар асосида таҳлил қилинади:

- режалаштирилган кўрсаткичлар, яъни келгуси давр учун белгиланадиган ва инвестицион фаолиятни молиялаштиришга йўналтирилган инвестицияларни келажакдаги самарасини кўришга ёрдам берадиган кўрсаткичлар;
- ҳақиқий кўрсаткичлар, яъни маълум вақтдан кейин, лойиҳа тўлиқ амалга оширилиши ёки уни амалга оширишнинг оралиқ босқичида инвестицияларнинг самардорлиги таҳлил қилишда қўланиладиган кўрсаткичлар. Бундай кўрсаткичлар бизга лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш ва лойиҳанинг келажакдаги тақдири тўғрисида қарор қабул қилишимизга имкон беради.

Саноат корхоналарида инвестиция фаолиятни молиялаштириш жараёни босқичлари

Инвестицион фаолиятни молиялаштириш амалиётида эришилган ва келажакдаги натижаларни ҳисобга олишга имкон берадиган амалдаги кўрсаткичларни қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, инвестицион фаолиятда фақат режалаштирилган ёки ҳақиқий кўрсаткичларга таяниш нотўғри бўлади, чунки улар даврлар билан таққосланмайди ва умуман, инвестициялар самарадорлигининг барча кўринишларини кўриш имкониятини бермайди. Саноат корхоналарнинг инвестицион фаолиятини молиялаштириш ташқи ёки ички манбалар орқали амалга оширилади. Инвестицион фаолиятни ташқи молиялаштиришнинг кенг тарқалган манбалари банк кредитлари, синдикатлашган кредитлар, акция ва облигациялар эмиссия қилиш орқали маблағ жалб қилиш ҳисобланади. Ички манбалар сезиларли даражада кам бўлиб, кўпинча уларнинг ҳажми корхоналарнинг инвестиция фаолиятини молиялаштириш учун етарли эмас ва бу эса ташқи молиялаштириш манбаларига эҳтиёжини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://www.prezident.uz/uz/lists/view/3324

2. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. -Т.: "Молия", 2003. -215 б.

САМАРҚАНД ТАРИХИГА ОИД БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР
(Қадимги даврдан XIX аср Россия босқинига қадар)

Жабборқулов.Ж.Ж
ЎзМУ Тарих факультети 2-курс талабаси

Тарихдан маьлумки, Ватанимиз – Ўзбекистон қадим даврлардан Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи савдо йўллари чорраҳасида жойлашган. Миллатлараро муносабатларда, савдо, ижтимоий алоқаларда Туркистон шаҳарлари муҳим роль ўйнаган ва ҳозир ҳам ушбу аньана давом этиб келмоқда. Ўрта Осиёнинг машхур шаҳарларидан бири Самарқанд ўзининг қадимлиги ҳамда обрўси билан минтақанинг бошқа шаҳарларидан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бекорга манбаларда, "Самарқанд сайқали рўйи замин деб аталмаган". Бугунги Самарқандни ҳаммамиз биламиз. Хўш Самарқанд тарихи қандай бўлган? У ерда одамлар қандай яшаган? Унинг табиати қандай эди? Қуйида ушбу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз...

Самарқанд шаҳрига асос солиниши мил.авв. I мингйилликка (VIII-VII асрлар) бориб тақалади. Афсоналарга кўра унга Афросиёб деган тарихий шахс асос солган. Уни Маҳмуд Кошғарий Алп Эр Тўнга билан бир шахс қилиб кўрсатган [1, 610-611 б.] . Шаҳар майдони 120 га. ни ташкил қилган. Катта ва обод шаҳар эди.

Самарқанд номининг келиб чиқиши бо'йича бир қанча версиялар бор. Масалан, Абу Тоҳирхўжа "Самария"сида [2, 16 б.] қуйидагиларни келтиради. Унга кўра, Самар деган киши қудуқ қазийди ва аҳоли шу қудуқ атрофида жойлашиб яшай бошлайди ва бора-бора шу ҳудудларда шаҳар вужудга кела бошлайди. Дастлаб шаҳар "Самаркент" – "Самар шаҳри", араблар босқинидан кейин эса "Самарқанд" дея атала бошланган". Бошқа топономик версиялар ҳам шаҳар топониминнинг келиб чиқишини Самар исмли киши номи билан боғлайди. Юнон-македон босқини даврида эса шаҳар "Мароқанд" деб аталган...

Нима бўлганда ҳам Самарқанд юқорида таькидланидек, ўлканинг бошқа шаҳарлари каби савдо чорраҳасида жойлашган. Жумладан, X аср ҳақида ҳикоя қилувчи манбада Самарқандга қуйидагича таъриф берилади: "Катта ва обод шаҳар. Ноз-неъматлари фаровон ва бутунжаҳон савдогарлари келиб-кетадиган жой... Ул шаҳарда қоғоз ишлаб чиқарилади. Бухоро (Зарафшон) дарёси шаҳар

яқинидан оқиб ўтади" [3, 12-13 б.] . Кейинчалик, XIII аср бошларида мўғуллар ҳужуми натижасида шаҳар вайрон этилиб, таланади, шаҳар қисман ўзининг аҳамиятини йўқотади. Ушбу жараён Амир Темур ва темурийларнинг ҳокимият тепасига келгунга қадар давом этади. Амир Темур ва темурийлар даврида шаҳар мисли ко'рилмаган даражада ўсади. Буни Испан элчиси Клавихо (XB аср), Бобур Мирзо (1483–1530) ҳамда бошқа манбаларда ёзилган таърифлар билан исботлаш мумкин...

Бобур Мирзо ўзининг "Бобурнома"сида Самарқанд жуда ажойиб, гўзал қилиб таърифлайди. Жумладан у шаҳар ҳақида шундай деган эди: "Ер юзининг аҳоли яшайдиган қисмида Самарқандча латиф шаҳар камроқдир... узуми ва қовуни, олмаси ва анори, хуллас, барча меваси яхши бўлади. Айниқса, узуми ва олмаси машҳур. Самарқанд шаҳри ажойиб ва ораста бир шаҳардир. Бу шаҳарнинг бир хусусияти борки, бунақаси камдан кам шаҳарда бўлади, яьни ҳар ҳунарманднинг алоҳида бозори бор... яхши новвойлик ва ошпазликлари бор..." [4, 107-108 б.].

1404-йилда Самарқанда бўлган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳам Самарқандга берган таърифларида ижобий таьрифлар келтиради. "...Шаҳаргача текислик ва йўлларда кўплаб боғлар, бозорлар, уйлар жойлашган экан" [5, 115 б.] .

Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар даври манбаларининг кўпчилиги шаҳарнинг обод бўлганлигини тасдиқлайди. Ўша давр ҳақида ҳикоя қилувчи манбаларда қизиқ бир маълумот келтирилади. Унга кўра Шайбоний Султонлардан бири Кўчкунчихон (1512–1529) Самарқандни кўриб қойил қолади. "...Ўзи ўтирган қаср томи устига чиқиб, ён-атрофга назар ташлайди. Жуда кўп уй ва кошоналарни кўриб, ҳайрон қолади ва вазирига қараб шундай дейди. Агар бу кўринаётган барча уй ва айвонлар бизга қарашли бўлса, ҳар уйдан битта нон ва бир товоқ ош чиқариб юборилса, қўшин ҳақида ортиқча қайғуриб ўтирмасдик" [6, 115 б.]. Шайбоний ҳукмдорнинг шаҳар ҳақидаги ушбу таърифи шаҳарнинг даражасини кўрсатишга етса керак...

Фақат XVIII аср ўрталарида Бухоро хонлигида ҳукмдор сулола Аштархонийлар[7] вакиллари о'ртасида тож-у тахт учун кураш кучайиб кетади. Бу эса мамлакат ҳаётини издан чиқарган эди. Яшнаб турган жойлар қип-қизил саҳрога айланди. Қимматчилик ҳамма соҳада бўй кўрсата бошлади. Одамлар хавфсизроқ юртларга қоча бошлади. Бой ва равнақ туманлар тамомила ҳеч нарсасиз қолдирилди [8, 351 б.] .

Айнан шу вақтдан бошлаб Самарқанд бутунлай хароб ҳолга келиб қолди. Буни биз Бухоро амири Шоҳмурод (1785-1800) нинг Самарқандга ташрифи акс этган лавҳалардан кўришимиз мумкин. У талабалик йилларида Самарқандга ташриф буюради ва шаҳар хароблигидан ранжийди. Кейинчалик ҳокимлик ва амирлик даврларида шаҳарни қайта тиклайди. "Талатўп" йилларида шаҳат аҳолиси кескин камайиб кетган эди. У Самарқандга мамлакатнинг турли

шаҳарларидан аҳолини кўчиртириб келтиради. Шоҳмурод ва кейинги амирлар даврида шаҳар гуллаб яшнайди... XIX аср ўрталаридаб бошлаб Подшо Россияси Ўрта Осиё ҳудудларини очиқчасига босиб ола бошлади. Шундай ҳужумларнинг бирида Самарқанд шаҳри ҳам эгалланади. 1868-йилги шартномага кўра шаҳар Россия тасарруфига ўтади. Шаҳар ҳақида сайёҳ, дипломат Скайлер жуда ижобий ёзади. Уни кўриб лол қолгани яширмайди. Россия қўл остидаги Самарқанд ҳаётини тасвирлаб, америкалик дипломат Южин Скайлер (1840-1890) шундай ёзади: "Европада Ўрта Осиёнинг ҳеч бир жойи Самарқанд номидек лол қолдирадиган даражада эмас. Романтика оғушига қопланган, ўзига хос даврларни бошидан кечирган ва ўзининг улуғворлик аньаналарини ақл бовар қилмайдиган даражада сирли сақлаб келаётган Самарқанд узоқ вақт мобайнида дунё аҳлининг қизиқишини уйғотиб келган... тепаликнинг (Чўпонота – Ж.Ж) асосий қисмини ортда қолдириб, йўлнинг энг юқори нуқтасига етгач, қаршимизда лойдан сувалган томлар, тепасига тож каби қо'ндирилган улкан мовий гумбазлар ва баланд минораларни кўриб, машхур Самарқандга этиб келганимизни англадик... Самарқанд бозори Тошкент ва Хўжанддаги бозорларга қараганда унча йирик бўлмаса-да, Самарқанднинг ҳозирги 30 000 аҳолиси учун етарлича катта саналади... шаҳарда қаландарлар, лўлилар, яҳудийлар юришади... Шаҳарда ҳаёт қизғин" [9, 171-207 б.] ...

Сайқали рўйи замин – Самарқанд ўлкамизнинг энг қадим шаҳарларидан. Буюк шаҳарлар ичида буюклардан бир шаҳар. У ҳақида ёзилган тарихлар, манбалар, китоблар шаҳарнинг азим ҳаётини бизга ҳикоя қилиб беради. Биз ушбу ёзган мухтасар битикларимизда шаҳарнинг тарихий қиёфасини, унинг шаклини тасвирлашга баҳоли қудрат ҳаракат қилдик. Ушбу қадим 2700 йиллик тарихни бир кичик мақолага сиғдириш имконсиз. Бу ҳақида алоҳида китоблар ёзиш керак. Ҳали ҳануз ўрганилмаган тарихларни ўрганиш керак.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, Самарқанд ўзининг мавжуд бўлган минг йиллар давомида ҳам бугунги кунда ҳали-ҳануз кўҳна тароватини йўқотганича йўқ. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг юртимизда мавжуд бўлган барча тарихий-меъморий обидалар ўзининг асл ҳолатини маълум бир маънода тиклади. Ҳудудимиздаги кўҳна меъморий иншоотлар дунёнинг етти мўжизалари ҳисобланиб келаётган миср прамидалари, Бобил ва яна бир қанча кўҳна қадамжолар билан бемалол беллаша олади деб айта оламиз. Бугунги кунда турзм салоҳиятини янада ривожлантириш жараёнида Самарқанд ўзининг улкан даражада ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу албатта қувонарли ҳолдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аҳмадали Асқаров. Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиш тарихи. 2019 й.
2. Абу Тоҳирхўжа. Самария. 1991 й.
3. Ҳудуд ул-олам. 2007 й.

4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. 2008 й.
5. Амир Темур Испания элчилари нигоҳида. Клавихо. 2019 й.
6. Акбар Замонов. Ўрта аср тарихий шахслари ҳаётининг айрим номаълум саҳифалари. 2020 й.
7. Поён Равшанов. Малика Кенагас ойим Ойчучук ёхуд Шаҳрисабз ва Қўқон шоҳона насаб қиссаси. 2018 й.
8. Южин Скайлер. Туркистон тарихи. 2019 й.

XORAZM XONI XOJIMXON (HOJI MUHAMMAD) FAOLIYATIGA DOIR BA'ZI MULOHAZALAR

To'xtayev M. –O'zMU Tarix fakulteti 2-kurs talabasi

Insoniyat o'z taraqqiyoti davrida tarixni bilishga, undan to'laqonli foydalanishga va avlodlardan ularga xabar berishga doim harakat qilib kelgan. O'rta Osiyo xalqlari haqidagi O'rta va So'nggi asrlar tarixi shaxslar ustida olib borilgan tadqiqiotlar nisbatan kam hisoblanadi va o'rganishni ham talab etadi. Tarixiy humkdorlar yillar davomida yomon otliq qilib kelindi. Ularning ilm-ma'rifat, madaniyat va ijtimoiy hayotga qo'shgan hissasi doimiy tarzda xalq nazaridan chetda saqlanib, ular haqida hozirgi davr insonlar ongida deyarli ma'lumotlar yo'q. Sababi, maktab yoki o'rta ta'lim tizimidagi darsliklarda ular haqida ma'lumotlar kam yoki umuman yo'q. Ularning faoliyati haqida xolis baho berish dolzarbligicha qolmoqda.

Xiva xonligining dastlabki mashhur hukmdorlari orasida Xojimxon muhim o'rin egallaydi. Asli ismi – Hoji Muhammad Aqatayxonning katta o'g'li hisoblanadi. Uning hukmronlik yillari 1558-1594 va 1598-1602 yillar bo'lib, Arabshohiylar o'zbek sulolasining o'ninchi vakili. Muhammadxon Aqatayxonning o'g'li va o'zbek ulusi hukmdori Yodgorxonning avlodi. Xojimxon ibn Aqatoyxon bag'oyat oqil va odil musulmon podshoh edi. Shijoatda o'z arkonida mumtoz, muruvvat va futuvvatda o'z ajnosida safarroz edi[34]. Umri o'ttiz yettiga yetganda yilqi yilinda 1559-1560-yilda[35] Urgancha xonlik masnadiga munosib bo'ladi[36]. Tarixchi Munisning guvohligicha, u o'zining 42 yillik hukmronligi davrida goh Urganch, goh Xiva shahrida istiqomat qilgan[37].

Xojimxonning taxtga kelishi haqida Abulg'ozi Bahodirxon shunday yozadi: " Bu voqeot hijriy to'quz yuz olmish beshda, yilqi yilining oyoqi erdi. Taqi Vazirni berdilar. Urganch va Hazorasp va Katni Ali sultonga berdilar"[38] . Demak, Xojimxon

[34] Мунис. Фирдавс ал-икбал // Материалы по истории казахских ханств XVI–XIX вв. — Алма-Ата, 1969. –Б.84
[35] Hijriy 967.
[36] Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. — Тошкент: Чўлпон, 1992.–150-Б.
[37] Мунис. Фирдавс ал-икбал // Материалы по истории казахских ханств XVI–XIX вв. — Алма-Ата, 1969. –Б.92-93.
[38] Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. — Тошкент: Чўлпон, 1992.–167-Б.

xon taxtini ilk bor egallagan vaqtda Xiva shahri hali poytaxt emas, balki Vazirning mavqeyi balandroq bo'lgan.

1573-yilda Buxoro hukmdori Abdullaxon katta qo'shin bilan Xorazmga yurish boshlaydi. Bundan xabar topgan Temur sulton Kubatog' (Mang'it yaqinida) dan tortib, Toshsoqa qirlarigacha bo'lgan aholini Xivaga to'playdi. Vazir xalqi ham kelib Xiva qal'asiga keladi. Buxoro qo'shinlarining boshi Yangiariqqa yetgan vaqtda Abdullaxon Kulanchi degan joyga kelib to'xtaydi. O'n kundan keyin "Xojimxon Xurosondan qo'shin bilan kelayotir" degan xabar tasdiqlanadi. Shu vaziyatda Abdullaxon Xivaga chopar jo'natib Po'lod va Temur sultonlarga sulh taklif etadi. Ikki o'rtada bir-birlariga dahl qilmaslik haqida kelishgandan so'ng Buxoro qo'shinlariga orqaga qaytadi[39].

1595-yil Buxoroliklarning ikkinchi bosqini vaqtida 3 ming kishilik askar bilan Xurosonning Durun degan joyida turgan Xojimxon o'z o'g'illari va qarindoshlari bilan Kazvinga borib, shoh Abbos huzurida qo'nim topadi. Shoh Xojimxonni yaxshi qabul qilin, iltifot ko'rsatadi. Buxoro hukmdori Abdullaxoning o'g'li Abdulmumin boshliq lashkarlar Xurosonning barcha hududlarini egalladi va Asfaroyin degan joyda qizilboshlar qamalda qoldi, degan xabarni olgan shoh Abbos katta qo'shin bilan Bastonga ketadi[40].

Shu vaqtda Xojimxon Urganchada buxorolik sipohlardan 40 va Xivada 60 kishi qolganini eshitib, tezda Astrobodga yo'l oldi. Kuran tog'iga yetganda Xojimxonga taka va yovmut turkmanlaridan 50-60 kishi qo'shildi. O'rta quduq degan joyda ularni yana shuncha esari turkmanlari qo'shildi. Qo'shini soni ortgan Xijimxon o'g'li Arab Muhammad va Muhammad Quli bilan Urganchga, Po'lod Sulton o'g'li Bobo Sulton esa Xivaga qarab ketdilar[41].

Urganchga kelgan Xojimxon hokim Sari Sulton va uning navkarlarini o'ldirtirdi. Xiva devorlarini buzib, qal'aga kirgan Bobo Sulton lashkarlari esa Berdi manglishbiy ismli arbob va unga qarashli yuzdan ortiq navkarlarni o'ldirdilar. Shundan keyin yordam bergan turkmanlarga sovg'a-salomlar berib oraqaga qaytadilar. Bobo Sulton Hazoraspga va inisi Hamza Sulton Xonqaga bordilar.

Xorazmning ahvolidan xabar topgan Buxoro xoni Abdullaxon Xo'jamquli qo'shbegiga Hazoraspga borishni buyuradi. Kutulmaganda yovning qal'a oldida paydo bo'lgandan hayratga tushgan Bobo Sulton 15 navkari, 3ta esari turkmani va qal'adagi sartlar bilan mudofaaga kirishdi. Hazoraspga yetib kelgan Abdullaxon qal'ani to'rt oy qamal qildi va Bobo Sultonni taslim etishga majbur etadi.Bu voqea 1598-yilda ro'y beradi[42] .

Oradan biroz vaqt o'tgacha Abdullaxon dunyodan o'tadi. Bu haqida Bistomda turgan Xojimxon xabar topgach, shoh Abbosdan ruxsat olib Xorazmga qaytadi. Sakkiz kun deganda Urganchga keladi, yangi sharoitda Urganch bilan Vazirni boshqarishni

[39] Мунис. Фирдавс ал-икбал // Материалы по истории казахских ханств XVI–XIX вв. — Алма-Ата, 1969. –Б.88
[40] O'sha joyda.
[41] Sheripov U.A. Xiva xonligi tarixi:1511-1920 yy. Urganch. 2009. -B.31.
[42] O'sha kitobda 88.

o'ziga olib, Xiva bilan Katni Arab Muhammadxonga , Hazoraspni esa Isfandiyor Sultonga beradi. Ikki yildan so'ng Xojimxon Urganch va Vazir qal'alarini boshqarishni Turkiyadan kelgan o'g'liga topshiradi.O'zi esa Xivada kichik o'g'li Arab Muhmmadxon oldida turadi. Xojimxon davrida Xorazmda o'rnatilgan osoyishtalik bois, qishloq xo'jaligi va irrigatsiya qurilishi ishlariga e'tibor kuchayadi. Urganch va Kat hokimi Ali Sulton tashabbusi bilan Yangiariq va Tosh Yormish ariqlari qazildi[43].

Ko'p voqealarning shaxsan guvohi bo'lgan Hoji Muhammadxon 1601-yilda 83 yoshda olamdan o'tadi[44]. Shu davrdan boshlab, rus manbalarida Xorazmdagi davlatning nomi Xiva xonligi deb yozila boshlanadi[45].

"Tajribali, adolatli va taqvodor hukmdor" deb hisoblangan hukmdor nisbatan uzoq hukmronligi davrida mamlakatni birlashtirish va markaziy hokimiyatning mavqeyini mustahkamlashga urunishlar qilgan. Xojimxon hukmronligi davrida Xorazmdagi o'zaro urushlarga biroz barham berilib, tinchlik va osoyishtalik o'rnatilgan.Sug'orish va dehqonchilik, hunarmandchilik va savdo-sotiq ishlariga jiddiy e'tibor qaratilib , tashqi savdo hamda munosabatlar rivoj topadi[46]. Xojimxon hukmronligi davrida poytaxt Urganchdan Xivaga (Xivaning poytaxtga aylanganligi sanasi to'g'risida – 1556y, 1598 y, 1602-1621 yy, 1611-1612 yy kabi fikrlar mavjud.) ko'chiriladi (ayrim manbalarda XVI asrning 70-yillarida , ayrimlarida esa 90-yillarida) va bu davrda Mang'ishloq, Bolqon tog'lari, Dehiston, O'zboy, Shimoliy Xuroson hududlari Xiva tasarrufiga kiritiladi.

O'z o'tmishimizni chuqur va tanqidiy nuqtayi nazardan xolisona, manbalar asosida o'rganish, ularni taqqoslash orqali tarixiylikni tiklash tarixchilar uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Xiva Shayboniylari vakili Hoji Muhammad shaxsi, faoliyatini manbalar asosida keng yoritish, xolisona o'rganish dolzarb ahamiyatga ega.

Tarixiylikda turli xil fikrlarning mavjudligi shu davr manbalarining ko'proq tadqiq etilishi hamda mavzu mohiyatini to'liqroq yoritilishini taqozo etadi. Shunday ekan o'tmishga nazar tashlab qon to'kmagan hukmdorni topish juda qiyin yoki imkonsizdir. Hukmdor faoliyatiga faqat asosli dalillangan ma'lumotlarga ishonish yoki dalillash bizning asosiy vazifalarimizdan biridir.

Adabiyotlar:

[43] O'sha kitobda 88.

[44] Худойберганов К.Хива хонлари тарихидан.«АКАДЕМНАШР», 2019 -Б.138.

[45] Бу борада бир қатор бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Хусусан, тадқиқотчи О.Н.Муталов "Хонлик дастлаб Кўҳна Урганчда ташкил этилиб, тахминан 1557 йилларда Дўстхон Бўчғахон ўғли пойтахтни Хивага кўчирди", деб ёзади. (Муталов О.Н. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида (1825–1842). Т.ф.н. дис. … автореф.
— Тошкент, 2003. 13-б). Ўз навбатида Хивалик тарихчилар К.Худойберганов ва М.Мадаминов Хива пойтахт
сифатида 1561 йилда эълон қилинган деган фикрни илгари сурганлар. Интернетдаги "Хронос" сайтида "Бутун XVI аср давомида Урганч пойтахт бўлиб турди. Хива эса илк бор 1557–1558 йилларда 1 йил давомида
хон қароргоҳи бўлди. Фақат Араб Муҳаммадхоннинг 1603–1622 йиллардаги хонлик даврида Хива пойтахт
сифатида танилди",— деган сўзлар бор.

[46] Шохистахон Ульжаева. Ўзбекистон тарихи.

1. Мунис. Фирдавс ал-икбал // Материалы по истории казахских ханств XVI–XIX вв. — Алма-Ата, 1969.
2. Abulg'ozi Bahodirxon. Shajarayi turk. — Toshkent: Cho'lpon, 1992 y.
3. Sheripov U.A. Xiva xonligi tarixi:1511-1920 yy. Urganch. 2009 y.
4. Xudoyberganov K.Xiva xonlari tarixidan.«AKADEMNASHR», 2019 y.
5. Shoxistaxon Uljaeva. O'zbekiston tarixi.

OQSAROY QURILISHIGA NAZAR

Abdullayeva D.S. – O'zMU Tarix fakulteti 2-kurs talabasi

O`zbekistan Respublikasi Prizidenti Shavkat Mirziyoyev Shahrisabz shahrida 2018-yili 6-sentabr kuni Xalqaro maqom san`ati anjumanining ochilish marosimida so`zlagan nutqida "Shaxrisabz o`zining 2700 yillik ko`hna tarixi davomida og`ir va mashaqqatli sinovlarni, tahlikali zamonlarni o`z boshidan kechirdi. Ammo har qanday murakkab davrlar urush va bosqinlar, tabiiy ofatlar ham uni tarix sahifasidan o`chira olmadi. Shahrisabz buyuk sarkarda va davlat arbobi, madaniyat va san`at homiysi Sohibqiron Amir Temur bobomiz kamolga yetgan mo`tabar maskan sifatida ham dunyoga ma`lum va mashhurdir. Bu shahar qadim-qadimdan ulug` alloma va shoirlari, san`at va madaniyat ahli, qo`li gul ustalar, mohir hunarmandlari bilan shuhrat qozonib keladi. Uning bag`ridagi noyob me`moriy obidalar, nodir yodgorliklar bu haqiqatni yaqqol tasdiqlaydi. Bugungi kunda xalqimizning bunyodkorlik salohiyati,fidokorona mehnati bilan Shahrisabz yurtimizning eng obod maskanlaridan biriga, zamonaviy madaniyat va turizm markaziga aylanib borayotgani barchamizni quvontiradi"[1, – C. 2]deya takidlab o`tdi.

Qadimgi Kesh-Shahrisabz shahri qariyib uch ming yillikni boshidan kechirib, bu jihatdan Yevropaning Rim, Parij, Afina Qohira, Markaziy Osiyodagi Samarqand, Qarshi, Marv, Termiz kabi tarixiy shaharlar bilan bir qatorda turadi. Shahrisabz shahrining 300 ga yaqin Jug`rofiy hududi UNESCOning "Umuminsoniyat merosi" kitobi ro`yxatiga kiritilib, umumjahon madaniy qadriyati sifatida xalqaro miqiyosida e`tirof etildi[5, – C. 3].

Arxiolog va tarixchi olimlar tomonidan Qashqadaryo viloyatidagi Qarshi va Shahrisabz shaharlarining yoshini aniqlash hamda umuminsoniyat tomonidan tan olinishiga erishish katta zahmatli mehnat va aqliy zakovat talab qilib keldi. Bu ma`suliyatli vazifaga o`z hissasini qo`shgan olimlardan R.Sulaymonov, P.Ravshonov, B.Yaqubov, M.Hasanov, N.Xushvaqtov, A.Toshev kabi olimlarning hissasi katta bo`ldi. Ularning say-harakatlari bilan Kesh vohasida shaharsozlikning rivojlanishi bevosita Sohibqiron Amir Temur Movarounnahrning siyosiy tarixi sahnasiga kirib kelishi bilan bog`liq ekanligi ma'lum bo'ldi. Keshning dovrug`ini butun dunyoga yoyishda va uni dunyoning g`ozal bir shaharlaridan biriga aylantirishda Amir Temurning xizmatlari beqiyos bo`ldi. Bu davrda Shahrisabzda misli ko`rilmagan ijobiy o`zgarishlar bo`lib o`tdi. Shahar hududi kengaydi atrofi mustahkam qal`a devorlari bilan o`ralib, mashhur me`morchilik inshootlari bunyod etildi. Bu yerda

Ko`kgumbaz, Chubin madrasasi, Chorsu, Dorut-tilovat, Dorus-saodat va dunyoga dong`i ketgan Oqsaroy qad ko`tardi.

Oqsaroy binosi XIV-XV asrlarga oid yodgorliklar orasida eng yirik va noyib obida hisoblanadi. Binoning bunyod etilishi Amir Temurning 1379-yilda Xorazmga to`rtinchi yurish qilgan paytga to`g`ri keladi. Xorazmning markazi bo`lgan Urganch shahri qo`lga kiritilgach u yerdagi barcha hunarmand, quruvchi ustalar va shunga o`xshagan amaliy san`at bilimdonlari Kesh shahriga olib kelindi, va binoning qurilishida samarali mehnat qildilar[2, – C. 11].

Oqsaroy binosini qurilishi haqida bir qancha afsonlar mavjud. Ularning birida keltirilishicha, Amir Temur Shahrisabzda ulkan imorat barpo etishni rejalashirgach, bosh me`morni chaqirib unga fikrlarini bayon etadi, shunda bosh memor o`zini davlat xazinasiga eltishlarini so`raydi. Sohibqironning ko`z oldida tillalarni loy bilan qorishtirib g`isht yasaydi. Bu gishtlarni bo`lajak binoning poydevor uchun ishlatishini aytadi. Shundan so`ng shu yerda bo`lgan Amir Temur o`z ishini bamaylihotir kuzatayotganini ko`rgan memor g`ishtlarni sindirib tillalrni xazinaga qaytaradi. Nima uchun bunday qilding degan savolga bosh memor, Sohibqironning ulkan va go`zal imorat barpo etish istagi qanchalar kuchli ekanligini ko`rish va bunday ko`rkam imorat barpo etish juda katta xarajatlar talab etsa ham Sohibqiron bu xarajatlarga rozi ekanligiga ishonch hosil qilish, shundan keyingina qurilish ishlarini boshlashi mumkinligini aytgan ekan[2, – C. 76].

O`z davrida umumiy balandligi 70 metrga yaqin bo`lgan binoning hozirgi kunda saqlanib qolgan qoldig`i 38 metrni tashkil etadi[6, – C. 21]. Oqsaroyning tashqi tomondan ko`rinishini tasvirlaydigan bo‘lsak, unda naqshinkor usullarda bitilgan diniy,falsafiy yozuvlarga alohida e`tibor berilgan va hozirgi kunga kelib olib borilgan ko`pgina tadqiqotlar natijasida bu yerdagi arab va fors tillaridagi yozuvlar o`qilib tarjima qilingan. Old tomondagi cho`zilgan jimjimador lavhalarda mazmun jihatdan boshqa bo`lgan arab tilida “kufiy” uslubida va tilla suvi yuritilgan so`zlarni uchratish mumkin. Arklar tagida eshiksiz kichik xonalar bo`lib ularning sathi koshinlar bilan qoplangan. Undan keyin esa oq toshlar yotqizilgan hovli va boy bezatilgan timlar bor. Hovli o`rtasida katta hovuz bo`lib, hovlining yuzi 300 qadam. Hovli orqali saroyning eng katta binosiga o`tiladi. Bu binoga kirishda ham juda katta va baland eshik bo`lib, u oltin lovjuvord va koshinlar bilan mohirona bezatilgan. Bu eshik orqali kutibxonaga kiriladi. Kutubxona devori ham oltin, lovjuvard va koshinlar bilan bezatilib, ustiga tilla suvi yuritilgan. Bu yerdagi bezash ishlarining barchasi oltinda amalga oshirilgan[3, – C. 68].

Qazishmalar davomida qachonlardir saroy xonalarini bezagan me’morchilikka oid ko‘p sonli sopollar topildi. Ohaktosh sirlangan va tilla suvi yuritilgan karniz parchalari burtma naqshlari bo‘lgan sopol taxtachalar, ganch va sopoldan ishlangan qoliplar shular jumlasidandir. Saroy an’naviy asosda, ya’ni cho‘zilgan to‘g‘ri burchakli, timlar (ayvonlar) bilan o‘ralgan hovlida qad ko‘targan. Saroy hovlisining eni 120 metr, uzunligi esa 240-250 metrni tashkil etadi[6, – C. 601]. Saroyning o‘zi

hajmi va egallagan maydoni jihatidan nisbatan yirik bino bo‘lgan. Bu holat nafaqat turar joylar, jamoatchilik va madaniy-me’moriy inshootlar qurilishida, balki atrofi ayvonlar bilan o‘ralgan hovlilar o‘rtasida qad ko‘targan saroylar uchun ham xos bo‘lib, Oqsaroy ham bundan mustasno emas

Arxeologik qazishmalarning guvohlik berishicha, bu inshootlarning me’moriy ko‘rinishi o‘zidan oldingi o‘tgan asrlar me’morchilik an’analarini davom ettirib, ko‘p hollarda o‘ziga xos iqlim sharoitiga bog‘liq bo‘lgan to‘g‘ri burchakli, hovli, oxirida va qabul bo‘ylab esa serhasham ayvonlar, xizmatkorlar uchun turar-joylar mavjud bo‘lgan. O‘rta asrlarda kirish peshtoqining ulkan ustunlari bo‘lgan, hovli o‘rtasida qad ko‘targan saroylar qurilishi keng rasm bo‘lgan edi. Kirish peshtoqi ustunlarining ulkan qoldiqlari Oqsaroyga o‘xshagan ulkan bino Yaqin Sharqda bo‘lmaganligining dalilidir. Uning ulkan va serhasham bo‘lganligini nafaqat saqlanib qolgan ulkan me’moriy ustunlar, balki qazishmalar orqali ochilgan qurilish qoldiqlari orqali yanada yorqinroq tasavvur etishimiz mumkin.

Oqsaroy bunyod etilgan davrdan boshlab juda ko`plab sayyohlar, o`z kundaliklarida bu muhtasham bino haqida eslatib o`tgan. Xususan, 1403-yilda Kastiliya qiroli Genrix III ning Amir Temur saroyiga elchi qilib yuborilgn Ryu Gonsales de Klavixo Shahrisabz atrofida kuzatish ishlarini olib borib, elchi Oqsaroy memoriy obidasini o`zining “Buyuk Temur tarixi”asarida mufassal tasvirlagan Unda yozilishicha, “…bu yerda ish yigirma yilda buyon bir kun ham to`xtamay davom etar va hatto hozirda ham ko`plab ustalar ishlar edi. Saroyda nihoyatda uzun yo`lak va nihoyatda baland darvoza bor, o`ng va chap tomondan kiraverishda g`ishtin ravoqlar o`rnatilib, xilma-xil naqshlar shaklida terilgan koshinlar bilan bezatilgan” -deb o`z xotira bitiklarida keltirib o`tgan[5, – C. 179]. Yana bir joyda Ryu Gonsales de Klavixo o`z xotira bitiklarida Oqsaroy rejaviy tuzilishi, qurilishi va foydalanishi nuqtai nazaridan o‘zaro bog‘liq bo‘lgan uch qismdan iborat bo‘lganligini, kirishda birinchisi, ma’muriy boshqaruv qismi, ikkinchisi, qabulxona va uchinchisi, turar-joy xonalari bo‘lgan saroy va bog‘ xiyoboni qismlardan iborat ekanligini qayd etgan[4, – C.82].

Amir Temur va temuriylar davrida saroy inshootlarining O‘rta Osiyo va Afg‘onistonda ikki turi keng tarqaladi; birinchi – qabul qiluvchi-rasmiy, ma’muriy-boshqaruv; ikkinchisi – shahardan tashqaridagi qarorgoh vazifasini bajaruvchi, dam olish inshootlaridir. Oqsaroy binosi shubhasiz birinchi tur saroylar toifasiga kirib, bu yerda siyosiy, ma’muriy va mafkuraviy hokimiyat markazlashgan. Uning shahar devorining ichkarisida barpo etilgan ham yuqorida ko‘rsatilgan vazifalarni bajarganidan dalolat beradi

Amir Temur va temuriylar davri O‘rta Osiyodagi saroy inshootlari ko‘p hollarda vayrona holatda saqlanib qolgan. Oq saroy XX asrga bir qismi bo`lgan g`ishti va devori bilan yetib kelgan. Aynan sho`rolar davrida madaniy-oqartuv tashkiloti tazyiqi bilan 20-yillarda Oq saroyga Benbin degan qasd to`pidan otishgacha borganlar. Ulug`vorlikda tengi yo`q obida hisoblangan Oq saroy XXI asrga bir qismi bo`lgan g`ishti va devori bilan yetib kelgan.

Umuman olganda, Oq saroy me`moriy obidasi Amir Temur va temuriylar davrida ham va hozirgi kunda ham Shahrisabzga keluvchilarni o`ziga jalb qilib kelmoqda. Mustaqillik yillarida me`moriy obidalarni topish va qayta tiklashga alohida e`tibor berildi, jumladan Shahrisabz shahrini turizm markazi sifatida rivojlantirib borar ekan u yerda mavjud bo`lgan arxitektura yodgorliklarini rekanstruksiya qilish, xorijiy sayyohlarga ko`plab qulayliklar yaratishga harakat qilib kelinmoqd. Hozirda Oq saroy Markaziy Osiyo me`morchiligida xalq me`morlari ijodining eng yuksak cho`qqisi sifatida so`nmas iste`dod va me`moriy izlanishlar namunasi bo`lib kelmoqda.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prizedinti Shavkat Mirziyoyevning 2018-yili 6-sentabr kuni "Xalqaro maqom san'ati anjumanining ochilishi marosimida"gi nutqi/htts;//xs.uz/post/prizedent-shavkat-mirzioyevning-khaalqaro-maqom-sanati-anzhumanining-ochilish-marosimidagi-nutqi.

2. Cagdullaev A S. Qadimgi Kesh va Shaxrisabz tarixidan lavxalar. Toshkent: Sharq, 1998. – 11 b.

3. Saidqosimov S. Amur Temur jahon tarixida. – Toshkent: Sharq, 2006. – 113 b

4. Klavixo R G. Samarqandga-Amir Temur saroyiga sayoxat kundaligi. – Toshkent: O'zbekiston, 2010. – 193 b.

5. Ravshannov P. Qashqadaryo tarixi. – Toshkent: Fan, 1995. – 601 b.

6. Xushvaqov N. Qashqadaryo tarixiga sayohat. – Toshkent: Ilm-ziyo-zakovat, 2020. – 3 b.

ФОРМЫ ОБРАЩЕНИЯ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

Азизова Махарам Рашитовна
Узбекистан, Андижанский машиностроительный институт
Старший преподаватель кафедры Узбекского языка и литературы
Шарипова Мубинабону

Студентка 2 курса Андижанского машиностроительного института

В каждом языке есть различные лексические средства выражения тех или иных смысловых оттенков. Не исключением является и английский язык, который богат различными формами обращения. Именно об этом мы хотели вкратце остановиться в данной работе. Мы условно выделили следующие формы обращения:

а) формы обращения, связанные с родственными отношениями;

б) дружественные и ласковые формы обращения;

в) вежливые и деловые формы обращения;

г) грубые и оскорбительные формы обращения.

Прежде всего, необходимо подчеркнуть, что обращение - это слово или сочетание слов, называющее лицо, которому адресована речь. Без слов

обращения трудно представить себе процесс коммуникации. Слова обращения употребляются с целью привлечь внимание лица, к которому говорящий обращается. Это могут быть люди, близкие по родству положения в обществе, профессии, занятию должности, званию.

В данной статье рассматриваются различные формы обращения, которые можно объединить в несколько групп.

Так, обращение *father* (к отцу) продолжает оставаться либо в этой форме, либо в таких разговорных формах, как *dad, daddy, pa, papa* и так далее.

У обращения *mother* также имеется много разговорных вариантов: *ma, mam, mum, mamma, non, mummy* и так далее.

Обращение *son* (к сыну) более характерно для отцов, в то время как обращение *daughter* (к дочери) редко употребляется родителями в настоящее время. К старшим членам семьи (дедушкам, бабушкам) дети традиционно обращаются с помощью слов *grandpa, granddad, grandma, granny* и так далее. Последние же используют личные имена для обращения к внукам вместо таких слов, как *grandson* или *granddaughter*. Обращения к другим близким родственникам включает слова *uncle* (дядя), *aunt* (тётя), *auntie* (тётушка), иногда в сочетании с личными именами *Uncle Jack, Aunt Margaret.* Обращения между мужем и женой являются личные имена, ласкательные прозвища, либо ласкательные слова. Очень популярны в современном английском языке многочисленные формы обращения, выражающие положительное отношение говорящего к адресату. Среди них можно упомянуть *baby, dear, dearest, dear boy, friend, honey* (последние обращения обозначают "дорогой, милый") *love, sweatheart, sweets.* Наиболее применяемой формой вежливого обращения является употребление сочетания *Mr., Mrs.,* или *Miss* (для молодой девушки или незамужной женщины) + фамилия того (той). Вежливая форма обращения к женщине – Madam а форма обращения к мужчине *Sir.* Обращение *Sir* употребляется без имени и фамилии. При групповом обращении оно заменяется словом *gentlemen, a Madam* - словом *ladies: ladies and gentlemen!*

В научном мире в официальных случаях принято обращаться по званию: *Professor, Senior, Tutor, Dean* и так далее. Заметим, что некоторые обращения, напрямую связанные с названиями профессий, вряд ли можно считать вежливыми. Они являются нейтральными и употребляются довольно часто. Например, чтобы привлечь внимание официанта в ресторане, вы обращаетесь к нему: "*Waiter!"*, водителю такси говорите: "*Stop here, driver".*

Оскорбительными формами обращения принято интерпретировать, большинство обращений типа *you + прилагательное + существительное* как негативные (недружественные, оскорбительные).

Типичные примеры реализации этой модели: *You bloody fool, you dirty bastard, you old cow* и так далее. Часто определяющее прилагательное опускается: *you bastard, you fool* и так далее.

В английском языке существует также ярко выраженная тенденции образовывать негативные обращения с компонентом - *head: blockhead. blunderhead, bonehead, fathead, muttonhead* и так далее.

Таким образом, при изучении английского языка как иностранного, особенно, при воспитании культуры речи на английском языке важно понимание особенностей форм обращения. Так как в различных ситуациях для выражения определенных смысловых оттенков употребляются конкретные формы обращения, имеющие не только смысловой оттенок, но и эмоциональную выраженность.

БИБЛИОГРАФИЯ

1. Karimova, F., & Azizova, M. (2021). THE UZBEK FOLK SONGS AND THEIR IMPORTANCE IN NATIONAL LITERATURE. **Интернаука**, (10-2), 91-93.

2. Rashitovna, A. M., Inoyatovna, K. F., & Sanjarovna, M. N. Effective Methods Of Teaching English And Its Relation To Other Sciences. **JournalNX**, **6**(10), 316-319.

3. Belcher, D. & A. Hirvela (2000). Literature and L2 composition: Revisiting the debate. Journal of Second Language Writing 9.1, 21–39.

4. Benton, M. (1996). The discipline of literary response: approaches to poetry with L2 students. In Bredella & Delanoy (eds.), 30–44.

5. Berg, W. & L.K. Martin-Berg (2002). A stylistic approach to foreign language acquisition and literary analysis. In Scott & Tucker (eds.), 173–191

6. Bredella, L. & W. Delanoy (eds.) (1996). Challenges of literary texts in the foreign language classroom. Tübingen: Gunter Narr.

7. Gez, N. I., Lyakhovitskii, M. V. & Mirolubov, A. A. (1982). Methods of teaching foreign languages in high school. Moscow: Vysshaya shkola.

8. Valeeva, R. A., Baykova, O. V. & Kusainov, A. K. (2016b). Foreign Language Professional Communicative Competence as a Component of the Academic Science Teacher's Professional Competence. International Journal of Environmental and Science Education,11(3), 173-183.

9. Novik, N. N. & Podgórecki, J. A. (2015). Model of Developing Communication Skills among Adolescents with Behavioral Problems. International Journal of Environmental and Science Education, 10 (4), 579-587.

10. Азизова Махарам Рашитовна. СОВРЕМЕННЫЙ СПОСОБ ПРИМЕНЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ.

11. Azizova Makharam Rashitovna. SOME METHODS OF FOREIGN LANGUAGE TEACHING.

DUNYONING RIVOJLANGAN DAVLATIDA

ONLINE TALIMI JARAYONLARI

Abdullayev Abdujabbor[1], Isayev Bohodirjon Mahammatshoyevich[2]
Andijon mashinasozlik instituti, profesori i.f.d.[1]
Andijon mashinasozlik instituti, Magistri[2]
behruzbek082@gmail.com

Janubiy Koreyada onlayn ta'limni amalga oshirish mamlakatning mukammal internet infratuzilmasi tufayli nisbatan silliq kechdi. Biroq ko'plab talabalar va o'qituvchilar ushbu yangi paradigmadan noroziliklarini bildirdilar. Janubiy Koreya tajribasi shuni ko'rsatadiki, ta'limni onlayn tarzda o'tkazish siyosat bilan mustahkamlangan uzoq muddatli tizimli o'zgarishlarni talab qiladi.

COVID-19 pandemiyasi Janubiy Koreyadagi deyarli barcha maktab va universitetlarni onlayn ta'limga o'tishga majbur qildi. Mamlakatning onlayn ta'limga o'tishi asosan silliq kechdi va buning sababi aniq: Janubiy Koreya dunyodagi eng yaxshi IT infratuzilmalaridan biriga ega. Pandemiyadan oldin mamlakat 99% 4G qamrovini amalga oshirdi, 5G joriy qilinmoqda; Bundan tashqari, uy xo'jaliklarining qariyb 75 foizi kompyuterdan foydalanadi, 99,5 foizida esa internetdan foydalanish imkoniyati mavjud edi. Mamlakatda ta'limga ustuvor ahamiyat berish bilan birga, bu onlayn ta'limni oson amalga oshirish va talabalar va o'qituvchilar tomonidan ushbu rejimni keng qabul qilish muqarrar bo'lib tuyuladi.

Prezident Mun Chje In hukumati ushbu qiyin paytlarda ta'limning uzluksizligini ta'minlash uchun barcha sa'y-harakatlarini amalga oshirdi. Hukumat minglab,millionlab talabalarni qo'llab-quvvatlash uchun elektron ta'lim platformalarining imkoniyatlarini oshirish orqali davlat infratuzilmasini kengaytirdi. Bundan tashqari o'qituvchilarga tajriba va o'zaro maslahat dasturlarini taqdim etish orqali o'qitish qobiliyatini oshirishga yordam berdi. Misol tariqasida o'qituvchilarni onlayn ta'lim haqida o'z g'oyalari va ma'lumotlarini baham ko'rishga undaydigan "10 000 vakil o'qituvchilar hamjamiyati"ni keltirish mumkin.

Hukumat, shuningdek, tegishli ko'rsatmalar bilan o'rtoqlashdi va o'qituvchilar, ota-onalar va talabalarga onlayn ta'lim platformalaridan foydalanishda real vaqt rejimida yordam ko'rsatdi va raqamli tafovutni bartaraf etish uchun xususiy sektor bilan ishladi. Bundan tashqari, minglab talabalarga ijaraga olinadigan qurilmalarni nol narxda taqdim etadi va nochor talabalarni onlayn darslarga jalb qilishni ta'minlash uchun ushbu siyosatni ta'lim muassasalariga taklif qildi.



Janubiy Koreya oliy ta'limi onlayn ta'limni qanday qabul qilgan
Rasm: Koreya Iqtisodiy kundaligi

Biroq Janubiy Koreyaning ta'sirchan IT infratuzilmasi va hukumatning onlayn ta'limni joriy etish bo'yicha faol qadamlari onlayn ta'limning keng tarqalgan qabul qilinishiga olib kelmaydi. Misol uchun, yaqinda o'tkazilgan so'rov talabalarning onlayn o'rganish tajribasidan juda past qoniqish darajasini ko'rsatdi, hattoki talabalarning 50%i , ikkinchi semestrda ta'tilga chiqishni o'ylashgan. Bu talabalar noroziligiga asosiy sabab sifatida dars sifati pastligi (37,9%) va o'qish to'lovidan noroziligi (28%)ni ko'rsatish mumkin. Bundan tashqari, talabalar ham, o'qituvchilar ham onlayn sinf muhitida samarali muloqot qilish uchun texnik ko'nikmalarga ega emaslar. Buning ajablanarli joyi yo'q, chunki talabalar ham, professorlar ham masofaviy ta'lim muhitida o'zaro aloqada bo'lishga o'rganilmaganligini aytishdi. Bundan tashqari, onlayn ta'lim uchun standartlashtirish siyosatining yo'qligi maktablar o'rtasida turli xil operatsiyalarni keltirib chiqardi, bu esa ta'limdagi tafovutni yanada yomonlashtiradi.

Xulosa qilib aytganda, onlayn platformalar va texnologiyalar yuzma-yuz darslardagi kabi ta'lim mazmunini samarali yetkazib berishga tayyor emas. Muhandislik maktablarida ahvol bundan ham yomonroq: Turli universitetlarning muhandislik bo'limlari talabalari va professor-o'qituvchilariga qaratilgan so'rovda 33% darslar samarasiz ekanligini aytdi. Faqat 5% darslardan qoniqishini bildirgan. Professorlar orasida fan va muhandislik professorlarining 42 foizi noroziligini bildirdi va faqat 12 foizi qoniqarli deb baxolandi. Ushbu topilmalar shuni ko'rsatadiki, ba'zi darslar eng yaxshi oflayn rejimda o'tkaziladi. Yechim sifatida virtual haqiqat taklif qilinayotgan bo'lsa-da, bu texnologiyani amalda amalga oshirish uchun biroz vaqt kerak bo'ladi. Xuddi shunday, universitet prezidentlari institutlarni isloh qilish va tarkibni tayyorlashdagi qiyinchiliklar, qo'shimcha moliyaviy resurslar bilan ta'minlash uchun bosimlarni boshqarish, onlayn ta'limni amalga oshirishda davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanmaslik va texnologiyalarni joriy etishga keng tarqalgan qarshilikni boshqarish kabi boshqa muammolarni ham keltirib o'tadilar (quyidagi rasmga qarang). ta'limda.



Onlayn rejimga o'tish muammosiz emas, deydi xususiy universitetlar prezidentlari Rasm: Dong-A Ilbo

Onlayn ta'limning cheklovlari bundan tashqari, kollejdagi ta'limning ba'zi jihatlarini, jumladan, tengdoshlar bilan o'rganish va professorlar bilan o'zaro aloqalar, yotoqxona hayoti va kollej o'yinlarini "kattalashtirish" mumkin emasligi aniq. Shu sababli, universitetlar va kollejlar yaqinda gibrid ta'lim modelini joriy qilishni boshladilar, unda darslar onlayn va oflayn rejimda o'tkaziladi. Ushbu rivojlanayotgan tendentsiya bizga "gibridtaktli" ta'limning yangi davrini tasavvur qilish imkonini beradi (quyidagi rasmga qarang), bu erda onlayn (kontaktsiz) ta'lim va oflayn (kontakt) sinflarning eng yaxshi xususiyatlari eng yaxshi o'qitish va o'rganish tajribasini taqdim etish uchun optimallashtirilgan. o'qituvchilar va talabalar. Masalan, internet va onlayn o‘quv platformalarining imkoniyatlaridan foydalangan holda, ta’lim muassasalari millionlab talabalarning arzonroq ta’lim olish imkoniyatlarini kengaytirish uchun o‘z resurslarini optimallashtirishlari mumkin. Ommaviy ochiq onlayn kurslar (MOOCs) va Georgia Techning informatika bo'yicha onlayn magistrlari kabi kurslar bu ajoyib imkoniyatlarga misoldir.

Janubiy Koreya bu davrning kelishiga uzoq vaqtdan beri tayyorgarlik ko'rdi; masalan, Fan va AKT vazirligi K-MOOC ni joriy qildi, u oliy darajadagi fan universitetlariga mo'ljallangan va hamma uchun ochiqdir. Biroq, qabul qilish sekin kechdi va u hali ham kam obunachilariga ega bo'lib qolmoqda.



"Gibridtakt" yondashuvi Rasm: mualliflar

Tizimli o'zgarishlarga ehtiyoj

Ta'limning kelajagi "gibridtakt" degan fikr paydo bo'ldi. Biroq, bu hayajonli kelajakni amalga oshirish uchun hukumatlar infratuzilma va undan foydalanishga qaratilgan chora-tadbirlar doirasidan tashqariga chiqadigan ta'lim islohotlarini ko'rib chiqishi kerak. Janubiy Koreya misoli shuni ko'rsatadiki, ta'lim islohoti uzoq muddatli fikrlash va texnologiyalarni, jumladan, onlayn platformalar, sun'iy intellekt va bulutli hisoblashni ta'lim tizimining ajralmas tarkibiy qismlariga aylantirishga qaratilgan tizimli o'zgarishlarni talab qiladi. Hukumatlar, shuningdek, keng miqyosda o'qituvchilar, professorlar, talabalar va ota-onalar uchun treninglar va mashg'ulotlarni osonlashtirishi kerak.

Bundan tashqari, biz o'qitish va o'rganishni o'zgartirishimiz kerak; madaniyatlarni o'zgartirish va professorlar, o'qituvchilar, talabalar va ota-onalar uchun rag'bat yaratish bo'yicha ko'p mehnat qilish va ta'lim biznes modellarini yangi davr talablariga mos ravishda o'zgartirish. Shu sababli, biz hukumatlar va manfaatdor tomonlarga mavjud onlayn o'qitish va o'rganish tajribasi bilan sinonimik bo'lgan texnologiya qarshiligini yumshatish uchun texnologiyaga mos muhitni targ'ib qiluvchi siyosatlarga e'tibor qaratishni taklif qilamiz. Oxir oqibat, bu "gibridtaktik" ta'lim bo'yicha ijtimoiy ishonch va kelishuvning rivojlanishiga olib kelishi mumkin.

Ikkinchidan, tizim va ijtimoiy o‘zgarishlarga qaratilgan siyosatlar bilan bir qatorda onlayn ta’lim infratuzilmasini (masalan, platformalar, qurilmalar va internetga ulanish) qo‘llab-quvvatlovchi siyosatni amalga oshirish zarur. Ikkinchisi talabalar, o'qituvchilar va maktab xodimlarini onlayn ta'limga o'rgatish uchun o'quv dasturlarini amalga oshirish, universitet tizimlarini isloh qilish va institutlar hamkorligini rag'batlantirish kabi imkoniyatlarni o'z ichiga oladi.

Nihoyat, manfaatdor tomonlar bilan maslahatlashgandan so'ng, masofaviy ta'limning huquqiy asoslarini yaratish va ta'lim muassasalarida onlayn standartlashtirishni rag'batlantirish uchun qonunlar va siyosatlar qabul qilinishi kerak. Bu o'qituvchilar va talabalar o'rtasidagi chalkashlikni kamaytirishga yordam beradi va ta'limdagi tafovutni yo'q qiladi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Janubiy Koreya misolida shuni ko'rsatadiki, ta'limni onlayn tarzda samarali yetkazib berish uchun zarur infratuzilma va foydalanish imkoniyati etarli emas. Texnologiyalar va manfaatdor tomonlarni keng ko'lamli o'qitish va jalb qilish imkoniyatlarini qamrab olish uchun tizimli fikrlash va tizimli islohotlarga ehtiyoj bor.

Adabiyotlar

1. www.Andong National University .kr
2.www. Changwon National University .kr
3. www.Gangneung-Wonju National University .kr
4. www.Gyeongnam National University of Science and Technology .kr
5.www.Hanbat National University .kr
6. www.Hankyong National University.kr
7.www.Incheon National University .kr
8. www.Kongju National University.kr
9.www.Korea Maritime and Ocean University .kr
10.www.Korea National University of Education .kr
11.www.Korea National University of Transportation .kr
12.www.Kumoh National Institute of Technology.kr
13.www.Kunsan National University .kr
14.www.Mokpo National Maritime University.kr
15.www.Pukyong National University.kr
16.www.Seoul National University of Science and Technology.kr
17.www.Sunchon National University.kr

ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҚСАДЛАРИ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ВА УНИНГ МОЛИЯВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Абдурахмонов Валижон Ғофурович, Андижон қишлоқ хўжалиги ва Агротехнологиялар институти доценти
Ёқубов Тоҳиржон Ғаниевич, Андижон қишлоқ хўжалиги ва Агротехнологиялар институти катта ўқитувчиси

Аннотация:Ўзбекистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон бозорига экспорт қилишда ер ресурларидан самарали фойдаланиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ушбу мақолада мамлакатимизда ер участкаларини ажратишнинг шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулкий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, шунингдек ернинг иқтисодий қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик ҳуқуқий муомаласининг объекти сифатида эркин муомалага киритишнинг жорий этиш тартиби ва унинг молиявий хусусиятлари, ҳамда соҳани ривожлантириш бўйича давлатимиз томонидан қабул қилинган ҳуқуқий, меъёрий хужжатларнинг аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: мул ва ижара ҳуқуқи, доимий фойдаланиш ҳуқуқи, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, талабгор, электрон онлайн-аукцион, кластер, фермер, деҳқон хўжаликлари, молиявий қўллаб -қувватлаш.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 20 миллион 236,3 минг гектар ер майдони мавжуд бўлиб, бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланади. Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини ва экспорт салоҳиятини таъминлаш учун ер ресурларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда.

Ушбу вазифаларни самарали ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 8 июндаги ПФ–6243-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 709-сон қарори қабул қилиниб, қуйидагилар тасдиқланди:

- Деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти;
- Юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти;
- Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом.

Ушбу меъёрий хужжатга асосан туман (шаҳар) ҳокимликлари манфаатдор давлат ташкилотлари билан биргаликда ҳар йили ноябрь ойига қадар ер участкаларини тақдим этиш бўйича таклифлар тайёрлайди. Таклифлар тасдиқлаш учун халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясига киритилади, шундан сўнг очиқ электрон танловга қўйилади.

Шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом қуйидагиларни белгилайди:

- шартнома тузиш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби;
- инвестиция шартномаси ёки ДХШ (давлат хусусий шерикчилик) асосида фойдаланишга киритилган ер участкаларини иккиламчи ижарага беришнинг алоҳида хусусиятлари;
- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага берганлик учун тўловлар.

Низом қоидаларига асосан:

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан агросаноат кластерлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, чет эл жисмоний ва юридик шахсларига ижарага берилган ер участкаларига;

- давлат органлари ва ташкилотларига берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига (ўрмон фонди ерларидан ташқари);
- давлат органлари ва ташкилотлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга инвестиция шартномаси ёки ДХШ асосида ижарага берилган ва улар томонидан фойдаланишга киритилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига татбиқ этилади.

Қуйидаги ер участкалари иккиламчи ижарага берилмайди:

- деҳқон ва томорқа хўжаликларига берилган ер участкалари (Ер кодекснинг 24^3-моддасига мувофиқ вақтинча фойдаланишга берилиши мумкин);
- жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги учун берилган ер участкалари;

инвестиция шартномаси ёки ДХШ шартлари асосида ижарага берилиб, фойдаланишга киритилмаган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини ижарага бериш тартиби белгиланди. ***Унга кўра:***

Ҳар йили 1 ноябргача ҳокимликлар деҳқончилик ташкил қилиш учун очиқ электрон танловга чиқариш лойиҳаларини тайёрлаб, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясига киритади.

Сессияда маъқулланган лойиҳалар Давлат кадастрлари палатаси томонидан келиши учун "Ўздаверлойиҳа" институтига юборилади.

Жисмоний ва юридик шахслар бўш ерлар тўғрисидаги маълумотларни очиқ танловга қўйиш юзасидан «E-IJARA» тизимига таклифлар киритиши мумкин. Бунда таклифлар 5 иш кунида ўрганилиб кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун ҳокимликларга юборилади ёки таклиф рад этилади**.**

"Ўздаверлойиҳа" институти ерни жойига чиққан ҳолда ўрганади ва ер тузиш лойиҳасини тайёрлайди.

Лойиҳа ваколатли органлар билан келишилади ва ҳоким томонидан лойиҳа тасдиқланиб "Ўздаверлойиҳа" институти томонидан «E-IJARA» тизими орқали «E-AUKSION» платформасига юборилади**.**

Очиқ танловда иштирок этиш учун талабгорлардан қуйидагилар:

«E-AUKSION» орқали ариза юборади;

БҲМнинг 1 баравари миқдоридаги закалатни махсус ҳисобга киритади ("дафтар"ларга киритилганлардан закалат талаб қилинмайди).

Танлов талабгорларининг рўйхати, танлов таклифлари ва уларга берилган баллар танлов куни соат 10:00 да эълон қилинади.

Талабгорларни баҳолаш мезонлари қуйидагича:

- улар томонидан яратиладиган иш ўрни
- кредит тарихи
- мутахассислиги
- ўз еридан фойдаланаётганлиги
- ишсиз оила аъзолари сони
- "дафтар"ларга киритилганлиги

Энг кўп балл олган талабгор ғолиб бўлади, 2 та талабгор бали тенг бўлганида биринчи ариза берган ғолиб бўлади.

Ғолибга шартномани имзолаш учун 5 иш куни берилади ва 3 иш кунида ғолибга ернинг аниқ чегаралари белгилаб берилади.

Қарорга билан:

Юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижарага бериш белгиланди. Унга кўра:

Ҳокимликлар ҳар йили 1-ноябргача деҳқончилик ташкил қилиш учун очиқ электрон танловга чиқариш лойиҳаларини тайёрлайди ва тасдиқлаш учун халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясига киритади.

Сессияда маъқулланган лойиҳалар Давлат кадастрлари палатаси томонидан келиши учун "Ўздаверлойиҳа" институтига юборилади**.**

Талабгорлар бўш ерлар тўғрисидаги маълумотларни очиқ танловга қўйиш юзасидан «E-IJARA» тизимига таклифлар киритиши мумкин.

"Ўздаверлойиҳа" институти ерни жойига чиққан ҳолда ўрганади ва ер тузиш лойиҳасини тайёрлайди.

Лойиҳа ваколатли органлар билан келишилади ва ҳоким томонидан лойиҳа тасдиқланиб "Ўздаверлойиҳа" институти томонидан «E-IJARA» тизими орқали «E-AUKSION» платформасига юборилади.

Ерлар қуйидаги ҳажмларда ижарага берилади:

- сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик учун –камида 3 гектар;
- чорва озуқа экинлари учун 1 бош чорвага суғориладиган ерда –камида 0,3 гектар,лалми ерда камида 1 гектар, яйлов ва пичанзорларда – камида 2 гектар;
- пахта ва ғаллачилик учун –камида 30 гектар;

• ғаллачилик ва сабзавотчилик учун – камида 10 гектар;

• сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштиришга –камида 0,01 гектар.

Очиқ танловда иштирок этиш учун талабгорлар «E-AUKSION» орқали ариза юборади:

• ер 30 гектаргача бўлганида БҲМнинг 5 баравари;

• 30 гектардан 100 гектаргача бўлганда БҲМнинг 10 баравари**;**

• 100 ва ундан кўп бўлганда БҲМнинг 20 баравари миқдоридаги закалатни махсус ҳисобга ўтказади.

Танлов талабгорларининг рўйхати, танлов таклифлари ва уларга берилган баллар танлов куни соат 10:00 да эълон қилинади.

Энг кўп балл олган талабгор ғолиб бўлади, 2 та талабгор бали тенг бўлганида биринчи ариза берган ғолиб бўлади.

Ғолибга шартномани имзолаш учун 5 иш куни берилади ва 3 иш кунида ғолибга ернинг аниқ чегаралари белгилаб берилади.

Қабул қилинган қарорга билан:

Қишлоқ хўжалилига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш тартиби белгиланди. Унга кўра:

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга иккиламчи ижарага (учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз) берилади.

Ер участкаларни иккиламчи ижарага берувчи юридик ва жисмоний шахслар ўз ташаббуси билан ихтиёрийлик асосида иккиламчи ижарага олувчининг розилиги билан ёзма ёки электрон шаклда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш тўғрисида шартнома тузади.

Тузилган иккиламчи ижарага бериш шартномаси Кадастр палатаси томонидан электрон тизим орқали давлат реестрига киритилади.

Реестрга киритганлик учун БҲМнинг 5 фоизи миқдорида тўлов ундирилади ("дафтар"ларга киритилганлардан тўлов ундирилмайди).

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар оралиқ экинларни экиш учун 1 йилгача ижарага берилади.

Шартномалар ихтиёрийлик асосида ижарага берувчининг ташаббуси билан ёзма, қоғоз ёки электрон шаклда камида 4 нусхада тузилади.

Қуйидаги ҳолларда шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилади:

• мурожаат ваколатсиз шахс томонидан имзоланган ёки умуман имзоланмаганида;

• ерга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса;

• тўлов амалга оширилмаганда;

• ерни иккиламчи ижарага бериш мумкин бўлмаганида

Иккиламчи ижара учун тўловлар тарафлар келишувига мувофиқ белгиланиши меъёрий хужжатда батафсил ёритилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. – 56 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси" 1998 йил 30 апрель, №598-I.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 709-сонли " Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори.www.lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида» 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон қарори.
6. А.Г. Ибрагимов, З.Р.Мадаминова, М.Э.Рахматуллаев, "Молиявий менежмент", Т-"Баркамол файз медиа" нашриёти, 2016.
7. "Ecocluster" has started the franchise first in Russia on ecomarket.//Internet magazine «Agriculture in Russia». [The Electronic resource] - an access Mode://11-12-2012/

SOHADA O'ZBEK TILINING QO'LLANISHI FANINI TASHKIL ETISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI

Faxriniso Oxunjonova Arabboy qizi
Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti assistenti
O'rmonova M. , Valiyev T., Teshaboyeva M.,
Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti talabalari

Avvalo, yangi O'zbekiston ma'rifatli jamiyatini yaratishda yoshlarning o'rni haqida fikr yuritishdan oldin, yoshlarni qo'llab-quvvatlashga qaratilgan bir qator islohotlar haqida so'z yuritsak. Hammamizga ma'lumki, mamlakatimizda yoshlarni har bir sohada yetakchi va o'z o'rnini topishda ko'maklashish hamda ularni yetuk kadr sifatida shakllantirish davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Qonunchilik palatasi tomonidan 2016-yilda qabul qilingan O'RPQ-406-sonli "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi Qonun ham yoshlarga e'tiborning yaqqol isbotidir. Ushbu Qonunning maqsadi yoshlarga oid davlat siyosati sohasidagi munosabatlarni tartibga solishdan

iborat bo‘ldi. Ushbu Qonun negizida davlatimiz rahbari tomonidan yoshlarni qo'llab-quvvatlash maqsadida bir qator qarorlar va farmonlar ham qabul qilindi. Shuning bilan birga yoshlarning yetuk mutaxassis, vatanparvar kadr, millat iftixori bo‘lib yetishishlari uchun davlat tili- o‘zbek tilini yanada takomillashtirishga qaratilgan bir qator chora -tadbirlar ishlab chiqildi. Bunday prezident farmonlarining natijasi o‘laroq 2021-o‘quv yilidan boshlab oliy ta'limda, nofilologik yo‘nalish talabalariga ham "Sohada o‘zbek tilining qo‘llanishi" fani dasturga kiritilib, talabalarni bu fanni mukammal o‘rganishi uchun alohida e'tibor berilmoqda. Mazkur fan talabalarda madaniy nutqni shakllanishi, lotin yozuviga asaoslangan o‘zbek alifbosida yozma savodxonlikni rivojlantirishda muhim vazifa bajaradi. Ma'lumki, lotin yozuviga asoslangan o‘zbek alifbosi amalga tatbiq etilganligiga ancha yillar bo‘lgan bo‘lsa ham, turli davlat tashkilotlarida hali hamon krill alifbosidan foydalanilmoqda. Bu esa milliy alifbomiz, shuning bilan bir qatorda milliy tilning rivojiga soya solmoqda. Zero, Abdulla Avloniy aytganidek: "Til- milat ko‘zgusidir"mm[47].

Talabalarga o‘zbek tilini o‘qitishda turli xil innovatsion ta'lim metodlaridan foydalanish samarali usllardan biridir. Boisi oliy ta'lim talabalariga o‘zbek tilining o‘qitilishidan asosiy maqsad: ularning davlat tilida erkin muloqot madaniyatini tashkil etishga qaratilgan. Shuning bilan birga talabani har bir mashg‘ulotda qo‘llanmalarga muvofiq berilgan bilimlarni takrorlash yoinki uni qayta gapirib berishga majburlash emas, shu bilim asosida yangi ko‘nikma va malakalar hosil qilishi, o‘zi uchun biror yangilikni kashf etishi lozim. Chunki bizni maqsad soha mutaxassisining nutqiy madaniyatini shakllantirishdir. Yuqorida ta'kidlaganimizdek bunda interfaol usullarning o‘rni beqiyos.

Talabalarning og‘zaki va yozma nutqini rivojlantirishda dastlab, "Insert" usulini qo‘llash ancha samarali. Bu metod talabaning ta'limning dastlabki bosqichida olingan bilim bilan bugungi kunda o‘zlashtirgan bilimlarni bog'lash uchun xizmat qiladi.

"Integratsiya" usuli ham talabalarning og‘zaki nutqining rivojlanishida samarali usul. Uning uchun talabaga badiiy dabiyot namunalaridan misollar berish lozim. Ayniqsa, bunda Anvar Obidjonning "Ignabarg she'rlarlar"idan foydalanish fikrlashga undaydi. Chunki bu she'rlarda "til idroki, birinchi navbatda inson uchun belgi, ma'no, dunyoning modal obrazi shaklida mavjud bo‘ladi".[48]

"Klaster" usuli ham og'zaki, ham yozma madaniy nutqning rivoji uchun ahamiyatli usuldir. Doskaga talaba mutaxassisligiga oid so‘z yoziladi. Talabadan uning sinonimlarini yozish talabi qo‘yiladi. Bu usul bilan talabaning so‘z boyligi oshishiga, uning nutqidagi turli "parazit" so‘zlarning kamayishiga erishish mumkin.

Bo‘lajak soha mutaxassislarining og‘zaki nutqini rivojlantirishda alliteratsiya usulida yaratilgan she'riyat namunalaridan foydalanish ham alohida ahamiyatga ega. Bunday usul talabaning nutqidagi ortiqcha to‘xtam, qaytariq va takrorlardan xalos etadi. Chunki bu she'riyatda barcha so‘zlar bir xil harflardan iborat bo ‘ladi.

---

[47] Avloniy A. Tanlangan asarlar.- Toshkent. 2004.
[48] Yo‘lchiyev Q. Poetik olam sirlari.-Toshkent. Akademnashr.2012. 4-bet

Sohada o‘zbek tilining o‘qitishda hujjat yuritish asoslariga ham alohida e’tibor berish darkor. Boisi talabalar bo‘lajak mutaxassislardir. Hujjat turlarini o‘qitishda tarqatma materiallardan foydalanish juda katta natija kasb etadi.

Bo‘lajak soha mutaxassislarni, yangi O‘zbekistonning bo‘lajak egalarini tarbiyalash, ularni kreativ fikrlovchi, mustaqil shaxs bo‘lib ulg‘aytirish pedoglarning oldidagi eng muhim va dolzarb masaladir. Bunda interfaol metodlardan foydalanish ta’lim samaradorligini hamda kutilayotgan sifatli kadrlarni tarbilashda asosiy o‘rin egallaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Avloniy A. Tanlangan asarlar.- Toshkent.: O‘qituvchi.2004. 31-b.
2.Yo‘lchiyev Q. Poetik olam sirlari.-Toshkent.: Akademnashr.2012.4-b
3.Shayakubov Sh. Interfaol ta’lim usullari.-Toshkent.: Tafakkur bo‘stoni. 2012

OTM DA KREDIT-MODUL TIZIMINI YO`LGA QO`YISH ZARURIYATI HAMDA UNI AMALGA OSHIRISH TENDENSIYALARI

Mamatqulova Nilufar Boyzoq qizi
Andijon Qishloq Xo'jaligi va Agrotexnologiyalar insituti
O'zbek tili pedagogika va jismoniy madaniyat kafedrasi assisenti
998905430671

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktyabrdagi PF- 5847-son Farmoni bilan tasdiqlangan “O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi”da oliy ta’limjarayonlariga raqamli texnologiyalar va zamonaviy o‘qitish usullarni joriyetish, yoshlarni ilmiy faoliyatga keng jalb etish, korrupsiyaga qarshi kurashish, muhandislik-texnik ta’lim yo‘nalishlarida tahsil olayotgantalabalar ulushini oshirish, kredit-modul tizimini joriy etish, o‘quv rejalarida amaliy ko‘nikmalarni oshirishga qaratilgan mutaxassislik fanlari bo‘yicha amaliy mashg‘ulotlar ulushini oshirish bo‘yicha aniq vazifalar belgilab berilgan [1.68].

Mamlakatimiz ta’lim tizimi uchun yangilik bo‘lgan kredit-modul tizimi, uning mazmun-mohiyati, tizimda qo‘llaniladigan atamalar va tushunchalar hamda ularning mazmuni, tizimda o‘quv jarayonini tashkil etish borasida ko‘plab olimlarimiz tomonidan qo‘llanmalar, maqolalar chop etilmoqda. Jumladan, 2020 yilda B.Sh.Usmonov, R.A.Xabibullaevlar tomonidan “Oliy o‘quv yurtlarida o‘quv jarayonini kredit-modul tizimida tashkil qilish” nomli o‘quv qo‘llanma chop etilgan bo‘lib, unda kredit-modul tizimi haqida batafsil ma’lumotlar berilgan. O‘quv qo‘llanmada kreditmodul tizimining paydo bo‘lishi va rivojlanish tarixi, turli xorij

mamlakatlarida, jumladan, AQSh, Ispaniya, Shvesiya, Gollandiya, Buyuk Britaniya, Yaponiya ta'lim tizimida qo'llanilishi va o'ziga xosligi haqida bayon etilgan.[2. 250-256]

Muammo shundaki, fanlarni talaba tanlaydi.Shu sababli, talabalarning o'quv fanlarini tanlash tamoyillarini ishlab chiqish dolzarb bo'lib turibdi.

Birinchi tamoyil: Tayyorlash. Mazkur tamoyilga ko'ra, professoro'qituvchilar tomonidan majburiy va tanlov fanlari blok tarzda tayyorlanadi. O'quv fanlari bo'yicha tayyorlangan materiallar mavzular tavsifi, amaliy mashg'ulotlar tartibi va mustaqil ta'lim shakllarida tayyorlanadi.

Ikkinchi tamoyil: O'rganish. Ta'kidlab o'tilgan Nizomga ko'ra, talaba o'quv yilining boshida bir hafta davomida o'zlashtirishi lozim bo'lgan majburiy va tanlov o'quv fanlarini tanlashi kerak [4.80].

Uchinchi tamoyil: O'zlashtirish. Talaba majburiy va tanlov fanlarini o'quv yili davomida kredit to'plash bilan o'zlashtiradi. Biroq talabaning o'zlashtirish jarayonini kuzatish va aniqlash murakkab kechadi. Bunda agar o'quv fanlari ketma-ketlikda va kutilgan talabalar darajasida tanlangan bo'lsa, talabaning o'zlashtirishi yengil kechadi.

To'rtinchi tamoyil: Sharoit. O'qitishning kredit-modul tizimida oliy ta'lim muassasalarining kafedralari zimmasiga eng ko'p vazifa tushadi. Shu jihatdan har bir kafedrada o'quv fanlarini tanlashga ko'maklashuvchi Tartib va Ishschi guruxning mavjud bo'lishi maqsadga muvofiq bo'ladi.[4.134-136]

Oliy ta'lim tizimida:

– respublikamiz oliy ta'lim tizimiga kredit-modul tizimini joriy etishda millatimizning o'ziga xos xususiyatlari va milliy mentalitetni e'tiborga olish lozim;

– shaffoflikni ta'minlashga, ya'ni talabalarning ta'lim jarayonlariga taalluqli bo'lgan barcha ma'lumotlarni talabalarga oldindan, aniq, tushunarli, to'liq va shaffof tarzda yetkazishga alohida e'tibor qaratish [3.42];

– ta'lim dasturiga muvofiq majburiy o'qitiladigan va tanlov asosida o'qitiladigan fanlar, ularning mazmun-mohiyati, talabaga bilimlarni o'rganishga qo'yiladigan talablar yoki baholash mezonlarini va dars o'tuvchi professor-o'qituvchilar haqida ma'lumotlar bazasini shakllantirish maqsadga muvofiq bo'ladi.

● kredit-modul tizimi bilan tanishtirish va bu tizimda faoliyat yuritish asoslari haqida OTM professor-o'qituvchilari va talabalar bilan doimiy tarzda treninglar, seminarlar, master-klasslar va bahsmunozaralar uyushtirib borish;

● OTMlar o'rtasida o'zaro tajriba almashish va hamkorlikni yo'lga qo'yish;

● kredit-modul tizimida talabalarning vazifalari, burchlari va huquqlari haqida maxsus qo'llanma tayyorlash;

● kredit-modul tizimi, uning mazmunmohiyati, o'qish jarayonining borishi, baholash tizimi haqida ota-onalar uchun qisqa yozma ma'lumotnomalar tayyorlash va ota-onalarga yetkazish, ular bilan uzluksiz muloqotda bo'lib turish maqsadga muvofiq bo'ladi.

ADABIYOTLAR RO`YXATI

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktyabrdagi "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5847-son Farmoni.

2. Usmonov B.Sh., Xabibullaev R.A. Oliy o'quv yurtlarida o'quv jarayonini kreditmodul tizimida tashkil qilish. O'quv qo'llanma. – Toshkent, TKTI, 2020. - 120 bet.

3. Metodicheskie rekomendatsii po vnedreniyu v vuze sistemы zachetnых yedinis (kreditov) / [Tekst] /. Gosudarstvennыy universitet upravleniya, Sentr kachestva [sost. O.V. Davыdova, V.I. Zvonnikov, M.B. Chelыshkova]. – M.: GUU, 2010. – 50 s.

инновацион инсон капиталини ОТМ билан ўзаро манфаатли лойиҳавий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган давлат ва жамият бошқаруви, илмий-тадқиқот, бизнес ва бошқа ишлаб чиқариш ташкилотларига мақсадли трансфери ва тижоратлаштирилишига бизнес-инкубацион шаклда ташкилий, ҳуқуқий, моддий-техник ва молиявий йўналишларда ўқув, услубий, консультацион ва амалий кўмаклашувчи ва қўллаб-қувватловчи Скрам-Марказни ОТМлар ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил қилиш ва унинг фаолият механизмларини амалга ошириш.

Скрам-марказ лойиҳасининг вазифаси – Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлатнинг инклюзив-инновацион ижтимоий-иқтисодий ривожланиш сиёсати доирасида ОТМлар ва уларнинг лойиҳавий ҳамкорлари базаларида турли лойиҳаларни амалга ошириш, улар натижаларининг трансфери ва тижоратлаштирилиши учун кенг имкониятлар яратиш, тадқиқот ва инновацияларни, бозорда талаб қилинган бизнес ташаббусларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий қилиш, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларига ОТМ тадқиқот натижалари, инновациялари ва бизнес ғояларини кенг жорий қилиш, ОТМлар ва улар лойиҳавий ҳамкорларининг узоқ муддатли ўзаро манфаатли кооперация алоқаларини ривожлантириш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш каби муаммолари (жумладан бундай муаммолар билан бир қаторда ОТМларнинг бакалавриатура ва магистратура талабалари, стажер ва ёш тадқиқотчиларини кафедраларнинг илмий, олий таълим, инновацион ва бизнес лойиҳаларини лойиҳавий ҳамкорлар билан ўзаро манффатли ҳамкорликда амалга ошириш асосида уларни лойиҳавий маҳсулотлар билан бирга ушбу маҳсулотларнинг компетент яратувчилари ва ажралмас илмий-академик инновацион кадрлари (яъни *Скрам*-команда иштирокчилари сифатидаги инновацион инсон капитали бўлмиш кадрларининг ҳоҳиш-истаги билан) сифатида лойиҳавий ҳамкорлар фаолиятига мақсадли трансфер қилиниши (тижоратлаштирилиши) асосида муносиб иш ўринлари билан таъминлаш муаммоси) ечимига эришишга кўмаклашиш. Бунда лойиҳалар ОТМ бакалавриат ва магистратура талабаларининг ихтисослик фанлар бўйича курс ишлари, битирув-малакавий ва магистрлик диссертация ишлари ҳамда докторантларининг PhD ва DSc диссертация ишларини кафедралар илмий ишлари мавзулари билан ўзаро боғлиқлигини ва бу мавзуларни лойиҳавий ҳамкорларнинг илмий-амалий, инвестицион-инновацион ривожланиш режа, дастур, стратегиялари билан уйғунлигини таъминлайди.

Лойиҳавий интеграция ёндашуви олий маълумотли кадрларни таёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш (қисқача – Edu), илмий-тадқиқот (қисқача – Research), синалган ва бозорига эга бизнес (қисқача – Business), инновацион бизнес (қисқача – Start Up) мақсадларига йўналтирилган лойиҳа турлари

бошқарилишига мослаштирилган Edu-Scrum, Research-Scrum, Business-Scrum, StartUp-Scrum усулларининг қўлланилишини назарда тутади.

Скрам-Марказнинг тузилмасига дирекция, Илмий ва инновациялар ҳамда бизнес парки, Edu-Скрам доирасида фаолият юритувчи "Лойиҳаларни бошқариш ва молиялаштириш" номли магистратура мутахассислигининг амалий йўналиши (ўқиш муддати 15 ойлик кундузги, кечки, сиртқи бўлимлари) дастури, битирувчи талабаларнинг "Бизнес юритиш" бўйича қўшимча малакага (квалификацияга) эга бўлиш ҳуқуқини амалга ошириш доирасидаги фанларни ўқитиш дастури, малака ошириш дастури кириши тавсия қилинади. Скрам-Марказнинг Илмий ва инновациялар ҳамда бизнес парки таркибида фаолият юритувчи Бэк-офисларда турли лойиҳалар Скрам-командалар томонидан ишлаб чиқилиб бошқарилади ва уларнинг маҳсулотлари Фронт-офислар орқали лойиҳавий ҳамкорлар фаолиятига жорий қилинади, трансферлантирилади ва тижоратлаштирилади (бунда Фронт-офислар бошқарилувчи лойиҳалар маҳсулотларининг эгалари худудида очилиб, уларда *Скрам*-командалар ва Скрам-мастерлар буюртмачилар билан бирга ишлайди).

Скрам-Марказни молиялаштириш механизми ишлаб чиқилган бўлиб, унинг функциялар: режалаштириш; бошқариш; мувофиқлаштириш, назорат ва тартибга солиш.

ТРАНСПОРТ ТИЗИМИДА ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШНИНГ ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТНИ ЎРНИ

Алишеров З.З. Южно-Уральский Государственный Университет «Факультет экономика безопасность» Студент Кафедра менеджмент

Ўринов Д.Ў. Андижон машинасозлик институти "Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси" кафедраси ассистенти.
Телефон: +(998)90 548-72-74, e-mail: orinov.d12345@gmail.com

Аннотация

Мазкур мақола йўловчи ташиш транспорти тизимида инновацион маркетинг технологияларидан фойдаланишнинг илмий-назарий жиҳатлари ўрганилган. Транспорт хизматлари бозорида истеъмолчиларни жамоат транспортидан фойдаланишини кенгайтириш борасида тахлил амалга оширилган. Шунингдек, йўловчи ташиш транспорти бозорида инновацион маркетинг технологияларини ишлаб чиқишни рағбатлантирувчи омиллар тизимлаштирилиб, улардан фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

Калит сўзлар: транспорт, йўловчи ташиш транспорти, маркетинг, инновацион маркетинг, маркетинг стратегияси, хизматлар бозори, мативация, жамоат транспорти.

Аннотация

В данной статье изучены научно-теоретические аспекты использования маркетинговых технологий в системе пассажирского транспорта. Проделан анализ в сфере расширения использования общественного транспорта на рынке транспортных услуг. Кроме того, классифицированы факторы мотивирующие выработку инновационных маркетинговых технологий на рынке транспортных услуг и определены возможности их использования.

Ключевые слова: транспорт, пассажирский транспорт, маркетинговая стратегия, инновационный маркетинг, рынок услуг, мотивация, общественный транспорт

Annotation

This article explores the scientific and theoretical aspects of the use of marketing technologies in the passenger transport system. An analysis has been done in the field of expanding the use of public transport in the transport services market. In addition, factors motivating the development of innovative marketing technologies in the transport services market are classified and the possibilities for their use are determined.

Keywords: transport, passenger transport, marketing strategy, innovative marketing, services market, motivation, public transport

Жаҳон иқтисодиётининг муҳим инфратузилмавий тармоқларидан бири ҳисобланган транспорт тизимини ривожлантириш ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан бутун дунёда халқаро савдо ва иқтисодий алоқаларнинг глобаллашуви, ички ва ташқи бозорда юқори рақобатга эга бўлиши, инвестицион фаоллик, тадбиркорлик ва туристик салоҳияти транспорт тизимининг ривожланганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017—2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракат стратегиясида "аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш"[1] вазифларини белгилаб берилиши ҳам транспорт хизматлари бозорида маркетинг инновацияларидан фойдаланиш борасида тадқиқотлар олиб бориш заруриятини юзага чиқарди.

Ҳозирги кунда транспорт мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг таркибий қисми сифатида фан ва техника ютуқларини кенг миқёсда татбиқ этувчи улкан динамик тизимга айланди. Ушбу тизимни такомиллаштиришда эса қуйидаги :

- транспортнинг мамлакат иқтисодиёти бошқа тармоқларига нисбатан ўзига хос хусусиятлари, унинг иқтисодиётдаги роли ва вазифалари ҳамда

транспорт фаолиятини ифодаловчи асосий тамойил ва қоидаларини;

- айрим транспорт турларининг ўзига хос техник ва техник-эксплуатацион хусусиятларини, қурилиш йўлларида, транспортда ташиш ишларини бажаришдаги ютуқлар, ҳар қайси транспорт турига хос ва келажакда ҳал қилиниши зарур бўлган илмий-техник муаммоларни;
- ҳар хил транспорт турларининг бир-бирига таъсири ва уларни биргаликда ривожлантириш муаммолари, яьни ҳар хил транспорт турларидан фойдаланиш ва улар иши самарадорлигини оширишнинг амалий масалаларини ҳар томонлама кўриб чиқиш, бунда транспорт турлари ўртасида ташиш ишларини мақсадга мувофиқ тақсимлаш ва транспортнинг айрим турларини ривожлантиришни тўғри белгилаш каби муаммоларни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.Транспортнинг яхши ишлашини белгиловчи муҳим омилларидан бири унинг йўловчилар ва юк ташиш мунтазамлигидир. Аҳолини бир ердан иккинчи ерга ташишда транспортнинг аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу иш асосан йўловчи транспорти ёрдамида амалга оширилади.

Йўловчи транспортининг асосий вазифаси - меҳнаткашларни ўз вақтида иш жойларига ва ишдан сўнг уйларига етказиб қўйиш, иш жараёнида ишчи ва хизматчиларни корхона ва ташкилотлар ўртасида ташишдан иборатдир. Булардан ташқари йўловчи ташувчи транспорт аҳолининг бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжларини ўташда ҳам катта аҳамияга эгадир. Йўловчилар ташувчи транспортлар одамларнинг ўзаро алоқасини кенгайтириш, тажрибалар алмашиш, уларнинг маданий савиясини оширишга ҳам хизмат қилишдан иборатдир.

Бошқа транспорт турлари каби йўловчи транспорт тизимида ҳам аҳолига хизмат кўрсатишнинг ҳамма турларига бўлган эҳтиёжни тўла қондириш, ташиш вақтларини қисқартириб, йўловчилар ташиш тезлигини ошириш, йил давомида, кеча-ю кундуз, об-ҳаво инжиқликлари ва бошқа турли сабабларга қарамай, ташиш мунтазамлигини сақлаш, йўловчиларга имкони борича қулайликлар яратиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа талаблар қўйилади.

Ушбу талабларни комплекс равишда бажариш техник-иқтисодий жиҳатдан анча мараккабдир. Шунинг учун транспорт тармоғини такомиллаштиришда инновацион менежментни яъни фундаментал ва барча амалий соҳалардаги мавжуд техника, технология, иқтисодий, ташкилий ва бошқарув ишларида янгидан-янги имконятларни қўллаш йўловчи ташиш транспорти тизимдаги муаммоларни ҳал этишнинг бир йўлидир. Автотранспорт корхоналарининг инновацион фаолиятини бошқариш учун корхоналарда "инноватор"лар бўлимини ташкил этиб, инноватор кадрларнинг потенциалидан унумли фойдаланиш керак. Инноватор кадрларга қўйиладиган талаблар;

- ✓ корхона истиқболини ва мавжуд муаммоларини яхши билиш;
- ✓ маълум ижодкорлик қобилиятларига эга бўлиш;
- ✓ корхоналарнинг ички имкониятларини аниқлаш ва фойдаланиш;
- ✓ ўз мухандислик потенциалини ошириш;
- ✓ технологик қайта куролланишга алоҳида эътибор бериш;
- ✓ доимий ўзгаришлар руҳини шакллантириш;
- ✓ истиқболли натижа берадиган фаолият учун ўзининг маъсулиятини
- ✓ сезиш ҳамда вақт ва ресурслар ажратиб бориш;
- ✓ корхонада ижодкорлик муҳитини яратиш ва ривожлантириш.

Демак, корхонада амалга ошириладиган инновация тадбирлари муваффақиятини таъминловчи омиллардан энг асосийси – бу инсон омилидир. Автомобил транспортини инновацион бошқариш учун эса янгиликларни қидириб топувчи ва тарқатувчи инноватор ижодий жамоаларни ташкил қилиш зарурдир.

Адабиётлар

6. Уринов, Д., Собиров, Р., & Махаммаджонов, З. (2019). ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ КАТУШКИ, ВОРОШИТЕЛЯ И ИХ СКОРОСТНЫХ РЕЖИМОВ ВЫСЕВАЮЩЕГО АППАРАТА СЕЛЕКЦИОННОЙ ХЛОПКОВОЙ СЕЯЛКИ. Ин *Образовательная система: новации в сфере современного научного знания* (пп. 338-341).
7. Насиров, И. З., & Уринов, Д. О. (2021). Тҳе техсҳнологй оф обтаининг энвиронменталлй слеан фуэл фор веҳислес. Ссиэнтифис анд тесҳнисал жоурнал оф НамИЭТ (Наманган муҳандислик технология институти илмий-техника журнали), Наманган: НамМТИ, 188-193.
8. Улмасбоэвисҳ, У. Д., & Нурмуҳаммад ўғли, Р. Х. (2021). БИО-ФУЭЛ ИНДУСТРЙ АНД ИТС САПАБИЛИТИЭС. Барқарорлик ва Етакчи Тадқиқотлар онлайн илмий журнали, 1(5), 14-21.
9. Насиров, И. З., Уринов, Д. Ў., & Рахмонов, Х. Н. (2021). Плазмали электролизерни синаш. Ин ИННОВАТИОН ИН ТҲЕ МОДЕРН ЭДУСАТИОН СЙСТЕМ: а соллестион ссиэнтифис воркс оф тҳе Интернатионал ссиэнтифис сонференсэ (25тҳ Марсҳ, 2021)–Васҳингтон, УСА:" СЭСС (пп. 323-327).
10. УРИНОВ, Д., МАМАЖОНОВ, Ж., МЕЛИКУЗИЙЭВ, А., & ОЛИМОВ, М. Ресеарсҳ Оф Пропертиэс Оф Руббер Продустс Депендинг Он Температуре. ЖоурналНХ, 6(05), 156-158.

Qanday qilib ta'lim menejmentida muvaffaqiyatga erishish mumkin

Oygul Zokirova Toxirjonovna
Andijon tumani 71-IDUM matematika fani o'qituvchisi
Tel:93 781 68 71

Hayot yo'lida birinchi masala hayot masalasidir
Abdurauf Fitrat

Har bir davlatning kelajagini ta'limining rivoji bilan ko'rish mumkin. Ta'lim har qanday jamiyatda ham u yoki bu mamlakat ijtimoiy –iqtisodiy rivojlanishining asosiy manbaidir.Jamiyatning ravnaqi ko'p jihatdan yosh avlodning intelektual salohiyatiga bog'liqligi xalqaro baholash tatqiqotlarining maqsadida ham belgilab qo'yilgan. Zero, O'zbekiston Respublikasining 2030- yilga kelib PISA xalqaro dasturi reytingida jahonning birinchi 30 ta ilg'or mamlakatlari qatoriga kirishiga erishish hamda xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish asosida o'quvchilarning o'qish, matematika va tabiiy yo'nalishdagi fanlardan savodxonlik darajasini baholashga yo'naltirilgan ta'lim sifatini baholashning milliy tizimini yaratish vazifalari belgilangan. Jamiyatda ta'lim –tarbiya ijtimoiy- iqtisodiy tarmoqni boshqarishning ustuvor sohasiga aylanishi lozimligi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022-2026-yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to'grisida"gi farmonida ham alohida ta'kidlangan. Davlatimiz rahbari xalq ta'limini o'zgartirish, avvalo ,maktablarda boshqaruvni isloh qilish, tumandagi xalq ta'limi mudirlik va direktorligiga tanlov asosida malakali menejerlarni olib kelish zarurligini qayd etdi. Shu bois, sifatli ta'lim tizimini yaratishda asosiy xususiyatlardan biri boshqaruvchanlik va liderlik qobiliyatiga ega maktab direktorlarini tanlab olish.

Hindiston, Janubiy Koreya, Singapur kabi davlatlarning rivojlanish muvaffaqiyarlari, albatta, ilm-fan asosidadir.Rivojlangan davlatlarda ta'lim tizimi va sifat darajasi turlicha. Biror davlatning ta'lim tizimi boshqaruvini o'rganishimiz mumkin bo'lgan, bizning mentalitetimizga to'g'ri keladigan jihatlari bor.

Yevropada xavfsizlik va hamkorlik tashkiloti tomonidan ikki yilda bir marotaba a'zo davlatlar ta'lim tizimiga doir tatqiqotlar to'plami chop etiladi.Bu ma'lumotdan hukumat, ta'lim sohasidagi nodavlat tashkilotlar va biznes vakillari o'z dasturlarini amalga oshirishda foydalanishadi. Shunga o'xshash loyihalarni O'zbekistonda ham qo'llashsoha rivojiga katta hissa qo'shadi.

Masalaning ikkinchi tomoni rivojlangan davlatlarning ta'lim boshqaruvini modelini olib , qo'llab bo'lmaydi.Hech bir rivojlangan davlatlar qaysidir boshqa davlar ta'lim boshqaruv tizimini o'ziga olib kirib rivojlanmagan. O'tgan o'quv yillarda Finlandiya ta'limi o'rgandik,lekin jamiyat, siyosiy-ijtimoiy hayot va maktablardagi muhit bir-biridan farqlanishiga guvoh bo'ldik.Bir boshqaruvni qo'llab ko'rish , natija bermasa boshqasiga o'tish , ya'ni o'qituvchini metodikasini o'zgartirishni talab qilish , bularning hammasi samara bermasligi mumkin.

Prezidentimiz aytganidek, boshqaruvchanlik va liderlik qobiliyatiga ega maktab direktorlarini maktab boshqaruviga saylash. Maktablarda o'zining o'ziga xos metodlari bilan samarali ishlayotgan o'qituvchilarmiz bor. "Pedagog" – bu "bola etaklovchi". Demak, o'qituvchida qaysidir ma'noda boshqaruvchanlik qobiliyati mavjud bo'ladi.

Lider –kim?

Lider - bu boshqalar uning qarashlari va g'oyalari ortidan intilishni istaydigan shaxsdir. Liderlikka vaqtincha erishish ham mumkin, ammo haqiqiy liderni keyingi olg'a qadamlar bilan o'zgartirib bo'lmas sodiqlik ajratib turadi.

- Lider inson o'ziga ishonadi, shu xususiyat bilan bir maqsad yo'lida insonlarni ergashtira oladi;
- Hozirgi zamonda qattiqqo'llik bilan boshqarish ma'qul emas, balki mehribonlik bilan ish tutadi;
- O'z ishining mutaxassisi bo'lish ,chunki bilim o'zinga ishongan va o'zini yetakchi his qilishinga yordam beradi;
- Hal qilish qobiliyatiga ega bo'lishi , chunki mas'uliyatni o'z zimmasiga olgan insongina qaror qabul qila oladi;
- Lider insonlar g'amxo'r va samimiy insonlar bo'ladi,chunki samimiy bo'lmagan insonga ishonish qiyin,ergashib bo'lmaydi;
- Lider insonlar jamoaning bir qismi bo'ladi;
- Jamoada birgalikda harakat qiladi, Yaxshi namuna bo'ladi;
- Jamoa o'sishi uchun ularga e'tibor berishi, ular bilan individual tanishi va ularni guruhning yanada samaradorliroq a'zosi bo'lishga rag'batlantiradi;
- Lider bajarish kerak bo'lgan ishni ko'ra olishi va to'g'ri keladigan vaziyatda paydo bo'ladi;
- Kelajakdagi rejalar uchun qarorlar qabul qila olishi, qaysi usul, qaysi metoddan foydalanishi mumkinligi haqida qaror qabul qila oladigan
  kabi sifatlarga ega bo'ladigan inson.
  Shunday o'qituvchilarning ta'lim tizimini boshqarishi samaraliroq bo'lishi mumkin.

Maktabni boshqarish va natijaga erishish uchun bo'limlar va yo'nalishlarni birlashtirish har doim maktab boshqaruvi uchun katta muammo hisoblanadi.

O'quv va ma'muriy jarayonlarni qo'llab-quvvatlash uchun maktablar tizimini yuqori texnologiyali avtomatlashtirish vositalari bilan o'zgartirish ularning maqsadlariga erishishni osonlashtiradi, vaqtni tejaydi, boshqarishga qulay.Hozirda ko'p maktablar "Kundalik"platformasida ishlamoqda. Lekin bunda ota-onalar faolligi past ko'rsatkichda. Bu ta'limdagi muvaffaqiyatsizliklar uchun menejerlar javobgar emas va o'qituvchilar aybdor deb bo'lmaydi. Bu yerda uchinchi tomon ota –onalarning ham mas'liyati katta.

O'zbekiston qatnashishga tayyorgarlik ko'rayotgan xalqaro baholash tadqiqoti O'zbekiston ta'lim tizimi boshqaruviga katta ta'sir ko'rsatadi.

Shu o‘rinda, «O‘zbekistonning ushbu tadqiqotlarda ishtirok etishi nima beradi?» degan savol tug‘ilishi tabiiy. PISA tadqiqotida ishtirok etish quyidagilarga imkon yaratib beradi:

9. umumta'lim maktablari o‘quvchilarining ta'limning keyingibosqichini davom ettirishga, shuningdek mustaqil hayotga qay darajada tayyor ekanligini aniqlash;

9. umumiy o‘rta ta'limni takomillashtirishning ustuvor yo‘nalishlarini aniqlash;

9.o‘quvchilarning ta'lim sohasidagi yutuqlari, shuningdek, turli mamlakatlarning ta'lim tizimlari haqidagi qiyosiy ma'lumotlarni olish.

Uchta yo‘nalish bo‘yicha tuzilgan maxsus PISA topshiriqlari asosida o'quvchilarning savodxonligi tekshirilibgina qolmasdan, yana qo‘shimcha ravishda turli ijtimoiy so'rovnomalar orqali ularning o'qish shart-sharoitlari, muammo va yutuqlari ham o‘rganiladi.

Har kim o'z iste'dodi, salohiyatidan kelib chiqish o'z ishini bilib qilsagina, qaysi soha bo'lmasinsamarali natiga erisha oladi. Zero, matematik olim aytganidek,“Eng qiyini o'z ishini anglab yetish , eng osoni o'zgalarga nasihat qilish”.

Foydalanilgan adabiyotlar:

9. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida» 2019-yil 29-apreldagi PF-5712-sonli farmoni.

10. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida» 2018-yil 8-dekabrdagi 997-sonli qarori.

11. PISA–2021 Mathematics Framework (second draft), 46th meeting of the PISA Governing Board, 5-7 November 2018 Prague, Czech Republic.

12. PISA Mathematics in 2021, An analysis of the center for curriculum redesign (CCR), 2016.

Kredit-modul tizimi sharoitida talabalarning individual ishlashini takomillashtirish usullari

Pardaboyev Utkir Abduraximovich
Jizzax politexnika instituti ”Transport vositalari muxandisligi” kafedrasi assistenti
email: utkirpardaboyev@gmail.com

Annotatsiya: *Oliy talim sharoitida kredit-modil tizimini qo'llash zarurati, oliy ta'limni qurish va isloh qilishning hozirgi bosqichi, mamlakatimiz oliy таlim muassasalari таlimi, mazmuni va metodikasi, individual va differensiya talimi sifat jihati yangi talablar metodikasi bo'yicha amalga oshirish usullar.*

Kalit so'zlar: *Bugungi kunda jamiyatda ro'y berayotgan. jadal ijtimoiy o'zgarishlar yuqori toifali mutaxassislarga bo'lgan ehtiyojni shakllantiradi va talabalar kredit-modul tizimida mustaqil o'z ustida individual ishlashlari yoritib o'tilgan.*

Аннотация: *Необходимость использования кредитно-модельной системы высшего образования, современный этап строительства и реформирования высшей школы, образование, содержание и методика высшего образования в стране, качество индивидуального и дифференцированного образования.*

Ключевые слова: *Это происходит в обществе сегодня. Быстрые социальные изменения создают потребность в высококлассных специалистах, и студенты работают самостоятельно в кредитно-модульной системе.*

Annotation *The need to use the credit-model system in higher education, the current stage of construction and reform of higher education, education, content and methodology of higher education in the country, the quality of individual and differentiated education.*

Keywords: *: What is happening in society today. rapid social change creates a need for high-quality professionals, and students work independently on their own in a credit-module system.*

Bugungi kunda o'tkazilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, 21-asr boshlariga kelib, respublikamizning ,barcha oliy o'quv yurtlari talabalarini o'qitish tizimi o'qitishning kredit shakliga o'tdi va talabalarni tayyorlashda yangicha yondashuvni talab qiladi. Bu, ayniqsa, mustaqil faoliyat va shu munosabat bilan o'quvchilarning o'quv jarayonini individuallashtirish muhim ahamiyatga ega bo'lganda muhimdir. Shu munosabat bilan ixtisoslik fanlarni o`qitish metodikasi oldida hozirgi zamon talablarining butun majmuasini qanoatlantiradigan mutaxassis tayyorlash nazariyasi va amaliyotini takomillashtirish vazifasi turibdi.

"Ta'limni individuallashtirish" yoki "ta'limni differensiallashtirish" tushunchalarini qo'llaganimizda shuni yodda tutish kerakki, uning amaliy qo'llanilishida gap mutlaq emas, nisbiy individuallashtirish haqida ketmoqda. Amalda oliy o'quv yurtlarida individuallashtirish quyidagi sabablarga ko'ra har doim nisbiy bo'ladi:

1) individual xususiyatlar odatda har bir talabaning emas, balki taxminan o'xshash xususiyatlarga ega bo'lgan talabalar guruhining individual xususiyatlari hisobga olinadi;

2) faqat ma'lum xususiyatlar yoki ularning komplekslari hisobga olinadi va aynan shunday o'qitish nuqtai nazaridan muhim bo'lganlar (masalan, umumiy aqliy qobiliyatlar); shu bilan birga, individuallashtirishning o'ziga xos shaklida (masalan,

xarakter yoki temperamentning turli xil xususiyatlari) hisobga olish mumkin bo'lmagan yoki hatto juda zarur bo'lmagan bir qator xususiyatlar bo'lishi mumkin;

3) ba'zida ba'zi xususiyatlar yoki holatlar soni bor, agar bu talaba uchun muhim bo'lsa (masalan, har qanday sohadagi iste'dod, sog'liqning buzilishi);

4) individuallashtirish o'quv faoliyatining butun hajmida amalga oshirilmaydi, balki epizodik yoki o'quv ishining qandaydir shaklida amalga oshiriladi va individuallashtirilmagan ish bilan birlashtiriladi.

So'nggi yillarda oliy o'quv yurtlari o'qituvchilarining ixtisoslik fanlarini ta'limning turli darajalarida talabalarni tayyorlashga differensial yondashuv muammosiga qiziqishi sezilarli darajada oshdi. Ixtisoslik fanlarini o‘qitishni bunday tashkil etish jamiyatimizning bugungi holatini, bozor iqtisodiyoti sharoitida har bir insondan tadbirkorlik, muayyan vaziyatda harakat qilish, tezkor qaror qabul qilish kabi ishbilarmonlik va ishbilarmonlik fazilatlari kabi yuksak kasbiy mahorat va ishbilarmonlik fazilatlariga ega bo‘lishi talab etiladi va aniq ixtisoslik fanlarini o‘qitishni bunday tashkil etish jamiyatimizning bugungi holatini, bozor iqtisodiyoti sharoitida har bir insondan tadbirkorlik, muayyan vaziyatda harakat qilish, tezkor qaror qabul qilish kabi yuqori darajadagi pedagogik usullarni qollash talab etiladi.

Таъlim jarayoniga kredit-modul tizimini q’ollash zarurati manba bazasini o‘rganilayotgan muammo bo‘yicha mahalliy va xorijiy mualliflarning ilmiy ishlari, oliy ta’lim tizimidagi ilg‘or pedagogik tajribalar tashkil etdi. Tojikiston Respublikasi oliy o‘quv yurtlarining bir qator texnik fakultetlarining o‘quv rejalari va dasturlari o‘rganildi. Shuningdek, tadqiqotda milliy va idoraviy me’yoriy hujjatlar, ensiklopedik va ma’lumotnoma, o‘quv-uslubiy adabiyotlardan foydalanildi.

Usullari va tadqiqot bazasi. Tadqiqot muammolarini hal qilish nazariy va empirik usullar majmuasidan foydalangan holda amalga oshirildi va eksperimental ish natijalari bilan tasdiqlandi. Tadqiqotning etakchi nazariy usullari: qiyosiy, tizimli tahlil, mantiqiy, muammoli, terminologik, modellashtirishni umumlashtirish usullari, loyihalash va boshqalar. Empirik usullardan kuzatish, so'roq qilish, suhbatlar, hujjatlarni tahlil qilish va o'quv faoliyati natijalarini tahlil qilish. sub'ektlari, ekspert bahosi va boshqalardan foydalanilgan.ma'lumotlar matematik ishlov berilgan.

Kredit-modul tizimi(1-rasm).

Ilmiy-nazariy adabiyotlarni tahlil qilish va to'plangan tajriba oliy ta'limning zamonaviy o'quv jarayoniga individuallashtirish va differensiallashtirishni joriy etishning ba'zi ijobiy natijalaridan dalolat beradi: Hozirgi vaqtda kadrlar tayyorlashni

individuallashtirish va tabaqalashtirish samaradorligini oshirish uchun yetarli miqdordagi ilmiy va amaliy ishlanmalar mavjud.

Biroq, tahlillar shuni ko'rsatdiki, o'qituvchilarning aksariyati o'quvchilar bilan sodir bo'layotgan o'zgarishlarni hisobga olmagan holda, an'anaviy o'qitish usullarini qo'llamoqda. ularning individual xususiyatlari va shaxsiy fazilatlari. Bu oliy talim muassasalari talabalarini tayyorlashni individuallashtirish jarayoniga situatsion xususiyatni yuklaydi.

Boshqa tomondan, rivojlangan mamlakatlar tajribasidan kelib chiqqan xolda oliy o‘quv yurtlarida an’anaviy ta’limdan kredit ta’lim tizimiga o‘tish ushbu masala bo‘yicha muayyan ilmiy ishlanmalarni, bu tizimga ko'ra talabalarga an'anaviy ta'limga qaraganda o'quv dasturlarida ko'proq mustaqillik beriladi.

Ushbu muammoning tadqiqotchilari takidlaydilarki, differensiatsiya va individuallashtirish eng samarali ta'lim texnologiyalarini tanlashni ta'minlaydi. Ammo oliy ta’limning metodik-matematik atamalarida bu masala faqat alohida maqola va ilmiy konferensiya tezislarida to‘xtalib o‘tadi.Shu munosabat bilan biz ushbu tadqiqotda oliy o‘quv yurtida kredit o‘qitish nuqtai nazaridan talabalarning ixtisoslik fanlaridan individual ishini tashkil etishning uslubiy asoslarini aniqlaymiz. Muammoning dolzarbligi, amaliy ahamiyati va umuman ilmiy ishlanmasligi dissertatsiya mavzusini tanlashni belgilab berdi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Rivojlantiruvchi va muammoli ta'limning o'quvchiga yo'qotilgan nazariyalari; oliy ta'lim pedagogikasining nazariy asoslari. o'quv jarayonini optimallashtirishning umumiy nazariyasi qoidalari kabi (Ю.К. Бабанский, Н.Г. Свиридова, И.К. Журавлев, В.С. Леднев, И.Я. Лернер, В. Оконь, М.Н. Скаткин, и др.)

2. Дидактики высшей школы (СИ. Архангельский, А.В. Барабанщиков, А.К. Быков, В.И. Вдовюк, В.П. Давыдов, СИ Зиновьев, В.А. Сластенин, СД. Смирнов, и др.).

3. Tizimli yondashuv muammolari va pedagogik jarayonni tizimli tahlil qilishning o'ziga xos xususiyatlari bo'yicha tadqiqotlar (В.П. Беспалько, В.В. Давыдов, В.Н. Максимова, М. Нугмонов, В.И. Слободчиков, В.Д. Шадриков),

4. Oliy ta'limda aqliy harakatlarni bosqichma-bosqich shakllantirish nazariyasiga asoslangan ta'lim texnologiyalari (П.Я. Гальперин, Н.Ф. Талызина, П.А. Корчемный, СИ. Съедин, Б.И. Хозиев и др.),

5. Ta'lim jarayonini faollashtirish ta'lim jarayonini faollashtirish (М.А. Данилов, Б.П. Есипов, М.И. Махмутов); kognitiv qiziqishlarni shakllantirish (Г.И. Щукина, Л.И. Божович); muammoli o'rganish (А.М. Матюшенко, И.Я. Лернер); ta'lim faoliyatini individuallashtirish va differensiallashtirish bo'yicha ,bir qancha dunyo olimlari ilmiy ishlari bilan tajribada isbotlab o'tganlar.

3-секция. Аниқ ва табиий фанлар йўналишлари.

OLIY TA'LIMDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR

[1]Mamajonov Ulug'bek Muxtarovich, [2]Jo'rayeva Ruxsora Ulug'bek qizi
[1]Andijon mashinasozlik instituti assistenti
[2]Andijon davlat universiteti 3-bosqich talabasi

Mamlakatimizda raqamli iqtisodiyot, raqamli texnologiyalarni joriy qilinishi bo'yicha salmoqli ishlar amalga oshirilmoqda. Bugungi kunda ushbu sohani jadal rivojlantirish uchun O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 19-fevraldagi "Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5349-sonli va 2020-yil 5-oktabrdagi "Raqamli O'zbekiston — 2030" strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6079-sonli Farmonlari dasturilamal bo'lib xizmat qilmoqda.

Ta'lim berish va ta'lim olish dolzarb masalalardan biriga aylangan zamonaviy dunyoda ta'lim sifatining yuqori darajasini ta'minlash asosiy muammo bo'lib qolmoqda. Aynan sifatli ta'lim dunyodagi turli muammolarni hal qilishning muhim omili ekanligi aniq.

Oliy ta'lim tizimida raqamli texnologiylarga o'tish, ya'ni tizimni raqamlashtirish bir qator masalalarni ijobiy hal etishni taqozo etmoqda. Ta'lim jarayonini raqamlashtirish nafaqat bevosita axborot-kommunikatsiya tarmog'ini, balki kishilik jamiyati faoliyatining barcha sohalarini qamrab oladigan keng qamrovli tendentsiyaga aylanib ulgirdi. Bundan tashqari ta'limda raqamli texnologiylarga o'tish bu – axborot-kommunikatsion texnologiyalar, kompyuterlar va bilimlarga asoslangan holda ta'limni tashkil etish va rivojlantirishning butunlay yangicha shaklini barpo etishdir. Internet va raqamli texnologiyalar bugungi kunda ta'limning turli darajalarida talablarni o'zgartirish omili bo'lib, o'quv jarayonlariga sezilarli ta'sir ko'rsatadi. Axborot to'plami, axborot infratuzilmasi, axborotni to'plash, shakllantirish, tarqatish va ulardan foydalanish subyektlari bo'lgan ta'lim uchun elektron resurslarning roli tobora ortib bormoqda [1]. Shuningdek, raqamli texnologiyalarning oliy ta'lim tizimida joriy etilishi uning faoliyatini tubdan yangilab, ta'lim jarayonini tashkil qilish va amalda joriy etish bilan bog'liq munosabatlarning o'zgarishiga olib kelmoqda. Axborot olish, undan foydalanish tezligi globallashgan bugungi davr oliy ta'limida tizimga raqamli texnologiyalarni joriy etilishi ta'lim mazmunini va sifatini oshirishga, sifatli kadrlarni tayyorlashga asos bo'ladi (1-rasm).





1-rasm. Raqmli texnologiyalarning ta'limda qo'llanilishi.

An'anaviy ta'lim tizimi auditoriya mashg'ulotlariga, o'rganilayotgan fanlar mazmunining rasmiylashtirilgan tuzilishiga va kutubxonalardan foydalanishga asoslangan bilimlarni professor-o'qituvchidan talabalarga o'tkazishga, zamonaviy ta'lim aksincha raqamli makonda faol hamkorlikka qaratilgan. Bu o'quv jarayonini individual ravishda yo'naltirib, yanada moslashuvchan o'quv jarayoniga faol ravishda kirishish, auditoriyada ishlash bilan cheklanib qolmasdan standart darslikka muqobil sifatida dunyoning turli burchaklaridagi yetakchi mutaxassislarning eng zamonaviy va sifatli ma'lumotlar manbalaridan foydalanish imkoniyatini ta'minlashdir [2].

Raqamli texnologiyalar joriy etilgan ta'lim tizimi vositalari ro'lini bir qator omillar bajarib beradi. Jumladan, multimediyalar, telefon liniyalar, internetli televizor, proyektorlar, kompyuter, kodoskop, smart doska, planshet, noutbuk. Raqamlashtirish ta'lim olishni osonlashtirada. Moddiy-texnik ta'minotning yuksalishi, ya'ni oliy ta'lim muassasasining ta'lim vositalari bilan yetarli darajada qurollantirilishi esa talabalarga dars mashg'ulotlarini sifatli tashkil etilishini ta'minlab, tizimda raqamlashtirish uchun keng imkoniyatlar eshigini ochadi.

Oliy ta'limni raqamlashtirish tizim uchun yangi imkoniyatlarni yaratmoqda (2-rasm).



2-rasm. Ta'limni raqamlashtirishdagi imkoniyatlar.

Raqamli texnologiyalar bir qator tizimli o'zgarishlarda namoyon bo'ladi [3]. Ta'lim tizimida ulardan asosiylari sifatida quyidagilarni aytish mumkin:

a) ta'limdagi virtualizatsiya jarayonlari;

b) masofaviy ta'lim (MOOC)ning keng miqyosda qo'llanilishi;

d) blokcheyn texnologiyalar va u orqali yurutiladigan jarayonlarning ta'limga tadbiq qilinishi;

e) ta'limda katta ma'lumotlar bazalari (big data)ning tarkib topishi;

f) ta'limda elektron muxitdan foydalanishning rivojlanishi;

g) sun'iy intellekt tizimlarining ta'limda amalga oshishi;

h) yangi boshqaruv va nazorat usullarining ta'limga tadbiq qilinishi;

i) yangi kadrlar va yangi ish joylarining paydo bo'lishi va hokazo.

Ta'lim muassasalarida raqamlashtirishning joriy etilishi bilan tizimda faoliyat olib borayotgan professor-o'qituvchilarga axborot kommunikatsion texnologiyalar bo'yicha bilimlarini oshirish, raqamli texnologiyalar asosida ishlash qobiliyatini o'stirish talabi qo'yiladi va bu professor-o'qituvchidan o'z ustida ko'proq ishlashni taqozo etib, raqobat tufayli ta'lim sifatini yanada oshishiga xizmat qiladi.

Ta'lim muhitini raqamlashtirish oliy ta'lim tizimida turli shakllarda amalga oshirilishi mumkin, jumladan:

- mavjud o'quv materiallari: ishchi dasturlar, fan uslubiy majmualari, ma'ruzalar, taqdimotlar, darsliklar, mustaqil ish uchun topshiriqlarni va bilimlarni boshqarish vositalarini shu jumladan elektron muhitni tarjima qilish;

- professor-o'qituvchi va talaba o'rtasida o'zaro interaktiv elektron muhitni shakllantirish, veb-seminarlar, munozarali forumlar, seminar-treninglar o'tkazish;

- yangi turdagi elektron o'quv vositalarini yaratish: elektron darsliklar, elektron muammoli kitoblar, video ma'ruzalar, elektron topshiriqlar bazasi;

- professor-o'qituvchi uchun elektron guruhlar shakllantirish;

- sun'iy intellekt imkoniyatlarini o'quv jarayoniga tadbiq qilish;

- elektron muhit imkoniyatlaridan foydalangan holda ta'limning tubdan yangi shakllarini qo'llash - axborotni xayoliy uzatish spektrini kengaytirish, virtual jarayonda turli vaziyatlarni modellashtirish, raqobatbardosh annimatsiyalarga taqlid qilish va hokazo.

Yuqorida aytilganlar o'quv ishlari sifatining o'sishini, uni tashkil etish darajasining sifat jihatdan yangi bosqichga ko'tarilishini tasdiqlaydi, o'quv jarayonini shakl va mazmun jihatidan zamonaviy qiladi. Shunday bo'lishiga qaramay ta'lim tizimimizda hali o'z yechimini kutayotgan qator masalalar borki ularni bartaraf etmasdan zamonaviy sifatli ta'lim haqida gapirib bo'lmaydi.

Adabiyotlar

1. Карпова А.В. Вызов времени: усиление тенденций цифрового образования в высших учебных заведениях / Мир педагогики и психологии: международный научно-практический журнал. 2020. № 04 (45).

2. Электронний ресурс Романова Г.В.Цифровизация высшего образования: новые тренды и опыт внедрения. Журнал - Гуманитарные науки. 2020

https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovizatsiya-vysshego-obrazovaniya-novye-trendy-i-opyt-vnedreniya

3. Ayupov R.H., Boltaboyeva G.R. Raqamli iqtisodiyot asoslari. Darslik. – Toshkent 2020, – 575 в.

KUCHLI MAGNIT MAYDON TA'SIRIDAGI SIRT HOLATLAR ZICHLIGINING HARORATGA BOG'LIQLIGI.

f.-m.f.d. professor U.I.Erkaboev, f.-m.f.d. professor N.Y.Sharibayev,

doktorant M.G'.Dadamirzayev

Namangan muhandislik-texnologiya instituti, Namangan, O'zbekiston

e-mail: muzaffardadamir81@gmail.com

Magnit maydondagi sirt holatlar zichligini spin bo'linishini hisobga olgan holda kvadratik dispersiya qonuniga ega bo'lgan erkin kovaklarning energiyasi quyidagi ko'rinishda ifodalanadi [1, 2]:

$$E_n^v = \hbar\omega_c^v\left(n_c + \frac{1}{2}\right) + s\mu_B B + \frac{\hbar^2 k_z^2}{2m_e} \qquad (1)$$

Bu yerda, ω_c^v - kovaklarning siklotron chastotasi, μ_B —Bor magnetoni, B - magnit maydon induksiyasi.

Magnit maydonda parabolik zona uchun holatlar zichligi quyidagi ifoda bilan ifodalanadi

$$N_H(E,H) = \frac{1}{4\pi^2}\left(\frac{2m^*}{\hbar^2}\right)^{3/2}\hbar\omega_H \sum_n\left(E - \left(n + \frac{1}{2}\right)\hbar\omega_H\right)^{-1/2} \qquad (2)$$

Biroq, energiyaning to'lqin vektoriga bog'liqligi kvadratik shakl bilan tavsiflanmagan bo'lsa masalan, InSb da siklotron massasi bo'lgani sababli elektronlar uchun magnit maydondagi zaryad tashuvchilarning energetik sathlari teng masofada emas

$$m_c = \frac{\hbar}{2\pi}\frac{\partial S}{\partial E} \qquad (3)$$

shuning uchun siklotron chastotasi E va k_z ga bog'liq.

III-V va II-VI birikmalardagi o'tkazuvchanlik zonasining parabolik bo'lmagan tabiati o'tkazuvchanlik zonasi va uchta valentlik zonalari o'rtasidagi o'zaro ta'sir natijasida yuzaga keladi. Magnit maydonda uchta energetik zona uchun energetik sathlar (ular bilan o'zaro ta'sir qilmaydigan og'ir kovak zonasi bundan mustasno) kubik tenglama bilan berilgan [3]:

$$\left(E_{N\pm}+E_g\right)\left(E_{N\pm}+E_g+\Delta\right)-P^2\left(k_z^2+(2N+1)\frac{1}{L^2}\right)*\left(E_{N\pm}+E_g+\frac{2}{3}\Delta\right)\pm\frac{P^2\Delta}{3L^2}=0 \quad (4)$$

Bu yerda, $E_{N\pm}$ -kvantlovchi magnit maydondagi spinni hisobga olgan holda elektronlarning o'tkazuvchanlik zonalaridagi energiyasi; E_g -taqiqlangan zona kengligi, Δ-Spin-orbitaning bo'linish qiymati, P - matritsa elementi.

Bizning ishimizda tor tirqichli yarimo'tkazgichlar ko'rib chiqiladi va elektronlar quyidagi shartlarda Keyn dispersiya qonuniga ega bo'ladi [4, 5]:

$$\begin{Bmatrix} E(p)-E_c \ll E_g+\frac{2}{3}\Delta \\ \frac{2}{3}\Delta \gg E_g \end{Bmatrix}$$

Ushbu shartdan kubik tenglama (4) kvadratik tenglamaga keltiriladi, uning yechimi o'tkazuvchanlik zonasining elektronlari uchun quyidagi ifoda o'rqali ifodalanadi

$$E_N^c=-\frac{E_g}{2}+\frac{1}{2}\sqrt{E_g^2+4E_g\left[\left(N+\frac{1}{2}\right)\hbar\omega_c^c+\frac{\hbar^2k_z^2}{2m_n^*}\pm\frac{g_0\mu_B H}{2}\right]} \quad (5)$$

Xuddi shu tarzda, valent zonadagi yengil kovaklar uchun quyidagi ifoda olingan:

$$E_g=E_N^c-E_N^v;\ E_N^v=E_N^c-E_g$$

$$E_N^v=-\frac{3E_g}{2}+\frac{1}{2}\sqrt{E_g^2+4E_g\left[\left(N+\frac{1}{2}\right)\hbar\omega_c^v+\frac{\hbar^2k_z^2}{2m_p^*}\right]} \quad (6)$$

(6) ifoda faqat tor zonali yarimo'tkazgichlar uchun amal qiladi.

Energiyalari bir-biridan farq qiladigan ikkita izoenergetik sirtning kesma maydonlaridagi farqini aniqlaylik. $\Delta E=\hbar\omega_c$: $\Delta S=\frac{2\pi m_c}{\hbar^2}\Delta E=\frac{2\pi m_c}{\hbar^2}\hbar\omega_c$

Davriy sharoitlarda kvantlash uchun, k_xk_y tekisligida maydon birligiga to'g'ri keladigan holatlar soni $\frac{L_xL_y}{(2\pi)^2}$ ga teng. Ikki kvant orbita orasidagi holatlar soni:

$$\frac{L_xL_y}{(2\pi)^2}\Delta S=\frac{m\omega_c}{2\pi\hbar}L_xL_y$$

(6) tenglamadan biz spinni hisobga olmasdan k_z ni aniqlaymiz:

$$k_z=\frac{(2m_p^*)^{1/2}}{\hbar}\left(\frac{(E_N^v+2E_g)(E_N^v+E_g)}{E_g}-\left(N+\frac{1}{2}\right)\hbar\omega_c^v\right)^{1/2} \quad (7)$$

Endi magnit maydon ta'sirida parabolik bo'lmagan dispersiya qonuniga ega bo'lgan holatlar zichligini hisoblaylik. Elektronning harakati z o'qi bo'ylab erkin va k_z bo'ylab kvantlanmaydi. Ya'ni:

$$k_z=\frac{2\pi}{L_z}n_z \quad (8)$$

(7) va (8) ifodalarga ko'ra, $\left(N+\frac{1}{2}\right)\hbar\omega_c^v$ E energiya oralig'idagi holatlar soni:

$$n_z = \frac{L_z k_z}{2\pi}; \quad n_z = \frac{L_z\sqrt{2m_p^*}}{2\pi\hbar}\left(\frac{(E_N^v+2E_g)(E_N^v+E_g)}{E_g} - \left(N+\frac{1}{2}\right)\hbar\omega_c^v\right)^{1/2}$$

$$n_z = \frac{L_z\sqrt{2m_p^*}}{2\pi\hbar}\left(\frac{(E_N^v)^2}{E_g} + 3E_N^v + 2E_g - \left(N+\frac{1}{2}\right)\hbar\omega_c^v\right)^{1/2} \quad (9)$$

Energiyalari E dan kichik bo'lgan hajmiy kvant holatlarining umumiy soni:

$$N^v(E_N^v) = \frac{L_x L_y L_z 2^{1/2} m_p^{*\,3/2}}{4\pi^2\hbar^3}\hbar\omega_c^v \sum_{N=0}^{N_{max}}\left(\frac{(E_N^v)^2}{E_g} + 3E_N^v + 2E_g - \left(N+\frac{1}{2}\right)\hbar\omega_c^v\right)^{1/2}$$

(10)

Natijada, magnit maydonda Keyn dispersiya qonuni bilan spinni hisobga olmagan holda, hajm birligidagi energetik holatlar zichligini aniqlaymiz:

$N_S^v(E_N^v, H) = \frac{dN^v(E)}{dE_N^v}$; Hajm birligida $L_x L_y L_z = 1$

$$N_S^v(E_N^v, H) = \frac{3}{2}\frac{2^{1/2} m_p^{*\,3/2}}{4\pi^2\hbar^3}\hbar\omega_c^v \sum_{N=0}^{N_{max}} \frac{\frac{2E_N^v}{3E_g}+1}{\left(\frac{(E_N^v)^2}{E_g}+3E_N^v+2E_g-\left(N+\frac{1}{2}\right)\hbar\omega_c^v\right)^{1/2}} \quad (11)$$

Bu yerda, $N_S^v(E_N^v, H)$ - kvant magnit maydonda Keyn dispersiya qonuni bo'yicha energetik holatlar zichligi. $E_g \to \infty$ da (11) ifoda parabolik dispersiya qonuni (2) ga aylanadi. Bu ifoda energetik sathlarning harorat kengayishini hisobga olmaydi.

Adabiyotlar

1. N.B. Brandt, V.A. Kulbachinsky. Quasiparticles in condensed *matter physics.* (Fizmatlit, Moscow, 2007) ch.6, p.283 [in Russian].
2. J. Ziman. *The principles of the theory of solids.* (Mir, Moscow, 1974) Ch.9, p.349.
3. I.M. Tsidilkovsky. *Electrons and holes in semiconductors.* (Nauka, Moscow, 1972) ch.5, p.457 [in Russian].
4. I.S. Dubitskiy, A.M. Yafyasov. On the field effect in thin films of semiconductors with Kane's charge-carrier dispersion relation. *Semiconductor (springer), (2014) 48 (3), pp.312-319.*
5. N.V. Pavlov, G.G. Zegrya. Effect of nonparabolicity of the electron and light-hole energy spectrum on the optical properties of heterostructures with deep AlSb/$InAs_{0.86}Sb_{0.14}$/AlSb quantum wells. *Semiconductor (springer), (2015) 49 (5), pp.604-614.*

УДК 517.923

ПРИМЕНЕНИЕ ВАРИАЦИОННОГО МЕТОДА ПРИ МАТЕМАТИЧЕСКОМ МОДЕЛИРОВАНИИ НАПРЯЖЕННО – ДЕФОРМИРОВАННОГО СОСТОЯНИЯ СООРУЖЕНИЙ ЛЕГКОГО И ТЯЖЕЛОГО ТИПОВ

Белоглазова Татьяна Владимировна, кандидат физико-математических наук, доцент
Кислин Григорий Алексеевич, курсант
Степанов Анатолий Романович, курсант
ВУНЦ ВВС «ВВА им. проф. Н.Е. Жуковского и Ю.А. Гагарина», г. Воронеж, Россия

В работе рассматривается задача о деформации сооружений, представляющих собой сборные конструкции сочетающие участки легкого и тяжелого типов. Промером таких сооружений могут являться укрытия для личного состава.

В качестве математической модели рассмотрим произвольную струнно – стержневую систему (геометрический граф).

Геометрическим графом Γ в R^3 назовем объединение непересекающихся интервалов $\gamma_i = (l_{2i-1}, l_{2i})$, $i = \overline{1,n}$ (ребер), и некоторой совокупности их концов $J(\Gamma)$. Концы интервалов γ_i, не включенные в $J(\Gamma)$ назовем граничными и обозначим $\partial\Gamma$. Тогда множество всех вершин $V(\Gamma) = J(\Gamma) \cup \partial\Gamma$. Для каждого ребра γ_i введем натуральную параметризацию, при которой функция $u(\varphi_i(t))$ окажется обычной вещественнозначной функцией $u : R(\Gamma) \to \square$.

Под разнопорядковой краевой задачей на Γ будем понимать совокупность дифференциальных уравнений второго порядка на одних ребрах (струнах Γ_1) и четвертого – на других (стержнях Γ_2), а также совокупность условий согласования в вершинах.

Пусть отклонение каждой точки системы от положения равновесия $u(x) \in \mathrm{T}$, где $\mathrm{T} = \{ u(\cdot) \mid u_\gamma(\cdot) \in \tilde{C}^2(\Gamma_1), \quad u_\gamma(\cdot) \in \tilde{C}^4(\Gamma_2) \}$.

Будем считать, что функции $q(x)$ характеризуют упругость струн, а $p(x)$ – жесткость стержней, $\mu(x)$ – упругость пружин заданы на всем графе $\Gamma = \Gamma_1 \bigcup \Gamma_2 = \bigcup_{i=\overline{1,n}} \gamma_i$ так, что $q(x) > 0$ на $\Gamma_1 = \bigcup_{i=\overline{1,m_1}} \gamma_i$ и $q(x) \equiv 0$ на $\Gamma_2 = \bigcup_{i=\overline{1,m_2}} \gamma_i$, а $p(x) > 0$ на Γ_2 и $p(x) \equiv 0$ на Γ_1, где $n = m_1 + m_2$.

Из физических соображений стержни и струны могут иметь различные виды соединений. Для стержней, например, характерны шарнирное соединение $u''_\gamma(a)=0,\quad \gamma\in\Gamma_2,\quad a\in J(\Gamma)\cup\partial\Gamma$, жесткое защемление $u'_\gamma(a)=0,\quad \gamma\in\Gamma_2,\quad a\in V(\Gamma)$, упругое защемление $\left(p_\gamma u''_\gamma-\mu_\gamma u'_\gamma\right)(a)=0,\quad \gamma\in\Gamma_2,\quad a\in V(\Gamma)$ и другие.

Теорема.

Если потенциальная энергия системы определяется функционалом

$$P(u)=-\sum_{i=1}^{n}\int_{\gamma_i} f_i u_i dx+\sum_{i=1}^{m_1}\int_{\gamma_i}\frac{q_i(x)}{2}\left(u_i'\right)^2 dx+\sum_{i=1}^{m_2}\int_{\gamma_i}\frac{p_i(x)}{2}\left(u_i''\right)^2 dx+V_3(u), \qquad (1)$$

для функций $u(x)\in \mathrm{T}$, удовлетворяющих условию Дирихле

$$u_i(a_i)=0,\quad a_i\in\partial\Gamma,\quad i=\overline{1,n}, \qquad (2)$$

условиям непрерывности

$$u_\gamma(a)-u_\nu(a)=0,\quad u_\gamma,u_\nu\in R(a), \qquad (3)$$

условиям соединения стержней (А), то стационарное значение функционала (1) удовлетворяет условиям гладкости (баланса) и уравнениям:

$$-\left(q_\gamma(x)u'_\gamma(x)\right)'=f_\gamma(x),\quad \gamma\in\Gamma_1; \qquad (4)$$

$$\left(p_\gamma(x)u_\gamma''(x)\right)''=f_\gamma(x),\quad \gamma\in\Gamma_2. \qquad (5)$$

Доказана теорема для системы, состоящей из струн и стержней с учетом различных видов соединения стержней.

Если стержни соединены шарнирно, то условие сочленения (А) имеет вид:

$$u''_\gamma(a)=0,\quad \gamma\in\Gamma_2,\quad a\in V(\Gamma). \qquad (6)$$

Если стержни имеют жесткое защемление, то условие (А) будет таким:

$$u'_\gamma(a)=0,\quad \gamma\in\Gamma_2,\quad a\in V(\Gamma). \qquad (7)$$

Если стержень защемлен упруго в вершине *a*, то условие (А) запишется в виде:

$$\left(p_\gamma u''_\gamma-\mu_\gamma u'_\gamma\right)(a)=0,\quad \gamma\in\Gamma_2,\quad a\in V(\Gamma). \qquad (8)$$

При доказательстве установлено, что условие гладкости (баланса) для видов соединения (6), (7) и (8) сохраняет вид:

$$\sum_{\gamma\subset R(a)}\left[\left(p_\gamma(x)u''_\gamma\right)'-q_\gamma(x)u'_\gamma\right](a+0)=0,\quad a\in J(\Gamma). \qquad (9)$$

Таким образом, для различных видов соединений вариационным методом были построены разнопорядковые краевые задачи. Так, деформированное состояние струнно – стержневого объекта с шарнирным сочленением стержней будет описывать решением задачи (2) – (6), (9) в случае жесткого защемления –

решением задачи (2) – (5), (7), (9), а в обобщенном случае упругого защемления – задачи (2) – (5), (7), (9).

Литература

1. Покорный Ю.В., Пенкин О.М., Прядиев В.Л., Боровских А.В., Лазарев К.П., Шабров С.А. Дифференциальные уравнения на геометрических графах. М.: Физматлит, 2004. 272 с.

ЗАДАЧА ОБ ИЗГИБЕ ДЛИННОГО НАСЛЕДСТВЕННО – ДЕФОРМИРУЕМОГО ЦИЛИНДРА, СКРЕПЛЕННОГО С УПРУГОЙ ОБОЛОЧКОЙ

Шамсиев Дамин Нажмиддинович, к.ф.м.н., доцент кафедры «Высшая математика» Ташкентского государственного технического университета
Айматова Фарида Хуразовна старший преподаватель кафедры «Общественно-гуманитарных и точных наук» Ташкентского государственного экономического университета

Рассмотрим поперечный изгиб длинного наследственно – деформируемого цилиндра скрепленного снаружи упругой оболочкой.

Для получения интегро-дифференциального уравнения поперечного изгиба будем исходить из обычного уравнения чистого изгиба длинного бруса, пренебрегая влиянием на прогиб деформации сдвига. Обозначим через $W(x,t)$ прогиб осевой линии бруса, через $\chi(x,t)=W_{xx}(x,t)$ ее кривизну. Предположим, что брус находится под действием внешней нагрузки $\delta \geq 1$ изменяющейся со временем.

Выпишем очевидные соотношения:

$$\frac{\partial^2 M}{\partial x^2}+q(x,t)=0, \qquad M=\iint_F \sigma_x y\, dF \tag{1}$$

где M – изгибающий момент, σ_x- напряжение. Область поперечного сечения F разбивается на две области: $F=F_o+F_ц$. В области сечения оболочки $F_o(b\leq r\leq c)$ имеем $\sigma_x^*=E_o\,\varepsilon_x$. В области $F_ц$ цилиндра $\left(a(t)\leq r\leq b\right)$, где $a(t)$-переменный во времени внутренний радиус цилиндра. Тогда в случае линейного вязко - упругого материала, наследственного типа имеем [1]

$$\sigma_x=3G\left[\varepsilon_x(x,t)-\int_0^t R(t-\tau)\,\varepsilon_x\left(x,\tau\right)d\tau\right] \tag{2}$$

где G – модуль сдвига, $R(t-\tau)$- ядро наследственности, имеющая слабо – сингулярность типа Абеля.

В дальнейшем ради простоты материал цилиндра считаем несжимаемым

Подставим выражения σ_x^* и σ_x во второе уравнение (1) и учтем соотношения $\varepsilon_x = -\chi y$:

$$M = -E_0 J_0 W_{xx} - 3G J_ц(t)\left[W_{xx} - \int_0^t R(t-\tau) W_{xx}\, d\tau\right] \tag{3}$$

где

$$J_0 = \frac{\pi}{4}(c^4 - b^4) = \pi b^2 h(b+h), \quad J_ц(t) = \frac{\pi}{4}\left[b^4 - a^4(t)\right] \tag{4}$$

Найденное значение изгибающего момента M подставим в (1). Тогда будем иметь

$$\left\{E_o J_o W_{xx} + 3G J_ц(t)[W_{xx} - \int_0^t R(t-\tau) W_{xx}\, d\tau]\right\}_{xx} = q(x,t). \tag{5}$$

Для полной определенности задачи к интегро-дифференциальному уравнению (ИДУ) (5) необходимо добавить граничные условия.

Предположим, что концы цилиндра шарнирно закреплены. Тогда граничные условия принимают вид

$$W = M = 0 \qquad \text{при} \qquad x = 0, \qquad x = l \tag{6}$$

ИДУ (5) при произвольных граничных условиях можно свести к решению интегрального уравнения вида

$$W(x,t) - \varphi(t)\int_0^t R(t-\tau) W(x,\tau)\, d\tau = f(x,t) \tag{7}$$

где

$$\varphi(t) = \frac{3G J_ц(t)}{3G J_ц(t) + E_o J_o}, \qquad \bar{q}(x,t) = \frac{q(x,t)}{3G J_ц(t) + E_o J_o}$$

$$f(x,t) = \int_0^x \frac{(x-s)^3}{6}\bar{q}(s,t)\,ds - \frac{x^3}{6l}\int_0^l (l-s)\bar{q}(s,t)\,ds - \frac{x}{l}\int_0^l \frac{(l-s)^3}{6}\bar{q}(s,t)\,ds + \frac{l}{6}\int_0^l (l-s)\bar{q}(s,t)\,ds.$$

В качестве примера рассмотрим закон изменения во времени прогиба при граничных условиях (6) в случае равномерно распределенных нагрузках.

Обозначим $W\left(\frac{l}{2}, t\right) = W(t)$ и $U(t) = \frac{\pi E_0}{q_0}\left(\frac{b}{l}\right)^4 \cdot W(t)$,

$q(t) = \frac{1}{\theta P(t)}$, $\varphi(t) = 1 - \frac{\gamma^4 - 1}{P(t)}$,

$$P(t)=\frac{3}{1{,}3}\left[1+\left(\frac{a(t)}{b}\right)^4\right]+\left(\frac{c}{b}\right)^4-1,\ \frac{a(t)}{b}=r_1t+r_0.$$

То уравнение (7) принимает вид

$$U(t)-\varphi(t)\int_0^t R(t-\tau)U(\tau)d\tau=q(t) \qquad (8)$$

Уравнение (8) при ядрах

$$R(t-\tau)=A\,e^{-\beta(t-\tau)}(t-\tau)^{\alpha-1}, \qquad A>0,\quad \beta>0,\quad 0<\alpha<1$$

будем решать методом исключения слабо- сингулярных особенностей. Тогда имеем

$$U_n=\frac{1}{1-\varphi_0D_0}\left[q_n+\frac{A}{\alpha}\varphi_n\sum_{i=1}^{n}D_ie^{-\beta t_i}U_{n-i}\right],\ n=0,1,...,$$

где

$$U(t_n)=U_n,\quad q(t_n)=q_n\quad \varphi(t_n)=\varphi_n,\ t_n=n\Delta t$$

Таким образом, мы получили численные значения прогибов в середине цилиндра при линейном изменении внутреннего радиуса цилиндра. А также можно исследовать влияние различных значений реологических параметров на прогиб.

Литература

1. Москвитин В. В. Сопротивление вязко - упругих материалов. М. Наука. 1972. 327 с.
2. Ф. Бадалов, Д. Н. Шамсиев. Деформация длинного наследственно-деформируемого цилиндра скрепленного упругой оболочкой. Проблемы механики, № 4, 2004.
Ishlatilishi: Bamiya o'simligi asosan oziq-ovqat uchun ishlatiladigan sabzavot ekini bo'lib, uning mevalarini qovurib, qaynatib turli xil taomlarga qo'shiladi. Bundan tashqari bamiyani mevasini o'zini ham iste'mol qilish mumkin. Bamiyani kanserva holida ham iste'mol qilsa bo'ladi. Bamiya o'simligi oziq-ovqat uchun ishlatilibgina qolmay sanoatda ham o'zining o'rnini topib olgan desak ham bo'laveradi, ya'ni bamiya mevasi tarkibidagi shilimshiq modda borligi sababli qog'oz sanoatida qog'oz yopishtirish uchun ham ishlatiladi. Shuningdek tola olish uchun ham ishlatiladi. Bundan tashqari tibbiyotda ham bamiyaning o'rni mavjud bo'lib, u oshqozon-ichak kasalliklarida, yurak-qon tomirlarni mustaxkamligini taminlab, qon aylanish tizimini yaxshilaydi va ortiqcha toksinlarni yo'q qiladi. Qondagi qandning miqdorini

kamaytirib, nerv faoliyatini yaxshilaydi. [3]

Rasm-3 Rasm-4

Rasm-5

Agrotexnikasi: Bamiya o'simligining unib chiqib rivojlanishi uchun 25°C -35°C harorat kerak bo'ladi. Bamiya qurg'oqchilikka chidamli bo'lgani uchun ko'p suv talab qilmaydi. Lekin ko'p sug'orilsa yaxshiroq o'sib rivojlanadi. Bamiya yorug'likni talab qilgani bois uni yorug', quyosh nuri yaxshi tushadigan maydonga ekish kerak bo'ladi.Bamiya tuproq sug'orilib kelinadigan ekin maydonlarida yaxshi rivojlanadi. Bazi tuproqlarda yetishtirish uchun bamiyaning parvarishiga ko'p e'tibor berish kerak. Misol tariqasida qumli va shag'al tuproqlarni olsak bo'ladi. Bulardan tashqari bamiya yaxshi rivojlanishi uchun yana kerak bo'ladigan eng muhim omil bu tuproqni o'g'tlashdir. Bamiya uchun kerakli o'g'itlarni berish , avvalo, tuproq tarkibini bilishni talab qiladi. Tuproqni o'g'itlash uchunasosan uning tarkibidagi turli xil birikmalarning tarkibidagi harakatchan azot, fosfor, kaliy, kalsiy va h.k makro va mikro elementlarning miqdoriga qarab o'g'itlash kerak. Shu tekshiruvdan chiqqan xulosaga ko'ra 50-60 kg atrofida azot, kalsiy, mis va kaliy, 10-15 kg oralig'ida oltingugurt, natriy, fosfor, magniy va boshqa o'g'iar solinadi. Shunda biz o'zimiz o'ylagan natijaga erishishimiz mumkin.[6]

Adabiyotlar

1. http://dacha.wcb.ru/lofiversion/index.php t2790.html
2. Источник: https://diz-cafe.com/sad-ogorod/bamiya-kak-vyirashhivat.html
3. Попов В.П. Мировое растениеводство. — М.: РУДН, 2007.
4. Башкатов Б.И. Статистика сельского хозяйства. С основами общей теории статистики. Курс лекций. — М.: Ассоциация авторов и издателей «Тандем»; Изд-во «Экмос», 2001.
5. Ниворожкина Л.И. Теория статистики (с задачами и примерами по региональной экономике) / Л.И. Новожилкина, Т.В. Чернова. — Ростов-на-Дону: МиниТайп; Феникс, 2005.

6. Статистика. Учебное пособие / Под ред. Ф.Г. Долгушевского и Л.Г. Озеран. — М.: Мысль, 1976

УДК 621 592 315

ИССЛЕДОВАНИЕ РАДИАЦИОННЫХ ДЕФЕКТОВ, *A* – И *E* – ЦЕНТРОВ CdTe МЕТОДОМИ ПЪЕЗОЕМКОСТНОЙ СПЕКТРОСКОПИЯ

Рахмонов Тохирбек Имомалиевич
Ферганский политехнический институт, Фергана, Узбекистан

Присутствие центров с глубокими энергетическими уровнями (ГЭУ), таких, как примесей, термо- и радиационных дефектов существенно определяет основные свойства полупроводников. ГЭУ сильно влияют на время жизни и концентрации свободных носителей тока в полупроводниках, и следовательно, на параметры приборов. Поэтому исследование свойств ГЭУ является одним из основных и актуальных направлений современной физики полупроводников и требует развития методов определения параметров ГЭУ. В настоящее время для определения параметров ГЭУ широко используется метод релаксационной спектроскопии глубоких уровней (или DLTS - Deep Level Transient Spectroscopy) [1,2]. Достоинствами метода являются высокая чувствительность, возможность определения параметров ГЭУ при изменении их заполнения как основными, так и неосновными носителями, а также исследования ГЭУ в полупроводниковых приборах, изготовленных по реальной технологии и в исходном полупроводнике.

Цель настоящей работы является исследование деформационных явлений в кристаллах теллурида кадмия, содержащих точечные дефекты с ГЭУ и радиационных дефектов методом пьезоемкостной спектроскопии (ПЕСГЭУ), развитой впервые в работах [3,4], для ориентированной деформации в сочетании с ПЕСГЭУ.

Параметры *A*-центра мы определили с помощью ПЕСГЭУ в режиме постоянной емкости. Для определения энергии ионизации *A*-центра как без деформации, так и с деформацией после расщепления, время задержки t_1 изменяли в пределах 0,5-500 мс. Измерения ПЕСГЭУ производилось сразу после облучекия образца. Облучение p-CdTe марки «особо чистые» производилось до дозы $1\cdot10^{18}$ см$^{-2}\cdot$.с$^{-1}$. Большие дозы приводят к сильной компенсации и измерения ПЕСГЭУ становятся невозможными. После облучения в зависимостях ПЕСГЭУ наблюдаются пики, связанные с перезарядкой ГЭУ с энергиями ионизации 0,17 (*A*-центр), 0,23; 0,3; 0,37; 0,44 (*E*-центр) и 0,53 эВ от

дна зоны проводимости. Максимальную конентрацию имели *A*-центры (~ $1{,}5\cdot10^{14}$ см^3).

Одноосная деформация вызывает заметное расщепление пика ПЕСГЭУ (рис. 1). Как видно из рисунка, с ростом дефор-мации спектр ПЕСГЭУ, связанный с *A*-центром, начинает расширяться и пик смещается в сторону низких температур. Начи-ная с некоторых значений деформации, например, в направлении [100] *P=0,394* и *P= 0,65 ГПа* для [111], наблюдается расщепление пика ПЕСГЭУ.



Рис. 1. Спектры НЕСГУ А-центра при разных направле-ниях одноосного сжатия.

В таблице 1 приведены результаты изменения энергии активации ΔE_i уровня *A*-центра при одноосной деформации давлением *P* (в единицах мэВ/ГПа) и сопоставлены с результатами работы [5].

Таблица 1

Кристалло-графическое направление	*A*-центр				*E*-центр	
	P, ГПа	E_i, эВ P=0	β, мэВ/ГПа	β, мэВ/ГПа /3/	β, мэВ/ГПа до ТО	β, мэВ/ГПа после ТО
[100]	0.48	0.17	58	69	-(7.2±0.8)	-(22.4±1.2)
[110]	0.65	0.17	41	53	-(5.7±0.7)	-(19.2±1.5)
[111]	0.87	0.17	33	28	-(5.2±0.78)	-(15.3±1.4)

Как видно из таблицы 1 приведенные нами результаты удовлетворительно согласуется с данным работы [6].

Здесь также исследовалось влияние одноосной деформации в направлении [100], [110], и [111] в образцах на *p-CdTe* на свойства Е-центра (E_c*-0,44 эВ*) после γ-облучения до дозы $\Phi=5\cdot10^{18}$ см$^{-2}$с$^{-1}$. Измерения показали, что под действием деформации положение пика, связанного с Е-центром, сдвигается в сторону более низких Т, но чувствительность к деформации во всех исследованиях случаях оказалось очень низкой. После отжига при 250^0 С в течение 20 минут чувствительность пика соответствующего Е-центра к деформации значительно возрастает (см.табл.1).

Таким образом, исследование пьезоемкостной спектроскопии радиационных дефектов (А-центр) показало, что одноосная деформация вызывает заметное расщепление пика ПЕСГЭУ А-центра, а пик, соответствующий Е-центру при деформации сохраняет свою форму и смещается

в сторону низких энергий сравнительно слабо. Также выяснилось, что после отжига при 250 ^{0}C в течение 20 минут чувствительность пика, соответствующего E-центру, после деформации значительно возрастает.

Литература

[1]. Исследование глубоких электронных состояний в текстурированных поликристаллах p-CdTe стехиометрического состава методом DLTS. / Е.А. Боброва, Ю.В. Клевков, С.А. Медведев, А.Ф. Плотников // ФТП. 2002. Т. 36, № 12. С. 1426-1431

[2]. Татохин Е.А., Каданцев А.В., Бормонтов А.Е., Задорожний В.Г. Статистический метод релаксационной спектроскопии глубоких уровней в полупроводниках // ФТП. 2010. Т. 44, вып. 8. С. 1031-1037.

[3]. C.D. Lamp, J.W. Farmer, J.M. Meese. Uniaxial stress apparatus for deep level transient spectroscopy Studies // Rev. Sci. Instrum. 1984. Vol.55. No.2. P.210-2012.

[4]. J.M. Meese, J.W. Farmer, C.D. Lamp Defect Symmetry from stress Transient Spectroscopy // Phys. Rev. Lett. 1983. Vol.51. No 14. P. 1286-1289.

[5]. Лебедев А.А., Султанов Н.А., Экке В. Влияние одноосного давления на нестационарную емкостную спектроскопию глубоких уровней в Si (Zn) // ФТП. 1987.Т. 21. Вып.2. С.321-324.

[6]. Sultanov, N A.; Rakhimov, E T.; Mirzajonov, Z; and Yusupov, F T. (2021) "Photoluminescence spectra of silicon doped with cadmium," Scientifc-technical journal: Vol. 4 : Iss. 3 , Article Available at: https://uzjournals.edu.uz/ferpi/vol4/iss3/3

TEXNIKA YO'NALISHLARIDA FIZIKA FANINI O'QITISHDA VERNIER VIRTUAL LABARATORIYASIDAN FOYDALANISH

PhD. B.J.Axmadaliyev ass. F.T.Yusupov, ass. D.X.Tolaboyev.
Farg'ona politexnika institute

***Аннотация**: Новой задачей преподавания в высшей школе является формирование у студентов универсальной системы действий, а также экспериментальной, исследовательской, организационной самостоятельной работы и личной ответственности студентов, индивидуализация образовательных целей, определение новых образовательных полномочий. . Цель этой статьи — изучить возможности использования Vernier Digital Lab студентами технических специальностей для развития их исследовательских навыков. Исследовательская деятельность включает в себя несколько этапов:*

от определения целей и задач исследования до выдвижения гипотезы, проведения эксперимента и его представления.

***Ключевые слова**: цифровая лаборатория Вернье, оценка, оптимальное сочетание, мобильность цифровой лаборатории, специальное программное обеспечение, цифровой микроскоп.*

***Abstract**: A new task of teaching in higher education is the formation of a universal system of actions for students, as well as experimental, research, organizational independent work and personal responsibility of students, individualization of educational goals, definition of new educational powers. . The purpose of this article is to explore how engineering students can use the Vernier Digital Lab to develop their research skills. Research activity includes several stages: from determining the goals and objectives of the study to putting forward a hypothesis, conducting an experiment and presenting it.*

***Key words**: Vernier digital laboratory, assessment, optimal combination, digital laboratory mobility, special software, digital microscope.*

Fizika eksperimental fan deb ataladi. Ko'pgina fizika qonunlari tabiat hodisalarini kuzatish yoki maxsus bosqichli tajribalar orqali ochiladi. Tajriba fizik nazariyalarni tasdiqlaydi yoki rad etadi. Odam jismoniy tajribalar o'tkazishni qanchalik tez o'rgansa, shunchalik ko'p tajribali fizik bo'lishga umid qilishi mumkin. Fizikani o‘qitish fanning o‘ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqqan holda fizika kursidan boshlab tizimli faoliyat yondashuvini qo‘llash uchun qulay muhit hisoblanadi. Yangi axborot texnologiyalaridan foydalanish, eksperimental va loyiha faoliyati, muammoli ta'lim, masalan, ta'lim texnologiyalarining zamonaviy elementlaridan foydalanish samarali usullardir. Ushbu texnologiyalar moslashuvchan o'quv jarayoniga talabalarning individual xususiyatlariga, turli xil murakkablikdagi ta'lim mazmuniga qarab, talabaning o'quv faoliyatini tartibga solishda ishtirok etishi uchun old shart-sharoitlarni yaratishga imkon beradi. O'quv fizikasi sohasidagi ilmiy bilimlar jarayoni bilan shug'ullanish orqaligina talabaning motivatsiya darajasini oshirish mumkin. Tajribalar talabalarni rag'batlantirishning eng muhim usullaridan biridir, chunki tajriba o'tkazish qobiliyati eng muhim mahoratdir. Fizika tajribasi kursning amaliy va nazariy masalalarini bir butunga birlashtirish imkonini beradi. O'quv materialini tinglashda talabalar zerika boshlaydilar va mavzuga bo’lgan qiziqishni yo'qotadilar. Amaliyot davrida talabalar bajarilayotgan ishda faol ishtirok etadilar. Bu talabalarda kuzatish, taqqoslash, umumlashtirish, tahlil qilish va xulosa chiqarish ko‘nikmalarini rivojlantirishga yordam beradi. Talabalar fizikasi eksperimenti - qisqa muddatli bo'lishi, oson o'rnatilishi va o'quv materialini o'zlashtirish va qo'llashga aniq yo'naltirilgan bo'lishi kerak.

Tajriba talabalarning mustaqil faoliyatini tashkil etish, shuningdek, amaliy ko‘nikma va malakalarni shakllantirish imkonini beradi. Butun dars davomida talabalarning mutlaq ko'pchiligi faqat bitta eksperimental topshiriqni bajarishi va bajarishi mumkin bo'ladi. Shuning uchun biz 5-10 daqiqadan ko'proq vaqt talab

qilmaydigan kichikroq eksperimental topshiriqlarni tanladik. Tajriba shuni ko'rsatadiki, frontal laboratoriya ishlarini o'tkazish, eksperimental masalalarni yechish, qisqa muddatli fizik tajribalar o'tkazish savollarga javob berish yoki darslik mashqlari ustida ishlashdan ko'ra bir necha marta samaraliroqdir. [1] Ammo, afsuski, fizika labaratoriya kabinetida ko'plab hodisalarni ko'rsatish mumkin emas. Misol uchun, bu mikro dunyo hodisalari yoki tez harakatlanuvchi jarayonlar yoki laboratoriya bo'lmagan asboblar bilan tajribalar. Natijada talabalar aqliy tasavvur qila olmagani uchun o‘rganishda qiynaladi. Bunday holda, kompyuter qutqarish uchun keladi, bu nafaqat bunday hodisalarning modelini yaratishi, balki ruxsat berishi mumkin. Zamonaviy o'quv jarayonini o'z-o'zini rivojlantirish va o'z-o'zini tarbiyalash ko'nikmalarini shakllantirishga yordam beradigan yangi, samaraliroq texnologiyalarni izlamasdan tasavvur qilib bo'lmaydi. Loyiha faoliyati ushbu talablarga to'liq javob beradi. Loyihaviy ishlarni o‘rgatishdan maqsad talabalarning yangi tajribalarni o‘rganishga qaratilgan mustaqil faoliyatini rivojlantirishdan iborat. Aynan talabalarni tadqiqot jarayoniga jalb qilish ularning kognitiv faolligini faollashtiradi. Tadqiqot ham qisqa muddatli, ham uzoq muddatli bo'lishi mumkin. Qanday bo'lmasin, uni amalga oshirish talabalarda bir qator ko'nikmalarni safarbar qiladi va quyidagi universal ta'lim faoliyatini shakllantirish va rivojlantirishga imkon beradi:[1]

• o‘quv jarayonida AKTdan foydalanish tajribasini tizimlashtirish va umumlashtirish;
• alohida omillarning faoliyat natijalariga ta'sirini baholash (o'lchash);
• rejalashtirish – yakuniy natijani hisobga olgan holda oraliq maqsadlarning ketma-ketligini aniqlash
• jamoada muloqot qilish qobiliyati;
• o‘z faoliyati natijalarini tinglovchilarga taqdim eta olish;
• zamonaviy jamiyatda kasbiy faoliyat uchun zarur bo'lgan algoritmik fikrlashni rivojlantirish.

Vernier raqamli laboratoriyalari - bu keng ko'lamli tadqiqotlar, ko'rgazmalar, fizika, biologiya va kimyo bo'yicha laboratoriya ishlari, dizayn va laboratoriya ishlari uchun uskunalar. talabalarning tadqiqot faoliyati. Laboratoriya tarkibiga quyidagilar kiradi:

• Masofa sensori Vernier Go! Harakat
• Vernier Go harorat sensori! Harorat
• Adapter Vernier Go! Havola
• Yurak urishi tezligi sensori (yurak urish tezligini qo‘lda monitor)
• O‘quv materiallari to‘plami

• CosView interaktiv USB mikroskoplari.

Shunday qilib, biz shunday xulosaga kelishimiz mumkinki, Vernier raqamli laboratoriyasidan darsda foydalanish talabalarning tadqiqot ko'nikmalarini rivojlantirishga imkon beradi, bu esa o'qitish samaradorligini oshiradi va zamonaviy ta'lim maqsadlariga erishishga yordam beradi. Raqamli laboratoriya to'plamida biz oddiy vizual tajribalar va eksperimentlarni (harorat sensori, CO_2 sensori, yorug'lik sensori, masofa sensori, yurak urish tezligi sensori) bajarish uchun foydalanadigan sensorlar to'plamini o'z ichiga oladi. Talabalar gipotezani tuzadilar, sensorlar yordamida ma'lumotlarni to'playdilar va gipotezaning to'g'riligini aniqlash uchun olingan ma'lumotlarni tahlil qiladilar. Ilmiy tajribalar o'tkazishda foydalanish kompyuter va sinfdagi sensorlar o'lchovlarning aniqligini ta'minlaydi va jarayonni doimiy ravishda kuzatib borish, shuningdek, ma'lumotlarni saqlash, ko'rsatish, tahlil qilish va ko'paytirish va ular asosida grafiklarni yaratish imkonini beradi. [2] Vernier sensorlaridan foydalanish fan darslarining xavfsizligiga hissa qo'shadi. Kompyuterga ulangan harorat sensori talabalarning simob yoki boshqa shisha termometrlarni sindirishi mumkin bo‘lgan qurilmalardan foydalanishiga yo‘l qo‘ymaydi. Darsdan tashqari loyihalar ustida ishlash jarayonida fizika, kimyo, biologiya, informatika darslarida va hokazolarda foydalaniladi. Talabalar quyidagi faoliyat turlarini o'zlashtiradilar: kognitiv, amaliy, tashkiliy, baholash, o'z-o'zini nazorat qilish. Raqamli laboratoriyalardan foydalanishda quyidagi ijobiy ta'sirlar kuzatiladi: talabalarning intellektual salohiyatini oshirish; turli mavzularda, ijodiy tanlovlarda, dizayn va ilmiy-tadqiqot ishlarida qatnashayotgan talabalar ulushi ortadi va ularning samaradorligi oshadi.



1-rasm. Vernier raqamli laboratoriyasi bilan virtual laboratoriya yordamida Nyutonning sovutish qonunini o'rganish

Adabiyotlar

1. Fakhriddin, Yusupov. "Physics student participation test in the online group homework forum." International Engineering Journal For Research & Development 5.8 (2020): 4-4.

2. Ruzimatova Barnokhon, & Polvonov Bakhtiyor. (2020). The formation of creative thinking in teaching physics. International Engineering Journal For Research & Development, 5(ICIPPS),

АМАЛИЙ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРДА КИНЕМАТИКА МАСАЛАЛАРИНИ ГЕОМЕТРИК УСУЛДА ЕЧИШ

Болтабоев Боходир, Зулфихаров Илхом Махмудович
Андижон машинасозлик институти Олий математика кафедраси катта ўқитувчилари

Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган бўлажак мутаҳассис кадрлар ҳозирги замон талаблари асосида пухта касбий тайёргарликка эга, ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишишларига асосий эътиборни қаратмоқ бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Мутахассис кадрлар қанчалик билимли ва маҳоратли бўлса, у мамлакат тараққиётига ўзининг ҳиссасини кенг қўша олади[1, 2].

Бунинг учун биринчи навбатда математика, геометрия ва физика фанларини мактаблар, лицейлар ва олий таълим муассасаларида дарс берувчи профессор-ўқитувчилар ўқувчи ва талабаларни математик фикрлаш қобилиятини оширишга катта эътибор беришлари лозим.

Ўқув машғулотларда айниқса амалий ўқув машғулотларида ўқувчи ва талабаларга математикани ўргатиш жараёнида мантиқий фикрлашларини ривожлантириш учун математиканинг геометрия, физика, кимё, биология, техника, иқтисодиёт каби фанлар билан интеграциясини таъминлаган ҳолда ҳаётий масалалар билан амалиётга тадбиқ этишни ўргатиш муҳим аҳамиятга эга[1, 2].

Ўқув мшғулотларда математикани геометирия ва физика соҳалари интеграциясини амалга ошириш мақсадида, кинематиканинг тезлик ва тезланишга доир масалаларини график усулда ечганда кинематик масала геометрик масалага келиб қолишига эътибор қаратиб, биз шу каби масалалардан бир нечтасини кўриб чиқамиз.

1-масала. Жисм ҳаракати бошланғич S масофани босиб ўтгандаги тезлиги v га тенг бўлсин. Тезлик $2v$ бўлиши учун жисм яна қанча масофани босиб ўтиши керак [5].

Ечиш. Жисм текис тезланувчан ҳаракат қилмоқда ва бошланғич тезлик $v_0=0$. Демак тезлик графиги $v=at$, $a>v$ кўринишидаги тўғри чизиқдан иборат бўлади. (v, t) текисликда $v=at$ тўғри чизиқ графигини чизамиз (1-расм).

Жисм S масофани босиб ўтган вақт t_1 бўлсин, у ҳолда OAB учбурчакнинг юзи S га тенг бўлади. Тезлик 2 марта ошиши керак, яъни $t_2=2t_1$, бўлиши керак. Бундан эса OA_2B_2 учбурчакда A_1B_1 - ўрта чизиқ.

$S_{\Delta OA_2B_2} = 4S_{\Delta OA_1B_1} = 4S$, демак A_1B_1 A_2B_2 трапециянинг юзи $3S$ га тенг бўлгади, демак тезликни 2 марта ошириш учун $3S$ масофани босиб ўтиши керак.



1-расм

2-масала. Маълум бир масофани босиб ўтишда жисмнинг тезлиги v_1 дан v_2 гача ўзгаради. Ушбу масофанинг ўртасида жисм қандай тезликка эга бўлади[5].

Ечиш. Айтайлик t_1 вақт моментида жисмнинг тезлиги v_1 , t_2 вақтда v_2 бўлсин. $v=at$ нинг графигини чизамиз (2-расм).

A_1B_1 A_2B_2 трапециянинг юзи жисм босиб ўтган масофага тенгдир. Айтайлик жисм t вақтда масофанинг ярмида бўлсин.

Демак AB кесма $S_{A_1B_1A_2B_2}$ ни тенг иккига бўлади. У ҳолда масаламиз трапеция юзини тенг иккига бўлувчи кесманинг узунлигини топишдан иборат бўлади.

$A_1B_1 = v_1 = at_1$, $A_2B_2 = v_2 = at_2$ ва $AB \neq v = at$ бўлсин.

У ҳолда $S_{ABA_1B_1} = \frac{1}{2}S_{\Delta OA_1B_1} = 4S_{A_1B_1A_2B_2}$ дан

$$\frac{at_1+at}{2}\cdot(t-t_1) = \frac{at+at_2}{2}\cdot(t_2-t_1)\,,\ \frac{v_2-v_1}{v-v_1} = \frac{t_2-t_1}{t-t_1}$$

$$\frac{v_1+v}{2}\cdot(t-t_1) = \frac{v_1+v_2}{4}\cdot(t_2-t_1)\,,$$

$$2\cdot\frac{v_1+v}{v_1+v_2} = \frac{v_2-v_1}{v-v_1} \quad \text{бундан} \quad 2(v^2-v_1^2) = v_2^2-v_1^2$$

$$v^2 = v_2^2+v_1^2\,,\quad v = \sqrt{\frac{v_2^2+v_1^2}{2}}$$

Ушбу масаланинг ечимидан, агар жисм бирор кесманинг бошида t_2 вақтда бўлса, кесманинг ўртасида $t = \sqrt{\frac{t_1^2+t_2^2}{2}}$ вақт моментида бўлар экан деган ҳулосага келамиз.



2-расм

3-масала. Поезд соат 12^{00} да жўнаши керак эди. Пасажир перронга чиққанда унинг олдидан охиргидан олдинги вагон 10 секундда, охирги вагон эса 8 секундда ўтиб кетади. Агар поезд вақтида жўнаган бўлса, пасажирнинг соати қанча орқада қолган[5].

Ечиш. Пасажирнинг соати t_o га орқада қолаётган бўлсин. Поезднинг текис тезланувчан ҳаракат қилаётганини ва $v_o=0$ ни ҳисобга олсак (3-расм):

$S_{A_0B_0B_1A_1}$ – охиридан 2-вагон узунлиги, $S_{A_1B_1B_2A_2}$ – охирги вагон узунлиги, вагонлар узунликлари тенг бўлганлиги учун

$$\frac{at_0 + a(10+t_0)}{2}\cdot 10 = \frac{a(10+t_0)+a(18+t_0)}{2}\cdot 8$$

$$5(t_0+5) = 4(t_0+14), \qquad \text{бу ерда} \quad t_0 = 31$$

Демак пасажирнинг соати 31 секундга орқада қолаётган экан.



3-расм

Бизга маълумки, Олий таълим муассасаларининг техника йўналишида тахсил олаётган талабаларга кинематика физиканинг аввалида ўқитилади. Энергияга оид мавзулар эса анча кечироқ ўтилишини ҳисобга олсак, геометрик усулни "оқлаган" бўламиз. Бу билан биз, "Математика" дарсларида мутаҳасислик фанлари билан математиканинг инеграциясини таъминлаган бўламиз. Бу интеграция талабаларнинг олган математик билимларини амалиётга қўллай олиш жараёнларига ҳисса қўшилганлигини англатади [3, 4].

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сон Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Призиденти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 7 майдаги "Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-4708-сонли Қарор.
3. B.Boltaboev, I.M.Zulfiharov THE ROLE OF PROBLEM EDUCATION IN STRENGTHENING MATHEMATICAL KNOWLEDGE // TJE - Thematic journal of Education Vol-6-Issue- October -2021, p.67-72.
4. B.Egamberdiyeva, I.M.Zulfiharov THE IMPORTANCE OF PRACTICAL TYPE PROBLEMS IN INCREASING MATHEMATICAL KNOWLEDGE FOR AGRICULTURAL STUDENTS // INTERNATIONAL JOURNAL OF ENGINEERING MATHEMATICS, 2021. p.9-14.
5. Л.В.Тарасов, А.Н. Тарасова Вопросы изадачи по физике, Москва. Высшая школа, 1990.

TALABALARGA "YADRO BO'LINISHINING ZANJIR REAKSIYASI" MAVZUSINI MODELLASHTIRILGAN DASTURIY TA'MINOT YORDAMIDA TUSHINTIRISH

Raximjonov Jahongir Saydaxmat o'g'li, assistant,
Farg'ona politexnika instituti
jahongir_rahimjonov@mail.ru

Yadro fizikasi bo'limi boshqa bo'limlar ichida tajribalarining murakkabligi va ehtimoliy hodisalarga boyligi bilan ajralib turadi. Shuning uchun yadro fizikasi boshqa bo'limlarga nisbatan kech va uzoq vaqt davomida o'rganilgan bo'lib hozirgi kungacha ham o'zining yani yadroning yagona modeli tasdig'ini to'laligicha topgani yo'q. Bu bo'limdagi ko'p nazariy bilimlarni qolgan bo'limlardagidek talabalarga amaliy (laboratoriya) tarzda ko'rsatishning imkoni mavjud emas. Bunday tajribalarga yadroning bo'linish reaksiyalari va yadroning bo'linishining zanjir reaksiyalari ham kiradi. Og'ir yadrolarda zanjir reaksiyalarining borishi katta miqdorda energiya ajralib chiqishi bilan kechadigan jarayon bo'lib bu haqidagi tasavvurlarni talabalarga yetkazib berishda jarayonning kompyuterlashtirilgan modeli muhim ro'l o'ynaydi.



1-rasm. Zanjir reaksiyasining sxematik ko'rinishi.

Yadro bo'linishining zanjir reaksiyasi og'ir yadrolarda kuzatilib bo'linish jarayonida ikki va undan ortiq neytronlar hisobiga sodir bo'ladi. Bunda yadro reaksiyasining borishini harakterlovchi kattalik neytronlarning ko'payish koeffisenti (*k*) hisoblanadi. Ko'payish koeffisenti (*k*) bir necha kattaliklarga bog'liq bo'lib:

$$k = \nu\rho\beta\varepsilon$$

Bu yerda ν —har bir bo'linishga to'g'ri keluvchi neytronlarning soni. Odatda bu son ikki va undan ortiq bo'ladi (sekin neytronlarda bir va ikki oralig'ida ham bo'lishi mumkun). ρ —neytronlardan foydalanish koeffisenti (neytronlarning bir qismi keying bo'linish reaksiyalarida ishtirok etmasligi mumkin). β —hosil bo'lgan neytronlarning qancha qismi bo'linish energiyasiga ega bo'lgan diapazonda yotishini ko'rsatuvchi son. ε —neytronlarning qancha qismi reaksiya ketayotgan fazoni tark etmasligini ko'rsatuvchi son (bu son asosan chegaralangan hajmda olib boriladigan reaksiyalar uchun qo'llaniladi, cheksiz o'lchamdagi nazariy hisoblashlarda birga teng deb qabul qilinadi).

Zanjir reaksiyasini boshqarishning usullari mavjud bo'lib bu hosil bo'luvhi neytronlarning ma'lum qismini maxsus moddadan tayorlangan o'zaklar yordamida yutib qolishdir. Yutuvchi moddaning effektivlig darajasi uning aktiv hududga (zanjir reaksiya ketayotgan hudud) botish chuqurligi orqali boshqariladi. Quyidagi dasturda yuqoridagi jarayonlarni modellashtirilgan holda ko'rish mumkin. Dastur interfeysi soda va tushinarli tuzilgan bo'lib undan foydalanish murakkablik tug'dirmaydi. Dasturni quyidagi havola orqali yuklab olish mumkin. https://cloud.mail.ru/public/MhiZ/m3mdrTNyL



2-rasm. Dastur interfeysining umumiy ko'rinishi

Xulosa. Yadro bo'linishining zanjir reaksiyasi mavzusini talabalarga dasturiy ta'minot yordamida tushuntirish talaba ongida reaksiyaning borish tezligi va uning natijasida ajralib chiqadigan energiya miqdorini kuzatish hamda reaksiya boorish tezligini boshqarish usullarini yetarli darajada ravshan tushinib yetadi. Bu esa mavzu yuzasidan bilimlarni mustaxkamlashga yordam beradi.

Adabiyotlar

1. T.M. Mo'minov, A.B. Xoliqulov, SH.X. Xushmurodov. "Atom yadrosi va zarralar fizikasi". O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. Toshkent—2009.
2. Физика фанини ўқитиш методикаси модули бўйича ўқув –услубий мажмуа. Фаргона политехника институти. Фаргона-2021

ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОЦЕССА ФОСФОРНОКИСЛОТНОЙ АКТИВАЦИЯ МИНЕРАЛИЗОВАННОЙ МАССЫ- ЦЕНТРАЛЬНЫХ КЫЗЫЛКУМОВ

[1]Ортикова.С.С. д.т.н.(PhD),
[1]Ташходжаева Э.Т. магистрантка гр 17-20 КТр ,
[1]Ферганский политехнический институт, Республика Узбекистан, г. Фергана

Целью настоящего исследования, является нахождение оптимальных условий фосфорнокислотной активации ММ с получением одинарных фосфорных удобрений пролонгированного действия [1].

Для активации ММ применена экстракционная фосфорная кислота (ЭФК) трёх концентраций 14,32; 18,55 и 24,23% P_2O_5. Исходная ЭФК, полученная дигидратным способом на АО «Ammofos-Maxam» имеет состав (вес. %): 14,32 P_2O_5; 0,86 CaO; 0,29 MgO; 1,32 Fe_2O_3; 0,32 Al_2O_3; 0,38 SO_3. Две другие кислоты получены методом упарки исходной. Упаривание осуществляли без промежуточного осветления растворов.

Стехиометрическая норма фосфорной кислоты для разложения ММ рассчитывалась по уравнению:

$$CaO_{\text{в сырье}} + P_2O_{5\ \text{в кислоте}} \longrightarrow Ca(H_2PO_4)_2$$

При этом 100 %-ная норма фосфорной кислоты (стехиометрическая норма на образование $Ca(H_2PO_4)_2$ составляет 1 г P_2O_5 в ММ 7,61 г P_2O_5 в ЭФК или $P_2O_{5ЭФК}$: $P_2O_{5ФС}$ = 1 : 0,13. Активация ММ с ЭФК проведена в диапазоне весовых соотношений P_2O_5 в кислоте к P_2O_5 в сырье от 1 : 0,66 до 1 : 0,17, то есть в диапазоне норм фосфорной кислоты от 20 до 75% от стехиометрии на образование монокальцийфосфата.

Опыты проводились таким образом: в стеклянный термостатированный стакан, в котором находилась навеска фоссырья, медленно заливалась фосфорная кислота при 65°С. Смесь тщательно перемешивалась. Продолжительность контактирования компонентов составляла 30 мин. при 75°С. Затем масса подвергалась сушке, сначала при 60°С, далее при 105°С до постоянного веса. Результаты экспериментов с использованием ЭФК, содержащей 14,32% P_2O_5. [2].

При взаимодействии фосфатного сырья с фосфорной кислотой в первую очередь разлагаются карбонаты кальция:

$$CaCO_3 + 2H_3PO_4 \longrightarrow Ca(H_2PO_4)_2 \cdot H_2O + CO_2$$

Одновременно, но в меньшей степени, разлагается и фосфатный минерал:

$$Ca_5F(PO_4)_3 + 7H_3PO_4 + 5H_2O \longrightarrow 5Ca(H_2PO_4)_2 \cdot H_2O + HF$$

В результате гидролиза монокальцийфосфата образуется и дикальцийфосфат:

$$Ca(H_2PO_4)_2 \cdot H_2O + H_2O \longrightarrow CaHPO_4 \cdot 2H_2O + H_3PO_4$$

Чем больше берется кислоты, тем полнее разложение. Так, для ММ при $P_2O_{5ЭФК}$: $P_2O_{5ФС}$ = 1 : 0,66 (норма кислоты 20% от стехиометрии) продукт имеет (масс. %): $P_2O_{5общ.}$ - 28,90; $P_2O_{5усв.}$ по лим. к-те - 17,11; $P_2O_{5водн.}$ - 0,81; $CaO_{общ.}$ - 35,42; $CaO_{усв.}$ по лим. к-те 14,04; $CaO_{водн.}$ - 1,48.

Разница между усвояемыми формами P_2O_5 и CaO и водными их формами даёт нам содержание в продукте дикальцийфосфата. А разница между общими формами P_2O_5 и CaO и их усвояемыми формами говорит о том, что в продукте остались недоразложенными как фосфатный минерал, так и карбонат кальция. Водные формы P_2O_5 и CaO говорят о наличии в продукте монокальцийфосфата. При соотношении $P_2O_{5ЭФК}$: $P_2O_{5ФС}$ = 1 : 0,175 (норма кислоты 75% от стехиометрии) продукт уже содержит (масс. %): $P_2O_{5общ.}$ 43,51; $P_2O_{5усв.}$ по лим. к-те 34,08; $P_2O_{5водн.}$ 27,88; $CaO_{общ.}$ 22,0; $CaO_{усв.}$ 18,14; $CaO_{водн.}$ 9,79. Полученный продукт имеет высокое содержание усвояемых и водорастворимых форм P_2O_5 и CaO по отношению к их общим формам ($P_2O_{5усв.}$: $P_2O_{5общ.}$ = 78,33%; $P_2O_{5водн.}$: $P_2O_{5общ.}$ = 64,08%; $CaO_{усв.}$: $CaO_{общ.}$ = 82,45%; $CaO_{водн.}$: $CaO_{общ.}$ = 44,50%).

По требованию сельского хозяйства одинарное фосфорное удобрение должно иметь высокое содержание общей и усвояемой форм P_2O_5, а относительное содержание водорастворимой формы P_2O_5 должно быть не менее

50%. Исходя из этого требования, оптимальной нормой ЭФК для обработки ММ является 55% от стехиометрии ($P_2O_{5ЭФК}$: $P_2O_{5ФС}$ = 1 : 0,24). При этом продукт содержит $P_2O_{5общ.}$ 40,98%; $P_2O_{5усв.}$ 30,06%; $P_2O_{5водн.}$ 21,28%; $P_2O_{5усв.}$: $P_2O_{5общ.}$ = 73,35%; $P_2O_{5водн.}$: $P_2O_{5общ.}$ = 51,93%. Он представляет из себя димонофосфат кальция. Основным компонентом димонофосфата кальция является смесь солей водорастворимого монокальцийфосфата. [2].

Литература

1. S.S.Ortikova, Sh.S.Namazov A.R.Seytnazarov, S.R. Mirsalimova Single phosphoric fertilizers based on phosphorus acid activation of the balanced phosphorite ore of Central Kyzylkum. // International Journal of Recent Advancement in Engineering & Research.-India, 2018.-Volume 04, Issue 02; February-2018 [ISSN:2456-401X]. P.1-7.

2. S.S.Ortikova, H.Toshtemirov, E.Khojimatova Chemical composition of single-sided phosphoric fertilizers obtained from balanced phosphorite ore of central Kyzylkum by phosphoric acid activation with sulfuric acid addition. // ACADEMICIA an International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal), 2021-Volume 11, Issue 3, March-2021 Impact Factor: SJIF 2021 = 7.492

3..Методы анализа фосфатного сырья, фосфорных и комплексных удобрений, кормовых фосфатов / М.М.Винник, Л.Н.Ербанова, П.М.Зайцев и др. - М.: Химия, 1975. - 218 с.

ГОСТ 21560.2–82. Удобрения минеральные. Методы испытаний. – М.: Госстандарт, 1982, 30 с.

DORIVOR O'SIMLIKLAR TARKIBIDAGI ASOSIY TA'SIR ETUVCHI FAOL MODDALAR

Xusanov Baxtiyor Muxammadjonovich
Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti
"Dorivor va ziravor o'simliklar" kafedrasi katta o'qituvchisi, Andijon viloyati, O'zbekiston

Dorivor giyohda doimo biologik faol moddalar majmuasi mavjud bo'ladi, shu tufayli xam ushbu o'simlik davolash uchun qo'llaniladi va asosiy ta'sir etuvchi modda deyiladi. biologik faol moddalarning roli va axamiyati turlicha: bir xillari foydali va organizmga ijobiy ta'sir etadi. Masalan, vitaminlar, qandlar va organik kislotalar. Ikkinchi xillari, masalan, saponinlar, qandlar ta'sir etuvchi moddani organizmga so'rilishi va davolash terapevtik ta'sir muddatini uzaytiradi. Uchinchi xillari organizmga salbiy ta'sir etadi, masalan jumrut (kora krushinы) daraxti po'stlog'i qayt

qildiradi(qustiradi). To‘rtinchi xillari esa masalan, klechatka, pektin, yog‘och, po‘kak kabilar betaraf, ballast moddalar xisoblanadi. Ballast moddalarning axamiyati keyingi paytlarda qayta ko‘rib chiqilmoqda, masalan sfagnum, paxta tolasi tarkibidagi klechatka meditsinada axamiyatli material xisoblanadi.

Giyohlarning shifobaxshligi ularning tarkibidagi judi oz miqdorda bo‘lsa xam aniq fiziologik samara bera oladigan biologik faol moddalarga bog‘liq. Biologik faol moddalar o‘simlik tomonidan tuproq, suvdagi anorganik moddalardan, karbonat angdriddan yog‘ug‘lik energiyasi ta’sirida sintezlanadi. Biologik faol moddalar o‘simlik tomonidan tuproq, suvdagi anorganik moddalardan, karbonat angdriddan yog‘ug‘lik energiyasi ta’sirida sintezlanadi. Ta’sir etuvchi modda o‘simlikning ma’lum bir qismida, masalan guli, bargi, poyasi, ildizi, mevasi, urug‘ida to‘planadi.

Alkaloidlar – tarkibida azot mavjud bo‘lgan murakkab organik moddalardir, azot tuz kislotalari bilan birikadi va suvda oson eriydi. Ko‘pchilik alkaloidlar sof xolda kristall shaklida bo‘ladi, o‘simlik tarkibida tuz shaklida, turli organik kislotalar (olma, limon, shavel) da juda oz miqdordan to 2-3% gacha uchraydi. Bir o‘simlik tarkibidagi alkaloid miqdori yil fasliga, rivojlanish fazasiga bog‘liq ravishda o‘zgarib boradi. YAngi unib chiqqan maysa o‘simlikda alkaloid miqdori oz bo‘ladi, keyin ko‘paya boshlab, gullash fazasida eng maksimal miqdorga chiqadi va asta sekin yana kamaya boshlaydi. Belladonna (krasavka), bangidevona (durman), sekurinega, efedra, pilokarpus, choy kabilar muxim axamiyatga ega bo‘lgan alkaloidlarni yetkazib beruvchi o‘simliklar xisoblanadi.

Glikozidlar – murakkab azotsiz birikmalar, gidrolizlanganda qandli qism (glikon, ramnoza, galaktoza) va qandsiz qism (aglikon yoki genin)ga ajraladi. Asosan qandsiz qismi dori sifatida muxim xisoblanadi. Sof xolda kristall, suvda va spirtda oson eriydigan, ta’mi nordon moddalardir. Saqlash vaqtida o‘simlikning o‘zida mavjud bo‘lgan fermentlar ta’sirida parchalanadi, shu sababli giyoh xom ashyosini yig‘ish, quritish va saqlashda talablarga rioya qilinish kerak.Glikozidlar yurak glikozidlariga, antraglikozidlarga va saponinlarga bo‘linadi.

YUrak glikozidlari–angishonagul (naperstyanka), marvaridgul (landыsh), adonis (goritsvet) kabi o‘simliklardan ajratib olingan. YUqori darajada biologik faol moddalar, yurak muskullari qisqarish kuchini oshiradi, qisqarish sur’atini kamaytiradi, arterial qon bosimini kamaytiradi. YUrak qon tomirlar kasalliklarida xozirda qo‘llaniladigan dori vositalari orasida 70% ni o‘simliklardan ajratib olingan dorilar tashkil etadi. SHu bilan bir vaqtda bu preparatlar ancha zaxarli bo‘lib, vrach ko‘rsatmasiga asosan qo‘llaniladi.

Antraglikozidlar- ich surgi, o‘t safro xaydovchi ta’sir etadi. Jumrut (krushina, frangula) po‘stlog‘i, mevasi, rovoch (reven) ildizi, senna, aloe bargida antraglikozidlar mavjudligi aniqlangan. SHuvoq-ermon (polыn), momoqaymoq (oduvanchik) va tillaboshdagi antraglikozidlar achchiq ta’mli bo‘lib, oshqozon ichaklardan shira ajralib chiqishini kuchaytiradi

Saponinlar–gidrolizlanganda uglevodli qism va aglikonga ajraladi. Suvda va spirtda oson eriydi, chayqatilsa ko'pik xosil qiladi. Termopsis, polemonium (sinyuxa), navro'zgul (pervotsvet), istod ildizi balg'am ko'chiruvchi, bo'yrak choyi- siydik xaydovchi, dalachoy (zveroboy) o't safro xaydovchi, organizmni tetiklashtiruchi (toniziruyushiy) ta'sir etadi, qon –tomirlar aterosklerozida ijobiy samara beradi.

Fenol birikmalari va ularning glikozidlari - o'simliklarning eng faol biologik birikmalari xisoblanadilar, ularga fenol, flavonidlar va ularning glikozidlari kiradi, turli tuman farmakologik faollikka egadirlar.

Oddiy fenollar - kam uchraydi, qarag'ay igna bargida g'udda mevasida, qora qarag'at (smorodina) mevasida mavjud. Zaxarli, juda oz miqdorda iste'mol qilinganda og'riq qoldiruvchi, infektsiyaga qarshi ta'sir etadi, nafas olish yo'llari kasalliklarida davolash uchun ishlatiladi.

Flavonidlar – o'simlik dunyosida juda keng tarqalgan. O'simlik organizmida murakkab oksidlanish–tiklanish jarayonlarida, to'qimalarning nafas olishida muxim rol o'ynaydi. Sof xolda ajratib olingan flavonidlar kristall shaklida, sariq, zarg'aldoq, qizil, kamroq rangsiz ko'rinishda. Tarkibida asosan monosaxaridlar, kamroq disaxaridlar bor.

Oshlovchi moddalar–yoki tanidlar–zaxarsiz, azotsiz, aromatik xushbo'y birikmalar, suvda va spirtda oson eriydi, asosan o'simlik po'stlog'ida, yer usti qismlarida mavjud. Tanidlarning o'simlikdagi umumiy miqdori 10-30% gacha, otquloq (shavel), dub daraxti po'stlog'ida, shumurt (cheremuxa) kabi o'simliklarda ularning miqdori ko'p bo'lib, davolash uchun oshqozon–ichak kasallaklarida, organizm zaxarlanganda, qon to'xtatuvchi, bakteriotsid vosita sifatida qo'llaniladi.

Adabiyotlar

1. Xolmatov X.X., Ahmedov U.A. Farmakagnoziya. Darslik. T., 1995y.370b.

2. X.X. Xalmatov, A.X. Usmonxo'jaev, M.I. Maxsumov, O'.A. Axmedov. Атлас лекарственных растений Узбекистана

3. X.X. Xalmatov, I.A. Xarlamov, Z.I. Mavlanqulova. Лекарственныэ растения ТСентралной Азии. Т., изд. мед. литературы им. Abu Ali ibn Sino, 1998, 296 s.

A.OPPENHEIM TENGSIZLIGINING BA'ZI TADBIQLARI TO'G'RISIDA

N.Ismoilova -Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti assistenti,
e-mail: nilufar021996@gmail.com

Annotatsiya

Mazkur maqolada A.Oppenheim tengsizligi haqidagi teorema va undan kelib chiqadigan bir nechta natijalar isbotlari bilan keltirilgan. Shuningdek, ixtiyoriy uchburchaklar uchun ham o'rinli bo'lgan ba'zi bir tengsizliklar qaraladi.

Kalit so'zlar: Oppenheim tengsizligi, o'rta geometrik qiymat, o'rta arifmetik qiymat, Koshi-Bunyakovskiy tengsizligi, Geron formulasi, Jensen tengsizligi, kosinuslar teoremasi, muntazam uchburchaklar.

Аннотация

В статье рассматривается теорема Оппенгеймера и ряд следствий теоремы с доказательствами. В месте с этим приведены некоторые неравенства справедливые для произвольных треугольников.

Ключевые слова: Неравенство Оппенгейма, среднее геометрическое значение, среднее арифметическое значение, Коши-Буняковское неравенство, формула Герона, неравенство Дженсена, теорема косинусов, правильный треугольник.

Annotation

In this paper A. Oppenheim's theorem on inequality and from several results resulting from the evidence. And optional some inequalities are given which are also valid for triangles.

Key words: A.Oppenheim inequality, average geometric value, arithmetic mean, Koshi-Bunhakovsky inequality, Geron formula, Jensen inequality, cosine theorem, regular triangles.

Tomonlari a,b,c bo'lgan ABC uchburchakda $p-$yarim perimetr, R va r tashqi va ichki chizilgan aylanalar radiuslari bo'lsin.

[1] maqolada quyidagi ikki teorema keltirilgan:

1-teorema (O.Bothema). Har qanday x,y,z haqiqiy sonlari uchun ABC uchburchakda

$$yza^2+zxb^2+xyc^2\le R^2(x+y+z)^2 \tag{1}$$

tengsizlik o'rinli. Tenglik ishorasi faqat va faqat

$$\frac{x}{\sin 2A}=\frac{y}{\sin 2B}=\frac{z}{\sin 2C} \tag{2}$$

tenglik o'rinli bo'lgandagina bajariladi.

2-teorema (A.Oppenheim). Har qanday x,y,z haqiqiy sonlari uchun ABC uchburchakda

$$xa^2+yb^2+zc^2\le 4S\sqrt{xy+yz+zx} \tag{3}$$

tengsizlik o'rinli. Tenglik ishorasi faqat va faqat

$$\frac{x}{-a^2+b^2+c^2}=\frac{y}{a^2-b^2+c^2}=\frac{z}{a^2+b^2-c^2} \tag{4}$$

tenglik o'rinli bo'lgandagina bajariladi..

Maqola muallifi tomonidan avval 2-teorema o'rinli bo'lganda 1-teoremaning o'rinli bo'lishi ko'rsatilgan. Shu bilan birga har ikki teorema barcha musbat x,y,z sonlari uchun o'rinli ekanligi, x,y,z manfiy sonlar uchun bu teoremalar o'rinli bo'lmasligi uning quyidagi teoremasidan ko'rinadi.

Teorema. Agar x,y,z haqiqiy sonlari uchun

$$x+y>0, y+z>0, z+x>0 \text{ va } xy+yz+zx>0$$

tengsizliklar bajarilsa (3) va (4) o'rinli.

1-natija (XMO-1977). Har qanday ABC uchburchakda

$$a^2+b^2+c^2 \geq 4S\sqrt{3}$$

tengsizlikning o'rinli ekanligini isbotlang, bu yerda tenglik muntazam uchburchak uchun bajariladi.

Isboti. (3) tengsizlik va (4) tenglikda $x=y=z$ deb olinsa talab qilingan tengsizlik va tenglik kelib chiqadi.

2-natija. Har qanday ABC uchburchakda

$$a^4+b^4+c^4 \geq 16S^2$$

tengsizlikning o'rinli ekanligini isbotlang, bu yerda tenglik muntazam uchburchak uchun bajariladi [2].

Isboti. (3) tengsizlik va (4) tenglikda $x=a^2, y=b^2, z=c^2$ deb olinsa

$$a^4+b^4+c^4 \geq 4S\sqrt{a^2b^2+b^2c^2+c^2a^2}$$

munosabat hosil bo'ladi. Chunki Geron formulasidan foydalanilsa,

$$2\left(a^2b^2+b^2c^2+c^2a^2\right)-(a^4+b^4+c^4)=16S^2$$

tenglikni,

$$\left(a^2-b^2\right)^2+\left(a^2-b^2\right)^2+\left(a^2-b^2\right)^2 \geq 0$$

tengsizlik esa

$$a^2b^2+b^2c^2+c^2a^2 \leq a^4+b^4+c^4$$

tengsizlikni beradi. Demak, bundan isbotlanishi talab qilingan

$$a^4+b^4+c^4 \geq 16S^2$$

tengsizlik va tenglikni hosil qilamiz.

Adabiyotlar

1. O.Bottema, Inequalities for R, r and s,Univ. Beograd.Publ.Elektrotehn. Fak. Ser. Mat. Fiz., No. 338-352(1971)27-36.
2. J.Garfunkel, Problem 825, Crux Math., 9(1983), 79.
3. Jo'raqulov, R., Toshpo'latov, D. S. (2021). Matematika fanini o'qitishda ajdodlar merosi. *Academic research in educational sciences*, 2(6), 287-292.
4. S.A.Akbarov, D.Sh.Toshpo'latov, R.Jo'raqulov (2021). Matematik ta'lim: o'qitishda innovatsion usullar. *Academic research in educational sciences*, 2(7), 103-111.
5. Jo'raqulov R., Toshpo'latov D.Sh. (2022). Sonli to'plamlarni kengaytirish masalasi: kompleks sonlar − o'qitish. *Academic research in educational sciences*, 3(3), 800-804.

РАЗВИТИЕ АБСТРАКТНОГО ПРЕДСТАВЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ ШКОЛ, ПУТЕМ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МАТЕМАТИЧЕСКИХ ПАКЕТОВ В ОБУЧЕНИИ ГЕОМЕТРИИ

Хакимов Сайибжон – к.ф-м.н., заведующий кафедры "Высшая математика" Андижанского машиностроительного института

Юсупова Санобар Хасановна - преподаватель кафедры "Математика и методика её обучения" Ташкентского государственного педагогического университета имени Низами.

Аннотация. Данная статья посвящена использованию математических пакетов в обучении геометрии, с целью развития пространственного представления учащихся школ.

Сила любого государства определяется его научно-техническим потенциалом. Достижения нашей страны, вообще всех стран в технике и технике напрямую связаны с математикой и физикой. Наша молодежь должна иметь хорошее понимание законов математики и геометрии, научное понимание действительности и умение применять это на практике. В частности, изучение вопросов значительно способствует формированию и расширению научного мировоззрения, логического и творческого мышления. Знание законов геометрии может помочь нам решить многие жизненно важные проблемы. В процессе изучения геометрических материалов у учащихся развивается интеллект и внимание. Они учатся классифицировать, классифицировать и сравнивать геометрические фигуры. Приобретая навыки измерения, они развивают независимость и уверенность. Сегодня каждый учитель естественных наук имеет полную возможность делать презентации и готовить выставки на компьютере в соответствии с тематикой и эстетическим вкусом. Кроме того, школы теперь обеспечены готовыми программами по разным предметам по всем предметам, которыми учителя должны эффективно пользоваться. В то же время возрастает интерес к использованию интерактивных методов, инновационных технологий, педагогического программного обеспечения и компьютерных технологий в образовательном процессе. Не секрет, что изучение геометрии, особенно стереометрии, для многих учащихся дается с трудом, а усвоение материала происходит путем запоминания. Трудно представить обучение школьников геометрии без ее рисования и построения. Конечно, мы используем схемы для создания фигуры в сознании учащихся, для объяснения ее свойств, для руководства учащимися при решении задач. В традиционном методе мы используем только карандаши, бумагу, линейки и циркуль для объяснения планометрических рисунков, тогда как в стереометрии несколько сложнее создать в воображении учащихся пространственные фигуры. Изготовление пространственных построений сильно отличается от построения построений на плоскости, и немного неудобно давать учащимся представление о

пространственных фигурах с помощью бумаги и карандаша. Использование компьютерных технологий в создании и представлении геометрических фигур и в их обучении открывает новые возможности для преодоления подобных неудобств. Одной из программ компьютерной анимации является программа Cabri 3D, обладающая широкими возможностями для выполнения плоскостных и космических конструкций. На следующем изображении показана панель инструментов этой программы.

(1) Устройство (управления/обнаружение) позволяет выделять точки и объекты, изменять их расположение.
(2) Устройство (Точки) служат для построения объектов и позволяет ставить точки разными способами.
(3) Припособление (линия) позволяет строить: прямую, проходящую через две точки, прямую, образованную пересечением плоскостей, сечение, луч, вектор, окружность, дугу, линии второго порядка (конические сечения), прямые, образованные пересечением тел.

С помощью оборудования 4 (поверхность) можно делать самолеты и полупланы. Также можно выбрать двусторонний угол, многоугольник, стороны пузыря, цилиндр, конус, сферу

оборудования 5 позволяет создавать взаимосвязанные объекты. Он имеет очень широкий спектр возможностей. Его можно использовать для создания прямых линий, плоскостей, перпендикулярных линий, перпендикулярных плоскостей, параллельных прямых и плоскостей, перпендикуляров к центру плоскости и центру сечения. Он также отображает результаты измерений и изменяет траектории движения ряда объектов.

Оборудования 6 позволяет иллюстрировать рисунки, оно способно выполнять



(1) (2) (3) (4) (5) (6) (7) (8) (9) (10)

геометрические преобразования, такие как Осевая симметрия, Параллельный перенос, гомотетия, инверсия, вращение вокруг точки, зеркальное отражение.

Устройство 7 позволяет начертить правильные многоугольники (от 3 до 12 сторон).

Устройство (8) используется для построения многранников. (8) Устройство образует тетраэдр в 4 точках, призми при помощи заданного многоугольника и заданного вектора. При помощи 9 усройства можно построить, любой правильный многогранник.

(10) Вы можете использовать устройство для изменения положения других кнопок. Программа также позволяет вычислять скалярное произведение расстояния, длины, поверхности, объема, углов, векторов, а также выводить уравнения координат точек, векторов, объектов.



С помощью программы Cabri 3D мы можем более легко объяснить учащимся понятия и конструкции, которые учащимся трудно представить, и развить их пространственное воображение. В формировании и развитии целостного представления школьника о пространственных объектах важно наблюдать, как изменяется его форма при изменении параметров этих объектов. То есть вместо того, чтобы изучать свойства пространственного объекта по готовому чертежу, воображение расширяется, когда его изучают по его форме, созданной движущимися программами. На самом деле возможности компьютерного программного обеспечения огромны. Мы доказываем свою точку зрения, делая надрезы в многогранниках и используя их повороты с помощью программы Cabri 3D.

Объяснить, как вырезать пузыри ученикам, может быть очень сложно для учителя. Здесь мы имеем в виду программу Cabri 3D, которая позволяет продемонстрировать процесс изготовления разрезов, в отличие от традиционного метода.



Шаг 1. (3) - Мы можем сделать пирамиду, используя оборудование. Пусть ABCDE образует пятиугольник. Чтобы назвать многоугольник, мы помечаем концы многоугольника из инструмента Управление и называем его заглавными буквами латинского алфавита. Обозначим стороны AE и ED точками. Для этого правой кнопкой мыши откройте контекстное меню и выберите пункт Кривой Совет → Пунктирная.

Определим точки M_1, M_2, M_3, где проходит секущая плоскость, на ребрах SA, SB, SD (рисунок 1).

Шаг 2. Теперь делаем разрез. Инструментом 3 рисуем прямые линии M_1M_2и AB (рисунок 2). Щелкните правой кнопкой мыши, чтобы создать контекстное меню, выберите «Цветная линия» и используйте его, чтобы закрасить каждую прямую линию синим цветом. Используя уравнение 2, мы определяем точку пересечения

прямых линий X_1. Затем с помощью точки проводим прямые M_1M_3и AD и отмечаем точку их пересечения с помощью X_2. Прямая линия X_1X_2является прямой линией, пересекающей плоскость с главной плоскостью. Используя инструмент 1, отметьте прямую линию и закрасьте прямую линию X_1X_2зеленым цветом из контекстного меню *Тип линии-Жирный, Свет линии-Зеленый*. Далее проделываем следующие манипуляции и видим, что разрез образовался:

-
-
-
-
-
-
-
-
-
-
- $X_3 = CD \cap X_1X_2$
- $M_4 = M_3X_3 \cap SC$
- $X_4 = ED \cap X_1X_2$
- $M_5 = M_3X_4 \cap SE$

$M_1M_2M_4M_3M_5 -$ искомое сечение

Инструментом 7 создаем полигон по точкам $M_1 - M_2 - M_4 - M_3 - M_5 - M_1$, для этого выбираем полигон с устройства управления. Затем щелкните правой кнопкой мыши и выберите Color Power в контекстном меню (рис. 4). Итак, мы создали нужный разрез



Заключение статьи Использование математических пакетов в обучении геометрии в школе повышает интерес к изучаемому предмету, а также развивает



пространственное представление учащихся.

Литературы

1. Бакирова Н. Ю, Сайдалиева Ф. Х. Методика преподавания математики. Учебное пособие. – Ташкент 2008.
2. Преподавание алгебры и геометрии в школе. Пособие: для учителей. О.А. Боковнев – М: Просвещение, 1982-223 с
3. M.A.Mirzaahmedova, Sh.N. Ismailov, A.Q. Amanov, B.Q. Haydarov. O'rta ta'lim muassasalarining 10 – sinfi va o'rta maxsus, kasb – hunar ta'limi muassasalari o'quvchilari uchun darslik. Toshkent – 2017
4. Г. А. Клековкин Изображение геометрических фигур в параллельной проекции. Учебное пособие для учащихся 10-11-х классов. – Самара: СФ ГАОУ ВО МГПУ, 2016.-132с.

ЗИҒИРНИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ғоипова Паризод Мухтор қизи

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

"Доривор ва зиравор ўсимликлар"кафедраси ассистенти

samsung9888a@gmail.com

Demak, $\alpha = \frac{\pi}{4}$ da R funksiya $R\left(\frac{\pi}{4}\right) = \frac{{v_0}^2}{g}$ ga teng maksimumga ega. R funksiya $\left[0;\frac{\pi}{2}\right]$ kesmaning chetlarida quyidagi qiymatlarga ega:

$$R(0) = 0, \;\; R\left(\frac{\pi}{4}\right) = 0$$

Demak, topilgan maksimum R funksiyaning eng katta qiymatidir.

2-masala. Hajmi 64 ga teng bo'lgan silindirning to'la sirti S eng kichik bo'lishi uchun silindirning o'lchovlari qanday bo'lishi kerak?

Yechish: Silindir asosining radiusini r bilan, balandligini h bilan belgilaymiz. U holda to'la sirt uchun quyidagiga ega bo'lamiz:

$$S = 2\pi R^2 + 2\pi Rh$$

Silindirning hajmi 64 bo'lgani uchun $64 = \pi r^2 h$ dan $h = \frac{64}{\pi r^2}$ ni topamiz. h ning bu ifodasini S ga qo'yamiz.

$$S = 2\pi R^2 + 2\pi r \cdot \frac{64}{\pi r^2} \;\; yoki \;\; S = 2(\pi r^2 + \frac{64}{r})$$

Demak, S birgina r ning funksiyasi. Demak, biz $S(r)$ ni $0 < r < \infty$ oraliqdagi eng kichik qiymatini topamiz:;

$$\frac{dS}{dr} = 2\left(2\pi r - \frac{64}{r^2}\right), \qquad 2\pi r - \frac{64}{r^2} = 0, \qquad r_1 = \sqrt[3]{\frac{64}{2\pi}} = \frac{4}{\sqrt[3]{2\pi}}.$$

$$\frac{d^2S}{dr^2} = 2\left(2\pi + \frac{128}{r^3}\right) = 4\left(\pi + \frac{64}{r^3}\right), \qquad \left(\frac{d^2S}{dr^2}\right) = 4\left(\pi + \frac{64}{r^3}\right) > 0.$$

Demak, $r = r_1$ nuqtada S funksiya minimumga ega. Ikkinchi tomondan $\lim\limits_{r\to 0} S = \infty$, $\lim\limits_{r\to\infty} S = \infty$, ya'ni r nolga yoki cheksizlikka intilganda S cheksiz kattalashadi. Demak, $r = r_1$ nuqtada S funksiya eng kichik qiymatga ega bo'ladi.

Lekin $\frac{4}{\sqrt[3]{2\pi}}$ bo'lsa, $h = \frac{64}{\pi r^2} = 2\frac{4}{\sqrt[3]{2\pi}} = \frac{8}{\sqrt[3]{2\pi}}$.

Shunday qilib, hajmi 64 ga teng silindirning to'la sirti S eng kichik bo'lishi uchun, silindirning balandligi diametriga teng bo'lishi kerak.

Shunday qilib, biz ushbu maqolada funksiyaning eng katta va eng kichik qiymatlarini topishga olib keluvchi ikkita masalani yechish bilan shug'ullandik. Bu masalalardan birinchisi mexanik mazmundagi, ikkinchisi esa geometrik mazmundagi masala bo'lib, ularning har ikkalasini yechishda ikkinchi tartibli hosiladan foydalandik. Bunday masalalar amaliy mazmundagi masalalar guruxiga tegishli bo'lib ularni yechish jarayoni didaktik tamoyillardan hisoblangan nazariya bilan amaliyotning birligi tamoyilini qo'llashdan iborat bo'ladi. Buning natijasida esa ta'lim jarayoni samarali bo'lishga erishiladi.

Adabiyotlar

1. N.R.Rasulov va boshq. Oliy matematika. T, 2012.-512b.

2.N.C.Piskunov. Differensial va integral hisob. T.: O'qituvchi, 1-tom. 1972.-501b.

STUDYING NANOTECHNOLOGY IN UNIVERSITIES

Rashidov Nodirjon Abduvahob o'g'li, student.
Siddiqov Rustamjon O'ktamovich, assistant.
"Kokand branch of Tashkent State Technical University", Kokand, Uzbekistan

New technology is what moves humanity forward on its path to progress. Technologies determine the life quality of us and the power of the state in which we live.

With the development of technology, humanity is increasingly striving to automate and optimize everything around itself. In many ways, optimization affects the shape, material and size of utilized objects. Computers are becoming more compact, screens are becoming thinner, and some devices cannot even be seen with the naked eye. The development of computer technology has always been associated with the miniaturization of electronic circuit elements. Currently, the size of one logical element (transistor) of a computer circuit is about 10^{-7} m, and scientists believe that further miniaturization of computer elements is possible only when special technologies called "NANOTECHNOLOGIES" are developed.

What is nanotechnology? Nanotechnology is the technology of manipulating matter at the atomic and molecular levels. In nanotechnology, we can produce products with a given atomic structure through the controlled manipulation of individual atoms and molecules. The term "nanotechnology" was first uttered by the Japanese physicist Norio Taniguchi in 1974, describing with this term the process of creating objects of a few nanometers in size. The modern technical support of science has reached such a level that allows the manipulation of individual molecules, atoms and even electrons. It is these objects that make up the elemental base of nanodevices, in whose work the physical basis is the processes occurring in areas with atomic dimensions. Meanwhile, the physical laws that describe the behavior of electrons in nanoobjects differ significantly from the classical ones, on the basis of which a very large number of complex electronic devices work. These laws are quantum in nature. They are based on the idea of wave-particle duality of matter. The presence of electron wave properties, which begin to play a significant role in its movement in microscopically small volumes, requires a new approach to describing its behavior. A new way of describing the motion of a microparticle, based on quantum representations, is not always compatible with the idea of the trajectory of a macroobject.

Nanophysics is currently being actively developed and formed as a separate discipline, the basis of which is quantum physics. A detailed acquaintance with this section of physics is possible only on the basis of good mathematical preparation. But schoolchildren should get acquainted with the new and one of the most important for the present and the near future branch of knowledge - nanotechnology, to form a steady interest in the student in this area of science and technology. We must help the student to understand the essence of physical phenomena and processes, on the basis of which nanodevices are developed, to realize the originality of the approaches of scientists and practitioners in solving specific scientific and technical problems, and to form a desire to continue their education directly related to nanotechnology. We hope that the knowledge gained will help form a graduate of the school with a deep interest

in research and engineering in the rapidly developing modern science and technology, regardless of its specificity and orientation. Scientists and experts believe that the coming decades will be the era of the penetration of nanotechnology into the most important areas of human activity. The already begun third scientific and technological revolution - nanotechnological - is actually a continuation of the previous, but at a higher scientific and technical level. The successful development of nanotechnology will allow society to solve many of the complex problems facing it at present. These are, first of all, problems of energy and ecology, medicine and agriculture, construction and space exploration. The high rates of the third scientific and technological revolution require quick scientific and technical training of new personnel, which is possible only when laying the foundation for this training at school. Given this, in a number of industrialized countries (USA, Germany, Japan), nanotechnology courses have been introduced into school curricula. The introduction of such a course in schools in Uzbekistan is a challenge of the time, responding to which you can bring science education to a level that meets the high requirements of the twenty-first century.

At the moment, nanotechnology is so common in our lives that sometimes we can't even imagine where its traces are found. Of course, the most striking and popular example of the use of nanoparticles and nanotechnology are smartphones, tablets and various handheld computers. Much less well-known examples, but no less amazing: paint that can change its color, toothpaste, with the effect of restoring tooth enamel, adhesive plasters with the finest silver coating for better and faster healing of wounds and many others.

The use of nanotechnology is so promising that their research does not stop even for a day. And in the process of designing the latest ideas and innovations, the best specialists in this field have long been involved.

In conclusion, among the most recent discoveries in the nanosphere are the creation of a tiny device for transmitting a holographic image, the creation of nanofilms for use in flexible solar cells and as an electric conductor, the creation of nanorobots that can move in liquids and in the future become a new round in nanomedicine, the creation of nanorobots capable of repair damage in their own electrical circuits. The list of opportunities provided to mankind by nanotechnology can be called indefinitely. Most importantly, we realized that moving in this direction, we will be able to achieve incredible heights and results.

Literatures

1. Linda Williams, Wade Adams Nanotechnology Demystified McGraw-Hill,- 2007.- 362 p.

2. Нанотехнологии. Азбука для всех. Под ред. Третьякова Ю.Д. М.: Физматлит, 2008.— 368 с.

3. Нанотехнологии для всех. Рыбалкина М. М.: Nanotechnology News Network, 2005. - 444 с.

УДК 502.5(203)

АТМОСФЕРА ҲАВОСИДАГИ ЗАРАРЛИ МОДДАЛАРНИ ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ

1. Исмаилходжаев Боходирходжа Шарипходжаевич Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти "Экология ва сув ресурсларини бошқариш" кафедраси профессори
2.Халматов Муслиддин Мухамматович, Андижон машинасозлик институти "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги"кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.M.M.Халматов
3.Мамаева Садоқатхон Иброхим Андижон машинасозлик институти наманган Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси 1-курс магистранти

Кириш. Соғлом турмуш тарзининг асосий шарти сифатида тоза ва мусаффо ҳаво ҳамда имкон қадар тоза табиий муҳит кўрсатилади. Атроф муҳитнинг тозалиги унда мавжуд моддаларнинг миқдорига боғлиқ. Бошқача айтганда, бирор кимёвий модда улуши меъёридан ошса ёки камайса, зарарни келтириб чиқаради. Ҳар бир модданинг фойда ёки зарар экани рухсат этилган миқдорига кўра белгиланади. Ҳатто турмушимизда қўлланиладиган маҳсулот ва истеъмол қилинадиган озиқ-овқатлар таркибидаги кимёвий моддалар меъёрдан ошган тақдирда заҳарга айланиши мумкин. [1]. Табиий йўл билан парчаланмайдиган, ўзаро бирикиб маълум миқдордан ошганида салбий таъсир кўрсатадиган моддалар инсон саломатлиги учун хавфли ҳисобланади. Аксарият инсонлар ёши ўтгач, истеъмол қилинган кимёвий моддалар миқдори рухсат этилган даражадан ошиб кетади. Баъзида эса, истеъмол моллари таркибидаги заҳарли моддалар бир-бирининг кучини ошириб, организмга салбий таъсир кўрсатади. [2]. Натижада касалликлар келиб чиқади.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан тасдиқланган маълумотлар шуни кўрсатадики, қон айланиш тизими касалликлари 14991 тадан 16949 тага, астма 320 тадан 359 тагача, туғма аномалиялар 417 тадан 460 тагача, перинатал даврда пайдо бўладиган айрим ҳолатлар 3339 тадан 4867 га ортган. Шундай ҳолатларни болаларда (1−14 ёш), ўсмирларда (15−17 ёш) ва катталарда ҳам ўсмирлар (18 ёш дан юқори 64 ёшгача) кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда инсонларни ўртача умр кўриши 73,4 ёш (2021 йил Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари) ни ташкил этади. [3].

Кейинги вақтда ҳар томонлама тараққиёт жараёни, инсоният ўзига турли қулайликларни таъминлаш оқибатида атрофида табиат ноқулайликларини келтириб чиқарди. Ер юзида урбанизация жараёни жуда тезлик билан ўсиб бориши оқибатида янги-янги шаҳарлар пайдо бўлмоқда. [4].

Мавзуни ўрганганлик даражаси. Дунёдаги шаҳарларнинг умумий майдони 0,5 мл. кв. км ни, Ер курраси майдонининг 0.3% ни ташкил этади. Дунё аҳолисининг 49 фоизи аҳолиси 100 минг дан ортиқ бўлган шаҳарларда яшайди. Шаҳар аҳолиси Шимолий Америкада бутун аҳолининг 74 фоизини, Европада 71 фоизини, Буюк Британияда 86 фоизини ташкил этади [5]. Радиация баланси шаҳар устидаги ифлосланган ҳавода, шаҳар атрофига қараганда анча фарқ қилади.

Тадқиқотнинг мақсади. Шаҳар ҳавосининг ифлосланиб, чанг миқдорининг кўпайиши ультрабинафша нурларнинг ўтишини камайтиради, бу эса ҳавода касал тарқатувчи бактерияларнинг кўпайишига шароит яратади. Саноатлашган катта шаҳарларда баъзан шамол эсмаслиги, ифлос ҳавонинг бир неча кун туриб қолиши натижасида "смог", яъни заҳарли газ ва чанглардан вужудга келган аччиқ туман пайдо бўлади.

(1− расмда келтирилган газларнинг ҳаракати келтирилган бўлиб, унда баҳор март – апрел май ойларида кўрсатилган ёз июнь –июл август ойларида камлиги кузатилган).

Тажриба натижалари ва таҳлиллари. Ҳавосидан ифлосланиш ҳолатини 2021−2022 йилларда баҳор, ёз, куз ойларини таҳлил қилганимизда баҳор ойларида чанг, SO_2 NO_2 Pb формальдегид миқдорлари ёз ва куз ойидан бир мунча озлиги аниқланди.



1− расм. Ифлослантирувчи газларнинг ҳаракати

Хулоса.Ҳозирда ифлосланишлар олдини олиш учун экология кунлари, дарахтзорларни ташкил этиш, тоза ҳаво ойликлари тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Шу борада транспорт воситаларидан чиқарилган газлар меъёрда бўлиши учун экологик ойлик, экологик танловлар каби амалий тадбирларни системали ташкил этиш таклиф этилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йил 14 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. –"Халқ сўзи" газетаси, Тошкент, 2017 йил 16 январ №11 (6705). 1–3. Б
2. Жўраев И.О. "Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосини чанг ва майда заррачалар билан ифлосланишини ўрганиш" Тошкент, 2012 46-47 б.
3. Халматов М.М. Атмосферадаги зарарли моддаларнинг манзарали дарахтларга таъсирини ўрганиш *(андижон шаҳри мисолида)* Диссертация 2021 й.-28-29 б.
4. А.А.Қаюмов, Ў.Ш.Якубов, А.К.Рахимов. Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш: ўқув қўл.; ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.:"Fan va texnologiya", 2011. – 83-89 б.
5. Health risks of particulate matter from long-range transboundary air pollution. - WHO Regional Office for Europe,2006. - 99 p.

УДК:502.5

ATMOSFERADAGI IFLOSLANTIRUVCHI MODDALARNING TARQALISHINI AERODINOMIK TENGLAMAGA ASOSLANIB GEOFAZOVIY MODELLASHTIRISH.

Qodiro'v Hamidullo Madaminjonivich,
Andijon mashinashozlik instituti "Hayot faoliyati xavfsizligi"kafedrasi katta o'qituvchisi
Halmatov Musliddin Muhammatovich,
Andijon mashinashozlik instituti "Hayot faoliyati xavfsizligi"kafedrasi katta o'qituvchisi

Kirish. Bugungi kunda vujudga keltirilgan butun dunyo sanoat siklida qoloq va rivojlanayotgan mamlakatlar zimmasiga ishlab chiqarishning bu bosqichini o'tashi qonuniyat qilib qo'yilgan [1].

SHu o'rinda O'zbekiston ham rivojlanayotgan davlatlar qatorida hududida atmosferaga zararli moddalar chiqaradigan ishlab chiqarishdan voz kecholmayapti.

Bundan tashqari, Orol dengizi qurishi bilan bog‘liq atmosferanining ifloslanishi tendensiyalarini qo‘shilishi bu muammoni yanada chigallashtiradi [2]. Mamlakatimizdagi yirik shaharlarda vujudga kelgan atmosfera ifloslanishi bilan bog‘liq muammo nafaqat qonunchilik va sotsial islohotlarni talab qiladi, balki mavjud holatni chuqur ilmiy asoslash hamda ushbu asoslar asosida tadbirlar ishlab chiqish maqsadga muvofiq bo‘lardi. Buning uchun zamonaviy ekologik monitoring tizimi, yaxshi o‘ylangan tashkiliy va texnologik bazaga qurilgan modellashtirish usuli kerak bo‘ladi [3]. Ushbu tadqiqot ishida bugungi kunda jahonda qo‘llanilayotgan atmosferaning fizik kimyoviy xususiyatlarini hisobga oluvchi aerodinomik tenglamaga asoslangan modellashtirish usulidan foydalanildi. Tadqiqot ishining ilmiy yangiligi aerodinomik tenglamaning echimlarini bevosita geofazoviy modellashtirish tamoyillariga asoslangan geoaxborot shaklida ishlab chiqilganligidir.

Aerodinamik tenglamani keltirish. Atmosferadagi murakkab jarayonlarni hisobga olgan ifloslanishning tarqalishini matematik ifodalashda aerodinamika massasining ko‘chishi tenglamalariga asoslaniladi [4]. CHiziqli integral tenglama echimiga asoslangan ushbu usul statikaning asosiy tenglamasi hamda geofazoviy modellashtirish tamoyillari yordamida yangi modellashtirish protsedurasi shakllantiriladi. Atmosferada gazlarning holati harorat, bosim va zichlik qiymatlariga bog‘liq bo‘lib, uchtasi holat tenglamasi orqali bog‘lanadi [5].

Atmosfera statikasini hisobga olgan holda havo oqimining modellashtirilayotgan tenglamasi quyidagi ko‘rinishda bo‘ladi:

$$\frac{\partial^2\varphi}{\partial x^2}+\frac{\partial^2\varphi}{\partial y^2}+\frac{\partial^2\varphi}{\partial z^2}=0$$

Bu erda: φ potensial tezlik.

Nazariy jihatdan ideal sharoitda havo oqimi vektorlari bilan quyidagicha bog‘lanishni hosil qiladi:

$$u=\frac{\partial\varphi}{\partial x},\ v=\frac{\partial\varphi}{\partial y},\ w=\frac{\partial\varphi}{\partial z}.$$

Bu erda: u, v, w lar vektorlar.

Ifloslantiruvchi chiqindilarning atmosferaga tarqalishini modellashtirishda quyidagi tenglamadan foydalanamiz:

Geofazoviy modellashtirish. Modellashtirish bosqichma-bosqich geostatistik hisoblash talablarini bajarish orqali kechadi. Birlamchi ma'lumotlar asosiy trassalarda olinganligini hisobga olsak kuzatilgan iflosalantiruvchi moddalar qatorini N va uning geografik joylashuvini $\{x_k, k=1,\dots,N\}$ sifatida keltiramiz. Bu erda, x lar ma'lum (xyz) koordinatada joylashgan. Kriging geostatistik usuli yordamida bir qancha x_o larni oraliq masofa va miqdorlar tarqoqligi bo‘yicha echimga asoslangan funksiya yordamida hisoblaymiz:

Olingan natijalar va ularning muhokamasi. Tadqiqot natijalariga ko'ra SO_2 ning atmosferadagi konsentratsiyasi asosan yoz va kuz oylarida oshadi. Bu tendensiya chang moddalar konsentratsiyasiga daxldor emas.

Olingan natijalarga ko'ra SO_2 ning nisbatan yuqori konsentratsiyasi bahorda CHo'lpon va A.Navoyi ko'chalari bo'ylab har ikki tomonga 0.22-0.25 mg/m^3 li maydonni hosil qiladi. YOzga kelib bu areal nisbatan janubga siljib maydonini kengaytiradi va konsentratsiya oshib 0.38-0.40 mg/m^3 ga etadi. Kuz oylarida ushbu hududlarda SO_2 miqdori boshqa hududga nisbatan biroz pasayyadi (1-rasm). Tadqiqot o'tkazilgan 2019 yilning kuz mavsumida hududning 73% ida SO_2 konsentratsiyasi 0.34-0.37 mg/m^3 ni tashkil qilgan. Xuddi SO_2 singari chang moddalarning atmosferada tarqalishiam beqaror va mavsumiylik kasb qiladi. Bahor va yoz oylarida chang miqdorining yuqori konsentratsiyasi A.Temur va CHo'lpon ko'chalari bo'ylab areal hosil qilgan mintaqada bo'lib, 0.30 0.45 mg/m^3 gacha bo'ladi. Kuzga kelib bu areal keskin o'zgarib Bobur ko'chasi bo'ylab keng palasa hosil qiladi va konsentratsiya 0.40 mg/m^3 gacha bo'ladi. Tadqiqotlarga Andijon shahrida eng toza hudud Navoyi bog'i atroflari ekanligi aniqlandi. Bu maydonda chang miqdori 0,05 mg/m^3 va SO_2 0.25 mg/m^3 gacha bo'ladi.

Xulosa. Tajriba natijalari shuni ko'rsatadiki Andijon shahrida olib borilgan tajribalarda Navoiy bog', CHo'lpon, Navoiyshoh, Boburshox va Amir Temir ko'chalaridagi atmosferadagi ifloslantiruvchi moddalarning tarqalishi juda sust kechadi. Ayniqsa, yoz oylarida shamol tezligi va havo namligining pastligi ifloslantiruvchi moddalarning atmosferaning quyi bevosita inson nafas oladigan 10 metrgacha bo'lgan qatlamida yig'ilib qolishiga sabab bo'ladi. SO_2 ning yuqori konsentratsiyasi mavsumiylik kasb etib, asosan yoz va kuz oylarida oshadi. CHang moddalar esa yil bo'yi bir xilda bo'ladi. SHaharning atmosferasi eng toza hududi A. Navoyi bog'i ekanligi aniqlandi va bu hududda SO_2 miqdori 0.25 mg/m^3 va chang moddalar 0,05 mg/m^{3}gacha bo'ladi.

Adabiyotlar

1. «Sovещanie Koordinatsionnoy gruppы VEKSA i Selevoy gruppы po texniko-ekonomicheskim voprosam Konvensii o transgranichnom zagryaznenii vozduxa na bolshie rasstoyaniya» 19-20 sentyabrya 2018 goda, g. Sankt-Peterburg, Rossiyskaya Federatsiya. N. Rustamova, A. SHabanov. 7
2. Borba s zagryazneniem atmosfernogo vozduxa trebuet mejdunarodnogo sotrudnichestva. /Nauchnыy otchet ob otsenke konvensii EEK OON o transgranichnom zagryaznenii vozduxa na bolshie rasstoyaniya. 19 s.
3. Telichenko, V. Method of statistical data processing safety ecological monitoring combined heat and power station in the megalopolis territory [Elektronnыy resurs] // V. Telichenko, M. U. Slesarev, T. V. Kusovkina // MATEC Web Conf., 86 (2016). - P.05006 - URL: http://dx.doi.org/10.1051/matecconf/20168605006

4. Xrgian A.X. Fizika atmosferы. V 2-x t. -L.: Gidrometeoizdat, 1978. T.I – 247 s., T.II – 319 s
5. Biliaiev, M. Numerical Simulation of Indoor Air Pollution and Atmosphere Pollution for Regions Having Complex Topography /M. Biliaiev // NATO Science for Peace andSecurity Series C: Environmental Security. – 2011. – P. 87–91. doi: 10.1007/978-94-007-1359-8_15

КИМЁВИЙ ХАВФЛИ ОБЪЕКТЛАРДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Жалилов Аҳмадбек Икромжон ўғли, Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси ассистенти.
Андижон машинасозлик институти, Андижон шаҳри, Ўзбекистон республикаси.

Ҳозирги кунда аҳоли яшаш шароитини такомиллаштиришда кимё саноатининг ўрни катта ҳисобланади. Кимё саноати кимёвий моддалардан тортиб, маиший кимёвий моддалар, тиббий дори-дармонлар, қишлоқ хўжалиги ўсимликларини муҳофаза қилувчи гербицит, пептицидлардан тортиб, минерал ўғитлар ҳамда қурилиш соҳасида лак-бўёқ моддаларидан ташқари бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқиши билан иқтисодиётимизда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида республика аҳолиси ва ҳудудларини муҳофаза қилиш соҳасида бир қатор муаммоли масалалар мавжудлиги хақида тухталиб ўтилган, хусусан, табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудлар хавфсизлигини таъминлашни прогнозлаш, хавфни баҳолаш, кузатиш ва назоратини амалга ошириш масалалари билан шуғулланувчи бир қатор ихтисослаштирилган муассасалар фаолият юритаётган бўлишига қарамасдан, фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш ва прогнозлашнинг таъсирчан тизими яратилмаган, бунинг оқибатида зилзилалар, хавфли гидрометеорологик ҳодисалар, экзоген геологик жараёнлар, техноген хусусиятли авария ва ҳалокатларнинг таҳдидини ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларнинг юз бериш хавфини аниқлаш тўлиқ амалга оширилмаяпти деб таъкидлаб ўтилди [1].

2017-2021йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида республика миқёсида фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф

этиш тизимини такомиллаштиришга оид вазифалар белгилаб қўйилди. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган [2].

Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар технологик халокатларнинг оғир оқибатларни келтириб чиқарувчи техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан бири ҳисобланади. Кимёвий хавфли объектларда бир вақтнинг ўзида бир неча минг тоннага яқин кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар (КТЗМ) ишлаб чиқарилади, сақланади ҳамда ишлатилади. Кимёвий авариялар оқибатида заҳарли моддаларнинг атроф мухитга тарқалиши кишиларнинг, хайвонларнинг оммавий заҳарланиши, қурбон бўлиши ҳамда ҳаво, сув, тупроқнинг ифлосланишига олиб келиши хеч кимга сир эмас.

Кимёвий хавфли объект - иқтисодиёт корхонаси бўлиб, фаолият кўрсатиш даврида содир бўлиши мумкин бўлган ҳалокат туфайли одамларнинг оммавий тарзда захарланиши, кимёвий захарли моддаларнинг атроф-муҳитга тарқалиши кузатилиши мумкин [3].

Кимёвий авариялар билан боғлиқ фавқулодда вазият натижасида заҳарли моддалар таъсирида одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар кўплаб жабрланади.

Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар (КТЗМ) бу саноатда ишлатиладиган, атроф муҳитга чиқиб ёки оқиб кетиши натижасида заҳарланиш зонаси ҳосил бўлишига олиб келадиган кимёвий моддалардир.

Республикамизда аммиак, хлор, сульфат кислотаси, азот кислотаси каби кимёвий хавфли моддаларнинг катта заҳираларига эга 279 та иқтисодиёт объектлари мавжуд бўлиб, улардаги умумий кимёвий моддалар заҳираси тахминан 400 минг тоннани ташкил этади[5].

Ер юзида йилига КТЗМ нинг тарқалиши билан боғлиқ минглаб авариялар содир бўлиши кузатилади. 1989 йили Литванинг Ионава шаҳрида юз берган кимёвий авария натижасида 7 минг тоннага яқин суюқ аммиакнинг завод ҳудудига тўкилиши оқибатида 10 минг м^2 юзага эга бўлган заҳарли суюқлик кўли ҳосил бўлган [4]. Авария натижасида табиий газ қувурининг шикастланиши оқибатида тарқалган табиий газ ва кучли буғланаётган аммиак билан аралашиб, кучли ёнғин келиб чиқиши оқибатида оловнинг ер юзасидан бир неча метр баландликка кўтарилганлиги кузатилган. Ёнғин нитрофоска сақланадиган омборга ўтиб кетиб, унинг термик парчаланиши натижасида яна бир заҳарли газнинг атмосферага ажралиб чиққишига сабаб бўлган. Авария натижасида ҳосил бўлган заҳарланиш зонасининг узунлиги 30 км ни ташкил этган, лекин заҳарланган ҳаво булути аҳоли яшамайдиган ҳудудга тарқалганлиги сабабли, аҳолининг заҳарланиши кузатилмаган. Кимёвий аварияни бартараф этишга 982 киши ва 241 та техника жалб этилган.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 август кунидаги "Фавқулодда вазият хавфи ёки содир бўлганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ҳабар бериш ва маьлумот (ахборот) етказишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш ва ривожлантириш тўғрисида"ги 601-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги "Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида"ги 455-сонли Қарори.
3. В.А. Басуров, Н.И. Зазнобина. Химическая безопасность.учеб. пособие / – Нижний Новгород: Нижегородский госуниверситет, 2016.– 98 с.(13)
4. Ф.А. Абидова, З.А. Икрамова, О.М. Собиров**.** Кимёвий хавфли объектларда авария содир бўлиш эҳтимоллигини баҳолаш ҳамда аварияларниолдини олиш тадбирларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар. Ўзбекистон композицион материаллар илмий-техник ва амалий журнал. №3.2020 266-270б
5. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси. "Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида" миллий маъруза.:Т 2008,-Б. 169.

ANIMATSION DARSLIK YARATISH VA UNING AXAMIYATI

Mo'minov Saidasror
Andijon Mashinasozlik institute, Mashinasozlik texnologiyasi fakulteti,
Payvandlab ishlab chiqarish texnologiyasi va jihozlari yo'nalishi 2-kurs magistri

Anotatsiya

Berilayotgan taklifning mazmuni: Ushbu anotatsiyani tayyorlash jarayonida hozirgi kunda elektron darsliklarni ta'lim sohasida tutgan o'rni va ahamyati hamda ularni yaratilish jarayonida kerak bo'ladigan bilim va ko'nikmalarga alohida e'tibor berildi.

Hozirgi kunda elektron darsliklar sanoati va poligrafiya sanoati o'zaro raqobatga kirishgan va o'z navbatida ikkalasini ham ta'lim sohasida o'ziga xos o'rni va roli mavjud. Biz hozir ikkalasini bir-biridan yaqqol ustun deya olmaymiz. Elektron darslik ham poligrafik darslik ham ta'lim sohasining ajralmas qismi hisoblanadi. Lekin shuni tan olish lozimki elektron darsliklar tobora rivojlanib o'z o'rnini topib bormoqda. Buning natijasida esa yaratilayotgan elektron darsliklar sifati, qulayliklari,

qo'shimcha imkoniyatlarini tadbiq qilish hamda yaratilishdagi muammo va kamchiliklarni bartaraf etish masalasi yuzaga keladi.

O'tkazilgan tadqiqotlar natijasida shular ayon bo'ldiki elektron darsliklardan darsda foydalanish pedagogga katta yordam beradi. O'quv materialining elektron taqdimotda animatsiyalar shaklida berilishi o'tilayotgan mavzuni tushunishni yengillashtiradi va ko'rgazmalilikni oshiradi. Namoyish slaydlarini o'quvchilarga tarqatma material sifatida ham berish mumkin.

Elektron darsliklarni loyihalashtirish ishlab chiqish va o'quv jarayonida keng foydalanish dolzarb masalaga aylanmoqda, chunki ulardan ommaviy ravishda ta'lim sohasida qo'llanila boshlandi. Oxirgi vaqtlarda elektron nashrlarni turli xillari yaratilib, ular o'z tarkibiga masofaviy o'qitishning kompleks tizimigacha qamrab olmoqda.

Ushbu sohaning yangiligi va o'quv-uslubiy ta'minotning yo'qligi ishlab chiqilayottan elektron darsliklarning sifat darajasiga jiddiy ta'sir ko'rsatmoqda. Bundan tashqari, darsliklarni yaratishning yagona standartlari majud emasligi va dasturiy vositalarining turli ishlab chiqaruvchilar tomonidan yaratilishi elektron darsliklarni o'quv jarayonida samarali qo'llashga to'sqinlik qilyapti deyish mumkin.

Elektron darsliklar yaratish texnologiyasi ham aynan axborot texnologiyalarining ajralmas bir bo'lagi hisoblanadi. Shu munosabat bilan elektron darsliklar yaratish texnologiyasini ma'lum bir modelini va o'quv uslubiy majmuasini ishlab chiqish dolzarb masalaga aylangan.

Ta'lim oluvchilarning bevosita elektron darsliklar yaratish fanidan o'quv uslubiy majmuasi va unformatsion modelini ishlab chiqish hamda ularga ushbu fanni o'rganishlari uchun kerakli ma'lumotlarni yaratish hamda yuzaga keladigan muammolarni bartaraf etish. Bu borada elektron darsliklar yaratishni zamonaviy o'qitish texnologiyalari asosida samarali tashkil qilish yo'llari tavsiya qilindi

Bevosita izlanish mohiyatidan kelib chiqib, talabalarning mustaqil ta`lim olish samaradorligini oshirish uslublarini izlab topishga qaratildi. Mazkur muammoni hal etish maqsadida fanning ishchi o'quv dasturini ishlab chiqildi.

Elektron taqdimotlardan darsda namoyish va ko'rgazmali material sifatida foydalanish pedagogga katta yordam beradi. O'quv materialining elektron taqdimotda animatsiyalar shaklida berilishi o'tilayotgan mavzuni tushunishni yengillashtiradi va ko'rgazmalilikni oshiradi. Namoyish slaydlarini o'quvchilarga tarqatma material sifatida ham berish mumkin.

Slaydlarga nisbatan o'quvchilar o'zlarining fikrlarini yozadi va bu orqali ular axborotlar bilan ishlashning quyidagi malakalariga ega bo'ladilar:

•grafik axborotlarni matn shakliga keltirish yoki teskarisi;
•muhokama etilayotgan mavzu bo'yicha xulosalar va savollarni shakllantirish;
•o'zining o'quv-bilish faoliyatini rejalashtirish.

Bunday metodika o'qituvchiga yangi axborotlarni ko'paytirib borish, o'quvchilarning tayyorgarlik darajasi o'zgarishi bilan ma'lum bir mavzuga mo'ljallangan slaydlarni takomillashtirib borish imkoniyatini beradi.

Adabiyotlar

4. *"3D kompyuter grafikasi". ScienceDaily. Olingan 2021-04-19.*
5. *"Kompyuter grafikasi va animatsiyasining tarixiy xronologiyasi".*
6. *"Kompyuter grafikasi".*

УДК 502.5(203)

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ИФЛОСЛАНИШИДАН ИНСОНЛАРГА ЕТКАЗИЛАЁТГАН ЗАРАРЛАРНИ ТАҲЛИЛЛИ

1.Турсунов Ҳ, Андижон машинасозлик институти "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги"кафедраси ўқитувчиси
2. Яхшимшимуродов Оғабек Махсет ўғли, Йўлдашев Шермухаммад Рахматилло ўғли Андижон машинасозлик институти " Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" кафедраси ММ va ТХ К-30-20 талабалари

Кириш. Атмосфера ҳавосини ифлосланиши деб, бир сўз билан айтганда, ҳаво таркибига бегона моддалар ва қўшимчаларнинг меъёридан ортиқ тўпланишига айтилади. Ҳавонинг ифлосланиши табиий ёки сунъий (антропоген) бўлади. Биз ҳавони сунъий ифлосланишини таҳлил қилишимиз асосли ҳисобланади. Антропоген ифлосланиш асосан транспорт воситаларида, саноат корхоналарида ва энергия ишлаб чиқарувчи тармоқларда органик ёнилғилардан фойдаланиш натижасида ҳосил бўладиган чиқиндилар ва ажратмаларнинг ҳаво ҳавзасига тушиши оқибатида содир бўлади[1].

Саноатда, транспорт воситаларини ишлатишда ва қишлоқ хўжалигида бажариладиган ишларнинг деярли ҳаммасида чанг хосил бўлиши ва ажралиши кузатилади. Умуман чангларнинг турлари, уларнинг келиб чиқиш манбаларини ҳисобга олиб, уларни табиий ва сунъий чангларга бўлиб қаралади [2].

Мавзуни ўрганганлик даражаси. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани ишлаб чиқариш ё ва ҳаётда инсонлар нормал ҳаЁт кечириши, ишлаб чиқариш

амалиЁтида эса ишловчиларга нормал меҳнат шароитини яратиш хисобига кишиларни жароҳат олиши, касалланиши ва заҳарланишини камайтириб меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилганди [3]. Бунинг ҳисобига ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодий самарадорликка эришилади.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида фаолият кўрсатишига ўтиши, давлат корхоналарининг сони камайиб бориши, хусусий характердаги корхоналарни кўпайиб бориши кузатилмоқда.

Бу корхоналарда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат мухофазаси хизматини маълум даражада назоратдан чиқишига сабаб бўлмоқда. Манбалардан олинган маълумотларга қараганда табиий ва бошқа турдаги фалокатлар, офатлар ва авариялар сони бутун ер юзи бўйлаб кўпайиб бормоқда у 1990 йилда 1960 йилга нисбатан икки марта ошган [4]. Жаҳонда содир бўлаётган умумий фалокатларнинг 55-60 фоизи кейинги 15-20 йил ичида юз берганлиги аниқланган. Дунёдаги барча ривожланган корхоналарда, фирмаларда, бирлашмаларда мақсадга эришиш ва ишни муваффақиятли амалга ошириш учун ишловчиларга хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, яъни хавфсизликни таъминлаш тадбирлари ривожлантирилади, яъни штат бирлиги белгиланади, ҳимоя техник воситалари аниқланади, махсус кабинет режалаштирилади [5]. Корхоналар ишловчилар сонига қараб меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис тайинланади. Ишловчиларни янгидан ишга қабул қилишда техника хавфсизлиги тайёрлигидан ўтказилади. Уларни меъёр бўйича белгиланган муддатда қайта ўқитиш ва аттестациядан ўтаказиш ишларини ташкил этилади. Ишлаб чиқариш чангининг ишчилар саломатлигига зарарли таъсири кўп омилларга боғлиқ бўлади. Уларга биринчи навбатда чанг зарраларининг физик-кимЁвий ҳоссалари, катталиги ва шакли, ҳаводаги чангнинг миқдори, смена давомида таъсир этиш муддаати ва касбда ишлаш даври, муҳит ва меҳнат фаолияти каби бошқа омилларнинг бир вақтда таъсир этиши киради. Масалан, ташқи ҳарорат кўтарилганда ёки киши жисмоний меҳнат билан шуғулланганда тез-тез нафас олиш натижасида организмга чанг кириш даражаси ошади. Бир вақтда чанг таркибида радиоактив аэрозолларнинг бўлиши ва ҳаводаги бошқа газлар таъсири чангнинг организмга зарарли таъсирини кучайтиради. Организмнинг чанг таъсирига кўрсатган зарарланишида шаҳсий фарқланиш бўлади, бу нафас йўлларининг фильтрлаш ҳусусияти, биологик қаршилик ва бошқаларга боғлиқ[6].

Тажриба натижалари ва таҳлиллари. Мамлакатимиз маъмурий ва саноат марказларида ҳаво ифлосланишининг ҳозирги даражада қаттиқ зарралар аралашмаси, айниқса, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) стандартлари билан таққослаганда юқори эканлиги кўринади. Навоий, Нукус, Тошкент шаҳарларида ҳавонинг ифлослик даражаси энг юқори [7].



1-расм. Антропоген

1-расм. Антропоген ва табиий чанг манбалари ҳажмининг таққосланиши.

Чанг ажралишнинг гигиеник таъсиридан ташқари яна бошқа салбий томонлари бор: у технологик жиҳозларнинг емирилишини тезлаштиради, қимматбаҳо материалларни ишдан чиқариб иқтисодий зарар етказади.

Хулоса. Баъзи бир чанглар қўшимча касалликлар туғдириш хусусиятига эга. Чангнинг бу асосий бўлмаган таъсири юқори нафас йўллари, кўзнинг шиллиқ қавати, тери қоплами касалликларида кўзга ташланади. ўпка йўлига кириши пневмония, сил, ўпка ракининг келиб чиқишига шароит яратиши мумкин.

Адабиётлар

1. Ёрматов Ғ.Ё., ва бошқалар. Ҳаёт фаолият хафвсизлиги. – Т. Алоқачи. 2009. – 195 б.

2. Зокиров А. Шаҳар атмосфераси. – Т.: Меҳнат. 2007. – 204 б.

3. Исмоилхўжаев Б. Определения тежалых и токсичный металов как загрязинтлей окружающей среды. – Т.: 2008 й.

4. Онищенко, Г. Г., 2009. Организация мониторинга загрязнения атмосферного воздуха мелкодисперсными частицами.

5. Ўзбекистон Республикаси Атроф муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси. Тошкент. 1998.-28-32 Б.

6. Амонов, М., Клейборн, К., Нарбаев, Н., Нишонов

7. Жўраев И.О. "Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосини чанг ва майда заррачалар билан ифлосланишини ўрганиш" Тошкент, 2012 7-8 б.

ДВУМЕРНАЯ НЕСТАЦИОНАРНАЯ ЗАДАЧА О НАБЕГАНИИ ПЛОСКОЙ СТУПЕНЧАТОЙ ВОЛНЫ СЖАТИЯ ЦИЛИНДРИЧЕСКОЙ И СФЕРИЧЕСКОЙ ПОЛОСТЯМИ В ГРУНТЕ

Джалилова Тургуной Абдужалиловна – Андижанский институт машиностроения, кандидат физико-математических наук, доцент.
Халилов Муродилжон Дурбек огли – Преподаватель Андижанского машиностроительного института.
E-mail: Xalilov.M.1993@mail.ru

Рассматривается двумерная нестационарная задача о набегании плоской интенсивной ступенчатой волны сжатия на цилиндрическую и сферическую полость в упругопластическом грунте [1]. Процессы дифракции упругих волн на полостях были рассмотрены в работах [2-4]. В данной работе, в отличие от [2-4], задачи дифракции плоском ступенчатой волны на полостях решаются численно с учетом упругопластическим деформаций грунта [1] при выполнении обобщенного условия пластичности $\sigma_i = \sigma_i(\varepsilon, \varepsilon_i)$, где $\varepsilon, \varepsilon_i$ – первый и второй инварианти тензора деформации, σ_i – второй инвариант тензора напряжений. Условие пластичности $\sigma_i = \sigma_i(\varepsilon_i)$ по схеме Прандля использовано в [4]. При численном решении задача дифпакции плоской волны сжатия на жестком подвином цилиндре в упругопластической среде.

Пусть фронт плоской волны в момент $t = 0$ касается поверхности полости. По заданной интенсивности волны требуется при $t > 0$ определить поля напряжений грунта около полости и движение ее стенок в области дифракции волн. Поскольку задача является двумерной нестационарной, то все последующие рассуждения относятся к плоскости сечения полости, расположенного в плоскости движения падающей плоской волны, и решения задач зависят только от координат r, θ и времени t. В этом случае уравнения движения среды и связи между компонентами деформация и производными от радиального и кольцевого перемещений $u(r, \theta, t)$, $v(r, \theta, t)$ приведены в [1].

Кроме того согласно деформационной теории [1] зависимости между компонентами напряжений и деформаций имеют вид:

$$\sigma_{rr} = \lambda\varepsilon + 2G\varepsilon_{rr}, \dots, \sigma_{r\theta} 2G\varepsilon_{r\theta}, \qquad (1)$$

$$\lambda = \frac{\sigma(\varepsilon)}{\varepsilon} - \frac{2}{9} \cdot \frac{\sigma_i(\varepsilon, \varepsilon_i)}{\varepsilon_i}, G = \frac{1}{3} \cdot \frac{\sigma_i(\varepsilon, \varepsilon_i)}{\varepsilon_i}, \qquad (2)$$

где $\sigma(\varepsilon) = \dfrac{\sigma_{rr} + \sigma_{\theta\theta} + \sigma_{\varphi\varphi}}{3}$ – первый инвариант тензора напряжений.

Для проведения расчетов экспериментальный кривые $\sigma(\varepsilon)$ и $\sigma_i(\varepsilon, \varepsilon_i)$, получкнные в [2] при трехосном сжатии и разгрузке мелкозернистого песка, разбивались на ряд участков, каждый из которых аппроксимирован

интерполяционным полиномом. Конкретные их выражения приведены в [3] и из-за громоздкости они здесь не приводятся.

Начальными условиями задачи являются параметры грунта за фронтом плоской волны, которые считаются заданными функциями времени (см. [4]).

В качестве граничных условий принимаются условия отсутствия нормального и касательного напряжений на границе полости, т.е.

$$\sigma_{rr} = \sigma_{r\theta} = 0 \text{ при } r = r_0. \qquad (3)$$

Для решения задач применяется метод конечных разностей [3]. С этой целью исследуемая область с внутренней $r = r_0$ и внешней условной $r = R_1 \approx (5 \div 10)\ \ r_0$ границами, представляющая собой прямоугольник $r_0 \le r \le R_1,\ 0 \le \theta \le \pi$, покрывается сеткой с размерами по радиусу Δr и углу $\Delta\theta$. Шаг по времени Δt выберается с учетом выполнения условия устойчивости разностной схемы

$$\frac{a_0 \Delta t}{\Delta r} < \frac{1}{2},$$

где a_0 – скорость распространения упругой волны. В соответствии с методикой [4] для вычисления во внутренних точках области дифпакции значений частных производных по r и θ, участвующих в основных уравнениях задачи, функций используется разностная схема «пространственный крест» с аппроксимацией второго порядка точности.

С целью «размазывания» скачков параметров и «гашения» колебаний предусматривается исскуственная вязкость с коэффициентом K_1 и вводится псевдонапряжение вида:

$$\sigma_{rr}^{\text{B}} = \sigma_{\theta\theta}^{\text{B}} = \sigma_{\varphi\varphi}^{\text{B}} = K_1 \left(\frac{\partial \varepsilon}{\partial t}\right)^2, \qquad (4)$$

$$\text{где } K_1 = C_4^2 \cdot p_0 \cdot r \cdot \Delta\theta \cdot \frac{\Delta r}{(1+\varepsilon)}, \qquad C_4 \approx 1,$$

p_0 – начальная плотность, ε – объемная деформация грунта.

Предложенная разностная схема проверялась на задачах о дифракции упругой волны на полостях цилиндрической и сферической формы [2, 3, 4]. Результаты данной работы по величинам напряжений и кинематических параметров упругой среды в области дифракции волн находятся в удовлетворительном соотвествии с аналогичными результатами ранее выполненных работ [2, 3, 4].

Конкретные расчети на ЭВМ проведены для упругопластического грунта [4] в случае, когда на полость воздействует интенсивная плоская волна со ступенчатой нагрузкой $\sigma_0(t) = \sigma_0 = 10$ МПа
и размеры расчетной области, ячеек и шага по времени имеют значения:

$$r_0 = 5 \text{ м}, R_1 = 40\text{м}, \Delta r = 0{,}5 \text{ м}, \Delta\theta = \frac{\pi}{30}, \Delta t = 2 \cdot 10^{-5}\text{сек.} \qquad (5)$$

Некоторые результаты этих расчетов представлены на рис. 1-3, причем рис. 1, 2 относятся к сферической, а рис. 3 – к цилиндрической полости.

Из рис. 1-3 видно, что переходной процесс в области дифракции волн в упругопластичечкой среде, в отличие от упругой среды, имеет волнообразный характер и обладает большой длительностью. Эти обстоятельства обусловлены влиянием волны разгрузки на распределение параметров грунта вокруг полости. Упругопластическое кольцевое напряжение $\sigma_{\theta\theta}$ на сферической полости по максимальным значениям получается при $\theta = 0$ больше, а при $\theta = \frac{\pi}{2}, \pi$ меньше соответствующего упругого напряжения. Причем в интервале времени $0 < t \leq 5 \cdot 10^{-3}$ сек кольцевой напряжение $\sigma_{\theta\theta}$ при упругих и упругопластических деформациях среды не меняет знак и является сжимающим.

Если функция обьемного сжатия грунта $\sigma = \sigma(\varepsilon)$ является линейной функцией деформации ε, т.е. грунт по обьемному сжатию является упругой и по формоизменению $\sigma_i = \sigma_i(\varepsilon, \varepsilon_i) -$ упругопластической средой, то амплитуда кольцевого напряжения $\sigma_{\theta\theta}$ в лобовой точке $\theta = 0$ находится между значениями $\sigma_{\theta\theta}$, вычесленными для упругой и упругопластической как по $\sigma(\varepsilon)$ так и по $\sigma_i(\varepsilon, \varepsilon_i)$ сред, а при $\theta = \frac{\pi}{2}$ и $\theta = \pi$ является наименьшей Кривый радиальной $\dot{u}$ и тангенциальной $\dot{v}$. Скорости упругопластического грунта на сферической полости соответственно при $\theta = 0$ $\left(\frac{\pi}{2}, \pi\right)$ и при $\theta = \frac{\pi}{2}$ по абсолютной величине расположены ниже (выше), чем соответствующие кривые скорости для упругой среды. Кроме того следует заметить, что параметри сферической полости $\sigma_{\theta\theta}$ и $\dot{v}$ в точке $\theta = \frac{\pi}{2}$ выходят к статическим значениям для упругой (пластической по формоизменению) среды в момент времени, когда плоская волна прошла расстояние, равное 4 радиусам (6 радиусам) сферической каверны. В этих случаях величина $\dot{v}$ при $\theta = \frac{\pi}{2}$ становится равной величине скорости грунта в падающей волне, а асимптотики $\sigma_{\theta\theta}$ имеют значения $|\sigma_{\theta\theta}| = 17$ и 7,4 Мпа. В рассматриваемом интервале времени переходной процесс в упругопластической задаче еще продолжается и асимптотические значения ее параметров наступают несколько позже.

Сопоставление результатов расчета задач о набегании плоской ступенчатой волны на сферическую и цилиндрическую полость в грунте показывает, что напряжение $\sigma_{\theta\theta}$ и скорости $\dot{v}$, $\dot{u}$ грунта на границе сферической полости имеют наи большие значения, чем на границе цилиндрической полости. Следовательно «концентрация» напряжений на сферической полости сравнительно высока. Однако величины $\sigma_{\theta\theta}$ вокруг сферической полости в замисимости от расстояния R, начиная с границы полости, затухают сильнее, чем величины $\sigma_{\theta\theta}$ вокруг цилиндрической полости. Изучая поведение кривых $\sigma_{\theta\theta}$ при $r = r_0$ в зависимости от угла θ и по максимальным величинам следует подчеркнуть, что учет необратимых свойств грунта приводит к существенному измемению распределения напряжения $\sigma_{\theta\theta}$ на границах сферической и цилиндрическоц полости.

Литература

[1]. Рахматулин Х.А., Алексеев Н.А. Вопросы динамики грунтов. М.: Изд-во МГУ, 1964, 239 с.

[2]. Эргашов С., Комильжонов Б., Халилов М. Применение дифференциальных уравнений к решению некоторых задач механики и физики // Научно-технический журнал Наманганского института инженерных технологий 430-433 с.

[3]. Рахматулин Х. А., Атабаев К., Мамадалиев Н. Движение жесткого цилиндра в упругопластической среде под действием плоской волны сжатия. // «Вопросы вычислительной и прикладной математики». Вып.63, Ташкент, 1981, с. 18-29.

[4]. Джалилова Т., Комолова Г., Халилов М. О распространении сферической волны в нелинейно-сжимаемой и упругопластической среде. Инновационные, образовательные, естественные и социальные науки. Том 2 | выпуск 3 номер 2181-1784. март 2022 г., 87-92 с.

TEXNIKA MASALALARINI MATRITSA YORDAMIDA HISOBLASH

Xalilov Murodiljon Durbek o'g'li – Andijon Mashinasozlik Instituti o'qituvchi.

Tel: +998-94-100-45-93 E-mail: Xalilov.M.1993@mail.ru

Komiljonov Bobur Komiljon o'g'li – Andijon Mashinasozlik Instituti o'qituvchi. Tel: +998-93-782-50-94

Eng sodda elektr zanjiri ikkita komponentadan, elektr manba va rezistordan iborat (bu yerda E elektr potensial voltlarda (V) o'lchanadi, R qarshilik Omlarda (Ω) o'lchanadi). Biz (A) amperlarda o'lchanadigan elektr tokini aniqlash bilan qiziqamiz.

Ba'zi hollarda ikki nuqta orasidagi elektr potensial ikki nuqta orasidagi *kamayuvchi kuchlanish* deb ataladi. Elektr toki va kamayuvchi kuchlanish musbat yoki manfiy bo'lishi mumkin.

Elektr zanjiridagi elektr toki oqimi quyidagi uchta qoida orqali boshqariladi:

- Om qonuni: $E = IR$ formula bilan berilgan bo'lsa ham o'tayotgan I elektr toki bilan R qarshilik yordamida resistor orqali E kuchlanish kamayadi;
- Toki kuchi qonuni: ichki ixtiyoriy nuqtadagi elektr toki oqimining yig'indisi tashqi nuqtaning elektr toki oqimlarining yig'indisiga teng;
- Kuchlanish qonuni: ixtiyoriy yopiq halqa bo'ylab kamayuvchi kuchlanishlar yig'indisi nolga teng.

Ixtiyoriy halqa bo'ylab, soat mili bo'yicha musbat yo'nalishni tanlaymiz va soat miliga qarama-qarshi yo'nalishni esa manfiy yo'nalish deb olamiz.

- Resistor bo'ylab kamayuvchi kuchlanish agar elektr toki oqimlari halqaning musbat yo'nalishida bo'lsa, u holda musbat va agar elektr toki oqimlari halqaning manfiy yo'nalishida bo'lsa, u holda manfiy olinadi;
- Elektr manba bo'ylab kamayuvchi kuchlanish agar halqaning musbat yo'nalishi $"+"$ dan $"-"$ ga o'tsa, u holda musbat va agar halqaning manfiy yo'nalishi $"-"$ dan $"+"$ ga o'tsa, u holda manfiy bo'ladi.

Misol: Quyidagi chizmada ko'rsatigan elektr zanjirni qaraylik (2-chizma):



Biz I_1, I [illegible] ada eelektr toki qonunini ta[illegible] uqtaga ham elektr toki qonunini tadbiq qilsak, u holda yana o'sha natijaga ega bo'lamiz. Bundan quyidagi chiziqli tenglamaga ega bo'lamiz:

$$I_1 + I_2 - I_3 = 0$$

So'ngra, dastlab chap tomondagi halqani qaraylik va soat mili bo'yicha yo'nalishni musbat yo'nalish deb qaraylik. Om qonuniga ko'ra 8Ω resistor bo'ylab $8I_1$ kamayuvchi kuchlanish bo'lsa, 6Ω resistor bo'ylab esa $-6I_2$ kamayuvchi kuchlanish va 5Ω resistor bo'ylab esa $5I_1$ kamayuvchi kuchlanish bo'ladi. Boshqa tomondan esa,

halqaning musbat yo'nalishi "—" dan "+" ga o'tganligi sababli elektr manba bo'ylab manfiy $20V$ kamayuvchi kuchlanish o'tadi. Bu halqaga kuchlanish qonunini tatbiq qilsak, u holda

$$8I_1 - 6I_2 + 5I_1 - 20 = 0$$

ni hosil qilamiz va quyidagi chiziqli tenglamaga ega bo'lamiz:

$$13I_1 - 6I_2 = 20$$

Endi o'ng tomondagi halqani qaraylik va soat mili bo'yicha yo'nalishni musbat yo'nalish deb olaylik. Om qonuniga ko'ra 8Ω resistor bo'ylab $8I_1$ kamayuvchi kuchlanish bo'lsa, o'ngdagi 8Ω resistor bo'ylab $8I_3$ kamayuvchi kuchlanish bo'lsa, 5Ω resistor bo'ylab esa $5I_1$ kamayuvchi kuchlanish bo'ladi. Boshqa tomondan esa, halqaning musbat yo'nalishi "—" dan "+" ga o'tganligi sababli har bir holda elektr manba bo'ylab manfiy $30V$ va $20V$ kamayuvchi kuchlanish o'tadi. Bu halqaga kuchlanish qonunini tatbiq qilsak, u holda

$$8I_1 + 8I_3 + 5I_1 - 50 = 0$$

ni hosil qilamiz va quyidagi chiziqli tenglamaga ega bo'lamiz:

